

М.Х. РУСТАМБОВЕ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА  
ШАРҲЛАР

МАХСУС ЎҚИМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

М.Х. РУСТАМБОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА  
Ш А Р Ҳ Л А Р

МАХСУС ҚИСМ



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, биринчи даражали  
адлия маслаҳатчиси Б.М. МУСТАФОЕВнинг  
умумий таҳрири остида**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар амалдаги жиноят қонуни ҳужжатлари асосида ёзилган. Унда Жиноят кодексига 2006 йил 1 августгача киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар инobatга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари ва суд амалиёти манбаларидан фойдаланилган.

Шарҳларда Жиноят кодексининг «Умумий» ва «Махсус» қисми ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида шарҳ тайёрланган бўлиб, Жиноят кодекси нормалари диспозициясининг моҳияти, ҳуқуқ нормасида белгиланган жиноятларнинг субъекти, субъектив томони, объекти, объектив томони белгиларининг асосий жиҳатлари очиб берилган, ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган санкцияларнинг мазмуни, уларни қўллаш тартиби баён этилган.

Жиноят кодексига шарҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, адвокатлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлари, талабалари, ИИВ Академияси тингловчилари, шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**МАХСУС  
ҚИСМ**

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### I боб. ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 97-модда. Қасддан одам ўлдириш

*Қасддан одам ўлдириш*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни:*

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;*
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;*
- в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;*
- г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини;*
- д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;*
- е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;*
- ж) ўта шафқатсизлик билан;*
- з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;*
- и) тамагирлик ниятида;*
- к) миллий ёки ирқий адоват замирида;*
- л) безорилик оқибатида;*
- м) диний таассублар замирида;*
- н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кучириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;*
- о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини оsonлаштириш мақсадида;*
- п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;*
- р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*
- с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши*  
— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

1. Ўзга шахснинг қасддан ўлдирилишига сабаб бўлиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади.

2. Содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тула ва ҳолисона текшириш лозимлиги

туғрисидаги қонун талабларига қатъий риоя этиш шарт<sup>1</sup> ҳисобланади, уларга ҳар қандай ишни, айниқса, қасддан одам ўлдиришга оид ишларни куриб чиқишда қатъий амал қилиш лозим бўлади, чунки қонун айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда бу жиноятни содир этган айбдорга нисбатан ўлим жазосини қўллашни назарда тутади.

Ишнинг туғри ҳал этилиши учун муҳим ҳисобланса-да, бироқ, олиб борилган тергов бир ёқлама ва тўлиқ бўлмаганлиги натижасида одам ўлдириш жиноятининг барча ҳолатлари аниқланмаган тақдирда, шунингдек, бу камчиликни суд мажлисида бартараф этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда иш қўшимча терговга қайтарилиши керак.

3. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объекти ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Қонун ҳар қандай шахснинг ҳаётини, унинг ёши, жисмоний ҳолатидан қатъий назар, бир хилда ҳимоя этади. Шунинг учун ёшни ҳам, кексани ҳам, соғни ҳам, беморни ҳам ҳаётдан ҳуқуққа хилоф равишда маҳрум этиш одам ўлдириш, деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида эвтаназия тақиқланади.

Инсон ҳаётининг бошланиши она қорнидан гўдак тана аъзосининг бир қисми чиқиши билан бошланади.

Она қорнида ҳомиланинг нобуд қилиниши қасддан одам ўлдириш жинояти таркибини ташкил этмайди. Содир этилган жиноят, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жиной равишда ҳомила тушириш (ЖКнинг 114-моддаси) ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 104-моддаси) жинояти таркибини ташкил этади.

4. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг объектив томони ўзга шахсни ҳуқуққа хилоф равишда ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат. Одам ўлдириш ҳаракат билан ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкин. Одам ўлдириш усули жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

*Одам ўлдириш* – моддий таркибли жиноят. У инсон организмда қайта тикланмайдиган ўзгаришлар, яъни биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти объектив томонининг зарурий белгиси айбдорнинг содир этган қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан жабрланувчининг ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 1-банди.

Содир этилган қилмиш билан ўлим ўртасида сабабий боғла-нишнинг йўқлиги қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавоб-гарликни бутунлай истисно этади, бу ҳол ҳаракатни бошқа модда билан квалификация қилинишига сабаб бўлиши мумкин, бунга жабрланувчи соғлиғига етказилган тегишли зарарнинг оғирлик даражаси асос бўлади.

Қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Яъни, бунда айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, жабрланувчининг ўлимига кўзи етган ва уни ўлдиришни истаган бўлади, бироқ, ўлим айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (жабрланувчининг фаол қаршилиги, бошқа шахсларнинг аралашуви, жабрланувчига ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатганлик ва ҳоказо вазиятлар туфайли) келиб чиқмайди. Шу сабабли айбдорнинг жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, ўлим юз беришини истаган-истамаганлигини ва қандай ҳолатлар исталган натижа юз беришига тўсқинлик қилганлигини аниқлаш зарур<sup>1</sup>. Одам ўлдириш жиноятини содир этувчи ҳаракатлар муқаррар равишда ҳуқуққа хилоф бўлиши лозим. Зарурий мудофаа (ЖКнинг 37-моддаси) ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (ЖКнинг 39-моддаси), охирги зарурат (ЖКнинг 38-моддаси), буйруқ бериш ёки бошқа вазифани ижро этиш (ЖКнинг 40-моддаси) пайтида қонун шартлари доирасида ўзга шахсни ҳаётдан маҳрум этиш жиноят ҳисобланмайди.

5. Қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истади (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл кўйиб беради (эгри қасд)<sup>2</sup>.

6. Судлар қасддан одам ўлдириш билан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган (ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «д» банди) ҳолатларни фарқлаши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга онд ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга онд ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2 банди.

Улар ўртасидаги чегара айбланувчи қасдининг йўналиши, ўзининг ҳаракатлари оқибатига субъектив муносабати билан жабрланувчининг ўлими асосида ўтказилиши лозим.

Айбдор қасддан одам ўлдиришда ўлимнинг юзага келишига тўғри қасд билан ҳаракат қилади, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққанда эса, ўлимга нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади.

7. «Айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинойий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олинishi лозим»<sup>1</sup>. Санаб ўтилган белгиларни ҳисобга олиш билан бирга, айбдор шахс қасдининг йўналиши, одам ўлдириш ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш оқибатида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиш чегарасини ҳамда қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш билан жабрланувчи соғлиғига етказилган зарар чегарасини белгилаш масаласини ҳал этиш керак бўлади

8. Қасддан одам ўлдириш жинояти субъекти ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган ҳар қандай 14 ёшга тўлган шахс, шу модданинг 2-қисми бўйича эса, 13 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Судлар қасддан одам ўлдирганлик учун жазо тайинлашда айбдорнинг салбий ёки ижобий хусусиятларини тавсифловчи маълумотларни кўзда тутиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, қотиллик содир этилмасидан олдинги хулқ-атворини ўрганиш керак бўлади. Айбланувчи (судланувчи)нинг руҳий жиҳатдан соғломлигига шубҳа туғилган тақдирда, амбулатория ёки стационар шароитда суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши керак<sup>2</sup>.

9. Бир неча шахс жавобгарликка тортилган қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш чоғида судлар ҳар бир

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 27-банди.



судланувчининг жиноят содир этишдаги иштироки даражасини ўрганиши лозим. Бунда жиноятнинг бажарувчилари сифатида одам ўлдиришга қаратилган қасд асосида ҳаракат қилган ва бевосита жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида қатнашган шахслар эътироф этилиши мақсадга мувофиқ.

Иштирокчиликда жиноят содир этилганда судлар одам ўлдириш хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист томонидан, илгари қасддан одам ўлдирган шахс томонидан содир этилганлиги каби квалификация қилинувчи белгиларни, бевосита ушбу белгилар тааллуқли бўлган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳисобга олинишини назарда тутишлари лозим.

10. Қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан ушбу кодекснинг 97-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар, шунингдек, 98, 99, 100, 101-моддаларда назарда тутилган енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда квалификация қилиниши лозим. Айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан ушбу кодекснинг 98, 99, 100, 101-моддаларида назарда тутилган одам ўлдириш белгиларини истисно қилиш усули билан квалификация қилинади.

11. ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинадиган жиноятларга ўч олиш мақсадида, рашк қилишдан, ҳасаддан, қўрқоқликдан, ачиниш оқибатида, жабрланувчининг ихтиёрий илтимосига кўра, шунингдек, жабрланувчининг айби билан келиб чиққан жанжал ёки муштлашиш натижасида содир этилган одам ўлдириш тааллуқли ҳисобланади.

12. Ўч олиш мақсадида одам ўлдириш ўч олиш шахсий муносабатлар асосида пайдо бўлган ҳолатларда ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўзининг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ ҳолатларда ўч олиш мақсадида ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» бандида назарда тутилган жиноятни юзага келтиради.

Шахсий муносабат замирида ўч олиш билан боғлиқ одам ўлдиришни жабрланувчининг иккинчи даражали хатти-ҳаракати баҳона бўладиган безорилик ҳис-туйғусидан келиб чиқиб ёки умуман, сабабсиз содир этилган, масалан, жабрланувчининг айбдорга чектиришни рад қилганлиги, жойлашган жойни тушунтирмаганлиги, керакли манзилга олиб борадиган йўлни кўрсатмаганлиги ва ҳоказолар туфайли содир этилган қотилликдан фарқлаш лозим. Бундай хатти-ҳаракат ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «л» банди бўйича квалификация қилишни талаб этади.

Жабрланувчининг айбдорда ўч олиш ҳиссини туғдирган хулқ-атвори ёки айрим хатти-ҳаракатлари қотилликдан бевосита олдин ҳам, анча илгарироқ ҳам содир этилган бўлиши мумкин.

Шахсий муносабатлар замирида ўч олиш бевосита одам ўлдиришдан олдин юзага келганда, мазкур ҳодиса кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ёки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган-этилмаганлигини аниқлаш лозим. Мазкур ҳолатларнинг вужудга келиши нормалар рақобати мавжудлигидан гувоҳлик беради, уни бар-тараф этиш умумий ва махсус нормалар рақобатида квалификация қоидалари бўйича амалга оширилади (ЖКнинг 33-моддаси шарҳига қаранг).

13. Рашк сабабидан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинади. Одам ўлдириш сабаби бўлган рашк ўз ичига ишонмаслик, адоват ва худбинлик элементларини олади. Рашк туфайли одам ўлдиришга кўпинча эр-хотиннинг иш-қий муносабатлари, чин ё ёлғон хиёнат, жабрланувчининг турмушга чиқишга ёки уйланишга рози бўлмаслиги ёхуд жабрланувчининг бирга яшашдан бош тортиши кабилар баҳона бўлиши мумкин.

14. Муштлашиш ёки жанжаллашиш оқибатида содир этилган одам ўлдириш жанжал ёки муштлашиш, кимнинг айби билан келиб чиққанлигидан қатъий назар, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинади.

Агар муштлашиш ёки жанжаллашиш оқибатида одам ўлдиришда енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бу қотилликни ЖКнинг 98, 100, 101-моддаларига мувофиқ квалификация қилишга имкон беради.

Муштлашиш ёки жанжаллашиш пайтида содир этилган одам ўлдиришни квалификация қилишда уларнинг юзага келишининг ҳақиқий сабаблари ва ҳолатларини аниқлаш муҳим, зеро, муштлашиш ёки жанжаллашиш содир этилган жиноят вазиятини тавсифлайди, бироқ, жиноятни квалификация қилишда ҳал қилувчи белги ҳисобланмайди.

15. Одам ўлдириш жиноятини ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун ушбу модда иккинчи қисмининг тегишли бандида кўзда тутилган белгилардан бирортаси бўлсада аниқлаш лозим.

ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган ҳар бир оғирлаштирувчи ҳолат мустақил аҳамиятга эга, шу муносабат билан одам

ўлдириш жиноятини квалификация қилишда уларни кўрсатиш зарурияти юзага келади.

16. ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а» бандида икки ёки ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур белги билан боғлиқ айб икки ёки ундан ортиқ шахс бир вақтнинг ўзида айбдорнинг ягона қасди билан ҳаётдан маҳрум қилинган ҳолларда қўйилади. Ягона сабаб, жабрланувчиларнинг бир вақтнинг ўзида ҳаётдан маҳрум қилиниши ва ҳоказо, икки ёки ундан ортиқ шахсни ягона қасд билан ўлдирилганлигидан далолат бериши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир вақтнинг ўзида ўлдирилиши жиноий ниятнинг ягоналиги кўрсаткичларидан биридир. Турли вақтларда содир этилган икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришда жиноий ниятнинг ягоналигини эътироф этиш учун айбдорнинг хатти-ҳаракатида фақат тўғри қасд, албатта, мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим. Бир вақтнинг ўзида одам ўлдиришда фақат тўғри қасд эмас, балки эгри қасд ҳам бўлиши мумкин.

Агар икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлдирилиши ягона жиноий ният билан боғлиқ бўлмаса ва бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ҳолатида мустақил пайдо бўлган қасд билан содир этилса, бу қилмиш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан квалификация қилинмаслиги лозим. Бундай қилмишлар такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

Айбдор икки ёки ундан ортиқ кишини ўлдиришга қасд қилганда, бир кишининг қасддан ўлдирилиши ва бошқа шахснинг ҳаётига суиқасд қилиниши икки ёки ундан ортиқ шахснинг тугалланган ўлдирилиши сифатида баҳоланмаслиги керак, чунки бунда икки ва ундан ортиқ шахсни ҳаётдан маҳрум этишга оид жиноий ният айбдорга боғлиқ бўлмаган вазиятлар сабабли амалга ошмаган бўлади. Бундай ҳолларда қилмиш, жиноий хатти-ҳаракат изчиллигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир кишини ўлдирганлик сифатида, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми ёхуд мазкур ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми ва икки ёки ундан ортиқ шахс ҳаётига суиқасд қилганлик учун ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ҳамда ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши керак<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 6-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 6-банди, 2-қисми.

Агар айбдорнинг нияти бир кишини ўлдириш бўлиб, бироқ, мазкур қилмишни содир этиш жараёнида эҳтиётсизлик оқибатида бошқа кишини ҳам ўлдирган бўлса, бу қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича қасддан одам ўлдириш ва эҳтиётсизлик туфайли одам ўлдириш сифатида квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми ёки 2-қисмининг тегишли банди ва 102-моддаси).

17. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни қасддан ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «б» банди), айбдорга бу аниқ маълум бўлган ёки у жабрланувчининг ҳомиладорлиги ҳақида олдиндан хабар топган ҳолларда ушбу модда бўйича жавобгарлик юзага келади.

Айбдор жабрланувчининг ҳомиладорлиги фактини олдиндан англамаган ҳолларда айбдорнинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас.

Олдиндан билиш айбдор шахс аёлнинг ҳомиладорлигидан хабардорлигини назарда тутати. Айбдорнинг хабардорлиги шахсий кузатишларига (ҳомила муддати катталигида), даволаш муассасаси томонидан берилган ҳомиладорликни тасдиқловчи расмий ҳужжат билан танишганлигига асосланган бўлиши ёки жабрланувчининг ўзи, унинг ота-онаси, дўстлари, танишлари берган маълумотлардан келиб чиқиши мумкин.

Айбдор тахмин асосида ҳомиладорлик мавжуд эмас, деб янгилиш ўйлаган, аслида жабрланувчи эса, ҳомиладор бўлиб чиқса (ҳомиладорлик муддати кичик бўлган бўлса), ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида кўрсатиб ўтилган жавобгарликни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади<sup>1</sup>.

Ҳомиладорлик муддати ва ҳомиланинг яшаш қобилияти қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

18. Айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни қасддан ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «в» банди билан квалификация қилинади.

Ожиз аҳволдаги деганда, жабрланувчининг шундай жисмоний ёки руҳий ҳолатини тушуниш керакки, бундай ҳолат уни ўз ҳаётига қилинаётган суиқасдга қарши ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Мазкур ҳолат вояга етмаганликка ёки кексаликка, оғир хасталикка, уйқу ҳолатига, кучли даражадаги мастликка ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 7-банди, 2-қисми.

Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳияти бузилганлиги, жуда ёш ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлик туфайли) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилиқ кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

Жабрланувчининг алкогольли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олинишига асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчини ким бу аҳволга солганлиги аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

Чақалоқни ожиз аҳволдаги одам, деб эътироф этиш зарурлигига қарамасдан, унинг туғилиши чоғида ёки ундан кейин онаси томонидан ўлдирилиши ЖКнинг 99-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини келтириб чиқарганлиги сабабли ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинмайди.

19. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини қасддан ўлдириши (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди) ўч олиш мақсадида жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши оқибатида келиб чиққан қасддан одам ўлдириш сифатида квалификация қилиниши лозим. Сабаблари аниқланмаган ҳолда ҳам, яъни одам ўлдириш жабрланувчининг ўз қонуний фаолиятига қаршилиқ кўрсатиш мақсадида ёхуд унинг бундан кейинги айбдор учун ножоиз хизмат ёки фуқаролик фаолияти билан боғлиқ ҳолларда содир этилганда ҳам шундай квалификацияга йўл қўйилиши мумкин.

Қариндош ёки қуда-анда бўлганлар, яъни ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотинлар, болалар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари яқин қариндошларга киради.

Муассаса, корхона, ташкилотда ишлайдиган ўз зиммасига юклатилган хизмат (меҳнат) мажбуриятларини бажараётган ҳар қандай шахснинг фаолияти ўз хизмат бурчини бажариш, деб тушуниш зарур. Булар ҳокимият вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 8-банди.

органлари ходимлари, шунингдек, ўз хизмат бурчини бажараётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Ўз хизмат бурчини қонуний бажараётганлиги туфайли содир этилган қотиллик ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди бўйича квалификация қилинади. Хизмат бурчини бажараётган шахснинг хатти-ҳаракати қонуний бўлмаса ва айбдор муайян жавоб ҳаракати кўрсатиб, уни ўлдирган бўлса, унга ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» бандида кўзда тутилган белгини айб сифатида қўйиб бўлмайди.

Одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди бўйича квалификация қилишда жиноятнинг жабрланувчи ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда ёки бошқа вақтда содир этилганлиги аҳамиятга эга эмас. Шу ўринда қасддан одам ўлдириш жабрланувчи ёки унинг яқин қариндоши ўз хизмат вазифасини бажаргани ёки шундай фаолияти учун қасд олиш мақсади билан боғлиқ ҳолда содир этилганлигини аниқлаш муҳим<sup>1</sup>.

Фуқаролик бурчини бажариш деганда, ҳар қандай кишининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёки бошқа қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига ҳам, бошқа ижтимоий фойдали фаолиятни амалга оширишига ҳам йўналтирилган ижтимоий фойдали ва ҳуқуқий фаолиятини тушуниш лозим. Масалан, бу ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисида ёхуд ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун қидирилаётган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар бериш, гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида шахснинг жиноят содир этганлигини фош этувчи кўрсатмалар бериши ва ҳоказо бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

20. Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда уни қасддан ўлдириш ЖКнинг 219-моддаси тегишли қисмида ҳамда ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» бандида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади<sup>3</sup>.

Давлат ёки жамоат арбобини ёхуд ҳокимият вакилини уларнинг давлат ёки жамоат ишига оид фаолиятлари билан боғлиқ

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди, 3-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди, 4-қисми.

ҳолда улдириш, вазиятни издан чиқариш ёхуд давлат идораларининг қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатиш ёки уларнинг сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятига қаршилиқ кўрсатиш мақсадида содир этилганда, бу қилмиш ЖКнинг 155-моддаси, 3-қисми, «а» бандида назарда тутилган терроризм жиноятини ташкил этди ва ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди бўйича қўшимча тарзда квалификация қилишни талаб этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг улдирилиши ёки унинг ҳаётига тажовуз қилиш ЖКнинг 158-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсни ёки унинг яқин қариндошларини ўлдирганлик учун жавобгарлик, жабрланувчининг у ёки бу хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариш бўйича ижтимоий фойдали ҳаракатлари қачон содир этилганлигидан қатъий назар, вужудга келади.

21. Одам улдиришнинг оғирлаштирувчи таркибини вужудга келтирадиган бошқа шахслар ҳаёти учун хавfli бўлган усулда (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «д» банди) жиноят содир этиш деганда, муайян вазиятда, нафақат, аниқ бир жабрланувчининг, балки бошқаларнинг ҳаёти учун ҳам хавfli бўлган усуллардан фойдаланишни тушуниш лозим. Бунга одамлар гавжум жойда тартибсиз равишда ўқ отиш, кўп кишилиқ хонадонда, жамоат транспортда ўқ отиш ҳолатини, шунингдек, портлатиш, ўт қўйиш, сувни ёки озиқ-овқатларни захарлашни киритиш лозим. Айни пайтда одам улдириш услубининг хавfliлиги жиноят содир этилган муайян вазиятга кўра баҳоланади. Масалан, жабрланувчидан бошқа одам бўлмаган жойда автомашинани портлатиб ёки машина билан уни босиб жиноят содир этилган бўлса, мазкур ҳодисани ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «д» банди билан квалификация қилиб бўлмайди, чунки бундай ҳолатларда айбдорнинг қилмиши бошқа кишиларнинг ҳаёти учун реал хавф туғдирмайди.

Одам улдириш усулининг бошқалар ҳаёти учун хавfli сохта ёки тахминий эмас, балки ҳақиқий бўлиши лозим. Аниқ шароитда бошқалар ҳаётига хавф туғдириш мумкинлиги аён бўлиши керак.

Одам улдириш бошқалар ҳаёти учун хавfli ҳолатда содир этилган, деб эътироф этиш учун муайян шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш билан айбдор бундай улдириш усули фақат жабрланувчи учунгина эмас, балки бошқалар учун ҳам хавfli эканлигини, танланган жабрланувчи билан бирга бошқа шахсларни ҳам ҳаётдан маҳрум қилиш имкони яратишини англаганини аниқлаш лозим. «Усулнинг чинакам хавfliлиги, ҳар бир муайян вазиятда ишнинг барча ҳолатларидан, чунончи, айбдор ишлатган жиноят

қуролининг шикаст етказиш хусусияти, воқеа жойида жабрланувчидан ташқари ўзга шахслар ҳам бўлганлиги ва шу кабилардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур»<sup>1</sup>.

Агар кўпчилик кишилар ҳаёти учун хавfli бўлган усулда одам ўлдирилса ёки ўзга шахсларга тан жароҳати етказилса ёхуд ўзга шахсларнинг ўлими келиб чиқса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

22. Оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «е» банди бўйича квалификация қилиш зарур. Қотил оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчиси ёхуд фаол иштирокчиси бўлган ҳолларда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 244-моддаси ва 97-моддаси, 2-қисми, «е» банди бўйича жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим. Айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдиришдан ташқари, қирғин солиш, вайрон қилиш, ўт қўйиш ва бошқа жиноятлар ҳам содир этилганда, башарти, оммавий тартибсизликлар иштирокчиси, уларнинг фаол иштирокчиси ёки ташкилотчиси бўлмаса, унинг қилмиши шахсга ҳамда мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

23. Жабрланувчини алоҳида қийноқлар йўли билан ўлдириш ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «ж» банди), деб тушунилиши зарур. Ушбу ҳолатда суд-тергов органлари ўта шафқатсизлик тушунчаси одам ўлдириш усули билан ҳам, айбдор ўта шафқатсизликни намоён этишидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғланишини назарда тутишлари лозим. Қилмишнинг шарҳланаётган модданинг ушбу банди билан квалификация қилинишига фақат айбланувчида ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш қасди мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади<sup>2</sup>.

Жабрланувчини ўлдириш олдидан ёки бевосита ўлдириш жараёнида қийноққа солиш, унга азоб бериш, унинг баданига дамбадам кўп миқдорда жароҳат етказиш, уни ўлимга олиб келадиган даражада озик-овқатдан, иссиқликдан маҳрум қилиш, кучли оғриқ берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёқиб юбориш ва ҳока-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 10-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 2-банди, 1-қисми.



золарни қўллаб азоб беришни *ута шафқатсизлик*, деб эътироф этиш керак. Айни пайтда жабрланувчига қўллаб тан жароҳати етказишнинг ўзи қотиллик ўта шафқатсизлик билан содир этилган, дейишга асос бўла олмайди, чунки мазкур белги мавжуд бўлиши учун қотиллик жабрланувчига алоҳида қийноқлар ёки ўта азоб етказиш қасди билан содир этганлигини аниқлаш лозим.

Ҳаётдан маҳрум қилиш жабрланувчининг яқинлари кўз олдида амалга оширилган, айбдор ўз хатти-ҳаракати билан уларга алоҳида азоб етказётганлигини англаган бўлса, одам ўлдириш ўта шафқатсизлик билан содир этилган, деб топилиши лозим. «Жабрланувчининг яқин кишилари қаторига, унинг яқин қариндошларидан ташқари, жабрланувчи билан алоҳида шахсий дўстона муносабатда бўлган шахслар ҳам кириши мумкин»<sup>1</sup>.

Мурдани таҳқирлаш, уни йўқ қилиш ёки қисмларга ажратиш ўта шафқатсизлик билан содир этилган қотиллик сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг мурдани таҳқирлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи 134-моддаси билан қўшимча квалификация қилинади<sup>2</sup>.

Бир гуруҳ шахслар томонидан ўта шафқатсизлик билан қасдан одам ўлдирилган ҳолларда, ЖКнинг 97-моддаси, «ж» банди бўйича квалификация қилиш фақат қотилликни амалга оширувчи шахснинг ҳаракатларига нисбатан қўлланишини таъкидлаш зарур. Бошқа иштирокчиларнинг ҳаракати эса, ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисмлари бўйича квалификация қилинади, ЖКнинг 97-моддаси, «ж» бандига кўра, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш тўғрисида улар ўртасида дастлабки тил бириктирув бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади<sup>3</sup>.

Жабрланувчи томонидан қилинган ҳуқуққа хилоф зўрлик ёки оғир ҳақорат туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ёхуд зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган одам ўлдириш, гарчи, кўп миқдорда тан жароҳати етказиш ёки жабрланувчини яқин кишилари кўз олдида ўлдириш сингари ўта шафқатсизлик аломатларига эга бўлса ҳам, ЖКнинг 98-моддаси ёки 100-моддаси билан квалификация қилиниши назарда тутилиши лозим.

24. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабiiий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасдан одам ўлдириш учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «з» банди-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 12-банди, 4-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: юқоридаги пленум қарори, 12-банди, 5-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: юқоридаги пленум қарори, 12-банди, 5-қисми.

да назарда тутилган. Қасддан одам ўлдириш билан бирга номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондирилганда, ушбу банд бўйича квалификация қилиниши лозим.

Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ қасддан одам ўлдириш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш жараёнида амалга ошириладиган қасддан одам ўлдиришдан иборат бўлади. Бунда иккита мустақил жиноят содир этилганлигини инобатга олган ҳолда айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «з» банди ва ЖКнинг 118-моддаси ёки ЖКнинг 119-моддаси тегишли қисмлари бўйича квалификация қилинади.

Номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондиришни яшириш ниятида содир этилган одам ўлдириш ёки жабрланувчи шахсларнинг жинсий эркинлиги ёки жинсий дахлсизлигига қилинган тажовузга қаршилик кўрсатгани учун ўч олиш ҳисси билан одам ўлдириш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 118 ёки 119-моддалари ва 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди бўйича квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

25. Тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди) ҳар хил моддий фойда олиш (пул, мулк, мулк ҳуқуқи, турар жойга эгалик ҳуқуқи, одам ўлдирганлик учун мукофот олиш ва бошқалар)га қаратилган ёки моддий харажатлар (қарзни тўлаш, алимент тўлови ва ҳоказолар)дан қутулиш нияти билан одам ўлдиришдан иборат.

Одам ўлдиришни тамагирлик ниятида содир этилган, деб топиш учун жабрланувчининг мулк ёки бошқа бойликлар эгаси бўлган-бўлмаганлиги, бойликлар унинг қонуний ёхуд ҳуқуққа хилоф тасарруфида бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Бунда жабрланувчининг ўлими натижасида айбдор моддий бойликларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни қўлга киритишга умид боғлаган бўлиши муҳимдир.

Одам ўлдириш қотил томонидан ўзи ёки бошқаларнинг манфаати йўлида моддий фойда олингани ёхуд моддий харажатлардан холис бўлинганидан қатъий назар, уни тамагирлик ниятида содир этилган, деб эътироф этиш лозим.

Қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари, у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан ке-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдириш ва бундан бошқа жиноятлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. 13-банди, 3-қисми.

либ чиққан ҳолда ЖКнинг 28-моддаси ва 97-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Босқинчилик, товламачилик билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди ҳамда Жиноят кодексининг босқинчилик ва товламачилик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан квалификация қилинади<sup>1</sup>.

Қотилликка сабаб бўлган тамагирик қотилликдан олдин юзага келган бўлиши лозим. Агар айбдор қотилликни бошқа сабаблар билан, масалан, қасд олиш учун, рашк туфайли содир этиб, кейин жабрланувчининг мулкани эгалласа, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми ва 169-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Айбдор қотиллик содир этиб, ўзи хоҳлаган моддий бойликларга ёки бошқа қимматликларга эга бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар, жиноят тамагирик ниятида содир этилган, деб эътироф этилиши даркор.

26. Тамагирик ниятида қотиллик бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ҳолларда фақат бажарувчининг ҳаракатларини, ушбу жиноятнинг бошқа иштирокчилари билан олдиндан тил бириктирилмаган тақдирда, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди билан квалификация қилиш лозим. Бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари, ушбу модда 2-қисми, «и» бандини истисно этган ҳолда ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши керак.

Тамагирик ниятида содир этилган қотилликнинг ташкилотчиси, далолатчиси ёки ёрдамчисининг ҳаракатларини, қандай мақсадни кузлаганларидан қатъий назар, ЖКнинг 30-моддаси ва 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди билан квалификация қилиш лозим.

27. Жабрланувчининг у ёки бу миллатга, ирққа ёки элатга мансублиги боис, у ёки бу ирқ, миллат ёхуд элатнинг ҳаёт тарзига, турмушига, маданиятига, урф-одатига, оилавий тутумига адоват ёки нафрат туфайли содир этиладиган қотиллик миллий ёки ирқий адоват замирида содир этилган қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «к» банди) сифатида курилиши зарур<sup>2</sup>.

Бошқа миллат, ирқ ёки элат вакилини тамагирик, рашк, ўч ва ҳоказо сабаблар билан ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қис-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тугрисида»ги қарори, 14-банди, 2 ва 4-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тугрисида»ги қарори, 15-банди.

ми, «к» банди бўйича квалификация қилинмайди. Айти пайтда айбдорда ушбу сабаблар билан бирга мустақил квалификация қилинадиган белгиларни вужудга келтирадиган бошқа ҳолатлар ҳам аниқланган бўлса, бу квалификация қилишда ўз аксини топиши шарт.

28. Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «л» банди билан квалификация қилинади.

Жамиятга ва умумэтироф этилган ахлоқ-одоб нормаларига нисбатан ошқора ҳурматсизлик, жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, ўзини атрофдагиларга нисбатан қарши қўйиш, уларга беписанд муносабатни намоёйиш этиш истаги асосида содир этилган қасддан одам ўлдириш ушбу модданинг «л» банди бўйича квалификация қилинади.

Безорилик оқибатида одам ўлдириш кўпинча ҳеч қандай сабабсиз ёки ўлдириш учун арзимаган сабабдан келиб чиқиши мумкин. Қотилликда безорилик шу билан тавсифланадики, субъект кўзга ташланадиган сабабларсиз одам ўлдиради ва бундан қониқиш ҳосил қилади ёки жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларини қасддан менсимаслик жараёнида жабрланувчини ўлдиради. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди<sup>1</sup>.

Агар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдирилгандан сўнг жамоат тартибини кўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик кўрсатиш, шунингдек, ўзганинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар қасддан содир этилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «л» банди ҳамда ЖКнинг 277-моддасининг тегишли қисмлари билан квалификация қилиниши лозим<sup>2</sup>.

Безорилик оқибатида қотиллик содир этилган жой қилмишни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «л» банди бўйича квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Ўзаро жанжал, шахсий адоват билан боғлиқ муносабатлар оқибатида содир этилган қотилликни, жамоат тартиби бузилган бўлса-да, безорилик оқибатида содир этилган қотиллик, деб қарамаслик лозим. «Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан (ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми) фарқлаш учун уриш-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 16-банди, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 16-банди, 2-қисми.

жанжал ташаббускори ким эканлиги, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозим. Агар уриш ёки жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг гайрихуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмайди»<sup>1</sup>.

29. Диний таассублар замирида қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «м» бандида кўзда тутилган.

Диний таассуб деганда, диний ғояларга ўта юқори даражада кўрқуруна берилиб кетиш, амалий ҳаётда уларга оғишмай риоя қилиш, бошқа диндагилар, ўзгача фикрлайдиганларга мурасасизликдан иборат диний фанатизмга асосланган ниятлар тушунилиши лозим.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми, «м» банди бўйича квалификация қилиш жиноятнинг мақсадидан қатъий назар (масалан, муайян конфессиянинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, диний адоват ёки нифоқни келтириб чиқариш), амалга оширилади<sup>2</sup>.

30. Киши аъзоларини кесиб олиб бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «н» банди), ўлдирилган шахснинг ундаги қандайдир аъзони бошқаларга кўчириб қўйиш учун гаразли ният ёки бошқа мақсадда (яқин кишининг ҳаётини сақлаб қолишда ўзга шахсни ўлдириш ҳисобига тиббий тажрибалар ўтказиш ва ҳоказо) содир этилади. Бунда айбдорнинг қотилликдан кўзлаган мақсадига амалда эришган ёки эришмаганлиги квалификацияга таъсир қилмайди<sup>3</sup>.

Ўлган одамдан трансплантатни ёки мурданинг қисмларини унинг ҳаётлик пайтидаги ўзининг ёки ўлгандан сўнг унинг яқин қариндошларининг розилигисиз кесиб олиш ЖКнинг 133-моддаси тегишли қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳақ эвазига трансплантат олиш ёхуд мурданинг қисмларидан бошқача фойдаланиш мақсадида содир этилган одам ўлдиришда жиноят субъектининг қилмиши ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и», «н» бандлари бўйича квалификация қилиниши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 16-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 17-банди, 1-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 18-банди.

31. Бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди) фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Бундай қотиллик яширилиши кўзда тутилган ёки содир этилишини осонлаштириш учун қотиллик қилинган жиноят билан бирга жиноятлар мажмуини вужудга келтиради.

Агар жабрланувчи ўзига аниқ бўлган жиноий воқеанинг содир бўлганлиги, содир этилиши ёки унга тайёрланаётганлиги тўғрисида тегишли идораларга хабар етказмаган бўлса, унда мазкур жиноят ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди билан квалификация қилинади. Агар бундай мурожаат қилинган бўлса-ю, айбдор қотилликни содир эта туриб, бундан хабардор бўлса, унинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» бандида назарда тутилган аломатни, яъни жабрланувчи шахсининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан содир этилган қотилликни вужудга келтиради.

ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» бандида назарда тутилган қотилликни тугалланган, деб топиш учун, айбдор қотиллик натижасида мақсадга эришган-эришмаганлиги ва бошқа жиноят содир этилганлигини яширишга ёки унинг содир этилишини осонлаштиришга эришган бўлиши талаб этилмайди. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди билан квалификация қилиш учун қотиллик ушбу мақсад билан содир этилганлиги фактини аниқлашнинг ўзи етарлидир.

Жиноятчи қотилликни бошқа бир жиноят содир этишни осонлаштириш мақсадида содир этган бўлса, бироқ, ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бошқа жиноятни бошлай олмаса ёки охирига етказа олмаса, бундай ҳолда ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» бандига, шунингдек, тегишли жиноятни содир этишга тайёргарлик қилингани ёки уни содир этишга суиқасд қилингани учун жавобгарлик белгиланиши лозим.

«Қасддан одам ўлдириш жинояти ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди билан квалификация қилинганда, айбдорнинг ҳаракатларини мазкур модда иккинчи қисмининг бошқа мақсад ва сабабларни назарда тутувчи яна бирон-бир банди билан квалификация қилишга йўл қўймайди. Масалан, агар жабрланувчи тамагирлик ниятида ёки безорилик оқибатида ўлдирилганлиги аниқланса, қилмиш айти бир вақтнинг ўзида ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 19-банди, 2-қисми.

32. Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд уша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «п» бандига биноан квалификация қилинади. Бунда суд-тергов органлари ушбу тоифа ишлар бўйича ҳар қайси иштирокчининг жиноятдаги иштироки даражаси ва хусусиятини аниқлаши, олдиндан тил бириктирув бўлган-бўлмаганлиги ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганини пухта текшириши лозим<sup>1</sup>.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмасдан ёки тил бириктирган ҳолда жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиши бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш, деб топилади.

Қотилликни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «п» банди бўйича квалификация қилиш учун гуруҳнинг ҳамма аъзоларида жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш қасди мавжуд бўлганлигини аниқлаш лозим. Одам ўлдириш мақсади билан биргаликда ҳаракат қилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этишда келишиб иш қилган шахслар қотилликнинг бажарувчилари, деб топилиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этишда бир-бирларига кўмаклашаётганлигини англаган бўлиши лозим.

Жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этган шахсларнинг ҳаракатларигина эмас, балки гуруҳнинг жабрланувчига зўрлик ишлатиб қотилликни содир этишда кўмаклашган барча иштирокчиларнинг хатти-ҳаракати ҳам гуруҳ бўлиб қотиллик содир этиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда ўлимга олиб келган жароҳатлар уларнинг ҳар бири томонидан етказилган (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга тўсқинлик этувчи шикаст етказган) бўлиши шарт эмас. Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ, ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддаси ва 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади<sup>2</sup>.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектлари сифатида фақат биргаликда ижро

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 20-банди, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 20-банди, 2,3-қисми.

этганларни, яъни жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган ягона қасд билан қотиллик жараёнида бевосита қатнашган шахсларни эътироф этиш зарур.

Агар жабрланувчи соғлиғига бир гуруҳ шахслар томонидан шикаст етказиш натижасида, иштирокчилардан бири, бошқа иштирокчиларда бундай ният бўлмагани ҳолда жабрланувчининг ўлимига олиб келган зарба берса, ўлим келтириб чиқарган зарбани берган шахснинг қилмишини ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «п» банди билан квалификация қилишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда ўлимга олиб келувчи зарба берган шахснинг ҳаракатларини унинг жиноят содир этиши сабабларини инобатга олган ҳолда қотиллик сифатида квалификация қилиш зарур, гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳаракатларини эса, бир гуруҳ шахслар томонидан жабрланувчининг соғлиғига шикаст етказиш, деб баҳолаш зарур.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолиятни амалга ошириш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ ҳисобланади.

ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «п» банди диспозициясида кўрсатилган уюшган гуруҳ деганда, унинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг мавжудлигини, қоида тариқасида бир қанча жиноятларни мўлжаллаганини, жиноятлар режалаштирилганини ва унинг қисмлари ишлаб чиқилганлигини, ҳар бир иштирокчининг вазифалари тақсимлаганлигини, техникавий қуролланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, жиноий гуруҳда гуруҳий интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниб мавжудлигини ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

Одам улдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган, деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъий назар, ЖКнинг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-модданинг тегишли қисми билан квалификация қилинади<sup>1</sup>.

Қотилликни уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этиш, деб квалификация қилиш учун, содир этилган қотиллик натижасида, гарчи, қотилликни бажарувчи уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаса ҳам, уюшган гуруҳ ўзининг муайян манфаатларини ҳал этган бўлиши лозим. Бундай ҳолатда қотилликнинг бажарувчиси жиноятчиларнинг уюшган гуруҳи манфаатларини кўзлаб жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам улдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти турисида»ги қарори, 20-банди, 4-қисми.



нияти бўлганлигини эътироф этиш лозим. Бундай турдаги қотилликни амалга оширишда қўшимча сабаблар (тамагирлик, жабранувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ равишда ўлдириш) ҳам бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда қотилликнинг асосий сабабини — уюшган гуруҳнинг манфаатини аниқлаш муҳим, лекин уни квалификация қилишда содир этилган одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи ҳолатларини кўрсатиш керак, бу жазо тайинлашда судлар томонидан ҳисобга олиниши лозим.

Қасддан одам ўлдириш иштирокчиликда содир этилганда, жиноят субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (қотиллик ўта хавфли рецидивист ёки илгари ҳам қасддан одам ўлдирган шахс томонидан содир этилганлиги), ушбу белгилар бевосита тааллуқли бўлган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим<sup>1</sup>.

33. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «р» банди билан квалификация қилинувчи белги сифатида кўзда тутилган. Агар шахс олдин ЖКнинг 97-моддаси, 1 ёки 2-қисмида кўрсатилган белгиларга эга бўлган жиноятни қасддан содир этган ва бунинг учун у судланмаган бўлса, бундай қотиллик такроран содир этилган қасддан одам ўлдириш, деб топилиши лозим.

Агар шахс ЖКнинг 97-моддаси, 1 ёки 2-қисмида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш учун илгари судланган ва яна қасддан одам ўлдирган бўлса, у ҳолда қотиллик хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб топилади.

Жиноятчи, олдин тугалланган қотиллик содир этганлигидан ёки унга суиқасд қилганлигидан, у биринчи қотилликнинг бажарувчиси ёки иштирокчиси бўлганлигидан қатъий назар, одам ўлдириш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги аломати бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар шахс илгари ЖКнинг 97-моддаси, 1 ёки 2-қисмлари белгиларига эга бўлган, янада оғир жиноят таркибига мансуб бўлган, масалан, терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш аломатларига эга бўлган қотилликни қасддан содир этган бўлса, қотиллик ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «р» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлса ёки ушбу

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 20-банди, 5-қисми.

қотилликлар учун судланганлик ҳолати тугалланган ёхуд қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса ёки айбдор шахсни жинойий жавобгарликка тортиш муддати<sup>1</sup> ёки жазолаш муддати ўтган бўлса, қотиллик такроран содир этилган ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Агар шахс аввал энгиллаштирувчи ҳолатларда ёки эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирган бўлса, ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган кейинги қотиллик такроран қасддан одам ўлдириш сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Такроран одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси, 2 қисми, «а» бандида кўзда тутилган икки ёки ундан ортиқ одамни қасддан ўлдиришдан фарқлаш лозим. Такроран одам ўлдиришни икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдиришдан фарқлашда, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан амалга оширилган қасддан одам ўлдиришда икки ёки ундан ортиқ қотилликни содир этиш учун ягона қасднинг йўқлиги ва жиноятлар, одатда, ҳар хил вақтда содир этилганлиги назарда тутилиши лозим<sup>2</sup>.

34. Ўта хавfli рецидивист томонидан қасддан одам ўлдирилиши ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «с» банди бўйича квалификация қилиниши керак (ўта хавfli рецидивист тушунчаси туғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

Қотиллик содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган ҳукм билан қонунда белгиланган тартибда ўта хавfli рецидивист, деб топилган шахсларгина ушбу жинояти учун судланганлик олиб ташланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолати тугалланмаган бўлса, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «с» банди бўйича квалификация қилинади<sup>3</sup>.

Иштирокчиликда қасддан одам ўлдириш мазкур жиноятни содир этишдан олдин қонун билан белгиланган тартибда ўта хавfli рецидивист, деб топилмаган қотиллик шерикларини ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «с» банди бўйича квалификация қилинишига олиб келмаслиги керак.

35. Тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, шунингдек, зарурий мудофаа чегарасидан ёки иж-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 21-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида»ги қарори, 21-банди, 1-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти туғрисида» қарори, 22-банди.

тимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а», «в», «д», «ж», «р», «с» бандларида назарда тутилган вазиятларда содир этилган қотиллик оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган қотиллик сифатида квалификация қилинмаслиги керак.

36. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққан ҳолда қасддан одам ўлдирган айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликни белгиловчи моддалари ҳамда 206-модданинг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

37. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони утаётган шахс томонидан жазони ижро этиш муассасаси ходимини, шунингдек, маҳбусни унинг ахлоқан тузалишига тўсқинлик қилиш ёхуд жамоат вазифасини бажарганлиги учун ўч олиш мақсадида ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси тегишли қисмидан ташқари, Жиноят кодексининг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи 220-моддаси бўйича ҳам квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

38. Судларнинг эътиборини қасддан одам ўлдиришда айбдор бўлган шахсларни жазолашни индивидуаллаштириш принципига қатъий риоя этилиши зарурлигига қаратиш зурур. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлик учун ўлим жазосини қўллаш мумкинлигини назарда тутуди, бироқ, ушбу жазони, албатта, қўллашни талаб этмайди<sup>2</sup>.

### **98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш**

*Жабранувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек, унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш*

*— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, бу — физиологик аффект ҳолатда одам ўлдириш.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. 26-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: юқоридаги пленум қарори, 28-банди, 1-қисми.

2. *Физиологик аффект* — тўсатдан юзага келадиган руҳий ҳаяжонланиш, қисқа муддатли, лекин шиддат билан кечадиган эмоционал муносабат; қисқа муддатли лов этадиган ғазаб, айна маҳалда фавқуллодда кучли, шиддатли кечинма; ғазабга айланадиган қаҳр; даҳшатга айланадиган қурқув, тушкунликка соладиган сиқилиш, бунинг натижасида айбдор ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятини ва уларни бошқариш қобилиятини бир мунча фурсат йўқотади.

Физиологик аффект ҳолатида шахс ўзининг ҳаракатлари учун жавоб бера олади, нима қилаётганлигини тушунади, бироқ, ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятини анча йўқотади.

Шахс бу қобилиятини бутунлай йўқотса, у *патологик аффект* ҳолатида бўладики, бу шахсни ақли норасо, деб топиш учун дастлабки шарт-шароитни яратади. Қотиллик физиологик аффект ҳолатида содир этилганлиги туғрисидаги масалани ҳал этишда комплекс суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш зарур.

3. Одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, деб квалификация қилиш учун икки жиҳат асос бўла олади. Биринчидан, жабрланувчи томонидан содир этилган гайриқонуний зўрлик ва оғир ҳақорат. Иккинчидан, айбдор шахс одам ўлдириш пайтида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлиги. Ушбу вазиятлардан бири мавжуд бўлмаганда қотиллик кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган, деб квалификация қилинмайди.

4. *Руҳий ҳаяжонланишнинг тўсатдан юзага келиши* — аффектнинг физиологик хусусиятидир, бунда руҳиятнинг хотиржам вазиятидан жабрланувчининг ноқонуний зуравонлиги ёки оғир ҳақорати ёхуд ҳуқуққа хилоф бошқа ҳаракатларига жавоб тариқасида эмоционал портлашга ўтилади. Физиологик аффект юзага келиши билан айбдорнинг жабрланувчи ўлимига олиб келувчи ҳаракатлари ўртасида амалда вақт жиҳатидан узилиш бўлмаслиги лозим.

5. Айбдор қилмиши ЖКнинг 98-моддасига кўра, квалификация қилиниши учун унинг ҳолати кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати, деб белгиланиши ва қуйидаги омиллар: жабрланувчи ҳуқуққа хилоф зўрлик ёки оғир ҳақорат қилиши ёхуд унинг бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан бири туфайли юзага келиши зарур.

6. Жабрланувчи томонидан қилинган ҳуқуққа хилоф зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин. Бу зўрлик бевосита айбдорга ёки унинг қариндошларига, яқин кишилари ёхуд бегоналарга нисбатан қулланилган бўлиши мумкин.

Оғирлик даражаси ҳар хил бўлган тан жароҳати, калтаклаш, жабрланувчининг қариндошларини, яқин кишиларини ўлдириш,

уларнинг номусига тегиш ва бошқача жисмоний таъсир ўтказиш жисмоний зўрлик ишлатиш, деб баҳоланиши зарур.

Руҳий зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига жисмоний зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкани нобуд қилиш, жабрланувчи сир сақламоқчи бўлган маълумотларни ошкор этиш билан таҳдид солиш ва ҳоказоларни тушуниш зарур. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш учун, физиологик аффектни келтириб чиқарган (жисмоний ёки руҳий) зўрлик ҳуқуққа хилоф, яъни жиноий бўлиши лозим.

7. Ҳокимият ёки жамоатчилик вакиллари томонидан қонунда назарда тутилган асослар ва қонунда белгиланган тартибда зўрлик ишлатилиши жабрланувчи томонидан ўлимга олиб келган қаршилик кўрсатиш ва жавоб чораларини кўриш учун асос бўлмайди ва шу боис ЖКнинг 98-моддасида назарда тутилган белгиларга эга бўлмайди. Бундай хатти-ҳаракат ЖКнинг 97-моддасига биноан қасддан одам ўлдириш, деб квалификация қилиниши лозим.

8. Шарҳланаётган моддада оғир ҳақорат деб, физиологик аффект ҳолатини келтириб чиқарадиган сўз-иборалар ишлатиш ёки ҳаракатлар (шахсий қадр-қимматни, ор-номусни, миллий туйғуни ва бошқаларни одобсизлик билан қўпол равишда камситиш) тушунилади. Суд ҳар бир алоҳида ҳолатда ишнинг муайян вазиятларини инobatга олиб, ҳақоратнинг оғир бўлган-бўлмаганлиги масаласини назарда тутиш лозим. Масалан, эр-хотинлик садоқатининг бузилиши ҳодисасининг ўзигина эр ёки хотин тарафидан оғир ҳақорат каби баҳоланмаслиги лозим. Бироқ, эр ёки хотин хиёнатини ўз кўзи билан кўрган ҳолатни физиологик аффект ҳолатини вужудга келтирадиган оғир ҳақорат, деб топиш мумкин.

9. Жабрланувчининг бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари деганда, айбдор шахснинг ва унинг яқинларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари қўпол равишда бузилиши, масалан, мазмунан ўта беодоблик билан ажралиб турадиган безорилик қилиқлари, ўзбошимчалиги, ўзини-ўзи ўлдиришгача олиб бориш ва ҳақозолар тушунилади.

10. Жиноятни ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилиш учун одам ўлдириш содир этилган вақтдаги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ҳуқуққа хилоф зўрликка, оғир ҳақоратга ёки жабрланувчининг бошқа турдаги ҳуқуққа зид ҳаракатига жавоб тариқасида тўсатдан юз берганлигини аниқлаш зарур.

11. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ва тўсатдан юз берадиган одам ўлдириш қасди фақат ҳуқуққа хилоф зўрлик ишлатилган, оғир ҳақорат қилинган ёки бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатга дучор бўлган шахслардагина эмас, балки мазкур ҳодисанинг гу-

воҳи бўлганларда ҳам юз бериши мумкин. Мазкур шахсларнинг жабрланувчиларнинг ўлимига олиб келган ҳаракати ҳам ЖКнинг 98-моддасига кўра, квалификация қилиниши керак.

12. Агар кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳати етказилган бўлса ва сабабий боғланиш оқибатида жабрланувчининг ўлими юз берса, айбдор қилмиши ЖКнинг 106-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак, яъни айбдор фақат кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида тан жароҳати етказилганлиги учун жавоб бериши керак.

13. Аффект ҳолатида эҳтиётсизлик орқасида ўлимга сабаб бўлиш, айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилишга олиб келади. Бироқ, жазо тайинлашда аффект ҳолати жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қаралмоғи лозим.

14. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатлар (масалан, икки ёки ундан ортиқ шахсни, ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни, бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда ўлдириш ва ҳоказо) мавжуд бўлгани ҳолда ҳам одам ўлдириш ЖКнинг 98-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

15. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдиришни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдиришдан фарқлашда, тўсатдан юзага келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришда жабрланувчининг ўлимига ҳимояланиш мақсади ёки зарурий мудофаа сабаб бўлмаганлигини назарда тутиш лозим. Айбдор қилмишида ЖКнинг 98 ва 100-моддаларида назарда тутилган жиноятлар ҳар икки таркиби аломатлари бўлганда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

### **99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши**

*Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши*

— *уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Она ўз чақалоғини туғиш пайтида ёки туғилиши ҳамон ўлдирилган ҳолларда шарҳланаётган жиноят ЖКнинг 99-моддаси бўйича квалификация қилинади.

2. Ушбу қотилликнинг жабрланувчиси янги туғилган чақалоқ ҳисобланади.

Суд-тиббий экспертизасининг нуқтаи назарига кўра, янги туғилган чақалоқ — бу туғилгандан кейин бир кунгача яшаган чақалоқ<sup>1</sup>.

3. Онанинг ўз чақалогини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон ўлдириши фаол ҳаракатлар (буғиб ўлдириш, сувга чўктириш, ўлимга олиб келадиган зарбалар бериш ва ҳоказолар) билан, шунингдек, ҳаракатсизлик (овқатлантирмаслик, совуқ жойда қолдириш) билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

4. Она ўз чақалогини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон ўлдириши қисқа вақт давомида: чақалоқ танасининг бирон-бир аъзоси она қорнидан чиққан пайтида ёхуд чақалоқ ҳаёти бошлангандан сўнг бир сутка давомида амалга оширилади.

5. Онанинг ўз чақалогини уни туғишидан муайян вақт ўтганидан сўнг, яъни онада алоҳида руҳий-жисмоний ҳолат, аёлнинг туғиш пайтида ёки бевосита туққанидан сўнг юзага келадиган ҳолати ўтгандан сўнг ўлдириши, жиноят содир этилишининг асосий сабабини инobatга олиб, ЖКнинг 97-моддасига кўра, квалификация қилиниши керак. Қотилликни квалификация қилишда вақт омилини ҳисобга олиш шарт ҳисобланади.

6. Жиноятнинг субъекти фақат янги туққан аёл — она бўлади. Ушбу жиноят иштирокчилари (далолатчи, ёрдамчилар)нинг ҳаракати ЖКнинг 28 ва 97-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

7. Муддатидан олдин туғилган чақалоқни ўлдиришни ҳам янги туғилган чақалоқнинг она томонидан ўлдирилиш, деб ҳисобланади. Асосийси, чақалоқ ўлдирилаётганда у тирик бўлиши лозим. Бундай ҳолатда она қорнидан ўлик чақалоқ эмас, тирик чақалоқ туғилгани фактини белгилаш зарур.

8. Онанинг ўз қорнидаги ҳомилага зарар етказишга қасд қилиши, ҳатто ҳомиладорлик 22 ҳафтадан ошган бўлса ҳам, ҳомиланing нобуд бўлишига олиб келса, бу ҳомиладор аёлнинг жавобгарлигини келтириб чиқармайди.

9. Агар ҳомиладор аёл 16 ёшга тўлмаган бўлса, у ушбу модда бўйича жавобгарлик юзага келиши учун зарур бўлган, қонун билан белгиланган ёшга етмаганлиги учун онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдирганлиги субъекти бўла олмайди.

10. Онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши тўғри қасд билан ҳам, эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин. Чақалоқ ҳаётига суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади.

<sup>1</sup> Судебная медицина. Л., «Медицина», 1985, стр. 368.

11. Эҳтиётсизлик орқасидан чақалоқнинг ўлими келиб чиққан ҳолларда туққан онанинг ҳаракатларини ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиш керак.

12. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришини чақалоқни хавф остида қолдиришдан фарқлашда (ЖКнинг 117-моддаси), аёл янги туғилган чақалоқни хавф остида қолдираётганда уни кимдир олиб кетиши ва у ҳақда гамхўрлик қилишини хоҳлаганини ҳисобга олиш зарур бўлади (масалан, фарзандни одамлар яшаётган жойда дераза тагида ёки эшик ёнида ёхуд етимхона эшиги олдида қолдиради).

Чақалоқни қасддан ўлдиришда эса, аёл унинг нобуд бўлишини хоҳлайди ёки онгли равишда бунга йўл қўяди. Аёлни қасди нимага қаратилганини унинг чақалоқни қаерга, қандай жойга, йилнинг қайси вақтида ташлаб кетганлигига, бу жойда уни қутқариш эҳтимолига, чақалоқ қанчалик тез топилиши мумкинлигига қараб ҳукм чиқариш мумкин.

### **100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш**

*Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. ЖКда белгиланган зарурий мудофаа ҳуқуқи фуқароларнинг шахси, уй-жойи ва мулки дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий қоидаларни кафолатлайди, фуқароларнинг давлат мулкани, давлат ва жамоат манфаатларини қўриқлаш борасидаги конституциявий бурчларини бажариш учун шароитни таъминлайди<sup>1</sup>.

2. Хужум қилувчининг тажовузини қайтариш чоғида уни ўлдириш, агар ҳимоя зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган бўлса, жиноий жавобгарликни истисно этади. Хужум қилган шахсни, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, ўлдириш ЖКнинг 100-моддасига биноан квалификация қилиниши лозим.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тўғрисида фақат зарурий мудофаа ҳолати юзага келган вазиятдагина суз юритилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарори, муқаддима, 1-қисми.



3. Шахсни ЖКнинг 100-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун айбдор мудофаа ҳолатида бўлганлиги ва унинг чегарасидан чиққанлигини аниқлаш лозим.

4. Куриб чиқиладиган жиноят объектив томондан фақат фаол ҳаракат ва келиб чиққан жиноий оқибат, яъни ҳужум қилувчини зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб улдириш билан тугайди (зарурий мудофаа қонунийлиги шартлари ва унинг чегараларидан четга чиқиш тўғрисида ЖКнинг 37-моддаси шарҳига қаранг).

5. Фуқаролар зарурий мудофаа ҳуқуқини нафақат ўзларига нисбатан уюштирилган тажовузда, балки ўзгалар ҳуқуқи, шаъни, қадр-қиммати, давлат манфаатлари, жамоат тартиби ва ҳоказоларни ҳимоя қилишда ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга эканликларини назарда тутиш зарур.

6. Ҳужумга дучор бўлган шахс, қочиб кетиши, ёрдам сўраб фуқароларга ёки ҳокимият вакилига мурожаат этиш имкониятига эга бўла туриб, фаол қаршилиқ кўрсатиш ёки бошқа усуллардан ҳам фойдалани мумкин.

7. Жиноят кодексининг «Махсус» қисмида назарда тутилган ҳаракатлар, уни содир этган шахс жавобгарликка тортилганлиги ёки руҳий касаллик, жиноий жавобгарликка тортиладиган ёшга тулмаганлиги сабабли ёки бошқа асосларга кўра жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъий назар, ЖКнинг 37-моддаси доирасида ҳимояланишга асос берувчи ижтимоий хавфли тажовуз, деб ҳисобланади.

8. Зарурий мудофаа ҳолати ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина эмас, балки ҳақиқий тажовуз хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Агар ҳимояланувчига иш ҳолатига кўра, тажовуз вақти тугаши аниқ бўлмаса, зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин. Ҳужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовуз қилувчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди.

Тажовузнинг олди олинган ёки тугаганидан сўнг ва ҳимоя воқитларини қўллаш зарурати йўқлиги аниқ бўлганда, ҳимояланувчининг тажовуз қилувчига зарар етказган ҳаракати зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, деб топилмайди. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий асосларга кўра юзага келади.

9. Агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинда қилинган, деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда квалификация қилиниши лозим.

10. Тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани ва бунинг оқибатида тажовузчига ҳеч қандай заруриятсиз ЖКнинг 100-моддасида назарда тутилган қасддан зарар етказилсагина, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш, деб топилади. Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар (**ўлим — изоҳ муаллифи-ники**) жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

11. Субъектив томондан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдириш айбнинг қасд шакли билан тавсифланади.

Ижтимоий хавfli тажовузни қайтаришда ҳужум қилувчини эҳтиётсизлик туфайли ўлдириш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

12. Қилмишни ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилишда ҳимоя (мудофаа) ва тажовуз воситаларининг мувофиқлиги ёки номувофиқлиги, ҳужум қилаётган ва ҳимояланаётганнинг кучлари нисбати, ҳимояланувчининг тажовузни қайтариш имконияти, ҳужум қилаётганнинг ҳам, ҳимояланаётганнинг ҳам ёши, жисмоний куч-қуввати, уларда қуролнинг мавжудлиги ва сифати, тажовуз вақти ва жойи инobatга олинаши лозим. Агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи бутун гуруҳ ҳаракатининг хусусияти ва хавфлилик даражасига қараб, ҳужум қилувчиларнинг ҳар қайсисига нисбатан тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.

13. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришни ЖКнинг 98-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдиришдан фарқлаш лозим, зеро, иккинчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилиб, тажовуздан ҳимояланиш мақсадини кўзламайди, яъни зарурий мудофаа ҳолатида содир этилмайди. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдиришда, айнан кучли ҳаяжонланиш, унинг мажбурий белгиси ҳисобланади, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдиришда эса, бу белги бўлиши шарт эмас. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида юз берса, айбдорнинг хатти-ҳаракати, фақат ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиниб, ЖКнинг 98-моддасига кўра, қўшимча ҳуқуқий баҳолашни талаб қилмайди.

14. Тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи хавфнинг характерини ҳамма вақт ҳам аниқ баҳолай олмаслиги ва ҳимоянинг тажовузга мос усулини танлай олмаслиги мумкин. Ҳимояланувчи томонидан тажовуз

қилувчига етказилган зарар, бартараф этилган зарардан ортиқ бўлса ва ҳужумни бартараф этиш учун етарли бўлгандан кўра бўлса, агар бунда ҳимояланиш тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига ошкора номувофиқ бўлишига йўл қўйилмаган бўлса, бундай ҳолда ҳимояланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

15. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб одам ўлдириш, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а», «в», «д», «р», «с» бандларида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда ҳам ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

16. Зарурий мудофаа ҳолатини аниқ ижтимоий хавфли тажовуз юз бермаса-да, шахснинг янглишиб, шундай тажовуз қилиши мумкин, деган тахминий ҳолатлардан фарқлаш керак. Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганлигини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, деб ҳисобланиши керак.

Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни, албатта, билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг эҳтиётсизлик орқасида зарар (у л и м) етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

17. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан одам ўлдиришда ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган аломатлар бўлиши уни ЖКнинг 100-моддаси бўйича квалификация қилиниши истисно этмайди.

18. Зарурий мудофаа вазияти аллақачон тугаган бўлса, башарти, одам ўлдиришда айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, одам ўлдиришни ЖКнинг 97-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиш зарур, чунки айбдор мазкур қилмишни тажовузни даф этиш нияти билан эмас, балки ўч олиш нияти билан содир этади. Агар қасддан одам ўлдирилганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланган бўлса, содир этилган қотилликни ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилиш зарур.

19. Зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдиришда айбдорларга нисбатан жазо чоралари белгилашда судлар, ЖПКнинг 467-моддаси талабига кўра, ҳар бир муайян иш юзасидан жиноятнинг содир этилиш ҳолатларини ва айбдорларнинг шахсига оид маълумотларни эътиборга олиб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозим. Озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган тақдирда, бу ҳолат ҳукмда асосланган бўлиши лозим.

20. Судлар зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунларни қўллаш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича олиб бориладиган дастлабки тергов сифатига бўлган талабчанликни кучайтиришлари, жиноятга дахлдорлиги ёритилган барча шахслар жавобгарликка тортилганми ёки йўқлигини текшириб аниқлашлари ва зарур бўлган ҳолларда уларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишлари лозим. Агар янги шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши қўрилаётган иш билан боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида қўриш имкони бўлма-са, суд ишни тўлиғича қўшимча терговга қайтариши керак.

21. ЖКнинг 100-моддаси билан судланган шахслардан, уларни даволашга сарфланган маблағларни ундириш қонунда назарда тутилган.

22. ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «а», «б», «д», «ж» бандларида назарда тутилган ҳолатларнинг мавжудлиги қилмишни зарурий мудофаа ҳолатидан четга чиқиб ёки зарурий мудофаа ҳолатида содир этилганлигини истисно этмайди. ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган бошқа огирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги қилмишни бундай квалификация қилишга йўл қўймайди, чунки зарурий мудофаа ҳолати йўқ, деб ҳисоблайди.

**101-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам улдириш**

*Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам улдириш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қонунийлик шартларига риоя қилган ҳолда ушлаш вақтида уни улдириш жиний жавобгарликни келтириб чиқармайдиган ижтимоий фойдали ҳаракат сифатида баҳоланади. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш ушланаётган шахснинг ўлимига олиб келса, шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиний жазоланадиган қилмишни вужудга келтиради.

2. Ҳар қандай шахсда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бўлгандагина, ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш мумкин.

3. Жиноят содир этган шахсни ушлашда уни улдириш, шахсни ушлашнинг зарур чегараларидан четга чиқилмаган бўлсагина қону-

ний ҳисобланади. Ушлаш вақтида одам ўлдириш ушланувчи шахс томонидан оғир жиноят содир этилгандагина қонуний бўлади.

4. Жиноят содир этган шахс ушлашнинг зарур чоралари ушланаётган шахс содир этган қилмиш хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасига ҳамда шахс ушлаш вазияти ўлим тарзида ҳаддан ташқари зарар етказишни юзага келтирмайдиган ушлаш ҳолатига ошкора мувофиқ келмаслиги, шахс ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш, деб топилади.

5. Ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш фактини аниқлашда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- ушланаётган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси;

- ушлаш ҳолатлари;

- зарар етказишнинг зарурлиги ва етарлилиги.

Содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини аниқлашда жиноят объектини, оқибатлар ҳажмини, айбнинг шаклини, жиноят содир этиш усулларини, жиноятчининг шахсини ва ҳоказоларни ҳисобга олиш зарур. Ушлаш ҳолатларини баҳолашда қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш лозим: ушланувчи шахснинг жисмоний жиҳатлари, жинси, ёши, жисмоний кучи, унда қурол бор-йўқлиги, ушлаш жойи ва ҳоказо.

Етказилган зарар ушланаётган шахснинг ҳокимият органларига етказиш учун йўналтирилган ва ушбу вазифани таъминлаш учун етарли бўлиши лозим бўлгандагина зарурий, деб тан олиниши лозим.

6. Шахс ушлаш учун уни ўлдириш зарур бўлмаганда, яъни ушланаётган шахс содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигига очиқ-ойдин мос бўлмаган равишда содир этилгандагина ЖКнинг 101-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

7. Қонун жиноят содир этган шахс ушлаш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини чегараламайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир қатор ходимлари учун жиноятчиларни ушлаш уларнинг хизмат вазифаси ҳисобланади.

8. Қуйидаги ҳолатлар жиноят содир этган шахс ушлаш учун асос бўлиши мумкин:

- шахс жиноят содир этилаётган жойда воқеа содир этилаётгани устидан чиқиб қолиши ёки бевосита содир этилгандан кейин келиши;

- гувоҳлар ёки жабрланувчи шахслар жиноят содир этган шахснинг тўғридан-тўғри кўрсатиши;

- субъектнинг ўзида ё унинг эғнидаги кийимида ёки унинг турар жойидаги ёхуд унга тегишли бўлган буюмларда яққол жиноят изларининг ёки ашёвий далилларнинг топилиши;

- жиноятчини қидириш тўғрисидаги қарорнинг мавжудлиги;
- жиноятчининг қочиб юрганлиги бўлиши.

9. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан фақат фаол ҳаракатлар билан тавсифланади ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш натижасида одам ўлдириш билан тугалланади.

10. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, уни ўлдиришнинг субъектив томони қасдда ифодаланади.

11. (Шахсни ушлаш тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 39-моддаси шарҳига қаранг).

## **102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш**

*Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Эҳтиётсизлик орқасида икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш*

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш субъектив томондан жинойий ўз-ўзига ишониш ёки жинойий бепарволик оқибатида содир этилиши мумкин. Эҳтиётсизлик тури шарҳланаётган жиноят квалификациясига таъсир қилмайди, бироқ, оқибатда ҳар бир муайян ҳолатда эҳтиётсизликнинг тури аниқланиши зарур, чунки жинойий ўз-ўзига ишониш натижасида одам ўлдиришнинг хавфлилиқ даражаси жинойий бепарволик оқибатида одам ўлдиришнинг хавфлилиқ даражасидан анча юқори. Бу эса, жазо чораларини тайинлашда судлар томонидан инобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, бу мазкур жиноятни қасддан одам ўлдиришдан, шунингдек, айбсиз равишда зарар етказишдан ажратиш имкони-ни беради.

2. Жинойий ўз-ўзига ишониш оқибатида эҳтиётсизлик билан одам ўлдиришда айбдор ўз хатти-ҳаракатлари оқибатида шундай бўлиши мумкинлигини олдиндан кўради, бироқ, онгли равишда муайян эҳтиёткорлик чораларига риоя қилмай, ўлим бошланмаслигига енгилтаклик билан умид боғлайди.

3. Жинойий ўз-ўзига ишониш натижасида одам ўлдиришни эгри қасд билан қасддан содир этиладиган одам ўлдиришдан фарқлаш

керак. Эгри қаслда айбдор ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ўлимга олиб келишини олдиндан билади ва у мазкур ҳодисани маъқуллаш муносабатида бўлади. Ўз-ўзига ишониш шароитида айбдор ўлимни ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларидан бири сифатида олдиндан кўради, бироқ, унинг мўлжалига кўра, ўлим ҳали бошланмаслиги лозим бўлади, бироқ, бундай тасаввур асосиз бўлиб чиқади (ЖКнинг 21—22-моддалари шарҳига қаранг).

4. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англамаган, англаши мумкин ҳам, лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра, кўзи етиши мумкин ҳам, лозим ҳам бўлмаган айбсиз зарар етказиш орқали ўлимга сабаб бўлишдан жиноий бепарволик натижасида одам ўлдиришни фарқлаш лозим. Айбсиз зарар етказишда одам ўлдирганлик учун шахснинг айби бўлмайди, жиноий жавобгарлик истисно этилади.

5. Айбдор эҳтиётсизлик туфайли икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлимига сабаб бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 102-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

### **103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш**

*Моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса*

*— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 103-моддасига мувофиқ квалификация қилиш учун жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириши ёки ўз жонига суиқасд қилиши айбдорнинг у билан шафқатсиз муомала қилгани ёки унинг шаъни ва гурурини мутассил равишда камситгани натижасида содир этилганлигини аниқлаб олиш зарур. Жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдирганлиги (ўлимнинг бошланиши) ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилганлиги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар бундай оқибатлар бўлмаса, унда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш таркиби бўлмайди. Башарти, шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят аломатлари (масалан, ҳақорат, тухмат, қийнаш ва ҳоказо) бўлса, у жавобгарликка

тортилиши мумкин. Айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 103-моддаси билан квалификация қилиш учун айбдорнинг хатти-ҳаракатлари ва бошланган оқибатлар (жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ёки шунга суиқасд қилиши) ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарурий шарт ҳисобланади.

Шакл ва мазмун бўйича қонуний бўлган ҳаракатлар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш содир этилган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этган шахс ЖКнинг 103-моддаси бўйича жавобгарликка тортилмаслиги лозим<sup>1</sup>.

2. Шафқатсиз муомала деганда, жабрланувчини жисмоний ва руҳий азоб чекишига олиб келадиган қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиш (масалан, зарбалар бериш, қийнаш, эркинликни чеклаш, иссиқликдан, озиқ-овқатдан, сувдан ва ҳоказолардан маҳрум этиш)ни тушунмоқ лозим. Жиноий жавобгарликка тортиш учун жабрланувчи билан бир марта аёвсиз муносабатда бўлганлигининг ўзи етарлидир.

3. Шахснинг шаъни ва ғурурини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурини мунтазам ҳамда узликсиз (икки ва ундан ортиқ) таҳқирлаш ҳоллари (масалан, туҳмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб қилиш ва ҳоказолар)ни тушуниш даркор.

Шаън ва ғурур бир марта камситилиши факти ЖКнинг 103-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Бундай ҳолларда жавобгарлик Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари бўйича келиб чиқади<sup>2</sup>.

4. Бирга яшашни бошлашдан ёки давом эттиришдан, никоҳдан ўтишдан воз кечиш, эр-хотиндан бирининг хиёнати, қонуний асосда ишдан бўшатиш ва ҳоказолар натижасида ўзини ўзи ўлдириш ёки ўз жонига суиқасд қилишни ЖКнинг 103-моддаси бўйича квалификация қилиш мумкин эмас.

5. Жабрланувчи айбдордан моддий ёки бошқа турдаги қарамлик муносабатида бўлмаган ҳолларда ЖКнинг 103-моддаси, 1-қисмига мувофиқ жавобгарлик келиб чиқади. Бунда ЖКнинг 103-моддаси бўйича айбдорнинг ҳаракатини ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган ҳолларда ЖКнинг 25-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, чунки ЖКнинг 103-мод-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1998, 2-жилд, 332-бет.



даси ўзини ўзи ўлдириш, шунингдек, унга суиқасд қилиш даражасига етказганлик учун жавобгарликни қамраб олади<sup>1</sup>. Жабрланувчи айбдордан моддий ёки бошқа турдаги қарамлик муносабатида бўлган ҳолларда, қилмишни ЖКнинг 103-моддаси, 2-қисмига биноан квалификация қилиш керак. Бундай ҳолларда қарамлик мавжудлиги айбдор ва жабрланувчи ўртасида ҳақиқатан руй берган ва мавжуд бўлган муносабатларга баҳо берган ҳолда аниқланиши лозим<sup>2</sup>.

6. Моддий қарамлик деганда, жабрланувчи айбдордан анчагина моддий ёрдам (пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечак ва ҳоказолар) олган ёки унинг қарамоғида бўлган ҳолатларни тушуниш лозим. Купинча бу ишламаётган шахснинг ишлаётган шахсга, болаларнинг ота-онага, ишламаётган ота-онанинг моддий даромадга эга бўлган ўз болаларига қарамлигидир.

7. Бошқача қарамлик деганда, хизмат юзасидан ёки бошқача қарамликни (масалан, бошлиққа, ўқитувчига, раҳбарга, васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш муносабати билан қариндошларга ва бошқалар билан боғлиқ қарамликни) тушуниш лозим.

8. Агар ўзини ўзи ўлдириш ва шу даражага етказиш айбдор томонидан жабрланувчига нисбатан бошқа оғирроқ жиноят содир этилганлиги оқибатида юз берган бўлса, лекин ушбу жиноят таркиби бундай ҳаракатларни қамраб олмаса, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишдаги айбдорнинг ҳаракатлари қўшимча квалификация қилишни талаб этади<sup>3</sup>.

9. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш субъектив томондан келиб чиққан оқибатларга нисбатан эгри қасд ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилади<sup>4</sup>. Жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тўғри қасд билан содир этилган ҳолларда қилмиш воситали зарар етказиш тури, деб топилиши лозим, яъни унинг ҳаракати ЖКнинг 97-моддасида кўзда тутилган қасддан одам ўлдириш таркибини вужудга келтиради — бундай ҳолларда одам ўлдириш жабрланувчининг ўзи томонидан содир этилади.

10. Агар жабрланувчи ўзини ўзи ўлдириш ёки ўз жонига қасд қилиш даражасига етказиш жараёнида ўзига ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳати етказса, айбдорнинг қилмишлари юз берган оқибат бўйича ЖКнинг 104-моддаси ёхуд 105-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 333-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1998, 2-жилд, 333-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1998, 2-жилд, 333-бет.

## II боб. СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида куриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг уттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
  - б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
  - в) ута шафқатсизлик билан;
  - г) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
  - д) тамағирлик ниятида;
  - е) безорилик оқибатида;
  - ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
  - з) диний таассублар замирида;
  - и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кучириш (трансплантат) мақсадида;
  - к) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса
- беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
  - б) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан;
  - в) ута хавfli рецидивист томонидан;
  - г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
  - д) жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлса
- саккиз йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Баданга шикаст етказиш деганда, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ва аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида ёхуд айбдор томонидан жисмоний таъсир кўрсатиш билан ишдан чиқаришда ифодаланган соғлиғига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш лозим.

2. *Баданга шикаст етказишнинг объекти* — саломатлигининг ҳолати ва шахсий хислатларидан қатъий назар, бошқа одамнинг соғлиғи. Баданнинг дахлсизлиги шахс соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик тажовузларининг ҳам объекти ҳисобланади.

Бошқа одам соғлиғига зарар етказиш фактини аниқлашда, жабрланувчининг баданига шикаст етган пайтдаги саломатлиги ҳолатидан келиб чиқиш лозим.

3. Ўзининг соғлиғига зиён етказган шахс (ўзининг бирор аъзосини жароҳатлаш), мазкур ҳаракатлар фақат ЖКда кўзда тутилган мустақил жиноятни вужудга келтирса, масалан, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖКнинг 225-моддаси, 2-қисми, «а» банди), ўзининг бирор аъзосини майиб қилиш билан ёки бошқа усул билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЖКнинг 290-моддаси) ва баъзи бошқа ҳолатларда жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўз соғлиғига зарар етказиш (жароҳат етказиш) юқоридаги жиноятларнинг зарурий ёки жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат белгиси сифатида намоён бўлади, шу боисдан бундай қилмишларни бошқа одамнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида квалификация қилиш мумкин эмас. Агар шахснинг соғлиғига зиён етказиш унинг ўз розилиги билан бошқа киши томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича баданга тегишли даражада шикаст етказиш ҳамда ўз соғлиғига зарар етказишга розилик берган шахснинг содир этган жиноятда иштирокчилиги сифатида квалификация қилиниши мумкин.

4. Объектив томондан жиноят ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахс соғлиғига зарар етказишда ифодаланади. Баданга шикаст етказиш қуйидаги воситалар:

- жисмоний таъсир (механик, термик, электр токи ва бошқалар);
- баданга кимёвий ёки биологик фаол воситалар билан таъсир этиш;
- руҳий таъсир орқали амалга оширилиши мумкин.

5. Агар шахс ноқонуний тарзда ўқотар қуролни ясаган ёки қўлга киритган бўлса-ю, бошқа одамнинг баданига шу қуролдан

шикаст етказса, у ҳолда бундай қилмиш баданга тегишли оғирлик даражасида шикаст етказиш ва қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш мажмуи билан квалификация қилиниши зарур (ЖКнинг 248-моддаси).

6. Баданга шикаст етказишни тугалланган жиноят, деб топиш учун қонунда аниқ кўрсатилган муайян оқибатлар бошланиши зарур (меҳнатга лаёқатини йўқотиш, аъзосини ишдан чиқариш ёки уни бажарадиган вазифаларидан маҳрум этиш, ҳомиладорликнинг узилиши ва бошқалар). Айни пайтда инсон баданидаги тўқималарнинг анатомик яхлитлиги бузилишигина эмас, балки соғлиққа етказилган муайян зарарни ҳам баданга шикаст етказишнинг юқоридаги турларининг жинойий оқибатлари, деб ҳисоблаш керак.

7. ЖКнинг 104-моддаси буйича жавобгарлик бошланишининг муқаррар шarti — содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш ва бошланган жинойий оқибат (баданга оғир шикаст етказиш) ўрғасидаги сабабий боғланишни аниқлашдир. Сабабий боғланиш бўлмаган ҳолатда вужудга келган оқибатлар шахсни айбдор, деб топишга монелик қилади.

Сабабий боғланиш мавжудлиги масаласини ҳал қилиш учун жабрланувчи баданининг ўзига хос хусусиятлари (қасаллик, туғма етишмовчилик ва бошқалар) инобатга олиниши зарур. Мазкур хусусиятларнинг мавжудлиги ижтимоий хавfli қилмиш туфайли бошланган оқибатлар моҳиятига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолатларда ижтимоий хавfli қилмиш натижасида қандай аниқ оқибатлар бошланганлигини ва улар жабрланувчи баданининг ўзига хос хусусиятлари билан оғирлашган-оғирлашмаганлигини аниқлаш зарур. Башарти, мазкур оқибатлар айбдорга маълум бўлса-ю, у ўзи содир этаётган қилмиш пировард натижага таъсир этишини англаса, амалда жабрланувчига келтирилган зарар унга айб сифатида юклатилиши шарт. Бундай вазиятлар айбдор қасди натижасида содир этилмаган бўлса, у бошланган оқибатлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

8. Субъектив томондан баданга оғир шикаст етказиш айбнинг қасд шакли билан тавсифланади ва муайян ҳолатларга кўра, туғри ёки эгри қасд билан етказилган бўлиши мумкин. Аниқ бўлмаган қасднинг мавжудлиги ҳолатида айбдор амалда келиб чиққан оқибатлар учун жавобгарликка тортилади. Айбдорнинг бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказиш нияти аниқланса ва амалда кам даражадаги зарар етказилса, субъектнинг ҳаракати жабрланувчининг соғлиғига қарши зарар етказишга суиқасд қилганлик буйича ква-

лификация қилинади (масалан, айбдор шахс жабрланувчининг юзига кислота сепмоқчи бўлди, лекин жабланувчи ўгирилиб олишга муваффақ бўлди ва соғлиғига ҳеч қандай зиён етмади).

9. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида баданга оғир шикаст етказиш белгиларининг батафсил рўйхати келтирилган, улардан бирининг мавжудлиги жароҳатни оғир, деб топиш учун асос бўлади.

Қонун чиқарувчи уларга қуйидагиларни киритади:

- шикаст етказилаётган лаҳзада ҳаёт учун хавфлилик;
- куриш қобилиятини йўқотиш;
- нутқни йўқотиш;
- эшитиш қобилиятини йўқотиш;
- бирон-бир аъзони йўқотиш ёки аъзонинг бажарадиган вазифаларини бутунлай бажара олмай қолиши;
- руҳий касалга чалиниш;
- ўтгиз уч фоиздан зиёд умумий меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотиш билан боғлиқ соғлиққа шикаст етказиш;
- ҳомиланинг тушиши;
- баданни тузатиб бўлмас даражада хунуклаштириш.

10. Агар баданга шикаст етказиш, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлса, баданга оғир шикаст етказиш тоифасига мансуб бўлади. Бунда тиббий аралашувсиз, ўз-ўзича кечган ҳолатларда жабрланувчининг ўлимига олиб келиши мумкин бўлган шикастлар ҳақида гап кетмоқда.

Етказилган шикастнинг ҳаёт учун хавфлилиги, амалда келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар, унинг шикаст етказиш вақтидаги ҳолати билан аниқланади. Ҳаёт учун хавфлилар жумласига киритилган шикастларнинг тулиқ рўйхати баданга шикаст етказиш оғирлиги даражасини аниқлашга оид суд-тиббийёт қоидаларида келтирилган.

11. Етказилаётган вақтда ҳаёт учун хавфли бўлган шикастларни қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилишдан фарқлаш керак. Баданга ҳаёт учун хавфли шикаст етказиш, айбдор жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлишини англаб етиши билан бирга, мазкур оқибатлар бошланишини истагани, яъни бошқа одамни ўлдириш учун тўғри қасд билан ҳаракат қилиш ҳолатларида одам ўлдиришга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

Судлар қасддан одам ўлдириш жиноятини ўлимга олиб келган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлашлари лозим. Қасддан одам ўлдиришда айбдор шахс ўлдириш қасди билан ҳаракат қилса, ўлимга олиб келган баданга оғир шикаст етказиш жиноятида ўлимга нисбатан айб эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Айбдорнинг қасди йўналишлари масаласини ҳал этишда судлар содир этилган жиноят барча ҳолатларининг мажмуидан келиб чиқишлари, хусусан, жиноят усули ва қуроли, баданга етган шикастнинг даражаси, хусусияти ва жойлашишини, жинойий ҳаракатларнинг тўхташ сабабларини, жиноятчининг жиноят содир этишдан аввалги ва кейинги хулқ-атворини, жабрланувчи билан ўзаро муносабатларини инобатга олишлари лозим<sup>1</sup>.

12. Ҳаёт учун хавfli бўлган баданга оғир шикаст етказиш айбдор ўз ҳаракати жабрланувчининг ўлимига олиб келишини, нафақат, англаган ва буни яқуний вариантларидан бири, деб ҳисоблаган, балки бундай оқибатни истаган, яъни ўзга кишини ҳаётдан маҳрум қилиш учун тўғри қасд билан ҳаракатланган ҳолдагина қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

13. Баданга қасддан ҳаёт учун хавfli шикаст етказиш бевосита ўлдириш қасди бўлмаса, ЖКнинг 104-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Баданга ҳаёт учун хавfli шикаст етказишни тўғри квалификация қилиш жиноятнинг субъектив томонини пухта таҳлил қилишни, айбдорнинг қасди хусусияти ва йўналишини аниқ белгилашни тақозо этади.

14. *Кўриш қобилиятини йўқотиш* — бу икки кўзнинг узил-кесил кўр бўлиб қолиши ҳисобланади, унда кўриш қобилияти буюмлар шарпасини икки метр ва ундан яқин масофадан ҳам ажрата олмаслик даражасида пасаяди (кўриш қуввати 0,04 ва ундан ҳам кам бўлади).

Бир кўзнинг кўриш қобилиятини йўқотиши ҳам меҳнат қобилиятининг учдан бир қисмини доимий йўқотиш белгиси билан баданга оғир шикаст етказиш тоифасига киради.

Бир кўз соққасини йўқотиш — аъзони йўқотиш белгисига кўра, баданга оғир шикаст етказиш қилмишига тааллуқли.

15. *Сўзлаш қобилиятини йўқотиш* — бу жабрланувчининг ўз фикрини бошқаларга тушунарли бўлган аниқ товушлар воситасида ифодалаш имкониятидан маҳрум бўлиши.

Тилни йўқотиш аъзони йўқотиш аломатига кўра, баданга оғир шикаст етказишга тааллуқлидир.

16. Эшитиш қобилиятини йўқотиш деганда, тўла карлик ёки жабрланувчининг қулоғидан 3—5 см масофадаги оғзаки нутқни эшита олмаслигидек тузатиб бўлмас ҳолатни тушунмоқ керак. Бир қулоқнинг эшитиш қобилияти йўқолиши меҳнат қобилиятининг учдан бир қисмини доимий йўқотганлик белгисига кўра, баданга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1997, 1-жилд, 201-бет.

уртача оғирликдаги шикаст етказишга киради. Агар етказилган шикаст натижасида жабрланувчининг эшитиш қобилияти сақланса-ю, унинг қулоқ супраси олиб ташланса, айбдорнинг қилмишлари баданни тузатиб бўлмайдиган даражада хунуклаштириш белгиси бўйича баданга оғир шикаст етказиш, деб квалификация қилинади.

17. Бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолиши деб, одамнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган аъзоларидан (ички, ташқи) бирортасини, шу жумладан, жуфт аъзоларни ҳам ўзларига хос вазифаларни бажаришдан маҳрум этишни тушуниш лозим. Мазкур белгиларга кўриш, эшитиш, нутқ қобилиятини йўқотиш билан бирга, қўл ёки оёқни, ишлаб чиқариш қобилиятини йўқотишга олиб келадиган қилмишлар ҳам тааллуқлидир.

Қўл ёки бошқа органни йўқотиш деганда, мазкур аъзоларнинг гавдадан бутунлай ажралиб қолиши ёки вазифасини бажара олмайдиган ҳолга келиши тушунилиб, бундай ҳолларда жабрланувчи мазкур аъзолардан фойдаланиш имкониятини тула йўқотади (оёқ таяниш ва ҳаракатланиш қобилиятини йўқотади, қўл ишга яроқсиз бўлиб қолади ва ҳоказо). Қўл ёки оёқнинг тирсак ёки тиззадан кесиб ташланиши қўл ёки оёқни йўқотиш, деб топилади. Бошқа барча ҳолатлар қўл ёки оёқнинг бир қисми йўқотилиши, деб қаралади ва аъзоларнинг меҳнат қобилиятини муайян даражада доимий йўқотиши аломати бўйича баҳоланиши лозим.

Насл қолдириш қобилиятининг йўқотилиши деганда, қовушиш, уруғлантириш ёки бола туғдириш қобилиятидан маҳрум бўлиш тушунилади. Ушбу белгига кўра, бир меъёрдаги қовушиш қобилиятининг йўқолишига сабаб бўлган жароҳат оғир тан жароҳати, деб топилади. Аёлларда бу бачадон, тухумдон ёки найларнинг жароҳатланиши ҳомиладор бўлиш, ҳомилани бир меъёрда кўтариб юриш ва туғиш имкониятидан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин. Эркакларда насл қолдириш қобилиятининг йўқолиши аёлларни мустақил равишда уруғлатиш қобилиятининг йўқотилишида ифодаланаяди.

18. Баданга шикаст етказиш натижасида шахснинг атроф воқеликни туғри идрок этиши ва ўз хулқ-атворини идора қилишига муҳим таъсир этадиган нормал руҳий фаолиятнинг бузилишида намоён бўладиган *руҳий касаллик* бошланса, бундай қилмиш баданга оғир шикаст етказиш, деб топилади. Бундай касалликлар идрок, тафаккур, хотира, ҳис-ҳаяжон, диққат, ирода, хоҳиш ва хулқ-атворнинг бузилиши билан боғлиқ бўлади.

Руҳий касаллик вақтинчалик хусусиятга эга бўлиши ёки сурункалига айланиши мумкин. Руҳий касалликка ташхис қўйиш ва

унинг олинган жароҳатга боғлиқлиги психиатрик экспертиза билан аниқланади. Бундай шикастнинг оғирлик даражасини баҳолаш суд-тиббий эксперти иштирокида амалга оширилади.

19. Умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кўп қисмини доимий йўқолишига олиб келган, соғлиқни бошқа хил бузилишини келтириб чиқарган *баданга шикаст етказиш оғир шикаст етказиш*, деб топилади.

Меҳнатга лаёқатлилиқни йўқотиш, агар меҳнат қобилияти доимий ёки номаълум узоқ муддатга йўқотилса, доимий, деб тушунилади. Бу ўринда қонун чиқарувчи умумий меҳнатга лаёқатлилиқнинг йўқотилиши тўғрисида гап бораётганини таъкидлайди.

Баданга шикаст етказишни оғир, деб топиш учун умумий меҳнат қобилиятининг камида учдан бирини йўқотиш ҳолатларини тушуниш зарур.

20. Ҳомиланинг тушишини ҳам баданга оғир шикаст етказишга тааллуқли, деб топиш лозим. Жиноятни баҳолаш учун ҳомилдорлик муддати аҳамият касб этмайди. Бундай ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари билан аёлнинг касаллиги, жинсий аъзоларидаги нормадан четга чиқишлар, бошқа шунга ўхшаш омиллар воситасида ҳомилдорликнинг узилиб қолиши ўртасидаги сабабий боғланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бироқ, ҳар бир муайян ҳолатда айбдорнинг нияти ҳомилдорликни узиш бўлганини аниқлаш зарур. Агар жабрланувчининг ҳомилдорлик муддати қисқа бўлганлиги боис айбдор буни билмаса, айбдорга ҳомилдорликнинг узилиши каби айб қўйилмаслиги керак. Бундай ҳолатларда шахс жабрланувчи соғлиғига келтирган муайян зарари учун жавоб бериши лозим.

21. Баданнинг тузатиб бўлмайдиган даражада хунуклашиши деганда, бадандаги ҳар қандай қисмнинг хунуклашиши тушунилади. Баданнинг тузатиб бўлмас даражада хунуклашиши бадандан унинг айрим қисмлари (қулоқ, бурун, лаб)ни олиб ташлаш ёки уларга анчагина жароҳат етказишда, юздаги мутаносибликни ва юз хатти-ҳаракатларини бузишда, ундаги чуқур чандиқлар, доғларда, юзнинг ўзидан ўзи учиб туриши кабиларда ифодаланади ва натижада инсон танасида беўхшов, кишини сескантирадиган майиб-мажруҳлик пайдо бўлади.

Хунуклаштириш тузатиб бўлмайдиган бўлса, баданга оғир шикаст етказиш, деб топилади. Жароҳатланганлик натижасида келиб чиқадиган оқибатни йўқотиш учун терини операция қилишда зудлик билан жарроҳ аралашувига эҳтиёж сезилса, хунуклашганлик тузатиб бўлмайдиган, деб ҳисобланади. Жароҳатни йўқотиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб бериш суд-тиббий экс-



пертизасининг ваколатига киради. Жароҳатлар жабрланувчи баданини хунуклаштириши ёки хунуклаштирмаслиги масаласи суд томонидан ҳал этилиши ва баданга етказилган шикастнинг тузатиб бўлмаслик даражаси фақат судьянинг ички ишончига ва инсон қиёфаси туғрисида умумэътироф этилган эстетик тасаввурларга асосланиши керак.

22. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида оғирлаштирувчи ҳолатларда баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

23. Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

24. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «б» бандида назарда тутилган (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

25. Ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «в» бандига мувофиқ квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

26. Оммавий тартибсизлик жараёнида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

27. Тамагирлик ниятида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «д» банди бўйича квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

28. Безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «е» бандига мувофиқ квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

29. Миллатлараро ёки ирқий адоват замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «ж» бандида назарда тутилган (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

30. Диний таассублар замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «з» бандида назарда тутилган (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

31. Киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «и» бандига мувофиқ квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

32. Бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «з» бандига кўра квалификация қилинади (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

33. ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «а» бандида назарда тутилган ўта оғир жиноятга икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш тааллуқлидир.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказилган ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатларини мазкур белги билан баҳолаш зарур. Агар субъектнинг қасди икки ёки ундан ортиқ шахсга қаратилган бўлса-ю, лекин мазкур оқибатлар келиб чиқмаса, у ҳолда айбдорнинг қилмишларини икки ёки ундан ортиқ шахс баданига оғир шикаст етказишга суиқасд, деб баҳолаш лозим (ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 104-модданинг 3-қисми, «а» банди).

Субъектнинг қасди икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказишга қаратилган бўлса, бироқ, фақат бир жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказиб, бошқаси ёки бошқаларининг соғлиғига ўзгача зарар етказган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини баданга оғир шикаст етказиш сифатида ЖКнинг 104-моддаси, 1-қисми ва жиноятлар мажмуи бўйича икки ёки ундан ортиқ шахс баданига оғир шикаст етказишга суиқасд қилиш (ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми, 104-модданинг 3-қисми, «а» банди) сифатида квалификация қилиниши лозим.

34. Такроран, хавфли рецедивист ёки илгари ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади (такрорийлик ва хавфли рецедивист тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 32 ва 34-моддаларига берилган шарҳга қаранг).

35. Ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «в» бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича квалификация қилинади (ўта хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34 ва 97-моддаларига берилган шарҳга қаранг).

36. Уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «г» банди бўйича квалификация қилинади (уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29 ва 97-моддалари шарҳига қаранг).

37. Жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «д» банди бўйича келиб чиқади.

Айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш учун айбдорнинг қасди жабрланувчининг баданига айнан оғир шикаст етказишга қара-

тилганлиги ва бу оғир шикаст унинг ўлимига олиб келганлигини аниқлаш зарур. Қасддан калтаклаш, муштлашиш, енгил тан жароҳати етказиш оқибатида жабрланувчи ҳаётдан маҳрум этилганда айбдорнинг қилмишлари, эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлдириш сифатида ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчи баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказилган бўлса-ю, оқибатда етказилган шикаст жабрланувчининг ўлимига олиб келса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 105-моддаси, 1-қисми ва ЖКнинг 102-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш билан қасддан одам ўлдиришни фақат айбдор шахснинг ҳаракатлари баданга оғир шикаст етказишга нисбатан тўғри ёки эгри қасднинг мавжудлигидан ва жабрланувчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик шаклидаги айбнинг мавжудлигидан далолат берса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «д» банди билан квалификация қилинади. Агар айбдорнинг тўғри қасди жабрланувчини ўлдиришга қаратилган бўлса ёки бундай оқибатлар унинг эгри қасдига тааллуқли бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур кодекснинг қасддан одам ўлдиришни назарда тутадиган моддаларига кўра баҳоланиши керак.

38. Қасднинг мазмуни тўғрисидаги масалани ечишда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини, жумладан, жиноятни содир этиш усуллари ва қуроллари, етказилган шикастнинг, масалан, инсоннинг ҳаёт учун муҳим аъзоларига етказилган ва бошқа шикастларнинг табиати ва жойлашиши, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг илгариги хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари эътиборга олиниши зарур. Мазкур ҳолатларнинг барчасини инobatга олиш айбдорнинг қасди ҳаётдан маҳрум қилиш ёки баданга оғир шикаст етказиш даражасини анча пухта аниқлаш имконини беради.

39. Башарти, баданга оғир шикаст етказиш натижасида ўлим келиб чиқса, қасддан оғир тан жароҳати қасддан етказиш билан эҳтиётсизлик орқасидан келиб чиққан ўлим орасидаги сабабий боғланишни аниқлаш зарур. Агар келиб чиққан ўлим қасддан баданга оғир шикаст етказишдан эмас, балки бошқа ҳолатлар натижасида, масалан, тиббиёт ходимларининг совуққонлиги орқасидан келиб чиққан бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

40. Эҳтиётсизлик орқасидан келиб чиқадиган ва қасддан етказиладиган ўлимни фарқлаш зарур. Бундай ҳолатларда шундан ке-

либ чиқиш керакки, айбдорда ўлдиришга ҳам, оғир тан жароҳати етказишга ҳам қасд мавжуд бўлмаса, у эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган, деб топилади. Агар айбдорнинг ҳаракатларида жабрланувчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик ва баданга оғир шикаст етказишга тўғри ёки эгри қасд аниқланса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «д» банди билан квалификация қилиниши лозим.

41. Ўлдиришга суиқасд қилиш билан баданга оғир шикаст етказишга суиқасд қилишни ажратиш лозим. Бунда қасднинг кўринишини тўғри аниқлаш ҳал этувчи аҳамиятга эга.

Ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади. Бу ҳақда ўлдириш билан жабрланувчини кўрқитиш, уларнинг ўзаро ёмон муносабатлари, айбдорнинг ўзга шахслар олдида ўлдириш ниятида эканлиги ҳақида сўзлашлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар далил сифатида қаралади.

Баданга оғир шикаст етказиш вақтида қотилликка нисбатан тўғри қасд ҳақида далилларнинг йўқлиги айбдорнинг ҳаракатларини қотилликка суиқасд сифатида баҳолаш имкониятини истисно этади.

42. Суд-тергов амалиётида ўлим баданга оғир шикаст етказилгани ҳамон ёки бир қанча вақт ўтгач келиб чиққан бўлса, одам ўлдиришга нисбатан қасд йўналиши ўлим келиб чиқишининг вақт омили билан алмаштириладиган хатолар ҳам учрайди. Бундай ҳолатларда қилмиш жабрланувчининг ўлимига олиб келган баданга оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилинади, бу эса нотўғри, чунки бу жиноятларни фарқлашда жабрланувчининг ўлган вақти эмас, балки айбдор шахс қасдининг йўналиши асос бўлиши лозим.

### **105-модда. Қасддан баданга уртача оғир шикаст етказиш**

*Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ушбу кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга уртача оғир шикаст етказиш*

— *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Қасддан баданга уртача оғир шикаст етказиш:*

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) ўта шафқатсизлик билан;
- д) оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- е) тамагирлик ниятида;
- ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида;
- з) диний таассублар замирида;
- и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
- к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан;
- л) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса  
— уч йилдан беш йилгача озодликдан махрум этиш билан жазоланади.

1. Баданга ўртача оғир шикаст етказиш ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган жиноятдан шуниси билан фарқ қиладики, у содир бўлган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмайди ва одатдагидек кечганида инсоннинг ўлимига олиб келмайди. Бундан ташқари, мазкур жиноят баданга оғир шикаст етказишга хос бўлган бошқа оқибатларни келтириб чиқармайди.

2. Баданга ўртача оғир шикаст етказишнинг белгилари қуйидагилар:

- соғлиқнинг камида йигирма бир кун, бироқ, тўрт ойдан кўп бўлмаган даврга ёмонлашуви;
- умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолиши.

3. Агар қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан (ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисми, «а» банди шарҳига қаранг);
- б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);
- в) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);
- г) ўта шафқатсизлик билан (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);
- д) оммавий тартибсизликлар жараёнида (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);

е) тамагирлик ниятида (ЖКнинг 97-моддасига берилган шарҳга қаранг);

ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);

з) диний таассублар замирида (ЖКнинг 97-моддасига берилган шарҳга қаранг);

и) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг);

к) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ЖКнинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан (ЖКнинг 32, 34, 97 ва 104-моддалари шарҳига қаранг);

л) ута хавфли рецидивист томонидан (ЖКнинг 34 ва 97-моддалари шарҳига қаранг) содир этилганда шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмининг тегишли бандига мувофиқ квалификация қилинади.

**106-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида  
қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир  
шикаст етказиш**

*Жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек, айбдорнинг ёки унинг яқин кишиси ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига сабаб бўлган ёхуд сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш*

– икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят кодексининг 106-моддасига кўра, айбдорнинг қилмишларини баҳолаш учун жабрланувчи баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилганлигини ва айти пайтда айбдор тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлигини аниқлаб олиш зарур (баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш белгилари, кучли руҳий ҳаяжонланиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 98, 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).

2. Субъектив томондан жиноят тўғри ва эгри қасд билан изоҳланади. Тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати-

да эҳтиётсизлик билан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ЖКнинг 111-моддаси бўйича квалификация қилинади.

3. Тусатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, эҳтиётсизлик билан жабрланувчининг ўлимига олиб келган бўлса, ЖКнинг 106, 102-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуига кўра баҳоланиши лозим.

4. Қилмиш ЖКнинг 106-моддасига кўра баҳоланишининг зарурий шarti — субъект томонидан жинoий куч ишлатиб содир этилган ҳаракатларнинг ҳуқуққа хилоф тажовуздан ҳимоя воситаси бўлганлиги. Акс ҳолда, улар зарурий мудофаа қондаларига кўра баҳоланиши керак бўлади. Баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган айбдор қилмишларини ЖКнинг 106-моддаси бўйича квалификация қилиш жабрланувчи ҳаракатлари шахсининг муҳим манфаатларига чинакам хавф тугдирмаган ва шу боис зарурий мудофаани тақозо этмаган ёки ҳужум тугаган ва ундан ҳимояланишнинг зарурати қолмаган ҳолатлардагина мумкин бўлади.

### **107-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш**

*Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмай, баданга оғир шикаст етказиш жиноят, деб топилмайди (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тўғрисида 37-модданинг шарҳига қаранг).

2. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга шикаст етказиш, жароҳат оғир шикаст етказиш тоифасига мансуб бўлмаган тақдирда, жиноятни вужудга келтирмайди.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томони фақат қасддан содир этилган айб билан тавсифланади.

4. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ва зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга оғир шикаст етказиш фақат ЖКнинг 107-моддаси билан квалификация қилинади ва қўшимча ЖКнинг 106-моддаси билан квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди.

**108-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш**

*Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. ЖКнинг 108-моддаси бўйича айбдор ҳаракатини баҳолаш учун унинг жабрланувчини ушлаш жараёнида баданга оғир шикаст етказганлигини аниқлаш зарур. Бунда айбдор зарурий чоралар чегарасидан четга чиқиб, мазкур қилмишни содир этади (шахсни ушлашда зарурий чоралар чегарасидан четга чиқиш тўғрисида ЖКнинг 39-моддаси шарҳига қаранг. Баданга оғир шикаст етказиш белгилари тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг фақат қасд шакли билан тавсифланади.

2. Баданга оғир шикаст етказиш, тўсатдан пайдо бўлган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилганлигига қарамай, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш натижасида содир бўлганида, ЖКнинг 108-моддаси бўйича квалификация қилинади.

3. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш эҳтиётсизлик туфайли ушланиши лозим бўлган шахснинг ўлимига олиб келса, қилмиш ЖКнинг 108-моддаси билан квалификация қилинади.

**109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш**

*Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш уша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.



Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувиغا ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш

— энг кам ойлик иш ҳақиниғ йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган модданинғ I-қисмида соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувиға ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишиға олиб келмаган баданга енгил шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундай шикастларға унча аҳамиятли бўлмаган, олти кундан ортиқ муддатга чузилмаган, тез ўтиб кетадиган шикастлар тааллуқлидир: яралар, доғлар, қон оқишлар ва ҳоказолар киради.

2. ЖКнинг 109-моддаси бўйича жавобгарликнинг муқаррар шарти Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси, 2-қисмиға асосан маъмурий чора қўрилгандан сўнғ бир йил давомида баданга иккинчи маротаба шикаст етказишдир.

3. Агар айбдорнинг ҳаракатлари жабрланувчи баданиға енгил шикаст етказиб, унинг соғлиғини қисқа муддатга ишдан чиқарса ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишиға олиб келса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 109-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилинади.

Қисқа муддат сифатида соғлиқнинг олти кундан ортиқ, лекин йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви назарда тутилади.

Меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотиш деганда, умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан кўпини йўқотмасликни тушуниш лозим.

## 110-модда. Қийнаш

Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, агар ушбу кодекснинг 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлса

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) вояға етмаган шахсға нисбатан;

б) ҳомиладорлиги айбдорға аён бўлган аёлға нисбатан;

в) ожиз аҳволдалиги айбдорға аён бўлган шахсға нисбатан содир этилган бўлса

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Қийнашнинг объекти деб, жабрланувчининг соғлиғи ёки баданининг дахлсизлигини ҳисоблаш лозим.

2. Объектив томондан жиноят ЖКнинг 104, 105-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, қийнаш хусусиятига эга бўлган, муттасил равишда дўппослаш ёки ўзгача ҳаракат содир этишда ифодаланади.

Қийнаш деганда, ягона қасд билан қамраб олинадиган ва муайян вақт давомида муттасил равишда зарар етказилиб, жисмоний оғриқни келтириб чиқарадиган (масалан, чимчилаш, қўлни, оёқни қайириш, хипчин, камар билан савалаш, ўтмас ёки санчиладиган буюмлар билан катта жароҳатларсиз зарар етказиш, термик омиллар ва бошқа усуллар билан таъсир қилиш каби) фаол ҳаракатлар тушунилади. Қийнаш жабрланувчига, нафақат, оғир жисмоний оғриқ, балки маънавий зиён ҳам келтиради.

Дўппослаш деганда, жабрланувчига бир вақтнинг ўзида кўплаб зарба бериш тушунилади.

ЖКнинг 109-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган, жисмоний оғриқ етказадиган, аммо соғлиққа зарар етказмайдиган дўппослаш, бошқа зўравонлик ҳаракатларини ҳақорат қилиш ҳаракатлари (140-модданинг 1-қисми)дан фарқлаш керак. Улар жисмоний уқубат етказмай, фақат маънавий зарарни келтириб чиқаради. Масалан, тарсаки тушириш шахс шаънини таҳқирлайди, лекин жисмоний оғриқ етказмайди ва ҳоказо.

3. Муттасил равишда дўппослаш ва қийнаш деганда, бир қасд доирасига кирадиган ва ягона мақсадга — жабрланувчига маънавий ва жисмоний уқубат етказишга қаратилган икки ва ундан ортиқ ҳаракатлар содир этишни тушунмоқ лозим.

Муттасиллик нисбатан муайян вақт давомида содир этилган айни бир хатти-ҳаракатнинг такрорланиши бўлмай, балки унда худди шунга ўхшаш бошқа хатти-ҳаракатларнинг ўзаро ички боғлиқлиги ва ягона йўналиш тизимлашганлигидир.

Муттасил дўппослаш қийнашнинг бир кўриниши сифатида содир этилган ҳаракатлар жабрланувчига оғриқ ва уқубат етказишини англаш каби умумий белгига эга бўлади.

Қийнашни содир этишда айбдор ихтиёрий равишда ўзи хоҳлаган оқибатни келтириб чиқарадиган усулни танлаб, жабрланувчига азобловчи оғриқ ва уқубат етказиши. Дўппослаш усуллари, воситаси ёки шикастнинг жойлашуви, уларнинг хусусияти — буларнинг барчаси айбдорнинг қасди жабрланувчига жисмоний уқубат ва азоб беришга қаратилганлигидан далолат беради.

Жиноят муттасил равишда дуппослаш ёки қийнаш хусусиятига эга узгача ҳаракатлар содир этилган пайтдан тугалланган, деб топилади.

4. Қийнаш хусусиятига эга узгача ҳаракатлар деганда, жабрланувчига қаттиқ уқубат ва қийноқларни келтирадиган узлуксиз жараёндан иборат бир маротаба содир этилган бир лаҳзалик ҳаракат тушунилади.

5. Агар муттасил қийновчи ҳаракатлар натижасида жабрланувчи баданига энгил шикаст етказилса, у ҳолда қилмиш яхлит равишда ЖКнинг 110-моддаси доирасига киради ва ЖКнинг 109-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш шарт эмас.

6. Агар қийнаш натижасида жабрланувчининг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган бўлса, қилмишни тегишинча ЖКнинг 104 ёки 105-моддалари билан квалификация қилиш керак.

7. Шарҳланаётган жиноят субъектив томондан қасд билан тавсифланади. Шахс жабрланувчига муттасил равишда қийноқлар ва уқубатлар етказётганлигини англаб етади ва шундай қилишни истади.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида уч тоифадаги жабрланувчилар гуруҳи назарда тутилган бўлиб, мазкур модданинг 1-қисмидаги ҳаракатлар уларга нисбатан содир этилганда, квалификация қилинадиган таркибни вужудга келтиради.

Вояга етмаганлар деганда, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тушунилади.

(Ҳомиладорлиги айбдорга маълум бўлган аёл тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

(Ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддасига берилган шарҳга қаранг).

### **111-модда. Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш**

*Эҳтиётсизлик орқасида баданга уртача оғир шикаст етказиш*  
— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Эҳтиётсизлик орқасида баданга оғир шикаст етказиш*  
— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қamoқ билан жазоланади.

*Эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки баданга оғир шикаст етказиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. (Баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш белгилари тўғрисида ЖКнинг 104 ва 105-моддалари шарҳига қаранг).

2. (Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 22-моддаси шарҳига қаранг).

3. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига эҳтиётсизлик билан ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 111-моддаси, 3-қисми бўйича келиб чиқади.

4. Махсус қоидаларни бузиб, эҳтиётсизлик билан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун ЖКнинг тегишли махсус моддаларига мувофиқ квалификация қилиниши зарур. Масалан, агар эҳтиётсизлик билан содир этилган баданга оғир шикаст етказиш транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида юз берган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

5. Эҳтиётсизлик билан баданга шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига олиб келган бўлса, мазкур ҳаракат ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

6. Бир шахсга эҳтиётсизлик орқасида содир этилган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш билан бир вақтда эҳтиётсизлик туфайли бошқа кишининг ўлими юз берса, бундай қилмиш ЖКнинг 102 ва 111-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар мажмуини вужудга келтиради.

### III боб. ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАР

#### 112 -модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш

Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) уша хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ авзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилган бўлса

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан ҳар хил йўллар орқали ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда намоён бўлади.

Ўлдириш билан қўрқитиш деганда, бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш учун ҳақиқатда билдирилган ниятни тушуниш керак.

Жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, айбдорнинг шахс соғлиғига зарар етказиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатишга оид ниятининг ошкора ифода этишини тушуниш лозим. Жиноятни ЖКнинг 112-моддаси билан квалификация қилиш учун жиноят субъекти жабрланувчига зўравонликнинг айнан қандай усули орқали таҳдид қилиш билан қўрқитгани аҳамиятсиздир.

3. Қўрқитиш қилмишни квалификацияга таъсир этмайдиган ҳар хил усуллар билан: оғзаки, ёзма, телефон орқали, имо-ишоралар, қурол ёки унинг ўрнини босадиган воситалар ва бошқа-

ларни кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Қўрқитиш жабрланувчига бевосита айтилиши ёки учинчи шахслар орқали етказилиши мумкин. Қўрқитишнинг зарурий шарти — унинг муайян шахсга қаратилганлиги. Ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш шахснинг ўзига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилиши мумкин.

Қўрқитишнинг ҳақиқийлигини аниқлашда жабрланувчи ва унинг атрофидаги одамлар қўрқитишни қандай қабул қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш айбдорнинг қўрқитиш ҳақиқий эканлигидан далолат бериб, жабрланувчини бу қўрқитиш амалга оширидан хавфсирашга мажбур қиладиган изҳор ва ҳаракатларида ифода этилиши зарур.

ЖКнинг 112-моддаси бўйича жиноятни квалификация қилиш учун қўрқитишнинг бир марта ёки муттасил бўлиб турганининг аҳамияти йўқ.

4. Қонунда ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш хусусияти белгилаб берилган. Шу сабабли бошқа ҳар қандай қўрқитиш ҳаракатларини содир этиш ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилинмайди.

5. ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шарти қўрқитишнинг чинакамлиги бўлиб, унинг моҳияти жабрланувчида хавфсираш учун етарлича асоснинг мавжудлигидир. Бу ўринда айбдорнинг қўрқитишни амалга оширмоқчи бўлган бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ.

Қўрқитишнинг чинакамлиги ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда содир этилган жиноятнинг муайян аниқ вазиятлари инobatга олиниб, аниқланади.

Қўрқитишнинг объективлиги:

- ифодалаш ёки изҳор қилиш усули;
- айбдор ва жабрланувчининг ўзаро муносабатлари, улар ўртасидаги совуқ муносабат, жанжал, душманлик ва бошқаларнинг мавжудлиги;
- айбдорнинг илгариги хулқ-атвори ва шахсияти;
- айбдорда қурол ёки қурол ўрнида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа предметларнинг мавжудлиги;
- қўрқитиш ифодаланган жой, муҳит, вақт ва бошқалар билан изоҳланади. Мазкур омилларни инobatга олиш жабрланувчида унинг хавфсираши учун етарлича асос бўлганлигидан, яъни субъектив мезоннинг мавжудлигидан гувоҳлик беради.

6. Айбдор қўрқитишни жабрланувчига етказгани заҳотиёқ жиноят тугалланган ҳисобланади. Бу ўринда жабрланувчига мазкур қўрқитиш таъсир қилган ёки қилмаганлигининг аҳамияти йўқ.

7. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишнинг сабаблари ҳар хил (уч, рашк ва бошқалар) бўлиши мумкин, бироқ, қилмишни ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилишга мазкур сабаблар таъсир қилмайди.

8. Қўрқитиш одам ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатишни содир этишга шароит яратадиган аниқ ҳаракатлар билан давом этса, айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 112-моддаси билан эмас, балки тегишли жиноятни содир этишга тайёргарлик қўриш сифатида квалификация қилинади.

9. Ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш бошқа оғирроқ жиноятларни (талончилик, товламачилик, номусга тегиш ва бошқалар) содир этиш усули бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўлдириш ва зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мазкур жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутадиган тегишли моддалар таркибига киради ва ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди. Агар ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш номусга тегишдан сўнг жабрланувчи номусга тегиш факти ҳақида ҳеч кимга хабар бермаслигини мақсад қилиб содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи сифатида ЖКнинг 118 ва 112-моддалари билан квалификация қилинади.

10. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ўта хавфли рецидивист томонидан (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг) ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ манфаатларини кўзлаб (ЖКнинг 29, 30 ва 97-моддалари шарҳига қаранг) содир этилганда, айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 112-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

11. Ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг) ҳаракатлари ЖКнинг 112-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

### **113-модда. Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш**

*Била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юқтириш*

— олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИТС касаллигини юқтириш

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти — ўзга кишининг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Таносил касалликлари, бу — одатда, жинсий йўл билан юқтириладиган юқумли касалликлар бўлиб, уларга сифилис, гонорея, триппер, юмшоқ шанкр, мойқлар (жинсий) лимфогранулематози ва бошқалар киради. Таносил касаллигининг хусусияти, уни даволаш имкони ёки касаллик туфайли келиб чиқадиган оқибатлар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

Айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 113-моддаси, 1, 2 ёки 3-қисмлари бўйича квалификация қилиш учун айтиб ўтилган таносил касаллигидан бири билан огриганликни ёки олдиндан била туриб, бошқа кишини мазкур касалликка дучор этганликни аниқлаб олиш лозим. Бошқа юқумли ёки оғир касалликларни юқтириш, келиб чиққан оқибатларнинг хусусиятига кўра, баданга шикаст етказишга оид моддалар билан квалификация қилинади.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида била туриб, бошқа шахсни таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, бунда шахс ўзида таносил касаллиги мавжудлигини аниқ била туриб, жабрланувчига мазкур касалликни юқтириб олиши учун чинакам хавф тугдиради.

Бошқа кишини таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Бу — жинсий алоқа, жинсий эҳтиёжни гайритабiiй усулда қондириш, турмушда, оилада, ишда озодалик қоидаларини турлича бузиш ва ҳоказолар. Таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш усуллари жиноятни баҳолашга таъсир этмайди.

4. Келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар, таносил касалликларини юқтиришнинг чинакам хавфи аниқланганда, таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш жинояти тугалланган ҳисобланади. Амалда бошқа кишига таносил касаллигини



юқтириш ЖКнинг 113-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилишга асос бўлади.

5. Олдиндан била туриб деганда, айбдорнинг ўзидаги таносил касаллигини аниқ била туриб, жабрланувчига уни юқтириш хавфи остида қолдириши тушунилади.

6. ЖКнинг 113-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан тавсифланади. Жабрланувчи таносил касаллигини юқтирган ҳолларда айбдорнинг субъектив муносабати тўғри ёки эгри қасд билан изоҳланади.

7. Жабрланувчи ўзини ихтиёрий равишда таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириши, шахснинг ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, жабрланувчига юқтиргани ёки уни бундай касалликни юқтириш хавфи остида қолдиргани учун жинойий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди.

8. 16 ёшга тўлган, ўзининг таносил касаллигини билган шахсина жиноят субъекти бўлиши мумкин.

9. ЖКнинг 113-моддаси, 3-қисми икки ёки ундан ортиқ ёхуд вояга етмаганларни олдиндан била туриб, тери-таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдиришни назарда тутди.

10. Айбдорнинг ҳаракатлари касаллик юқтириш хавфи остида қолдириш ёхуд икки ёки ундан ортиқ шахсни касаллик юқтириш хавфи остида қолдириш белгиси бўйича, агар аввалги касаллик юқтириш хавфи остида қолдириш вақтидан ёинки таносил касаллиги юқтириш хавфи остида қолдирганидан сўнг жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлса, ЖКнинг 113-моддаси, 3-қисми билан квалификация қилинади.

11. Олдиндан била туриб, тери-таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирилган шахс вояга етмаган шахс бўлса, айбланувчи ҳаракати ЖКнинг 113-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдор ўз ҳаракатлари билан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга таносил касаллигини юқтириш хавфини туғдиргани ёки юқтирганини олдиндан билган бўлиши ва бунга йўл қўйган бўлиши лозим. Айбдор вояга етмаган шахснинг ёшини билмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари ЖКнинг 113-моддаси, 1 ёки 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. Агар қасддан таносил касаллигини юқтириш натижасида баданга ўртача оғир шикаст етказилса, бу ҳолат ЖКнинг 105-моддасига қўшимча равишда квалификация қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Агар қасддан тери-таносил касаллигини юқтириш натижасида баданга оғир шикаст етказилса, қилмиш ЖКнинг 104-моддаси тегишли қисми ва ЖКнинг 113-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади.

13. ЖКнинг 113-моддаси, 4-қисми буйича жавобгарлик келиб чиқиши учун шахс бида туриб, ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириши ёки бу касалликни юқтирган бўлиши керак.

*ОИТС* (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) — инсон организмнинг ҳар қандай касалликка қарши курашиш қобилиятининг йўқолиши. ОИТС вируси ҳар хил: жинсий алоқа, стерилланмаган шприц, ушбу вирус мавжуд бўлган донорлик қони орқали ва бошқа йўллар билан юқиши мумкин.

14. Жиноят ОИТС билан касалланиш хавфи остида қолдириш ёки касаллик юқтирилган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

15. Айбдорни ЖКнинг 113-моддаси, 4-қисми билан жавобгарликка тортиш учун айбдор узида ВИЧ-инфекция вируси мавжудлигини билиши лозим.

Агар шахс ўзининг ВИЧ-инфекция вируси билан зарарланганлигини билмай туриб, бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирса ёки бу касалликни унга юқтирса, ушбу қилмишда жиноят таркиби бўлмайди, чунки бундай ҳолларда айб мавжуд эмас.

16. Ҳар қандай 16 ёшга тўлган ва ОИТС касаллиги билан касалланган шахс жиноят субъекти бўла олади. Шунингдек, шарҳланаётган жиноятни содир этганлик учун шифокорлар ёхуд тиббиёт ходимлари ҳам, уларда тўғри ёки эгри қасд мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилишлари керак. Бундай ҳолда ОИТС касаллиги билан касалланиш шифокорлар ёки тиббиёт ходимлари касб вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида келиб чиққан бўлса, уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 116-моддаси, 4-қисми, «б» бандида кўзда тутилган оғир оқибатларнинг келиб чиқиши билан квалификация қилиниши лозим.

### **114-модда. Жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт)**

*Шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш*

*нг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахсинг оундай ишни амалга ошириши*

*нг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида:*

а) жабрланувчининг ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти ҳомиладор аёлнинг соғлиғи ёки ҳаёти ҳисобланади.

2. *Аборт* — сунъий равишда ҳомила ривожланишини тўхтатиш. Ҳомила тушириш ҳуқуқий (қонуний) ва жиноий турларга бўлинади. Ҳомила тушириш кўпинча қуйидаги ҳолларда, яъни:

а) даволаш муассасасидан ташқарида бўлса;

б) тиббий нуқтаи назарга зид бўлса, жиноят, деб топилади.

3. Ҳомилани туширишда тиббий нуқтаи назарга зид аломатлар деб, ўткир ва яширин гонорея мавжудлиги; жинсий аъзоларнинг ўткир ва яширин ўткир яллиғланиши жараёнлари мавжудлиги; қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, йиринг мавжудлиги; ўткир юқумли касалликларнинг мавжудлиги; 12 ҳафтадан ортиқ муддатдаги ҳомиланинг мавжудлиги ҳолатларида содир этилганлигига айтилади. Булардан ташқари, илгариги ҳомила тушиши билан кейингисининг орасидаги муддат 6 ойдан ошмаган бўлса, шунингдек, ҳомила тушириш йўриқномасида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам тиббий нуқтаи назарга зид аломатларга тааллуқлидир.

4. Даволаш муассасаларидан ташқарида ҳомилани тушириш ушбу аломатларнинг мавжудлигидан қатъий назар, жиноятдир.

5. Ҳомилани тушириш сунъий равишда нормал кечаётган ҳомиладорлик тўхтатилган заҳотиёқ тугалланган жиноят, деб топилади.

Ҳомиладор аёлнинг ҳомилани сунъий туширишга розилиги жиноий абортнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Агар бундай жарроҳлик аёлнинг розилигисиз амалга оширилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 104-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

6. Ҳомиладорлик муддати жиноий ҳомила туширишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

7. Ҳомила тушириш усули ҳар хил (жарроҳлик, механик, токсик, термик ва медикаментоз ва бошқалар) бўлиб, улар жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

8. Агар аёлнинг соғлиғига зарар етказиш орқали ҳомила туширилган бўлса, айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 114-моддаси билан эмас, балки қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 104-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши керак.

9. Субъектив томондан жиноят фақат туғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

10. 16 ёшга тулган шахс жиноят субъекти ҳисобланади. Агар аборт шифокор-акушер ёки гинеколог томонидан амалга оширилган бўлса, жиноий абортни содир этишда айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 114-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиш лозим.

11. Жиноий ҳомила тушириш ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган тақдирда, айбдорнинг жиноий ҳомилани туширишдаги ҳаракати ЖКнинг 114-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши керак.

Ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга қуйидагилар киради:

- шифокор-акушер ва гинекологлардан ташқари барча тоифали ва шифокорлар, яъни олий тиббий маълумотга эга бўлган шахслар;
- урга тиббий маълумотга эга бўлган шахслар (акушерлар, ҳамшира ва ҳоказолар);
- тиббиёт касбига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳар қандай бошқа шахслар;

12. Ҳомила тушириш охири зарурат бўлган ҳолларда, масалан, ҳомиладор аёлнинг ҳаётига чинакам хавф туғилган ҳолатнинг олдини олиш учун унинг ҳомиласи даволаш муассасаларидан ташқаридан ёки тиббий нуқтаи назарга зид белгилар мавжуд бўлганда туширилган бўлса ёхуд ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, жиноий ҳомила тушириш учун жавобгарлик истисно этилади.

13. Ҳомиласини ўзи сунъий равишда туширган ёки уни ўзгалар ордамида жиноий равишда туширтирган аёл ЖКнинг 114-моддаси бўйича жиноят субъекти бўла олмайди.

14. Ҳомилани тушириш натижасида:

- а) жабрланувчининг ўлими юз берса;
- б) бошқа оғир оқибатлар вужудга келса, шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 114-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

15. Жиноий равишда ҳомила тушириш натижасида пайдо бўлган бошқа оғир оқибатларга: баданга оғир шикаст етказиш билан жабрланувчининг соғлиғига зарар етказилиши (масалан, бола туғиш қобилиятидан маҳрум бўлиш, бачадонни кучириш, руҳий фаолиятининг бузилиши ва бошқалар)ни киритиш лозим.

16. Айбдор қилмишларини ЖКнинг 114-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилиш учун содир этилган жиноий равишда

ҳомила тушириш билан жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим. Жиноят субъектининг бундай оқибатларга нисбатан айби эҳтиётсизликда ифодаланadi.

17. Агар жиноий равишда ҳомила туширишни содир этган айбдорда жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига нисбатан туғри ёки эгри қасд мавжуд бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида жиноий ҳомила тушириш ва қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

### ***115-модда. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш***

*Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, агар ҳомила сунъий туширилган бўлса*

— *энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти ҳомилдор аёлнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш натижасида, аборт кўринишидаги оқибат келиб чиқса, мазкур ҳодиса жиноятнинг объектив томонини ташкил этади.

3. Мажбурлаш деганда, аёлнинг ихтиёрига хилоф тарзда сунъий равишда унинг ҳомиласини туширишга ҳар қандай йўл билан тазйиқ ўтказишни тушуниш керак. Мажбурлаш куч ишлатишда, никоҳ ёки жинсий муносабатларини тўхтатиб қўйиш, моддий ёрдам кўрсатишдан маҳрум этиш ва ҳоказоларда ифодаланadi.

4. ЖКнинг 115-моддаси бўйича фақат жиноий бўлмаган ҳомила туширишга мажбурлаш ҳолатлари квалификация қилинади.

Айбдор далолатчилик қилиб, аёлни жиноий ҳомила туширишга мажбур этаётганлигини билса, унинг ҳаракати ЖКнинг 28 ва 114-моддалари бўйича жиноий ҳомила туширишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши керак.

5. Ушбу жиноят ҳомилдорлик сунъий тарзда тўхтатилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Агар ҳомилани тушириш содир этилмаса, лекин ҳомила туширишга мажбурлаш содир этилган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 115-моддасига мувофиқ, аёлни жиноий бўлмаган ҳомила туширишга мажбурлаш суиқасд сифатида квалификация қилинади.

6. Агар айбдор аёлни ҳомила туширишга мажбур этиб, унинг соғлиғига зарар (масалан, баданга енгил, ўртача оғир ёки оғир

шикаст) етказса, субъектнинг ҳаракатлари ЖКнинг 115-моддаси ва ҳомиладор аёлнинг баданига тегишли оғирликдаги шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган моддага мувофиқ квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 104, 105 ёки 109-моддаси).

7. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасддан содир этилади. Мотив ва мақсад квалификацияга таъсир қилмайди.

8. Жиноят субъекти – аёлнинг ҳомиладор бўлишига сабабчи 16 ёшга тулган эркак ва жабрланувчининг ҳомиласини туширишдан манфаатдор бўлган бошқа ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

9. Агар айбдор ундан ҳомиладор бўлган аёлни ҳомилани туширишига мажбурласа ва аёлнинг 16 ёшга тулмаганлиги аниқланса, у ҳолда айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 115 ва 128-моддалари (ун олти ёшга тулмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) бўйича жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши керак.

### **116-модда. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик**

*Шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишига сабаб бўлса*

— уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланди.

*Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ, касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишига сабаб бўлса*

— уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса*

— уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида:*

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.
2. Мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони шахснинг ўз касбини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги бўлиб, ушбу қилмиш натижасида жабрланувчи ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари олиши мумкин.
3. *Касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик* – бу шахснинг ўз касб мажбуриятлари доирасига кирадиган амалларни бажариши лозим ва шарт бўлган ҳолатларда бажармаганлиги.
4. *Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик* шахснинг бажариши шарт бўлган мажбуриятларни расмий ижро этиб, пухта ёки тулиқ бажармаганлиги билан изоҳланади.
5. Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фақат бир мартагина содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлиб қолмай, балки узоқ муддат давомида қилинган ҳаракатсизликда ёки қатор ҳаракатларни лозим даражада адо этмасликда акс этиши мумкин.
6. ЖКнинг 116-моддаси, 1-қисми бўйича жиноятни тугалланган, деб квалификация қилишнинг зарур шарти баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш шаклидаги оқибатнинг келиб чиқишидир (ЖКнинг 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).
- Жиноятни ЖКнинг 116-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш учун шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги ва баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш шаклидаги оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бундай сабабий боғланиш мавжуд бўлмаса, айбдорнинг ҳаракатларини мазкур модда бўйича квалификация қилиб бўлмайди.
7. Жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган бўлиши мумкин. ЖКнинг 116-моддасида назарда тутилган оқибатларга айбдорнинг субъектив муносабати эҳтиётсизликда ифодаланади.
8. 16 ёшга тулган, муайян касб мажбуриятларига эга бўлган ҳар қандай шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.
9. Шифокор қонунга мувофиқ ёхуд махсус қоидаларга кўра, касалга ёрдам бериши зарур бўлса ва лекин узрли сабабларсиз ёрдам кўрсатмаганлиги беморнинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етишига олиб келса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 116-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш зарур.
- Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга йўлда, кўчада, бошқа жамоат жойларида ва уйда

биринчи тез тиббий ёрдам курсатишга мажбурдирлар. Бу тоифага шифокорлар, акушерлар ва бошқа тиббиёт ходимлари киради.

Махсус қоидалар билан зиммаларига муайян шароитларда касалларга ёрдам курсатиш мажбурияти юклатилган шахслар ҳам жиноят субъекти бўлишлари мумкин. Мазкур шахслар тоифасига милиция, ёнғиндан муҳофаза қилиш, қутқарув хизмати ходимлари ва бошқалар киради<sup>1</sup>.

10. ЖКнинг 116-моддаси, 2-қисмига қўра, жавобгарликка тортиш учун беморга узрли сабабсиз ёрдам курсатмаслик зарурий белги ҳисобланади.

Шифокорнинг ёки зиммасига ёрдам курсатиш мажбурияти юклатилган бошқа шахснинг касаллиги, ёрдам курсатишга монелик қиладиган бошқа объектив тўсиқлар, масалан, табиий офат, охириги зарурат ҳолати, дори-дармонларнинг мавжуд бўлмаслиги ва бошқалар узрли сабаблар ҳисобланади. Сабабнинг узрли-узрсизлигини аниқлаш ҳар бир ҳолатда ишнинг барча шароитларини инобатга олган ҳолда суд томонидан ҳал этилади.

11. Касби юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд қонунга ёинки махсус қоидаларга қўра ёрдам бериши шарт бўлган шахснинг узрли сабабларсиз ёрдам курсатмаганлиги натижасида инсоннинг ўлими юз берган ҳолларда, шахснинг қилмиши ЖКнинг 116-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади. Бундай ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 102-моддаси бўйича эҳтиётсизлик орқали одам ўлдирганлик учун қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмайди.

12. Агар айбдорнинг қилмишлари оқибатида одамлар қурбон бўлса ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса, мазкур ҳаракатлар ЖКнинг 116-моддаси, 4-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Одамларнинг қурбон бўлиши деганда, икки ёки ундан ортиқ кишининг ўлими тушунилади.

Бошқа оғир оқибатларга икки ёки ундан ортиқ шахсга оғир тан жароҳати етказиш, қўл сонли инсонларга юқумли касаллик юқтириш киради.

### 117-модда. Хавф остида қолдириш

*Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва узини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам курсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 20 августдаги «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни.



аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Уша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса

— олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмишлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса

— уч йилдан беш йилдан озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — ўзининг соғлиғи ҳақида қайғура олиш имкониятидан маҳрум бўлган инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти ҳисобланади.

2. Объектив томондан хавф остида қолдириш ҳаракатсизликда, яъни айбдор ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган шахсга ёрдам беришга мажбур ва ёрдам бериш имкониятига эга бўла туриб ёхуд унинг ўзи жабрланувчини ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши хавфи остида қолдириб, унга ёрдам кўрсатмасликда, шахсни қутқариб қолиш чораларини кўрсатмасликда ифодаланади. Шахснинг бундай ҳолати унинг ёшлиғи, кексалиғи, ночорлиғи, беморлиғи, майиблиғи ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

3. ЖКнинг 117-моддаси, 2-қисмига оид жавобгарликнинг зарурий шарти айбдорнинг жабрланувчига ёрдам кўрсатишга мажбурилиги ва унда шундай имкониятнинг мавжудлигидир. Бундай мажбурият шахснинг мансаб лавозими, касби, оила-никоҳ муносабатлари ва ҳоказолардан келиб чиқиши мумкин: қутқарувчининг касби, онанинг ўз фарзанди ҳақида қайғуриш мажбурияти ва ҳоказо.

4. Шахснинг жабрланувчига ёрдам беришга мажбур бўлмаган ҳолатда, унинг ўзи жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғини хавф остида қолдириши ҳам мазкур жиноят таркибини ташкил этади. Бундай вазиятлар сувда сузишни билмайдиган шахсни сувга итариб юбориш, автотранспорт воситаси билан жабрланувчини босиб кетиш ва ҳоказолар натижасида юзага келиши мумкин.

5. Айбдорда жабрланувчига ёрдам кўрсатишнинг чинакам имконияти мавжуд бўлган ёки у ўз мавқеига кўра, ёрдам кўрсатишга мажбур бўлган ҳоллардагина айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

6. ЖКнинг 117-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят баданга етказилган ўртача оғир ёки оғир шикает кўринишидаги оқибатларни келтириб чиқарган ҳолатларда тугалланган, деб топилади (ЖКнинг 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).

7. Субъектив томондан, хавф остида қолдириш фақат қасддан содир этилиши мумкин.

8. Қуйидагилар жиноят субъекти бўлиши мумкин:

- эгаллаб турган лавозими ёки мавқеига кўра, ёрдамга муҳтож бўлган шахсга ғамхўрлик қилиши шарт бўлган шахс;

- жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғини хавф остига қўйган шахс.

9. Мазкур моддада кўзда тутилган хавф остида қолдириш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш жиноятни ЖКнинг 117-моддаси бўйича квалификация қилишнинг зарурий шартидир.

10. Ҳаёт учун хавфли ҳолатда қолдириш оқибатида шахс ўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 117-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

11. Хавф остида қолдириш одамларнинг қурбон бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келганда, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 117-моддаси, 2-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

12. Мазкур моддада кўрсатилган оқибатларнинг субъектив томони туғри ё эгри қасд билан ифодаланганда, баданга ўртача оғир ёки оғир шикает етказиш ёхуд қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддалар билан квалификация қилинади.

## IV боб. ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 118-модда. Номусга тегиш

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш

— уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса

— етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

а) шахснинг ўн саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошга нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти бўлиб, жабрланувчининг жинсий эркинлиги ёки жинсий дахлсизлиги, яъни алоҳида олинган ҳар бир ҳолда айрим шахсларга нисбатан жинсий эҳтиёж қондирилишига ўзининг рухсат бериши ёки рухсат бермаслиги эркинлиги ҳисобланади.

2. Жиноятнинг объектив томони зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишда ифодаланади.

3. Номусга тегиш тарзидаги жинсий алоқа қилиш деганда, фақат табиий жинсий алоқани, яъни қарама-қарши жинсдан бўлган шахсларнинг қовушишида эркак жинсий аъзосининг аёл жинсий аъзосига аёлнинг эркига зид ҳолатда киритилишини тушуниш лозим.

4. Номусга тегишдан жабрланувчи фақат аёл жинсида бўлади ва мазкур жиноят икки (эркак ва аёл) жинсдаги жуфтларнинг ихтиёрий розилиги асосида амалга ошадиган нормал жинсий ҳаёт тарзини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

5. Номусга тегиш орғазм (жинсий майл қондирилиши-қондирилмаслиги) ёки эякуляция (шаҳват жавҳари тўкилиши-тўкилмаслиги)дан қатъий назар, жинсий алоқа бошланган вақтдан оқ тугалланган жиноят, деб топилади. Объектив томон бажарилишининг бошланишини кўрсатадиган ҳаракатлар, улар айбдорга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли жинсий алоқанинг бошланишига олиб келмаган ҳолларда, номусга тегишга суиқасд қилишни вужудга келтириб, ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 118-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади. Бундай ҳаракатларга, масалан, кийим-кечакни мажбуран ечиш ёки йиртиб ташлаш, зарба бериш ёки калтаклаш, бўғиш, оғир қийноққа солиш ва жабрланувчининг иродасини букадиган бошқа шунга ўхшаш қилмишлар тааллуқлидир. Жинсий алоқага киришишни талаб қилиш, таклиф қилиш ҳисобланмайди.

6. Агар жабрланувчига нисбатан шахснинг шаъни ва ғурурига дахлдор ҳаракатлар содир этилган бўлса-ю, бироқ, айбдорда айни вақтда зўрлик ишлатиб, жинсий алоқа қилиш нияти бўлмаса, қилмишни шахсга қарши қаратилган жиноят сифатида квалификация қилиш керак. Масалан, баданга шикаст етказиш, ҳақоратлаш ва ҳоказо. Бироқ, мазкур қилмишни номусга тегишга суиқасд сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

7. Башарти, шахс зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, унинг номусига тегишни истаган бўлса-ю, айни вақтда бундай қилмишни амалга ошириш имконига эга бўла туриб, жинсий алоқани содир этмаса, мазкур қилмиш номусга тегишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳоланиши лозим.

Шахснинг жинсий алоқани амалга ошириш учун реал имконияти бўла туриб, онгли равишда, ўз иродаси билан мазкур ҳаракатни тўхтатиши ва жабрланувчининг жинсий эркига тажовуз қилишни охирига етказмаслиги номусга тегишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилади. (ЖКнинг 26-моддаси шарҳига қаранг). Бундай ҳолатда ЖКнинг 26-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд учун жавобгарлик истисно этилади. Бироқ, агар жиноятдан ихтиёрий қайтган шахснинг қилмишларида яна бошқа бир жиноят таркиби мавжуд бўлса, шахс ўша ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилади. Масалан, баданга шикаст етказиш, ҳақоратлаш, мол-мулкка шикаст етказиш ва бошқалар.

Ихтиёрий қайтишнинг мотиви аҳамиятга эга эмас (раҳм қилиш, жавобгарликдан қўрқиш, ВИЧ-инфекциясини юқтириб олиш ҳисси).

8. Номусга тегиш пайтида ишлатиладиган зўрлик жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Номусга тегиш пайтида жисмоний зўрлик ишлатиш деб, уриш, дўппослаш ёки боғлаб қўйиш, куйдириш ва ҳоказолар билан баданни жисмоний оғриқларга дучор қилиш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишга айтилади. Жабрланувчи баданига шикаст етказилган ҳолатларда айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми. «д» бандига кўра, оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш, деб квалификация қилинади ва қўшимча равишда ЖКнинг 104-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди.

9. Номусга тегиш билан таҳдид қилиш деганда, жабрланувчининг қаршилик кўрсатишга бўлган иродасини синдириш мақсадида жабрланувчига ва унга яқин бўлган шахсларга етказилган руҳий таъйиқни тушуниш лозим. Қўрқитишнинг хусусияти ва уни амалга ошириш имконияти жабрланувчини шундай аҳволга тушириб қўйиши лозимки, мазкур шароитда жабрланувчи айбдорнинг талабларига бўйсунушга мажбур бўлади. Айбдор куч ишлатиш, қимматли буюмни йўқ қилиш ёки бузиш, жабрланувчи сир сақлашни истган нарсани ошкор қилиш билан қўрқитиши мумкин.

Қўрқитиш жабрланувчининг иродасини синдириш усули сифатида реал бўлиши лозим. Қўрқитиш жабрланувчи ва унинг яқин кишилари (болалари, ота-онаси, ака-укаси, опа-сингилиси, куёв, келин ва бошқа яқин қариндошлари)нинг манфаатларига зиён етказишга қаратилган бўлиши мумкин.

Баданга шикаст етказиш билан содир этиладиган қўрқитиш ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисми билан қамраб олиниб, 112-модда билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Жабрланувчи жинсий алоқага розилик бермаганлиги туфайли айбдорнинг ўз жонига ёки соғлиғига қасд қилиш билан қўрқитиши номусга тегиш ёки унга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка асос бўла олмайди.

Қўрқитишнинг нечоғлик жиддийлиги, жабрланувчининг эркин ҳаракатига қанчалик монелик қилиши ёки унинг қаршилигини синдириши масаласи ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан алоҳида ҳал этилади.

10. Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш деганда, шахснинг узига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг моҳияти ва хусусиятини тушунмаслиги ёки бўлаётган ҳодисаларни тушунган-

да ҳам, жисмоний ёки руҳий ҳолати туфайли зўрлик ишлатаётган шахсга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаганлиги тушунилади.

Жисмоний ожизлик деганда, жабрланувчи ўзининг жинсий алоқага кираётганини англаб етса-да, ўзидаги жисмоний камчиликлар, ногиронлиги, қарилиги ёки балоғат ёшига етмаганлиги ва бошқа сабаблар туфайли зўрловчига қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаслиги тушунилади.

Руҳий ожизлик деганда, жабрланувчи ўзининг руҳий касаллиги, ақли норасолиги, жуда ёшлиги ва ҳоказолар боис ўзи билан содир этилаётган воқеани англаб етмаслиги тушунилади.

11. Жабрланувчининг вояга етмаганлиги ўз-ўзидан у билан ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилишни унинг ожизлигидан фойдаланиб, номусига тегиш сифатида квалификация қилишга асос бўлмайди. Жабрланувчи ўзи билан содир этилаётган ҳаракатнинг моҳиятини ёшидан келиб чиқиб, тушуниши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ҳар бир муайян ҳолатда аниқлаш зарур. Агар вояга етмаган шахс ўзи билан содир этилаётган жинсий алоқанинг аҳамиятини тушуниб, ўз ихтиёри билан жинсий алоқага розилик берган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жабрланувчининг ўн олти ёшга тўлмаганлигини била туриб қилинган ҳаракат сифатида ЖКнинг 128-моддаси бўйича квалификация қилинади. Вояга етмаган шахс ўзи билан бўладиган ҳаракатларнинг хусусияти ва аҳамиятини тушунмаган ҳоллар номусга тегиш каби квалификация қилиниши лозим.

12. Жинсий алоқани жабрланувчининг мастлик ҳолатида (алкогол ёки гиёҳванд моддадан мастлик ҳолатида) жисмоний зўрлик ишлатмай ёхуд қўрқитмай содир этиш ўз-ўзидан, жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, содир этилган номусга тегиш, деб топиш учун асос бўла олмайди.

Ожизлик ҳолати деганда, жабрланувчининг ўзи билан жинсий алоқага киришилаётганлигини англай олмайдиган ва қаршилик кўрсата олмайдиган даражадаги мастлик ҳолатини тушуниш керак. Бундай ҳолатларни квалификация қилиш учун жабрланувчини бу аҳволга ким — ўзими ёки бошқа биров — солганлигининг аҳамияти йўқ.

13. Жинсий алоқа қилишга кўндириш учун алдаш, масалан, уйланишга, қандайдир моддий ёки бошқача фойда ҳақида ваъдалар бериб, жинсий алоқа қилишни номусга тегиш сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

14. Жиноят содир этиш вақтида ўн тўрт ёшга етган эркак жинсига мансуб шахслар тўғридан-тўғри номусга тегиш жиноятининг

субъекти бўлишлари мумкин. Аёл жинсига мансуб шахслар билвосита иштирокчи сифатида мазкур жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

15. Жинсий эҳтиёжни қондиришни зўрлик ишлатиб амалга ошириш эркак киши томонидан ўзи билан бир жинсдаги шахсга нисбатан содир этилса, ЖКнинг 119-моддасига кўра, жавобгарлик келиб чиқади.

16. Жинсий эҳтиёжни қондиришни зўрлик ишлатиб амалга ошириш аёл киши томонидан ўзи билан бир жинсдаги шахсга нисбатан содир этилса, ЖКнинг 119-моддасига кўра, жавобгарлик келиб чиқади.

17. Икки ёки бир неча шахснинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «а» бандида назарда тутилган. Айбдор икки ёки ундан ортиқ жабрланувчилар билан жинсий алоқа қилганда, унинг қилмишини мазкур банд билан баҳолаш керак. Зўрловчида икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тегиш нияти бўлиб, ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мазкур ниятини амалга ошира олмай қолганда, унинг ҳаракатлари икки ёки бир неча шахснинг номусига тегишга суиқасд қилиш сифатида ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 118-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан квалификация қилинади. Агар айбдорда икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тегиш нияти бўла туриб, фақат бир шахс билан жинсий алоқа қилган ва ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, бошқасининг номусига тега олмаган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи сифатида ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисмига кўра, тугалланган жиноят тариқасида, ЖКнинг 25-моддаси орқали 118-модданинг «а» бандига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг номусига тегишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

18. Номусга тегиш такроран ёки хавfli рецидивист томонидан ёхуд илгари ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади.

ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «б» банди билан айбдор иккинчи маротаба номусга текканда, унинг илгариги номусга тегиш жинояти тугалланганми ёки йўқми, айбдор зўрлик ишлатиб жинсий алоқа қилиш жиноятининг бевосита бажарувчиси бўлганми ёки бошқа иштирокчиси бўлганми (уларнинг ҳеч бири учун жиний жавобгарликка тортилмаган ҳоллар бундан мустасно) — квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

Айбдор унча узоқ бўлмаган муддатда бир жабрланувчининг айнан ўзи билан зўрлик ишлатиб, бир неча бор жинсий алоқа қилган ва номусга тегишнинг содир этилиш ҳолатлари айбдорнинг

ягона ниятидан гувоҳлик берган ҳолларда, бир жабрланувчи билан икки ва ундан кейинги жинсий алоқалар такроран содир этилган номусга тегиш деб эмас, балки давомий жиноят сифатида баҳоланиши ва айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Бироқ, икки ёки ундан ортиқ шахс билан кетма-кет ёхуд унча узоқ бўлмаган вақт оралиғида зўрлик ишлатиб содир этилган жинсий алоқани такрорийлик белгиси бўйича ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича ҳуқуқий баҳолаш лозим. Жабрланувчининг айнан бир одам ёки бошқа эканлигидан қатъий назар, жиноят такрорий, деб ҳисобланади. Агар олдинги жиноят билан янги содир этилган жиноятнинг ўртасида судланганлик муддати ёки жазога тортиш муддати ўтиб кетган бўлса, жиноят такрорий ҳисобланмайди.

Айбдорнинг қилмишлари, агар у хавfli рецидивист бўлса (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг) ёхуд илгари ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган бўлса, мазкур жиноят, унинг илгари судланган ёки судланмаганлигидан қатъий назар, ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади.

19. Бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинадиган жиноят таркибини вужудга келтиради.

Бир гуруҳ шахслар деганда, икки ёки ундан ортиқ ўн тўрт ёшга тулган ақли расо жисмоний шахслар тушунилади.

Бир неча шахслар томонидан номусга тегиш:

- номусга тегиш икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштирокини;

- жабрланувчининг номусига тегишда қатнашган шахсларнинг келишув билан ҳаракат қилганликларини тақозо этади. Бир гуруҳ шахслар томонидан номусга тегиш белгиси билан квалификация қилиш учун номусга тегиш иштирокчиларнинг илгаридан келишиб олганликларининг аҳамияти йўқ (бир гуруҳ шахслар туғри-сида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

Жабрланувчи билан бевосита жинсий алоқа қилган шахс номусга тегишнинг бажарувчиси, деб топилиши лозим. Агар номусга тегиш иштирокчилари (ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи) жинсий алоқага бевосита киришмаган, лекин жабрланувчи билан бошқа шахснинг зўрлик билан жинсий алоқа қилишида ёрдам берган бўлса, уларнинг ҳаракатларини бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган номусга тегиш, деб квалификация қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларда мазкур шахсларнинг ҳаракатларини ЖКнинг



28 ва 118-моддалари тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиш лозим. Агар шахс номусга тегишни ўн тўрт ёшга етмаганлар ёхуд ўзларининг ақли норасолиги боис жиноят субъекти бўла олмайдиганлар томонидан содир этилишини уюштирган, лекин жабрланувчи билан ўзи шахсан бундай алоқага киришмаган бўлса, шахснинг қилмишларини ЖКнинг 28-моддаси, 2-қисмида белгиланган қоидаларга кўра, мазкур жиноятнинг бажарувчиси сифатида ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш зарур (ЖКнинг 28-моддаси шарҳига қаранг). Агар бевосита бажарувчи сифатида вояга етмаганлар иштирок этган бўлса, ташкилотчи ёки далолатчининг ҳаракатларини вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш тариқасида қўшимча равишда ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилиш керак.

Айбдорлар ўз ҳаракатларини келишиб, бир неча жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиш, кўрқитиш орқали ёки ожизлигидан фойдаланиб, улар билан навбатма-навбат жинсий алоқага киришган ҳолатларда ҳам номусга тегиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб квалификация қилиниши лозим.

20. Ўлдириш билан кўрқитиб содир этилган номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 2-қисми, «г» бандида назарда тутилган. Номусга тегишда ўлдириш билан кўрқитиш оғзаки шаклда, масалан, «ўлдираман», «осаман», «заҳарлайман», деган сўзлар билан ёхуд тушунарли имо-ишора билан қурол ёки жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиши мумкин бўлган бошқа воситаларни кўрсатиб, сўзсиз кўрқитишда ҳам ифодаланиши мумкин.

Ўлдириш билан кўрқитиб номусга тегишда, ушбу таҳдидни ижро этиш нияти бор-йўқлиги факти аҳамият касб этмайди.

Ўлдириш билан кўрқитиш жабрланувчининг номусига тегишда унинг қаршилигини синдириш учун қилинган бўлса, бу ҳаракат ЖКнинг 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилинади. Бундай ҳолда ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Бироқ, ўлдириш билан кўрқитиш жабрланувчининг номусига тегилгандан сўнг (жабрланувчи индамаслиги ёки ушбу фактни бошқаларга аён қилмаслиги учун) амалга оширилса, ушбу ҳаракат жиноятлар мажмуи сифатида ЖКнинг 128-моддаси ҳамда башарти, номусга тегишни огишлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

21. Ўн саккиз ёшга етмаганлиги айбдорга илгаридан маълум бўлган шахснинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади. Бундай квалификация учун айбдор ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан куч иш-

лагиб, жинсий алоқада бўлаётганлигини аниқ билган бўлиши керак. Агар айбдор жабрланувчининг ташқи қиёфаси, гавдасига, хулқига ва бошқа жиҳатларига қараб, унинг ёшини билишда виждонан адашганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари айбдорга ўн саккиз ёшга кирмаганлиги аён бўлган шахснинг номусига зўрлик ишлатиб тегиш сифатида ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинмаслиги керак.

22. Яқин қариндошнинг номусига тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади (яқин қариндош тушунчаси туғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Шу муносабат билан эрнинг ўз хотини билан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилиш ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

23. Оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «в» банди бўйича қуйидаги ҳолларда квалификация қилинади:

- агар номусга тегиш оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган бўлса;
- номусга тегиш мазкур тартибсизликлар келиб чиққан жойда содир этилганда;
- оммавий тартибсизликлар иштирокчиси бўлган шахслар томонидан содир этилганда.

Номусга тегиш оммавий тартибсизликларнинг бевосита ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси томонидан содир этилганда уларнинг қилмишларини ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «в» банди ва ЖКнинг 244-моддаси билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинади.

24. Ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган номусга тегиш ЖКнинг 118-моддаси 3-қисми, «г» банди бўйича квалификация қилинади (ўта хавfli рецидивист тушунчаси туғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

Номусга тегишни ўта хавfli рецидивист томонидан амалга оширилган, деб баҳолаш учун айбдор номусга тегиш жиноятини содир этгунига қадар қонун бўйича ўта хавfli рецидивист, деб топилганлигини аниқлаб олиш зарур.

25. Оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш учун жавобгарлик ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «д» бандида назарда тутилган.

Номусга тегишнинг оғир оқибатлари деб, жабрланувчининг номусига тегиш туфайли келиб чиққан ўлими ёки ўзини ўзи ўлди-

риши, унинг руҳий ҳолатининг издан чиқиши ёхуд жабрланувчи-га ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган бошқа оқибатларни етказиш ёхуд ўзидаги ОИТС касаллигини била туриб жабрланувчи-га юктириш ҳолатлари тааллуқлидир.

Эҳтиётсизлик туфайли ўлимга олиб келган номусга тегишни оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш сифатида ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «д» банди бўйича квалификация қилиш зарур ва бу ЖКнинг 102-моддасининг талабларига қўра, қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Жабрланувчининг дефлорацияланиши (қизлик пардасининг бузилиши) ёхуд унинг ҳомиладор бўлиб қолиши оғир оқибатлар, деб топилмайди. Барча ҳолатларда жабрланувчи учун келиб чиққан оғир оқибатлар унга нисбатан зўрлик ишлатилиб, жинсий алоқа қилинганлиги билан сабабий боғланишда бўлганлиги ва унинг натижаси эканлигини аниқлаб олиш керак. Бундай боғланишни белгиламасдан номусга тегишни ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «д» бандида кўзда тутилган белги билан квалификация қилиб бўлмайди.

26. Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсининг номусига тегиш зўравонлик қилувчи жабрланувчининг ўн тўрт ёшга тўлмаганлигини олдиндан билган ҳолатлардагина ЖКнинг 118-моддаси, 4-қисми бўйича квалификация қилинади. Агар жиноятчи жабрланувчининг ёшини ҳақиқатан ҳам билмаган бўлса, у ҳолда бу қилмиш ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисми бўйича ёки айбдор жабрланувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган, деб ҳисоблаган бўлса, ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «а» билан квалификация қилинади.

### **119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш**

*Зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг оғизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш — уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар:*

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;*
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;*
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;*

г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса  
— етти йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) жабрланувчининг ун саккиз ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;

б) яқин қариндошига нисбатан;

в) оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан;

г) ута хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса

— ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар ун тўрт ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса

— ун беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти жабрланувчининг жинсий эркинлигидир.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони:

• эркакнинг аёл билан;

• аёлнинг эркак билан;

• аёлнинг аёл билан (лесбиянлик);

• эркакнинг эркак билан (бесоқолбозлик) зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий эҳтиёжни гайритабиий тарзда қондиришидан;

• жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб бошқа усулларда қондириш билан содир этиладиган шахвоний ҳаракатлар (масалан, зўрлик ишлатиб мастурбацияга мажбур этиш)дан иборат бўлади.

3. Айбдорнинг ўз жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб қондиришга қаратилган ҳаракати содир этилганда, оргазм ёки эякуляция юз берган-бермаганлигидан қатъий назар, тугалланган жиноят, деб топилади.

4. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, гайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар айбдорга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан охирига етказилмай қолганда, мазкур ҳаракатлар жиноятга суиқасдни вужудга келтиради (масалан, зўрлик ишлатиб ечинтириш, гавдани муайян вазиятда тутиб туришга мажбурлаш ва ҳоказолар) бу қилмиш ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак.

5. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, гайритабиий усулда қондиришга суиқасд қилишда жиноятдан ихтиёрий қайтиш бўлиши

мумкин (ихтиёрий қайтиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 26-моддасига берилган шарҳга қаранг).

6. (Жисмоний зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, ожизлик ҳолати тўғрисида ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг).

7. ЖКнинг 119-моддаси, 2, 3 ва 4-қисмларида назарда тутилган квалификация қилинадиган белгилар ЖКнинг 118-моддасида кўзда тутилган белгиларга мазмунан мос келади (ЖКнинг 118-моддаси 2, 3, 4-қисмлари шарҳига қаранг).

8. Жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Мотив — шаҳвоний, мақсад — жинсий эҳтиёжни қондиришда ифодаланади.

9. Жиноят субъекти — 14 ёшга тулган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

### 120-модда. Бесоқолбозлик

*Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши*

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — нормал жинсий алоқа қилиш.

2. Объектив томондан — эркакнинг эркак билан икки томонлама мутлақо ихтиёрий жинсий эҳтиёжини қондиришида ифодаланади.

3. Агар несоқолбозлик иштирокчиларидан бири ўн олти ёшга етмаган шахс бўлса, иккинчи шахс ҳаракатларини ЖКнинг 128-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

4. Жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган ҳаракатлар содир этила бошланиши билан несоқолбозлик жинояти тугалланган ҳисобланади.

5. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

6. Жиноят субъекти — фақат эркак шахслар бўлиб, несоқолбозликнинг ҳар икки (фаол ва фаол бўлмаган) қатнашчисидир.

### 121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш

*Хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша ҳаракат жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса*

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан мажбур қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — аёлнинг жинсий эркинлиги.

2. Жиноят объектив томондан шахсга хизмат, моддий ёки бошқача тарздаги боғлиқликни кўзда тутиб, аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур қилишда кўринади.

3. Мажбур этиш деб, аёлга у билан жинсий алоқа қилиш мақсадида ёки унинг хоҳишига хилоф равишда жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш учун руҳий тазйиқ ўтказишга айтилади. Мажбур этиш мажбурловчи билан, шунингдек, бошқа шахс билан аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондиришга кўндиришга қаратилган бўлиши мумкин.

*Мажбур этиш* — бу аёлни ёмон ҳолагга туширишга қаратилган ҳаракатлар, масалан, ишдан бўшатиш, кам ҳақ туланадиган лавозимга ўтказиш, мукофотдан мажбур этиш, агар талаба бўлса, унга ёмон баҳо қўйиш, кредит беришни рад этиш билан қўрқитиш ва ҳоказолар.

4. Муайян енгилликлар бериш, иш учун яхши шароит ва имтиёзлар яратиш, совғалар тақдим этиш, қонуний ва ноқонуний тарзда жинсий муносабат билан боғлиқ бўлмаган муайян хизматлар кўрсатиш мажбур этиш, деб топилмайди. Жинсий алоқа қилишни аёлга таклиф этишнинг ўзи мазкур жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

5. Мажбур этиш аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга кўндириш мақсадида содир этиладиган руҳий тазйиқнинг махсус шаклидир.

Номусга тегишдаги руҳий тазйиқ ўтказишдан фарқли равишда, мажбурлашнинг бундай шакли қўрқитишнинг дарҳол амалга оширилмаслигида ифодаланади. Айни вақтда қўрқитиш орқали етказиладиган зарар жабрланувчи шахсига тегишли бўлмай, балки унинг мулкий ва бошқа шахсий ҳуқуқларига тааллуқлидир. Бундан ташқари, зарарнинг хусусиятига кўра, уни фақат жабрланувчи моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахслар етказа олиши мумкин, бунда аёлнинг ўзига боғлиқ бўлган вариантни танлаш имконияти бор.

6. Агар аёл хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарам бўлган шахс, номусга тегишга хос руҳий тазйиқ ўтказиб, аёл билан жинсий алоқа қилмоқчи ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирмоқчи бўлса, унинг ҳаракатини ЖКнинг 118 ёки 119-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилиш керак.

7. Хизмат жиҳатидан қарамлик деганда, аёлнинг мажбурловчи шахсга хизмат буйича бевосита тобелиги тушунилади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, аёлнинг буйсуниши билан боғлиқ бўлмаган бошқа вазифалар туфайли айбдор шахсга тобелиги, масалан, аспирантнинг илмий раҳбарга, гумондор аёлнинг терговчига, бирон-бир нарса ҳақида илтимос қилган аёлнинг ушбу илтимосни қондириши мумкин бўлган шахсга ва ҳоказолар тушунилади.

Моддий қарамлик деганда, аёлнинг жинсий эркига тажовуз қиладиган шахснинг тўла қарамоғида бўлиши ёки унинг яшаши учун асосий маблағларни ундан олиб туришини тушуниш зарур.

8. Номусга тегишдан фарқли ўлароқ, айбдорнинг аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиши пировард натижага эришилмаганда ҳам тугалланган жиноят, деб топилиши ва ЖКнинг 121-моддаси, 1-қисми буйича квалификация қилиниши лозим.

Айбдор ўз мақсадига эришган ва аёлни ўзи билан жинсий алоқа қилишга мажбур этган ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирган ҳолларда қилмишни ЖКнинг 121-моддаси, 2-қисми буйича квалификация қилиш керак.

9. Шахс аёл билан жинсий алоқага киришар экан ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирар экан, унинг иродаси бошқа шахс томонидан синдирилганлигини билса, айбдор шахснинг ҳаракатини ЖКнинг 121-моддаси тегишли қисмлари буйича квалификация қилиб бўлмайди. Айрим ҳолатларда бундай шахс жинсий алоқа қилишга мажбур этиш ташкилотчиси ёки далолатчиси сифатида ЖКнинг 28 ва 121-моддалари тегишли қисмларига қўра жавобгарликка тортилиши мумкин.

10. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасддан содир этилади.

11. Жиноятнинг субъекти — ун олти ёшга тўлган ҳам эркак, ҳам аёл жинсидаги шахс бўлиши мумкин.

## **V боб. ОИЛАГА, ЁШЛАРГА ВА АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

### **122-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш**

*Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси).

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси).

2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ, ота-оналарга ўзларининг вояга етмаган ёхуд вояга етган бўлсалар ҳам, меҳнатга лаёқатсизликлари боис моддий ёрдамга муҳтож бўлган болаларини таъминлаш мажбурияти юкланган.

3. Ота-оналарнинг ЖКнинг 122-моддаси бўйича жавобгарлик фақат ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан болалар таъминоти учун маблағ ундириш туғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган ҳоллардагина келиб чиқади.

4. Жиноят объекти суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ, вояга етмаганлар ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг манфаатлари, яъни соғлиғи, нормал жисмоний ривожланиши ва моддий ёрдам олиши ҳисобланади.

5. Жиноятнинг объектив томони суднинг ҳал қилув қарори кучга киргандан сўнг уч ой мобайнида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандларини моддий таъминлашдан бош тортишда ифодаланади.



6. Буйин товлаш деганда, нафақат суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишдан бевосита буйин товлашни, балки айбдорнинг ижро варақаси буйича ушлаб қолинадиган маблағни тўлашдан буйин товлаш мақсадида оладиган ҳақиқий маошини, бошқа даромадларини яшириши, иш ёки яшаш жойини ўзгартириши ёхуд шу мақсадда меҳнатдан буйин товлаши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

7. Меҳнатга лаёқатсизлар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, деб топилганлар ёхуд касаллиги боис вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган шахслардир.

8. Суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган кундан бошлаб, жами уч ой муддат ичида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахслар таъминоти учун суднинг ҳал қилув қарори буйича ундирилиши лозим бўлган маблағларни тўламаслик ҳолати юз берганда, жиноят тугалланган ҳисобланади.

9. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноят квалификациясига таъсир этмайди.

10. Жиноят субъекти бўлиб вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз, моддий ёрдамга муҳтож шахсларни моддий таъминлаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиққан ун саккиз ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

11. Кўрсатиб утилган шахсларни таъминлаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс, агар, узрли сабабларга кўра, масалан, касаллиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, ногиронлиги ва ҳоказолар туфайли уларни таъминлаш имкониятига эга бўлмаса, ЖКнинг 122-моддаси буйича жинойи жавобгарлик келиб чиқмайди.

### **123-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан буйин товлаш**

*Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан буйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарини таъминлашга мажбурдирлар. Оила кодексига мувофиқ, вояга етган фарзандлар меҳнатга лаёқатсиз, моддий ёрдамга муҳтож ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашлари шарт.

2. Жиноят объекти ахлоқ, ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчиларнинг соғлиғи ва нормал ҳаёт кечиришлари ҳисобланади.

3. Жиноятнинг объектив томони вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслигида ифодаланади.

4. Шахсни ЖКнинг 123-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун, ота-онани ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларни боқиш учун моддий таъминлашни, вояга етган фарзандлар зиммасига юкловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги аниқланиши зарур (бўйин товлаш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 122-моддаси шарҳига қаранг).

5. Меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар деганда, 55 ёшга тўлган аёллар, 60 ёшга тўлган эркаклар, шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ота-оналар тушунилади.

Расман фарзандликка олган шахслар ҳам ота-оналар сирасига киради.

Агар моддий ёрдам тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори чиққандан кейин уч ойдан ортиқ муддат ўтиб, ёрдам кўрсатиши лозим шахс бундай ёрдамни кўрсатмаган бўлса, жиноят тугалланган ҳисобланади. Ёрдам кўрсатишдан бош тортиш усули квалификацияга таъсир этмайди.

6. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Жиноят мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамият касб этмайди.

7. Мазкур жиноят субъекти суднинг ҳал қилув қарорига кўра, зиммасига ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти юкланган вояга етган ўз фарзандлари, боқиб олинган ўғил-қизлар, шунингдек, ўғай ўғил ва қизлар бўлиши мумкин.

## 124-модда. Болани алмаштириб қўйиш

*Тамагарлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти бола ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, ахлоқи ҳисобланади.

2. Жиноятнинг объектив томони тамагирлик ёки паст ниятларда болани алмаштириб қўйишда ифодаланади.

3. *Болани алмаштириб қўйиш* — бу янги туғилган ёки эмизикли чақалоқни бошқаси билан (масалан, касал болани соғлом бола билан, қизни ўғил бола билан, бир миллат боласини бошқаси билан ва ҳоказолар) алмаштиришда ифодаланган ҳаракатлардан иборат. Бола эгаллаб олинган ва бошқаси билан алмаштириб қўйилган пайтдан жиноят тугалланган ҳисобланади.

4. Субъектив томондан жиноят фақат қасддан содир этилади.

Жиноят мотиви зарурий белги ҳисобланади. Жиноятнинг сабаби тамагирлик ёки бошқа паст ниятлар (ўч, ҳасад ва бошқалар) бўлиши мумкин. Чақалоқни эҳтиётсизлик оқибатида алмаштириб қўйиш жинойий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

5. Жиноятнинг субъекти ҳар қандай 16 ёшга тулган жисмоний шахс ёки тегишли муассаса (туғруқхона, болалар уйи ва бошқалар) ходими бўлиши мумкин.

### **125-модда. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш**

*Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қуриқланадиган сирини ошкор қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Уша қилмиш:*

а) касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса;

б) ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатларга сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Жиноят объекти оиланинг манфаатлари ва фарзанднинг нормал маънавий ривожланишидир.

2. Объектив томондан жиноят фарзандликка олувчилар (улар бўлмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органлари)нинг розилигисиз фарзандликка олиш сирларини ошкор қилиш ёки ФХДЁ органидаги фарзандликка олганлар ҳақиқий ота-оналар эмаслиги туғрисидаги маълумотларни ошкор қилишда ифодаланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ўғил ёки қиз қилиб олишнинг сир сақланиши қонун билан қўриқланиши қайд этилган. Фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирларини ошкор қилиш жиноий жазоланадиган қилмишни вужудга келтиради.

4. Жиноий жавобгарликни вужудга келтирадиган фарзандликка олиш сирини ошкор этиш, фарзандликка олган шахсларни ҳақиқий ота-онаси эмаслигини (оғзаки, ёзма тарзда ёхуд матбуот ва бошқа усуллар орқали) ошкор этиш, мазкур ахборот фарзандликка олган шахснинг эркига қарши ошкор қилинганда ёки улар мавжуд бўлмаганида ҳомийлик ва васийлик идораларининг рухсатсиз ошкор қилинган ҳолатларда ўз ифодасини топади.

5. Фарзандликка олиш сирини расмий хабардор бўлиши мумкин бўлмаган ҳар қандай шахсга ошкор этилиши мумкин.

6. Фарзандликка олинганликнинг ҳақиқий эмас, деб топилишини ёки бекор қилинишини талаб қилиш билан боғлиқ ҳолда сирни ошкор қилиш, агар тегишли расмий органларга (судга, ҳомийлик идорасига ва ҳоказоларга) шу ҳақда ариза билан мурожаат қилинган бўлса, мазкур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

7. Жиноят фарзанд қилиб олиш сирини ошкор этиш вақтидан бошлаб, расмий равишда хабар топиши мумкин бўлмаган шахсга етиб борган-бормаганлигидан қатъий назар, тугалланган, деб топилади.

8. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. ЖКнинг 125-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

9. Ҳар қандай шахс, шу жумладан, фарзандликка олган эрхотинларнинг бири шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида фарзандликка олишга доир сирни сақлаш ўзининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки эгаллаб турган хизмат мавқеига кўра, зиммасига юклатилган шахсларга мазкур сирни ошкор этганлик учун кучайтирилган жавобгарлик белгиланган. Бундай шахслар тоифасига ҳомийлик ёки васийлик идораларининг хизматчилари ва мансабдор шахслари, фарзандликка олингунига қадар бола яшаб турган болалар муассасалари маъмурияти ходимлари ва бошқаларни кириштириш зарур.

11. Агар фарзандликка олинганлик сирини ошкор қилиш ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 125-моддаси, 2-қисми, «б» банди билан квалификация қилинади.

12. Агар фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш оғир оқибатларга олиб келган бўлса, қилмишни ЖКнинг 125-моддаси, 2-қисми, «в» бандига кўра квалификация қилиш керак.

Шарҳланаётган жиноят бўйича фарзандликка олинганнинг ўзини-ўзи ўлдиришга суиқасд қилиши, ўзини ўлдириши, руҳий касалликка чалиниши, яшаш жойини мажбуран алмаштириши ва шунга ўхшаш ҳолатлар оғир оқибатлар ҳисобланади. Оғир оқибатлар мансабдор ва жавобгар шахсларнинг фарзандликка олиш сирини ошкор этганликлари боис вужудга келганда, қилмиш мансабни суиистеъмол қилиш ёки ҳокимият ёхуд мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилинади.

### 126 -модда. Кўп хотинли бўлиш

*Кўп хотинли бўлиш, яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти одоб-ахлоқ ва жинсий ҳаёт кечирish қоидалари ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят эркакнинг икки ёки ундан ортиқ хотин билан умумий рўзғор асосида эр-хотин бўлиб яшашида ифодаланади. Хотинлар бир уйда (квартирада) ёки бошқа-бошқа жойларда яшаши мумкин. Бу ўринда ҳар бир хотиннинг хўжалиги алоҳида ёки биргаликда эрнинг хўжалиги билан ягона рўзғорни ташкил қилиши муҳимдир.

3. Мазкур жиноятнинг муҳим аломати умумий рўзғор асосидаги эр-хотинликдир.

Икки ёки ундан ортиқ хотин билан умумий рўзғор юритиш уларнинг биргаликда меҳнат қилиш ва умумий рўзғор юритишдан ортирилган меҳнат даромадларидан биргаликда фойдаланишидир. Агар шахс бир ёки бир неча хотин билан эр-хотинлик қилса-ю, умумий рўзғор юритмаса, кўп хотинлик таркиби мавжуд бўлмайди.

4. Агар шахс никоҳни бузмасдан ўз никоҳ муносабатларини тўхтатиб қўйиб, амалда янги никоҳга кирса, бундай қилмиш кўп хотинликни вужудга келтирмайди. Бироқ, агар никоҳ юзаки бекор қилинган бўлса-ю, айбдор янги никоҳдан ўтиб, ҳар икки аёл билан ҳам умумий рўзғор асосида эр-хотинлик қилишни давом эттирса, айбдорнинг ҳаракатларида кўп хотинлик таркиби мавжуд бўлади.

5. Жиноят икки ёки ундан ортиқ хотин билан умумий рўзғор юритиш асосида биргаликда яшаш пайтидан тугалланган ҳисобланади.

6. Жиноят субъектив томондан туғри қасддан содир этилади.

7. Жиноят субъекти – 16 ёшга тулган эркак шахс.

### **127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш**

*Вояга етмаган шахсни тиламчиликлик қилишга, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш*

— уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:*

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказиладиган бошқа жойларда содир этилиши

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти – вояга етмаган шахснинг одоб-ахлоқи, унинг соғлиғи, шунингдек, жамоат тартиботи ҳамда хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноят кодексининг 127-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга жалб этишдан иборат.

Тиламчиликка жалб қилиш деганда, вояга етмаган шахсни бегона шахслардан пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечак ва бошқа буюмлар сўрашга жалб қилишни тушуниш зарур.

3. Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ва психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир этадиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш деганда, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсда санаб ўтилган ичимликлар, моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга мойиллик уйғотиш ва уларни муттасил истеъмол қилишга ургатиб қўйишга қаратилган ҳаракатларини тушуниш керак (алдаш, ишонтариш, ваъда бериш ва бошқа йўллар билан).

4. Шарҳланаётган моддада жиноий ҳаракат сифатидаги жалб қилиш деб, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсда алкоголь ичимликларга ружу қўйиш ёки ақл-идрокка таъсир қиладиган, лекин гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган бошқа модда ва воситаларга мойилликни шакллантиришга қаратилган фаол ва ташаббускор ҳаракати тушунилади.

5. ЖКнинг 127-моддаси, 1-қисмига кўра, айбдорга шундай ҳаракатлари учун маъмурий чоралар кўрилганидан сўнг жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин.

6. Жиноят кодексининг 127-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларни содир этишга жалб этгандан бошлаб тугалланган ҳисобланади, бунда жиноятчининг ўз мақсадига етган-етмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

7. Вояга етмаган шахс гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилинган ҳолларда ЖКнинг 127-моддаси, 2-қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқади (гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар тушунчалари туғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

8. Айбдор вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилган ҳолатларда ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш деганда, ўсмирга жисмоний зўрлик ишлатиш ёки уни қўрқитиш, унда сотиб олиш, кўндириш, алдаш, ўч олиш, ҳасад қилиш, рашк қилиш ҳис-туйғусини уйғотиш, унга ўғирланган нарсаларни сотиб олиш ёки сотиб беришни ваъда қилиш йўли билан руҳий таъсир ўтказиш орқали бир ва бир неча жиноятларни содир этиш истагини уйғотиш ёки жиноят содир этиш жойи ва бажариш усуллари ёхуд унинг

изларини йўқотишга оид маслаҳат бериш, вояга етмаган шахсни жиноят қилишга ундаш мақсадида у билан спиртли ичимликлар истеъмол қилишга қаратилган ва бошқа ҳаракатларни тушуниш зарур.

9. Мазкур жиноят таркиби учун субъект вояга етмаган шахсни қайси муайян жиноятга жалб қилганлигининг аҳамияти йўқ.

10. Айбдор шахсининг ҳаракатларини, агар бундай ҳаракатлар илгари гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан ғайриқонуний равишда муомала қилишдан иборат ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан ёки мазкур ҳаракатлар икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан, шунингдек, жиноят ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар бўлиши мумкин бўлган ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказиладиган бошқа жойларда содир этилганда, ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

11. Шарҳланаётган жиноят вояга етмаган шахс жиноят содир этишга жалб қилинган-қилинмаганлигидан қатъий назар, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган вақтдан бошлаб тугалланган, деб топилади.

12. Шахсининг вояга етмаган шахсни жиноят содир этишига далолатчилик қилиши ва агар жиноят содир этилган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича вояга етмаган содир этган жиноятда далолатчи сифатида ёки жиноят содир этилишида ўзи қатнашган ҳолатларда, унинг ҳаракатларини бажарувчи сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

13. Ўсмир жиноят субъекти бўла олмайдиган жиноятга жалб қилинган ҳолатларда жиноятга жалб қилган айбдор шахсининг ҳаракатларини ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича ва вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг бажарувчиси сифатида жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш керак.

14. Ушбу тоифага кирадиган ишни кўриб чиқишда ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарликка тортиш учун жиноятчи шундай ҳаракатларни содир этишга жалб қилинаётган шахс вояга етмаганлигини билган бўлиши зарур. «Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда, катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга



жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жинсий жавобгарликка тортиш мумкин эмас»<sup>1</sup>.

15. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

16. Ўн саккиз ёшга тулган ҳар қандай шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

### **128-модда. Ўн олти ёшга тулмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш**

*Шахснинг ўн олти ёшга тулмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш*

— икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) илгари ушбу кодекснинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти 16 ёшга етмаган шахснинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади.

2. Объектив томондан эркак ёки аёлнинг қарама-қарши жинсдаги ўн олти ёшга тулмаган шахс билан ихтиёрий равишда алоқа қилиши ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришида ифодаланади.

3. Ихтиёрий жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш деганда, куч ишлатмасдан, қўрқитувсиз ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланмасдан жинсий эҳтиёжни қондириш тушунилади.

Жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришнинг ихтиёрийлигини аниқлаш ҳар бир муайян шароитда жабрланувчи ёшига ва ривожланишига кўра, унга нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва аҳамиятини тушуниш мумкин ёки мумкин эмаслигига эътиборни қаратиш билан амалга оширилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар буйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори 2-қисми, 7-банди.

4. Қонунда шахснинг жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш хусусияти ва аҳамиятини англайди, деб топилиши лозим бўлган муайян ёш чегараси белги-ланмаган. Алоҳида олинган ҳар бир ҳодисада мазкур масала иш-нинг барча ҳолатларини инобатга олган ҳолда жабрланувчи онгининг ўсиш даражасидан, унга нисбатан содир этилган шахвоний ҳаракатларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунишдан келиб чи-қиб, ҳал этилиши лозим.

5. Жинсий алоқа бошланган вақтдан бошлаб, яъни жинсий эҳти-ёжни ғайритабиий усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар бош-ланиши билан ёки эркакнинг жинсий аъзоси аёлнинг жинсий аъзо-сига кириши вақтидан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади. Ўн олти ёшга тулмаган шахсни зикр этилган ҳаракатларни содир этишга ундан ЖКнинг 128-моддасида кўрсатилган жиноятни со-дир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

6. Шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 128-моддаси бўйича ква-лификация қилишнинг зарурий шарты субъект жабрланувчининг ўн олти ёшга тулмаганлигини олдиндан билишидир. Субъект жабрланувчининг ёшини аниқлашда янглишган ҳолатларда ЖКнинг 128-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади (ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг).

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

8. Ҳар икки жинсдаги ўн олти ёшга тулган шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин. Бироқ, ўн олти ёшга тулмаган шахс-нинг вояга етмаган шахс (18 ёшга тулмаган) билан жинсий ало-қада бўлганлиги учун жинсий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш-да судлар қонун ҳар икки жинсдаги ўсмирларнинг нормал жис-моний ва руҳий ривожланишини муҳофаза қилишга қаратилганлигини инобатга олишлари керак. Шу боис судлар ҳар бир алоҳида олинган ҳодисада ҳар икки жинсдаги ўсмирнинг ёши-ни, уларнинг шахсини тавсифлайдиган маълумотларни, келиб чиққан оқибатларни ва ишнинг бошқа ҳолатларини инобатга олиб, айбдор ўсмирларга жинсий жавобгарлик чораларини қўллаш мақ-садга мувофиқ ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги, уларни мажбур-лов чораларига тортиш масаласини муҳокама қилиб олишлари керак. Кўриб чиқилаётган жиноятда ҳар икки иштирокчи ўн олти ёшга тулмаган бўлса, уларни ёшидан, тавсифловчи маълумотлар-дан, рўй берган оқибатлардан ва ишнинг бошқа аломатлари (ма-салан, муҳаббат тўйғуси, ҳомиладорлик ва ҳоказолар)дан келиб чиқиб, жавобгарликдан озод қилиш ёки ЖКнинг 87-моддасига биноан, мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазолаш тўғриси-даги масалани ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

9. ЖКнинг 118-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилганда, айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 128-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши керак (такроран жиноят содир этганлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 32-моддаси шарҳига; хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

### **129-модда. Үн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш**

*Шахснинг ун олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиши — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Ҳақ ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса*

*— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти 16 ёшга тўлмаган шахснинг жинсий дахлсизлиги ҳисобланади.

2. Объектив томондан шахснинг ун олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга нисбатан зўрлик ишлатмай, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этишда ифодаланади.

3. Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар шахвоний хусусиятга эга бўлиб, улар, одатда, ун олти ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий ҳиссиётини кўзгатишга қаратилган бўлади, лекин номусга тегиш ёки зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондириш билан алоқаси бўлмайди.

4. Шахснинг ун олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолларда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиши ЖКнинг 129-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Уятсиз-бузуқ ҳаракатлар жинсий аъзоларини очиб кўрсатишда, ун олти ёшга тўлмаган шахслар олдида жинсий алоқа қилишда ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришда, ун олти ёшга тўлмаган шахсларни шахвоний ҳаракатларга ургатишда, порнографик фильмлар, уларнинг тасвирларини кўрсатишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Шундай қилиб, уятсиз-бузуқ ҳаракатлар деб, шахвоний моҳиятга эга ҳар қандай қилмишларни аташ мумкин.

ЖКнинг 128-моддаси бўйича жазоланадиган қилмиш — ўн олти ёшга тўлмаган шахслар билан жинсий алоқа қилиш, ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжни қондириш бундан мустасно.

5. Жиноят уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади, бунда айбдорнинг ўн олти ёшга тўлмаган шахсни йўлдан уриш ниятига етган ёки етмаганлигининг аҳамияти йўқ.

6. Шахснинг ҳаракатларини ЖКнинг 129-моддаси бўйича квалификация қилиш учун айбдор жабрланувчининг ўн олти ёшга тўлмаганлигини олдиндан билганлигини аниқлаб олиш зарур. Агар айбдор жабрланувчининг ёши хусусида виждонан адашган бўлса-ю, жабрланувчининг ёшини ўн олти ёшдан ошган, деб ўйласа, у ҳолда Жиноят кодексининг 129-моддасига кўра, жавобгарлик истисно этилади.

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

8. Ҳар икки жинсга мансуб бўлган ва ўн олти ёшга етган шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин. Бироқ, вояга етмаган шахсларнинг ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлари учун уларнинг жинсий жавобгарлиги масаласини ҳал қилишда судлар қонун ҳар икки жинсдаги ўсмирларнинг нормал жисмоний ва руҳий ривожланишини муҳофаза этишга қаратилганлигини инобатга олишлари керак. Шу боис ҳар бир муайян ҳолатда ҳар икки жинсга мансуб бўлган вояга етмаганларнинг ёшларидан, уларнинг шахсини изоҳлайдиган маълумотлардан, вужудга келган оқибатлар ва ишнинг бошқа вазиятларидан келиб чиқиб, судлар вояга етмаган айбдорга нисбатан жинсий жазо чораларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини, мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини муҳокама қилиши лозим.

9. Агар айбдор уятсиз-бузуқ ҳаракатларни зўрлик ишлатиб ёхуд кўрқитиб содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 129-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши зарур.

Зўрлик ишлатиш деганда, калтаклаш, дўппослаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни тушуниш лозим.

Жабрланувчи баданига оғир шикаст етказилган ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 129-моддаси, 2-қисми ва ЖКнинг 104-моддаси). (Кўрқитиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 118-моддаси шарҳига қаранг).

10. Агар уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этишда айбдор жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш ёки

гайритабий усулда жинсий эҳтиёжни қондириш учун зўрлик ишлатган ёки қўрқитган, лекин у ўзига' боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, мақсадига эришмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 118-моддаси, 3-қисмига, мувофиқ ун олти ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегишга суиқасд қилиш ёки ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 119-моддасининг 3-қисми бўйича жинсий эҳтиёжни гайритабий усулда қондиришга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

11. Баъзи ҳолларда 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни гайритабий шаклда зўрлик ишлатиб қондиришдан олдин содир этилади. 18 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этгандан кейин айбдор жинсий зўрлик ишлатган ҳолларда, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 129-моддаси, 2-қисми ва тегишли равишда ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. Жабрланувчининг 16 ёшга тўлмаганлиги айбдорга маълум бўлган ҳолатда уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 129 ва 128-моддалари билан квалификация қилинади.

13. ЖКнинг 118-моддаси, 3-қисми, «а» банди, ЖКнинг 118-моддаси, 4-қисми, «а» банди, ЖКнинг 119-моддаси, 3-қисми, «а» банди, ЖКнинг 119-моддаси, 4-қисмида кўзда тутилган жиноятларни ЖКнинг 129-моддаси, 2-қисмида кўзда тутилган жиноятлардан ажратиб олишда шуни назарда тутиш керакки, айбдор бузуқ ҳаракатлар содир этишда зўрлашни содир этиш ёки шахвоний эҳтиёжини куч ишлатиб қондириш мақсадини кўзламайди, балки ҳирсий кўринишдаги бузуқ ҳаракатларни содир этади ва улар айбдор шахвоний эҳтиёжларини қондиришга қаратилмаган бўлиб, 16 ёшга тўлмаган шахсларни йўлдан уриш мақсадини кўзлайди.

### **130-модда. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш**

*Намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек, уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модда Жиноят қонунига 1923 йил 12 октябрдаги «Порнографик маҳсулот тарқатиш ва савдо қилишга қарши кураш тўғрисида»ги Женева Конвенцияси асосида киритилган.

1923 йилги Женева Конвенцияси қуйидаги қилмишларни жиноят туркумига киритади: сотиш, тарқатиш ва оммавий кўргазма қилиш мақсадида порнографик маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш; бундай маҳсулотларни олиб кириш, ташиш, олиб чиқиш, муомалага киритиш, порномаҳсулотлар билан савдо қилиш, тарқатиш, ижарага бериш; мазкур маҳсулотларни топиш мумкин бўлган йўллари аниқлаш ёки овоза қилиш.

2. Жиноят объекти жамоат тартиби ва жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ муносабатлари ҳисобланади. Айниқса, кейинги вақтда бутундунё бўйича ёшлар ва вояга етмаганлар ахлоқсизлигининг кучайганлиги ва бундай ҳолатларнинг Ўзбекистон Республикасига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигининг олдини олиш ва бундай жиноятларга қарши курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган қонун билан жинсий жавобгарлик кучайтирилиб, иқтисодий жазо чораси — жарима жазоси оширилди. Жиноят учун жазонинг оширилиши жиноятнинг ижтимоий хавфлилигининг ортганлиги сабабли ҳам ўринлидир.

3. Жиноятнинг объектив томони намойиш қилиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш, шунингдек, худди шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин йигирма бир ёшга тўлмаган ёшларга порнографик маҳсулотларни намойиш қилишда ифодаланади.

4. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш учун жинсий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан сўнг бир йил ичида содир этилган жиноят учун қўлланилади.

5. Шаҳвоний муносабатларни, эркак ёки аёл жинсий аъзоларини кўпол, ғайритабиий, сурбетларча, ҳаёсизлик билан ёки бузуқ кўринишда тасвирлайдиган асарлар, босма нашрлар, расмлар ва бошқа ҳар қандай буюмлар порнографик нарсаларга тааллуқлидир.

Интим муносабатлар ва баданларнинг очиқлиги кўпол равишда, уятсизларча ёки табиий шаклда тасвирланмаган буюмлар порнография эмас, балки эротик асарлар, деб аталади.

Материал ёки предметларнинг порнографик характерга эга эканлигини аниқлаш учун кинотанқид, психология, сексопатология, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги махсус мутахассислар иштирокида комплекс экспертиза тайинланиши лозим бўлади.

6. Порнографик нарсаларни тайёрлаш деганда, уларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиш ва ҳоказолар билан бирга уларни техник тайёрлаш (купайтириш, босиб чиқариш, монтаж қилиш, ёзиш, тасвирга кучириш ва ҳоказолар)ни ҳам тушуниш лозим.

7. Порнографик нарсалар намойиш этиш ёки тарқатиш мақсадида тайёрланган ҳоллардагина жиноят таркиби мавжуд бўлади.

8. Тарқатиш деганда, порнографик буюмларни ҳеч бўлмаганда, бир шахсга бериб қўйиш, жўнатиш, сотиш, совға қилиш тушунилади. Тарқатиш усули квалификация учун аҳамият касб этмайди. Эр-хотинларнинг бир-бирига порнографик предметларни тарқатиши жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

9. Намойиш этиш деганда, порнографик буюмларнинг мазмуни билан ҳеч бўлмаганда бир кишини ҳар қандай усул (масалан, видеофильм намойиш этиш, кинофильм, суратлар, слайдлар (тасвир туширилган кадрлар), порнографик асарларни ўқиш ва ҳоказолар) билан таништириш тушунилади.

10. Порнографик нарсаларни намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида уларни тайёрлаш ёхуд порнографик буюмларни йигирма бир ёшга етмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

11. Порнографик нарсалар йигирма бир ёшга кирган шахслар ўртасида намойиш этилган ёки тарқатилган ҳолларда жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

12. Порнографик нарсаларни намойиш этиш ёки тарқатиш мақсадидан холи ҳолатларда сақлаш жиноят ҳисобланмайди.

13. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

14. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

### **131-модда. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш**

*Фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек, ғаразли ёки бошқа наст ниятларда қўшмачилик қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) *вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;*

б) *такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган бўлса*

— *олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти ижтимоий одоб-ахлоқ ва фуқаролар соғлиғи ҳисобланади.

2. Жиноят объектив томондан бузуқлик уяси бўлмиш фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек, тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилишда ифодаланади.

3. *Фоҳишахона* – бу мижозларнинг жинсий алоқа қилишлари ёки уларнинг ғайритабиий усулда ўз жинсий эҳтиёжларини қондиришлари учун шароит яратишга мўлжалланган махсус жиҳозланган ҳар қандай жой (уй, дала ҳовли, хонадон, ҳаммом, ертўла, меҳмонхона ва бошқалар). Ўз мижозларининг шахвоний эҳтиёжларини муттасил равишда қондириш учун фойдаланиладиган ҳар қандай жойни фоҳишахона, деб топиш мумкин.

Фоҳишахонанинг зарурий белгиси – ўзининг жинсий эҳтиёжларини маълум бир ҳақ эвазига қондириш мақсадида одамларнинг мунтазам равишда бориб туриши тушунилади. Алоҳида хонадон (квартира), уй, дала ҳовли, чўмилиш хонаси (ҳаммом)даги муайян жой, ёрдамчихона ва бошқалар фоҳишахона хизматини ўташи мумкин.

4. Фоҳишахона ташкил қилиш ва сақлаш деганда, уйни қидириб топиш, уйни жиҳозлаш (мебеллар танлаш, идиш-товоқлар олиш ва ҳоказо), унинг ишлаши учун керакли шароит яратиш, фоҳишахонанинг узоқ муддат ишлаши учун ёрдам бериш, хизмат кўрсатувчилар, қуриқчилар, ҳайдовчилар ёллаш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

5. Шарҳланаётган жиноятни одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашдан фарқлаш керак (ЖКнинг 135-моддаси). Фоҳишалар фоҳишахонага алдовсиз жалб қилинадилар, яъни улар бировларнинг жинсий эҳтиёжларини қондиришларини англаб етадилар, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 135-моддасига кўра, квалификация қилиш учун жабрланувчиларнинг алданиши зарурий белги ҳисобланади.

Фоҳишахонани сақловчи бошқа шахсларни улардан шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдов йўли билан ёлласа, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 131 ва 135-моддаларига кўра, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

6. Қўшмачилик қилиш шахвоний жуфтларни қидириб топиш ёки муайян шахслар ўртасида жинсий алоқалар ёхуд ғайритабиий усулда жинсий эҳтиёжларни қондириш учун ёрдам беришдан иборатдир.

7. Фоҳишахона ташкил қилиш ёки уни сақлашни таъминлашга қаратилган, фаразли ёки бошқа тубан ниятдаги ҳаракатлар амалга



оширилган ёхуд шахвоний эҳтиёжини қондирадиган жуфтларни қидиришга оид хизмат кўрсатиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

8. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Субъектив томоннинг зарурий белгиси — ғаразли мотив ёки бошқа паст мақсадлар бўлиши мумкин.

9. Айбдорнинг қилмишлари ғаразли ёки бошқа паст мақсадларда содир этилган ҳолатларда ЖКнинг 131-моддаси бўйича баҳоланиши лозим. Ғаразли ёки бошқа паст мақсадлар (мансабпарастлик, ўч, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ва ҳоказолар) таҳлил этилаётган жиноят таркибининг зарурий белгисидир.

10. Ушбу жиноятнинг субъекти ҳар қандай 16 ёшга тулган фоҳишахона ташкилотчиси ёки эгаси бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ходимлардан бўлган шахслар (шофёр, қуриқчи) ва фоҳишахонада ишловчи бошқалар жиноят иштирокчиси бўлиши мумкин. Фоҳишахоналарга ташриф буюриш жиноят ҳисобланмайди, фоҳишалар маъмурий жавобгарликка тортилади (МЖТКнинг 190-моддаси).

11. Агар айбдорнинг қилмишлари, вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда такроран (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг), хавфли рецидивист (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг) ёки илгари ЖКнинг 135-моддасида ёки ЖКнинг 137-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар ЖКнинг 131-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. Шахвоний ҳаракатлар билан шуғулланиш учун алоҳида хона ажратиб берган шахсда ғаразли ёки бошқа паст ниятлар мавжуд бўлмаса, жиноят ҳисобланмайди.

### **132-модда. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш**

*Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига-ча миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Жиноят объекти ижтимоий одоб-ахлоқ, тарихий ёдгорликлар ва маданий қадриятларни муҳофаза қилиш каби манфаатлар ҳисобланади.

Давлат муҳофазасидаги ҳар хил тарих ёки маданият ёдгорликлари, табиий объектлар, масалан, сомонийлар қабрлари, табиий фавворалар, қўриқхона ва ҳоказолар жиноят предмети бўлиши мумкин, лекин уларни муҳофазага олиш тўғрисида тегишли органлар қарори чиқарилган ва улар фуқароларга маълум қилинган объектлар бўлиши керак.

2. Шарҳланаётган моддада давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасдан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш учун жинойий жавобгарлик белгиланган.

Агар шахсга илгари худди шундай хатти-ҳаракати учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилган бўлса, ЖКнинг 132-моддаси, 1-қисми бўйича жинойий жавобгарлик келиб чиқади.

3. Тарих ёки маданият ёдгорликларининг давлат муҳофазасига олинганлиги муайян усулда махсус осиб қўйиладиган тахтачаларда ёзиб қўйилган, китоб, газета, журнал ва йўл кўрсатувчи маълумотномаларда белгилаб қўйилган бўлиши керак.

4. Ҳаракатларнинг объектив томони давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилишга, бузишга ёки уларга шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлардир.

Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш деганда, уларни дастлабки кўринишидаги каби қайта тиклаб бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

Маданият ёки тарих ёдгорликларини бузиш деганда, уларни қайта таъмирлаб тиклаш имконияти мавжуд бўлган зарар етказиш тушунилади.

Тарих ёки маданият ёдгорликларига шикаст етказиш деганда, уларга муайян зарар етказилган бўлиб, бунинг оқибатида ёдгорликлар бадий, тарихий, археологик ёхуд илмий қийматининг йўқолиши тушунилади.

5. Давлат томонидан муҳофазага олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш ёки бузиш ёхуд уларга шикаст етказилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланиди. Қандай усулда шикаст етказилганлиги квалификацияга таъсир этмайди.

6. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилган айб сифатида таърифланади. Жиноятни содир этиш сабаблари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Бироқ, агар ёдгорликларни нобуд қилиш, бузиш, уларга шикаст етказиш безорилик ҳаракатлари билан содир этилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 132 ва 277-моддалари бўйича жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши зарур.

7. Агар тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлса, қилмиш тегишли белгиларнинг мавжудлиги ҳолатларида мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг 207-моддаси) ёхуд мол-мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлиш (ЖКнинг 172-моддаси) таркибини вужудга келтириши мумкин.

8. Тарих ёки маданият ёдгорликларига шикаст етказиш ва уларни бузиш мазкур ёдгорликларнинг муайян қисмини ўғирлаш билан боғлиқ бўлганда, айбдорнинг қилмишларини ЖКнинг 132-моддаси ва ўзгалар мулкни ўғирлаш учун жавобгарликни назарда тутадиган тегишли модда билан жиноятлар мажмуига кўра квалификация қилинади.

9. Айбдорнинг қилмишлари кўп миқдорда зарар келтирган ҳолатларда, уларни ЖКнинг 132-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш зарур (кўп миқдорда зарар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

10. Жиноят субъекти — 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

11. Етказилган зиён уч карра миқдорида қопланса, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

### **133-модда. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш**

*Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз илмий ишлар ёхуд таълим ишлари учун трансплантация қилиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар:*

*а) фаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда;*

*б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса*

*— олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти одоб-ахлоқдир.

2. Объектив томондан жиноят шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз, илмий ёхуд таълим ишлари учун кўчириб ўтказиш ёки бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) мақсадида мурданинг аъзолари ёки туқималарини ажратиб олишда ифодаланади.

*Аъзо ёки туқималарни ажратиб олиш* — мурданинг бир ёки бир неча орган ёки туқималарини тулиқ ёки қисман чиқариш. Бунда экспертиза учун мурданинг орган ва туқималарини ажратиб олиш шарҳланаётган модда жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

3. Реципиентларга аъзолар ёки туқималарни трансплантация қилиш (кўчириб қўйиш) бўйича операциялар тиббий кўрсатмаларга кўра амалга оширилади. Шў мақсадда инсон аъзолари ёки туқималарини олиш ва тайёрлашга фақат давлатнинг тиббий муассасаларидагина рухсат этилади. Ихтисослашган тиббиёт муассасаларидагина инсон аъзолари ёки туқималарини трансплантация қилишга рухсат берилади.

Агар тиббиёт муассасасига ўлган шахс ҳаётлиги пайтида ёки унинг вафотидан сўнг яқин қариндошлари муайян мақсадларда унинг аъзолари ва туқималарини ажратиб олишга розилик бермаган бўлса, мурданинг аъзоларини ёки туқималарини ажратиб олишга йўл қўйилмайди (яқин қариндошлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг). Шифокор-мутахассислар консилиуми (маслаҳати) томонидан ўлим юз бергани сўзсиз исботланган ҳолатда мурдадан трансплантация учун унинг аъзолари ёки туқималари ажратиб олиниши мумкин. Мурданинг аъзолари ёки туқималарини ажратиб олиш учун мурданинг ҳаётлигидаги розилиги ёки унинг яқин қариндошларининг розилиги бўлсагина, тиббиёт муассасасининг бош шифокори рухсати билан амалга оширилади. Мурдадан унинг аъзолари ёки туқималарини ажратиб олишга суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш талаб қилинган ҳолатларда бу ҳақда суд-тиббиёт эксперти томонидан прокурор хабардор қилинган ҳолда ижозат берилади.

4. Ўлган одамнинг аъзолари ёки туқималарини ажратиб олиш вақтидан бошлаб, трансплантация ва бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) амалга оширилган-оширилмаганидан қатъий назар, жиноят тугалланган ҳисобланади.

5. Агар ғаразли ёхуд бошқа паст ниятларда ўлган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини ажратиб олиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, қилмиш шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Ғаразли мақсадлар деганда, моддий фойда олиш, бойиш, яхши маош туланидиган иш ёки лавозимга эга бўлишга, уй-жой олишга ва бошқаларга қаратилган ниятларни тушуниш керак. Ғаразли мақсадлар шахс зиммасидаги мулкӣй, моддий мажбуриятлар (қарзни қайтариш, алимент туловлари ва ҳоказолар)дан қутулишга интилишда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бошқа паст ниятларга мансабпарастлик, лаганбардорлик, ошна-оғайнигарчилик ва ҳоказолар тааллуқдир.

(Такроран тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг. Хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

6. Жиноят субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади. Айбдор ҳаракатини ЖКнинг 133-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун қилмишнинг ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этилгани зарурий белги ҳисобланади.

7. 16 ёшга тулган шахс жиноят субъекти ҳисобланади.

### 134-модда. Қабрни таҳқирлаш

*Қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек, мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жамиятда мавжуд бўлган одоб-ахлоқ қоидалари жиноят объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят қабрни ёки мурдани таҳқирлашда, шунингдек, мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олишда ифодаланади.

3. Қабр мурданинг хоки ва у билан бирга дафн этилган нарсалар (кийим-кечаклар, буюмлар ва ҳоказолар) кўмилган жойдир.

4. Қабр устидаги нарсалар деганда, қабр ва унинг устига қўйилган ёдгорлик тоши, девори, гуллар, гулчамбарлар ва бошқаларни тушуниш керак.

5. Қабрни таҳқирлаш қабр устидаги тошларни, ёдгорликларни, яшил ўсимликлар ва гулларни топташ, деворларни, тўсиқ-

ларни синдириш, уларга зарар етказиш, бузиш, сурбетларча ёзувлар битиш, майитга ҳурматсизлик муносабатини ифодаловчи бошқа хатти-ҳаракатлардан иборат.

6. Мурдани таҳқирлаш кўмилган жасадни ёки унинг айрим аъзоларини қабрдан чиқариб ташлаш, унинг қиёфасини бузиш, мазаҳ қилишдан иборат хатти-ҳаракатлардир.

7. Мурдадаги, қабрдаги ёки унда кўмилган буюмларни ажратиб олиш қабрни таҳқирлаш усулларида бири бўлиб, у яширин ёхуд ошқора равишда мазкур буюмларни қўлга киритишдан иборат бўлади.

8. Қабр ёки мурдани таҳқирлаш вақтидан бошлаб, қабрдаги, мурдадаги ёхуд у билан бирга кўмилган нарсалар олинган ҳолатларда эса, айбдор шахснинг мазкур нарсалардан фойдаланиши ёки уларни ўзиники қилиб олиши вақтидан бошлаб жиноят туғалланган ҳисобланади.

9. Қабрни таҳқирлаш жамиятда қабул қилинган қоидаларга қасдан менсимаслик билан муносабатда бўлиш орқали ифодаланади қилмишни ЖКнинг 134 ва 277-моддалари тегишли қисмларига мувофиқ квалификация қилиш зарур.

10. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятни содир этиш сабаби жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

11. Ун олти ёшга тўлган шахс жиноят субъекти ҳисобланади.

## VI боб. ШАҲСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 135-модда. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш

*Шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса*

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади.

2. Жиноят объектив томондан шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллашда ифодланади.

3. Одамларни ёллаш деганда, муайян мақсадга мувофиқ келадиган одамларни излаб топиш ва улар билан оғзаки ёки ёзма равишда фаолият билан шуғулланиш тўғрисидаги шартнома тузиш тушунилади. Одамларни ёллаш турли усулда (катта иш ҳақи, моддий бойликлар, маълум имтиёзлар, қулай шароитлар эвазига) амалга оширилади.

4. Одамлардан шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш алдов йўли билан содир этилган ҳолатлардагина ЖКнинг 135-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Алдов муайян фаолият билан шуғулланишга розилик олиш мақсадида битим тузиш учун ёлловчининг зарур бўлган вазиятлар тўғрисида била туриб ёлғон хабарлар бериши ёки яшириши ёхуд сўзламаслигини тақозо этади.

5. Жиноят ёлловчи ва тегишли шахс ўртасида ёллаш мақсадида битим (оғзаки, шартнома тарзидаги ёзма битим ва ҳоказолар) тузилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган жиноят таркиби учун муқаррар мақсад — ёлланган шахслардан шахвоний ёхуд бошқача мақсадларда фойдаланишдир.

Шахвоний фойдаланиш деганда, шахсни шундай аҳволга тушириб қўйиш тушуниладики, унда ёлланган шахс ёлловчининг хоҳишига кўра, тартибсиз жинсий алоқаларга киришишга ёки кимларнингдир жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондиришга ёхуд уларнинг истаги билан бошқача шахвоний ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлади.

*Бошқача фойдаланиш* — бу жабрланувчини ёлловчининг хоҳишига кўра, муайян фаолият билан шуғулланишга мажбур этилган ҳолат.

7. Ёлланган аёллар ёлловчининг хоҳишига кўра, жинсий алоқага кириб, кимларнингдир жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондирган ҳолатларида айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 135 ва 121-моддаларига биноан аёлни жинсий алоқага киришга мажбур этиш сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Агар ёлланган аёл шахвоний зўрликка дуч келса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 135-моддаси ва ЖКнинг 118-моддаси ёки ЖКнинг 119-моддаси бўйича квалификация қилинади.

8. Шахслардан шахвоний ёхуд бошқача усулда фойдаланиш мақсадларида алдов йўли билан ёллаш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилса, ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади (такрорийлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 32-моддаси шарҳига; хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

9. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одамларни ёллаш деганда, (ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисми, «б» банди) мазкур фаолиятда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг олдиндан келишиб, алдов йўли билан одамлардан шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш мақсадида иштирок этишни тушуниш лозим. Айни пайтда тил бириктириш одамларни ёллашгача тузилган бўлганлиги муҳимдир.

10. Агар ёлловчи вояга етмаган шахсларни улардан фойдаланиш мақсадида ёллаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилиниши зарур.

Ёлловчи вояга етмаган шахсинг ёши тўғрисида виждонан адашган бўлса, яъни унда ёлланувчини вояга етган, деб ўйлаш



учун етарлича асослар мавжуд бўлган ҳолатларда жавобгарлик ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисми бўйича эмас, балки 135-моддаси, 1-қисми бўйича келиб чиқади.

11. Шаҳвоний ёки бошқа мақсадда фойдаланиш учун ёлланган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган ёхуд айбдорда шундай ният мавжуд бўлган ҳолатларда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 135-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

ЖКнинг 135-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят битим (оғзаки ёки ёзма) тузилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

12. Субъектив томондан жиноят била туриб, тўғри қасд билан содир этилади.

13. Субъект 16 ёшга тулган шахс ҳисобланади.

### **136-модда. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш**

*Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун угирлаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти аёлнинг эркинлиги ва шаъни ҳисобланади. Аёлнинг эркинлиги — унинг эрга тегиш ёки никоҳда яшашни давом эттириш ҳуқуқида ифодаланади.

2. Объектив томондан жиноят аёлни эрга тегишга ёки бирга эр-хотин бўлиб яшашга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун угирлаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишда ифодаланади.

3. Аёлни эрга тегишга ёки бирга эр-хотин бўлиб яшашга мажбур қилиш деганда, аёлга нисбатан жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ишлатишни тушуниш лозим.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маънода жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, аёлни калтаклаш, дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикастлар етказишни тушуниш зарур.

Аёлни мажбурлашда унинг баданига оғир шикастлар етказилганда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 136 ва 104-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Рухий зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни, аёлнинг ўзи сир сақлашни афзал кўрадиган маълумотларни тарқатиш, мол-мулкни нобуд қилиш билан қўрқитиш ва ҳоказоларни тушуниш керак.

4. Айбдор аёлни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитган ҳолатларда, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди.

5. Аёлни ўғирлаш уни мажбурлашнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, уни олиб қочишда, бирон-бир транспорт воситасида олиб қочишда, муайян жойда жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб сақлашда ёки унинг эркига хилоф равишда у билан никоҳга кириш учун алдашда ёхуд аёлнинг никоҳга киришига тўсқинлик қилишда ифодаланади.

6. Агар аёлнинг ўғирланиши у билан никоҳга кириш учун урф-одат тусига киритилган бўлса, яъни аёл ўғирлангунга қадар бу ишга унинг розилиги олинган бўлса, ЖКнинг 136-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

7. Ўғирланган қиз ўн олти ёшга тўлмаган бўлса ва айбдор унинг розилиги билан жинсий алоқага кирса ёки жинсий эҳтиёжини гайритабиий усулда қондирган ҳолатларда, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 136 ва 128-моддаларига кўра, квалификация қилинади.

Бундай квалификация қилишнинг зарурий шарти — айбдор жабрланувчининг ўн олти ёшга кирмаганлигини илгаридан билиши. Агар у жабрланувчининг ёшига нисбатан янглишган бўлса, унда фақат ЖКнинг 136-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

8. Субъектив томондан жиноят била туриб, тўғри қасддан содир этилади.

9. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

### 137-модда. Одам ўғирлаш

*Ушбу кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғирлаш*

*— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) вояга етмаган шахсга нисбатан;*

*б) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти инсоннинг шахсий эркинлиги, яъни қаерда бўлишни танлаш эркинлиги ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят ЖКнинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам уғирлашда ифодаланади.

3. Одам уғирлаш деганда, яширин, ошқора, алдов йўли билан ёки ишонччи суиистеъмол қилиб ёхуд бошқа усулда уни шахсий эркинлигидан маҳрум этиш (масалан, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, муайян бир жойда зўрлик билан сақлаш ва ҳоказолар) тушунилади.

4. Уғирлаш усуллари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

5. Одам уғирлаганда унга нисбатан жисмоний ёхуд руҳий зўрлаш ишлатилиши мумкин.

6. (Жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ишлатиш ҳақида ЖКнинг 136-моддаси шарҳига қаранг).

7. Одамни унинг шахсий эркинлигидан маҳрум қилиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

8. Агар болани уғирлаш уни алмаштириш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 124-моддаси ва 136-модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

9. Гаровга олиш мақсадида, одамни қўлга киритиш одам уғирлаш йўли билан содир этилганда, айбдорнинг ҳаракатларини бошқа муқаррар белгилар мавжудлиги ҳолатларида фақат ЖКнинг 245-моддаси бўйича квалификация қилиш зарур (ЖКнинг 245-моддаси шарҳига қаранг).

10. Одамни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уғирлашни ЖКнинг 137-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш керак (ғаразли ёки бошқа паст ниятлар тушунчалари туғрисида ЖКнинг 97-моддаси ва 133-моддаси шарҳига қаранг).

11. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб одам уғирлашни ЖКнинг 137-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилиш лозим (ЖКнинг 29 ва 30-моддалари шарҳига қаранг)

12. Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаш ЖКнинг 137-моддаси 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилинади (ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг).

13. Ўта хавфли рецидивист томонидан одам ўғирлаш ЖКнинг 137-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган махсус квалификация қилинувчи таркибни вужудга келтиради (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

14. ЖКнинг 137-моддаси, 3-қисми, «б» бандида назарда тутилган оғир оқибатлар деганда, ўғирланган одамни эҳтиётсизлик оқибатида ўлдириш ёки унинг ўзини ўзи ёки унинг ота-онаси ёки яқин кишиларининг ўлдирилишига сабабчи бўлиш ёхуд уларни руҳий касалликка чалинтириш ва бошқалар тушунилиши зарур.

15. Одам ўғирлаш зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний тарзда уни ўз эркидан маҳрум этиш билан боғлиқ ҳолатларда содир этилганда, жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 137 ва 138-моддалари бўйича квалификация қилинади.

16. Шарҳланаётган жиноятни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишдан фарқлаш лозим (ЖКнинг 138-моддаси).

Жабрланувчи шахси ҳаракатланишининг чекланиши ҳар икки жиноят учун ҳам умумий ҳолат ҳисобланади.

Зўрлик ишлатиб озодликдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 138-моддаси) жабрланувчини унинг доимий ёки муваққат яшаш жойида (уйда, меҳмонхонада, иш жойида) зўрлик билан ушлаб туришни англатади.

Одамни ўғирлаш эса, одамни доимий ва муваққат яшаб турган жойидан ўғирлар учун керак жойга кўчирилишидан иборат бўлади.

17. Субъектив томондан жиноят била туриб, қасддан содир этилади.

18. Жиноят субъекти 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

### **138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш**

*Бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жас-  
рима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озод-  
ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

*а) жисмоний азоб бериб:*

б) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли шароитда сақлаган ҳолда содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти одамнинг шахсий эркинлиги ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этишда ифодаланади.

3. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш йўли билан амалга оширилади (жабрланувчини боғлаш, уйқу дори бериш, унинг ихтиёрига хилоф равишда муайян жойда сақлаб туриш, алдов йўли билан шахсни у киришни хоҳламайдиган хонадонга олиб кириб сақлаш ва ҳоказолар).

4. Шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишда шуни эътиборга олиш керакки, у содир этилиш усулидан қатъий назар, одамни ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш унга зўрлик ишлатишнинг муайян шаклидир.

5. Шахсни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

6. Жисмоний қийноқ деганда, одамни сувсиз, озиқ-овқатсиз, узоқ муддат тана учун ноқулай шароитда (қўл-оёқлари боғланган ҳолда шкафта, кроват остида ва ҳоказо жойларда) сақлаб туриш, жабрланувчига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

7. Ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли шароитлар деганда, одамни совуқ ёки, аксинча, ҳарорат юқори хонада узоқ муддат давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз, яъни жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун чинакам зарар етказиш хавфи бўлган ҳолатда сақлаб туриш тушунилади.

8. Жабрланувчига оғир шикастлар етказиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 104 ва 138-моддалари билан квалификация қилинади.

9. Субъектив томондан жиноят тўғри қасдан содир этилади.

10. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Мазкур жиноятларни содир этган мансабдор шахслар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖКнинг 206-моддаси) ёки одил судловга қарши жиноят, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖКнинг 234-моддаси) бўйича жавобгарликка тортилади.

## 139-модда. Тухмат

Тухмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Тухмат:

а) оғир ёки ута оғир жиноят содир этишда айблаб;

б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда;

в) хавфли рецидивист томонидан;

г) ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят бошқа шахсни обрўсизлантирадиган ёлғон, уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади.

3. Тухмат қилиш мақсадида уйдирмалар тарқатиш деганда, уларни ҳеч бўлмаганда бир кишига исталган шаклда (огзаки, ёзма равишда, телефон орқали, компьютер ва Интернет ёрдамида) етказишни тушуниш зарур.

4. Уйдирма деганда, уйдирмачи томонидан амалда мавжуд бўлмаган ёки сохталаштирилган ҳодисаларни тушуниш керак.

5. Рост бўлган, лекин шахсни обрўсизлантирадиган маълумотларни тарқатиш тухмат таркибини вужудга келтирмайди.

6. Тухматдаги уйдирмалар мутлақо ёлғон ёки кишини обрўсизлантирадиган бўлиши лозим. Суд ҳар бир ҳолатда маълумотларни ёлғон ёки шахсни обрўсизлантирганлиги масаласини ҳал қилиши керак.

7. Жиноят бошқа кишини обрўсизлантирадиган ёлғон уйдирмаларни била туриб, ҳеч бўлмаганда бир кишига етказилган ҳолатда тугалланган, деб топилади.

8. Шарҳланаётган модда бўйича жиноятни квалификация қилиш учун айбдор илгаридан ўзи тарқатаётган уйдирмаларнинг ёлғонлигини билиши муҳим.

9. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали тухмат қилиш деганда, ки-

тоб, журнал, газета, варақа ва бошқа асарлардаги ёхуд радио, телевидение, видео тасвирлари ва ҳоказолар орқали қилинган туҳматни тушуниш керак.

10. (Оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисида ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг).

11. Оғир оқибатлар деганда, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришини, унинг руҳий касалликка чалиниши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

12. (Хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

13. (Ғаразли ёки бошқа паст ниятлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97 ва 133-моддалари шарҳига қаранг).

14. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

15. Жиноят субъекти 16 ёшга тулган шахс ҳисобланади.

### 140-модда. Ҳақорат қилиш

*Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ҳақорат қилиш:*

*а) жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда;*

*б) хавфли рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти — шахснинг шаъни ва қадр-қиммати.

2. Объектив томондан жиноят шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлашдан иборат.

3. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳар хил ҳаракатларда, масалан, уят гаплар билан сўкиш, турли ҳақоратли

суз ва ибораларни ёзиш, бетга тупуриш, тан аъзолари билан ахлоқсиз ҳаракатлар ёки имо-ишоралар қилиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

4. Жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уятсиз шаклда ифодаланган бўлиши зарур.

Уятсиз шаклда деганда, ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланадиган, кишилар ўртасидаги умумэътироф этилган хулқ-атвор қоидаларига зид равишда, бузуқ кўринишда ифодаланган шахсга салбий баҳо бериш тушунилади.

5. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлашга қаратилган уятсиз ҳаракатларни содир этиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган, деб топилади.

6. Ҳақорат қилиш шахснинг соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда содир этилганда, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

7. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳақорат қилиш ЖКнинг 140-моддаси, 2-қисми бўйича жиноий жазога тортилади (ЖКнинг 139-моддаси шарҳига қаранг).

8. Ҳақорат қилиш жабрланувчининг ўз хизмат ёхуд фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ бўлса, ЖКнинг 140-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади (ЖКнинг 37-моддаси шарҳига қаранг).

9. Ҳақорат қилиш хавfli рецидивист, яъни илгари ҳақорат учун судланган шахс томонидан содир этилганда, шунингдек, илгари туҳмат учун судланган шахс томонидан қилинган ҳақорат ЖКнинг 140-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши керак.

10. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

11. Жиноят субъекти 16 ёшга тулган шахс ҳисобланади.



## VII боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 141-модда. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш

*Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар зўрик ишлатиб содир этилган бўлса*

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги белгиланган.

Жиноят қонунининг шарҳланаётган моддаси халқаро ҳуқуқий ҳужжагларга тўла мувофиқ келади. Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 26-моддасида барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилиниши белгиланган. Шу муносабат билан ҳар қандай камситиш қонун билан тақиқланган бўлиб, қонун барча шахсларнинг ирқига, танасининг рангига, жинсига, тилига, динига сиёсий ёки бошқа эътиқодларига, миллий ёхуд ижтимоий келиб чиқишига, мулкӣ мавқеига, туғилиши ёхуд бошқа вазиятларга кўра, камситилишига қарши тенг ва самарали ҳимояни кафолатлаши лозим.

2. Жиноят объекти инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят ҳуқуқни бевосита ё билвосита бузиш ёки уни чеклаш ёхуд бир фуқаронинг бевосита ёки билвосита имтиёзларини бошқасидан устун қўйиш муайян шахснинг давлат, жамоат ишларида, маданий ишлар ёхуд бошқа фаолиятда иштирок этиши учун тўсиқ яратишда ифодаланади.

4. Ҳуқуқни бевосита ё билвосита бузиш ёки уни чеклаш ёхуд бир фуқаронинг бевосита ёки билвосита имтиёзларини бошқаси-

дан устун қўйиш муайян шахснинг давлат, жамоат ишлари, маданий ишлар ёхуд бошқа фаолиятда иштирок этиши учун тўсиқ яратишда (масалан, жинси, irqи, миллати ва бошқа белгилари боис ишга, ўқишга, бирон-бир ижтимоий бирлашма аъзолигига қабул қилмасликда) ифодаланиши мумкин.

5. Жиноят фуқароларнинг ҳуқуқларини жинси, irqи, миллати, тили, дини ва ҳоказоларга кўра, бузиш ёхуд чеклаш бошланган вақтдан тугалланган ҳисобланади. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Зарар фуқаронинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда унинг муайян ҳуқуқ ва эркинлиги чеклаб қўйилишида ифодаланиши мумкин.

6. Тенг ҳуқуқлилиқ зўрлик ишлатиш билан бузилган бўлса, айбланувчининг ҳаракатлари ЖКнинг 141-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жараёнида зўрлик ишлатиш деганда, калтаклаш, дўппослаш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш тушунилиши лозим. Мазкур оқибатлар келиб чиқиши билан қилмишни шахсга қарши жиноятларни назарда тутадиган моддалар бўйича кўшимча квалификация қилишга эҳтиёж қолмайди.

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

8. Жиноят субъекти 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

9. Жиноят мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб содир қилинган ҳолларда ёки ЖКнинг 141-моддаси, 1-қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатларни содир этганда, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 141-моддаси ва тегишлича ЖКнинг 205-моддаси ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

### **142 -модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш**

*Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш*

*— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Турар жой дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади, яъни Конституциянинг 27-моддаси-

да, ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши мумкин эмас, деб қайд этилган. ЖКнинг 142-моддаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига тула мос келади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 17-моддасида ҳеч кимнинг уй-жой дахлсизлигига ноқонуний тарзда тажовуз қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

2. Жиноят объекти фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ҳисобланади.

3. Жиноятнинг объектив томони турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний бостириб киришда ифодаланади.

4. Ғайриқонуний бостириб кириш деганда, айбдорнинг бировнинг уй-жойига, турар жой эгасининг руҳсатисиз киришга ҳуқуқи бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан бостириб киришига қаратилган ҳар хил ҳаракатларни тушуниш керак.

5. Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний бостириб кириш билан боғлиқ бўлган ҳолатда содир этилган қилмиш ЖКнинг 142-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ғайриқонуний бостириб кириш зўрлик ишлатмасдан содир этилган ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари жиноий жазога тортилмайди.

Зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчини итариб юбориш, қўлини қайириш, калтаклаш, дўппослаш, унинг баданига энгил ва ўртача оғир шикаст етказиш тарзидаги жисмоний ҳаракатни тушуниш лозим. Бундай ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалари бўйича жазолаб бўлмайди. Бироқ, айбланувчи томонидан жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилган ҳолларда, айбланувчининг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 142 ва 104-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

6. Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний равишда бостириб кириш мансабдор шахс томонидан содир этилса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 206-моддаси бўйича квалификация қилинади ва бундай ҳолларда ЖКнинг 142-моддаси бўйича квалификация талаб қилинмайди.

7. Жиноят зўрлик ишлатиб турар жойга бостириб кириш вақтидан бошлаб, вужудга келган оқибатлардан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади.

8. (Турар жой тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

Бировнинг мол-мулкани уғирлаш мақсадида турар жойга кириш ўзгалар мол-мулкани уғирлаганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган тегишли моддалар доирасига киради ва ЖКнинг 142-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

9. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

10. Жиноят субъекти 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

**143-модда. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув,  
телеграф хабарлари ёки бошқа  
хабарларнинг сир сақланиши  
тартибини бузиш**

*Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида фуқароларнинг хат-ёзишмалари ва телефонда сўзлашувлари ҳимояланиши ҳуқуқи, шунингдек, шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқи мустақкамланган.

Конституциянинг мазкур қоидалари Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 17-моддасига ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасига асосланади.

2. Жиноят объекти фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефон, телеграф сўзлашувлари ёки бошқа маълумотларнинг сир сақланишига бўлган конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят фуқароларнинг почта-телеграф хабарлари ёхуд телефонда сўзлашувлари мазмуни билан бегона шахсларнинг ғайриқонуний равишда танишуви ёки уларнинг хат-ёзишмаларда, телеграммаларда, телефаксда, телефонда, электрон почта орқали ва ҳоказоларда жунатилган маълумотларни ошкор этишда ифодаланади.

Ушбу модда маъмурий преюдиция (олдинги маъмурий ечимнинг зарурлиги)га эга. Жиноий жавобгарлик суд томонидан ушбу ҳаракатларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилгандан кейин бошланади.

4. Жиноят фуқароларнинг почта-телеграф хабарлари ёки телефонда сўзлашувлари мазмуни билан бегона шахсларнинг гай-риқонуний равишда танишуви ёхуд уларнинг хат-ёзишмаларда, телеграммаларда, телефаксда, телефонда ва ҳоказоларда жўната-диган маълумотларни ошкор этишида ифодаланади.

5. Хат-ёзишмалар, телефон, телеграф сўзлашувлари ёки бошқа хабарлар эгасининг рухсатисиз танишиш ёхуд уларни бирор бегона шахсга ошкор этилиши вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

6. Хат-ёзишмалар, телефон, телеграф сўзлашувлари ёки бошқа хабарларнинг сири жиноятни очиш, жиноятни аниқлаш ва жиноятчини ушлаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан бузилган ҳолларда шахсларнинг ҳаракатлари жиноий жазоланмайдиган қилмиш, деб топилади.

7. Мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, тегишли белгилар мавжуд бўлган ҳолатда, ЖКнинг 205 ёки 206-моддаларида назарда тутилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини вужудга келтириши мумкин.

8. Субъектив томондан ушбу жиноят тўғри қасддан содир этилади.

9. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

### **144-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

*Мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Фуқарони давлат органига, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига мурожаат қилганлиги ёки мурожаатда баён этилган танқид, шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Жиноят объекти жисмоний шахсларнинг шахслар ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан конституциявий мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

3. Жиноят кодексининг 144-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган жиноятнинг объектив томони фуқароларнинг мурожаатлари туғрисидаги қонунни бузишга қаратилган ҳар хил ҳаракатлар бўлиб, у фуқароларнинг, жамиятнинг ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказишда ифодланади.

4. Фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқларига етказилган зарарнинг жиддийлиги туғрисидаги масалани ҳал қилиш жараёнида келиб чиққан оқибатлар хусусиятини ҳамда маънавий зиённинг аҳамиятини, моддий зарар ҳажмини, фуқаронинг меҳнати, шахсий ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқ ва манфаатларининг чекланиш даражаси инобатга олиниши керак.

Шахслар ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан конституциявий мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги муносабатлар<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқаролар мурожаатлари туғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

5. Мурожаатларни кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш — мурожаатларни кўриб чиқиш мажбурияти юкланган шахс ёки органнинг қонунда кўрсатилмаган асосларга кўра, мурожаатни қабул қилмаслиги.

Мурожаатлар мансабдор шахс томонидан қабул қилинмаслиги қўйидаги ҳолларда қонуний, деб топилади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 35-модда, 1-қисми.

• ёзма муурожаатларда имзо қўйилмаган ва фуқароларнинг исми-шарифи, турар жойи туғрисида маълумотлар кўрсатилмаган ёки ёлгон маълумотлар кўрсатилган ҳолларда<sup>1</sup>;

• оғзаки муурожаатлар – муурожаат қилувчи шахсини тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этмаган ёки унинг муурожаатлари асоссиз бўлган ҳолларда<sup>2</sup>.

Муурожаатда тегишли органларга жўнатиш учун маълумотлар мавжуд бўлмаса, шунингдек, муурожаат этиш муддати ўтказиб юборилган бўлса, у фуқарога қайтарилиб берилиши мумкин.

6. Фуқароларнинг муурожаатлари туғрисидаги қонуннинг бузилиши борасидаги ишлар бўйича ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда айбдорнинг қилмишлари ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши керак.

Муурожаатни кўриб чиқиш муддатларининг бузилиши қонунчиликда ўрнатилган тартибда муурожаатларни кўриб чиқиш, уларни тегишли органларга кўриб чиқиш учун юбориш муддатларига риоя қилмасликда намоён бўлади.

Асосланмаган, қонунга зид қарор қабул қилиш – бу муурожаатда қўйилган масаланинг амалдаги қонунчилик меъёрларига хилоф равишда ҳал этилиши.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти туғрисидаги хусусий ахборотни тарқатиш муурожаатни кўриб чиқиш натижасида олинган, у муурожаат қилган-қилмаганлигидан қатъий назар, фуқаронинг шахсий ҳаётига тааллуқли турли хабарларни тарқатишдир.

7. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони фуқаронинг давлат органи, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасига берган муурожаатномаси ёки ундаги мавжуд танқид сабабли мансабдор шахс томонидан таъқиб қилинишидан иборат.

8. Таъқиб қилиш деганда, мансабдор шахснинг қасддан фуқароларнинг меҳнат, турар жой, мулкый ва бошқа ҳуқуқларини ёки давлат органларига, муассасаларига қонун билан муҳофаза этиладиган муурожаати муносабати билан ёки муурожаатида танқид мавжудлиги учун манфаатларини чеклашни тушуниш лозим (масалан, ноқонуний ишдан бўшатиш, кам иш ҳақи тўланадиган ишга ўтказиш, имтиёزلардан маҳрум этиш ва ҳоказо)<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқаролар муурожаатлари туғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 6-модда, 3-қисми.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқаролар муурожаатлари туғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 8-модда, 3.4-қисмлари.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқаролар муурожаатлари туғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 17–18-моддалари.

9. Фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига жиддий зарар етказилган вақтдан (ЖКнинг 144-моддаси, 1-қисми) ёки таъқиб бошланиши билан (ЖКнинг 144-моддаси, 2-қисми) жиноят тугалланган, деб топилади.

10. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик мансабдор шахс томонидан бузилган ҳолатларда фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ёки уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига жиддий зарар етказилганда, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича квалификация қилиш зарур.

11. Субъектив томондан жиноят била туриб, қасддан содир этилади.

12. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин.

### **145-модда. Виждон эркинлигини бузиш**

*Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек, диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида барча учун виждон эркинлиги кафолатланганлиги, ҳар бир шахснинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ҳуқуқи белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида диний ақидаларни мажбурий тарқатишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддаси мазмуни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддаси амалда мазкур халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ эканлигини тасдиқлайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида ёзилишича: «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда, ошқора ёки хусусий тартибда сифинишга боришга, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади».

2. Жиноят объекти Конституция билан кафолатланган ҳар бир диний идоранинг қонуний фаолият кўрсатиши ва шахснинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи ва фуқаролар соғлиғидир.

3. Виждон эркинлиги деганда, ҳар қандай динга эркин эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик, диний, диний бўлмаган ёки бошқа эътиқодларни танлаш, қонунга риоя қилган ҳолда унга мувофиқ иш олиб боришни тушуниш керак.

4. Обьектив томондан ЖКнинг 145-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний урф-одатларни амалга оширишга қаршилик кўрсатишда ифодаланади.

Қаршилик кўрсатиш диний муассасаларнинг фаолиятига тўсқинлик қилишда (масжид ва черковларни ёпиб қўйиш) ёки диний маросимлар (никоҳ ўқиш, хатна қилиш, жаноза ўқиш ёки марҳумни дафн этиш ва ҳоказолар)ни ўтказишга йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатларни содир этишда ифодаланиши мумкин.

5. Диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни бажаришга қаршилик кўрсатиш (ЖКнинг 145-моддаси, 1-қисми) бошланган пайтдан жиноят тугалланган, деб топилади.

6. ЖКнинг 145-моддаси, 2-қисми объектив томони вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш ҳисобланади.

7. ЖКнинг 145-моддаси, 3-қисмининг объектив томони фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки

фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёки шахснинг шаъни ва обрусини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёхуд диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний раем-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлан билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек, шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига олиб келган диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш ҳисобланади. Бундай вазиятларда баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни назарда тутадиган моддаларга кўра, жиноятлар мажмуи бўйича баҳолаш зарурати бўлмайди.

8. Вояга етмаганларни диний ташкилотларга ноқонуний жалб этиш – вояга етмаган шахсни қонунга зид тарзда диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга (алдов, моддий бойлик эвазига, қасос олиш мақсадида, таҳдид солиш йўли билан, ғайирлик ёки бошқа қабиҳ ниятларда) оғдириш.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга ноқонуний жалб этиш вояга етмаган шахсни қонунга зид тарзда диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга оғдириш вақтидан бошлаб жиноят тамомланган ҳисобланади.

9. Қонунга зид тарзда динга ўқитиш – вояга етмаган болаларга уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда диний билим бериш ҳисобланади.

10. ЖКнинг 145-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 145-моддаси, 3-қисми диспозициясида белгиланган ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб, оқибатларидан қатъий назар, тугалланган, деб топилади. Диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахснинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши бундан мустасно, чунки бу ҳолатда оқибат келиб чиққандан кейин жиноят тугалланган ҳисобланади.

11. Агар мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятига ёки диний урф-одатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, унинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи тарихида ЖКнинг 205 ёки 206-моддаларига ҳамда 145-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

12. Субъектив томондан жиноят била туриб, қасддан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

13. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

## **146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

*Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига биноан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Референдум тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

*Референдум* — умумхалқ овози ёрдамида қонунлар қабул қилиш ёки давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш.

2. Жиноятнинг объекти фуқароларнинг ўз конституциявий сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, референдум ёки сайловларни белгиланган тартибда ўтказиш ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят қўйидаги ҳаракатларнинг бирида ифодаланади: овоз бериш яширинлигини бузиш; сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириш; референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш; овоз бериш бюллетенлари ёки имзо варақаларига сохта ёзувларни киритиш; била туриб овозларни нотўғри ҳисоб-китоб қилиш.

Овоз бериш яширинлигини бузиш референдум ёки сайлов участкасини, унда иштирок этаётган шахснинг кимга овоз берганлигини билиш мумкин бўлган шароитда ташкил этишдан иборат. Бу овоз бериш хоналарининг жиҳозланмаганлиги, уларда бегона шахсларнинг иштироки, қонунда назарда тутилган асосларсиз тўлдирилган бюллетенларни кўриб чиқиш ва ҳоказолар оқибатида юз бериши мумкин.

Ҳужжатларни сохталаштириш деганда, асл ҳужжатларга қисман бўлса-да, бошқа ёзувлар киритиш ёки сохта ҳужжатларни тай-

ёрлаш назарда тутилади. Бу уринда сохтакорлик референдум ёки сайловларда қатнашаётган шахсларнинг иродасини бузиб курсатиши муҳимдир.

Била туриб овозларни нотўғри ҳисоблаш овоз беришда қатнашганларнинг амалда маъқуллаб ёки маъқулламай берган қарши овозларини онгли равишда кўпайтириш ёки камайтиришдан иборат.

4. Сайловлар ёки референдумни ташкил этиш, ўтказиш тўғрисидаги қонунни бузишга қаратилган ҳаракатларнинг бирортасини содир этиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган, деб топилади.

5. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

6. Ўн саккиз ёшга тўлган мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов комиссиялари ёхуд референдум комиссиялари аъзолари шарҳланаётган жиноятнинг субъекти бўлишлари мумкин.

### **147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш**

*Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки ондириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш*

— *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 25-моддасига мувофиқ келади, яъни «Ҳар бир фуқаро... ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак: ...б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш...».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи

бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бундай сиёсий ҳуқуқни бузиш шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноий фаолиятни вужудга келтиради.

2. Фуқароларнинг сайлаш ёки сайланиш, сайлов олди тарғиботи олиб бориш, депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлари, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этиш конституциявий ҳуқуқи жиноят объекти ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган модда жиноят объектив томондан зўрлик ишлатиш, алдаш, қўрқитиш ёки оғдириб олиш йўли билан фуқаронинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилишда ёки депутатликка номзодларнинг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли шахслари ваколатларини амалга оширишга йўл қўймасликда ифодаланади.

4. Тўсқинлик қилиш қонунда кўрсатилган усул билан фуқарога ёки депутатликка номзодга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга уни сайлов ҳуқуқларини амалга оширишдан маҳрум этиш ёки ишончли вакил ваколатларини амалга оширишда тўсқинлик қилиш учун таъсир кўрсатишда ифодаланади (масалан, сайлов олди ташвиқотини олиб боришни тақиқлаш; сайловчилар рўйхатига киритмаслик ва ҳоказо). Мазкур жиноятнинг муқаррар аломати зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан амалга ошадиган тўсқинлик қилишдир.

5. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган зўрлик ишлатиш деганда, сайлов ҳуқуқини ёки ишончли вакилларнинг ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай жисмоний таъсирни (масалан, калтаклаш, дўппослаш, гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни) тушуниш лозим. Агар сайлов ҳуқуқи ёки ишончли вакиллар ваколатларини амалга оширишга қаршилик кўрсатиш мақсадида шарҳланаётган моддада назарда тутилганидан кўра, қаттиқроқ жазоланадиган зўрлик ишлатиш қўлланилса, қилмиш оқибатларга қараб жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

6. Қўрқитиш жабрланувчига руҳий таъсир ўтказишда, яъни агар у сайловда иштирок этиб ўз ҳуқуқини амалга оширса, овоз берса ёки сайлов олди ташвиқоти олиб борса, унинг ёки яқин қариндошларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига (ҳаётига, соғлиғига, мулкига, шаънига, қадр-қимматига ва бошқаларга) зарар етказиш нияти билдирилган (ёзма, оғзаки, имо-ишора

билан) хабарларда ифодаланади. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни (ЖКнинг 112-моддаси) шарҳланаётган модда қамраб олади ва айбланувчининг ҳаракатлари қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

7. Шарҳланаётган жиноятни содир этиш усули сифатида алдаш деганда, била туриб шахснинг референдумда, сайловларда, сайлов олди ташвиқотлари олиб боришда қатнашиш ҳуқуқи борасида чалғитиш, сайловолди кампанияларида ёки сайловнинг ўзида эркин қатнашиш учун фуқаролар билиши шарт бўлган овоз бериш жойи, вақти, бюллетенни тўлдириш тартиби ва санаси ҳақида нотўғри ахборотлар бериб янглиштириш, бу ҳақда ёлғон хабар бериш тушунилади.

8. Оғдириб олиш деганда, шахснинг сайлов олди кампаниясида ё сайловларда ёки референдумда қатнашмаслиги учун ёхуд сайлов комиссияси аъзосини ёки бошқа шахсни сайлов комиссияси ишига тўсқинлик қилгани учун тақдирлаш ёхуд бирор мулкий имтиёзлар ёки неъматларни тақдим этишга ваъда бериш тушунилади.

9. Жиноят ЖКнинг 147-моддаси диспозициясида санаб ўтилган бирорта ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган, деб топилади. Бунга фуқаронинг овоз беришда, сайловда ёки сайланишда сайловолди ташвиқотида қатнашувига амалда чинакамига тўсқинлик қилинган-қилинмаганлигининг аҳамияти йўқ.

10. Мазкур жиноят мансабдор шахс томонидан содир этилганда ва бошқа зарур белгилар мавжуд бўлганда, қилмишни ЖКнинг 205 ёки 206-моддаларида кўрсатилган жиноятлар билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак.

11. Субъектив томондан жиноят била туриб, қасддан содир этилади.

12. Ўн олти ёшга тўлган шахс жиноят субъекти бўлади.

## 148-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш

*Била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса*

*— тг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи муҳофаза қилинади ва унга мувофиқ, «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда курсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир». Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида, «ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга», дея таъкидланади.

2. Жиноят объекти фуқароларнинг меҳнат қилиш ва хавфсизлик ҳамда гигиена талабларига жавоб берувчи шароитда ишлаш конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

3. Жиноят кодексининг 148-моддаси, 1-қисми объектив томони била туриб, гайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик ҳисобланади.

4. Шахсни шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича жинойий жавобгарликка тортишнинг муқаррар шarti уни мазкур модда диспозициясида назарда тутилган қилмишлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан маъмурий жазога тортилганлигидир.

5. Шахсни била туриб, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш меҳнат қонунида назарда тутилган асосларнинг бўлмаслиги ёки ишдан бўшатишнинг белгиланган тартибига риоя қилмасдан амалга оширилганлигидир.

6. Ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик уни амалда ишга қўймасликдан ёки ишга тиклаш тўғрисида буйруқ чиқаришдан бўйин товладан ёхуд қонуний кучга кирган суд қарорига бошқача тўсқинлик қилишдан иборат.

7. ЖКнинг 148-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят шахсни гайриқонуний ишдан бўшатиш ёки уни ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик вақтидан бошлаб тугалланган, деб топилади.

8. Аёлнинг ҳомиладорлигини ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний бош тортилганда ёки ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ берилганда (вакансия ёки керакли бланкаларнинг, ҳужжатларнинг йўқлигини баҳона қилиб), айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 148-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун ҳомиладорлик мудлатининг аҳамияти йўқ.

9. ЖКнинг 148-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят ишга олишдан гайриқонуний бош тортиш ёки аёлнинг ҳомиладорлиги ёхуд ёш болани парвариш қилаётганлиги сабабли ишдан бўшатиш вақтидан бошлаб тугалланган, деб топилади.

10. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

11. Ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс жиноят субъекти ҳисобланади.

### **149-модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш**

*Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида илмий ва техник ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади (42-модда) ва бу эса, ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни кўриқлаш заруратини келтириб чиқаради.

2. Жиноят объекти фуқаронинг ўз тафаккур мулкани ҳимоялаш бўйича конституциявий ҳуқуқи, жумладан, муаллифлик ёки кашфиётчилик ҳуқуқи ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилишда ифолланади.

4. Ҳар қандай асар — илмий мақола, бадиий, мусиқий ёки бошқа ижод намуналари муаллиф ақлий фаолиятининг маҳсули. Уларни эълон қилиш муайян шахснинг муаллифлик ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Муаллифликнинг бошқа шахс томонидан ўзлаштирилиши



унинг ўзгалар ёзган асарни ўзининг номи билан (плагиат йўли билан) тўла ёки қисман ҳар қандай усулда чоп этиш билан эълон қилишда ифодаланади.

5. Илмий, адабий, мусиқий ёки бошқа турдаги асардаги омма-лаштириш мазкур асарни нашр этиш, кўргазмада намойиш қилиш, телевидение орқали кўрсатиш, радио орқали ўқиш ёки ҳикоя қилиб бериш ва бошқалардан иборат.

6. «Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун интеллектуал мулкдан ҳар қандай қонунсиз фойдаланиш – бу ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Жумладан, тadbиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. Агар интеллектуал мулк объектлари моддий қимматликка эга бўлса, айбдорнинг қилмишлари талон-тарож сифатида баҳоланади»<sup>1</sup>.

7. Ҳаммуаллифликка мажбур этиш деганда, тафаккур мулки объекти муаллифига турли йўллар билан таъсир ўтказиш, яъни айбдорнинг ўзи томонидан ҳамда унинг талаби билан тафаккур мулки объектини яратишда бевосита иштирок этмаган бошқа шахслар томонидан таъсир ўтказилиши тушунилади.

Ҳаммуаллифликка мажбур этиш муаллифдан айбдорнинг талаби билан унинг ўзини ёки бошқа шахсларни тафаккур мулки объектини яратишда биргаликда қатнашгандек муаллифлар жамоаси таркибига кўшишга розилигини талаб қилишдир.

8. Тафаккур мулк объектлари деганда, илмий, бадиий, мусиқий, адабий асарлар ёки ихтирочилик ва ишни оқилона ташкил этишга оид таклифларни тушунмоқ зарур.

9. Муаллифнинг розилигисиз тафаккур мулки объекти тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш деганда, тафаккур мулки расмий рўйхатдан ўтказилгунига ёки эълон қилингунига қадар унинг тўғрисида муаллифнинг розилигисиз ошкор қилинган ҳар қандай ахборотни тушуниш керак.

10. ЖКнинг 149-моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб шарҳланаётган жиноят тугалланган, деб топилади.

11. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади.

12. Ун олти ёшга тўлган шахс шарҳланаётган жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қўшма қарори, 7-банди.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ**

### **ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

#### **VIII боб. ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИАТНИНГ ХАВФСИЗ- ЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

##### **150-модда. Урушни тарғиб қилиш**

*Урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Урушни тарғиб қилиш — агрессия учун муҳим шароит яратиб берувчи ва ундан олдин юз берувчи жиноят ҳисобланади. Шу сабабли тинчликни ҳимоя қилувчи халқаро конгресслар урушни тарғиб қилишни қатъий тақиқлашни кўп маротаба талаб қилмоқда.

1927 йилда Афинада ўтказилган тинчлик конгрессида урушни тарғиб қилишнинг ҳар қандай кўриниши халқаро жиноят эканлиги тўғрисидаги резолюция қабул қилинган. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи урушни тарғиб қилишни тақиқлаб, уни инсониятга қарши оғир жиноят, деб ҳисоблайди. 1947 йил 3 ноябрда «Урушни тарғиб қилишни тақиқлаш тўғрисида»ги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилинган. Унда ҳар қандай мамлакатда тинчликка турли хавф туғдирувчи ёки мазкур хавфни кучайтирувчи, умуман, тинчликка таҳдид солувчини бузувчи тажовузкорлик ҳаракатлари қораланади. Мазкур резолюцияга асосан қатор мамлакатларда урушни тарғиб қилиш жинойи жазолангани қилмиш сифатида баҳоланади ва бу ҳақда махсус қонунлар қабул қилинган. Уларда, урушни тарғиб қилиш қайси шаклда олиб борилганлигидан қатъий назар, уруш бошлаш хавфини туғдиради, тинчликка путур еткази ва шунга кўра, у — оғир жиноят, деб таъкидланади. Урушни тарғиб қилишда айбдор, деб топилган шахслар оғир жиноят содир этган жиноятчилар сифатида суд қилиниши лозим.

Урушни тарғиб қилишни тақиқлаш тамойили 1970 йилдаги БМТ Уставига мувофиқ, халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларациянинг давлатлар ўртасида дустона муносабатларга ва

ҳамкорликка тааллуқли қисмида ўз аксини топган. Декларацияда барча давлатларнинг босқинчилик урушларини тарғиб қилмасликлари зарурлиги таъкидланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида қабул қилинган, ядро урушини қораловчи Декларацияда ядро қуролини биринчи бўлиб қўллаш, ядро урушини бошлашни тарғиб қилишнинг олдини олишга оид муҳим қоида мавжуд<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари устунлиги тан олинб<sup>2</sup>, Конституциянинг 17-моддасида бу ҳол аниқлаштирилган ҳолда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати «давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади», деб белгиланган. Мазкур қоидалар Конституциянинг 57-моддасида янада ривожлантирилиб, урушни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг тузилиши тақиқланиши қайд этилган. Мазкур конституциявий қоида ижроси таъминланишининг ҳуқуқий кафолати урушни тарғиб қилиш учун ЖКнинг 150-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ҳисобланади.

2. Урушни тарғиб қилишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, айбдор ушбу жиноятнинг объектив томонини кишиларнинг онги ва иродасига таъсир қилиб, жамиятда ва тегишли давлат тузилмаларида уруш олиб боришни маънавий жиҳатдан оқлаш ва унга тайёргарлик ижтимоий-психологик муҳитни шакллантиради, бинобарин, давлат лавозимларини эгаллаб турган ҳамда уруш олиб боришни бошлаш туғрисида қарор қабул қилишга ваколатли шахсларни тегишлича қўллаб-қувватлайди, улар босқинчилик урушини бошлаш туғрисида қарор қабул қилаётганида уларни агрессив урушни бошлаш бўйича хатти-ҳаракатларни содир этишга ундашга интилади. Шу тариқа тинчликка ҳамда давлатларнинг тинч-тотувлигига раҳна солинади.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти ривожланиш ва ҳаёт фаолиятининг шarti бўлган тинчликни муҳофаза қилиш ва давлатларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш бўйича, Ўзбекистон Республикаси ҳаёт фаолиятининг: республика хавфсизлиги, унинг ички сиёсати ва ташқи сиёсий фаолияти, тинчлик ҳамда республика ва бошқа давлатларнинг тинч-тотувлиги, турли кўлам ва ху-

<sup>1</sup> Қаранг: БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида қабул қилинган ядро урушини қораловчи Декларация.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Муқаддима.

сусиятга эга можароларнинг олдини олиш сингари соҳаларида аниқ ифодаланувчи ижтимоий муносабатлардир.

4. Пропаганда (лот. *propaganda* – тарғиб қилиш) – бирор ғоя, фикр, таълимот ва билимларни чуқур тушунтириш ва тарғиб қилиш; кенг оммага ғоявий таъсир кўрсатиш.

*Урушни тарғиб қилиш* – муайян доирадаги шахслар орасида уруш оловини ёқишга, бир давлатнинг иккинчисига нисбатан кўзғатишга қаратилган қарашлар, ғоялар ёки чақириқларни тарқатишдан иборат. Бундай қарашлар ва ғоялар ошкора ёки хуфя бўлиши, бир ёки бир неча давлатларга қарши қаратилиши мумкин.

Чақириқлар деганда, маълум ёки номаълум доирадаги шахсларга бошқа давлатга нисбатан уруш эълон қилиш ёки олиб бориш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини асослаб мурожаат қилиш тушунилади.

Уруш ҳам оғзаки, ҳам оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журнал ва ҳоказолар)ни қўллаган ҳолда ҳам ёзма шаклда, театр ёки сахна кўринишларида, адабиёт ва санъат соҳасидаги бадиий асарларда ёки бошқача йўллар билан тарғиб қилиниши мумкин. Тарғибот турли хил хусусиятда: урушга тарғиб этиш, урушни халқаро низо ва келишмовчиликларни еча олишини оқлаш, оммавий зарба берувчи қурол қўлланишини оқлаш тарзида бўлиши мумкин.

5. Шунини қайд этиш лозимки, урушнинг адолатли, қонуний (агрессияга қарши индивидуал ва коллектив ўзини ўзи мудоффа қилиш, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига асосан агрессорга нисбатан қуролли мажбурий санкциялар белгилаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадидаги миллий озодлик урушлари) ва адолатсиз, ғайриқонуний (агрессия, колониал урушлар) турлари мавжуд.

6. Объектив томондан жиноят бир мамлакатни иккинчи мамлакатга тажовуз қилиши учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатишдан иборат.

7. ЖКнинг 150-моддасида урушни тарғиб қилганлик, яъни бошқа мамлакат ҳудудида олиб бориладиган, босқинчилик (адолатсиз, ғайриқонуний) урушини бошлашни ёки бошқа давлатнинг ички ишига аралаштириш сифатида қораланадиган урушни тарғиб қилганлик учунгина жавобгарлик кўзда тутилган.

8. Урушни тарғиб қилишга қурол-яроларни кўпайтириш, оммавий қиргин (атом, водород, кимёвий ва бактериологик) қуролларини қўллаш ҳақидаги ғояларни тарқатиш, миллий адоват кўзғатиш, бирор халққа қарши қуролларни қўллаш ёки келажакдаги агрессияга ҳарбий, иқтисодий, мафкуравий тайёргарлик кўриш учун шунга ўхшаган ҳаракатларни содир этиш киради.

9. Урушни тарғиб қилувчи чақириқлар, қарашлар, ғояларнинг оммавийлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Уруш бошлашга қаратилган чақириқлар, қарашлар ёки ғояларни тарқатиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Тарғибот билан шахснинг онгига, хулқ-атвориغا таъсир этган-этманлиги масаласи жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлиб, айбдорга нисбатан жазо чорасини белгилашдагина инобатга олиниши мумкин.

10. Урушни тарғиб қилиш қандай шаклда бўлмасин, субъектив томондан жиноят қасддан амалга оширилишини тақозо этади. Шунга қўра, бу жиноят қасддан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзи уруш оловини ёқиш ҳақида ғоялар, қарашлар, кайфиятларни тарқатаётганлигини биледи ва уларни тарқатишни хоҳлайди. Жиноят мотиви диний, миллий муросасизлик, душманлик, шуҳрат-парастлик бўлиши мумкин. Ушбу қилмишни квалификация қилишда унинг мотиви аҳамият касб этмайди, бироқ, айбланувчига жазо тайинлашда улар ҳисобга олиниши лозим.

*Жиноятнинг мақсади* — бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш бўлиб, бу жинойи жавобгарлик келиб чиқшининг шarti ҳисобланади.

11. Мазкур жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

## 151-модда. Агрессия

*Босқинчилик урушини режаслаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек, шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Босқинчилик урушини бошлаш ёки уни олиб бориш*

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Агрессия (лот. *agressio*) — умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят ҳисобланади.

2. *Агрессия* — ижтимоий хавфли жиноят ҳисобланиб, унинг содир этилиши халқлар ва давлатларнинг тинч-тотув яшашининг бузилишига, беҳисоб қурбонларга, оқлаб бўлмайдиган моддий харажатларга, тинч аҳоли, шу жумладан, аёллар ва болалар учун азоб-уқубатларга, турли объектлар, меъморий обидалар ва мада-

ний бойликлар йўқолишига ёки вайрон қилинишига олиб келади ва ҳоказо. Агрессия — энг хавфли халқаро жиноят. «Халқаро жиноят» атамаси, даставвал, айнан агрессив урушни таърифлаш учун юзага келган<sup>1</sup>.

Агрессияни тақиқловчи ва уни қонунга зид, деб эълон қилувчи кўп томонлама ҳужжат 1928 йилги Париж пакти ҳисобланади. Бу ҳужжат давлатларнинг зиммасига урушдан «миллий сиёсат қуроли» сифатида фойдаданишдан воз кечиш бўйича халқаро ҳуқуқий мажбуриятни юклади. Иккинчи Жаҳон урушигача агрессия инсониятга қарши оғир жиноят, деб таърифланар эди. Нюрнберг трибунали Низомида эса, ушбу қоида ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топди<sup>2</sup>.

БМТ Уставида қуролли кучларни ноқонуний қўллашни — агрессияни тақиқлашга алоҳида эътибор берилган. Уставда халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, уруш хавфини йўқотиш ва агрессия ҳолатларини бостириш БМТнинг асосий мақсади сифатида эълон қилинган (БМТ Уставининг 1-моддаси, 1-банди). БМТ Хавфсизлик Кенгаши давлат ҳаракатида агрессия мавжудлигини аниқлаш ва агрессиячи давлатга қарши мажбурлов чораларини қабул қилишга оид фавқулодда ваколатларга эгадир. Бундан ташқари, ноқонуний куч ишлатишни, куч билан таҳдид солишни ва агрессияни тақиқлаш принципи қатор халқаро ҳужжатларда, биринчи навбатда, БМТ Уставига мувофиқ қабул қилинган, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда ҳамкорликка тааллуқли 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда ўз аксини топди. Шунингдек, бу принцип 1974 йилдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 3314-махсус резолюциясида, 1975 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Кенгашнинг яқунловчи ҳужжатида ҳам қайд этилган. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши агрессияни тақиқлаш принципи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг универсал нормаси сифатида тан олинганидан гувоҳлик беради. Унинг амалий элементлари ва босқинчилик урушини тақиқлаш тўғрисидаги марказий элементи аниқлаштирилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабрида қабул қилган махсус резолюциясида ривожлантирилди ва ойдинлаштирилди. Унга кўра, агрессия «давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитетига, ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёхуд Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилоф равишда бошқача тарзда қуролли куч ишлатиш», деб таърифланди.

<sup>1</sup> Вооруженная агрессия — тягчайшее международное преступление. М., 1986, стр. 99.

<sup>2</sup> 1945 йил 8 августда қабул қилинган Нюрнберг трибунали Низоми, 6-модда.

3. 1974 йилги БМТ Бош Ассамблеясининг мазкур махсус резолюциясининг 3-моддасида агрессияни ташкил қилувчи ҳаракатлар санаб кўрсатиш билан таърифланган.

Куйидаги ҳаракатларнинг давлат томонидан қўлланилиши, урушни расман эълон қилинган-қилинмаганлигидан қатъий назар, қуроли кучни ноқонуний ишлатиш, деб квалификация қилинади:

- бир давлатнинг бошқа давлат билан тузган битимига мувофиқ мазкур давлатнинг ҳудудида мавжуд бўлган қуроли кучларни битимни бузган ҳолда қўллаш;

- бир давлат қуроли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиш ёхуд қанча муддатга чўзилганлигидан қатъий назар, мазкур босқинчилик ёки ҳужум оқибати сифатида ҳар қандай босиб олиш ёки бошқа давлатга ёхуд унинг бирор ҳудудига қарши куч ишлатиш билан содир этилган ҳар қандай аннексия;

- бир давлат қуроли кучларининг бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиши ёки бошқа давлатларга қарши ҳар қандай қурол ишлатилиши;

- давлат портлари ёки қирғоқларининг бошқа давлат қуроли кучлари томонидан тўсиб қўйилиши;

- давлат қуроли кучларининг бошқа давлатга тегишли қуруқликдаги, денгиз, ҳаво қўшинларига ёхуд денгиз ёки ҳаво флотига ҳужум қилиши;

- бир давлатнинг бошқа давлат мувофиқ, мазкур давлат ҳудудида мавжуд бўлган қуроли кучларини тузилган битимга бузган ҳолда қўллаш ёки битим ҳаракати туганидан сўнг ҳам мазкур қуроли кучларни ушбу давлат ҳудудида сақлашни давом этиши;

- давлатнинг бошқа давлат ихтиёрига топшириб қўйилган ҳудудидан ўша давлат томонидан бошқа учинчи давлатга агрессия содир этишда фойдаланишга йўл қўйган ҳаракатлари;

- давлат ёки унинг номидан қуроли тўдаларни, гуруҳларни ва мунтазам кучлар ёки ёлланганларни юбориш (мазкур кучлар бошқа давлатга қарши қуроли кучини ишлатган ҳолатларда, башарти, бу ҳолат жиддий тус олиб юқорида қайд этилган ҳаракатларга тенг бўлса ёки унда анчагина иштироки бўлса).

Юқорида қайд этилган ҳаракатлардан дастлабки бештаси бевосита, еттинчиси — билвосита агрессия ҳаракатига киради, олтинчиси эса, агрессияда иштирокчилик ҳолатини назарда тутди. Айни маҳалда агрессия, деб таърифланган ҳолатларнинг рўйхати тўла эмас, БМТ Хавфсизлик Кенгаши давлатларнинг бошқа ҳаракатларини ҳам агрессия сифатида таърифлаши мумкин<sup>1</sup>. Агрессия

<sup>1</sup> Қаранг: БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабрдаги махсус резолюцияси, 4-модда.

таърифида агрессия ҳаракатларини белгилашда Хавфсизлик Кенгашининг дискреацион ваколатлари бевосита қайд этилган. Шу ваколатларни инобатга олиб, таърифнинг 2-моддаси қуролли кучларни қўллашнинг ноқонуний эканлигини белгилайди. Бунда Резолюциянинг 2-моддасида акс этирилган Литвинов-Политис принциpidан, яъни мазкур Уставни бузиб, биринчи бўлиб қуролли куч ишлатиш «*prima facia*» — агрессия ҳаракати далили бўлишидан келиб чиқиш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, тўғридан-тўғри агрессия актларига бир давлат (бир гуруҳ) қуролли кучларининг бошқа давлат (давлатлар)га қарши қўлланиши унинг (уларнинг) ҳудуди аннексия қилиниши ҳисобланади.

Билвосита агрессияда қуролли кучларнинг қўлланиши агрессор давлатга тегишли бўлмаган бошқа давлатга — агрессия қурбонига юбориладиган тузилмалар, қуролланган тўдалар, ёлланувчилар, номунтазам ҳарбий қисмлар орқали амалга оширилади.

4. Агрессия объекти — жаҳон ҳамжамияти мавжудлиги ва барқарор ривожланишининг асосий шартлари бўлган давлатлар хавфсизлиги ва тинчликни қўлаб-қувватлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, ҳар бир давлатнинг ташқи хавфсизлиги, миллий манфаатлари, ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги. Агрессия натижасида қўлга киритилган ҳеч бир устунлик қонуний, деб топилмайди.

5. ЖКнинг 152-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби объектив томондан қуйидаги ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади:

- босқинчилик урушни режалаштириш;
- шундай урушга тайёргарлик кўриш;
- босқинчилик урушни режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш фитнасида иштирок этиш.

Шарҳланаётган жиноят таркиби формал ҳисобланади, шу боис юқорида келтирилган ҳаракатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси содир этилган вақтдан бошлаб, дастлабки оқибатлардан қатъий назар, қилмиш тугалланган, деб топилади.

6. Босқинчилик урушни режалаштириш уруш олиб бориш учун тегишли сафарбарлик ва ташкилий техник режалар ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳарбий ҳаракатлар умумий режасини тузиш ёки алоҳида ҳарбий операциялар режасини тузиш, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш усулини аниқлаш, янги номлар киритилган топографик хариталар нашр этиш, бомбардимон қилиш ва артиллериядан ўққа тутиш учун объектларни танлаш ва ҳоказолар бўйича муайян мақсадларга эришишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидан



иборат. Режалаштириш чоғида агрессиянинг тахминий қурбонлари, агрессияни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар, жанговар ҳаракатларни олиб бориш стратегияси ва тактикаси, агрессив урушни бошлаш ва олиб бориш муддатлари аниқланади.

7. *Босқинчилик урушининг тайёрланиши* — бу агрессив урушни бошлаш ва олиб боришга тайёргарликни таъминлаш мақсадида ташкилий-ҳарбий ва моддий-техник хусусиятдаги комплекс чора-тадбирларга тайёргарлик куриш.

Саноатни ҳарбий эҳтиёжлар учун ишлашга ўтказиш, агрессия қилинадиган давлатдан дипломатик ва консуллик лавозимидаги шахсларни чақириб олиш, шунингдек, мутахассисларни чиқариш, захирадагиларнинг сафарбарлигини эълон қилиш ёки армияга чақириб олиш, бошқа давлатга қарши фаол разведка-қўпуровчилик ишларини олиб бориш, қўшинларни чегарага яқинлаштириш, чегарада иво қўзғаш, чегара яқинида ҳарбий машқлар ўтказиш, агрессиянинг муқаррар қурбони бўладиган фуқароларни мафкуравий айнитиш ва ҳоказолар босқинчилик урушга тайёрланишни ифодалайдиган ҳаракатлар ҳисобланади.

8. Агрессия ҳаракатларини амалга ошириш учун фитнада қатнашиш: бир ёки бир неча давлат томонидан ҳарбий мақсадларда икки ва ундан ортиқ томонлама ошқора ва хуфя музокаралар ўтказишни; бошқа давлатга қарши битимлар имзолашни; биргаликда ҳарбий ҳаракат олиб бориш режаларини ишлаб чиқишни; давлат ичидаги ёки ташқарисидаги муҳолифат гуруҳлари билан алоқа боғлашни; агрессия иштирокчилари ўртасида мавқеларни бўлиб олишни; ахборот алмашув, махсус хизматларнинг ҳамкорлиги ва худди шундай агрессияни тайёрлашга йўналтирилган ташкилий ва бошқа тадбирларга оид илк шартномалар мавжудлигидан гувоҳлик берувчи ҳаракатларни тақозо этади.

9. Босқинчилик урушини бошлаш ёки олиб бориш учун жиноий жавобгарлик ЖКнинг 151-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган.

Шарҳланаётган модда доирасида урушининг бошланиши деб, давлатнинг, шу жумладан, унинг Қуролли Кучлари БМТ Устави-га зид равишда бевосита ёки билвосита куч ишлатиш ёхуд куч ишлатиш тўғрисидаги таҳдидлари тушунилади.

Агрессия урушининг бошланиши сифатида бошқа давлат ҳудудига артилериядан отиш, бомбардимон қилиш, унинг ҳудудида рухсат берилмаган ҳарбий операциялар ўтказиш, бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудида бўлиш шартларини бузиш, бир давлатнинг босқинчилик уруши олиб бориш мақсадида бошқасига ўз ҳудудини тақдим этиши ва ҳоказолар тушунилади.

Агрессия урушини олиб бориш деганда, барча турдаги ёки чекланган турдаги қуроолларни қўллаган ҳолда бошқа давлатга қарши ҳарбий операциялар олиб боришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, фаолиятни тушуниш лозим.

Агрессияни амалга ошириш бошқа давлат ҳудудининг айрим қисмларини эгаллаб олиш, баъзи ҳудудларни босиб олиш, қуроолли кучларни бошқа давлат ҳудудига киритиш ва ҳоказо ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Агрессияни олиб бориш, агрессиянинг бошланишидан фарқли равишда, айрим ҳаракатларнинг олиб борилишини англамай, бошқа давлатга қарши кенг миқёсдаги акцияни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини англатади.

10. ЖКнинг 151-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят давомли ҳисобланади. Унга мазкур жиноят таркибининг узлуксиз амалга оширилиши хосдир. Давом этаётган жиноят жиноий қилмиш содир этилган вақтдан бошланади ва айбдорнинг жиноятни тамомлашга қаратилган ҳаракатлари (агрессия ёки жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг тугатилиши) ёки жиноятни содир этишга тўсқинлик қилувчи ҳодисаларнинг келиб чиқиши (масалан, агрессорни узил-кесил тор-мор қилиш) натижасида тамомланади. Агрессияни ўзини ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи билан тенглаштириш мумкин эмас. «Ушбу Низом, дейилади БМТ Низомининг 51-моддасида, Ташкилотнинг Аъзосига қуроолли ҳужум қилинган тақдирда, Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур чоралар кўрмагунча, унинг алоҳида ёки биргаликда ўзини ўзи мудофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқига асло монелик қилмайди. Ташкилот Аъзоларининг ўзини ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга оширишда кўрган чоралари Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва унинг мазкур Низомга мувофиқ ҳамма вақт халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун қандай чорани зарур топса, уни амалга оширишда Хавфсизлик Кенгашига берилган ваколатларга ва унинг масъулиятига ҳеч бир даҳл қилмаслиги керак». Шу муносабат билан, масалан, бошқа давлат ҳудудида антитеррористик операцияларнинг ўтказилишини агрессия, деб баҳолаб бўлмайди, чунки бу ҳолда бу ўзини ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади.

11. Агрессияни ўзини ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқидан фарқловчи асосий аломат биринчилик ёки воқеаларнинг хронологик изчиллиги ҳисоби, Литвинов-Политис принциpidир. Ушбу принципнинг муҳим ҳуқуқий оқибати — бу «превентив» (олдини олувчи) урушни тақиқлашдир. Нюрнберг трибунали мазкур қондани тасдиқлади ва «превентив» уруш назариясининг ғайриқонунийлигини исботлаб берди.

12. Субъектив томондан агрессия фақат тўғри қасддан содир этилади. Унинг ташкилотчилари ва иштирокчилари агрессиянинг ижтимоий хавфлилигини англайдилар ва уни содир этишни хоҳлайдилар. Шахсий мартаба, мансаб эгаллаш нияти, давлат хизмати манфаатлари тушуниладиган давлат манфаатлари ёки ижтимоий манфаатлар ушбу жиноят мотивлари бўлиши мумкин. Мазкур жиноятни квалификация қилишда унинг мотив ва мақсадларининг аҳамияти бўлмаса-да, айбланувчига жазо чораларини қўллашда улар инobatга олиниши лозим.

13. Ушбу жиноят субъекти 16 ёшга тулган шахс ҳисобланади. ЖКнинг 151-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган қилмишлар мансабдор ва мансабдор бўлмаган шахслар (масалан, агрессия фитнасида қатнашиш, унга тайёргарлик кўриш ва уни режалаштиришда иштирок этиш), томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисмидан келиб чиқиб, босқинчилик агрессив урушни бошлаш ёки олиб бориш, фақат бунга ваколати бўлган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилишини таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ушбу модданинг 2-қисми бўйича жиноят субъекти сифатида амалдаги қонунчилик доирасида урушни бошлаш ёки олиб бориш ваколатлари мавжуд бўлган муайян мансабдор шахслар ҳисобланиши мумкин.

### **152-модда. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш**

*Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-тароҷ қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонунлари ва удумларини бузиш*

— *ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Уруш — давлатлар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар ва миллий-озодлик ҳаракатлари ўртасидаги қуролланган кураш бўлиб, у тинчлик алоқаларининг буткул узилиши, одатда, жанговар ҳаракатлар иштирокчилари ва тинч аҳоли берадиган муайян қурбонлар ва тортадиган азоб-уқубатлар билан кечади.

Шу муносабат билан халқаро ҳамжамият кўп йиллар мобайнида урушни инсонпарварлаштиришнинг восита ва усулларини, қурбонлар сонини чеклаш, аҳоли азобларини ва ҳарбий ҳаракат-

лардан келиб чиқадиган моддий йўқотишларни камайтириш йўллари қидирмоқда. Шу мақсадларда бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ва барчага мажбурий бўлган принцип ва меъёрлари уруш қонунлари ва удумлари сифатида халқаро ҳамжамият томонидан тан олинади<sup>1</sup>.

Кўрсатиб ўтилган конвенциялар орасида қуйидагилар алоҳида ўрин тутади: 1850 йил 16 апрелда Парижда имзоланган денгиз уруши ҳақида Декларация; 1868 йил 11 декабрда Санкт-Петербургда имзоланган портловчи ва ёндирувчи ўқларни ишлатишни бекор қилиш ҳақидаги Декларация; шунингдек, 1899 йилда Гаагада имзоланган инсон танасида айланувчи ёки яссиланувчи ўқларни ишлатишни ман қилиш ҳақидаги Декларация; 1904 йил 21 декабрда Гаагада имзоланган уруш пайтида госпитал кемаларининг порт ва бошқа йиғимлардан озод қилиниши тўғрисидаги Декларация; 1907 йилги Гаага конвенциялари (уруш ҳаракатларининг бошланиши, қуруқликдаги уруш қонунлари ва удумлари, қуруқликдаги уруш ҳолатида нейтрал мамлакатлар ва шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий ҳаракатлар бошланишида душман савдо кемаларининг ҳолати, савдо кемаларини ҳарбий кемаларга айлантириш, уруш пайтида денгиз кучлари билан бомбардимон қилиш, денгиз урушида босиб олиш ҳуқуқидаги айрим чеклашлар); денгиз уруши ҳолатида нейтрал мамлакатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида 1909 йил 20 февралда Лондонда қабул қилинган денгиз уруши ҳуқуқи Декларацияси (гарчи, ушбу Декларация уни имзолаган давлатлар томонидан ратификация қилинмаган бўлса-да, халқаро ҳуқуқнинг бир қатор умумэтироф этилган принципларни ифодалагани учун ўз аҳамиятини сақлаб турибди); 1925 йил 17 июндаги кимёвий заҳарли ва бактериологик уруш воситаларини қўллашни ман этувчи Женева протоколи; 1936 йил 6 ноябрда Лондонда имзоланган протоколга қўшимча бўлган уруш пайтида сувости кемаларининг савдо кемаларига нисбатан ҳаракати қондаси; уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенциялари: ҳаракатдаги қуроли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини енгилаштириш тўғрисида; денгиздаги қуроли кучлар таркибидан бўлмиш ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматларини енгилаштириш тўғрисида (ушбу конвенция 1907 йилги Гаага конвенцияси ўрнига қабул қилинган); ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида (бу конвенция 1929 йилги ҳарбий асирлар режими ҳақидаги Женева конвенцияси ўрнига қабул қилин-

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр.201.

ган); уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида; қуролли можаро чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида 1954 йил 14 майда қабул қилинган Гаага конвенцияси (Рерих пакти); оддий қуролнинг ҳаддан ташқари кўп зарар келтиради ёки барча нарсага барабар таъсир этади, деб ҳисобланиши мумкин бўлган муайян турлари қўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида 1980 йил 10 октябрда қабул қилинган конвенция ва унга қўшимча 1995 йил 13 октябрда қабул қилинган учта протокол. Юқоридаги ҳуқуқий актларнинг барчаси биргаликда уруш олиб боришнинг ҳуқуқий базасини ташкил этади. Башарти, БМТ ўз Низомидаги мақсад ва принципларга биноан қуролли куч ишлатса, унинг учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2. Урушни олиб бориш қондаларининг аҳамияти шундан иборатки, улар мазмунига кўра, урушда тинч аҳолига иложи борича камроқ зарар етказишга қаратилган бўлади. Қуруқликдаги уруш қонунлари ва удумлари ҳақидаги IV Гаага конвенцияси муқаддимада мустақкамланган бу ҳолатга кўра, «аҳоли ва жанг қилаётганлар халқаро ҳуқуқ асослари ҳимояси ва ҳаракати остида бўлади». Бу Мартенс принципи, деб аталади.

3. Ҳозирда мавжуд бўлган уруш қонунлари ва удумлари уруш олиб бориш мақсадларини чеклабгина қолмай, балки уруш қонун ва удумларини бузганликни аниқлаб, уларни ҳарбий жиноят, деб белгилайди, бундай жиноятни содир этганларни ҳарбий жиноятчилар, деб топади. Уруш қонун ва удумларни бузиш жаҳон ҳамжамияти томонидан инсониятга нисбатан энг оғир жиноятлардан бири сифатида баҳоланиб, уларни содир этган шахслар халқаро жинойий жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>.

Шу тариқа уруш қонунлари ва удумларига риоя этиш мажбурияти ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёри саналади.

4. Уруш қонунлари ва удумларни бузишдан келиб чиқадиган ижтимоий хавфлилик шундан иборатки, уларни қўллашда, нафақат, халқаро ҳуқуқ меъёрлари топталади, биринчи ўринда қуролланган можаро иштирокчилари ва тинч аҳолига оқлаб бўлмас азоб етказилади, қурбонлар сони ортади, кишиларнинг ҳаёт таъминоти, халқ ҳўжалиги объектлари батамом издан чиқади, маданий бойликлар ва меъморчилик ёдгорликлар қайта тикланмас даражада вайрон бўлади, атроф-табiiй муҳит қаттиқ зарарланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Нюрнберг (1945 йил 8 августда қабул қилинган) ва Токио (1946 йил 19 январда қабул қилинган) трибуналлари Низомлари.

5. Шарҳланаётган жиноят кўп объектли жиноят бўлиб, бунда асосий бевосита объект ҳарбий операцияларни амалга ошириш бўйича муносабатлар ҳарбий ҳаракатларни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Факультатив объект бўлиб, инсон ҳаёти ва соғлиғи, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, турли шаклдаги мулклар намоён бўлиши мумкин.

6. Уруш қонунлари ва удумларини бузиш объектив томондан қуйидаги ҳолатлардан бирида ифодаланиши мумкин: аҳоли ёки ҳарбий асирларни мажруҳ қилиш, жисмонан йўқ қилиш, аҳолини мажбурий меҳнатга жалб этиш ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ нормаси билан чекланган уруш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳолининг яшаш пунктларини мақсадсиз вайрон қилиш, шахсий мулкни талон-тарож қилиш, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида буйруқ бериш.

7. Шарҳланаётган моддада берилган жароҳатлаш тушунчасини ЖКнинг 110-моддасида белгилангандек тушуниш лозим.

8. Ушбу модда доирасидаги тинч аҳоли деганда, қуролланган можарога тортилган давлат ҳудудида яшовчи, аммо можарода ҳам, алоҳида ҳарбий операцияларда ҳам қатнашмайдиган жисмоний шахсларни тушуниш керак. Тинч аҳоли тушунчаси, можарога тортилган давлат билан сиёсий-ҳуқуқий алоқаларидан қатъий назар, барча жисмоний шахсларни ўз ичига олади. Булар — маҳаллий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларидир. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ тинч аҳоли дахлсиздир.

9. 1949 йил 12 сентябрдаги ҳарбий асирлар билан муомала қилиш ҳақидаги Женева конвенциясининг 4-моддасига асосан, қуйидаги тоифадан бирига мансуб бўлган, душман ҳукми остига тушиб қолган шахслар *ҳарбий асир*, деб ҳисобланади: низолашаётган томон қуролли кучларининг шахсий таркиби, шунингдек, қуролли кучлар қаторига кирувчи ихтиёрий лашкарлар ва кўнгиллилар шахсий таркиби; қуролли кучлар таркибига кирмайдиган, лекин ўз қўл остидагилар учун масъулиятни зиммасига олган бош раҳбарга эга бўлган, аниқ ва узоқдан кўринадиган фарқловчи белгига эга бўлган, очиқ-ойдин қурол олиб юрган, ўз хатти-ҳаракатларида уруш даврининг қонун-қоидалари ва одатларига амал қилган бошқа ихтиёрий лашкарлар ва кўнгиллилар отрядларининг шахсий таркиби, шунингдек, 4-моддада санаб ўтилган бошқа шахслар.

Ушбу гуруҳга кирувчи шахслар асирликка олиниши билан ҳарбий асир мақомини олади ва асирликдан қўтилиши билан ҳарбий

асир мақомидан маҳрум бўлади. Асирликнинг бошланиш ва тугаш вақти юқоридаги Конвенция моддасига мувофиқ белгиланади. Бунга кўра, юқоридаги гуруҳга кирувчи шахс қарама-қарши (душман) бўлган давлат ҳарбийлари қўлига тушиши билан асирлик бошланади, асирнинг тулик озод қилиниши ва репатриация қилиниши билан асирлик тугайди.

10. Тинч аҳолини жисмоний қириб ташлаш деганда, одамларни жисмонан йўқ қилишга йўналтирилган хатти-ҳаракатни тушуниш лозим. Жисмоний йўқ қилиш ўлдириш, ўлимга сабаб бўлувчи оғир тан жароҳати етказиш, шахсни инсон организмнинг ҳаётий фаолияти мос келмайдиган шароитга солиш ва ҳоказо йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Аҳолини жисмоний йўқ қилишга йўл қўйилмайди ва бундай ҳолат халқаро ҳуқуқ томонидан ҳар қандай шароитда ҳам тақиқланади.

11. Жисмоний қирғинни геноцид ҳисобланадиган ҳаракат сифатида ҳам, уруш қонунлари ва удумларини бузиш ҳаракати сифатида ҳам бир-биридан фарқлаш зарур. Бу фарқни ушбу қирғин кимга нисбатан ишлатилаётганлигига қараб ажратиш керак: агар қирғин муайян инсонлар гуруҳига уларнинг миллий, ирқий, этник ёки диний белгилари муносабати билан қўлланилаётган бўлса, демак, бу жиноят геноцид бўлиб, айбдорни ЖКнинг 153-моддасига бинотан жазолаш керак. Аммо ҳарбий асирлар ёки аҳоли ирқий, миллий, этник ёки диний мансублигидан қатъий назар, қирғинга тортилаётган бўлса, бу жиноятни уруш қонун ва удумларини бузиш, деб топиш ва ЖКнинг 152-моддаси билан жазолаш зарур.

12. Мажбурий меҳнат ёки бошқа мақсадлар учун тинч аҳолини ҳайдаб кетиш деганда, аҳолини босиб олувчи давлат ҳудудига ёки босиб олинган-олинмаганлигидан қатъий назар, бошқа бирон-бир давлат ҳудудига олиб чиқиш ёки аҳолини турар жойидан номаълум йўналишда қувғин қилишни тушуниш лозим. Бироқ, оккупация қилинган бирон-бир ҳудуд аҳолисининг хавфсизлиги талабига кўра ёки ҳарбий мулоҳазалардан келиб чиқиб, шу аҳолини тулик ёхуд қисман эвакуация қилиш ҳайдаб кетиш ҳисобланмайди. Бунда эвакуация қилинаётганлар босиб олинган ҳудуд ичкарисидагина жойлаштирилиши мумкин, амалда шундай қилиш мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

13. Мажбурий ишлар деганда, муайян жазо белгилаш билан қўрқитиб ёки куч ишлатилиш билан қўрқитиб киши меҳнатидан фойдаланиш тушунилади. Бошқа мақсадлар деганда, ҳаётнинг бошқа соҳаларида бундай шахслардан фойдаланишни, масалан, кишилар ҳаёти устида турли тажрибалар, тадқиқотлар олиб боришни тушуниш лозим.

14. Халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш деганда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ва умуммажбурий нормалари билан тақиқланган урушнинг усул ва воситаларидан фойдаланишни тушуниш керак.

15. Уруш олиб бориш воситалари деганда, уруш олиб бораётган томонларнинг душманга зиён етказиш ва мағлуб қилиш учун қўллайдиган қурол ва бошқа воситалардан фойдаланишини тушуниш керак.

Амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари, шу жумладан, ҳарбий қуролнинг муайян турларини қўллашни чеклаш ва тақиқлаш тўғрисидаги 1981 йилги Конвенцияга кўра, қуйидагилардан фойдаланиш тақиқланади: инсон танасида айбланувчи ва яссиланувчи ўқлар; заҳарли ва заҳарловчи қуроллари; бактериологик қуроллар ва токсинлар; кичик қопқон-миналар; турли ёнувчи қуроллар ва бошқалар.

16. *Уруш олиб бориш воситалари* — уруш олиб боришда қўлланилган тартиб, усул ва йўллар. Бу усуллар жуда хилма-хиллиги билан бир-биридан фарқ қилади, натижада халқаро ҳуқуқ уларнинг ҳаммасини тартибга солишга қодир бўлмапти. Шу билан бирга уруш олиб бориш методларидан айримлари тўғридан-тўғри тақиқланган.

Масалан, уруш усулларидан қуйидагилари халқаро ҳуқуқ билан тақиқланади:

- «Ҳеч кимни тирик қўймаслик» ҳақида буйруқ бериб, шу билан муҳолифга таҳдид қилиш ёки ҳарбий ҳаракатларни шу асосда олиб бориш;

- Қизил Хоч ва Қизил Яримой, БМТнинг рамзларидан, шунингдек, нейтрал давлатлар ёки низога аралашмаган давлатлар байроғи, рамзлари, кийимларидан ғайриқонуний фойдаланиш;

- парламент аъзоларини ўлдириш;

- шаҳар ёки бошқа жойларни талон-тарож қилишга буйруқ бериш;

- ҳар қандай усулда бўлса ҳам, ҳимояланмаган шаҳарлар, қишлоқлар, уй-жойларга ҳужум қилиш ёки уларни бомбардимон қилиш;

- геноцидни амалга ошириш;

- гаровга олиш;

- беморлар ёки ярадорларни ўлдириш, ҳарбий асирларни йўқ қилиш ёки уларни ўз давлатига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга мажбур қилиш;

- тинч аҳолига нисбатан террорни амалга ошириш;

- махсус ҳимоя остидаги ва махсус белгили маданий ёдгорликларни йўқотиш.



17. *Шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш* — ҳарбий эҳтиёждан келиб чиқмаган ҳолда курашаётган томонларнинг яшаш пунктларини буткул ёки қисман йўқотишга қаратилган фаолият. Бунда фуқаролар доимий ёки вақтинча яшовчи бинолар вайрон қилинади. Аммо тинч аҳолининг ўзини қириш, гарчи, бу қилмиш айни маҳалда содир этилса-да, бунга кирмайди, лекин бундай фаолият, гарчи, у фақат биноларни бомбардимон қилиш орқали содир этилса-да, аҳолини жисмоний қириш, деб топилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар аҳоли яшаш жойлари ҳарбий эҳтиёждан келиб чиқмасдан вайрон қилинсагина жиноят, деб топилади.

18. *Мулкни талон-тароаж қилиш*, бу — босиб олинган давлат ёки унда яшовчи шахслар (фуқаролар), чет эл фуқаролари (фуқаролиги бўлмаган шахслар)га тегишли бўлган, шунингдек, шу ҳудудда рўйхатга олинган муайян мулкни ҳар хил воситалар билан босиб олувчи давлат ёки унинг фуқаролари ёхуд қуролли кучлар таркибига кирувчи шахслар фойдасига эгалик қилиниши.

19. Шарҳланаётган модда диспозициясида белгиланган ҳаракатларни содир этиш ҳақида буйруқ бериш ҳам урушнинг қонун ва удумларини бузиш, деб ҳисобланади. Буйруқ оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин, аммо у қилмишни ҳуқуқий баҳолашга таъсир этмайди. Шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган вақтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

20. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш жинояти ҳам формал, ҳам моддий таркибга эга бўлиб, уни тугалланган, деб ҳисоблаш учун бирон-бир жинойий оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайди, лекин жиноят қонунида моддий оқибатларни ҳам баён қилинган.

21. Жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбланувчи шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлигини биледи ва унинг юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки онгли равишда бундай оқибатларга йўл қўйиб (масалан, эгаллаб олинган аҳоли яшаш жойларининг ҳаддан ташқари яксон этилишига қаршилик қилмайди, заҳарловчи ҳарбий воситаларни ишлатмаслик кераклигини «унутади», икки хил маъноли буйруқлар беради ва уни қўл остидагиларга тушунтирмайди ва ҳоказо) — бу эгри қасд ҳисобланади. Ушбу жиноятни эҳтиётсизлик орқасидан содир этиш мумкин эмас.

Уруш қонун ва удумларини бузишнинг мотиви ва мақсадлари турлича (ўч олиш, ғараз, шуҳратпарастлик ва бошқалар) бўлиши мумкин, лекин улар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Мотив ва мақсад суд томонидан муайян жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Муайян ҳолатларда, агар беморлар ва ярадорларга нисбатан мажбуриятни бажаришда лоқайдлик қилинса (тиббий ёрдам кўрсатмаслик, уз вақтида госпиталга жойлаштиришдан воз кечиш, бунга мўлжалланмаган бинода сақлаш, эпидемия ёйилишига олиб келган вакцинация (эмлаш) қилишдан бош тортиш ва ҳоказолар), оқибатларга муносабат уларга онгли равишда йўл қўйишда ифодаланиши мумкин, яъни эгри қасд шаклида айб юзага келиши мумкин.

22. Жиноят субъектлари ҳарбий хизматчилар, одатда, ҳарбий кўмондонликнинг юқори мансабдор шахслари, турли қисмлар кўмондонлари ҳисобланади. Ҳарбий асирларга тегишли ишлар тўғрисида гап кетган ҳолларда, субъект бўлиб қўриқлаш, кузатиш ваколатларига эга бўлган 16 ёшга тўлган мансабдор шахс, ҳарбий хизматчилар ёки бошқа шахслар бўлиши мумкин.

### 153-модда. Геноцид

*Геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш*

— *ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. *Геноцид* (юнон. *genos* — уруғ, қабила; лот. *cide* — ўлдираман) халқаро жиноят тури сифатида ирқий, миллий, этник ёки диний белгиларга қараб аҳолининг айрим гуруҳларини жисмонан қиришдир. Геноцид — умумэътироф этилган ипсон ҳуқуқлари ва озодлиги, халқаро ҳуқуқ принцип ва меъёрларини қўпол тарзда бузиш.

Геноциднинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ушбу қилмиш натижасида муайян миллат, элат, ирқ ёки динга мансуб шахслар тўлиқ ёки қисман қирилиб кетиши, ўзларининг анъанавий турмуш тарзи, маданияти ва анъаналаридан маҳрум бўлиши мумкин. Бу ҳолат инсоният ҳамжамиятининг тинчлигига хавф туғдириши, халқаро ҳуқуқий тартиботга путур етказиши мумкин.

2. Халқаро ҳуқуқ геноцидни алоҳида шахслар ва давлатларнинг миллий ва халқаро жавобгарлигини келтириб чиқарувчи жиноят, деб топади<sup>1</sup>. Шу сабабли, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосан, «тинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар вақтида

<sup>1</sup> Қаранг: БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 11 ноябрдаги резолюцияси.

содир этилишидан қатъий назар», геноцид инсониятга қарши қаратилган халқаро жиноят ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган нормаларида геноцидни содир этган шахс фуқаролиги, жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, жиноий таъқиб қилиниши тўғрисидаги қоида белгиланган.

3. *Геноцид жинояти объекти* — инсониятнинг тинч ва хавфсиз яшаши, Ер юзи аҳолисининг миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигидан қатъий назар, цивилизациянинг ривожланиши, инсоният асослари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.

Геноцид жиноятининг факультатив объекти инсон ҳаёти ва соғлиғи, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади. Геноцид жинояти натижасида бир эмас, бир гуруҳ шахслар жабрланишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бунда миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳ деганда, қуйидагиларни тушуниш керак:

- *миллий гуруҳ* — муайян миллатга мансуб шахслар гуруҳи, бунда ушбу гуруҳнинг қайси ҳудудда яшаши аҳамиятга эга эмас.

Миллат деганда, тили, руҳий ва маданий хусусияти, яшаш ҳудуди ҳамда турмуши ва анъаналарининг бошқа хусусиятларининг бирлиги билан тавсифланадиган, тарихий таркиб топган одамлар жамоаси назарда тутилади:

- *этник гуруҳ* — аҳолининг бошқа қисмларидан фарқланувчи ва шу билан бирга ўзининг тили, ирқи, миллати ва маданияти билан ягона бир бутунликни ташкил қилувчи кишилар гуруҳи;

- *ирқий гуруҳ* — ўзининг иккинчи даражали ташқи белгилари (териси, сочи, кўзининг ранги, бўйи ва бошқалар) ва бошқа тарихий ўзига хос хусусиятлари билан аҳоли гуруҳларидан фарқланувчи кишилар гуруҳи;

- *диний гуруҳ* — битта динга эътиқод қилувчи муайян кишилар гуруҳи.

4. Геноцид объектив томондан шарҳланаётган модда диспозициясида белгиланган бир ёки бир неча қилмишни содир этишда ва уни ташкил этувчи қуйидаги кўринишлар билан ифодаланади:

- жисмоний геноцид;
- ижтимоий-иқтисодий геноцид;
- биологик геноцид.

*Жисмоний геноцид* — муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳлар вакилларини бевосита тўлиқ ёки қисман жисмонан йўқ қилишга қаратилган фаолият. У ўз ичига ўлдириш, ҳаётга тўғри келмайдиган оғир тан жароҳатлари етказиш, ҳаётга тўғри келмайдиган вазифаларни топшириш кабиларни қамраб олади. Миллий,

ирқий ёки этник мансублигига кўра, алоҳида тоифа одамларни руҳан йўқ қилинишини ҳам жисмоний геноцид каби квалификация қилиниши лозим

Руҳий йўқ қилиш деганда, инсонларнинг онгли ҳаётини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатни тушуниш лозим. Руҳий йўқ қилиш мия фаолиятини ишдан чиқариш, маънавий азобланиш, ақлий заифликни келтириб чиқаришда ифодаланиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий геноцид миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳларни улар учун ҳаёт кечирish имконияти мавжуд бўлмаган шароит ёки офир ҳаёт шароити яратиш орқали жисмонан ёки руҳан кетиш шароитига солишда ўз ифодасини топади. Геноциднинг бу кўриниши куйидагиларда ифодаланиши мумкин: маълум бир гуруҳни радиоактив заҳарланиш зонасига жойлаштириш; бундай гуруҳга қийин вазиятлар, масалан, иқтисодий таназзулда ёрдам беришни рад этиш. Геноциднинг бу тури ҳаракатда ва ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Биологик геноцид ё геноцид йўналтирилган гуруҳда бола туғилишини ёки гуруҳ аъзоларининг наслни давом эттиришини бартараф қилишга қаратилган турли тadbирларни ўз ичига олади.

Бола туғилишини бартараф этиш зўрлик ишлатиб ахталаш (жинсий безларни олиб ташлашга оид операциялар ўтказиш) ёки стерилизация (насл қолдириш қобилятидан маҳрум қилишга оид операция), аёл ҳомиласини сунъий йўл билан ғайриқонуний тушириш, шунингдек, бошқа зўравонлик ҳаракатларини шунга ўхшаш одамлар муҳитида қўллаш шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Насл қолдириш қобилятини бартараф этиш маълум миллатга, этник ёки бошқа гуруҳга мансуб ота-оналардан уларнинг хоҳиш-иродасига зид боласини олиб қўйиш, болаларни бошқа миллат, этник, ирқий ёки диний гуруҳ вакили бўлган шахсларга (бе-пул ёки пулга) бериш шаклида бўлади.

5. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, ғайриқонуний муносабатда бўлишда ифодаланади. Шунингдек, ушбу юқорида қайд этилган қилмишларни бажариш ҳақида буйруқ бериш ҳам геноцид жиноятининг объектив томонини ташкил қилади. Буйруқ бериш шакли қилмишни ҳуқуқий баҳолашда аҳамиятга эга эмас.

6. Геноцид жинояти жисмонан қириб юбориш, ўлдириш жиноят ҳисобланади. Бунда жиноий оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайди, фақат ЖКнинг 153-моддаси диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бири содир этилиши шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли ҳисобланади.

7. Геноцид жинояти субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор миллий, этник, ирқий ёки диний мансублиги бўйича аҳолининг қайсидир қисмини йуқ қилиб юбориши ижтимоий хавфли қилмиш эканлигини англайди ва шуни истайди. Геноцид жинояти субъектив томонининг мажбурий элементи махсус мақсад — қайсидир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни шундайлигича тула ёки қисман йуқотишни мулжаллаш нияти<sup>1</sup>. Агар махсус мақсад мавжуд бўлмаса, қилмиш геноцид жинояти, деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

8. Геноцид жинояти бошқа турдаги шахсга қарши жиноятлардан миллий ёки ирқий адоват мотиви асосида содир этилиши билан фарқланади. Геноцид бошқа алоҳида жиноятлар каби муайян бир шахсга қаратилмасдан, балки муайян ирқий, миллий ёки диний гуруҳларга қаратилган бўлади.

9. Агар геноцид уруш даврида юз берган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 152 ва 153-моддалари билан жиноятлар мажмуи тарқасида квалификация қилиниши керак, чунки геноцид бу даврда урушнинг қонун ва удумларини бузиш, деб ҳам ҳисобланади.

10. Геноцид жиноятининг субъекти 16 ёшга тулган жисмоний шахслардир. Ижтимоий ҳолатидан қатъий назар, мансабдор шахслар ёки оддий шахслар ҳам жиноят субъекти ҳисобланади. Бу шахслар жиноят содир этиш жойи қаер бўлишидан қатъий назар, жавобгарликка тортилиши лозим ва бу халқаро ҳуқуқда геноцид учун белгиланган халқаро жавобгарлик меъёрларига мос келади. Геноцид жиноятини содир этган шахслар жиноят содир этилганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъий назар, жавобгарликка тортилиши шарт. Конвенция ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан, геноцид жиноятини содир этганларга нисбатан жавобгарлик муддати ўтиши билан жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмайди.

Агар шу турдаги қилмиш 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган бўлса, улар шахсга қарши содир этганлик муайян жиноят учун жавобгарликка тортилиши лозим.

### 154-модда. Ёлланиш

*Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш*

<sup>1</sup> Қаранг: 1948 йил 9 декабрдаги «Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги Конвенциянинг 2-моддаси.

ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ёланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек, ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш

— етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Халқаро ҳуқуқда ёлланишнинг ғайриқонунийлиги ва йўл қўйиб бўлмаслиги ҳамда бунинг учун ҳам давлатлар, ҳам ёлланувчиларнинг шахсан ўзлари жавобгарлигини назарда тутувчи норма вужудга келган.

Ёлланишнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, одамларнинг муайян гуруҳи яшаш манбаи сифатида доимий яшамайдиган ва фуқароси бўлмаган давлат томонида туриб ҳарбий тўқнашув ва ҳаракатларда ҳақ эвазига (пуллик) иштирок этишни танлайди. Бундай ҳаракатларнинг ўта ахлоқсиз ва ўта хавфлилиги шундаки, жамиятда қасддан одам ўлдириш, қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи шахслар соғлигига оғир ва бошқача зарар етказиш, тўқнашувчи тарафларнинг халқ ҳужалиги ва бошқа объектларини йўқ қилиш ёки бузиш, миллий бойликни, аҳоли ёки давлат мулкани талон-тарож қилиш каби ишлар профессионал фаолиятига айланган шахслар гуруҳи шаклланади. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини тан олган ҳолда дунё ҳамжамияти ёлланишни илдириш билан қўпориб ташлаш чораларини кўрмоқда ва бу ҳаракатлар ҳам ички, ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда намойиш бўлиб, ёлланиш, деб ҳисобланадиган ҳаракатларни тақиқлайди ва қоралайди.

2. БМТ Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши Бош котиблик сиймосида жаҳон ҳамжамияти ёлланиш амалиётини қўп бора қоралаб, айбдор шахсларни жавобгарликка тортишни талаб қилган эди.

Ёлланиш БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан бир неча бор танқид қилинган. Авваламбор, шуни қайд этиб ўтиш керакки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1961 йил 24 ноябрдаги резолюциясида БМТ кўмондонлиги остида бўлмаган барча хорижий ҳарбийлар ёки ярим ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, ёлланувчиларни дарҳол қамоққа олиш, ушлаб туриш ва жўнатиш учун куч ишлатиб бўлса ҳам таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамланди.

1968 йил БМТ Бош Ассамблеяси 2465 (XXIII) резолюциясида ёлланувчилардан фойдаланиш амалиёти жиноий ҳаракат ҳисобланишини қатъий белгилаб қўйди. Ёлланувчиларнинг ўзлари эса, қонундан ташқари жиноятчилар ҳисобланади. Айни пайтда барча давлатларда ўз ҳудудидаги ёлланувчиларни йиғиш, молиялаш ва ўқитишни эълон қиладиган, ёлланувчи сифатида хизматга боришни тақиқлайдиган ҳужжат қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

БМТнинг 1976 йил 30 ноябрдаги 31/34-сонли резолюциясида барча давлат ҳукуматларни улар ҳудудида ёлланувчиларни жалб этиш, молиялаштириш, ўқитиш ва ўтказишни жиноят, деб эълон қиладиган ва фуқароларнинг ёлланувчи сифатида жалб қилишини тақиқлайдиган қонунлар қабул қилишга яна бир бор чақирди. Бу қоидалар 1977 йилги 32/14-сонли резолюцияда ҳам мустаҳкамланди.

1989 йил 4 декабрда «Ёлланувчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, унда қандай шахслар ёлланувчи сифатида қаралиши лозимлиги ҳақида мезонлар белгиланган. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, қуйидагилар ёлланувчи ҳисобланади:

- биргаликда зўравонлик ҳаракатларида иштирок этиш учун чет элда ёки ўз жойида махсус ёлланганлар (ҳарбий тўқнашувда ёки ҳукуматни ағдаришга қаратилган ҳаракатда ёхуд давлатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлашда қатнашувчилар);

- бундай ҳаракатларда иштирок этишдан шахсий фойда кўриш нияти мавжуд бўлиб буни рўёбга чиқаришда моддий мукофотлаш ваъда қилинганлар;

- ҳарбий ҳаракатлар қаратилган давлатнинг ёки ҳарбий тўқнашувларда иштирок этувчи давлатнинг доимий яшовчи аҳолиси бўлмаган ва фуқароси бўлмаган шахслар;

- давлат томонидан расмий мажбуриятларни бажариш учун жўнатилмаганлар;

- ҳаракатлар содир этилувчи ҳудудда ёки ҳарбий тўқнашувлар томони бўлган давлатлар ҳарбий кучлари шахсий таркибига кирмайдиганлар.

3. Ёлланишнинг бевосита объекти инсоният хавфсизлиги, қуролли тўқнашувлар ва ҳарбий ҳаракатларни ҳуқуқий тартибга солиш принципларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади. Факультатив объектлар давлатнинг иқтисодий асослари, кишилар ҳаёти ва саломатлиги, давлатнинг ижтимоий тузуми, давлат билан боғлиқ муносабатлардир.

4. Объектив томондан жиноят туқнашувчи (урушувчи) давлат фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси бўлмаган ёхуд туқнашувчи таъриф томонидан назорат қилинаётган ҳудудда доимий яшамайдиган ёки қуроли кучлар таркибида расмий мажбуриятларни бажариш учун ҳеч бир давлат томонидан ваколат берилмаган шахснинг чет давлат ҳудудида ёхуд тарафида қуроли туқнашувда ёки ҳарбий ҳаракатларда қатланувидан иборат.

5. Ҳарбий низо деганда, давлат ҳарбий кучларининг келишмовчилик замирида ҳарбий ҳаракатларга кириши тушунилади ва унда алоҳида ўзига хос субъект бўлган давлат(лар) қатнашади.

*Ҳарбий ҳаракатлар* — бу давлатга қарши ноҳукумат, нодавлат ҳарбий кучларининг (масалан, террористик ташкилотларнинг) бостириб кириши. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳарбий низо ёки ҳарбий ҳаракатлар муҳитининг мавжудлиги жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

6. Ёлланган шахс деб, низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд низолашаётган давлат томонидан назорат қилиниб турган ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуроли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколоти берилмаган шахс тушунилади. Ёлланган шахс ҳарбий ҳаракатларда турли шаклда: уруш бўлаётган жойда ҳарбий тузилмалар таркибида туриб қатнашиши; низолашаётган томонлардан бирига ёрдам кўрсатиб туриши; ҳарбий низо ёки ҳарбий ҳаракатларга бошчилик қилиши ёхуд ўз кўрсатмалари билан ёрдам бериши мумкин.

7. Давлат томонидан топширилган расмий мажбуриятни бажариш шахс жавобгарлигини келтириб чиқармайди. Бундай шахсларга ҳарбий маслаҳатчилар киради ва улар армияни вақтинча бошқаришни амалга оширади, лекин ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайди.

8. Шарҳланаётган модда диспозиясида белгиланган ҳаракатлардан бири содир этилиши биланоқ ёлланиш жинояти тугалланган, деб топилади.

9. Субъектив томондан жиноят фақат қасддан содир этилади. Айбдор шахс ўзининг жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ёки олиб бораётган давлат билан юридик алоқадор эмаслигини билди, аммо бу ҳаракатларда иштирок этади. Жиноят субъектив томонининг зарурий элементи фойда ёки бошқа турдаги имтиёзларни қўлга киритиш мотиви мавжудлиги ҳисобланади. Фойда олиш ушбу вазиятда ҳарбий ҳаракат ёки ҳарбий туқнашувда иштирок этганларни моддий рағбатлантиришда ифодаланади.

Бошқа турдаги шахсий фойдалар деганда, масалан, бошпана билан таъминлаш, ноқонуний фаолиятни амалга оширишга им-



коният яратиш ва бошқа турдаги моддий характерга эга бўлмаган неъматларни бериш тушунилади.

10. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган, низолашаётган давлат фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд низолашаётган давлат томонидан назорат қилиниб турган ҳудудда доимий яшамайдиган, ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахс ҳисобланади (фуқаро ва ҳарбий хизматчи тушунчалари ҳақида ЖКнинг 12 ва 287-моддалари шарҳига қаранг).

11. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган:

- ёллаш;
- ўқитиш;
- молиялаштириш ёки бошқача моддий рағбатлантириш;
- қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш.

Ушбу қилмишлар халқаро жиноятлар ҳисобланади, уни содир этган шахслар «Ёлланувчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаштириш, ўқитишга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга (1989 йил 4 ноябр) асосан, барча давлатларда жиноий таъқиб қилинади. Конвенцияга кўра, «Ёлланувчиларни ёллаган, ўқитган, молиялаштирган ёки улардан фойдаланган ҳар қандай шахс... жиноят содир этган, деб топилади»<sup>1</sup>.

12. Қонунга асосан, шарҳланаётган модда диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бирини содир этишнинг ўзи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли ҳисобланади. Унинг диспозицияда белгиланган бир ёки бир неча ҳаракатларни содир этганлиги квалификацияга таъсир этмайди, аммо суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

13. Ёлланувчини ёллаш деганда, шахснинг қуролли тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун одамлар ёллаши билан боғлиқ фаолияти тушунилади. Ёллаш бир қанча ҳаракатлар билан содир қилинади, яъни ёлланувчиларни йиғиш ҳақида маълумот тарқатиш, учрашув жойини келишиш, ёллаш ҳақида шахс билан ёзма ёки оғзаки шартнома тузиш, ёлланувчининг қуролли тўқнашувлар ёки ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш усулини аниқлаш, ёлланувчининг урушаётган томон ихтиёрига бориши ва бошқалар.

14. *Ёлланувчини ўқитиш* — бу шахсда ҳарбий ҳаракат ҳақида билим, малака ва кўникмалар шакллантириш, турли жанговар қурол-

<sup>1</sup> Қаранг: 1989 йил 4 ноябрдаги «Ёлланувчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаштириш, ўқитишга қарши кураш тўғрисида»ги халқаро Конвенциянинг 2-моддаси.

ларни ишлатишни, ҳарбий техника воситаларида ишлатишни, турли об-ҳаво шароитларида урушга кириш стратегияси ва тактикасини ўргатиш, қўпоровчилик ва рақибка фаолиятини ўзлаштириш, яшаш учун курашиш, мафқуравни тансирлашни қамраб олади.

15. *Ёлланувчини молиялаштириш* бу молиялаштириш манбаларини топиш, ўзлаштириш ва уни ёллан шартига кўра, ёлланувчиларга тақдим этиш билан бошқача чора талбирлар мажмуи. Молиялаштириш турли воситалар ёрдамида: мақд пул маблағи бериш, пул маблағини ёлланувчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш, ёлланувчи томонидан курсатилган шахсга пул маблағини топшириш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин. Аммо бу квалификация қилишга таъсир этмайди.

Ёлланувчини бошқача моддий таъминлаш деганда, ёлланувчини пул маблағидан ташқари турли ашё ва техник предметлар (масалан, телефон) билан таъминлаб туриш тушунилади. Ёлланувчини бошқача моддий таъминлаш турли жанговар қуроллар, автотехника ёки бошқа ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин. Моддий таъминлаш тўғридан-тўғри (масалан, автомобилни тақдим этиш), шунингдек, билвосита (масалан, ёлланган шахсларга маълум бўлган жойга керакли барча нарсани ғамлаб қўйиш орқали) амалга оширилиши мумкин. Моддий таъминот қандай усулда амалга оширилганлиги қилинишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

16. Ёлланма шахсдан ҳарбий ҳаракат ёки қуролли тўқнашувда фойдаланиш деганда, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тўқнашувлар пайтида жанговар ҳаракатлар бораётган ҳудудда ҳам, ундан ташқарида ҳам ёлланувчи шахснинг индивидуал жисмоний ва интеллектуал имкониятлардан ҳарбий операцияларда ёхуд жанговар хусусиятга эга ҳаракатларда фойдаланиш тушунилади.

17. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу қилминг аслида фаолият ҳисобланади. Бу бир ёки бир неча субъектлар томонидан амалга оширилувчи ўзаро боғлиқ қилмишлар мажмуини ўз ичига олишини билдиради. Масалан, ёлланувчини молиялаштириш учун моддий маблағ топиш билан бир киши, уни жамлаш билан бошқа киши, маблағни сўраб бериш билан учинчи киши шуғулланиши мумкин. Бироқ, айбдор томонидан бирон-бир фаолиятнинг қайси муайян жиҳати (ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки бошқача моддий таъминлаш) амалга оширилганидан қатъий назар, унинг қилмининг тегишлича, ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки бошқача моддий таъминлаш ёхуд шарҳланаётган модда маъносида фойдаланиш сифатида квалификация қилиниши керак. Лекин сўнгги ҳолатда ушбу фаолиятнинг қолган жиҳатлари унинг қасди билан қамраб

олиниши лозим (келтирилган мисолда ёлланувчиларни молиялаштириш учун маблағ излаб толувчи шахс пул маблағлари жамланиб, ёлланувчиларга берилишини англаши ва шуни хоҳлаши даркор).

18. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасддан содир этилади.

Шарҳланаётган жиноятни содир этиш мотиви турлича: моддий рағбатлантириш олиш, ўзини синаб кўриш, фойда олишга қизиқиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Жиноят содир этиш мотиви қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олиниши лозим.

19. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмидаги жиноят субъекти шундай ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ёки бундай ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган давлат мансабдор шахслари ҳисобланади. Шунингдек, оддий шахслар, давлат топшириғи билан фаолият юритаётган нодавлат муассасалар ва ташкилотлар вакиллари (масалан, террористик ташкилот талаби, топшириғи билан ёлланма шахсни ёлловчи) ёки алоҳида шахслар жиноят субъекти бўлади.

**154'-модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёллан**

*Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши*

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жазога ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш органларига ёллан*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг бурчидир». Ушбу

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

конституциявий нормага асосан, «Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар». Фуқаро ҳарбий хизматга кираётиб, «Халқи ва Ўзбекистон Республикаси Президентига садоқат тўғрисида ҳарбий қасамёд» қабул қилади<sup>1</sup>. Аммо илгари қонунчиликда ҳарбий қасамёднинг бажарилишини назорат қилувчи механизм мавжуд эмас эди. Қасамёд фақат маънавий жавобгарликни келтириб чиқарар эди. Шарҳлананаётган модданинг Жиноят кодексига киритилиши ҳуқуқдан бушлиқни бартараф этди ва фуқаронинг давлат олдидаги жавобгарлигини мустаҳкамлади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси мулоффаа қудрати ва барқарорлигига, давлатларнинг тинч йул билан ривожланишига хавф туғилиши, жаҳон ҳуқуқий тартиботи ва барқарорлик бузилиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат ҳарбий хизматларига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларга хизматга ёлланиши натижасида улардан ёлланувчи сифатида фойдаланиш учун шароит яратиладики, бу халқаро ҳам-жамият томонидан қатъиян тақиқланган.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кирганлик учун, 2-қисмида эса, чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига ёлланганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

4. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўзда тутилган жавобгарликни назарда тутадиган жиноят объектив томондан фаол ҳаракатлар билан, яъни чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши билан тавсифланади.

Хизматга кириш учун шахс ўзга давлат қуроли кучлари, хавфсизлик органлари, ички ишлар, ҳарбий адлия ёки шунга ўхшаш органлари штат жадвалига кириши билан боғлиқ бир қатор тадбирларни, ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу ҳолатда шуни таъкидлаш керакки, хизматга кириш шахсининг ўз иродаси, хоҳиши асосида бўлиши керак. Хизматга кириш фаолият сифатида бир қанча ҳаракатларни ўз ичига олади: жумладан, чет давлатнинг ҳарбий хиз-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 30-модда, 2-қисми, 39-модда, 1-қисми

мати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш учун ҳужжатларни тайёрлаш, кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва хизматга кириш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш кабилар бўлиши мумкин.

Агар шахс томонидан амалга ошириладиган усуллар жамият учун хавф туғдирса (масалан, ҳужжатни қалбакилаштириш, пора бериш ва бошқалар), шахс қилмиши Жиноят кодексида белгиланган тегишли модда, шунингдек, чет давлатларнинг ҳарбий хизмати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши (ЖКнинг 154<sup>1</sup>-моддаси) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари асосида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Шахс чет давлатнинг ҳарбий хизмати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга олинганлиги ҳақида билдиришнома юборилганлиги, буйруқ чиқарилиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

5. Ўзбекистон фуқаросининг чет давлатнинг ҳар қандай органига эмас, балки ҳарбий хизмати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилади.

*Ҳарбий хизмат* — давлат хизматининг алоҳида тури бўлиб, ҳарбий тайёргарлик ва давлатни ҳарбий муҳофаза қилишни ўз ичига олади. Ҳарбий хизмат қуроли кучлар ва бошқа давлат ҳарбий тузилмалари томонидан амалга оширилади. Қуроли кучларнинг ёхуд унинг тузилмаларининг номланиши, ҳарбий хизмат мазмуни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

*Хавфсизлик органларидаги хизмат* — давлат хизматининг махсус тури бўлиб, асосий фаолияти давлатни ва жамиятни ташқи ҳамда ички хавфдан ҳимоялаш, шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаётини муҳофаза этиш ҳисобланади. Давлат хавфсизлиги хорижий давлатларда турли органлар томонидан амалга оширилади, уларнинг тузилмаси Ўзбекистондагидан фарқ қилиши мумкин, аммо бу жиноятни квалификация қилишда ҳисобга олинмайди. Хавфсизлик хизмати органларининг номи ёки уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳам аҳамиятга эга эмас.

*Ички ишлар хизмати* — давлат хизматининг махсус шакли бўлиб, жамоат тартибини ҳимояловчи ва жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида турдаги органлар тизимида ўталадиган хизмат турларидан бири. Барча турдаги ёки бир қанча турдаги ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш билан шуғулланади.

Ўзбекистонда ва бошқа бир қатор давлатларда полиция — милиция, деб номланади. Полициянинг қандай номланиши ва ташкилий-ҳуқуқий шакли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Ҳарбий адлия органларида хизмат турли идора ва хизматларни, шунингдек, ҳарбий суд тизимини ўз ичига олади. Унинг фаолият соҳасига Куролли Кучларда ва бошқа турдаги давлат ҳарбий гузилмаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш киради.

6. Шунга ўхшаш бошқа органлар деганда, хизмат ҳарбийлаштирилган барча турдаги муассаса, ташкилот, органи тушуниш керак. Ҳарбийлаштирилган органи фарқловчи жиҳатлардан бири шахс хизматга кираётганида қасамёд қабул қилиши ва қасамёдини бузганида жавобгарлик келиб чиқиши ҳисобланади.

Қасамёд қабул қилишидан қатъий назар, шахс чет давлатнинг бошқа органларига хизматга кириши, масалан, прокурор, терговчи ёки умумий юрисдикция суди судьяси бўлиши жиноят ҳисобланмайди.

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Лайбор ўзининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини биледи ва чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга киради ҳамда ўзи шуни хоҳлайди. Қилмишни содир этиш мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин, аммо улар жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди, лекин суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

8. Жиноят субъекти фақат 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади.

9. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга ёлланиши учун жавобгарлик белгилашган (ёллаш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 154-моддаси шарҳига қаранг).

10. Жиноят субъектив томондан фақат қасддан содир этилиши мумкин. Субъект қилмишини баҳолашда мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас, лекин жиноят мотиви ва мақсади жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олиниши лозим.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади. Шахснинг фуқаролиги аҳамиятга эга эмас.

12. Шуни ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон ҳудудидаги корхона, ташкилот, муассасада меҳ-

натни давом эттирган ҳолда чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига ишга кирса, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларда кўзда тутилган тегишли аломатлар бўлса, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти бўлишидан қатъий назар, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 160-моддасидаги жосуслик жинояти бўйича ҳам квалификация қилиш лозим. Қилмишни давлатга хоинлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди, чунки шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади<sup>1</sup>.

13. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш учун жинойи жавобгарлик билан жавобгарлик ЖКнинг 154-моддасида кўзда тутилган ёлланиш таркиби фарқлаб олинishi жуда муҳим. Жиноят таркиби бир-биридан жиноят субъектига кўра фарқланади. Хизматга ёлланиш жиноятида жиноят субъектига хос бўлган белги мавжуд, у ҳарбий ҳаракатларда ўзга давлат қуроли кучлари таркибида туриб қатнашиши талаб қилинади. Қилмишни содир этган шахсни ЖКнинг 154-моддаси бўйича айбдор, деб топиш учун шахснинг ҳарбий ҳаракатларда қатнашганлигини (ЖКнинг 154-моддаси, 1-қисми) ёки қатнашиш мақсадида ёлланганлигини (ЖКнинг 154-моддаси, 2-қисми) аниқлаш лозим бўлади.

### 155-модда. Терроризм

*Терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террор-*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни, 21-модда, 1-қисми, 1-банди.

чилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок тайётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар курсатишга қаратилган фаолият

— саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади.

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти, бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

1. «Террор» тушунчаси лотинчадан таржима қилинганда, «қўрқув, даҳшат» маъносини билдиради. Терроризм эса, террор сиёсати ва тажрибасини амалга ошириш, жисмоний йўқ қилишгача бўлган куч ишлатиш, сиёсий рақибларни бостириш учун уларни ўлдиришни билдиради.

Бугунги кунда терроризм, нафақат, бир мамлакат доирасида, балки бир мамлакат ҳудудидан чиқиб, бошқа жойларга ҳам тарқалмоқда ва у халқаро терроризм, деб аталмоқда. Халқаро терроризм халқаро кўламда бир қатор ижтимоий хавфли қилмишларни, жумладан, одамларни бемаъни ҳалок қилиш, давлатлар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги дипломатик алоқаларни барбод қилиш, халқаро алоқа ва учрашувларни амалга оширишни қийинлаштириш, шунингдек, давлатлараро транспорт алоқаларини амалга оширишни қийинлаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Терроризмни қўллаш сиёсий кураш шакли сифатида халқаро ҳамжамият томонидан бир неча бор муҳокама қилинган. 1957 йил-



да қабул қилинган «Терроризмнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Конвенция давлат ва жамоат арбобларини ўлдир-иш, уларга тан жароҳати етказиш, мулкни нобуд қилиш ва бошқа террористик ҳаракатларни тақиқлаб, улар учун жазо белгилади. Айни вақтда Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар террорни сиёсий кураш усули сифатида тан олди.

Террористик ҳаракатларга қарши халқаро курашда БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 2001 йил 28 сентябрида қабул қилинган 1375-сонли резолюция муҳим роль ўйнайди, унда терроризмни қўллаш қораланди ва бу ижтимоий хавфли ҳодисага нисбатан барча давлатларнинг муносабати мустаҳкамланди.

2. Терроризмнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, террор сиёсати ва амалиёти натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари топталади, халқаро муносабатлар беқарорлиги юзага келади, халқаро низолар ва фуқаролик урушлари келиб чиқишга замин яратилади. Террористик амалиёт амалда замонавий жамиятнинг демократик асосларини йўқотади, мамлакатни ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадидан тоталитаризм сари оғдиради. Бундан ташқари, терроризм сиёсий курашнинг умумэътироф этилган усулларини, инсон олий қадр-қимматини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмайдиган жамият аъзолари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

3. Терроризмнинг объекти халқаро муносабатлар барқарорлигини, тинчликни, инсоният хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Алоҳида давлат ва халқаро ташкилотларнинг муайян манфаатлари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, мулк ва бошқарув тартиби факультатив объект ҳисобланиши мумкин.

4. Терроризм объектив томондан қуйидаги йўллар билан содир этилиши мумкин:

- зўрлик куч ишлатиш, куч билан таҳдид қилиш, шахсга ёки мулкка хавф солувчи бошқа қилмишларни содир этиш ёхуд давлат органи, халқаро ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, жисмоний ёки юридик шахсларни муайян ишни амалга оширишга мажбурлаш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлат хавфсизлигига зарар етказиш, урушни келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш мақсадида шуларни амалга ошириш билан таҳдид қилиш;

- террорчи ташкилотлар мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини амалга ошириш, террористик актларни тайёрлаш ва содир этиш, террористик ташкилотлар ёки уларга хайрихоҳларга ёхуд террористик фаолиятда қатнашувчиларга бевосита ёки билвосита таъминот бериб туриш.

Ушбу модда доирасида куч ишлатиш, таҳдид қилиш деганда, террористик актларни содир этишда айбдор шахснинг турли хилдаги зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳаракатларини тушуниш керак. Зўрлик ишлатиш деганда, зулм ўтказиш (одам ўлдириш, оммавий тартибсизлик, босқинчилик), одам ўғирлаш, қуролдан фойдаланиш тушунилади.

5. Шахснинг хавфлилиги деганда, шуни тушуниш керакки, террористик ҳаракат бир шахсга қарши қаратилган бўлиши мумкин, лекин унинг натижасида жуда катта мулкий зарар кўрилади.

6. Юқорида қайд этилган ҳаракатларни содир этиш ҳақида таҳдид оғзаки, ёзма, бевосита ёки турли алоқа воситаларидан фойдаланиб етказилиши мумкин. Таҳдид реал ва ҳақиқий бўлиши лозим.

7. ЖК террористик ташкилотнинг мавжудлигини, иш олиб боришини ва молиявий таъминланишини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятни ҳам терроризм, деб белгилайди.

8. Террористик ташкилот мавжудлиги ташкилот мақсадларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратувчи фаолиятни бундай ташкилот мақсадларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратувчи фаолият, деб қараш керак. Масалан, ташкилотнинг мавжудлиги унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, сафига янги аъзоларни жалб этиш, унинг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш орқали таъминланиши мумкин.

9. Террористик ташкилотни молиялаштириш жараёни (бир-бири билан боғлиқ алоҳида ҳаракатлар мажмуи) ёки террористик ташкилотни маблағ жамғармаси билан таъминлашнинг алоҳида тури, деб тушуниш лозим. Терроризмни молиялаштириш жараёни жисмоний шахс томонидан террористик ташкилотга бир марта ёки белгиланган вақтда пул маблағи ажратиш, белгиланган вақт мобайнида даврий тарзда пул маблағи ажратиш орқали амалга оширилиши мумкин.

10. Иш олиб бориш – бир-бири билан ўзаро боғлиқ операциялар мажмуидан таркиб топган фаолият бўлиб, мазкур ташкилот гузилишига сабаб бўлган мақсадларнинг амалга оширилишини, масалан, давлат ёки жамоат арбобига суиқасд қилиш учун зарур қуролларни сотиб олишни ўз ичига олади.

11. Террористларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай восита, ресурслар бериш ёки хизмат кўрсатиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Воситаларни террористларга бевосита етказиб бериш деганда, айбдорнинг восита ва ресурсларни кимга бераётганлигини билиши ва уни террористларга очиқ тақдим этиши тушунилади. Билвосита етказиб бериш деганда, айбдор шахснинг воситаларни террористларга бевосита эмас, балки воситачи орқали етказиб бери-

ши тушунилади (масалан, хайрия ташкилотига, фондга топширади, ammo аслида кимга топшираётганлигини ўзи яхши билади). Билвосита ва бевосита етказиб бериш бир-биридан фарқ қилади, агар ресурслар воситачи орқали етказилган бўлса, билвосита, агар воситачисиз етказилса, бевосита тақдим этиш ҳисобланади.

12. Воситаларни тақдим қилишдан фарқли равишда, воситаларни йиғиш деганда, бундай воситаларни тақдим этувчи шахслар ва террористик фаолиятга ёрдам бераётган ёки иштирок этаётган шахслар ўртасида далолатчи сифатида қатнашаётган восита йиғувчиларнинг воситаларни уларни бераётганлардан туплаши тушунилади. Яъни, бунда восита йиғувчилар шундай воситаларни берувчилар билан террористик ташкилот ёхуд террористик фаолиятда кўмаклашувчилар ёки қатнашувчилар ўртасида воситачи бўлади. Восита йиғувчилар воситачи сифатида уларнинг мулкдори бўлмай, берилган воситаларга эга бўлади, холос. Бошқача айтганда, восита йиғувчилар билан уларни берувчилар ўртасидаги фарқни берилган воситаларнинг мулкдори кимлигидан келиб чиқиб аниқлаш керак.

13. Террористларга бошқа турдаги хизматлар кўрсатишга террористларни қилмишларига яраша жазодан яшириш, халқаро терроризм бўлса, унинг чет элдаги раҳбарлари билан алоқа ўрнатишни ташкил қилиш, турли кузатувларни амалга ошириш ва бошқалар киради.

14. Ушбу модда диспозициясида мазкур хатти-ҳаракатлар, қилмишлар ҳақиқатда содир этилишини эмас, балки улар шуларга эришишга йўналтирилганлигини ўз ичига олади. Шундай қилиб, террористик ташкилотлар учун воситалар йиғиш ёки шунга ўхшаш мақсадда куч ишлатиш, белгиланган мақсадга эришилган бўлмаса-да, лекин у аҳоли нобуд бўлиши ёки мулкка зарар етказилиши учун реал хавф туғдирса, туғалланган жиноят таркибини ташкил этади.

15. Агар терроризм зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиб амалга оширилган бўлса, таҳдид объектив характер касб этган вақтдан бошлаб жиноятни тугалланган, деб ҳисоблаш лозим. Зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилувчи шахс зўрлик ишлатишни чиндан истаган ёки истамаганлигидан қатъий назар, унинг ҳаракатлари мазмунан ва характериға кўра, реал бўлганлигининг ўзи етарли ҳисобланади.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органи томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳоки-

мият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган.

17. Ҳаётга суиқасд қилиш деганда, давлат ёки жамоат арбоби ни ўлдиришга қаратилган, аммо айбдор шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, тугалланмаган ҳаракат тушунилади. Суиқасд транспорт воситалари тўқнашуви, шахснинг ҳаёти учун муҳим органига совуқ ва бошқа қурол билан уриш, заҳарлаш орқали содир этилиши мумкин.

Суиқасд усуллари квалификация қилишга таъсир этмайди, аммо бу айбдорга жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олиниши лозим.

18. Баданга шикаст етказиш деганда, давлат ёки жамоат арбоби соғлиғига етказилган тан жароҳати тушунилади. Бунда унинг оғирлик даражаси аҳамиятга эга эмас. Агар шахс соғлиғига етказилган зарар амалга оширилмаган одам ўлдиришга суиқасд натижаси бўлса, қилмиш фақат суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларни фарқлаш қасднинг йўналиши бўйича амалга оширилади — баданга шикаст етказишда айбдорнинг одам ўлдириш мақсади бўлмайди.

ЖКнинг 155-моддаси, 2-қисмида белгиланган жиноятни қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси)га суиқасд қилишдан ёки баданга шикаст етказиш (ЖКнинг 104, 105, 109-моддалари)дан халқаро муносабатларни барбод этиш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини бузиш, давлат хавфсизлигига путур етказиш, урушни тарғиб қилиш, ҳарбий низолар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қириш сингари мақсадлардан иборат мажбурий аломатлари бўйича фарқлаш лозим.

Жавобгарлик ЖКнинг 155-моддаси, 2-қисмида белгиланган жиноят давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакили соғлиғига зарар етказилиши ёки суиқасд қилиниши билан тугалланган, деб топилади. Агар бунда баданга шикаст етказишга суиқасд қилинган бўлса, қилмиш ЖКнинг 155-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

20. ЖКнинг 155-моддаси, 1 ва 2-қисмлари диспозициясида белгиланган шахсларни ўлдирганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 155-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан қамраб олинади ва бундай қилмишни ЖКнинг 97-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Бошқа оғир оқибатлар тушунчаси жуда кўп кишилар соғлиғига зиён етказиш, катта миқдорда мулкни нобуд қилиш ёки бу-

зиш, халқаро муносабатларни тўхтатиб қўйиш ёки барбод қилиш, ҳаётий таъминот объектларини йўқотишни ўз ичига олади.

21. Субъектив томондан терроризм қасддан содир қилинади. Айбдор ўзи содир этган қилмиш халқаро муносабатларни беқарорлаштиришини, давлатлар ва халқаро ташкилотларни муайян ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилишини биледи ва шуни хоҳлайди. Модда диспозициясида кўрсатилган мақсад субъектив томоннинг мажбурий элементи бўлиб, бу халқаро муносабатларнинг мураккаблашуви, ҳудудий яхлитлик ва суверенитетнинг бузилиши, давлат хавфсизлигига путур етказилиши, урушни, қуролли тўқнашувни келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолига даҳшат солиш ҳисобланади. Агар бу мақсадлар бўлмаса, қилмишни терроризм, деб квалификация қилиш мумкин эмас.

Шарҳланаётган жиноятни содир этиш мотивлари турлича: қасос олиш, гараз, юритилаётган сиёсат ғоясини қабул қилмаслик ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин улар жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Жиноятни содир этиш мотивлари муайян ишга нисбатан жазо тайинлашда ҳисобга олинishi лозим.

22. Терроризм субъекти 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Бу шахсларнинг фуқаролиги аҳамиятга эга эмас. Агар террористик ҳаракатларни содир этишда 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар иштирок этган бўлса, улар муайян жиноятни содир этганлик — одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки бошқалар учун жавобгарликка тортилиши лозим.

23. Терроризмнинг олдини олишда ЖКнинг 155-моддаси, 4-қисмида белгиланган рағбатлантирувчи норма муҳим роль ўйнайди. ЖКнинг 155-моддаси мазкур қисмига мувофиқ, терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти, бу шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жинойий жавобгарликдан озод этилади.

Субъект жинойий жавобгарликдан қуйидаги ҳолларда озод этилиши мумкин:

- у фақат террористик актнинг тайёрланишида иштирок этган ва ўз вақтида, яъни жиноятнинг объектив томони бошлангунга қадар ҳокимият органларига террористик акт тўғрисида маълумот берган, бу эса, ўз навбатида, оғир оқибатлар келиб чиқишининг ва террористлар мақсади амалга оширилишининг олдини олган бўлса;

• оғир оқибатлар келиб чиқиши ва террористлар мақсадининг амалга ошишининг олдини бошқа усулда олган бўлса, яъни террористик актнинг олди олинишига олиб келган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширган — тайёрланаётган террористик актга нишон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки корхона маъмуриятига шахсан ўзи келган, давлат органларини аноним равишда огоҳлантирган бўлса, шунингдек, кўпчилик учун хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича бошқа фаол ҳаракатлар қилган бўлса, бошқа фуқароларни зарарли ва оғир оқибатлар келиб чиқишини чеклаш ва зарарлантиришга жалб этган бўлса ва ҳоказо;

• шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби (масалан, қурол ёки портловчи моддалар сотиб олиш, сақлаш, бундай воситаларни ўғирлаш ёки уларни тайёрлаш ва ҳоказо) мавжуд бўлмаса.

### **156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш**

*Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳустуёғларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:*

а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;

б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;

в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;

г) масъул мансабдор шахс томонидан;

д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жинойти халқ-аро миқйёсда янгиача қурунишларда содир этиш хусусиятлари вужудга келмоқда. Айниқса, оммавий тус олиниши билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилувчи нарсаларни тарқатиш билан боғлиқ ҳолда онгига таъсир қилувчи, жамиятда носоғлом муҳитни вужудга келтирувчи хусусиятлар билан содир этишлик ҳолатлари вужудга келди. Айниқса, диний экстремистик ёки террористик ҳаракатларни ташкил этиш борасида содир этиладиган миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилувчи нарсалар тарқатганликнинг ижтимоий хавфлилиги юқоридир.

Шахсни биринчи марта содир қилган ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тартилганидан кейин яна шундай ҳаракатларнинг қасдан содир этилганлиги бу ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилигининг юқорилашганлигидан далолат беради ва бундай ҳаракатлар учун жинойий жавобгарлик шахсни шундай ҳаракатларни бир йил мобайнида яна такроран содир этилганидагина жинойий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон жинси, ирқи, миллати, дини ёки бошқа хусусиятларидан қатъий назар, тенг эканлиги тўғрисидаги қоида ҳозирда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормасидир. Ушбу қоида 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда ва бошқа халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги эълон қилингани ҳолда ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4, 8, 31-моддаларида изчиллик билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида юқорида қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари сўзма-сўз такрорланади ва «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг»лиги кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 156-моддасида миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланиши ҳам ушбу қоидалар бажарилишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

3. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват ёки нифоқ келтириб чиқариш деганда, турли миллатлар, уруғлар, ирқлар ёки конфессияларга мансуб шахслар ўртасида низо келтириб чиқаришга қаратилган фаолият олиб бориш тушунилади.

4. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бундай қилмишлар содир этилиши тинчлик ва жамият барқарорлигини бузади, жиноятчиликнинг ўсишини келтириб чиқаради ва давлат тараққиётига жиддий хавф туғдиради.

5. Шарҳланаётган жиноят объекти тинчлик ва халқлар, миллатлар, давлатларнинг миллий, ирқий ёки диний тенглигини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлар кўринишидаги тинч-тотув яшаши хавфсизлиги ҳисобланади. Жиноятнинг факультатив объекти шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, турли мулк шакллари, жамоат тартиби ва бошқалар ҳисобланади.

6. Қуйидаги ҳаракатларнинг содир этилиши шарҳланаётган жиноятнинг объектив томонини ташкил қилади:

- фуқароларнинг миллий, ирқий ёки диний адоватини шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки шундай материалларни тарқатиш ҳаракатлари;

- фуқароларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқодини ҳақоратлайдиган ёки камситадиган турли хил ҳаракатлар ёки шундай манбаларни тайёрлаш;

- миллий, ирқий, этник ёхуд диний мансублигига қараб, фуқаролар ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашга қаратилган ҳаракатлар;

- миллий, ирқий, этник мансублигига ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг бевосита ёки билвосита устунликларини белгилаш.

7. Фуқароларнинг миллий шаъни ва кадр-қимматини камситиш, диний ёки даҳрийлик эътиқодига боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш орқали миллий, диний, ирқий зиддиятларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар турли ғоя ва қарашларни тарғиб қилишда ифодаланади. Бу ғоя ва қарашлар маълум бир миллат, ирқ ёки диний эътиқодга бўлган ишонч ва ҳурматни топтайди ҳамда ушбу миллат ёки ирқнинг ҳаёт тарзи, маданияти, анъаналари, диний одатларига нисбатан ғараз ёки нафратни келтириб чиқаради.

Мазкур ғоя ва қарашлар оғзаки, ёзма ёки кўргазмали намоён бўлиши шаклида тарғибот ва ташвиқот орқали ёйилиши, агрессив ҳужум, жисмоний жазолаш ёки шу билан таҳдид қилиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, ҳуқуқ, имтиёз ва устунликларни чеклаш ёки бекор қилишда ифодаланади. Зиддиятлар, ихтилофларни қўзғатиш усуллари квалификация қилишга таъсир этмайди. Шу билан бирга ушбу ғоя ва қарашлар умумий характерга эга бўлиб, аниқ бир шахсга қаратилмайди.



У ёки бу миллат ёхуд ирққа тақаштирилаётган ўзига хосликлар, хусусиятлар ҳақиқатга мос келиш-келмаслиги квалификация қилишда аҳамиятсиз. Бундай қилмишларнинг асосий мазмуни турли миллат, ирқ, диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ишончсизлик туғдириш, фаразли, ҳақоратомуз ёки бўҳтон фикрлар асосида жиддий душманликка айланувчи бегоналашув, шубҳа ва гумонлар уруғини сочишдан иборат.

8. Ҳуқуқларни чеклаш деганда, давлат органларининг, шунингдек, мулкчилик шакли турлича бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ҳуқуқларни рўёбга чиқаришдан бош тортиш тушунилади.

Агар шахснинг ҳуқуқлари туғридан-туғри унинг миллати, ирқи ёки диний мансублигини эътиборга олиб рўёбга чиқарилмаса, бу ҳуқуқни бевосита чеклаш, деб топилади.

Агар ҳуқуқни рўёбга чиқармасликнинг бевосита сабаблари (миллий, ирқий, диний мансублигига кўра) иккинчи даражали бошқа сабаблар билан ниқобланса, бу ҳуқуқни билвосита чеклаш, деб топилади. Масалан, ишга қабул қилиш ирқий мансублик сабабли рад қилинса, бевосита ҳуқуқни чеклаш ҳисобланади. Агар шахс моддий ёрдам сўраб мурожаат қилса-ю, лекин унга ёрдам кўрсатиш аслида миллий, ирқий ёки диний мансублик сабаб бўлиб, аммо рад этишда бошқа нарса (масалан, пул маблағлари йўқлиги) сабаб қилиб кўрсатилса, бу ҳуқуқни билвосита чеклаш ҳисобланади.

Ҳуқуқни чеклаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ҳар қандай шахснинг ижтимоий ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъий назар, унга тегишли ҳар қандай ҳуқуқни чеклашга тааллуқли бўлиши мумкин. Объектив асосларга (масалан, маблағлар етишмаслигига) кўра ҳамда илтимосномани қондиришни рад этиш миллий, ирқий ёки диний мансубликдан қатъий назар, кишилар ҳис-туйғусига таъсир кўрсатса, бу ҳуқуқни чеклаш ҳисобланмайди.

Муайян ирқ, миллат ёки диний гуруҳга кирувчи шахсларга қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш объектив асослардан қатъий назар, устунлик бериш, деб топилади.

Туғридан-туғри устунлик бериш деганда, имтиёзларнинг бевосита берилиши, билвосита устунлик бериш деганда эса, унинг ниқобланган ҳолда (масалан, бир миллий гуруҳ вакиллари ютиб чиқиши мумкин бўлган танлов ўтказиш) тақдим этилиши тушунилади. Муайян жамоат ташкилотлари аъзоларига қўшимча имтиёз берилиши, қуйидаги шартларга риоя этилганда, бевосита ёки билвосита устунлик бериш, деб қаралмайди:

- ташкилотга ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар қандай шахс кириши мумкин;
- устунлик фақат ташкилот доирасида ва фақат унинг ҳисоби-га берилади.

9. Жиноят ЖКнинг 156-моддаси, 1-қисми диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан биронтаси содир этилиши биланоқ тулганган ҳисобланади. Объектив томондан белгиланган ҳаракатларни содир этиш натижасида жиноий оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайди, бироқ, у жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

10. Субъектив томондан миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш қасддан содир этилади. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жиноятини содир этувчи шахс ўзининг қилмиши ижтимоий хавфлилигини билади ва уни содир этишни хоҳлайди.

Миллий, ирқий ёки диний адоват ёхуд ихтилофлар қўзғатиш мақсади жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноят содир этиш мотиви турлича: ўч олиш, рашк, ҳасад, фойда олиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Мотивлар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, аммо жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

11. 16 ёшга тулган ҳар қандай шахс жиноят субъекти ҳисобланади. Ҳуқуқларни чеклаш ёки афзалликлар белгилаш субъекти мансабдор шахс бўлса, унинг ҳаракатлари ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик (ЖКнинг 205-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик (ЖКнинг 206-моддаси) жиноятлари аломатлари билан содир этилганида ЖКнинг 156-моддаси, 2-қисми, «г» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

12. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жиноятининг бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli усулда, баданга оғир шикаст етказган ҳолда фуқароларнинг доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда масъул мансабдор шахслар томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда содир этилгани ҳолатларида жиноий жавобгарликка тортиш учун олдин маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишлиги талаб этилмайди.

13. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари шарҳланаётган жиноятларни:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli усулда;
- б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- г) масъул мансабдор шахс томонидан;

д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этишда ифодаланади.

14. Бошқа шахслар ҳаёти учун хавфли усулда жиноятни содир этиш деганда, миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш натижасида азият чекаётган гуруҳ вакилларида ташқари, бошқа шахслар ҳаётига ҳам реал хавф туғдириш тушунилади. Агар миллат, ирқ ёки дин вакиллари бўлган шахсларнинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам ўлими келиб чиқса, ушбу модда диспозицияси билан қамраб олинмайди ва жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

15. (Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).

Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жинояти натижасида битта шахсга оғир тан жароҳати етказилган тақдирда ҳам жиноят ЖКнинг 156-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Жабрланувчи шахснинг қайси миллат, ирқ ёки динга мансублиги муҳим эмас, бунда фақат оғир тан жароҳати етказишга миллий, диний ёки ирқий адоват қўзғатиш сабаб бўлганлиги муҳим ҳисобланади. Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатишда айбдор бўлган шахс жабрланувчига оғир тан жароҳати етказиш ЖКнинг 156-моддаси, 2-қисми, «б» банди билан қамраб олинган ва уни ЖКнинг 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Агар жабрланувчига етказилган тан жароҳати енгил ёки ўртача оғир бўлса, жиноятлар мажмуи тариқасида, тегишлича ЖКнинг 156-моддаси, 1-қисми ва 105-моддаси ёки 109-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим. Агар миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғаш мотиви асосида оғир тан жароҳати етказиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 111-моддаси, 2-қисми ва ЖКнинг 156-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши керак.

16. Фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчириш деганда, муайян миллат, ирқ ёки дин вакилларига жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиб уларни доимий яшаб турган жойларини хоҳишларига зид равишда тарк этишга мажбур қилишни тушуниш лозим. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб кўчириш, уларнинг мол-мулкани қонунга зид равишда йўқ қилиш, тан жароҳати етказиш ёки шу билан таҳдид қилиш, уларнинг доимий яшаш жойларидан зўрлик ишлатиб кўчириш тарзида амалга оширилиши мумкин.

17. (Масъул мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳида танишиш мумкин).

Агар ирқий, миллий ёки диний адоват қўзғатиш масъул мансабдор шахс томонидан узининг хизмат ваколатларидан келиб чиқувчи ва эгаллаган мансабига кўра, берилган ваколатлардан фойдаланиб содир этилган бўлсагина, жиноят масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган, деб ҳисобланади.

Айбдорнинг ҳаракатлари унинг мансаб ваколатлари билан боғлиқ бўлмаса, масалан, ўз обрўи, таниш-билишларидан фойдаланиши ирқий, миллий ёки диний адоватни қўзғатиш, деб топиламайди.

18. (ЖКнинг 156-моддаси, 2-қисми, «д» бандида назарда тутилган квалификация қилиш белгилари ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳида батафсилроқ танишиш мумкин).

Шарҳланаётган моддада бир гуруҳ шахслар деганда, оддий иштирокчилик, яъни олдиндан тил бириктирмаган ҳолда бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этиш назарда тутилган.

Агар миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилган бўлса, бунда жиноятни содир этиш мақсади ирқий, миллий, диний адоват қўзғатиш эканликни аниқлаш даркор. Агар бундай мақсад бўлмаса, қилмишни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмаган ҳолда миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш жиноятини содир этиш, деб квалификация қилиш керак.

## IX боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 157-модда. Давлатга хоинлик қилиш

*Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки уларнинг вакиллариغا давлат сирларини етказиш ёхуд Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда ёрдам курсатиш йўли билан давлатга хоинлик қилиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмиш*

— ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун жалб қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ўзининг бундай ҳамкорлиги туғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда арз қилса, унинг фаолияти эса, республика манфаатларига зарар етказмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.*

*Башарти, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, ўз қилмиши туғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.*

1. Давлатга хоинлик қилиш Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади.

Давлатга хоинлик қилиш моҳиятига кура, сотқинлик ҳаракатидир, яъни у Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг давлатимизнинг ташқи душманлари (хорижий давлат, чет эл ташкилоти ёки унинг вакиллари) билан биргаликдаги Ўзбекистон суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, мудофаа қобилияти, иқтисодиётига зарар етказишга қаратилган душманлик фаолиятидир.

Мазкур фаолият жосуслик, хорижий давлат, чет эл ташкилоти ёки унинг вакиллариغا Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини амалга оширишда давлат сирларини етказиш ёки бошқача ёрдам бериш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Давлатга хоинлик қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва хорижий давлат ёки ташкилоти вакиллариининг Ўзбекистонга қарши қаратилган жиноятларда биргаликдаги иштирокчилигининг

махсус шаклини ифода этади. Мазкур ҳолатда асосий хавф ташқаридан, яъни хорижий давлат ёки чет эл ташкилоти томонидан келиб чиқади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси эса, республиканинг ташқи душманларига ёрдам бериб, бу билан ўз давлатига сотқинлик қилади, унинг манфаатларига хиёнат қилади.

Бунда расмий шахслар (ҳукумат делегацияларининг аъзолари, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари, чет эл махсус хизматларининг ходимлари, чет эл ёки халқаро ноҳукумат делегацияларнинг аъзолари ва бошқалар), шунингдек, уларнинг топшириғини бажарувчи бошқа шахслар хорижий давлат ёки чет эл ташкилоти вакили бўлиши мумкин (чет эл давлати ёхуд чет эл ташкилоти тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 160-моддаси шарҳига қаранг).

2. ЖКнинг 157-моддаси диспозицияси мазмунидан келиб чиққанидек, шарҳланаётган жиноят кўп объектлидир.

Тажовуз қилиниши давлатга хоинлик, деб эътироф этилувчи объектлар қонунда аниқ санаб ўтилади, жумладан, буларга Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, мудофаа қобилияти, хавфсизлиги ва иқтисодиёти киради.

Суверенитет деганда, давлатнинг ўз ҳудудидаги устуворлиги ва унинг ташқи сиёсий фаолият олиб боришдаги тулиқ мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимияти ва умуман, давлат мустақиллигининг муҳим белгисидир.

Ҳудудий дахлсизлик деганда, Ўзбекистон Республикасининг яхлитлиги, ҳудудининг бўлинмаслиги ва чегараларининг бузилмаслиги тушунилади. Бунда ҳудуд деганда, давлат чегаралари миқёсидаги ер, ер ости, сув ва ҳаво ҳудудлари тушунилади.

*Мудофаа қобилияти* — давлатнинг суверенитети ва ҳудудий дахлсизлигини ташқаридан бўладиган ҳужумдан ҳимоялашни таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-маънавий салоҳияти.

*Хавфсизлик* — шахс, жамият ва давлатнинг ҳаёт учун муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдиддан ҳимояланганлик ҳолати.

Ҳаёт учун муҳим манфаатлар деганда, ўз навбатида, конституциявий тузум, суверенитет, ҳудудий дахлсизлик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги барқарорлик, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг сақланиши, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик таъминланиши тушунилади.

Иқтисодиёт (экономика) (юнон. *yikos* — уй, ҳужалик ва *nomos* — қоида, қонун; биргаликда — ҳужалик юритиш қоидалари) — мамлакат халқ ҳужалиги ёки унинг бир қисми бўлиб, у инсонлар

томонидан ҳаётни таъминлаш, эҳтиёжларни қондириш мақсадида меҳнатни қўллаган ҳолда инсон учун зарур бойлик, шарт-шароит ва воситаларни яратишда қўлланадиган восита, объект ва жараёнлар мажмуидир<sup>1</sup>. Иқтисод ўз ичига моддий (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо ва ҳоказо) ва номоддий (маърифат, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳоказо) ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олади.

3. Шарҳланаётган модданинг диспозициясида давлатга хоинлик қилишнинг объектив томонини ташкил этувчи қилмишларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилган:

- жосуслик;
- давлат сирларини чет эл давлатига етказиш;
- Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолиятини олиб боришда чет эл давлатига бошқача ёрдам бериш.

Мазкур моддада келтирилган давлатга хоинлик қилиш шакллари-нинг рўйхати тўлиқ бўлиб, уни кенг талқин қилиш мумкин эмас.

4. Жосуслик Ўзбекистон Республикаси суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги ва иқтисодиётига зарар етказиши мумкин бўлган давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсадида ғайриқонуний равишда ўгирлаш, йиғиш ёки сақлаш, шунингдек, уларни етказиш ҳисобланади.

Жосусликнинг объектив томони ЖКнинг 160-моддасини чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қўллашга доир шарҳда батафсилроқ ёритилган. Агар жосуслик Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан содир этилган бўлса, бу қилмиш ЖКнинг 157-моддасига кўра, давлатга хоинлик сифатида квалификация қилинади.

5. Давлат сирларини чет эл давлатига етказиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан унга хизмат юзасидан ёки бошқа шарт-шароитлар (масалан, махсус юридик мақом асосида (судья ўз ваколатларини амалга ошириши жараёнида улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлиш) натижасида маълум бўлган ва давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни қасддан маълум қилиш ёки етказиш, чет эл давлати, ташкилоти, уларнинг агентураси фойдасига жосуслик қилиш бундан мустасно. Давлат сирларини етказиш шуниси билан шахс хизмат (иш) ваколатларидан келиб чиқмаган ҳолда маълумотларни етказадиган ёки етказиш мақсадида сақлайдиган жосусликдан фарқ қилади.

<sup>1</sup> Б.А.Райсберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. Современный экономический словарь. М., ИНФРА, 1997, стр. 393.

Шархланаётган қилмиш предмети давлат сирлари ҳисобланган маълумотлардир.

Ўзбекистон Республикаси давлат сирлари сифатида давлат томонидан қуриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чекланган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа характердаги махфий ва ўта махфий ҳисобланган алоҳида аҳамиятга эга маълумотлар эътироф этилади.

Давлат сирлари давлат, ҳарбий ва хизмат сирларига бўлинади<sup>1</sup>.

6. Объектив томондан давлат сирларини етказиш ўта махфий ва махфий маълумотларнинг чет эл давлати, ташкилоти, агентурасига амалда топширилишидан иборат. Жиноят давлат сирини чет эл агенти эгаллигига топширилган пайтдан эътиборан содир қилинган ҳисобланади.

Давлат сирларини етказиш турли усуллар орқали: оғзаки, ёзма тарзда ҳар қандай шакл (хат, схема, шифрланган ёзув ва ҳоказолар)да хабар қилиш; давлат сирларини ифода этувчи ҳужжатларни топшириш; ахборотни телефон, Интернет орқали хабар қилиш; давлат сирлари ҳисобланувчи ашёларни топшириш ва ҳоказо тарзда амалга оширилиши мумкин.

Давлат сирларини етказиш бўйича, давлат, ҳарбий ёки хизмат сирларини ўз ичига олган маълумотлар чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг вакиллари томонидан қўлга киритилган пайтдан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади. Давлат сирларини етказишга суиқасд сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг давлат сирини ташкил этувчи мазкур маълумотларни топшириш пайтида қўлга олиниши эътироф этилиши мумкин.

7. Субъектив томондан давлат сирларини етказиш доимо қасдан содир қилинади ва қуйидаги белгилар мавжудлиги билан тавсифланади:

- маълумотлар давлат сирини ташкил этганлигини, албатта, англаш;
- маълумотлар чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг вакилларига топшириладиганлигини тушуниш.

Айбдор маълумотларни «тасодифан» қўлга киритиб (масалан, давлат сирларини ташкил этувчи ашёларни топиб олиб), уларнинг мазмунини англаган ҳолда чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг вакилларига топширган бўлса ҳам, давлат сирларини топшириш шаклидаги давлатга хоинлик сифатида эътироф этилиши керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, 1, 3-моддалари.



8. Давлатга хоинликнинг тури сифатида чет эл давлатига Ўзбекистонга қарши душманлик фаолиятини амалга оширишда ёрдам беришнинг объектив томони, агарда, у юқорида кўрсатилган давлатга хоинлик шакллари билан қамраб олинмаган бўлса, моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа қобилияти, иқтисодиётига зарар етказиш мақсадида амалга оширилган фаолиятда эҳтимол тутилган ташқи душманга жосуслик ва бошқа турдаги душманлик ҳаракатларини бажаришда кўмаклашиш билан боғлиқ қилмишларни ўз ичига олади.

Ушбу модда доирасида душманлик фаолияти сифатида Ўзбекистоннинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа қобилияти, иқтисодиётига бевосита ёки билвосита зарар етказиш мақсадида амалга оширилган фаолиятни тушуниш зарур.

Бундай фаолият сифатида қуйидагилар эътироф этилиши керак:

- ички ва ташқи сиёсий фаолиятга аралашув;
- Ўзбекистон манфаатлари мавжуд ҳудудда ҳарбий фаолликни кучайтириш, ифвогарлик билан Ўзбекистон томонлардан бири бўлиб қоладиган қуролли туқнашувни келтириб чиқариш ёки авж олдириш;
- Ўзбекистон Республикасига нисбатан иқтисодий санкцияларни ноқонуний қўллаш;
- чет эл махсус хизматлари ва ташкилотларининг жосуслик фаолияти;
- ахборот хавфсизлигига путур етказиш, жумладан, дезинформация тескари ахборот тарқатиш;
- иқтисодиёт, экология, сиёсат соҳасида инқирозли ҳолатни келтириб чиқаришга олиб келувчи бошқа турдаги фаолият.

9. Чет эл давлатига, ташкилотига ёки уларнинг вакиллариغا Ўзбекистонга қарши душманлик фаолиятини амалга оширишда бошқача ёрдам бериш объектив томондан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг вакиллари билан алоқа ўрнатиш ҳаракатларини амалга оширишда ва уларнинг топшириги бўйича қуйидагиларни содир этишда намён бўлади:

- Ўзбекистоннинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа қобилияти, иқтисодиётига зарар етказиш мақсадида бошқа (юқорида санаб ўтилганлардан ташқари) жиноятларни содир этиш. Мазкур гуруҳга, масалан, давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига тажовуз қилиш, кўпурувчилик ва ҳоказо жиноятларни содир қилиш киради. Ушбу жиноятлар содир қилинган

ҳолда айбдор қилмиши давлатга хоинлик ва айбдор томонидан содир қилинган муайян жиноят сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак;

- кўрсатилган жиноятлар белгиларини ташкил этмайдиган, лекин Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган қилмишлар, масалан, агентларни ёллаш, агентлар қаторига кириш, чет эл разведкаси агентларини ҳаракат воситалари, уй-жой, иш билан таъминлаш ва ҳоказо. Мазкур жиноятлар доираси кенг бўлиб, тулиқ рўйхати мавжуд эмас, лекин уларнинг барчасини Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳаракат эканлиги бирлаштиради.

Мазкур қилмиш душманлик фаолиятини амалга оширишга розилик берилган пайдан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан чет эл давлати ташкилоти ёки уларнинг вакилларига амалда ёрдам берилган пайдан жиноят тугалланган ҳисобланади. Ёрдам бериш режасини ишлаб чиқиш, чет эл давлати ёки унинг агентураси билан алоқа боғлаш учун қулай шарт-шароит яратиш, шахснинг ихтиёрида бўлган маълумотлар ва имкониятларни топшириш учун қулай тизимга келтириш ва ҳоказо душманлик фаолиятини амалга оширишда ёрдам беришга тайёргарликни ташкил этади. Чет эл давлати вакиллари билан алоқа ўрнатишга амалга ошмаган уринишни, чет эл разведкаси фойдалана олмаган ёрдамни кўрсатишга қаратилган хатти-ҳаракатнинг содир этилишини ва ҳоказоларни ушбу жиноятни содир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиш керак.

Душманлик фаолиятини амалга оширишда ёрдам бериш шаклидаги давлатга хоинлик Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида содир бўлиши мумкин, бироқ, бу қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

10. Субъектив томондан давлатга хоинлик қилиш фақат туғри қасддан содир қилиниши мумкин. Айбдор мазкур модда диспозициясида назарда тутилган қилмишнинг ижтимоий хавfli аҳамиятини англаб этади ва уни амалга оширишни истайди.

Давлатга хоинлик қилишнинг мотиви ва мақсади ҳар хил: сиёсий, гараз нияти, миллатчилик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Буларнинг мазмуни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жиноятни содир қилиш механизми, айб даражасини аниқлаш ва жазо тайинлаш жараёнида инobatга олиниши керак.

11. Давлатга хоинлик қилишда шахснинг айбини аниқлаш ва шарҳланаётган таркибни бошқа ташқи жиҳатдан ухшаш жиноятлардан фарқлашда айбдор шахси катта аҳамиятга эга.

Давлатга хоинлик қилишнинг субъекти фақат 16 ёшга тулган ақли расо Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлади.

12. Давлатга хоинлик натижасида етказилган зарарни минималлаштириш, шунингдек, мазкур жиноятни самарали ва тезкорлик билан очиш мақсадида ЖКнинг 157-моддаси, 2-қисмида рағбатлантирувчи норма белгиланган бўлиб, унга қўра айбдор томонидан ЖКнинг 157-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган шартлар бажарилса, у жинойий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Мазкур шартлар сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- айбдор ўзи чет эл давлати ёки ташкилоти билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий хабар бериши;
- шахснинг чет эл разведкаси билан ҳамкорлигидан Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етмаган бўлиши керак.

Ихтиёрий хабар қилиш деганда, айбдорнинг ўз ихтиёрига қўра ва ҳеч кимнинг мажбурлашисиз хабар қилиши тушунилади. Бу ҳолда айбдор ўзининг чет эл давлати ёки ташкилоти билан ҳамкорлигини давом эттиришнинг реаллигини ва ҳеч қандай салбий оқибатларга олиб келмаслигини англаб етади. Агарда, айбдор ўзининг ҳамкорлиги тўғрисида ушлаб олиш жараёнида ёки бошқа турдаги ташқи таъсир натижасида (масалан, Миллий хавфсизлик хизмати тергови натижасида) хабар берса, бу ихтиёрий хабар бериш, деб ҳисобланмайди.

Хабар беришнинг ихтиёрийлиги айбни бўйнига олиш тўғрисида бориб арз қилишни назарда тутмайди, лекин буни истисно ҳам қилмайди. Бу ҳолатда жиноятнинг содир қилиниши тўғрисида ҳокимият органларига хабар беришнинг ўзи (шу жумладан, бево-сита алоқа қилиш) етарлидир. Бунда ҳокимият органи деганда, нафақат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки барча ҳокимият органлари тушунилади.

Зарар етказилмаганлиги ЖКнинг 157-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган рағбатлантирувчи норманинг мажбурий шarti ҳисобланади.

Зарар етказилмаганлиги деганда, айбдорнинг ўз ҳамкорлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бериши, яъни бу ишни ҳокимият органлари Ўзбекистон манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиши учун етарли муддатга эга бўладиган тарзда амалга оширилиши керак. Объектив равишда бундай хабар айбдорнинг жиноятни оғир оқибатлари келиб чиқишининг олдини олишга онгли равишда ёрдам беришини англатади.

13. ЖКнинг 157-моддаси, 3-қисмида бошқа рағбатлантирувчи норма мустақамланган бўлиб, бу нормалар орқали айбдор қуйидаги шартларга риоя қилса, давлатга хоинлик қилиниши натижасида келиб чиқадиган оғир оқибатлар даражаси пасайиб, оқибатда айбдор жазодан озод қилиниши мумкин:

- содир қилинган жиноят тўғрисида ихтиёрий хабар бериш;
- жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш;
- бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олиш.

(Ихтиёрийлик тушунчаси тўғрисида бундан олдинги бандга қаранг).

Жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш деганда, айбдорнинг қилмиш содир қилиниши тўғрисида унга маълум бўлган шарт-шароитлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ихтиёрий ва ўз вақтида хабар бериши, Ўзбекистон Республикасига қарши айбдорга маълум бўлган бошқа шахслар (иштирокчилар, ташкилотчилар ва ҳоказолар) томонидан жиноят содир қилинишининг олдини олишда, учрашув ўтказиладиган ва конспиратив квартираларни аниқлашда ва бошқаларда кўмаклашиши тушунилади.

Ушбу рағбатлантирувчи норманинг зарурий шарти оқибат, яъни давлат учун оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳисобланади.

Оғир оқибат сифатида давлатнинг ҳаёти учун муҳим манфаатларига жиддий зарар етказилиш тушунилади. Хусусан, экологик фалокат, чет эл разведкасининг тармоқланган агентурасининг мавжуд бўлиши, коммуникация тизимларининг бузилиши, қуролли тўқнашувнинг келиб чиқиши, одамларнинг оммавий қирилиши ва бошқалар оғир оқибат, деб топилади.

Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 157-моддаси, 3-қисмининг ўзига хос томони шундаки, унга кўра чет эл давлати билан ҳамкорлик қилган айбдор шахс, ЖКнинг 157-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган шартларга риоя қилганда жиноий жавобгарликка тортилади, унга суд томонидан жазо тайинланади, лекин у жазони ўташдан озод қилинади.

### **158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш — ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига қасддан шикаст етказиш*

*— беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа омма-*

*вий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш*

— *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти республика ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки у, нафақат, шахс, балки биринчи ўринда давлат бошлиғидир (Конституциянинг 89-моддаси). Президент Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимиятининг бошлиғи, Олий Бош қўмондон, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Президентга тажовуз қилиш — Ўзбекистоннинг давлат тизимига, жамият ҳаётининг барқарорлигига, давлатнинг суверенитети ва хавфсизлигига муҳим зарар етказиши мумкин. Конституциянинг 91-моддасида белгиланганидек, «...Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади». Президентга тажовуз қилиш қандай шаклда амалга оширилмасин, бунинг учун жиноий жавобгарликнинг ўрнатилиши конституциявий қоидаларга риоя қилинишининг ҳуқуқий кафолатидир.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги, давлат тизими, давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолият кўрсатиши, Президентнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, эрки ҳисобланади.

3. Содир қилинган тақдирда жавобгарлиги ЖКнинг 158-моддаси, 1-қисмида белгиланган ушбу қилмиш объектив томондан Президент ҳаётига тажовуз қилишдан иборатдир.

Ҳаётга тажовуз қилиш деганда, Президентни ўлдиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат тушунилиши лозим. Хусусан, тажовуз сифатида ўлдиришга суиқасд қилиш, ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш ҳаракатларини тушиниш лозим.

4. Президентнинг ҳаётига тажовуз қилиш, юзага келган оқибатлардан қатъий назар, ЖКнинг 158-моддаси, 1-қисмига кўра тугалланган жиноят, деб квалификация қилиниши керак. Объектив жиҳатдан тажовузнинг амалдаги оқибатлари ўлимнинг келиб чиқиши, соғлиққа турли даражадаги оғирликда шикаст етказиш бўлиши мумкин. Тажовуз амалга оширилиб, кутилган натижа келиб чиқмаган ҳолларда соғлиққа умуман зарар етказилмаслиги ҳам мумкин (масалан, айбдор Президент ҳозир бўлган бинони портлатмоқчи бўлса-ю, лекин портлаш амалга ошмаса). Квалификация қилишга таъсир этмаган ҳолда зарарли оқибатлар келиб чиққан ёки келиб чиқмаганлиги субъектнинг айби даражасини баҳолашда ва жазо тайинлашда инобатга олинади.

Ўлим билан қўрқитиш, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш Президент ҳаётига тажовуз сифатида эмас, балки иш ҳолатларига кўра, шахсга нисбатан жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалар билан квалификация қилиниши керак.

5. Президентнинг қариндошлари, оила аъзолари ва яқинларига тажовуз Президентга тажовуз, деб ҳисобланмайди. Бундай қилмишлар, тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилиниши лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентига уни эгаллаган лавозимдан келиб чиқиб, қасддан тан жароҳати етказилиши шарҳланмаётган модданинг иккинчи қисми диспозициясида ўз ифодасини топган. Республика Президентига етказилган шикастнинг огирлик даражаси турлича (огир, ўртача огир, енгил шикаст) бўлиши мумкин, лекин уларнинг барчаси Президент эгаллаган лавозимдан келиб чиқиб етказилган бўлиши керак. Баданга етказилган шикастнинг даражаси квалификацияга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олинishi керак.

ЖКнинг 158-моддаси, 2-қисмида жавобгарлиги назарда тутилган қилмиш баданга шикаст етказилган пайдан эътиборан тугалланган жиноят, деб топилади. Башарти, айбдор баданга жароҳат етказишга қасд қилган бўлса-ю, айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда соғлиққа зарар етмаган бўлса, айбдор ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 158-моддаси, 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси Президенти баданига шикаст етказишга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

7. Президент ҳаётига тажовуз қилиш билан қасддан баданига шикаст етказиш ЖКнинг 158-моддаси, 2-қисми диспозициясидан келиб чиқиб, субъектив томондан фарқланиши керак. Президент баданига қасддан шикаст етказишда айбдорнинг қасди Президентнинг ўлимига эмас, балки баданига шикаст етказишга қаратилган. Субъектив томоннинг моҳиятига кўра, Президент ҳаётига тажовуз қилиш билан давлат бошлиғининг ўлимига олиб келган қасддан баданга огир шикаст етказишни фарқлаш лозим (бу тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).

8. Омма олдида ҳақоратлаш деганда, муайян миқдордаги шахслар олдида Президент фаолиятини унинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган (масалан, митинглар, йиғилишлар, маърузалар ва бошқа жойларда) баҳолаш тушунилади.

Шаън ва қадр-қимматни камситиш деганда, Президент шаъни ва қадр-қиммати ҳақидаги ижтимоий фикрни қонун, ахлоқ нормалари ва тамойилларига риоя этиш нуқтаи назаридан камситилиши тушунилиши керак.

Президентни ҳақорат қилиш, деб ҳисоблаш учун ҳақорат қилувчи ҳаракатларнинг оғир ёки енгиллигининг аҳамияти йўқ. Бундай ҳаракатларда айбли, деб ҳисоблаш учун Президент шаъни ва қадр-қимматини оммавий камситувчи шаклда бўлишининг ўзи кифоя қила олади. Қоида тариқасида бу одобсиз ёки беҳаё шаклда бўлиш-лигининг ўзи квалификация қилиш учун кифоя қила олади.

Президентни ҳақоратлаш ёзма ёки оғзаки шаклдаги ҳаракатлар билан бўлиши мумкин. Лекин уни амалга ошириш шакли квалификацияга таъсир кўрсатмайди.

9. Президентга туҳмат деганда, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи, ҳақиқатга мос келмайдиган, ёлғон ёки айбдор томонидан бузиб кўрсатилган маълумотларни муайян шахслар гуруҳига етказиш ва тарқатиш тушунилади. Бунда айбдор, ҳақоратлашдан фарқли равишда, ўзи тарқатаётган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаслигини англайди. Мазкур қилмишни квалификация қилишда ёлғон маълумотларнинг етказилиш шакли, яъни одоб-ахлоқ меъёрларига мос келиш-келмаслиги инobatта олинмайди. Президентни кўпчилик олдида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш ҳақорат ёки туҳмат хусусиятидаги ҳаракатлар содир қилинган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят ҳисобланади. Президентни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилишда газета ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш деганда, газета, журнал ва оммавий ахборот воситаларининг бошқа кўринишларидан фойдаланиш тушунилади. Бунда ОАВ қайси биридан фойдаланилганлик аҳамият касб этмайди.

10. ЖКнинг ушбу моддасида назарда тутилган мазкур жиноят объектив томонининг зарурий аломати жабрланувчининг шахсидир. У ёки бу шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолияти билан боғлиқ бошқа жиноятлардан фарқли равишда, мазкур жиноят аниқ бир шахсга – Президентга қарши қаратилади ва бу ҳаракатлар Президентнинг эгаллаган лавозими ҳамда мавқеидан келиб чиқиб содир қилинади. Жиноятни квалификация қилишда жабрланувчи бўлган Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми муддати катта аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Президенти қасамёд қабул қилган пайтидан лавозимга эгалик қилишни бошлайди ва Ўзбекистон Республикасининг янги Президенти лавозимни эгаллаган пайтда ваколати тугайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз доимо қасддан содир қилинади. Айбдор Президентга тажовуз қилаётганини ва бунинг натижасида давлат манфаатларига зарар етказилиши мумкинлигини англайди ҳамда оқибатнинг келиб чиқишини истайди. Айбдорнинг ўз ҳаракатларини содир этишида қандай мотив

ва мақсаддан келиб чиққанлиги квалификацияда аҳамиятга эга бўлмайди, лекин жазо тайинлашда инобатга олинishi лозим.

12. Мазкур жиноятнинг субъекти 16 ёшга тулган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Агар Президент ҳаётига тажовуз ёки қасддан баданга шикаст 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахс томонидан содир қилинса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми ёки 104, 106, 109-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

### **159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш**

*Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда узгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадда тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш — энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштирилишга қаратилган зуравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини бажармаслик*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кузлаган ҳолда содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*



*Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш — ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда ҳабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ ҳисобланиб, у ўз ваколатларини ўзи ёки вакиллари томонидан сайланган давлат органлари тизими орқали амалга оширади. Давлат ҳокимияти органлари ташкил топиши ва фаолият кўрсатишининг бирламчи асослари халқ иродасини ифода этувчи Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунда белгиланган. Конституция давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш тартибини, фаолият кўрсатишининг тўхтатилиши ва тугатилиши тартибини белгилайди. Шунинг учун мазкур тартибга, давлат органларининг мавжуд тизумига ёки улардан бирига тажовуз халқ иродасига тажовуз ҳисобланиб, ўз-ўзидан оғир жиноят сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, конституциявий тузумни ғайриқонуний ўзгартириш жиноятчилигининг ўсишига, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг оғирлашувига, охиروقибатда жамиятнинг ва унинг ҳар бир алоҳида аъзоси ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Конституциявий тузумни ғайриқонуний ўзгартиришнинг ижтимоий хавфлилиги ва мазкур турдаги фаолиятни юритишга «қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлиши»<sup>1</sup>дан кўрқитиш орқали чек қўйиш шундан келиб чиқади. Мазкур қондан амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида Жиноят кодексининг 159-моддаси юзага келади.

2. Жиноятнинг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасида мустақамланган конституциявий тузум, давлат ҳокимияти ва унинг органлари фаолиятининг Конституцияда белгиланган тартиби, Ўзбекистон ҳудудининг бўлинмаслиги ва дахлсизлиги ҳисобланади. Факультатив объект эса, фуқароларнинг ҳаёти ва соелиги, мулкнинг турли шакллари, бошқарув тартибидир.

Шарҳланаётган модда доирасида конституциявий тузум деганда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуи тушунилиб, улар давлатнинг Конституцияда ва уни ижро қилиш жараёнида қабул қилинган қонунларда белгиланган ички ташкилий элементларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирининг энг мустақам воситаларини ифодалайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 7-модда.

Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми қуйидагилар билан тавсифланади:

- шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш нуқтаи назаридан келиб чиққан шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизими<sup>1</sup>;

- давлат ҳокимияти органлари тизими, уларнинг тузилиши, ваколатлари, ташкил топиш тартиби;

- давлатнинг ҳудудий тузилиши.

Давлат ҳокимияти ва унинг органлари фаолиятининг конституциявий тартиби – бу Конституция билан мустаҳкамланган давлат ҳокимияти манбалари, тизими, унинг тузилиши ва амалга оширилиши шакллари.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқидир. Давлат ҳокимиятининг тузилиши Конституциянинг 11-моддасида белгиланган ҳокимият бўлиниши принципига асосланиб амалга оширилади, мазкур модда уни амалга оширишнинг асосий шакллари Олий Мажлис, Олий суд, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа шу каби давлат органлари конструкцияси куринишида ифодалайди (ҳудудий дахлсизлик тушунчаси туғрисида ЖКнинг 157-моддаси шарҳига қаранг).

3. Жинойтнинг объектив томони уни амалга оширилишининг қуйидаги икки шакли ўз ичига олиб, мазкур қилмиш учун жавобгарлик модданинг 1-қисмида белгиланган:

- давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга; ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга; Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очиқдан-очиқ даъват қилиш;

- бундай мазмундаги материалларни тарқатиш.

4. Даъват қилиш деганда, кишилар онги, иродаси ва хулқ-атворида таъсир қилишнинг мақсадга йўналтирилган шакли тушунилиб, бунда уларга бевосита мурожаат қилиш натижасида муайян турдаги фаолият билан шуғулланишга иштиёқ уйғотилади. Мазкур ҳолда субъект даъвати аниқ мақсадга фуқароларни бирлаштириш, уларнинг иродасини давлат ҳокимиятини босиб олиш ва сақлаб қолиш ёки конституциявий тузумни ўзгартиришга қаратишга йўналтирилган бўлади. Субъект даъвати бунда умумий характерда бўлади, яъни бирон-бир муайян шахсга қаратилган бўлмайди ва уларда жинойтни содир қилишнинг аниқ вақти, жойи ва усули кўрсатилмайди. Улар аниқ жинойтга игво билан далолат этишдан шу билан фарқ қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 14-модда.

Даъватнинг конституциявий тузумга тажовуз қилиш шакли сифатидаги ўзига хос хусусияти унинг очикдан-очиклигидир.

Даъватларнинг очикдан-очиклиги (оммавийлиги) деганда, уларнинг ошкоралиги, тушуниш осон бўлган хусусиятга эгаллиги, кенг доирадаги шахсларга қаратилганлиги тушунилади. Даъватнинг оммавийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолатда барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳал қилинади. Содир қилинган ҳаракатнинг жойи, вақти, шароити даъватнинг омма томонидан қабул қилинганлигини тасдиқлаши шарт.

Даъватни тарқатиш шакли турлича: оғзаки, ёзма, алоҳида ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан (масалан, имо-ишоралар) ёки муайян фаолият билан шуғулланиш кўринишида (масалан, театр кўриниши, сурат) бўлиши мумкин. Даъват, шунингдек, турли ҳиссиётлар хусусиятида бўлиши, умуман мавжуд конституциявий тузумга ёки унинг алоҳида элементларига қарши қаратилган бўлиши мумкин. Бироқ, кўрсатилган вазиятлар квалификацияга таъсир кўрсатмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши лозим.

5. Шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, ҳокимиятни босиб олиш деганда, муайян шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан давлат ҳокимиятининг бутунлигича ёки унинг бир қисмини (қонунчилик, ижроия ёки суд) амалга ошириш ваколатининг Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ўзгартирмаган ҳолда конституцияга хилоф равишда қўлга киритилиши тушунилади.

Конституцияга хилоф усул деганда, давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг қонунда ва унинг асосида қабул қилинган норматив актларда тўғридан-тўғри белгиланмаган усули тушунилиши лозим. Масалан, конституцияга хилоф деганда, шахснинг сайланадиган лавозимга (масалан, Олий Мажлис депутатлигига) тайинланиши ёки вақтинча жойида бўлмаган туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ваколатлари ўзлаштирилиши ва ҳоказолар тушунилади. Бир давлат органи ёки ташкилот томонидан бошқа бир давлат органининг ваколатлари ўзлаштирилиши (масалан, ассоциациянинг вазирлик ваколатларини ўзлаштирилиши) ва бошқалар давлат ҳокимиятини конституцияга хилоф усулда эгаллаш сифатида эътироф этилиши керак.

Ҳокимиятни босиб олиш бутун давлат ҳокимиятига ёки унинг алоҳида тармоғига нисбатан амалга оширилиши, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудига ёки бир қисми (туман, вилоят, аҳоли яшаш пункти ва ҳоказо)га тарқалиши, турли шаклларга эга бўлиши мумкин,

текши бу ҳолатлар квалификацияга таъсир этмайди. Бироқ, жазони таъинлашда эътиборга олиниши керак.

6. Қонуний таъинланган ҳокимият вакиллариининг ҳокимиятдан четлатилиши қонуний вакиллариининг ўзига юклатилган ваколатларининг амалга оширишлари имкониятини объектив равишда нуққа чиқаради. Ҳокимиятдан четлатилиш жисмоний ажратиб қўйишга, муайян касалликка чалиниш, биноларининг кириш-чиқиш нуқталарининг беркитилиш ёки бошқа шу каби ҳаракатларда ўз ифодасини топиши мумкин бўлиб, улар натижасида ҳокимият вакили таъват томонидан ўзига юклатилган ваколатларини амалга ошира олмайдди. Бундай ҳолатда, агар ҳокимиятдан четлатилиш ЖК алоҳида молдаларида назарда тутилган ҳаракатлар натижасида амалга ошган бўлса, айбдорларининг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак. Чунки лавозимдан четлатилиш усуллари мазкур таркиб доирасидан ташқаридадир. Масалан, агар айбдор ҳокимиятдан четлатилиш усули сифатида давлат арбобини ўширишга оммавий равишда даъват қилган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 159-моддаси, 1-қисмига кўра, ҳокимиятдан четлатилишга даъват сифатида ва ЖКнинг 28-моддаси, 4-қисмига, 97-моддаси, 1-қисмига кўра одам ўлдиришга далолатчилик қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

Давлат ҳокимияти органи вакили бўлган, ўз ваколатлари доирасида муайян вазифани мунтазам ёки вақтинча бажараётган, фуқаролар ёки мансабдор шахсларининг кўпчилиги учун мажбурий ҳаракатлар қилиш ёки фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳокимият вакиллари ҳисобланади. Ҳокимият вакили муайян лавозимга сайланганлик факти билан боғлиқ равишда лавозимини эгаллаган бўлса, у сайланган ҳисобланади (масалан, Олий Мажлис депутаты). Агар ҳокимият вакилининг ўз лавозимини тегишли ваколатларга эга бўлган бошқа бир ҳокимият вакилининг ўшириши натижасида эгаллаган бўлса, у тайинланган ҳисобланади (масалан, судья, вазир, прокуратура ходими ва ҳоказо). Конституциявий тузум тўлалигича ёки қисман ўзгартирилиши мумкин. У Ўзбекистоннинг бутун ҳудудига ёки унинг бир қисмига тарқалиши, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларининг барчасига ёки бир қисмига таъсир кўрсатиши мумкин. Мазкур ҳолатлар жиноятнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди.

Мазкур жиноят юқорида кўрсатилган ҳолатлардан биттаси содир қилинган пайтдан, одамларга тегишли таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганигидан қатъий назар, тугалланган, деб ҳисобланади.

7. Ўзбекистон ҳудудининг бирлиги деганда, Ўзбекистон Республикасининг тулиқлиги, бутунлиги ва бўлинмаганлиги хусусияти ёки ҳолати тушунилади. Бошқача айтганда, бирлик республика ҳудудининг бўлинмаслиги ва бутунлигини билдириб, буни фақат қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий механизм ёрдамида ўзгартириш мумкин.

Ҳудудий бирликни конституцияга хилоф тарзда бузиш деганда, ўрнатилган конституциявий тартибга зид равишда Ўзбекистон ҳудудининг бир қисмини ажратиб олиб, унинг мустақиллигини эълон қилиш ёки бошқа давлат ҳудудига қўшиб қўйиш тушунилади.

8. Юқорида кўрсатилган даъватларни акс эттирувчи маълумотларни тарқатиш деганда, уларни кенг оммага етказишнинг барча усуллари тушунилади. Хусусан, бу даъватларни ифода этувчи адабиётлар, варақалар, аудио ва видеоматериалларни сотиш, бепул тарқатиш, почта, телеграф, Интернет ёки бошқа воситалар ёрдамида тарқатиш тушунилади.

9. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қуйидагилар билан боғлиқ равишда Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига тажовуз учун жавобгарликни назарда тутати:

- Конституциявий ҳокимият органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатларни содир этиш;

- давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик.

10. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими ҳокимият бўлиниши принципига асосланган ҳолда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади ва «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади»<sup>1</sup>.

11. Ҳокимиятнинг конституциявий органи деганда, давлат механизмининг ташкилий қисми тушунилиб, у давлат олдида турган жамиятни бошқаришнинг алоҳида соҳасидаги вазифаларни бажаришда ваколатлар ва зарурий воситаларга эгадир. Давлат органи битта мансабдор шахс ёки мансабдор шахслар гуруҳи кўринишига эга бўлиши мумкин. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, судлар, халқ де-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 7-модда, 2-қисми.

тутағлари кенгашлари ва уларга бошчилик қилувчи ҳокимлар тим-соида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади. Ҳокимиятга келиш ва уни бошқаришнинг конституцияга хилоф тарзи ғайриқонуний ҳисобланади. «Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади»<sup>1</sup>.

Давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширувчи шахсларга ёки давлат ҳокимияти органларининг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш ёхуд уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмаси билан алмаштириш мақсадида кўрсатилаётган ташқи жисмоний ёки руҳий таъсир зўравонлик ҳаракати сифатида эътироф этилади. Масалан, булар зўравонлик сифатида, давлат органи биносининг ҳарбий қамали; қўлга олинганларни ўлдириш билан кўрқитган ҳолда парламентнинг тарқатилишини талаб қилиш; кўзғолон, бўйсунмаслик ва ҳоказолар билан кўрқитиб муайян давлат ҳокимияти органининг ташкил этилишини талаб қилиш, яъни фуқароларнинг ҳаракатлари ўз қарашларидан келиб чиқмасдан, балки ташқи омиллар натижасида амалга оширилган ҳолларнинг барчаси. Фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда муайян ҳокимият функциясини бажарувчи органнинг тузилиши (масалан, шариат суди томонидан одил суд юрғуни амалга ошириш бўйича) зўравонлик, деб топилмаслиги керак. Бундай ҳаракат, тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, Конституцияда назарда тутилган тартибга риоя этмаган ҳолда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги ваколатли органларнинг қарорларини белгиланган муддатда ижро қилмаслик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, агар зўравонлик ҳаракатлари шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга, мулкчиликка, бошқарув тартибига зарар етказилиши билан амалга оширилса, улар жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак. Баданга енгил ёки ўртача оғирликдаги шикаст етказиш билан содир этилиши ЖКнинг 159-моддаси, 1-қисми билан қамраб олинади. Баданга оғир шикаст етказиш билан содир этилиши ҳолатида эса, жиноятлар жами тариқасида квалификация қилиш лозим.

12. Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳокимиятнинг конституциявий органлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 7-модда, 3-қисми.

фаолиятини амалга оширишни қийинлаштириш ёки тўхтатиб туришга уриниш тарзида намоён бўлади.

Мазкур белги бўйича квалификация қилишда муайян давлат ҳокимияти ваколатига эга аниқ шахс ёки шахслар гуруҳининг ушбу ваколатларга эга бўлишининг муддат доирасини белгилаш катта аҳамият касб этади. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Президенти қасамёд қабул қилган пайтидан лавозимини эгаллайди ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа (ундан кейин сайланган) Президенти лавозимни эгаллаган пайтда лавозимидан озод бўлади, Олий Мажлис депутати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов натижалари тасдиқланган пайтдан унинг ўрнига бошқа депутат сайланган пайтгача ваколатга эга бўлади ва ҳоказо.

Агар қонуний фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилиш ушбу муддат доирасидан четга чиқса, қилмишни конституциявий органларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик сифатида квалификация қилиш мумкин эмас. Зарурий белгилар мавжуд бўлганда, қилмиш шахсга нисбатан тегишли жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим.

Таъкидлаш жоизки, қонуний фаолиятни амалга оширишга зўравонлик билан тўсқинлик қилиш квалификация қилингани каби, ҳокимиятнинг мажбурий ушлаб туриш, яъни айбдор томонидан эгаллаган, у сайланган ёки тайинланган лавозим ва давлат ҳокимияти ваколатларини мажбурий, конституцияга хилоф тарзда давом эттириш ва қонуний равишда сайланган ёки тайинланган шахсларнинг мазкур ваколатларни амалга оширишларига йўл қўймаслик ҳам квалификация қилинади.

Ҳокимият вакиллариининг мажбурий тарзда айбдор манфаатларини кўзлаб ҳаракатни амалга оширишлари (масалан, товламачилик оқибатида даромад келтирмайдиган битимларни тузиш, жабрланувчи ёки унинг яқинларига таъсир кўрсатган ҳолда қарорлар қабул қилиш ва ҳоказолар) ҳам давлат органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш сифатида квалификация қилиниши керак. Тегишли белгилар мавжуд бўлганда, бундай қилмишлар жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Ҳокимиятнинг конституциявий органларини Конституцияда назарда тутилмаган мужозий тузилмалар билан алмаштиришга қаратилган ҳаракатлар конституцияда белгиланмаган давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва қонуний органлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳаракатларини амалга оширишни акс эттиради, масалан, «Ўз» парламентини тузиш ва Олий Мажлис фаолиятига қаршилик кўрсатиш каби. Объектив томондан алмаштириш

ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, уларга кўра конституцияда назарда тутилмаган ҳокимиятнинг параллел тузилмалари ташкил қилиниб, шу билан бирга ҳокимиятнинг конституциявий органлари фаолияти тўхтатилади.

14. Конституция ва ундаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида қабул қилинган қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат органларини тузишнинг орган турига қараб, ўзига хос тартиби белгиланган (масалан, Президентнинг халқ томонидан сайланиши, Вазирлар Маҳкамасининг Президент томонидан шакллантирилиши ва ушбу таркибнинг Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши). Мазкур шартларга риоя қилинмаса, тузилган органнинг легитимлиги тўғрисида, бинобарин, бундай органнинг давлат ҳокимияти ваколатларига ва давлат мажбурлов кучига эга бўлиши тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Ушбу тартибга риоя қилмаслик орган ташкил топишининг ғайриқонунийлигини ва уни тугатиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Ноқонуний ташкил топган ҳокимият тузилмаси, одатда, жамоат бирлашмаси ҳисобланади ва суд бундай бирлашмани, унинг фаолияти қонунга хилофлиги аниқланган ҳолда тарқатиб юборишга ваколатли орган ҳисобланади. Агар қонунга хилоф тарзда тузилган ҳокимият тузилмаси суднинг тугатилиш тўғрисидаги қарорини ижро этмаса, ЖКнинг 159-моддаси, 2-қисмига кўра, жавобгарликка тортилади. Агар ҳокимият тузилмаси ягона жисмоний шахс сифатида намоён бўлса, унинг давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширишини тўхтатиши учун асос суднинг қарори ҳисобланади. Конституцияга кўра, бундай ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширишни тўхтатиш тўғрисидаги суднинг қарори ушбу ташкилотлар мансабдор шахслари ва жисмоний шахсларни ЖКнинг 159-моддаси, 2-қисмига кўра, жавобгарликка тортиш учун зарурий шарт ҳисобланади. Агар ҳокимият тузилмаси Конституция ва қонунларга зид равишда давлат ҳокимиятининг легитим тузилмаси, масалан, вазирлик бўлинмаси сифатида тузилган бўлса, суддан ташқари, юқори турувчи ташкилот ҳам унинг тарқатилишини талаб қилиши мумкин.

15. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми қилмишнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир қилганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Конституциявий тузумга тажовузнинг такрорийлиги деганда, ЖКнинг 159-моддаси, 1 ёки 2-қисмида кўрсатилган муайян ҳара-



катларнинг биттаси содир қилингандан кейин амалга оширилиш тушунилади (такрорийлик тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 52-моддаси шарҳига қаранг).

Конституциявий тузумга тажовузнинг хавфли рецидивист томонидан содир қилиниши айбдорнинг ЖКнинг 159-моддаси бўйича судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олиб ташланмаган пайтда амалга оширилиши тушунилади (бу ҳақда ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

Бу моддага кўра, уюшган гуруҳ сифатида икки ёки ундан ортиқ шахснинг конституциявий тузумга тажовуз қилиш мақсадида бирлашишлари тушунилиши лозим (уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

16. Конституциявий тузумга тажовузнинг алоҳида шакли сифатида қонун фитнани кўрсатади.

*Фитна* — ҳокимиятни босиб олиш ёки мавжуд тузумга қарши қаратилган бошқа ҳаракатларни содир қилиш мақсадида уюшган ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги махфий келишув.

Фитнанинг жиноий бирлашма сифатидаги зарурий белгиси унинг мавжуд конституциявий тузум ва ҳокимиятга қарши қаратилганлиги ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган модда диспозициясига кўра, фитна ҳокимиятни босиб олишга ёки конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган бўлади. Бунда ҳокимиятни босиб олиш деганда, конституциявий тузумни ўзгартирмаган ҳолда конституцияда назарда тутилмаган сиёсий партиялар, ҳаракатлар, гуруҳ ёки бошқа кучларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятига келишининг конституцияга хилоф усули сифатида тушунилиши керак.

Конституциявий тузумни ағдариш деганда, давлат ҳокимияти тузилишининг қонунга хилоф тарзда ўзгартирилиши ёки бузилиши, ҳокимият институтларининг бекор қилиниши (масалан, Президент лавозимининг бекор қилиниши) ва янгиларининг киритилиши, давлат бошқарувининг ва қарорлар қабул қилинишининг демократик асосларини торайтириш, «янги» Конституциянинг мажбурий тарзда амалга киритилиши ва ҳоказолар тушунилади.

17. Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар формал таркибли ҳисобланади. Жиноят шарҳланаётган модда қисмлари диспозицияларида кўрсатилган ҳаракатлар содир қилинган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Конституциявий тузумга тажовуз қилишнинг турли шакллари амалга оширилишининг оқибатлари келиб чиқиши жиноий жавобгарликка тортилиш учун зарурий белги ҳисобланмайди.

18. Субъектив томондан юқорида кўриб чиқилган конституциявий тузумга тажовузнинг шакллари тўғри қасд ва махсус мақсад билан тавсифланади. Айбдор Ўзбекистон конституциявий тузумига тажовузнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаб етади ва уларни содир қилишни истайди. Субъектив томоннинг зарурий белгиси сифатида мақсад – конституциявий тузумни ўзгартириш ёки ағдариш, ҳудудий бирликни бузишда намоён бўлади. Мазкур ҳаракатларни содир қилишнинг мотивлари ғоявий қабул қилмаслик ёки мавжуд конституциявий тузумга нафрат билан қараш ва бошқалар бўлиши мумкин. Мотивлар квалификацияга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инobatга олиниши лозим.

19. Конституциявий тузумга тажовуз қилишнинг субъекти фуқаролигидан қатъий назар, 16 ёшга тўлган шахслар ҳисобланади. Агар мазкур жиноятни содир қилишда 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар айбдор бўлса, улар шарҳланаётган қилмишни амалга оширишнинг усули сифатида аниқ жиноятлар содир қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

20. Ушбу модда рағбатлантирувчи нормага (ЖКнинг 159-моддаси, 5-қисми) эга бўлиб, унга кўра фитнанинг иштирокчиси бўлган шахс ҳокимият органларига фитнесда ихтиёрий равишда хабар берса, у жавобгарликдан озод қилинади. Бироқ, озод қилиш учун икки шартнинг бажарилиши асос бўлади:

- фитнесда ихтиёрий равишда хабар берилиши;
- ҳокимият босиб олинишининг ёки конституциявий тузум ағдарилишининг олди олиниши.

Бу норма моҳиятига кўра, ЖКнинг 157-моддаси, 3-қисмида мустаҳкамланган нормага ўхшашдир.

### 160-модда. Жосулик

*Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сирини ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек, етказиш мақсадига қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек, чет эл разведкасининг топшириги бўйича Ўзбекистон Республикасига зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши*

– ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Чет эл разведкаси билан ҳамкорлик қилишга жалб қилинган шахс, башарти, ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарликдан озод қилинади.*

*Ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши туғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.*

1. *Жосулик* — бу ҳарбий, сиёсий, тижорат ёки бошқа турдаги махфий маълумотларни жосуслар, махфий агентлар ёки кузатувнинг ноқонуний воситалардан фойдаланган ҳолда қўлга киритиш.

Ушбу жиноятни содир этишнинг ижтимоий хавфлилиги давлат сирини ташкил этувчи муҳим ахборотларнинг давлат эгалигидан чиқиб кетиши мумкинлигидадир. Бундан ташқари, жосулик жиноий қилмиш сифатида Ўзбекистон Республикасига қарши бошқа жиноятларнинг содир этилиши учун шароит яратади.

2. *Жосуликнинг объекти* Ўзбекистоннинг суверенитетини сақлаб қолиш, мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини, прогрессив ривожланишини таъминлаш бўйича ўта муҳим манфаатлари ҳисобланади.

Бевосита объект сифатида давлат сирларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича ижтимоий муносабатлар эътироф этилади.

Жосуликнинг предмети, қонунда кўрсатилганидек, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар, яъни ўта махфий ва махфий бўлган, давлат томонидан муҳофаза қилинган ва махсус рўйхатлар билан чекланган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, фан-техника ва бошқа маълумотлардан ташкил топган<sup>1</sup>.

Маълумотлар давлат, ҳарбий ёки хизмат сирини ташкил этиши мумкин. Давлат сирларидан ташқари, жосуликнинг предмети сифатида Ўзбекистон Республикасига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар намоён бўлади.

Шарҳланаётган модда мазмунига кўра, бошқа маълумотлар деганда, сир тутилмаган, лекин объектив сабабларга кўра миллий манфаатларга қарши ишлатилиши мумкин бўлган ахборот тушунилади. Масалан, ҳарбий кучлар сони туғрисидаги маълумотлар, халқ ҳужалиги етакчи гармоқларининг иқтисодий ҳолати ҳақидаги ахборот ва ҳоказолар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Давлат сирларини сақлаш туғрисида»ги Қонуни, 1-модда.

3. Объектив томондан жосулик қуйидаги ҳаракатларни содир этишда ифодаланади:

- давлат сирини ташкил этувчи ва Ўзбекистон Республикасига зарар етказиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа маълумотларни етказиш;

- давлат сирини ташкил этувчи ва Ўзбекистон Республикасига зарар етказиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа маълумотларни етказиш мақсадида қўлга киритиш;

- давлат сирини ташкил этувчи ва Ўзбекистон Республикасига зарар етказиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа маълумотларни етказиш мақсадида йиғиш;

- давлат сирини ташкил этувчи ва Ўзбекистон Республикасига зарар етказиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа маълумотларни етказиш мақсадида сақлаш.

4. *Маълумотларни етказиш* — уларни ҳар хил усулда адресатга, яъни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш. Маълумотларни етказиш ҳар хил усул ва шаклда: оғзаки, воситачи орқали, техник воситалардан, почта хизмати, Интернет, хуфя жойлар ва бошқалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Жинойтни квалификация қилиш учун усул ёки шакл аҳамиятга эга эмас.

Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни етказиш улар олувчининг фактик эгалигига ўтган пайтдан тугалланган, деб ҳисобланади.

5. *Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ўғирлаш* — уларни қонуний эгалик қилган шахслардан ҳар хил ноқонуний усулда олиб қўйишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш. Бунда эгалик қилувчи шахслар, амалдаги қонунчиликка кўра, давлат сирларига эгалик қилиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин. Давлат сирларини ўғрилаш — маълумотларни хизмат лавозими юзасидан уларга эгалик қилувчи шахслардан, муассасалардан ўғрилаш, ҳужжат ва ашё (намуналар, деталлар, асбоблар ва ҳоказо)лардан нусхалар олиш усулида амалга оширилиши мумкин. Одатда, ўғрилик махфий равишда содир қилинади. Шу билан бирга, зўрлик (босқинчилик, талончилик) қўлланган ҳолда ошқора содир қилиниши мумкин.

Давлат сирини айбдорнинг эгалигига тулиқ ўтиб ва унда маълумотларни тасарруф этиш имконияти вужудга келган пайтдан бошлаб ўғрилик тугалланган ҳисобланади.

6. *Йиғиш* — давлат сирлари бўлган маълумотларни талон-тарож қилиш аломатларисиз қўлга киритиладиган ҳар қандай ҳаракатларни тушиниш мумкин.

Йиғишнинг турли усуллари бўлиши мумкин: кузатув, техник воситаларни қўллаган ҳолда; сирни сақловчилар билан мулоқот ва суҳбат давомида маълумотларни аниқлаш; мутахассислар суҳбатини яширинча эшитиб олиш; техник алоқа воситаларга санкцияланмаган уланиш ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Йиғишнинг усули қилмиш квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Жосуликнинг давлат сирини йиғиш шакли оқибатидан қатъий назар, сир тутилган маълумотларни йиғиш мақсадида у ёки бу ҳаракат амалга оширилган пайтдан тугалланган, деб ҳисобланади.

7. *Сақлаш* — сир тутилувчи ва бошқа маълумотларни кейинчалик бошқа шахсга, жумладан, чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсадида вақтинча эгалик қилиб туриш. Маълумотларни сақлаш уларни ахборотни мустаҳкамловчи ташқи аккумулятив манбалар (қоғоз, магнит ленталари ва бошқа ташувчилар) ёрдамида ёки эслаб қолган ҳолда сақлаш мумкин. Сақловчи томонидан маълумотларнинг қўлга киритилиши билан сақлаш тугалланган, деб ҳисобланиши лозим.

Жосуликнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти, уларнинг агентурасига етказиш мақсадида ёки чет эл разведкаси топшириғи буйича тупланган тақдирдагина жиноят ҳисобланади.

8. Чет эл давлати сифатида Ўзбекистон Республикасидан ташқари халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари: давлатлар, халқаро ташкилотлар, мустақиллик учун курашувчи миллатлар, давлатга ўхшаш тузилмалар эътироф этилиши керак.

Давлат деганда, суверен давлат белгилари (суверенитет, ҳудуд, аҳоли ва ҳокимият)га эга мамлакат тушунилади.

Халқаро ташкилот — халқаро келишувлар асосида тузилган доимий фаолият кўрсатувчи ҳукуматлараро ёки ноҳукумат бирлашма.

Ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқлар мустақил давлат тузилгунча улар номидан иш олиб борувчи мувофиқлаштирувчи органга (масалан, Фаластин озодлик ташкилоти) эга бўлсагина, халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Давлатга ўхшаш тузилмалар (квазидавлатлар) — халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос субъекти бўлиб, улар давлатнинг айрим белгилари (ҳудуд, суверенитет, фуқаролик, ҳукумат ва ҳоказо)га эга бўлишади. Ватикан шундай тузилма ҳисобланади<sup>1</sup>.

9. Чет эл ташкилоти чет элда ташкил қилинган ва турли ташкилий-ҳуқуқий юридик шахс ташкил этмасдан тижорат ёки но-

<sup>1</sup> Международное публичное право. Под ред. К.А.Бекяшева. М., «ПРОСПЕКТ», 1999, стр. 92—106.

тижорат шаклга, биргаликда муайян режани амалга оширувчи ёки умумий мақсадга эга, белгиланган қоидалар асосида Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиш мақсадига чет эл давлати ёки ўзи учун давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни йиғиш фаолияти билан шуғулланувчи одамлар бирлашмасидир. Бунда ташкилотнинг расмий равишда қайси давлат ҳудудида рўйхатдан ўтганлиги аҳамиятга эга эмас. Террористик ташкилотлар, уюшган жиноий гуруҳлар учун маълумотларни йиғиш, ўғирлаш, етказиш ва сақлаш чет эл ташкилоти манфаатларида содир қилинган жосулик, деб ҳисобланиши лозим.

*Чет эл разведкаси* — чет эл давлатининг давлат органи бўлиб, разведка ва жосулик фаолиятини амалга ошириш ваколатларига эга.

*Агентура* — муайян чет эл давлати агентларининг Ўзбекистон ҳудудидаги мажмуи. Бунда агентлар деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда ёки вақтинчалик яшовчи ва чет эл давлати, чет эл ташкилоти, бевосита разведкага ёки уларнинг вакиллари учун маълумотларни йиғувчи, умумлаштирувчи, сақловчи ёки етказиб берувчи шахслар тушунилади. Шахсни агент, деб эътироф этишда унинг фуқаролиги, у ёки бу қонуний фаолият билан шуғулланиши, ҳаёт кечириш манбаи, у ёки бу лавозимни эгаллаши, чет эл давлати, ташкилоти ёки разведкаси учун ҳақ эвазига ёки бепул ишлаши аҳамият касб этмайди.

10. Жосулик ўз ташаббусига кўра ёки чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг агентураси ёхуд чет эл разведкаси топшириғига кўра амалга оширилиши мумкин. Чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг агентураси ёхуд чет эл разведкаси билан алоқанинг боғланиши жиноятни содир қилиш учун тайёргарлик ҳисобланади. Тўхтатилган маълумотни, масалан, ўғирлик йўли билан йиғиш ҳаракати жиноятга суиқасддир.

11. Субъектив томондан жосулик тўғри қасд шакли билан ифодаланади. Айбдор давлат сирларини Ўзбекистон манфаатларига зарар етказган ҳолда чет эл давлати, ташкилоти ёки уларнинг агентураси ёхуд чет эл разведкаси учун йиғайтганлиги, сақлаётганлиги ва етказайтганлигини англаб етади ва бу ҳаракатларни содир қилишни истайди. Жосулик фаолиятини амалга ошириш мотивлари турлича бўлиши мумкин, лекин улар қилмиш квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Ҳоқоний қарашлар, ғараз ва ҳоқонлар мотив бўлиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti — давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиш мақсади мавжудлиги.

12. Қонунда кўрсатилишича, жосуслик субъекти махсус шахслар — 16 ёшга тулган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролигида бўлмаган ва чет эл давлати фуқаролигига эга бўлганлигини тасдиқловчи далилларга эга шахс чет эл фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон фуқаролигида бўлмаган ва чет эл давлати фуқаролигига эга бўлганлигини тасдиқловчи далилларга эга бўлмаган жисмоний шахс ҳисобланади.

Агар жосуслик фаолияти Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан содир қилинса, қилмиш ЖКнинг 157-моддаси бўйича квалификация қилиниши шарт. Таҳлил қилинаётган модданинг 2 ва 3-қисми ЖКнинг 157-моддасининг тегишли нормалари билан ўхшашдир.

### 161-модда. Қўпоровчилик

*Қўпоровчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар*

— ун йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Қўпоровчиликнинг ижтимоий хавфлилиги, биринчидан, айбдор ҳаракатларининг одамлар ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилганлиги, иккинчидан, қўпоровчилик актлари қаратилган халқ хўжалиги объектларининг муҳимлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, қўпоровчилик, асосан, ижтимоий хавфли усулда содир қилинади ва бу билан бир йўла кўпгина объектларга ва оммавий равишда зарар етказиш хавфини келтириб чиқаради.

2. Қўпоровчиликнинг бевосита объектига давлат органларининг нормал фаолият кўрсатиши, ижтимоий-сиёсий вазият ва Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар киритилади. Факультатив объектлар одамлар ҳаёти ва соғлиғи, мулкчилиги ва ҳоказо ҳисобланади.

Давлат органларининг нормал ва барқарор фаолият кўрсатиши деганда, ваколатли давлат органларининг ўз ваколатларини амалга оширишлари бўйича республика Конституцияси ва қонунчилигига мос равишда режалаштирилган ва мақсадга йўналтирилган фаолият юритиши тушунилади (давлат органлари тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 159-моддаси шарҳига қаранг).

*Ижтимоий-сиёсий вазият* — Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини амалга ошириш, турли сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаолият кўрсатиши, аҳолининг ҳаётий таъминланганлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича келиб чиққан ижтимоий муносабатлар тизими (иқтисодиёт тушунчаси туғрисида ЖКнинг 157-моддаси шарҳига қаранг).

### 3. Объектив томондан қўпоровчилик:

- одамларни қириб юбориш ёки уларнинг соғлиғига зиён етказиш;

- мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишдан иборат.

Одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига шикаст етказишга қаратилган ҳаракатлар давлат органлари фаолиятининг, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ёки иқтисодиётнинг барқарорлигини бузиш мақсадида содир этилиб, уларнинг натижасида кўпчилик одамларга зарар етказилади (ўлимга олиб келади ёки турли даражадаги соғлиққа шикаст етказишни келтириб чиқаради).

*Мулкка шикаст етказиш* — қўпоровчилик объектларига (булар фақат республика учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган моддий объектлар бўлиши мумкин, масалан, заводлар, тўғонлар, аэропортлар, вокзаллар) шундай зарар етказишки, бунинг оқибатида мулк қисман яроқсиз ҳолга келади, лекин уни иқтисодий жиҳатдан тиклаш мумкин бўлади.

*Мулкни нобуд қилиш* — қўпоровчилик объектларини қайта тиклаб бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолга келтириш бўлиб, уни ё яроқли ҳолга келтириб бўлмайди ёки бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Қўпоровчиликни амалга ошириш усуллари турлича: портлатиш, ўт қўйиш, ҳалокат ва авариялар, оммавий заҳарланишни уюштириш, эпидемия ва эпизоотияларни тарқатиш ва ҳоказо бўлиши мумкин. Жиноятни содир қилиш усули квалификацияга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда инобатга олинаши лозим.

4. Қўпоровчилик одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига шикаст етказиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар (портлатиш, ўт қўйиш ва ҳоказо) содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят, деб ҳисобланади. Қўпоровчилар ҳаракатларининг оқибати одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказилиши кўринишида келиб чиқиши мумкин. Лекин қўпоровчиликнинг тугалланган таркиби учун бундай оқибатларнинг келиб чиқиши шарт эмас. Келиб чиққан оқибат қилмишни квалификация қилишда эмас, балки айбнинг даражасини ва жазони белгилашда инобатга олинади.



5. Қўпоровчиликнинг субъектив томони тўғри қасд шаклидаги айбда ифодаланади: шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаб етади, уларни содир қилишни ва қонунда кўрсатилган оқибатнинг келиб чиқишини истайди

Қўпоровчиликнинг субъектив томони зарурий аломати махсус мақсад, яъни давлат органлари фаолияти, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий вазиятига ва иқтисодиётига путур етказишдир. Қўпоровчилик мотиви ғоявий қарашлар, ғараз ёки бошқа кўринишларида бўлиши мумкин. Жиноят мотиви квалификацияга таъсир кўрсатмайди, лекин жазо тайинлашда инобатга олинаши лозим.

6. Қўпоровчилик субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахсдир. Агар субъект Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса ва у чет эл разведкаси топшириғига кўра ҳаракат қилса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 157 ва 161-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

7. Объектив белгиларга кўра қўпоровчилик баъзи бир бошқа жиноятлар (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш — ЖКнинг 173-моддаси, терроризм — ЖКнинг 155-моддаси)га ўхшашдир. Уларнинг қўпоровчиликдан фарқи шундаки, улар ижтимоий муносабатларнинг бошқа соҳаларига (объектларга) зарар етказишди ва айбдорда давлат органлари фаолияти, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий вазияти ва иқтисодиётига путур етказиш мақсади бўлмайди.

### 162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш

*Давлат сирларини ошкор қилиш ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хоинлик аломатлари бўлмаса — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунинг натижасида уларни назорат қилиш имконияти йўқолади ва бу билан турли соҳаларда Ўзбекистон манфаатларига зиён етказилади. Бундан ташқари, давлат сирларининг ошкор этилиши давлатимизга ёки умуман инсониятга қарши қаратилган бошқа ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши учун шарт-шароит яратади (масалан, оммавий қирғин

қуролларини ишлаб чиқариш технологияси тўғрисидаги махфий сирларнинг ошкор этилиши натижасида ва бошқалар). Буларнинг барчаси мазкур қилмишни ижтимоий хавфли, деб топиш ва бунинг учун жиноий жавобгарликни белгилаш учун асосдир.

2. Жиноятнинг объекти — Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини, ҳудудий бутунлиги ва бўлинмаслигини, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини ва тараққий этиш учун ҳаётий зарур бўлган ахборотни сақлаш, қидириш ва ундан фойдаланишнинг аниқ тартибини таъминлаш орқали сақлаб туриш. Бевосита объект Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган давлат сирларини сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Бу билан давлат сирларини ошкор қилиш давлатга хоинлик қилишдан фарқланади, яъни давлатга хоинлик қилишда қилмиш бевосита Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти, хавфсизлиги, иқтисодиёти, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига тажовуз ҳисобланса, давлат сирларини ошкор қилиш мазкур муносабатларга зарар етказишга шарт-шароит яратади.

Шарҳланаётган жиноятнинг предмети — давлат, ҳарбий ёки хизмат сири шаклидаги давлат сирлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, *давлат сири* — ўта муҳим аҳамиятга эга ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа хусусиятдаги махфий ва ўта махфий маълумотлар бўлиб, улар махсус рўйхат билан чеклаб қўйилади.

Маълумотни давлат сири, деб тан олиш учун уларда уч элемент бirlaшиши лозим:

- маълумотлар характери (ҳарбий, сиёсий ва ҳоказо);
- бундай маълумотларнинг махсус рўйхатга киритилганлиги;
- маълумотларнинг давлат сири эканлиги махсус тайинланган суд экспертизаси ҳулосаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат сирлари давлат, ҳарбий ёки хизмат сирларига бўлиниб, уларнинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган.

3. Объектив томондан жиноят давлат сирларини ошкор қилиш ёки давлатга хоинлик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда етказиш йўли билан содир қилинади.

3. Объектив томондан жиноят давлат сирларини ошкор қилиш ёки давлатга хоинлик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда етказиш йўли билан содир қилинади.

*Ошкор қилиш* — давлат сирларини ошкор қилиш, яъни уларни тарқатиш бўлиб, бунинг натижасида улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган ноаниқ доирадаги шахслар махфий маълумотлардан воқиф бўлишади.

*Ўзгага бериш* – айбдор томонидан давлат сирларини улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган аниқ шахсларга тақдим этилиши. Таъкидлаш жоизки, ўзгага беришнинг ошкор этишдан фарқи шундаки, бунда махфий маълумотлар аниқ чегараланган шахслар доирасига етказилади. Бунда ушбу шахслар доирасининг миқдорий тавсифи аҳамиятга эга эмас, лекин унинг сифат жиҳати – айбдор учун ноаниқлиги – аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ўзгага бериш бу махфий маълумотларни дўстларга маълум қилиш бўлса, ошкор қилиш маълумотнинг оммага митинг, маърузада эълон қилинишидир. Бундан ташқари, етказиш, айбдорнинг махфий маълумот моҳиятини бегона шахсга тушунтиришга интилишида намоён бўлади.

Давлат сирларини ошкор қилиш, уларни ўзгага бериш каби, ташқи кўринишдан ҳаракат (масалан, махфий ахборотнинг маърузада эълон қилиниши) ёки ҳаракатсизликда (масалан, бўлим ходими махфий ҳужжатларни стол устида қолдириб кетишида) ифодаланиши мумкин. Аммо бу шароит квалификацияга таъсир қилмайди. Шу билан бирга қилмиш квалификациясига уни содир қилиш усули (оғзаки хабар, ёзма материалларни, ашёларни тақдим этиш ва ҳоказолар) ҳам таъсир кўрсатмайди.

Ушбу қилмиш объектив томонининг зарурий элементи адресат, яъни қабул қилувчидир. Адресат бу бегона шахс бўлиб, у мазкур қилмишнинг содир қилиниши оқибатида махфий ахборот билан ноқонуний равишда танишиш имкониятига эга бўлиб қолади. Адресат сифатида қуйидаги шартларга бир пайтнинг ўзида жавоб берувчи барча жисмоний шахслар эътироф этилиши лозим:

- айбдорга ишониб топширилган махфий маълумотлар билан қонуний равишда танишиш ҳуқуқига эга бўлмаслик;
- махфий ахборотни давлат, ҳарбий ёки хизмат сири сифатида қабул қила олиш қобилияти.

Агар адресат кўрсатилган шартларнинг бирортасига жавоб бера олмаса (масалан, кичик ёшда бўлганлиги сабабли ахборотнинг махфий эканлигини англай олмаса), адресатнинг мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида жиноят таркибининг йўқлиги тан олинishi лозим.

Давлат сирини ошкор қилиш ёки етказиш жинояти, улар бегона шахсга маълум бўлган пайтдан тугалланган ҳисобланади. Бунда шахснинг ахборот моҳиятини тўла англаши шарт эмас, балки умумий тушунчага эга бўлиши етарлидир. Агар қандайдир сабабга кўра, айбдорнинг иродасига боглиқ бўлмаган ҳолда жабрланувчи томонидан ахборот махфий сифатида қабул қилинмаса, айбдорнинг ҳаракати мазкур жиноятга суиқасд, деб топилishi шарти керак.

4. Давлат сирларини ошкор қилишнинг субъектив томони қасд (махфий ахборотни етказиш) ёки эҳтиётсизлик (ошкор қилиш) шаклида бўлиши мумкин.

Давлат сирларини ошкор қилиш қасддан содир этилиши мумкин:

- тўғри қасд – айбдор махфий ахборотни ошкор этаётганлигини англайди ва уларни ошкор этишни истайди. Масалан, айбдорнинг махфий маълумотларни улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган ходим билан ўзаро суҳбат давомида ошкор қилиши;

- эгри қасд – айбдор махфий ахборотнинг аниқ шахслар доирасига тарқаб кетиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва аниқ шахслар томонидан уларнинг фактик қабул қилинишига йўл қўяди. Хусусан, айбдор махфий ахборотни акс эттирган маърузани бундай маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар билан бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар мавжуд бўлган доирада ўқиши эгри қасд, деб эътироф этилиши лозим.

Шарҳланаётган жиноятни содир этиш усули сифатида давлат сирларини ошкор этиш айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам содир этилиши мумкин. Чунки бу вазиятда ахборот контакти айбдор онги билан тушуниб етилмаган шахслар доирасида амалга ошади.

Ошкор қилишда эҳтиётсизлик қуйидаги шаклларда содир қилиниши мумкин:

- ўзига-ўзи ишониш – айбдор махфий ахборотнинг тарқалиб кетишига кўзи етади, лекин ўзига-ўзи асоссиз равишда ишонган ҳолда унинг тарқалишининг олди олинишига ишонади. Масалан, махфий маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бундай маълумотларга эга бўлган ҳужжатларни мумкин бўлмаган жойда бепарволарча қолдириши натижасида бегона шахсларнинг танишишлари содир бўлиши.

- бепарволик – айбдор ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ижтимоий хавфли оқибат келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмайди, лекин бунга кўзи етиши лозим ва мумкин эди. Масалан, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни улар билан ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган машинисткага бериш.

5. Ушбу қилмишни содир қилиш мотивлари турлича (мақтанчоқлик, мавқеини ошириш, гараз ва ҳоказо) бўлиши мумкин, лекин улар давлат сирларини ошкор қилишнинг мақсади сингари квалификацияга таъсир кўрсатмайди. Шу пайтнинг ўзида улар жазо тайинлашда инobatга олиниши лозим.

6. Жиноят фақат 16 ёшга тулган махсус субъект, яъни давлат сирлари ишониб топширилган ёки хизмат ёхуд касб лавозимидан келиб чиқиб, улардан хабардор шахслар томонидан содир қилиниши мумкин.

*Давлат сири ишониб топширилган шахс* — эгаллаган лавозимидан келиб чиққан ҳолда ва ўз касб вазифаларини амалга ошириш жараёнида ушбу маълумотларга давлат манфаатлари йўлида эгаллик қилган ва улардан фойдаланган шахс.

Касб ёки хизмат фаолияти натижасида давлат сири билан танишган шахс шундай ходимки, унга давлат сири фойдаланиш учун топширилмаган, лекин у ўз касб вазифаларини бажараётган пайтда улар билан танишиб қолади (масалан, машинистка, нусха олувчи ва ҳоказо).

Агарда, давлат сири уларни шахсий суҳбатда билиб олган ёки махфий ҳужжатларни топиб олган шахс томонидан ошкор этилса, у мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

7. Давлат сирларини ошкор этишда айбдор шахслар, қонунда кўрсатилганидек, давлатга хоинлик қилиш белгилари мавжуд бўлмаган ҳолдагина ЖКнинг 162-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир аниқ ҳолатда суд айбдор ҳаракатларида ЖКнинг 157-моддаси таркибини ташкил этувчи белгиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаши лозим. (Давлатга хоинлик қилишнинг белгилари тўғрисида ЖКнинг 157-моддасига қаранг).

8. Давлат сирларини ошкор қилишнинг оғирлаштирувчи белгиси — оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги. Модда мазмунига кўра, келиб чиққан оқибатларнинг оғирлик даражаси ҳар бир муайян ҳолатда белгиланади. Масалан, давлат сири чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига маълум бўлиб қолганлиги, ахборот анча шахслар орасида тарқалганлиги, махфий режаларни ўзгартириш зарурати вужудга келганлиги ва ҳоказо.

Тузилишига кўра квалификация қилинган мазкур жиноят таркиби оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан тугалланган ҳисобланади.

### **163-модда. Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш**

*Ҳужжатларнинг, шунингдек, ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти, бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қондаларини бузиш натижасида руй берган бўлса*

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Давлат ёки ҳарбий сирлар мавжуд бўлган ҳужжатларни йўқотишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунинг натижасида махфий маълумотлар пафақат ёт кишилар, балки чет эл давлати, ташкилотлари ва уларнинг агентураси томонидан қўлга киритилиши эҳтимоли пайдо бўлади. Оқибатда эса, Ўзбекистон манфаатларига, жумладан, суверенитет, ҳудудий яхлитлик, мудофаа қобилияти ва республика хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигига путур етиши мумкин.

2. Давлат ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш объекти Ўзбекистон Республикаси суверенитети, мудофаа қобилияти ва ҳудудий яхлитлиги, прогрессив ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Мазкур жиноятни содир қилиш орқали зарар етказиладиган бевосита асосий объект давлат ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатлар, ашёлар ва маълумотлар билан ишлашнинг белгиланган тартибидир.

Жиноят предмети — бу давлат ёки ҳарбий сирнинг таркибий қисми бўлган ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар, маълумотлар.

*Ҳужжат* — бу реквизитларга, махфийлик белгисига, махфийлаштиришни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органи, корхонаси, муассасаси ёки ташкилотининг рўйхатга олиш рақамига, уни сақлашнинг ва у билан ишлаш ҳамда беришнинг махсус тартибига эга бўлган ахборотнинг моддий ташувчиси.

Модда мазмунига кўра, ҳужжатларга матбаа, компьютер техникаси ёрдамида ёки қўлда бажарилган матнли ва графикли материаллар (чизмалар, режалар, тонографик хариталар, буйруқлар, ахборотномалар, актлар, директивалар, шарҳлар ва ҳоказолар) ҳужжат ҳисобланиб, уларда давлат ёки ҳарбий сирни акс эттирувчи маълумотлар ифодаланади. Қилмишни квалификация қилишда ҳужжатнинг сифат хусусиятлари инобатга олинмайди. Ҳужжатнинг ўқилиши мумкин бўлган ҳолатда, «муомала»да ёки архивда бўлган бўлмаганлиги, махфий ёки ута махфий бўлганлиги ва ҳоказолар ҳам аҳамиятга эга эмас. Лекин ушбу ҳолатлар суд томонидан жазо тайинлашда инобатга олинishi лозим.

Давлат ёки ҳарбий сир ҳисобланган ашёлар ва моддалар — бу кўрсатилган турдаги ахборотни ташувчи турли материаллар ва буюмлардир. Уларга техника ва қуролланишнинг ёпиқ намуналари, шифрлар, кодлар, турли материаллар ва бошқалар киритилади.

3. Жиноятнинг объектив томони уч таркибли, яъни қуйидаги уч ҳолатнинг мавжуд бўлиши кераклиги шаклида таърифланади:

• тегишли ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар кўринишида бўлган махфий ахборотнинг моддий ташувчилари билан ишлаш қоидаларининг бузилиши;

- ушбу ҳужжат, ашё ва моддаларнинг йўқотилиши;
- белгиланган қоидаларнинг бузилиши билан ҳужжатларнинг йўқолиши ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

4. Давлат сирни ҳисобланган маълумотларни ташкил этувчи ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар билан ишлаш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махфий ахборот билан танишишга рухсат бериш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги буйруқлар, йўриқномаларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларда ўз аксини топган. Ушбу қоидаларнинг бузилганлигини аниқлаш мақсадида тергов-суд органлари айбдорнинг мазкур қоидалар билан олдиндан таниш бўлган-бўлмаганлигини аниқлашлари лозим.

5. Муомалада бўлиш қоидаларини бузиш давлат ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар билан ишлаш жараёнида ушбу қоидалардан қисман ёки бутунлай чекиниш тарзида намоён бўлади. Объектив томоннинг бу элементи жиноят предметлари билан кўрсатилмаган жой, вақт ва бошқа ҳолатларда улар билан ишлаш кўринишида ифодаланиши мумкин.

6. Давлат ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи ҳужжатлар, ашёлар ёки моддаларнинг йўқотилиши мазкур предметларнинг махсус сақланиш жойида мавжуд эмаслиги ёки улар ишониб топширилган шахснинг рухсатидан қатъий назар, унинг қонуний эгалигидан ғайриқонуний равишда чиқиб кетишидир. Чунончи, махфий ахборотни ташкил этувчи ҳужжатнинг сейфдан ёки улар ишониб топширилган шахсдан ўғирланиши йўқотиш ҳисобланади.

Квалификация қилишда йўқотилишнинг муддати (вақтинчалик ёки доимий хусусиятга эга бўлиши мумкин) аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга ҳужжат, ашё ёки моддалар узоқ бўлмаган муддатга (бир неча дақиқа, соат) чиқиб кетган бўлса, биринчи галда хизмат тергови амалга оширилиб, сўнг унинг натижалари бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Объектив томоннинг элементи сифатида ҳужжат ёки ашёларнинг йўқотилганлигини эътироф этишда уларнинг мазмуни билан ёт кишиларнинг таниша олиш имкониятининг мавжудлигини белгилаш керак. Бундай имкониятнинг йўқлиги, мазкур модда

моҳиятига кўра, эгалликдан ҳуқуққа зид чиқиб кетишни йўқотиш сифатида квалификация қилишга йўл қўймайди. Масалан, агар шахс ҳужжат билан ишлаш қоидаларини бузиши натижасида ҳужжатдан махсус воситаларни қўллаган ҳолда ҳам кейинчалик ундан фойдаланиш имконияти бўлмайдиган даражада яроқсиз ҳолга келтирса, фойдалилиги нуқтаи назаридан ҳужжат ўзининг хусусиятларини йўқотган бўлса ҳам, модда мазмунига кўра буни йўқотиш, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

7. Жиноят объектив томонининг зарурий элементи давлат ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи ҳужжат, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларининг бузилиши билан уларнинг йўқолиши ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлигидир. Агар шахс махфий ҳужжатларни муҳрланмаган сейфда сақласа ва улар сейфни бузиш воситасида ўғирланган бўлса, сабабий боғланиш мавжуд бўлмаганлиги сабабли, бу ҳолатда давлат ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи ҳужжатларни йўқотиш жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайд.

Давлат ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи ҳужжатлар, ашёлар ёки моддалар улар билан муомалада бўлиш қоидаларининг бузилиши сабабига кўра йўқотилган ва улар билан ёт шахслар танишиб чиқиши учун реал хавф вужудга келган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

8. Жиноятнинг субъектив томони қилмишга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш билан ифодаланади (жиноий равишда ўзига ўзи ишониш ёки жиноий бепарволик кўринишида бўлиши мумкин), чунки ушбу ҳолда қоидаларининг бузилиши эмас, балки бу билан етказилган йўқотиш жиноят ҳисобланади.

Ўзига-ўзи ишонишда шахс давлат сирини ташкил этувчи ҳужжатлар билан муомалада бўлишнинг белгиланган қоидаларини бузаётганида тегишли ҳужжат ёки ашёларнинг йўқолиши мумкинлигини олдиндан кўра билади, лекин етарли асосларсиз ўзига-ўзи ишонганлиги учун бунинг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Бепарволикда шахс давлат сирини ташкил этувчи ҳужжатлар ва ашёлар билан муомалада бўлишнинг белгиланган қоидаларини бузиш жараёнида тегишли ҳужжат ёки ашёни йўқотиш имконияти мавжудлигига кўзи етмайди, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади. Агарда, давлат ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжат қасддан йўқотилган бўлса, айбдор, давлатга хоинлик қилиш белгилари мавжуд бўлмаганда, ЖКнинг 162-моддасига кўра, жавобгарликка тортилиши керак.



9. Мазкур жиноятнинг субъекти махсусдир. Субъект хизмат ёки касб фаолияти юзасидан давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжат, ашё ёки моддалар ишониб топширилган ва 16 ёшга тулган шахс бўлиши мумкин.

10. ЖКнинг 163-моддаси, 2-қисмида оғир оқибатлар келиб чиқишига олиб келган давлат сири ёки ҳарбий сир мавжуд бўлган ҳужжатларнинг йуқотилиши учун жавобгарлик назарда тутилади (ЖКнинг 162-моддаси, 2-қисми шарҳига қаранг).

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### Х боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ

##### Умумий қоидалар

1. Конституциянинг 53-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга зид, деб топилади.

2. *Талон-тарож қилиш* — бу бировнинг мулкани ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ туламай ундириш.

Талон-тарож қилиш — бу кўп маъноли тушунча бўлиб, мулкка қарши жиноятларнинг маълум бир гуруҳини, яъни босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш, фирибгарлик, ўғрилиқ ва бошқаларни ўз ичига олади.

3. Талон-тарож қилиш объекти ўзганинг мулкдир.

*Мулк* — бу мулкнинг эгаси билан жамиятнинг бошқа аъзолари (мулкдор бўлмаганлар) ўртасида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасига мувофиқ, қуйидаги мулк шакллари тан олинади: *хусусий* ва *оммавий*.

*Хусусий мулк* ҳуқуқи субъектлари жисмоний шахслар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар ҳамда бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлари ҳисобланади.

*Оммавий мулк* — бу республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкidan (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки.

*Республика мулкига* ер, ер ости бойликлари, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлар республика мулкдир, шунингдек, корхона-

лар ва бошқа мулкый мажмуалар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти, бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса — бошқа мулклар қиради.

*Муниципал мулкда* давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги, корхоналар ва бошқа мулкый комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мулклар бўлади.

4. Талон-тарож қилишнинг предмети, инсон меҳнати сингмаган бўлса ҳам, моддий ва маънавий қимматга эга, яъни истеъмол қийматига эга предметлар бўлиши мумкин.

Талон-тарож қилиш предмети моддий борлиқ предмети сингари аниқ хусусиятларга, белгиларга (оғирлиги, сифати, ҳажми ва ҳоказоларга) эга бўлиши керак. Шу муносабат билан электр, иссиқлик энергияси, газ, сув, қувурлари талон-тарож қилиш жинойатларининг предмети бўлиши мумкин эмас. Бироқ, бундай ҳаракатлар бошқа жинойат таркибини: «Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш» (ЖКнинг 170-моддаси) ёки «Электр, иссиқлик энергияси, газ, сув қувурларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш» (ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси) жинойатларида айбли бўлиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал меҳнатни ўзлаштириш (плагиат) талон-тарож қилишнинг предмети бўла олмайди, бундай ҳаракатлар муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 149-моддаси) жинойати таркибини ташкил қилади.

5. *Давлат мулки объектлари* — ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар талон-тарож қилиш предмети бўла олмайди. Бироқ, ердан, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари бузилган ҳолларда ЖКнинг 197-моддаси (ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш) бўйича жавобгарлик юзага келади.

6. Агар ўрмонга шикаст етказилган бўлса, ЖКнинг 198-моддаси (экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш) бўйича жавобгарлик вужудга келади.

7. Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартлари ёхуд ўсимликларнинг доридармон, озиқ-овқат ва манзарали (декаратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш тартиби бузилган ҳолларда айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 202-моддаси (ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш) бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

8. Бу объектларга тажовуз, уларга, баҳо, нарх берган инсон меҳнати сингган тақдирдагина, талон-тарож қилиш, деб ҳисобланади. Масалан, тайёрланган урмон ёғочини талон-тарож қилиш, питомникларда парвариш қилинган ҳайвонларни талон-тарож қилиш, махсус тайёрланган сув ҳавзаларида етиштирилган балиқларни овлаш, балиқчилик хўжаликлари томонидан овланган балиқларни эгаллаб олиш ва ҳоказо.

9. Ўзбошимчалик билан қимматбаҳо металл ва тошларни ер остидан қазиб олиш талон-тарож қилишга кирмайди, лекин ЖКнинг 185-моддасида (қимматбаҳо металллар ва тошларни топшириш қоидаларини бузиш) назарда тутилган мустақил жиноятни ташкил қилади. Бироқ, агар қимматбаҳо металл ва тошларни қазиб оладиган корхонанинг ҳудудида қазиб олинган бўлса, бундай ҳаракатлар талон-тарож қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Бундай корхоналар ҳудуди шартли бўлиши мумкин. Бу, одатда, қазиб олиш ишлари олиб бориладиган майдон, тайёрланган майдончалар, траншеялар, яъни қимматбаҳо металллар ёки тошларни қазиб олиш учун тайёрланган жойлар, улар жойлашган жойни разведка қилишдир.

10. Фуқаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ, мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади.

Тақдим қилувчига берилувчи қимматли қоғозлар талон-тарож қилиш предмети бўлиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг бошқа турлари, айбдорга қимматли қоғозларда белгиланган мулкӣ ҳуқуқни олиш имкониятини бермаганлиги учун талон-тарож қилиш предмети бўла олмайди.

Қимматли қоғозларга: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар қиради.

11. Лотерея билетлари, почта маркалари, открыткалар, конвертлар, талонлар ва ёнилғи мойлаш материаллари, метрода юриш учун жетонлар талон-тарож қилиш предмети бўлиши мумкин. Аммо поезд, самолёт чиптаси ўз ҳолича моддий қийматга эга бўлмаганлиги, фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни (масалан, наспорт, шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ва бошқаларни) кўрсатган ҳоллардагина моддий қийматга эга бўлиши мумкинлиги сабабли талон-тарож қилиш предмети бўла олмайди.

Бундай буюмларни ҳуқуққа хилоф равишда эгаллаш ЖКнинг 227-моддасида (ҳужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш) назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади. Агар айбдор шахсда ушбу ҳужжатлардан гайриқонуний фойдаланиш мақсади бўлган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари алдаш ёки ишонччи суи-истеъмол қилиш (ЖКнинг 170-моддаси) ва мулкий зарар етказишга тайёргарлик кўриш сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

12. Агар жиноят предмети алоҳида турдаги муомаладан чиқарилган мулк (масалан, наркотик моддалар, ўқ отар куроллар, портловчи моддалар, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ва ҳоказолар) бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари талон-тарож қилиш эмас, балки махсус жиноятлар таркиби (ЖКнинг 247, 251, 271-моддалари ва ҳоказо моддалари) билан квалификация қилиниши лозим. Кўрсатилган предметни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятни квалификация қилишда фақатгина ушбу моддалар (модда қисмлари) санкциясида ЖКнинг 247, 251, 271 ва ҳоказо моддаларидан ҳам оғирроқ жазо назарда тутилганда, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим бўлади (масалан, ЖКнинг 247-моддаси, 3-қисми, «в» банди ва 164-моддаси, 4-қисмининг «в» банди бўйича).

13. Тасодифан топилган буюм (топилма) талон-тарож қилиш предмети бўла олмайди. ФКнинг 192-моддасига кура, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзига маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспортнинг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Башарти, топилган ашёни қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

14. Ҳазина ҳам талон-тарож қилиш предмети бўла олмайди.

*Ҳазина* — бу ер остига ёки бошқа йўллар билан яширилган, эгасини аниқлашнинг имкони бўлмаган ёки қонун бўйича мулкка нисбатан ҳуқуқини йўқотган мулкдорга тегишли пул ёхуд қимматбаҳо нарсалар. Ҳазина, ушбу ҳазина топилган жой (ер участкаси, қурилиш ва шу кабилар) эгаси бўлган шахс ёки уни топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ, бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

15. Объектив томондан талон-тарож қилиш ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда, текинга ўзи ёки бошқа шахс фойдаси учун олишда ифодаланади.

Талон-тарож қилиш предмети, Жиноят кодекси шарҳланаётган бобининг номланишида тўғридан-тўғри қайд этилганидек, фақат ўзгаларнинг мулки ҳисобланади. Ўзганинг мулки деганда, айбдорга қонуний равишда тегишли бўлмаган мулк тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларга жавобгарликни белгилашда уни қайси усулда содир этганлигига кўра ажратади.

ЖКда талон-тарож қилишнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилган :

- босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси);
- товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси);
- талончилик (ЖКнинг 166-моддаси);
- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси);
- фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси);
- ўғрилиқ (ЖКнинг 169-моддаси).

16. Ҳар қандай талон-тарож қилишнинг зарурий белгиси унинг ҳуқуққа хилофлигидир.

Ҳуқуққа хилофлик (ғайриқонунийлик) — эгалланаётган мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган айбдор шахс томонидан ўзганинг мулканинг эгалланишидир.

Шахснинг мулкка нисбатан ҳуқуқи мавжуд бўлиб, уни белгиланган қондаларни бузган ҳолда эгалласа, талон-тарож қилиш жинояти таркиби мавжуд бўлмайди. Ушбу ҳаракат бошқа жиноят таркибини, яъни ўзбошимчаликни (ЖКнинг 229-моддаси) ташкил этиши мумкин.

17. Текин деганда, талон-тарож қилинган мулк ўрнига муайян қийматни бермасдан ўзганинг мулкани эгаллаш тушунилади. Агар шахс талон-тарож қилиш вақтида талон-тарож қилинган мулк ўрнига талон-тарож қилинган мулк қийматини, нархини тўлиқ қоплаган бўлса, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

18. Ўзганинг мулкни талон-тарож қилишнинг тугалланган вақти талон-тарож қилишнинг шаклига боғлиқ бўлади. Куп ҳолларда талон-тарож қилиш айбдор ўзганинг мулкни эгаллаган ва ушбу талон-тарож қилинган мулкни ўзининг хоҳишича ҳақиқий тасарруф этиш (сотиш, алмаштириш, яшириш ва ҳоказо) имконияти пайдо бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун, агар айбдор ўзганинг мол-мулкни қўлга киритган бўлса-ю, бироқ, ҳали уни ўз мулки сифатида тасарруф этиш имкониятига эга бўлмаса, қилмиш талон-тарож қилишга суиқасд тариқасида квалификация қилиниши лозим (босқинчилик ва товламачилик ҳоллари бундан мустасно). Шунингдек, қасд бир бутун мулкни талон-тарож қилишга қаратилган бўлиб, унинг муайян бир қисми талон-тарож қилинган ҳолларда ҳам жиноят тугалланган ҳисобланмайди<sup>1</sup>.

19. Талон-тарож қилиш субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Мотиви – гаразгўйлик.

Гаразгўйлик талон-тарож қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Гаразгўйлик – бу ўзи учун ёки бошқа шахслар учун моддий манфаат ундириш.

20. Талон-тарож қилишнинг субъекти муомалага лаёқатли ҳамда қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади (ЖКнинг 17-моддаси шарҳига қаранг).

Шуни назарда тутиш лозимки, шахсни ўзганинг мулкни талон-тарож қилишда айбдор, деб топиш учун, ушбу мулкни айбдор ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи муайян далилларни аниқлаш лозим бўлади. Шунинг учун моддий қимматликлар камомади фактининг ўзи, агар унинг сабаблари тергов ва суд томонидан аниқланмаган бўлса, шахсни талон-тарож қилишда айблашга асос бўла олмайди<sup>2</sup>.

### 164-модда. Босқинчилик

*Босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 4-банди, 2 ва 3-қисмлари.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 5-қисми.

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Босқинчилик:*

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса

— саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Босқинчилик:*

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Босқинчилик:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Босқинчилик ўзганинг мол-мулкига қарши қаратилган энг хавфли жиноятлардан бири бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган. Босқинчиликнинг ўта ижтимоий хавфлилиги, аввало, шу билан боғлиқки, бу жиноят содир этилганида жабрланувчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ҳам зиён етказилади ёхуд бундай зиён етказилиши учун реал хавф вужудга келади ва ўзганинг мол-мулки эгаллаб олинади.

2. Босқинчиликнинг объекти ўзганинг мол-мулки, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

3. *Босқинчилик* — ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгаллишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган ҳужум.



Шунга кўра, босқинчиликнинг моҳияти, айбдорнинг ўзганинг мол-мулкини жабрланувчига зўрлик ишлатиб эгаллашида ифодаланади. Бу билан мазкур жиноятнинг мулкчилик муносабатларига ва шахсга бўлган тажовузи белгиланади. Босқинчилик жинояти таркиби доирасида, айтиб ўтилган объектларнинг ҳар бири зарур объектлар тоифасига киритилган. Ушбу жиноятнинг мулкка қарши жиноятлар қаторидан ўрин олганлиги, унинг таркибида ўзганинг мол-мулкини эгаллашга йўналтирилган ҳаракат асосий аҳамият касб этишидан далолат беради. Босқинчиликда ўзга шахсга тажовуз қилиш ўзганинг мол-мулкини эгаллаш воситаси сифатида ифодаланади.

4. Объектив томондан босқинчилик ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида шу мулкнинг эгалланишига қаршилик кўрсатган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум қилишда ифодаланади.

5. ЖКнинг 164-моддаси диспозициясида босқинчилик объектив томонининг қуйидаги белгилари ажралиб туради:

а) ҳужум қилиш;

б) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш.

6. *Ҳужум қилиш* – жабрланувчига зўрлик ишлатиш ёки дарҳол зўрлик ишлатиш учун реал хавф туғдириш орқали жиноий натижага эришишга қаратилган ҳаракат. Ҳужум қилишни зўрлик ишлатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Объектив томонининг белгиси бўлмиш ҳужум қилиш зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитишсиз босқинчилик ўзининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотади. Айбдорнинг агрессив ҳаракатлари билан боғланмаган ҳужум қилиш ўзининг ҳар қандай мазмунини йўқотади, чунки бунда ҳужум ўзганинг мол-мулкини эгаллаш, жабрланувчининг қаршилик кўрсатишига бўлган иродасига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида қаралмайди.

7. Босқинчиликда ҳужум жабрланувчининг шахсан ўзига, қариндошларига, шунингдек, талон-тарож қилишга қаршилик кўрсатётган бошқа учинчи шахсларга қаратилган бўлиши мумкин. Ҳужум қилиш, нафақат, ошқора зўрлик ишлатишда, балки орқадан зарба бериш, пистирмадан отиш, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган кучли таъсир қилувчи, заҳарловчи ва руҳан қарахт қилувчи воситаларни қўллаш билан ҳушсиз ҳолатга келтириш ҳамдир.

8. Қонун зўрлик ишлатишни босқинчиликнинг белгиси сифатида уни умумий ҳолда «ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли», деб белги-

лайди. Бироқ, жабрланувчининг унга зўрлик ишлатиши натижа-сида ўлими келиб чиқса, босқинчилик жиноятининг таркибига кирмайди, шунинг учун ҳам бу белги фақатгина қасддан баданга шикаст етказишнинггина қамраб олади. Босқинчилик жараёнида баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган. Шунингдек, содир этилган жиноят ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми, жабрланувчи соғлиғига ўртача оғир шикаст етказиш (ЖКнинг 105-моддаси) ёки енгил шикаст етказиш (ЖКнинг 109-моддаси, 2-қисми) оқибатларини ҳам қамраб олади.

9. Ҳаёт учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда, унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат тушунилади.

Соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи ҳолатлар (чаккага, «қуёш ўрилмаси»га уриш ва бошқ.) тушунилади<sup>1</sup>. Бундай зўрлик, масалан, одамни бўғиш, унинг бошини узоқ вақт давомида сувда ушлаб туриш, бошига полиэтилен пакет кийгизиш ёки бошқа зўравонлик ҳаракатларини амалга ошириш бошига полиэтилен пакет кийгизиш бўлиши мумкин.

10. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирувчи кучли таъсир қилувчи, заҳарли, ухлатадиган (масалан, кучли спиртли ичимликлар билан бирга клофелинни қушиб бериш) ва бошқа қарахт қиладиган воситаларни бериш орқали уни ҳушсиз аҳволга келтириб, мулкни талон-тарож қилиш ҳам босқинчилик, деб ҳисобланиши лозим.

11. Босқинчиликда зўрлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий бўлиши мумкин.

Босқинчиликда руҳий зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган зўравонликни жиноят содир қилинаётган вақтнинг узида бевосита ва дарҳол ишлатиш билан таҳдид солишни тушуниш лозим. Одатда, жабрланувчи мулкнинг қонуний эгаси бўлади. Баъзи ҳолларда жабрланувчи сифатида мулкка нисбатан бегона бўлган, ammo мулк эгасининг қариндошлари, яқинлари қатнашишлари мумкин. Масалан, бундай ҳолатда жиноятчи қиз болани, агар унинг дугонаси ўзининг тилла тақинчоқларини ечиб бермаса, зарар етказиши

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Учалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти туғрисида»ги 6-сонли қарори, 6 банди.

билан қўрқитиши мумкин. Шунингдек, мулкнинг талон-тарож қилинишига қандайдир даражада тўсқинлик қилаётган шахс ҳам жабрланувчи ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолатга ўғрининг квартирага мулкни талон-тарож қилиш мақсадида кириши, квартира эгаси эса, чиқиб кетган бўлиб, уйда меҳмонлар бўлса, улар мулкни талон-тарож қилишга қаршилик кўрсатиши мисол бўлади.

12. Босқинчилик ҳужуми чоғидаги таҳдид:

- амалда, яъни жисмоний зўрлик дарҳол қўлланилиши мумкинлиги хавфини ўз ичига олган бўлиши;
- мавжуд, яъни келгусида эмас, айнан ҳужум пайтида бўлиши лозим.

13. Босқинчилик амалга ошириладиган пайтда таҳдид муайян ва номуайян бўлиши мумкин.

Муайян таҳдидга қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган нарсалар билан қўрқитиш, шахсни ўлдириш ёки унинг соғлиғига зарар етказиш нияти борлигини имо-ишоралар билан ифодалаш кирази.

Номуайян хусусиятга эга таҳдид ниқобланган шаклда ифодаланadi. Масалан, жабрланувчига кўринмайдиган нарсалар, муайян имо-ишоралар (қуролни қўлдан қўлга олиш) билан қўрқитиш.

14. Қўрқитиш оғзаки, қуролни кўрсатиш, имо-ишораларда ифодаланиши мумкин (масалан, «ўлдираман», «майиб қиламан», «кўзингни ўйиб оламан» дейиш, тўппончани, пичоқни жабрланувчи баданига ўқталиш ва ҳоказо).

Фақатгина суд ҳар бир алоҳида ҳолда, содир этилган жиноят ҳолатларини ҳисобга, таҳдиднинг реаллиги ва ҳақиқатда мавжуд бўлганлигига баҳо беради. Бундай ҳолларда суд жабрланувчининг реал таҳдид мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги субъектив фикрига эмас, балки аниқ фактларга таяниши керак. Масалан, жиноятчи ярим тунда жабрланувчининг орқасидан келиб: «қимирлама, акс ҳолда ёмон бўлади», сўзлари билан орқасига бармоғини тиради. Судда жабрланувчи ўз ҳаёти хавф остида қолганлигини даъво қилган, бироқ, суд бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун реал хавф бўлмаган, деб ҳисоблашни лозим топган.

Таҳдиднинг ташқи кўриниши аҳамиятга эга эмас. Жабрланувчи учун у ёки бу шаклда ифодаланган таҳдид реал ва ҳақиқатда мавжуд бўлиб, шунинг оқибатида жабрланувчи томонидан мулкни эгаллашга нисбатан қаршилик кўрсатилса, унга нисбатан шу таҳдиднинг амалга оширилишига ишончи бўлиши муҳимдир.

Босқинчилик воситаси сифатида таҳдиднинг мақсади мулкнинг талон-тарож қилинишини енгиллаштириш учун жабрланув-

чинини проласини сусайтиришдан иборатдир. Таҳдиднинг жиноят таркиби белгиси булиши мумкинлиги масаласини ҳал этиш учун султар шарҳланаётган жиноятнинг воситаси сифатида муайян иш ҳолатларини, биринчи навбатда, босқинчилик содир этилган жой ва вақтни, жиноятчилар сони, шакли бўйича ноаниқ бўлган таҳдиднинг мустақкамлаш мақсадида ишлатилган ашёлар ва воситаларни инобатга олган ҳолда таҳдиднинг мазмуни ва йўналтирилганлигини урганишлари лозим.

15. Босқинчиликдаги жисмоний ва руҳий зўрлик асосан ўзганини моля мулкини эгаллаб олиш воситаси бўлиб, кўп ҳолларда зўрлик эгаллаб олишдан олдин содир этилади. Шу билан бирга, уғрилик, талончилик (шунингдек, зўрлик ишлатилган талончилик) жиноятлари сифатида бошланган, аммо кейинчалик содир этилиб жараёнда ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилиши билан содир этилган талон-тарожга айланган жиноятлар ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган тажовуз сифатида қарилган.

Аммо, агар жиноятчи жиноят жойида ушланган пайтида талон тарож қилинган нарсаларни ташлаб, жабрланувчига нисбатан фақатгина қўқувдан қутулиш мақсадида зўрлик ишлатганида, жавобгарлик босқинчилик учун эмас, балки уғрилик ва тегишли равишда шахсга ёки бошқарув тартибига қарши қаратилган жиноятлар учун юзата келади.

16. Босқинчилик қонунидаги белгиларига кўра, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигини инобатга олиб, Жиноят кодексига кесик таркиб сифатида ифодаланган бўлиб, жиноят «жабрланувчинини ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатилиши ёки шундай зўрлик ишлатилиши билан қўққиниб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб» тутилган ҳисобланади. Бунда айбдорнинг мулкни талон тарож қилиб бўлган бўлмаганлигининг аҳамияти йўқ.

17. Босқинчилик субъектив томондан айбдорда тўғри қасд ва тарафли мақсад мавжудлиги билан тавсифланади. Айбдор жиноят содир этишда унинг томонидан содир этилаётган зўрликнинг жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиги учун хавфлилигини ва ушбу зўрлик ушланган мулкни ўзи ва ўзга шахслар фойдасига эгаллаш воситаси сифатида ишлатилаётганлигини тушунади ва шуни хоҳлайди. Субъектив томоннинг зарурий белгиси — ўзганинг мулкни талон тарож қилиш мақсади ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ушлар мулкни уғрилик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 5-банди.

18. Жиноятнинг субъекти – жиноят содир этиш вақтига келиб 14 ёшга тулган ҳар қандай шахсдир.

19. ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисмида босқинчиликнинг жазони оғирлаштирувчи бир неча ҳолатлари кўрсатилган. Булар:

а) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши.

20. Қурол ёки қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган бошқа нарсалардан фойдаланган ҳолда босқинчилик қилиш жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Чунки бу ҳужумнинг агрессивлиги ва кучини кескин кучайтиради, ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш мақсадига эришади, қаршилиқ кўрсатиш ёки мулк ва шахсга жинойий тажовуз қилишга монелик қилиши мумкин бўлган шахслар томонидан мавҳ этилмаслиги жиноятчига ишонч бағишлайди, бу ҳол жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатиш иродасини букиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, босқинчиликда қуролни ёки қурол сифатида бошқа нарсалардан фойдаланиш жиноятчининг соғлиғига жиддий зиён етказиши, айрим ҳолатларда эса, янада оғирроқ оқибатни – унинг ўлимни келтириб чиқариши мумкин. Буларнинг барчаси биргаликда қуролли босқинчиликнинг хавфи юқориликдан далолат беради.

21. Босқинчилик пайтида айбдор томонидан ишлатиладиган қурол барча турдаги портловчи мосламалар – граната, динамит патрони, шашка ва бошқаларни ўз ичига олган ҳолда ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши мумкин. Босқинчилик жиноятида қуролнинг махсус рухсатнома билан олиб юриладиган қуроллар ёки рухсат этилган қуроллар (масалан, ов қуроли) турига кириши аҳамиятга эга эмас.

22. Ўқотар қурол деганда, амалда ҳужалик-маиший мақсадларда ишлатилмайдиган ва фақат жонли нишонни забт этиш ёки спорт тadbирларини ўтказиш учун мўлжалланган, отиш (яъни, снарядни, ўқни улоқтириш) учун порох газларининг кучидан фойдаланиладиган барча турдаги жанговар, спорт ва ов қуроллари тушунилиши лозим<sup>1</sup>. Предмет ўқотар қурол, деб ҳисобланиши учун унинг қандай (заводда ёки хонаки усулда) тайёрланганлигининг аҳамияти йўқ.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори, 3-банди, 1-қисми.

Ўқотар қуроллар аҳамияти, хоссалари, тузилиши, калибри ва бошқа хусусиятларига қура хилма-хилдир.

Ўқотар қуроллар жумласига: милтиқ, кичик калибрли милтиқ, автоматлар, тўппончалар, ов милтиғи, жумладан, қирқма милтиқ ва бошқалар киради.

Пневматик милтиқ, сигнал, старт, ғаз тўппончалари ёки газ оқлонлари, ракетницалар ва бошқа иммитация-пиротехник ва критич воситалари қурол жумласига кирмайди.

23. Жабрланувчининг бевосита баданига одам мушак кучи ёрламида тегиши натижасида жонли нишонни жароҳатлаш учун махсус мўлжалланган буюмлар совуқ қурол ҳисобланиши лозим.

Ўтмишда зарба беришнинг усули ва хусусиятига қараб, совуқ қуролларнинг ҳар хил турлари ясалган ва улар муайян шаклга эга бўлган. Уларнинг санчувчи (стилёт – кичкина энсиз ханжарча, кортик – денгиз ва ҳаво флоти офицерларининг қисқа ханжари, санчувчи турдаги найзалар ва ҳоказо), санчиб кесувчи (узун ва оғир қилич ва ҳоказо), кесувчи (шамшир, қилич ва ҳоказо), майдаловчи (кастет, гурзи, чўқмор ва ҳоказо) ҳамда урувчи турлари мавжуддир.

24. Портлатиш қурилмалари деганда, портловчи моддалар билан тўлдирилган ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган йиғилган ҳолдаги қурилмалар тушунилиши лозим.

Бунда портловчи моддалар деганда, порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар, тушунилади.

25. Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалар – бу ишлатилганда жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига объектив зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ашёлар. Буларга: отвёртка, занжир, скальпель, катта тош, арматура бўлаги, тўқмоқ ва бошқалар киради. Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган нарсаларнинг олдиндан тайёрлаб қўйилганлиги ёки жипоят содир этилган жойдан олинганлигининг босқинчиликни квалификация қилишда аҳамияти йўқ.

26. Босқинчиликда қурол ва қурол сифатида ишлатилаётган бошқа ашёлардан фойдаланиш деганда, нафақат, уларнинг жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказишга мўлжалланган фактик қўлланилиши, балки айбдор томонидан ўз таҳдидининг реаллигини кўрсатиш, қуролнинг таҳдид воситаси сифатида кучини кўпайтириш мақсадида уларни намоён қилиш ҳам тушунилади.

Босқинчиликни содир этишда ишлатишга яроқсиз қурол ёки қуролга ўхшатиб ясалган буюмларнинг қўлланилганлиги босқинчиликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорида: «Била туриб, яроқсиз қуролдан ёки ёлғондакам қуролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланилганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаганда қуролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкин эмас»<sup>1</sup>, дейилган. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича оддий босқинчилик сифатида квалификация қилинмоғи лозим. Бироқ, агар қуролга ўхшатиб ясалган нарсалардан қурол сифатида фойдаланилган ва улар билан жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлигига хавfli зиён етказилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини қурол сифатида ишлатиш мумкин бўлган бошқа буюмлардан фойдаланиб жиноят содир этиш, деб ҳисоблаш мумкин.

Айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан квалификация қилиш учун жиноят қуролининг объектив хусусиятлари ва субъект ниятини ҳисобга олмай туриб, фақатгина жабрланувчи томонидан қуролга ўхшатиб ясалган қуролни ҳақиқий қурол, деб ҳисоблаш етарли эмас.

27. Босқинчиликда газ қуролларининг қўлланилиши муҳим масалалардандир. Газ тўппончалари, газ баллончалари, кўздан ёш оқизувчи, безовта қилувчи ёки заҳарли моддалар тўлдирилган пуркагич ва бошқа ҳар қандай қурилмалар газли қуроллар сирасига киритилиши лозим.

Фикримизча, шахс босқинчиликни содир этишда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган бирон-бир модда тўлдирилган газли қуролни ишлатса, айбдорнинг қилмиши қурол сифатида бошқа предметлардан фойдаланиш белгиси бўйича қуролли босқинчилик, деб квалификация қилиниши керак. Агар газли қуролдаги модда шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаса, унинг ишлатилиши айбдорнинг ҳаракатларини қуролли босқинчилик, деб квалификация қилиш учун асос бўлмайди. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан таҳдид солиб талончилик қилиш ҳисобланади (ЖКнинг 166-моддаси, 2-қисми, «а» банди). Аммо агар айбдор газ қуролини ўз ҳужумининг реаллигини мустаҳкамлаш мақсадида ишлатган бўлса, бу ҳолда унинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талоп-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 7-банди, 3-қисми.

28. Босқинчилик ҳужуми жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқотар қурооллар ишлатилганда ҳамда қуроол ёки қуроол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни (портловчи, захарли моддаларни ва ҳоказоларни) ишлатиб босқинчилик содир этилганда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

Қуроол ишлатган ҳолда, айниқса, ўқотар қуроолларни ишлатиб содир этилган босқинчилик ишларини тергов қилиш ва судда кўриш чоғида ўқотар қуроол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш, тайёрлаш манбаларини аниқлаш лозим. Агар буларнинг натижасида ўқотар қурооллар ва портловчи воситалар сақланаётган объектларни қўриқлашда мансаб совуққонлигига йўл қўйилган ҳоллар ёхуд ўқотар қурооллар ёки унга ўқ-дорилар тайёрланган асбоб-ускуналардан фойдаланиш устидан тегишли назоратнинг бўлмаганлиги аниқланган тақдирда суд бунга хусусий ажрим чиқариш йўли билан ўзининг муносабатини билдириши, зарур ҳолларда эса, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиши зарур<sup>2</sup>.

29. «Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш» белгисининг умумий тушунчаси ЖКнинг 29-моддаси, 3-қисмида ўз аксини топган (ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

30. Олдиндан тил бириктириш деганда, икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида бевосита жиноят содир этилишидан олдин ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилиш тўғрисидаги келишувга эришишни тушунмоқ лозим. Босқинчиликнинг бошланиши сифатида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик қўллаш ёки ушбу зўрликни қўллаш билан қўрқитиш орқали ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилишга бевосита йўналтирилган ҳаракатлар ҳисобланиши учун, иштирокчилар ўртасида олдиндан, шу жумладан, жиноятга тайёргарлик кўриш босқинчининг ўз ичига олган ҳолда тил бириктириш хоҳиши пайдо бўлган пайтда, босқинчиликни содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракатини содир этишдан олдин рўй бериши мумкин. Тил бириктириш ва босқинчилик бошланиши орасидаги вақт квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 7-банди, 4-қисми.

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуроолга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори, 3-банди, 1-қисми.



Агар тил бириктириш бевосита босқинчилик қилиш пайтида юзага келган бўлса, у олдиндан тил бириктириш ҳисобланмайди ва шарҳланаётган квалификация белгисини истисно этади. Бундай ҳолларда, агар бошқа квалификация белгилари мавжуд бўлмаса, иштирокчиларнинг ҳар бири бевосита ўзи содир этган жиний ҳаракатлари учун ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

31. Бир гуруҳ шахслар томонидан биргаликда талон-тарож қилиш ўзида босқинчилик таркибининг объектив ва субъектив белгиларини мужассам этган ҳаракатлар гуруҳнинг камида икки иштирокчиси томонидан содир этилишини назарда тутати. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктиб талон-тарож қилиш деганда, уни содир этиш ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахс иштирокидаги талон-тарож қилиш тушунилади. Бунда уларни, масалан, бажарувчини қурол билан, объектнинг режаси билан таъминлаб бериш тўғрисида келишиб олишлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб талон-тарож қилиш ҳисобланмайди. Шунга кўра, олдиндан тил бириктирган гуруҳ таркибига камида икки бажарувчи кириши керак. Вазифаларнинг тақсимланишидан иборат бўлган мураккаб иштирокчилик босқинчиликнинг шарҳланаётган квалификация қилиш белгисини ҳосил этмайди: агар уларнинг қилмишида уюшган гуруҳ аломатлари мавжуд бўлмаса, ҳар бир иштирокчи ўзи бажараётган вазифасига кўра, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида (сўнгги иккисини ЖКнинг 30-моддасига ҳавола қилиш орқали) ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича жиний жавобгарликка тортилади.

32. Шуни таъкидлаш жоизки, бир гуруҳ шахслар томонидан босқинчилик жиноятини содир қилишда, барча иштирокчилар томонидан ҳужум, руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилиши шарт эмас. Муҳими, ушбу ҳаракатлар лоақал бир иштирокчи томонидан содир этилиши ва бошқа иштирокчиларда қасд мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда, бунда гап бажарувчи экспесси ҳақида гап боради.

33. Олдиндан тил бириктириб босқинчилик жиноятини содир этган гуруҳ таркибини фақатгина жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар ташкил этиши мумкин (ЖКнинг 17-моддаси шарҳига қаранг). Муомалага лаёқатсиз ва босқинчилик жинояти учун жиний жавобгарлик ёшига (14 ёшга) етмаган шахслар, фактик жиҳатдан босқинчиликда бевосита иштирок этган бўлсалар-да, юридик жиҳатдан, яъни жиноят қонунчилиги талаблари нуқтаи назаридан гуруҳ таркибига кирмайдилар. Масалан, агар вояга етган жиноятчи 14 ёшгача бўлган вояга етмаган

шахсни босқинчилик қилишга қизиқтирган, кейинчалик у билан келишган бўлса ҳам, бунда «гуруҳ» квалификация белгиси сифатида мавжуд бўлмайди. Бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ёши катта жиноятчи ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми билан ва қўшимча жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 127-моддаси, 3-қисми буйича жавобгарликка тортилади.

34. Гуруҳ томонидан содир этилган босқинчилик далолатчиси, ёрдамчиси, ташкилотчиси (мулкни талон-тарож қилишда бевосита қатнашмаган шахс) кўринишидаги иштирокчи ЖКнинг 28-моддаси ва 164-моддаси, 2-қисми буйича жиноий жавобгарликка тортилади.

35. Агар бир гуруҳ шахслар ўғрилиқ ёки талончилик содир этиш туғрисида келишиб олган бўлсалар ва шу жиноятларни содир этиш жараёнида иштирокчилардан бири бошқа жиноятчилар билан келишиб олмасдан мол-мулкни эгаллаш мақсадида жабрланувчиларга нисбатан ҳаёти ёки соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатса, қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган босқинчилик сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Бунда ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни ишлатган шахс босқинчилик учун жавобгар бўлади, жиноятнинг қолган иштирокчилари эса, ўғрилиқ ёки талончилик учун жавобгар бўладилар.

36. Шунинг назарда тутиш керакки, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган босқинчилик қатнашчисининг ҳаракатлари жиноятнинг қолган иштирокчилари қонунда назарда тутилган асосларга кўра (вафот этиши, амнистия акти ва ҳоказолар муносабати билан) жиноий жавобгарликка тортилмаганликларидан қатъий назар, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноят, деб квалификация қилиниши керак.

37. Босқинчилик жиноятининг квалификация белгиси ҳисобланувчи «анча миқдорда» содир этилиши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш билан талон-тарож қилинган мулкнинг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлиши керак (анча миқдор тушунчаси ҳақида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг). Шунинг таъкидлаш керакки, талон-тарож қилишнинг умумий суммасини аниқлаш содир этилган барча талон-тарож эпизодлари буйича зарар суммаларини қўшганда ҳосил бўлган миқдордан келиб чиқиб<sup>1</sup>, талон-тарож амалга оши-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш туғрисидаги қонунни иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 6-банди, 3-қисми.

рилган кундаги баҳоларга мутаносиб равишда амалга оширилиши керак, ammo бунда айбдорнинг қилмиши давомий характер касб этган бўлиши керак.

«Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан... иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-тарож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда квалификация қилиниши мумкин эмас»<sup>1</sup>. Бундай ҳолларда жиноят, ЖКнинг 164-моддаси диспозициясининг такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиниши керак. Бунда, белгиловчи бўлиб, талон-тарож қилинган мулкнинг барча эпизодлар бўйича умумий суммаси эмас, балки зарар миқдори энг кўп бўлган эпизод бўйича талон-тарож суммаси асос қилиб олинади<sup>2</sup>.

Талон-тарож қилинган нарсаларнинг қийматини белгилашда уларнинг ҳолатини, ишлаб чиқарилган вақтини, эскирганлигини, товар кўринишини, шу нарсалардан фойдаланиш имкониятлари даражаси ва ҳоказоларни эътиборга олиш, яъни товаршунослик экспертизасини тайинлаш ва ваколатли экспертлар ҳулосаси асосида талон-тарож қилинган мол-мулкнинг қиймати масаласини ҳал этиш зарур.

38. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда;

г) баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

39. Босқинчилик таркибини квалификация қилишнинг такроран жиноят содир этиш белгиси бир қанча жиноят содир этиш жиноят-ҳуқуқий институтининг бир кўриниши ҳисобланади ва бу умумий маънода ЖКнинг 32-моддасида ифодаланган (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг).

Агар олдинги жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, такроран жиноят содир этиш белгиси бўйича квалификация қилиш лозим бўлади (ЖКнинг 64-моддаси). Акс ҳолда,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги» 6-сонли қарори, 8-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қуллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 6-банди, 5-қисми.

босқинчиликнинг квалификация қилиш белгиси сифатида такроранлик мавжуд бўлмайди.

Босқинчиликнинг такроран жиноят содир этиш белгисини қайд қилиш учун бир қанча жиноят содир этишнинг аломатларини аниқлаш керак:

- субъектнинг ягоналиги, яъни содир этилган жиноятнинг ҳар бир эпизода фақат бир шахс қатнашиши керак;

- у Жиноят кодексининг бир моддасида ва бир қисмида назарда тутилган камида иккита жиноятни содир этиши;

- уларнинг ҳар бири жинойий жазоланадиган бўлиши керак. Агар қалон-тарож қилишнинг бир эпизоди ўз кетидан маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарса ёки ҳеч қандай жавобгарликни назарда тутмаса, иккинчиси эса, жинойий жазоланадиган бўлса, такроран жиноят содир этиш мавжуд бўлмайди;

- содир этилган жиноятларнинг ҳар бири мустақил таркиб ҳосил қилиш;

- ушбу жиноятлар ҳар хил вақтда содир этилиши ва айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган бўлиши керак.

40. Босқинчиликни такроран содир этилган, деб топиш учун, такрорийликни ҳосил қилувчи жиноятлардан бирининг тамомланганлиги ёки фақатгина тайёргарлик босқичидалиги аҳамият касб этмайди. Шунингдек, иштирокчиликнинг шакллари ва жиноят иштирокчиси бажарган вазифаси ҳам аҳамият касб этмайди. Яъни, айбдор бир жиноятда бажарувчи, иккинчисида эса, ёрдамчи бўлиши мумкин. Масалан, агар К. илгари ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган, кейинчалик эса, ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан босқинчилик жиноятида айбдор, деб топилса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши керак. Бундай ҳолатда шарҳланаётган босқинчиликнинг квалификация қилиш белгиси такрорийликнинг ҳам, икки мустақил жиноятнинг реал жамининг ҳам ўзаро дуч келиши натижа-сида юзага келади. Аммо «жиноят ЖКнинг моддаси огирроқ жазони кузда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозим ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча квалификация қилиниши талаб этилмайди»<sup>1</sup>. Масала айбдор қилмишларининг, модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг реал жами бўйича параллел квалификацияси асосида ҳал этилиши со-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелидаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 8-банди, 1-қисми.

дир этилган жиноятнинг оғирлиги, айб даражаси ва айбдорнинг жамият учун хавфлилигининг айбдорга қўлланиладиган жазо чорасига номутаносиблигига сабаб бўлиши мумкин.

41. Олдинги жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетишидан ташқари, босқинчиликнинг такрорланиши куйидаги ҳолларда ҳам мавжуд бўлмайди:

- агар шахс илгари содир этган босқинчилик жинояти учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликдан озод этилган бўлса (масалан, қилмиш ижтимоий хавфлилигининг йўқолиши билан ва ҳоказолар);

- агар айбдорнинг ҳаракатларида давомий бўлган ягона жиноят белгилари мавжуд бўлиб, бунда ягона қасд билан қамраб олинган ва бир қатор ўхшаш жиноий ҳаракатлардан иборат бўлган ва жами бўйича ягона жиноятни ҳосил қиладиган ўзганинг мол-мулкани қонунга хилоф равишда ўзлаштириш ҳисобланса. Такрорий ва давомий бўлган ягона жиноятни ўзаро фарқлаш масаласи катта амалий аҳамиятга эга, чунки у аниқ жиноий жавобгарликка тортиш ва тўғри квалификация қилиш масалалари билан боғлиқ. Ушбу масалани ҳал қилишда, нафақат, объектив омилларни, хусусан, давомли босқинчиликда ўхшаш бўлган жиноий ҳаракатларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақиқатда ягона жиноий хатти-ҳаракатнинг алоҳида бўғинлари эканлигини, балки вақт бўйича узилган алоҳида ҳужумлар бўлса ҳам, ягона жиноий қасд билан боғлиқ бўлганлиги учун субъектив омилларни ҳам инобатга олиш керак. Қасднинг ва мақсаднинг ягоналиги ва бутунлиги юридик жиҳатдан, бир қарашда, талон-тарожнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган жиноий ҳаракатларини боғлайди;

- агар шахс суиқасд қилинган биринчи талон-тарождан ихтиёрий воз кечганлиги сабабли тугалланмаган бўлса (ЖКнинг 26-моддаси).

Шундай қилиб, такроран жиноят содир этиш деганда, айбдорнинг ҳар бир ҳаракати мустақил таркиб ҳосил қилиши ва ушбу ҳаракатлар бир-биридан вақт оралиғи билан ажратилганлиги тушунилади. Шу билан бирга, ҳар бир янги босқинчиликни содир қилишда айбдорда мустақил қасд юзага келиши ва айбдор ушбу қасдни янги жиноятда амалга ошириши лозим. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айбдорнинг ҳаракатларини босқинчилик билан квалификация қилиш учун, у судланмаган бўлиши, судланганлиги тугаган ёки олиб ташланган бўлиши керак, акс ҳолда, қилмиш хавфли рецидив белгиси бўйича квалификация қилинади.

42. ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «а» банди босқинчиликнинг квалификация қилиш белгиси сифатида қилмишнинг хавф-

ни рецидивист томонидан ёки ЖКнинг 242-моддаси (жиной уюшма ташкил этиш)да назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилишини назарда тутати.

Хавфли рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этиш институтининг бир кўриниши ҳисобланиб, ЖКнинг 34-моддаси шарҳида кўриб чиқилган эди.

Такрорийликдан фарқли равишда хавфли рецидив жиноят айбдорнинг босқинчилик содир этиб судланганидан сўнг, худди шундай жиноятни содир этишини назарда тутати.

Айбдор ҳаракатларини хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб квалификация қилиш учун уларда қуйидаги шартлар бўлиши керак:

- айбдор томонидан ЖКнинг 164-моддасида назарда тутилган жиноятни илгари содир этилганлик фактини аниқлаш;
- босқинчилик учун жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсда илгари шундай ҳаракатларни содир этганлик учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик мавжуд бўлиши.

Юқоридаги шартлардан лоақал бирининг айбдор қилмишида мавжуд эмаслиги мазкур шарҳланаётган квалификация белгиси ҳақида сўз юритиш имконини бермайди.

43. Босқинчиликнинг квалификация қилиш белгиси сифатида ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «а» банди босқинчиликнинг илгари жиноят содир этган шахс томонидан ёки ЖКнинг 242-моддаси (жиной уюшма ташкил этиш)да назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилишини назарда тутати.

Жиноятни мазкур белги бўйича квалификация қилиш такроран жиноят содир этишни ёки хавфли рецидив жиноятни квалификация қилишдан катта фарқ қилмайди. Бироқ, бундай фарқлар мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, жиноятни мазкур белги бўйича квалификация қилиш учун босқинчилик учун жавобгарликка тортилаётган айбдор шахс илгари ЖКнинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган бўлиши кераклигини назарда тутати.

Ушбу жиноятни содир этганлик учун шахс:

- маълум бир сабабларга кўра, шахс жиноий жавобгарликка тортилмаган ва судланмаган бўлса (жиной жавобгарликдан озод қилинган ва қонунда кўрсатилган асослар бўйича жазодан озод қилинганлар бундан мустасно). Бундай ҳолларда босқинчилик учун жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс ҳаракатлари, такроран жиноят содир этиш қоидаларига ўхшаш тарзда квалификация қилинади. Бунда ЖКнинг 242-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш

муддатининг утиб кетмаганлигига аҳамият бериш керак. Масалан, фуқаро Д. ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган босқинчилик ҳаракатларини содир этганликда гумон қилиниб, қўлга олинди, тергов натижасида у илгари жиноий уюшма фаолиятига раҳбарлик қилганлиги аниқланди, шунинг учун унинг ҳаракатларини ЖКнинг 242-моддаси ва ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш керак. Бу ҳолда бир-бирига тўғри келиб қолиши натижасида шарҳланаётган квалификация белгисини келтириб чиқарувчи жиноятларнинг реал жами ҳақида сўз боради. Масаланинг бошқа томондан ҳал этилиши, яъни шарҳланаётган белгининг жиноятлар жами белгисини қамраб олиши, амалда хавфлироқ бўлган қилмишни ҳуқуқий баҳосиз қолдирар эди, шу билан айбдорни оғирроқ бўлган жинояти учун жиноий жавобгарлик доирасидан четга олиб чиқар эди;

- шахс жиноий жавобгарликка тортилиши ва судланиши. Агар босқинчилик жиноятини содир этишда айбдор шахс илгари ЖКнинг 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, шахс жиноий жавобгарликка тортилиши ва судланиши мумкин. Бу ҳолда шарҳланаётган квалификация қилиш белгисининг мавжуд бўлиши учун шахснинг жиноий уюшма ташкил этиш (ЖКнинг 242-моддаси) жинояти учун жавобгарликнинг ҳуқуқий оқибати сифатида судланганлигининг тугамаганлигини ёки суд томонидан олиб ташланмаганлигини аниқлаш лозим. Масалан, фуқаро С. босқинчилик учун жиноий жавобгарликка тортилди, бироқ, тергов жараёнида у жиноий уюшма ташкил этганлиги учун судланганлиги ва судланганлиги суд томонидан тугатилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолда айбдорнинг қилмишларида шарҳланаётган квалификация белгиси мавжуд эмас. Судланганликнинг тамом бўлиши ёки тугатилиши у билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларнинг тугашига олиб келади. Масаланинг бошқача ҳал этилиши жазонинг асосланмаган равишда оғирлашишига олиб келган бўлар эди. Бу эса, ЖКнинг 7-моддасида акс эттирилган инсонпарварлик, яъни жиноят содир этган шахс ахлоқан тузалиши учун зарур ва старли бўладиган жазо тайинлаш тамойилига зид келади.

44. Жиноятнинг кўп миқдорда содир этилиши босқинчилиكنинг ижтимоий хавfli оқибатларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини тавсифлайди: бир томондан, у мулкчилик муносабатлари бузилишининг чуқурлигини, бошқа томондан эса, реал моддий зарар миқдорини акс эттиради.

Кўп миқдорда — бу жиноят қонунида кучли шакллантирилган белгидир (хусусан, ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида).

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, куп миқдор деганда, шундай зарар етказиш тушуниладики, унинг пулдаги баҳоси республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача миқдори билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан қатъий нарх белгилаш имконияти йўқлиги сабабли талон-тарож қилинган нарсаларнинг қийматини аниқлашда муайян қийинчиликлар юзага келади. Шунинг назарда тутиш керакки, ўзганинг ўғирланган мол-мулкнинг қиймати шу қилмиш содир этилган пайтда мазкур минтақа бозорларидаги ўртача нархлар бўйича белгиланиши лозим. Талон-тарож қилинган нарсаларнинг қийматини белгилашда уларнинг ҳолатини, ишлаб чиқарилган вақтини, эскирганлигини, товар кўринишини, шу нарсалардан фойдаланиш имкониятлари даражаси ва ҳоказоларни эътиборга олиш лозим. Яъни, товаршунослик экспертизасини тайинлаш ва ваколатли экспертлар хулосаси асосида талон-тарож қилинган мол-мулкнинг қиймати масаласини ҳал этиш зарур. Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори фақат талон-тарож қилинган мулкнинг пул шаклидаги умумлаштирилган қиймати билан аниқланади. Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорини аниқлашда мол-мулкнинг вазни, ҳажми, хўжаликдаги аҳамияти, унинг ноёблиги ва шу каби натурал ва иқтисодий мезонлар қўлланиши мумкин эмас.

Жойи, манбаи, усули бўйича ўзаро боғлиқ бўлмаган ва айбдорлар ўзганинг мулкни эгаллаш вақтида ҳар бирида мустақил қасд мавжуд бўлган ҳолда бир неча талон-тарожлар содир этилса, босқинчилик миқдорини аниқлаш учун ҳар бири алоҳида содир этилган талон-тарожларнинг умумий суммасидан келиб чиқиш учун талон-тарож қилинган мол-мулкни қўшиб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ҳолда жиноятни ўзганинг мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлигини назарда тутувчи ЖК тегишли моддалари диспозициясига мувофиқ, жумладан, такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>. Фақатгина бир қасд билан қамраб олинган ва ягона бўлган давомли жиноятни ташкил этувчи эпизодлардан иборат бўлган давомий талон-тарож қилишгина истисно бўлиши мумкин. Шунга кўра, айбдорнинг ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаганда, талон-тарож қилинган мулкнинг умумий баҳосини инobatга олиш ва унинг миқдорига қараб ЖКнинг 164-моддасида кўрсатилган белги бўйича квалификация қилиш керак. Аммо агар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 8-банди, 3-қисми.



айбдорнинг ҳаракатлари давомий жиноят хусусиятига эга бўлмаган, лекин бир неча мустақил эпизодлардан ташкил топган бўлса, улар талон-тарож қилинган мулкнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб квалификация қилиниши мумкин эмас.

45. Босқинчилик жинояти олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилганда, ҳар бир иштирокчи томонидан талон-тарож қилинган мол-мулк миқдори қўшиб ҳисобланади, чунки гап бир гуруҳ томонидан содир этилган жиноят ҳақида бормоқда. Агар талон-тарож қилинган мол-мулкнинг умумий миқдори қонунчилик билан ўрнатилган «кўп миқдор» даражасида бўлса, жиноятда иштирок этган ҳар бир шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 164-моддаси, 3-қисми, «б» банди билан квалификация қилиниши керак. Бунда ҳар бир алоҳида шахс томонидан талон-тарож қилинган мол-мулкнинг умумий миқдордаги улуши квалификация қилишда аҳамият касб этмайди, квалификация қилишга талон-тарож қилинган мол-мулкнинг умумий миқдоригина аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, агар олдиндан тил бириктирган шахслар ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларда иштирокчилар жиноятларнинг айрим эпизодларидагина қатнашган бўлса, уларнинг қилмиши бевосита уларнинг ҳаракатлари етказилган зарар доирасида квалификация қилиниши керак. Масалан, фуқаролар А., Г. ва Д.лар фуқаро С.га нисбатан босқинчилик жиноятини содир этдилар, А. ва Г. жабрланувчи мол-мулкнинг бир қисмини қўлга киритиб гойиб бўлишди, Д. эса, бошланган ишни давом эттириб, С.дан мол-мулкнинг қолган қисмини талон-тарож қилди. Бу ҳолда, А. ва Г.нинг ҳаракатлари ишнинг бошқа ҳолатлари мавжуд бўлмаганда ва улар Д.нинг ҳаракатларидан беҳабар бўлган тақдирда, ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши керак. Д.нинг ҳаракатлари эса кўп миқдордаги босқинчилик сифатида ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши керак. Д.нинг ҳаракатлари қўшимча равишда 164-модданинг 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинмайди.

46. Талон-тарож қилишни «кўп миқдорда» белгиси бўйича тўғри ҳуқуқий баҳолаш учун айбдорнинг қасди йўналтирилганлигига аҳамият бериш керак. Суд-тергов амалиётида шундай ҳолатлар кўп учрайдики, фактик жиҳатдан талон-тарож анча миқдорда содир этилган, ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб, айбдор шахсларнинг ҳаракатларидаги қасд кўп миқдорда талон-тарож қилишдан иборат бўлган. Бундай ҳолларда жиноят қасднинг йўналтирилганлиги бўйича кўп миқдор белгиси бўйича квалификация қилиниши керак. Бунда кўп миқ-

дорда талон-тарож содир этишга йўналтирилган қасд фактик жиҳатдан талон-тарож қилинган мулк миқдоридан ортиқлиги тўғрисидаги суд ҳулосаси иш бўйича аниқланган реал ҳолатлар билан асосланган бўлиши керак. Номуайян қасд (миқдорига нисбатан) мавжуд бўлган тақдирда қилмиш фактик жиҳатдан талон-тарож қилинган мол-мулк миқдори бўйича квалификация қилиниши керак.

47. Босқинчилик жиноятининг кейинги квалификация қилиш белгиси ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «в» бандида «уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш» сифатида ифодаланган.

Қонун чиқарувчи томонидан босқинчилик ва бошқа талон-тарож жиноятлари таркибига ушбу квалификация қилиш белгисининг киритилиши асослидир, чунки айбдорларнинг бундай ҳаракатлари қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Бундай турдаги ҳаракатларни содир этишда айбдор шахслар уй-жой, бино ёки бирон-бир махсус жиҳозланган омборхонага кириш учун қўлгина ҳаракатлар содир этишади. Бунда талон-тарож қилаётганда улар қўлфларни, эшикларни бузишади, девор шифтидан туйнук очишди, дераза роми ва панжараларини ечиб олишди ва ҳоказо, бундай қилмишлари билан улар мулк объектларига моддий зарар етказишади.

Айбдорнинг қилмишларида уй-жойга, омборхонага ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириш квалификация белгиси мавжуд, деб ҳисоблаш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур.

48. *Кириш* – бу босқинчилик содир этиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириб олиш<sup>1</sup>. Босқинчилик жиноятини содир этишнинг бу усули, уй-жой, омборхона ёки бошқа бинога кириш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда, у ерда қонуний асосда ишлаётган ёки яшаётган шахсларнинг (ижарачи, мулкдор) ижозатсиз ёки хоҳишсиз ғайриқонуний равишда бостириб киришда ифодаланadi.

Кириб олиш нафақат хуфиёна ҳаракатлардан, балки тўсиқлардан ёки одамларнинг, шу жумладан, кўриқчиларнинг қаршилигини бартараф қилиб ўтган ҳолда очик ҳам содир этилиши мумкин. Сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда бинога кириш ҳам кириб олиш сифатида қабул қилиниши керак. Айбдорнинг талон-тарож мақсадида бинода беркиниб қолиши ҳам ёлгон билан кириб олиш сифатида тушунилиши керак.

49. Уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога ушбу биноларга кириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг кириши, шунингдек,

---

<sup>1</sup> *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 9-банди, 1-қисми.

бир маргалик киришга рухсати бор шахсларнинг кириши кириб олиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, супермаркет ёки магазинларга уларнинг иш вақтида босқинчилик билан тажовуз қилишда кириб олиш белгиси мавжуд бўлмайди.

50. Кириб олишнинг биринчи ва зарурий элементи — бу унинг ҳуқуққа хилоф хусусиятга эгаллиги ҳисобланади. Яъни, тўғри жиний-ҳуқуқий квалификация қилиш учун айбдорнинг ушбу бинода ёки омборхонада бўлишига ҳуқуқи борлиги масаласини аниқлаш муҳим. Агар шахс жиноят содир этилган бино ёки омборхонага киришга ҳақли бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиниши лозим, чунки бу ҳолларда айбдорнинг жиноят содир этилган бино ёки омборхонада пайдо бўлиш фактининг ўзи ҳуқуққа хилоф эмас.

Уй-жойга, омборхонага ёки бошқа биналарга кириб олиб босқинчилик қилишни тўғри жиноят-ҳуқуқий квалификация қилиш учун лозим бўлган иккинчи зарурий элемент қилмиш субъектив томонини, яъни қасд пайдо бўлган вақтни аниқ белгилаш. Барча ҳолларда мазкур элемент бўйича айбдор шахснинг босқинчилик содир этиш қасди бино ва омборхоналарга киришдан олдин пайдо бўлиши лозим.

Айбдор шахс бино ёки омборхонага бошқа мақсадлар билан кирган бўлиб, босқинчилик мақсади кейин вужудга келган бўлса ва бу ниятини амалга оширса, қилмишда бошқа квалификация қилиш белгилари мавжуд бўлмаса, содир этилган қилмишни ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш керак<sup>1</sup>.

51. Уй-жой, омборхона ёки бошқа биного кириб олиш усуллари турли-туман бўлиб, босқинчиликнинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун айбдор юқоридан пастга сакрагани, эшик, деразаларни бузгани ёки бошқа мосламаларни ишлатгани билан «кириб олиш» тушунчаси ўзгариб қолмайди.

52. Уй-жой деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган бино (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаторийдаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар), шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни уғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 9-банди, 2-қисми.

(балконлар, ойнаванд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади<sup>1</sup>. Куп қаватли уйлардаги чордоқ, ертулалар, транспорт воситалари уй-жой ҳисобланмайди.

Одамларнинг доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланмаган ва мослаштирилмаган биноларнинг (масалан, уй-жой иморатларидан алоҳида турган ертулалар, гаражлар ва бошқа хўжалик биноларининг) уй-жой ҳисобланиши мумкин эмас.

Поезд транспорт воситаси бўлса ҳам, поезд купеси вақтинчалик уй-жой ҳисобланиши мумкин. Палаткалар, вагончалар ва кема каюталарини ҳам вақтинчалик уй-жой, деб ҳисоблаш зарур.

53. Омборхона деганда, товар моддий бойликларни доимий ёки вақтинча сақлаш, ташиш, талон-тарож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади. Булар – турли хил мулк, яъни маҳсулотларни, пулни, қимматли металллар ва қимматли тошларни сақлаш ва асрашга мўлжалланган барча турдаги махсус қурилмалар (масалан, сейфлар, темир шкафлар, контейнерлар, авторефрижераторлар, совуткичлар, қуриқланадиган темир йўл вагонлари ва платформалар ва бошқа шу кабилар)дир.

Шунингдек, суд-тергов амалиётида товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган ҳудудлар ҳам «омборхона», деб қабул қилинади. Масалан, темир йўл станцияларининг, дарё ва денгиз портларининг, аэропортларнинг қуриқланадиган ҳовлилари, элеватор, мол учун ўраб олинган молхоналар ва бошқалар.

54. Эркин киришга тўсиқ ҳосил қилмайдиган биноларни (очиқ платформа, баржа, очиқ хирмон ва ҳоказолар)ни омборхона, деб ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қуриқланмайдиган платформада содир этилган босқинчилик ушбу белги бўйича квалификация қилинмайди. Агар очиқ платформа, баржа ёки очиқ хирмон қуриқланадиган бўлса, у ҳолда улар омборхона сифатида квалификация қилиниши зарур.

55. Омборхонани нарса ёки буюмларни сақлаш ёки ташиш учун фойдаланадиган воситалар (бидон, бочка, қути, чамадон, портфель ва ҳоказолар)дан фарқлаш лозим. Ушбу сифимларни очиш ва ундаги мол-мулкни ўзлаштириш юқоридаги квалификация қилиш белгисини ҳосил қилмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 9-банди. 4-қисми.

56. Бино деганда, товар моддий бойликларни сақлаш учун қурилган доимий ёки вақтинчалик, кўчар ёки кўчмас иншоот тушунилади. Улар қаторига завод, цех, кема, омонат кассаси, музей, почта бўлими, дукон, театр ва уй-жой ёки «омборхона» тушунчалари билан қамраб олинмаган бошқа иншоотлар кириши мумкин.

57. Уй-жойга, бино ёки омборхонага кириб олиш бир ёки бир неча шахс томонидан содир этилиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда амалиётда қуйидаги савол юзага келади: қайси ҳолда «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» квалификация белгиси мавжуд бўлади – уй-жойга, омборхона ёки бинога бир шахс кириб, қолганлари ташқарида кутиб тургандами, умуман, ушбу вазиятда кўрсатилган белги мавжудми? Бу борада суд амалиёти босқинчилик жиноятини уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш билан квалификация қилишда, айбдор бевосита иншоотга кирмаган бўлса-да, олдиндан келишган ҳолда эшикларни бузиш, калит ясаш ва бошқа шу каби ҳаракатларда қатнашган бўлиши мумкинлигини инобатга олади. Яъни, ушбу ҳаракатлар бирга бажариш бўлиб, қўшимча равишда ЖКнинг 28-моддаси бўйича квалификация қилишга зарурат бўлмайди.

58. Уй-жойга, омборхона ёки бинога киришда маслаҳатлар, йўналтиришлар, воситалар билан таъминлаб бериш, шунингдек, тўсиқларни бартараф этиб бериш ҳаракатлари бевосита иншоотга кириб олиш ёки мулкни ўзлаштириш билан боглиқ бўлмаса-да, босқинчилик жиноятини содир этишда ёрдамчи сифатида иштирок этиш, деб квалификация қилиниши лозим.

59. Босқинчилик жинояти олдиндан тил бириктирган ҳолда бир гуруҳ шахслар томонидан ўзганинг уй-жойига, омборхонасига ёки бинога кириб содир этилганда, айбдор шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилиниши керак. Бу ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш мумкин эмас, чунки ЖКнинг 33-моддасига кўра, «Агар шахс содир этган қилмишда ушбу кодекс «Махсус» қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади».

60. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, айбдор босқинчилик жиноятини содир қилиш мақсади билан уй-жой, омборхона ёки бинога кирганда, ушбу иншоотнинг бутунлигига путур етказса ва шу билан анча миқдорда моддий зарар келтирса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича кириб олиш билан содир этилган бос-

қинчилик ва ЖКнинг 173-моддаси, 1-қисми — ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

61. Уй-жой, омборхона ва бинога кириш билан содир этилган босқинчилик жиноятида ушбу моддада назарда тутилган бошқа оғирлаштирувчи белгилар ҳам мавжуд бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари фақат ушбу модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилиниши керак. Бошқа квалификация қилиш белгилари эса ҳукмда акс эттирилади. Аммо агар айбдор томонидан иккита босқинчилик жинояти содир этилиб, улардан биттаси уй-жой, омборхона ва бинога кириш орқали содир этилган бўлса, унинг ҳаракатлари мустақил равишда жиноятларнинг реал жами қоидасини қўллаган ҳолда квалификация қилиниши зарур.

62. ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «г» бандига кўра, босқинчилик жиноятининг квалификация қилиш белгиси «баданга оғир шикаст етказган ҳолда» босқинчилик содир этиш ҳисобланади. Баданга қасддан оғир шикаст етказиш белгилари ЖКнинг 104-моддаси ва ушбу моддага шарҳларда берилган. Босқинчилик вақтида баданга оғир шикаст етказиш ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «г» банди билан қамраб олинади ва ЖКнинг 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

63. Агар босқинчилик вақтида баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлими келиб чиққан бўлса, у ҳолда босқинчилик билан қасддан одам ўлдиришни узаро фарқлаш зарурати юзага келади. Одам ўлдиришда одам ўлдиришга тўғри ёки эгри қасднинг мавжуд бўлиши зарур, баданга оғир шикаст етказиш натижасида одам ўлдиришда эса, айбдорнинг жабрланувчи ўлимига муносабати айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади. Босқинчилик жиноятида одам ўлдирилиши ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «г» банди чегарасидан чиқиб кетади, шунинг учун квалификация қилишда айб шаклидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш талаб қилинади. Бунда босқинчилик жинояти содир этишда эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жинояти, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 102-моддаси, 1-қисми ва ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, «г» банди билан квалификация қилиниши керак. Босқинчилик жараёнида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган ҳолда қасддан одам ўлдириш жинояти эса, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди — тамагирлик ниятида одам ўлдириш ва ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши керак.

64. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, таҳлил қилинаётган белги бўйича баданга оғир шикаст етказиш бевосита босқинчилик жинояти

содир этиш жараёнида амалга оширилиши керак, акс ҳолда, бошқа оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлмаганда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «д» банди ва ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

65. ЖКнинг 164-моддаси, 4-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

66. Жуда кўп миқдор босқинчилик жиноятининг қатъий расмийлаштирилган белгиси ҳисобланиб, қонун унинг аниқ чегарасини белгиланган – ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига мувофиқ, бунда энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ миқдорда зарар етказиш тушунилади. Ушбу ҳолатда етказилган зарар миқдорини аниқлаш қоидалари кўп миқдорда талон-тарож қилиш миқдорини аниқлаш қоидалари билан бир хил, яъни зарар миқдори товаршунослик экспертизаси ёрдамида аниқланиши керак.

67. ЖКнинг 34-моддасига кўра, шахс фақат суднинг ҳукми ва қонунда белгиланган ҳолларда ўта хавфли рецидивист, деб топилиши мумкин (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг). Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш унинг учун салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Салбий оқибатлар унинг, ўта хавфли рецидивист, деб топилмаган шахсдан фарқли равишда, қаттиқроқ жавобгарликка тортилишидан иборат. Шахснинг ўта хавфли рецидивист, деб топилганлиги фақатгина суд томонидан олиб ташланиши мумкин, шунинг учун ҳам шахс қилмишини ушбу белги бўйича квалификация қилишда суд-тергов органлари шахснинг ўта хавфли рецидивист, деб топилганлиги, ҳали ҳам уз кучидами ёки кучини йўқотганми, шунга аҳамият беришлари лозим.

68. Қилмишни ЖКнинг 164-моддаси, 4-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш учун қуйидаги белгилар бўлиши зарур:

- босқинчилик жиноятини содир этишдан олдин шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш туғрисида суд ҳукми;

- ушбу ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги. Юқоридаги белгилардан бирининг мавжуд эмаслиги шахснинг қилмишини ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб квалификация қилиш имконини бермайди.

69. Уюшган гуруҳ бу жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавфли шаклларида бири. Уюшган гуруҳ тушунчасининг умумий маз-

муни ЖКнинг 29-моддасида ўз аксини топган. ЖКнинг 30-моддасида эса, уюшган гуруҳ ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган, шунингдек, бундай гуруҳ аъзоларининг мазкур иштирокчилик шаклида содир этган жинояти учун жавобгарлик асослари, шартлари ва ҳажми аниқ ифодаланган. Шу билан бирга қонунда белгиланишича, Жиноят кодексида назарда тутилган асосларда ва чегарада уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноят оғирроқ жазога сазовордир (ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг). Босқинчилик жиноятига нисбатан бундай асос ва чегаралар ЖКнинг 164-моддаси, 4-қисми, «в» банди диспозициясида ва огирлаштирилган жазосида ифодаланган.

70. Босқинчилик жиноятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барқарорлик белгиси кўпинча гуруҳ жиноий фаолиятининг давомийлигида, уни жиноий ихтисослаштирилганлигида, фаолият соҳасининг бошқа шу каби гуруҳлар билан тақсимланишида, ҳар бир аъзосининг вазифалари аниқ бўлинганлигида (ташкilotчи, бошлик), қаттиқ ички интизом, жиноий фаолиятни маълум бир вақт доирасида режалаштиришда ифодаланади. Ушбу санаб ўтилган хусусиятлар ҳар бир уюшган гуруҳ томонидан босқинчилик жинояти содир этилганда у ёки бу маънода мавжуд бўлади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноятга кўра, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятда ички ташкиллаштирилганлик даражаси юқорироқ бўлади. Шунинг учун ҳам ЖКнинг 29-моддаси қоидаларига кўра, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик масаласида асос, шартлар ва жиноий жавобгарлик даражасига талаблар қаттиқроқдир. Хусусан, уюшган гуруҳ ташкilotчиси ёки бошлиғи, агар гуруҳ томонидан содир этилган барча жиноятлар унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, барча босқинчилик жиноятлари учун бажарувчи сифатида жавобгарликка тортилади. Бунда унинг бевосита жиноятларни содир этишда қатнашганлиги масаласи аҳамият касб этмайди.

Уюшган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилишда иштирок этган ёки тайёрлаган бўлсалар, худди шундай даражада жавобгарликка тортиладилар. Уюшган гуруҳнинг оддий аъзоси бевосита мулкни талон-тарож қилишда иштирок этмаган бўлса, унинг уюшган гуруҳнинг ушбу ҳаракатларидан хабардор бўлиши уни айблаш учун етарли бўлмайди. Босқинчилик жиноятини содир этишда уюшган гуруҳнинг барча аъзолари қатнашган ёки иштирок этишган бўлсагина, у уюшган гуруҳ томонидан содир этилган босқинчилик, деб ҳисобланиши мум-



кин. Акс ҳолда, қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган, деб квалификация қилиш керак.

71. Уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш ёхуд уларнинг амалга ошиши учун қулай шароит яратувчи ҳолатларни уюшган гуруҳ манфаатлари белгиси сифатида тушуниш лозим. Гуруҳ манфаатлари, масалан, товар-моддий бойликлар сақланаётган жой ҳақида маълумот, у ёки бу одамни йўқ қилиш ёки босқинчилик жиноятини содир этиш кабилар бўлиши мумкин.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган, деб топиш учун суд-тергов органлари қуйидаги икки белгининг мавжудлигига аҳамият бериши зарур:

- айбдор ўзи томонидан содир этилаётган жиноятлар гуруҳ манфаатларини, сўнг айбдорнинг субъектив манфаатларини кўзлаб амалга ошириш учун содир этилаётганлигини тушуниши лозим;

- уюшган гуруҳ аъзолари ёки унинг ташкилотчиси айбдорнинг ҳаракатлари гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилаётганлигини тушуниши лозим.

Юқоридаги белгилардан бирининг мавжуд бўлмаслиги босқинчилик жиноятини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган, деб квалификация қилишга имкон бермайди.

72. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган босқинчилик шундай гуруҳ аъзоси томонидан, шунингдек, унга кирмаган шахс томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Аммо бу ҳол қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди. Шу билан бирга, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб босқинчилик жиноятини содир этишда ғаразли мақсад мавжуд бўлиши шарт эмас. Чунки бунда жиноятчи бошқа мақсадларни кўзлаган, масалан, ўзининг жиноят содир этиши мумкинлигини кўрсатиб гуруҳга кириши ва ҳоказо бўлиши мумкин.

### 165-модда. Товламачилик

*Товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Товламачилик:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) кўп миқдорда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ун йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Товламачилик:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

*б) ута хавфли рецидивист томонидан;*

*в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

*— ун йилдан ун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Товламачилик мулкка қарши гаразли жиноятлардан бири ҳисобланади. Товламачиликнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти унинг, нафақат, мулкчиликка, балки мулкчилик манфаатларининг мустақил шакли сифатида намоён бўлувчи бошқа (мажбурият юкловчи, мерос бўлиб утувчи, уй-жой каби) мулккий муносабатларга ҳам тажовуз қилишидан иборат.

2. Товламачилик кўп объектли жиноят ҳисобланади. Чунки унинг содир этилишида нафақат мулкчилик ҳуқуқига, бошқа шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларига, балки ҳаётга, соғлиққа, шаънга, қадр-қимматга ва бошқаларга зарар етказиш хавфи ҳам мавжуд.

3. ЖКнинг 165-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, товламачилик предметлари қуйидагилар:

- мол-мулк;

- мол-мулкка бўлган ҳуқуқ (товламачининг ёки бошқа айбдор, деб кўрсатилган шахснинг қарзи борлигини тасдиқловчи тилхат, шартнома ёки бошқа ҳужжат ёхуд муайян мулккий ҳуқуқлар товламачига ёки у кўрсатган шахсга ўтишига асос бўладиган бошқа ҳужжат);

- мулккий хусусиятга эга ҳаракатлар (ишни бажариш, хизматлар таклиф этиш ва товарни паст нархда ёхуд текинга бериш ва бошқалар);

- мулккий манфаатлар бериш (масалан, жабрланувчи учун олдиндан нохуш бўлган шартномани тузиш ва бошқалар).

*Мол-мулкка бўлган ҳуқуқ* — шахснинг ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек, ўзининг мулккий ҳуқуқи ким томонидан бузилишидан қатъий назар, ўз мулккий ҳуқуқлари бузилишини бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқи.

Товламачиликни содир этаётиб айбдор мулкка бўлган ҳуқуқни талаб қилмай, ўзганинг мол-мулкидан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини талаб қилиши мумкин.

4. Жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиб, унинг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи сир сақланишини хоҳлаган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг манфаатларига хавф соладиган шароитни яратиш йўли билан жабрланувчи шахсни унда турган (масалан, қарзга, кредитга олган, жиноят содир этиши натижасида вақтинча сақланиб турган ва ҳоказо) ўзининг мол-мулкни беришга мажбур этганида, у ўзганинг мулкни товламачилик йўли билан талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бундай қилмиш, қонунда назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлса, ўзбошимчалик, деб ҳисобланади. Қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади.

Айбдор жабрланувчидан унинг тасарруфига ноқонуний йўл билан (жиноят содир этиш йўли билан ҳам) ўтган мулкни талаб қилганда ҳам унинг ҳаракатлари товламачилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

5. Мулкий йўсиндаги ҳаракатлар деганда, ҳақ тўланадиган ҳар қандай ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (иморатлар қуриш, уларни таъмирлаш, автомобилларни таъмирлаш, товар-моддий бойликларни ташиб бериш ва ҳоказо) тушунилади.

Мулкий манфаатлар деганда, жабрланувчининг ўз хизмат ваколатларига кўра, у ёки бу шахсга унинг муҳтожлигига қараб ёхуд белгиланган қоидалар ёки норматив ҳужжатларга биноан тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган манфаатлар тушунилади. Жумладан, товар-моддий бойликларни навбатсиз ажратиш, қўшимча тўловларсиз товар олиш, ўз корхонасидаги бўш лавозимларга тайинлаш тушунилиши керак.

6. Объектив томондан товламачилик айбдорнинг мулкдордан била туриб, ғайриқонуний равишда ўзига ёки у кўрсатган шахсларга муайян мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд улар фойдасига муайян мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилишда ифодаланади ва у ўз талабларини қуйидаги ҳаракатлар орқали амалга оширади:

- зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш. Бунда зўрлик ишлатишнинг хусусияти аниқлаштирилмаган. Бинобарин, ЖКнинг 165-моддаси, 1-қисми бўйича қўрқитиш уз ичига жабрланувчини ўлдириш, баданига шикаст етказиш, номусига тегиш ва бошқа турдаги ҳаракатларни содир этиш билан қўрқитишни қамраб олади;

- мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан қўрқитиш. Бунда мулк мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида жабрланувчига ёхуд унинг яқин кишиларига тегишли бўлиши мумкин. Мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш усули қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди;

- маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш. Бунда ушбу маълумотларни жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари сир сақлашни хоҳлайдилар. Объектив томоннинг ушбу белгиси бўйича квалификация қилишда жабрланувчи ёки унинг яқинлари мазкур маълумотларни сир сақлашга ҳаракат қилаётганликларини (қилганликларини), уни ошкор этиш билан қўрқитиш эса, айбдор томонидан бирон-бир мулкни эгаллаш учун фойдаланилаётганлигини (фойдаланганлигини) аниқлаш муҳим;

- жабрланувчини мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароит яратиш.

7. Товламачининг талаблари оғзаки, телефон, факс, хат орқали ва бошқа шаклда бўлиши мумкин.

Талаб товламачининг жабрланувчидан мулкни ёки мулкдан ўз мулкидек фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим этишини таклиф қилишни англатади. Талаб рад этилса, ўч олиш билан қўрқитишда ифодаланган бўлиши керак. Қўрқитиш билан мустаҳкамланмаган талаблар товламачиликни ҳосил қилмайди.

Талаблар пул олиш, ердан, дўкондан, автомобилдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш, товламачини шерик сифатида мунтазам дивидендлар ва бошқа мулкый манфаатлар олиши учун кооператив, корхона аъзолигига киритиб қўйишга қаратилган бўлиши мумкин.

8. Товламачиликни содир этишда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, уриш, зарба бериш, баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш билан қўрқитиш тушунилиши, агар айбдорнинг талаби бажарилмаса, шундай зўрлик ишлатиш хавфи етарли бўлиши керак. Уларнинг ҳаммаси ЖКнинг 165-моддаси диспозицияси билан қамраб олинган ва шахсга қарши жиноятлар бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Товламачилик жиноятини квалификация қилишда қўрқитишни амалга ошириш шакли (оғзаки ёки ёзма, бевосита ёки воситачи орқали айtilган, очиқчасига ёки кесатиб айtilган) аҳамиятга эга

эмас. Аммо унинг мазмуни жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг тўғрилиқча ифодаланган маъноси билан тушунилиши лозим.

9. Товламачиликдаги қўрқитишга қуйидаги белгилар хос: биринчидан, ўз мазмунига кўра, унда жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд улар сир сақлаш лозим, деб топган маълумотларни ошкор қилиш нияти билдирилган бўлиши керак; иккинчидан, таҳдид реал, яъни агар жабрланувчи товламачининг талабларини бажармаса, таҳдид амалга оширилиши мумкинлигидан хавотир бўлиши лозим. Жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлаш учун қўрқитишни ким амалга ошириши мумкинлиги: бевосита товламачининг ўзими ёки унинг иштирокчиларими, бу аҳамият касб этмайди. Қўрқитиш келажакда (дарҳол ёки талабни бажаришдан бош тортганлик учун) амалга оширилади, деб қабул қилинади. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятнинг таркиби учун айбдорнинг ҳақиқатан ҳам ўз ниятини амалга ошироқчи бўлган-бўлмаганлиги аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчи томонидан қўрқитишнинг хусусияти ва жадаллиги қандай қабул қилинганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Жадаллиги бир хил бўлган таҳдид, жабрланувчиларнинг руҳий ҳолати, тарбияси, феъл-атвори, жисмоний хусусиятларидаги фарқлар туфайли, улар томонидан турлича қабул қилинади. Жабрланувчи қандай қабул қилганлигидан қатъий назар, таҳдиднинг кучи ошмайди ва камаймайди, унинг ўзи қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Агар айбдорнинг айтганлари объектив томондан таҳдидни ўз ичига олмаган бўлса, қилмиш товламачилик, деб баҳоланиши мумкин эмас.

ЖКнинг 165-моддаси товламачиликни содир этишда ўлдириш билан қўрқитишни ҳам ўз ичига қамраб олади ва ЖКнинг 112-моддаси бўйича кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Товламачиликни квалификация қилиш учун таҳдиднинг кимга — бевосита мулк эгасига ёки жабрланувчига яқин кишиларга қаратилганлигининг аҳамияти йўқ. Бунда жабрланувчига яқин кишилар доираси жабрланувчининг фақат яқин қариндошлари билангина чегараланмайди (ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлими), балки вужудга келган ҳаётини вазиятлар туфайли ҳаёт-саломатлиги ва тинчлик-хотиржамлиги жабрланувчи учун қадрли бўлган бошқа шахсларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

10. Мулкка шикаст етказиш деганда, мулкка зарар етказилиши туфайли, ашёнинг ўз сифатини йўқотиши, яъни ундан ўз вазифасига кўра, фойдаланиш учун вақтинча ёки қисман яроқсиз бўлиб

қолиши ва уни тиклашга муайян меҳнат ёки маблағ сарфланганидан кейин аввалги қимматига эга бўлиши тушунилади.

11. Мулкни нобуд қилиш деганда, уни қайта тиклаб бўлмайдиган ва ундан вазифасига кўра, фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келтирилганлиги тушунилади.

12. Шахс сир сақланишини хоҳлаётган маълумотлар деганда, ўзининг шахсий ҳаёти, иш фаолияти, яқин кишилари, қариндош-уруғлари ҳақидаги ва шу каби ҳар қандай ахборотлар тушунилиши керак. Ушбу маълумотлар қаторига шахсни ва унинг яқинларини шарманда қилиши ва унинг ошкор этилиши унга ва унинг яқинлари манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар (жабрланувчи ҳаётидаги шарманда қилувчи маълумотлар, тижорат сири) киради. Бунда шарманда қилувчи маълумотлар деб, уларнинг рост ёки ёлғонлигидан қатъий назар, жабрланувчи томонидан унинг шаън ва қадр-қимматини таҳқирловчи сифатида қабул қилинадиган маълумотларга айтилади. Маълумотларнинг шарманда қилувчи сифатида баҳоланиши, фақатгина уларнинг шундай маълумот сифатида жабрланувчи ва унинг яқинлари томонидан қабул қилинишига боғлиқ. Шахснинг маълумотларни сир сақлашни хоҳлаган ёки хоҳламаганлиги ҳар бир алоҳида ҳолда суд томонидан ҳал этилади. Суд буни шантаж — жабрланувчининг иродасига таъсир қилган ёки қилмаганлигига қараб аниқлайди. Агар жабрланувчи маълумотлар ошкор қилинишидан қўрқиб, товламачининг талабларини бажарган бўлса, демак, жабрланувчи ушбу маълумотларнинг сир сақланишини хоҳлаган.

13. Маълумотларни ошкор қилиш деганда, жабрланувчининг фикрича, ошкор қилиниши номақбул бўлган (масалан, фарзандликка олиш, касаллик, судланганлик тўғрисидаги ва ҳоказо) ахборотларни бошқа шахсларга маълум қилиш тушунилади. Айбдор шахс маълумотларни оғзаки, хат, телефон, факс орқали ва бошқа тарзда ошкор қилиши мумкин. Маълумотларни ошкор қилиш усули товламачиликнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

14. Жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш деганда, айбдорнинг жабрланувчи ва унинг яқинлари учун ҳар қандай объектив хавфли шароит яратиши тушунилиб, унга товламачи чек қўйиши мумкинлигини ёки маълум бир ҳақ эвазига йўқ қилиши мумкинлигини таклиф қилади. Тадбиркордан иншоотни «қўриқлаш» учун пул тўлашни талаб этиш ёки маҳсулотларни «сотиш»га ёрдам берганлик учун пул талаб қилиш ҳам шарҳланаётган белги бўйича квалификация қилиниши лозим.

15. Товламачилик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни топшириш, мулкий манфаатлар бериш ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилинган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Бунда ушбу талабларнинг бажарилганлиги аҳамият касб этмайди.

16. Агар товламачи ўз таҳдидини амалга оширишда олдиндан била туриб жабрланувчи ва унинг яқинлари шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи ёлғон маълумотларни тарқатган бўлса, унинг ҳаракатлари қўшимча равишда ЖКнинг 139-моддаси бўйича ҳам квалификация қилиниши керак.

17. Агар айбдор ўз таҳдидини амалга ошириш пайтида ўзганинг мулкни нобуд қилган ёки унга шикаст етказган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 173-моддаси билан ҳам квалификация қилиниши керак. Айбдор томонидан содир этилиши билан қўрқитилган фактик зўрликнинг ишлатилиши товламачиликнинг асосий таркиби билан қамраб олинмайди ва келтирилган зўрликнинг хусусиятига қараб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 104, 105 ва 109-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак. Товламачиликни содир этиш пайтида жабрланувчи қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш барча ҳолларда жиноятлар жами бўйича ЖКнинг 165-моддаси ва ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «и» банди билан квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>. Бироқ, агар одам ўлдириш товламачилик фактини яшириш мақсадида содир этилган бўлса, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 165-моддаси тегишли қисми ва ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

18. Субъектив томондан товламачилик тўғри қасд билан содир этилади. Бунда айбдор жабрланувчидан мол-мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ўзига ёки бошқа шахсга беришни қўрқитиш билан талаб қилиши асосланмаганлигини ва ноқонунийлигини билади. Айбдор ғаразли мотивларга амал қилади ва ашёни ноқонуний равишда қўлга киритиш мақсадини кўзлайди.

19. Жиноятнинг субъекти — 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахсдир.

<sup>1</sup> Агар товламачиликда «қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш Жиноят кодексининг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда, қўрқитиш амалга оширилатганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам квалификация қилиниши лозим». Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 4-банди.

20. Оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган товламачилик ЖКнинг 165-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган ва қуйидаги квалификация қилиш белгиларини қамраб олади:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан товламачилик содир этилиши;

б) жиноят кўп миқдорда содир этилиши;

в) қилмишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши.

Ушбу белгилар ЖКнинг 164-моддасининг шарҳида кўриб чиқилган бўлиб, товламачилик бошқа ҳеч қандай алоҳида хусусиятларга эга эмас.

Қилмишни такроран содир этилганлик белгиси бўйича квалификация қилишнинг маълум хусусиятлари бор — агар талаблар ягона қасд билан қамраб олинган ва бир мулкни эгаллашга қаратилган бўлса, шунингдек, бир ёки бир неча шахсларга қаратилган бўлса, тажовуз предметини талаб қилиш такроран, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Агар товламачилик айбдорнинг бир жабрланувчига нисбатан ягона қасди билан бир неча бор содир этилган бўлса ва умумий қилиб олганда, кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 165-моддаси, 2-қисми, «б» банди билан ёки талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорига қараб, ЖКнинг 165-моддаси 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши керак.

21. Товламачиликнинг махсус квалификация қилинган тури, ЖКнинг 165-моддаси, 3-қисмида ўз аксини топган ва қуйидаги белгилардан лоақал биронтасининг мавжуд бўлиши билан тавсифланади:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят.

Кўрсатилган белгилар босқинчилик жиноятининг таркиби таҳлил қилинганида кўриб чиқилган эди ва товламачиликка нисбатан ортиқча фарқларга эга эмас.

22. Суд-тергов амалиётида товламачиликни босқинчилик ва ўғрилиқдан фарқлашда кўп муаммолар мавжуд. Шунинг назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни эгаллаб олиш ёки талон-тарож қилинганидан сўнг уни ушлаб қолиш воситаси бўлиб хизмат қилса, товламачиликда ушбу кўрқитиш жабрланувчининг иродасини сўнди-



риш ва уни товламачининг талабларини бажаришга мажбур этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, босқинчилик ва талончиликда ўзганинг мулкини эгаллаб олиш қўрқитиш билан бир вақтда содир бўлади, товламачиликда эса, айбдор жабрланувчининг мулкини келажакда қўлга киритади.

Агар товламачиликни содир этишда қўрқитиш жабрланувчига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган бўлиб, товламачи ўша вақтдаёқ ўзганинг мулкини талон-тарож қилган бўлса, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкини товламачилик қилиш ва қўрқитишга қараб, босқинчилик ёки талончилик сифатида жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда, қўрқитиш амалга ошириляётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

### 166-модда. Талончилик

*Талончилик, яъни ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш*

— *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Талончилик:*

*а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;*

*б) анча миқдорда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

— *уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Талончилик:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 4-банди.

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса  
— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Талончилик:*

- а) жуда кўп миқдорда;  
б) ўта хавфли рецидивист томонидан;  
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса  
— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Талончиликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, бунда мулкка тажовуз очиқ ва жиноятчининг ўта сурбетлиги, шу билан бирга ўрнатилган тартибни, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларни ва жамият қадриятларини менсимаслик билан амалга оширилади. Шу билан айбдорнинг бундай ҳаракатлари у жазосиз қолишига ишонишидан далолат беради.

2. Талончиликнинг объекти ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари билан тўлалигича мос келади. Аммо, қонунчиликда белгиланишича, талончилик ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик билан ёки шундай зўрликни ишлатиш билан қўрқитиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин бўлиб, алоҳида жиноий-ҳуқуқий муҳофаза ҳолларда факультатив объект жабрланувчининг соғлиғи ва махсуслиги ҳам бўлиши мумкин.

3. Объектив томондан талончилик ўзганинг мулкани ошқора талон-тарож қилишда ифодаланади. Мулккий бойликнинг ошқора, очиқ-ойдин, атрофдагиларга нисбатан сурбетларча қўлга киритишнинг бу усули талончиликнинг фарқловчи белгисидир. У қилмишга, шунингдек, унинг субъектига аксилижтимоий тавсиф беради. Файриижтимоийлик шундан иборатки, бунда айбдор жамиятда мулкчиликка нисбатан шаклланган қарашларни кўрсаткич билан бузади ва менсимаслигини кўрсатади, ўз ҳаракатларида жисмоний ва руҳий зўрликни ишлатади, атрофдагиларнинг кўз ўнгида жиноят қонунининг императив талабларини ошқора менсимайди. Бу эса, содир этилаётган ноқонуний қилмиш хавфлилигини кескин оширади.

4. Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўзи олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ошқора равишда ўзганинг мулкани эгаллаб олишнинг ҳуқуққа хилоф усули, деб топилиши лозим. Ошқора талон-тарож қилиш жабрланувчи, мулки ихтиёрида ёхуд муҳофазасида бўлган шахсларнинг ёки

Ўзгаларнинг кўзи олдида талончилик содир этаётган шахс ўз ҳаракатларини улар тушунаётганлигини англайди, лекин бу вазиятга эътибор бермайди.

5. Қилмишни ошқора талончилик, деб квалификация қилиш учун икки ўзаро боғлиқ бўлган мезонни: объектив ва субъектив мезонни инobatга олиш зарур.

*Объектив мезон* шундан иборатки, бунда ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш мулкдор ёки жиноятнинг бошқа гувоҳларининг кўз ўнгида содир этилаётганлигини ва улар уни олиш жараёнини айнан жиноят сифатида англашларидан иборат.

*Субъектив мезон*, нафақат, мулкдор ва жиноятнинг бошқа гувоҳлари қилмишни жиноят сифатида англаётганликларидан, балки айбдор ҳам ўзининг ҳаракатлари бошқалар томонидан айнан жиноят сифатида тушунилаётганлигини англашидан иборат, лекин айбдор ушбу шахсларнинг вазиятга муносабатини инobatга олмайди. Ушбу икки мезоннинг мавжуд бўлиши субъектнинг ҳаракатларида ўғирлик эмас, балки айнан талончиликнинг белгилари борлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Албатта, жиноят воқеаларининг ушбу объектив ва субъектив ҳолатлари жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, терговда ва судда исботланиши лозим.

6. Шу билан бирга, қилмишни талончилик сифатида квалификация қилиш учун субъектив мезонга катта аҳамият бериш зарур. Яъни, қилмишни талончилик, деб топиш учун очиқ ҳаракат қилаётганлигига айбдорнинг ўзи амин бўлиши асос бўлиши керак. Шунинг учун, агар айбдор қасдининг қандай йўналишда эканлиги исботланса, у талончилик учун жавобгарликка тортилиши керак, бунда атрофдагиларнинг айбдорнинг ушбу ҳаракатлари жиноят эканлигини тушунмаётганлигининг аҳамияти йўқ. Агар айбдор талон-тарож вақтида ўз ҳаракатларига ҳуқуққа хилоф бўлмаган хусусият бахш этмоқчи бўлган бўлса, унинг қилмиши талончилик эмас, ўғирликни ҳосил этади. Масалан, агар айбдор ўзини қаттиқ мастлик ҳолатида бўлган шахснинг таниши сифатида тутса ва унинг чўнтагидан ҳамёнини олиб, уни мастнинг яқинларига бериб қўймоқчи эканлигини кўрсатмоқчи бўлса, унинг қилмиши ўғирлик, деб квалификация қилиниши лозим.

7. Шуни таъкидлаш керакки, агар айбдор ўз ҳаракатларини яширин талон-тарож қилиб бошлаган бўлса-ю, аммо жиноят жойида фош этилиб, ошқора ҳаракатларга ўтса, содир этилган қилмиш талончилик сифатида қабул қилиниши керак. Ўғирликнинг

талончиликка ўсиб ўтиши мулкнинг бутунлай эгалланиб олингунча содир бўлиши мумкин.

«Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгаллик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик, деб квалификация қилинади»<sup>1</sup>.

Бироқ, айбдор жинояти учинчи шахсларга маълум бўлганлигидан ва у қўлга тушиб қолишдан қўрқиб, талон-тарож қилинган мулкни ташлаб, ҳодиса жойидан қочиб яширинишга ҳаракат қилса, унинг қилмиши ўзганинг мулкни ўғирлашга суиқасд қилиш белгилари доирасидан четга чиқмайди.

8. Жиноят ўзгалар мулкни талончилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Амалга ошмаган ошкора талончилик талончиликка суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

9. Субъектив томондан талончилик тўғри қасд ва ғаразли мотивлар билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатларининг учинчи шахслар томонидан кузатилаётганлигини англайди, лекин шунга қарамай, у жиноят содир этади. Бунда ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш, албатта, фойда олиш мақсадида содир этилади. Шунинг учун безорилик ниятида содир этилган мулкни нобуд қилишга қаратилган ёки уни вақтинчалик ишлатишга қаратилган ошкора қилмишлар талончилик жинояти таркибини ташкил этмайди. Ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб, бундай қилмишлар ЖКнинг 173, 229, 277-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

10. 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлади.

11. ЖКнинг 166-моддаси, 2-қисмида талончиликнинг қуйидаги квалификация қилиш белгилари ўз аксини топган:

а) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган талончилик.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 2-банди.

12. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш талончилик жиноятининг ўзига хос квалификация қилиш белгиси ҳисобланади.

Талончиликнинг квалификация қилиш белгисини ажратишда қонун чиқарувчи айбдор қилмишларининг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқади. Зўрлик ишлатилиши факти талончиликнинг юридик моҳиятини ўзгартиради. Бундай вазиятларда мулкчилик муносабатларидан ташқари, фуқароларнинг соғлиғига зарар етказиш хавфи ҳам мавжуд бўлади.

13. Квалификация қилинган талончилик жабрланувчига фақатгина инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун зарар етказмайдиган жисмоний зўрлик ишлатиш билан бирлаштирилиши мумкин. Талончиликда ишлатилган зўрликни кўрсатар экан, қонун мулкни ошқора талон-тарож қилиш билан бирга келган ва жабрланувчига шикаст етказишда ифодаланган, кетидан жисмоний оғриқ ёки соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашуви юз бермаган ҳолда баданга энгил шикаст етказишни келтириб чиқарган жисмоний ёки руҳий зўрликни назарда тутати<sup>1</sup>.

14. Талончилик вақтида қўлланиладиган зўрлик (таҳдид) жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин.

Талончиликдаги жисмоний зўрлик алоҳида зарба, 6 кундан кўп муддат давом этмайдиган лат ейиш, тирналиш, шилиниш, унча катта бўлмаган ғурра тарзида, шунингдек, қўлни қайириш, самбо, каратэ ва бошқа яккакурашларнинг оғриқли усуллари қўллаш бўлиши мумкин. Суд-тергов амалиётида зўрлик ишлатиб талончилик содир этишни ва мулкни ошқора талон-тарож қилиш пайтида жабрланувчини чалиб йиқитиш, аёл кишининг қулоғидан зиракларни узиб олиш кабилар кетма-кетлиги бўйича квалификация қилинади.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган жисмоний зўрлик тунчасига, шунингдек, жабрланувчининг мулкни талон-тарож қилишга қаршилиқ кўрсатишини баргараф этиш мақсадида унинг эркинлигини чеклаш ҳам киради. Бундан ташқари, жабрланувчини хушсизлик ҳолатига келтирувчи, аммо унинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар бўлмайдиган инъекциялар қилиниши ҳам жисмоний зўрлик, деб топилиши мумкин.

15. Руҳий зўрлик деб, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрликни ишлатиш билан қўрқитишга айтила-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 3-банди.

ди. Зўрлик ишлатиб содир этилган талончиликнинг белгиси сифатидаги қўрқитиш, биринчидан, предметли бўлиши керак, яъни айбдор жабрланувчига қандайдир зарар етказиш билан эмас, балки аниқ жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитади. Иккинчидан, қўрқитиш реал бўлиши керак. Бу унинг объектив борлиқда мавжудлигини билдиради. Учинчидан, у амалда бўлиши керак — жабрланувчи ёки бошқа шахсларга дарҳол ишлатилиши хавфини тугдириши керак. Зўрликни дарҳол эмас, балки келажакда ишлатишдан иборат бўлган қўрқитиш талончиликнинг эмас, балки товламачиликнинг белгиси ҳисобланади (ЖКнинг 165-моддаси шарҳига қаранг).

16. Шунинг таъкидлаш керакки, одам ўлдириш билан қўрқитиш ЖКнинг 166-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан қамраб олинмайди ва бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда ЖКнинг 164-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Агар мулкка эгалик қилиш жараёнида зўрлик ишлатиш таҳдиди амалга оширилса, у ҳолда содир этилган қилмишни етказилган жароҳатининг оғирлиги даражасига қараб талончилик ёки босқинчилик сифатида квалификация қилиш даркор.

17. Талончиликдаги зўрлик (жисмоний ёки руҳий) мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки кўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек, ўзганинг мулкига очиқдан-очиқ эгалик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий маънода руҳий ёки жисмоний зўрлик талончиликни содир этишда икки хил кўринишда намоён бўлади: 1) мулкни ошқора эгаллаш воситаси сифатида; 2) эгаллаб олинган мулкни ушлаб қолиш воситаси сифатида. Шунинг учун айбдор томонидан ўғирлик жинояти тугалланганидан сўнг ушлаб қолинмаслик воситаси сифатида ишлатилган зўрлик бўлса, бундай ҳаракат талончилик ёки босқинчилик, деб қаралмайди. Зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғирлик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда, жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак<sup>1</sup>.

Талончиликда ишлатиладиган зўрлик мулкни ошқора талонгарож қилишни енгиллаштирувчи восита ҳисобланади.

18. ЖКнинг 166-моддаси, 2-қисмида белгиланган квалификация қилиш белгилари босқинчилик жинояти таркибида ўрганил-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалик мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 5-банди.

ган эди ва шарҳланаётган жиноятда ишлатилиши бўйича ҳеч қандай ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

19. ЖКнинг 166-моддаси, 3-қисмида саналиб ўтилган квалификация қилиш белгилари айбдорнинг хавфлироқ талончилик содир этишидан далолат беради. Булар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;  
 б) уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган талончилик.

(Ушбу белгиларни ЖКнинг 164-моддаси – босқинчилик жинояти таркибини кўриб чиққанимизда батафсил шарҳлаган эдик).

20. ЖКнинг 166-моддаси, 4-қисмида нисбатан оғирроқ квалификация қилиш белгилари саналган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган талончилик.

Ушбу жазони оғирлаштирувчи барча ҳолатлар босқинчилик жиноятида таҳлил этилган эди.

21. Шунинг таъкидлаш керакки, агар талончилик ЖКнинг 166-моддаси бир неча қисмида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган бўлса, айбдор қилмиши жиноятларнинг реал жами мавжуд бўлмаган тақдирда, ЖКнинг 166-моддасидаги оғирроқ жазо кўрсатилган қисми бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда ҳукмнинг баён қисмида талончиликнинг барча квалификация қилиш белгилари кўрсатилиши керак.

### **167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш**

*Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шундан иборатки, растрата ёки ўзлаштириш йўли билан ўғирланадиган мулк айбдорнинг тасарруфида бўлади. У эса, ушбу ҳолатдан фойдаланган ҳолда мулкни ўз фойдасига ёки ўзгалар фойдасига ғаразли ниятда ўтказди.

2. Жиноят объекти айбдор томонидан эгалланган ёки унинг тасарруфида бўлган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳисобланади.

Ҳар қандай мулк, шунингдек, қимматли қоғозлар ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жинояти предмети ҳисобланади ва айбдор мулкка нисбатан алоҳида ҳуқуқий муносабатда бўлиб, мулк унга ишониб топширилади. Ушбу ҳуқуқий алоқа тажовуз предметининг иқтисодий ва юридик табиатини қамраб олмайди, ўзганинг мулкни моддий ташувчиси бўлиб қолади.

3. Айбдорга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк — мансаб вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд махсус топшириқ муносабати билан ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахсининг (масалан, омбор мудир, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) эгалигида бўлган мулк.

Мулк мансаб мажбуриятлари доирасида айбдорнинг қонуний эгалигида ёки тасарруфида бўлиши мумкин. Бунда ходимларга қонун, норматив актлар ёки иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, юклатилган алоҳида ваколатлар тушунилмоғи лозим.

4. Ўзлаштириш ёки растрата қилиш айбдор билан алоҳида жисмоний ёки юридик шахслар шартномавий муносабатлари асосида ҳам бўлиши мумкин. Шартномавий муносабатда айбдорга пудрад, ижара, комиссия, прокат, сақлаш шартномасида қайд этилган ва



мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элиб бериш ёки сақлаш ваколати у ёки бу даражада юклатилган бўлиши мумкин ва ҳоказо.

5. Ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш махсус топшириқ сифатида юклатилиши ҳам мумкин. Шу каби мулкка доир махсус операцияларни амалга оширишни юклатувчи бўлиб давлат номидан мулкдор, ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат ташкилотлар ҳам, алоҳида фуқаролар ҳам чиқиши мумкин. Ушбу вазифа оғзаки ва ёзма кўринишда ифода этилган бўлиши мумкин, бироқ, бу айбдорга ўтказилган мулкнинг ҳуқуқий мақомига таъсир этмайди — у айбдорнинг қонуний эгалигидаги ёки махсус вазифа юзасидан фойдаланиши мумкин бўлган мулк, деб топилади. Ўғирлик йўли билан ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш, ўзлаштириш ёки растрата қилишни содир этишда, айбдор шахснинг талон-тарож қилинган мол-мулкка ҳеч қандай алоқаси бўлмайди ёхуд ишлаб чиқариш зарурати, топширилган иш муносабати билан ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади, холос. Хусусан, айбдорга махсус топширилган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятлари сифатида комбайнчи, ҳайдовчилар томонидан содир этилган талон-тарож қилишни тушуниш мумкин. Чунки ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган функцияларидан ташқари, улар экспедиторлик мажбуриятларини ҳам бажаришади.

6. Айбдор томонидан ўзганинг мол-мулкни бошқариш, етказиб бериш, сақлаш ёки тасарруф қилиш ваколатлари бўлиши сабабларидан қатъий назар, бу ваколатлар мулк эгаси ҳуқуқлари билан амалга оширилган, чунки мулкдор жиноятчига бу ваколатларни қонунийлаштириб берган. Мол-мулк эгасининг хоҳиш-иродасига боғлиқ равишда, мулкнинг ҳажми, амалга ошириш соҳасига қараб, бу ваколатлар чекланганлик хусусиятига ва қатъий белгиланган мақсадли топшириққа эгадир. Бироқ, талон-тарож қилиш субъекти мулкдор томонидан белгиланган доирада мулкдорга тегишли бўлган ҳар қандай ваколатларни амалга ошириши мумкин. Одатда, мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ваколатлари муайян ҳужжатлар билан мустақамланади.

7. Объектив томондан жиноят айбдорга ишониб топширилган товар моддий бойликларни олиб қўйиш ёки унинг устидан ноқонуний эгаликни ўрнатиб, ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўз фойдасига олиш ёхуд ўзгалар тасарруфига ўтказиш шаклидаги фаол ҳаракатларда ифодаланади. Ўзлаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, мулкдорни эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш каби субъектив ҳуқуқлари ўзлаштириш субъектининг фактик им-

қониятларига ноқонуний равишда ўтади ва мулкдорга мулк ҳуқуқи асосида ёки ҳужжат бўйича тегишли бўлган мулкка унинг хоҳишидан ташқари муносабатда бўлади.

Агар мулкни қайтармаслик ўзга шахсларнинг йўқотиши, йўқ қилиши, ишдан чиқариши ёки ўғирлаб кетиши натижасида юз берган бўлса, ўзлаштириш ҳисобланмайди.

8. Ўзганинг мол-мулкни ўзлаштиришни «вақтинча эгалик қилиб туришдан» фарқлаш лозим. Агар шахс қайтариш ёки қийматини қоплаш мақсадида ўзига ишониб топширилган мулкдан ноқонуний равишда фойдаланган бўлса, унда ўзлаштириш таркиби бўлмайди, айбдор ҳаракатлари эса, ЖКнинг 205-моддасидаги (ҳукумат ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш) ёки 229-моддасидаги (ўзбошимчалик) жиноят белгилари мавжуд бўлса, ушбу моддалар бўйича квалификация қилинади. Айбдорни қасд мақсадларидан қуйидагилар гувоҳлик бериши мумкин: олинган мулкнинг катта ҳажмдалиги, шахсда уларни қайтариб беришнинг реал имконияти йўқлиги, шунингдек, камомадни оқлаш учун қалбаки ҳужжатларни тақдим этиб кўриши.

9. Талон-тарожнинг ўзлаштириш шакли мулк ушлаб қолинган пайтдан эътиборан, яъни ўзганинг мулки гўё ўзиникидек ғайриқонуний эгалик қилиш ўрнатилган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят, деб топилади. Айбдорнинг ўзлаштириб бўлинган ва ноқонуний эгалигини ўрнатган мулкдан кейинги у ёки бу шаклдаги ноқонуний фойдаланиши ушбу жиноят таркибига кирмайди ва ўзлаштиришни талон-тарож қилишнинг бошқа шакли — растратага айлантирмайди.

10. *Растрата* — талон-тарож қилишнинг бир шакли бўлиб, айбдорга муайян ваколатларни амалга ошириш учун ишониб топширилган ўзганинг мулкни сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳада қилиш ва ҳоказо йўллар билан бегоналаштириш тушунилади.

Растрата ўзлаштиришга жуда яқиндир, бу ерда мулкни ушлаб қолиш ва унга нисбатан ноқонуний эгаликни ўрнатиш олдин содир бўлади. Бироқ, шунга қарамай, растрата ўзлаштириш билан ҳеч қанақасига боғлиқ эмас ва у кейинги жинойий ҳаракатнинг давоми ҳисобланмайди. Қонун нуқтаи назаридан ва жиноят-ҳуқуқий баҳолашга кўра, айнан бир предметни бир вақтда ҳам ўзлаштириб, ҳам растрата қилиб бўлмайди. Айбдор муайян вақт оралигида, ўзига ишониб топширилган мулкнинг бир қисмини ўзлаштириши ва бошқа қисмини растрата қилиши мумкин, бу ҳаракатлар талон-тарож қилишнинг ягона давоми, деб қабул қилиниши керак.

Растратанинг ўзига хос жиҳати шундаки, мулкни ноқонуний шаклда талон-тарож қилишда, ўзлаштиришдан фарқли равишда,

қонуний эгалик қилиш билан уни ноқонуний тасарруф қилиш оралиғида ҳеч қандай вақт бўлмайди.

11. Растрата айбдорга ишониб топширилган мулкни ноқонуний тасарруф этиш вақтидан бошлаб, яъни мулкни у ёки бу шаклда бегоналаштириш (истеъмол қилиш, сарф қилиш, сотиб юбориш, бошқа шахсларга ўтказиш ва ҳоказо) жараёни амалга оширилиши билан тугалланган ҳисобланади. Жиноятни содир этиш фаолиятининг бошланиши ва тугалланиши ўғирланаётган мулкни бегоналаштириш ягона ҳаракатда акс этади. Масалан, улгуржи товарлар базаси омборчиси ўзига ишониб топширилган моддий бойликларни фуқароларга сотади ва олинган пулни ўзининг шахсий мулкига айлантиради.

Ноқонуний равишда мулкни тасарруф этиш бир марталик ва бир вақтлик хусусиятга эга эмас, балки мулкни бегоналаштириш вақт бўйича анча чўзиладиган эпизодлардан иборатдир. Бироқ, бу нарса айбдор томонидан ҳали ўзлаштирилмаган моддий бойликларга ноқонуний равишда эгалик қилиш билан боғлиқ бўлмаган қилмиш бўлган растратанинг табиатини ўзгартирмайди. Растрата, субъектнинг ягона мақсади билан қамраб олинган бир неча эпизодларга бўлинадиган ва ўзганинг мулки ҳисобига бойишни умумий мақсад қилган ҳаракат мулкни бегоналаштиришдан иборат охириги жиноий қилмиш содир этилган вақтдан тугалланган ҳисобланади.

12. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, яъни айбдор ўзининг ҳаракатлари ноқонунийлигини англайди ва улар амалга оширилишини хоҳлайди. Айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги ғаразли мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

13. Жиноят субъекти — 16 ёшга тўлган ақли расо шахс.

Мулк ишониб топшириб қўйилган ёки ихтиёрида мулк турган шахсгина, яъни хизмат бурчи, шартнома муносабатлари ёки махсус топшириқ муносабати билан шу мулкни тасарруф этиш, бошқариш, элтиб қўйиш, сақлаш бўйича ваколатларини амалга ошираётган шахс (масалан, омборчи, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва бошқа шахслар) ўзлаштириш ёки растратанинг субъекти бўлиши мумкин.

Қоидага кўра, мулк ишониб топширилган ёхуд ихтиёрида мулк турган шахслар моддий жавобгар шахслар ҳисобланадилар, ammo бундай бўлмаслиги ҳам мумкин.

14. Шунинг таъкидлаш жоизки, мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик ушбу модданинг биринчи қисми бўйича ташкилот, муассаса ва корхонадан ўғирланган мулкнинг умумий суммаси энг кам ой-

лик иш ҳақининг беш баробари ҳажмидан кўп бўлсагина келиб чиқади. Акс ҳолда, шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Агар шахс томонидан ўғирланган мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган миқдордан ошмаса, майда талон-тарож қилишлар неча марта содир этилишидан қатъий назар, шахс маъмурий жавобгарликка тортилади. Шунга қарамай, агар мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш фуқароларнинг мулкига нисбатан қаратилган бўлса, ўғирланган мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган миқдордан ошмаса ҳам, қилмишни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш лозим. «Бироқ, талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарнинг қопланганлигини инобатга олган ҳолда жиноят ишини Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан жиноят ишини тугатиш масаласини муҳокама этиши керак»<sup>1</sup>.

Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Талон-тарож қилинган мулкнинг қийматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор ва биржа баҳоларига асосланиш лозим.

15. Суд амалиётида ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-тарож қилишни ўғирликдан фарқлашда баъзи қийинчиликлар вужудга келади. Бу жиноятларни фарқлашда, аввало, жиноят субъектининг ўғирланган мулкка нисбатан ваколатларини тўғри аниқлаб олиш лозим.

Шунга эътибор бериш лозимки, ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-тарож қилишда, мулк шахсга қонуний асосларда ишониб топширилган ёки айбдор шахсга бошқариш, етказиб бериш ёхуд сақлаш ваколатлари билан берилган бўлади. «Юқорида кўрсатилган қонуний ваколатларга эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк сақланадиган кириш ҳуқуқига эга бўлган шахс

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 3-банди, 2-қисми.

томонидан ўзгалар мулкининг талон-тарож қилиниши ўгрилик, деб квалификация қилиниши керак».

Шартнома бўйича ўз вақтида қайтариш шарти билан кимдандир муайян миқдорда пул суммаси олган қарздоргина ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятининг субъекти бўлмайди. Қарздорда кимдандир қарзга олинган пуллари талон-тарож қилиш ва эгасига қайтариб бермаслик ниятининг мавжуд эмаслиги кредитор ва қарздор ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Бу муносабатлар кредиторлар томонидан судларга даъво киритиш орқали ҳал этилади. Шу билан бирга, қайсидир фуқаро пул «қарз» ола туриб, уни бошидан эгасига қайтармаслик ва қопламаслик ниятида ўзининг фойдасига қасддан айлантирмоқчи бўлганлиги исботланса, унинг ҳаракатларини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш лозим (ЖКнинг 168-моддаси шарҳига қаранг).

16. ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисмида ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-тарож қилишнинг квалификация қилиш белгиларига: а) кўп миқдорда; б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; д) мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш киради.

17. Айбдор шахсларни ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун, жиноятнинг барча иштирокчилари мулк ишониб топширилган ёки бошқарувига берилган шахслар бўлиши лозим. Агар талон-тарож қилишнинг иштирокчиларидан биттаси мулк ишониб топширилган ёки унинг бошқарувида бўлган шахс бўлиб, қолганлари бундай ваколатларга эга бўлмаган шахслар бўлса, унда жиноятчиларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинади. Бундай ҳолатларда мулк ишониб топширилган ёки уни бошқарувчи шахс қилмиши ЖКнинг 167-моддаси, 1-қисми бўйича, қолган иштирокчиларнинг жиноий ҳаракатлари эса, ЖКнинг 28-моддаси тегишли қисмига ҳавола қилган ҳолда ЖКнинг 167-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

18. Суд-тергов амалиётида ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш орқали талон-тарож қилишни такроран содир этишни квалификация қилишда баъзи бир қийинчиликлар вужудга келади.

Такрорийликни ягона жиноят ҳисобланувчи давомли талон-тарож қилишдан фарқлаш лозим.

Умумий мақсадга эга бўлган ва талон-тарож қилаётган шахснинг ягона қасди билан қамраб олинган, бир-бирига ўхшаш жиноий қилмишлардан иборат бўлган ўзганинг мулкни бир неча ҳаракат билан олиниши давомли талон-тарож қилиш, деб топи-

лади. Шундай қилиб, қуйидагилар: айбдор шахс қасдининг ягоналиги, талон-тарож қилинаётган манбанинг ягоналиги, талон-тарож усулининг бир хил эканлиги давомли талон-тарож қилишнинг аломатлари ҳисобланади.

Давомли талон-тарож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-тарож қилинган умумий суммани ҳисобга олган ҳолда квалификация қилиниши зарур.

Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан, мисол учун ўғрилик, талончилик, фирибгарлик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-тарож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноятни ўзганинг мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддасининг диспозициясига мувофиқ, жумладан, такрорийлик белгиси билан ҳам квалификация қилиш лозим.

19. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш деганда, ушбу жиноят Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимида тушунчаси берилган махсус субъект — мансабдор шахс ёки жавобгар мансабдор шахс томонидангина содир этилишини тушуниш керак.

Жиноят субъекти эгаллаб турган лавозими бўйича ўзига ишониб топширилган мулкка нисбатан у ёки бу ваколатни амалга ошира туриб, ишониб топширилган мулкни ўзлаштираётганда ёки растрата қилаётганда доимо ўзи эгаллаб турган лавозимдан фойдаланади, чунки ушбу лавозим бўлмаганда мулк унинг бошқарувида ва тасарруфида бўлмас эди. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш ЖКнинг 167-моддаси, 2-қисми диспозициясида алоҳида квалификация қилиш белгиси сифатида назарда тутилганлиги сабабли, мансабдор шахснинг бундай ҳаракатлари, агар айбдорнинг қасди ўзганинг мулкни эгаллашга қаратилган бўлса, ЖКнинг 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди. Бироқ, мансабдор шахснинг қилмишида алоҳида, ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш қасди билан боғлиқ бўлмаган ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш тарзидаги жиноят таркиби мавжуд бўлса, бундай қилмиш ЖКнинг 167 ва 205-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 7-банди, 1 ва 2-қисмлари.

Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, агар ўзгалар мулкнинг гайриқонуний равишда текинга айбдорнинг мулкига айлан-тириш мақсади билан олиб қўйилганлиги аниқланмаган бўлиб, лекин бошқа гайриқонуний ҳаракатлар мавжуд бўлган тақдирда бундай ҳаракатлар (масалан, товар-моддий бойликларининг ка-момади ёки уни яшириш ҳолатининг ўзигина; ўзганинг мулкидан ўзиникига айлантириб олиш мақсадисиз вақтинча фойдаланиш, ўзганинг мулкни қарзга бериб юбориш ва ҳоказо) талон-тарож қилиш, деб квалификация қилиниши мумкин эмас. Етарли асос-лар мавжуд бўлганда, кўрсатилган ҳаракатлар ЖКнинг 205-мод-дасида назарда тутилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, деб квалификация қилиниши керак.

20. Суд-тергов амалиётида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатини суиистеъмол қилиш орқали содир этиладиган талон-тарож қилишнинг бир неча турлари мавжуд.

Уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- мансабдор шахсга ишониб топширилган мулкни ўзлашти-риш ёки растрата қилиш;
- бўйсунувчи шахсларга ишониб топширилган ёки уларнинг бошқарувида бўлган мулкни эгаллаш ёки учинчи шахсларга топ-шириб юбориш;
- мансабдор шахсга ишониб топширилмаган ва унинг бошқа-рувида бўлмаган мулкни эгаллаб олиш.

Юқорида кўрсатилган талон-тарож турларидан иккитаси ўзлаш-тириш ёки растрата йўли билан содир этилади, шунинг учун ЖКнинг 167-моддаси билан квалификация қилинади. Учинчи тури эса, ўзганинг мулкни олиш усулига боғлиқ равишда талон-та-рож қилишнинг бошқа шакллари учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар бўйича квалификация қилинади.

21. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата тариқасида талон-тарож қилиш жиноятининг ту-галланган қисми суиистеъмолликни амалга ошириш вақти эмас, балки жинойий йўл билан талон-тарож қилинган мулкни эгалла-ган ёки уни бошқа шахсларга қасд мақсадларида ўтказган вақти ҳисобланади.

22. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата турларидан яна бири — қилинган ишларнинг ҳажми-ни ошириб кўрсатиш орқали улар томонидан қўшимча олинган пул маблағларини ишчилардан олиш. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 167-моддаси, 2 қисми, «г» бандида назарда тутилган жиноятлар

таркибини тўлиқ қамраб олади ва ЖКнинг 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

23. Ўзганинг мулкни мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштирган ёки растрата қилган шахснинг ҳаракатларини хом ашё харажатлари нормаларини бузиб кўрсатиш орқали, ишлаб чиқариш технологияларини бузиш ва табиий харажат нормаларини ошириб кўрсатиш орқали тўплаган мулкни ўзининг фойдасига ўзлаштиришга қаратилган жиноят сифатида квалификация қилмоқ лозим. Шу ўринда, агар мансаб ҳолатини суиистеъмол қилиш ўч мотивларида содир этилса ҳам, ўзганинг мол-мулкни қопламасдан олиш билан боғлиқ бўлмаса, мансабдор шахснинг ҳаракатларини ушбу модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас.

24. Мансабдор шахснинг солиқни тўлашдан бўйин товлаш, ишчи кучидан ёки давлат ёхуд жамоат транспортдан фойдаланиш ҳаракатлари орқали моддий фойда тўплаши, агар мансабдор шахс ҳаракатлари ўзганинг мулкни ўзининг фойдасига айлантириш билан боғлиқ бўлмаса, ўзлаштириш ёки растрата сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Давлат ёки жамоат маблағлари ўзининг жамоаси учун турли хил «тадбирлар» ўтказиш ёки турли хил комиссия, «меҳмон»ларни кутиб олиш учун ғайриқонуний равишда сарфланганлиги ҳолатлар ҳам юқоридагидек ҳал этилади. Бундай ҳаракатларни жиноятларни содир этиш ҳолатига қараб ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

25. Тушунтириб ўтилсинки, агар мансабдор шахс ўзи содир этган талон-тарож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, башарти, улар талон-тарож жинояти ишгирокчиси бўлмаса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси билан эмас, балки мазкур кодекснинг 28, 209-моддалари билан квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

26. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисмида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилишнинг қуйидаги:

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонуни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 8-банди, 1 ва 2-қисмлари.



а) жуда кўп миқдорда;  
 б) ўта хавфли рецидивист томонидан;  
 в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;  
 г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилганда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Шу модданинг 3-қисми, «а», «б», «в» бандларида кўрсатилган белгилар юқорида кўриб чиқилган босқинчиликни квалификация қилиш таркиби белгилари билан ўхшашдир (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

27. ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисмидаги талон-тарож қилишни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этиш ўзлаштириш ёки растрата орқали содир этишнинг квалификация қилиш туридир.

Компьютер воситалари инсоният томонидан эришилган энг улкан ютуқлардан бири бўлиб, ҳозир ҳеч қайси ташкилот, муассаса ва корхоналар уларсиз фаолият юритмайди. Компьютер воситалари ҳозирги вақтда илмий-техник жараёнда энг кенг ривожланаётган соҳадир. ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми, «г» бандида барча компьютер воситалари эмас, балки улардан фойдаланиш жиноятчига ўзининг қасд мақсадларига эришишига ёрдам берадиган қисмигина назарда тутилган.

28. Компьютер техникаси воситаларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- аппарат воситалари;
- дастур воситалари.

*Аппарат воситалари* — бу маълумотларни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган техник воситалар. Уларга: шахсий компьютер (саноқ ва ахборот масалаларини ечиш жараёнида маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш учун мўлжалланган техник воситаларнинг йиғиндиси), периферия ускуналари (марказий процессорни бевосита бошқарувига кирмайдиган, ЭХМнинг ташқи воситалари йиғиндисидир) ва машина ахборотларининг моддий ташувчилари (дискетлар, кассеталар, лазер дисклар ва бошқалар) киради.

*Дастур воситалари* — бу муайян натижага эришиш мақсадида, компьютер ва аппарат воситаларини бошқаришга мўлжалланган маълумотлар ҳамда буйруқлар йиғиндисини ифода этувчи объектив шакл, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва улар ёрдамида шакллантириладиган аудио-визуал тасвирларни қайд этган моддий ташувчи материаллар. Уларга қуйидагилар киради:

- система дастурларидан иборат (операцион система ва техник хизмат кўрсатиш дастурлари) дастурий таъминотлар (бошқарувчи

ва қайта ишловчи дастурлар йиғиндиси), қўшимча дастурлар (муайян турдаги масалаларни ечишга мўлжалланган дастурлар, масалан, матн муҳаррирлари, антивирус дастурлари ва ҳоказо), шунингдек, жиҳоз дастурлари (дастурлаш тилларидан иборат дастурлаш системалари: *Turbo C*, *Microsoft Basic* ва бошқ.) ҳамда таржимонлар (алгоритмик ва белгили тиллардан машина кодларига автоматик таржимани таъминлайдиган дастурлар йиғиндиси);

- фойдаланувчи ва компьютер эгасининг машина маълумотлари.

Компьютер техникасининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бир вақтда фойдаланилади ва алоҳида ишлатилиб бўлмайди, чунки улар махсус яратилган ва бир-бирини тўлдириб туради.

29. Компьютер техника воситаларидан фойдаланиш, мулкни ўзлаштириш учун зарур бўлган (масалан, товар-транспорт юк хати) қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш, ташкилот ҳисоб-рақамидан айбдорнинг ҳисобига пул ўтказиш учун тармоқ компьютер воситаларидан фойдаланиш шаклида ифодаланади.

30. Компьютер техникаси воситаларидан қалбаки ҳужжатларни ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмишларни содир этишда фойдаланилса, унда бу ҳаракатлар ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми, «г» банди таркибини тўлиқ қамраб олмайди ва жиноятларнинг мажмуи қоидаси бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилинади.

Агар мансабдор шахс ўзи содир этган ўзлаштириш ёки растратани енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб расмий ҳужжатларга ёлғон маълумотлар киритган бўлса, унда қилмиш, бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 209-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинади.

31. Шунини қайд этиш лозимки, гуруҳ томонидан содир этилган талон-тарож қилишларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Чунки ушбу жиноят махсус субъект (мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс) томонидан содир этилиши мумкин, мансабдор ҳисобланмайдиган, шунингдек, мулк ишониб топширилмаган ёки бошқарувига берилмаган, лекин талон-тарож қилишда иштирок этган шахслар ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми, «г» банди (жиноят мансабдор шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлигига боғлиқ равишда) ЖКнинг 28-моддасига ҳавола этиш орқали квалификация қилинади. Бироқ, мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс) томонидан жиноят уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилган бўлса, мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс) билан бирга бундай гуруҳнинг барча иштирокчилари Жиноят кодексининг анча оғирроқ жавобгарликни назар-

да тутувчи 167-моддаси, 3-қисми, «г» банди билан жавобгарликка тортилиши лозим. Хукмнинг баён қисмида ҳар бир айбланувчига нисбатан барча моддалар ва барча белгилар бўйича қилмиш тўлиқ квалификация қилиниши лозим.

32. Агар жиноят туфайли келтирилган моддий зарар тўлиқ равишда қопланса, айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жавобгарлик қўлланилмайди (ЖКнинг 167-моддаси, 4-қисми). Бироқ, судлар, иш бўйича моддий зарар умуман қопланмаган ёки қисман қопланган бўлса ҳам, ҳукмда бундай қарорга келиш сабабларини кўрсатиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашга ҳақли<sup>1</sup>.

Етказилган зарар қопланган тақдирда апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шарт<sup>2</sup>. Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қопланган тақдирда кассация, назорат инстанцияси суди бу жазо турини ЖКнинг 61, 62-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан бошқа жазо тури билан алмаштиради. Агар моддий зарар қопланган кунга қадар ўталган жазо муддати бошқа жазо тури учун қонунда белгиланган энг кўп миқдордан ошган бўлса, суд жазони ўталган, деб ҳисоблайди ҳамда маҳкумни дарҳол қамоқдан озод қилади<sup>3</sup>.

33. Суд-тергов органлари шунга алоҳида эътибор беришлари лозимки, шарҳланаётган модданинг 4-қисмида мустаҳкамланган қоида тугалланмаган жиноятга ҳам, башарти, зарар билан боғлиқ оқибатлар келиб чиққунга қадар жиноятнинг олди олинган бўлса, татбиқ этилади<sup>4</sup>. Ушбу қисмда келтирилган ҳолатлар тенг равишда тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони олдин ўтаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 18-банди.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 9-банди, 2-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодий соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 17-банди.

<sup>4</sup> Ўша жойда, 10-банди.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

34. Шарҳланаётган жиноят бир неча шахслар иштирокида содир этилиб, келтирилган зарар биттаси ёки уларнинг бир нечаси томонидан тўлиқ қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чораси барча иштирокчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шарҳланаётган жиноят бошқа ижтимоий хавfli қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлса, суд учун ЖКнинг 167-моддаси, 4-қисми бўйича етказилган моддий зарарни қоплаш содир этилган бошқа жиноятларга нисбатан, уларни содир этганлик учун қонун билан муқобил жазо чоралари назарда тутилган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турини қўллаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини муҳокама қилиш учун зарурдир.

35. Судлар шунга алоҳида эътибор беришлари лозимки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган моддий зарарни қоплаш жазо турини қўллаганда, агар жавобгар жарима тўлашдан ёки ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товласа, ушбу жазоларни қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари билан алмаштириши мумкин<sup>1</sup>.

### 168-модда. Фирибгарлик

*Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмор қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Фирибгарлик:*

*а) кўп миқдорда;*

*б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Фирибгарлик:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори. 10-банди.

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз барава-ригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазола-нади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодлик-дан махрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

1. Фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суи-истеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мул-кий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, нафақат, унинг содир этилиши усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ҳисобланади.

2. Фирибгарликнинг объекти ўзганинг мулки ҳисобланади.

Тажовуз предмети мулкдан ташқари юридик категория сифа-тида ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ, мулкка бўлган алоҳида вако-латлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин) ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар турли хил ҳужжатларда, маса-лан, васиятнома, суғурта полиси, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, турли хил қимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Номи ёзилган қимматли қоғозларда тасдиқлан-ган мулккий ҳуқуқлар талаб қилинганда, талаблар (цессия)ни қон-диришнинг белгиланган тартиби асосида берилади. Ордер бўйича ҳуқуқ, яъни шахсга ёки унинг топшириғига кўра ушбу ҳужжат бўйича ўзга шахсга берилган ҳуқуқ хусусидаги ўтказиш ёзуви — индоссамент киритилиб, ижро амалга оширилиши мумкин. Қим-матли қоғозда амалга оширилаётган индоссамент ушбу ҳужжат ўтказилаётган шахсга унга эгаллик қилишга бўлган барча ҳуқуқларни ўтказди.

Фирибгарликнинг предмети, нафақат, мулк, балки унга бўлган ҳуқуқлар ҳам бўлиши мумкинлиги жиноятнинг тугалланган вақ-тини аниқлаш учун аҳамиятга эгадир. Мулккий ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар турли хил фирибгарлик операциялари-нинг предмети бўлиши амалиётда учрамоқда. Фирибгар қўлга ки-ритилган мулкка нисбатан ҳуқуқларни акс эттирувчи ҳужжатлар-ни олган вақтидан бошлаб, ушбу ҳужжат бўйича фирибгар тегиш-ли мулкни буюм ёки пул эквивалентида қўлга киритганлигидан қатъий назар, жиноят тугалланган ҳисобланади. Бошқача айтган-

да, мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритиши натижасида айбдор мулкнинг ўзини ҳам қўлга киритади.

3. Объектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулккий ҳуқуқини қўлга киритишдан иборат бўлади. Жисмоний усул хос бўлган бошқа қўпгина жиноятлардан фарқли равишда фирибгарлик жиноятида айбдор ҳаракатлари ахборот хусусиятига эга бўлади ёки айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида шаклланган бўлади. Қонунда мулкни эгаллаш ёки мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш усули сифатида мазкур талон-тарож қилиш шаклининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ёлгон ёки ишончни суиистеъмол қилиш кўрсатилган. Бироқ, алдаш ҳали мол-мулкни олиш ва уни жиноятчи фойдасига ўтказиш, дегани эмас. Фирибгарлик таркибида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш асосий ҳаракат содир этилишини таъминлайдиган ёрдамчи ҳаракат сифатида амалга оширилади.

Фирибгарликда асосий ҳаракат деганда, жиноят субъекти томонидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан шартланган, мулкни мулкдорнинг эгалигидан айбдор ёки у кўрсатган шахслар фойдасига ўтказиши тушунилади. Худди шу алоқадор ҳаракатлар фирибгарликнинг объектив томони белгиларини ташкил этади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни «ихтиёрий» равишда бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш талон-тарож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Жиноятни содир этиш усуллариининг ўзига хослигига қараб, қонунда фирибгарлик икки турга ажратилади:

- алдаш йўли билан талон-тарож қилиш;
- ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш.

4. Суд-тергов амалиёти, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назарияси фирибгарликни содир этиш усули сифатида қуйидаги алдаш тушунчасини ишлаб чиққан, яъни алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан бериши, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай факт бузиб кўрса-

тилиши ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади. Шунинг эътиборига олиш лозимки, агар ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш қасддан содир этилганлиги исботланмаса ва алдаш усули мавжуд бўлмаса, қилмиш фирибгарлик сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Фирибгарликда қасддан ҳақиқатни яшириш воситаси сифатида алдаш жабрланувчига хабар берилиши лозим бўлган факт ёки ҳолатлар ҳақида индамаслик орқали содир этилган бўлса, фирибгарлик алдаш усули билан содир этилган, деб қайд этиш зарур бўлади. Фирибгарлик билан талон-тарож қилишга ўлган шахс учун доимий равишда тўловлар олиб туриш мисол бўла олади. Шунга эътибор бериш лозимки, бундай ҳаракатлар тасодифий хусусиятга эга бўлмаслиги лозим. Бунда айбдор вужудга келиши мумкин бўлган фирибгарлик имконияти ҳақида билади ва пул маблағларини олиб яширади ҳамда ноқонуний олинган мулкни ўзининг фойдасига айлантиради. Ўзганинг мулкни олиш тасодифий хусусиятга эгаллигини фирибгарлик сифатида квалификация қилиш мумкин эмас.

Алдаш ўтмишдаги, келажакдаги ёки ҳозирги факт ёхуд ҳолатларга нисбатан бўлиши мумкин.

5. Алдаш фирибгарлик билан талон-тарож қилиш усули сифатида айбдорни ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металлдан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, шахс ўзини солиқ инспекцияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Алдаш таркибига, шунингдек, бевосита мулкни топшириш учун асос ҳисобланмайдиган, лекин жабрланувчи томонидан мулкни топшираётган вақтда ҳисобга олинадиган бошқа ҳолатлар ҳам кириши мумкин. Бундай ҳолатлар сифатида қалбаки гувоҳномани тақдим этиш, «квитанция» ёзиш, қалбаки сертификат кўрсатиш бўлиши мумкин.

6. Фирибгарлик алдовларининг шакллари хилма-хилдир. Алдаш оғзаки ёки ёзма шаклда, битим предметини қалбакилаштириш шаклида, карта ўйинларини ўйнашда кўзбўямачилик усулларида, ҳисоб-китоб қилишда қалбакилаштирилган тўлов предметларидан фойдаланиш шаклида бўлиши мумкин. Қоида бўйича, фирибгарлик ҳаракати содир этилишида турли хил алдаш шаклларида фойдаланилади.

Фирибгарлик алдови қандайдир моддий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳам, уларсиз ҳам содир этилиши мумкин. Жабрланувчининг мулкига тажовуз қилишда алдашнинг моддий воситалари сифатида кўпинча сохта ҳужжатлар ишлатилади.

7. Айбдор фирибгарликни содир этишда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва ЖКнинг 228-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди. Ҳужжатларни сохталаштириш фирибгарлик усули сифатида тан олиниши мумкин эмас, чунки фақатгина сохталаштириш ҳаракати билан мулкни талон-тарож қилиб бўлмайди.

Қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш фирибгарликни содир этишга тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Агар шахс қалбаки ҳужжатлардан фирибгарликда фойдалана олмаса, жиноятлар мажмуи бўйича фирибгарликка тайёргарлик кўриш ва ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик келиб чиқади (ЖКнинг 168 ва 228-моддалари). Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (қасаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-тарож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс, нафақат, ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-тарож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

8. Фирибгарлик орқали қалбаки ҳужжатлардан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган турларига ноқонуний равишда юқори иш ҳақи, пенсияга, нафақаларга ва бошқа даврий тўловларга фоиз қўшимчалари олиш кабилар киради. Ушбу ҳолатда фирибгарлик ёлғони таркибига соғлиғи, ёши, меҳнат иш ҳақи, ўртача иш ҳақи тўғрисида ёлғон маълумотлар бериш киради. Айбдор буларни магистрлик, докторлик ёки фан номзоди дипломи, профессор ёки доцент аттестати, шифокор, ўқитувчи бўлиб ишлаши ҳақидаги «хуқуқ ўрнатувчи» ҳужжатлар билан тасдиқлайди. Ушбу ҳаракатлар қисман қайтарилмаслиги ва қасддан содир этилганлиги учун талон-тарож қилишнинг барча белгиларига жавоб беради, бироқ, унинг миқдорини олинган барча пул маблағи эмас, балки фоиз устамалари ёки оддий ва оширилган иш ҳақлари ўртасидаги фарқ ташкил этади. Масалан, илмий даражага эга бўлмаган давлат олий ўқув юртининг ўқитувчиси томонидан алдаш йўли билан ноқонуний равишда илмий даражаси учун ортиқча пул суммаси олиши. Шу ўринда сохта ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ фирибгарликни қалбаки диплом орқали ишга жойлашиш ва шахс эгаллаш хуқуқига эга бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажарганлиги учун тегишли иш ҳақини олганлик ҳолатидан фарқламоқ лозим. Бу ҳолатда



фирибгарлик жиноятининг таркиби йўқ, чунки ўзганинг маблағларини қопламасдан олиш ҳолати мавжуд эмас.

9. Фирибгарлик сифатида бир шахснинг ўзга шахс, яъни уларни олишга ҳақиқий ҳуқуқи бўлган шахс номидан сохта ишончномани тақдим этиш орқали бошқа шахсга мўлжалланган пул маблағларини олишни алдаш йўли билан турли хил пул тўловларини ўзлаштириш тариқасида квалификация қилмоқ лозим. Фирибгарлик таркибига, шунингдек, жабрланувчига ёмон сифатли арзон нархли буюмларни бериш билан боғлиқ турли хил шартномаларни амалга оширишни (олди-сотди, ижара ва ҳоказо) ҳам кириштириш мумкин. Кўп ҳолатларда ўзганинг мулкани эгаллаш имконияти учун қалбаки шартномани тузишнинг ўзи етарлидир. Бу ерда фирибгар умуман мавжуд бўлмаган ёки ўзига тегишли бўлмаган буюм учун пул олиши мумкин.

Фирибгарлик умуман бажарилмаган ёки кам ҳажмда бажарилган иш ёхуд хизматлари учун била туриб, олинган сохта меҳнат шартномаси ёки бошқа шартномалар асосида ўзининг фойдасига пул маблағларини ўтказиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Келажакда бажариб бўлмайдиган ишлар учун мажбуриятларни бажариш шартли сифатида пул маблағларини олиш, агар айбдорнинг олинган мажбуриятларни бажармаслик ва пул маблағларини эгаллаб олиш мақсади мавжудлиги аниқланадиган бўлса, фирибгарлик бўйича квалификация қилиниши мумкин.

10. Объектив томондан фирибгарлик ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, «ишонч» тушунчаси кўп учраб туришига қарамасдан, унинг қонунчиликда белгиланган таърифи мавжуд эмас ва умумий ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ишонч деганда, субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тавсифлайдиган хусусият сифатида имон, яъни ижобий, моддий базадан мустақил, ушбу маълумотни тасдиқлайдиган хусусиятга эга бўлган маълумотлар ҳақида хабар беришдаги субъектив муносабатлар тушунилади. Бошқача айтганда, ишонч бу хабар қилинаётган ҳолат ва фактларни ёки содир этилаётган ҳаракатларни ҳаққоний равишда, ҳеч қандай исбот талаб этмасдан, тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш. Ишонч субъектив муносабатларнинг мураккаб тизими бўлиб, оғзаки ва ёзма, ҳаракат (конклюдент) шаклларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, ишонч асосланган шакл ушбу ҳаракатларни баҳолашга таъсир этмайди ва ҳар бир ҳолатда айбдор ва жабрланувчи ўртасида ишонч мавжуд бўлганлигини алоҳида аниқламоқ лозим.

Ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкани қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мол-мулк эгаси ёхуд мол-мулк эгаллиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши тушунилмоғи лозим. Ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳоказоларда вужудга келиши мумкин.

11. Ишончни суиистеъмол қилишни жиноят содир этиш усули сифатидаги алдашдан фарқламоқ лозим. Шарҳланаётган усулдан фарқли равишда, алдаш жабрланувчида айбдорга нисбатан ишонч муносабатлари шакллантириб, ўз мулкани топшириш мақсадига қаратилган фаол ҳаракатларда ифодаланади. Бошқача айтганда, ишонч — бу айбдорга жабрланувчининг ишончини суиистеъмол қилиш орқали унинг мулкани эгаллаш учун зарур бўлган бир босқич. Айбдор ўзи ва мулкдор ёки бошқа қонуний эгалловчи билан шундай алоҳида ишончни қозониш усулларида фойдаланадики, натижада турли алдашлар орқали жабрланувчининг ишончига кириб олади. Ишончни суиистеъмол қилиш фирибгарлик жиноятининг мустақил усули сифатида камдан-кам ҳолларда алоҳида ҳолда учрайди. Мисол тариқасида бланка имзосини суиистеъмол қилиш (мулкни эгаллаш мақсадида тўлдирилмаган имзоли бланкадан фойдаланиш)ни олиш мумкин.

12. Ишончни суиистеъмол қилиш ва алдашнинг ҳар қандай шаклининг моҳияти шундаки, ишончга эришган айбдор жабрланувчида қандайдир ҳолатлар ҳақида нотўғри таассурот уйғотади ва мулки ёки мулкий ҳуқуқларини ўтказиши фойдалилигига ёки мажбурийлигига ишонтиради. Бошқача айтганда, фирибгарликда жабрланувчининг айбдорга ишонгани ёки алдангани сабабли ўзи мулкни ихтиёрий равишда бериб юборади.

13. Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига қўра талон-тарож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади. Агар айбдор жабрланувчи ишончини суиистеъмол қилиш ёки алдаш натижасида мулкни қўлга кирита олмаса, унда қилмишни фирибгарлик содир этишга суиқасд сифатида квалификация қилмоқ лозим.

14. Субъектив томондан ушбу жиноят фақат қасддан ва ғараз мақсад билан содир этилади. Айбдор ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалгитаётганлигини ёки била туриб, ишончини суиистеъмол қилаётганлигини англаб етади ва

бунинг содир этилишини хоҳлайди. Шунингдек, ушбу жиноий қилмишни айбдор мулккий фойда олиш ва бойиб кетиш мақсадида содир этади. Ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий аломати ҳисобланади, шу билан бирга, агар мулкни алдаш йўли билан ғаразли мақсадларсиз эгаллаган бўлса (масалан, бошқа шахснинг номидан ойлик иш ҳақини унга бериб қўйиш мақсадида олиш), қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

15. Ушбу жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

16. Фирибгарликни ўғрилиқдан фарқлаш лозим, чунки уни содир этишда ҳам айбдор иншоотга, бинога, уйга кириб олиш ва мулкни яширинча талон-тарож қилиш мақсадида алдашдан фойдаланади. Фирибгарликни содир этишда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш ўзганинг мулкни қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғрилиқ содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқни фирибгарга ўзи, «ихтиёрий» равишда топширади, ўғрилиқда эса, айбдор шахс уни мол-мулк эгасининг ёки мол-мулк ихтиёрида турган шахснинг рухсатисиз яширин равишда талон-тарож қилади. Яна шуниси борки, фақат ўзганинг мулкигина ўғрилиқ предмети бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса, ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқи ҳамдир. Шунинг учун, шахсга муайян ваколатлар билан таъминланмаган жисмоний ҳаракатлар содир этиш учун (чамадонни кўтаришга ёрдам бериш, ишониб топширилган буюмларга қараб туриш ва ҳоказо) берилган мулкни ғаразли мақсадларда эгаллаб олиш фирибгарликни эмас, балки ўғирлик жиноятини ташкил этади.

17. Шунга эътибор бериш лозимки, шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик фақатгина, ташкилот, муассаса ва корхонанинг ўғирланган мулкнинг умумий суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан кам бўлмаганда келиб чиқади. Акс ҳолда, шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Агар ўғирланган мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаса, айбдор неча марта майда ўғирликлар содир этганлигидан қатъий назар, маъмурий жавобгарликка тортилади. Айни пайтда, агар фирибгарлик орқали талон-тарож қилиш фуқароларнинг мулкига нисбатан содир этилган бўлса, мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-

сидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаса ҳам жиноят шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича квалификация қилинади. «Шуни таъкидлаш керакки, қонунга кўра, ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг мулкни талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-тарож суммаси миқдоридан қатъий назар, келиб чиқади. Бироқ, талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарнинг қопланганлигини инобатга олган ҳолда жиноят ишини ЖКнинг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этиши керак»<sup>1</sup>.

Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдорини аниқлаш қилмиш содир этилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Талон-тарож қилинган мулкнинг қийматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор ва биржа нархларига асосланиш лозим<sup>2</sup>.

18. ЖКнинг 168-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган фирибгарлик жинояти таркибининг квалификация қилиш белгиларига:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган ҳаракатлар киради.

Ушбу белгилар юқорида тўлиқ кўриб чиқилди (ЖКнинг 164 ва 167-моддалари шарҳига қаранг). Шу билан бирга, «компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш» белгиси фирибгарлик муносабатларига нисбатан ўзига хос хусусият касб этади ва алоҳида кўриб чиқилиши лозим.

19. Фирибгарликда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш ёрдамчи аҳамият касб этиб, жиноятчининг мақсадга муваффақиятли эришишини, жабрланувчини тез ва самарали ишонтиришни, унинг ихтиёрини ўзига оғдириб олишни таъминлайди. Фирибгарликнинг шарҳланаётган квалификация қилиш белгиси амалий жиҳатдан турли шаклларда ифодаланиши мумкин, бироқ, унинг фарқлаб турувчи белгилари бўлиб, ушбу жиноятни содир этиш усулларини осонлаштириш мақсадида, яъни алдаш ёки жабр-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 3-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Уша жойда, 2-банди, 3—4-қисмлари.

ланувчининг ишончини суиистеъмом қилишни енгиллаштиришда фойдаланилади.

20. Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, фирибгарлик содир этиш ҳаракатларининг квалификация қилинишига, масалан, компьютерлардан фойдаланиб ноқонуний лотерея, Интернетда сотилган товарларни етказиб бермайдиган «магазин»ларни ташкил этиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, ушбу модда бўйича компьютер воситаларидан фойдаланиб жабрланувчига қалбаки ҳужжатларни (масалан, қалбаки гувоҳнома) тақдим этиб алдайдиган жиноятчининг қилмишларини ҳам квалификация қилиш лозим. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, агар компьютер воситаларидан айбланувчининг ўзи ёки айбдорни огоҳлантирган ҳолда учинчи шахс томонидан фойдаланилсагина, ушбу белгиларни мавжуд, деб ҳисоблаш мумкин (масалан, фирибгар компьютер техника воситаларидан фойдаланилишини билгани ҳолда қалбаки ҳужжатга «буюртма» бериши). Агар фирибгар қандайдир қалбаки ҳужжат компьютер воситаларидан фойдаланиб тайёрланганлигини билмаган бўлса, унда унинг ҳаракатларини компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, фирибгарлик содир этиш сифатида квалификация қилиш мумкин эмас.

Агар айбдор компьютер техника воситаларининг объектив хусусиятларидан фойдаланаётганлигини тушуниб етган ва ўзининг жинойи мақсадларига етишиш учун уни хоҳлаган бўлсагина, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этилганлигини қайд этиш мумкин.

21. Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, содир этиладиган фирибгарлик ва бошқа жиноятларни бир-биридан ушбу воситалардан қандай мақсадлар учун фойдаланганлиги бўйича фарқлаш зарур. Шунинг назарда тутиш лозимки, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, қалбаки ҳужжатлар тайёрланганда ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилганда, иккинчиси ЖКнинг 168-моддаси, 2 қисми, «г» банди таркибини қамраб олмайди ва жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан қўшимча квалификация қилинади.

22. ЖКнинг 168-моддаси, 3-қисмида фирибгарлик таркибининг қуйидаги алоҳида квалификация қилиш белгилари акс эттирилган:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

Ушбу белгилар босқинчилик таркибига кирувчи белгилари билан айнан мос келади (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

23. ЖКнинг 168-моддаси, 4-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Жиноят кодексига моддий зарар қанча миқдорда қопланиши лозимлиги кўрсатилмаган, бироқ, моҳиятидан моддий зарар тўла ҳажмда қопланиши келиб чиқади.

### 169-модда. Ўғрилик

*Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўғрилик:*

а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик);

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўғрилик:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) компьютер тизимида рухсатсиз кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўғрилик:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш ёки ўғрилик иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-тарож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилик жинояти содир этилиш усули жиҳатидан энг хавфи камроғи, деб топилиши мумкин: унда жисмоний ёки руҳий таъсир этиш қўлла-

нилмайди; айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда, яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бироқ, ўғрилик, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкни талон-тарож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир ва бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

2. Ўғрилик жиноятининг объекти ўзганинг мулкидир. Мулк сифатида фақатгина ихтиёрий ҳолатдаги ва шаклдаги, иқтисодий қийматга эга бўлган товар-моддий бойликлар, шунингдек, нархнинг умумий эквиваленти сифатида, махсус товар сифатида, бошқа турдаги мулк нархини акс эттирувчи пул ҳисобланиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўғрилик учун ўзганинг эгалигида бўлган мулкни олиб қўйиш хосдир. Бироқ, ўғрилик айбдорнинг мулкка нисбатан тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари бошқа муайян ҳуқуқи бўлган мулкни ўғрилаш ва эгаллашга ҳам қаратилиши мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришда ишчи томонидан хом ашёни ёки тайёр маҳсулотни, жабрланувчи томонидан вақтинча қараб туришга ташлаб кетилган мулкни, магазинда кийиб кўриш учун олинган мулкни, аравакашга етказиб бериш учун топширилган мулкни ўғирлаш назарда тутилмоқда.

3. Объектив томондан ўғрилик ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилишда ифодаланади.

Талон-тарож қилишнинг яширинлиги деганда, жиноят мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган ёхуд ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан ёки мулкдор ёхуд мол-мулкнинг талон-тарож қилинишидан манфаатдор бўлмаган бошқа шахслар йўқ вақтида содир этилиши тушунилади.

Бироқ, барча ҳолатларда талон-тарож қилишни яширин, деб ҳисоблаш учун, ўзаро боғлиқ бўлган иккита: объектив ва субъектив мезонни таҳлил қилиш ва баҳолаш лозим.

4. Талон-тарож қилиш усулини баҳолашнинг объектив мезони шундан иборатки, мол-мулкни очикдан-очик талон-тарож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган бўлса-ю, атрофдагилар бунга англамаса (масалан, айбдор бировнинг чамадонини эгаси йўқлигидан фойдаланиб, атрофдагиларнинг кўзи олдида ўғирлайди, бунда жиноятчи атрофдагилар у ўз чамадонини олиб кетяпти, деб ўйлашларига ишонади ва ҳоказо), бу ҳолда қилмиш ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш, деб ҳисобланиши лозим. Агар мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида бўлган ёхуд у ишониб топширилган шахс талон-тарож қилиш,

чоғида ҳозир бўлса-ю, аммо талон-тарож содир бўлаётганини тушуниб етмаса, шахснинг қилмиши (масалан, мол-мулк эгаси, қоровул ухлаётган бўлади ёхуд алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида бўлиб, мол-мулк талон-тарож қилинаётганини англаб етмайди) ўғрилик, деб квалификация қилинади. Жиноятни содир этиш объектив мезонлари баҳосига асосланиб, бу ерда талон-тарожликни яширин, деб топишнинг бир неча усуллари мавжуддир. Улардан биринчиси, амалиётда кўпроқ учрайдиган шакли, яъни умуман гувоҳлар мавжуд бўлмаганда, масалан, қўриқланмаётган товармоддий қимматликлари улгуржи базаси омборидан кечаси ёки эгаси уйда бўлмаганда ўгрининг қулфни бузиб ўтирлашидир. Иккинчиси, эгаси ёки бошқа шахслар бўлса ҳам, уларга билдирмасдан, яширин равишда мол-мулкни талон-тарож қилиш, масалан, чўнтак ўғриликлари ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда ўғрилик камданкам ҳолатларда адашиб мулкни ошкора талон-тарож қилиш — талончилик, деб топилиши мумкин.

5. Объектив мезонларга асосланиб талон-тарож қилиш, агар айбдор ўзганинг мулкни мулк эгасининг бевосита ўзидан ёки унинг иштирокида, жабрланувчи содир бўлаётган жиноий ҳаракатларни англамаган ҳолатда бўлганида (қаттиқ уйку, хушдан кетиш, қаттиқ маст ҳолат ва бошқалар) содир этилса ҳам, яширин, деб ҳисобланади. Ва, ниҳоят, ушбу мезондан келиб чиқиб, суд-тергов амалиётида айбдор томонидан ҳамманинг кўз ўнгида мулкни қонуний эгаси сифатида олиши ва бошқа шахслар ушбу ҳаракатлар ноқонуний характерга эга эканлигини англамагани ҳолда ўзганинг мол-мулкни қасддан талон-тарож қилиш яширин равишда, деб ҳисобланади. Бундай ҳолатлар кўпинча, масалан, темир йўл вагонидан товарлар туширилаётганда айбдор юк туширувчи сифатида келиб қандайдир буюм (кути, қоп)ни олади ва ўзининг фойдасига айлантиради ёки айбдор вокзал ёхуд аэропортда қаровсиз қолган буюмларни унинг эгаси сифатида келиб, олиб кетади.

Ўғри томонидан ўзганинг мулки ноқонуний равишда олинаётганлигини ва бунинг содир этилишини англамайдиган ёки ушбу ҳолат бўйича гувоҳлик бера олмайдиган шахслар, масалан, болалар ёки ақлий заиф шахслар борлигида ўғрилик қилиши ҳам яширин ҳисобланади<sup>1</sup>.

Шунингдек, айбдорни ўзининг яқин кишилари, қариндошлари, ҳамкасблари олдида қилмишини англаган ҳолда, бироқ, уларни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 2-банди.



жим юришига ишониб, содир этган ўғирлиги ҳам яширин сифатида квалификация қилинмоғи лозим.

6. Талон-тарож қилишни яширин, деб баҳолашнинг субъектив мезони ўғрининг жиноятда иштироки бўлмаган барча шахслардан яширин ҳолатда, уларни содир этилган ўзганинг мулкни талон-тарож қилишдан хабари йўқ, деган ички ишончи ҳисобланади. Шахснинг ўзи томонидан содир этилаётган талон-тарожнинг яширин, бошқаларга билдирмасдан содир этилганлиги тўғрисидаги субъектив ишончи жиноятнинг реал ҳолатларига мос келадиган объектив фактларга асосланмоғи лозим. Улар турли хил бўлиши мумкин: жиноят содир этилаётган жойда ҳеч кимнинг мутлақо мавжуд эмаслиги, объектни қўриқлаётган қоровулнинг ухлаб ётиши, ҳеч қандай ваколатлар бермаган ҳолда илк бора учрашган шахсга вақтинча қолдирилган мулкни ўғирлаш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, барча ҳолатларда ўғриликни яширин, деб топишнинг ҳал қилувчи аҳамияти бу ҳолатни айбдорнинг ўзи томонидан баҳоланиши ҳисобланади. Шунингдек, агар айбдор яширин ҳаракат қилдим, деб ҳисобласа, лекин ўғрилик факти ким томонидан дир анланган бўлса ҳам айбдор ҳаракатлари ўғрилик сифатида квалификация қилинади. Масалан, транспорт воситасидаги кисса-вурлик, агар уни кимдир узоқдан кузатиб турган бўлса ҳам шундайлигича қолаверади. Бироқ, агар ўғри қилаётган ишни кимнингдир жинойи ҳаракат эканлигини англаб етганини билиб қолса, у ўз ҳаракатларини тўхтатиб, ўғрилик содир этилган жойдан яширинса, бунда қилмиш ЖКнинг 169-моддаси тегишли қисми ва 25-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилинадиган ўғриликка суиқасд қилиш ҳисобланади. Агар айбдор худди шундай объектив ва субъектив ҳолатларда, мулкка дахл қилаётганлигини учинчи шахслар билиб қолганлигини сезиб қолса, бироқ, жиноятнинг муайян ҳолатларидан фойдаланиб, уни охиригача етказса ва ўғирланган буюмлар билан яширинишга ҳаракат қилса, унда у ўзганинг мулкни ошқора талон-тарож қилганлик учун жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>.

7. Мулкни яширин равишда олиш ўғриликнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ушбу қилмишни квалификация қилишда катга аҳамият касб этадиган белгилардан бири унинг талон-тарож қилишнинг зўрлик ишлатмайдиган усули эканлигидир. Бундан яширин равишда мулкни олиш зўрлик ишлатиш билан амалга оширилса ёки зўрлик мулкни олишга сабаб бўлган бўлса, қил-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 2-банди, 1-қисми.

мишни ўғрилик тариқасида квалификация қилиш мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқади. Шунингдек, ушбу ҳолатга, мулкни яширин равишда олиш, зўрлик ишлатиш йўли билан жабрланувчини айбдорнинг жиноий ҳаракатларини кузатишдан маҳрум қилиши (қамаб қўйиш, бошқа жойга олиб бориш) ҳам киради. Ушбу ҳаракатларни зўравонлик ишлатиш характериغا қараб, ЖКнинг 164 ёки 166-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, шахсни ожиз ҳолатга келтириш мақсадида унинг организмига соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган кучли таъсир қилувчи воситаларни киритиш ва бунинг натижасида давлат, жамият ёки шахсий мулкни эгаллаб олиш талончилик тариқасида квалификация қилиниши лозим. Агар шу мақсадларда жабрланувчи организмига ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган воситаларни киритса, ушбу қилмиш келиб чиқадиган оқибатларига боғлиқ равишда зўрлик ишлатиш орқали ўғирлик ёки ушбу жиноятга суиқасд сифатида квалификация қилинмоғи лозим. Шу ўринда, агар зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилиш тугагандан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғрилик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим<sup>1</sup>.

8. Жиноятчи ўзгалар мулкни ўғрилик билан эгаллаган ва ундан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, ўғрилик жинояти тугалланган ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўғирланган мулкка нисбатан тасарруф этишнинг реал имконияти деганда, жиноятчига мулкка нисбатан, мулкнинг қонуний эгасига тегишли бўлган комплекс ҳуқуқларни амалга оширишга имконият берадиган объектив жиҳатдан мавжуд муносабатлар ва агрофдаги ҳолатлар тушунилади. Объектив жиҳатдан мавжуд муносабатлар бу ўринда ўзининг объектив белгилари бўйича жиноятчига сездирмасдан содир этганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўладиган ҳолатлар, яъни ҳеч кимни қувмаганлиги, хавотирнинг йўқлиги, мулкни сездирмасдан қўриқланаётган ҳудуддан олиб чиқиб кетиш кабилар тушунилади. Бошқача айтганда, яшириш талон-тарож қилишнинг тугалланган вақтини аниқлашда айбдорнинг субъектив тасавури муҳим аҳамият касб этади. Бунда объектив реалликдаги ҳолатларга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 28 декабр — 1999 йил 14 майдаги қарорлари тўплами, 51-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва боққинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 5-банди.

асосланиб, ўзида ўғриланган нарсага нисбатан тасарруф этиш ва фойдаланиш имконияти мавжуд, деб ўйлайди.

9. Субъектив томондан ўғрилик тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор олинган ўзганинг мулкнинг нафақат ноқонунийлигини ва қайтариб берилмаслигини, балки ўз ҳаракатларининг яширин усуллари ҳам тушуниб етади. Унинг мулкни эгаллаб олиш мўлжали худди ана шунга асосланади. Шу билан бирга айбдор ушбу жиноятнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланувчи ғаразли (ноқонуний равишда бойликка эга бўлиш) мақсадини ҳам кўзлайди.

10. Ушбу жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, мулкни яширин талон-тарож қилиш ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича муайян ваколатларга эга бўлган шахс томонидан содир этилган бўлса, унда қилмишни ЖКнинг 167-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

11. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича жинойи жавобгарлик фақатгина ташкилотлардан, муассасалардан ва корхоналардан ходим томонидан ўғирланган мулкнинг умумий қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан юқори бўлганда келиб чиқади. Акс ҳолда, шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ, жавобгарликка тортилади. Агар ўғирланган мулкнинг умумий қиймати Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошиб кетмаса, неча маротаба майда ўғрилик содир этилганлигидан қатъий назар, шахс фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, агар ўғрилик фуқароларнинг мулкига нисбатан амалга оширилган бўлса ва ўғирланган мулкнинг умумий суммаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган миқдордан ошиб кетмаса ҳам, қилмишни жиноят сифатида шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

«Бироқ, талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарнинг қопланганлигини инobatта олган ҳолда жиноят ишини Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатиш масаласини муҳокама этиши керак»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонуний иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарори, 3-банди, 2-қисми.

Ўғирланган мулкнинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган кунга амалда бўлган республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Ўғирланган мулкнинг қимматини аниқлашда ишнинг муайян ҳолатларига қараб, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги шартномавий, бозор, биржа баҳо-сирни асосланиш лозим<sup>1</sup>.

12. ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисми содир этилган яширин талон-тарож қилишнинг квалификация қилиш таркибини ифода қилиши. Булар:

- а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга илсабаган (киссавурлик);
- б) анча миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса.

Санаб ўтилган ўғриликларни квалификация қилиш белгилари орасида киссавурликни белгиловчи қисми олдин шарҳланмаган, қонан қисмлари аввалги саҳифаларда шарҳланган (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

13. Киссавурлик деганда, жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чамадон ва қўл юкидаги буюмдан содир этилган яширин талон-тарож қилишни тушуниш лозим<sup>2</sup>. Олий суд ўзининг қарорида қайси буюмлар қўл юкига киришини ва уларнинг «бевосита жабрланувчи ашёга» бўлиши нимани англатишини изоҳламаган.

Бу масалаларни ҳал қилиш амалдаги қонунчиликнинг таҳлилида асосланиши лозим. Уларга кўра, қўл юки деганда, жабрланувчи шахсан олиб ўтувчи, шакли ва тузилишидан қатъий назар, енгил ёки ўнгилувчи буюм ва ашёлар тушунилади<sup>3</sup>. Ушбу буюмлар, одатда, жабрланувчининг ўзида бўлади, яъни унинг қўлида, елкасида,

<sup>1</sup> *Қаранг:* юқоридаги пленум қарори, 2-банди, 3 ва 4-қисмлари.

<sup>2</sup> *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгачар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 4-банди, 2-қисми.

<sup>3</sup> Ушбу ҳулоса 1999 йил 6 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларидан автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли ва денгиз пунктларида чегара ва божхона назоратининг тартиби тўғрисида»ги 765-сонли намунавий Йўриқнома; 1999 йил 1-февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 619-сонли «Темир йўл транспорт йўловчиларининг қўл юкини, багажини, кўпоғасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби» таҳлилидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари бюллетенининг маълумларида — Норматив ҳужжатлар бюллетени, 3-сон, 1999 йил, март.

ёнбошида ёки устида жойлашган ёхуд судраб, итариб кетаётган бўлади. Шу ўринда ушбу буюмларни жабрланувчи жисмоний куч ишлатиб бевосита ўзи олиб юришига алоҳида эътибор бериш лозим. Шунинг учун турли хил транспорт воситаларида (уларнинг миқдори ва шаклидан қатъий назар) олиб ўтиладиган буюм ва ашёлар қўл юки ашёси сифатида таҳлил этилиши мумкин эмас.

14. Қилмишни ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан квалификация қилиш учун қўл юки ашёси жабрланувчининг қўлида ёки бевосита ўзида жойлашган бўлиши лозим.

Қўл юки тушунчасига кирувчи буюм ва ашёлар жиноят содир этилган шахснинг тасарруфида бўлгандагина қўл юки ашёсини жабрланувчининг бевосита ўзида жойлашган, деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача айтганда, жабрланувчи бу ашёларга нисбатан махсус техник назорат воситаларидан фойдаланмасдан, уларни кузатиш ёки бошқа усулларда субъектив назоратни амалга оширади. Қўл юки воситаларининг бевосита жабрланувчи ёнидалигини қуйидаги ҳолатлар кўрсатиб туради: жабрланувчи ёнида аёллар сумкачасининг ётиши; ўғрилик содир этилганда катмоннинг шахс чўнтагида бўлиши ва бошқалар. Агар қўл юки буюм ва ашёлари жабрланувчининг субъектив назорат доирасидан (масалан, катмонни қулфланмайдиган шкафта сақлаш) ташқарида ёки қандайдир жойга яшириб қўйилган бўлса, талон-тарож қилишни киссавурлик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Бундай ҳолатда айбланувчининг ҳаракатлари бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, ЖКнинг 169-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

15. ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисмида киссавурлик содир этилгани учун оғирроқ жазо санкцияси назарда тутилган. Бу унинг юқори ижтимоий хавфлилиги билан асосланади. Ҳақиқатан ҳам киссавурлик ўзининг объектив белгилари бўйича оддий ўғирликка нисбатан қўполлиги ва очиқдан-очиқлиги билан ажралиб туради. Яширин талон-тарож қилишнинг ушбу шаклини амалга ошираётиб жиноятчи ижтимоий муносабатларга кам аҳамият бергани ҳолда ўзганинг мол-мулкани эгаллаб олади. Худди шу сабаблар оғирроқ жазо чорасини қўллашни асослаб туради.

16. Махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказолар)дан фойдаланиб, ўзганинг мулкани эгаллаб яширин талон-тарож қилиш уй-жойга кириб, содир этилган ўғрилик сифатида тан олиниши мумкин эмас<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 20 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 9-банди, 6-қисми.

17. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида ўзганинг мулкани яширин талон-тарож этишнинг қуйидаги квалификация қилиш белгилари назарда тутилган:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;
- в) кўп миқдорда содир этилган ўғрилик.

Амалий жиҳатдан ушбу белгиларнинг барчаси босқинчилик мажбузининг шарҳида кўриб чиқилган эди. Ўғриликнинг характерловчи ва ажралиб турувчи белгиси фақатгина «компьютер тизимига рухсатсиз кириш» ҳисобланади.

18. *Компьютер тизими* – бу ЭҲМ ва периферия мосламаларининг маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сақлашни таъминловчи уларнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро асосланган тартибли ҳамда функциялаштирилган мажмуаси. Периферия мосламалари маълумотларни киритувчи ва чиқарувчи турли хил воситалар: принтер (матнли ва графикли маълумотларни босмага чиқариш учун), стример (ахборотларни сақлаш учун), сканер (матн ва расмларни компьютерга киритиш учун), модем (телефон тармоғи орқали бошқа компьютерлар билан ахборот алмашиш учун), плоттер (чизмаларни қоғозга чиқариш учун), тармоқ адаптери (компьютерни локал тармоққа улаш учун) ва бошқа мосламалар бўлиши мумкин.

Компьютер тизими оддийгина компьютер воситалари жамланмаси сифатида тушунилмаслиги лозим. У маълумотларни қайта ишлаш, маълумотлар базасини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган мажмуадир. Мажмуанинг ушбу барча элементлари ўзаро алоқада ва ўзаро асосланган бўлади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг локал тармоғи, минтақавий ва жаҳон тармоқлари, шунингдек, ушбу ташкилотлар доирасида мустақил фаолият юритувчи тизимлар компьютер тизими ҳисобланади.

19. Компьютер тизими сифатида маълумотларни қайта ишлаб беришни, маълумотлар базасини ташкил этиш ва функциялашни таъминламайдиган ЭҲМ мажмуаларини, масалан, ўйин компьютерлари, приставка ва ҳоказоларни компьютер тизими сифатида тан олиш мумкин эмас.

20. *Компьютер тизимига кириш* – бу маълумотларни йўқ қилиш имкониятини берувчи (блокка тушириш, ўзгартириш, кўчириб олиш) ёки компьютер тизимининг меъёрдаги фаолиятини бошқа усулларда бузувчи ЭҲМ воситалари (моддий ва интеллектуал)дан фойдаланган ҳолда исталган шаклда кириш.

Ток манбаига эга бўлмаган, шунингдек, маълумотларни ашё сифатида олиб юрвчи машина ташувчилари бўлмаган ЭҲМни эгаллаб олиш компьютер тизимига кириб олиш, деб ҳисобланмайди ва тегишли ҳолатларда ушбу мулкни талон-тарож қилиш сифатида жавобгарликни юзага келтириши мумкин.

21. Ахборот манбаларига қуйидаги шахсларнинг кириши компьютер тизимига рухсатсиз кириш, деб топилади:

- мазкур ахборот манбаларига кириш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган;
- бундай манбаларга кириш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, бироқ, ахборотларни ҳимоя қилиш қоидаларини бузган ҳолда компьютер тизимига кириш.

22. Шарҳланаётган квалификация қилиш белгисининг (компьютер тизими, кириш, компьютер тизими маълумотлар манбаларидан фойдаланишга рухсатнинг мавжуд эмаслиги) барча элементлари бир хил мажбурийдир ва биргаликда баҳоланиши лозим. Кўрсатилган элементларнинг лоақал биттаси мавжуд бўлмаса, квалификация қилиш белгилари тўлиқ эмас, деб топилади ва шахс ҳаракатини ушбу бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди. Компьютер тизими орқали ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишга масъул бўлган банк ходимининг ташкилот ҳисобидан ўзининг ҳисобига муайян сумманинг ўтказилишини компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўғрилик қилиш сифатида квалификация қилиш мумкин эмас. Ушбу ҳаракатларни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-тарож қилиш орқали ўзлаштириш сифатида квалификация қилиш лозим (ЖКнинг 167-моддаси, 3-қисми, «г» банди).

23. ЖКнинг 169-моддаси, 3-қисмида ўзганинг мулкни яширин талон-тарож қилишнинг алоҳида квалификация қилиш белгилари кўрсатилган. Булар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган яширин талон-тарож қилиш.

Ушбу белгилар юқорида шарҳланган талончиликнинг алоҳида квалификация қилиш белгиларига ўхшашдир (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

## **Х1 боб. ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР**

### **170-модда. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш**

*Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, башарти, бу қилмишда талон-тарож қилишнинг аломатлари бўлмаса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) моддий жавобгар шахс томонидан;*

*в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Ушбу моддада кўрсатилган жиноят бир қатор белгилари бўйича фирибгарлик билан ўхшашдир. Айбдор шарҳланаётган жиноятни содир этишда ўз мақсадига эришиш учун, фирибгарлик жиноятидаги каби, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилишдан фойдаланади (ЖКнинг 168-моддаси шарҳига қаранг), бироқ фирибгарликдан айбдорнинг мулккий фойдани ноқонуний равишда қўлга киритиш механизми билан ажралиб туради. Агар фирибгарликда талон-тарож қилишнинг бошқа шакллари каби мулкдордан мулкни қўлга киритиш ва уни айбдорнинг ёки бошқа шахсларнинг фойдасига ноқонуний ўтказиш содир этилса, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказишда мулк қўлга киритилмайди. Ушбу жиноятда талон-тарож қилишнинг у ёки бу мулкдорнинг мулкни шахсий фондидан қўлга киритиш каби белгиси мавжуд эмас, яъни мулкдорга тегишли ёки бошқа қонуний эгаси қўлида бўлган мулкнинг мавжуд массаси камайиши содир бўлмайди. Одатда, айбдор мулккий фойдани ўзганинг мулкни эгаллаб олиш орқали эмас, балки лозим бўлган суммани тўламаслик орқали қўлга киритади.

2. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш объекти ўзганинг мулки ҳисобланади.



ЖКнинг 170-моддаси, биринчи қисми диспозициясининг таҳлили шуни кўрсатадики, фойдаланиш, эгаллик қилиш, ижара каби бошқа ашёвий ҳуқуқлар мазкур жиноятнинг объекти ҳисобланмайди. Мулккий зарар фақатгина ашёнинг эгасига етказилиши мумкин. Бу ҳолат ушбу жиноятнинг объектив томонининг ўзига хослиги билан боғлиқдир, яъни лозим бўлган пул маблағлари бошқа шахсларга эмас, фақат мулк эгасига берилиши мумкин. Агар назарда тутилган даромад, масалан, ижара берувчига мулк қайтарилмаса, у ҳолда бундай муносабатларда у бошқа қонуний эгалловчи сифатида эмас, балки мулкдор сифатида намоён бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, мулкдорга тегишли бўлган ёки тегишли бўлиши лозим бўлган мулккина алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш предмети ҳисобланади. Бироқ, ушбу жиноятни фирибгарликдан ажратиб турувчи ўзига хос яна бир хусусияти унинг мулккий ҳуқуқ предмети бўла олмаслигидир.

3. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят айбдорга билдирилган ишончни суиистеъмол қилиш ёки алдаш ҳаракатларида ифодаланади. Бунинг натижасида фирибгарлик белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда мулкдорга мулккий зарар етказилади. Бошқача айтганда, ушбу жиноятда мулккий зарар етказиш ғаразли мақсадларда ўзганинг мулкани ғайриқонуний равишда, қопламасдан талон-торож қилиш билан амалга оширилмайди.

Ушбу жиноятнинг объектив томони, талон-тарож қилишдан фарқли равишда, фойдани ғайриқонуний қўлга киритиш механизми билан ажралиб туради. Объектив томони шундан иборатки, жиноятчи ҳали келиб тушмаган, лекин шартномавий ёки бошқа бирон-бир мажбуриятга мувофиқ, мулк эгасига келиб тушиши лозим бўлган пул маблағлари ёки моддий бойликларни ўзи ёхуд бошқа шахслар фойдасига олиб, мулкдорга зарар етказиши. Шундай қилиб, ушбу жиноятни содир этиш орқали келиб чиқадиган мулккий зарар талон-тарож қилишдаги каби тўғридан-тўғри зарар кўришда эмас, балки қўлдан бой берилган фойда ва олиниши лозим бўлган даромадда ифодаланади.

4. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказишнинг объектив томонининг зарурий белгиси ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши орқали жабрланувчига етказиладиган зарар миқдори ҳисобланади. Қонунга кўра, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жиноятида етказилган зарар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравари миқдоридан ортиқ бўлса, жиноий жа-

вобгарлик келиб чиқади. Зарарнинг миқдорини аниқлашда фақатгина айбдор томонидан ноқонуний равишда олинган мулкнинг нархи ҳисобга олинishi лозим. Агар етказилган зарар миқдори белгилангандан кам ёки тенг бўлса, қилмиш ЖКнинг 170-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас.

5. Алдаш ёки ишонччи суиистеъмом қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш республика ёки маҳаллий бюджетларга бож ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламасликда (ёки уларнинг ҳажмини камайтиришда) ифодаланиши мумкин. Масалан, олди-сотли шартномасини яшириш мақсадида мулкдан ҳақини тўламасдан фойдаланиб туриш тўғрисида шартнома тузиш орқали; ер участкаси ёки кўчмас мулкни сотиб олишда шартнома тузаётганда унинг ҳақиқий нархини камайтириб кўрсатиш орқали; солиқ юқини камайтириш мақсадида қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш ва даромад солиғи ҳажмини камайтириш орқали, агар бунда ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноят белгилари мавжуд бўлмаса ва бошқалар. Шуни назарда тутиш лозимки, таҳлил қилинаётган жиноятни содир этишда фақат сохта ҳужжат (унинг қалбакилаштирилгани эмас) тақдим этилган бўлиши лозим (у алдаш воситаси ва ушбу жиноятнинг белгиси ҳисобланади), шунинг учун айбдорнинг ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш орқали алдаса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 170-моддаси ва 228-моддаси биринчи қисмлари билан квалификация қилиниши лозим.

Жиноят коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни тўламасликда (ёки тўлиқ тўламасликда) ифодаланиши мумкин. Шунингдек, ташкилотлар ва корхоналарнинг ушбу ташкилот ва корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун фуқаролардан келиб тушадиган тўловларни олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ходимлари томонидан, белгиланган тартибни четлаб ўтган ҳолда келиб тушган маблағларнинг ўзлаштирилишида ифодаланади (масалан, проводникнинг чиптасиз юрганлик учун йўловчи ва юклар учун пул олиши; автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси таъмирловчиси томонидан топшириқномада кўрсатилмаган ишлар учун қўшимча тўлов олиниши; матбаа корхонаси ходими томонидан буюртма берилган нашрнинг босиб чиқарилмаган қисми учун олинган тўловнинг ўзлаштирилиши ва ҳоказо). Ушбу ҳолатда шунга эътибор бериш лозимки, корхонага тегишли бўлган материаллардан ўзининг манфаатлари йўлида ишлатиш шарҳланаётган жиноят таркибига кирмайди ва тегишли шаклда ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш (растрата ёки ўғрилик) сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим.

Охирги йилларда қалбаки йўл чипталаридан, абонементлардан фойдаланиш орқали алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш шакллари ҳам кенг тарқалмоқда. Ушбу ҳаракатлар ҳужжатлар фойдаланувчи томонидан ишлаб чиқарилмаган, балки сотиб олинган тақдирда, ЖКнинг 170-моддаси бўйича квалификация қилинади.

6. Жиноят алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ҳаракати содир этилган вақтдан эмас, балки мулкдорга ёки бошқа мулкни қонуний эгалловчига ҳақиқий зарар етказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун бундай зарар етказишга қаратилган алдаш ҳаракатларини содир этиш ЖКнинг 170-моддаси ва 25-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракати ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим.

Жиноятни тугалланган, деб топиш учун айбдор мўлжаллаётган мулккий фойдани олиб улгурган бўлиши талаб қилинмайди. Шахс ўзига ишониб топширилган машинада ишини амалга ошириб, буюртмачидан келишилган тўловни олишга улгурмаган бўлса, тугалланмаган жиноят учун жавобгарликка тортилади, чунки машина тегишли бўлган ташкилотга мулккий зарар етказиб бўлинган (ўзининг манфаатлари учун иш вақтидан фойдаланиш ва амортизация харажатларини қопламаслик ва бошқалар).

7. Субъектив томондан жиноят била туриб, тўғри қасд билан ғаразли мақсадда содир этилади. Айбдор ёлгон хабар бераётиб ёки мавжуд далилларни яшираётиб мулкдорни ёхуд мулкнинг қонуний эгасини алдаётганлигини тушуниб етади ва ушбу ҳаракати орқали жабрланувчига мулккий зарар етказилишини кўра билади ҳамда ушбу зарарни етказишни хоҳлайди. Ғаразли мотивларга таяниб, айбдор ғайриқонуний равишда мулккий фойдани қўлга кириштиришни мақсад қилади.

8. ЖКнинг 170-моддаси, 1-қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ва мансабдор шахс ёки моддий жавобгар ҳисобланмаган шахслар бўлади.

9. ЖКнинг 170-моддаси, 2-қисмида ушбу жиноятнинг қуйидаги квалификация қилиш белгилари назарда тутилади:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) моддий жавобгар шахс томонидан;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этиш.

ЖКнинг 170-моддаси, 2 қисми, «а» бандида кўрсатилган квалификация қилиш белгилари юқорида шарҳланган талончиликнинг квалификация қилиш белгиларини айнан такрорлайди ва алоҳида кўриб чиқишни талаб этмайди.

10. Моддий жавобгар шахс қонун, шартнома ёки мулкдорнинг махсус топшириқномаси бўйича ёхуд расмий эгаси томонидан мулкдорнинг мулкни тасарруф этиш, эгаллик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқлари билан таъминланган шахс ҳисобланади. Моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиладиган ходимлар ҳамда ишларни сақловчилар, ижарачилар шундай шахслар ҳисобланади. Шундай қилиб, ушбу квалификация қилиш белгисининг мавжуд бўлиши учун жиноят ўзлаштириш ёки растратанинг субъектига ўхшаш бўлган махсус субъект томонидан содир этилганлигини аниқлаш лозим.

Моддий жавобгар шахс томонидан содир этилган алдаш ёки ишонччи суинестеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказишнинг ўзлаштириш ёки растратадан фарқли жиҳати уни содир этиш мақсадидадир. Шарҳланаётган моддада қасдан, қопламасдан қўлга киритиш (талон-тарож қилиш) мақсади мавжуд эмас.

11. (Кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қamoқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Ушбу белги ЖКнинг 168-моддаси, 4-қисмида кўрсатилган белгини такрорлайди ва қўшимча шарҳлашни талаб этмайди.

### **171-модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш**

*Мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг маъфиаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига-ча миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олаётган ёки ўтказаетган шахснинг ҳаракатлари жиноятчига ушбу мулкни яшириш, сақлаш ёки ўтказишга ёрдам беради. Бундай ҳолатлар мулкни жиноий йўл билан топаётган шахсларда ишонч ҳиссини туғдиради ва улар томонидан янги жиноятлар содир этилишига туртки бўлади.

Шу муносабат билан давлат жиноий йўл билан топилган мулклардан учинчи шахслар томонидан фойдаланилишининг олдини олишга ҳаракат қилиб, содир этилган жиноят орқали олинадиган даромадни энг кам даражага туширишга ҳаракат қилади.

2. Ушбу модда бўйича жавобгарлик келиб чиқишининг зарурий шарти қуйидагилар: жиноий қилмишнинг мавжудлиги, унинг натижасида мулкнинг қўлга киритилиши ва асосий ҳаракат содир этилиши, яъни ушбу ҳаракатлар натижасида кимгадир зарар етказилиши ёки етказилмаслигидан қатъий назар, жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда сотиб олиш ёки қўлга киритиш ҳисобланади. Кўрсатилган шартлардан биронтаси мавжуд бўлмаса, шахснинг ҳаракатларида ушбу жиноят белгилари мавжуд, деб топилиши мумкин эмас. Шу сабабли, масалан, жиноят йўли билан топилмаганлиги, балки ишлаб чиқарилганлиги айбдорга маълум бўлган мулкни сотиб олиш ёки қўлга киритишга қаратилган ҳаракат ушбу модда бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолда, агар амалдаги қонунчилик бўйича ушбу мулкни ишлаб чиқариш жиноят, деб топилса, унда жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг махсус нормаларига кўра келиб чиқади (масалан, ЖКнинг 176, 228-моддаларига қаранг).

3. Ушбу жиноят объекти эгалик ҳуқуқи ва бошқа мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, жамиятда шаклланган ва қонунчиликда акс эттирилган мулкни тасарруф этиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

Мулк деганда, муайян қимматликка эга бўлган ёки уни олганда ва унга нисбатан мулкий ҳуқуқни қўлга киритганда ўз қийматини йўқотмайдиган барча ашёлар тушунилади, чунки улар, фуқаролик муомаласидан чиқарилган ёки чекланган ашёлар бўлишидан қатъий назар, сотилиши ва қўлга киритилиши мумкин.

ЖКнинг 171-моддаси белгиларига қимматли ва рангли металллар, табиий қимматли тошлар, жавоҳир, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, этил спирт, қалбакилаштирилган расмий ҳужжатлар, заҳарли моддалар, курол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар, радиоактив, пор-

нографик материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, гайриқонуний муомала қилиш учун жавобгарлик ЖКнинг бошқа моддаларида назарда тутилган мулклар қирмайди.

4. Мулкни эгаллаб олишнинг қонунга хилоф ҳолатлари сотиб олаётган ёки ушбу мулкни ўтказётган шахсга маълум бўлса, жиноий йўл билан қўлга киритилган, яъни қандайдир жиноят содир этиш натижасида шахс тасарруфида бўлиб қолган ҳар қандай мулк жиноят предмети ҳисобланади. Жиноий жавобгарлик субъекти бўлолмайдиган ёш болалар ёки бошқа шахслар томонидан жабрланувчидан яширин равишда қўлга киритилган мулклар жиноий йўл билан топилган, деб ҳисобланмайди. Шундай қилиб, мазкур жиноят предметининг зарурий белгиси олишнинг жиноий характери ҳисобланади (масалан, маъмурий жавобгарликка тортилдиган майда талон-тарож қилиш содир этиш натижасида қўлга киритилдиган мулк жиноят предмети ҳисобланмайди).

Шу билан бирга, уни ишлаб чиқариш жиноят ҳисобланса ҳам, ишлаб чиқарилаётган мулкни қўлга киритиш жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк сифатида тан олиниши мумкин эмас (масалан, қалбаки ҳужжатлар, пуллар). Бироқ, ушбу ашёлар ўғрилик, талончилик ҳужуми орқали қўлга киритилган бўлса ёки ўзгача талон-тарож қилиш ёхуд бошқа гайриқонуний жиноий йўл билан қўлга киритилса ва қўлга киритилиши ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланмаса, уларни жиноий йўл билан топилган, деб тан олиш лозим. Бундай мулкни сотиб олиш ёки ўтказишда айбдор ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ва ўтказиш сифатида квалификация қилинади. Шунингдек, уни тарқатиш ижтимоий хавfli ҳисоблангани ҳолда бундай мулкни тарқатиш ушбу модда билан квалификация қилинади (масалан, квалификация қилишга ўғирланган порнографик материалларни олиш ва кейинчалик тарқатиш тегишлидир).

Шунингдек, жиноий йўл билан топилган маблағларга сотиб олинган мулклар ушбу жиноят предмети сифатида тан олиниши мумкин эмас.

5. Объектив томондан қилмиш билган ҳолда жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш сифатида муқобил ҳаракатларда ифодаланади.

Одатда, олдиндан била туриб, жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олган шахс худди ўша мулкни ўтказди. Бироқ, айбдор шахснинг ҳаракатларида мазкур жиноятнинг мавжудлигини аниқлашда юқорида санаб ўтилган ҳаракатлардан биронтаси мавжуд бўлишининг ўзи етарлидир. Шунинг учун, ЖКнинг 171-мод-

даси бўйича, жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олмаган, фақатгина уни ўтказган шахс ҳам жавобгарликка тортилади.

Таъкидлаш лозимки, жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар рўйхати фақат шулардан иборат. Жиноий йўл билан топилган мулкка нисбатан содир этилган бошқа ҳаракатлар (масалан, ўтказиш, сақлаш) ЖКнинг 171-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

6. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш деганда, мулкни жиноий йўл билан топган шахс билан ўша мулкнинг ўз эгаллигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган ҳар қандай ҳақ ёки бепул берилиши тушунилади. Яъни, мулкни олган шахс унга эгалик қилади, бегоналантиради ёки ундан шахсан фойдаланади, шу билан бирга олинган мулкка нисбатан эгаликнинг юридик мулк ҳуқуқи ўтмайди. Мулкни вақтинчалик сақлаб туришга бериш ушбу модда моҳиятида белгиланган олиш ҳисобланмайди.

7. Жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиш деганда, мазкур мулкни бошқа шахсга ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳадя қилиш, қиморда ютқазиш, айирбошлаш ва ҳоказо) тушунилмоғи лозим. Ўтказиш, ўз навбатида, пулли ёки пулсиз, мулкни ўзининг шахсий мулки сифатида тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган учинчи шахсга ўтказиш бўйича бир марталик ёки кўп марталик ҳаракатлардир.

Ўтказиш деганда, шунингдек, олдиндан маълум бўлган ўғирланган мулкни мулккий фойда олиш мақсадида гаровга ёки бошқа фойдаланишга бериш тушунилади.

8. Жиноятнинг объектив томонининг зарурий белгиси жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берилмаган бўлишидир.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказиш деганда, агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк топувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл билан топилган мулкларни олиш) ҳамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушуниланади.

Аксинча, агар жиноий йўл билан топилган маҳсулотни олдиндан ваъда берган ҳолда олиш ёхуд уни айнан бир шахснинг ўзидан, бу маҳсулотни сотишда унга кўмаклашаётганини билгани

ҳолда доимий равишда олиш жиноятда ёрдамчи тариқасидаги иштирокчилик қилиш, деб ҳисобланиши лозим.

9. Жиноятнинг тугалланган вақти ижтимоий хавfli қилмишнинг келиб чиқиши билан боғлиқ эмас. Била туриб, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятнинг формал гаркибига тааллуқлидир. Шарҳланаётган модда бўйича жиноий йўл билан топилган мулк айбдор томонидан олинган вақтдан ёки шундай мулкларни ўзидан соқит қилиб, бошқа шахсларга берган вақтдан бошлаб тугалланган, деб ҳисобланади. Олдиндан сақлашга ваъда бермаган ҳолда кейинчалик ушбу мулкни ўтказиш мақсади, шарҳланаётган моддадаги жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим.

10. Бу жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор била туриб, жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлигини ёки ўтказаетганлигини англайди ёки ишнинг объектив ҳолатларига кўра англаши лозим бўлади ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди ёки имконият яратиб беради. Шу билан бирга мазкур мулк қайси жиноий йўл билан топилганлиги, ким, қачон ва қайси ҳолатларда ушбу жиноятни содир этганлигини аниқлаш мажбурий аҳамият касб этмайди. Агар мулк бундай муайян жиноятни содир этиш орқали қўлга киритилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш сифатида, шунингдек, айбдорнинг ҳаракатларида ЖКнинг 241-моддасида назарда тутилган жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш каби белгилар мавжуд бўлганда, жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим. Айбдорнинг ниятини фақатгина мулкнинг жиноий йўл билан топилганлиги факти ва ўзининг ушбу мулкни олиш ва ўтказиш бўйича ҳаракатлари қамраб олади. Агар айбдорнинг ниятини жиноий йўли билан топилган предметларни олиш ва ўтказишга қаратилган ҳаракатлар қамраб олган бўлса, унда шахс жиноятни содир этишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади (ЖКнинг 28-моддаси). Масалан, шахс ўғирланган нарсаларни мунтазам равишда сотиб олган ва ўғрини жиноий йўл билан топилган ҳар қандай мулкни олишга ишонтирган бўлса, бундай шахс ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш иштирокчиси, деб топилади ва унинг ҳаракатларини ЖКнинг 171-моддаси бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди.

Одатда, жиноят мотивлари гаразли, шунингдек, ўзгача ҳам бўлиши мумкин, бироқ, улар жиноятни квалификация қилишга



таъсир кўрсатмайди. Масалан, шахсий характердаги мотивларга таяниб, шахс била туриб жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиши мумкин.

11. ЖКнинг 171-моддаси бўйича шахсни жавобгарликка тортишнинг мажбурий белгиси шахснинг олинаётган ёки ўтказилаётган мулкнинг жиноий йўл билан топилганлигини олдиндан билишидир.

Била туриб деганда, мулк жиноий йўл билан топилганлигини айбдор шахс билиши ва билмаслиги мумкин эмаслиги тушунилади, яъни айбдор ушбу мулкнинг келиб чиқиши, у сотиб олаётган шахснинг қўлига қандай келиб тушганлиги тўғрисида муайян маълумотларга эга бўлганлигидир. Агар жиноий йўл билан топилган мулк буюм бозоридан, кўчадан ва бошқа ҳолатларда сотиб олинган бўлса, шахс мулкни сотаётган шахсда уни ўзидан соқит қилиш ҳуқуқи мавжуд эмаслигини билмаганлиги (Фуқаролик кодексининг 229-моддасига биноан – инсофли эгалловчи)дан дарак беради. Олинаётган ёки ўтказилаётган мулкнинг келиб чиқиши тўғрисида билмаслик ЖКнинг 171-моддаси бўйича жавобгарликка тортишдан ҳоли этади.

12. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда 205-модданинг аломатлари билан содир этиланида жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишни содир этса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ва Жиноят кодексига ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмор қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 205-моддаси билан квалификация қилинади.

13. ЖКнинг 171-моддаси, 2-қисмида жиноятнинг:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

14. ЖКнинг 171-моддаси, 3-қисмида жиноятнинг:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164-моддаси таҳлилида шарҳланган ва ушбу моддага нисбатан қандайдир алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

## **172-модда. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш**

*Шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариши натижасида мол-мулк талон-тарож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модданинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, шахснинг мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиши мулкнинг талон-тарож қилинишига, зарар етказилишига ёки йўқ қилинишига ва натижада мулк эгасига кўп миқдорда зарар етказилишига қулай шароит яратади.

Жиноят предмети мансабдор бўлмаган шахс муҳофазасида турган мулк ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлишда ифодаланади. Виждонсизларча муносабатда бўлиш — бу мулкни қўриқлаш бўйича функцияларни бажармаслик (масалан, қоровулнинг ўз қўриқлаш навбатида келмаслиги ёки қўриқланаётган мулкни ташлаб кетиши) ёки мулкни қўриқлаш бўйича тегишли бўлмаган мажбуриятларни бажариш.

3. Агар мулкни қўриқлаш мажбуриятини бажараётган вақтда энгиб бўлмас куч (масалан, тўсатдан оғир касал бўлиш, ёнгин, сув тошқини, зилзила) мавжуд бўлиб, бунинг натижасида шахс мулкни талон-тарож қилинишига, зарар етказилишига ва йўқ қилинишига тўсқинлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлса, айбдор ЖКнинг 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортилмайди.

4. Айбдор ҳаракатларида шарҳланаётган жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш учун мулкни қўриқлашга виждонсизларча муносабатда бўлишнинг оқибати сифатида мулк талон-тарож қилиниши, зарар етказилиши ёки йўқ қилиниши лозим.

Ишониб топширилган мулкни талон-тарож қилиш деганда, уларнинг элементларини ташкил этувчи алоҳида предметлар (масалан, эҳтиёт қисм ва мотор) ёки муҳофазада турган мулкни ташкил этувчи предметларнинг бутун мажмуаси талон-тарож қилинганлигини тушуниш лозим.

Йўқ қилиш моддий предметга ташқи таъсирнинг шундай усулики, бунинг натижасида мулк ўзининг жисмоний мавжудлиги-

ни йўқотади ёки тўлиқ равишда мақсадли йўналтирилганлиги бўйича ишлатиб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолади. Йўқ қилиш — ёқиб юбориш, кислотада эритиб юбориш, бузиш каби мулкни тўлиқ йўқ қилишда ифодаланани ёки мулкни шундай ҳолатга келтириш тушуниладики, бунинг натижасида у ўзининг сифат ва фойдалилик хусусиятларини тўлиқ йўқотади. Йўқ қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мулк тиклаш ёки таъмирлаш орқали қайта тикланмайди ва ҳўжалик муомаласидан тўлиқ чиқиб кетади.

Зарар етиши деганда, мулк таркибининг шундай ўзгаришлари тушуниладики, натижада, унинг мавжуд ҳолати ёмонлашади, анчагина фойдалилик хусусиятларини йўқотади ва ҳўжалик ёки бошқа мақсадли фойдаланишга тўлиқ ёки қисман яроқсиз бўлиб қолишини тушуниш керак. Мулкни қайта тиклаб бўлмайдиган даражада йўқотишни англатувчи йўқ қилишдан фарқли равишда, зарар етиши тиклаш, таъмирлаш, ҳайвонни даволаш ва бошқа предметларнинг бартараф этилиши мумкин бўлган сифат жиҳатдан бузилишига олиб келишини англатади.

5. Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси талон-тарож қилиш, зарар етказиш ёки йўқ қилиш натижасида кўриқланаётган мулкка кўп миқдорда зарар етказилиши ҳисобланади.

Таҳлил қилинаётган модда бўйича айбдор шахснинг ҳаракатларини квалификациялаш учун шахснинг мол-мулкни кўриқлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажаришга виждонсизларча муносабатда бўлиши ва унинг талон-тарож қилиниши, кўп миқдорда зарар етказилиши натижасида унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш зарур бўлади. Агар сабабий боғланиш бўлмаса, шахс ушбу модда бўйича жавобгар бўлмайди.

6. Субъектив томондан жиноят ўзига-ўзи ишониш тарзидаги эҳтиётсизлик билан содир этилади. Айбдор ўз мажбуриятларига виждонсизларча муносабатда бўлиши натижасида мулк талон-тарож қилиниши, зарар етказилиши ёки йўқ қилиниши каби оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва била туриб, ўз мажбуриятларини бажармайди ёки бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ишониб, тўлиқ равишда бажармайди ёхуд оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билмайди.

7. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Мансабдор шахслар мулкни муҳофаза қилиш бўйича ўз вазифаларига лоқайдлик билан ёки виждонсизларча муносабатда бўлиб,

қарни бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги натижа-  
сиз кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, иш ҳолатларига қараб  
қарининг қилмиши мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг  
197-моддаси) ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖКнинг 208-модда-  
си) бўйича квалификация қилинади.

### **173-модда. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш**

*Ўзганинг мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш  
сизча миқдорни таъкил этса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш  
бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш  
ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар зами-  
рида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз барава-  
ригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш  
ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан  
шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган  
бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо-  
ланади.

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдир-  
да, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказишнинг  
ижтимоий хавfliлиги шундаки, мулкни nobуд қилиш ёхуд унга  
зарар етказиш оқибатида ўзганинг мулкига моддий зарар етказила-  
ди ва натижада, мулкдор моддий қимматликлардан, ўзининг шах-  
сий мулкидан, ундан тегишлилигича фойдаланишдан маҳрум бўлади.

2. Жиноят объекти ўзганинг мулкидир.

Предмети моддий қийматга эга бўлган кўчар ва кўчмас мулк-  
лар бўлиши мумкин. Шу билан бирга, nobуд қилиниши ёки зарар  
етказилиши натижасида Жиноят кодексининг бошқа моддалари  
билан жавобгарлик назарда тутилган предмет ва ашёлар ушбу

жиноятнинг предмети ҳисобланмайди. Масалан, қасдан ўрмонни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, ҳужжат, штамп, тамға, муҳр ва бланкаларга зарар етказиш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситалари ёки йўлларини ёхуд ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказишга қаратилган ҳаракатлар бўйича айбдор шахслар қилмиши ЖКнинг 198, 227, 263 ва 296-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Модда диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилганидек, айбдорнинг шахсий мулки ушбу жиноят предмети бўлиши мумкин эмас. Айбдор томонидан жиноят изларини яшириш мақсадида талон-тарож қилинган мулкни нобуд қилиш тегишли талон-тарожлик жиноятлари таркибини қамраб олади ва ЖКнинг 173-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

3. Жиноят объектив томондан ўзганинг мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга анча миқдорда зарар етказишда ифодаланadi.

(Мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш тушунчалари ЖКнинг 172-моддаси шарҳида берилган).

Моддий қимматликлардан ўз мақсадида фойдаланишни нобуд қилиш сифатида эътироф этиш мумкин эмас (масалан, давлат корхонасининг фондидан ноқонуний равишда олинган бензинни ишлатиб юбориш). Айбдорнинг бундай ҳаракатлари, зарурий белгилар мавжуд бўлганда, талон-тарож қилишни ташкил этиши мумкин.

4. Объектив томонининг зарурий белгиси анча миқдорда зарар етказиш ҳисобланади.

Анча миқдордаги зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади (Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг). Зарар миқдори етказилган моддий зарарнинг фактик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Агар шахс томонидан ҳаракат содир этилиши натижасида фактик жиҳатдан белгилангандан кам миқдорда зарар етказилган бўлса, бироқ, айбдорнинг нияти анча миқдорда зарар етказилишига қаратилган бўлса, қилмиш айбдорнинг ниятига қараб мулкни қасдан нобуд қилиш ёки зарар етказишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

5. Шарҳланаётган жиноят моддий таркибли бўлганлиги учун анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан эътиборан тугалланган, деб ҳисобланади. Қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

6. Агар мулкни қасдан нобуд қилиш ёки зарар етказиш натижасида ушбу жиноят таркибини қамраб олмайдиган оқибатлар

келиб чиқса (масалан, жабрланувчига тан жароҳати етказилса), қилмиш жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши керак.

7. Жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор ўзига тегишли бўлмаган мулкни нобуд қилиш ёки зарар етказиш ҳуқуққа хилофлигини англаб етади ва мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига анча миқдорда зарар етказилиши мумкинлигини кўра биледи ва шу билан бирга бундай оқибат келиб чиқишини хоҳлайди ёки бунга онгли равишда йўл қўяди ёхуд улар келиб чиқишига нисбатан бепарво бўлади. Мазкур жиноят мақсади (тўғри қасддан) ва мотивининг мазмуни фарзли ҳисобланмайди ҳамда қилмишни бошқа турдаги жиноятга (масалан, қўпоровчиликка) айлантирадиганларидан ташқари ҳар қандайи (безорилик, ўч олиш, ҳасад, рашк ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

8. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо бўлади. Агар мулкни қасддан нобуд қилиш ёки зарар етказиш мансабдор шахс томонидан амалга оширилган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 173-моддаси ва 205-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

ЖКнинг 173-моддаси, 2, 3-қисмларида кўрсатилган жиноятнинг квалификация қилинган таркиби бўйича жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан келиб чиқади.

9. ЖКнинг 173-моддаси, 2-қисмида қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда жиноят содир этганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади:

а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида;

б) атрофдагилар учун хавfli усулда;

в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда.

10. Агар шахс мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишни миллатлараро ёки ирқий адоват мотивлари бўйича содир этган бўлса ёки мулкка зарар етказиш айбдорнинг мулк тегишли бўлган ўзга шахс ёхуд улардан бири муайян бир ирққа, миллатга ёки халққа тегишлилиги тўғрисида субъектив тасавури асосида содир этилса, мулкни нобуд қилиш сифатида қаралиши лозим. Айнан шахснинг кўрсатилган гуруҳга тегишлилиги ва анъаналарни амалга ошириши мулкнинг нобуд қилиниши ва унга зарар етказилишининг асосий сабаби ҳисобланади. Агар айбдор санаб ўтилган мотивлар бўйича инсон ҳаётига, соғлигига қарши ёки шахсга қарши бошқа жиноятларни содир этса, шу билан бирга жабрланувчининг мулкига зарар етказиб нобуд қилса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида шарҳланаётган модда бўйича ва Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар учун

жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

11. Шуни таъкидлаш зарурки, миллатлараро ёки ирқий адвватии нафақат шахсининг муайян миллат ёки ирққа тегишлилиги билан, шунингдек, инсоният фаолиятининг турли соҳаларида акс этувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турли хил маданият, ижтимоий ва бошқа гуруҳларга (қабила, уруғ) тегишлилиги билан ҳам ифодалаш мумкин.

12. *Диний таассублар* — бу шахсининг муайян гуруҳ, диний йўналиш, конфессия вакиллариининг норасолиги, чекланганлиги, зарарлилиги тўғрисидаги объектив асосга эга бўлмаган ички тасаввури. Одатда, ушбу тасаввурлар диний фанатизм, диний ғояларни нотўғри тушунини, зарур диний маданиятнинг мавжуд эмаслиги билан асосланади. Ушбу ҳолатлар жазо тайинидаида инобатта олиниши мумкин, бироқ, улар қилмишини квалификация қилишга таъсир этмайди.

13. Ўзга миллат, ирқ ёки халқнинг вакили мулкига гаразли, раишк ва ўч олиш мақсадида тажовуз қилишни ЖКнинг 173-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас, айбдорнинг бундай ҳаракатлари ЖКнинг 173-моддаси, 1-қисми билан қамраб олинади.

Шу билан бирга, агар ушбу миллатлараро ёки ирқий душманлик ёхуд диний қарашлар мотиви бўйича жиноятни содир этишда айбдорда айни вақтда мустақил квалификация қилиш белгисини таъкид этувчи бошқа мотив мавжуд бўлганлиги ҳам аниқланганиган бўлса, унда булар квалификация қилишда ўз аксини топиши лозим. Масалан, мулкни атрофдагилар учун хавфли усулда ёки кўп миқдорда зарар етказган ҳолда nobud қилиш.

14. Атрофдагилар учун хавфли усулда деганда, мол-мулкни nobud қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда катта табиий офат ва вайроналик юз бериши хавфини келтириб чиқариш ва инсонларнинг қурбон бўлиши, инсон соғлиғи учун хавфли ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи усуллардан фойдаланини тушунилади. Уларга мулкка ўт қўйиш, уни портлатиш, чўктириб юбориш, ҳайвонларни заҳарлаш, транспорт ҳалокаатларини уюштириш ва ҳоказо усулларни қўллаш кирради.

Усул ҳақиқий хавф туғдириши лозим, акс ҳолда, айбдорнинг мулкни nobud қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган ҳаракатлари атрофдагилар учун хавфли усулда содир этилган, деб топилиши мумкин эмас. Хавф тахминий ёки яширин бўлмасдан бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказиш муайян ҳолатларда

ошкора бўлиши лозим. Шунга таъкидлаш зарурки, шарҳланаётган жиноятни содир этаётиб, айбдор, содир этаётган ҳаракати билан объектив томондан асосланган муайян мулкка зарар етказишни ҳамда жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказётганлигини англаганлигини аниқлаш лозим.

15. Шунга эътибор бериш керакки, агар жиноят предмети шахсий мулк ҳисобланмаса, унга нисбатан ушбу жиноятни атрофдагилар учун хавфли усулда содир этилиши бошқача тартибда кўриб чиқилади. Агар ўзганинг мулкни ёқиш, портлатиш ёки бошқа ижтимоий хавфли усуллар билан қасддан содир этилса, бунинг натижасида ўзганинг мулкига зарар етказилса, айбдорнинг ҳаракатларини келиб чиққан оқибатларга қараб квалификация қилиш лозим.

16. Агар атрофдагилар учун хавфли усулда мулкни nobуд қилиш ёки зарар етказишга қаратилган ёқиш, портлатиш ёхуд бошқа ҳаракатлар натижасида айбдорнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мулкка зарар етказилмаса, қилмиш ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 173-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади. Бошқа мулкни nobуд қилиш ёки зарар етказиш ўзга шахсларга хавф туғдирмаган ҳолда ашё ва предметларни ёқиб юбориш Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган мулкни қасддан nobуд қилганлик ёки зарар етказганлик натижасида келиб чиқадиган оқибатнинг хусусияти ва даражасига қараб квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда мулкни атрофдагилар учун хавфли усулда nobуд қилиш белгиси бўйича квалификация қилишга йўл қўйилмайди.

17. (Кўп миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳига қаранг).

18. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказишни алоҳида квалификация қилиш белгилари ЖКнинг 173-моддаси, 3-қисмида берилган. Булар:

а) хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш.

19. Айбдор қилмишини ЖКнинг 173-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш учун ўзаро боғлиқ бўлган икки элемент мавжуд бўлиши лозим:

- жиноят шахс ёки унинг яқин қариндошига нисбатан;
- шахс ёки унинг яқин қариндоши ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан содир этилади.



Яқин қариндошлар ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, бола-лар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунинг-дек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укаси ва опа-синглиси ҳисобла-нади. Яқин қариндош сифатидаги шахслар рўйхати қонунчиликда аниқ белгиланган бўлиб, уларни кенгайтиришга йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, ушбу гуруҳга кирмайдиган бошқа шахслар ва шарҳланаётган жиноятнинг уларга қарши содир этилиши уларнинг яқин қариндош, деб ҳисобланишига олиб келмайди.

20. *Хизмат бурчи* — бу давлат, хусусий ёки бошқа (нодавлат) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва фаолияти қонун-чиликка зид келмайдиган ташкилот ва корхоналар билан тузил-ган меҳнат шартномасидан келиб чиққан ҳолда шахснинг ўз хиз-мат (меҳнат) вазифалари доирасига кирадиган фаолияти доира-си<sup>1</sup>.

21. *Фуқаролик бурчи* — бу фуқаро томонидан унинг зиммасига қонун билан махсус юклатилган мажбуриятларнинг амалга оши-рилиши, шунингдек, бошқа ижтимоий фойдали ҳаракатлар со-дир этилиши (тайёрланаётган жиноят тўғрисида ёхуд қидирилаёт-ган шахс турган жой ҳақида ҳокимият органларига хабар берган-лиги)<sup>2</sup>.

22. ЖКнинг 173-моддаси, 3-қисми, «а» бандидаги жиноятни квалификация қилишда ушбу ҳаракатлар шахснинг хизмат ёки жамоат мажбуриятларини бажариш вақтида ёхуд бошқа вақтда содир этганлиги аҳамият касб этмайди. Жиноий қилмиш унинг ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ равишда содир этил-ганлигини аниқлаш муҳимдир.

23. Ўзининг хизмат ёки фуқаролик бурчини қонуний асосларда бажараётиб, мулкни қасддан nobуд қилган ёки унга зарар етказ-ган шахснинг ҳаракати ЖКнинг 173-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади. Агар шахснинг ҳаракатлари ҳуқуққа хилоф (масалан, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш) бўлса, айбдор бундай ҳаракатларга жавоб тариқасида жиноят содир этса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 173-мод-даси, 3-қисми, «а» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас.

24. Жиноят жабрланувчи ўз ҳуқуқий ҳаракати асосида хизмат ёки фуқаролик бурчини амалга оширишига тўсқинлик қилиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сен-тябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сен-тябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди.

мақсадида, яъни жабрланувчи ўз бурчини бажаришидан олдин ёки бундай бурчни бажарганлиги учун ўч олиш мотиви билан содир этилади.

Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишда жиноятчи томонидан жабрланувчи ёки унинг яқин қариндоши томонидан хизмат ёки фуқаролик бурчлари бажарилаётганлигини англаб етганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Агар жабрланувчи ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётганлиги айбдорга маълум бўлмаса, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш тариқасида квалификация қилиниши мумкин эмас. Қонун айбдор ўз хизмат ёки фуқаролик бурчларини бажараётган шахснинг мулкига қарши ҳаракат қилаётганлиги ва айнан шу муносабат билан унинг мулкига тажовуз қилаётганлигини англаб етган, деб тахмин қилади.

25. ЖКнинг 173-моддаси, 3 қисми, «а» бандига кўра, жабрланувчи ёки унинг яқин қариндоши ўз хизмат ёки ижтимоий бурчлари соҳасига кирувчи ҳаракатларни қачон содир этганлигидан ва ушбу ҳаракатларни содир этгандан сўнг қанча вақт ўтганлигидан қатъий назар, жинойий жавобгарлик келиб чиқади.

26. ЖКнинг 173-моддаси, 3-қисми, «б» бандида кўрсатилган алоҳида квалификация қилинадиган белги, олдин шарҳланган белгини сўзма-сўз такрорлайди (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг) ва ушбу жиноятга нисбатан ҳеч қандай махсус ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

27. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Ушбу белги ЖКнинг 168-моддаси 4-қисмидаги белгини такрорлайди ва қўшимча шарҳ талаб этмайди.

## **174-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш**

*Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик ёки ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборотлар олиш, шунингдек, ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шунингдек, рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш маълумотларнинг бузилиши, олиб ташланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч ойдан олти ойгача қamoқ билан жазоланади.

1. Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, ЖКнинг 174-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар инсоният фаолиятининг турли соҳаларидаги ҳар хил шахсларга жиддий равишда зарар етказишга реал хавф туғдиради.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектини ахборотлаштириш муҳитини тартибга солиш соҳасида юзага келадиган икки гуруҳдаги ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Ушбу гуруҳлар қуйидагиларни:

— унинг (муҳитнинг) ҳимояланганлик ҳолатини;

— унинг мулкдорлари, эгаллик қилувчилари ва учинчи шахсларнинг ахборотларга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаб беради.

Шарҳланаётган жиноятнинг объектини аниқлаш ва белгилаш ЖКнинг 174-моддасида кўрсатиб ўтилган ижтимоий хавфли ҳаракатларни бошқа турдаги компьютер, компьютер тизими, уларнинг тармоқларидан ёки компьютер техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган бошқа хил жиноятлар (масалан, фирибгарлик, ўғрилик ва бошқалар)дан ажратиш учун зарур.

3. Жиноят предмети ЖКнинг 174-моддаси, 1-қисми диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган ахборотлаштириш тармоқлари, шунингдек, уларда ёки ахборотлаштириш тизимида мавжуд бўлган маълумотлар ҳисобланиши мумкин.

*Ахборот тармоғи* — бу белгиланган ахборот алмашиш қоидалари асосида ягона оператив тизим бошқарувида ишловчи, ўзаро алоқа тизими орқали боғланган компьютерлар ва уларнинг периферик ускуналари мажмуи<sup>1</sup>. Ахборотлаштириш тармоғи унинг мулккий шаклига, шунингдек, фаолият ҳудудига кўра ажратилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 31 январда 120-сон билан рўйхатга олинган «Республика ҳудудидаги локал, идоровий, ҳудудий ва бошқа ахборот ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш, жорий қилиш ва ишга тушуриш тартиби ҳақида»ги Низом, 1.2-банди. (Ушбу Низом давлат рўйхатидан чиқарилган норматив акт ҳисобланади, бироқ, ўзининг долзарблигини йўқотмаганлиги билан ажралиб туради).

Ахборот тармоғи ёки тизимида мавжуд бўлган ахборотлар оу қайд этилган, қайта ишланаётган ва улардан фойдаланиш қондалари (тартиби)ни белгиловчи, мулкдорнинг идентификация қилиш аломатларига эга бўлган компьютерлар (ЭХМ), шунингдек, ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар ёрдамида фойдаланиладиган, шахслар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

ЭХМ учун дастурлар сифатида ЭХМ тармоқлари ва бошқа компьютер воситалари ёрдамида маълум бир натижага эришиш ҳамда ЭХМ фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруқлар мажмуини тушуниш лозим, маълумотлар базаси деганда эса, шундай тартибда тизимлаштирилган маълумотлар мажмуи (масалан, тармоқлар, ҳисоботлар) тушуниладики, улар ЭХМ ёрдамида аниқланиши ва қайта ишланиши лозим.

Бундай ахборотнинг ўзига хослиги унинг олдий кўчирилиши, қайта ишланиши ва кўпайтирилишига кўра белгиланади; ахборотни олиш чоғида, ашёни олишдан фарқ қилган ҳолда, у дастлабки манбала енгил сақланади; ахборот сақловчи файлга бир вақтнинг ўзиде бир неча фойдаланувчи мурожаат қилиши мумкин.

*Ахборот тизими* деганда, ахборотларни тўнлаш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва фойдаланишни таъминлаб берувчи, ахборотлаштириш манбалари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган мажмуи тушунилади.

Ахборот манбалари сифатида эса, ахборот тизими таркибиде электрон шаклдаги маълумотлар банки, маълумотлар базаси ва маълумотлар тушунилади.

Ахборот технологияси тушунчаси орқали ахборотни тўнлаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатини учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи англашилади.

Ахборот тизимларини кимнинг ҳисобига ташкил этилганлиги (давлат, юридик, жисмоний шахс ҳисобига), фаолият доираси (республика, ҳудудий), қўлланиш ва фойдаланиш доираси (соҳавий ва соҳалараро) бўйича турларга ажратиш мумкин. Бироқ, ахборот тизими ушбу жинойт бўйича тажовуз қилиш предметини белгилашга таъсир этмайди.

4. Объектив томондан ушбу жинойт қуйидаги муқобил ҳаракатларни содир этишда:

- ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланишда;
- фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини қўрмасликда;

- ахборот тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборот олишда;
- ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда ундаги маълумотларни қасддан ўзгартиришда;
- ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда ундаги маълумотларни қасддан йўқотишда;
- ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда ундаги маълумотларни қасддан олиб ташлашда;
- ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда ундаги маълумотларни қасддан йўқ қилиб юборишда ифодаланлади.

Айбдор томонидан юқорида кўрсатилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши ЖКнинг 174-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

5. Ахборот тармоғига кириш деганда, ЭҲМ воситаларидан фойдаланган ҳолда ушбу тармоққа киришнинг ҳар қандай шакли тушунилиши лозим. Ахборотга кириш ҳуқуқий ҳамда ҳуқуққа хилоф бўлиши мумкин. Ҳуқуқий кириш ахборот тармоғи ресурсларидан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай (оғзаки, ёзма ёки электрон) шаклдаги рухсат олишда ифодаланлади. Ўзининг моҳияти жиҳатидан рухсат олиш шахсга фойдаланувчи сифатида расмийлаштирилишга ва киришга имконият берувчи фойдаланувчи парол ҳақида хабар беришда ифодаланиши мумкин.

Ахборот тармоғига кириш ҳуқуқи бўлган шахс қонуний асосларда у билан ишлайдиган ҳар қандай шахс ёки унинг фаолиятига хизмат кўрсатадиган шахс (ЭҲМ хотирасига маълумот киритувчи дастурчилар, хизматчилар, бошқа фойдаланувчилар, шунингдек, маълумотлар базаси администратори, усталар ва ҳоказолар) ҳисобланлади. Ахборот тармоғи қисмлари (жумладан, сервер) жойлашган хонага киришга рухсати бўлган шахслар, агар улар компьютер ахбороти билан ёки ускуналар билан бевосита алоқадор бўлмасалар, рухсатга эга шахслар, деб ҳисобланмайдилар. Фаррошлар, хонани кондиционер билан таъминлаш бўйича мутахассислар, сарфланувчи материалларни тарқатувчилар, дастлабки ҳужжатларни қозғошда тузувчилар ва бошқалар шундай шахслар тоифасига киради. Қувват олиш манбаи йўқ ЭҲМни, шунингдек, ахборот ташувчи машинани буюм сифатида эгаллаб олишни ахборот тармоғига кириш сифатида қарамаслик керак, бундай хатти-ҳаракат тегишли ҳолатларда талончилик ёки ўзбошимчалик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар бўйича жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

6. Ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш – бу ахборот тармоғига кириш шакли бўлиб, шахснинг тармоққа кириш ҳуқуқи мавжуд бўлмагани ҳолда ёки тармоққа кириш даражасини ошир-

ган ҳолда белгиланган тартибга хилоф равишда ахборот тармоғига кириши. Охирги ҳолатни қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолатда кўриш лозим: битта ахборот тизимидан ёки ЭҲМдан жамоавий фойдаланувчи шахслар, одатда, уларга рухсат берилган операцияларни амалга ошириш ёки муайян ресурсларга мурожаат қилишга имконият берилади (муайян фойдаланувчилар гуруҳига фойдаланишга рухсат берилган файл).

Фойдаланувчининг ўз мақомини рухсатсиз кўтариши (масалан, ўзганинг паролидан фойдаланиш) ахборот тармоғига рухсатсиз кириш ёки унга тайёргарлик кўриш сифатида қаралмоғи лозим. Ахборот тармоғига рухсатсиз кириш деганда, ЭҲМ ёки ЭҲМ тармоқлари бошқарув органларига рухсатсиз киришни тушуниш лозим.

Ахборот тармоғига кириш ҳуқуқи бўлмаган шахс унга рухсатсиз киришга, асосан, ахборот тармоғига ўрнатилган ҳимоя тизимини бартараф этиш, пароллардан ва қонуний фойдаланувчини идентификация қилувчи бошқа маълумотлардан ғайриқонуний фойдаланиш имконини берувчи махсус техник ёки дастурий воситалар ёрдамида кириш йўли билан эришади.

7. Ахборот тармоғига рухсати бўлгани ҳолда зарур ҳимоя чораларини кўрмасдан кириш қуйидагиларда ифодаланади:

- айбдор ахборот тармоғи ресурсларига кириш рухсатига эга бўлади;
- ресурсларга кириш муайян ҳимоя чораларини кўрмасдан амалга оширилади.

Ахборот тармоғига кириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисида юқорида таъкидлаб ўтилди. Мазкур қилмишни таҳлил қилишда асосий эътиборни иккинчи элементга — муайян ҳимоя чораларини кўрмасдан киришга қаратиш жоиз.

Ушбу тармоққа киришдан ёки ундан ҳуқуққа хилоф равишда фойдаланишдан ҳимояланишни таъминлашда шахслар томонидан қандай ҳимоя чоралари қўлланилиши лозимлиги қонунда кўрсатилмаган, бироқ, диспозиция таҳлили бу ерда юқорида кўрсатилган ҳимоянинг барча мавжуд чоралари назарда тутилганлигини кўрсатади. Ҳимоя турлича ифодаланиши мумкин: рухсат берилган шахслардан ташқари тармоққа киришда ҳеч ким алоқага кириша олмаслиги (рухсат тизими, сигнализация, ҳарбийлаштирилган ҳимоя), бошқа шахслар томонидан индивидуаллаштириш воситалари билиб олинишидан ҳимоялаш чоралари ва бошқалар.

Жиноят кодекси айбдор томонидан зарур ҳимоя воситалари қўлланилганлигини, бироқ, уларга риоя этилмаганлигини талаб

этади. Бошқача айтганда, махсус ҳимоя чораларини кўриш шахснинг ўзига боғлиқ, у уларни мустақил равишда ўрнатиши ва амалга ошириши лозим.

Агар у тармоққа кириш вақтида бундай ҳимоя қондаларини ўрнатмаса ёки уларни амалга оширмаса, унинг ҳаракатлари ушбу белги бўйича объектив томондан квалификация қилинади.

8. Ахборот тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборот олиш.

Ахборот олиш ўзида муайян бир жараёнини ифодалаб, бунинг натижасида шахс муайян бир ҳолат, факт-воқеаларни ва бошқа компьютер маълумотларини ташкил этувчи ахборотлар билан танишни имкониятига эга бўлади. Бундай ахборотларни олиш усуллари турлича, масалан, оддий ўқишдан, то расмга тушириш, нусха олишгача бўлиши мумкин.

9. Маълумотни такрорловчи ва уни мустаҳкам равишда машинада ёки бошқа ташувчида акс эттирувчи ахборотдан нусха олиш усулига ахборот олиш шакли сифатида қараш лозим. Компьютер маълумотларининг нусхасини олиш ЭҲМнинг ички хотирасидаги файлни дискетга ёзиб олишда, уни принтердан чиқаришда ва ҳоказоларда ифодаланadi. Ахборотни оригинал ташувчида (масалан, ЭҲМ хотирасига мазмуни айнан бир хил бўлган бир нечта файлни киритиб) ёки фойдаланувчи тасарруфида қолган бир турдаги ташувчида (масалан, нусхани ушбу компьютер билан тизим ҳосил қилувчи ЭҲМ хотирасига ёхуд компьютерда онгли равишда қолдирилган дискетга киритиб) такрорлашни ахборот олиш сифатида квалификация қилмаслик ларкор. Аниқ ахборот олиш усул ва методлари ахборот олиш фактини аниқлашга таъсир кўрсатмайди.

10. Қонун ахборот тармоғидан ғайриқонуний равишда олинган маълумотларнигина ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳолайди.

Шу ўринда, ғайриқонуний олинган сифатида танишишнинг шундай жараёни назарда тутиладики, улар қўйидагича содир этилади:

- ахборот тармоғидан ахборот олишга рухсати бўлмаган шахс томонидан (масалан, унинг фойдаланувчиси ҳисобланмаган шахс);
- ахборот тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда белгиланган тартибни бузиб (масалан, ахборот олиш бўйича ўрнатилган қондаларга риоя қилмаслик).

Ҳар икки ҳолатда ҳам айбдор ахборот олишнинг мавжуд қондаларини бузади. Улар қонунчилик актларида (масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат секторларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 1993 йил 7 май) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ички ҳужжатларда (масалан, тармоқдан фойдаланиш йўриқномаси, мансабдорлик йўриқномаларида) белгилан-

ган бўлиши мумкин. Ахборот олиш қоидаларини ўрнатувчи ҳужжатларнинг хусусиятлари танишишнинг ноқонунийлигини белгилашда аҳамият касб этмайди: агар айбдор қонунчилик талаблари бўйича белгиланган қоидаларни бузса, унинг ҳаракатларини гайриқонуний, деб ҳисоблаш лозим.

11. Қоида бўйича, айбдор ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланишда маълумотларни ноқонуний равишда олади. Шунингдек, ахборотларни ахборот тармоғидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда ҳам ноқонуний олиш мумкин. Бироқ, ушбу ҳолатлар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Айбдорнинг ҳаракатларида бошқа ижтимоий қилмишлар мавжудлиги аниқланганда, уларнинг ҳаммаси мустақил равишда квалификация қилиниши лозим.

12. ЖКнинг 174-моддаси диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлардан биронтаси содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади. Шу билан бирга, анча миқдордаги зарар етказилиши шаклидаги оқибатларнинг мавжуд бўлиши ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган, деб топилади.

13. *Ахборотни қасддан ўзгартириш* — уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклга) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш, деб эътироф қилинмайди.

*Ахборотларни адаптация қилиш* — мавжуд ахборотга қонуний эгасининг рухсатсиз турли тузатишлар киритиш. Ахборотни ўзгартиришдан дастур ёки маълумотлар базасини янгилаш билан боғлиқ фаолиятни фарқлаш лозим. Янгилаш деганда, юзага келган муайян шароитда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ишлашини таъминлаш мақсадидагина амалга ошириладиган ҳамда (декомпиляция қилиш оқибатида) муаллифнинг бошланғич матни ўзгаришига олиб келмайдиган қўшимчалар киритиш тушунилади<sup>1</sup>. Шундай қилиб, агар ЭҲМ ва маълумотлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-бет.



базаси учун мўлжалланган дастурлар ахборот тизимида нормал фаолият юритса, унда дастур ва маълумотлар базасига қандайдир ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, агар субъект дастур ҳимоясини «синдирса» ва ахборот тизимида мавжуд бўлган маълумотлардан нусха олиб, уларни кўпайтирса, унинг қилмиши ЖКнинг 149-моддаси ва 174-моддаси, 1-қисмларида кўрсатилган икки жиноят таркибига тўғри келади (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш – 149-модда, шунингдек, ахборотлаштириш қондаларини бузиш).

14. Маълумотларни ўзгартиришни ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини декомпиляция қилишдан фарқлаш лозим.

*Декомпиляция қилиш* – ЭҲМ учун яратилган дастурнинг таркибий тузилиши ва кодланишини ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич матнга айлантиришни ўз ичига оладиган техникавий усул<sup>1</sup>.

*Объект коди* – бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур.

*Бошланғич матн* – дастурлаш тилида тасвирланган маълумотларни қайта ишлаш ёки уларни бошқариш алгоритми.

Декомпиляция қилиш уч мажбурий шарт мавжуд бўлганда қонуний ҳисобланади:

- ўзаро ҳамкорликда ишлаш учун зарур бўлган, илгари бошқа манбалардан олиш мумкин бўлмаган ахборот;
- ушбу ҳаракатлар ЭҲМ учун яратилган декомпиляция қилинган дастурнинг фақат ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш учун зарур бўлган қисмлари бўйича амалга оширилади;
- декомпиляция натижасида олинган ахборотдан ЭҲМ учун яратилган, декомпиляция қилинаётган дастурга жуда ўхшаш бўлган ЭҲМ дастурини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ёки тарқатиш учун фойдаланилмаса ёхуд бундай ахборот муаллифлик ҳуқуқини бузадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш учун ишлатилмаса.

Ушбу уч мажбурий шартларга ёки улардан бирига риоя этмаслик декомпиляция сифатида эмас, балки ўзгартириш қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

15. Ахборотни қасдан йўқотиш деганда, ахборотнинг тегишли эгаси қўлидан чиқиб, фойдаланишга рухсати бўлмаган шахслар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-бет.

қўлига тушиб қолиши тушунилади. Бундай ҳолатларда маълумот ўзгартирилмайди, йўқотилмайди, балки унинг қардалиги номаълумлиги ва пароли йўқотилганлиги учун ундан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлинади.

Агар йўқотилган маълумот ахборот тизими эгаси ёки бошқа қонуний эгалловчиси томонидан охир-оқибат топилган ёки қайта тикланган бўлса, айбдор ҳаракатлари маълумотларни йўқотишга суиқасд қилиш сифатида ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 174-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

16. Ахборотни олиб қўйиш деганда, ахборотнинг айбдор ёки у билан бирга ишлайдиган бошқа шахс томонидан дискетга ёзиб олинishi тушунилади. Маълумотларни олиш уни машина ташувчилари (магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа шу каби электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоғи кабилар) хотирасига ўтказишда ифодаланadi.

Маълумот айнан қарга ўтказилганлиги қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди. Қонун бўйича маълумотнинг олинганлик фактини унинг сақланиши лозим бўлган жойда эмаслиги билан белгилаш лозим. Бундан ташқари, ушбу маълумот ўша ҳудудда яширилмаганлигини ҳам тўлиқ текшириб қўриш лозим. Ушбу икки талаб қаноатлантирилганда маълумот олиб қўйилган ҳисобланади.

Айбдорнинг ахборотдан фойдаланишининг қийинлашувида ёки бунинг мумкин эмаслигида ифодаланган хатти-ҳаракатини, айбдор бундай фойдаланишни тўсиқсиз амалга ошириши мумкинлиги шарти билан, ахборотни олиб қўйиш, деб баҳолаш керак. Лекин, агар айбдорнинг ўзи бирон-бир вазият (машинада ташувчини, паролни ва ҳоказоларни йўқотиб қўйиши) туфайли кейинчалик ахборотдан фойдалана олмаса, бундай хатти-ҳаракатни ахборотни йўқотиш сифатида квалификация қилиш лозим.

17. Ахборотни йўқ қилиб юбориш деганда, компьютер ахборотининг мавжудлиги тўхтагани, ундан вазифасига кўра, фойдаланиб бўлмаслиги тушунилади. Бунда йўқотилган маълумот қайта тикланмайди ва мақсадига кўра, фойдаланишнинг иложи йўқ. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун маълумот тўлиқ ёки қисман олинганлиги аҳамият касб этмайди.

Маълумотни йўқотишни уни ўчириб ташлашдан ажратиш лозим.

*Йўқотиш* — шундай ҳолатки, бунинг натижасида маълумот қайта тикланмайди.

Ўчириб юборишда эса, махсус дастур ва воситалар ёрдамида маълумотларни қайта тиклаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Масалан, MS-DOSни «Undelete» ва бошқа шунга ўхшаш дастурлари орқали тиклаш мумкин. Шунинг учун, агар айбдор томонидан маълумотларни қасддан ўчириш содир этилса, айбдорнинг ҳаракатларини маълумотни йўқотишга суиқасд сифатида квалификация қилмоқ лозим. Худди, шунингдек, бошқа фойдаланувчи ёки тизимлардан олиш мумкин бўлган маълумотларни йўқотиш ҳам суиқасд сифатида кўрилади.

Файлнинг қайта номланишига йўқ қилиш, деб қарамаслик керак. Худди, шунингдек, эски файлларнинг ўзидан-ўзи ўчиб кетишини ҳам йўқ қилиш, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Ахборотнинг бошқа машина ташувчига ўтказилишини ҳам, шу хатти-ҳаракат натижасида қонуний фойдаланувчиларнинг ахборотдан фойдаланиши жиддий равишда қийинлашмаган ёки ундан фойдаланиш мумкин бўлмаган тақдирда, ахборотни йўқотиш, деб квалификация қилиш мумкин эмас. Ахборотни бошқа машина ташувчига (диск, бошқа компьютерга ва ҳоказоларга) ўтказишдаги айбдорнинг хатти-ҳаракатини ахборотни қасддан олиб кўйиш, деб қараш даркор.

18. Ахборот тизимидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш анча миқдордаги (бу миқдор ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида келтирилган) зарар етказилган пайтдан эътиборан тугалланган, деб топилади. Агар етказилган зарар белгиланган меъёрдан кам бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ахборот тизимидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш шаклидаги жиноят сифатида квалификация қилиш мумкин эмас.

Агар айбдор ЖКнинг 174-моддаси диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни ғаразли мақсадларда содир этиб, анча миқдорда зарар етказмоқчи бўлган бўлса-ю, бироқ, унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (масалан, ахборот тизимининг ўчиб қолиши) бундай зарар етказилмаган бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ғаразли мақсадини ҳисобга олган ҳолда ахборотлаштириш қоидаларини бузишга суиқасд сифатида баҳолаш лозим (ЖКнинг 25 ва 174-моддалари).

19. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади унинг квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсат бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкин.

Жиноят содир этиш мотиви ҳар хил (рашк, ўч олиш, безорилик ва ҳоказолар) бўлиши мумкин ва у жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

20. Жиноятнинг субъекти ахборот тармоқларидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳамда бундай рухсатга эга бўлмаган 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Агар ахборотлаштириш қоидаларини бузиш ўз мажбуриятлари бўйича ахборот тизимига ёки тармонга кириш имкониятига эга бўлган мансабдор шахс томонидан содир этиладиган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 174-моддаси ва зарурий белгилари мавжуд бўлганда мансаб жиноятини содир этганлиги учун жиноятлар мажмуи бўйича квалификация дегинади.

21. ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисми:

а) компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиққанлик ва тарқатганлик;

б) рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш маълумотларнинг бузилиши, олиб ташланиши (олиб қўйилиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиши) қабиларга олиб келганлиги учун жавобгарликни кўзда тутати.

22. *Дастур* – муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шох-бочалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи. Шунингдек, дастур тушунчасига тайёрланган материаллар қайта ишланаётган дастурларни ҳам киритиш лозим.

23. Компьютер вируслари компьютер ишига турли тарзда халақит бериш, маълумотлар базаларини йўқ қилиб юбориш хусусиятига эга бўлади. Вируслар ўз ҳолича бошқа дастурларга қўшилади ва улар ишга туширилиши натижасида турли хил (маълумотларни пўқотиш ва ишдан чиқариш) операцияларни амалга оширади. Ахборотлаштириш қоидаларини бузишнинг ушбу усули кенг тарқалган. Ҳозир дунё бўйича жуда кўп компьютер вируслари мавжуд (4000 дан зиёд). Бироқ, уларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Юкловчи вируслар – зарарланиш компьютер юклатилган вақтда вирус мавжуд бўлган маълумот ташувчи орқали компьютерга ўтади. Ташувчини зарарлантириш жуда осон. Агар фойдаланувчи зарарланган компьютер ташувчисини компьютерга улаб, уни юклайдиган бўлса, вирус тарқалишни бошлайди.

Файл вируслари – улар ижрочи файллар: *EXE*, *COM*, *SYS*, *BAT*ларни зарарлайди. Агар вируси мавжуд бўлган дастур юклатилса, у компьютерни зарарлайди. Бундай ҳолатда вирус бошқа дастурларни зарарлашни бошлайди. Дастлабки ҳолатда вирусни аниқлаш анча мураккаб, чунки у барча зарур дастурларни зарарлашга ҳали улгурмаган бўлади. Кейинчалик эса, вируснинг тури ва хилига қараб компьютер фаолияти бузила бошлайди.

Бундан ташқари, вирусларни резидент ва норезидент каби турларга бўлиш мумкин. Резидент вирус, деб иш тугатилиши натижасида оператив хотирада ўзининг коддини қолдирадиган вирусларга айтилади.

*Оператив хотира* — бу шундай хотираки, айти вақтда фойдаланилаётган ва компьютер томонидан ишлатилаётган дастурларни вақтинча ўзида сақлайди. Агар вирус оператив хотирага тушадиган бўлса, ўша вақтнинг ўзида оператив хотирада ишлатилган дастурларнинг барчасини бирдай зарарлайди.

24. ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисми, объектив томони компьютер вируслари ёки дастурларини яратиш ёки тарқатишни ифодалайди.

Вирус ёки дастурларни яратиш, бу — мантиқий маълумотлар ва буйруқлар жамланмаси бўлиб, кейинчалик компьютер ва унинг периферик ускуналарини бошқариш мақсадида ЭХМнинг машина тилига ўтказиладиган объектив шаклдаги алгоритмда ифода этилиши мумкин.

25. Вирус ёки дастурларни яратиш айбдор ўзи томонидан яратилган дастурни ушбу ҳолатда тарқатсагина, жиноятнинг объектив томонининг элементи ҳисобланади.

Дастурларни тарқатиш деганда, ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан, тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек, сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан, ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш тушунилиши даркор<sup>1</sup>. Дастур ёки маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик махсус рухсатнома бўлмагандагина келиб чиқади.

26. Компьютер вирусларини яратганлик ёки тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик ушбу ҳаракатлар айбдор томонидан компьютер тизимида сақланадиган дастур ва маълумотларни ўзгартириш ҳаракатлари билан содир этилсагина келиб чиқади.

27. Компьютер тизими — бу компьютернинг ЭХМ асосида ишловчи периферик ускуналар билан бирикиши, шунингдек, бир неча компьютерларда масалаларни биргаликда ечиш мақсадида бирлашиш тушунилади (масалан, уларнинг ҳар бирида алоҳида ҳолатда қуввати ва тезлиги етишмаса). Бундай бирлашиш телекоммуникация алоқалари орқали бўлиб, дастур ва воситалар улар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 136-бет.

нинг ўзаро ишлашини таъминлаб беради. Компьютер тизимини юқорида таърифлаб ўтилган ахборот тизимлари ва тармоқларидан фарқлаш лозим. Улардан фарқли равишда, компьютер тизими муомлаштирувчи характер касб этиб, компьютер ва уларнинг ускуналари, шунингдек, ахборот тизимлари ва тармоқларини ҳам таъминчига олади.

Маълумотларнинг ўзгартирилиши, нафақат, уларнинг маъноларининг ўзгаришини, балки уларнинг йўқолиши, муомаладан чиқарилиши ёхуд йўқ қилинишини англатади (ўзгартириш, йўқолиш, муомаладан чиқариш ёки йўқ қилиш тушунчалари тўғрисида юқорироқда қаранг).

28. ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик рухсатсиз ҳолда вирус ски дастурларни яратганлик фактининг ўзи билан келиб чиқади. Бундай дастурлар ишлаши натижасида маълумотларнинг ўзгариши, йўқолиши, қўлга киритилиши жиноятни тугалланган, деб ҳисоблашни талаб этмайди.

29. Жиноят кодексининг 174-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жавобгарликка тортилувчи ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлмаган ҳолда унга кириш натижасида маълумотларни ўзгартириш, олиш ёки йўқотишда, шунингдек, ушбу тизимнинг фаолиятини тўхтатишда ифодалангани.

(Рухсат берилмаган фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ҳақида юқорида қайд этилганларга қаранг).

Ушбу модда моҳияти бўйича рухсатсиз фойдаланиш сифатида, нафақат, тизим ресурсларига киришни, балки улар билан ишлашни ҳам квалификация қилиш лозим. Бундай фойдаланганлик учун жавобгарлик, ушбу фойдаланиш маълумотларнинг бузилиши, олиниши ёки йўқотилиши ёхуд тизим фаолиятининг тўхтатилишига олиб келган оқибатларни келтириб чиқарсагина, келиб чиқади. Улар мавжуд бўлмаган ҳолатларда қилмиши ЖКнинг 174-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар айбдор юқорида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқишини хоҳласа, лекин унга боғлиқ бўлмаган ҳолда бундай оқибат келиб чиқмаса (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳаракатларини ўз вақтида тўхтатишса), қилмишни ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 174-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш керак.

30. Ахборот тизимида жойлашган маълумотларни бузиш — шундай ҳаракатки, бунда тизимда жойлашган маълумотларни

модификация қилинибгина қолмай, балки уларнинг умумий ҳолати ҳам ўзгартирилади. Бу, натижада, ўзгартирилган маълумотдан фойдаланувчининг чалғишига олиб келади<sup>1</sup>.

Маълумотларни ўзгартираётиб, айбдор олдиндан билган ҳолда муайян бир маълумотларни модификация қилиш орқали ахборотларнинг умумий ҳолатини ўзгартиради ва ахборот тизими ресурсларидан фойдаланувчиларни чалғитиш мақсадида бундай оқибат келиб чиқишини хоҳлайди. Алоҳида эътибор бериш лозимки, ахборотни ўзгартириш ёки бошқа модификация турларидан фарқли равишда, ўзгартириш аниқ белгиланган ишнинг ҳолатига таъсир этувчи маълумотларга нисбатан қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Ўзгартирилганлик фактини белгилашда ушбу ҳаракатлар бевосита ёки қандайдир дастурлар ёрдамида амалга оширилганлиги аҳамият касб этмайди. Асосийси, айбдорда муайян маълумотларни ўзгартириш мақсади мавжуд бўлганлигидир.

Ўзгартириш икки ёки ундан ортиқ маълумотларни модификация қилиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

31. ЖКнинг 174-моддаси, 1-қисмида шарҳланган маълумотларни олиш ва йўқотиш тушунчалари ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисмига ҳам тегишли бўлиб қўшимча шарҳлаш талаб этилмайди.

32. Қонун ахборот тизими фаолияти тугатилишини ҳам рухсатсиз фойдаланишнинг оқибатларидан бири, деб топади.

Ахборот тизими фаолияти тугатилиши ўзининг мақсади бўйича ишлаши лозим бўлган тизим фаолиятининг тўхтатилишидир. У ўзининг давомийлиги бўйича турли хил бўлиши мумкин, бироқ, ушбу ҳолатлар, шунингдек, бузиш хусусияти айбдорнинг қилмишини ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисмида кўрсатилгандек квалификация қилишга таъсир этмайди. Ахборот тизимининг фаолиятини бузиш қуйидагиларда ифодаланиши мумкин:

- компьютер маълумотларига зарар етказилиши;
- дастур таъминоти фаолиятининг ишдан чиқиши;
- дастур таъминоти юклатилган техниканинг бутунлигига путур етиши;
- алоқа тизимига зарар етказилиши.

33. Айбдор ҳаракатларининг ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилишда рухсатсиз фойдаланиш ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, яъни қуйидагилар аниқланиши лозим:

<sup>1</sup> Ушбу ҳодиса Молия вазирининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари» (АФМА 70-сон)нинг 35-банди таҳлилидан келиб чиққан. Норматив ҳужжатлар бюллетени, 2000 йил, 5-сон, 1-жилд, 187-бет.

- айбдорнинг тизим ресурсларига руҳсатсиз кириши маълумотлар ўзгартирилиши, бузилиши, йўқотилиши ёки тизим фаолиятининг тўхтатилишига олиб келган бўлса;

- айбдор ҳаракатларида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқишига реал имконият мавжуд бўлса;

- айнан айбдорнинг ҳаракатлари маълумотлар ўзгартирилиши, бузилиши, йўқотилиши ёки тизим фаолиятининг тўхтатилишида ҳал қилувчи сабаб бўлса.

34. ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган ахборотлаштириш қоидаларини бузиш субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Вируслар ёки дастурлар яратиш борасида қонун субъектив томоннинг зарурий белгисини ўрнатган бўлиб, унга мувофиқ ушбу ҳаракатларни содир этиш мақсади компьютер тизимида сақланаётган маълумотларни ёки дастурларни ўзгартиришга қаратилган бўлиши лозим. ЖКнинг 174-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган ҳаракатларни содир этиш мотивлари турлича бўлиши мумкин, бироқ, улар квалификацияга таъсир этмайди.

35. Турли хил ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятига қоғозсиз технология ва ҳисоблаш воситаларининг киритилиши кўпгина жиноятлар содир этилишига имкон яратади. Уларнинг энг кенг тарқалганлари ЖКнинг 143-моддаси (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), ЖКнинг 149-моддаси (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), ЖКнинг 160-моддаси (жосуслик), ЖКнинг 168-моддаси (фирибгарлик), ЖКнинг 169-моддаси (ўғрилик), ЖКнинг 184-моддаси (солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) кабилардир.

Мураккаб кўрсаткичли компьютер тизимларини мудофаа ва ишлаб чиқариш мақсадларини бошқаришга киритиш билан боғлиқ ахборотлаштириш қоидаларини бузиш одамлар ўлимига, уларнинг соғлиғига зарар етказилишига, йирик ҳажмда мулкларнинг вайрон қилинишига олиб келиши мумкин. Бироқ, айбдор томонидан қандай жиноят содир этилган бўлишидан қатъий назар, у ЖКнинг 174-моддаси ва ахборотлаштириш қоидаларини бузиш натижасида содир этилган бошқа жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозим. Маълумотнинг ўзи тажовуз предмети ҳисобланганда, қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини ва мудофаа қобилятини издан чиқариш мақсадида маълумотларни йўқотиш — ЖКнинг 161-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.



## XII боб. ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш

*Давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) такроран;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдоридан қопланган тақдирда қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, жиноят содир этилганда фақат алоҳида шахсларнинг ҳуқуқлари бузилибгина қолмасдан, балки бутун жамиятга зарар келтирилади. Бундан ташқари, жамият ва давлатнинг ўтиш даврида бу турдаги жиноятлар сони тез ўсиб боради ва давлатнинг иқтисодий асосларига жиддий зарар келтириши мумкин.

2. Бу жиноятнинг объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асослари, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тизими бўлиб, таҳлил қилинаётган жиноят содир этилганда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси манфаатлари деганда, самарали бозор иқтисодиётини яратиш, мулкий ва ашёвий муносабатларни, умуммиллий кадриятларни ҳимоя қилиш, товар мустақиллигига эришиш шу кабилар ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган манфаатлар

битимларни тузишга алоҳида талаблар белгиланган қонунчиликда акс эттирилган ва мустақкамланган, шу жумладан, бу савдо операцияларини ўтказиш ва тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга ҳам тааллуқли.

3. Объектив томондан жиноят республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган, наф келтирмаслиги аён бўлган битимнинг тузилишида ифодаланади.

4. Битим деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади<sup>1</sup>.

Битимнинг қуйидаги турлари мавжуд. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (охирги иккитаси шартнома) бўлиши мумкин. Таҳлил қилинаётган жиноят икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартнома) тузиш билан содир этилади, аммо жиноят бир томонлама битимлар тузиш билан ҳам содир этилиши мумкин.

Шунингдек, битимлар шартли (яъни, кечиктириш ва бекор бўлиш шарти билан тузилган битимлар), ҳақ эвазига ва текинга, реал ва консенсуал, казуал (низоли) ва мавҳум бўлиши мумкин<sup>2</sup>. Тузилган битимнинг шакли қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди, аммо айбдорга жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши лозим.

5. *Битим тузиш* — бу битимнинг барча шартлари бўйича шахс (тараф)нинг ўз эркини қонунда назарда тутилган тарзда ифодалашини.

Қуйидаги икки шартга риоя қилгандагина битим тузилган ҳисобланади:

- битимнинг барча шартлари бўйича эрк-ирода ифодаланган бўлиши керак;
- эрkning ифода этилиш шакли битимларга қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак<sup>3</sup>.

6. Қўйилган талабларга риоя қилинганда битим тузилган ҳисобланади.

7. Республика манфаатларига кўп миқдорда зарар келтирувчи битимда шахсларнинг эрки ифодаланган пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш жинояти тугалланган ҳисобланади. Агар эрк қонунда назар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 101-модда.

<sup>2</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 548.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 105—112-моддалари.

да тутилганидан бошқача шаклда ифодаланса ва битимни рўйхатдан ўтказиш (масалан, кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ шартномалар) талабига риоя этилмаган бўлса, уни тузилган, деб бўлмайди, чунки у ҳақиқий ҳисобланмайди, яъни фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди, ўзгартирмайди ва тугашига олиб келмайди. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 175-моддаси, 1-қисми (жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаганда) бўйича ЖКнинг 175-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш, деб квалификация қилинади.

Реал шартнома бўйича мол-мулкни топширмаслик, таҳлил этилаётган жиноятни содир этишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши зарур, яъни битимни тузишда эрк ифодаланибгина қолмай, шу билан бирга мол-мулк топширилиши ҳам керак (масалан, қарз шартномаси)<sup>1</sup>.

8. Жиноят объект томонининг зарурий белгиси Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битим тузилиши натижасида кўп миқдорда зарар етказилиши ҳисобланади. Кўп миқдор тушунчаси ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида берилган.

Ҳар бир иш бўйича зарар миқдори тергов органи ёки суд томонидан белгиланади<sup>2</sup> ва модда мазмунига кўра:

- ҳақиқий зарар, яъни давлат ўзининг бузилган манфаатларини тиклаши учун қилган ёки келажакда қиладиган харажатларига;
- бой берилган фойда, яъни фуқаролик оборотидан олинмай қолган даромадга асосланиши лозим<sup>3</sup>.

Зарар миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш туфайли бой берилган фойда эътиборга олинмайди.

9. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахс битим тузилгунга қадар унинг республика манфаатлари учун наф келтирмаслигини билиши керак.

Наф келтирмайдиган битим деганда, шартлари давлат манфаатларига зид келувчи битимни тушуниш зарур (масалан, маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилганлиги ёки маҳсулотни олиш, уни транспортда ташиш нархларини аниқ ошириб кўрсатиш; давлат мулкни тасарруф қилишда паст нархлаш, Ўзбе-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 732-модда, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1998, 2-жилд, 154-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 14-модда, 2-қисми.

кистон Республикаси иқтисодий санкция қўллаган резидентлар билан савдо операцияларини амалга ошириш ва ҳоказолар)<sup>1</sup>.

Битимнинг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид тузилганлиги ишга тегишли мутахассислар жалб қилиниб аниқла- ниши лозим.

Агар мансабдор шахс ўзининг совуққонлиги орқасида шундай битим тузса, унинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 207-моддаси (мансабга совуққонлик билан қараш) бўйича квалификация қилинади.

10. *Жиноятнинг мотив ва мақсади ҳар хил бўлиши мумкин, аммо у квалификацияга таъсир қилмайди.* Агар жиноят содир эти- лишига айбдорда ғараз ёки бошқа паст ниятлар бўлганлиги аниқ- ланса, бундай жиноятни квалификация қилишда Жиноят кодек- сининг ҳокимият ва мансаб мавқеидан фойдаланиб содир этила- диган тегишли жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари билан квалификация қилинади. Масалан, агар шарҳ- ланаётган жиноят пора олиш эвазига содир этилган бўлса, айб- дорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 175 ва 210-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

Агар айбдор битим тузиши билан Ўзбекистон Республикаси- нинг иқтисодий хавфсизлигига путур етказмоқчи эканлиги аниқ- ланса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 157-моддаси билан давлатга хоинлик қилиш сифатида қўшимча квалификация қилинади

11. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти ЖКнинг 175-модда- сида кўрсатилган давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъий на- зар, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасининг фақат мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

(Мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

12. Давлат органи деганда, давлатнинг жамият устидан раҳбар- лик қилишида вужудга келган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳокимият ваколатлари ва воситалари билан таъминланган давлат механизмининг ташкиллашган қисмини тушуниш зарур. Давлат органи сифатида битта мансабдор шахс ёки мансабдор шахсларнинг ташкиллашган гуруҳи бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

13. *Корхона* — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулк- дан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991—1998, 2-жилд, 154-бет.

<sup>2</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 399.

кўрсатадиган, мулкчиликнинг барча шаклларида тенг ҳуқуқлилик асосида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

14. *Muassasa* — бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа но-тижорат вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот ҳисобланади<sup>1</sup>.

15. Ташкилот деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчили-гига мувофиқ ташкил қилинган ҳар қандай тижорат юридик шах-си, шунингдек, хорижий юридик шахслар, компаниялар ҳамда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга ва хорижий давлатлар қонунчили-гига мувофиқ тузилган бошқа корпоратив уюшмалар тушунилади.

16. Жамоат бирлашмалари маънавий ёки ўзга номоддий эҳти-ёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари ҳисобланади. Бунга ўсмирлар, ёшлар, бо-лалар, ногиронлар, илмий, техникавий, маданий, спорт ва бошқа фуқаролар бирлашмалари мисол бўла олади. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ўсмирлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотла-ри, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашма-лари жамоат бирлашмалари, деб эътироф этилади<sup>2</sup>.

17. Шахсга битимларни тузиш бўйича қонунда белгиланган тар-тибда ваколат берилгандагина уни жавобгарликка тортиш мум-кин. Акс ҳолда, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 175-моддаси бўйи-ча квалификация қилиш мумкин эмас. Агар аниқ далиллар асосида шахс манфаатдорлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

18. ЖКнинг 175-моддаси, 2-қисмида Ўзбекистон Республика-сининг манфаатларига хилоф равишда битим тузишда айбдор бўл-ган мансабдор шахс қилмишни:

- а) такоран;
  - б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
  - в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этганлиги
- учун жавобгарлик назарда тутилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 76-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Респуб-ликаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда, Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 74-бет.

Ушбу модданинг 2-қисми, «а» ва «б» бандларида кўрсатилган алоҳида квалификация қилинадиган белгилар олдин шарҳланган босқинчилик белгиларини сўзма-сўз такрорлайди (ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг) ва ушбу жиноятга нисбатан ҳеч қандай махсус ўзига хос хусусиятларга эга эмас.

(Жуда кўп миқдордаги зарар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

19. ЖКнинг 175-моддаси, 3-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарни уч барабар қоплаган ҳолларда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо қўлланилмайди.

### **176-модда. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш**

*Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар яшаш ёки уларни ўтказиш*

*— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) кўп миқдорда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

*б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

*— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Таҳлил қилинаётган модда халқаро характерга эга жиноят бўлиб, унга қарши 1931 йил 20 апрелда қабул қилинган «Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция асосида кураш олиб борилади. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, «пул белгилари ва қимматли қоғозларни қалбакилаштириш билан шуғулланувчи шахслар қаерда жиноят содир этиши, қайси давлат фуқароси бўлиши ва ҳаракатлари қайси иштирокчи-давлатнинг пул тизимига қаратилганлигидан қатъий назар, жиний жавобгарликка тортиладилар».

2. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни яшаш ё уларни ўтказиш билан шуғулланувчи шахслар давлатнинг пул-кредит тизимига зарар келтириб, инфляциянинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, иқтисодий беқарорликка, республиканинг иқтисодиётига зарар етказди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ушбу жиноятнинг хавфлилиги, айниқса, ошади. Пул оборотини бошқаришни қийинлаштиради. Чунки пул эмиссияси давлат томонидан товар ва пул мутаносиблигини инобатга олиб амалга оширилади. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказишнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, шундан иборатки, бу ҳаракатларни содир этиш қоғоз пул ёки қимматли қоғозлар кўпайиб кетишига, яъни пул ва товар массасининг ўзаро мутаносиблиги бузилишига сабаб бўлади. Муомалада товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар пайдо бўлади, бу пулнинг қадрсизланишига, иқтисодий беқарорликка сабаб бўлади, давлат иқтисодиётининг асосларига путур етказди.

3. Жиноятнинг объекти давлатнинг пул ва кредит тизими нормал фаолият олиб боришини таъминловчи муносабатлардир.

Жиноятни содир этишда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилган ваколатлар бузилади. Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар яшашдан мақсаддан яна бири бу солиқ тўламасликдир.

4. Жиноятнинг предметини қуйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг *банк билетлари* (банкнотлар), яъни Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган ва қафолатланган пуллар (сўмлар) — 1 сўмдан 1000 сўмгача<sup>1</sup>.

- Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай *металл тангалари*, шу жумладан, олтин, кумуш ва платина тангалар (бу тангалар сони чекланганлиги туфайли, асосан, тўлов воситасидан кўра кўпроқ, коллекция буюми сифатида фойдаланилади);

- *акциз маркалар* — товарларнинг айрим турларига (жумладан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларга) акциз солиғи сифатидаги тўлов. Алоҳида давлат матбаа бирлашмалари томонидан чиқарилади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 32-модда, 3-қисми. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-бет.

• *қимматли қоғозлар* жумласига қуйидагилар: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақлим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар кирази<sup>1</sup>;

• *чет эл валютаси* — тегишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чет эл пул белгилари, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, ўша чет давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари ҳисобланади<sup>2</sup>;

• *чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар* — чет эл валютасидаги фонд бойликлари (акциялар, облигациялар<sup>3</sup> ва бошқалар), чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва бошқалар), шу жумладан, йўл чекларидир<sup>4</sup>.

5. Мазкур предметлар Ўзбекистон ҳудудида ёки бошқа давлатлар ҳудудида қалбакилаштирилган ёки ўтказилган пайтдан бошлаб, уларни қалбакилаштириш ёки ўтказишнинг жиноят эканлиги қайд этилиши даркор.

*Муомала — бу:*

• Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек, ҳисоб-вараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийлигидир;

• банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек, ҳисоб-вараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилинади<sup>5</sup>;

• қимматли қоғозлар — ўз эмитентлари томонидан қонуний ва ҳақиқий мажбурият сифатида қабул қилинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 76-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда, 2-қисми.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда.

<sup>4</sup> 2002 йил 14 мартдаги «Алмаштириш шохобчаси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ «Йўл чеки — хорижий банклар ва молия институтлари томонидан эмитетланадиган, хорижий валютадаги тўлов ҳужжати», кириш қисмига қаранг. Банк ахборотномаси, 18—19-сонлари, 2002 йил, май.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 35-модда. Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-бет.



Ўтказиш мақсадида муомалада бўлмаган (масалан, собиқ СССР пуллари ёки тугатилган акционерлик жамияти акциялари), банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ё уларни ўтказиш ЖКнинг 176-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди, сабаби улар республика иқтисодиётига ва солиқ тизимига зарар етказмайди. Муомалада бўлмаган пул бирликларини ўтказиш мақсадида ясаган ва алдов йўли билан бундан манфаат кўрган шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси билан фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

6. Пул-буюм лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқариш, қалбакилаштириш ёки уларни ўтказиш ЖКнинг 176-моддаси билан жавобгарликни юзага келтирмайди. Пул-буюм лотерея билетлари ва бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки уларни ўтказганлик учун ЖКнинг 168-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши керак.

7. «Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда жабрланувчини қўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодексининг 176-моддаси тегишли қисми бўйича квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни олган шахснинг қилмиши эса валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим»<sup>1</sup>.

Қалбаки билетлар ёки қимматли қоғозлар ясаш (сохта пул ясаш) деганда, мазкур нарсаларни тўла ясаш ёхуд ҳақиқий қоғоз пуллар ёки қимматли қоғозларга қисман ўзгартиришлар киритиш (шу нарсаларнинг рақамларини ёки бошқа зарурий қисмларини ўзгартириш) тушунилади. Ясаш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу фотосуратлар, компьютер техникасидан фойдаланиш, чизиш, матбаа йўли билан пул ёки қимматли қоғозларни босма усулда чиқариш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Жиноятни квалификация қилиш учун уни содир этиш усулларининг аҳамияти йўқ. Бироқ,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 12-банди.

қалбаки пул ёки қимматли қоғозларнинг барча ўлчамлари, зарурий белгилари, яъни реквизитлари ҳақиқийсига чиндан ҳам ўхшаш бўлиши жинойтни квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Акс ҳолда, айбдорнинг ҳаракатларини кўриб чиқиладиган модда бўйича ҳуқуқий баҳолаш мумкин эмас. Масалан, шахснинг журналдан янги пулнинг намуна нусхаларини қирқиб олиб, уларни ёпиштириб сотишга уринишини, қалбаки пул яшаш ёки уларни ўтказиш, деб бўлмайди. Бундай қилмиш муайян шароитда фирибгарлик, деб баҳоланиши мумкин. Чунки бундай пуллар муомалада бўла олмайди ва давлатнинг пул-кредит тизими асосларига путур етказмайди. Шу муносабат билан қўпол равишда ёпиштирилган баҳоли, ёзувли, қўлда ясалган, тасвири бир-бирига мувофиқ келмаган купюралар, яъни муомаладаги миллий ёки хорижий пул бирлиги билан амалий ўхшашликка эга бўлмаган купюралар жинойт предмети бўла олмайди.

Айбдор валюта қийматликларига қалбакилигини билмасдан эгалик қилган бўлса, унинг ҳаракатлари валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЖКнинг 177-моддаси)га суиқасд қилиш, деб баҳоланмайди. Қалбаки валюта қимматликларини сотиб олган, бироқ, уларнинг қалбакилигини билмаган ҳолда уларни сотган шахснинг ҳаракатлари қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини сотиш, деб баҳоланмайди. Бундай ҳолларда, шахс уларнинг қалбакилигини била туриб, яъни тўғри қасд билан сотишга ҳаракат қилганида, унинг қилмиши жавобгарликни келтириб чиқаради.

8. Объектив томондан жинойт:

- ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар яшашда;

- уларни ўтказишда ифодаланади.

9. Пул бирликлари, акциз маркалари, қимматли қоғозларни тўла ёки қисман қалбакилаштириш (номиналини ўзгартириш, акциз марка ва қимматли қоғозларнинг реквизитларини ўзгартириш) мумкин. Қалбакилаштириш шакли ва миқдори квалификацияга таъсир этмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан инobatга олиниши мумкин.

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшаш, агар уларни ўтказиш мақсади борлиги аниқланса, лоақал бир нусха ясалган пайдан эътиборан тугалланган жинойт ҳисобланади.

10. Қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл ва-

лютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўтказиш, бу — уларнинг турли ҳисоб-китоб операция (берилган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳақ сифатида, айирбошлашда, қарз беришда, олди-сотдида ва бошқа)ларга жалб этилиши, уларни ҳақ эвазига ёки ҳақ эвазисиз учинчи шахсга бериш, яъни муомалага чиқариш. Айбдорнинг қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларга жисмоний, юридик шахслар ёки давлатга тегишли бўлган мулкни сотиб олишини жиноятнинг қалбаки предметларини ўтказиш, деб ҳисоблаш лозим. Бундай ҳолларда, ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш учун жавобгарлик белгиланган моддалар бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

11. Шарҳланаётган жиноятнинг қалбакилаштирилганлиги олдиндан маълум бўлган предметларни кейинчалик ҳақиқатда ўтказиш учун олиш ЖКнинг 176-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этишга жиний жазоланадиган тайёргарлик кўришни вужудга келтиради (ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми). Бир дона бўлсада, қалбаки предмет қабул қилинган ёки ҳақиқий пул белгиси, акциз маркаси ёки қимматли қоғоз сифатида фойдаланилган вақтдан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади. Ўтказилган пайтида қалбакилаштирувчи шахснинг алдови фош этилиши (башарти, бу шахс уни тайёрлаш билан шуғулланмаган бўлса) жиноят содир этишга суиқасдни ташкил этади.

12. Қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўтказганлик учун жавобгарликка, нафақат, уларни ясаганлар, балки уларнинг қалбакилигини била туриб, муомалага киритганлар ҳам (масалан, қалбаки пулга эга бўлган шахс, қалбаки пулларни ўтказувчи шахснинг жиний шериклари, тасодифан пулга эга бўлиб, қалбакилигини билганидан сўнг уни ўтказишга ҳаракат қилган шахслар) жиний жавобгарликка тортиладилар.

13. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшашнинг зарурий белгисидир.

Шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида эмас, балки ўзи учун, масалан, ўз қобилияти, маҳоратини кўрсатиш ва ҳоказо учун ясаган ҳолларда унинг ҳаракатлари жиний қилмиш ҳисобланмайди.

14. Қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалари, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўтказиш

мақсади ҳақида хулоса чиқаришда уларнинг миқдори, қопламаларнинг махсус усули, жўнатиш, инкассатор сумкалари ва бошқа белгилар инobatга олиниши шарт. Шу сабабли агар шахс ўз санъатини кўрсатиш мақсадида ёки ўзини намоён қилиш учун, ёзувни ўчирувчи маҳсулотини синовдан ўтказиш мақсадида пул бирлигини тайёрласа, унда қалбаки пул ясаганлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келмайди.

Қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ўтказиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганини олдиндан билган бўлиши керак, агар у сохта пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаетганлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди.

15. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

16. ЖКнинг 176-моддаси, 2-қисмида:

а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, ўтказиш мақсадида қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаганлик ёки уларни ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Мазкур белгилар олдин шарҳланган ЖКнинг 164-моддаси таҳлилида атрофлича кўриб чиқилган ва ўшбу жиноятга нисбатан ҳеч қандай махсус ўзига хос хусусиятларга эга эмас. Бироқ, чет эл валютасига нисбатан миқдор, жиноят содир этилган куни Марказий банк томонидан белгиланган валюталар курси бўйича аниқланиши лозим.

17. ЖКнинг 176-моддаси, 3-қисмида:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

(Кўрсатилган белгилар ЖКнинг 168-моддаси таҳлилида шарҳланган).

### **177-модда. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**

*Фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) кўп миқдорда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

*б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш билан айбдор миллий валютанинг барқарорлигига таъсир қилиб, инфляция жараёнининг кескинлашуви учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари, «валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг валюта яқка ҳукмронлигига путур етказиши, улар кўпинча талон-тарож қилиш, порахўрлик, божхона қонунчилигини бузиш каби жиноятлар билан боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>.

2. Шарҳланаётган жиноят предмети рўйхати Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунида келтирилган валюта қимматликлари ҳисобланади ва у кенгайтирилиб, талқин этилиши мумкин эмас.

Қонунга биноан қуйидагилар валюта қимматликларига киритилади:

- *чет эл валютаси* — муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек, ҳисоб-варақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, муқаддима.

- *чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар* — қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари (акциялар, облигациялар ва ҳоказолар);

- *чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари* — (чек, вексель, аккредитив ва бошқ.), шунингдек, уларга йўл чеклари ҳам киради.

- *соф қуйма олтин* — саноат усулида тозаланган ва ишлов берилган, таркибида бошқа элементлар аралашмаси бўлмаган ёки қабул қилинган меъёрларга мувофиқ, кам миқдорда бўлишига йўл қўйиладиган олтин. Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ёки хорижий давлат стандартларига мувофиқ, қуйма шакл берилган тозаланган олтингина жиноят предмети бўла олади.

Олтиндан ясалган заргарлик ва маиший буюмлар, шу билан бирга олтин лом ва уларнинг парчаси жиноят предмети бўла олмайди. Шунингдек, кўриниши ва ҳолатидан қатъий назар, бошқа қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар (шу жумладан, сунъий тошлар ҳам) шарҳланаётган қилмиш предмети бўла олмайди.

3. Олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига кирувчи металллардан (палладий, иридий, родий, рутений ва осмийдан) ясалган, асиллик даражасига эга бўлган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тамғаланиши лозим бўлган буюмлар қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

*Қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари* — олмос, лаъл, сапфир, зумрад, александрит ва дур ишлатиб ясалган безак предмети ҳисобланади. Қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ тамғаланиши шарт эмас.

Давлат тамғаси бор ёки йўқлигидан қатъий назар, саноат ёки ҳунармандчилик услуби билан қимматбаҳо металллардан ва табиий қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмларни қимматбаҳо металллардан ва табиий тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари қаторига киритиш лозим<sup>2</sup>.

Қимматбаҳо метал (тош)лардан ясалган рўзғор буюмлари — бу кундалик фаолиятда учрайдиган металл (тош)дан ясалган ва доимий ишлатиладиган буюмлар. Буларга соат, портсигар, ёзув қуроллари ва бошқалар киради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда.

<sup>2</sup> *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 2-банди, 4-қисми.

4. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, ишлаб чиқариш ва лабораторияларга мўлжалланган ҳар қандай ашёлар, яримфабрикатлар ва шунга ўхшаш қисмлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари (апилкалар, қириндилар, шламлар ва бошқалар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган қимматли металллардан танга шаклида ишланган «сўм» пул бирлигидан ташқари қимматли металллардан тайёрланган тангалар, валюта қимматликларига киради<sup>1</sup>.

5. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган буюмлар деб, тегишли қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган ёки улардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган буюмларга, масалан, айрим заргарлик асбобларига айтилади.

6. Лабораторияга мўлжалланган ашёларга тегишли металллар ёки тошлардан ясалган ва фақат лаборатория тадқиқотларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа буюмлар киради.

7. *Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган буюмларнинг яримфабрикатлари* — бу кейинчалик юқоридаги буюмларни ясаш учун керак бўлган қимматбаҳо металллар ва тошлардан иборат материаллар ҳисобланади. Хом ашёдан фарқли ўлароқ, яримфабрикатга бир марта ишлов берилган бўлади, яъни алоҳида ишлаб чиқариш операциялари амалга оширилган бўлади. Яримфабрикатларни тўйинтирилган хом ашёдан фарқлаш лозим. Тўйинтирилган хом ашё ишлаб чиқариш операцияларига тегишли бўлмай, рудани қимматбаҳо металл ёки тошлардан тозалаш имкониятини берувчи технология маҳсулидир. Яримфабрикатларга, масалан, жиҳозлар ишлаб чиқарилишида сарф бўладиган элементлар киради.

8. Юқорида санаб ўтилган буюмлар учун *деталлар* ўша буюмлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, деталлар ишлов берилган яримфабрикат сифатида ўтмайди.

9. *Ишлаб чиқариш чиқиндилари* (апилкалар, қириндилар, шламлар ва бошқ.) — бу ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида қимматбаҳо металллар ва тошлардан олинган чиқиндилар бўлиб, кейинчалик ишлов бермасдан улардан фойдаланиб бўлмайди.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган қимматли металллардан танга шаклида ишланган «сўм» пул бирлиги валюта қимматлиги саналмайди. Шунингдек, пуркалган олтин ва кумуш, тиш протезларини ясашда ишлатиладиган қолиплар ва-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 2-банди, 2-қисми.

юта қимматликларига кирмайди<sup>1</sup>. Қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган қурул, орден, нишонлар мазкур жиноят предмети, деб баҳоланмайди.

11. Илмий-техникавий ривожланиш натижасида алоҳида турдаги сунъий қимматбаҳо тошларни кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони юзага келади. *Сунъий қимматбаҳо тош* – бу бирорта қимматбаҳо тошга яқин, унга ўхшайдиган минераллардан инсон ишлов бериши натижасида («ўстирилган», «эритмадан тортиб олинган» ёки бошқа усулда) яратилган тош. Бундай тошлар сифат жиҳатдан ҳақиқий тошдан ҳам чиройли кўриниб, жуда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади.

12. Жиноят объектив томондан шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг қонунга хилоф равишда:

- а) анча миқдорда валюта қимматликларини олиши;
- б) валюта қимматликларини ўтказишида ифодаланеди.

13. Валюта қимматликларини олиш деганда, валюта қимматликларини тасарруф этиш имкониятини таъминлайдиган валюта қимматликларини олиш бўйича ғаразли ва беғараз ҳаракатларни тушунмоқ лозим. Бундай қимматликларни вақтинчалик сақлаш, совға қилиш ёки бошқа беғараз усуллар орқали валюта қимматликларини олиш (масалан, мерос олиш натижасида) мазкур модда мазмунини ташкил қилмайди<sup>2</sup>.

Агар айбдор валюта қимматликларни товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғрилик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, пора олиш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, пора эвазига оғдириш, қимматбаҳо валюта билан рағбатлантиришдан қўлга киритган бўлса, тергов ва суд органлари уларнинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси бўйича квалификация қилиши лозим ва ЖКнинг 177-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 2-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 5-банди.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 10-банди.



14. Валюта қимматликларини ўтказиш деганда, валюта қимматликларини ҳақ эвазига бир ёки бир неча марта мазкур буюмни тасарруф этишни таъминлаб берувчи учинчи шахсга шундай ҳаракат орқали беришни тушуниш керак.

Валюта қимматликларини сотиш, алмаштириш, у орқали хизматлар учун ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бўйича ҳақ тўлаш ҳам ўтказиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Валюта қимматликлари билан боғлиқ бошқа битимлар (мерос қолдириш, омонат сақлаш, қарзга, қарз ўрнига бериш) ЖКнинг 177-моддаси назарда тутувчи жавобгарликни вужудга келтирмайди. Агар юқоридаги ҳаракатлар валюта қимматликларини олиш учун амалга оширилган бўлса, айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 177-моддаси бўйича квалификация қилинади. Валюта қимматликларни пора сифатида бериш уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, деб топилмайди.

15. Объектив томоннинг зарурий белгиси валюта қимматликларини олиш ва валюта қимматликларини ўтказишнинг ноқонунийлиги ҳисобланишидир.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган талабларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади<sup>1</sup>.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нақд сўмларга нақд хорижий валютани сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказиш бўйича Бош лицензиясига эга бўлган тижорат банкларининг пул алмаштириш шохобчалари орқали амалга оширадilar<sup>2</sup>. Шу билан бирга, қонунчилик томонидан чет эл валюта қимматликларини сотиб олишга чеклов берилмаган, буни бузиш эса, ўз навбатида, валюта қимматликларини ноқонуний олиш, деб баҳоланиши мумкин.

Барча мулк шаклидаги юридик шахсларнинг валюта алмаштириш операциялари уларнинг ваколатли банклари орқали амалга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 2-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Марказий банкнинг 2002 йил 21 февралдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган «Алмаштириш шохобчаси тўғрисида»ги Низом (янги таҳрири). Банк ахборотномаси, 18-сон, 2002 йил 19 май.

оширилади, банклар хўжалик юритувчи субъектлар номидан биржадан ташқари бозорда хорижий валютани сотиб олиш бўйича операциялар ўтказиш ваколатига эга<sup>1</sup>. Юридик шахс манфаати учун чет эл валютасини харид қилиш ва сотишда белгиланган тартибга риоя қилмаслик валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, деб баҳоланиб, қилмиш ЖКнинг 177-моддаси ва мансабдорлик жинояти бўйича қўшимча квалификация қилинади.

16. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган ҳаракатлар, яъни товарлар, хизматлар, ишлар учун чет эл валютасида ҳақ тўлаш жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай тўловларни фақат қонунда белгиланган жойларда амалга ошириш мумкин.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши тақиқланган қимматли қоғозларни олиш ёки ўтказиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли валюта қимматликларини қонун талабларини бузиган ҳолда жойлаштириш қимматли қоғозларни қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика сарҳадларидан ташқаридаги эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритишнинг умумий қоидалари, ҳар йилги меъёрлари ва тартибини белгилаб қўяди<sup>2</sup>. Бундай ҳолда эмитент ҳукуматнинг Умумиқтисодий бўлимига тегишли ҳужжатларни йўллаши даркор.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар Вазирлар Маҳкамасининг квотаси билан муайян суммада жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни инвестицион институтлар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки уларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган ва лицензияга эга филиаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори Координация ва назорат маркази орқали жойлаштиради. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда қимматли қоғозларнинг ягона давлат реестридан рўйхатдан ўтказиш лозим.

18. Пуркаладиган олтинни қазиб олиш ва уни қуйма шаклга келтириш (қазиб олинган рудадан ажратиш; олтин моддаси бор

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли қарори билан тасдиқланган «Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва Фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда, 8-қисми.

бошқа металллардан ажратиш, чиқиндилардан ажратиш) ишлари давлат рўйхатидан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз амалга оширилса, жиноят ҳисобланади.

Бўйсунуви, мулкчилик шакли, илмий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, ўқув мақсадидан, кўрсатадиган фаолият туридан қатъий назар, олтин қазиб чиқарувчи, қайта ишловчи, барча корхона, ташкилот, муассаса, ҳарбий қуруллардан қимматбаҳо металллар, тошларни ажратиб олувчи Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигиги қарашли ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-техникавий утилизация (чиқиндиларни қайта ишлаш) ишлари билан шуғулланувчи бошқа вазирлик ва қўмиталар давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операцияларни яқка тартибда меҳнат ва яқка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам, албатта, давлат рўйхатидан ўтиши шарт.

Таҳлиллар учун керак бўладиган азот кислотали кумуш, таркибида кумуш бўлган ёруғлик сезувчи материаллар (кинонусха қилувчи ташкилот ва киностудиялардан ташқари), электр техникаси жиҳозлари, автоматика, йиғувчи маҳсулотлар ёки деталлар таркибида мавжуд қимматбаҳо металллар билан шуғулланувчи корхона ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилмайди<sup>1</sup>.

Қимматбаҳо металллар ва тошларни сотиш, сотиб олиш билан бир марталик фуқаролик ҳуқуқий муносабатга кирувчи шахслар давлат рўйхатидан ўтмайди. Агар рўйхатдан ўтмасдан ва рухсатнома олмай туриб қимматбаҳо металллар ва тошлар олди-сотдиси билан шуғулланилса, айбдорнинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 177-моддаси ва фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлиги учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи ЖКнинг 190-моддаси бўйича квалификация қилинади.

19. Валюта қимматликларини, хусусан, соф олтинни қуйма ҳолда қонунга хилоф равишда хазина ва топилмаларни ўзлаштириш натижасида олиш ноқонуний ҳисобланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги тартибга риоя қилмасдан ўзлаштирилган ашё ноқонуний ўзлаштирилган ҳисобланади, яъни йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 22 майда рўйхатга олинган 193-сонли «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан операцияларни амалга оширувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, 2-банди.

йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт. Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир. Топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади<sup>1</sup>.

20. Хазина борасида фикр юритилганда, хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазилма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина жойлашган ердаги мол-мулкни ўзлаштириш ғайриқонуний бўлади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига киралиган, валюта қимматликлари ҳисобланадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда хазина яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва хазинани топган шахс биргаликда хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади<sup>2</sup>.

21. Валюта қимматликларни сақлаш ёки жўнатиш қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, деб ҳисобланмайди.

Тайёрловчи ёки буюртмачига қонуний равишда тегишли бўлган, валюта қимматлиги ҳисобланувчи қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмларининг, ясама тишлар ва бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 192—193-моддалари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 196-модда.

маиший буюртмаларнинг тайёрланиши, шу жумладан, бундай нарсаларнинг қимматбаҳо металллар ва тошлардан ҳамда уларнинг резгиларидан иборат бошқа заргарлик ва бошқа маиший буюмлардан тайёрланиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш сифатида баҳоланиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

22. Қонунга хилоф равишда валюта қимматликларни олиш ёки ўтказиш жинояти уларга бўлган эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқнинг ўтиши билан тугалланган ҳисобланади<sup>2</sup>.

23. Қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқаролар қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган пайдан эътиборан жиноят содир этилган, деб топилади.

24. Анча миқдордаги зарар тушунчаси Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимида берилган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига кирди. Улар бу масалани битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси сўм бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқиб ҳал этадилар<sup>3</sup>.

25. Биринчи маротаба содир этилган анча миқдордан ошмайдиган миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 170-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарликка асос бўлувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади<sup>4</sup>. Аммо бундай ҳолда тергов ва суд органи айбдорнинг мақсадига эътибор бериши керак, чунки у валюта қимматликларини қисмлаб олишни ўзига мақсад қилиши мумкин ва қилмиш квалификацияси мақсадга боғлиқлиги сабаб айбдор Жиноят кодексининг 177-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 6-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 5-банди.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 7-банди.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 8-банди.

26. Валюта қимматликларини анча миқдорда қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик, башарти, айбдор аввал шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, юзага келади. Бошқача айтганда, бундай ҳолатда маъмурий преюдиция талаб қилинади, яъни содир этилган қилмишни жиноят, деб топиш учун шахс Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортилганлиги факти зарурий шарт ҳисобланади. Шахснинг аввал содир этган шу каби валюта қимматликларини ноқонуний олганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 18—21-моддаларида кўрсатилган асослар билан озод этилиши шахсни ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигига олиб келади. Агар шахс маъмурий жазога тортилганидан кейин бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, уни валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди, чунки ушбу муддат ўтиши билан мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади<sup>1</sup>.

27. Анча миқдордаги валюта қимматликларни қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш шундай ҳаракатлари учун илгари маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар Жиноят кодексининг 177-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят, деб ҳисобланади<sup>2</sup>. Шахснинг кам миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиши ёки ўтказиши учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мазкур модда маъносида преюдицияни ҳосил қилмайди.

28. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд асосида амалга оширилган бўлади. Бунда айбдор валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олаётганлигини ёки ўтказётганлигига ҳамда бу хатти-ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлаганлигига иқрор бўлади. Қоидага кўра, бундай жиноят фарзгўйлик мақсадида амалга оширилган ҳисобланади.

29. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишга унинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги аҳамият касб эт-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 37-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 8-сонли қарори, 8-банди, 2-қисми.

майди. Ўзбекистон фуқароси, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунга хилоф равишда валюта операцияларини ўтказганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Агар жиноят мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилса, унинг ҳаракатлари жиноятлар жами бўйича қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш ва мансабдорлик жинояти сифатида квалификация қилинади.

30. ЖКнинг 177-моддаси, 2-қисмида:

- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- кўп миқдорда;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур белгилар ЖКнинг 164-моддасида шарҳлаб ўтилган.

31. Божхона назоратини четлаб ёки божхонадан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда, хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда чегарани бузиб ўтиш йўли билан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, кейинчалик улар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида битимлар тузиш (сотиш, алмаштириш) амалга оширилганда божхона қонунларини бузиш ва валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва шу жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

32. ЖКнинг 177-моддаси, 3-қисмида:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

### **178-модда. Чет эл валютасини яшириш**

*Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) ғаразгўйлик билан;*

*б) такроран;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

*— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

*— саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, чет эл валютасини яширганда айбдор республика ички валюта бозори барқарорлиги соҳасида жамият манфаатларига тажовуз қилади. Жиноят содир этилиши натижасида республикага валюта кириб келиши камаяди, бу эса, унинг халқаро-ҳуқуқий мавқеига (хусусан, кредитлаш қобилияти рейтингига) ўз таъсирини ўтказди.

2. Мазкур жиноятнинг объекти иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг республикада белгилаб қўйилган тартибидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига, «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида»ги Низомга, «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби»га, «Ваколатли банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисоб-варақларни юритиш тартиби»га мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушувчи чет эл валютасининг ҳисоб-варағи олиб борилади<sup>1</sup>.

Факультатив объект қонунчилик ўрнатган чет эл валютасида ҳисоб-китоб қилиш қоидалари бўлади.

3. Жиноят предмети Ўзбекистон Республикасида ваколатли банклар ҳисоб-варақларидан рўйхатдан ўтиши керак бўлган чет эл валютаси:

- чет эл давлатида эркин муомалада бўлган ва тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган банкнот шаклидаги чет эл валютаси;
- чет элдаги ҳисоб рақамида турган чет эл валютаси ёки халқаро пул бирликлари ҳисобланади.

Валюта қимматликларини ушбу жиноят предмети деб, топиш учун яна бир асос, бу — уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 22 октябрда 511-сон билан рўйхатга олинган «Ваколатли банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисоб-варақларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 2.1-банди.



ҳисоб-варағига Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари томонидан ўтказилиши шартлиги.

Ваколатли банклар деганда, чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун белгиланган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бош, ички лицензиясини олган ҳолда банк фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, хорижий банклар ваколатхоналари ёки филиаллари тушунилади<sup>1</sup>.

4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, корхона, муассаса, ташкилотларнинг валюта ҳисоб-варақларига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютаси деганда, қуйидагиларни тушуниш керак:

- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги норезидентлар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақиға ўтказган пуллар, шунингдек, уларнинг устав фондидаги улушлари;

- ҳисоб-варақлар эгалари томонидан Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида сотиб олинган маблағ;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсат этган ҳолларда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақиға олинган нақд хорижий валюта;

- чет эл валютасидаги фоизлар ва дивидендлар;

- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда — нақд чет эл валютаси;

- ҳисоб-варақ эгасига Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ўз ҳисоб-варақларидан ўтказилган пуллар, шунингдек, амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа маблағ тушумлари<sup>2</sup>.

5. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда корхоналар, деб аталади) чет эл валютасидаги тушумни мажбурий тартибда сотадилар. Корхоналар мажбурий сотишни товарлар ва хизматлар экспортидан олинган чет эл валютасидаги тушумдан амалга оширади.

Бунда экспорт қилинган товарлар ва хизматлар учун чет эл валютасидаги тушум деганда, корхоналарнинг ваколатли банклардаги ҳисоб рақамларига ва кассаларига товарлар ва хизматларни экспорт қилишдан тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари (кейинги ўринларда тушум, деб аталади) тушунилади. Бунда:

- воситачилик фаолиятдан даромад олувчи корхоналар учун мажбурий сотиш мақсадлари учун чет эл валютасидаги тушум деганда, бажарилган битишувлар бўйича олинган воситачилик ҳақи (фоизлар) миқдори тушунилади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 11-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Адлия вазирлигида 1998 йил 22 октябрда 511-сон билан рўйхатга олинган «Ваколатли банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисоб-варақларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

- банклар бўйича чет эл валютасидаги тушум деганда, воситачилик ҳақи кўринишида олинган маблағлар, ваколатли банкларнинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича қўшилган фоизлар, шунингдек, банклар томонидан норезидентлардан олинган хорижий валютадаги бошқа даромадлар (маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар, олинган жарималар, пеня ва ҳоказолар) тушунилади;

- чет элда лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ва оталиқ-монтаж ишларини, шунингдек, қурилган объектларни мукамал тузатиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник текшириш ишларини амалга оширувчи, қурилган объектлардан фойдаланиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар бўйича чет эл валютасида ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш лойиҳа қиймати миқдорининг мазкур контрактлар бўйича валюта харажатларидан ортиқ бўлиши тушунилади. Бунда чет эл валютасидаги тушумни мажбурий сотиш бўйича ҳисоб-китоблар контрактлар бўйича ишлар (ишларнинг босқичлари) тамом бўлгандан кейин амалга оширилади, бу тегишли ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланади;

- суғурталовчилар бўйича чет эл валютасидаги тушум деганда, суғурта (қайта суғурта) муддати тамом бўлгандан кейин суғурта товони тўлови, воситачилик ва агентлик тўловлари чиқариб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган суғурталанувчилар (қайта суғурталанувчилар)нинг тўловларини суғурта қилиш сифатида олинган маблағлар, шунингдек, фаолиятнинг бошқа турларидан олинган хорижий валютадаги бошқа тушумлар тушунилади. Хорижий суғурта компаниялари билан операциялар амалга оширилган тақдирда чет эл валютасидаги тушум деганда, суғурта (қайта суғурта) муддати тамом бўлгандан кейин хорижий қайта суғурталовчига ўтказилиши керак бўлган маблағ; суғурта товони тўлови; воситачилик ва агентлик тўловлари чиқариб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган суғурталанувчиларнинг суғурта тўловлари сифатида олинган маблағлар тушунилади;

- Ўзбекистон Республикаси божхонаси ҳудудида олиб келинадиган хом ашёни қайта ишлаш, ёхуд божхона назорати остида қайта ишлаш юзасидан контрактлар бўйича хорижий валютадаги тушум деганда, резидентлар томонидан хом ашёни қайта ишлаш бўйича норезидентларга кўрсатиладиган хизматлар қиймати тушунилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 29 июнда 245-сонли қарор билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш» Тартиби, 2-банди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 йил, 6-сон, 33-бет.

6. *Ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси* – бу Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сотиб олинган чет эл валютасидаги пул маблағларидир. Қонунчиликка мувофиқ, сотиб олинган валюта ушбу маблағларни сотиб олган шахснинг вакил банкидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак. Ушбу маблағлар чет эл валютасини сотиб олишда кўрсатилган мақсадларга ишлатилади.

7. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказиш учун кафолатли банклар ўз миқозларига махсус валюта ҳисоб рақамлари очади, ушбу ҳисоб рақамларига валюта бозорида сотиб олинган хорижий валюта ўтказилади. Махсус валюта ҳисоб рақами очмасдан банк миқозини томонидан чет эл валютаси харид қилинишига йўл қўйилмайди. Махсус валюта ҳисоб рақамига, шунингдек, мазкур ҳисоб рақамидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган ёки қайтарилган валюта ҳам ўтказилади. Махсус валюта ҳисоб рақамларига қўшиб қўйилган маблағлар корхоналар ва ташкилотлар томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ, қатъиян мақсадли равишда сарфланади<sup>1</sup>.

8. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, қуйидаги ҳолларда нақд чет эл валютаси ваколатли банклардаги ҳисоб-варақларга олинади:

- нақд валюта маблағи товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушган бўлса, кичик ва ўрта бизнес корхоналари – ҳисоб рақами<sup>2</sup>;

- хизмат сафарига жўнаётган шахсга йўл харажатлари, уй-жой ижараси, иш ва кўзда тутилмаган харажатлари учун берилган чет эл валютаси тўлиқ ёки қисман сарфланмаган бўлса, қолдиқ қисми бўйича;

- бутун операция кун давомида келиб тушган чет эл валютасидаги пул маблағлари ўша иш кунининг ўзидаёқ тегишли ҳисоб-варақага киритилиши керак;

- хўжалик судининг қарори билан нақд чет эл валютаси олиб қўйилган бўлса, ўша куннинг ўзидаёқ хўжалик судининг депозит ҳисоб рақамига ўтказилиши, бунинг иложи бўлмаса, ҳаракат энг яқин банк иш кунинида амалга оширилиши керак;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 10 июнда 294-сонли қарор билан тасдиқланган «Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 27, 44, 45-бандлари. Ўзбекистоннинг янги қонунилари, 13-сон, 2001 йил.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 263-сонли қарори, 5-банди. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 23 июн.

• корхона, муассаса, ташкилот кассасидаги нақд пул қолдиғи нимганининг кўпайиши вужудга келса, лимитнинг кўпайган суммаси корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказилиши учун банкка топширилиши керак.

9. Жиноят объектив томондан республиканинг ваколатли банкларидagi ҳисоб-варақларга ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасини яшириб қолишга қаратилган фаол ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

10. *Чет эл валютасини яшириш* — бу чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида ёки бошқа ваколатли субъектида сақлаш мажбуриятини бажармасликдан иборат бўлиб, оддий ҳаракатсизлик, чет эл валютасини хориждан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкига ўтказиш тўғрисида кўрсатма бермаслик, банк ҳужжатларини имзоласлик, хориж валютасини хорижий банкдаги ҳисоб рақамида сақлаш каби йўللар билан содир этилади. Шунингдек, хорижий валютани яшириш фаол ҳаракатлар, масалан, уни бошқага ўтказиш, келиб тушган фойдани пасайтириб кўрсатиш, маблағларни бошқа ҳисоб рақамга ўтказиш, яшириш кабилар орқали содир этилиши мумкин. Нақд чет эл валютасини яшириш деганда, олинган нақд маблағларни белгиланган муддатда хизмат кўрсатувчи банкка топширмаслик, товар ва маҳсулот сотиш жойларида тегишли тарзда бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлангирилмаган маблағлар мавжудлиги тушунилади.

Хорижий валютани яшириш маблағларни банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик ёки тўлиқ ўтказмасликда ифодаланиши мумкин.

Банкдаги ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказмаслик деганда, амалда оширилган операциялар натижасида олинган чет эл валютасини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилмаган ҳолда ўтказилиши тушунилади.

Банкдаги ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказмаслик деганда, амалда оширилган ҳужжалик фаолияти ва бошқа операциялар натижасида келиб тушган хорижий валютанинг фоизлар, дивидендлар ва бошқа даромад кўринишида амалда олинган валюта маблағларига мувофиқ бўлмаган ҳажмда ўтказилиши тушунилади.

Жиноятни баҳолаш учун айбдор валюта маблағларини ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини қайси йўл билан бажармаганлиги аҳамиятга эга.

11. Жиноят чет эл валютаси яшириб қолинган пайтдан, яъни уни ваколат берилган банклардаги ҳисоб-варақларга ўтказиш учун белгиланган муддат тугаган пайтдан ёки чет эл валютаси қисман

ўтказилган ва қолган сумма яшириб қолинган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

12. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Агар корхона, муассаса ёки ташкилотда валюта операцияларини амалга оширувчи шахс ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги туфайли чет эл валютаси яшириб қолинган бўлса, у мундан кейин ҳолатларда мансабига совуққонлик билан қараганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳисобга ўтказиш, уни тўла ўтказмаслик, инсон эркига боғлиқ бўлмаган ҳолларда – ҳисоб-китоб техникасининг ишламай қолиши, шахсининг алдаши ва бошқалар чет эл валютасини яшириш ҳисобланмайди, чунки бундай вазиятда айб шакли мавжуд эмас. Бироқ, ҳар бир ҳолат бўйича шахсининг иродасига боғлиқ бўлган бўлмаган фактлар аниқланиши керак.

Валютани банк ҳисобига ўтказиш муддатларини эҳтиётсизлик оқибатида ўтказиб юборган шахсни ҳам жавобгарликка тортиб бўлмайди. Эҳтиётсизлик валютани ўтказиш муддатини жуда қисқа муддатга бузганлиги, валюта билан аҳамияти кам операцияларни бажарганлиги билан ифодаланади.

13. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, қонунчилик ва шартнома билан ташкилот, корхона ва муассасаларда валюта операцияларини амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда барча корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, чет эл инвестицияси билан ташкил этилган корхоналар<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлиши, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Чунки қонунчиликка мувофиқ, банклардаги ҳисоб рақамга валюта маблағларини ўтказиш мажбурияти фақат юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентларига юклатилган.

Чет эл валютасида операцияларни амалга оширувчи банкнинг ваколатли ходимлари, юридик шахс ташкил қилмасдан мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳам ушбу жиноят субъекти ҳисобланади.

14. Чет эл валютасини яшириш жинояти солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бош тортиш билан амалга оширилса, шахсининг хатти-ҳаракатлари Жиноят кодексининг 177 ва 184-моддалари билан квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда.

15. ЖКнинг 178-моддаси, 2-қисмида чет эл валютасини яширишни қуйидаги квалификация қилиш белгилари кўрсатилган:

- а) ғаразгўйлик билан;
- б) такроран;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганда.

16. Ғаразгўйлик билан деганда, шахснинг чет эл валютасини яшириш натижасида бирон-бир моддий наф чиқариб олишга интилиши (масалан, валютани даромадга айлантириш, қарзини тўлаш ва ҳоказолар) тушунилади. Чет эл валютасини яшириш фактини ғаразгўйлик туфайли содир этилган, деб квалификация қилиш учун айбдорда ғаразли интилиш ЖКнинг 178-моддасида кўзда тутилган жиноят содир этилишидан олдин юзага келганлигини аниқлаш зарур. Башарти, айбдор валютани яширгач, уни ноқонуний ўзлаштирган бўлса, унинг ҳаракатини чет эл валютасини яшириш сифатида (бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса) жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 178-моддаси, 1-қисми ҳамда ЖКнинг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш) бўйича квалификация қилиш зарур.

17. ЖКнинг 178-моддаси, 2-қисмида кўрсатиб ўтилган бошқа квалификация белгилари босқинчилик жинояти таҳлилида шарҳлаб ўтилган. Кўрсатилган белгилар шарҳланаётган моддага нисбатан алоҳида хусусиятларга эга эмас.

18. Агар чет эл валютасини яшириш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жиноятчи ЖКнинг 178-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

### **179-модда. Сохта тадбиркорлик**

*Сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, сохта тадбиркорлик, нафақат, иқтисодиёт асосларига, тадбиркорлик

фаолияти ғоясининг ўзига ҳам тажовуз қилади, «одамларнинг бозорга ва унинг бошқача хўжалик юритиш усулларидан афзаллигига бўлган ишончига путур етказди»<sup>1</sup>.

2. Ушбу жинойтнинг объекти корхоналар ёки тадбиркорлик билан шуғулланувчи бошқа тузилмаларнинг қонунда, ўз Уставида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Сохта тадбиркорлик тадбиркорлик фаолияти ғоясига тажовуз қилади<sup>2</sup>.

Жинойтнинг факультатив объекти тижорат ташкилотларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ўрнатилган қонунчилик тартиби, хўжалик фаолияти ҳисобланади.

3. Жинойтнинг объектив томони Уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, қарз, кредит олиш, фойда (даромад)ни солиқлардан озод қилиш ёки бошқа мулкый манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларни тузишда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги бўйича тижоратчи (тадбиркорлик) ташкилоти асосий мақсади сифатида таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс ҳисобланади<sup>3</sup>.

Тижоратчи ташкилотлар бўлган юридик шахслар хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, шу жумладан, акциядорлик жамиятлари, унитар корхона, ишлаб чиқариш кооперативи ва бошқа шаклларда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

4. *Хўжалик ширкати* — муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (ҳиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти. Бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тад-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 14-банди, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 14-банди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 40-модда, 1-қисми; Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

биркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар. Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади. Таъсис шартномаси хўжалик ширкатининг таъсис этиш ҳужжати ҳисобланади<sup>1</sup>.

5. *Хўжалик жамиятлари* шундай тадбиркорлик ташкилотики, унинг иштирокчилари, бошқа ширкат иштирокчиларидан фарқ қилган ҳолда жамият фаолиятида шахсан иштирок этишмайди ва жамият мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлишмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хўжалик жамиятларининг қуйидаги турларини белгилаган:

- *масъулияти чекланган жамият* деб, бир ёки бир неча шахс номидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг таъсис ҳужжати таъсис шартномаси ва хўжалик ширкатининг Устави ҳисобланади<sup>2</sup>;

- *қўшимча масъулиятли жамият* — бир ёки бир неча шахс номидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматиغا нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг таъсис ҳужжати таъсис шартномаси ва хўжалик ширкатининг Устави ҳисобланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни, 3, 4-моддалари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган жамият ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида»ги Қонуни, 3, 11-моддалари.

<sup>3</sup> Ўша жойда.



Айтиб ўтиш лозимки, агар жамият битта шахс томонидан тузилса, унинг таъсис ҳужжати Устав бўлади. Агар таъсисчилар сони икки ва ундан ортиқ бўладиган бўлса, албатта, таъсис шартномаси тузилиши керак;

• *акциядорлик жамияти* — устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият. Акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Акциядорлик жамиятининг таъсис ҳужжати Устав ёки Устав ва таъсис шартномаси ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг очиқ — иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлик жамияти, ва ёпиқ — акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти каби кўринишлари мавжуд<sup>1</sup>.

6. *Ишлаб чиқариш кооперативи* — фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжати Низом ҳисобланади<sup>2</sup>.

7. *Унитар корхона* — ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхонанинг таъсис ҳужжати Низом ҳисобланади.

8. *Тижоратчи ташкилотни тузиш* деганда, тузиладиган тижоратчи ташкилотнинг керакли таъсис ҳужжати ва уни ваколатли органлардан рўйхатдан ўтказиш учун керак бўлган ҳужжатларни йиғиш билан боғлиқ бўлган ташкилотчилик жараёни (масалан,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 2, 6, 7, 14-моддалари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 69-модда; Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда.

товор ташкил этиш учун ҳокимиятнинг розилиги талаб этилади) тушунилади. Тижоратчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтган пайтда бошлаб тузилган ҳисобланади<sup>1</sup>. Агар ташкилот айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтмаган бўлса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 25-моддаси, 2-банди ва ЖКнинг 179-моддаси билан уставда кўрсатилган фаолиятни амалга оширмаслик мақсадида ташкилот тузиш (сохта тадбиркорлик) жиноятига суиқасд, деб квалификация қилинади. Бироқ, бунда айбдорнинг устав фаолиятини амалга оширмаслик қасдини аниқлаш зарур, акс ҳолда, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг ушбу моддаси билан квалификация қилинмайди.

9. Субъектив томондан жиноят бевосита тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор устав фаолиятини амалга оширмайдиган тадбиркорлик ташкилотини тузаётганлигини англайди ва ана шундай ташкилот тузишни истайди.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси шундаки, бунда айбдор ташкилотни устав фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзламаган ҳолда ташкил этади.

Устав фаолияти деганда, фаолиятнинг шундай тури тушуниладики, тадбиркорлик ташкилоти томонидан уни амалга ошириш учун барпо этилади ва бу унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, таъсис ҳужжатининг тури ва шаклидан қатъий назар, унда қайд этилган фаолият турлари уставга оид ҳисобланади. Ният йўқлигини, содир этилган ҳаракатлар ҳақиқий эмаслигини аниқлашнинг ўзига хослиги ва мураккаблиги фуқаролик-ҳуқуқий битимнинг ҳақиқий эмаслигини баҳолашда юзага келадиган шу каби тегишли масалаларга монанд бўлиб, устав фаолиятини амалга оширишни кўзламай юридик шахсни ташкил этишни ҳам амалда худди шундай, деб аташ мумкин. Бу каби ният мавжудлигидан юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 6-моддасида тартибга солинган иш муомаласи одатларига мувофиқ, зарур ва етарли бўлган вақт мобайнида бажармаслик ҳам далолат беради.

«Сохта тадбиркорлик тўғрисидаги ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкий фойда кўриш мақсадини кўзлаганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бундай мақсаднинг аниқланиши шахснинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 44-модда.

179-моддаси ҳамда талон-тарож этишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳоказолар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари мажмуи билан квалификация қилишга асос бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, субъектив жиҳат қуйидаги таркибий қисмлар бирлигидан иборат бўлади:

- ташкилотни тузишдан бевосита кўзланган ният;
- ташкилот рўйхатга олингунга қадар пайдо бўлган ният — устав фаолиятини амалга оширмаслик нияти;
- алоҳида мақсад — мулкий фойда олиш ниятининг мавжудлиги.

Санаб ўтилган таркибий қисмлардан бирортаси мавжуд бўлмас экан, айбдор ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини таъкидлаш мумкин бўлмайди. Бунда мазкур жиноят сабаблари, одатда, фаразли эканлигига қарамай, бошқача бўлиши ҳам мумкин. Жиноятга баҳо беришда улар таъсир кўрсатмайди.

10. Сохта тадбиркорликнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган сохта ташкилот таъсисчиси ёки таъсисчилари ҳисобланади. Агар сохта тадбиркорлик билан шуғилланиш мақсадида тузилган корхона ва ташкилотларга раҳбарликни амалга ошириш юклатилган раҳбарлари ҳам билганлари ҳолда фаолият амалга ошириладиган тақдирда раҳбарлари ҳам жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин.

11. Сохта тадбиркорлик билан шуғулланувчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Мулкий зарар келтириш ёки мулкий фойда кўрганлик жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

12. Сохта тадбиркорлик ташкилоти айбдор фойдасига ғайриқонуний мол-мулкни эгаллаш, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мол-мулкни тортиб олиш ҳаракатларини амалга ошириш учун тузилган бўлса, айбдор ЖКнинг 168-моддаси билан жавобгарликка тортилади, чунки бу фирибгарлик ҳисобланади.

13. Солиқ тўлашдан озод этилган сохта тадбиркорлик ташкилотининг таъсисчилари ва раҳбарлари, ЖКнинг 184-моддаси — солиқ тўлашдан бўйин товлаш жинояти бўйича жавобгарликка тортилиши керак<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 14-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Тақиқланган фаолиятнинг аниқ турлари 1989 йил 27 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айрим турдаги кооператив ва индивидуал меҳнат фаолиятини тақиқлаш тўғрисида»ги қароридан белгиланган.

14. Агар сохта тadbиркорлик жамиятини тузишдан мақсад таъқилланган фаолиятни (диний таълимотлар бериш, орден ва медал, муҳр ва штамплар, гиёҳванд, қаттиқ таъсир қилувчи ва зарarli моддаларни тайёрлаш ва бошқаларни) амалга ошириш бўлса, айбдор шахс жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 179-моддаси ва тегишли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан жавобгарликка тортилади.

### 180-модда. Сохта банкротлик

*Сохта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян хуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Шарҳланаётган ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у содир этилиши билан бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари бузилади, халқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши издан чиқади, бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга ошириш қийинлашади, чунки бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг ўзи молиявий маблағдан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, ушбу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш тadbиркорларнинг, фуқароларнинг хўжалик субъектлари ёки контрагентлар фаолияти барқарорлигига ишончини сусайтиради ва ижтимоий низолар келиб чиқиши хавфини тўғдиради.

2. Мазкур жиноятнинг объекти бозор иқтисодиётида ўрнатилган қоидаларни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, кредиторлар манфаатлари ва баъзи ҳолларда давлат манфаатлари ҳисобланади.

Бевосита объект эса, хўжалик субъектини банкрот, деб эълон қилиш тўғрисидаги қонуний белгиланган тартиб ҳисобланади.

3. Банкротлик (иқтисодий ночорлик) деганда, «хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки)

мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги»<sup>1</sup>, тушунилади. Уларга солиқлар, йиғимлар ва давлатнинг мақсадли фондларига бошқа мажбурий тўловлар киради.

Банкрот деб, фақатгина унинг аломатлари мавжуд бўлгандагина эълон қилиш мумкин, хусусан:

- қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ой (йирик корхоналар учун олти ой) давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса. Фуқаро олдида хўжалик субъекти, шунингдек, унинг муассислари (иштирокчилари) иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳаёт ёки соғлиғига етказилган зарар учун жавобгарликни ўтаётган бўлса, мазкур фуқаро уларнинг кредитори ҳисобланмайди<sup>2</sup>;

- қарздорнинг мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой (йирик корхоналар учун олти ой) давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса<sup>3</sup>.

Жамоат ташкилотлари, адвокатлик идоралари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа шунга ўхшаш нотижорат ташкилотларга нисбатан банкротлик қоидалари қўлланилмайди. Бироқ, матлубот кооперативлари ва ижтимоий фондлар каби нотижорат ташкилотларга банкротлик қоидалари қўлланилади<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига (янги таҳрири) кўра, юридик шахс ёки якка тадбиркор фақат хўжалик суди томонидан иқтисодий ночор, деб топилиши мумкин. Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) бўлиши мумкин.

4. Объектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишида намоён бўлади.

Банкрот деб, эълон қилиш деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночор ҳисобланиши, яъни кредиторлар олдида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 3-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 4-модда.

<sup>3</sup> Уша жойда, 4-модда.

<sup>4</sup> Ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-моддаси таҳлилидан келиб чиқади.

ушнинг мажбуриятлари бўйича тўлиқ жавоб бера олмай қолиши тўғрисида маълумотлар тарқатиш тушунилади.

Бошқа маълумотлар, масалан, шаън ва қадр-қимматга таъжуб қилувчи, ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар сохта банкротлик, деб қаралиши мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, банкротликни эълон қилиш қонунчилиқда белгиланган доирада қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этгандан сўнггина амалга оширилиши мумкин:

- банкротлик аломатлари юзага келган тақдирда, қарздор юридик шахснинг раҳбари, якка тартибдаги тадбиркор қарздори бу ҳақда қарздорнинг муассисларига (иштирокчиларига), бошқарув органларига ёки қарздорнинг мол-мулки эгасига судгача санация ўтказиш мақсадида банкротлик белгилари ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт<sup>1</sup>;

- лозим даражада хабардор этиш деганда, кредиторга, ваколатли органга, шунингдек, ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсга кредиторлар йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабарни кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин почта алоқаси орқали ёки бундай хабар кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган санадан камида беш кун олдин олинишини таъминловчи бошқа усул билан юбориш тушунилади;

- кредиторни ёки кредиторлар йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бошқа шахсни шахсан хабардор қилиш учун зарур маълумотлар (қарздор юридик шахснинг номи ва жойлашган ери; кредиторлар йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой; кредиторлар йиғилишининг кун тартиби; кредиторлар йиғилиши кўриб чиқадиган материаллар билан танишиш тартиби; кредиторлар йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш тартиби; қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи)ни аниқлаш имкони бўлмаганда ёхуд мазкур шахсларни шахсан хабардор этиш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, кредиторлар йиғилиши ҳақидаги хабарнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда расмий нашрда эълон қилиниши ана шундай шахсларни тегишли равишда хабардор этиш, деб эътироф этилади;

- хўжалик судида ишни кўриб чиқиш натижасида чиқарилган суд ҳужжатида қатъий назар, хўжалик судида банкротлик тўғрисида ишни қўзғатиш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 3-модда.

6. Сохта банкротликнинг ўзига хос жиҳати банкротлик тўғрисида тарқалаётган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билиш ҳисобланади. Бошқача айтганда, хўжалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда уларни бажаришдан атайлаб бўйин товлаб, ўзини банкрот, деб эълон бериши, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон беришидир. Била туриб, банкротлиги ҳақидаги ёлғон маълумотни эълон қилишнинг асосий шarti ўзининг ночорлиги ҳақидаги ёлғон маълумотни, яъни ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайдиган маълумотни қонунда белгиланган тартибда эълон қилиши ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект қонунда белгиланган тартибни бузиб, ўзининг иқтисодий ночорлигини эълон қилиш ҳоллари сохта банкротлик эмас, балки фирибгарликни вужудга келтиради.

7. Хўжалик юритувчи субъектнинг кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан эътиборан сохта тадбиркорлик тугалланган, деб ҳисобланади. Мазкур кўп миқдордаги зарар сохта тадбиркорлик жинояти объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Фуқаро олдида хўжалик субъекти, шунингдек, унинг муассислари (иштирокчилари) иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича фуқаро ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун жавобгарликни ўтаётган бўлса, мазкур фуқаро уларнинг кредитори ҳисобланмайди<sup>1</sup>.

(Кўп миқдордаги зарар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Қиймат кўп миқдорни ташкил қилмаса, у ҳолда фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлади. Агар айбдор шахннинг ҳаракатлари кўп миқдорда зарар етказишга қаратилган бўлиб, бироқ, айбдорнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда бундай оқибат келиб чиқмаган бўлса, унинг қилмишини сохта банкротликка суиқасд сифатида квалификация қилиш лозим.

8. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзини ёки тижорат ташкилотини била туриб, ёлғон равишда банкрот, деб эълон қилаётганлигини англаб етади, кредиторларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказётганлигини билади ва шуни хоҳлайди ёки била туриб, шунга йўл қўяди.

Қоида бўйича, шарҳланаётган ушбу жиноят ғаразли мотив<sup>2</sup> бўйича содир этилади, лекин бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 3-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 15-банди.

9. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи, хўжалик субъекти номидан ҳаракат қила оладиган, яъни хўжалик судига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Бундай шахслар сифатида юридик шахснинг раҳбарлари, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва хўжалик субъекти номидан банкротлик тўғрисида ишни қўзғаш ваколатига эга бўлган бошқа шахслар (масалан, тугатиш комиссияси аъзолари) ҳисобланади.

ЖКнинг 180-моддаси билан жавобгарликка хўжалик субъекти номидан хўжалик судига банкротлик тўғрисида ишни қўзғатиш ваколатига эга бўлмаган, бироқ қонун бўйича кредиторларнинг йиғилиши тўғрисида хабарлар юбориш ёхуд бошқа шахслар (масалан, кредитор, прокурор, давлат солиқ инспекцияси) номидан хўжалик субъектининг банкротлиги тўғрисида ишни қўзғатиш ваколатига эга бўлган шахслар ҳам тортилади. Юқоридаги шахслар сохта банкротлик бўйича, фақатгина хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига ёрдам бериш мақсадида, уни иқтисодий ночорлигини ҳақиқатга тўғри келмаслигини била туриб, бу ҳақда эълон қилган ҳолатлардагина жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолатда ушбу шахслар ЖКнинг 180-моддаси бўйича жавобгарликка тортилишида ЖКнинг 28-моддаси, 4-қисмига ҳавола қилинади, шарҳланаётган жиноят бўйича айнан хўжалик субъекти номидан ҳаракат қилган шахс эса, фақатгина бажарувчи сифатида ЖКнинг 180-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

10. Ушбу модданинг 2-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги рағбатлантирувчи норма белгиланган. Ушбу қоида ЖКнинг 167-моддаси, 4-қисми таҳлилида шарҳланган бўлиб, ушбу моддага нисбатан бошқача хусусиятга эга эмас.

11. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «сохта банкротликка доир ишларни кўришда ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиш ва бундай қаллобликнинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаш шарт, зеро, мазкур ташкилотларга уларни ташкил этишга алоқаси бўлмаган шахслар, яъни сохта шахслар ҳам расман раҳбарлик қилишлари мумкин»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 15-банди.



## 181-модда. Банкротликни яшириш

*Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у содир этилиши билан бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари бузилади, халқ хўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши издан чиқади, бозор иқтисодиётининг ривожланишида тўсиқлар вужудга келади, хўжалик субъекти фаолияти чалкашади, асосланмаган тавакқалчиликка йўл қўйилади. Банкротликни яшириш, сохта банкротлик каби, аҳолининг кўз ўнгида амалга оширилаётган ислоҳотларни молиявий маблағдан маҳрум қилади ва айрим ҳолатларда, иқтисодиётнинг давлат даражасида макроиқтисодий таназзулига олиб келиши мумкин.

2. Банкротликни яшириш объекти — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, хўжалик субъектининг ва баъзи ҳолларда давлатнинг контрагент манфаатлари кўринишидаги Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий асослари ҳисобланади. Банкротликни яширишнинг бевосита объекти бўлиб, хўжалик субъектининг иқтисодий ночорлиги ҳолатида унинг фаолиятини амалга ошириш ва тугатишнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, иқтисодий ночор деб, «хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги»<sup>1</sup> тушунилади. Мажбурий тўловларга солиқлар, йиғимлар ва давлатнинг мақсадли фондларига бошқа мажбурий тўловлар киради. Бан-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 3-модда.

кротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунида ўрнатилган тартибда хўжалик субъекти томонидан хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш орқали амалга оширилади<sup>1</sup>. Ушбу аломатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, хўжалик субъектини иқтисодий ночор, деб топиш мумкин эмас.

4. Объектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодир эмаслигини (иқтисодий ночорлигини) ёки бошқача тарзда яширишида ифодаланadi. Амалдаги қонунчиликка кўра, «хўжалик субъекти (фирма, бирлашма, ташкилот, корхона, хусусий корхона)нинг тўловга қобилиятсизлиги деганда, қарздорнинг ўз қарз мажбуриятларини узоқ вақт мобайнида тугата олмаслиги ва тўланиши лозим бўлган маблағларни 60 кун мобайнида кирита олмаслигини тушуниш лозим»<sup>2</sup>.

5. Жиноят таркибини аниқлаш учун тергов органлари ва суд куйидаги элементлар мавжудлигини текшириши лозим: хўжалик субъектининг иқтисодий ночорлиги, банкротлик юзага келганлиги тўғрисидаги фактик маълумотлар, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказиш ва айбдор шахсларнинг жинoий ҳаракатлари билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Хўжалик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир<sup>3</sup>.

6. *Иқтисодий ночорликни яшириш* – бу бир марталик ҳаракатларни содир этиш, шунингдек, чоралар мажмуаси бўлиб, ваколатли давлат органига, реал ёки потенциал контрагентга узайтирилган қарздорлик мажбуриятларини амалга оширишнинг имконияти йўқлиги билан боғлиқ маълумотларни ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ фаолият. Шунини таъкидлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).

<sup>2</sup> Қаранг: Марказий банкнинг 1996 йил 27 августдаги 112-сонли «Тижорат банкларининг иқтисодий ночор хўжалик субъектлари (тўловга қобилиятсизлик ва банкрот) билан ишлаш Тартиби», 1.1-банди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда. 1-қисми.

Ўтиш лозимки, яшириш фақатгина фактик вужудга келган ҳолатлар бўйича юзага келган муносабатларга хосдир. Шунинг учун хўжалик субъектининг келажакда бўлиши мумкин бўлган қарзларини тўлай олмаслиги билан боғлиқ маълумотларни тақдим этмаслиги банкротликнинг яширилиши, деб қаралиши мумкин эмас.

Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, хўжалик субъектини тўловга қобилиятсизлиги фактини белгилашда фақатгина узайтирилган қарздорлик мажбуриятлари инобатга олинishi лозим, чунки тўлаш муддати етиб келмаган мажбуриятлар бўйича хўжалик юритувчи субъект қарздор, деб топилмайди<sup>1</sup>. Шунингдек, тўловга қобилиятсизликни белгилашда алоҳида эътиборни хўжалик субъектида мавжуд (балансида рўйхатда бўлган) мулкнинг таҳлилига қаратмоқ лозим, чунки банкротлик нақд пул ёки нақд пулсиз шаклдаги юқори ликвидли активларгина эмас, балки фақатгина қарздорлик бўйича тўловга бутун мол-мулки етмаганда юзага келади.

7. Иқтисодий ночорлик тўғрисидаги ахборотларни яшириш хўжалик субъектининг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиши ёки бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

8. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш деганда, хўжалик субъектининг ҳақиқий молиявий-хўжалик ҳолатини акс эттирмайдиган маълумотларни тақдим этишини тушуниш лозим.

Молиявий-хўжалик фаолияти деганда, хўжалик ва тадбиркорлик тузилмаларининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, маҳсулот чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни амалга ошириш, молия-бухгалтерия, ҳисоб-китоб ва статистик ҳужжатларни юритиш, шунингдек, хўжалик субъектларининг молия, солиқ, банк, божхона ва бошқа органлар ҳамда хўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатлари тизимини тушуниш керак.

*Маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш* — почта орқали жўнатиш билан, бевосита ваколатли шахс томонидан ёки хўжалик субъектининг бошқа вакили орқали тақдим этиш орқали тақдим этиш мумкин — ушбу ҳолатлар қилмишининг квалификациясига таъсир этмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш улар шундай маълумотларни тақдим этишга ваколатли ёки жавобгар

<sup>1</sup> Бу хулоса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242, 243-моддалари таҳлилидан келиб чиқади.

шахс томонидан расмий равишда тақдим этилгандагина ижтимо- шў хавфли қилмишни вужудга келтиради. Ҳақиқатга тўғри кел- майдиган маълумотлар норасмий равишда тақдим этилганда бан- кротликни яшириш, деб қаралмаслиги лозим.

9. Банкротликни яшириш бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоботи деганда, ташкилотнинг мулкӣ ва молия- вий ҳолати ҳамда унинг ҳисобот даври (ой, квартал, йил) мобай- ннда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакл- да тузиладиган маълумотларнинг ягона тизими тушунилади<sup>1</sup>.

Бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш деганда, хўжалик субъекти молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган ушбу оқибатларни тушунмоқ лозим. Ушбу ҳаракатлар маълумот- ларни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаслик, балансни шаклланти- ришда айрим усуллардан фойдаланиш ва ҳоказо — бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатишнинг аниқ усуллари жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

10. Хўжалик субъектининг иқтисодий ночорлигини бошқача яшириш белгиси бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятининг банкротлик белгиларини аниқлаш имконини берадиган маълумот- ларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан етарлича олин- маслигига қаратилган ҳаракатлари натижаларини квалификация қилиш лозим. Бу усуллар қаторига, масалан, банк ҳисоб рақами- ни ёпмаслиги ва бу ҳақда ваколатли давлат органларига хабар бер- маганлиги учун ҳисоб рақамида кам аҳамиятли операцияларни амалга ошириб қўйиш, бухгалтерия ҳисоботларини ва бошқа ҳуж- жат ва маълумотларни турли баҳоналар билан тақдим этмасликни киритиш мумкин.

Банкротликни яширишнинг бошқа усуллари, шунингдек, қарздор юридик шахс — раҳбарнинг, қарздор — якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот, деб эълон қилиш тўғрисида ариза би- лан хўжалик судига мурожаат этиш мажбуриятини бажармасли- ги, агар:

- бир ёки бир нечта кредиторнинг талабларини қондириш қарз- дорнинг бошқа кредиторлар олдидаги пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўлиқ ҳажмда бажаришини имконсиз қилиб қўйишга олиб келадиган бўлса;

- қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздорни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 66.

бўлган орган томонидан қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги аризаси билан ҳўжалик судига мурожаат этиши ҳақида қарор қабул қилинган бўлса;

- қарздор унитар корхона мол-мулкининг эгаси ваколат берган орган томонидан қарздорнинг аризаси билан ҳўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

- ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилганда бундай ундирув қарздорнинг ҳўжалик фаолиятини имконсиз қилиб қўяди, деб ҳисоблашга асослар бўлса<sup>1</sup>.

Белгиланган ҳолатларда ҳўжалик судига ариза бериш муддати ўтганидан кейин берилган бўлса, банкротликни яшириш тугалланган, деб ҳисобланиши лозим – қайд этилган ҳолатлар юзага келган пайдан эътиборан бир ой.

11. Шунини эътиборга олиш лозимки, банкротликни яшириш ҳам, иқтисодий ночорликни яшириш каби, давлат ваколатли органларига маълумотларни топширмаслик, яъни ҳўжалик субъекти томонидан ҳисобот бериши лозим бўлган ва ушбу органларнинг Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмига керакли маълумотларни тақдим эта олмаслигидир<sup>2</sup>, бундан ташқари, ҳўжалик субъектининг банкротликни реал ва потенциал контрагентларидан яширишидир.

12. Жиноят кўп миқдордаги зарар етказиш тарзидаги ижтимоий хавfli оқибат келиб чиққан пайдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Зарар кредиторларга, шунингдек, давлатга мажбурий тўловларни ва йиғимларни тўлаш бўйича етказилади. Шунини алоҳида эътиборга олиш лозимки, қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун мулкий жавобгар бўлса, айна шу фуқаро, шунингдек, ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) кредиторлар ҳисобланишмайди<sup>3</sup>.

13. Айбдорнинг қилмишини, агар унинг ҳаракатлари билан келиб чиққан кўп миқдорда зарар етказиш каби оқибат ўртасида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 8-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ушбу органлар қаторига солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органлари, айрим ҳолатларда, шунингдек, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмига ва унинг жойлардаги бўлинмалари кириши мумкин. *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 9 февралда 894-сон билан рўйхатга олинган «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмига иқтисодий ночор ҳўжалик субъектларини молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақида маълумот бериш ва маъмурий жарималар қўллаш Тартиби», 2.1 ва 2.3-бандлари.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 3-модда.

слабий боғланиш мавжуд бўлсагина, шарҳланаётган ушбу модда оқинча квалификация қилиш мумкин.

14. Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Шахс қарздор ташкилот ёки якка тартибдаги тadbиркор банкрот ҳолатидалигини ва унинг содир этган ҳаракатлари ҳуқуққа хилофлигини англаб етади, кўп миқдорда зарар етказиши мумкинлигини кўра билади ва буни хоҳлайди ёки англаган ҳолда содир этилишига йўл қўяди ёхуд унинг оқибатига бефарқ қарайди.

Жиноят мотивлари ғараб, баъзида бошқача бўлиши мумкин, лекин жинойи қилмиш квалификациясига таъсир этмайди. Банкротликни яширганлиги учун мансабдор шахс мукофотланган бўлса, унинг қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 181 ва 210-моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

15. Жиноят субъекти давлат ваколатли органларига ёки реал ва потенциал контрагентларга молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳолати ҳақида маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юкланган шахс ҳисобланади, аниқроғи, хўжалик субъектининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, унинг раҳбари, ўринбосари, бош бухгалтери, молия бўлими бошлиғи, якка тартибдаги тadbиркор ва ҳоказолар, бундан ташқари, баъзи ҳолларда жиноят субъекти ташқи бошқарувчи, тугатиш комиссияси аъзолари ёки тугатувчи шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар бир алоҳида ҳолатда, шахсни жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортишда унинг ваколатли давлат органларига ёки реал ва потенциал контрагентларга маълумотларни топшириш учун масъуллигини аниқлаш лозим.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида рағбатлантирувчи норма мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

### **182-модда. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

*Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин кўп миқдорда содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

*б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;*

*в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;*

*г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилиши назорат қилиб бўлмайдиган товарлар муомаласини ёки улардан айримларининг республика ҳудудига тақчиллиги ҳолатини келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда Жиноят кодексига кўрсатилган бошқа жиноятларнинг содир этилишига асос яратиб беради, масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний кириш ёки чет элга чиқиш. Шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш иқтисодий барқарорликни издан чиқаради, инфляция даражаси ошишига реал хавф туғдиради, бу эса жамиятнинг иқтисодий асосларига путур етказиб, бозор иқтисодиётига ўтишни қийинлаштиради.

2. Жиноят объекти давлат ва жамиятнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобланади, чунки, биринчидан, бу қилмишни содир этиш натижасида олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларга қўйилган божлар давлат бюджетига келиб тушмайди, иккинчидан, республикадан мамлакат иқтисодий аҳамиятига эга бўлган, чиқарилиши таъқиқланган товарлар чиқиб кетишига йўл қўйилган бўлади.

Жиноятнинг бевосита объекти товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказишнинг белгилаб қўйилган тартиби ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асослари ҳисобланади.

3. Божхона қонунчилигини бузишнинг факультатив объекти предмети ва субъектига қараб, Ўзбекистон аҳолисининг соғлиғи, жамиятнинг ахлоқий ва руҳий таянчлари, республиканинг тарихий-маданий мероси бўлиши мумкин.

4. Жиноятнинг предмети ҳар қандай товарлар (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, мебель, ҳайвонлар ва ҳоказо) ски моддий қимматликлар бўлиши мумкин.

*Товарлар* — «ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари»<sup>1</sup> бўлиши мумкин. Товар сифатида, шунингдек, уй ва сввойи ҳайвонлар ҳам ҳисобланади. Санаб ўтилганлардан қуйидагилар товар ҳисобланмайди: йўловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан, контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари<sup>2</sup>.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, кўрсатилган ашёлар ушбу жиноятнинг предмети бўлиши учун эркин суръатда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибда ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини ва муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (чет эл валютаси, дори-дармон) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади<sup>3</sup>. Муайян ашёнинг муомала муносабатларида мавжуд эмаслиги ушбу ашё мазкур жиноят предмети бўла олмаслигидан далолат беради (масалан, божхона қонунчилигини бузишга лицензия, штамп, муҳрга оид муносабатларни киритиб бўлмайди).

5. Бошқа қимматликларга шундай ашё ва буюмлар кирадики, улар ўзининг тури, ҳолати ва қийматидан қатъий назар, алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Бундай қимматликларга нумизматика, қадимий буюмлар, санъат асарлари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқалар киради. Ушбу ашё ва буюмлар муомала воситаси бўла олади, лекин уларнинг фарқли жиҳати алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамиятидир. Қимматликларнинг ушбу жиҳатларини белгилаш учун тергов органлари ва судлар тегишли экспертизаларни тайинлашлари лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 7-модда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 82-модда, 3-қисми.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги 131-сонли қарори.



6. Ушбу модда доирасида ашё ва буюмларнинг товар ёки қимматликлар эканлигини белгилашда айбдор томонидан улардан қандай мақсадларда фойдаланилиши аҳамият касб этмайди. Улар тадбиркорлик ёки шахсий истеъмол мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Қуйидагилар ушбу жиноятнинг предмети бўла олмайди: кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, гихёвандлик воситалари, психотроп моддалар, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализмни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари, оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материал ва мосламалар. Чунки шарҳланаётган ижтимоий хавfli қилмишни ушбу предметлар билан содир этиш ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавfli фаолият назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

7. Божхона қонунчилигини бузишнинг объектив томонини юқорида кўриб ўтилган предметларни (товарлар ёки бошқа қимматликларни) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиш ташкил этади.

Олиб ўтиш деганда, товарларни ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулдан фойдаланиб, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувурлар орқали ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиб кетиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Бундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар:

- товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудига олиб кирилганда — божхона чегарасидан амалда ўтиш;

- товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб чиқилганда — божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспортларни олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатларни бажариш киради<sup>1</sup>.

8. Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси мамлакатнинг давлат чегарасига мос келмайди, чунки у, нафақат, Ўзбекистон Республикаси чегараси билан (Ўзбекистон Республикасининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 7-модда, 8-банди.

қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади), балки Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар билан ҳам белгиланади. Юқоридаги ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади, божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг теғралари божхона чегараси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади.

9. Товар ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан олиб ўтиш, башарти, у қонунда кўрсатилган қўйидаги усуллардан бири орқали содир этилса, божхона қонунчилигини бузиш ҳисобланади:

- божхона назоратидан яшириш орқали;
- божхона идентификация воситалари ёки ҳужжатларидан алдаш йўли билан фойдаланиш орқали;
- декларациясиз ёки товарнинг ўз номини бузиб декларация ёзиш орқали.

10. *Божхона назорати* — иқтисодий хавфсизликни, қонун ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуидир<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 39-моддасига биноан, божхона назорати божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан:

- божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни текшириш;
- жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўроқ қилиш;
- божхона текшируви;
- товарлар, транспорт воситалари, иншоотлар ва бошқа жойларни божхона томонидан қийёслаш;
- товар ва транспорт воситаларининг ҳисоби;
- ҳисоб ва ҳисобдорлик тизимини текшириш;
- божхона назоратидан ўтиши лозим бўлган товар ёки транспорт воситалари жойлашиши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга ошириладиган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш орқали амалга оширилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 3-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 июлдан 765-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан автомобил, темир йўл, авиация ва дарё ҳудудлари орқали ўтказишда чегара ва божхона назорати тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, 1-банди, 4-қисми.

Бундан ташқари, божхона назорати қонунчиликда назарда тутилган (масалан, шахсларни, уларнинг валюталарини, валюта қимматликларини, юкларини, шунингдек транспорт воситаларини божхона расмийлаштирилиши) бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

11. Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона назоратини четлаб олиб ўтиш, уларни божхона органлари мавжуд бўлмаган жойдан ёки божхона расмийлаштирилиши ва назорати амалга ошириладиган вақтдан ташқари олиб ўтказишни англатади.

12. Божхона назоратидан яшириш деганда, шахснинг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг ёки бошқа қимматликларни хуфия жойларда ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёхуд бир тусдаги ашёга бошқа иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушуниш лозим. Мулкни махсус сақлаш жойларига яшириб олиб ўтиш усулига алоҳида эътибор бериш керак, бундай жойларга хуфия жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сифимли идишларни ва бошқа ашёларни киритиш мумкин.

13. Ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан олиб ўтиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёки ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этишни тушуниш лозим. Қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжат деганда, айбдор тасарруфига ўрнатилган тартибни бузган ҳолда ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш орқали ёхуд қандайдир қонунга хилоф ҳаракатни (масалан, пора олиш натижасида) содир этиши натижасида келиб тушган ҳужжат тушунилади. Ушбу ҳолатни қўллаш учун божхона органига тақдим этиладиган ҳужжатнинг ёлғонлигини айбдор билганлигини ва билмаслиги мумкин эмаслигини исботлаш лозим. Акс ҳолда, шарҳланаётган моддани унга қўллаш мумкин эмас, чунки уни содир этишдан мақсад мавжуд эмас.

14. Агар қалбаки ҳужжат божхона қонунчилигини бузган ҳолда тайёрланган бўлса, унинг қилмишини жинойятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 182 ва 209 ёки 228-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 июлда 765-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан автомобил, темир йўл, авиация ва дарё худудлари орқали ўтказишда чегара ва божхона назорати тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, 1-банди.

15. Божхона қонунчилигини бузиш божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Божхона идентификация воситалари деганда, сўргичлаш, муҳриши, рақамли, ҳарfli ва бошқача тамғалар, идентификация белгиларини қўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёсини тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳокаюлар тушунилади. Идентификация воситалари, агар мавжуд товарлар ёки транспорт воситалари йўқолишига ёхуд қайта тиклаб бўлмас даражага келишига реал хавф мавжуд бўлган ҳолатлардан ташқари, барча ҳолларда божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки йўқотилиши мумкин.

16. Божхона идентификация воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат божхона органлари томонидан тағбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, йўқ қилиши, бузиши ёхуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилиши лозим.

17. Декларациялаш товарлар ёки транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштирилладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилувчи товар ва қимматликлар ёки ўзининг божхона режимини янгилаётганлар (масалан, божхона омборлари режимидан эркин омборлар режимига ўтаётганлар) декларацияланади. Бироқ, шарҳланаётган модда моҳиятидан келиб чиқиб, кўрсатилган усулларни божхона қонунчилигини бузиш, деб ҳисоблаш учун божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товар ёки қимматликларни декларация қилмаслик ёки бошқа номда декларация қилиниши қайд этилади.

Декларациялаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартиб ва шаклларда ариза бериш орқали амалга оширилади. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, Божхона декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайтдан бошлаб, у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 93-модда, 2-қисми.

Декларациялаш юритилмайдиган ва товарларни олиб ўтишнинг ҳуқуқий режимига боғлиқ предметларнинг алоҳида турларига нисбатан қонун билан махсус қоидалар ўрнатилган.

18. Товарларни ёки бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёхуд ўзгача ном билан декларацияга киритиш деганда, шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш шакли ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқиляётган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа қимматликларнинг тури, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади».

19. Товарлар гайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали амалда олиб ўтилган вақтдан эътиборан, бу товарлар ўзга МДҲ мамлакатларига ёки МДҲ мамлакатларига кирмайдиган бошқа давлатларга ўтказилганлигидан қатъий назар, жиноят тугалланган ҳисобланади.

Ана шундай олиб ўтишга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳаракатлар жиноятга суиқасд, деб квалификация қилиниши лозим.

20. Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан гайриқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик, товар ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш усулидан қатъий назар, кўп миқдорда содир этилган бўлса ва айбдор шахсга нисбатан шундай ҳаракатлари учун маъмурий чоралар қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилгандан сўнг қўлланилади.

(Кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

21. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс товар ёки қимматликларни божхона чегарасидан гайриқонуний олиб ўтаётганлигини англаб етади ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишни хоҳлайди.

22. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, фуқаролиги мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Шунга эътибор бериш лозимки, жиноят ҳуқуқининг умумий принципларидан келиб чиқиб, жавобгарликка фақатгина жиноятни содир этган айбдор тортилиши лозим. Шу туфайли мулкдор, агар декларант, юк ташувчи томонидан содир этилган ҳуқуқбу-

қаршиқлар унинг қасди билан қамраб олинмаса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

23. Таҳлил қилинаётган жиноятни ЖКнинг 182-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, квалификация қилиш белгилари қуйидагилар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилганлиги ҳисобланади.

24. (Жуда кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳига қаранг).

Олиб ўтилган товарнинг нархини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг «Божхона тарифлари тўғрисида»ги Қонунида ўрнатилган қоидаларни қўллаш керак.

25. Шарҳланаётган модда бўйича бузиб ўтиш деганда, товар ёки бошқа қимматликларни божхона хизматининг розилигини олмасдан очиқчасига олиб ўтиш тушунилади.

Ушбу модда бўйича божхона хизмати деганда, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларини тушунмоқ лозим.

26. Очиқчасига олиб ўтиш деганда, божхона хизмати ходимларининг товарлар олиб ўтилиши ҳақида хабардорлиги тушунилади. Божхона хизматининг хабардорлиги, қонунчилик қоидаларига зид содир этилаётган маълумотлар тақдим этилишидан ва божхона органининг олиб ўтишни бевосита назорат қилишидан келиб чиқади. Жиноятчи субъектга квалификация қилинаётган ушбу белгилар бўйича айбни қўллаш учун шахсга товар ёки қимматликларни гайриқонуний олиб ўтишаётганлиги ҳақида божхона органлари хабардорлигини билганлигини ва билмаслиги мумкин эмаслигини аниқлаш лозим. Агар айбдор товар ёки қимматликларни ноқонуний олиб ўтаётганлигидан божхона хизматининг хабардорлигини (масалан, божхона чегарасидан товарларни олиб ўтаётган шахснинг ҳаракатлари видеокамерага олинади) билмаса, шарҳланаётган квалификация белгилари мавжудлигини аниқлаш мумкин эмас.

Товарларни очиқча олиб ўтиш ҳам божхона хизматининг рухсатини олмасдан туриб амалга оширилиши керак, яъни бундай ҳаракатни амалга оширишга расмий рухсатнома бўлмаслиги ло-

зим. Товарларни олиб ўтишга рухсатноманинг мавжуд эмаслиги тўғрисида, шунингдек, бундай ҳаракатларни санкциялаш ваколати мавжуд бўлган мансабдор шахснинг тўғридан-тўғри таъқиқ қўйиши ҳам далолат беради<sup>1</sup>.

Бузиб ўтишни қўйдаги ҳолатлар йиғиндиси ташкил этади: а) товар ва қимматликларни очиқча олиб ўтиш; б) божхона хизмати ваколатли шахсининг рухсатсиз олиб ўтиш. Кўрсатилган ҳолатлардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги шахснинг ҳаракатида шарҳланаётган ЖКнинг 182-моддасидаги квалификация белгилари мавжуд, деб топилишига йўл қўймайди.

27. (Уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилган жиноятлар тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

Божхона қонунчилигини бузишга доир муносабатларда шарҳланаётган белгилар шундан иборатки, ЖКнинг 182-моддаси бўйича жавобгарликка, нафақат, божхона чегарасидан товар ёки бошқа қимматликларни бевосита олиб ўтаётган шахслар, балки уюшган гуруҳнинг барча иштирокчилари (масалан, божхона чегарасидан гайриқонуний олиб ўтиш мақсадида харид қилганлар ёки олиб ўтилгандан сўнг қонунга хилоф равишда олиб ўтилганлигини олдиндан била туриб харид қилганлар, бунда уларга божхона назорат пунктида ёки ундан ташқарида ноқонуний олиб ўтишга ёрдам берганлар) киради.

28. Уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган шахс томонидан чет элдан олиб келинган товар ёки қимматликни олдиндан ваъда бериб харид қилиш шарҳланаётган белгининг иккинчи қисмини — жиноят уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилишини ташкил этади.

29. Агар шахс Ўзбекистон Республикаси чегарасидан товар ёки бошқа қимматликларни гайриқонуний равишда олиб ўтиш билан биргаликда, бошқа жиноятларни (масалан, қимматбаҳо тош ва металлларни қўлга киритишни, этил спиртини, алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг гайриқонуний муомаласини) ҳам содир этса, унинг қилмишини жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 185<sup>1</sup> ва 186<sup>1</sup>-моддалари билан квалификация қилиш керак.

30. Хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда божхона қонунчилигини бузиш — божхона органларининг мансабдор шахси, яъни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 ноябрда 835-сон билан рўйхатга олинган «Божхона органлари томонидан қўлланиладиган махсус воситалар тўғрисида»ги Йўриқнома, шунингдек, 1995 йил 10 февралдаги «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатлари божхона қонунчилиги асослари тўғрисидаги» қарори 217-моддасида рухсатсиз олиб ўтиш тушунчалари берилган.

ваколат доирасига назорат функцияси ва божхона қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятлар юклатилган шахс томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан олиб ўтишидир<sup>1</sup>. Ушбу жиноятни содир этишда мансаб ваколатидан фойдаланиш деганда, шунингдек, божхона қонунчилигини бузиш бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз ваколатини суиистеъмол қилиши орқали содир этилишини ҳам тушуниш лозим.

Хизмат ваколатидан фойдаланиш божхона қонунчилигини оёвсита бузишда, яъни тегишли мансабдор шахс товар ёки бошқа қимматликларни мустақил равишда божхона чегарасини бузган ҳолда олиб ўтишида ҳам ифодаланади. Бундай ҳолатда у шарҳланаётган жиноятнинг ижрочиси ёки бажарувчиси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди, чунки улар ЖКнинг 182-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган таркибни тўлиқ қамраб олади. Агар товар ва бошқа қимматликларни олиб ўтиш мансаб ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан, мансабдор шахс ёрдамида содир этилса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 28-моддаси ва 182-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар билан, шунингдек, содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ равишда ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари билан квалификация қилинади.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ушбу масалага оид қабул қилинган қарорида Ўзбекистон Республикаси чегараларидан товар ёки бошқа қимматликларни контрабанда йўли билан ёки ноқонуний олиб ўтган айбдорларга нисбатан жазо қўллашда судлар ЖКнинг 45-моддасига асосланиб, шахсларни жиноят содир этишда фойдаланилган муайян ҳуқуқларидан маҳрум этиш масалаларини ҳал этишлари лозимлигини таъкидлайди.

32. ЖКнинг 182-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган нодавлат тижорат ва бошқа ташкилотларнинг айбдор раҳбарлари бошқа белгилар (масалан, кўп миқдор) мавжуд бўлмаганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

33. Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ғайриқонуний равишда олиб ўтиш, чегарадан ташқарига ғайриқонуний равишда чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки белгиланган гартибларни бузиб, чегарадан ўтиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни.



билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар жиноятлар мажмуи бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182 ва 223-моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

34. Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан, шарҳланаётган жиноят предметлари ҳисобланувчи товар ва бошқа қимматликлар ашёвий далил сифатида давлат фойдасига ўтказилади. Айбланувчига шахсий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ташиш воситалари ва бошқа воситалар жиноят қуроли тариқасида мусодара қилиниши лозим. Контрабанда ашёлари айбдор томонидан реализация қилинган бўлса, суд уларнинг қиймагини судлангандан ундириш масаласини муҳокама қилиши лозим (Фуқаролик кодексининг 509-моддаси).

35. Божхона қонунчилигини бузиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар бу жиноятларнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари ва уларга хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабатларини билдиришлари шарт.

### **183-модда. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш**

*Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб, тақдим қилиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонун-қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаганлик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ушбу жиноятни содир этиш натижасида алоҳида хўжалик субъектларига монополистик фаолиятни амалга ошириш учун реал имконият вужудга келади. У бозор иқти-

солиғи фаолиятига жуда салбий таъсир этади, чунки бозор иқтисодиёти амалга оширишнинг асосий шартларидан бири монополия билан сиғишмайдиган эркин рақобатдир. Рақобат шартлари нарча мулк шакллариининг тенглиги капиталнинг бир муҳитдан охиққа муҳитга эркин оқиб ўтишини таъминловчи ишлаб чиқилган иқтисодий механизм ҳисобланади. Иқтисодий муносабат ишироқчиларининг иқтисодий эркин бўлиши шартдир. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш бозорнинг юқорида кўрсатилган муҳим элементларига, шунингдек, алоҳида фуқаролар, жамият ва давлатга ҳам моддий зарар етказади.

2. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш жиноятининг объекти ўрнатилган тартиб ва бозорни самарали бошқариш қондалари шаклидаги Ўзбекистон иқтисодиётининг асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларини амалга оширишларига тўсқинлик қилувчи монополистик фаолиятни амалга оширишнинг олдини олувчи муносабатлар ҳисобланади. Факультатив объекти хўжалик субъекти сифатида фаолият кўрсатмайдиган алоҳида фуқаролар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари бўлиши мумкин.

3. Объектив томондан ЖКнинг 183-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар монополияга қарши фаолият олиб бориш вақолат доирасига кирувчи органга ахборот бермасликдан ёки била туриб, нотўғри маълумотларни тақдим қилишдан иборат бўлади.

4. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига кўра, «Товар бозорларида рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополистик фаолиятини ва инсофсиз рақобатини чеклаш ҳамда тўхтатиб қўйиш соҳасида давлат сиёсатини монополияга қарши давлат органи олиб боради»<sup>1</sup>. Буларга Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси<sup>2</sup>, шунингдек, унинг ҳудудий органлари киради. Айнан қўмита бўлинмалари ва қўмитанинг ўзи бир бутунликда монополияга қарши фаолият олиб боришга вақолатли орган сифатида қабул қилинади. Шу сабабли ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни, 9-модда, 1-қисми.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 3602-сон.

маълумотларни, била туриб, бошқа давлат органларига тақдим қилиш монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига асосан, давлат монополияга қарши орган сўров асосида унинг тури ва сифат хусусияти ҳамда хўжалик субъекти учун аҳамиятлилигидан қатъий назар, исталган ахборотни олиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>. Масъул шахслар давлат қўмитасига ҳар қандай ахборотни, яъни:

- хўжалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги акцияларнинг ўттиз бешдан ортигини, улушини ҳар қандай усулда (харид қилиш, алмаштириш, ҳадагга олиш, ишончли бошқарув ва ҳоказо) олиши тўғрисида;

- хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёхуд унинг ижроия органи вазифаларини амалга ошириш шартларини белгилаш имконини берувчи ҳуқуқларни ҳар қандай усулда (сайлаш, келишув, топшириқ ва бошқалар орқали) олиши тўғрисида;

- битимлар тўғрисида, яъни унинг натижасида табиий монополия субъекти товар ишлаб чиқариш (реализация) учун мўлжалланмаган, давлат томонидан тартибга солинадиган, асосий воситаларга мулк ҳуқуқини қўлга киритиши ёки асосий воситалардан фойдаланиш ҳуқуқини олиши, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағини ўн фоиздан ортигини ташкил этса;

- табиий монополия субъекти бошқа хўжалик субъектига эгаллик ҳуқуқини ёки табиий монополия тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган асосий воситаларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган битимлар тўғрисида, агар ушбу асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти маблағининг ўн фоиздан ортигини ташкил этса;

- холдинг ташкил этиш, яъни активлари қаторига бошқа ташкилотларнинг назорат пакети акциялари кирадиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини тузиш тўғрисида<sup>2</sup>;

- муайян хўжалик субъектининг товар бозоридаги, савдо-сотиқ ҳажми ва бозордаги улуши чегарасини белгиловчи маълумотларни. Бундай маълумотлар қаторига, масалан, товарларни реал-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуни, 11,12-моддалари.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган «Холдинглар тўғрисида»ги Низом.

низация қилиш, уларни муайян ҳудудларга олиб кириш ва уларни олиб чиқиш ҳажми тўғрисидаги маълумотларни киритиш мумкин;

• Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси комиссияси ёки уларнинг ҳудудий органлари томонидан монополияга қарши қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишларни тайёрлаш ва кўриш учун талаб этиладиган, шунингдек, унинг қарор ва йўриқ-номаларини ижро этиш учун зарур бўладиган маълумотлар. Жавобгар шахслар, нафақат, керакли ҳужжатларни тақдим этиши, балки зарур ҳолларда ўзлари суҳбатларга келиб, ёзма тушунтириш беришлари лозим.

• монополь маҳсулотга қатъий ва тартибга солувчи нархларни (тарифларни) шакллантириш, асослаш ва қўллашга доир;

• табиий монополия субъектлари томонидан истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларига риоя қилинишига доир;

• табиий монополия субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишга доир;

• қонунчиликда белгиланган ҳолатларда молиявий-ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этишга доир маълумотларни беришлари шарт<sup>1</sup>.

Маъмурий органларнинг талаби билан ёки талабсиз тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати юқоридагилар билан чегараланмасдан, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси талаби билан жавобгар шахслар бошқа маълумотларни ҳам тақдим этишлари лозим. Шу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарурки, монополияга қарши органлар томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар фақат монополия фаолиятини амалга ошириш ёки монополия фаолиятини амалга ошириш эҳтимоли мавжудлиги билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади, бундай масалаларга тегишли бўлмаган ҳужжатларни ушбу органлар талаб қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, ҳокимият ваколатларини очиқчасига суиистеъмол қилиш сифатида айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим бўлади.

6. Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда масъул шахснинг мустақил равишда ёки монополияга қарши курашувчи орган-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 19 декабрда 197-сон билан рўйхатга олинган «Маъмурий талабларни инобатга олган ҳолда молиявий-ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этиш бўйича таклифларни (лойиҳа) кўриб чиқиш Тартиби», 1.1-банди.

нинг талаби билан тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларни монополияга қарши курашувчи органларга тақдим этмаслиги маълумотларни тақдим этмаслик, деб тан олиними лозим.

Маълумотларни тақдим этмаслик монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли органга беришдан бош тортишда ёки турли хил баҳоналар билан белгиланган муддатда топширмасликда намоён бўлиши мумкин. Маълумотларни тақдим этмаслик, шунингдек, юклатилган мажбуриятларга масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ёки эсдан чиқариб юборишда ҳам намоён бўлиши мумкин.

7. Давлат монополияга қарши органига маълумотларни тақдим этмаслик формал таркибли жиноят ҳисобланади, яъни муайян бир оқибат келиб чиқишидан қатъий назар, мажбурият юклатилган шахс ушбу маълумотларни тақдим этиши лозим бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жиноятни қачондан бошлаб тугалланган, деб топиш вақти, ҳар бир алоҳида ҳолатда уни тақдим этишга масъул шахс ва маълумотнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Масалан, хўжалик субъектининг 35 фоиздан кўпроқ акцияси сотиб олинганда, бундай шартнома ҳақидаги маълумот қуйидагилар томонидан тақдим этилади:

- акцияларни сотиб олган шахс томонидан шартнома тузилгунча. Шунинг учун бундай маълумот шартнома тузилгандан сўнг тақдим этилиши монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида кўрилади;

- инвестиция институтлари (масъул шахс) ва қимматли қоғозлар олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказувчи бошқа шахслар томонидан бундай шартномалар (масалан, давлат монополияга қарши кураш органининг рухсати бўлмаганда) тузилишида қоидабузарликлар мавжудлиги аниқланганда – 3 кун ичида.

8. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб, тақдим қилиш орақали ҳам содир этилади.

Ушбу модда доирасидаги маълумотларга бевосита монополистик фаолиятни амалга ошириш ёки амалга ошириш эҳтимолини назарда тутувчи ахборотлар киради. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ваколатларига кирмайдиган масалаларни қамраб олган маълумотлар ЖКнинг 183-моддаси бўйича маълумот бўла олмайди.

9. Юқорида кўрсатилган маълумотларни тақдим этиш деганда, уларнинг монополияга қарши курашувчи органларнинг ваколатли шахсларига расмий равишда хабар беришлари тушунилади. Рас-

мий равишда хабар бериш бу ваколатига монополияга қарши органга маълумотни тақдим этиш юклатилган шахс ёки ушбу органининг бевосита сўрови юборилган мансабдор шахс ҳисобланиб, ушбу хабарда ким томонидан (қайси юридик шахс, давлат органи, ваколатли шахс) юборилаётганлиги тўла-тўқис ақс этирилган бўлади. Агар монополияга қарши органга ушбу талабларга риоя қилмаган ҳолда маълумот, хабар берилган бўлса, у расмий хабар бериш, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

10. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш деганда, фақатгина била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилиш тушунилади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар монополистик фаолиятни белгиловчи муҳим далилларни тўлиқ ёки қисман бузиб кўрсатадиган ҳужжатдир.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга, шунингдек, далилларни бузиб кўрсатмаса-да, уларни ўзида ифодаламайдиган ёки яшириб кўрсатадиган ахборотлар киради. Бунда вужудга келган ҳолатни нотўғри баҳолаш учун реал хавф туғилади. Масалан, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, уларнинг бир қисмини яшириб кўрсатиш монополияга қарши органга ташкилотнинг устав фондининг 5 фоизи миқдоридagi акциясини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумот билан бирга, сотиб олувчида бошқа шартномалар асосида олдиндан 32 фоиз акциялар мавжудлиги ҳақида хабар берилмаслигидир.

Хўжалик субъектининг бир қисми иқтисодиётнинг маълум соҳаларида монополистлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайдиган, деб ҳисобланиши мумкин эмас. Хабар муайян субъектга ёки аниқ белгиланган субъектлар гуруҳига тааллуқли бўлиши керак. Масалан, муайян бозор субъекти бошқа тадбиркорларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилаётганлиги тўғрисида хабар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бундай хабарлар етарли шартлар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 139-моддаси ёки 192-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши мумкин.

11. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни хабар бериш орқали монополияга қарши қонунчиликни бузишнинг зарурий белгиси айбдор томонидан била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилишидир.

Била туриб деганда, монополияга қарши органга маълумотни хабар қилган жавобгар шахс, ишнинг объектив ҳолатларидан келиб чиқиб, ушбу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини, улар ёлғонлигини билган бўлишидир. Агар жавобгар шахс ишни объек-

тив ҳолатлардан келиб чиқиб билмаган ёки билиши лозим бўлмаган бўлса, монополияга қарши қонунчиликни бузиш, деб квалификация қилиниши мумкин эмас.

12. Била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни монополияга қарши органга тақдим этиш, ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ваколатли шахси томонидан олинган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

13. Монополияга қарши курашувчи органга монополияга қарши қонунчиликни бузиб ахборот тақдим этмаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотни тақдим этиш, айбдор шундай қилмишлар учун бир йил ичида олдин ҳам маъмурий жазо олган бўлса, ижтимоий хавfli қилмиш, деб топилади. Айбдорни ушбу модда бўйича жавобгарликка тортиш учун маъмурий преюдиция талаб этилади (маъмурий преюдиция тўғрисида тўлароқ маълумот учун ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг).

14. Субъектив томондан ЖКнинг 183-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни тақдим этиш фақатгина тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятни содир этиш мақсад ва мотивлари турли хил бўлиши мумкин. Бу, нафақат, бозорда монополистик ҳолатни ўрнатиш, балки шахсий бойишга қаратилган қасд манфаатлари ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши лозим.

15. Жиноятнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тегишли маълумотларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, хўжалик субъектлари билан келишиб ёки мустақил равишда ҳаракат қила оладиган ижро ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари субъект бўлиши мумкин.

Агар монополияга қарши қонунчиликни бузиш давлат органининг мансабдор шахси томонидан содир этилган бўлса (масалан, устав фондининг 35 фоиз акциясини (улушини) сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаслик), ишнинг мавжуд ҳолатларидан келиб чиқиб, унинг ҳаракатлари жиноятлар маж-

муи тариқасида ЖКнинг 183-моддаси ва 205, 207-моддалари ёки ЖКнинг 208-моддаси бўйича квалификация қилинади.

16. ЖКнинг 183-моддаси, 2-қисмида монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаб:

- қонунбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги;
- дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги;
- шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги;
- ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажариш ҳақидаги монополияга қарши курашувчи органнинг талабларини бажармаслик ёки бўйин товлашда ифодаланади.

17. ЖКнинг 183-моддаси, 2-қисми объектив томони монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг талабларини ёки бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаслик, худди шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарлик қўлланилганидан сўнг содир этилиши билан тавсифланади.

18. Агар текшириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганлиги ёки бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги аниқланса, кўрсатма бажарилмаган ҳисобланади.

Кўрсатма қуйидаги ҳолларда қисман бажарилмаган ҳисобланади:

- кўрсатмага мувофиқ бартараф этилиши керак бўлган барча қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда;
- кўрсатмада назарда тутилган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва органларга нисбатан қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилмаганда.

Кўрсатмалар ўз вақтида бажарилмаган деганда, кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади<sup>1</sup>.

19. Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деганда, кўрсатманинг субъект томонидан бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлиги тушунилади<sup>2</sup>. Кўрсатмаларни бажармаслик кўрсатмаларни бажаришдан бош тортишдан қуйидагилар билан фарқ

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 4-бўлими, 28-банди, 6,7,9-қисмлари.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 4-бўлими, 28-банди, 8-қисми.



қилади. Биринчиси, фақат эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади, иккинчиси эса, тўғри қасд билан содир этишда ифодаланган ҳаракатсизликдир. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, агар қонун билан белгиланган ижро этиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, кўрсатилган талаблардан бирортаси ҳам бажарилмаётган тақдирда кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш, деб топиши лозим.

20. Монополияга қарши курашувчи органнинг талаблари ва бошқа қонуний кўрсатмаларини бажармаслик ёки бажаришдан бош тортиш актив шакл (кўрсатмани қабул қилмаслик, адресини ўзгартириш ва ҳоказо)да ёхуд пассив шакл (кўрсатмада кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф этиш чораларини кўрмаслик)да ифодаланиши мумкин. Бироқ, бажармаслик ва бажаришдан бош тортиш шакллари қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

21. Субъект томонидан қарор (кўрсатма)нинг муддатида бажарилмаслиги жиноятни тугалланган, деб топишга олиб келади. Бу муддатга, шунингдек, субъектнинг аризаси бўйича унга берилган қўшимча муддатлар ҳам киради.

22. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини монополияга қарши органнинг қарор (кўрсатма)ларини бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлаш шаклида бузиш ҳаракатлари маъмурий преюдиция мавжуд бўлганда ижтимоий хавфли ҳисобланади.

23. Субъектив томондан ЖКнинг 183-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят ҳам қасддан (бўйин товлаш), ҳам эҳтиётсизликдан (бажармаслик) содир этилиши мумкин. Ушбу қилмишнинг мақсад ва мотивлари турлича бўлса ҳам, унинг квалификация қилинишига таъсир этмайди.

24. ЖКнинг 183-моддаси, 2-қисми жиноят субъекти ЖКнинг 183-моддаси, 1-қисми субъекти билан бир хилдир.

### **184-модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш**

*Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш:*

*а) такроран;*

*б) кўп миқдорда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ нузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Солиқ ёхуд бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, мазкур жиноят содир этилганда давлат бюджети олиши керак бўлган маблағларни олмайди, бу эса давлатнинг ҳаётнинг турли соҳаларида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган моддий-техник имкониятларини камайтиради. Бундан ташқари, солиқ турларидан бош тортиш бошқа жиноятларни содир этиш, яширин иқтисодиёт шаклланиши учун замин яратади, бозор муносабатлари ривожланиши ва фаолиятига тўсқинлик қилади, чунки бюджет сиёсатининг барқарорлигини бузади, жамиятда ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликни вужудга келтиради. Бунинг ҳаммаси таҳлил қилинаётган қилмиш иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган энг оғир жиноятлардан ҳисобланишини тасдиқлайди.

2. Жиноят объекти ҳар бир жисмой ва юридик шахс томонидан қонун билан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдек конституциявий бурчларни бажариш бўйича давлатнинг молиявий соҳадаги ижтимоий муносабатларидир.

3. ЖКнинг 184-моддасида жавобгарликни назарда тутувчи жиноятнинг предмети — солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобланади. Бу тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигида қўлланилган таърифларга мурожаат этиш лозим.

Қонунчиликка мувофиқ, юқорида қайд этилган атамалар маъноси қуйида келтирилган:

- *солиқлар* — давлат ва (ёки) маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида ташкилот ва жисмоний шахслардан уларга тегишли бўлган пул маблағларини бегоналаштириш шаклида олинадиган мажбурий, индивидуал қайтариб берилмайдиган тўловлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади:

- *умумдавлат солиқларига* юридик шахслар даромад (фойда) солиғи; жисмоний шахслар даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; экология солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар киради;

- *маҳаллий солиқлар ва йиғимларга* қўйидагилар киради: мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

- *йиғимлар* — бу маданий-маиший хизматларни кўрсатиш ёхуд ҳукуматнинг маҳаллий органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа чора-тадбирларни, масалан, савдо ҳуқуқи учун тўлов, товарларнинг алоҳида турлари савдоси учун лицензия тўлови кабилар амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қисман қоплаш учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан ўрнатилган тўловлардир. Ўзбекистонда фақат маҳаллий йиғимлар кўзда тутилган;

- *божлар* — Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги томонидан ўрнатилган, жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда маълум ҳаракатларни қилиш ва юридик аҳамиятга эга ҳужжатларни махсус ваколатли муассасаларда (масалан, нотариал ҳаракатларни амалга оширганда, суд йўли билан баҳсларни ҳал қилганда ва ҳоказоларда) ҳужжатларни бериш учун олинадиган тўловдир.

- *бошқа тўловлар* — бу амалдаги қонунчилик билан белгиланган, турли мақсадли давлат бюджетидан ташқари жамғармаларга жисмоний ва юридик шахслар даромадларидан пул маблағларини мажбурий ўтказиш, масалан, Нафақа фонди, Йўл фонди, ижтимоий ва шахсий суғурта, мулк суғуртаси бўйича тўловлар ва ҳоказо.

Бунда солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилганлигини ҳисобга олиш лозим ва шунинг учун ҳар бир алоҳида вазиятда мазкур жиноят айнан қайси индивидуал белгиланган тўловга нисбатан содир этилганлигини аниқлаш лозим.

4. Объектив томондан солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш даромад ёхуд бошқа тўловларни ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш, камайтириб кўрсатиш, анча миқдордаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий чоралар кўрилгандан сўнг анча миқдорда содир этилиши билан тавсифланади.

5. *Фойда (даромад)* — мазкур модда маъносида — жами даромад билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

*Жами даромадга* — жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

6. *Чегирмалар* — бу қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ солинадиган базанинг камайишига олиб келувчи солиқ тўловчининг харажатлари ҳисобланади.

7. Солиқ солишнинг бошқа объектлари деганда, мазкур модда доирасида шундай предмет ва ҳуқуқларни (даромаддан ташқари) тушуниш жоизки, улар мавжуд бўлганда солиқ мажбурияти пайдо бўлади ва уларнинг сифати солиқ миқдорини белгилайди.

Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ, солиқ солишнинг бошқа объектларига қўйидагилар киради: товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш обороти ва товарлар импорти, акциз тўланадиган товарлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннари, жисмоний ва юридик шахслар эгалигидаги мулк, ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми.

8. Фойдани, даромадни ёхуд солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш — бу солиқ органларига тақдим этиладиган тегишли ҳисобот ҳужжатларида уларни олганлик тўғрисида ҳақиқий маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида уларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузганлик<sup>1</sup>. Масалан, тақдим этилган маҳсулотларга тўловни учинчи шахсга бериш, хўжалик оборотидаги векселлардан фойдаланиш, бартер асосида контрактлар тузиш — даромадларни яшириш ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари тўплами. 1991—1998. 2-жилд. 159-бет.

9. Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларини камайтириб кўрсатиш солиқ органларига тақдим қилинадиган ҳисобот ҳужжатларига била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, балки уни пасайтириш ва камайтириш томонига маълумотлар киритишда ифодаланади.

10. Шунинг назарда тутиш лозимки, даромад (фойда) ёки солиқ солишнинг бошқа объектларини яшириш ёхуд камайтириб кўрсатиш — солиқ ёки бошқа тўловлардан бўйин товлаш услубидир. Бошқача айтганда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш турли услубларни ўз ичига олган кенгроқ тушунчадир, уни давлат ёхуд маҳаллий бюджет ҳисобига мажбурий тўловларнинг олиннадиган ҳажмини пасайтириш мақсадида солиқ органларини алдаш, деб тушуниш лозим.

11. Солиқ тўлашдан бошқача усулда бўйин товлаш деганда, нарсалар ҳақиқий ҳолатини қасддан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб нотўғри ахборот беришнинг турли услубларини қўллаш, тўланадиган солиқ ҳажмини камайтириш мақсадида маълум факт, ҳолат, ҳодисалар борасида янглиштириш тушунилади. Солиқ ёхуд бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш услублари турлича ва аксарият ҳолларда тўланаётган солиқ турига боғлиқ, хусусан, буларга солиқ органларига солиқ тўлаш объектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларига рўйхатга қўймаслик каби ҳолатлар киради. Мазкур жиноятни содир этиш услублари уни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бироқ, шунинг назарда тутиш лозимки, изоҳланаётган жиноятнинг содир этилишининг алоҳида услублари мустақил қилмиш, деб тан олинмиши ва мустақил квалификация қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан, акцизсиз савдо фаолиятини амалга оширишда, устав фаолиятини амалга оширмасликда, рўйхатдан ўтмасдан савдо қилишда ёхуд воситачилик фаолияти билан шуғулланишда ва бошқа ҳолатларда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

12. Жиноят солиқ қонунчилигида ўрнатилган солиқ солиш тўлашнинг тегишли муддатида солиқ тўланмаган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун аввалги ҳаракатлар (бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, солиқ органларига ёлғон ҳисобот бериш ва ҳоказолар)нинг ҳаммаси жиноят содир этишга тайёргарлик кўришдир. Агар тўлов ҳақиқат-

та кам тўланган бўлмаса, айбдор ҳаракатида ҳақиқий жиноят тартиби мавжудлигини тасдиқлаш мумкин эмас.

13. Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш қуйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлгандагина жиноят, деб тан олинади: тўланмаган тўловнинг анча миқдордалиги ва маъмурий преюдиция (маъмурий преюдиция ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг).

14. Тўланмаган солиқ солиқнинг аввал тўланган қисми билан қўшимча тўланиши керак бўлган солиқ ўртасидаги фарқдир. Агар солиқ мажбурий тартибда ундирилса, тўланмаган, деб топилади, солиқ тўлаш ихтиёрий равишда жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатсизликни тўхтатади ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб тан олинади лозим (ЖКнинг 26-моддаси шарҳига қаранг).

15. Тўланмаган солиқнинг миқдорини аниқлашда шуни назарда тутиш лозимки, бунда солиқ солиш объектнинг яширилган ёки камайтириб кўрсатилган миқдори эмас, балки айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ объектдан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тушунилади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак. Тергов органлари ва судлар тўланмаган солиқ, даромад ва солиқ тўланадиган бошқа объектларнинг миқдорини аниқлашда Солиқ кодексининг олтинчи боби (чегирмалар ва зарарлар) талабларини ҳисобга олишга мажбурдирлар, яъни бунга биноан фойдани (даромадни) аниқлашда, масалан, ходимларнинг иш ҳақи, асосий фондларни таъмирлаш, ижара тўлови бўйича ва бошқа харажатлар чегирилиб ташланади.

Солиқ ёки бошқа тўловлардан бўйин товлаш оқибатида етказилган зарар миқдорини аниқлашда жиноят тугалланган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиш лозим.

16. Субъектив томондан жиноят айбнинг қасд шакли билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англайди ва солиқлар ёхуд бошқа тўловларни йирик ҳажмда тўламаслик оқибатини келтириб чиқаришни хоҳлайди ёхуд бунга онгли равишда йўл қўяди. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг вужудга келиши имкониятларини билмаслик жинойий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Мазкур жиноят эҳтиётсизлик юзасидан содир этилиши назарда тутилмаган.

17. Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясига биноан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳаракатда, худди шунингдек, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкинлигидан, аммо фақат қасддан содир этилишидан келиб чиқиб тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг мақсадини ва ҳақиқий ниятини аниқлашга мажбурдирлар. Хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйиш ҳолатларининг ўзинигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади.

«Агарда ҳисобот кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар томонидан солиқ органларига ҳар чоракда тақдим этилиши лозим бўлса, ойлик солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашда бўйин товлаш, мисол учун мансабга совуққонлик билан қараш оқибатида, ҳисобот даври келгунга қадар, молиявий санкцияни ҳисобга олган ҳолда кейинчалик уларни тўлган тақдирда ҳам Жиноят кодексининг 184-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас»<sup>1</sup>.

18. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Бундай субъект, деб қонунга мувофиқ даромад, фойда ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ҳақида тўлиқ ахборот бериш ҳамда давлат фойдасига белгиланган тўловларни киритиш вазифаси юклатилган шахслар тан олиниши мумкин. Булар қаторига, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш, ҳужжатлар тақдим қилиш зиммасига юклатилган мансабдор шахслар (корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчилари ва ҳисобхонанинг мансабдор шахслари) киради.

Қонунга биноан, белгиланган ҳисобот шаклида ҳужжатлар тақдим этишга ва солиқ тўлашга мажбур бўлган жисмоний шахслар (солиқ тўловчилар) ҳам ушбу жиноятнинг субъектлари бўлиши мумкин. ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг содир этилишини ташкил қилган ёки унга раҳбарлик қилган ёхуд ўзларининг ҳаракатлари билан фойда (даромад)ни ёки солиқ со-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни суд амалиётида қўллаш тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 17-банди, 2-қисми.

линадиган бошқа объектларнинг камайтирилишида иштирок этишга раҳбар, бош ҳисобчи, солиқ тўловчини даъват этган ёхуд бу жиноятни содир этилишига маслаҳат, кўрсатма билан кўмаклашган бошқа шахслар ЖКнинг 30-моддасига мувофиқ ва ЖКнинг 184-моддаси тегишли қисми бўйича жиноятнинг иштирокчилари (ташкilotчи, далолатчи ёки ёрдамчилар) сифатида жавобгарликка гортиладилар.

Агарда, мазкур жиноятни содир этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг иштироки бўлса ва улар таҳлил қилинаётган қилмишнинг содир этилишига қасдан ёрдам беришса, уларнинг ҳаракатини тегишли белгилар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 205, 209, 210-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

19. ЖКнинг 184-моддаси, 2-қисми содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноят таркибининг квалификация қилинган қуйидаги белгилари мавжуд бўлганда жавобгарликни назарда тутди:

- а) такроран;
- б) кўп миқдорда.

(Такрорийлик тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг). Бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур жиноятнинг такроран содир этилиши солиқ тўлашдан бўйин товланганлик учун ЖКнинг 184-моддаси қайси қисми билан жавобгарлик назарда тутилишидан қатъий назар, қайд этилиши лозим. Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан иборат бўлса, бу ҳаракатларнинг такрорийлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш кўринишидаги ҳар бир тугалланган жиноят мустақил квалификация қилиниши лозим, бунда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисм бўйича юзага келади.

20. ЖКнинг 184-моддаси, 3-қисмида жуда кўп миқдорда солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш жинояти содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади (жуда кўп миқдор тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳига қаранг).

21. ЖКнинг 184-моддаси, 4-қисмида рағбатлантирувчи норма мустаҳкамланган, унга мувофиқ, «қасдан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди», дейилади.



## 184'-модда. Бюджет интизомини бузиш<sup>1</sup>

*Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Бюджет интизомини бузишнинг ижтимоий хавфи мазкур жиноят содир этилиши натижасида бюджетда асоссиз тақчиллик пайдо бўлишини, ёрдамга муҳтож муассаса ва ташкилотларни талаб қилинган воситалар, маблағлар билан таъминламаслик учун ҳақиқий асос пайдо бўлади. Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа билан ва ўз ўрнида ишлатишга йўл бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик кайфияти шаклланади, бу эса, Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳот-

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

ларнинг жамият томонидан идрок қилинишига салбий таъсир ўтказди, уларни обрўсизлантиради.

2. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят объекти чиқим лимитига риоя қилиш, бюджет маблағларини қонуний ва мақсадли сарф этишнинг ўрнатилган тартибига риоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

3. Бюджет интизомини бузиш предмети деб, бюджет маблағлари, яъни давлат бюджетига кирган ва қонунда ўрнатилган тартибда бу маблағларни олувчига ажратилган моддий ва пул маблағлари тан олиними лозим.

Бюджет маблағларини ажратиш деганда, олувчига моддий ва пул маблағларини бевосита йўналтириш ҳамда унга тегишли бўлган воситаларни мақсадли ишлатиш шarti билан бюджетга ўтказишга рухсат тушунилади.

4. Давлат бюджети ёки унинг қисми таркибига кирмайдиган бошқа воситалар бюджет сифатида тан олинмаслиги лозим, хусусан, қуйидагилар ҳисобига шаклланадиган Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари бунга кирмайди:

- бюджет томонидан режали молиялаштириш ҳисобидан тежалган маблағлар ва ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилоти ҳисобида қолган (капитал қўйилмаларни молиялаштириш назарда тутилган воситалардан ташқари);

- бюджет ташкилоти фаолият соҳаси бўйича товар ишлаб чиқариш (иш, хизматни бажариш) ва сотишдан олинган даромад;

- вақтинча фойдаланилмаётган бино ва бошқа давлат мулкани чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи. Қолган 50 фоизини бюджет ташкилоти маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказди;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик кўмаги<sup>1</sup>.

5. Жиноят кодексининг 184<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисмида содир этилган жиноят учун назарда тутилган жавобгарлик жинояти объектив томондан қуйидаги ҳаракатлардан бири содир этилганидан иборат:

- бюджетда назарда тутилмаган ёхуд бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотлар бюджети ва сметасида назарда тутилмаган чиқимларга бюджет воситаларини йўналтириш;

- чиқимлар бўйича бюджет маблағлари лимити ошиб кетиш;

- бюджет муассаса ва ташкилотларда штат-смета тартибини бузиш.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарор билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш Тартиби».

6. Бюджетда ёки бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ёки ташкилотлар сметасида назарда тутилмаган чиқимларга маблағларни йўналтириш деб, бюджет маблағларини сарфлаш навбатининг ўрнатилган тартибини бузиш ёхуд уларни мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда истеъмол қилиш (масалан, паст нархли ва маиший предметларни ишлаб чиқариш учун ажратилган машина-созлик асбоб-ускуналарини ишлатиш ёхуд куйи ташкилотлар эҳтиёжи учун ажратилган оргтехникани бошқарув ташкилотлари учун йўналтириш) ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда қонунчилик томонидан харажатларнинг қуйидаги тўрт гуруҳи давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов (болалик оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар).

II. Иш ҳақиға қўшимчалар.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларға мувофиқ).

IV. Бошқа харажатлар.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Харажатларнинг III гуруҳи бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида маблағ билан таъминланади.

«Бошқа харажатлар» IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатға риоға қилган ҳолда сарфланади: овқатлантириш, дори-дармонлар, коммунал хизматлар, бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган ҳолда мавсумий ёки шошилиңч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийимлар харид қилиш, эпидемияға қарши, юқумли касалликларға қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар)ни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни IV гуруҳ маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

IV гуруҳ ҳисобига автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва ортиқча дабдабали буюмлар (импорт офис мебели, аудио-видео техника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойда-

ланиладиганлардан ташқари) офислар учун гиламлар ва бошқа-лар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Респуликаси Молия ва-зирлиги билан келишган ҳолда йўл қўйилади<sup>1</sup>.

7. Нафақат, пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, балки бюджетнинг бошқа маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш (масалан, хизматда фойдаланиладиган турар-жой биносидан савдо нуқтаси сифатида фойдаланиш; қуйи ташкилот учун бюджетдан ажратилган мулкни юқори турувчи ташкилот учун ажратиш ва ҳоказо) ҳам бюджет маблағларини назарда тутилмаган харажатларга йўналтириш, деб квалификация қилиш зарур. Фойдаланиш деганда, бу маблағларни ҳар қандай усулда истеъмол қилиш тушунилади (мулкни эксплуатация қилиш, ундан келган фойда ва даромадни олиш).

Бюджет маблағларидан шахсий бойлик орттириш ёхуд бошқа гаразли мақсадлардан келиб чиқиб, бюджетда ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилганда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 184<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисми ва тегишли модда (масалан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан квалификация қилиниши лозим.

8. Бюджет маблағлари бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўлланганда ва тезкор тадбирлар сабабли юзага келмаган йўналишда сарфланса, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, деб тан олинади.

9. *Бюджет* — давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Бюджет республика бюджетига ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

*Смета* — бу ташкилотларни таъминлаш ҳамда хўжалик ва маданий қурилиш бўйича марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг миқдори, мақсадли йўналиши ва чораклар бўйича тақсимланишини белгилаб берувчи асосий режа ҳужжати.

10. Бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш амалда мақсадсиз фойдаланил-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарор билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш Тартиби», 2-бўлими.

ган ёки харажат қилинган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят, деб тан олиниши лозим. Бу маблағларни кейинчалик мақсадсиз фойдаланиш ёки йўналтириш мақсадида тақсимлаш эса, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, шарҳланаётган жиноятга тайёргарлик кўриш ёхуд уни амалга оширишга суиқасд қилиш, деб квалификация қилиниши лозим.

11. Жиноят предмети сифатида бюджет маблағларининг алоҳида турлари — бюджетдан маблағ ажратиш ҳисобланиб, уларнинг тушунчаси қонунчиликда берилади. Хусусан, «қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари»<sup>1</sup> бюджетдан маблағ ажратиш, деб топилади.

12. Чиқим моддалари бўйича бюджетдан маблағ ажратиш лимитидан ошиб кетиши жиноят субъектининг фаол ҳаракатларида ифодаланади, улар ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда, яъни улардан белгиланган навбат доирасида фойдаланади, лекин харажатларнинг бир гуруҳи доирасида режалаштирилган (лимит) ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқни шакллантиришда ифодаланади.

Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимити деганда, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларнинг бир тури, объекти ва объектости харажатлар бўйича фойдаланиш миқдори тушунилади. Режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасидаги манфий фарқ бюджет муассасаси ёки ташкилоти ички ҳисоблари, масалан, Бюджет ташкилоти ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам бюджетдан маблағ ажратиш лимитларини ошириш, деб топилади. Агар харажатларнинг бутун тегишли гуруҳи доирасида лимитдан ошириш бўлмаса, яъни битта тур, объект ва объектости харажатлар бўйича бюджет пул маблағларини сарфлашда сметада назарда тутилган ҳажмлар бошқа турдаги объект ва объектости харажатларга ажратилган режали пул маблағлари ҳисобидан қопланганда ҳам харажатларнинг ўша гуруҳи бўйича кредиторлик қарзи ҳамда харажатлар лимити оширилган, деб ҳисобланмайди.

13. Бюджетдан маблағ ажратиш харажатлари лимитини оширишни тугалланган жиноят, деб тегишли гуруҳда режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлган пайтдан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

14. Бюджет маблағларини бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларга йўналтиришни бюджетдан маблағ ажратиш лимитини оширишдан фарқлаш лозим. Бюджет маблағларини йўналтириш – бу тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилмаган харажатларни маблағ билан таъминлашдир, бюджет маблағларини ошириш эса, тегишли бюджет ёки сметада назарда тутилган режалаштирилган ва амалда қилинган харажатлар ўртасида манфий фарқ пайдо бўлишини назарда тутати. Бундан ташқари, бюджет маблағларини йўналтиришда мазкур маблағлар, нафақат, пул маблағларида, балки моддий қадриятларда ҳам ифодаланиши мумкин, бироқ, бюджетдан маблағ ажратишни амалга оширишда жиноят предмети фақат пул маблағлари бўлиши мумкин.

15. Штат-смета интизоми – бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган сметаларни ҳамда бюджет ташкилот ва муассасаларининг ходимлари штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартиби.

16. *Штат жадвали* – мулк эгаси, ташкилот раҳбари ёхуд юқори орган тасдиқлайдиган доимий ходимлар мансаблари номи рўйхати, бунда бир номли мансаблар (бош ўринлар) сони ҳамда мансаб маошлари миқдори кўрсатилади.

17. *Тарификация рўйхати* – бу бюджет ташкилот штатида маълум мансабларни эгалловчи муайян шахсларнинг тарификациясини кўрсатиб, яъни ушбу ходимларда аттестация натижаларига кўра, уларнинг иш вақти асл ҳажмига кўра берилган тегишли маънавий категорияси мавжудлигини ҳамда уларнинг мансаб маоши миқдорини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхат.

18. Штат-смета интизоми бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган сметаларни ҳамда бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг штат жадвали ва тарификация рўйхатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, ўзгартириш ва рўйхатга олиш тартибига риоя қилмасликдир<sup>1</sup>.

19. Айбдор ҳаракатини бюджет интизомини бузиш субъектини маъмурий жавобгарликка тортгандан сўнг, ЖКнинг 184<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим, яъни ЖКнинг 184<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисми бўйича шахсни жавобгарликка тортиш учун маъмурий преюдиция талаб қилинади.

20. Бюджет интизомини бузиш қонунда формал таркибли қилиш сифатида ифодаланган, яъни бюджет интизомини бузиш

<sup>1</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарор билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш Тартиби», 38-банди.

ижтимоий хавфли қилмиш, деб тан олиними учун мажбурий белги сифатида оқибатнинг мавжудлиги талаб қилинмайди. Бироқ, бу оқибатлар суд томонидан ҳар бир алоҳида ҳолатда жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ЖКнинг 184<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисми диспозициясида назарда тутилган қилмишлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган, деб ҳисобланади.

21. Субъектив томондан таҳлил шарҳланаётган жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

22. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва бюджет маблағларини тақсимлаш ҳамда сарфлаш, шунингдек, штат-смета интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган шахсдир. Қонунчиликка мувофиқ, бундай шахслар — бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари, шу жумладан, Молия вазирлиги раҳбарлари ва марказий девони ходимлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

23. Бюджет ташкилоти деганда, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилотини тушуниш лозим<sup>2</sup>.

Агарда, бюджет интизомини бузиш ўзганинг мулкни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 167 ва 184<sup>1</sup>-моддалари бўйича квалификация қилиш лозим.

24. Жавобгарлик ЖКнинг 184<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган бюджет интизомини бузишнинг квалификация қилинган таркиби уни кўп миқдорда содир этилганлиги ҳисобланади (кўп миқдор тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳига қаранг).

25. Етказилган зарар ҳажмини баҳолаш бюджет ташкилотининг бюджети ёхуд сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирган бюджет маблағларини, бюджетдан маблағ ажратишни оширишни ёки бир молиявий йил чегарасида штат-смета интизоми-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарор билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш Тартиби», 37-банди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

ни бузиш натижасида олинган умумий сумма асосида амалга оширилади. Миқдорни аниқлашда бошқа молиявий йил даврида асоссиз сарфланган маблағлар ҳисобига олинмаслиги лозим (масалан, икки йил ичида асоссиз сарфланган воситаларнинг умумий суммасини кўп миқдор сифатида тан олиш мумкин эмас — ҳар бир молиявий йил учун аввалги ёки кейинги йил билан қўшилмайдиган ўз миқдори белгиланиши лозим). Молиявий йил деганда, 1 январдан 31 декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи даврни тушуниш лозим<sup>1</sup>. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ташкилот бюджети ёки сметасида назарда тутилмаган харажатларга йўналтирилган ва пул маблағларида эмас, балки мулк шаклида ифодаланган бюджет маблағлари миқдорини аниқлашда тегишли смета ёхуд бюджетда кўрсатилган мулкнинг нархидан келиб чиқиш лозим.

26. Бюджет интизомини бузишнинг алоҳида квалификация белгиси — жиноятнинг жуда кўп миқдорда содир этилиши ҳисобланади (ЖКнинг 1841-моддаси, 3-қисми). (Жуда кўп миқдор тушунчаси ҳақида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳига қаранг).

27. Қонунда бюджет интизомини бузишнинг алоҳида шакли сифатида бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктирилганлиги ҳисобланади.

28. Мазкур жиноят объекти бюджет маблағларидан фойдаланишнинг ва харажатлар лимитига риоя қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилиш бўйича ижтимоий муносабатларидан ташқари, биринчи навбатдаги бюджет тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳам бўлади. Шарҳланаётган қилмиш предметини эътиборга олиб, шуни таъкидлаш лозимки, фуқароларни иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда меҳнат соҳасида, ижтимоий таъминлаш, таълим соҳасидаги муносабатларни ҳам объект сифатида тан олиш лозим.

29. Бюджет интизомини бузишнинг бу шакли предмети сифатида бюджет ташкилотларининг қонунда кўрсатилган харажатларнинг фақат иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар каби моддалари ҳисобланади.

30. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, иш ҳақи деганда, молиялаш манбаидан қатъий назар, пул ёки натура шаклларида ҳисоб ёзилган, иш ҳақларининг барча турларини (шунингдек, турли мукофотлар, қўшимча тўловлар, қўшимча ҳақлар ва ижтимоий

<sup>1</sup> Ўша жойда, 3-модда.



тўловларни) қамраб олади, бунга ходимларга ишланмаган вақт (ҳар йилги ёзги таътил, байрам кунлари ва ҳоказолар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳисоблаб ёзилган пул суммалари ҳам кирди<sup>1</sup>. Шарҳланаётган модда маъносида иш ҳақи фақат пул шаклида ифодаланади, чунки банклар уни натурал шаклда беришни амалга оширмайди. Шунга боғлиқ ҳолда мазкур модда доирасида иш ҳақини белгилашда тергов ва суд органлари қонунчиликда белгиланган пул шаклидаги иш ҳақи сирасига киритилган тўловларнинг турлари рўйхатига мурожаат этишлари лозим<sup>2</sup>.

31. *Нафақа* — ижтимоий таъминлашнинг шакли, у ижтимоий суғурта ёхуд давлат бюджети маблағларидан доимий ёки бир маротабали тўлов<sup>3</sup>. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ишсизлик бўйича нафақа, икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши учун нафақа, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа кабилар тўлови назарда тутилади.

32. *Стипендия* — олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича ва пулли — контракт асосда кундузи ўқийдиган, давомати яхши бўлган талабаларига (бундан чет эллик талабалар мустасно), Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъий назар, тўланадиган ойлик пул таъминоти (нафақа). Стипендия чуқур касбий билимларни эгаллаш ва давоматни оширишда талабаларни рағбатлантириш, мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар барпо этиш мақсадида тўланади<sup>4</sup>.

33. Иш ҳақи, нафақа ва стипендияларга тенглаштирилган бошқа тўловлар деганда, амалга ошириш биринчи навбатдаги ҳамма харажатларни қоплашнинг бир хил даражасини (пропорционал тартибни) таъминловчи шароитларда биринчи навбатда амалга ошириладиган қонунчиликда белгиланган тўлов турини тушуниш лозим. Қонунларда тўловларнинг бундай турига ҳарбийларга пул маблағларини бериш, моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар, алимент мажбуриятлари бўйича тўловлар, соғлиққа зиён кел-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда рўйхатга олинган «Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича Йўриқнома», 6-бўлими.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда рўйхатга олинган «Ёлланиб ишлайдиганларнинг сони ва иш ҳақи статистикаси бўйича Йўриқнома», 6.1-банди.

<sup>3</sup> Большая юридический словарь. М., ИНФРА. 2000, стр. 449.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 апрелда 1339-сон билан рўйхатга олинган «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома, 1-бўлими.

тиришни қоплаш, муаллифлик битимлари бўйича рағбатлантириш, хизмат сафари чиқимлари киритилади.

34. Пул маблағлари беришнинг асоссиз кечиктирилиши бюджет интизомини бузиш, деб тан олинувчи харажат турлари рўйхати қонунда тўлиқ белгиланган ва бошқача талқин қилиниши мумкин эмас. Шу муносабат билан банк раҳбари ёхуд бошқа мансабдор шахслари томонидан бошқа маблағлар, зарур эҳтиёжларга навбатдан ташқари амалга ошириладиган ҳамда капитал таъмир харажатлари учун тўловлар тўхтатилса (агарда, улар юқорида қайд этилган чиқимлар туридан бири бўлмаса), айбдорлар ҳаракати мазкур модданинг 4-қисми билан квалификация қилинмайди.

35. Содир этганлик учун жавобгарлик шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган қилмиш объектив томондан худди шундай ҳаракати учун маъмурий чора қўлланилгандан сўнг, банкнинг бюджетдан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотларга маош, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловларни асоссиз кечиктирганлиги тарзидаги ҳаракатсизлигида ифодаланади.

36. Пул маблағлари беришни кечиктириш деганда, бюджет ташкилоти ва муассасалари каби олувчиларга пул маблағлари муддатида тўлиқ ёки қисман ўтказиб берилмаслигини тушуниш лозим. Бунда шунини қайд этиш лозимки, иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаштирилган бошқа тўловлар бўйича пул маблағларини бериш муддати жамоа келишувлари, ҳукумат қарорлари, вазирликлар буйруқлари, Марказий банк йўриқномалари билан белгиланади. Шу муносабат билан ҳар бир алоҳида ҳолатда маблағлар тўланиши шарт бўлган муддат аниқланади.

Шунини қайд этиш лозимки, пул маблағларини муддатида ўтказиб бериш тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин, яъни бу банк бюджет ташкилоти ёхуд муассасасига бериладиган маблағларнинг қисми дастлаб берилган-берилмаганлиги билан боғлиқдир. Хусусан, агар пул маблағларининг бир қисми берилган бўлса, муддатидан қисман ўтказиб бериш, деб ҳисобланади, агар муддатидан ўтказиб бериш тўлиқ суммага тенг бўлса, унда тўлиқ муддатидан ўтказиб бериш ҳисобланади. Муддатидан ўтказиб бериш хусусияти қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

37. Пул маблағлари деганда, Ўзбекистон Республикасининг фақат банкнот ва танга шаклидаги нақд пул маблағлари тушунилади. Нақд пулсиз операцияни амалга оширишда, яъни нақд пулсиз маблағларни ўтказишда, уларни бюджет ташкилоти ҳисобига ўтказиш муддатининг ўтиб кетганлиги кодекснинг мазкур моддаси бўйича квалификация қилинмайди.

38. Пул маблағлари бериш кечиктирилишининг асоссизлиги деганда, банк раҳбари ёхуд мансабдор шахс иродасига боғлиқ бўлмаган, у уларни олдиндан кўра олмаган ва кўра ололмайдиган ва нақд пул маблағларини беришга жиддий таъсир қилган қандайдир объектив ҳолатларни тушуниш лозим. Масалан, банкда нақд пул мавжудлигида, техник воситалар ишлаб турганда, фавқулодда вазиятлар бўлмаганда бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларини кечиктириб берилишини асоссиз, деб тушуниш лозим.

Бюджет ташкилотлари ва муассасаларига пул маблағларини асоссиз равишда кечиктириб бериш деб, у айбдорлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, бироқ, улар бу шахсларга аввалдан маълум бўлган доимий ёхуд вақти-вақти билан ёки қандайдир сабабларга кўра юз берадиган ҳолатларнигина ҳисоблаш лозим. Масалан, маълум даврда нақд пуллар йўқ бўлишини билиб, айнан шу даврга пул маблағлари тўлови муддатини белгилаш шундай ҳолат бўлади. Тергов-суд органлари томонидан айбдор иродасига боғлиқ бўлмаган, бироқ, унинг ўзи вужудга келтирган ҳолатларни ҳам пул маблағларини асоссиз равишда кечиктириб бериш, деб квалификация қилиниши лозим — бунга айрим ташкилотларга пул маблағларини бериш муддатини бошқа ташкилотларга зарар етказган ҳолда ўзгартириш мисол бўла олади.

39. Пул маблағларини беришни асоссиз кечиктириб берилишининг сабаби ҳар бир муайян ҳолатда тергов-суд органлари томонидан кўрсатилиши керак, тўловга тўсқинлик қиладиган объектив оқибатлар айбдор ҳаракати натижасида вужудга келган бўлса, унинг ҳаракати ва бу оқибатлар пайдо бўлиши ўртасидаги сабабий боғланишни, шунингдек, қасд йўналишини аниқлаш лозим.

40. Пул маблағлари беришни асоссиз кечиктиришни ижтимоий хавfli қилмиш, деб тан олиш учун айбдор дастлаб маъмурий жазога тортилган бўлиши, яъни маъмурий преюдиция мавжуд бўлиши шарт.

41. Иш ҳақи, нафақа, стипендия ва шу каби тўловлар учун бюджет ташкилоти ёки муассасаларга пул маблағлари тўлиқ тўланадиган муддат тугганидан сўнг жиноят тугалланган ҳисобланади.

42. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор ўзининг ҳаракатлари натижасида бюджет ташкилоти ва муассасасига пул маблағлари беришни асоссиз кечиктираётганлигини англайди ва шундай ҳаракатлар амалга ошишини хоҳлайди.

Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқарган қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари турлича бўлиши мумкин ҳамда квалификация қилишга таъсир этмайди, бироқ, жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинади.

43. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва махсус белгиларга эга бўлган: банк раҳбари ёки бюджет ташкилотларининг мансабдор шахсларидир.

### **185-модда. Қимматбаҳо металллар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш**

*Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш, давлатга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни давлатга топширишнинг белгиланган тартибидир.

2. Жиноят предмети — ер остидан қазиб олинadиган қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш, платина, радий, иридий, осмий, палладий ва бошқалар) ёки қимматбаҳо тошлар (олмос, зумрад, дур, феруза ва бошқалар). Сунъий қимматбаҳо тошлар шарҳланаётган жиноятнинг предмети ҳисобланмайди.

3. Объектив томондан жиноят ер остидан қазиб олинadиган қимматбаҳо металллар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларини бузиш натижасида кўп миқдорда зарар келтиришда ифодаланади. Ер остидан қазиб олинган қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошлар давлатга топширилиши шарт.

Қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни топшириш қоидаларини бузиш, асосан, шахс томонидан аффинажга мажбурий топшириш ёки ер остидан қазиб олинган ёҳуд иккиламчи хом ашёдан олинган қимматбаҳо тошларни давлатга мажбурий сотишдан ҳамда топилган ва кўтарилган қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошларни топширишдан ҳар қандай йўллар билан бўйин товлашда ёҳуд бу предметларни қисман топширишда ифодаланиши мумкин.

4. *Аффинаж* — бу қимматбаҳо металларни мавжуд аралашмалардан тозалаш, бунинг натижасида олий сифатли (юқори проба-ли) металл пайдо бўлади. Қимматбаҳо металлар аффинажини амалга ошириш ҳуқуқига эга корхоналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Аффинажга мажбурий топширишдан бўйин товлаш айбдор шахс қимматбаҳо металлар аффинажи бўйича ҳаракатни мустақил амалга ошираётганлигини англатади.

Мажбурий сотишдан бўйин товлаш ваколатли органларга қимматбаҳо металлар ёки қимматбаҳо тошларни сотиш бўйича ҳаракатларнинг амалга оширилмаганлигидадир.

5. Агар қимматбаҳо металларни ёхуд қимматбаҳо тошларни топшириш қондаси бузилиши натижасида давлатга кўп миқдорда зарар етказилса, бу жиноят таркибини ҳосил қилади. Кўп миқдордаги зарар жиноятнинг шартли белгисидир.

Моддий таркибли шарҳланаётган жиноят давлатга кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

7. Мазкур жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган, қимматбаҳо металлар ёки қимматбаҳо тошлар топшириш қондаларини бузган ақли расо шахс.

***185' -модда.* Рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қондаларини бузиш<sup>1</sup>**

*Қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қондаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

---

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Жиноят объекти – қонунчиликда белгиланган рангли металллар, уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидалари.

Жиноят предмети – рангли металллар, уларнинг парчаси ва резги-чиқитлари.

2. Жиноятнинг объектив томони маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган, қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металлларни, уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини бузишдан иборатдир.

3. *Рангли металлларни ноқонуний тайёрлаш* – бу амалдаги қонунни бузиб рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини олишга қаратилган ҳаракатлар. Масалан, ахлатхонадан, аҳолидан йигиш, сотиб олиш, бошқа товарларга алмаштириш.

4. Жиноят мазкур модда диспозициясида айтиб ўтилган ҳаракатлардан (тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш) биронтаси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Агар айбдор олдин шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, жинойий жавобгарлик келиб чиқади.

5. Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар, унинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш ўзга мулкка зарар етказиш ёки хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

6. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

7. Жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс.

8. Қимматбаҳо металлларга мансуб бўлмаган рангли металллар, уларнинг парча, резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда ўтказиш қоидаларини мансабдор шахс содир этса, унинг ҳаракатларини тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 205-моддаси ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

## 185<sup>2</sup>-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш<sup>1</sup>

*Газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёхуд иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашини шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Уша қилмишлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Жиноят кодексига ушбу модданинг киритилиши миллий қонунчилигимизнинг ривожланиш маҳсули бўлиб, давлатнинг энергия ташувчи қурилмаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишини ўзида ифода этади.

2. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объекти — энергия ташувчи қурилмалардан рационал фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бўлиб, у стратегик аҳамиятга молик моддий-техник ресурслари ҳисобланади. Қўшимча объект чифатида ҳисоблаш қурилмаларига эга бўлиш, шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги кириши мумкин.

3. Ушбу жиноят объектив томондан қуйидагича содир этилиши мумкин: а) ўзбошимчалик билан газ ва сув қувурларига уланиш; б) электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, иссиқ ёки совуқ сувни ҳисобловчи қурилмаларни бузиш; в) ушбу ҳисоблаш асбобларига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш.

4. Сув ва газ қурилмалари тармоғи деганда, газ ёки сувни ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) истеъмолчига (сотиб олувчига) етказиш ва унинг узлуксизлиги ҳамда технологик бирлиги (масалан, компрессор қурилмалари, уловли қувурлар) тушунилади. Ушбу

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қопун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

ҳолатда газ ва сув қурилмалари тармоғидаги мавжуд техник узил-лишлар (яъни, мазкур тармоққа мос келадиган шартли лойиҳалар, масалан, қувур ўрнига автомобил транспортдан фойдаланиш) мазкур моддадаги назарда тутилган тармоқ мазмунига мос келмайди. Газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан, яъни қонунда ўрнатилган тартиб асосида ваколатли орган рухсатсиз уланиш ижтимоий хавfli ҳисобланади.

Айниқса, коммунал тизимда сув таъминотининг янги объектларига уланиш ва унинг миқдорини оширишда буюртмачи (абонент) СХК ташкилотидан рухсат олиши керак. Сув қувурлари ва уларга уланишга рухсат бериш ва техник шартлар идоравий тегишлигидан қатъий назар, барча учун мажбурийдир. Газ қувурларга уланиш тегишли лицензияга эга бўлган, махсус қурилиш-монтаж ташкилоти томонидан ташиш, алмаштириш, қўшимча воситаларни ўрнатиш (иккитагача қурилма ўрнатиш) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ваколатига эга бўлган газ хўжалиги ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўрнатилган тартибни бузиб, газ ёки сув тармоқларига уланиш, газ ёки сув ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш мақсадида амалга оширилган тақдирдагина, ушбу модда билан квалификация қилиниши мумкин.

Назорат қилинмайдиган ҳолда фойдаланиш деганда, айбдор ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг газ ёки сув тармоқларига ҳисоблагич қурилмаларини четлаб ўтиб уланиши тушунилади. Шунинг учун агар ўзбошимчалик билан тармоқнинг бир қисмига уланилган бўлса, бундай қилмиш ЖКнинг 229-моддасига кўра, ўзбошимчалик, деб квалификация қилиниши зарур. Бундай ҳолларда қилмиш ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси билан квалификация қилинмайди.

6. Газ ва сув тармоғига уланиш газ ёки сувни амалда сарфланган-сарфланмаганлигидан қатъий назар, тармоққа уланган вақтдан бошлаб тугалланган, деб ҳисобланади.

7. Ҳисоблаш асбоблари деганда, бевосита сув, иссиқлик ёки электроэнергиянинг ҳақиқий ҳажмини миқдорий ҳисобловчи, ҳар икки тараф (истеъмолчи ва етказиб берувчи)ни аниқ қаноатлантирувчи барқарор ўлчаш – ҳисоблагич қурилмалари тушунилади. Ҳисоблаш асбоблари Ўзбекистонда қабул қилинган ўлчов бирликларида ифодаланади, улар турли оқимларни ўлчаш учун зарур ва етарли бўлган талаблар бўйича ишлаб чиқилади ва техник фойдаланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, таъмирга яроқли бўлиши, бир-бирини алмаштира олиши, индикатор қурилмаларига осон кириш каби шартларга жавоб бериши лозим.



8. Ҳисоблаш асбобларини бузиш деганда, ҳисоблаш асбобларни қисман ёки тўлиқ бузилиши тушунилади ва асбобнинг тўлиқ ёки қисман ҳисоблаш хусусиятлари йўқотилади, шунингдек, унинг хўжалик қийматининг пасайиши, ҳисоблаш асбобидан бутунлай мақсадига мувофиқ равишда фойдаланиш имкониятининг йўқотилишига сабаб бўлади.

9. Ҳисоблаш асбобларидаги кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш, аралashiш деганда, асбобнинг бутунлигига путур етказмасдан унинг ишлаш қобилияти ва кўрсаткичлари тўғрилигининг бузилишини тушуниш керак. Таъсир кўрсатиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин: электрон магнит қурилмаларидан, иссиқлик ёки ёруғлик ва ҳ.к. фойдаланиш; таъсир кўрсатиш усуллари қилмишини квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Мазкур моддага кўра, ҳисоблаш асбобларига таъсир кўрсатиш, деб тавсифланган жиноятнинг мақсади — ҳисоблаш асбоблари кўрсаткичларини ўзгартиришдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, агар бундай таъсир бошқа мақсадларда амалга оширилган бўлса (қизиқувчанлик, таъмирлаш ва бошқ.), шахс ушбу модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

10. Ўзбошимчалик билан газ ёки сув тармоғига уланиш, ҳисоблаш асбобларини бузиш ёки уларга таъсир кўрсатиш жиноят, деб топилади ва қуйидаги шартлар бўлганда ЖКнинг шарҳланаётган моддаси, 1-қисми билан жавобгарликка тортилади: а) ушбу ҳаракатлар натижасида анча миқдорда зарар етказилган бўлса; б) маъмурий преюдициянинг мавжудлиги (анча миқдор тушунчасини аниқлаш учун ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Бу ерда шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ушбу моддада кўрсатилаган жавобгарлик белгиланган жиноят моддий таркибли ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда анча миқдордаги зарарнинг келиб чиқмаганлиги ушбу жиноят бўйича жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этади.

11. Жиноят субъектив томондан ҳамма вақт қасддан содир этилади, айбдор ўзи қонунга хилоф ҳаракат эканлигини англайди, жиной оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлайди ва бунга онгли равишда йўл қўяди.

12. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

13. Айбдорнинг шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмлари бўйича жавобгарлиги ўша ҳаракатлар туфайли кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилганидан вужудга келади.

### XIII боб. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### 186-модда. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш

*Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса*

*— уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди, у товар истеъмолчилари билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий масалаларни тартибга солади.

2. Жиноят объекти хўжалик соҳасидаги шахс манфаати, шунингдек фуқаро ҳаёти ёки соғлиғи ҳисобланади.

3. Обьектив томондан жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган сифатсиз маҳсулотни товар бозорига чиқариш ёки сотишда ифодаланади.

4. Маҳсулот чиқариш деганда, буюртмачи истеъмолчига қандайдир маҳсулотни бериш ёки юбориш тушунилиши лозим.

5. Реализация товарни бевосита истеъмолчиларга сотишни назарда тутди.

6. Шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлик сифатсиз маҳсулотни товар бозорига чиқариш ёки реализация қилиш оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган ҳолатларда пайдо бўлади.

7. Агар сифатсиз маҳсулотни товар бозорига чиқариш ёхуд реализация қилишда фуқаролар соғлиғи учун мазкур моддада белгиланган оқибатлар вужудга келмаса, жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди. Бироқ, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, товарнинг (иш,

хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Товар (иш, хизмат) камчиликлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс эга, бунга бу шахс сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан битим муносабатларида бўлганлиги ёки бўлмаганлиги таъсир қилмайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъий назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

8. Субъектив томондан жиноят сифатсиз маҳсулотни чиқариш ёки реализация қилишга нисбатан қасддан содир этилади, оқибатлар (соғлиққа етказилган зарар, ўлимга сабаб бўлиш) келиб чиқишига нисбатан субъектнинг айби эҳтиётсизликда ифодаланади.

9. *Жиноят субъекти* — ўн олти ёшга тўлган, товар бозорига сифатсиз маҳсулотни чиқариш учун масъул ёки реализацияси билан шуғулланувчи шахс.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида инсон ўлимига олиб келган сифатсиз маҳсулотни чиқариш ёки реализация қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. ЖКнинг 186-моддаси, 3-қисмида:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши, одамларнинг оммавий заҳарланиши, эпидемия тарқалиши ва бошқа оқибатлар кўринишидаги соғлиққа зарар етказилишини тушуниш лозим.

**186'-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш<sup>1</sup>**

*Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз барабаригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар:*

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз барабаригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноят — объекти хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятдаги манфаатлари ҳисобланади.

Жиноят предмети — этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишда ифодланади.

3. Қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш — бу этил спирти, алкоғолли ёки тамаки маҳсулотларини қонунда белгиланган тартибда рухсат олмасдан ишлаб чиқариш.

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

4. Қонунга хилоф равишда муомалага киритиш деганда, этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотини қонунда белгиланган тартибда рухсат олмасдан сотиш, алмаштириш, қарзга тўлаш, қарзга бериш ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

5. Жиноят этил спирти, алкогольли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноят мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

7. Субъект ўн олти ёшга тўлган ва этил спирти, алкогольли маҳсулот ёки тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан шуғулланадиган ақли расо шахс бўлади.

8. Айбдорнинг ҳаракатлари: а) кўп миқдорда; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан; г) хизмат лавозимини суиистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса, ЖКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

9. Этил спирти, алкогольли ёки тамаки маҳсулотнинг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ёки муомалага киритилиши: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

### **187-модда. Харидор ёки буюртмачиларни алдаш**

*(Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни, 9-банди билан чиқариб ташланган).*

### **188-модда. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш**

*Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса — уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:*

*а) хавфли рецидивист томонидан;*

*б) кўп миқдорда;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилган бўлса*

*— уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача жарима ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш:*

*а) жуда кўп миқдорда;*

*б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

*— уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги уни содир этиш тадбиркорлик фаолиятининг ноқонуний ёки яширин иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетишидан, демакки, давлат назорати доирасидан чиқиши билан боғлиқ. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланишда субъектлар бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлардан бўйин товлашади, сифатсиз товар реализацияси учун шароит пайдо бўлади.

2. Жиноят объекти — бир маромда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. Бевосита объект — савдо ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларни рўйхатга олишнинг белгиланган тартиби. Факультатив объектлар солиқ тўлаш, савдо қоидаларига риоя қилиш тартиби, ижтимоий ахлоқ, мамлакат мудофааси, давлат хавфсизлиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

3. Объектив томондан жиноят белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишда ифодаланади.

4. Савдо фаолияти — нақд пулга, нақд пулсиз товар, иш, хизматларни сотиш билан боғлиқ фаолият.

Фаолият савдо фаолияти сифатида тан олинishi учун қуйидаги белгилар мавжуд бўлиши лозим:

а) субъект сотиладиган товарлар, ишлар, хизматларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиш лозим;

б) товарни реализация қилиш ҳақ эвазига амалга оширилиши лозим, яъни товарлар, ишлар, хизматлар учун маълум моддий қийматга эга ашё олиниши лозим.

Юқорида қайд этилган белгиларнинг биронтаси бўлмаса, фаолият савдо фаолияти сифатида тан олиниши, масалан, субъект мулк ҳуқуқига эга бўлмаган (масалан, мулк унга ижара битими асосида берилган бўлса) мулкни текинга бериши ёки сотиши мумкин эмас. Савдо фаолияти сифатида товар, иш, хизматни ҳар қандай эвазла тўлов бериш, шу жумладан, нафақат пул маблағлари, балки бошқа мулк билан бериш, яъни бартер битими тушунилади. Товарнинг (экспорт ва импорт битимлар асосида) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини босиб ўтиши ҳам фаолиятни савдо сифатида квалификация қилишга таъсир қилмайди.

5. Воситачилик фаолияти муассаса, корхона, ташкилот ва фуқаролар учун товар ёхуд бошқа предметларни сотиб олишга ёки реализация қилишга қўмаклашиш ёки бундай мажбуриятларни ўзиммасига олиш ҳамда томонлар ўртасида битимлар тузишда қўмаклашиш ёхуд бошқа воситачилик ҳаракатларидан иборат. Бошқача айтганда, воситачилик фаолияти битим асосида, пул ва натура шаклида ифодаланадиган ҳақ эвазига бошқалар фойдасига воситачилик хизматларини кўрсатиш, деб тан олинади<sup>1</sup>. Шарҳланаётган модда маъносида воситачилик фаолиятини ҳақ эвазига амалга ошириш зарурий шарт бўлиши лозим ва пул шаклида ҳам, натура шаклида ҳам ифодаланиши мумкин (масалан, реализация қилинган товар миқдоридан келиб чиқиб муайян фоизларни олиш). Агарда, бошқа томон воситачи амалга оширган ҳаракатларни очик ёки кўзланган (масалан, воситачи кўрсатган хизматлар натижасини қабул қилиш) шаклда ифодаланган қўллаб-қувватлаш бўлмаса, воситачилик фаолияти ҳам бўлмайди.

6. Мазкур жиноят савдо ёхуд воситачилик фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг қонун талаб қилган рўйхатдан ўтишдан бўйин товлашга йўналтирилган фаол ҳаракатларида ифодаланади.

Мазкур модда маъносида бўйин товлаш — бу амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, вакиллик органига фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ёки уни тиклаш ёхуд ўзгартиришни сўраб

<sup>1</sup> Ушбу ҳулоса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 октябрда 1416-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиққа солиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (янги таҳрири)нинг таҳлилидан келиб чиқади.

мурожаат этишга мажбур бўлса-да, лекин қасддан буни бажармади, ёинки била туриб ўзининг мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўяди.

7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тadbиркорлик доирасида амалга ошириладиган савдо ёки воситачилик фаолияти мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Қонун фуқаролик ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бир маротабали ошмаларни тузиш учун тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилмайди. Меҳнат битимига (контракт) мувофиқ, мажбурийларни бажариш савдо ёки воситачилик фаолияти ҳисобланмайди. Қонунчилик ёки ҳуқуқий анъаналарга мувофиқ, касбий (хусусий) амалиётнинг баъзи бир турлари махсус рўйхатдан ўтишни талаб қилмайдиган, деб тан олинади. Масалан, хусусий амалиётга эга нотариус, адвокат ва ҳоказолардан қўшимча рўйхатдан ўтиш талаб қилинмайди. Шу билан бирга, баъзи товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан (масалан, таълим бўйича, тиббиёт бўйича хизматлар) амалга ошириладиган савдо ёки воситачилик фаолияти рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўз мазмуни бўйича ғайриқонуний бўлган фаолият, масалан, фоҳишаллик, наркотик моддалар савдоси рўйхатга олинмайди ва савдо ёки воситачилик фаолияти ҳисобланмайди. Уларнинг амалга оширилганлиги учун Жиноят кодексига бошқа моддалар бўйича жавобгарлик назарда тутилган.

8. Савдо ва воситачилик фаолияти билан шуғуллангани шахсларни қонунчиликка мувофиқ рўйхатга олишга ваколатли орган ҳамда суд рўйхатга олинганликни тўхтатиб қўйиши ёки умуман бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда савдо ёки воситачилик фаолиятини давом эттириш ғайриқонуний савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга ошириш, деб топилдиши лозим. Рўйхатга олинган шахс учун ёхуд савдо ва воситачилик фаолиятларидан бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиб, савдо ёки бошқа воситачилик фаолиятини амалга оширадиган шахсларнинг ҳаракатларини ЖКнинг 188-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

9. Рўйхатдан ўтганликни тиклаш — рўйхатдан ўтиш мақсадларини ўзгартирмасдан рўйхатга олиш ҳужжатини узайтириш ёки алмаштиришга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуи, яъни қайта тиклашда шахс ҳозир қайта рўйхатга олинаётган фаолият соҳаси бўйича аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Хусусан, рўйхатдан ўтишни тиклаш чакана савдо ҳуқуқи учун рухсатнома муддати тугаганда амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари», 2-банди.



Агар субъект қуйидаги шартларга мос келса, рўйхатдан ўтганликни тиклаш мумкин:

- а) у аввал рўйхатдан ўтган бўлиши лозим;
- б) аввалги рўйхатдан ўтганлиги ҳақиқий бўлиши керак;
- в) субъектнинг янгидан рўйхатдан ўтиши аввалги рўйхатдан ўтиши учун асос бўлган ҳолатларни ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Рўйхатдан ўтишни тиклаш кўрсатилган элементлар бирлигини намоён этади ва улардан бирининг мавжуд эмаслиги уни тан олиш мумкин эмаслигини билдиради.

Рўйхатдан ўтишни ўзгартириш деганда, аввалги рўйхатдан ўтиш асослари (масалан, субъект манзили, фаолияти соҳаси ва ҳоказолар) ўзгариши билан боғлиқ бўлган янги рўйхатдан ўтиш жараёнини тушуниш лозим.

10. Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш – субъектнинг рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишни имконсиз қилиб қўядиган ҳаракатларни амалга оширишида ифодаланиши мумкин. Бу субъект шундай ҳаракатларни амалга оширадими, натижада мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмай қолади.

Мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги деганда, келиб тушган ариза бўйича ваколатли органнинг тегишли қарорни қабул қила олмаганлигига сабаб бўлган объектив мавжуд вазиятни тушуниш лозим. Кўриб чиқишнинг имконсизлиги мурожаатни йўқотиш, унда нотўғри маълумотлар бериш, белгиланган давлат божини тўламаслик, мурожаатни тушуниш қийин бўлган шаклда баён этиш ва ҳоказо ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, мурожаатни кўриб чиқишнинг имконсизлиги фақат айбдор онгида мавжудлиги билан эмас, балки объектив ҳолатлар билан ҳам тавсифланган бўлиши лозим.

11. Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш айбдор савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишни бошлаган пайдан тугалланган ҳисобланади.

12. Шу билан бирга, қилмиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилса, жиноий жазоланиши тақазо этилади. Бунда шунинг қайд этиш лозимки, миқдорни субъект рўйхатдан ўтмасдан савдо ёки воситачилик фаолияти натижасида олган фойданинг ҳақиқий суммасига асосан белгилаш зарур, бироқ, бунда унинг мазкур фаолиятни амалга оширишида қилган харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

13. Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасд билан тавсифланади. Айбдор савдо ёки воситачилик фаолияти билан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, бундай ҳолатда рўйхатдан ўтиш мажбурий эканлигини билгани ҳолда шуғулланаётганлигини билади ва шундай ҳаракат қилишни хоҳлайди.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси жиноятни амалга ошириш мақсади — анча миқдорда назорат қилинмайдиган даромад олиш ҳисобланади. Бунда назорат қилинмайдиган даромад дегани, миқдоридан қатъий назар, ғайриқонуний фаолиятдан олинган даромад тушунилади.

Олинган даромад миқдори фақат ЖКнинг 188-моддаси, 2 ва 3 қисмлари квалификация қилиш белгилари сифатида аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш лозимки, айбдор истаган мақсад (маълум миқдорда даромад олиш) унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмаса, бу ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 188-модданинг тегишли қисми бўйича жиноят содир этишга суиқасд қилиш, леб квалификация қилиниши талаб этилади.

14. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс. Мазкур жиноят субъектининг махсус белгиси — у савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширувчи шахслигидир.

15. Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган шахснинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолатда шахс ҳаракатлари тегишли белгилар мавжуд бўлганда бошқа моддалар бўйича квалификация қилиниши шарт.

16. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларни назарда тутати.

Жумладан, 188-модданинг 2-қисми билан:

- а) хавfli рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, содир этилиши;

3-қисмида қуйидаги жавобгарликни, айниқса, оғирлаштирувчи белгиларини назарда тутати:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилишини назарда тутати.

ЖКнинг 188 моддаси, 2 ёки 3-қисми бўйича тегишли белгилар мавжуд бўлганда айбдор ҳаракатларини квалификация қилиш учун маъмурий преюдиция талаб қилинмайди.

## 189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш

*Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузиш, шунингдек, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш:*

*а) хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Жиноят объекти фуқаро манфаатлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналарининг меъёрий фаолияти ҳисобланади.

2. Обьектив томондан жиноят шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўллангандан сўнг савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузишда ифодаланади.

3. «Жиноят кодексининг 189-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164 ва 168-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш деганда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бузилиши тушунилмоғи лозим. Бунда суд айбдор томонидан айнан қайси савдо қоидаси бузилганлигини кўрсатиши шарт»<sup>1</sup>.

4. Жиноятни квалификация қилишда ҳар бир алоҳида вазиятда айбдор савдонинг қайси қоидасини, ушбу қоидаларнинг қайси банди бузилганлигини аниқлаш лозим. Масалан, аҳоли билан пул

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 6-банди.

ҳисоб-китобини амалга оширишда назорат-касса машиналарининг мажбурий қўлланиши тартиби ҳақидаги 1995 йил 15 февралдаги Низомга мувофиқ, ҳар бир савдо нуқтасида касса аппарати ўрнатилиши лозим, унинг йўқлиги савдо қоидаларининг бузилиши ҳисобланади.

5. 2000 йил 15 декабрдаги қонун орқали Жиноят кодексига таъриришлар киритилганлиги ва аввал мазкур моддада назарда тутилган ЖКнинг 187-моддаси, чиқарилганлиги туфайли, бундай қилмишларни ҳозирда ЖКнинг 189-моддасига мувофиқ, квалификация қилиш лозим. Шундай қилиб, ЖКнинг 189-моддаси аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш каби ҳаракатларнинг анча миқдорда содир этилишини ҳам ўз ичига олади.

6. *Кам ўлчаш* — бу сотиб олувчи ёки буюртмачига товарларни уларга билдирмай тўлиқ бўлмаган миқдорда ёки ўлчовда бериш.

7. *Кам тортиш* — бу товарларни ҳар қандай усулда тарозидан уриб қолиш.

8. *Ҳақдан уриб қолиш* — бу сотиб олувчи ёки буюртмачига билдирмай товарлар ёки хизматлар учун тўланиши лозим бўлган пул маблағларини била туриб нотўғри ҳисоблаш.

9. Харидор ёки буюртмачиларни бошқа тарзда алдаш деганда, харидор ёки буюртмачиларни амалга оширилаётган битимга нисбатан янглиштиришнинг ҳар қандай усули тушунилади (товарни бир навдан иккинчи навга ўтказиш, уларни бошқа номда сотиш, товарнинг навида, миқдорида алдаш ва ҳоказолар).

10. Кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёхуд харидор ва буюртмачиларни бошқача тарзда алдаш мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарини, шунингдек, савдо ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни ЖКнинг 189-моддаси бўйича жавобгарликка тортишни келтириб чиқаради.

11. ЖКнинг 189-моддаси, 1-қисми маъмурий преюдицияга эга, яъни ЖКнинг 189-моддаси, 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин келиб чиқади.

12. ЖКнинг 189-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят анча миқдордаги қийматда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бирон-бир банди бузилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

13. Субъектив томондан савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш қасддан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

14. Жиноят субъекти савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайётган ва ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда ҳамда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини:

а) хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 188 ёхуд 190-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

16. ЖКнинг 189-моддаси, 3-қисмида савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Агарда, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (ЖКнинг 214-моддаси) билан боғлиқ бўлса, айбдор ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

### **190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш**

*Лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш:*

*а) хавфли рецидивист томонидан;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддаси 4-қисмига мувофиқ, юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги жисмоний шахслардан ҳам фаолиятнинг баъзи турларини амалга оширишда лицензия олишни талаб

қилинади<sup>1</sup>. Амалга оширилиши махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолиятлар тури рўйхатини ва лицензиялаш тартибини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»<sup>2</sup>ги Қонуни ҳисобланади. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш зарурати ва тартиби қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари билан ҳам белгиланиши мумкин (масалан, наркотик моддалар айланиши, транспорт соҳасидаги фаолият ва ҳоказоларга тегишли).

2. Лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у олинган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шуни назарда тутиш лозимки, лицензия фаолиятнинг лицензияланганидан ҳар бир турига олиниши лозим. Бунда фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширишга рухсат битта ёхуд бир нечта ҳужжатда ифодаланганлиги муҳим эмас. Фаолият хусусиятларига қараб, уни амалга оширишнинг турли шартлари белгиланиши мумкин.

3. Жиноят объекти иқтисодиётнинг нормал ривожланишини таъминловчи хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг ўрнатилган тартиби ва хусусий тадбиркорлик ҳамда юридик шахслардан олиннадиган солиқлар, шунингдек, лицензияни кўриб чиқиш ва бериш учун тўловни, рўйхат божини олмаётган давлатнинг молиявий манфаатлари ҳисобланади. Бундан ташқари, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш уни тегишли назорат остидан чиқаради ва фуқаро ҳамда ташкилотларга зиён, фуқаролар соғлиғига, ижтимоий ахлоқ манфаатларига зарар, мамлакат мудофаси ва давлат хавфсизлигига путур етказиши мумкин.

4. Объектив томондан жиноят лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланишда ифодаланади. Бунда мазкур рухсатнома (лицензия) ҳақиқий бўлиши, яъни амал қилиш муддати ўтмаган, тегишли шахсга берилган ва ҳоказолар бўлиши лозим. Қонунга мувофиқ, қандайдир асосларга кўра тўхтатилган, бекор қилинган ёки вақтинча тўхтаиб қўйилган лицензия ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳолат-

<sup>1</sup> Қаранг: масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастрол-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисида»ги Низом, 9-банди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 25 майда қабул қилинган.

ларда фаолиятни амалга оширишни давом эттириш махсус рухсатномасиз фаолият билан шуғулланиш, деб топилади. Бошқа шахсларга берилган лицензия билан фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш ёки фаолиятнинг бир турига берилган лицензия бўйича бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш ҳам жиноят ҳисобланади.

5. Тузилиши бўйича жиноят формал таркибли ҳисобланади. Жиноят давлат органлари рухсатномасиз (лицензиясиз) иқтисодий фаолият бошланган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

6. ЖКнинг 190-моддаси, 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил мобайнида содир этилган бўлса, вужудга келади, яъни айбдорни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси — маъмурий преюдициянинг мавжудлиги ҳисобланади.

7. Субъектив томондан жиноят айбнинг ҳам тўғри, ҳам эгри қасд шаклида ифодаланиши мумкин. Шахс фаолият билан ғайриқонуний шуғулланаётганлигини ҳамда у билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома олиниши талаб қилинишини билади ва буни хоҳлайди. Шахс бундай ҳаракат таққиланганлигини билиши тўғрисида унинг аввал бундай ҳаракати учун маъмурий жавобгарликка тортилгани далолат беради.

8. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

9. Жиноятнинг квалификация қилинган тури ЖКнинг 190-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган:

а) хавfli рецидивист томонидан содир этилиши;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши.

10. Савдо ёки воситачилик фаолиятининг айрим турлари ҳам лицензияланиши лозим бўлганлиги туфайли, ЖКнинг 188 ва 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни фарқлаш зарурати юзага келади. Хусусан, амалдаги қонунларга мувофиқ, савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги, айбдор муқаддам шундай ҳаракатлар учун бир йил мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради. Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188 ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим.

11. Агар фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш натижасида айбдор камида бюджетга анча миқдорда солиқ тўлаш ёки бошқа тўловлардан бўйин товласа, содир этилган қилмишларни ЖКнинг 190-моддасидаги лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ва ЖКнинг 184-моддасидаги солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш жиноятларининг мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

### **191-модда. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш**

*Сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Сир тутиладиган фан-техникага, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган моддада жавобгарликни назарда тутувчи жиноят таркибининг ижтимоий хавфлилиги — иқтисодий муносабатлар амал қилишининг ҳозирги шароитида ахборот мулк шакллари билан таъсирланади. Бошқа шахсларга номатлум бўлганлиги сабабли муайян қийматга молик ахборотга эга бўлиш, муваффақиятли рақобатбардош бозор шароитларида иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Айни пайтда бундай ахборотларни қонунга хилоф равишда тўплаш ва реализация қилиш алоҳида шахсларнинг, баъзи ҳолатларда эса, алоҳида ҳудуд ва мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигига путур етказиши.

2. Жиноят объекти — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг давлат томонидан белгиланган шартлари ва тартибини, хусусан, уларга турли шахсларнинг найриқонуний таъсир қилиши, биринчи навбатда, жиноятлар содир этиш учун қонуний фаолиятга қонунга хилоф равишда киришдан муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлар. Жиноятнинг бевосита объекти — сир тутиладиган ахборотни муҳофаза қилиш йўли билан тадбиркорлар ўртасида нормал рақобат курашини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.



3. Жиноят предмети сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотдир.

4. Агар ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлса, қопуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин бўлмаса ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўрган бўлса, унинг кўриниши, шаклидан қатъий назар, сир тутиладиган ахборот, деб тан олиниши лозим<sup>1</sup>. Бунда ахборот, агар у ижтимоий ривожланишнинг мавжуд босқичида даромад олиш учун ишлатилса ёки ишлатилиши мумкин бўлса (потенциал қадр), ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга, деб тан олинади. Очиқ олиш мумкин бўлган ахборот, яъни қонунда ўрнатилган ҳар қандай шахс олиши мумкин бўлган ахборот сир тутиладиган ахборот бўлмайди, масалан, тарихий манба мазмуни ҳақидаги ахборот архивга мурожаат қилинганда олинади ва ҳоказо.

Ҳаммага маълум бўлган ахборот ҳам сир тутилаётган ахборот ҳисобланмайди, яъни бундай ахборотни олиш қандайдир шартларни бажариш билан боғлиқ эмас, масалан, оммавий ахборот воситаларидан, қонун ҳужжатларидан (махфийларидан ташқари) олинadиган маълумотлар.

Баён этилганлардан ташқари, қонунга мувофиқ, хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотлар жумласига (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳамда мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар ва бошқа маълумотлар) киради<sup>2</sup>. Давлат сирига тегишли ахборотлар ҳам сир тутиладиган ҳисобланмайди — уларга нисбатан махсус ҳуқуқий тартиб белгиланган, уларнинг бузилиши, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 160, 162, 163-моддалари бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

5. Ахборотни сир тутиладиган, деб тан олиш учун унинг эгаси муҳофаза қилиш чораларини кўраётганлигини аниқлаш лозим, акс ҳолда, мазкур ахборотларни сир тутиладиган, деб тан олиш мумкин эмас. Маълумотларни муҳофаза қилиш турли чоралар билан амалга оширилади: ундан фақат маълум шахслар фойдалана-

<sup>1</sup> Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 37-модда, 1-қисми таҳлилидан келиб чиққан.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 37-модда, 3-қисми.

ли, уни маълум ҳудуддан олиб чиқиш мумкин эмас, бундай ахборотдан фойдаланадиган шахсларнинг уни тарқатиш ҳуқуқи чегараланади ва ҳоказо. Одатда, ахборотни муҳофаза қилиш учун ахборотни ҳимоялашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

б. Сир тугиладиган ахборот турли хусусиятларга эга:

- *фан-техника* — технологик, муҳандислик, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қиладиган, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ягона тизим сифатида фаолият юритишини таъминлайдиган билимлар;

- *ишлаб чиқариш* — бир турдаги технологияларни ишлатиб, керакли натижаларга эришиш учун зарур бўлган муайян технологиялар фаолияти учун ишлатилиши лозим бўлган маълумотлар. Бундай маълумотларга қадимги Шарқ тиббиётининг турли дори-дармонларни тайёрлаш рецепти мисол бўла олади. Фан-техника маълумотларидан фарқли равишда, ишлаб чиқариш маълумотлари янгилик хусусиятига эга эмас, улар маҳсулотни ишлаб чиқариш учун муайян вақт давомида қўлланиб келинмоқда;

- *иқтисодий* — корхона фаолиятини самарали бошқаришни ташкил қилиш учун, унумдорлигини ошириш учун фойдаланиладиган ахборот;

- *савдо* — кўпроқ турли товарлар, ишлар, хизматлар олди-сотдиси, уларни етказиб бериш соҳасида ишлатиладиган маълумотлар. Бу маълумотлар етказиб бериладиган товарлар, ўтказиш бозорлари, ўтказишни қўллаётган технологияларга тегишли бўлиши мумкин.

7. Жиноят кодексида сир тугиладиган ахборот сифатида тан олинадиган ахборотларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд эмас, уларни белгилашни ҳар бир муайян ҳолатда ҳуқуқни татбиқ этувчи шахслар зиммасига юклайди. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд сир тугиладиган ахборотнинг бошқа ҳар қандай маълумотлардан принципиал фарқларига асосланиши лозим — ахборот потенциал ёки ҳақиқий тижорат қийматига эга бўлиши лозим. Бу сабаб бўйича адвокатлик ёхуд журналистлик сирига тегишли бўлган ахборотни қонунга хилоф равишда тўплаш ва ундан фойдаланишда ифодаланган шахсларнинг ҳаракати бу модда бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки бундай ахборотнинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланмайди.

8. Шарҳланаётган жиноят предмети ихтиро ва рационализиаторлик тақлифлари ҳамда расмий рўйхатга олиш ёхуд эълон қилишдан олдин улар ҳақидаги маълумотлар бўла олмайди. Бундай маълумотлар

мотларни қонунга хилоф равишда ўзлаштириш ёки овоза қилиш мақсадида тўплаш билан боғлиқ айбдор ҳаракати ЖКнинг 149-моддаси бўйича муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш, деб квалификация қилиш лозим.

9. Бундай маълумотларни тўплаш эркин олиш мумкин бўлмаган ва сир тутишни таъминлашнинг махсус тартиби белгиланган маълумотларни топиш ва уларга эгалик қилишга маълум ҳаракатларни ҳар қандай усулда амалга оширишдир. Бу усулларга ҳужжат ва ахборотнинг бошқа моддий манбаларини ўғирлаш, сир тугилаётган ахборотга эга шахслар ёхуд уларнинг қариндошларига пора бериб, уларга турли таҳдид ва қўрқитиш билан эга бўлиш (ёки эга бўлишга ҳаракат қилиш), алоқанинг турли воситаларидан ахборот олиш, ҳужжатлар билан қонунга хилоф равишда танишиш ёки ундан бошқа усуллар билан нусха олиш, тинглаш приборларини ва бошқа махсус воситаларни ишлатиш ва ҳоказолар киради. Хусусан, ахборот тўплашни ахборот тармоғига кириш йўли билан амалга ошириш мумкин, бунда айбдор ҳаракатини ЖКнинг 174 ва 191-моддасида келтирилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Агар сир тугилаётган ахборотни тўплаш усули пора бўлса, содир этилган қилмишлар учун жавобгарлик ЖКнинг 191-моддаси, 1-қисми ҳамда ЖКнинг 211 ёхуд 213-моддаси бўйича келиб чиқади.

10. Агар ахборот эгасининг ахборот олинишига розилиги бўлмаса, яъни ахборот тўплаш қонунга хилоф бўлса, айбдор жавобгарликка тортилади. Ахборот эгаси розилиги очиқ бўлиши ёхуд кўзда тутилган бўлиши мумкин (масалан, ахборот эгаси қонунга хилоф равишда ахборот тўпланаётганини билиб туриб, ҳеч қандай чора кўрмаган бўлса).

Ваколатли орган томонидан сабаб ва асосларни тушунтирмай ёхуд ёлғон сабаблар билан ахборот тўплашни амалга ошириш ёки кўрсатилган сабаб ва асосларга тегишли бўлмаган ахборотни тўплаш — қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, деб топилиши лозим. Хусусан, тадбиркордан, тергов органлари томонидан ўзларидаги иш билан боғлиқ бўлмаган ёки ахборотнинг етарли чегарасидан ошириб (масалан, солиқлардан бўйин товлаш бўйича жинорий иш очилганда фаолиятни текшириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини талаб қилиш) сир тугиладиган ахборотни олиш қонунга хилоф, деб ҳисобланиши лозим.

11. Жиноят таркиби формал: қандайдир оқибатлар пайдо бўлишидан қатъий назар, сир тугилаётган ахборотни тўплаш бўйича ҳаракатларнинг ўзи жазога сазовор.

12. Субъектив томондан сир тутиладиган ахборотларни тўплаш – бу тўғри қасддан содир этиладиган жиноятдир. Айбдор у тўплаётган ахборот учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эгалигини, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкин эмаслигини ҳамда ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўрганлигини билади.

Субъектив томоннинг зарурий элементи мазкур жиноятни содир этиш мақсади – сир тутиладиган ахборотни ошкор этиш ёхуд мазкур ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳисобланади.

Жиноят мотивлари турличадир. Бу ахборот эгасига зарар етказиш истаги билан боғлиқ бўлган ғараз, ҳасад ёки ўч олиш бўлиши мумкин.

13. *Жиноят субъекти* – ўн олти ёшга тўлган, сир тутиладиган ахборот эгаси бўлмаган ва уни касбий ёки хизмат фаолияти бўйича тарқатиш ёхуд ундан фойдаланиши мумкин бўлмаган ҳар қандай ақли расо шахс.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қонунга хилоф равишда сир тутиладиган ахборотни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш натижасида кўп миқдорда зарар етказганлик учун жавобгарликни белгилайди.

15. Сир тутиладиган ахборотни ошкор этиш деганда, маълумотларнинг эълон қилиниши натижасида ўзга шахсларга маълум бўлиши ёхуд сир тутиладиган ахборотни ташкил қилувчи маълумотлар билан танишиш ҳуқуқи бўлмаган шахсга берилиши тушунилади.

Мазкур ахборотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда, ахборот бевосита ва яқин алоқадор бўлган фаолиятни амалга ошириш учун ахборотни қўллаш тушунилади. Шунинг учун, масалан, илмий ишни иллюстрация қилганда алоҳида корхона менежментининг янги тузилмасини ишлатишни сир тутиладиган ахборотни қўллаш, деб бўлмайди, бундай ҳолатда тегишли белгилар мавжуд бўлганда, муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликка тортиш мумкин.

Қонунга хилоф равишда фойдаланиш айбдорнинг ўзга шахсларга маълумотларни ҳақ эвазига ёки бошқа мақсадни кўзлаб маълумотларни бериш йўли билан ёхуд ўзи тўплаган ахборот асосида турли қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ёки бошқа мақсадда амалга оширилиши мумкин.

16. ЖКнинг 191-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган қилмишдан фарқли ўлароқ, шарҳланаётган жиноят зарурий белгига эга – ўзгаларнинг сир тутиладиган ахборотини эълон қилиш ёхуд ундан фойдаланиш билан боғлиқ равишда кўп миқдорда зарар етказиш. Бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши, унинг қайта йўналтирилиши, мижозлари камайиши туфайли рақобат курашида хўжалик субъекти кўрган йирик моддий зарарнинг юзага келгани бўлиши мумкин.

Жиноят кўп миқдорда зарар етказилган пайдан бошлаб туғалланган ҳисобланади.

17. Субъектив томондан ЖКнинг 191-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят фақат қасддан содир этилади. Айбдор шахс сир тутилаётган ахборотни ошкора қилиши ёки ундан фойдаланиши натижасида, сир тутиладиган ахборот эгасига кўп миқдорда зарар етказишини билади, шуни ҳоқлайди ёхуд оғли равишда йўл қўяди.

Сир тутиладиган ахборотни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланишнинг мотив ва мақсадлари гаразли бўлиши, бундан моддий фойда олишга интилиш билан боғлиқ бўлиши ёхуд айбдорнинг бу ҳаракатларни амалга оширишида ва кўп миқдорда зарар етказишида шахсий манфаатлари борлигидан гувоҳлик бериши мумкин: ўч олиш, хасад, хафалик, қариндошлик ва дўстлик ҳисси, яқин инсонга ёқиш истаги ва ҳоказолар.

18. Жиноят субъекти – сир тутиладиган ахборотга қонуний (қасбий ёки хизмат фаолияти билан боғлиқ) ёхуд қонунга хилоф равишда эғалик қилаётган ўн олти ёшга тўлган шахслар ҳисобланади. Сўнгги ҳолатда тергов органлари ва суд айбдор бу ахборотни олишга қандай эришганини аниқлаши лозим ва тегишли белгилар мавжуд бўлганда, айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 191-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

19. Агар сир тутиладиган ахборотни мансабдор шахс ёхуд бу маълумотларни бажараётган вазифаси туфайли оладиган масъул мансабдор шахс ошкор қилса ёхуд ундан фойдаланса, содир этилган қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш аломатлари мавжуд бўлгани ҳолда ЖКнинг 209 ва 191-моддаси, 2-қисмидаги белгилар билан квалификация қилиниши лозим.

### **192-модда. Рақобатчини обрўсизлантириш**

*Рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур ет-*

*казиш мақсадида била туриб ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Жиноят объекти товар бозорида хўжалик субъектларининг қонуний рақобатини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир.

2. Объектив томондан жиноят босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишда ифодаланади.

3. Била туриб ёлгон маълумотларни тарқатиш деганда, оммавий босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни ошкор қилишни тушуниш лозим.

4. Агар маълумотлар ҳақиқатга тўлиқ мос келмаса, ёлгон маълумотлар ҳисобланади.

5. Ноаниқлик маълумотларнинг ҳақиқатга қисман мувофиқлигини билдиради.

6. Бузиб кўрсатилган маълумотлар — амалдаги маълумотларга мос бўлмаган маълумотлар бўлиши мумкин.

7. Босма усулда кўпайтириш деганда, босмаҳона усули билан кўпайтирилган маълумотларни тушуниш лозим.

8. Бошқача усулда кўпайтириш деганда, маълумотларни бошқача ҳар қандай усулда кўпайтиришни (ксерокопия орқали, фотосуратга олиш орқали, турли матн ёзиш машиналаридан, компьютерлардан фойдаланиш орқали, қўл билан ёзиш орқали ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

9. Жиноят била туриб ёлгон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган маълумотларни босма ёки бошқача услубда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали ошкор қилинган пайтдан, яъни ўзга шахсларга маълум бўлган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

10. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор ёлгон, ноаниқ, бузиб кўрсатилган ахборотни тарқатаётганини олдиндан билиши лозим.

11. *Субъектив томоннинг зарурий белгиси жиноятни содир этиш мақсади* — хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш ҳисобланади. Бундай маълумотларни тарқатган шахсда хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик ну-

фузига путур етказиш мақсади бўлмаса, унинг ҳаракатида мазкур жиноят таркиби бўлмайди.

Агар шахс хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказувчи ҳақиқий маълумотларни ошкор этса, унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмайди.

12. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

13. Агар жиноят рақобатчининг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ёлғон маълумотлар асосида содир этилса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 192-моддаси билан эмас, балки Жиноят кодексининг 140-моддаси талаблари билан жиноий жавобгарликка тортилиши лозим (масалан, тадбиркорнинг ўйнашлари кўплигини айтилиши).

## ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ

### ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

#### XIV боб. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

##### 193-модда. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузини

*Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модданинг мақсади саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектлар атроф-муҳит ва инсон ҳаётига зарарли бўлиши мумкин бўлганлиги учун уларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ишларининг технологик тартибини жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишдан иборат. Ушбу модда диспозициясида санаб ўтилган ишлар ҳар доим ўзининг характери бўйича инсон ҳаёти ёки соғлиғи ва атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи-борлиги билан боғлиқ.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ва юридик кучга эга бўлиши керак. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш қоидалари таркиби бўйича хавфсизликнинг умумий ва махсус қоидаларидан фарқ қилади. Бундай жиноятлар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг бошқа моддаларида кўрсатилган. Корхона, иншоот ва бошқа объектларни лойиҳалаш,



жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш умумий экологик қоидалари ҳамда ишга тушириш ва бошқа фаолиятни бажаришга бўлган экологик талаблар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги»ги Қонунда ўз ифодасини топган.

2. Шарҳланаётган модданинг объекти табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўли билан хўжалик ва бошқа фаолият соҳасидаги экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир. Атроф-муҳитнинг салбий ўзгариши, экологик хавфсизлик норма ва қоидалари бузилишидан келиб чиққан инсон соғлиги ва ҳаётига етказилган зарар қўшимча объект бўлиши мумкин.

3. Мазкур жиноятнинг объектив томони қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бино, иншоот, ер ишларини лойиҳалаш, саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг бузилиши ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларнинг норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилинишидан иборат қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

*Экологик хавфсизлик нормалари ва қоидаларининг бузилиши* — амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган кўрсатмалардан фарқ қилувчи хатти-ҳаракат вариантини танлаш.

Бузиш тақиқланган технологик жараёнлардан, қоидаларда назарда тутилмаган ҳисоб-китоб методикасидан фойдаланиш, иш бажаришни рад этиш ёки рухсатнома ва лицензия шартларига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланиш, тозалаш иншоотларига йўл қўйилиши мумкин бўлган юкломани ошириш, экологик хавфсизлик нормалари ва қоидаларида кўрсатилган вазифаларни бажармаслик (тегишли хўжалик ва бошқа қарорлар қабул қилинаётганда уни ҳисобга олиш керак бўладиган маълумотларни қабул қилмаслик ёки менсимаслик, давлат экологик экспертизаси ўтказилишини рад этиш, тегишли тозалаш иншоотлари қурилишини рад этиш, назорат ўлчовларини бажармаганлик)дан иборат;

- *оқибат* — инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган атроф-муҳитнинг ифлосланиши.

Бошқача оғир оқибатлар деганда, атроф-муҳит сифатининг ёки унинг объекти ҳолатининг экоцид, эпидемия таҳдидини юзага келтирадиган даражада ёмонлашуви, яқин вақтда бартараф этиб

бўлмайдиган ёки катта моддий харажат билан бартараф этиладиган авариялар; алоҳида объектларнинг нобуд бўлиши; ер деградацияси ва атроф-муҳитнинг бошқа салбий ўзгаришлари тушунилади.

Шарҳланаётган жиноят-ҳуқуқий норманинг қўлланилиши тўғрисидаги масала таҳлил этилаётганда, жиноятнинг оқибати ва экологик муҳитда ижтимоий қадриятларнинг камайиш даражасини ифодаловчи миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олиниши керак. Шундай оқибатлар бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади;

- ҳаракат билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

Диспозицияда санаб ўтилган қилмишлар ва келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш экология хавфсизлиги нормалари ва талаблари бузилишида акс этган қилмиш ҳамда келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги қонуниятли зарурий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш қоидалари бўйича бегиланиши лозим.

Ҳаракат билан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши мажбурийдир ва зарарли оқибатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини бузишдан келиб чиққанлигини (бошқа ёки қўшимча омиллар орқали келиб чиқмаганлигини) билдиради. Кўрсатиб ўтилган оқибатлар билан ҳаракат ўртасидаги сабабий боғланиш эксперт ёки табиий фанлар (геология, гидрометеорология, атмосфера физикаси ва бошқа) соҳадаги мутахассислар ҳулосаси бўйича белгиланади.

Экспертлар томонидан фойдаланиладиган нормативлар мавжуд. Масалан, сувнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш унда зарарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси нормативлари бўйича ўрнатилади. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги оқава сувларни самарали тозалаш, зарарли чиқиндиларни йўқ қилишни таъминламайдиган янги ва реконструкция қилинган корхона, цех ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари қуришни тақиқлайди

4. Лойиҳалаш деганда, ваколатли шахснинг махсус қарорига асосан амалга оширилувчи ва ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи технологик жараёнлар мажмуи тушунилади. Объектларни лойиҳалаш якка (ижодий) таклифни илгари суриш орқали амалга оширилганда, агар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган бўлса ҳам, бу жиноят таркибининг объектив томонини ҳосил қилмайди.

5. *Объектларни жойлаштириш* — лойиҳаланаётган иншоот, транспорт инфратузилмаси, аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш комплексларининг муайян майдонда жойлашувини белгилаш бўйича фаолият.

6. *Қуриш* — янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш, қайта жиҳозлаш ва бошқача барпо этиш ёки мавжуд объектларни қайта ташкил этиш.

7. *Ишга тушириш* — қурилган (реконструкция, модернизация қилинган) объектларнинг бажарувчи томонидан қатъий белгиланган юридик шаклда топширилиши ва ваколатли шахслар томондан қабул қилиниши, ҳужжатларни ва объектнинг фактик ҳолатини текшириш жараёни, ҳаракатга келтириш, фойдаланиш, қўллаш.

8. *Объектлардан фойдаланиш* — объектлардан маҳсулот олиш, аҳолининг яшашини таъминлаш учун бирор муайян мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

9. Қурилишида ва реконструкция қилинишида экологик хавфсизлик норма ва қоидаларига риоя қилинмаган саноат, илм-фан ва бошқа объектларнинг давлат комиссияси аъзолари томонидан фойдаланишга қабул қилиниши, таҳлил этилаётган модда диспозициясида кўрсатилган оғир оқибатлар келиб чиқсагина, жинойий қилмишни ҳосил қилади.

Қабул қилиш қоидалари объектларни қуриш, улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш билан шуғулланувчи тузилма бошқаруви томонидан белгиланади. Экологик хавфсизлик норма ва талаблари ушбу қоидалар ва идоравий норматив ҳужжатларда ўз аксини топган.

10. Жиноят экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини бузишдан юзага келган оқибат келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

11. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Шахс экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини бузаётганлигини англайди, ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига унинг кўзи етади, уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди ва келиб чиққан оқибатларга бепарво муносабатда бўлади.

12. Экологик хавфсизлик норма ва қоидаларини бузишнинг субъекти ўн саккиз ёшга тўлган, ўзининг хизмат ҳолати бўйича атроф-табiiй муҳит қоидалари ва экологик хавфсизлик нормасига риоя этилишига масъул мансабдор шахслар ҳисобланади. Уларга атроф-муҳитга нисбатан фойдаланувчи ёки табiiй ресурслардан фойдаланувчи ёхуд табiiятни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат қилиш функциясини бажарувчи мансабдор шахслар киради.

Бундан ташқари, объектларни қабул қилиш бўйича давлат комиссияси таркибига кирувчи архитектура-лойиҳа бошқармаси,

илм-фан, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, коммунал хизмат органлари ва маҳалiiй ҳокимиятнинг мансабдор шахслари ҳам жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Асосiiй ўринни давлат, жамоат муассасалари, ташкилотлар ва корхоналар ишчиларининг хизмат ваколатлари кўрсатилган идоравiiй норматив ҳужжатлар: устав, йўриқнома ва буйруқлар эгаллайди субъектнинг жавобгарлиги ҳал қилинаётганда бу норматив ҳужжатлардан фойдаланиш керак.

### **194-модда. Атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш**

*Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф-табiiй муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиги, тирик табиат учун хавfli бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касаллиниши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса*

*— уч ойдан олти ойгача қamoқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, «ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табiiй захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»<sup>1</sup>.

Шарҳланаётган модданинг мақсади атроф-муҳитнинг нормал ҳолатини сақлаш ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида атроф-табiiй муҳитни доим назорат қилиш орқали инсон ҳаёти ҳамда соғлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, табиатнинг бошқа объектлари учун келиб чиқиши мумкин бўлган салбiiй оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда; Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда.

2. *Жинойтнинг объекти* — ҳўжалик юритувчи комплексларнинг тегишли тармоқларида экологик хавфсизликни таъминлашдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳамда атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Факультатив объект — инсон ҳаёти ва соғлиги ҳисобланади.

3. Жинойтнинг объектив томони зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган авариялар ва атроф-табiiй муҳитнинг бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги маълумотларнинг қасддан яширилиши ва бузиб тақдим этилиши натижасида атроф-муҳитга, инсон соғлиги ва ҳаётига ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар ва шикаст етказишда ифодаланади. Бундай қилмишлар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида содир этилиши мумкин.

4. Қасддан маълумотларни яшириш деганда, инсон ҳаёти ва соғлиги ёки атроф-муҳитга хавф туғдирадиган ҳолатлар ҳақида хабар берилиши шарт бўлган маълумотларни, бундай маълумотларни қабул қилишга ҳуқуқи бор ёки қабул қилишга муҳтож бўлган тегишли шахсларга етказмаслик тушунилади. Яшириш бундай маълумотларни тақдим этишга мажбур бўлган шахс томонидан бузиб кўрсатиш ёки яшириш орқали ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Қасддан яшириш жавобгар шахснинг атроф-муҳит, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳамда зарар етказадиган авария ва ифлосланганлик ҳақида тегишли орган ёки мансабдор шахсларга ўз вақтида хабар бериш бўйича чора кўрмаганлик кўринишидаги пассив ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

5. Бузиб кўрсатилган маълумотлар деганда, атроф-муҳит инсон ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд бошқа объектларга зарар ва шикаст етказган ёки етказиш хавфини туғдирадиган факт ва ҳолатларга тегишли бўлган тўлиқ бўлмаган ёки ишончсиз, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тушуниш керак. Маълумотларни бузиб кўрсатиш актив ҳаракатда ифода этилиши мумкин.

6. *Махсус ваколатга эга мансабдор шахс* — бу фаолияти атроф-табiiй муҳит ҳолати ёмонлашишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган давлат органларининг ҳамда корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари.

Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш ва табiiй ресурслардан фойдаланиш бўйича давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий органлари амалга оширади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 8-модда.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари қуйидагилар ҳисобланади:

• Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

• Саноатда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати агентлиги;

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

• Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин<sup>1</sup>.

Идоравий экологик хизмат бўлинмалари деганда, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг махсус ваколатли шахслари (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари, экологик хавфсизлик бўйича муҳандислар ва бошқалар) тушунилади.

7. Экологик оқибатли фалокат деганда, хўжалик ёки бошқа фаолиятда атроф-табiiй муҳитда инсон соғлиғига, табiiй экологик тизим ҳолатига, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондларига таҳдид солувчи ҳалокатли таъсирни, доимий салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фавқуллодда вазият тушунилади.

8. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши деганда, хўжалик ва бошқа фаолият, табiiй кучнинг ҳалокатли таъсири, фалокат ёки офат оқибатида инсон соғлиғига, табiiй экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи атроф-табiiй муҳитнинг доимий салбий ўзгариши содир бўладиган ҳудудни, шунингдек, сув ва ҳаво бўшлиқларининг радиациявий, кимёвий, бактериологик ёки бошқача ифлосланиши тушунилади.

*Атроф-муҳитнинг ифлосланиш ҳудуди* — ҳаво, сув, ҳудудий бўшлиқнинг муайян қисми, шунингдек, табiiй мувозанатнинг бузилиши, табiiй экологик тизимнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ бўлган атроф-муҳитнинг доимий ёки қайтариб бўлмайдиган ўзгариши содир бўлган ёки бўлаётган ер қабри участкасидир.

*Атроф-муҳитнинг радиациявий ифлосланиши* деганда, тупроқда, сувда, атмосфера ҳавосида, ўсимликларда радионуклидларнинг табiiй миқдорига нисбатан ёмонлашувида, аҳолининг нурланиш эквивалент дозасининг, атроф-муҳитда радионуклидлар

<sup>1</sup> Ўша жойда, 31-модда.

концентрациясининг белгиланган нормадан ошишида ва ионлаштирувчи нурланишнинг кучида ифодаланувчи радиациявий фоннинг ўзгариши тушунилади.

*Табиий радиациявий фон* — космик нурланиш орқали ҳамда ерда, сувда, ҳавода, биосферанинг бошқа элементларида, озик-овқат маҳсулотларида ва инсон организмда табиий равишда тақсимланган табиий радионуклидларнинг нурланиши орқали ҳосил бўладиган нурланиш дозаси.

*Техноген равишда ўзгарган радиациявий фон* — инсон фаолияти натижасида ўзгарган табиий радиациявий фон. Агар радиациявий фоннинг ўзгариши атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келса, у ижтимоий хавfli, деб топилади.

*Атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши* — атроф-табиий муҳитнинг инсон соғлиғига, табиий экологик тизимга, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳолатига таҳдид солувчи кимёвий моддалар, чиқиндилар ва бошқа турдаги кимёвий ифлосланишни чиқариб ташлаш оқибатида келиб чиққан доимий салбий ўзгаришидир.

*Атроф-муҳитнинг бактериологик ифлосланиши* — бундай ифлосланишда, табиий муҳитда, атмосферада, сув ёки тупроқда ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот оламида табиий экологик тизим, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондлари ҳамда инсонларнинг ҳолати ўзгаришига потенциал ёрдам берувчи бактериологик моддалар билан боғлиқ доимий салбий ўзгаришлар рўй берган ёки бериши мумкин бўлади.

Атроф-муҳитнинг инсон ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд табиатга хавfli бўлган бошқача ифлосланиши деганда, радиациявий, кимёвий ёки бактериологик моддалар билан боғлиқ бўлмаган, токсик ва бошқа моддаларни ташлаш ёки чиқариш оқибатида атроф-муҳит жиддий ўзгарадиган ифлосланиш тушунилади (масалан, нефт, газ, экинзор майдонларига назорат қилиб бўлмайдиган тарзда ўт кетиши ва ҳоказолар).

9. Шарҳланаётган модда диспозициясига мувофиқ, аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Бунда аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар деганда, инсонларнинг эпидемиологик хусусиятга эга ва соғлом кишиларда касалликни келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилиши даркор.

10. Жиноятни тугалланган, деб топиш учун, маълумотларни яшириш ёки бузиб тақдим этиш натижасида шарҳланаётган мод-

ланинг диспозициясида кўрсатилган оқибатлар — аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиққан бўлиши керак. Бошқа ҳолларда маъмурий жавобгарлик юзага келади.

11. Аҳолининг оммавий касалланиши деганда, икки ёки ундан ортиқ шахсда организмнинг биологик хусусиятларида патологик ўзгаришлар рўй бериши, соғлиқнинг жисмоний, руҳий ёки бошқача бузилиши тушунилади.

12. Ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, бир вақтнинг ўзида ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг бир ёки бир нечта турлари, муайян ҳудудда, бир ёки бир нечта объектларда кўп миқдорда нобуд бўлиши тушунилади. Бунда нобуд бўлишнинг оммавийлиги ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг турлари, уларни қайта тиклаш даражасига қараб, ҳар бир муайян ҳодисадан келиб чиқиб аниқланади.

13. Бошқа оғир оқибатлар деганда, кўп ва жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш, аҳолини кўчириш, бино ва бошқа хўжалик объектларини бузиш зарурияти, улардан тўғри мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг иложи йўқлиги, бирон-бир ҳайвон ёки ўсимлик турининг йўқ бўлиши тушунилади.

14. Келиб чиққан оқибат билан экологик оқибатли фалокат ёки атроф-муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиғи учун ёхуд тирик табиат учун хавфли бўлган бошқа ифлосланишга олиб келган аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этиш мажбуриятини бузиш ўртасидаги сабабий боғланиш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

15. Субъектив томондан жиноят тўғри ёки эгри қасддан содир этилади. Айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етди ва уларнинг юз беришини истайди ва онгли равишда уларнинг юз беришига йўл қўяди. Бундай маълумотларни эҳтиётсизликдан тақдим этмаслик ёки уларни бузиб тақдим этиш жиноят таркибинини ҳосил қилмайди.

16. Жиноятнинг субъекти ўн саккиз ёшга тўлган, юқорида кўрсатилган маълумотларни тақдим этишга махсус ваколатли бўлган шахс бўлиши мумкин. Бундай шахсларга раҳбарлар, уларнинг ўринбосарлари, бош муҳандислар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекторлари ҳамда атроф-муҳитнинг эҳтимол тutilган ифлосланиши билан боғлиқ бўлган ишлар хавфсизлигига масъул бўлган,



бундай маълумотларни мустақил равишда тақдим этиш ҳуқуқига эга корхона ходимлари киради. Тегишли маълумотларни тақдим этиш давлат, идора, жамоат муассасаси ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот ва муассаса ишчиларининг у ёки бу хизмат ваколатларини белгилаб берувчи қонун, устав (таъсис ҳужжатлари ва ички низом), кўрсатма, буйруқларга кўра уларнинг мажбурияти ҳисобланади. Шарҳланаётган ҳаракатни солидир қилганлик учун муайян шахснинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўрилаётганда экологик оқибатли фалокат ёки атроф-муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериологик ва инсонлар ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд тирик табиат учун хавфли бўлган бошқа ифлосланиш, аҳоли соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича мажбуриятни белгилаш мақсадида локал норматив ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш зарур.

17. Агар ЖКнинг 194-моддаси, 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар натижасида битта одам ўлса ҳам, шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича жавобгарлик юзага келади.

### **195-модда. Атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик**

*Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Уша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса*

— уч ойдан олти ойгача қamoқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, унда атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик натижасида атмосфера, сув ресурслари, ўсимлик дунёси ифлосланади, ҳайвонот дунёси заҳарланади, рухсат этилган зарарли моддаларнинг санитария-гигиена нормативига риоя қилинмайди, бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солади.

Атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланишидан мақсад қилиб, қонунчилик республикада экологик вазият ҳолати устидан доимий тегишли назорат ўрнатиш вазифасини кўяди. Атроф-табiiй муҳитнинг йўл қўйилган ифлосланиш фактлари ўз вақтида қайд қилинибгина қолмай, балки бундай ифлосланишнинг зарарли оқибатларини бартараф этишга масъул шахслар қонун билан уларга юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари шарт.

2. Жиноят объекти Ўзбекистон Республикасида экологик барқарорликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган ва шаклланиган ижтимоий муносабатлардир. Бевосита объекти атроф-табiiй муҳит, экологик хавфсизлик ҳисобланади. Инсон ҳаёти ёки соғлиғи, давлатимизнинг иқтисодий манфаатлари факультатив объект бўлиши мумкин.

3. Объектив томондан экологияси ифлосланган жойларни деактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёхуд бундай ишларни етарли даражада бажармаслик одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган жиноий ҳаракатларда ифодаланади.

Деактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаш ёхуд бундай ишларни етарли даражада бажармаслик жиноятининг оқибати одамларнинг оммавий касалланиши ёки атроф-табiiй муҳитга бошқача оғир оқибатлар етказилиши билан боғлиқдир.

Ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасида бевосита сабабий боғланиш белгиланган бўлиши керак. Жиноят оқибат (одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар) юзага келган пайтдан эътиборан тугалланган, деб топилади.

4. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин (масалан, қасддан хизмат вазифасини бажаришдан бўйин товлаш, ўзининг мажбуриятига бепарво ёки ўзига-ўзи ишонган ҳолда муносабатда бўлиш ёхуд ҳаракатга нисбатан қасддан, келиб чиққан оқибатга нисбатан эса эҳтиётсизликдан — айбнинг мураккаб шакли).

5. Жиноятнинг субъекти махсус бўлиб, ун саккиз ёшга тўлган, хизмат, профессионал ёки бошқа функцияларни бажариш муно-

сабати билан экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёхуд бошқача тарзда тиклаш чораларини кўриш вазифаси юклатилган шахс. Уларга корхона, муассаса раҳбарлари, бош муҳандислар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳоказолар киради.

6. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида бир ёки ундан ортиқ шахснинг ўлими келиб чиққанлиги учун жавобгарлик белгиланади.

### **196-модда. Атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш**

*Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса*

— уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ер, сув ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш бўйича муносабатлар экологик қонунчилик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ушбу жиноят-ҳуқуқий норманинг мақсади ернинг бузилиши, яъни экологик қонунчиликнинг бузилиши натижасида ернинг сифатли ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш йўли билан уни муҳофаза қилиш, сув сифатини сақлашни жинoий-ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш, стационар ва кўчма манбаларнинг атмосферага зарарли моддаларни чиқариб ташлаш нормативига риоя этишини жиноят-ҳуқуқий воситалар билан таъминлаш ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига, балиқ захирасига, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига, инсонлар ҳаёти ёки соғлигига етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олишдан иборат. Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишга бўлган талабларнинг юқорилиги ва уларни жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш инсон ҳаёти ва фаолияти, шу жумладан, ҳайвонот дунёси, ўрмон, ер, ер ости учун муҳим шароитларни яратиб бериш, шунингдек, ижтимоий хавфли тажовузнинг оқибатларини тугатиш имконияти йўқлиги ёки мураккаблиги, қайта тикловчи ишларнинг қимматга тушиши билан изоҳланади.

2. Жиноят объекти — ер, сув ва атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлар, инсон ҳаёти ва соғлиғидир.

Шарҳланаётган модданинг предмети қуйидагиларни ўзига олади:

- ер — Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фондига кирувчи ер участкасининг ҳар қандай тури;
- ер усти (дарё, кўл, сув омборлари) ёки ер ости сувлари, музлик ҳамда ичимлик суви таъминоти манбалари;
- атмосфера, ҳаво, унинг табiiй хоссалари.

Ер деганда, ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фондига кирувчи қуруқликнинг устки қисми, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, кенглик, участка ҳамда ер қаъри, тупроқ тушунилади.

Сув объектлари деганда, сақлаш ва сув алоқаси учун фойдаланиладиган ҳамда атроф-табiiй муҳитнинг ажралмас қисми ҳисобланган табiiй ва сунъий объектлар тушунилади.

*Атмосфера ҳавоси* — атмосферанинг турар жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш биноси ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарида бўлган, ернинг эволюцияси давомида шаклланган ерга яқин қавати газларининг табiiй аралашмаси. Уларнинг ифлосланиши меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузиш каби жиноят таркибини келтириб чиқариши мумкин.

3. Жиноятнинг объектив томони қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ер, сув ёки атмосфера ҳавосининг бузилиши, ифлосланиши ва табiiй хусусиятларининг бошқача тарзда ўзгаришидан иборат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- жиноий оқибат;
- ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Ҳаракат ер, сув, атмосфера ҳавосини табiiй объектлар ҳолатига салбий таъсир этиши ва уларнинг сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлгани учун норматив-ҳуқуқий актлар билан атроф-табiiй муҳитга киритиш тақиқлапган ёки уларни киритишга қатъий чеклашлар ўрнатилган зарарли моддаларни атроф-табiiй муҳитга ташлаш, оқизиш ёки бошқача тарзда қўшиш йўли билан қасддан бузиш ёхуд ифлослантиришда ифодаланади.

Ҳаракатсизлик эса, хўжалик ва бошқа фаолият амалга ошириладётганда, иншоотлар қурилишида тозаловчи ва ўлчовчи мосламаларни ўрнатмаслик, атроф-табiiй муҳитни сақлаш ёки уни тиклаш бўйича чора-тадбирларни етарли даражада бажармасликда ифодаланади.

4. Ер, сув, атмосферанинг ифлосланиши ва бузилиши деганда, ўзини ўзи тозалашга бўлган табиий қобилиятини пасайтирадиган физик, кимёвий, биологик хусусиятларга таъсир тушунилади.

5. *Ернинг бузилиши* — унинг унумдор қаватининг бузилишига ва қирилиб кетишига олиб келувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик).

*Ифлослантириш* — ерга характерли бўлмаган физик, кимёвий, биологик модда, организмларни киритиш.

6. *Сув объектларининг ифлосланиши* — ер усти ва ости сув сифатини ёмонлаштирадиган ёки сув объектларининг қирғоғи ва таги ҳолатига салбий таъсир этадиган зарарли моддаларни сув объектларига ташлаш ва бошқача тарзда киритиш.

7. *Ҳавонинг ифлосланиши* — табиий миқдор даражаси ёки сифати нормативидан ошиб кетган концентрациясида зарарли моддаларнинг ҳавода юзага келиши ёки унинг таркибига киритиш.

8. Ифлосланиш даражасини белгилаётганда ер, сув ва атмосфера ҳавосида зарарли моддалар йўл қўйиладиган концентрацияни ўрнатадиган нормативларга амал қилиш керак. Соғлиқни сақлаш қонунчилиги оқава сувларни тозалаш зарарли чиқиндиларни йўқ қилишни таъминламайдиган янги ва реконструкция қилинган корхона, цех ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини куришни таъқиқлайди.

9. Шарҳланаётган модда доирасида ҳаракат билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш шундан иборатки, ҳаракат атроф-муҳитнинг табиий хусусиятлари ўзгаришига олиб келиши керак. Бу ўзгаришлар ўзининг янги хусусиятлари билан, масалан, механик аралашма миқдорининг зарарли моддалар билан кўпайиши ёки табиий объектлардан бирининг физик ҳажми камайиши билан бошқа муҳофаза қилинадиган объектлар ҳолати ўзгаришини (одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар, шунингдек, инсон ўлими ва ҳоказоларни) келтириб чиқаради. Бироқ, агар табиий муҳит ёки унинг объектларидан бири ифлосланиши билан бирга ҳайвон, парранда ёки балиқ захирасининг популяцияси бошқа сабабдан юзага келган эпизоотия натижасида қирилиб кетса, у ҳолда сабабий боғланиш бўлмайди.

10. Жиноят кўрсатилган ҳар қандай оқибат (инсон соғлиғига зарар етказиш, шунингдек, инсон ўлими, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар) юзага келган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

11. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади ва шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, улар-

нинг юз беришига йўл қўяди ва бунга бепарво ҳолатда муносабат-  
ли бўлади. Келиб чиққан оқибатларга қараб, айбдор шахс ҳаракат-  
ларида эҳтиётсизлик бўлиши мумкин.

12. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатлар билан атроф-муҳитга зарарли моддаларни ташлаш ёки  
стационар ва кўчма манбалар, иншоотлар ва бошқа объектлар-  
дан, шу жумладан, транспорт воситаларидан фойдаланиш усти-  
дан назорат қилиш вазифаси юклатилган шахс ҳисобланади.

13. Корхона, ташкилотларнинг мансабдор шахслари қўл ости-  
таги шахсларга хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққан ҳолда  
табиий объектларга зарар етишига олиб келадиган буйруқларни  
берган ҳолларда бошқа тегишли белгилар мавжуд бўлганда, улар-  
ни ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик  
учун ЖКнинг 206-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш лозим.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми инсон ўлими кўрини-  
шидаги ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини назарда тутати.

**197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш  
шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш  
талабларини бузиш**

*Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни  
муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса  
— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига-  
ча миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч  
йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ер ва  
экология қонунчилигининг кўплаб умумий ва махсус норматив  
ҳужжатлар билан тартибга солинади: Ўзбекистон Республикаси-  
нинг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси, 2002 йил 13 декабрдаги  
«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқалар.

Шарҳланаётган модданинг мақсади ер ва ер ости бойликларидан  
нооқилона, самарасиз, мақсадга номувофиқ тарзда фойдаланишдан  
ҳимоя қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва ер ости бой-  
ликларининг сифати ёмонлашувининг олдини олишдан иборат.

Ер, ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдала-  
ниш масалаларининг ечими ерни ҳисобга олиш, фойдали қазил-  
маларни геологик жиҳатдан аниқлаш ва қидириш, кончилик кор-  
хоналарини лойиҳалаш ва ишга тушириш механизмларини, туп-  
роқ сифатини тиклаш бўйича мелиоратив ва бошқа чора-тадбирларни  
ўтказиш устидан назоратни ўз ичига олади.

Ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- ҳудудни оқилона ташкил этиш;
- тупроқ унумдорлигини, шунингдек, ернинг бошқа хоссаларини тиклаш ва ошириш;
- ерни сув ва шамол эрозиясидан, селдан, сув босишдан, захланишдан, қайта шўр босишдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қилиш;
- қишлоқ хўжалиги ерларини бута ва дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ерларнинг моддий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қилиш;
- ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалиги ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация қилиш;
- бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантириш, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини ошириш;
- ерни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаб қолиш<sup>1</sup>.

Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўқис бўлишини ва ундан комплекс фойдаланилишини таъминлаш;
- фойдали қазилмаларнинг ўзбошимчалик билан кавлаб олинишига ва улар жойлашган майдонларда иморат қурилишига йўл қўймаслик;
- фойдали қазилмалар захираларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга ошириш;
- фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш;
- ер қаъридан асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг иқтисодий жиҳатдан рентабелли захиралари мумкин қадар тўлиқ чиқариб олинишини таъминлаш;
- фойдали қазилма конларини сув босишдан, сув чиқиб кетиб тўлиб қолишдан, ёнғиндан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва конларнинг саноат кўламидаги аҳамиятини пасайтирувчи ёки

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 79-модда.

уларни ишга солишни мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан муҳофаза қилиш;

- ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилмалар захираларининг, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда кон қазилмалари, қудуқлар ва ер ости иншоотларининг сақланишини таъминлаш;

- углеводородлар ва уларни қайта ишлаш асосида ҳосил қилинган маҳсулотларни, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлашда, чиқиндиларни сақлаш ва кўмишда, оқава сувларни чиқариб ташлашда ер қаъри ифлосланишининг олдини олиш;

- фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишни белгиланган тартибда ўтказиш<sup>1</sup>.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

3. Жиноят предмети — ер участкаларининг турли кўриниши, унга эгалик қилиш хусусияти ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, инсон томонидан ўзлаштирилган, ўзлаштирилаётган, ўзлаштирилмаган ер, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, аҳоли пунктларининг, саноат, транспорт, алоқа, энергетика, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган, табиатни муҳофаза қилиш табиатни қўриқлаш, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган, ўрмон ва сув фондлари ҳамда захира ерлари.

4. *Ер қаъри* — ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса, ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми<sup>2</sup>.

5. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланишдаги муҳофаза қилиш қоидалари ер, кончилик ва экология қонунчилиги билан тартибга солинади. Улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланиб, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган қишлоқ хўжалиги, кончилик корхоналари ва ер ости иншоотларидан фойдаланиш, уларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қурилиш, ишга тушириш асослари, шартлари, тартиби ва бошқа талабларни ўрнатувчи нор-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, 35-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда.



матив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу қоидаларни ер ва ер остидан фойдаланиш жараёнида ижро этиш мажбурийдир.

6. Жиноятнинг объектив томонини қуйидагилар ташкил қилади:

- ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишдан иборат ҳаракат (ҳаракатсизлик);

- оғир оқибатлар келиб чиқиши кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибат;

- улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

7. Ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишдан иборат ҳаракатлар тупроқнинг ифлосланиши, ахлат босиши, шўрланиши, захланиши, қақраб кетиши, қайта зангланишида, эрозияда, тупроқнинг унумдор қатлами бузилиши, яроқсиз ҳолатга келишида, тупроқнинг бактериологик, паразитар ва юқумли касалликлар билан касалланишида, ер сифатини, унумдорлигини пасайтирувчи ернинг сув босиши, сувга тўлиши, ёнғинларда ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш, оқава сувларини чиқариб ташлашда, фойдали қазилмаларни кавлаб оладиган корхона ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини консервация ва йўқ қилиш тартибини бузишда, ичимлик ва саноат сувлари билан таъминлаш учун ер ости сувлари тўпланадиган жойларда саноат чиқиндилари тўпланишида ифодаланади.

Ҳаракатсизлик ер ва ер остидан фойдали табиий хоссаларни, асосий ва улар билан чиқадиган фойдали қазилмалар ҳамда компонентлар захирасини, агар бунга реал имконият бўлса, тўла-тўқис чиқариб олишни таъминлаш бўйича чораларни кўрмасликда, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш лицензияси шартларига риоя этмасликда, ер қаърини тўла-тўқис ва етарли даражада ўрганишни ўтказмасликда ифодаланади.

8. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида келиб чиққан оғир оқибатларга одамларнинг касалланиши, ҳайвонот ва ўсимликларнинг қирилиб кетиши, қишлоқ хўжалиги экинлари унумдорлиги пасайиши ҳамда хизмат соҳасининг емирилиши, ернинг устки қисмида бўшлиқлар ҳосил бўлиши, фойдали қазилмалар ўз қимматли хусусиятини йўқотганлиги учун уларни кавлаб олиш тўхтатилишига олиб келган атроф-табиий муҳитга зарарли таъсирини киритиш мумкин. Келиб чиққан оқибатларнинг оғирлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолат бўйича тегишли экспертиза хулосасига кўра, суд томонидан ҳал этилади. Ер, ер

ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши билан санаб ўтилган оғир оқибатлар келиб чиқиши ўртасида бевосита сабабий боғланиш бўлса, айбдор шахснинг қилмиши таҳлил этилаётган модда бўйича квалификация қилиниши мумкин.

9. Жиноят шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган қилмишларни содир этиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

10. Субъектив томондан жиноят ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Шахс ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди, унинг ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келишига кўзи етади ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўяди ёки бунга бепарво муносабатда бўлади. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли – ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузган шахс оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилганликда ёки оғир оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши мумкин ва мумкин бўлганлигида ифодаланади.

11. Жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш бўйича хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахс. Ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларига ёки уларни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколати доирасига кирган ва бундай талаблар бузилганлиги тўғрисида хабар бермаган шахс, агар тегишли белгилар мавжуд бўлса, ЖКнинг 194-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назорат қилишга мажбурий бўлган мансабдор шахс ҳам Жиноят кодексининг 207-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

### **198-модда. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш**

*Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

1. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш орқали қонун чиқарувчи республика ҳудудида ўсимликларга шикаст етказиш ва уларни нобуд қилишнинг олдини олишга интилади.

Шарҳланаётган модданинг мақсади ўрмон ва ўрмон ташқари-сидаги ўсимликлар, экинзор ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш ёнғин, санитария хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, пайҳон қилиш йўли билан шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилишнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўрмондан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда зарарли модда ва чиқиндилар билан муносабатда бўлиш қоидаларини белгилайди, зарарли моддаларни чиқариб ташлаш тартиби ва меъёрини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари томонидан ўрмон хўжалигини бошқаришни, ўрмон ҳолати, ундан фойдаланиш, уни тиклаш, муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини таъминлашни Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 ноябрда қабул қилинган қарорига илова қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш» Қоидалари тартибга солади.

2. Жиноятнинг объекти ўрмон, экинзор ва бошқа дов-дарахтларни атроф-табiiй муҳитнинг табiiй қисми ва бойлиги сифа-

нда улардан тегишли даражада фойдаланиш йўли билан сақлашни таъминлаш соҳасида юзага келадиган ва шаклланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Шарҳланаётган жиноят содир этилиши натижасида нобуд бўлган мева, маҳсулотларга бўлган мулк ҳуқуқи қўшимча объект бўлиши мумкин.

3. Жиноятнинг предмети ўрмонлардаги дарахт, бутазорларнинг ҳар хил турлари ҳамда ўрмон фондига кирмайдиган ёки кесиш тақиқланган дарахтлар, бутазор, экинзор ва бошқа дов-дарахтлардир.

4. Экин деганда, дарахт кўчатлари, бута ўсимлик ва бошқа ўсимликлар, сунъий ўтқазилган дарахт кўчатлари ҳамда униб чиқмаган уруғлар тушунилади.

5. *Ўрмон* — ер, дарахт, бута ва бошқа ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандалар, микроорганизмлар ва бошқа табиат унсурларининг жами.

6. Объектив томондан ЖКнинг 198-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноят олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

7. *Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш* — бу экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қисман зарар етказиш, яъни муайян сарф-харажатлар ва куч ишлатиб уларнинг дастлабки ҳолатини тиклаш имконияти бўлган ҳоллар.

Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни нобуд қилиш деганда, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларнинг батамом ёниб кетиши тушунилади.

8. ЖКнинг 198-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят, агар олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга кўп миқдордаги зарар етказилса ёки улар нобуд қилинса ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса, тугалланган жиноят, деб топилади.

Етказилган зарар миқдорини баҳолашда ўрмон хўжалиги мутахассислари хизматиغا мурожаат этиш зарур, улар ёнгинга дучор бўлган майдонни, дарахтлар майдонини, навларини ва ҳоказоларни ҳисобга олишлари керак.

9. (Кўп миқдордаги зарар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлими шарҳида таъриф берилган).

Етказилган зарар миқдорини баҳолашда суд ёнгин майдони, ёнгинда нобуд бўлган дарахтлар (етилган, етилиб келаётган) миқ-

дори, ёнғинда нобуд бўлган ёки шикаст етган ўрмон массивларидаги ўрмон категорияси, дарахтларнинг нави ва уларнинг хўжалик, махсус, илмий ва бошқа қимматини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир муайян ҳолатдан келиб чиқиши керак. Ундан ташқари, масалан, сувни тартибга солувчи ва табиатни муҳофаза қилиш хусусиятига эга бўлган, сунъий ўстирилиши қийин бўлган тоғ арчали ўрмон массивига шикаст етиши ёки уларнинг нобуд бўлиши ёхуд қўриқ-хоналарда ўсувчи, республикада мевачиликни ўрганиш ва ривожлантириш учун селекция-генетика фондини ташкил этувчи субтропик ва бошқа қимматли ёввойи ўсимликларнинг нобуд бўлиши кўп миқдордаги зарар сифатида квалификация қилиниши керак.

Ўрмонга шикаст етказиш ва уни нобуд қилиш билан етказилган зарар миқдори уларнинг ҳар хил турлари салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Зарар миқдорига дарахтларнинг амалдаги нархи бўйича ҳисобланган талафот баҳоси, нобуд бўлган ўрмон ўрнига янги ўрмон экини ва ёш ўрмонни ўстириш, ҳудудни тозалаш учун кетадиган харажатлар киради. Зарар суммасига ёнғинни ўчиришга кетган барча харажатларни ҳам киритиш мумкин.

10. Таҳлил этилаётган жиноят бўйича оғир оқибатлар деганда:

- экинзорни тиклаб бўлмайдиган даражада нобуд қилиниши;
- ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни ўзининг бош экологик функциясини бажара олмайдиган даражада шикастлантириш;
- экологик мувозанатнинг бузилиши;
- яшил дов-дарахтларнинг фойдаланишга яроқсизлиги;
- дарахтларнинг қимматли навларининг нобуд бўлиши;
- ва бошқалар тушунилади.

11. Олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик билан экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш шаклида кўп миқдорда зарар етказиш ёхуд бошқача оғир оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш шарт. Бунда экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш бошқа табиий омиллар — қуриб кетиш, чақмоқ чақиши натижасида эмас, балки олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслик натижасида келиб чиққан бўлиши керак.

12. Субъектив томондан таҳлил этилаётган модданинг 1-қисми айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

13. ЖКнинг 198-моддаси, 2-қисми объектив томон сифатида шахснинг ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиши натижасида кўп миқдорда зарар келиб чиқишида ифодаланган ҳуқуққа хилоф ҳаракатини назарда тутати.

14. Ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш деганда, уларни кесишга рухсат берадиган билетни (ордерни) тегишли равишда расмийлаштирмасдан ёки билетда (ордерда) кўрсатилганидан бошқа майдонда, миқдорда ёхуд бошқа навини илдизидан кесиш тушунилади.

Ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесанлик учун жавобгарлик дарахт танасини илдизидан ажратишнинг ҳар қандай кўриниши (кесиш, арралаш, илдизи билан қўприш), яъни ўсиб турган дарахт ёки буталарнинг нобуд бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ҳаракат учун юзага келади. Бунда айбдор шахс қонунга хилоф равишда кесилган дарахтдан фойдаланган ёки уни ўша жойда қолдириб кетганлиги муҳим эмас.

15. Кўп миқдордаги зарар етказилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

16. ЖКнинг 198-моддаси, 2-қисми субъектив томони тўғри қасддан содир этилади, чунки шахс қонунга хилоф равишда дарахт, бута ва бошқа дов-дарахтларни кесишни амалга ошира туриб, махсус рухсатномасиз ёки унда кўрсатилганидан бошқа майдонда, кўп миқдорда ёхуд дарахтнинг бошқа навини кесаётганини англаган, бундай ҳаракатлар натижасида кўп миқдордаги зарар келиб чиқишига кўзи етган ва буни хоҳлаган, бундай оқибатлар юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлади.

17. ЖКнинг 198-моддаси, 3-қисми объектив томони: экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш; оқибат — кўп миқдорда зарар етказиш, шунингдек, ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат.

18. Пайҳон қилиш деганда, экинзорни босиб ташлаш, ҳайлаш, сув ва бошқа суюқлик билан бостириш тушунилади. Экинзорни пайҳон қилишга кўп миқдорда зарар келтирадиган сигирларни ўтлатиш ва у ердан ҳайдаб ўтиш ҳам киради.

19. Жиноятнинг субъектив томони — қасд, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва унинг ижтимоий хавфли оқибатлар — экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилишнинг юз беришини истаган ва онгли равишда йўл қўйган ва бунга берво муносабатда бўлади.

20. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида кўрсатилган жиноят моддий таркибли бўлиб, диспозицияда назарда тутилган оқибат келиб чиққан вақтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

21. Жиноят субъекти ушбу моддадаги барча ҳолларда ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Ўрмонда ва унга яқин жойда ишлаганда ёнғинга қарши хавфсизлик чораларига риоя қилмаган ёки хизмат ваколатидан ўрмонни кесиш учун ёхуд бошқа йўл билан кўп миқдорда зарар, оғир оқибатлар келтириб чиқариш учун фойдаланган мансабдор шахслар ЖКнинг 205, 206, 207-моддалари билан жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортиладилар.

22. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилишда айбдор шахслар жиний жавобгарликка тортилишидан қатъий назар, моддий жавобгарликка тортиладилар ва қонунга хилоф равишда топилган маҳсулот олиб қўйилади. Зарар миқдори ўрмон экинлари ва дов-дарахтлари нав таркибининг қимматидан келиб чиқиб белгиланади.

23. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарар уч қарра миқдоридан қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

### **199-модда. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш**

*Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида», 1996 йил 29 августдаги «Уругчилик тўғрисида», 1996 йил 30 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида экишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестри тўғрисида»ги Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 февралдаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш чоралари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашни талабларига риоя қилмаслик ўсимликшунослик, сабзавотшунослик, боғдорчилик, ўрмон хўжалиги каби қишлоқ хўжалиги соҳаларига катта зарар етказиши мумкин.

Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш қишлоқ хўжалигининг ўсимлик, сабзавот соҳаларига, шунингдек, ўрмон хўжалигига катта зарар келтиради.

Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандалари, қишлоқ хўжалигида бегона ўтларга қарши қўллаш учун кимёвий ва биологик воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кимё комиссияси томонидан 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосан ҳар беш йилда тасдиқланади. Мазкур рўйхатдан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳам фойдаланади. Шунингдек, унда қишлоқ хўжалигида пестицидларни (заҳарли кимёвий моддаларни) сақлаш, ташиш ва қўллашнинг санитар қоидалари мавжуд.

2. Жиноят объекти экологик ҳуқуқий тартибот ва экологик хавфсизлик таъминланишига қаратилган ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш бўйича ўрнатилган қоидалар ва талабларни тартибга солиш борасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Касалликлар ва зараркунандалар билан курашиш учун ўрнатилган қоида ва талаблар божхона қонунчилиги (ўсимликлар, уруғларни киритиш тартиби ва ўсимликларга зарар келтирувчи бошқа предметлар тўғрисида) ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа идоралар томонидан белгиланадиган зарарли кимёвий моддалар, махсус техника ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, ўсимликлар касалликларини ва зараркунандалари билан курашиш воситаларини қўллаш шароити, воситалари ва жараёнларини тартибга солувчи кўп сонли махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. Объектив томондан жиноят ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади. Мазкур модда диспозицияси бланкет (ҳаволаки)дир. Шу муносабат билан, кўриб чиқиладиган жиноятни квалификация қилишда ҳар бир алоҳида ишда ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши курашнинг қайси талаби бузилганлигини аниқлаш зарур. Булар касалликлар, турли



зараркундалар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатишга қаратилган агротехник, кимёвий, механик тадбирларни ўтказиш бўйича талаблардир.

Жиноий жавобгарлик, ўсимликлар касалликлари ёки зараркундаларига қарши кураш талабларининг бузилиши оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолларда вужудга келади.

4. Юқоридаги қоидалар ва талабларни ҳаракатлар кўринишида бузиш, масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бир тўп касалланган дон, сабзавот, бошқа ўсимликларни олиб кириш; экинларнинг касалланган уруғларини экиш (масалан, карантин касалликлари билан заҳарланган дон экинларини экиш); сифатсиз кимёвий ёки бошқа ўсимлик зараркундаларига қарши курашиш воситаларини қўллаш; ўсимлик зараркундалари пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ва ҳоказолар орқали содир этилади.

Ҳаракатсизлик шахснинг ўсимлик касалликларига ва зараркундаларига қарши кураш тадбирлари кўрсатмаларини бажармаслигида намоён бўлади: агротехник чораларни кўрмаслик, ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларини ёки ўсимлик касалликларини қўзғатувчилар билан заҳарланган муайян участка жойлашуви бўйича, заҳарланган уруғликларни йўқ қилиш бўйича чораларни кўрмаслик ва ҳоказолар.

5. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ёки энг ёмон бегона ўтларни ва ўсимлик дунёси зараркундаларини йўқотиш учун белгиланган қоидаларни бузиб қўллаш натижасида одамлар ва ҳайвонларнинг заҳарли кимёвий моддалар билан заҳарланиши, ўсимлик касалликларининг ёки зараркундаларнинг оммавий равишда тарқалиши натижасида тоқларнинг ёки мевали дарахтларнинг кесиб ташланиши, сара уруғ фондининг зарар топиши, картошка экинининг катта майдонларда барбод бўлиши ҳам шарҳланаётган жиноятнинг оғир оқибатлари қаторига киради.

6. Оғир оқибатларнинг бошланиши вақтидан жиноят тугалланган ҳисобланиб, жиноятнинг қай даражада оғирлиги суд томонидан белгиланади.

Агар тегишли қоидаларни бузиш оғир оқибатларга олиб келмаса, қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарликни вужудга келтиради.

7. Ўсимлик касалликлари ва зараркундалари билан курашиш талабларини бузишнинг субъектив томони — эгри қасд бўлиб, шахс ўз қилмишларининг қонунга хилофлигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра олади ва онгли равишда йўл қўяди ёки бунга бефарқ муносабатда бўлади

ёхуд эҳтиётсизликдан — шахс бундай жиноятнинг оғир оқибатлари келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ва бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ассосиз ишониб, онгли равишда эҳтиёт чораларни кўрмайди ёки ўз ҳаракатларининг бундай оқибатларини кўриши лозим ва мумкин бўлган вазиятда, уларни олдиндан кўра олмайди.

8. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда, агрономлар, бригадирлар ва шу каби мутахассислар шарҳланаётган жиноятнинг субъекти бўладилар. Ўсимлик касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини ўз мансаб ваколатидан фойдаланган ҳолда бузган мансабдор шахслар мансабдорлик жинояти учун жинойий жавобгарликка тортилишлари керак.

### **200-модда. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш**

*Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялти қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ветеринария соҳасидаги норматив-ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли эпизоотияси ҳамда эпидемик касалликларнинг олдини олишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қўшни мамлакатлардан ташиб келтириладиган ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларидан муҳофаза қилишни таъминлайдиган эпизоотикликка қарши ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини ўтказишга оид кўрсатма, талабларни назарда тутати.

2. Ушбу нормани қўллаш соҳаси — аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биринчи навбатда, чорвачилик, паррандачилик ва истеъмол маҳсулотларини муҳофаза қилиш, шунингдек, чет давлатлардан олиб кириладиган ҳамда мамлакат ичкарасида шаклланган манбалардан тарқаладиган турли юқумли касалликлардан атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолият.

Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёхуд паррандалар маҳсулдорлигининг камайиши, одамларнинг бруцел-

лез, салмонеллез, Сибирь яллиғланиши (куйдиргиси), ўлат ва бошқа шу каби юқумли касалликлар билан касаллиниши хавфини туғдиради.

3. Жиноятнинг объекти чорвачилик соҳасидаги экологик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида белгиланган ветеринария ва зоотехник қоидаларни тартибга солувчи ҳамда экологик хавфсизлик, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи, атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

4. Ветеринария қоидалари ва талаблари 1993 йил 3 сентябрдаги «Ветеринария тўғрисида»ги Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи ҳузуридаги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан, турли вазирликлар ва идораларнинг кўп сонли идоравий йўриқномалари орқали, шунингдек, ҳайвонларни, уларнинг озукасини чорвачилик маҳсулотларини ва ҳоказоларни олиб кириш, олиб чиқиш ҳамда уларнинг транзит ташиниш қоидаларини белгиловчи халқаро келишувларда белгиланади.

Ветеринария қоидалари ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва даволашга оид давлат, жамоат, хўжалик ва ижтимоий тадбирлар мажмуи бўлиб, ишлаб чиқариш ва аҳолини яхши сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, одамларнинг ҳайвонлар оғрийдиган касалликка чалинишининг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этишининг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади.

5. Ветеринария (шу жумладан, зоотехника) қоидалари ҳайвонларнинг (уй ҳайвонларининг ҳам, ёввойи ҳайвонлар муҳитидан белгиланган тартибда ажратилган ҳайвонларнинг ҳам) эпизоотиялари, юқумли ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларига қарши курашиш мақсадида белгиланган, шунингдек, ветеринария-санитария, даволаш, ветеринария-профилактика тадбирларини ўтказиш қоидалари, карантин қоидалари, касаллик ўчоғларини йўқ қилиш тартиби ҳисобланади.

Ветеринария соҳасидаги норматив-ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар ҳайвонлар ва паррандаларнинг юқумли эпизоотик ва эпидемик касалликларга чалинишининг олдини олишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қўшни мамлакатлардан ташиб келтириладиган ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликларидан муҳофаза қилишни таъминлайдиган эпизоотияларга қарши, ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини ўтказишга оид кўрсатма ва талабларни назарда тутади.

6. Объектив томондан ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялли қирилиб кетишига ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ветеринария

қоидаларини бузиш ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлик билан содир этилиши мумкин (масалан, профилактик тадбирлар ўтказиш бўйича белгиланган талабларга риоя қилмаслик, юқумли касалликларга чалинган ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларини, чорвадан олинган хом ашёни сотиш, касал молни сўйишдан бўйин товлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир).

7. Ветеринария ва зоотехника қоидаларини ҳаракат кўринишида бузиш субъектнинг уй жониворларини боқиш, ташиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ қонунда тақиқланган тартиб-қоидалар ва муолажалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига касал жониворлар ёки юқумли касалликлар тарқалган номақбул ҳудудлардан жониворлар сотиб олиш ҳамда олиб келиш ва ҳоказолар, шу билан бирга зоотехник нуқтаи назардан ярамайдиган, жониворлар касалланиши ва касаллик тарқалишига сабаб бўлган ем ҳамда озуқалар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатларни содир этишдан иборат.

8. Ветеринария ва зоотехника қоидаларини ҳаракатсизлик кўринишида бузиш олдини олиш (профилактика) мақсадидаги эмлашни амалга оширмаслик, карантин муддатларига риоя қилмаслик, жониворларнинг касалликка учрагани тўғрисида ветеринария назорати идораларига хабар бермаслик, жониворлар юқумли касалликлари ўчоғларини йўқотиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмаслик ва ҳоказолардан иборат. Қора мол сўйиш ҳам ветеринария қоидаларига риоя қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин, масалан, қора молни дастлабки назоратдан ўтказишдан бош тортиш ёки ундан бўйин товлаш, сўйишда санитария (тозаллик) меъёрларига риоя қилмаслик ва ҳоказолар. Ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилмаслик чарм-кўн, мўйна ҳамда жониворлардан олинадиган бошқа хом ашёни қайта ишлаш ва ундан фойдаланишда ҳам рўй бериши мумкин. Бироқ, гўшт ёки чорвачилик ҳамда паррандачиликнинг бошқа маҳсулотларини (сут, юнг, тухум ва ҳоказоларни) қоидаларга риоя қилмай сотилиши эҳтиётсизлик туфайли ҳаёт ва соғлиққа қарши ёки истеъмолчини алдаб содир этилган жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин.

9. Ҳайвонлар ёки паррандалар орасида эпидемик касалликлар (эпизоотия) тарқалиши, шунингдек, шу каби бошқа оғир оқибатлар мазкур жиноятнинг оқибатлари ҳисобланади.

10. Эпизоотия тез тарқаладиган ва ҳайвонларнинг кенг кўламда қирилиб кетишига олиб келадиган, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг оммавий юқумли касалланиши ҳисобланади (масалан, туман ҳудудида ҳайвон ва паррандаларнинг оқсим ёки ўлат касаллигига чалиниши).

11. Ҳайвон ёки паррандаларнинг оммавий қирилиб кетиши деганда, ҳайвонлар тўдаси, уюри, паррандалар тўла ёки қисман қирилиб кетиши назарда тутилади.

12. Бошқа оғир оқибатлар ҳайвон ёки паррандаларнинг айрим ҳолатларда қирилиб кетиши (кўплаб ҳайвонларнинг касалликка чалинмаган ёки эпизоотик ҳолати юз бермаган)да, одамлар ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликка ақалли бир кишининг чалинишида, ҳайвонлар ва паррандалар маҳсулдорлиги пасайишида, чорва маҳсулотлари ва хом ашёси таннархи ошишида, касалликни тугатишга ва олдини олишга оид харажатлар ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

13. Жиноят шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлардан бири келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

14. Субъектив томондан ветеринария қоидаларини бузиш эгри қасддан ҳам, ўзига-ўзи ишониш ёки бепарволик шаклидаги эҳтиётсизлик билан ҳам содир этилиши мумкин.

Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлади. Мансабдор шахслар ҳам — чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари, ветеринария-санитария назорати раҳбарлари, шунингдек, алоҳида фуқаролар ҳам (чорва ва парранда эгалари, карантин кордон ўрнатилган худуддаги чекловларни бузиб ўтувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари ва бошқалар) ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш субъекти бўлиши мумкин.

### **201-модда. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

*Хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса*

*— уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ушбу нормани ишлаб чиқишда қонун чиқарувчи экологик жиҳатдан хавfli бўлган кимёвий ва биологик воситалар, модда, препаратларни сақлаш, ташиш ва фойдаланиш каби жараёшларга экологик талабларнинг бузилишидан келиб чиқадиган оммавий хавфни инобатга олган.

Кимёвий моддалар, препаратлар, ҳимоя воситалари (агар улар уга зарарли бўлса) атроф-муҳит учун хавфлидир, шунинг учун улардан фойдаланишда уларни сақлаш, ташиш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

2. Жиноят объекти инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишни, фаровон табиий муҳитни таъминлашни ўз ичига олувчи экологик хавфсизлик муҳофазаси манфаатлари ҳисобланади.

3. Кимёвий ва биологик моддалар, минерал ўғитлар ва препаратлар жиноят предмети бўлиши мумкин.

Кимёвий моддаларга (шу жумладан, ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя воситалар, кимёвий препаратларга) атроф-муҳит, инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган, инсонларнинг турли фаолият соҳаларида ишлатиладиган ҳамда зарарли ва захарли хусусиятларга эга бўлган моддалар киради.

Минерал ўғитлар, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ёки ёрдамчи, ўсимликларни нотижорат мақсадларда етиштиришда қўлланиладиган махсус моддалардан ташкил топади. Улар хавfli кимёвий ва биологик моддалар қаторига киради. Ушбу моддада кўрсатиб ўтилмаган ва минерал ўғит, ўсимликларнинг ўсиш биостимуляторлари ҳисобланмайдиган моддалардан фойдаланиш (уларни сақлаш ва ташиш) хўжалик ва бошқа мақсадлардан келиб чиққан оқибатлардан қатъий назар, уларни қўлланишни истисно қилмайди.

4. Объектив томондан жиноят ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни:

- ишлаб чиқариш;
- сақлаш;
- ташиш;
- улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишида ифодаланади.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, қонуннинг ҳар бир алоҳида бузилган ҳолларида зарарли кимёвий моддалар билан муомалала бўлишнинг қайси қоидаси бузилганлигини аниқлаш зарур бўлади.

5. Кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш қоидаларини бузишга оид ҳаракатлар ушбу қоидаларнинг бузилиши, технология жараёни ёки технология жараёнлари мажмуи хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик ё ишлаб чиқариш тусидаги бошқа ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш қоидаларининг бузилиши технология жараёнининг номақбул тарзда ташкил этилиши, яъни ваколатли шахс(лар) томонидан уни бошлаш, технология танлаш, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид ноқонуний, бевақт ҳамда бошқа ноўрин кўрсатмалар берилиши, шунингдек, бевосита технология амалиётлари тизимини амалга оширишнинг бузилиши ҳамда уни назорат қилиш бажарилмаслигидан иборат бўлиши мумкин.

6. Кимёвий моддалар билан ишлаш (сақлаш, ташиш ва ҳоказо) қоидаларининг бузилишига оид ҳаракатлар уларни белгиланган стандарт ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ, талаб даражасида сақлаш, силжитиш ва ташишни таъминлаш талабларига риоя қилмаслик, шунингдек, кимёвий моддаларни бошқа мақсадда ёки уларни қўллаш шартларига риоя қилмаган ҳолда фойдаланиш кабилардан иборат бўлади.

7. Сақлаш деганда, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини, минерал ўғитларни, ўсиш биостимуляторлари ёки бошқа кимёвий дориларни муайян жойда асраш тушунилади.

Кўрсатилган дориларни сақлаш учун мўлжалланмаган жойларда, очиқ жойда, тўкилган ҳолда сақлаш юқорида айtilган қоидаларни бузиш ҳисобланади.

Ташиш деганда, кўрсатилган дориларни ҳар қандай усулда бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш назарда тутилади. Ташиш қоидаларини бузиш, масалан, кўрсатилган дориларни махсус мослаштирилмаган транспортда, махсус таралар мавжуд бўлмаган транспортда ташишда ва ҳоказоларда ифодаланади.

8. Фойдаланиш деганда, препаратларнинг мақсадга мувофиқ қўлланилиши тушунилади.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш, масалан, дориларни тупроққа солишда одамлар соғлиги, хавфсизлигини таъминламаслик; ишлов берилаётган ерда одамлар бўлгани ҳолда дориларни сочиш ва ҳоказо ҳаракатларда намоён бўлиши мумкин.

9. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми диспозициясига мувофиқ, экологик нормаларни бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг оммавий ўлиши, паррандалар ёки ба-

лиқларнинг оммавий қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оммавий оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган тақдирда, мазкур жиноятнинг таркиби юзага келади.

10. Одамларнинг оммавий касалланиши кўп сонли аҳолида захарланиш, сурункали хасталикнинг пайдо бўлиши, танадаги бирор аъзонинг ишдан чиқиши (кўриш қувватининг, ички секреция безлари фаоллигининг пасайиши ва ҳоказолар)да ифодаланади.

11. Чорва, парранда ёки балиқларнинг оммавий қирилиб кетиши (ЖКнинг 200-моддаси шарҳига қаранг).

12. Бошқа оғир оқибатлар деганда, қайд этилган моддаларни атмосферага, сувга, ерга ташлаш, экинзорлар ва ҳосилнинг нобуд бўлиши, узоқ муддат давомида экиладиган майдонлар, ичимлик сувининг зарарланиши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

13. ЖКнинг 201-моддаси, 1-қисми диспозициясида санаб ўтилган оқибатлардан лоақал биттаси рўй берган пайдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

14. Зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш қоидаларини бузиш оқибатида ақалли бир одам ҳалок бўлса ҳам, қилмиш ЖКнинг 201-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилинади.

15. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг эгри қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида содир этилади. Шахс, зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш қоидаларини бузиб, ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётганлигини англайди, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи учун ёки атроф-муҳит учун хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ёхуд уларнинг юзага келишига онгли равишда йўл қўяди ёки уларга бефарқ муносабатда бўлади. Бунда келиб чиққан оқибатларга нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлади. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ўзига-ўзи ишонил ёки бепарволикда ифодаланади.

16. Жиноят субъекти ҳар қандай ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шу жумладан, зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш учун масъул мансабдор шахслар (корхона, лаборатория, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича раҳбарлар ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

17. Зарарли кимёвий моддалар билан ишлаш қоидаларининг бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 201-моддаси ва ЖКнинг 207-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

18. ЖКнинг 201-моддаси, 2-қисми одам ўлиши тарзидаги оғир оқибатни назарда тутаяди, шу сабабли оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради.



Субъектив томондан мазкур жиноят мураккаб айбли жиноят-лиги билан тавсифланади — хўжалик фаолиятида ёки бошқа фаолиятда кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳаракатга нисбатан эгри қасддан ва одам ўлиши кўринишидаги келиб чиққан оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

### **202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш**

*Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишининг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декаратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша қилмишлар:*

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобга киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша қилмишлар:*

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялли қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан кўз бари варигача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб қайд этилган. Конституциянинг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табiiй захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб таъкидланган.

Овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот ёхуд ўсимлик дунёсининг бошқа турларидан фойдаланиш қоидалари ҳамда нодир ҳайвонларни овлаш тартиби, шартлари ёки махсус кўриқланадиган табiiй ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидалари қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган, булар: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Қимматбаҳо ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилишни кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 937-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтиришга оид чоралар ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 600-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрда тасдиқланган «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом, шунингдек, 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Бош давлат нозири тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида овчилик ва балиқчилик қоидалари» ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлардир.

2. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ов қилиш, балиқ тутиш қоидаларининг бузилиши ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа, шу жумладан, ноёб турларини овлаш, шунингдек, улардан фойдаланиш ҳайвон, қуш ва балиқларнинг қирилиб кетиши, ҳайвонлар ноёб турларининг йўқ бўлиб кетишига ва табиатда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлиб, шунинг учун

шарҳланаётган модда мақсади ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини жиноят-ҳуқуқий воситалар ёрдамида асрашдан ва сув биоресурслари популяцияларининг (ҳайвон ва ўсимликларининг) сақланиб қолиш (омон қолиш) шарт-шароитларини кўшимча равишда таъминлаш, ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларининг Ерда ҳаётнинг биологик ранг-баранглигини сақлаб қолишга кўмаклашадиган ноёб тур сифатида ва атроф-муҳитнинг асралаётган объекти сифатида ҳалок бўлишининг олдини олишдан иборат.

3. Жиноят объекти Ўзбекистон ҳудудида тарқалган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси муҳофазасини, улар яшайдиган нормал экологик муҳитни таъминлаш ҳамда биоресурслар ва ўсимликлардан оқилона фойдаланишни таъмилаш бўйича, шунингдек, атроф-табiiй муҳитнинг ажралмас қисми сифатида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ирсiiй фондини сақлаш шароитларини яратиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

4. Жиноят предмети ёввойи, уй ҳайвонлари, паррандалар, ҳар қандай балиқлар ва бошқа турдаги ҳайвонлар, шунингдек, доривор, истеъмолбоп, манзарали ўсимликлар ёввойи турларининг ҳар қандай хиллари ҳисобланади.

5. Жиноят таркибининг объектив томони:

- овчилик қоидалари, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидалари, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартлари, ўсимликларнинг доридармон, истеъмолбоп ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлашнинг белгиланган тартибини, алоҳида муҳофаза қилинадиган табiiй ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳаракатларини;

- кўп миқдордаги зарар кўринишидаги оқибатни;
- юқорида кўрсатилган ҳаракатлар билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни ўз ичига олади.

6. *Ов* – ёввойи ҳайвонларни қўлга киритиш мақсадида излаб топиш, таъқиб қилиш ва қўлга киритиш ҳисобланади. Ов қилиш жойларида милтиқ, ов итлари ва ов қуроллари билан бўлиш овга тенглаштирилади.

Ов қилиш, балиқ овлаш ва ҳайвонот турларини овлаш ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган ўн саккиз ёшга тўлган, ўқотар милтиғига эга бўлган, Овчи ва балиқчилар жамиятининг аъзоси бўлган, овчилик минимуми бўйича синовларни топширган ва давлат божини тўлаб қўйган барча шахслар фойдаланадилар. Спорт, ишқибозлар учун ва саноат мақсадларида, илмiiй мақсадларда балиқ тутиш ҳам барча

фуқароларга кўриқхоналар, балиқ боқиш жойлари, ҳовуз ҳамда бошқа балиқчилик хўжалиklarидан ташқари, барча сув ҳавзаларида, бироқ, балиқ тутиш ва сувдан фойдаланишга оид белгиланган қоидаларига, албатта, риоя қилган ҳолда рухсат этилади.

7. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини бузиш деганда, овни тегишли рухсатномасиз ёхуд ёввойи қушлар ёки балиқларни рухсатномада кўрсатилган миқдордан ортиқ овлаш, шунингдек, овни тақиқланган вақтда ёки рухсат берилмаган жойларда ёхуд рухсат этилмаган қурол, восита ва усуллар билан амалга ошириш тушунилиши лозим<sup>1</sup>.

8. Қўлга киритиш деганда, тутиш, жонсизлантириш, ҳайвон ҳамда ўсимликларни, ҳажмидан қатъий назар, ўлжага эга бўлиш билан яқунланадиган табиий муҳитдан бошқача йўл билан олиш тушунилади.

9. Ўлжани қўлга киритишнинг ноқонунийлиги уни тутишда шахс қўлга киритишга белгиланган таъқиқни ҳар қанча миқдорда бузган ёки талаб этилган ҳолларда махсус рухсатнома (лицензия) олмаган ёхуд рухсатнома (лицензия)нинг мажбурий бўлган ва ўлжани овлаш ё тутиш ҳажми, жойи, вақти ва усулларини белгилайдиган шартларини бузганида рўй беради. Сув ҳайвонлари ва ўсимликларини тутиш ҳамда йиғиш учун рухсат ваколатли идоралар томонидан берилиб, рухсатнома олган шахсга турли ваколатлар ва ҳар қандай шароитда ҳаракат қилиш учун рухсат берилади.

10. Табиий ўсимликлар жамоаларида доривор, озиқ-овқат ҳамда манзарали ўсимликларнинг ёввойи турларини тайёрлаш (йиғиш) деганда, юқорида номи келтирилган ўсимликларни муҳитидан, тайёрлаш (йиғиш) предметидан, йиғилган ўлжа миқдоридан қатъий назар, амалда эга бўлиш билан яқунланадиган ажратиш ёки бошқача олиш жараёни тушунилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш (йиғиш, тайёрлаш) умумий ёки махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-қарори.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, 14-модда.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектни, турни, ҳажмни ва муайян ҳудуд доирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилади. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Шундай қилиб, қонунга хилоф йиғиш (тайёрлаш), у тегишли рухсатномасиз ёки меъёрда белгиланганидан ташқари ҳажмда, шунингдек, йиғиш (тайёрлаш) тақиқланган ҳудудда амалга оширилганида, юз беради, деб ҳисобланади.

11. Ернинг ва (ёки) сув кенгликлари (акваториялар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади<sup>1</sup>.

12. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектларга давлат қўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, шунингдек, Халқаро Қизил китобга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон ва ўсимликлар қиради.

13. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш деганда, уларда зарур рухсатсиз қурилиш ишларини олиб бориш, ўсимликларни тўплаш, паррандалар ва ҳайвонларни лицензиясиз тутиш ва отиш ва ҳоказолар тушунилади.

14. ЖКнинг 202-моддаси, 1-қисмидаги жиноят, анча миқдордаги зарар етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари бўйича етказилган зарарни ун-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005, 1-сон, 1-модда.

дириш тўғрисидаги даъволарни кўришда судлар қонун зарарни тўлиқ ҳажмда ундиришни кўзда тутишидан келиб чиқишлари шарт. Зарарни ундириш миқдорини камайтиришга фақат алоҳида ҳолларда суд томонидан аниқланган ҳуқуқбузарнинг мулкый аҳволига қараб, жиноят ғараз ниятда содир этилмаган тақдирда, йўл қўйилади ва бу ҳолат қабул қилинган қарорда асослантирилган бўлиши шарт<sup>1</sup>.

16. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш ҳақидаги жиноят ишлари бўйича судланувчига тегишли жиноят қуроллари, шу жумладан, автомашина, мотоцикл ва қайиқлар, агар жиноий ҳаракат улар ёрдамида амалга оширилса ёки содир этилиши оsonлаштирилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига мувофиқ, мусодара қилиниши лозим<sup>2</sup>.

17. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан ҳам, эгри қасддан ҳам содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини ва оқибатларининг келиб чиқиши аниқлигини англайди ва шундай бўлишини хоҳлайди. Зарар етказилганда, шахс буни келиб чиқишини хоҳламаган бўлиши мумкин, лекин бундай оқибатларга онгли равишда йўл қўяди ва уларга бефарқ муносабатда бўлади.

18. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

19. ЖКнинг 202-моддасига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва мансабдор шахслари жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахс браконьерлар билан жиноий битим тузса, жиноят содир этилишига ёрдам берса ёки ўзи ҳам шундай жиноятни содир этса, у табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги ва тегишли мансаб жинояти учун жавобгарликка тортилади.

20. ЖКнинг 202-моддаси, 2-қисми қуйидаги квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

1) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг Қизил китобига киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

2) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

3) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-қарори.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган ноёб ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларга ов қилиш, қўлга киритиш, йиғиш ва тайёрлаш ман қилинган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг барча зотлари, популяцияси ва турлари (масалан, қор қоплони, Тяньшань қўнғир айиғи, оққуш, қоровой, бургут, фламинго, кулранг эчкиэмар, кобра, бурама шоҳли эчки, Орол сазан балиғи ҳамда бошқа ҳайвонлар ва ўсимликлар) киради.

22. ЖКнинг 202-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича жавобгарлик ҳам Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига, ҳам Халқаро Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар, ҳайвонот дунёси ёки ўсимликларнинг бошқа турлари йўқ қилинган ҳолларда вужудга келади. Бунда етказилган зарарнинг ҳажми аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

23. Кўп миқдордаги зарар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва Халқаро Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонлар турининг бирортасини овлаш, амалдаги нархлар бўйича аниқланадиган ҳайвонлар ёки паррандалар қиймати пулдаги баҳосининг ҳисобга олинган миқдоридан иборатдир. ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимидаги кўп миқдордаги зарарга берилган таърифдан ҳам фойдаланиш зарур.

24. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш қилмишини ягона жиноий мақсадга кўра бирлашган икки ёки бир неча кишининг илгаридан келишиб содир этиши сифатида баҳолаш зарур. Суд жазони ҳар бир иштирокчининг қилмишдаги ўрнига қараб тайинлаши керак.

25. Табиатни асрашга оид қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда судлар жиноий йўл билан қўлга киритилганлиги маълум бўлган ўлжани (балиқ, ёввойи ҳайвонлар, қушлар, ёғоч ва ҳоказоларни) сотиб олган ёки сотган шахсларни аниқлаш чораларини кўриши, шу билан бирга муайян шарт-шароитдан келиб чиқиб ЖКнинг 171-моддасида кўзда тутилган жиноят белгиларига кўра, жиноий иш кўзғатиш масаласини ҳал қилиши керак.

26. ЖКнинг 202-моддаси, 3-қисми қуйидаги махсус квалификация қилиш белгиларини мустаҳкамлаган:

- а) хавфли рецидивист томонидан;
- б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-қарори.

г) портлаш қурилмалар, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўлланган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган жиноят.

27. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш хавфли рецидивист томонидан содир этилганда, қилмиш ЖКнинг 202-моддаси, 3-қисми, «а» банди билан квалификация қилинади (хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг 34-моддаси шарҳига қаранг).

28. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузишда ўз хизмат мавқеидан фойдаланаётган шахсларга мансабдор шахслар (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари), шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчилар (профессионал овчилар, ўрмон қоровуллари, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг нозирлари, штатдан ташқари ходимлари) мансубдир.

Мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка ЖКнинг 202-моддаси, 3-қисми, «б» банди билан тортиладилар ва ЖКнинг 205-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Агар бунда жуда кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 202-моддаси, 3-қисми, «б» ва «е» бандлари билан квалификация қилинади.

29. Ёввойи ҳайвонларни овлашда ер устидаги, сувдаги ва ҳаводаги механизациялашган воситалардан фойдаланишга ов қилишда вертолётлардан, автомобиллардан, мотоцикллардан, монепалардан, қайиқлардан, моторли катерлардан, самолётлардан фойдаланиш киради.

30. Портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўлланганда, милтиқ, камон, ўзи отар қурооларни, ов ҳандақларини, пастак жойларни тўғрилаб қўйиш, сиртмоқ, қармоқ, пичоқ, қонқонларни ўрнатиш, портловчи, кимёвий ва биологик моддалар, электр токи, тўрлар ва ҳоказоларни қўллашни тушунинг лозим.

31. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибининг бузилиши уюшган гуруҳ томонидан содир этилганда, қилмиш ЖКнинг 202-моддаси, 3-қисми, «д» банди бўйича квалификация қилиниши зарур (уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).



32. Жуда кўп миқдордаги зарарга ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонларни, балиқларни, қушларни овлаш, шунингдек, ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш тааллуқлидир. Уларнинг миқдори овланган ҳайвонлар ва йиғилган ўсимликларнинг фактик нархи ҳамда ўрнатиланган тарифлар бўйича аниқланади ҳамда ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлими билан тартибга солинади.

33. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик натижасида қўлга киритилган маҳсулотлар (гўшт, шохлар, балиқлар, терилар, тухумлар, мевалар) тортиб олинади ва реализация қилинади. Маҳсулотни реализация қилишдан тушган пул маблағи етказилган зарар ўрнини қоплашга ишлатилмайди. Етказилган зарар табиатни муҳофаза қилувчи органлар фойдасига ундирилади, улар эса, олинган пул маблағларининг бир қисмини белгиланган тартибда давлат бюджетига ўтказишади.

34. ЖКнинг 202-моддаси, 4-қисмига мувофиқ, агар етказилган зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

### **203-модда. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш**

*Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикасида сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини мувофиқлаштирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими вужудга келди. Булар:

1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун; Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 385-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик тартиб» ҳамда вазифаси сув муносабатларини мувофиқлаштириш, аҳоли эҳтиёжлари учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувларни ифлослашиш, ахлат тушиши ва қуриб қолишдан асраш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бунинг оқибатларини йўқотиш, сув объектлари ҳолатини яхшилаш, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг сув муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган бошқа меъёрий ҳужжатлардир.

Давлатнинг ягона сув фонди дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари, каналлар ва ҳовуз сувлари, ер ости сувлари ва музликларни ўз ичига олади.

Шарҳланаётган модда вазифаси – сув иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва фуқароларнинг сув ресурсларидан фойдаланишлари соҳасида ҳуқуқ-тартиботни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан мустаҳкамлаш, сув сифатини сақлаб қолиш, ер ости сувлари жойлашган қатламлар майдонини ифлосланиш ҳамда ноқонуний ишлатилишидан жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, шунингдек, оғир оқибатларнинг олдини олишдан иборат.

Сувдан фойдаланиш тартибига бўлган юқори талаблар ва уларни жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш инсон ҳаётий фаолиятида сувнинг умумий ва муҳим аҳамияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ёмонлашуви атроф-муҳитнинг бошқа томонларига, жумладан, ҳайвонот олами, ўрмонлар, тупроқ қатлами, ер остига ҳам таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шунингдек, хавfli тажовузлар оқибатининг олдини олиш ёки уларни йўқотиш имкони йўқлиги ё мураккаблиги, қайта тиклаш ишлари қийматининг юқорилигидан келиб чиқади.

2. Мазкур жиноят объекти сув объектларини муҳофаза қилишни тегишлича таъминлаш, нормал экологик муҳит, сув ресурслари ва бошқа ичимлик суви манбаларидан оқилона фойдаланиш бўйича нормал фаолиятни таъминлаш, шунингдек, сув ва сув омборларидан атроф-табiiй муҳитнинг табiiй ва ажралмас қисми сифатида самарали ва тартибли фойдаланиш бўйича муносабатлар ҳисобланади.

3. Ер усти ёки ер ости сувлари ва сув ҳавзалари, шунингдек, ичимлик суви манбалари жиноят предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувлари, ер ости суви ва музликларни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

4. Ер усти сувларига доимо ёки вақтинча қуруқлик устида унинг рельефи шаклини олиб жойлашган сув сифатида ер усти сув объектларида бўлган, чегара, ҳажм ва сув режими белгиларига эга бўлган сувлар, яъни ер усти сув йўллари, сув омборлари, ер усти ҳавзалари (дарёлар, ирмоқлар, каналлар, кўллар, ботқоқликлар, ҳовузлар), улар қоплаган ва уларга қўшни ерлар (сув объекти туби ва қирғоқлари), музликлар ва қорлар киради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997, 4 – 5 сонлари, 126-модда.

5. Ер ости сувларига тоғ жинсларида гидравлик боғлиқ равишда жойлашиб, сув режими чегаралари, ҳажми ва белгиларига эга бўлган ер ости сув объектларида жойлашган сувлар, шу жумладан, минерал сувлар ҳам, яъни сув жойлашган қатламлар, ер ости сувлари ҳавзалари, ер ости сувлари тўпланган ва улар табиий чиқадиган жойлар киради.

6. *Ичимлик сув манбаи* — бу белгиланган тозалик талабларига мувофиқ сувга эга бўлган ва ичимлик сув таъминоти тизимида унга турлича ишлов бериш технологияси билан ичимлик сув олиш учун ишлатиладиган ёки ишлатилиши мумкин бўлган сув объекти ё унинг бир қисми.

7. *Жиноятнинг объектив томони ўз ичига қуйидагиларни олади:*

- сувлар ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини бузадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

- жиноий оқибатлар;

- улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

8. Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шароитлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, сув объектларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб сарфлаш, сув сифатини тиклаш ва яхшилаш, сув сарфининг белгиланган лимитларига риоя қилиш, таркибида ифлослантирувчи моддалар бўлган оқова сувларнинг сув объектларига ташланишини тўхтатиш чораларини кўриш, сувдан бошқа фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик, шунингдек, хўжалик ва табиат объектларига (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказмасликдан иборат. Сув ресурсларидан фойдаланиш шарт-шароитларига, шу жумладан, сувни асрайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотлари ва техник мосламаларни соз ҳолда сақлаш, уларнинг фойдаланиш жиҳатларини яхшилаш, шу билан бирга сув ресурсларидан фойдаланганлик тўловларини ўз вақтида тўлаш ҳам киради.

9. *Мазкур жиноят таркиби* — моддий таркибли бўлиб, оғир оқибатларнинг келиб чиқишини кўзда тутади.

Экология соҳасидаги оғир оқибатлар тушунчаси кўриб чиқилган аввалги моддалар, ўзаро ўхшашдир.

10. *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сув объектларига тўкилиши таъқиқланган ё тўкилишига алоҳида чеклашлар* (миқдори, сифат таркиби, вақти кабиларга) ўрнатилган ва ер усти ҳамда ер ости сувларининг сифатини бузиб ёки сув объектларининг туби ва қирғоқлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли моддалар тўкиш ёхуд бошқа усул билан ташлашдан иборат бўлган ҳаракатларга сув объектларини ифлослантириш, дейилади.

11. Сувни ифлослантириш деб, сув объектларига уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ва улардан фойдаланишни оғирлаштирадиган буюмлар ёки эрмаган моддалар тўкилиши ва ташланиши билан боғлиқ ҳаракатларга айтилади.

12. Сув тугаши деб, сув захираларининг барқарор камайиб бориши ҳамда ер усти ва ер ости сувлари сифатининг sanoat, қишлоқ хўжалиги, коммунал ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун сув ишлатиш лимитини ошириш орқали улардан нормал фойдаланишга қалал берадиган ёмонлашуви, сув захирасини сақлашга қаратилган гидротехника тадбирларини бажармаслик каби табиий йўл билан тиклаб бўлмайдиган ҳамда улар сифати ёмонлашуви, ўзини ўзи тозалаш имконияти йўқолиб боришидан иборат ҳаракатларга айтилади.

13. Сувлар табиий хоссаларининг ўзгача ўзгариши деб, сувнинг биологик ранг-баранглиги, уларнинг физик хоссалари (шу жумладан, электромагнит, шифобахш, радиациявий хусусиятлари)нинг бевосита сув объектларида ёки улар яқинида портлатиш, қуриш ва бошқа ишларни амалга ошириш туфайли салбий ўзгаришидан иборат ҳаракатларга айтилади.

Сув ҳавзасининг ахлатга тўлиб қолиши, сувдан ичиш учун фойдаланиб бўлмай қолиш, аҳолини сув билан таъминлашда узилишлар рўй бериши оғир оқибатлар жумласига киритилади.

14. Жиноят сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари бузилиши натижасида оғир оқибат келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. Субъектив томондан жиноят айбнинг эгри қасд шаклида намоён бўлганда, шахс сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланишга оид тегишли қодаларни бузаётганлигини англайди, оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди ёхуд эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлганда, шахс оғир оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади ва онгли равишда эҳтиёт чораларини кўрмасдан, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига ҳеч бир асосиз ишонади ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлган ҳолатда уларни олдиндан кўра олмайди.

16. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Ушбу жиноят учун мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг 207-моддаси) ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) билан квалификация қилинади.

## 204-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш

*Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонунига мувофиқ, бундай табиий ҳудудларга ернинг ва (ёки) сув кенгликлари (акваториялар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари тааллуқлидир. Мазкур ҳудудлар табиий ранг-барангликни сақлаб қолиш, экологик мутаносибликни ва биологик мониторингни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишдан чиққан табиий мажмуаларни тиклашнинг ягона тизимини вужудга келтиради. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар хўжалик мақсадларида фойдаланишдан (тўла ёки қисман, доимий ёки вақтинча) олиб қўйилиши мумкин.

2. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер тузиш режалари ва дастурларини, жадвалларни ишлаб чиқишда, ҳудудий режалаштиришда ва бошқа табиий захиралардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга оид режаларда инобатга олинади.

Қонунда белгиланган тартибда мазкур ҳудудларга давлат қўриқхоналари, жумладан, биосфера, давлат боғлари, давлат табиий ёдгорликлари, давлатнинг алоҳида қўриқладиган қўриқхоналари мақоми берилади.

3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулки бўлиб, давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ботаника боғлари, дендроло-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2005, I-сон, I-модда.

ник ва зоологик боғлар бошқа мулк шакллари асосида ҳам бирно этилиши мумкин.

4. Шарҳланаётган модда мақсади — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва объектларнинг ҳимоясини таъминлаш, уларга, шу билан бирга у ерда яшайдиган ҳайвонот оламига ва шу ҳудудда ўсадиган ўрмон ҳамда ундан ташқари ўсимликларга зарар етказилишининг олдини олиш, биологик ранг-барангликни сақлаб қолишдан иборат.

5. Жиноят объекти алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — алоҳида ҳуқуқий қўриқлаш режимига эга ер, сув, ўрмон участкалари ва ер остининг бутлиги ҳамда тажовуздан сақланишини таъминлашга оид ижтимоий муносабатлар.

6. Табиий мажмуалар ва табиатни қўриқлаш мақсадида, илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, алоҳида қўриқланадиган, давлат ҳокимияти идоралари қарори билан хўжалик мақсадида фойдаланишдан бутунлай ёки қисман чиқариб олинган, умуммиллий бойлик объектлари ҳисобига киритилган табиий ҳудудлар, яъни ер участкалари, сув юзаси ва улар устидаги ҳаво бўшлиги жиноят предмети ҳисобланади.

7. Қонунчилик томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сифатида: сув муҳофазаси минтақалари (зоналари), рекреация ва санитария-соғломлаштириш минтақалари, юза ва ер ости сувлари пайдо бўладиган минтақалар (дарё водийлари, кўтариш каналлари, тоғолди этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган (буфер — олд) зоналари, балиқ хўжалиги минтақалари, тақиқланган ўрмон минтақалари, давлат табиат ёдгорликлари ва табиат боғлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар кўрсатилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

8. ЖКнинг 204-моддаси, 1-қисмининг объектив томони алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини катта зарар ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган бузиш билан ифодаланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузишга қуйидагилар киритилади:

- табиий-қўриқхона фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни барпо қилиш ва ташкиллаштириш лойиҳалари талабларига риоя қилмаслик;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган чегараси ичида тақиқланган хўжалик фаолиятини амалга ошириш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланадиган чегараси ичида олдиндан экология экспертизасини амалга оширмай туриб ёки унинг хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолияти юритиш;
- фалокатларнинг экологик оқибатлари ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бошқача зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш чораларини кўрмаслик;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузиш;
- рухсат этилган кимёвий, физик, биологик ва бошқа таъсир меъёрини ошириб юбориш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш учун берилган рухсатнома талабларига риоя қилмаслик;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектлардаги ҳамда улар таркибига киритиш учун захирага киритилган табиат мажмуаларига зарар етказиш, бузиш ва уларни йўқ қилиб юбориш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегараларини бошқа мақсадлар учун ўзбошимчалик билан ўзгартириш, ажратиб олиш.

ЖКнинг 204-моддаси, I-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор шахс томонидан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини ҳар қандай тарзда бузиш кўп миқдорда зарар ёки бошқача оғир оқибатларни келтириб чиқарган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Содир этилган қилмиш учун жинойий жавобгарликнинг юзага келиши шарти кўп миқдордаги зарар кўринишидаги оғир оқибатларнинг келиб чиқиши бўлиб, булар ер тузилмавий таркибининг ўзгариши, ер шўрланиши, сув ифлосланиши, ўсимликларга зарар етиши, ҳайвонларнинг касалланиши ва ҳоказолар ҳисобланади.

10. Бошқа оғир оқибатлар қаторига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан кўзланган мақсадда фойдалана олмаслик, давлат қўриқхонаси ёки мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналарнинг узоқ муддатга ёпилиши, қиммат тиклаш ишларини амалга ошириш, ўсимликларни қайта кўчириб экиш, ҳайвон, қушларни тутиб, бошқа ҳудудларга кўчириш зарурати кабилар киради.

11. Зарар етказилиши ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги аниқланиши шарт.

12. Жиноят оқибатлар келиб чиқиши, яъни реал тарзда кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанидан сўнг тугалланган, деб ҳисобланади.

13. Субъектив томондан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш тўғри ёки эгри қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин.

14. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Улар жумласига хусусий ва мансабдор шахслар, шу жумладан, ерларида мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ва табиат ёдгорликлари жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, ушбу ҳудудларни муҳофаза қилиш ходимлари кирadi.

15. ЖКнинг 204-моддаси, 2-қисмининг объектив томони алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан nobуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдордаги зарар етказилиши ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келишида ифодаланади. ЖКнинг 204-моддаси, 2-қисмида кўзда тутилган жиноят алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар объектларини қасддан nobуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш оқибатида кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (nobуд қилиш ёки жиддий зарар етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 198-моддаси шарҳига қаранг).



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### XV боб. БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида «ҳокимият» тушунчасига аниқ бир таъриф берилмаган. Аини вақтда «ҳокимият» ибораси баъзи қонун ҳужжатларида ҳамда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, авваламбор, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоғи органларига нисбатан қўлланилган<sup>1</sup>. Шунингдек, айрим қонун ҳужжатларидаги матн ва таърифдан келиб чиққан ҳолда ҳокимият тушунчасини белгилаб олиш мумкин<sup>2</sup>.

Асосий Қонунимиз конституциявий тузум асосларини мустаҳкамлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда республика судлари томонидан амалга оширилишини белгилаб берган. Давлат ҳокимиятининг олий органлари эса, жойлардаги ҳокимият органларини шакллантиради.

2. Ҳокимият деганда, маълум бир воситалар — ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурлов, сиёсий ҳукмронлик, давлат органлари тизими орқали инсонлар фаолиятига, хулқ-атворига таъсир этиш қобилияти ва имконияти тушунилади<sup>3</sup>.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган боби моҳиятидан келиб чиқилса, ҳокимият деганда, нафақат давлат ҳокимияти, балки мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда локал ҳужжат (устав, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва ҳоказо)ларга мувофиқ тарзда белгиланган бўйсунуш тартиби, бошқарув ва раҳбарлик ҳам тушунилади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши асосида амалга оширилади. Шунга мувофиқ, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мавжуд. Шунингдек, Ўзбекистон Рес-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, V бўлим.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни, 1-модда.

<sup>3</sup> Большой энциклопедический словарь. 2-е изд., переработанное и дополненное. М., 1998, стр. 212.

публикасида давлат ҳокимиятини маҳаллий вакиллик, яъни вилоят, туман ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалардаги давлат ҳокимияти органлари ҳам амалга оширади.

Давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам жиноийлаштирилади. Корхона, муассаса ва ташкилотлардаги мансабдор шахсларнинг фаолияти бошқарув функцияси бериб қўйилган ички органлар доирасида ҳам олиб борилади.

3. Давлат органи деганда, давлат ҳокимияти ваколатлари берилган, давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш учун ваколат берилган ва давлат белгилаган тартибда фаолият юритувчи фуқаро ёки фуқаролар жамоасини тушуниш лозим.

Амалдаги Конституцияга мувофиқ, давлат органлари, энг аввало, давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади. Жумладан, давлат ва муниципал муассасаларнинг мансабдор шахслари шундай ҳисобланиши мумкин.

Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади (ФКнинг 76-моддаси). Мазкур ҳолатда давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилган муассасалар тўғрисида сўз бормоқда. Улар жумласига бошқарув вазифасини амалга оширувчи давлат ва муниципал муассасалари, таълим муассасалари, маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасалари киради.

Бошқарув органи деганда, давлат бошқарув органлари ёхуд нодавлат кўринишидаги корхона, ташкилот ёки муассасанинг ҳокимият, бошқарув ва тасарруф қилиш ваколатларига эга бўлган органи тушунилади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — бу фуқароларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолият олиб бориш мақсадида фуқароларнинг яшаш ҳудудининг умумийлиги асосида тузилган бирлашма. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек,

шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади<sup>1</sup>.

5. Давлат ҳокимиятига, давлат манфаатларига тажовуз қилиш, бошқача айтганда, ҳокимиятнинг нормал иш олиб бориши ва бошқарилишига қарши жиноятлар фуқароларга жисмоний ва маънавий зарар етказиш, мулкий зарар етказиш, фуқароларнинг Конституциявий ва бошқа ҳуқуқларини бузиш, жамият ва давлат манфаатларига бошқача зиён етказиш орқали ифодаланadi. Бу эса, бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг содир этилишидаги кўшимча ва факультатив объектларни ажратиб кўрсатиш имкони-ни беради.

Содир этилганлиги учун Жиноят кодексининг шарҳланаётган бобида жиноий жавобгарликни назарда тутадиган жиноятларнинг яна бир фарқловчи томони шундан иборатки, уларнинг барчаси (бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган, пора бериш жиноятдан ташқари барча жиноятлар) махсус субъектлар (мансабдор ва масъул мансабдор шахслар), яъни умумий субъектдан маълум бир ўзига хослиги билан ажралиб турувчи шахслар томонидан содир этилади. Ушбу жиноятлар давлат ва маҳаллий органларнинг тизими ичида мазкур органлар, давлат муассасалари ходимларининг ўзлари томонидан ва бошқа турдаги мулкчиликка асосланган корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан содир этилади.

Шундай қилиб, ҳокимият ва бошқарув органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар — бу давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар органларининг нормал, қонун билан тартибга солинган фаолиятига таъсир кўрсатувчи, муайян ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзларининг ваколатларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, махсус топшириқ (ваколат) бўйича бошқарув функциясини амалга оширувчи шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракат.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, 5-сон (1277).

## 205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш

*Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

*а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;*

*б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;*

*в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноят объекти давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолиятини бузиш орқали айбдор шахс давлат ҳокимиятига тажовуз қилган ҳисобланади.

2. Жиноят объектив томондан қуйидаги уч муқаррар белгидан иборат:

- шахснинг ўз мансаб ваколатидан фойдаланиши кўринишидаги қилмиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зарар етказиш шаклидаги жиноий оқибатлар;

- қилмиш ҳамда келиб чиққан жиноий оқибатлар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

3. Мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан фойдаланиши икки шаклда:

- ҳокимият ваколатини;

- мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш шаклларида намоён бўлади.

Ҳокимият ваколатини суиистеъмом қилиш деганда, мансабдор шахснинг ўз мансаб мавқеидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қасддан фойдаланишини тушуниш лозим.

Мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш деганда, мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ, ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан кўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини тушуниш лозим.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш: давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари мавқеига путур етказиш; ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш-ни яшириш; турли молиявий талон-тарожларни амалга ошириш; давлат, жамоат ёки бошқа ўзга мулк ҳисобидан, уни тортиб олмасдан ғаразли фойда олиш; алоҳида фуқароларга тегишли мулк ҳисобига ғайриқонуний бойиш ва бошқалардан иборат.

4. Мансабдор шахс ваколати муайян мансабни ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетенцияси билан белгиланади.

Мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини суиистеъмом қилишга лавозимни эгаллаб турган вақт давомида ваколатларни суиистеъмом қилиш киритилади. Мансабдор шахс ўзига керакли бўлган қарорга эришиш мақсадида ўз хизмат ваколатларидан эмас, балки хизмат ёки шахсий алоқалари, эгаллаб турган лавозимнинг обрўсидан фойдаланса, жиноят таркиби бўлмайди.

5. Мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш шакллари (мансабдор шахсларнинг фаолияти соҳаси) турлича бўлиши мумкин. Улар ҳаракат ва ҳаракатсизлик орқали (мансабдор шахснинг хизмат юзасидан мажбуриятларини қасддан бажармаслиги) амалга оширилиши мумкин. Бу бўйсунувчиларнинг меҳнатидан шахсий манфаатлар йўлида ғайриқонуний фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг шахсий дала ҳовлилар қурилишида, уйларни таъмир қилишда); қўл остидаги ходимларнинг меҳнатини ўзлаштириб олиш; турар жой тақсимотида суиистеъмом қилиш; корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида мансаб мавқеидан фойдаланиб, хусусий мулк сифатида сотиб олиш мақсадида ёки амалдор томонидан акцияларнинг анча қисмини эгаллаб олинишида мансабдор шахс ўзининг, унга яқин кишининг ёки бошқа хусусий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб мансаб ваколатидан фойдаланиши; умумдавлат эҳтиёжларига мўлжалланган молия ва кредитни ғаразли ёки бошқа паст ният-

да тижорат ташкилотларига ғайриқонуний бериб юбориш; бюджет маблағларини беҳуда сарфлаш, шу жумладан, бу маблағларнинг тижорат банкларида айлантририлиши; кредит, ссуда, қимматли қоғозларни, кўчмас ва бошқа мулкни олишда ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган имтиёзлардан фойдаланиш; шахсий ёки гуруҳ мақсадларида хизмат фаолияти учун тақдим этилган хоналар, транспорт ва алоқа, электрон-ҳисоблаш техникаси, пул маблағлари ва бошқа мулкдан фойдаланиш; кўра-била туриб жиноятларга йўл қўйиб бериш ҳамда уларни яшириш ва бошқалар.

Охирги зарурат ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса (ЖКнинг 38-моддаси), шунингдек, шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса (ЖКнинг 40-моддаси), жиноят, деб топилмайди.

6. Шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳисобланади.

7. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарар миқдорини эътироф этиш тўғрисидаги масала муайян иш ҳолатлари бўйича тергов органлари ва суд томонидан ҳал қилинади.

«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказода ифодаланиши мумкин»<sup>1</sup>.

*Жиддий зиён* — баҳоланадиган тушунчадир, шу боис уни расмийлаштирилган миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат, деб қаралмаслиги лозим. Айни пайтда аксарият ҳолларда мансабни суиистеъмом қилишнинг оқибати мулкий зиён етказиш бўлиб, уни аниқлашда моддий зи-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-қарори, 26-банди.

ённинг ҳажми, моддий объектларнинг қиймати, мулкий фойда олишнинг имкони, шунга ўхшаш бошқа кўпгина омилларни инобатга олиш зарур, чунки уларнинг йиғиндиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради. Зарарнинг жиддийлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларининг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари ва ҳоказолар фаолиятидаги бошбошдоқликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мансабдор шахс томонидан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини ҳам жиддий зиён, деб ҳисоблаш зарур.

Жисмоний зиён, агар у саломатликка зарар етказишда ифодаланса, шахс ҳуқуқларининг жиддий бузилиши, деб топилади.

Якка тadbиркор ёхуд ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, тadbиркорлик эркинлигининг ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият тури билан шуғулланишнинг чекланиши, агар улар рақобатининг чекланиши, монополистик фаолиятга эрк бериш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қонун билан муҳофаза қилинаётган давлат ва жамоат манфаатларининг бузилиши давлат органлари ишида жиддий хатоликларга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда намоён бўлиши мумкин.

Етказилган зиён жиддий бўлмаса, мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун жиний жавобгарлиги истисно қилиниб, унга нисбатан интизомий ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган бошқа жавобгарлик белгиланади. Келиб чиққан оқибатнинг жиддий ёки жиддий эмас, деб баҳоланиши мансаб жиноятларини (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қарашни) фарқлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

8. *Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш* — моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун, яъни шарҳланаётган моддага кўра, мансабдор шахсни жиний жавобгарликка тортиш учун модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши зарур бўлганлиги учун улар ўртасидаги сабабий боғланиш муҳим

аҳамият касб этади ва объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш ва кўп миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилиши ўртасидаги сабабий боғланиш аниқлангандан кейингина бу оқибатларни мансабдор шахс зиммасига юклаш мумкин.

9. Жиноят кўп миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

10. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилишнинг субъектив томони қасддан содир этилиши билан тавсифланади. Айбдор мансаб ваколатини суиистеъмом қилиб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилаётганлигини, қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва бунинг натижасида шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

11. Жиноят мотивлари турлича бўлиши мумкин. Бироқ, кўпинча, бу ғаразли манфаатдорлик, шуҳратпарастлик, ўч олиш, ҳасад, оилапарварлик ишнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ғаразли манфаатдорлик жиноят субъектининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш воситасида қандайдир фойдага эришишга интилишида намоён бўлади.

Бошқа турдаги яна бир шахсий манфаатдорлик мотиви субъектнинг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилишида ўз ҳаракатларидан номулкий фойда олишга интилиши бўлиши мумкин: раҳбарга ўзини яхши кўрсатиш, шуҳратпарастлик, ҳасад ва ҳоказолар.

Жиноят мотивлари қилмишнинг ҳуқуқий баҳолалишига ва жиноий жавобгарликка ўз таъсирини кўрсатмайди.

12. ЖКнинг 205-моддаси, 1-қисми бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш жинояти субъекти умумий белгиларга эга бўлган субъектлардан ташқари қатор махсус белгиларга эга махсус субъект (мансабдор шахс)лар бўлиши мумкин.

(Мансабдор шахс тушунчаси Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимида берилган).

Қонунга мувофиқ, мансабдор шахс — бу масъул мансабдор шахс белгиларига эга бўлмаган ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик ваколатларига эга шахс.

Қуйидагилар мансабдор шахс, деб эътироф этилади:



- давлат ташкилотлари, муассасалари ёки корхоналарида ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турувчи, лекин юридик жиҳатдан аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган шахслар (масалан, бухгалтер, бошқарма ходими);

- мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхона, муассаса ёки ташкилотларида — ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи ва қонун билан белгиланган тартибда давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатларига эга бўлмаган тақдирда, юридик аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахслар (масалан, раҳбар, бош бухгалтер).

Давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатлари деб, давлат вазифаларини амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган ва давлатнинг мажбурулов кучи билан таъминланадиган ваколатларни тушуниш лозим.

13. Ташкилий-фармойишли вазифалар (мажбуриятлар) бошқа кишиларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, одамларни, иш майдонини бошқаришдан иборат.

Уларга қуйидагилар киради: муассасаларнинг ишини умуман ва алоҳида қисмларида ташкил қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш, ишни ташкил қилиш ва режалаштириш, ижрони назорат қилиш ва текшириш, интизомий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳоказолар. Муассасанинг ўз хизмат бўйсунувида бошқа ходимлар бўлган, уларнинг фаолиятини бошқараётган, ишини йўналтираётган ва уюштираётган ҳар бир ходими ташкилий-фармойишли мажбуриятлари бўлганлиги сабабли мансабдор шахс ҳисобланади. Бундай вазифаларни, хусусан, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, хусусий таълим муассасаларининг мудирлари (ректорлар, проректорлар), тугатиш комиссиялари аъзолари ва ҳоказолар амалга оширадилар.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий-хўжалик вазифалари корхона, муассаса ва ташкилотларни, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, бошқаришидан ташкил топади. Санаб ўтилган тузилмаларнинг тасарруфида моддий қийматлар мавжуд, уларни сарф қилишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, юклаб жўнатишни ташкил қилиш, моддий қийматларни олиш ва бериш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда пул маблағларини бериш, бажарилган ишни ҳисобга олиш ва меҳнат учун мукофот белгилаш бўлган барча ходимлар, эгаллаб турган лавозимларидан қатъий назар, ўзларининг маъмурий-хўжалик вазифалари белги-

ларига кўра, мансабдор шахс ҳисобланадилар. У ёки бу ҳажмлаги ваколатларга режа-ҳўжалик, таъминот, молиявий бўлимлар ва хизматлар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, моддий қийматлар омборхоналари мудирлари, бухгалтерлар, кассирлар ва давлат органлари ёки муассасаларида бошқа вазифаларни бажарувчилари эга бўлишлари мумкин. Кўпгина мансабдор шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам ташкилий-фармойишли, ҳам маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажарадилар.

Ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш лаёқатига эга ҳаракатларни юридик аҳамиятли, деб эътироф этиш мумкин (масалан, шартнома, тилхат, ишончнома ва ҳоказолар). Ушбу белгига кўра, мансабдор шахсларга корхона, муассаса ёки ташкилот номидан у ёки бу ҳуқуқни берувчи ёки мажбуриятлардан озод этувчи ёхуд муайян ҳуқуқий фактни тасдиқловчи расмий ҳужжатлар бериши мумкин бўлган шахсларни киритиш мумкин.

Субъектни мазкур модда бўйича жавобгарликка тортишда мансабдор шахс, деб топиш учун шахсда кўрсатилган вазифалардан бири бўлишининг ўзи кифоя. Бунда шахс тайинланишига ёки сайловга кўра, тегишли ваколатларга эгаллиги ёки эга эмаслиги, уларни ҳақ эвазига ёки текинга, доимий равишда, вақтинча ёки махсус ваколатга кўра, амалга ошираётгани аҳамият касб этмайди.

Мансаб вазифалари вақтинча бажарилган ҳолларда ёки уларнинг махсус ваколатга кўра бажарилишида шахс кўрсатилган мажбуриятлар ёки ваколатлар унга ўрнатилган тартибда ва фақат юклатилган вақтинча ҳолларда ёки ўзига юклатилган мансаб вазифаларини бажариши муносабати билан шарҳланаётган жиноятнинг субъекти, деб эътироф этилади.

Субъектлар томонидан бир марталик топшириқлар (масалан, текширувда иштирок этиш, у ёки бу комиссия ишида иштирок этиш ва ҳоказолар) бажарилиши ҳолатлари ҳам, уларнинг шарҳланаётган жиноят бўйича мансабдор шахс сифатида жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

14. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилишни мансаб вазифасига кўра ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилишдан фарқлаш зарур (ЖКнинг 167-моддаси шарҳига қаранг).

Агар мансабдор шахс томонидан йўл қўйилган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилганлик учун жавобгарлик махсус жиноят-ҳуқуқий нормада назарда тутилган бўлса, қилмишнинг мазкур норма билан баҳолаш лозим ва мансабни суиистеъмом қилишнинг умумий таркиби мажмуи бўйича қўшимча квалифи-

кация қилиш талаб қилинмайди. Қилмишни фақат жиноятларнинг реал жами мавжуд бўлгандагина жиноятлар мажмуи тариқасида мансабни суиистеъмол қилишнинг махсус турларини назарда тутадиган ЖКнинг 205-моддаси бўйича квалификация қилиш мумкин (бу ҳақда батафсилроқ ЖКнинг 33-моддаси шарҳига қаранг).

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳолатларда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, жиноят таркибини вужудга келтиради.

16. Ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш натижасида етказилган жуда кўп миқдордаги зарар деганда, энг кам иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ миқдордаги зарарни тушуниш лозим (ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

17. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ЖКнинг 205-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади. Субъектив томоннинг умумий белгиларига кўра, мазкур ҳолатда айбнинг қасд шакли интеллектуал элементи мансабдор шахснинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноятни онгли равишда содир этиши билан тавсифланади.

18. *Уюшган гуруҳ* – жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавфли шаклларида бири. Уюшган гуруҳнинг умумий тушунчаси, жиноят туридан қатъий назар, ЖКнинг 29-моддасида очиб берилган. Бунда қонунда белгиланишича, уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши Жиноят кодексига кўзда тутилган асосларга кўра, оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради (ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

Уюшган гуруҳларга нисбатан бир неча шахслар бирлашишининг қатъийлиги белгиси конституциявий ва белгиловчи хусусият сифатида кўпроқ гуруҳ жинойи фаолиятининг нисбатан давомийлигида, унинг жинойи ихтисослашувида, шунга ўхшаш гуруҳларнинг фаолият доирасини бўлиб олишда, ҳар бир иштирокчининг роллари ва вазифаларини аниқ тақсимлашда, лидер (ташкilotчи, бошлиқ) мавжуд бўлишида, жинойи фаолиятни муайян муддатга режалаштиришда ифода этилади.

Уюшган гуруҳ манфаатлари – уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ёхуд уларни мувафаққиятли содир этишга шароит яратувчи ҳолатлар. Бундай манфаатларга, чунончи, у ёки бу ташкilotлар фаолияти тўғриси-

да ахборот тақдим этиш, уюшган гуруҳни фош қилувчи ахборотни йўқ қилиш, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш, хусусан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш жиноий мақсадини амалга оширишда ёрдам бериш ва ҳоказолар киради.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш, деб квалификация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахс жиноятни уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир этаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

19. ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида масъул мансабдор шахсларнинг тўрт тоифаси белгиланган:

- ҳокимият вакиллари;
- давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;
- мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари;
- иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

20. Ҳокимиятнинг ҳар қандай вакили — мансабдор шахс ҳисобланади, бироқ, ҳар қандай мансабдор шахс ҳам ҳокимият вакили бўла олмайди.

Ҳокимият вакиллари таркибига қонун чиқариш, ижро этиш, суд ҳокимиятини амалга оширадиган шахсларни, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда уларга хизмат юзасидан боғлиқ (тобе) бўлмаган шахсларга нисбатан бошқариш ваколатларига эга бўлган ёки фуқаролар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, ташкилотлар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат, назорат ёки кузатув идоралари ходимларини киритиш керак. Ҳокимият вакилининг фаолияти унга хизмат юзасидан боғлиқ (тобе) бўлмаган шахслар билан ўзаро муносабатлар асосига қурилади. Аксарият ҳокимият вакиллари хизмат бўйича умуман қўл остидаги ходимларга эга эмаслар, бироқ, фуқароларнинг кенг, ноаниқ доирасига нисбатан ҳокимият ваколатларига эгадир (масалан, терговчи, солиқ нозири, милициянинг оддий ходими ва ҳоказолар).

Барча даражадаги ҳокимият органларининг идоралар, қўмита ва комиссиялар таркибида мунтазам ишлаётган депутатларини ҳам, сессия даврида иштирок этадиганларини ҳам, ҳокимият раҳбарларини; қарор қабул қилиш, кўрсатма бериш ҳамда суд ёки маъмурий таъсир чораларини кўриш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларини (судьялар, прокурорлар ва уларнинг ёрдамчилари, терговчилар, милиция ходимлари, суд ижрочилари ва ҳоказоларни) ҳам ҳокимият вакиллари таркибига киритиш керак.

Давлатнинг турли назорат идоралари ва инспекцияларининг, шу жумладан, давлат солиқ хизмати, давлат божхона хизмати, санитария-эпидемиология назорати хизмати, давлат ўрмон муҳофазаси каби хизматларнинг тезкор ходимлари ҳокимият вакиллариининг муайян гуруҳини ташкил этади.

У ёки бу ҳокимият идорасида ишлагани ҳолда ҳокимият ваколатига эга бўлмаган шахслар ҳокимият вакили сифатида эътироф этилмайди. Масалан, канцелярия, хўжалик ва бошқа бўлимлар, бухгалтерия ходимлари, котибалар, референтлар, маслаҳатчилар, жамоатчилик асосидаги ходимлар ва ҳоказолар. Ушбу шахслардан баъзилари ҳокимият вакили сифатида эмас, балки бошқа асосларга кўра, масъул мансабдор шахс ҳисобланадилар.

Озодликдан маҳрум этиш ва ҳибсга олиш кўринишидаги жазони ижро этиш муассасалари, тергов изоляторларининг назоратчилари ўз хизмат вазифаларини ижро этаётганларида маъмурий вакиллари ҳисобланадилар ва шунинг учун уларни ҳам ҳокимият вакиллари таркибига киритиш керак. Бундан келиб чиқиб, улар томонидан қабул қилинган хизмат тартибига қарши жиноят содир этилишини мансабни суиистеъмом қилиш ёки ҳокимият ваколатлари доирасидан четга чиқиш, деб қараш зарур.

21. Шахсни масъул мансабдор шахс, деб топиш учун унинг давлат корхонасида, муассасасида ёки ташкилотида ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ лавозимга эгаллиги ва унинг ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳаракатларни содир этишга ваколати муҳимдир. Айни пайтда шахснинг қайд этилган вазифаларни сайланиб ёки тайинланиб, тўловли ёки тўловсиз, доимий ёки вақтинча бажараётганлиги аҳамият касб этмайди.

Шахснинг масъул мавқеи унинг хизмати хусусияти билан белгиланади — у давлат хизматчиси ҳисобланади ва хизмати юзасидан юридик аҳамиятли ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқига эга бўлади.

(Ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари, юридик аҳамиятли ҳаракатлар тушунчаси тўғрисида мазкур модданинг 13-банди шарҳига қаранг).

22. Масъул мавқега эга мансабдор шахсларга давлат тизимида кирмайдиган, лекин белгиланган тартибда давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатларига эга корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари киради.

(Давлат бошқаруви бўйича ҳокимият ваколатлари тушунчаси тўғрисида мазкур модданинг 12-банди шарҳига қаранг).

23. Масъул мавқега эга мансабдор шахсларнинг ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятлари билан боғлиқ мансабларни эгаллайдиган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларида юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколатли мансабдорларни қонун тўртинчи гуруҳ масъул мансабдор шахсларга тегишли, деб топади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқаролар йиғини мазкур идоранинг раиси (оқсоқоли)ни сайлайди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади. Шундай қилиб, йиғиннинг раиси (оқсоқол)ни ва котибини масъул мансабдор шахс, деб топиш мумкин.

24. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган жиноятни квалификация қилишда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниестъмом қилиш айрим мансаб жиноятларига нисбатан умумий норма ҳисобланади, масалан, мансаб сохтакорлиги (ЖКнинг 209-моддаси); пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси). Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари махсус нормага кўра квалификация қилинади.

«Якка тартибда иш олиб борувчи тадбиркор ёки ташкилотнинг раҳбари томонидан банкка ёки бошқа кредит ташкилотига тадбиркорнинг ёки ташкилотнинг хўжалик аҳволи ёки молиявий ҳолати тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиншини, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда Жиноят кодексининг 205 ёки 170-моддалари билан квалификация қилиш керак.

Мансабдор шахснинг кредитни ўз вақтида қайтаришдан қасддан бош тортишини ҳам, талон-тарож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб, агар бу хил ҳаракатлар жисмоний шахслар томонидан содир этилса, Жиноят кодексининг 170-моддаси билан квалификация қилиш керак.

Талон-тарож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний пул-кредитлар бериш ҳам Жиноят кодексининг 205-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

Агар иш бўйича қимматли қоғозлар чиқариш ва улар билан муомала қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунларни бузганлик аниқланиб, Жиноят кодексининг 205-моддаси диспозициясида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, бундай ҳаракатлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай қонун бузишлар жумласига, масалан, фуқароларга ва чет эллик инвесторларга эркин сотиш учун мўлжалланган акция пакетларини сотишга тўсқинлик қилиш киритилиши мумкин»<sup>1</sup>.

### **206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш**

*Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиغان ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;*

*б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;*

*в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолият юритиши доирасида келиб чиқа-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-қарори, 9-банди, 2-қисми.

диган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади (объект тўғрисида батафсил маълумот учун ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш бево-сита объекти ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш объектидан фарқ қилмайди. Ўз ваколатларидан четга чиққан мансабдор шахс жиноий фаолияти характериға кўра жиноятнинг қўшимча объектилари инсон саломатлиги, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бошқа кадриятлар бўлиши мумкин.

2. Жиноятнинг объектив томони мансабдор шахснинг ваколатидан четга чиқувчи ҳаракатларни содир этишида ифодаланиши мумкин. Мансабдор шахснинг унга қонунда белгилаб берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан четга чиқувчи ҳаракатларни содир этиши бу ҳолларнинг ҳаммаси учун умумийдир.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив томонининг зарурий белгиси фуқаролар ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига путур етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши, шунингдек, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши мумкин.

3. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш фақат ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Мансабдор шахснинг қонун белгилаб берган ваколат доирасидан четга чиққан ҳаракатлари деганда, мансабдор шахснинг ваколатини тартибга соладиган норматив ҳужжатлар ёки идоравий кўрсатмаларда белгиланмаган, яъни унинг ҳуқуқ ва ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этиши тушунилади.

4. Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши масаласини ҳал этаётиб, унинг ваколат доирасини, уларни белгиловчи норматив ҳужжатлар ёки идоравий йўриқномаларни аниқ белгилаб олиш ва ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш аниқ ифодаланганлигини аниқлаш лозим.

Ушбу модда бўйича квалификация қилинишнинг зарурий белгиси мансабдор шахс содир этган ғайриқонуний ҳаракатларнинг унинг мансаб ваколатлари билан алоқаси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари ва унинг ҳокимият ҳамда мансаб ваколати ўртасидаги алоқанинг йўқлиги ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти таркибини ҳосил қилмайди.

5. Суд амалиётида энг кўп учрайдиган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, бу мансабдор шахс томонидан:



- мансабдор шахснинг бошқа мансабдор шахс ваколатига тааллуқли ҳаракатларни амалга ошириши;

- қонун ва қонуности ҳужжатларида кўрсатилган, унинг ўзи томонидан фақат ўта зарур ҳолларда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этиши (масалан, юқори турувчи раҳбар розилиги билан);

- ҳеч ким, ҳеч қандай ҳолатда бажариш ҳуқуқига эга бўлаолмайдиган қилмишларни содир этишдан иборат (масалан, муайян мансабдор шахс олдига қабулга келган фуқарога нисбатан зўрлик ишлатилиши). Бундан ташқари, коллегиял амалга ошириладиган ҳаракатларни мансабдор шахснинг якка ўзи амалга оширишини ҳам ваколат доирасидан четга чиқиш, деб ҳисоблаш лозим.

6. (Ижтимоий хавfli оқибатлар тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг). Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш орқали етказилган зарар масаласини ҳал этишда қилмишнинг аниқ ҳолатларидан, бузилган ижтимоий муносабатлар аҳамиятидан, етказилган зарар хусусияти ва миқдоридан келиб чиқиш лозим. Кўп ҳолларда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб муайян шахсга зарар етказилади. Бунда у жисмоний зарар етказилишида, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузиш ва шахсга мулкий зарар етказишда ифодаланadi.

7. Агар ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жабрланувчига қасддан оғир тан жароҳати етказиш билан ўзаро боғлиқ бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 206 ва 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Калтаклаш, баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш қилмиши таркибига киритилиб; тегишли моддаларга кўра, қўшимча квалификация қилиниши талаб қилинмайди.

8. Шарҳланаётган жиноят таркибининг сабабий боғланиши мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатлари ва вужудга келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишда намоён бўлади. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик мансабдор шахснинг ҳаракатлари ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилган жабрланувчи (жисмоний ёки юридик шахс)га нисбатан у ёки бу ваколатларга эга бўлганидагина вужудга келади.

9. Ҳокимият ёки мансаб ваколат доирасидан четга чиқишнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишининг ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг ижтимоий хавfliлигини анг-

ийди, натижада, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиши мумкинлигини олдиндан кўра олади, шундай бўлса-да, онгли равишда унга йўл қўяди.

Жиноят содир этишнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин (иш манфаатларини нотўғри тушуниш, мансабпарастлик, ҳасад, ўч олиш ва бошқа шахсий адоватлар), лекин улар жиноий жавобгарликка ва жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш мотиви ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгилари қаторига кирмайди ва жиноий жавобгарлик келиб чиқишига таъсир кўрсатмайди. Бироқ, жазо тайинланишида ҳисобга олиниши мумкин.

10. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми субъекти фақат ўн саккиз ёшга тўлган, ташкилий-фармойишли ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган, масъул мансабдор шахс белгиларига эга бўлмаган шахс бўлиши мумкин (ЖКнинг 205-моддаси).

Масъул мансабдор шахс шарҳланаётган модданинг 2-қисмида кўриб чиқиляётган жиноят таркибининг субъекти бўла олади.

11. Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилса, ЖКнинг 206-моддаси, 2-қисми тегишли банди бўйича квалификация қилинади (жуда кўп зарар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимига; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси ва ЖКнинг 205-моддаси шарҳига; масъул мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

## **207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш**

*Мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Ўша қилмишлар:*

*а) одам ўлишига;*

*б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса*

*— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят қонунчилигида мансабга совуққонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши билан белгиланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти ЖКнинг 205-моддаси объекти билан бир хилдир (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

3. Мансабга совуққонлик билан қарашнинг объектив томони ни қуйидаги зарурий белгилар ҳосил қилади:

- ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги ижтимоий хавfli қилмиш — мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши;

- ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқиши — фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши;

- ижтимоий хавfli қилмиш ва ижтимоий хавfli оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

4. Мансабдор шахснинг ўз ваколатларини бажармаслиги тўла ва қисман бўлиши мумкин ҳамда хизмат лавозимидан келиб чиқадиган муайян вазифаларни бажаришга реал имконияти бўлганидаги ҳаракатсизлигида намоён бўлади. Мансабдор шахс айбига ваколати доирасига кирмайдиган ҳаракатларни бажармаганлигини қўшиб бўлмайди.

5. Мансабдор шахснинг ўз ваколатини лозим даражада бажармаслиги унинг қисман, кечиктириб, ноаниқ бажарилишида ифода этилади.

Мансабдор шахснинг мажбуриятлари қонун, қонуности ҳужжатлари (йўриқномалар, низомлар), меҳнат шартномалари (контракт) ёки юқори турувчи орган (бошқарув органлари)нинг буйруқлари билан белгиланади.

Амалиётда жинoий совуққонлик ҳолларидан, хусусан, қуйидагилар кенг тарқалган: мансабдор шахснинг йирик камомадга олиб келувчи моддий бойликларни қабул қилиш ва топширишга нисба-

тан лоқайдлиги, оқибатда йирик йўқотишларга сабаб бўлган молдий бойликларни сарф қилиш ва сақлашни лозим даражада назорат ва ҳисоб-китоб қилмаслик, натижада молдий қийматларнинг ишдан чиқишига олиб келган уларни сақлаш шартларига риоя қилмаслик, натижасида давлат органлари, муассасалари фаолияти ишдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатларни ва ҳисоботни юриштишга виждонсизларча муносабатда бўлиш ва ҳоказолар.

6. Мансабга совуққонлик билан қараш учун ЖКнинг 207-моддаси, 1-қисмига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган ҳоллардагина жиноий жавобгарлик ўрнатилади.

Шарҳланаётган жиноятга нисбатан кўп миқдорда зарар етказилиши деб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарарни эътироф этиш лозим.

(Жиддий зиён тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш билан мансабдор шахс йўлга қўйган мансабга совуққонлик билан қараш бир-бирига сабабий боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай сабабий боғланишнинг йўқлиги жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Шахсни мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидагилар аниқланиши лозим:

- мансабдор шахсга қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва қайси норматив ҳужжатлар билан юклангани;

- мазкур мажбуриятларнинг қайси бири бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган;

- мазкур қилмиш натижасида модда диспозициясида белгиланган оқибатлар келиб чиққанми;

- мазкур мансабдор шахс тегишли мансаб ваколатини бажариш учун реал (объектив ва субъектив) имкониятларга эга бўлганми.

Мансабга совуққонлик билан қарашда мансабдор шахснинг айби у хизмат юзасидан бажариши лозим бўлган ишни қилганига ёки буни ўз вақтида, аниқ, сифатли бажармаганига асосланиши даркор. Шу муносабат билан шахсни мансабга совуққонлик билан қарашда айблаш учун тегишли қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар, буйруқлар, мансаб кўрсатмалари асосида мазкур мансабдор шахсга ўрнатилган тартибда қандай мажбуриятлар юклатилганини, айнан қайси мажбуриятни бажариши лозимлигини аниқлаш лозим бўлади. Мансабдор шахсни унинг мансаб ваколати доирасига кирмайдиган вазифаларни бажармаганлик учун айбдор қилишга йўл қўйилмайди.

7. Мансабга совуққонлик билан қарашнинг таркиби тузилишига кўра моддийдир. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишидир. Жиноят кўрсатилган оқибатлардан бирининг келиб чиқиши натижасида тугалланган ҳисобланади.

8. Субъектив томондан мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Мансабга совуққонлик билан қараш — эҳтиётсизликдан содир этиладиган давлат ҳокимиятига қарши ягона жиноятдир.

Қонунда мансабга совуққонлик билан қараш мансаб ваколатларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши эканлиги белгиланганлиги туфайли, ушбу шахсда уларни лозим даражада бажаришга реал имконияти (объектив ва субъектив) бор-йўқлигини аниқлаш тақозо этилади.

Жиноятнинг субъектив томони қонуннинг ўзида очиб берилган ва мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг мансаб ваколатларини бажаришга лоқайд ва виждонсизларча муносабати билан тавсифланади. Мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизликнинг жинорий бепарволик ёки ўзига ўзи ишониш шаклларида намоён бўлиши мумкин.

Шахсга юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажариш ёки бажармасликнинг объектив имконияти, биринчи навбатда, ташқи шароитлар билан боғлиқ, яъни уларни вужудга келтириш мазкур шахсга боғлиқ бўлмайди.

Муайян мансабдор шахс реал имкониятларининг субъектив омилига унинг шахсий хусусиятлари: тажрибаси, малакаси, саломатлиги ва бошқалар киради. Агар мансабдор шахс тажрибасизлиги, малакасининг етишмаслиги каби объектив имкониятлар ёки оқибатлар туфайли ўз мажбуриятларини бажармаса, унда бу ҳолат фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилганда ҳам, мансабга совуққонлик билан қараш, деб топилмайди.

9. Мансабга совуққонлик билан қараш субъекти белгиланган тартибда доимий ёки вақтинча юклатилган мансаб ваколатини бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган мансабдор шахслар ва масъул мансабдор шахслар бўлиши мумкин (субъектлар тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

Мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришига объектив ёхуд субъектив имконият бўлмаса, жинойий жавобгарлик келиб чиқмайди.

10. ЖКнинг 207-моддаси — махсус нормалар (масалан, 253-модда — «Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш», 162-модда — «Давлат сирларини ошкор қилиш», 163-модда — «Давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш») қаторидаги умумий норма ҳисобланади. Умумий ва махсус нормалар тўқнаш келган ҳолларда махсус норма қўлланилади.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қуйидаги квалификация қилиш белгиларини мустақкамлайди: баданга ўртача ёки оғир шикаст етказилиши.

Агар мансабдор шахс ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса, унга нисбатан лоқайд ва виждонсизларча муносабатда бўлиб, бу ўрта ёки оғир тан жароҳати етказилишига олиб келса, қилмиш ЖКнинг 207-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилинади (ўрта ёки оғир тан жароҳати тушунчаси тўғрисида ба-тафсилроқ ЖКнинг 104, 105-моддалари шарҳига қаранг).

12. ЖКнинг 207-моддаси, 3-қисми квалификация қилиш белгиси сифатида мансабга совуққонлик билан қараш натижасида:

а) одам ўлишига;

б) гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлишини назарда тутди.

13. Мансабга совуққонлик билан қарашдан касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида шахсга ўртача ёки оғир тан жароҳатлари етказилиш ёхуд инсоннинг вафот этиши ҳолатларини фарқлаш лозим (ЖКнинг 116-моддаси). Шу боис шахс мансаб ваколатига тегишли бўлмаган касб юзасидан вазифаларини тўла бажармаса, у ҳолда қилмишни ЖКнинг 116-моддаси бўйича квалификация қилиш керак. Шахснинг касб юзасидан вазифалари мансаб ваколатига тўғри келса, қилмиш шарҳланаётган модданинг тегишли қисмлари бўйича квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 30 сентябрдаги Қонунига мувофиқ, 207-модданинг 3-қисми янги таҳрирда баён этилди, яъни мазкур қисм «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса», деган «б» банд билан тўлдирилди.

Кўп миқдор тушунчаси ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида берилган.

## 208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги

*Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятининг моҳияти мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги натижасида мазкур модда диспозициясида кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришидир.

2. Жиноятнинг объекти ЖКнинг 205-моддаси объекти билан бир хил (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

3. Объектив томоннинг зарурий белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- мансабдор шахснинг мансаб вазифасини бажармаслигида ифодаланувчи, шунингдек, жиноят содир этилишига йўл қўйиб бериш билан қўшилиб келувчи қилмиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш;

- улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

Объектив томондан жиноят ҳаракатсизлик орқали, яъни мансабдор шахс ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган вазифани бажармаслигида ифодаланади.

Ҳокимият ҳаракатсизлиги деганда, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши лозим бўлган ҳаракатларни бажармаслиги тушунилади. Мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси доирасига кирмайдиган ҳаракатларни бажармаслиги шарҳланаётган модда таркибини истисно этади.

4. Йўл қўйиб бериш деганда, мансабдор шахснинг жиноятнинг олдини олиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда, жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатмаслиги тушунилади.

Мансабдор шахснинг ҳаракатини ҳокимият ҳаракатсизлиги сифатида квалификация қилиш учун бу ҳаракат, қонунга кўра, унинг мансаб ёки хизмат мажбурияти ҳисобланиши керак. Йўл қўйиб бериш мансабдор шахснинг тайёрланаётган ёки содир эти-

лаётган жиноятнинг олдини олиш имкониятига эга бўла туриб, ҳеч қандай чора кўрмаслиги шаклида намоён бўлади.

5. Ҳокимият ҳаракатсизлиги учун мансабдор шахсни жавобгарликка тортишда, мансабдор шахс ўз хизмат вазифасига кирувчи айнан қайси ҳаракатни содир этганлиги ёки ҳаракатсизликка йўл қўйганлиги ва мансабдор шахс шу ҳаракатни содир этишга имконияти бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш зарур.

Ҳаракатсизликнинг юқоридаги кўриниши мансабдор шахсни ЖКнинг 208-моддаси билан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Муайян ҳаракатни амалга ошириш бевосита қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда (шартномадан келиб чиқадиган мажбурият бўйича мансаб ҳолатидан ва бошқалар) белгиланиши мумкин.

6. Ушбу жиноят моддий таркибли жиноят бўлиб, ҳокимият ҳаракатсизлиги орқали жиддий зиён кўрилса, фуқароларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган тақдирда жиноий жавобгарлик келиб чиқади (жиддий зиён тунунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

7. Мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини қасддан бажармаслиги оқибатида келиб чиққан жиддий зиён билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдордаги зарар ўртасида сабабий боғланиш аниқланиши шарт. Сабабий боғланишнинг йўқлиги жавобгарликни истисно этади.

8. Жиноят кодексининг 209-моддаси диспозициясида кўрсатилган ҳолатлардан бирининг рўй бериши жиноятни тугалланган, деб топиш учун асос бўлади.

9. Ҳокимият ҳаракатсизлиги мансабга совуққонлик билан қарашдан қасддан содир этилиши билан фарқланади. Қасддан содир этилган ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасддан содир этилиши мумкин.

10. Шарҳланаётган модданинг субъекти махсус мансабдор шахс (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг) ҳисобланади.

Мансабдор шахс ҳаракатсизликка ёки йўл қўйиб беришга олдиндан ваъда берган ҳолларда, унинг ҳаракатлари муайян жиноятнинг ёрдамчиси кўринишида иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

### **209-модда. Мансаб сохтакорлиги**

*Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг гаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилашти-*



риши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — давлат бошқаруви органларининг мавқеи ва фаолияти, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, давлат ва жамоат манфаатлари ҳисобланади.

2. Жиноят предмети ахборотнинг расмий ҳужжатлар — моддий ташувчилари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг ёзма ҳужжатлари ҳисобланади. Аниқ фактлар ёки ҳодисаларни тасдиқловчи, юридик аҳамиятга эга расмий ҳужжатлар умумий қоида бўйича тегишли шакл ва реквизитларга эга (бланк, штамп, печать, кириш ёки чиқиш рақами, сана, мансаб номи ва тегишли мансабдор шахснинг имзоси).

3. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони қуйидаги шартли белгилар орқали намоён бўлади:

- қилмиш;
- ижтимоий хавфли оқибат;
- қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш.

Қонун кўриб чиқиладиган жиноятнинг объектив томонини таърифлар экан, «мансаб сохтакорлиги» иборасидан фойдаланиб, унинг турли хил эканлигини кўрсатиш орқали мазмунини очиб беради.

Улар қаторига қуйидагилар киради:

- расмий ҳужжатларга олдиндан ёлгон маълумотлар ёки ёзувлар киритиш;
- кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга уларнинг асл мазмунини бузиб кўрсатувчи тузатишлар киритиш;
- олдиндан ёлгон ҳужжатлар тузиш ва бериш.

Бу ҳолда расмий ҳужжатни сохталаштириш усули моддий бўлиши, яъни унга турли тузатишларни киритиш, ўчириш, бошқа сана билан белгилаш, асл мазмунини ўчириш ва бошқаси билан алмаштириш ва ҳоказолар ҳамда интеллектуал, яъни воқеликка ёки ишнинг ҳақиқий аҳволига тўғри келмайдиган, ёлгон, қалбакиштирилган ҳужжат тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Ёлгон маълумотлар киритиш асл ҳужжатга ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёзувларни киритиш билан таърифланади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳужжатнинг шакли ҳамда мазмунини тўлиқ сохталаштиришдан ҳам, асл ҳужжатларга қисман нотўғри ўзгартиришлар киритишдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Мансаб сохтакорлигининг бир тури бўлган олдиндан ёлгон ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш, нафақат ҳужжатларни сохталаштиришдан, балки уни манфдор шахсга бериш орқали реализация қилишдан ҳам иборат бўлади. Мазкур қалбакилаштириш шакли бошқалардан шу жиҳати билан ҳам фарқланади, чунки унинг учун икки ҳаракат: *ҳужжатни тайёрлаш* ва *бериш* талаб этилади.

4. Жиноят объектив томонининг зарурий элементи фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказиш ҳисобланади.

5. Ўзининг қонунчилик тузилишига кўра, мансаб сохтакорлиги моддий таркибга эга. Модда диспозициясида кўрсатилган ҳужжатга олдиндан ёлгон маълумот ёки тузатишлар киритиш орқали оқибат келиб чиққан вақтдан жиноят тугалланган ҳисобланади.

6. Мансаб сохтакорлиги бошқа жиноятларни содир этиш усули ҳисобланган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади. Масалан, мансаб сохтакорлиги натижасида алдов йўли билан ўзгалар мулкани талон-тарож қилишни жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 209 ва 168-моддалари билан квалификация қилиш лозим.

7. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси сохтакорликни амалга оширувчи мансабдор шахснинг ғаразли ёки бошқа манфаати ҳисобланади.

Мансаб сохтакорлиги ёлгон ҳужжатлардан фойдаланиб, бошқа жиноят содир этиш учун амалга оширилган ҳолатларда, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича, яъни мансаб сохтакорлиги ва бошқа жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилиниши керак.

Мансаб сохтакорлиги негизида ғаразли манфаат субъектнинг расмий ҳужжатларга олдиндан ёлгон маълумотлар ва ёзувлар ки-

ритиш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ёки тузиш ва бериш орқали моддий манфаатдорлиги ётади.

Мансаб сохтакорлиги мотиви каби, бошқа шахсий манфаатдорлик субъект ўз ҳаракатлари орқали номоддий характерга эга фойда олишидан иборат.

8. Жиноят субъекти – ўн саккиз ёшга тўлган мансабдор шахс ҳисобланади.

«Амалдаги қонунчиликка кўра, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига кирадилар. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлса, Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан тавсифланиши керак»<sup>1</sup>.

Мансабдор бўлмаган шахс томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритилган ҳолларда қилмиш ЖКнинг 228-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

9. ЖКнинг 209-моддаси, 2-қисмида шарҳланаётган жиноятнинг қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлари кўрсатиб ўтилган:

- а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги.

10. Такрорийлик белгиси бўйича мансаб сохтакорлигини квалификация қилиш мазкур жиноят камида икки марта содир этилиши (ЖКнинг 209-моддаси, 2-қисми, «а» банди), шахс уларнинг бирортаси учун судланмаганлиги ва жиноят тергов муддати (судланганлик муддати) ўтиб кетмаганлигини тақозо қилади (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг). Акс ҳолда, такрорийлик мансаб сохтакорлиги жиноятини квалификация қилиш белгиси сифатида қабул қилинмайди.

Мансаб сохтакорлиги такрорийлиги белгисини қайд қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- субъектнинг ягоналиги, яъни барча содир этилган жиноятларда ягона субъект бўлиши;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2-сонли қарори, 13-банди, 4-қисми.

- мансабдор шахс ЖКнинг бир хил моддалари, қисмларида жавобгарлик назарда тутилган камида иккита жиноят содир этган бўлиши;

- ушбу жиноятларнинг ҳар бири жиноий жавобгарликка торилмаган бўлиши лозим. Башарти, жиноятларнинг биринчиси манмурий, интизомий жавобгарликни келтириб чиқса ёхуд ҳеч қандай жавобгарликни келтириб чиқармаган ҳолатда, иккинчиси жиноий жавобгарликни келтириб чиқарса, такрорийлик вужудга келмайди;

- содир этилган жиноятларнинг ҳар бири мустақил таркибли ҳисобланиши лозимлиги;

- ушбу жиноятлар турли вақтда содир этилган бўлиб, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинмаслиги лозим.

Мансаб сохтакорлигини такрорий, деб эътироф этиш учун такроран содир этилган жиноят тугалланганлиги ёхуд жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилгани ёхуд уни содир этишга қасд этилгани аҳамият касб этмайди. Иштирокчилик шакллари ҳам аҳамиятга эга эмас. Уларнинг бирини содир этишда у ижрочи, иккинчисида — ёрдамчи ва ҳоказо бўлиши мумкин.

II. Аввалги жиноий қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтишидан ташқари, жиноятнинг такроран содир этилиши қуйидаги ҳолларда мансаб сохтакорлиги таркибида такрорийлик квалификация қилиш белгиси мавжуд бўлмайди:

- шахс аввал содир этган мансаб сохтакорлиги жинояти учун қонунда ўрнатилган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса (масалан, жабрланувчи билан ярашиш, айбланувчининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, қилмиш ва айбланувчи шахсининг жамиятга хавфи йўқолиши ва ҳоказо);

- айбдор мансабдор шахсининг ҳаракатларида аввалдан давом этиб келаётган расмий ҳужжатларни сохталаштириши, кўра била туриб қонунга хилоф ёзувлар киритиши, тузиши ва бериши, жиноий ҳаракатларни ўз манфаатларини кўзлаб содир қилиб келиши жиноятлар жамини ташкил қилса. Такрорий ва мунтазам давом этиб келаётган жиноятларни тўғри фарқлаш масаласи катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, айбдорнинг ҳаракатларига аниқ баҳо беришда жиноий жавобгарликнинг асосини ташкил қилади. Ушбу масалани ҳал қилишда нафақат объектив омиллар, хусусан, давом этиб келаётган жиноий фаолиятдаги бир неча ўхшаш жиноий ҳаракатлар бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва ўзининг моҳиятига кўра, ягона жиноятнинг айрим бўғинлари ва кўринишлари эканлигини, балки субъектив ҳолатларни ҳам, аввалдан мақсад қилиб қўйилган давом этиб келаётган муайян жиноий фаолиятни

амалга ошириш ягона қасдининг мавжудлигини ҳам англатади. Қасд ва мақсаднинг ягоналиги четдан қараганда, бир-биридан ажратилган жиноий ҳаракатларни ягона мансаб сохтакорлигида муҷассам қилади.

Жиноий ҳаракатларнинг ҳар бири у ёки бу шаклга эга бўлган жиноятнинг мустақил таркибини ҳосил қилса, охиригисидан маълум муддатга вақт билан ажратилган бўлса, айбдор мансабдор шахснинг жиноий ҳаракатлари такрорий, деб топилади. Бунда ҳар бир янги содир этиладиган жиноятга нисбатан айбдорда янги қасд ҳосил бўлиб, у такроран содир этилган жиноятда ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, айбдорнинг ҳаракатларини такрорийлик белгисига кўра, квалификация қилиш учун у аввалги содир этган жинояти учун судланмаган бўлиши ёхуд судланганлик бекор қилинган ёки олиб ташланган бўлиши лозим.

12. (ЖКнинг 209-моддаси, 2-қисми, «а» бандида назарда тутилган хавфли рецидивист томонидан содир этилган мансаб сохтакорлигининг квалификация қилиш белгиси тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

Такрорийликдан фарқли равишда хавфли рецидив белгиси айбдорнинг аввал ҳам худди шундай жиноят содир этгани учун судланган бўлиб, яна янги жиноят содир этишини ангалатади.

Айбдорнинг ҳаракатларини ушбу белгилар бўйича квалификация қилиш учун қуйидаги шартлар бўлиши талаб қилинади:

- айбдорнинг ЖКнинг 209-моддасида кўзда тутилган жиноят ёки бошқа мансаб сохтакорлигини содир этганлигинини аниқлаш;
- мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарликка тортиладиган шахсда худди шундай жиноят учун бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик мавжуд бўлиши. Мазкур талаблардан бирининг бўлмаслиги мансабдор шахс ҳаракатларида квалификация белгисини аниқлаш имконини бермайди.

13. Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган мансаб сохтакорлиги ЖКнинг 209-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 29 ва 207-моддалари шарҳларига қаранг).

### 210-модда. Пора олиш

*Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши*

тиг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Пора олиш:*

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 11 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Пора олиш:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) масъул мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. *Порахўрлик* — бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансаб жиноятлари — пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган атама. Санаб ўтилган ҳар бир тажовуз ЖКнинг 210—212-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Улар бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд эмаслиги пора бериш фактини ҳам истисно этади.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан изоҳланадигани, пора олиш мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро этишнинг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартиради ва бу билан давлат хизмати манфаатларини кўпол бузади. Пора коррупция — ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли олдидаги обрўсига путур етказадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қиладиган хавфли жинойи ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади.

2. *Жиноят объекти* — давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ўрнатилган тартиби (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

3. Қонун шарҳланаётган жиноят предметини мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг

манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулккий наф кўриш тушуниладиган «пора» атамаси билан белгилайди.

Ҳар қандай моддий қимматликлар: пул, хорижий валюта, қимматбаҳо буюмлар, қимматли қоғозлар, озиқ-овқат ёки саноат маҳсулотлари ва бошқалар пора предмети бўлиши мумкин. Пора предметиға, шунингдек, пора берувчи томонидан текинга ёки паст нархларда амалга ошириладиган мулккий характердаги турли хилдаги хизматлар ҳам киритилади (масалан, таъмирлаш ишларини амалга ошириш)<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, мулккий характерга эга бўлмаган фойдалар пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс манфаатларига қаратилган ўз ҳаракатлари учун номоддий характердаги хизматлар олиш: ижобий тавсифнома, тавсиянома, мақолага тақриз ва бошқалар. Муайян шартлар мавжуд бўлган ҳолда мазкур ҳаракатлар мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Мансабдор шахс томонидан бирор ҳаракат содир этилганлиги учун у билан жинсий алоқага киришиш ҳам пора предмети ҳисобланмайди, муайян шартлар бўлган ҳолларда эса, мазкур ҳаракат ЖКнинг 121-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

4. Гарчи, кўп ҳолларда пора бевосита ёки воситачи орқали пул бериш шаклида берилишиға қарамай, шарҳланаётган жиноят предметининг серқирралиги пора олиш ва беришнинг худди шундай серқирра усулларини келтириб чиқаради. Амалиётда пора беришнинг қимматли буюмни арзон сотиш, карта ўйинида олдиндан тил бириктирган ҳолда ютқизиб қўйиш, сохта мансаб бериш ва пора олувчи, унинг қариндошлари ёки бошқа ишончли шахсларға мунтазам равишда иш ҳақи тўлаб туриш каби бошқа «ниқобланган» усуллари ҳам мавжуд.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, моддий қимматликларни олаётган мансабдор шахс моддий қимматликлар муассаса томонидан кўрсатилган хизмат эвазига олинаётганлигиға ишонтириш орқали мазкур қилмишларнинг қонунийлигини кўрсатиш учун, уларни бераётган шахсларни чалғитишға ҳаракат қилади. Пора предметлари пора олувчиға – мансабдор шахсға бевосита ва воситачи – оила аъзолари, танишлар ва ҳоказолар ор-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 2-банди.

қили берилиши, шунингдек, пора олувчининг банкданги ҳисоб рақамига кўчирилиши ҳам мумкин. Пора олиш усули ва шакли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

5. Мансабдор шахс томонидан унинг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги бирон-бир воқеа муносабати билан қиймати жиҳатидан унча қиммат бўлмаган совғалар олиниши пора ҳисобланмайди. Масалан, юбилей муносабати билан унча қиммат бўлмаган қўл соати, диссертация ҳимояси муносабати билан гулдаста, конфет, фахрий унвонлар олиниши.

Олдиндан тил бириктирмаган ҳолда пора олишда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш вақтида пора берувчининг мотиви ва поранинг предметига эътибор қаратиш лозим. Шунинг учун, агар олинган предмет қиймати унча катта бўлмаса ва пора берувчи уни миннатдорчилик сифатида берган бўлса, у ҳолда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлмаган қилмиш, деб квалификация қилиниши лозим.

6. Мансабдор шахс томонидан хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун унга берилган мукофот, миқдоридан қатъий назар, қуйидаги ҳолларда пора предмети сифатида квалификация қилиниши лозим:

- муайян мукофотни олишда таъмагирлик мавжуд бўлса;
- агар мукофот (ёки у ҳақдаги келишув) мансабдор шахснинг хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳаракатларини сотиб олиш характерига эга бўлса;
- агар мукофот мансабдор шахсга унинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун берилса. Олдиндан тил бириктирмаган ҳолда мансабдор шахсга унинг қонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун берилган пул мукофотининг совға ёки пора ҳисобланишини мазкур мукофотнинг миқдори ҳал этади. Бунда пора пора берувчининг манфаатларини қондириш мақсадида берилган ҳолларда, ҳатто пора олиш шартлари қасддан олдиндан келишилмаган бўлса ҳам, айбдорнинг ҳаракатлари пора олиш ва бериш, деб ҳисобланиши лозим<sup>1</sup>.

7. Объектив томондан пора олиш мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкый наф кўришида ифодаланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 мартдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 3-банди, 3-қисми.



8. Жиноятни квалификация қилиш вақтида пора олувчининг порани пора берувчининг манфаатлари учун муайян ҳаракатларни содир этиш ёки содир этмаганлиги учун олганлигини инobatга олиш лозим. Масалан, қамоқдан озод қилиш, лавозими, унвони кўтариш ва бошқалар. Шундан келиб чиқиб, пора берувчи билан «илиқ муносабатлар» ўрнатиш ва келгусида ишончли муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида моддий қийматликлар олиш билан боғлиқ қилмиш пора олиш, деб квалификация қилинмаслиги лозим. Чунки бундай ҳолларда мансабдор шахс томонидан бошқа шахс фойдасига муайян ҳаракатлар содир этилмаслиги сабабли жиноят объекти мавжуд бўлмайди, яъни ҳеч қандай ижтимоий муносабатларга зарар етказилмайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари муайян шартлар бўлган тақдирда, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, деб квалификация қилиниши мумкин.

Мансабдор шахс томонидан ўз бўйсунувидаги шахслардан уларнинг манфаатлари йўлида бирор ҳаракат қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликларнинг олиниши пора олиш сифатида квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>. Бунда суд ҳукмида пора берувчи манфаатларида қайси ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора олинганлиги кўрсатилиши лозим<sup>2</sup>.

9. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, мансабдор шахс қилмишини пора олиш, деб квалификация қилиш учун пора предметини олиш вақти ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди<sup>3</sup>.

Пора мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракатни содир этишгача бўлган вақтда (сотиб олиш пораси) ёки пора предмети мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олиниши мумкин (пора-мукофот). Бунда қилмишни квалификация қилиш чоғида поранинг олдиндан шартлашилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди<sup>4</sup>.

10. Мансабдор шахс томонидан ўз мансаб мақеидан фойдаланиш деганда, нафақат мансабдор шахс ваколатига кирадиган ҳаракатларни содир этиш, балки пора берувчи манфаатларида бошқа мансабдор шахсларга таъсир этиш орқали уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда муайян ҳаракатлар содир этиш ҳам тушунилади.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 2-банд, 3-қисми.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 3-банд, 1-қисми.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3-банди, 3-қисми.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

11. *Пора* — пора берувчи манфаатларида муайян ҳаракатлар содир этиш берилган ғайриқонуний мукофот бўлиб ҳисобланади.

Пора берувчи манфаатлари деганда, нафақат унинг шахсий манфаатларини, балки учинчи шахсларнинг ҳар қандай манфаатларини ҳам тушуниш лозим (бу яқин қариндошлар, яқин шахслар ва бошқалар бўлиши ҳам мумкин). Пора олиш моддий таркибни жиноят ҳисобланганлиги сабабли, пора олувчи томонидан пора предмети у ҳатто бир қисмини олган тақдирда ҳам, пора берувчи манфаатида бирор ҳаракат қилганликдан қатъий назар, тутилган ҳисобланади. Лекин қилмишни квалификация қилишда назарда тутилаётган поранинг миқдорига эътибор қаратиш лозим.

Жиноятни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш учун порани мансабдор шахснинг ўзи ёки у буюрган бошқа шахсонлиги факти аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

12. Мансабдор пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш нақолатига эга бўлмаган, лекин ўзининг мансаб мавқеи туфайли маъкур ҳаракатларнинг бошқа шахслар томонидан содир этилиши бўйича чоралар кўрган ҳолларда ҳам қилмиш пора олиш сифатида квалификация қилинади.

13. Мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий алоқаларидан фойдаланиш хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланмаслиги керак.

14. Олдиндан келишилган пора олувчи иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, олинмай қолган ҳолларда (масалан, пора берилаётган вақтда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан жиноятнинг тўхтатилиши) қилмиш ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 210-моддаси бўйича пора олишга суиқасд қилиш тарзида квалификация қилиниши лозим.

15. Пора олишнинг субъектив томони — тўғри қасд: айбдор (пора олувчи) моддий қимматликлар ёки мулкий фойда унга ўзининг хизмат мавқеидан қелиб чиқиб пора берувчи манфаатида бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора сифатида берилаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Гарчи, кўпгина ҳолларда пора олиш ғаразли мақсадда содир этилса-да, бироқ, жиноятнинг мақсади ва мотиви бу қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

16. Фақат махсус субъект — давлат, кооператив, жамоат ёки бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда доимий ёки вақтинчалик асосда маъмурий-хўжалик ва ташкилий вазифани бажара

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 3-банди

ётган мансабдор шахс пора олишнинг субъекти ҳисобланади. Пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмасда, ўзларининг мансаб мавқеидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳаракатларнинг бошқа мансабдор шахслар томонидан содир этилиши учун чоралар кўрган мансабдор шахслар ҳам мазкур жиноятларнинг субъекти ҳисобланади<sup>1</sup>.

Юридик адабиётлар ва суд-тергов амалиётида профессор-ўқитувчилар таркиби ва тиббиёт ходимларини шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиш масаласи аниқ ҳал этилмаган. Ўқитувчи доимий равишда бирон-бир маъмурий лавозимни (ректор, проректор, декан, директор ва бошқа лавозимларни) эгаллаб турган вақтда ёки вақтинчалик ташкилий вазифаларни (қабул комиссиясининг аъзоси лавозимини) бажараётган вақтда мансабдор шахс, деб топилиши мумкин.

Шифокор, агар у соғлиқни сақлаш тизимида маъмурий-хўжалик ёки ташкилий фаолият билан боғлиқ мансабда (бош шифокор, бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиғи ва ҳоказо мансабда) бўлсагина, мансабдор шахс ҳисобланади. Бошқа барча ҳолларда ўқитувчи ва шифокорлар ҳам ўзларининг касбий бурчларини бажарганликлари сабабли мансабдор шахс, деб топилишлари мумкин эмас.

17. ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми пора олишнинг қуйидаги квалификация қилиш таркиблари:

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ЖКнинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) тамагирлик йўли билан;

г) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарликни назарда тутади.

18. Такрорий жиноятларнинг умумий тушунчаси ЖКнинг 32-моддасида очиб берилади (кўрсатилган модда шарҳига қаранг).

Пора олишнинг квалификация қилиш белгиси сифатида такрорийлик ушбу жиноятлардан бирортасини жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ҳолда камида икки марта содир этишни талаб этади<sup>2</sup>. Агар мансабдор шахс биттаси тугатилмаган бўлган пора олишнинг икки факти бўйича жавобгарликка тортилаётган бўлса,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 1-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 8-банди, 1-қисми.

қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича пора олишга суиқасд қилиниши такрорий пора олиш тарзида квалификация қилинади. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қилмишларнинг турли вақтларда содир этилишида айбдорда мазкур қилмишларга нисбатан умумий эмас, балки алоҳида қасд мавжуд бўлади.

Шу билан бирга, мансабдор шахс томонидан бир неча шахслардан бир нечта пора олиш, агар уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳаракатлар содир этилиши назарда тутилса, мазкур қилмиш такроран содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>. Бунда ҳар бир пора берувчи манфаатида амалга оширилган алоҳида ҳаракатлар ўзининг мазмуни бўйича бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин. Поранинг олдиндан келишилган суммаси миқдорининг мансабдор шахс томонидан оширилиши, агар бу пора берувчи манфаатларида олдинги натижани кўзлаб ҳаракат содир этилса, такрорийлик белгисини келтириб чиқармайди.

Турли усулларда пора олиш ягона давом этувчи жиноятни шакллантиради ва такрорийлик белгиси билан квалификация қилиниши мумкин эмас (ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг).

Мансабдор шахс бир неча пора берувчиларнинг умумий манфаатларида бир ҳаракатни содир этган ҳолларда, пора олишда такрорийлик мавжуд бўлмайди. Масалан, жиноятнинг бир неча иштирокчиларига нисбатан жиноят ишини тугатиш учун пора олиш.

19. Хавфли рецидивист томонидан пора олиниши ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

20. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг «а» бандида хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан пора олиниши назарда тутилган (батафсилроқ мазкур моддалар шарҳига қаранг).

21. Кўп миқдордаги пора деганда, (ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми, «б» банди) энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги пора тушунилиши лозим. Пора предметининг баҳоси ўша маҳсулот ёки хизматларнинг нархига қараб, уларга асосланишнинг иложи бўлмаган ҳолда эса, экспертлар хулосасига асосан аниқланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 2-қисми, 8-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 10-банди, 1-қисми.

Бунда мазкур миқдордаги пора, нафақат бир вақтда, балки агар унинг берилиши ягона давом этувчи жиноятнинг эпизодларидан иборат бўлса, турли вақтларда алоҳида қисмларга бўлиб олиниши мумкин.

22. Пора олиш жиноятининг квалификация қилиш белгиси сифатида тамагирлик йўли билан пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми, «в» банди) деганда, мансабдор шахс томонидан пора берувчига унинг қонуний манфаатларига зиён етказиш ёки уни манфаатларига зиён етказилишининг олдини олиш учун пора берадиган аҳволга солиб қўядиган ҳаракатни содир этиш таҳдиди билан қўйиладиган талаб тушунилади. Мазкур талабга кўра, бундай ҳаракатлар, масалан, ўқув юртига қабул қилиш қоидаларини бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ғайриқонуний тугатиш ва бошқалар учун мансабдор шахсларга бериладиган пора-ларда тамагирлик белгилари бўлмайди<sup>1</sup>.

Тамагирлик йўли билан пора олиш қуйидаги уч шаклда бўлиши мумкин:

- мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатни содир этиш таҳдиди билан пора талаб этиши;

- мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатни қасддан содир этиш билан боғлиқ шундай шароитларнинг яратилиши;

- мансабдор шахс ўз ваколати доирасида бажариши шарт ва мумкин бўлган фуқаронинг аризасини қаноатлантириш учун пора талаб қилиши.

«Ўзларининг ҳаракатлари билан бозорга маҳсулот ва ишлаб чиқарувчиларнинг киришини чекловчи, сунъий равишда нархларни юқори даражада сақлаб турувчи бозор маъмурияти мансабдор шахслари, шунингдек, савдо соҳасида фаолият юритувчи бошқа мансабдор шахслар Жиноят кодексининг 210-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади»<sup>2</sup>.

23. Пора олувчининг ваколатига кирмайдиган ҳаракатларни содир этиш таҳдиди билан пора талаб этиш тамагирлик билан пора олиш жинояти таркибини келтириб чиқармайди, бундай ҳаракатлар ЖКнинг 165-моддаси бўйича квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 11-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори.

24. Мансабдор шахс томонидан тамагирлик билан пора олишга қаратилган ҳаракатларнинг содир этилиши, пора предмети олинмаган ҳолларда, мазкур жиноятни содир этишга суиқасдни келтириб чиқаради.

25. Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олиш квалификация қилиш белгисини таҳлил этиш чоғида ЖКнинг 27—31-моддаларига эътибор қаратиш лозим.

Пора олаётган мансабдор шахс пора берувчи ёки воситачи билан тил бириктиради. Лекин мазкур ҳолат поранинг бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан тил бириктириб олинганлигини билдирмайди. Қонун бу ерда олдиндан тил бириктириб ҳаракат қилган камда икки нафар бажарувчи-пора олувчиларни талаб этади.

Пора олиш икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ҳолларда, уни олинган, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай ҳолларда мансабдор шахслардан ҳатто бири пора олган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Бунда пора олувчининг пора олишда бир гуруҳ мансабдор шахслар иштирок этишини англаганлиги аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

Бирон-бир фуқаро ўзини мансабдор шахс, деб ҳисоблаб, бошқа мансабдор шахс билан олдиндан тил бириктирган икки киши учун пора олган ҳолларда, унинг ҳаракатини пора олишда иштирок этиш сифатида, бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда, ЖКнинг 210-моддаси, 1-қисми ва 28-моддаси билан, мансабдор шахснинг ҳаракатларини эса ЖКнинг 210-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиш лозим. Шундай қилиб, гуруҳ таркибига олдиндан тил бириктирган фақат мансабдор шахс ҳисобланган шахсларгина кириши мумкин.

Тил бириктириш жиноят бошланишига қадар содир этилган ҳолларда олдиндан тил бириктириш ҳисобланади. Бунда мансабдор шахслар аниқ пора берувчига мурожаат этмасдан, шунингдек, мурожаат этгандан кейин ҳам ўзаро тил бириктириши мумкин. Сўнгги ҳолатда тил бириктириш иштирокчиларнинг бири томонидан пора олиш вақти тугагунга қадар содир этилиши тўғрисида у олдиндан содир этилган, деб ҳисобланади.

Пора олувчилар яқдил бўлиб, пора олишни олдиндан келишиб ҳаракат қилган ҳоллар бир гуруҳ мансабдор шахсларнинг олдиндан тил бириктириши ҳисобланади. Бунда гуруҳ таркибига кирувчи мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ўз мазмунига кўра, бир хил бўлиши ёки бир-биридан фарқ қилиши ҳам мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 мартдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди, 1-қисми.

Квалификация қилишда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш белгиси бўлиши учун ҳар бир мансабдор шахснинг пора берувчи манфаатида алоҳида хизмат ҳаракатларини содир этиши талаб этилади. Мазкур шарт пора олувчилар жинсий гуруҳи иштирокчисини пора олишга ёрдам берадиган ёки воситачи ҳисобланган мансабдор шахслардан чегаралаб қўяди.

26. Пора олган мансабдор шахс пора берувчининг манфаатларини тўла қондира олмаслигини тушунган ҳолда поранинг бир қисмини олдиндан тил бириктирмаган бошқа мансабдор шахсга пора берувчининг манфаатларини тўла қондириш учун берган ҳолларда, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича, яъни пора олиш ва бериш бўйича квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

27. Мансабдор шахс билан алоқага киришган пора берувчи унга пора бераётган вақтда масаланинг ҳал бўлиши бошқа мансабдор шахсга боғлиқлигини билиб, поранинг бир қисмини унга беришни сўраган ҳолларда, пора берувчининг ҳаракатлари пора бериш, биринчи мансабдор шахснинг ҳаракатлари пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, иккинчи мансабдор шахснинг ҳаракатлари эса, пора олиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Лекин агар мансабдор шахслар орасида олдиндан тил бириктириш факти мавжуд бўлса, бу ҳақда пора берувчининг хабари бўлмаган тақдирда ҳам, мансабдор шахслар ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми, «г» банди бўйича жавобгарликка тортилади.

28. Пора олишда бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш, деб квалификация қилиш белгиси мавжуд бўлиши учун қуйидаги ҳолатлар йигиндисини бўлиши керак:

- пора олиш ҳақида тил бириктириш икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслар ўртасида содир этилиши лозим;
- мазкур тил бириктириш мансабдор шахслардан бирига пора берилиши вақтидан олдин амалга оширилган бўлиши керак;
- тил бириктиришда иштирок этувчи ҳар бир иштирокчи пора олувчи манфаатларида ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб аниқ ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этиши лозим;
- ҳар бир мансабдор шахс ҳеч бўлмаганда поранинг бир қисмини олган бўлиши лозим.

29. Гуруҳ иштирокчиларининг лоақал бири томонидан пора олинган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 9-банди, 1-қисми.

30. Бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб пора олишида поранинг миқдори олинган қимматликлар ва хизматларнинг умумий қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

31. Тамагирлик йўли билан пора олиш, деб квалификация қилиш оғирлиги, гарчи, пора берувчи билан жиноий гуруҳ иштирокчиларидан бири алоқага киришган бўлса ҳам, пора олишнинг бундай усулидан хабардор бўлган жиноий гуруҳнинг барча иштирокчиларига нисбатан қўлланилади.

32. ЖКнинг 210-моддаси, 3-қисми:

а) жуда кўп миқдорда;

б) масъул мансабдор шахс томонидан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган пора олишнинг махсус квалификация қилинган таркибини назарда тутати.

33. Жуда кўп миқдорда пора олиш ҳаракати ЖКнинг 210-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилинади. Энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган зарар миқдори жуда кўп миқдор, деб ҳисобланади. Жуда кўп миқдордаги ноқонуний мукофотлаш қисмларга бўлиниб олинган ҳолларда, агар мазкур ҳаракатлар битта давом этаётган жиноятнинг эпизодларидан иборат бўлса, қилмиш тегишли равишда кўп ёки жуда кўп миқдорда пора олиш деб квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

34. (Масъул мансабдор шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

35. (Жиноий гуруҳ манфаатларида пора олиш борасида ЖКнинг 29 ва 205-моддалари шарҳига қаранг).

36. Пора олган шахснинг ҳаракатларида ЖКнинг 210-моддаси турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар белгилари мавжуд бўлган ҳолларда (масалан, кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш), қилмиш нисбатан оғирроқ жазони назарда тутадиган қисм билан квалификация қилиниши лозим. Бунда шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарор ва ҳукмда жиноятни квалификация қилишнинг барча белгилари кўрсатилиши лозим.

37. Жиноят иштирокчиликда содир этилган ҳолларда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ўзида акс эттирувчи квалификация қилиш белгилари (тамагирлик йўли билан пора олиш, поранинг миқдори, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб пора олиш), агар бу ҳолатлар иштирокчиларнинг умумий қасди билан камраб олинган бўлса, пора олиш иштирокчиларига ҳам тегишли

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 мартдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 10-банди.



бўлиши лозим. Мансабдор шахснинг шахсига дахлдор бўлган ҳолатлар (такрорийлик, хавфли рецидивист) пора олишнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳеч қандай ҳолатда қўлланилиши мумкин эмас.

Пора олишни уюштирадиган, бунга қизиқтирадиган ёки воситачилик функциясини бажариш билан бир қаторда пора олишга ёрдам берадиган шахснинг ҳаракатлари пора олишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиниши лозим. Бунда мазкур шахс қилмишини квалификация қилиш билан боғлиқ масала унинг мақсади, кимнинг манфаатларида, ким томонида — (пора олувчи ёки пора берувчи) ҳаракат қилганлиги каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим. Бундай ҳолларда ЖКнинг 212-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди<sup>1</sup>.

38. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигининг юқорилигини характерловчи квалификация қилиш белгилари (тамагирлик, поранинг кўп ва жуда кўп миқдорда олиниши, пора олувчининг масъул мансабдор шахслиги) жиноят иштирокчиларига нисбатан уларнинг қасди билан қамраб олинган ҳоллардагина қўлланилади. Шу билан бирга жиноят иштирокчиларининг қилмишини квалификация қилиш чоғида бошқа иштирокчиларнинг шахсини тавсифловчи белгилар (бир неча маротаба пора олганлик ёки берганлик, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик, пора бўйича судланганлиги мавжудлиги) инобатга олинмаслиги лозим<sup>2</sup>.

39. Поранинг предмети ҳисобланган ва ашёвий далил, деб эътироф этилган олинган пуллар ва бошқа қимматликлар Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан давлат даромадига ўтказилади. Пора сифатида берилган пул ёки бошқа қимматликлар аниқланмаган ҳолларда асоссиз олинган мол-мулк суд томонидан давлат даромадига ўтказилади<sup>3</sup>.

## 211-модда. Пора бериш

*Пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 7-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 14-банди.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 17-банди.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жас-  
рима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ  
ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Пора бериш:*

а) такроран, хавfli рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг  
210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган  
шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо-  
ланади.

*Пора бериш:*

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо-  
ланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган  
бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу  
ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб,  
жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, бундай шахс жавобгар-  
ликдан озод этилади.

1. Жиноятнинг объекти ва предмети — пора бериш ва пора  
олиш жинояти таркиби белгилари билан бир хил.

2. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан мансабдор шахс-  
га бевосита ёки воситачи орқали пора беришда ифодаланади.

Пора бериш, мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фой-  
даланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян  
ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатини кўзлаб бажариши  
ёки унинг мулкий манфаатдор этилишида ифодаланади.

Шахс ўзи ўгирлаган мулкни пора тариқасида берса, унинг ҳара-  
катлари пора бериш ва ўғрилик бўйича квалификация қилинади.

3. Агар пора бериш бир неча ҳаракатларда содир этилса, жи-  
ноят пора олувчига поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисми берилган  
пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Конвертга солинган  
пулни мансабдор шахснинг столи ёки кабинетдаги боника жойга  
қўйиш, агар бу пул олинмаган бўлса, пора беришга суиқасд қилиш  
ҳисобланади.

Шунинг учун, жиноят поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисми  
берилган ҳамда мансабдор шахс томонидан олинган бўлса, тугал-  
ланган ҳисобланади, акс ҳолда пора беришга ҳаракат қилган шахс-  
нинг ҳаракатлари пора беришга суиқасд сифатида квалификация

қилиниши лозим<sup>1</sup>. Моддий қимматликларни конвертда почта орқали жўнатиш ва ҳатто мансабдор шахснинг қариндошлари ёки воситачига бериш, агар мансабдор шахс томонидан рад этилса, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

Пора беришга суиқасд учун пора берувчи ва «ёлғон воситачи» жавобгарликка тортилади. «Ёлғон воситачи», яъни порани мансабдор шахсга бераман, деб алдаш йўли билан уни ўзлаштирган шахс фирибгарлик учун жавобгарликка тортилади. Пора берган шахснинг ҳаракатлари пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилинади. Бу ерда пора берилиши керак бўлган аниқ мансабдор шахс айтилган ёки айтилмаганининг аҳамияти йўқ<sup>2</sup>.

4. Агар пора берувчи шахс мансабдор шахсни хизмат бўйича ноқонуний ҳаракатларни содир этишга жалб қилса, унинг ҳаракати, нафақат пора бериш, балки мансабдор шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш билан ҳам квалификация қилинади.

5. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Пора берувчи мансабдор шахсга пора предметини мукофот сифатида, ўзининг мансаб мавқеидан келиб чиқиб, унинг манфаати йўлида бирон-бир ҳаракатни содир этиши ёки этмаслиги учун берилётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Пора беришнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

6. Мотив ҳар хил бўлиши мумкин: гаразли ниятда, жавобгарликдан озод бўлиш мақсадида, пора берувчининг манфаатини кўзлайдиган мансабдор шахс қарорини рағбатлантириш ва бошқалар. Пора, шунингдек, пора берувчи раҳбарлик қилаётган ёки меҳнат қилаётган корхона, ташкилот томонидан берилиши мумкин.

7. Жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

Пора бериш орқали ҳаракат ёки ҳаракатсизликка эришиш учун бошқа шахсга пора таклиф этган шахс, пора берувчи сифатида жавобгарликка тортилади. Пора эвазига маълум ҳаракатларни бажаришга келишган шахс ва порани топширган шахс пора беришда иштирокчилар сифатида жавобгарликка тортилади.

Агар шахс таклиф мазмунини билиб, порани фақат топширса, унинг ҳаракатлари пора беришда воситачи сифатида квалификация қилинади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 5-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 6-банди.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

8. ЖКнинг 211-моддаси, 2-қисмида:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда содир этилгани учун жавобгарлик назарда тутилган.

9. Пора беришни такрорийлик белгиси бўйича квалификация қилиш учун қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган вақт мобайнида, ушбу жиноят камида икки марта содир этилиши лозим.

Такроран пора бериш камида икки марта, бир мансабдор шахсга турли вақтларда ёки бир неча мансабдор шахсларга турли вақтда амалга оширилиши мумкин. Олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ мансабдор шахсга пора бериш такроран пора бериш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Исталган натижага эришишни таъминловчи аниқ ҳаракатнинг бажарилиши учун бир неча ҳаракатлар билан пора бериш, такроран жиноят содир этиш сифатида квалификация қилинмайди.

10. Пора беришни жиноят сифатида квалификация қилишнинг алоҳида белгилари:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилиши ҳисобланиб, шарҳланаётган модданинг 3-қисмида назарда тutilади (ушбу квалификация қилиш белгилари ЖКнинг 210-моддаси шарҳида тушунтириб берилган).

11. ЖКнинг 211-моддаси, 4-қисмида пора берувчини жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг икки асоси берилган:

а) шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса;

б) бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, ушбу ҳолатлардан бири аниқланса, дастлабки тергов органи, прокурор ёки суд пора берувчини жавобгарликдан озод этиши шарт. Пора берувчи ушбу ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда бири мавжуд бўлганда, жавобгарликдан озод этилади.

*Ихтиёрий хабар бериш* — бу пора берувчининг пора берганлиги ҳақидаги ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қилган ҳар қандай шаклдаги арзи. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган жиноят ҳақида хабар топмаган бўлиши керак. Ихтиёрий хабар бериш мотиви ва пора бергандан кейин ўтган вақт аҳамиятга эга эмас. Пора берганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиш

– милиция, прокуратура, судга оғзаки ёки ёзма арз қилишни назарда тутати. Пора берувчи томонидан арз қилиниши, бу ҳақда ҳокимият органларига маълум бўлмаса, ихтиёрий, деб топилади.

Қонуннинг мазмунига кўра, жиноят ҳақида ихтиёрий арз қилган пора бериш иштирокчилари ҳам ЖКнинг 211-моддаси, 4-қисмига асосан жавобгарликдан озод этилади. Агар хабар бериш иштирокчилар билан келишув асосида уларнинг барчаси номидан қилинмаган бўлса, арз берган пора берувчидан ташқари бошқа иштирокчилар (ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчилар) жавобгарликдан озод этилмайди.

Товламачилик мотивлари билан пора сўралганлиги ёки пора берилганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиш асосида пора берувчининг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши, бу шахсларнинг ҳаракатида жиноят таркибининг йўқлигини англатмайди. Шунинг учун улар жабрланувчилар сифатида эътироф этилмайди ва пора берган қимматликларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Пора берганлиги ҳақида ихтиёрий арз қилиш айна вақтда мансабдор шахс томонидан пора олинганлиги ҳақида арз қилиш ҳисобланганлиги боис, судлар ЖКнинг 237-моддасида назарда тутилган ёлгон хабар берганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкинлиги арз қилувчига тушунтирилган ёки тушунтирилмаганлигини аниқлаши керак. Агар ёлгон хабар берган бўлса, суд арз қилувчини (хабар берувчини) жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриши керак<sup>1</sup>.

### **212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш**

*Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 210, 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 6-банди.

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора ошганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилган бўлса уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Пора олиш-беришда воситачилик қилиш:*

а) ҳақ эвазига;

б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш билан;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;

г) масбул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

1. «Воситачилик» сўзи томонлар ўртасида келишувга эришиш, алоқа ўрнатишга кўмаклашиш маъносида ишлатилади. Ўз-ўзидан воситачи бу томонлар ўртасидаги воситачилик фаолиятини амалга оширадиган шахсдир<sup>1</sup>.

Пора олувчи ва берувчидан фарқли равишда, воситачи моддий қимматликлар ва бошқалар эвазига ўз манфаатлари йўлида мансабдор шахс билан бир ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик учун ҳаракат қилмайди, балки фақатгина пора олувчи кўрсатмаси билан пора предметини бевосита беради. Бунда воситачи ҳаракатларини 212-модда билан квалификация қилишда, воситачилик учун пора берувчи ёки олувчидан рағбатлантириш олган ёки олмаганининг аҳамияти йўқ. Шу билан бирга, пора олиш-беришни ташкил этувчи шахс, далолатчилик ёки ёрдамчилик қилиб, бир вақтнинг ўзида воситачилик қилса, пора берган ёки олганликда иштирокчилик қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Бундай иштирокчи ҳаракатларини квалификация қилиш тўғрисидаги масала, унинг қасди йўналиши, кимнинг манфаатини кўзлаганлиги, кимнинг — пора олувчининг ёки пора берувчининг ташаббуси билан ҳаракат қилишини назарда тутиб ҳал этилади. Бу ҳолатда ЖКнинг 212-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 7-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 майдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 7-банди.

2. Жиноят объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолият юритишининг белгиланган тартибига тажовуз қилиш объектига мос келади (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

3. Жиноятнинг объектив томони манфаатдор шахснинг пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган топшириғига биноан бевосита порани беришда ифодаланади.

Шундай қилиб, воситачилик икки шаклда намоён бўлади:

- пора олиш-бериш тўғрисидаги келишувга эришиш;
- пора предметини бевосита бериш.

4. Пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришиш деганда, воситачининг пора бериши ёки унинг мансабдор шахс томонидан олинишига хизмат қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракати тушунилади.

5. Пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг бошқа шакли манфаатдор шахс топшириғи билан пора предметини бевосита беришда ифодаланади.

6. Корхона, муассаса, ташкилот ёки уларнинг бўлимлари раҳбар кўрсатмаси билан била туриб унга хизмат жиҳатидан бўйсунган шахснинг воситачилик қилиши ЖКнинг 212-моддаси билан квалификация қилиш учун асосдир.

7. Воситачилик пора предметининг ҳеч бўлмаганда бир қисми пора олувчи томонидан олинган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади. Тахмин қилинаётган пора олинмаса, воситачининг ҳаракатлари пора олиш-беришда воситачилик қилишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

8. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унинг ҳаракатлари пора олиш-бериш ҳақидаги келишувга эришиш ҳамда пора олувчи ва берувчининг топшириғи билан пора беришга йўналтирилганлигини билади ҳамда буни хоҳлайди.

9. Жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

10. ЖКнинг 212-моддаси, 2-қисмида воситачилик:

а) такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида;

в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. Пора олиш-беришда такроран воситачилик қилиш (ЖКнинг 212-моддаси, 2-қисми, «а» банди) деганда, шахс томонидан камида икки марта ушбу жиноятни содир этиб, уларнинг бирортаси

учун ҳам жавобгарликка тортилмаганлик ва жинойий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаганлиги назарда тутилади.

Бир неча ҳаракатлар билан порани беришда воситачилик қилиш такроран воситачиликка кирмайди.

Бир вақтнинг ўзида икки пора берувчи шахснинг манфаатини кўзлаб, уларнинг ҳар бири учун ҳаракат бажариш мақсадида бир мансабдор шахсга пора беришда воситачилик қилиш, такроран воситачилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

12. ЖКнинг 212-моддаси, 2-қисми такроран, хавфли рецедивист томонидан ёки илгари ЖКнинг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан («а» банди) ҳамда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида («б» банди) содир этилган воситачилик учун жавобгарликни назарда тутди. Мазкур квалификация белгилари ўз мазмунига кўра, пора олиш ёки пора беришдаги шундай белгилар билан мос тушади (ЖКнинг 210, 211-моддалари шарҳига қаранг).

13. Бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда пора олиш-беришда воситачилик қилиш ЖКнинг 212-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, пора олаётганлиги воситачига аён эканлиги деганда, айбдор пора берувчининг топшириғи билан пора предметини айнан олдиндан тил бириктирган мансабдор шахслар гуруҳига бераётганлигини билади. Ушбу ҳолат бўлмаса, қилмиш шарҳланаётган модданинг ушбу банди билан квалификация қилинмайди.

14. ЖКнинг 212-моддаси, 3-қисмида пора олиш-беришда воситачилик қилиш:

- а) ҳақ эвазига;
- б) жуда кўп миқдорда пора олиш ёки беришда;
- в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
- г) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

15. Хизмати эвазига ҳақ олиш тарзидаги жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланувчи ғаразли манфаат мавжудлиги, қилмишни ЖКнинг 212-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилишни тақозо этади. Бунда ҳақ воситачилик ҳаракатлари амалга оширилишидан олдин ёки кейин олинганлиги аҳамиятга эга эмас. Олинган ҳақ суммаси квалификацияга таъсир этмайди.

16. Жуда кўп миқдорда пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан кўп



бўлган миқдорда воситачилик қилиш ЖКнинг 212-моддаси, 3-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади (Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

17. Уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб пора олиш-беришда воситачилик қилинганда, айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 212-моддаси, 3-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинади. Бунда воситачи унинг ҳаракати уюшган гуруҳ манфаатлари йўлида пора олиш-беришга келишувга эришишга қаратилганини ва бевосита уюшган гуруҳ топшириғи билан пора бераётганлигини биледи (ЖКнинг 29 ва 205-моддалари шарҳига қаранг).

18. Воситачиликнинг масъул мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши деганда, воситачилик ҳаракатининг мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ва мансаб ваколатидан фойдаланиб амалга оширилиши тушунилади (масъул мансабдор шахс тушунчаси ва белгилари ҳақида ЖКнинг 205-моддаси шарҳи ва Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

19. ЖКнинг 212-моддаси, 4-қисмида пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод этиш шартлари кўрсатилган. Пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиний ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Бу шартлар пора бериш (ЖКнинг 211-моддаси) ҳақида ихтиёрий арз қилганлик учун жиний жавобгарликдан озод этиш шартлари билан бир хилдир.

### **213-модда. Хизматчини пора эвазига оғдириш**

*Хизматчини пора эвазига оғдириш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазоима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини*

чи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 210—212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган модда жиноят субъекти ва муҳофаза қилиналган кадриятлар доираси бўйича янги ҳисобланади. У пора олиш ва бериш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларга ўхшаш. Бироқ қонун чиқарувчи хизматчини ҳақ эвазига оғдириш ва порахўрлик ўртасидаги яққол фарқни белгилаб берди. Бу фарқлар: пора олувчи оммавий ҳуқуқ субъекти сифатида намоён бўлиб, давлат номидан иш кўради. Оғдириб олиш амалга ошириладиган субъект — хизматчи эса, давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот ёки муассасанинг, жамоат бирлашмаси, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахси бўлмаган субъектдир. Бошқача айтганда, хизматчи ташкилий-фармойишли ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга эмас.

Шарҳланаётган модданинг мақсади давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолият тартиби, шунингдек, фуқаролар, юридик шахслар, давлат манфаатларининг жиноят-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдир.

Шарҳланаётган модда иккита мустақил жиноят таркибига эга. Биринчи қисмида хизматчини ҳақ эвазига оғдирганлик учун жавобгарлик, иккинчи қисмида хизматчи томонидан қонунга хилоф эканлигини била туриб моддий ҳақ олиниши ёки мулкий манфаатдор бўлиниши учун жавобгарлик назарда тутилган.

2. Жиноят объекти — бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирланма-

лари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда нормал фаолият юритиши, шунингдек, фуқаролар манфаатларидир.

3. Жиноят предмети порахўрлик жинояти предмети билан бир хил. Предмет сифатида моддий қимматликлар (пул, хорижий валюта, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо буюмлар, саноат маҳсулотлари) шунингдек, хизматчига текинга ёки қўйи нархларда кўрсатиладиган турли хилдаги хизматлар бўлиши мумкин. Улар жумласига санаторийга йўлланма ёки туристик йўлланмаларни тақдим этиш, таъмирлаш ёки қурилиш ишларини амалга ошириш ва бошқалар киради.

4. ЖКнинг 213-моддаси, 1-қисми объектив томондан хизматчини пора эвазига оғдириш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисига ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда ифодаланади. Мазмунан ЖКнинг 213-моддаси, 1-қисмидаги ҳаракатлар ЖКнинг 212-моддаси (пора бериш)даги ҳаракатларга мос тушади, улар ўртасида ягона фарқ шундан иборатки, бу ерда ҳақ мансабдор шахсга эмас, балки хизматчига (уни ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатини кўзлаб) берилади.

5. Моддий ҳақ бериш ёки мулкий манфаатдор этиш деганда, хизматчига уни ўзига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб хизмат вазифасига кирадиган ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслиги учун унга мулкий характердаги қимматликлар ёки қонуний мулкий баҳода бериладиган фойдани бериш тушунилади.

Шахс манфаатини кўзлаб, хизматчини пора эвазига оғдириш ҳаракатлари:

- ушбу ҳаракатлар ҳақ эвазига оғдирувчи, шунингдек, унинг топшириғи билан бошқа шахсларга фойда, имтиёзлар келтирса, уларнинг эҳтиёжларини қондирса;
- ҳақ эвазига оғдириладиган шахс фаолият олиб бораётган хизмат манфаатларига зид келса, жиноят ҳисобланади.

Ушбу қилмишни жиноий жазоланадиган, деб топишнинг мажбурий шарти моддий ҳақ ёки мулкий фойдани анча миқдорда беришдир (анча миқдор тушунчаси ҳақида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

6. Қонунга хилоф эканлигини била туриб ҳақ бериш деганда, ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки таъсис ҳужжатлари билан тақиқланганлиги, шунингдек, қонунга мувофиқ хизматчининг фаолият хусусиятидан келиб чиқмаслиги гушунилади.

7. Хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик ҳуқуқий ва фактик имкониятлардан фойдаланишда ифодаланиб, хизматчи ваколатига кирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шунингдек, хизмат обрўи, информация олишга ушбу шахснинг ҳуқуқига асосланган, лекин ваколатига кирмайдиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни ўз ичига олади. Ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ўз хусусияти бўйича ғайриқонуний бўлиши ёки хизматчи ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса ва органлар қонуний манфаатига зид бўлиши лозим.

Ҳақ эвазига оғдириш шакли ва усули аҳамиятга эга эмас. Хизматчи ғайриқонуний моддий ҳақни ёки мулкий манфаатдорликни шахсан ўзи ёки воситачи орқали олиши мумкин.

8. Қонун муайян ҳаракатларни бажаришдан олдин ҳақ эвазига оғдириш билан муайян ҳаракатларни бажаришдан кейин ҳақ эвазига оғдириш ўртасидаги фарқни белгиламаган, шунинг учун улар икки ҳолатда ҳам жиноий қилмиш ҳисобланади.

9. Хизматчи уни пора эвазига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб жиноий ҳаракатларни содир этса, унинг ҳаракатини жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак (масалан, хизматчи ҳақ эвазига ҳужжатларни сохталаштирса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 213-моддаси, 1-қисми ва 228-моддаси — ҳужжат, муҳр, штамп, бланкаларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш, фойдаланиш бўйича квалификация қилинади). Агар хизматчи анча миқдордан кам миқдорда ҳақ (пора) олса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 213-моддаси бўйича квалификация қилинмайди.

10. 213-модданинг, 2-қисми объектив томони давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, анча миқдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкий манфаатдор бўлишида ифодаланади.

ЖКнинг 213-моддаси, 2-қисмида белгиланган жиноят белгилари мазмунан пора олиш жинояти белгиларидан фарқ қилмай-

ди, фақат пора эвазига оғдиришда ҳақни мансабдор шахс эмас, балки хизматчи олади. Жиноятни квалификация қилиш учун хизматчи гайриқонуний ҳақни қачон олганлигининг, яъни уни ўзига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб бажарилган ҳаракатлардан олдинми, кейинми — бунинг аҳамияти йўқ.

11. Ҳақ (пора) эвазига оғдириш жинояти поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисми хизматчига нафақат берилган, балки у томондан олинган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун хизматчига моддий қимматликларни ёки мулкӣй фойдани таклиф қилиш, почта орқали хат ёки посылка юбориш ва ҳатто воситачи ёки хизматчининг қариндошларига бериш, агар хизматчи томонидан пора олинмаган бўлса, хизматчини ҳақ эвазига оғдиришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

12. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Айбдор ноқонуний тарзда хизматчига моддий бойликлар бераётганлиги ёки мулкӣй манфаат келтираётганлигини биледи ва шуни хоҳлайди. Хизматчи томонидан пора олишда эса, хизматчи моддий бойлик ва бошқа мулкӣй манфаатлар унга пора эвазига оғдираётган шахс манфаатини кўзлаб бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки бажаришдан сақланиш учун берилаётганини тушунади ва шуни хоҳлайди.

Ҳақ олаётган шахснинг мотиви ғаразлидир. Моддий бойлик ва бошқа мулкӣй манфаат бераётган шахснинг мотиви эса, турлича бўлиши мумкин. Булар, ғаразли ният, қонунни четлаб ўтиш, жавобгарликдан озод бўлиш, хизматчи кўрсатган хизмат учун ташаккур билдириш, айбдор манфаатларини қондириш ва ҳоказо. Пора эвазига оғдириш айбдор шахс (ҳақ эвазига оғдирувчи) меҳнат қилаётган корхона, ташкилот, муассаса манфаати йўлида ҳам амалга оширилиши мумкин.

13. ЖКнинг 213-моддаси, 1-қисми субъекти ўн олти ёшга тўлган, ўз манфаати ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган, ҳар қандай ақли расо шахсдир.

14. ЖКнинг 213-моддаси, 2-қисми субъекти ўн олти ёшга тўлган давлат органи, жамоат бирлашмаси, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса, ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси бўлмаган хизматчидир.

Хизматчиларга мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган барча ходимларни киритиш мумкин. Яъни, ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик функциясига эга бўлмаган шахслар субъект бўлиши мумкин (ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

Меҳнат кодексининг 14, 77-моддаларига мувофиқ, хизматчи (ходим) — ўн олти ёшга тўлган ва тегишли орган, муассаса, танкилот, корхона билан меҳнат шартномасини тузган шахсдир.

15. Хизматчи томонидан ғайриқонуний равишда моддий қимматликлар ёки мулкый фойда олиниши ёки уни пора эвазига оғдириш:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 210—212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, ЖКнинг 213-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

Такроран жиноят содир этиш шартлари:

- мазкур жиноятнинг камида икки марта содир этилиши;
- содир этилган жиноятларнинг биронтаси учун ҳам айбдор шахс жавобгарликка тортилмаганлиги (шу жумладан шахсни жинорий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлиши керак).

16. Хавфли рецидивист томонидан жиноятнинг содир этилиши ЖКнинг 213-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади. Бунда шахс олдин ҳам ЖКнинг 213-моддаси 1 ёки 2 ёхуд 3-қисми бўйича жавобгарликка тортилган бўлиб, ушбу жиноятни яна содир этади (ЖКнинг 209-моддаси шарҳига қаранг).

17. ЖКнинг 213-моддаси, 3-қисми, «а» бандида судланганлигидан қатъий назар, илгари ЖКнинг 210—212-моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан ушбу ҳаракатларни содир этганликни квалификация қилиш белгиси назарда тутилган. Шахс ушбу жиноятларда бажарувчи ёки иштирокчи сифатида қатнашган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 213-моддаси, 3-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади.

18. Пора эвазига оғдириш ва ҳақни олиш кўп миқдорда амалга оширилса, ЖКнинг 213-моддаси, 3-қисми, «б» банди билан квалификация қилинади. Кўп миқдор Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимида белгиланган бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача бўлган миқдордир.

19. Уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб пора эвазига оғдириш 213-модданинг 3-қисми, «в» банди бўйича жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади (уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

## **214-модда. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш**

*Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, яъни давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкий йўсиндаги манфаатни талаб қилиши, шунингдек, шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдориди жазолади ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Ҷазо қилиниши:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) кўп миқдорда содир этилган бўлса*

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. **Жиноят объекти** — давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг нормал фаолияти, нуфузи, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари.

Жиноят предмети моддий қимматликлар ёки мулкий йўсиндаги манфаат бўлиши мумкин.

2. **Жиноят объектив томондан:**

- биринчидан, давлат органининг, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахс бўлмаган хизматчисининг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажариши ёки хизмат кўрсатиши эвазига ҳақ беришни ёки мулкий йўсиндаги манфаатни талаб қилиши;

- иккинчидан, шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш орқали содир этилади.

Жиноятнинг объектив томони қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- актив ҳаракат шакли, яъни ҳақ ёки мулкий йўсиндаги манфаатни талаб қилишни ҳамда пассив ҳаракат шакли — ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйишни;

- ушбу талабнинг ғайриқонунийлигини.

Қонун товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилганлик учун жиноий жавобгарликни бирон-бир оқибат юзага келиши билан боғламайди. Хизматчини жавобгарликка тортиш учун ЖКнинг 214-моддасининг диспозициясидаги ҳаракатлар содир этилишининг ўзи етарлидир.

3. *Товламачилик* — бу хизматчининг моддий ҳақ ёки мулкий нўсиндаги манфаатдорлик олишга қаратилган ҳаракати бўлиб, унинг у ёки бу ҳаракат содир этиш борасидаги мажбурияти ва хизмат вазифаси билан боғлиқ. Лекин хизматчи уларни қасддан содир этмайди, балки ҳаракат бажарилишини пайсалга солади ёки бошқа усулда шахсни қасддан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўяди.

Қонун товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилишнинг икки ҳолатини таъкидлайди.

*Биринчи ҳолатда*, хизматчи иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун очикдан-очик ҳақ беришни талаб қилади (бунда хизматчи белгиланган тартиб ва ҳуқуқий нормаларни бузмаган ҳолда уларни бажариши мажбурий);

*Иккинчи ҳолатда*, хизматчи тўғридан-тўғри ҳақ талаб қилмайди. Лекин ҳақ олиш мақсадида у ёки бу иш (хизматни) бажаришни қасддан пайсалга солади (хизматчи бу ишни хизмат вазифаси юзасидан бажаришга мажбур бўлса ҳам) ва шу орқали ҳақ берувчи шахсни ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилиши, шунингдек, кутилаётган зарар етказилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўяди.

4. Ҳақ (манфаат) беришни талаб қилиш деганда, хизматчининг ўз хизмат мажбуриятлари доирасига кирадиган маълум иш ёки хизматни бажариш эвазига моддий бойлик, пул, даромад, мулкӣй фойда беришни очикдан-очик талаб қилишни тушунилади. Ноқонуний ҳақ талаб қилиш шунда кўринадики, хизматчи бажарган иш ёки кўрсатган хизмати учун иш берувчидан аниқ белгиланган ҳақ олади ва айти маҳалда манфаатдор шахсдан мукофот (музд) талаб қилади, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиш орқали содир этилади. Масалан, бозор маъмурияти ишчиларининг (мансабдор шахс бўлмаган) хўжалик юритувчи субъектдан белгиланган бир марталик ва бошқа йиғимлар миқдоридан кўн миқдорда пул беришни талаб қилиши<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 8-банди, 3-қисми.



5. Фуқарони қасддан ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйиш деганда, хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳолатда ҳаракатсизлик қилиши, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан асоссиз бош тортиши, иш (хизмат) бажаришни пайсалга солиши тушунилади. Бу шаклга, шунингдек, белгиланган муддатда ва тегишли сифатли иш бажарилиши ёки хизмат кўрсатилишига тўсқинлик қилишга йўналтирилган ҳаракатлар киради. Хизматчи вақт йўқлиги, қўшимча ҳаракатсиз ишни бажариши мумкин эмаслиги, қўшимча қисм ва механизмларнинг етишмаслигини баҳона қилиб иш бажариш, хизмат кўрсатишдан асоссиз бош тортиши ёки пайсалга солиши мумкин.

Шахсни фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қасддан бузилишининг олдини олиш учун ҳақ беришга мажбур этадиган аҳволга солиб қўйишни квалификация қилишда субъектив томон ва хизматчининг бундай пассив ҳаракатларини амалга ошириш мақсадини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда, хизматчининг ҳеч қандай мулкӣ манфаатсиз иш (хизмат) бажаришни пайсалга солиш борасидаги пассив ҳаракатини хизмат вазифаларига виждонсизларча муносабатда бўлиш бўйича квалификация қилиш лозим бўлади.

6. Объектив томоннинг зарурий белгиси ғайриқонуний равишда товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишдир.

Ғайриқонуний ҳақ бериш деганда, белгиланган нарх, тарифларга қўшимча равишда маълум миқдордаги маблағни ёки текинга бажарилиши лозим бўлган хизмат учун тўланган ҳақни тушуниш лозим.

Ҳақ беришнинг қонунга хилофлиги:

- *биринчидан*, норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларда белгиланган муайян ишлар (хизматлар)ни бажариш мажбуриятидан;

- *иккинчидан*, бу мажбурият хизмат мажбурияти доирасига кириб, хизматчи белгиланган ҳақни иш берувчидан олади, шу билан бирга моддий ҳақ ёки мулкӣ йўсиндаги манфаат талаб қилиш норматив ҳуқуқӣ ҳужжатлар, таъсис ва бошқа ҳужжатлар чегарасидан ташқари бўлиб, хизматчининг мақсади ғайриқонуний бойиш ва қонунга хилоф равишда мулкӣ йўсиндаги манфаатлар олишдан келиб чиқади (қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 213-моддаси шарҳига қаранг).

7. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш жиноятни тўғри квалификация қилиш учун берилаётган ҳақнинг бевожуб хизмат вазифаси билан боғлиқлиги, яъни ҳақ берилиши талаб қилинаётган иш (хизмат) хизматчининг хизмат вазифасига кириши керак. Бу шуни англатадики, хизматчи тўғридан-тўғри

унинг хизмат мажбуриятларига кирадиган ишларни бажаради ва хизматларни кўрсатади. Акс ҳолда, хизматчининг хизмат вазифасига кирмайдиган ишнинг бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

8. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш жинояти у ёки бу мулк кўринишидаги товламачилик предметининг олинishi билан ёки ҳақ ё унинг бир қисмини олаётган шахс, унинг оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишда мулкый характердаги хизматлардан фойдаланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Агар товламачилик қилаётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, ҳақни олиш амалга ошмаган бўлса, агар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 214-моддаси, 1-қисми бўйича товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилинади.

9. Фуқаро бирор шахсга унинг хизмат вазифаси доирасига кирадиган муайян ишни бажарганлиги учун ўз хоҳиши билан қўшимча ҳақ тўлаган ҳолларда, ҳақ олган шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Масалан, яхши хизмат кўрсатгани учун шифокорга бериладиган миннатдорчилик ва ҳоказо. Жиноий жавобгарликнинг юзага келиши учун қонунга хилоф равишда талаб қилинган ҳақнинг қачон олинганлиги, яъни ҳақ талаб қилаётган шахснинг маълум ҳаракатни бажаришдан олдин ёки кейин ҳақ олиши аҳамиятга эга эмас.

10. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилаётганлигини англайди, ўзининг ҳаракати фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишини билади (тушунади) ва шунинг хоҳайди.

11. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, давлат органи, мулк шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарини органларида ишлаётган шахс бўлиши мумкин.

12. ЖКнинг 214-моддаси, 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда ҳақ беришни талаб қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

13. Муайян иш бажарганлик ёки хизмат кўрсатганлик учун қонунга хилоф равишда ҳақ талаб қилишни такроран содир этиш деганда, ушбу модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни камида икки марта содир этиб, олдин содир этган жинояти учун шахс:

- жинойй жавобгарликдан озод этилмаганлиги;
- жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетмаганлиги тушунилади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан уларнинг ҳар бири учун иш бажариш, хизмат кўрсатиш орқали ҳақ бериш талаб қилинса, ЖКнинг 214-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш даркор (такроран жиноят содир қилиш). Аксинча, бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан ягона ишни бажариш, хизмат кўрсатиш учун қонунга хилоф равишда ҳақ бериш талаб қилинса, такроран жиноят содир этиш ҳисобланмайди. Агар жиноят давомий характерга эга бўлса, яъни бир ишни (хизматни) бажарганлик учун бир неча ҳаракатлар билан, қисмларга бўлиб ҳақ олинса, такроран жиноят ҳисобланмайди (хавфли рецидивга оид масалалар тўғрисида ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

14. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилишни кўп миқдорда содир этиш деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги ҳақни талаб қилиш тушунилади.

### **215-модда. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш**

*Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга (Конституциянинг 5-моддаси). Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроғи, герби ва мадҳияси Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари ҳисобланади.

Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи масалалар, давлат рамзлари ва уларнинг намуналарининг мувофиқлигини назорат қилишни амалга ошириш масалалари ва бошқа масалалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни ва 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Давлат байроғи, герби, мадҳияси республиканинг суверен, мустақил давлат эканлиги тимсоли ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби давлатнинг суверен республика рамзини ифодалайди. Қонунга мувофиқ, Давлат герби давлатнинг расмий эмблемаси ҳисобланади ва қуйидаги нарда акс этади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биноси устида ва бошқаларда; давлат органлари муҳрларида, бланкаларида, пул белгилари, қимматли қоғозлар, Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспорти, расмий ҳужжатлар ва бошқаларда.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга; тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар — кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви — олтин рангида; гўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангида; чаноқлардаги пахта — оқ рангида; лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангида; яримой ва юлдузлар — олтин рангида тасвирланган<sup>1</sup>.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўرғазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб тонган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил, ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг настки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади<sup>1</sup>.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қуйидаги ҳолларда кўтарилади:

- доимий суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, судлар, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг биноларида;

- халқ депутатлари кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларда — бутун сессия давомида;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, турар жой биноларида;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари кенгашларининг депутатлари сай-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни, 4-модда.

юви ёки референдуми кунларида — овоз бериш ўтказилаётган охинолар ва хоналарда;

- Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

- чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси дипломатия консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

- республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

- спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокидаги халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

5. Давлат мадҳияси давлат ва унинг суверенитетининг расмий тимсоли ҳисобланади.

Барча давлат аҳамиятига молик бўлган тадбирлар жойлардаги ҳокимият органлари томонидан байроқни кўтариш ва мадҳия сالدолари остида очиқ ва ёпиқ, деб эълон қилинади. Давлат мадҳияси бўлмиш қўшиқ матни ва мусиқий композицияси давлат рамзи ҳисобланиб, барча расмий тадбирлар очилишида давлат номидан янграйди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонун билан тасдиқланган мадҳиянинг матни ва мусиқий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни муаллифи А. Орипов, мадҳия мусиқасини М. Бурҳонов басталаган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни, 6-модда.

## 6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

- Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

- Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида республика телевидениеси орқали — дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

- республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

- давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

- расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида — тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар<sup>1</sup>.

7. Жиноят объекти — республика шаъни ва обрўи, шунингдек, суверен давлатнинг рамзларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар. Давлат герби, байроғи ва мадҳияси давлат ҳокимият ва бошқарув органлари нормал фаолият юритиши тартибининг ажралмас қисмидир. Бу рамзлар ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқи бўлиб, ҳуқуқий муносабатлар субъектининг мустақиллиги белгиси сифатида ҳурмат қилинишини талаб этади.

8. Жиноят объектив томондан айбдорнинг давлат рамзларига ҳурматсизлик қилишда ифодаланадиган фаол ҳаракатлари билан содир этилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни, 7-модда.

Ҳурматсизлик қилиш қонунга хилоф, ижтимоий хавфли ҳаракатда ифодаланиб, масалан, байроқ ёки гербни йиртиш, йўқ қилиш, шикаст етказиш, шунингдек, уларни булғовчи белги, расмлар ёки ёзувлар киритиш, мадҳияни ижро этишда мусиқа ва суларни қасддан бузиб айтиш ва ҳоказолар билан содир этилади. Бундай ҳаракатлар ошкора ёки яширин тарзда содир этилиши мумкин.

9. Айбдор шахсни жавобгарликка тортиш учун бирон-бир оқибат юзага келиши шарт эмас.

Агар давлат мулкани йўқотиш ёки зарар етказишда ифодаланидиган муайян оқибатлар юзага келса, бу қилмишни квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим. Давлат герби ёки Давлат байроғини йўқ қилиш ёки шикаст етказиш давлат мулкига зарар етказган ҳолда содир этилса, ЖКнинг 173-моддаси, 1-қисми бўйича, агар кўпчилик учун хавфли усулда ёки кўп миқдорда зарар етказилиб содир этилса, ЖКнинг 173-моддаси, 2-қисми бўйича қўшимча квалификация қилиниши керак.

Жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларини бузиб, баданга шикаст етказиш ёки ўзгалар мулкига зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш, оммавий жойларда давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 215-моддаси ва 277-моддаси (безорилик) бўйича квалификация қилинади.

10. Ҳурматсизлик содир этилган вақтдан бошлаб, яъни давлат рамзларининг моҳияти ва аҳамиятини бузиб талқин этиш, ноқонуний мақсадларда улардан фойдаланиш ва бошқа шу каби бирон-бир ҳаракатларни амалга оширган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган, деб эътироф этилади. Жиноятни тугалланган, деб топиш учун бирон-бир жиноий оқибатнинг юзага келиши талаб қилинмайди.

11. Субъектив томондан давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жинояти айбнинг тўғри қасд шакли билан содир этилади. Жиноят мотивлари турли хил бўлиши мумкин, лекин улар айбдорнинг жавобгарлигига таъсир қилмайди.

12. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган шахс бўлиши мумкин. ЖКнинг 215-моддаси бўйича, нафақат, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар фақатгина кўпчилик учун хавфли усулда ёки кўп миқдорда зарар етказиб, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун ЖКнинг 173-моддаси, 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.



## **216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш**

*Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», дейилади.

Конституциянинг 34-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас», деб таъкидланади.

2. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолияти ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ҳамда 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

3. «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади», дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни 1-моддасига мувофиқ, «Ўз ҳуқуқлари, эркинлик-

ларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида шужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир».

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ностронлар ташкилотлари, илмий техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари, деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаларининг турлари, улар фаолиятининг тартиби ва шартлари, аъзолик, таъсис ҳамда фаолият ва ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бошқа масалалар ечими ушбу қонун билан тартибга солинади.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар, деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тулган ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Диний ташкилотлар фаолияти, тартиб-шартларини, ҳужжатларни мувофиқлаштириш, рўйхатга олиш шарт-шароитлари ва бошқа масалалар ушбу қонунга мувофиқ ҳал этилади.

5. «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади», деб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири).

таъкидланади. Ушбу моддага кўра, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

6. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституциявий тузумни гайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга бўлган партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа тузилмавий бўлинмалар ташкил этиш тақиқланади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ман этилади.

7. Шарҳланаётган модданинг объекти жамоат бирлашмаларини тузиш ёки фаолиятнинг белгиланган тартиби, шунингдек, жамиятнинг ахлоқий негизлари, жамият хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари ҳисобланади.

8. Объектив томон қуйидагиларни ўз ичига олади:

- гайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга ҳилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;
- уларнинг фаолиятида фаол қатнашиш.

Айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун объектив томон ҳаракатларининг бири содир этилганлиги зарур бўлади.

Тақиқланган жамоат бирлашмасини ёки диний ташкилотни тузиш деганда, тақиқланган жамоат бирлашмасини ёки диний ташкилотни ташкил этиш мақсадида содир этилган ҳар қандай хатти-ҳаракатни тушуниш керак. Масалан, фаолияти тақиқланган бирлашмаларга одамларни жалб қилиш, уларнинг низом ва дастурларини ишлаб чиқиш, бундай бирлашмалар учун жой излаб топиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Қилмишни квалификация қилиш учун жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни тузиш гайриқонуний, яъни рўйхатга олиш тартибини бузиш, бутун фаолияти ҳуқуққа қарши, зид бўлган ҳаракатлар бўлиши зарур.

Қонунчиликка мувофиқ, жамоат ёки диний ташкилотлар гу-  
нни учун қуйидагилар талаб қилинади:

- биринчидан, жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар) ҳаракатлари ва тузиш мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Конституцияси ва қонунларига, шу билан бирга Ўзбекистон  
Республикасининг бошқа норматив актлари ва республика  
қўшилган халқаро конвенциялар ва келишувларга қарши руҳда  
бўлмаслиги керак;

- иккинчидан, адлия муассасаларида рўйхатдан ўтиш каби та-  
лабларга оид ўрнатилган тартибга риоя қилиш зарур;

- учинчидан, бундай ташкилотларга аъзоликка доир бир қатор  
иш юритиш қоидаларига риоя қилиш, таъсис ҳужжатлари (устав,  
таъсис шартномаси, низоми)га мувофиқ шакл ва мазмунда бўлиш,  
шунингдек, бошқа қоидалар, яъни жамоат бирлашмалари ёки  
диний ташкилотлар тузиш ва фаолиятини амалга оширишни бел-  
гилловчи қоидаларга риоя қилиши лозим.

Ушбу қонунчилик ҳолатларини бузиш ғайриқонуний ташки-  
лот, деб квалификация қилиш учун асос бўлади.

Тақиқланган жамоат бирлашмалари ва (ёки) диний ташки-  
лотлар фаолиятини қайта тиклаш деганда, суд тартибида тақиқ-  
ланган жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар фаолияти-  
ни давом эттириш ҳаракатларини содир этиш тушунилади. Бу ҳара-  
катлар бирлашма фаолиятини молиялашни давом эттириш, унинг  
аъзоларини йиғиш, шунингдек, бошқа ҳар қандай фаолият: унинг  
фаолиятини тарғиб, ташвиқ қилиш, маблағларни йиғиш ва янги  
дастурлар ишлаб чиқиш, тугатилган жамоат бирлашмалари ёки  
диний ташкилотлар номидан тақиқланган фаолиятларни давом  
эттиришга ташвиқ қилиш ва шу кабилар тушунилади.

Тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот фаоли-  
ятини қайта тиклаш фақатгина суднинг тугатилган ва тақиқлан-  
ган фаолиятни тиклаш тўғрисидаги қарори ва ушбу ҳужжатнинг  
қонуний кучга кириши асосида содир бўлади.

9. Ғайриқонуний ташкилотларда қатнашини деганда, ташкилот  
(бирлашма) таркибида қандайдир фаолиятни бажариш тушунила-  
ди. Яъни, бирлашма (ташкилот) мақсадини тан олиш ҳамда шу  
мақсад йўлида турли хил ишларни бажариш, ғайриқонуний бир-  
лашма (ташкилот) фаолиятини таъминлаш ва шу кабиларда ифо-  
даланади. Оддий қатнашувнинг ўзи қонун моҳияти бўйича алоҳида  
жиноят ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди, балки  
фақат фаол қатнашувгина жавобгарликни келтириб чиқаради.

10. Ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш  
деганда, ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида ҳар қандай хат-

ти-ҳаракатлар билан қатнашиш, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тугатилганлиги ҳақидаги қарор бўлишига қарамай, унинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, шунингдек, бошқа фаолият, бу ташкилотларнинг ноқонуний фаолиятларини амалга оширишга ёрдам берувчи хатти-ҳаракатлар тушунилади. Фаол иштирок этиш сифатида бундай бирлашма (ташкилот)ларнинг турли хил фаолиятларини бажарувчи, унинг мақсадидан келиб чиқувчи ва эришиш воситалари ўлароқ, турли ҳаракатларни бажариш: вазифаларни тақсимлаш, ички бошқарувни амалга ошириш ва бошқаларга раҳбарлик қилиш муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, фуқароларни фуқаролик бурчларини бажармасликка чақирувчи, бундай ташкилотлар таркибида доимий вазифаларни бажарувчи ва шу каби бошқа ҳаракатларини амалга оширишни фаол иштирок этиш, деб этироф этиш лозим.

11. Жиноят тақиқланган жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш, уларнинг фаолиятида фаол қатнашиш ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган, деб эътироф этилади.

12. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор шахс ўзининг тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкилот) тузиш ёки фаолиятини қайта тиклаш каби қилмишининг ижтимоий хавfli эканлигини англайди ва ушбу фаолиятни амалга оширишни истайди. Тақиқланган жамоат бирлашмаси (диний ташкилот) фаолиятида фаол иштирок этувчи шахс ўзининг унга мансублигини, унинг таркибидаги амалий ҳаракатларнинг аҳамияти ва ўрнини ва шу кабиларни англаб етади ва унда иштирок этишни истайди.

13. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган тақиқланган жамоат бирлашмасининг фақат ташкилотчилари ёхуд фаол қатнашчилари бўла олади.

### **216<sup>1</sup>-модда. Файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш<sup>1</sup>**

*Ўзбекистон Республикасида гайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти — суд томонидан тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиб ва фаолиятини амалга ошириб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолиятини бузиш. Жиноятнинг бевосита объекти — диний тенг ҳуқуқлилик, диний бағрикенглик, фуқароларнинг иродасини эркин билдириши, бирлашмаларга бирлашиш конституциявий ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалардан келиб чиқувчи жамоат хавфсизлиги.

(Жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар тушунчалари ҳақида ЖКнинг 216-моддаси шарҳига қаранг).

*Диний оқим* — бу диний конфессиянинг бир йўналиши, фуқароларни белгиланган оқимга диний белгилар орқали, лекин диний маросим ва удумларни амалга оширишда фарқ қиладиган бирлашмаси (масалан, католик, провослав ва бошқалар).

*Диний секта* — турли диний оқимларга мансуб кишиларнинг диний, конфессионал аломатларга кўра, бирлашган гуруҳи, жамоаси (масалан, ваҳҳобийлик ва бошқалар).

2. Жиноятнинг объектив томони шахсни ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар фаолиятида қатнашишга ундашда ифодаланади.

Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш ҳар хил усуллар ва воситалар билан амалга оширилиши мумкин. Бу инсонни ёки унинг яқинларини бундай ташкилот фаолиятида қатнашиш учун жисмоний мажбурлаш бўлиши мумкин. Ундашни кишининг жамоат бирлашмасида, кўпроқ диний ташкилот фаолиятида қатнашгандан сўнг, унинг гуноҳлари ва бошқалар кечирилишини ваъда қилиб, алдов йўли билан амалга ошириш мумкин. Кўп ҳолатларда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш моддий рағбатлантириш (пул, нарса, мулк ва бошқа қимматбаҳо нарсалар) воситасида амалга оширилади. Ундан ташқари, ундаш тарғибот, ташвиқот йўли билан ва шу сингари ташкилотлар фаолиятида қатнашишга чақириш орқали амалга оширилади.

3. Ушбу шарҳланаётган моддани квалификация қилишда жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари муҳим омил ҳисобланади. У ушбу жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотлар суд қарори билан тугатилган

ёки улар ўрнатилган қонунларга риоя қилмаганлиги сабабли тегишли органлар томонидан рўйхатга олинмаган бўлади (жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг қонунийлиги ҳақида ЖКнинг 216-моддаси шарҳига қаранг).

4. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунида асосий умумий принцип сифатида белгиланишича: «Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенгҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади». Ушбу принципга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ихтиёрий равишда ҳар хил жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин ва уларни жамоат бирлашмаларига мажбурлаш йўли билан киритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонунчилик диний ташкилотларнинг ҳам фаолиятини шу тартибда қатъий белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси – дунёвий давлат. Давлат динни ва одамларнинг эътиқодини ҳурмат қилиб ва тушуниб, инсоннинг виждон эркинлигини тан олади, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка, диний удумларда, расм-русумларда қатнашиш-қатнашмаслик ҳуқуқини беради. Лекин, шу билан бирга, одамларнинг эътиқодни танлашда, диний ташкилотларда қатнашганда таъсир қиладиган ҳар қандай ноқонуний таъсирлардан ҳимоялайди. Шу сабабли, ҳар қандай ноқонуний диний ташкилотларга ундаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги инсоннинг бирлашиш ва виждон эркинлиги ҳуқуқларини тан олиб ҳамда бундай бирлашма бўлиши кераклигини ўрнатиб, жамоат бирлашмаларига қатнашишга ундашни тақиқлайди.

5. Ушбу шарҳланаётган моддада айбдор шахснинг қилмишини квалификация қилишда ушбу айбдор шахсга нисбатан бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 202<sup>1</sup>-моддаси бўйича маъмурий жавобгарлик қўлланганини аниқлаш зарур. Фақат маъмурий преюдиция бўлган тақдирда, яъни айбдор шахсга нисбатан шунга ўхшаш қилмиши учун маъмурий жазо қўлланган бўлса ҳамда ушбу қилмишни маъмурий жазо қўллангандан сўнг бир йил давомида содир этса, у ЖКнинг 216<sup>1</sup>-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (маъмурий преюдиция ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг).

6. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга жиноий ундаш формал таркибли жиноятдир. Ушбу жиноятни тугалланган, деб ҳисоблаш учун ғайриқону-

ний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундани ҳар қатнашишга содир этишнинг ўзи кифоя, шарҳланаётган модда учун қилмишнинг оқибати аҳамиятга эга эмас. Агар ундаш усуллари билан бирида жисмоний куч ишлатилса, айбдор шахснинг қилмиши жиноятлар мажмуи тарикасида шарҳланаётган модда ва жавобгарликни талаб қилувчи соғлиққа қарши жиноят бўйича квалификация қилинади.

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс бошқа шахсни файриқонуний жамоат бирлашмаси, диний ташкилот, оқим ёки секта фаолиятида қатнашишга ундаётганлигини англайди ва бошқа шахсларни ҳам ундашни хоҳлайди.

8. Ушбу жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

### **216<sup>2</sup>-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш<sup>1</sup>**

*Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ушбу шарҳланаётган модда инсоннинг эътиқоди ва виждон эркинлиги, маънавий хавфсизлигини бутунжаҳон миқёсида ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда шу билан баробар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият кўрсатишига, диний

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.



ташкilotларнинг фаолияти бўйича жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиб ва қонунчилик талаблари ҳимоясига қаратилган. Бу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

2. Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги, давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмаслиги белгиланган.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл

қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

3. Жиноятнинг объекти диний ёки бошқа ташкилотларни, йиғинларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятининг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Факультатив объект бўлиб, инсоннинг эътиқод эркинлиги, конфессия ва бошқаларни ихтиёрий танлаш ҳисобланади.

(Диний ташкилотлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 216-моддаси шарҳига қаранг).

4. Объектив томондан диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш қўйидаги ҳаракатлар орқали содир этилади:

- диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;

- руҳонийлар ва диний ташкилотларнинг аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказишда ифодланади.

5. Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш деганда, қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва диний фаолиятни тегишли руҳсат олмасдан амалга оширувчи турли диний ташкилотлар оқимлар, конфессиялар ва ҳоказоларнинг ташкил этилиши ёхуд ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари ёки диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган мақсад, вазифалар ва фаолият билан шуғулланишни тушуниш лозим. Диний ташкилотларнинг марказий бонқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни рўйхатга олиш эса, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;
- диний ташкилотнинг устави;
- таъсис йиғилишининг баёни;

- тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

- рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

- диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

- таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда қўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг (эксперт) хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан, уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим<sup>1</sup>.

7. Диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши деганда, юқорида келтириб ўтилган қоидалар, ҳаракатлар, талабларни бажармаслик, яъни диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (устав, фуқаролар имзолаган ариза, таъсис йиғилиши баёни ва бошқаларни) тақдим қилмаслик тушунилади.

8. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар, таъмин этилади.

Шу сабабдан, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан қандайдир тадбир, болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, таълим аҳамиятига эга бўлган тадбирларни тегишли халқ таълими органлари ва ота-оналар розилигисиз ташкил қилиш ва ўтказиш ман этилади. Бундан ташқари, қонунчиликда:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 11-модда.

«Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди»<sup>1</sup>, деб белгиланган.

Маълум бир диний амални эгаллаган, шу лавозимга тайинланган ва муайян диний маълумотга эга бўлган шахс руҳоний, деб эътироф этилади.

Диний ташкилотлар аъзолари деганда, диний жамоа, йиғин, қавм, синагога ва ҳоказолар таркибига кирувчи ҳамда ушбу диний ташкилотларда муайян ишларни бажарувчи шахс тушунилади.

9. Диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳам жиноий қилмиш, деб топилади.

*Диний ташкилот* — бу фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари бўлиб, шунинг учун диний маросимларга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш, уставда кўрсатилмаган фаолиятни амалга ошириш нолегал ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирлар йиғинлари деганда, мунтазам ўтказиладиган йиғиннинг мақсадидан қатъий назар, ўн саккиз ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ болалар ва (ёки) шахслар (ўсмирлар ҳамда қизлар) гуруҳлари тушунилади.

Меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ва гуруҳлар деганда, меҳнат, адабиёт ва бошқа характердаги (масалан, театр тўғараги, спорт секцияси ва бошқа) тadbирларни амалга ошириш мақсадида, ёшидан қатъий назар, икки ёки ундан ортиқ шахснинг бирлашмаси тушунилади. Болалар ва ўсмирлар йиғинларидан фарқли равишда, меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳлар иштирокчиларнинг умумий қизиқишлари, тегишли тўғарақ ва гуруҳлар таркибида доимий бўлишлари каби белгиларга эга.

Диний маросимга алоқаси бўлмаган болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, меҳнат, адабиёт ҳамда бошқа хилдаги тўғарақлар ва гуруҳларни ташкил этиш деганда, ана шундай йиғилишлар учун зарур иш ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилиши, шахслар контингенти, жой ҳамда зарур адабиётлар танланиши ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 3-модда.

Диний маросимга алоқаси бўлмаган болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, меҳнат, адабиёт ҳамда бошқа хилдаги тўғараклар ва гуруҳлар йиғилишини ўтказиш деганда, амалда маросим бўйича фаолиятини амалга ошириш билан бирга дунёвий аҳамият касб этувчи йиғинлар, тўғарак ва гуруҳларда диний таълимдан сабоқ бериш эътироф этилади.

10. Айбдорнинг қилмишини ушбу модда билан квалификация қилиш учун унга нисбатан олдин маъмурий преюридиция чораси қўлланилган бўлиши лозим. Шахснинг қилмиши, агар у маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил мобайнида содир этилган бўлса, ижтимоий хавфли, деб ҳисобланади.

11. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти ЖКнинг 216<sup>2</sup>-моддаси диспозициясида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши билан, яъни нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш каби ҳаракатлар содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Қилмишни жиноий, деб топиш учун жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши талаб қилинмайди.

12. Жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилиб, айбдор шахс нолегал диний фаолиятни амалга ошираётганлигини, ушбу диний ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортаётганлигини ёхуд вояга етмаганларнинг махсус йиғилишларини ташкил этаётгани ва ўтказаетганлигини ёки диний маросимга алоқаси бўлмаган тўғарак ёки гуруҳларни ташкил этаётганлигини ва ўтказаетганлигини англаб етади ва ушбу фаолиятни амалга оширишни истайди.

Субъектив томонининг ўзига хос хусусияти шундаки, айбдор шахс илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, ушбу қилмишни содир этишнинг оқибати жиноят эканлигини билади.

13. Жиноят субъекти нолегал диний фаолият билан шуғулланувчи диний ташкилотларнинг раҳбарлари ёхуд дин арбоблари ва диний ташкилотларнинг аъзолари, диний маросимга алоқаси бўлмаган болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғинларини, меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғаракларни ҳамда гуруҳларни ташкил этувчи ва ўтказувчи ўн олти ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин.

14. ЖКнинг 216<sup>2</sup>-моддаси, 2-қисмида бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳаракатлар (прозелитизм) ёки бошқа ҳар қандай миссионерлик ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланган.

Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади<sup>1</sup>.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тарғибот-ташвиқот қилиш, эътиқод қилувчининг виждон эркинлигига қарши мажбуран бошқа конфессияга киритиш, ҳақ бериш, мулкий манфаатдор қилиш воситасида ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бошқа миссионерлик фаолияти деганда, диний ташкилотлар, руҳонийлар, конфессия аъзоларининг ўз конфессияларига тарғиб қилувчи тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиши, турли хил ёрдамлар кўрсатиш орқали тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, диний ва ибодат маросимларини ўтказиш йўли билан бир конфессиядан бошқасига киритишга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар тушунилади.

15. ЖКнинг 216<sup>2</sup>-моддаси, 2-қисми билан, яъни бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти билан шуғулланган шахсни жавобгарликка тортиш учун, ушбу қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган айбдор шахс бу қилмишни бир йил мобайнида содир этган бўлиши лозим.

16. Субъектив томондан ЖКнинг 216<sup>2</sup>-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасддан содир этилади.

17. Жиноят субъекти – ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

### **217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

*Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири), 5-модда.

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз барава-ригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз барава-ригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёйишлар уюштириш жамоатчилик, гуруҳ ёки шахсий манфаатларни ва қар-шилиқни ифодалаш шакли сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида назарда тутилган инсон ҳуқуқла-ридан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ фуқароларга қонунда бел-гиланган тартибда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёйишларда иштирок этиш орқали ўзларининг ижтимоий фаол-ликларини намоён этишга имконият яратади.

Конституциянинг 33-моддасида белгиланишича: «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунла-рига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёйишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилиши-ни тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга». Конституциянинг маз-кур моддаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига фақат хавфсизлик жиҳатдан оммавий тадбирлар ўтказилишини чеклаш ҳуқуқини беради. Фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликла-ридан фойдаланиши бошқа шахслар, жамият ва давлат манфаат-ларига зарар етказмаслиги лозим.

2. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот — давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари бир маромда фаолият юритишининг асосий шартлари бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амал-га оширилиши тартиби аниқ тартибга солинганда мавжуд бўлади. Мазкур тартибга риоя этмаслик давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини ишдан чиқаришга олиб келиши мумкин. Шу боис бундай тадбирлар ўтказилиши тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўрнатилганлиги йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёйишлар ўтказиш шаклидаги конституциявий ҳуқуқларга риоя этилишининг кафолати ҳисоб-ланади.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шунда кўринадики, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки на-

мойишлар ўтказаетган шахс бундай тadbирлар ўтказилишининг қонунчиликда белгиланган тартибини инкор этади, натижада давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёрда фаолият юритишини таҳдид остига қўяди.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёрда фаолият юритиши, жамият хавфсизлиги шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳисобланади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказишнинг ўрнатилган тартибини ўз ичига олувчи ижтимоий муносабатлар жиноятнинг бевосита объекти ҳисобланади.

5. ЖКнинг 217-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказишнинг ўрнатилган тартибини бузиш орқали содир этилади.

6. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш деганда, қонунда белгиланмаган тартибда ўтказиладиган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиладиган жой, ўтказиш шакли, жойи ва вақтини, ҳаракатланиш йўналишини, иштирокчиларни жалб этиш тартибини, сўзга чиқувчиларни танлаш ва бошқа ҳаракатларни белгилаб олиш тушунилади.

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларини ғайриқонуний уюштириш турли ҳаракатлар, масалан, бундай тadbирларни ўтказишга давлат ҳокимият органининг розилиги талаб этилса, бу ҳақда уларни хабардор этмасдан ўтказиш; бундай тadbирларни ташкил этиш жараёнини, фуқароларни жалб этиш тартибини бузиш; йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларни ташкил этиш учун моддий-техник воситалар ажратиш ва бошқалар орқали ифодаланади.

7. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш деганда, шундай тadbирларни ўтказиш мақсадида ташкилий масалаларни фактик жиҳатдан бажариш ва ҳоказолар тушунилади.

Рухсат берилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишларини уюштириш – бу фуқароларнинг бирлашини ва муайян шахслар, ташкилотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеаларга нисбатан ўз муносабатларини оммавий намойиш этишлари, кўча бўйлаб оммавий ташкил этилган ҳаракатда фуқароларнинг ўз ижтимоий-сиёсий кайфиятини турли кўргазмалар воситалар ёрдамида ифодалашини ўз ичига олувчи тегинли тadbир ташкилотчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари. Бу муайян синк



биноларда ғайриқонуний йиғилишлар ва митинглар ўтказиш, бундай тадбирлар ўтказилиши ҳақида мурожаатномада белгиланган мақсадлар, унинг бошланиши ва тўхтатилиши вақтига риоя этмаслик, ғайриқонуний тадбирни тўхтатиш тўғрисидаги ҳокимият органларининг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда бошқа тартибларга риоя этмасликда намоён бўлади<sup>1</sup>.

8. Йиғилиш деганда, фуқароларнинг олдиндан белгиланган вақт ва жойда (бино ёки очиқ ҳавода) биргаликда бевосита иштирок этиш ва бирон-бир муаммо юзасидан биргаликда қарор чиқариш шакли тушунилади.

9. Митинг деганда, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги бирор нарса юзасидан ташкилот ёки мансабдор шахсларга нисбатан ўзларининг муносабатини оммавий равишда билдириш мақсадида кўпинча очиқ ҳавода ўтказиладиган оммавий йиғилиш тушунилади.

10. Кўча юришлари — бирон-бир муаммо юзасидан ҳокимият органлари ва жамоатчиликнинг эътиборини тортиш мақсадида шахсларнинг кўчада, даҳада ташкилий ёки оммавий ҳаракатланиши<sup>2</sup>.

11. *Намойиш* — бирон-бир муаммо юзасидан бир гуруҳ шахслар томонидан ўзларининг ижтимоий-сиёсий кайфиятлари ва муносабатларини плакатлар, транспарантлар ва кўргазмали материаллардан фойдаланган ҳолда оммавий ифода этиши.

12. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказиш тўғрисида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органига ёзма равишда мурожаат этилади. Мазкур мурожаатда тадбирни ўтказиш мақсади, шакли, жойи, бошланиш ва тугаш вақти, ҳаракатланиш йўналиши, назарда тутилаётган иштирокчилар сони, ташкилотлар ва жамоат тартибини сақлаш учун масъул бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар, ариза топшириш санаси кабилар кўрсатилади. Тадбирни ўтказиш жараёнида иштирокчилар ва ташкилотчилар жамоат тартибини сақлашга мажбурдирлар. Уларга транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилиш, аҳоли пунктининг узлуксиз фаолият юритишига тажовуз қилиш, палаткалар қуриш, яшил майдонлар, бино ва иншоотларга зарар етказиш, қурол ёки инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш мақсадида қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган махсус тайёрланган буюмларда бўлиш, фуқаролар ва юридик шахсларга моддий зарар етказиш, тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақловчи давлат органлари вакиллари фаолиятига ҳар қандай шаклда аралашиш тақиқланади. Қил-

---

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 565.

<sup>2</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 565.

мишни ЖКнинг 217-моддаси бўйича квалификация қилиш учун ташкилотчига нисбатан олдин айнан шундай қилмиши учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддасида назарда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланилганлиги факти аниқланиши лозим. Маъмурий жазо қўлланилган ва у тугатилмаган ҳолдагина шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

13. Шарҳланаётган жиноят формал таркибли жиноят ҳисобланади. Уни квалификация қилиш ва тугалланган, деб топиш учун белгиланган тартибни бузган ҳолда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнлар ўтказиш бўйича ҳаракатлар қилиш етарли ҳисобланади.

14. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнлар ўтказишнинг белгиланган тартибини бузаётганлигини аниқлайди ва буни хоҳлайди.

Жиноятни содир этиш мотивлари ва мақсадлари турли хил бўлиши мумкин ва улар қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

15. Жиноят субъекти махсус субъект ҳисобланади. Қонун мазмуни бўйича йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнларнинг фақат ташкилотчилари жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат ёки жамоат бирлашмаси жамоаси, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг алоҳида гуруҳлари томонидан ваколат берилган ва ташкиллаштирилаётган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнлар ҳақида ҳокимият органларини хабардор қилган ҳолда улар номидан жамоатчиликка мурожаат қиладиган шахслар ташкилотчилар сифатида тан олинадилар.

Шунингдек, ҳокимият вакиллари билан расмий алоқага киришмаган ҳолда тadbирларни ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш юзасидан ҳаракатлар қиладиган ёки моддий-техник воситалар ажратадиган шахслар ҳам ташкилотчилар, деб тан олинади.

Ташкилотчи хабардор қилинмаган ҳолда алоҳида иштирокчилар томонидан йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёнлар ўтказишнинг белгиланган тартиблари бузилган ҳолларда, у ЖКнинг 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилмайди.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутди.

17. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёрда фаолият юритиши шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳисобланади.

18. ЖКнинг 217-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш орқали содир этилади.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний маросимларни ўтказиш учун барча келиши мумкин бўлган жойларни ташкил этиш ва уларни таъминлаш ҳуқуқига эга. Ибодат, диний маросим ва тадбирлар диний ташкилотлар жойлашган жой ва уларга тегишли ҳудудларда, маданият ёки ибодат биноларида, ибодат қилиш масканларида, қабристонларда, одат юзасидан зарур бўлган ҳолларда фуқаролар розилигига кўра, уларнинг уйларида ўтказилиши мумкин.

Касалхона, госпиталь, қариялар ва ногиронлар уйлари, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш жойларида ўтказиладиган ибодатлар ва диний маросимлар мазкур жойлардаги фуқароларнинг илтимосига кўра, ўтказилиши мумкин.

Ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий тарздаги ибодат ва диний маросимлар жойлардаги маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органларининг рухсати билан амалга оширилади.

19. ЖКнинг 217-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

20. Субъектив томондан мазкур жиноят тўғри қасддан содир этилади.

21. ЖКнинг 217-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган, илгари шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс.

**218-модда. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш**

*Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Фуқаролар ёки Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига реал хавф туғдирувчи, фавқулодда ҳолат жорий этмасдан олдини олиб бўлмайдиган муайян ҳолларда республиканинг бутун ҳудуди ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилади.

Фавқулодда ҳолат фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий этилади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Президент Фармони уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритилади<sup>1</sup>.

Фавқулодда ҳолат:

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид бўлган, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилинган, оммавий тартибсизликлар ва миллатлараро тўқнашувлар, алоҳида жойларни қуршаб олиш, қўшни давлатлар ҳудудидан давлат чегарасини бузиб оммавий ўтиш хавфи бўлган ҳолларда;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини талаб этадиган табиий офат ва оғир экологик ҳолатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва йирик ҳалокатлар юз берганда жорий этилади.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият юритиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, фуқаролар ва жамият хавфсизлиги шарҳланаётган модданинг объекти ҳисобланади.

Фавқулодда ҳолат шароитида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш, бино, иш жойига киришни ёпиб қўйиш, зарур технологик, электр ёки сув тармоқларини узиб қўйиш жиний қилмиш бўлиб, унинг ижтимоий хавфлилиги мавжуд бошқарув тизимлари вақтинчалик ўзгарган шароитлар ва фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқарган ҳолларни бартараф этиш бўйича алоҳида чоралар кўриладиган вақтда бошқарув тартибига тажовуз қилишда намоён бўлади.

3. Объектив томондан жиноят қуйидаги йўллар билан содир этилиши мумкин:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78, 93-моддалар.

- тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш;
- корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш.

*Иш ташлаш* – жамоавий меҳнат низосини ҳал этиш мақсадида ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришдан (тўлиқ ёки қисман) вақтинчалик бош тортишлари<sup>1</sup>. Иш ташлаш илгари сурилаётган ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий характердаги талабларни қондириш мақсадида оммавий равишда иш тўхтатиш ҳисобланади.

Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш иш ташлашни ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни, яъни иш ташлашнинг мақсадларини ишлаб чиқиш ва асослаш, иш ташлашда иштирок этиш учун шахсларни қидириш ва жалб этиш, мажбуриятларни тақсимлаш, вазифаларни топшириш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш йўли билан иш жараёнларини тўхтатиш, иш ташлаш муддатларини қўллаб-қувватлаш, иш ташловчиларнинг хатти-ҳаракатини ташкиллаштиришдир. Бошқача айтганда, бу – иш ташлаш жараёни ва иш ташловчиларни бошқаришга йўналтирилган ҳаракатдир.

Корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилиш, бу – бинога, иш жойларига кириш йўлини тўсиб қўйиш, зарур технологик, электр ва сув тармоқларини узиб қўйиш каби шаклларда намоён бўладиган ҳамда иш жараёнини издан чиқариш учун ҳар қандай тўсқинликларни яратишга йўналтирилган фаолият.

Тўсқинлик қилиш деганда, корхона, муассаса ёхуд ташкилотларда бир меъёردаги иш тартибини сақлаб турувчи шахсларни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш тушунилади.

Руҳий мажбурлаш деганда, фавқулодда ҳолат шароитида мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан корхона, муассаса ёки ташкилотнинг фаолиятини бузиш мақсадида уларга жисмоний жазо қўллаш, моддий зарар етказиш, бошқа ноқулай оқибатлар (ишдан бўшатиш, мансабини пасайтириш) билан таҳдид қилиш тушунилади. Агар айбдор ўлдириш ёки бошқа турдаги мажбурловни қўллаш билан корхона, муассаса ёки ташкилот фаолиятига тўсқинлик қилган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида (масалан, ЖКнинг 218-моддаси ва 112-моддаси бўйича) квалификация қилиниши лозим.

Жисмоний мажбурлаш деганда, шахсни мажбурий равишда бирон-бир бинога қамаб қўйиш, унга турли оғирлик даражасидаги тан жароҳатлари етказиш, уни ҳаётдан маҳрум қилиш, ишга

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 193.

киришишига ва уни бажаришига жисмоний қаршилик кўрсатиш кабилар тушунилади. Шарҳланаётган жиноят содир этилаётган вақтда айбдор соғлиққа зарар етказган ёки шахсга қарши бошқа жиноят содир этган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

4. Шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси уни содир этиш шароити – фавқулодда ҳолат шароити ҳисобланади.

*Фавқулодда ҳолат* – махсус қонунларда белгиланган тартибда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйиладиган, шунингдек, уларга қўшимча мажбуриятлар юклайдиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос режими<sup>1</sup>.

5. Оқибат келиб чиққан-чиқмаганлигидан қатъий назар, диспозицияда назарда тутилган қилмишлардан бирининг содир этилиши билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

6. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор фавқулодда вазият ҳолатида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди, бундай ҳолларда корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилишнинг ҳуқуққа хилофлигини билади ва мазкур ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

7. Иш ташлашнинг раҳбарлари, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитларида корхона, муассаса, ташкилот ишига тўсқинлик қилган ҳар қандай ақли расо шахслар жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Оммавий равишда ишни тўхтатишга чақирувчи ва бундай тадбирларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўрувчи шахслар, ташкилотчилар ва фаол иштирокчилар иш ташлашнинг раҳбарлари, деб топиладилар. Ун олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ва ташкилот ишини тўхтатишнинг субъекти бўлиши мумкин.

## **219-модда. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш**

*Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш*

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 680.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш

— уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган модданинг мақсади ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. Қонун чиқарувчи жамиятда фуқаролар риоя этиши мажбур бўлган муайян тартибни белгилаб беради. Шу муносабат билан баъзи бир масъул мансабдор шахсларга, хусусан — ҳокимият вакилларига мажбурий кўрсатмалар бериш бўйича муайян ваколатлар берилган.

2. Жамият ва давлат манфаатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмаларининг бир меъёрда фаолият юритиши, ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг шахсияти ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш объекти ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш орқали содир этилади. Қаршилик кўрсатиш фаол ёки пассив шаклларда бўлиши мумкин. Қонун мазмунига кўра, фақатгина фаол қаршилик кўрсатиш жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

4. Фаол қаршилик кўрсатиш жисмоний зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний қаршилик кўрсатиш шаклида амалга ошириладиган фаол қаршилик кўрсатиш — ўзининг хизмат ёки фуқаролик мажбуриятларини бажараётган шахсларнинг баданига қасддан шикаст етказиш, уриш, дўппослаш, боғлаш, қамаб қўйиш ёки уларнинг эркинлигини бошқача усулда чеклаб қўйиш.

Агар қаршилик кўрсатиш жараёнида жабрланувчига ўртача оғирликдаги ёки оғир тан жароҳати етказилган бўлса, айбдорнинг қилмишини жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 219-моддаси, 1-қисми ва ЖКнинг 105-моддаси ёки 104-моддаси билан квалификация қилинади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, айбдорнинг ўзининг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисба-

тан реал жисмоний мажбурлов ўтказиш ниятини билдирувчи сўзлари ва ҳаракатлари тушунилади.

Агар айбдор ўлдириш ёки куч ишлатиш билан қўрқитаётган бўлса, унинг ҳаракатларини жиноятлар жами бўйича Жиноят кодексининг 112-моддаси ва 219-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилиш лозим.

5. *Ҳокимият вакили* — давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида қўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

219-модда мазмуни бўйича ҳокимият вакиллари қаторига ижро этилиши мажбурий бўлган қонуний кўрсатмалар бериш ҳуқуқи берилган масъул мансабдор шахслар киритилади. Булар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар ходимлари: прокурорлар, ички ишлар ходимлари, МХХ, солиқ хизмати ходимлари ва ҳоказо, шунингдек, қонунга асосан, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича асосий ёки қўшимча вазифаларни амалга оширувчи шахслардан иборат. Бу сабабга кўра, ҳокимият вакили ҳисобланмайдиган масъул мансабдор шахсга қаршилик кўрсатиш, агар у ўз фуқаровий бурчини бажармаётган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркибини ташкил этмайди.

*Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими* — бу қонунда белгиланган тартибда қуйидаги вазифани бажарувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси: прокурор; терговчи; суриштирувчи амалга оширувчи шахслар; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи шахслар; жамоат тартибини муҳофаза қилишни ва ижтимоий хавфсизликни, суд (судьялар)нинг ҳукмлари, ажримлари, қарорлари, тергов органлари ва прокурор қарорларининг ижросини таъминлашни амалга оширувчи ички ишлар органи ходими; Миллий хавфсизлик хизмати органи ходими; солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича департамент ходими; суд ижрочиси; божхона хизмати ходими, шунингдек, қонун бўйича ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш асосий ёки асосий вазифалардан бири ҳисобланувчи органларда хизмат вазифасини бажарувчи бошқа шахслар.

Ҳокимият вакиллари функцияларини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этиш муассасалари ходимларига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ қилмиш тегишли белгилар бўлган ҳолларда ЖКнинг 220-моддаси ёки 221-моддаси



бўйича квалификация қилинади (ҳокимият вакиллари тушунчаси ҳақида батафсил ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

6. Фуқаровий бурчини бажараётган шахс деганда, давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари, жамиятга ёрдам бераётган, ўзининг конституциявий ёки бошқа қонуний мажбуриятларини бажараётган ҳар қандай шахс тушунилади. Бошқача айтганда, фуқаролик бурчини бажариш, бу — фуқаролар томонидан қонун ва жамият, давлат ва бошқа шахсларнинг манфаатлари доирасида ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш. Кўп ҳолларда ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахслар жабрланувчи бўлиб қолади ва қонунга асосан шундай шахс, деб тан олинади.

7. Ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг хизмат мажбуриятлари ҳуқуқий тартибот ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли, ҳокимият вакилининг кўрсатмаси ёки фуқаронинг ҳаракати қонун ва ҳуқуқ доирасида бўлиши лозим. Мазкур хизмат мажбуриятлари ҳокимият вакилларига тегишли қонун ҳужжатларининг алоҳида тоифасидан келиб чиқади.

8. *Жамоат тартибини қўриқлаш бўйича фаолият* — номуайян шахслар доираси манфаатларига тааллуқли ҳуқуқбузарликлар (шу жумладан, жиноятлар)нинг олдини олиш ва уларга қарши курашишга (кўчада, майдонларда, боғларда, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жойларда жамоат ҳуқуқ-тартиботини таъминлашга, паспорт тизими бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилишга, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига кўмаклашувчи вазиятларни аниқлаш ва ҳоказоларга) қаратилган қонуний фаолият.

Ижтимоий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолият — номуайян шахслар доираси ҳаётий муҳим манфаатларининг турли таҳдидлардан зарурий ҳимояланганлик даражасини сақлаб туришга (ночор ёки бошқача ҳолатда қолган, ҳаёти ёки соғлиги хавф остида қолганларга ёрдам кўрсатишга, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга, ўқотар қурол, ўқдорилар, портловчи моддалар билан муомала қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва ҳоказоларга) йўналтирилган қонуний фаолият.

9. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахс фаолиятининг қонунийлиги ва ҳаққонийлиги шарҳланаётган жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ҳаққонийлик деганда, ҳуқуқ субъекти фаолияти ёки фаолият натижаларининг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига мос бўлиши тушу-

нилади. Ҳаққонийлик, нафақат, ҳуқуқ субъектларининг юриштиришида, балки ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида ҳам ифодаланади. Ҳаққонийлик ҳуқуқ кўрсатмаларидан бирон-бир тарзда чекинмасликни назарда тутади. Унинг акси ҳуқуққа хилофлилик ҳисобланади<sup>1</sup>.

Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- биринчидан, қаршилик кўрсатиш хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга йўналтирилганлигини;
- иккинчидан, қаршилик кўрсатиш хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини ижро этиш вақтида содир этилганлигини аниқлаш.

Мазкур ҳолатлар аниқлангандан кейингина айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 219-моддаси бўйича квалификация қилинади. Қонунга хилоф ҳаракатларни амалга ошираётган ҳокимият вакили ёки шахсга қаршилик кўрсатиш жиноят, деб топилмайди.

Ҳокимият вакиллари ва фуқароларнинг айнан қонуний ҳаракатлари жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланади.

10. Жиноят хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш бошланган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади. Бунда қаршилик кўрсатиш натижасида хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахс ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилган ёки бошқа ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинади.

11. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш фақат тўғри қасд шаклида содир этилиши мумкин.

Айбдор шахс хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қар-

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 466.

шилиқ кўрсатаётганлигини англамаган шахс томонидан бундай қаршилик кўрсатишнинг содир этилишида мазкур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

12. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти ҳисобланади.

13. ЖКнинг 219-моддаси, 2-қисми хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин, ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

14. Мазкур модданинг шарҳланаётган қисмидаги жиноят объектив томондан биринчи қисмда назарда тутилган қилмишдан бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Агар модданинг 1-қисмига кўра, жавобгарлик хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш учун белгиланса, 2-қисмида эса, мазкур шахсларни қандай шаклда бўлмасин, ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилган шахс жавобгарликка тортилади.

*Мажбурлаш* — бу ҳокимият вакили ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш ёки мажбурловчи шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишга эришиш мақсадида жисмоний ёки руҳий таъсир этиш. Қаршилик кўрсатишда қўлланиладиган жисмоний мажбурлашдан фарқли равишда мажбурлаш вақтида қўлланиладиган куч ишлатиш бошқа мақсадни кўзлайди.

Мажбурлаш вақтида қўлланиладиган жисмоний зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний азоб берадиган ҳамда жабрланувчининг иродасига хилоф равишда унинг жисмоний эркинлигини чеклайдиган ҳаракатлар содир этиш, шунингдек, уриш, дўппослаш ва бошқа ҳаракатлар орқали шахс баданига ўртача оғирликдаги шикаст етказиш тушунилади.

Руҳий мажбурлаш деганда, айбдор томонидан сўз ёки ўзининг ниятини бошқача шаклда ифодалаш орқали ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга маънавий зарар етказиш, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш тушунилади. Агар ҳокимият вакили ёки ўзининг фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан куч ишлатиш натижасида уларга

онир тан жароҳати етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар жами билан квалификацияланиши лозим. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мажбурлаш тушунчаси доирасига кирганлиги сабабли айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмаслиги лозим.

Мажбурлашнинг мақсади хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахслар томонидан мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига эришиш мақсадида уларга таъсир ўтказиш ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларнинг мажбурловчи фойдасига ноқонуний ҳаракатлар содир этишлари ва бевосита қонуний ваколати доирасига кирувчи мажбуриятларни бажармаслиги ҳокимият вакилининг хизмат вазифасини бажариш ёки шахснинг фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечиши ҳисобланади.

15. Ҳокимият вакили ва шахсга нисбатан куч ишлатиш билан мазкур шахслар томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажариш ўртасида сабабий боғлиқланишнинг мавжудлиги ЖКнинг 219-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган қилмиш объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган мажбурлов ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб, оқибат келиб чиқишидан қатъий назар, жиноят тугалланган ҳисобланади.

16. Субъектив томондан ЖКнинг 219-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Бунда хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилишга йўналтирилган махсус мақсаднинг мавжудлиги жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

17. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

## **220-модда. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар**

*Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

*а) ўта хавфли рецидивист;*

*б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;*

*в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Давлат жиноий жавобгарликни ўрнатиш ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони қўллаш орқали айбдор шахсларни изоляция қилади. Шу мақсадда жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида режим ўрнатилади. Бу режим, шунингдек, тажовуз қилиш жиноят, деб топиладиган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият юритишининг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир меъёрдa фаолият юритиши, яъни мазкур муассасаларда ўрнатилган режим билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган модданинг объекти ҳисобланади. Мазкур муассасалар ходимлари ва унда жазони ўтаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлиги қўшимча объект бўлиши мумкин.

Қонун чиқарувчи жабрланувчи сифатида тан олинадиган шахсларнинг икки тоифасини белгилайди:

- озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари;

- озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган маҳкумлар ва судланганлар.

3. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятининг вакиллари қаторига: раҳбарлик таркибидаги шахслар; қўриқлаш ва конвой вазифаларини бажарувчи

ишчи қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари; шартнома асосида ишловчи шахслар; озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида умумий ва касбий-техник таълимни амалга оширувчи ва тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар; маъмурий ва муҳандис-техник ходимлар киради.

*Судланган шахс* — айблов ҳукми чиқарилган айбланувчи.

4. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасалари — жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган колонияларга бўлинади. Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган<sup>1</sup>.

5. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг:

- маҳкумларни террор қилиш;
- маъмурият вакилларида ҳужум қилиш;
- жинсий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш орқали ифодаланadi.

6. *Террор* — жисмоний куч ишлатиш, ҳаёт ёки соғлиққа жисмоний йўқ қилингунга қадар, ўлимга олиб келувчи зарар етказиш<sup>2</sup>. Маҳкумларни қўрқитиш уларга нисбатан ҳар қандай куч ишлатиш ёки шундай куч ишлатиш билан қўрқитиш, шахсиятига тегиш, уларни масхаралаш каби шаклларда бўлиши мумкин. Шарҳланаётган модданинг мазмунига қўрқитиш, деб тан олинадиган, маҳкумларга нисбатан амалга ошириладиган мажбурлов ҳаракатлари улар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқаришга қаратилган ҳоллардагина мазкур модда билан квалификация қилинади. Айнан шундай мақсад қилмишни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги шахсий муносабатлар (низо, ўч олиш) туфайли амалга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 45-модда.

<sup>2</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 621.

оширилаётган куч ишлатиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Шунинг учун қўрқитиш, деб тан олинган қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айбдор ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларни, айбдорнинг ўзини бундай тутишининг сабабларини аниқлаш лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида содир этилган қўрқитиш натижасида маҳкумга оғир тан жароҳати етказилса ёки бу қилмиш унинг ўлимига олиб келса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

7. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаси маъмурияти вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларига нисбатан жисмоний ёки руҳий куч ишлатиш орқали содир этилиши мумкин (жисмоний ва руҳий куч ишлатиш тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида содир этилган қўрқитиш натижасида маъмурият вакилларига оғир тан жароҳати етказилган ёки унинг ҳаётига суиқасд қилинган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Маъмурият вакилларига ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиққан бўлиши лозим. Агар ҳужум қилиш маъмурият вакилларининг қонуний ҳаракатлари туфайли келиб чиқмаган бўлса, айбдорнинг қилмиши шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинмасдан, балки шахсга қарши жиноятлар бўйича квалификация қилинади, чунки бундай ҳолларда ЖКнинг 220-моддасида назарда тутилган тажовуз объекти мавжуд бўлмайди.

8. Жиноий гуруҳ ташкил қилиш деганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадида ташкил этилган турли фаолият тушунилади. Ташкил этиш олдиндан тил бириктириш, мазкур ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга келишиб олиш, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўртасида вазифаларни тақсимлаш каби-ларни ўз ичига олади.

Қуролланганлик жиноий гуруҳнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазони ижро этиш муассасаларида турли мезонлар асосида тузилган маҳкумларнинг жа-

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 621.

моли бирлашмалари, шу жумладан, маҳаллийчилик, ўзаро манфаатдорлик, жиний ихтисослашиш тамойиллари асосида тузилган саноатий йўналтирилган гуруҳлар жиний гуруҳ сифатида баҳолашмаслиги керак, чунки улар ўз олдига озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этиш мақсадини қўймайди.

9. Жиний гуруҳ иштирокчилари орасидан фақат ташкилотчи ва фаол иштирокчиларгина ЖКнинг 220-моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

*Ташкилотчи* — бу жиний гуруҳни ташкил этиб, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиний фаолият режаларини ишлаб чиқадиган, гуруҳга бевосита раҳбарлик қиладиган ва ишлаб чиқилган жиний режани амалга оширадиган шахс.

*Фаол иштирокчилар* — бу жиний гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этадиган, унга бошқа иштирокчиларни жалб этадиган, жиний фаолият режаларини ишлаб чиқишда ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқариш мақсадида маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига хужум қилиш бўйича муайян ҳаракатларни содир этишда ташкилотчига ёрдам берадиган шахслар.

10. Шарҳланаётган жиноят формал таркибли жиноят бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига хужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиний гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари содир этилган вақтдан бошлаб, келиб чиққан оқибатдан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади. Мазкур қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, айбдорларнинг қилмиши ЖКнинг 220-моддаси, 2-қисми, «в» банди билан квалификация қилинади.

11. Шарҳланаётган модданинг субъектив томони тўғри қасд билан ифодаланadi.

Айбдор содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

12. Ўн олти ёшга тўлган ва муассаса туридан қатъий назар, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс ЖКнинг 220-моддасида назарда тутилган қилмишнинг субъекти ҳисобланади.

Шунингдек, хўжалик ишларини бажариш учун тергов ҳибсхонасида қолдирилган маҳкумлар ҳам субъект бўлиши мумкин.



Эҳтиёт чораси сифатида тергов изолятори ёки вақтинчалик сақлаш изоляторида сақланаётган тергов остидагилар ва маҳкумлар, шунингдек, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар мазкур жиноятнинг субъектлари бўла олмайдилар. Тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, санаб ўтилган шахсларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 219-моддасида назарда тутилган жиноятни, ёки шахсга қарши жиноятни келтириб чиқариши мумкин.

13. ЖКнинг 220-моддаси, 2-қисми жазони ижро этиш муассасаси ишини издан чиқариш жиноятининг қуйидаги квалификация қилиш белгиларини қайд этади:

- а) ўта хавfli рецидивист;
- б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш.

14. ЖКнинг 34-моддасига кўра, шахс қонунда белгиланган ҳолларда ва фақат суд қарорига кўра ўта хавfli рецидивист, деб топилиши мумкин (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг). Шахсни ўта хавfli рецидивист, деб топиш унга нисбатан бир қатор нохуш ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Нохуш ҳуқуқий оқибатлар шундан иборатки, бунда ўта хавfli рецидивист бундай деб топилмаган шахсга нисбатан содир этган жинояти учун оғирроқ жавобгарликка тортилади. Шахснинг ўта хавfli рецидивистлиги судланганликдан фарқли равишда фақат суд томонидан олиб ташланиши мумкин, шунинг учун шахснинг қилмишини квалификация қилиш вақтида суд-тергов органлари мазкур жиҳатни эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми, «а» бандида назарда тутилган жиноятни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- шахс томонидан жазони ижро этиш муассасасининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар содир этишдан олдин уни ўта хавfli рецидивист, деб топиш тўғрисидаги суд ҳукми;

- мазкур ҳукмнинг қонуний кучдалиги.

Мазкур мажбурий шартлардан бирортаси бўлмаган тақдирда, қилмишни ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган, деб квалификация қилиш мумкин эмас.

15. Шарҳланаётган қилмиш олдин оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган ҳолларда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 220-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради.

Ута оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йиллик ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан қўрилган жиноятлар кирди.

16. Қилмиш бир гуруҳ маҳкум шахслар томонидан содир этилган ҳолларда, айбдор шахс ташкилотчи, фаол иштирокчи ёки оддий иштирокчи бўлганлигидан қатъий назар, айбдорнинг қилмишлари ЖКнинг 220-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинади. Қилмишни мазкур белгига кўра квалификация даражасида гуруҳ аъзоларининг олдиндан тил бириктирган ёки бириктирмаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

### **221-модда. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик**

*Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслиги ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарқерига ўтказиш тартиқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса*

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша қилмишлар:*

а) ўта хавфли рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасининг бир меъёрдаги фаолияти жиноят объекти ҳисобланади.

2. Маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарқери ёки турмага ўтказилганидан кейин, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмуриятнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик жиноятнинг объектив томони ҳисобланади.

3. *Бўйсунмаслик* — бу озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахс томонидан маъмурият вакилининг қонуний фармойиши ёки талабини ошқора рад этиш.

Масалан, бўйсунмаслик тузум талабларига риоя этмаслик, меҳнат мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш каби қўринишларда бўлиши мумкин.

4. Маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишига бошқача йўсинда тўсқинлик қилиш деганда, маҳбусларнинг маъмурият қонуний талабларини бажармасликка йўналтирилган бевосита ҳаракати тушунилади. Масалан, муайян мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш, тузум (режим)га риоя этмаслик, шунингдек, жазони ижро этиш бўйича муассасанинг қоидаларини менсимаслик.

5. Озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг ҳаракатлари, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилган бўлса, ЖКнинг 221-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига асосан, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг қарцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса, уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

6. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятни содир этиш мотивлари уни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

7. ЖКнинг 221-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиб, бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тариқасидаги жазо қўлланилган ёки турмага ўтказилган озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахс, ЖКнинг 221-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти эса ўта хавfli рецидивист ёхуд оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс ҳисобланади.

8. ЖКнинг 221-моддаси, 2-қисмида:

а) ўта хавfli рецидивист;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахс томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

## 222-модда. Қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш

*Қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидagi жазони ўтаётган шахснинг қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Қочиш:*

а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Даствлабки тергов олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг бир меъёрдаги фаолияти, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки маҳкумларни қўриқловчи шахсларнинг соғлиғи шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят дастлабки тергов олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларидаги қамоқ ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочишда ифодаланади.

Шарҳланаётган модда қочиш, яъни жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган, қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар, шунингдек, айбдор, деб топилган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахслар томонидан шахсларни қўриқлашга мўлжалланган махсус, изоляция қилинган жойларни ўзбошимчалик билан танлаб кетин учун жавобгарликни белгилайди. Қочиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин: қўриқчиларга нисбатан куч ишлатиш; сохта ҳужжатлардан фойдаланиб қочиш; пора бериш, алдаш ва бошқалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан, қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс қўриқлов остида бўлган шахс, деб топилади.

*Қамоққа олиш* — жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар асосида тайинланадиган эҳтиёт чораси.

*Тергов ҳибсхонаси* — дастлабки тергов ўтказилаётган вақтда жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчига ёки суд муҳокамаси жараёнида судланувчиларга ёхуд айблов ҳукми қонуний кучга киргунга қадар озодликдан маҳрум этилган шахсларга

нисбатан қўлланиладиган қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш учун мўлжалланган махсус жой.

Тергов ҳибсхоналари умумий ва бир кишилик бўлади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган айбланувчилар умумий тергов ҳибсхоналарида сақланадилар.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар бошқа гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида прокурор қарори ёки суд ажримига кўра, бир кишилик тергов ҳибсхоналари ёки турмага жойлаштирилиши мумкин.

Тергов ҳаракати ўтказилаётган ёки суд иш кўраётган жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, суд залидан чиқиб кетиш қамоқ ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш, деб квалификация қилиниши лозим. Бошқа эҳтиёт чораси, масалан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинган шахснинг қочиши шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинмайди.

4. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлаш тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми чиқарилган шахс қўриқлов остидаги шахс, деб топилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасига асосан, вояга етган шахсларга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари (манзил-колониялари, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар)да ва турмаларда, вояга етмаган шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар эса тарбия колонияларида амалга оширилади (манзил-колониялари, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар, турма ва тергов ҳибсхоналари тушунчалари ҳақида Жиноят-ижроия кодексига қаранг).

Шу билан бирга баъзи ҳолларда, қасддан содир этилган, унча оғир бўлмаган жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахслар, уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассасадаги хўжалик ишларини бажариш мақсадида муассаса раҳбарининг қарорига кўра, тергов ҳибсхоналарида ёки турмада қолдирилишлари мумкин. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам уларга нисбатан жазони ижро этиш жойидаги тузум (режим) талаблари ва тартибига риоя этиш қонидаси татбиқ этилади. Турма ёки тергов изоляторидан қочиш қўриқлов остида сақлаш жойидан қочиш, деб квалификация қилинади ва шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортилади.

5. Интизомий қисмдаги қўриқлов остидан қочган ва қамоқ тарзидаги жазога ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳам шарҳланаётган модда қоидалари бўйича жавобгарликка тортилиши керак.

6. Жазони ижро этиш ёки қўриқлов остида сақлаш жойини мувоҳимчалик билан ташлаб кетган шахс ушланган ёки ўз айбини бўйинига олиб келган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Айбдор қочган вақтда уни қамоққа олиш тўғрисидаги қарордан хабардор бўлган ҳолларда, яъни бундай эҳтиёт чораси танланганлиги тўғрисидаги қарор, суд ажрими эълон қилингандан сўнг ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра уни озодликдан маҳрум этишга, қамоққа ёки интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинганлиги эълон қилинганидан сўнг қочиб кетган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 222-моддаси бўйича квалификация қилинади.

7. Субъектив томондан жиноят қасддан, тўғри қасд билан содир этилади.

8. Ўн тўрт ёшга тўлган, қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс ёки озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин.

9. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган ҳолда;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қочиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

10. Қочиш енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказишга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмайди. Лекин қочиш оғир тан жароҳати етказиш ёки ўлимга олиб келган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 220-моддаси ва 97-моддаси ёки 104-моддаси).

11. Қочиш бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган ҳолларни квалификация қилиш учун олдиндан келишувнинг мавжудлиги шарт эмас.

## **223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш**

*Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

- а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган ман-сabdор шахс томонидан содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар.*

1. *Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат. Давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди.*

*Чегара тузуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, у чегара ҳудудига кириш (ўтиш), унда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва чегара ҳудудида ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тартибини ўз ичига олади.*

*Чегара ҳудудларида чегара тузумига риоя этиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита<sup>1</sup> ва ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.*

*Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатлар 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 21 ноябрда қабул қилинган «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тартибга солинади.*

*Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий қўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларини*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги ПФ-2176-сонли Фармони.

тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи давлат ва жамият суверенитети ҳамда ҳавфсизлигини таъминлаш учун республикадан чиқиш ва унга кириш, давлат чегараларидан ўтиш тартибини белгилаб берган. Шундан келиб чиқиб, давлат чегарасига тажовуз қилиш — бу, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг бир меъёрадаги тартибига тажовуз қилиш, деб топилади.

2. Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқишни тартибга солувчи муносабатлар шарҳланаётган модданинг объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш тартиби ҳавфсизликни таъминлаш, хорижий давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш, чегаравий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлат чегарасида шахс, жамият ва давлатнинг бошқа ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи тажовузлардан муҳофаза қилиш мақсадида чегара, божхона, санитария-карантин, ветеринария ва бошқа турдаги назоратни ўтказиш учун зарур шароитлар яратади.

3. Объектив томондан мазкур жиноят қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали намоён бўлади:

- Ўзбекистон Республикасига кириш;
- Ўзбекистон Республикасидан чиқиш;
- белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг чегарасидан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ва унга кириш деганда, транспорт воситаси (автомашина, кема, самолёт, велосипед, от ва бошқа механик ва транспортнинг бошқа турлари) ёрдамида давлат чегарасини кесиб ўтиш тушунилади.

Давлат чегарасидан ўтиш деганда, уни ниёда кесиб ўтиш тушунилади.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар белгиланган тартибни бузган ҳолда содир этилган ҳоллардагина ЖКнинг 223-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Давлат чегарасини белгиланган тартибни бузган ҳолда кесиб ўтиш деганда, қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали ўтиш тушунилади: тартибни бузиш орқали (масалан, рухсат берилган чегара пунктларни айланиб ўтиш) ёки тегишли рухсати бўлмайд туриб кесиб ўтиш (масалан, чегарадан ўтиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда чегарани кесиб ўтиш)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда, 2-қисм. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, 9-сон, 271-модда.



Давлат чегарасини фақат ғайриқонуний кесиб ўтиш ижтимоий хавфли, деб топилади ва шарҳланаётган модданинг таркибини ташкил этади.

5. Давлат чегарасини рухсат пунктларини айланиб ўтиб ёки рухсат пунктларидан ёхуд чегара ташқарисига (Ўзбекистондан) ёки Ўзбекистонга кириб келаётган, туридан қатъий назар (яъни, ҳаво, сув, ерда юрадиган транспорт ва ҳоказо), транспорт воситасида белгиланган қоидаларни бузиб кесиб ўтиш давлат чегарасидан ўтиш тартибини бузиш, деб ҳисоблаш лозим<sup>1</sup>.

Сохта, муддати ўтган, бошқа шахс номига расмийлаштирилган, нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтиш тегишли рухсатномасиз давлат чегарасини кесиб ўтиш, деб топилади<sup>2</sup>. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан унга чегарадан ўтишга рухсат берилганлиги ҳақида унинг паспортига тегишли ёзув киритилмаган ёки сохта ёзувдан фойдаланган ҳолда чегарадан ўтиш шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ёки унга кираётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиққан бўлса, унинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб кириши ҳам ғайриқонуний, деб топилиши лозим.

Бунда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, агар ноқонуний кириш ёки чиқиш, шунингдек, чегарани кесиб ўтиш сохта ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, у ҳолда бу қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 223 ва 228-моддалари бўйича квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 6 июлда 765-сон билан рўйхатга олинган «Автомобил, темир йўл, авиация ва дарё чегара пунктларида давлат чегарасидан ўтишда чегара ва бўжона назорати тартиби тўғрисида»ги Намунавий йўриқнома.

<sup>2</sup> Давлат чегарасини кесиб ўтиш учун керакли ҳужжатлар қуйидаги норматив актларда белгиланган: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқиш Тартиби»; 2000 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисида»ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000, 12-сон; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 июнда 448-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун сертификат бериш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишлари» Тартиби.

6. Шарҳланаётган жиноят давлат чегараси кесиб ўтилаётган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Қуйидагилар давлат чегарасини кесиб ўтиш вақти, деб топилади:

- айбдор фактик жиҳатдан давлат чегарасини кесиб ўтиши ёки ўтмаслигидан қатъий назар, давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари назоратидан муваффақиятли ўтиш. Масалан, самолёт учинишга қадар шахс томонидан аэропорт чегара назоратидан ўтиш тугалланган жиноят, деб топилади. Худди шундай ҳолатда шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, чегара назоратидан ўта олмаган ҳолларда, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудига гайриқонуний кириш ёки ундан чиқишга суиқасд қилиш, деб квалификация қилиниши лозим;

- давлат чегараси орқали ўтказишнинг белгиланган пунктларидан ташқарида давлат чегараси чизиғи (тегишли юза)ни фактик жиҳатдан кесиб ўтиш.

7. Жиноят субъектив томондан тўғри қасд орқали содир этилади. Шахс ўз ҳаракатларининг ноқонунийлигини билади, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳужжатсиз, сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ёхуд тегишли рухсатномасиз кесиб ўтаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Субъектив томоннинг қўшимча элементлари – мотив ва мақсад турлича бўлиши мумкин. Агар айбдор шахс давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят содир этиш (масалан, жосуслик, қўпоровчилик, терроризм ва бошқалар) мақсадида кесиб ўтса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Мазкур жиноят эҳтиётсизлик орқасида (масалан, мўлжални йўқотиш туфайли чегарани кесиб ўтиш) содир этилганда жинорий жавобгарлик келиб чиқмайди. Давлат чегараси мажбурий равишда кесиб ўтилган (масалан, табиий офат, ҳалокат ва бошқ.) ҳолларда ҳам қилмишда шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

8. Ўн олти ёшга тўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқароси мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келган фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари, уларнинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиблари мавжуд бўлмаса, мазкур жиноятнинг субъекти ҳисобланмайди.

9. ЖКнинг 223-моддаси, 2-қисми объектив томондан чегарани ёриб ўтиш, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этиш орқали содир этилади.

Чегарани ёриб ўтиш орқали шарҳланаётган жиноятни содир этишни квалификация қилиш белгиси ЖКнинг 182-моддаси шарҳида батафсил берилган. (Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

10. Чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан ғайриқонуний четга чиқиш ҳаракати ЖКнинг 223-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарорида чет элга чиқиш учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахслар рўйхати келтирилган.

11. ЖКнинг 223-моддаси, 3-қисмига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар».

Конституциянинг 93-моддаси, 1-қисми, 22-бандига асосан, фуқаролик ва сиёсий бошпана бериш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал этилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қоидага биноан, чиқиш ҳужжатларини тегишли тартибда расмийлаштирмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан шарҳланаётган модда қўлланилмайди.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана берилмайди: агар шахс Ўзбекистон Республикасида жиноят, деб топилувчи қилмишни содир этгани учун хорижда қидирилаётган бўлса ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсад ва принципларига қарши ҳаракатлар содир этганликда айбдор бўлса; жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб этилган ёки унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатдан келган бўлса; била туриб ёлғон маълумотлар берган бўлса; у таъқиб этилмайдиган учинчи давлатнинг фуқаролигига эга бўлса.

## 224-модда. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш

*Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлиб, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

1. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидалари қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 мартдаги 134-сонли «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-

масининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-илова — «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари Тартиби»; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 январдаги 38-сонли «Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар раҳбарларининг паспорт режими ҳамда хорижий фуқароларнинг туриш қоидаларига риоя қилиш юзасидан масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар.

2. Санаб ўтилган ҳужжатлар қуйидаги тартибни белгилайди:

- Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларини виза муддати давомида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш;

- чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш рухсатномасини бериш;

- чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича қўчиб юриши;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузганлик учун чет эл фуқароларининг Ўзбекистонда бўлиш муддатларини қисқартириш ва уларни чиқариб юбориш.

3. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси орқали ўтишининг белгиланган тартиби жиноят объекти ҳисобланади.

4. ЖКнинг 224-моддаси, 1-қисми объектив томондан қуйидаги ҳаракатларни содир этишда намоён бўлади:

- Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасида яшаш;

- вақтинчалик ёки доимий рўйхатдан ўтказиш, қўчиб юриш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган қоидаларига риоя этмаслик;

- Ўзбекистонда бўлиш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бош тортиш;

- Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтиб кетишнинг белгиланган қоидаларига риоя этмаслик.

5. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини биринчи марта бузиш маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан кейин бир йил давомида ҳаракат қайта содир этилган ҳолларда жиноий жавобгарлик

келиб чиқади, яъни маъмурий преюдиция талаб этилади (маъмурий преюдиция ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг).

6. ЖКнинг 224-моддаси, 1-қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши билан жиноят туғалланган ҳисобланади. Мазкур ҳаракатлар рўйхати қатъий ҳисобланиб, уни кенгайтириб шарҳлашга йўл қўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикасида бўлган чет эл фуқаролари ўзлари билан паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни олиб юришлари ва ваколатли орган вакилларининг талабига кўра тақдим этишлари лозим. Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўладиган чет эл фуқаролари вақтинчалик рўйхатдан ўтган ҳолда яшашади. Миллий паспорт чет эл фуқароси келган кундан бошлаб уч кун ичида (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) вақтинчалик рўйхатга қўйиш учун тақдим этилади. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш чет эл фуқароси меҳмонхонага келган вақтдан бошлаб 48 соат ичида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари умумий асосларга кўра, меҳмонхоналарда жойлашди ва ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикасига кирган кундан бошлаб уч кун ўтган (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) чет эл фуқароларининг ҳужжатларини расмийлаштириш тақиқланади.

Ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар деганда, тегишли штамп, муҳр, имзоси бўлмаган, шунингдек, сохта ҳужжатлар, ҳужжатларнинг тасдиқланмаган нусхалари кабилар тушунилади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қуйидаги муайян тоифалари ўз паспортларини вақтинчалик рўйхатдан ўтказишдан озод этиладилар: дипломатик корпус ходимлари, ҳаво кемалари экипажлари, халқаро ва бошқа ташкилотларнинг аъзолари ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

8. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик ёки доимий бўладилар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муддати кириш визасида ва паспортда вақтинча яшаш жойи манзилени кўрсатган ҳолда белгиланадиган вақтинча бўлишда республика ҳудудида туриш ҳамда унинг ҳимоясидан ва кўплаб бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишлари Тартиби».

бўладилар. Бироқ, кўрсатилган муддатлар тугагач, улар республика ҳудудини тарк этишлари ёки бу ерда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза беришлари шарт. Меҳмонхоналарда жойлашган чет эл фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотлар ёзма тавсияномаларида кўрсатилган муддатга, бироқ визанинг амал қилиш муддати доирасида (туристлар учун саёҳат муддатига) амалга оширилади.

9. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномаларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, уларнинг паспортлари ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан берилган транзит визалари мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит тарзда ўтишга рухсат берилади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан белгиланган мамлакатга ҳаво, темир йўл ёки сув транспорти орқали транзит тарзда ўтишларига бундай ўтиш учун тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолларда рухсат берилади.

Халқаро транзит автоташишларни амалга ошираётган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

10. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси орқали визасиз транзит ўтишга рухсат этилади:

- ҳаво транспорти пассажирлари томонидан бошқа самолётга ўтмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш;

- Ўзбекистон Республикасида бўлиш 24 соатдан ошадиган ҳолларда халқаро ҳаво йўллари самолётларида келиб, бошқа самолётга ўтиши керак бўлган ҳамда аэропортдан чиққан санаси кўрсатилган белгиланган мамлакатга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат мавжуд бўлган пассажирлар;

- Ўзбекистон Республикаси тегишли равишда ҳукуматлараро келишувларга эга бўлган давлатлар фуқаролари.

11. Ўн олти ёшга тўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларгина шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиб ҳисобланади.

12. Шарҳланаётган модда биринчи қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан тўғри қасд орқали содир этилади. Айбдор чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бажармаётган-

лигини билади, унга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилиши мумкинлиги олдиндан кўра олади, чунки олдинроқ маъмурий жавобгарликка тортилган бўлади ва давом эттираверади, яъни ушбу қоидаларни бузишни хоҳлайди.

13. ЖКнинг 224-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан мансабдор шахс томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг бузилишида намоён бўлади.

1992 йил 7 сентябрда қабул қилинган «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда вақтинча бўлишлари тартиблари»га кўра, чет эл фуқароларини қабул қилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари уларга чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилишини, уларнинг ҳисоби юритилишини, уларнинг республикада бўлиш ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилишини, уларнинг белгиланган муддатда чиқиб кетишини таъминлаши лозим.

Шарҳланаётган модданинг 2-қисми ҳам маъмурий преюдицияга эга ҳисобланади. ЖКнинг 224-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят мансабдор шахс томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг бузилиши биланоқ тугалланган ҳисобланади.

14. Агар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан содир этилса, иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят субъекти эса, фақатгина уларни қабул қилувчи ташкилотнинг мансабдор шахслари ҳисобланади. Махсус субъектлар — мансабдор шахслар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибини ижро этишга бевосита дахлдор бўлишлари лозим. Буларга ички ишлар органлари, Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишларини назорат қилувчи бошқа органлар мансабдор шахслари киради.

15. ЖКнинг 224-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томони қуйидагиларни ўз ичига олади:

- биринчидан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги;



• иккинчидан, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келса;

ЖКнинг 224-моддаси, 3-қисми диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши, агар бу ҳаракат ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка олиб келади.

ЖКнинг 224-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят унинг диспозициясида белгиланган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

ЖКнинг 224-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан муайян чора-тадбирларни кўрмаслик орқали, яъни ҳаракатсизликдан содир этилиши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-иловаси «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари тартиблари»га мувофиқ, хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга мажбурдирлар.

Қонун чиқарувчи хорижий фуқароларга турар жой, транспорт воситалари берилишига ёки уларга бошқа хил хизматлар кўрсатилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур қоидаларнинг бузилишига олиб келиши аниқ бўлса, йўл қўйилмаслигини аниқ белгилайди.

ЖКнинг 224-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноят формал таркибли жиноят бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

16. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий ишлар бўйича таклиф этган ҳамда Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш орқали уларни турар жой билан таъминлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича жиноят субъекти ҳисобландилар.

## 225-модда. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақируви резерви хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлаши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаши

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup> ҳарбий хизматга чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тартибини белгилайди.

Ўзбекистоннинг суверенитетини ҳимоя қилиш бўйича конституциявий бурчнинг бажарилиши тартибини белгилаш, ҳарбий хизматни ўташ, хизматдан озод этилиш ҳамда ҳарбий хизматга алоқадор бошқа масалалар юқорида келтирилган Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги 119-сонли қарори, ушбу норматив ҳужжат асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 217-модда.

Низоми, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2003 йил 15 июлдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш ишларини ташкиллаштириш ва тартибини белгилаш йўриқномасини тасдиқловчи 457-сонли буйруғида ёритилади.

Қўриб чиқиладиган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига, мудофаа қудратига, Қуролли Кучларнинг лозим даражада тўлдирилишига путур етказди.

Конституция айрим ҳолларда фуқарога ҳарбий хизматни муқобил (фуқаровий ёки меҳнат) хизматга алмаштириш ҳуқуқини берган. Бироқ, ҳарбий хизматдан белгиланган асосларда<sup>1</sup> озод этилган шахс учун муқобил хизматни (корхона, тиббий муассалар ва бошқа жойларда) ўташ мажбурийдир. Ушбу хизматдан бўйин товлаш шарҳланаётган модданинг 1 ёки 2-қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

2. *Ҳарбий хизмат* — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури<sup>2</sup>. Ҳарбий хизмат расмий давлат хизматлари турларидан бири бўлиб, умумий ҳарбий мажбуриятни адо этишга турлича ёндашув имкониятларини назарда тутди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ҳарбий хизмат турларини белгилаб, шуларга биноан умумий ҳарбий мажбуриятни ўташнинг алоҳида тартиби ҳамда Конституцияга биноан мамлакатни мудофаа этиш мажбуриятларини бажариши шарт бўлган шахсларнинг хизматни ўташ муддати ва бошқа ҳолатларни белгилаган.

Шарҳланаётган модда муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати ҳамда муқобил хизматдан бўйин товлаш учун жавобгарликни белгилайди.

3. *Муддатли ҳарбий хизмат* — чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

- муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — тўққиз ой);

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 38-модда.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 4-модда.

• муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун — тўққиз ой қилиб белгиланади<sup>1</sup>.

4. *Муқобил хизмат* — фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида тури<sup>2</sup>.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуроли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса, ўн саккиз ойни ташкил этади.

5. *Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат* деганда, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ, Қуроли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олиниши тушунилади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-варағига пул бадаллари киритилишини назарда тутлади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига шахслар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуроли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 5-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 37-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 6-модда.

6. Резервдаги хизматни ўташ ёки резервчилар хизмати — бу ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Куролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сифини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек, уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат тури.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажарилиши учун зарур бўлган кўникмаларни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Резервчилардан уруш давридан ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонига биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Куролли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби ва муддатлари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 5-бобиди ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳарбий хизматга чақирув, сафарбарлик чақирув резервга олиниш, ҳарбий хизматни ўташнинг ва резервдаги хизматни ўташнинг белгиланган тартиби ҳисобланади ва у давлат бошқарув органлари нормал тартибдаги фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Амалдаги қонунчиликка биноан хизматга чақирув ва сафарбарлик чақирувидан бевосита ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга тайёргарлик сифатида фойдаланилади, яъни бу ҳақиқатда ҳарбий хизмат эмас. Шунинг учун, шарҳланаётган жиноят ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар жумласига қирмайди.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йилига икки марта: апрел-май ва октябр-ноябр ойларида ўтказилади<sup>1</sup>.

8. Объектив томондан ЖКнинг 225-модда, 1-қисмида кўзда тутилган жиноят ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирувдан, сафарбарлик чақирув резерви сафига олинишдан ёки Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлашда ифодаланади.

Бўйин товлани деганда, чақирув ёшидаги шахс томонидан Конституцияда назарда тутилган ўз фуқаролик бурчини бажармаслик учун фойдаланган ҳар қандай усулни тушуниш зарур.

Бўйин товлани узрли сабабларсиз, ҳужжатларни қалбакилаштириш, алдаш ва бошқа йўллар билан чақириш пунктига белгиланган вақтда етиб келмасликда ифодаланиши мумкин. Ана шу усулларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматни ўтамасликка қаратилган бўлади.

Сафарбарлик чақирув резерви сафига олинишдан бўйин товлани ҳам турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ва сафарбарлик чақирув резерви хизматида олинишдан қочишга мўлжалланган актив ва пассив ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Резервда хизматни ўташдан бўйин товлани Ўзбекистон Республикасининг нормал фаолиятига хавfli табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш учун мўлжалланган ҳарбий йиғинлардан бош тортишни назарда тутати<sup>2</sup>.

9. Чақирилувчининг меҳнат лаёқатини йўқотиш билан боғлиқ касаллиги ёки майиблиги; чақирилувчининг яқин туғингани вафот этгани ёки оғир бетоблиги; табиий йўсиндаги тўсиқлар ёки чақирилувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, унинг чақирув комиссиясига ёки сафга олиниш жойига, сафарбарлик ёки резерв хизматини ўташ учун етиб келишга тўсқинлик қилган шарт-шароитлар (ёнғин, сув тошқини, транспорт фалокати ва ҳоказолар) узрли сабаблар ҳисобланади.

Касаллиги муносабати билан чақирув пунктига келиш имкониятининг бўлмаганлиги шифокор томонидан берилган ҳужжатлар билан, табиий шарт-шароитлар муносабати билан етиб келиш имкониятининг бўлмаганлиги давлат ҳокимияти органларининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 19-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 32-модда.

10. Чақирилувчини ЖКнинг 225-моддаси, 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масала, фақатгина унга илгари йил давомида узрли сабабларсиз ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан ҳамда Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлагани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 237-моддаси ёки 239-моддаси асосида маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлса, қўзғатилади.

11. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резерви хизматни ўташдан бўйин товлаш чақирув муддати тайинланган пайт тамом бўлгандан эътиборан тугалланган жиноят ҳисобланади.

12. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товлашнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланишидир. Айбдор чақирув сафига олиниш ёки ҳарбий муқобил хизматни ўташ билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаётганини англайди, узрли сабабларсиз ва гайриқонуний равишда чақирув пунктларига бормаслигини билади ва бундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

13. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлашнинг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, чақирув кунига қадар ўн саккиз ёшга тўлган ҳарбий хизматга чақирувдан озод этилиш ёки уни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак жинсига мансуб шахс тан олиниши мумкин.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида ҳарбий резерв сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервида хизматни ўташдан бўйин товлаш:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилганда белгиланадиган жиноий жавобгарлик кўзда тутилади.

15. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш мақсадида ўз баданига шикаст етказишни ЖКнинг 225-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш керак. Ўз баданига жароҳат етказиш деб, баданнинг бирон-бир аъзо ёки тўқималарини қасддан жароҳатлаш, уларнинг функцияларини турли усуллар билан бузиб, ҳарбий чақирувдан ёки хизматдан бўйин товлашга айтилади. Соғлиққа зарар (шикаст) айбдорнинг ўзи томонидан ҳамда унинг илтимоси билан бошқа шахс томонидан ҳам етказилиши мумкин.

Шикаст бошқа шахс томонидан етказилган бўлса, шахс баданга тегишли даражада шикаст етказиш ва шарҳланаётган жино-

ятни содир этишга ёрдам берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда шахс шикаст етказётганда ўзининг ҳаракатларини идрок этгани ва баданга шикаст етказишни ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақирuvi резерви сафига олинишдан, Қуролли Кучлар резервидан бўйин товлашда ёрдам бераётганлигини билганини аниқлаш лозим.

Қонун соғлиққа зарар қандай даражада бўлишини кўрсатмайди. Лекин ЖКнинг 225-моддаси, 2-қисмининг мазмунига кўра, бу ҳарбий хизматни ўташдан озод этилиши учун етарли асос бўлиши керак.

16. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақирuvi резерви сафига олинишдан ёки резервда хизматни ўташдан ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан бўйин товлашни ЖКнинг 225-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш керак.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш деганда, ҳарбий ёки муқобил хизмат, сафарбарлик чақирuvi резерви, резервда хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида ҳарбий хизматдан озод этилишга асос бўла оладиган сохта ҳужжатларни тақдим этиш тушунилади. Қалбакилаштиришнинг мақсади — навбатдаги ҳарбий чақирув, хизмат ёки сафга олинишдан бўйин товлаш бўлиб, бунда чақирув комиссиясига шахснинг соғлиги, ёши, оиласининг таркиби сингари бирон-бир фактлар ёки муддатли ҳарбий хизматга чақирувга, сафга олинишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай бошқа маълумотлар борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ҳарбий ёки муқобил хизматдан сафарбарлик чақирuvi резерви сафига олинишдан ёки резервда хизматни ўташдан ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали бўйин товлаш ЖКнинг 228-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

Бошқача алдаш деганда, шахснинг ҳарбий ёки муқобил хизмат, сафарбарлик чақирuvi резерви сафида, резерв хизматида бўйин товлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳамда унинг ёрдамида мудофаа ва муқобил хизмат органларини чақирувдан озод этиш ҳақида қонуний асос борлигини ишонтиришга, уларни янгилаштиришга имкон берадиган ҳар қандай усулни тушуниш лозим. Масалан, комиссияга ўзининг ўрнига бошқа, олдиндан ҳарбий хизматга яроқсиз шахсни юбориш, чақирув комиссиясига ҳарбий хизматга чақирив масаласига таъсир этадиган ёлғон маълумотларни бериш ва ҳоказо.

17. ЖКнинг 225-моддаси, 2-қисми, «а» бандида белгиланган жиноят баданга шикаст етказиш пайтдан эътиборан тугалланган, деб ҳисобланади. Жиноят кодексининг 225-моддаси, 2-қисми, «б»



бандида назарда тутилган жиноят эса, айбдорга ҳарбий ёки муқобил хизматдан, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинишдан, резервда хизматни ўташдан озод бўлиш имконини берадиган қалбаки ҳужжат тақдим этилган ёки бошқача алдаш содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

18. ЖКнинг 225-моддаси, 3-қисми объектив томони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирилишдан бўйин товлашда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 46-моддаси уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш тартиби ва шартларини белгилайди.

Фуқароларнинг сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида ўтказилади.

Сафарбарлик эълон қилинган тақдирда, бу вақтда ҳарбий хизматда ва ҳарбий йиғинларда бўлган барча фуқаролар алоҳида фармойиш берилгунга қадар хизматни давом эттириб туради, ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари бекор қилинади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўзлари қайд этилган жойдаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари органида, ҳарбий хизматчилар эса, хизматни ўтаётган жойда ҳозир бўлиши шарт. Сафарбарлик эълон қилиниши билан туман (шаҳар) комиссияларининг чақирилиш ёшдаги фуқароларнинг чақирилиш муддатини кечиктириш ва уларни чақирилишдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинади. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳамда чақирилишдан озод этиш бундан кейин фақат саломатлиги ҳолатига кўра ва махсус ҳисобда турганлигига қараб қўлланиши мумкин.

Сафарбарлик эълон қилинганида ва уруш даврида ҳарбий хизматга ўн саккиз ёшдан бошлаб «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда белгиланган резерв ва захирада бўлиш ёши чегарасига қадар ёшдаги ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳамда ҳарбий рўйхатда турмаган ўн саккиз ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган аёллар (ўн олти ёшгача бўлган болалари бор аёллар бундан мустасно) чақирилишлари мумкин.

Сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақирилиш фақат мудофаа ишлари органлари томонидан амалга оширилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 46-модда.

19. Сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаш шахснинг узрли сабабларсиз сафарбарлик кўрсатмасида қайд этилган муддатда чақирилиш пунктига етиб келмаслиги ёхуд ғайриқонуний равишда сафарбарликдан озод бўлишда (қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, ёлғондакам касал бўлиб ва ҳоказоларда) ифодаланadi.

20. Жиноят сафарбарликдан бўйин товланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

21. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мотив ва мақсаднинг жиноятни квалификация қилиш учун аҳамияти йўқ.

22. Жиноятнинг субъекти муддатли ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилмаган, сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган ҳамда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтагандан кейин резерв ёки захирага ўтказилган шахс ҳисобланади. Резервда ва захирадаги хизматнинг ёш чегараси қонун билан белгиланади.

## 226-модда. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш

*Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузиши, мазкур шахсга шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Маъмурий назорат қоидаларни бузиш:*

а) маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

б) маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаслиги тўғрисида содир этилган бўлса

— икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра маъмурий назорат тарбиявий ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган таъсир чораларининг йиғиндиси бўлиб, назорат остидаги шахсларга маъмурий чеклашларни татбиқ этишдан иборатдир.

2. Ушбу Қонуннинг 4-моддасига асосан, маъмурий назорат вояга етган кўйидаги шахсларга нисбатан:

• оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

• оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар;

• ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан ўрнатилади.

3. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгиланишича, маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланилиши мумкин:

• куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш;

• туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишини тақиқлаш;

• ички ишлар идоралари (милиция)нинг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

• рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача милицияга келиб учрашиш.

4. Маъмурий назорат остида турган шахс ҳалол меҳнат қилиб кун кечириши, жамоат тартибини бузмаслиги, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, қуйидаги қоидаларга риоя этиши шарт:

• милициянинг чақирувига биноан кўрсатилган муддатда бориш ҳамда маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;

• ишлаш ёки яшаш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек, туман (шаҳар)дан ташқарига кетаётгани тўғрисида маъмурий назоратни амалга ошираётган милиция ходимларини бир кеча-кундузда хабардор қилиш;

• бошқа аҳоли манзилгоҳига борганида ва у ерда бир кеча-кундуздан кўпроқ вақт туриб қолганида маҳаллий ички ишлар (милиция) бўлимида рўйхатдан ўтиш;

• «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғриси-

қатъи Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган, унга нисбатан қўлланилган чеклашларга риоя этиш.

Чеклашлар рўйхати қатъий ҳисобланади, бу рўйхатни кенгайтириш мумкин эмас.

5. Судьянинг қарори маъмурий назорат ўрнатилиши учун асос ҳисобланади. Судья озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш ҳудудидаги ёки шахс яшаётган ички ишлар органи бошлиғининг жазога ҳукм қилинган шахснинг тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш нўлига ўтишни асло истамаганлигидан далолат берувчи тақдимнома олинган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай қарор чиқаради.

Судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорда назорат белгиланишига нималар сабаб бўлганлиги, назорат муддатини, назорат остидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган чеклашларни, агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишда белгиланган бўлса, унинг танланган яшаш жойига етиб келиш муддати кўрсатилади.

Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга белгиланади. Назоратни амалга ошириш муддати оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса ёки ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан яшаш жойига етиб келган пайтдан бошлаб, шунингдек, оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказётган шахсларга нисбатан судья маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор чиқарган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Маъмурий назорат муддати ички ишлар идораларининг тақдимномасига биноан, ҳар сафар яна олти ойга узайтирилиши мумкин, лекин узайтирилган назорат муддати мазкур жиноят учун белгиланган судланганлик муҳлатининг тугаши ёки судланганликни олиб ташланиши учун қонунда назарда тутилган муддатлардан ошмаслиги лозим.

6. Маъмурий назорат қуйидаги ҳолларда, яъни:

- маъмурий назорат олиб бориш учун белгиланган муддат туганидан кейин, агар уни узайтиришга асос бўлмаса;
- муддатидан илгари, башарти, назорат остида бўлган шахс тузалиш йўлига қатъиян ўтганлиги, ишда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатганлиги аниқланган бўлса;
- судланганлик муҳлати тугаган ёки судланганлиги олиб ташланган ҳолларда тўхтатилади.

7. Жиноят объекти маъмурий назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартиби, маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар идораларининг нормал фаолияти ҳисобланади.

8. Жиноят объектив томондан маъмурий назорат қўлланилган шахслар томонидан маъмурий назоратнинг у ёки бу қоидаси бузилишида ифодаланади. Қонунда кўрсатиб ўтилган қоида бузилишларининг рўйхати қатъий бўлиб, маъмурий назорат остидаги шахсларга нисбатан бошқа ҳеч қандай чеклашлар белгиланиши мумкин эмас.

9. «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуннинг бирон-бир банди бузилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади. Башарти, маъмурий назорат қоидалари худди шундай қилмиши учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилган бўлса, у ЖКнинг 226-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

10. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятни содир этиш мотиви ва кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

11. Жиноят субъекти фақат нисбатан маъмурий назорат қўлланилган шахс ҳисобланади.

12. ЖКнинг 226-моддаси, 2-қисмида:

а) маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;

б) маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабларсиз муайян муддатда етиб келмаганлиги туфайли маъмурий назорат қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

13. Истиқомат жойидан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш деганда, устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахснинг маъмурий назоратни амалга ошираётган ички ишлар идораларининг расмий ижозатисиз истиқомат жойидан кетиб қолишини тушуниш лозим.

Либдорнинг қилмишини ЖКнинг 226-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиш учун унинг маъмурий назоратдан қандай мақсадни кўзлаб бўйин товлаганини аниқлаш зарур, акс ҳолда, либдорнинг хатти-ҳаракатини ЖКнинг 226-моддаси, 2-қисми, 2-банди бўйича квалификация қилиб бўлмайди.

**227-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар,  
бланкаларни эгаллаш, nobud  
қилиш, уларга шикаст етказиш  
ёки уларни яшириш**

*Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, шунингдек, уларни nobud қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш гаразгўйлик ёки бошқа наст ниятларда содир этилган бўлса*  
— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

*а) паспорт, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий хужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳум аҳамиятга эга бўлган хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган бўлса;*

*б) оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у расмий хужжатларни юритиш тартибини бузиб, бунинг оқибатида фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқларига зарар етказади. Кўпинча хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, nobud қилиш, уларга шикаст етказиш ёки яшириш бошқа жиноятларни содир этиш учун шарт-шароит яратиб беради (масалан, талон-тарож қилиш, мансаб сохтакорлиги, контрабанда ва ҳоказо).

2. Жиноятнинг объекти сифатида қонунчилик ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг талабларига биноан ўрнатилган расмий хужжатларни қайд этиш, юритиш ва сақлаш тартиби бўйича муносабатлар ҳамда фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари тушунилади. Шарҳланаётган жиноят предметлари хужжат, штамп, муҳр ва бланкалар ҳисобланади. Қонунда кўрсатилган предметлардан асосийси «хужжат»

тушунчасидир, чунки штамплар, муҳр ва бланкалар айна хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш учун мўлжалланган.

3. *Хужжат* – юридик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар мавжуд ёзма акт. Жиноят предмети сифатида қонун, шунингдек, паспорт, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий хужжатни қайд этиб ўтади (хужжат, расмий хужжат тушунчалари ҳақида ЖКнинг 209-моддаси шарҳига қаранг).

4. *Шарҳланаётган жиноят предмети*га, шунингдек, электрон хужжатни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатларнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган ахборот электрон хужжат<sup>1</sup>, дейилади. Электрон хужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Шу муносабат билан, тегишли шарт-шароитлар мавжудлигида электрон хужжатни эгаллаш, нобуд қилиш, унга шикаст етказиш ёки яширишда айбдор шахс жиноятлар мажмуи тариқасида шарҳланаётган модда ва ЖКнинг 174-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши керак. Бироқ, агар электрон хужжатга нисбатан жиноят компьютер тизимида кирмасдан содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 227-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

5. *Штамп* – уларга нисбатан тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган ахборотни тасдиқлаш ёки хужжатларни рўйхатга олиш воситаси. Штамплар бурчак, рўйхатга олиш (ҳисоб), ахборот, шунингдек, шахсий штампларга бўлинади.

*Бурчак штамп* – юридик шахс, якка тартибдаги тadbиркор ёки юридик шахсни ташкил этмайдиган деҳқон хўжалиги номидан чиқадаган хужжатларга қўйиладиган штамп.

*Рўйхатга олиш (ҳисоб) штамп*и – хужжатларни рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш учун ишлатиладиган штамп, шу жумладан, расмий штамп.

*Ахборот штамплари* – юридик шахс, якка тартибдаги тadbиркор, юридик шахсни ташкил этмайдиган деҳқон хўжалигининг, шунингдек, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ахборий тусдаги, бурчак ва рўйхатга олиш штампларига кирмайдиган бошқа штамплари.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни, 5-модда.

*Шахсий штамп* – жисмоний шахслар ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган, номли ёки номсиз штамп<sup>1</sup>.

6. *Муҳр* – юридик ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи ёзилган матннинг рельефли ёки ўйма тасвирдан иборат ва қоғозда, сақичда, пластилинда ёки бошқа материалларда ўзидан нусха қолдириш учун хизмат қилувчи босма қолип. Штампнинг босмасидан фарқли ўлароқ, муҳрнинг босмасига тузатиш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас.

Муҳр ваколатли шахс томонидан у билдирган истак-хоҳишнинг ёки унга нисбатан тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби белгиланган бошқа ахборотнинг ҳақиқийлигини қўшимча равишда расман тасдиқлаш учун ишлатиладиган восита. Муҳрлар асосий, таркибий, шахсий ва ёрдамчи муҳрларга бўлинади.

*Асосий муҳр* – юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахсни ташкил этмайдиган деҳқон хўжалиги номидан чиқадиган ҳужжатларни тасдиқлаш учун ишлатиладиган муҳр. Бунда шартномалар, ишончномалар, банк ҳужжатлари ва пул ҳамда моддий маблағларни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар фақат асосий муҳрлар билан тасдиқланади.

*Таркибий муҳр* – бевосита юридик шахснинг таркибий бўлинмаси номидан чиқадиган ҳужжатларни тасдиқлаш учун ишлатиладиган муҳр.

*Шахсий муҳр* – хусусий амалиёт билан шуғулланадиган ёки даволаш муассасаларида ишлайдиган шифокорлар томонидан тиббий ҳужжатларни тасдиқлаш учун ишлатиладиган муҳр, шунингдек, нотариуслар ишлатадиган муҳр.

*Ёрдамчи муҳр* – юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсни ташкил этмайдиган деҳқон хўжаликлари-нинг уларнинг асосий муҳр билан тасдиқлашни талаб этмайдиган ички ҳужжатларини тасдиқлаш учун ишлатиладиган муҳр<sup>2</sup>.

Муҳрларнинг алоҳида турини давлат герби туширилган доира шаклига эга бўлган гербли муҳрлар ташкил этади<sup>3</sup>.

Муҳрлар турли хил жисмлар (резина, каучук, пластмасса)дан тайёрланади, турли конфигурацияга ва бошқа ўзига хос белги-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 15 сентябрдаги 255-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 1-банд.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 15 сентябрдаги 255-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом, 1-банд.

<sup>3</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 428.



ларга эга. Муҳрлар жумласига, шунингдек, хоналар, омборхоналар, ўрамлар ва ҳоказоларни хатлаш мақсадида сақичда, пластлинда муҳр ўрнида босиладиган босма қолиплар ҳам киради.

7. *Бланка* — бу бурчак ёки марказда штамп босмаси туширилган ёки исталган усулда штамп матни босилган ёки бошқа матнли (матнли расм) бўлган ҳамда ҳужжатни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қоғоз варағи (лицензия, паспорт, гувоҳнома, сўровнома, ариза ва бошқалар бланкаси). Булар орасида қатъий ҳисобдаги бланкалар ажралиб туради, улар алоҳида тартиб рақами (серияси), махсус фойдаланиш режимига эга<sup>1</sup>. Шарҳланаётган жиноят предметиға фақат қатъий ҳисобдаги бланкалар киради.

8. *Паспорт* — Ўзбекистон Республикасида ва қатор чет эл мамлакатларида шахсни ва фуқароликни тасдиқловчи умумий расмий ҳужжат (фуқаро паспорти, умумфуқаро хорижий паспорти, хизмат хорижий паспорти). Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат<sup>2</sup>.

*Ҳарбий билет* — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳарбий хизматға муносабатини, унинг шахсини ва ҳарбий унвонини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Бошқа муҳим шахсий ҳужжатларға: алоҳида категорияли фуқаролар учун паспорт вазифасини бажарувчи ҳужжатлар (ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, тугилганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет, пенсия гувоҳномаси ва ҳоказо); айрим хорижий юртларда паспорт вазифасини бажарувчи ҳужжатлар (ҳайдовчи гувоҳномаси, суғурта карточкаси ва бошқалар); шакланган ҳуқуқий татбиқ этиш амалиётиға кўра муҳим шахсий ҳужжатлар сирасига кирадиган бошқа ҳужжатлар (олий ўқув юртини битирганлик тўғрисидаги диплом, илмий даража ва илмий унвонларни тасдиқловчи диплом ва аттестатлар, хизмат гувоҳномаси, меҳнат дафтарчаси ва ҳоказолар).

10. ЖКнинг 227-моддаси, 1-қисмида жавобгарлик кўзда тутилган жиноятнинг объектив томони ҳужжат, штамп, муҳр ва бланка билан шарҳланаётган модданинг диспозициясида берилган қуйидаги альтернатив ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади: эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш, яшириш. Бу ҳаракатлар-

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 59.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, 2-банди. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999, 3-сон, 65-модда.

дан бирон-бири модданинг диспозициясидаги предметлардан бирига нисбатан содир этилиши жиноий жазога лойиқ топилиб, қонун бўйича таъқиб этилади.

11. *Хужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) эгаллаш деганда, кўрсатилган предметларни расмий хужжат айланишидан ёки эгаликдан исталган усул орқали ғайриқонуний чиқариш ва уларни тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда ўзининг ёхуд бошқа шахсининг фойдасига ўзлаштириш тушунилади. Хужжатларни, муҳрларни ва бошқа қонунда кўрсатилган предметларни эгаллаш пайтида зўрлик ишлатилган ҳолларда қилмишни шахсга қарши жиноятнинг тегишли моддаси билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиш зарур.*

Жиноят хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар ҳақиқатда ҳам айбдор ихтиёрига ўтган пайдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

12. *Хужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) нобуд қилиш – бу айтиб ўтилган предметларни идентификация қилиш ва улардан хизмат мақсадида фойдаланиш имкониятининг қолдирилмаганлиги. Нобуд қилиш деб, натижада жиноят предметлари моддий, жисмонан мутлақо йўқолиб кетишига сабаб бўлган ҳар қандай ҳаракатларни тан олиш керак.*

Кўрсатиб ўтилган предметларни айбдор шундай ҳолатга келтирган пайдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

13. *Хужжатга (штамп, муҳр ва ҳоказоларга) шикаст етказиш – бу айтиб ўтилган предметларни идентификация қилиш мумкин бўлган, аммо уларни қайта тикламай туриб, хизмат мақсадларида фойдаланиш анча қийин ёки мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтирган зарар етказиш.*

Хужжатни ўзгартирилган шаклда фойдаланиш учун унинг мазмунини қасдан ўзгартириб етказилган шикаст ЖКнинг 209-моддаси ёки ЖКнинг 228-моддаси бўйича квалификация қилинади.

14. *Хужжатни (штамп, муҳр ва ҳоказоларни) яшириш – айтиб ўтилган предметларнинг улардан адресатга, эгасига, ижрочига хизмат мақсадларида фойдаланиш имконини бермайдиган даражада яшириб қўйилиши.*

Жиноят яшириб қўйилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. *Жиноятни ЖКнинг 227-моддаси бўйича квалификация қилиш учун шарҳланаётган қилмиш предметлари кимнинг тасарруфида эканлигининг аҳамияти йўқ. Улар юридик шахс, муассаса, корхона ёки оддий шахсининг тасарруфида бўлиши мумкин.*

16. Жиноятнинг субъектив томони айб тўғри қасд шаклида, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар (қасос, рашк ва бошқалар) мавжуд бўлиши шартлиги билан тавсифланади.

17. (Ғаразли мақсад ва бошқа шахсий манфаатдорлик тушунчалари ҳақида ЖКнинг 205, 209-моддалари шарҳларига қаранг).

18. Субъект ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Агар ЖКнинг 227-моддаси диспозициясида қайд этилган ҳаракатларнинг бирон-бири мансабдор шахс томонидан ўзининг хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этилса, унинг ҳаракатларини жиноятлар мажмуи тариқасида ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш сифатида ва шарҳланаётган модданинг тегишли қисми бўйича квалификация қилиш зарур.

19. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида:

а) паспорт, ҳарбий билет ёки бошқа ўта муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларга нисбатан содир этилган;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлган жиноят предметларини эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ёки яшириш учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳужжатларнинг ўта муҳимлиги ва келиб чиққан оқибатларнинг оғир ёки оғирмаслиги суд томонидан ҳар бир муайян ҳолатда алоҳида ҳал этилади.

20. Ўта муҳим ҳужжатлар деб, жумладан, давлат сири, ҳарбий сир, тадбиркорлик ёки банк сирларини ўз ичига олган ҳужжатларни, жиноят ишида мавжуд бўлган процессуал ҳужжатларни тан олиш керак.

Ўта муҳим бланкаларга олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг бланкалари, масалан, хусусийлаштириш ордери, савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар бланкалари киради.

Оғир оқибатларга давлат сирларининг ошкор этилиши, корхона, муассаса, ташкилотлар фаолиятидаги тўхташлар, уларга жуда кўп зарар келтириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказишни киритиш мумкин.

**228-модда. Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш**

*Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қал-*

бакилаштириши ёхуд бундай хужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларни тайёрлаш ёки сотиш

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб содир этилган бўлса

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган моддани қўллаш соҳаси — хужжатшунослик, расмий хужжатлар, штамплар, муҳрлар ва ҳоказоларнинг айланиши.

Мақсади — давлат, корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг манфаатларини хужжат, штамп, муҳр, бланкаларни ғайриқонуний ишлатишдан ҳимоя қилиш. Хужжат, штамп, муҳр, бланкаларни қалбакилаштириш ва кейинги ишлатиш оқибатида корхона, муассаса, ташкилотларнинг нормал фаолияти бузилиши ҳамда алоҳида фуқароларнинг қонуний манфаатларига зарар етиши мумкин. Қалбаки хужжат кўпинча хавфлироқ (фирибгарлик ва ҳоказо) жиноятларни содир этиш учун ишлатилади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти хужжатлар, штамп, муҳр, бланкаларни, яъни бирон-бир фактни тасдиқловчи, бирон ҳуқуқ ёки мажбуриятларни ўрнатувчи ёки улардан овоз огувчи моддий жисмларнинг айланиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар ҳисобланади.

3. ЖКнинг 228-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг предметлари: ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятдан овоз огувчи расмий хужжатлар, штамп, муҳр, бланкалар ҳисобланади.

Шарҳланаётган жиноятнинг предмети, шунингдек, расмий электрон хужжатлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, расмий электрон хужжатни тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш, фойдаланишда айбдор шахснинг ҳаракатлари, тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда, жиноятлар мажмуи бўйича шарҳланаётган модда ва ЖКнинг 174-моддаси билан квалификация қилиниши зарур, бироқ, агар шарҳланаётган жиноят расмий элек-

трон ҳужжатга нисбатан компьютер тизимига кирмасдан содир этилса, айбдорнинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 228-моддаси бўйича квалификация қилиниши шарт.

4. (Расмий ҳужжатлар, штамп, муҳр, бланкалар тушунчалари ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 205, 209, 227-моддалари шарҳларига қаранг).

5. ЖКнинг 228-моддаси, 1-қисмида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг объектив томони қуйидаги ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади:

- муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) тайёрлаш;

- расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) қалбакилаштириш;

- тайёрланган, қалбакилаштирилган расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) сотиш.

Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони фақат айбдорнинг актив (фаол) ҳаракатлари орқали амалга оширилади.

6. Расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) тайёрлаш — бу асл ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкаси) нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритиш билан амалга оширилади.

7. Расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) қалбакилаштириш — бу асл ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкаси) мазмуни ёки шаклини тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний модификация қилиш (ўзгартириш). Қалбакилаштириш усуллари жиноятни квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Қалбакилаштириш ўчириш, қўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни)нинг бир қисмини йўқ қилиш, қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан содир этилиши мумкин (масалан, паспортга хорижга чиқиш рухсатини берадиган стикернинг қалбакисини ёпиштириш).

Хусусий шахс томонидан чиқаётган ҳужжатни қалбакилаштириш (тилхат, ишончнома ва ҳоказолар) ЖКнинг 228-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас. Агар бундай ҳужжатларни қалбакилаштириш қандайдир бошқа жиноятни (фириб-

гарлик, товламачилик ва бошқ.) содир этиш учун амалга оширилган бўлса, айбдорларнинг ҳаракатлари тегишли жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш, деб квалификация қилинади.

8. Қалбаки ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) сотиш – бу бегоналаштириш шаклидан қатъий назар, уни бегоналаштириш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат. Сотиш ҳар қандай усулда: сотув, алмаштириш, ҳадя этиш ва ҳоказо усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Сотиш қалбакилаштирувчининг ўзи томонидан ёки бошқа қалбакилаштириш учун жавобгар бўлмаган, лекин ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳр бланкасининг) қалбакилигини англамаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар шахс ҳужжатнинг қалбакилигини англамаган ёки англаши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, у ЖКнинг 228-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

9. Айтилган предметлар тайёрланган, қалбакилаштирилган ёки сотилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

10. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят айбдорда тўғри қасд мавжудлиги билан тавсифланади. Айбдор расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини) тайёрлаётгани, қалбакилаштираётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш жиноят таркибининг зарурий элементи мақсад – қалбакилаштирувчи ёки бошқа шахс томонидан ундан фойдаланиш бўлиши лозим. Агар айбдорда бундай мақсад бўлмаган бўлса, унга ЖКнинг 228-моддаси қўлланиши мумкин эмас. Қалбаки ҳужжат, штамп, муҳр, бланкаларни сотиш учун жавобгарлик сотиш мақсадидан қатъий назар, келиб чиқади.

11. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Агар расмий ҳужжатни қалбакилаштириш мансабдор шахс томонидан амалга оширилган бўлса, ушбу шахс ЖКнинг 209-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши шарт. Бунда унинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш талаб этилмайди. Бироқ, мансабдор шахс томонидан, расмий ҳужжатни қалбакилаштирмаган ҳолда, олдиндан била туриб қалбаки ҳужжатдан фойдаланилишини ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисмига асосан квалификация қилиш зарур.

12. Шарҳланаётган жиноятнинг квалификация қилиш тури ЖКнинг 228-моддаси, 2-қисми, «а» бандида мавжуд бўлиб, у 1-қисмда берилган ҳаракатларни такроран, яъни турли вақтда содир этганлик учун жавобгарликни белгилайди.

(Такрорийлик тушунчаси ҳақида тўлиқроқ ЖКнинг 32-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган жиноятнинг хавfli рецидивист томонидан содир этилиши ЖКнинг 228-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 34-моддаси шарҳига қаранг).

Бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб содир этган жиноятлари ЖКнинг 228-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади (ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

13. Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисмида назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

*Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш* – бу айбдорнинг ушбу хужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатлари. Фойдаланиш сирдан қалбаки хужжатни намоиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин. Хужжатни тайёрлаган ёки қалбакилаштирган шахс ўзи хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланса, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация этиш зарур, чунки шахс томонидан айна бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади.

14. ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисми қалбаки штамп, муҳр, бланкалардан фойдаланиш учун жавобгарликни кўзда тутмайди. Ушбу предметлардан хужжатни қалбакилаштириш учун фойдаланиш шарҳланаётган модданинг 1-қисми белгиларига тўғри келади.

15. ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисмида кўзда тутилган жиноят муайян ҳуқуққа эга бўлиш ёки муайян мажбуриятлардан озод бўлиш пайтидан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Бироқ, айбдор хоҳлаган натижасига эриша олмаган тақдирда, унинг ҳаракатларини қалбаки хужжатдан фойдаланишга суиқасд қилиш, деб квалификация қилиш лозим (масалан, мансабдор шахс, унга қалбаки хужжат тақдим этилганда, унинг қалбакилаштирилганини аниқлайди ва айбдор хоҳлаган натижасига эришмайди).

16. Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланишнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Айбдор хужжатнинг мазмуни ҳақиқатга тўғри келмаслигини, ўзига қандайдир ҳуқуқларни таъминловчи ёки бирор мажбуриятдан озод этувчи хужжат қалбаки эканлигини била туриб фойдаланаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди ҳам.

17. Ҳужжатнинг қалбаки эканини била туриб, ундан фойдаланиш, бошқа бир жиноятнинг, масалан, ЖКнинг 290-моддаси, 1 қисмида, 225-моддаси, 2-қисми, «б» бандида белгиланган жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлганда, ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисми бўйича квалификация қилишни талаб этмайди.

**228<sup>1</sup>-модда. Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш<sup>1</sup>**

*Фарзғўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уни қалбакилаштириш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб содир этилган бўлса

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. 2001 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади — реализация қилишга мўлжалланган қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини (пробасини) аниқлаш ва тамғалаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Заргарлик буюмлари, олтин зарварақ, кумуш зарварақ ва тиш ясашга мўлжалланган олтин қуйилмалар қимматбаҳо металллардан ясалган, тамғаланиши лозим бўлган буюмлардир.

2. Жиноят объекти — проба назорати инспекциялари томонидан тамғаланиши шарт бўлган ва қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар билан муомала қилиш тартиби.

Жиноят предмети — давлат-проба тамғаси, яъни заргарлик буюмларида ва бошқа предметларда заргарлик буюмлари ишлаб чиқариладиган олтин, кумуш ва платинанинг миқдорини аниқловчи там-

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.



га ёки белги, давлат проба тамғаси тасдиқлаш белгиси ва проба белгисидан ташкил топиб, улар бирга ёки алоҳида тушунилиши мумкин. Ушбу белги заргарлик буюми ёки бошқа предметлар проба назорати инспекциясида текширилган ва тамғада кўрсатилган пробадан кам бўлмаган пробага эгалигини билдиради.

3. Объектив томондан жиноят тамағирлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек, уни қалбакилаштиришда ифодаланади.

4. Қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, давлат проба тамғаларини расмий рухсатсиз тайёрлашни тушуниш лозим.

5. Қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, давлат проба тамғаларини ва қонунга хилоф равишда тайёрланган проба тамғаларини сотиш, совға қилиш, алмашиш ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар орқали бегона шахслар ихтиёрига ўтказишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

6. Давлат проба тамғасидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш деганда, давлат проба тамғасидан фойдаланган ҳолда белгиланган тартибга хилоф равишда ёки ғайриқонуний тайёрланган проба тамғаларидан фойдаланиб, қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмларга тамға туширишни тушуниш лозим.

7. Давлат проба тамғасини қалбакилаштириш деганда, давлат проба тамғасининг ҳар қандай белгисига қандайдир ўзгартиришлар киритишни тушуниш лозим.

8. Жиноят ҳар қандай ҳаракатлардан бири (тайёрлаш, ўтказиш, фойдаланиш, қалбакилаштириш) содир этилган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

9. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

Ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатдорлик жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

10. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Такрорийлик диспозицияда кўрсатилган ҳаракатлардан бирининг (тайёрлаш, ўтказиш, фойдаланиш, қалбакилаштириш) камида икки маротаба ҳар қандай кетма-кетликда содир этилишини назарда тутати.

Бир шахс томонидан давлат проба тамғасини тайёрлаш ва уни ўтказиш ёки ундан фойдаланиш такрорийлик белгисини ташкил этмайди.

Давлат проба тамғасини қалбакилаштириш ҳамда кейинчалик ундан фойдаланиш ёки уни ўтказиш такрорийлик белгисини ташкил этмайди. Бироқ, агар айбдор шахс давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаб, кейин уни ғайриқонуний равишда ўтказса ёки фойдаланса, сўнг бошқа давлат проба тамғасини қалбакилаштиради, ундай пайтда унинг ҳаракатларини (жиноятни такроран содир этиш белгисига кўра) ЖКнинг 228<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш зарур.

12. Давлат проба тамғасини тайёрлашда ёки уни ўтказишда, фойдаланиш ёки қалбакилаштиришда икки ёки ундан ортиқ шахс шундай ҳаракатларни ўзаро содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктирган ҳолда иштирок этса, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, деб тан олинади.

### 229-модда. Ўзбошимчалик

*Ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгиланади. Фуқароларнинг давлат томонидан ўрнатилган тартибга риоя қилмаслиги, биринчи навбатда, жамиятда ўрнатилган тартибга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир маромда фаолият олиб боришига тажовуз бўлиб, бу билан бошқа шахсларнинг, давлат ёки жамиятнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши хавфини туғдиради.

2. Шарҳланаётган жиноят объекти давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир меъёردа фаолият олиб бориши, ҳуқуқий тартибот ва қўшимча объект сифатида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамда давлат ва жамиятнинг қонунда белгиланган тартибда, виждонан ва ақл-идрок билан амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар соҳасидаги манфаатлари ҳисобланади.

3. Жиноятнинг объектив томони айбдорнинг ҳаракатларини, муайян оқибат келиб чиқишини ҳамда улар орасида сабабий боғланишни тавсифловчи қатор белгилардан иборат.

Ўзбошимчаликни содир этиш вақтида айбдор ўзича, яъни қонун томонидан берилган бирон-бир ваколатсиз ҳаракат қилади.

Ўзбошимчалик деганда, бирон-бир ҳаракатни содир этиш (йўлда тўсиқлар қуриш, ҳисоб рақамидан пул олиш ва ҳоказо) ёки айбдор ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага биноан ҳаракат қилиши шарт бўлганда, қонуний ҳужжат билан ўрнатилган бирор ҳуқуққа эга бўлиш ёки уни амалга ошириш тартибини бузган ҳоллардаги хавфсизлиги (пул ўтказишдан, бошқа бир буюмни келтириб беришдан, қайтаришдан қочиш, бўйин товлаш ва ҳоказолар) тушунилади.

Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда умумий амал қиладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорлари ва ҳоказолар) орқали ўрнатилган бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда ҳуқуққа эга бўлиш ёки ундан фойдаланишнинг ўрнатилган тартибини бузиш бошқа бир мустақил жиноятлар таркибини юзага келтириши мумкин: фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (ЖКнинг 142-моддаси), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖКнинг 144-моддаси), муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 149-моддаси) ва ҳоказолар. Бу ҳолда айбдор шахсларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиш зарур.

4. Ўзбошимчалик объектив томоннинг муҳим белгиси бўлиб, шахс томонидан айна ўзининг ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни бажариш тушунилади.

5. *Ҳақиқий ҳуқуқ* — шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатга асосан тегишли, лекин белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда амалга оширилган ҳуқуқ. Масалан, жабрланувчини қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида бировнинг мулкни ўзбошимчалик билан тортиб олиш.

Айрим ҳолларда судлар айбдорнинг қонуний ҳуқуқи бўлган ва жабрланувчи томонидан ғайриқонуний равишда ушлаб турилган мулкни зўрлик ишлатиб тортиб олиш ҳолларини хато тарзда босқинчилик, талончилик ва товламачилик, деб квалификация қилишади. Бундай ҳаракатлар ўзбошимчалик, деб квалификация қилиниши зарур. Ўзбошимчалик содир этилганда жисмоний ёки руҳий куч ишлатишни эса, шахсга қарши жиноят ва ўзбошимчалик жиноятлари мажмуи тариқасида квалификация қилиш лозим.

6. «...Қонунга биноан (ЖКнинг 165-моддаси) товламачилик унга ишнинг мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилишини судлар эътиборга олишлари керак. Шу сабабли, қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозим. Қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учун фоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади»<sup>1</sup>.

7. *Фараз қилинган ҳуқуқ* – бу шахс томонидан хато тарзда ўзига қонуний равишда тегишли, деб ҳисобланадиган, лекин қонунга мувофиқ унга тегишли бўлмаган ҳуқуқ (масалан, бировнинг кватирасига кўчиб келиш ва ҳоказо).

8. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш ўзбошимчалик объектив томонининг зарурий белгисидир.

Етказилган зиённинг жиддийлиги ҳар бир ҳолда содир этилган жиноятнинг алоҳида ҳолатларини назарда тутиб аниқланади. Масалан, жиддий зиён, деб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши тан олиниши мумкин.

Кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказмаган ўзбошимчалик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига мувофиқ, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

9. Кўп миқдорда зарар деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилиши лозим (Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Ўзбошимчаликнинг зарурий белгиси ҳисобланмиш жиддий зиён баҳоланадиган тушунчадир. Келтирилган зиённинг жиддийлиги, биринчи навбатда, унинг суд томонидан шундай баҳоланишига боғлиқ бўлиб, бунда жабрланувчи шахс ёки зиён кўрган юридик шахсларнинг ҳақиқий мулкрий ҳолати ва молиявий даромадини ҳисобга олган ҳолда келтирилган зиённинг салмоғига баҳо берилади. Жиддий зиён сифатида, мисол учун, фуқарони турар жойдан фойдаланиш имконидан маҳрум қилиш, соғлиқнинг ёмонлашувини келтириб чиқарган тан жароҳатлари етказиш кабилар тан олиниши мумкин. Белгиланган тартибни бузган ҳолда ҳуқуқни (ҳақиқий ёки фараз

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзга келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори, 11-бади.

қилинган) амалга ошириш билан келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш аниқланиши зарур.

10. Объектив томоннинг зарурий элементи – фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат мафаатларига кўп миқдорда зарар ёки зиён етказилиши мавжуд бўлиши юқорида санаб ўтилган оқибатлар келиб чиққандан кейин ўзбошимчалик тугалланган, деб тан олинишини билдиради.

11. Ўзбошимчаликнинг субъектив томони ўзбошимча ҳаракатларга нисбатан тўғри қасд ва фуқаролар, давлат ҳамда жамият ҳуқуқ ва манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён келтирган оқибатларга нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик билан тавсифланади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

12. Ўзбошимчалик субъектив томонининг зарурий белгиси унинг ўзичалигида, берухсатлигида: айбдор қонуннинг ёхуд шахс (шахслар)нинг рухсатсиз (санкциясиз) ёки белгиланган тартибга ҳилоф равишда ҳаракат қилаётганини ва бу билан фуқаролар, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузаётганини англайди ва шундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

13. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Ўзбошимча ҳаракатлар содир этиб, ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибни бузган мансабдор шахс, қонунда кўрсатилган тегишли белгилар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 205 ёки 206-моддалари бўйича мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлик ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарликка тортилади.

14. Агар айбдор ўзининг ўзбошимчалиги билан, яъни ўзбошимча тарзда ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларини амалга ошириб, бошқа оғирроқ жиноятни содир этган бўлса (масалан, қасддан оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳатини етказган бўлса), қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим (ЖКнинг 229-моддаси ва тегишли жиноят).

### **229<sup>1</sup>-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш<sup>1</sup>**

*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти ер участкаларини бошқариш ёки тақсимлашнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланади.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат бошқарув идораларининг рухсатисиз ернинг ўзлаштирилиши ёхуд унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

3. Ерни ўзлаштиришга, унда иншоотлар қуришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган, деб топилади.

4. Шунинг назарда тутиш керакки, модда маъмурий преюдицияга эга, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, айбдор жинорий жавобгарликка тортилади.

5. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Уни квалификация қилишда жиноятни содир этиш мотивлари ва ундан кўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

6. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Мансабдор шахс ўз мансабидан фойдаланиб, ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлса, унинг қилмиши, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖКнинг 205-моддаси ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

## **229<sup>2</sup>-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш<sup>1</sup>**

*Махсус диний маълумоти бўлмаётган туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

1. Жиноятнинг объекти диний таълимотлардан сабоқ беришнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.
2. Объектив томондан жиноят:
  - махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш;
  - хусусий тартибда диний таълимотлардан сабоқ бериш каби ҳаракатларда ифодаланади.
3. Мазкур модда маъмурий преюдицияга эга, яъни шахсни ЖКнинг 229<sup>2</sup>-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор махсус диний маълумоти бўлмайд туриб, айтилиши вақтда диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олмай, диний таълимотдан сабоқ берганлиги учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши шарт.
- Башарти, шахс диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатини олган, аммо махсус диний маълумоти бўлмайд туриб, диний таълимотлардан сабоқ бераётган бўлса, бундай ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.
4. Махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ берилган бўлган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.
5. Диний таълимотлардан сабоқ бериш хусусий тартибда олиб борилганда, яъни бундай фаолият айбдор шахс томонидан диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз амалга оширилганда ҳам ЖКнинг 229<sup>2</sup>-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқади.
6. Башарти, айбдор шахс диний таълимотлардан сабоқ бериш вақтида миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки қадр-қимматни камситувчи, диний эътиқодига ёки эътиқод қилмаслигига қараб фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларни содир этаётган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 229<sup>2</sup>-моддаси ва 156-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.
7. Субъектив томондан диний таълимотдан сабоқ бериш тартибининг бузилиши қасддан содир этилади. Жиноят мотиви ва ундан кўзланган мақсад квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.
8. Жиноят субъекти ун олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

**XVI боб. ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР****230-модда. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш**

*Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортиш*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат оғир ёки ўта оғир ижтимоий хавfli қилмиш содир этганликда айблаб содир этилса*

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, «жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахнинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади».

Айбсиз кишини жавобгарликка тортишнинг ижтимоий хавfli шундаки, бунда дастлабки тергов ва прокуратура органлари бўйига путур етишидан ташқари, қонунга риоя қилган ҳолда ҳаёт тарзини кечираётган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари жуда кўпол равишда бузилади, жиноятчилик билан гўёки мувафақиятли кураш кўриниши пайдо бўлади. Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш суд хатосига туртки бўлиши мумкин бўлган шарт-шароитларни яратади. Ундай ҳодисалар нисбатан тарқалганида, аҳолида ижтимоий ҳимоясизлик ҳисси пайдо бўлади, бу жамиятда кескинликни туғдириб, охир-оқибат ижтимоий-сиёсий вазият, аҳолининг ахлоқий муҳитига ўз таъсирини ўтказди.

2. Жиноятнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов босқичларида одил судловнинг манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавfli қилмишни содир этганликда айблаб жиноий жавобгарликка тортишда ифодаланади.

4. Айбсизлиги аён бўлган шахс деганда, айбини старли даражада аниқ исбот этадиган ишончли далиллар тўпланмаган шахслар тушунилади.

Уларга қуйидаги шахслар киради:



- жиноят ҳисобланмаган қилмиш бўйича айблов эълон қилинган шахслар;
- аслида содир этилмаган жиноий ҳодиса учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар (масалан, шахс бирон-бир кишини ўлдирганликда айбланади, у киши эса, аслида тирик, жиноий ҳодиса мавжуд эмас);
- жиноятга таалуқли бўлмаган ёки бир жиноятни содир этганликка асосланган ҳолда ва бошқа бир содир этмаган жиноят учун асоссиз равишда жавобгарликка тортилаётган шахслар;
- унча оғир бўлмаган жиноятда айбдор бўлиб, бироқ, оғирроқ жиноят учун жавобгарликка тортилаётган шахслар;
- жиноят таркибининг ҳамма белгилари мавжуд бўлмаган қилмиш учун (масалан, қалбаки пулларни тайёрлаган, лекин уларни ўтказиш мақсади бўлмаганда ва ҳоказо ҳолларда) жавобгарликка тортилаётган шахслар.

5. Жиноят таркибининг объектив томони белгилари ғайриқонуний тарзда жиноий иш кўзғатиш, жиноий жавобгарликка тортишни асоссиз рад этиш, айбсиз кишига нисбатан жиноий ишни тўхтатиш ҳолларини ўз ичига олмайди. Шунингдек, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кишини ишга гумондор сифатида асоссиз жалб этиш тўғрисидаги қарор чиқарилишини ҳам айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, деб тан олинмайди. Юқоридаги ҳаракатлар, шу билан бирга ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликдан ташқари бошқа маъмурий ёхуд интизомий ва ҳоказо жавобгарликларга тортиш, тегишли шароитлар мавжуд бўлганда, мансаб жинояти бўйича ёки ЖКнинг 231-моддасидаги жиноят таркибининг белгилари мавжуд бўлса, шу модда бўйича квалификация қилиниши мумкин.

6. Шарҳланаётган жиноят жиноятни содир этишда айбсиз бўлган шахсга нисбатан айблов эълон қилинган қарор тақдим этилган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

ЖПКнинг 361-моддасига мувофиқ, шахсни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш иккита бир-бирига боғлиқ бўлган процессуал актлардан ташкил топади: шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисида унга қўйилаётган айбни асослаб ва қилмишни ҳуқуқий квалификация қилиб қарор чиқариш ҳамда шахсга бу қарорни тақдим этиб, айбловнинг моҳиятини, айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш. Агар шахсга жавобгарликка тортилаётганлиги тўғрисидаги қарор у ёки бу сабабдан тақдим этилмаган бўлса, шахсни жавобгарликка тортиш амалга ошмаган, деб тан олиш керак. Кейинги қарорнинг бекор қилиниши, ишнинг тўхтатилиши, айбсизлик ҳақида ҳукм

чиқарилиши ва ҳоказолар шарҳланаётган жиноятнинг таркиби мавжудлигига таъсир этмайди, бироқ, жиноят оқибатлари даражаси модданинг санкцияси чегараларида жазони тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

7. Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин, бу тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурор ўз ҳаракатлари бошидан ғайриқонунийлигини билиши, яъни жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг айби йўқлигини билган бўлиши керак. Шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган ҳодисанинг йўқлиги ёки қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги, жавобгарликка тортилган шахснинг айби исботланмаганлиги бу ерда аҳамият касб этмайди.

Шу билан бирга, хато қилган ёки ўз ишига совуққонлик билан қараган, иш бўйича тўпланган далилларни нотўғри баҳолаган ва жабрланувчини айбдор, деб виждонан ҳисоблаган шахсни шарҳлаётган модда бўйича жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

8. Шарҳланаётган жиноятларни содир этиш мотивлари турлича бўлиши мумкин: шухратпарастлик ниятида, бунда шахс ўзининг лаёқати пастлиги, ишнинг объекти мураккаблиги ёки ҳақиқий айбдорни топишга ҳаракат қилиш билан ўзини қийнашни хоҳламаганлиги учун айбсизлигини билган шахсни жавобгарликка тортади; шахсий мотивлар ёки ўч олиш мотиви, бунда шахс жабрланувчи билан ёмон муносабатларда бўлгани учун, у билан ҳисобкитоб қилади; ғаразли ниятда, масалан, жавобгарликка тортилган шахснинг мулкига эгалик қилиш, квартирасига эга бўлиш, жиноят ишини тугатганлиги учун келажакда шахсдан пора олиш ва ҳоказолар. Ушбу жиноят таркиби, шунингдек, хизмат манфаатларини нотўғри тушунган ҳолда айбсиз кишини жавобгарликка тортганда ҳам мавжуддир. Жиноят мотивлари квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

9. Жиноятнинг субъекти фақат қонун билан шахсни айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган шахслар — тааллуқлилигидан қатъий назар, (прокуратура, МХХ, ИИВ), суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин.

10. Айбсиз шахсни оғир ёки ўта оғир (ЖКнинг 15-моддаси шарҳига қаранг) жиноят содир этганликда айблаб, жиноий жавобгарликка тортганликда айбдор бўлган шахсларнинг ҳаракатлари шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади. Бундай жиноятнинг хавфи юқорироқ эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди, чунки у жабрланувчига қамоққа олиниш, узоқроқ вақтга озодликдан маҳрум қилиниш, қаттиқроқ режимли колония-

га юборилиш каби нисбатан оғирроқ оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

11. Айрим ҳолларда айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, бошқа бир жиноятларни, масалан, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиш тартибини бузиш (ЖКнинг 140-моддаси), қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (ЖКнинг 234-моддаси) каби жиноятларни содир этиш билан боғлиқ бўлади. Бу жиноий ҳаракатлар мустақил квалификация қилишни талаб этади.

Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш бошқа оғирроқ жиноятни содир этиш билан, масалан, пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси), қийноқлар ва бошқа даҳшатли, ғайриинсоний, қадр-қимматни камситувчи ҳаракатлар ва жазоларни қўллаш (ЖКнинг 235-моддаси) ва ҳоказолар билан бирга содир этилганда, жавобгарлик жиноятлар мажмуи бўйича белгиланади.

### **231-модда. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш**

*Олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш*

*— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракат одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Судья (судьялар) томонидан адолатсиз суд ҳужжатларини чиқариш — одил судловга қарши бўлган хавfli жиноятлардан бири. Шарҳланаётган жиноят мансабни суиистеъмол қилишнинг алоҳида тури бўлиб, жиноятнинг махсус субъект ва объект белгиларига асосан алоҳида жиноят таркибини ҳосил қилади. Шарҳланаётган жиноят одил судлов органларининг нормал фаолиятини бузади, давлатдаги суд ҳокимияти нуфузига путур етказди, фуқаролик, хўжалик ишларида тарафлар, маъмурий процессда иштирокчилар сифатида юритилган ҳамда жиноят процессида айбланувчи ёки бошқа ҳуқуқий мақомга эга, масалан, жабрланувчи бўлган фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини бузади.

2. Жиноят объекти суд ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида одил судловнинг ва суд ҳокимиятининг манфаатлари, суд ҳокимияти нуфузи, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, корхоналар ва муассасаларнинг манфаатлари ҳисобланади.

3. Жиноят объектив томондан адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқаришда ифодаланлади.

4. *Ҳукм* — судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги масаласи бўйича ва унга жинойий жазони қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги суд томонидан чиқарилган ҳужжати.

Ўзбекистон Республикасида ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва у қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт (ЖПКнинг 454—455-моддаларига қаранг). Суд оқлов (судланувчининг айбсизлигини белгиловчи) ёки айблов (судланувчининг айбдорлигини белгиловчи) ҳукми чиқариши мумкин.

5. *Ҳал қилув қарори* — биринчи инстанция фуқаролик ва хўжалик судининг фуқаролик ишини ёки хўжалик низосини бевосита ҳал қиладиган ҳужжати. Ҳал қилув қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилиб, қонуний ва асосланган бўлиши керак.

6. Процессуал қонунчиликка биноан (жиноят, фуқаролик, хўжалик) ажрим деганда, биринчи инстанция суди томондан ҳукм ёки ҳал қилув қароридан ташқари чиқарилган исталган суд акти тушунилади. Масалан, эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ажрим, ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим, ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисида ажрим, ишни кўриб чиқиш учун бошқа судга юбориш тўғрисидаги ажрим, ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги ажрим, хусусий ажрим ва ҳоказолар.

*Ажримларга*, шунингдек, иккинчи инстанция судларининг барча қарорлари ҳамда юқори поғона (судлар раёсатидан ташқари) судлар томонидан қонуний кучга кирмаган (апелляция инстанциясида иш кўришда) ёхуд қонуний кучга кирган (кассация, назорат ёки янгидан очилган ҳолатлар муносабати билан айтиб ўтилган суд ҳужжатларини қайта кўриш) ҳукм, ажрим ва қарорларни қайта кўриш пайтида қабул қилинган қарорлар киради.

7. *Қарор* — бу қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини қайта кўриб чиқиш натижасида суд раёсатининг қабул қилган қарори ҳамда суд ҳукмидан ташқари судьянинг якка тартибда қабул қилган ҳар қандай қарори (масалан, иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарор). Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик масаласи юзасидан қабул қилинган суд қарори ҳам қарорлар тоифасига киради.

8. *Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси* — ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг (суд ҳужжатининг) адолатсизлиги.

Адолатсиз деб, ишнинг аниқланган ҳолатларига зид равишда ёки моддий ёхуд процессуал қонунни жиддий бузган ҳолда қабул қилинган суд ҳужжати тушунилади. Адолатсиз суд ҳужжати жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ҳамда хўжалик-процессуал қонунга асосан бекор қилиниши лозим.

9. Жиноят ишлари бўйича қабул қилинган адолатсиз ҳукмларнинг энг кўп учрайдиган турларига қуйидагилар кириди: айбловнинг исбот этилмаганлиги (айбсиз шахснинг судланганлиги); айбдорнинг айби исбот этилганда уни оқлаб чиқариш; жиноятни оғирлаштириш ёки енгиллаштириш тарафига олдиндан нотўғри квалификация қилиш; жиноятни нотўғри квалификация қилиш оқибатида ёки мустақил тарзда асоссиз жуда оғир ёки жуда енгил жазо тайинлаш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган адолатсиз ҳукм турлари моддий қонуннинг жиддий бузилиши билан тавсифланади. Шунингдек, жиноят-процессуал қонун-қоидаларининг жиддий бузилиши (судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи бузилиши, ҳимоячи билан таъминламаслик, охириги сўз берилмаслиги ва бошқа ҳолатлар) оқибатида ҳам ҳукм адолатсиз ҳисобланади.

10. Фуқаролик иши ёки хўжалик низоси бўйича суднинг ҳал қилув қарори даъво асоссиз қаноатлантирганда, фуқаролик ёхуд хўжалик иши бошқача тарзда нотўғри ҳал этилганда, шунингдек, фуқаролик-процессуал қонунчилик жиддий равишда бузилганда (масалан, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи бузилганда) адолатсиз, деб топилади.

11. Иш кўриш жараёнида юзага келувчи турли хил масалалар бўйича биринчи инстанция судининг ажрими ҳам адолатсиз бўлиши мумкин, масалан, эҳтиёт чорасини ўзгартириш, ишни тўхта-тиш, квалификацияни ўзгартириш, далилларни таъминлаш чораларини ўзгартириш ҳақида ва ҳоказо.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг ажрими ва қарорлари, масалан, улар томонидан қонуний ҳукм ва қарорлар асоссиз бекор қилинса ёки ўзгартирилса ёхуд, аксинча, ноқонуний суд ҳужжатлари кучида қолдирилганда адолатсиздир. Маъмурий ишлар бўйича суд қарори, масалан, суд ваколатлари доирасидан ташқари йўсинда чиқарилса ёки иш юритиш тили ҳақидаги қоидалар бузилган тақдирда, адолатсиз, деб топилади.

Суд ҳужжатларининг адолатсизлиги ишнинг моҳиятига кўра, ҳал қилишга таъсир этувчи моддий ёки процессуал қонуннинг миқдорий бузилиши билан изоҳланади. Ишни мазмунан тўғри ҳал қилишга таъсир этмайдиган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қону-

ний манфаатларини ҳамда жамият манфаатларини бузмайдиган кам аҳамиятли (расмий) бузилишлар жиноий қилмиш, деб тан олиниши мумкин эмас.

12. Жиноят актив ҳаракатлар орқали содир этилади. Санаб ўтилган ҳуқуқни қўллашга дахлдор бўлган ҳужжатлар судья (судьялар, шу жумладан, уларнинг тоифасига кирадиган маслаҳатчилари) томонидан тайёрланади. Бундай актнинг судья (судьялар) томонидан имзоланиши пайтида жиноят тугалланган ҳисобланади. Улар имзолангунга қадар фақат ана шу жиноятни содир этишга суиқасд қилиш ҳақида гапириш мумкин. Жиноятнинг тугалланганлигини аниқлашда адолатсиз ҳужжат қонуний кучга кирганлиги факти аҳамиятга эга эмас.

13. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд, яъни айбдор адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қабул қилаётганида, ана шу қарорнинг адолатсиз эканлигини олдиндан англаганлиги ва буни хоҳлаганлиги билан тавсифланади.

ЖКнинг 231-моддаси бўйича жавобгарлик фақат адолатсизлиги олдиндан аён бўлган суд ҳужжатларини чиқарганлик учун белгиланади. Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг эҳтиётсизлик оқибатида қабул қилиниши ушбу модда бўйича жавобгарликни истисно этади, лекин тегишли ҳолатлар мавжудлигида қилмиш ЖКнинг 207-моддаси бўйича мансабга совуққонлик билан қараш, деб квалификация қилиниши мумкин. Кўриб чиқиладиган жиноятни «олдиндан аён бўлиши» белгиси бўйича интизомий қоида бузишдан фарқламоқ лозим.

14. Жиноятни содир этиш мотивлари (ғаразли, шаҳсий адоват ёки дўстона муносабатлар, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, шуҳратпарастлик ва ҳоказолар) жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жавобгарликни индивидуаллаштиришда ҳисобга олиниши шарт.

Адолатсиз ҳукм чиқарганлик учун пора олиш ушбу жиноят таркибига кирмайди ва пора олганлик учун жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 210-моддаси ва 231-моддаси).

15. Жиноятнинг субъекти муайян иш юзасидан одил судловни амалга ошириш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган шахслардир. Судьялар, шунингдек, жиноят процессидаги халқ маслаҳатчилари бу шахслар сифатида гавдаланилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13-моддаси, 3-қисмига асосан, «одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар».

Жиноятнинг махсус субъекти ёш чегараларига эга. Жиноят субъектлари 18 ёшга тўлган (ҳарбий судлар халқ маслаҳатчилари учун) ва 25 ёшга тўлган (умумий юрисдикция судлари халқ маслаҳатчилари, шунингдек, барча судларнинг судьялари учун) шахслар бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

16. Агар адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёхуд қарор коллегиял тарзда чиқарилган бўлса, жинойий жавобгарликка фақат ушбу ҳужжат адолатсизлиги олдиндан аён бўлган шахслар тортилиши лозим.

17. Шарҳланаётган модда фақат Ўзбекистон Республикаси суд тизими органлари одил судловни амалга ошириш учун ишлаётган ёки жалб этилган ҳамда судья каби ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган шахслар учун белгиланади. Судьянинг вазифаларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа суд органларида, жумладан, ҳакамлар судида ва ҳоказода амалга оширувчи шахслар бу модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

18. Адолатсиз ҳукм актининг чиқарилиши одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар билан боғлиқ ҳаракатлар ЖКнинг 231-моддаси, 2-қисми билан квалификация қилинади. Одам ўлими адолатсиз суд ҳужжатининг чиқарилиши билан бевосита (масалан, айбсиз судланганга ўлим жазоси тайинлаш) ёхуд ушбу ҳолат билан билвосита боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, ўзини ўзи ўлдириш натижасида).

*Бошқа оғир оқибатларга:* шахсни оғир, ўта оғир жиноятларни содир этишда айблаш, руҳий касалликларни келтириб чиқариш, бир неча шахснинг ноқонуний ҳукм қилиниши, айбсиз судланган шахснинг оиласи учун оғир оқибатларга олиб келиш, кўп миқдорда зарар етказиш ва айтиб ўтилганлар билан тенг оғирликдаги бошқа оқибатларни киритиш мумкин.

19. Айбдорнинг бўйнига айтиб ўтилган оқибатларни юклаш адолатсиз ҳукм чиқарилиши билан келиб чиққан оқибатлар орасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқлангандагина мумкин бўлади.

## 232-модда. Суд қарорини бажармаслик

*Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажарилмаслиги ёхуд бажарилишига тўсқинлик қилиши*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, 61—62-моддалар. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001, 1—2 (1297—1298), 10-модда.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 114-моддасига мувофиқ, «Суд ҳоқимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир». Улар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

2. Жиноят объекти суднинг нормал фаолияти, суд ҳоқимиятининг нуфузи, алоҳида ҳолларда эса фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ёхуд юридик шахсларнинг манфаатлари ҳисобланади.

Суд қарорини бажармасликнинг бевосита объекти ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг хулоса қисмида белгиланган кўрсатмаларни татбиқ этиш мажбурияти ҳисобланади.

3. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят уни содир этишда икки муқобил қилмишни назарда тутаяди:

- ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бажармаслик;
- кўрсатилган суд ҳужжатларини бажаришга тўсқинлик қилиш.

(Ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор тушунчалари ҳақида ЖКнинг 231-моддаси шарҳига қаранг).

4. Суд ҳужжатини бажармаслик деганда, муайян ҳужжат чиқариш ваколати ёки мажбуриятига эга шахс томонидан қонунда ўрнатилган муддатларда уни ижро қилиш бўйича ёхуд ижрога келиб тушган ҳукм, суднинг ҳал қилув қарори ёки бошқа суд ҳужжатини татбиқ қилиш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширишда чоралар кўрмаслик тушунилади. Масалан, айбдор шахсга нисбатан суднинг ҳукми бўйича маълум бир мансабни эгаллаш ёки маълум бир фаолият билан шуғулланишни тақиқлаш билан боғлиқ муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлишига қарамасдан, унга олдинги ишини давом эттиришга ёки корхона, муассаса, ташкилотда мансабни эгаллашга рухсат бериш ёхуд шартли ҳукм қилишни қўллаш тўғрисидаги суд ҳукмини бажармаслик ва бошқалар.

5. Суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажаришга тўсқинлик қилиш деганда, шахснинг кўрсатилган суд ҳужжатлари бажарилмай қолишига қаратилган хатти-ҳаракатини тушуниш лозим (масалан, муассасага ижро учун келиб тушган ҳукм нусхаси ёки бошқа суд ҳужжатини яшириб қўйиш).

6. Суд ҳал қилув қарорини бажармаслик Жиноят кодексида формал таркибли жиноят сифатида шакллантирилган.



Суднинг тегишли ҳужжатини бажариш учун қонунда кўрсатилган муддат тугаган ёхуд унинг бажарилишига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан шахрланаётган жиноят тугалланган, деб ҳисобланади. Бунда қандайдир оқибатларнинг келиб чиқиши талаб этилмайди, бироқ, булар суд томонидан эътиборга олинishi мумкин.

7. ЖКнинг 232-моддасида кўрсатилган жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарорини бажармаётганлигини ёхуд бажаришга тўсқинлик қилаётганлигини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди. Бу ҳолатда мотив аҳамиятга эга бўлмайди, бу ғаразли ният, шахсий мафаатдорлик, нотўғри тушунилган хизмат манфаатлари, биродарлик туйғуси ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

8. Жиноят субъекти фақат мансабдор шахслар — юборилган суд ҳужжатларини бажариш ваколати доирасига кирувчи ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари бўлиши мумкин.

### **233-модда. Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш**

*Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.*

1. Бегона мол-мулкка нисбатан жиноят содир этилганда ёки мулкий зарар етказилганда, шунингдек, жазони ижро этишни ёки фуқаровий даъвои таъминлаш тартибида жарима кўринишидаги жазони модданинг санкцияси ўз ичига олган барча ҳолларда жиноий йўл билан топилган мулкни давлат даромадига ўтказиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 290-моддасига мувофиқ, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи,

терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг ёхуд жиноий йўл билан топилган мулки бўлган шахсларнинг мол-мулкни хатлаши шарт.

ФПКнинг 248 ва 249-моддаларига (ХПКнинг 76, 77-моддаларига) мувофиқ, суд ёки судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан ёхуд жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул маблағларини хатлаш, жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш тарзидаги даъвони таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Банд солинган мол-мулк процессуал қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда хатланади. Бунда, хатланган мол-мулк жиноят иши юзасидан ваколатли шахс кўрсатмасига мувофиқ, сақлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бошқа органга ёхуд шу мол-мулкнинг эгасига ёки оила аъзоларидан вояга етган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкнинг сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва тилхат олинади. Пул қўйилмаларини хатлаш тўғрисида қарор банкнинг тегишли бўлимига юборилади, қарор олингандан сўнг бу қўйилма бўйича банк операциялари тўхтатилади. Даъвони таъминлаш тартибидagi фуқаролик иши билан боғлиқ мулкни хатлаш ёки рўйхатга олишда шунга ўхшаш оқибатлар келиб чиқади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди<sup>1</sup>.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборат.

2. Агар шахс томонидан қамоққа олиш кўринишидаги эҳтиёт чорасини қўллаш мумкин бўлмаган жиноят содир этилса, тергов органи унга нисбатан енгилроқ чора қўллаши мумкин, улардан бири гаров ҳисобланади.

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан дастлабки тергов органи ёки суд депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборат. Гаров тариқасида кўчмас мол-мулк ҳам қабул қилиниши мумкин. Шахс томонидан ЖПКнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Суд ва бошқа орган ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида»ги Қонуни, 52-модда.

46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда гаров суд ажрими билан давлат мулкига айлантирилади.

3. Хатланган ёки рўйхатга олинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишнинг, шунингдек, хатланмаган мол-мулкка нисбатан худди шундай ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунда суд ҳукми ёки ҳал қилув қарорининг фуқаролик ёки ҳўжалик даъвосига оид қисмини ижро қилиш, жарима кўри-нишидаги жазони ёхуд жиноий йўл билан топилган мол-мулкни тортиб олиш жазосини ижро қилиш қийинлашади ёки умуман ижро қилинмайди. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш айбдор томонидан ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик хавфини келтириб чиқаради, айбдор, судланувчи томонидан бу мажбуриятлар бузилганда мол-мулкни давлат мулкига айлантиришни қийинлаштиради.

4. Жиноят объекти суд идораларининг нормал фаолияти ҳисобланади. Бу жиноятнинг қўшимча объекти айбдордан хатланган мол-мулк ҳисобидан қопланиши мумкин бўлган у ёки бу сумма фойдасига ундирилган давлат (агар сўз давлат даромади ёки мулкига айлантириш тўғрисида борса) ёки бошқа мулкдорлар ҳуқуқлари бўлади. Қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда объект сифатида суд ва тергов органларининг нуфузи ҳам эътироф этилиши лозим.

5. Объектив томондан жиноят рўйхатга олинган ёки хатланган ёхуд гаров предмети бўлган мол-мулкни ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда ифодаланади.

*Хатланган мол-мулк* — тасарруф қилиниши жорий процессуал қонунчилик асосида тақиқлаб қўйилган мулк.

*Гаровга қўйилган мол-мулк* — бу суриштирув ва тергов органларига айбланувчи ёки судланувчи томонидан ўзига қўйилган мажбуриятларни бажаришнинг моддий кафолати сифатида бериладиган мол-мулк. Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш усули сифатидаги гаров гаровга қўйилган мол-мулкка киритилмайди. Қонунга хилоф равишда ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш учун жавобгарлик ЖКнинг 167 ёки 173-моддаларидаги белгилар бўлганда келиб чиқади.

6. *Ўзлаштириш* деганда, мол-мулк сақлашга топширилган шахс томонидан хатланган ёхуд гаровга қўйилган мол-мулкнинг айбдор ёки учинчи шахс фойдасига ўзлаштирилишини тушуниш лозим.

7. *Растрата қилиш* деганда, мол-мулкнинг уни сақлашга топширилган шахс томонидан бегоналаштирилиши тушунилади.

8. Рўйхатга олинган ёки хатланган мол-мулкни яшириш деганда, мол-мулкнинг сақлаш учун бошқа шахсларга ёхуд бошқа жойга жойлаштирилиши, бу ҳақдаги хабарни ваколатли органлар (терговчи ёки судья)дан яширилиши тушунилади.

9. Побуд қилиш деганда, мулкнинг тўлиқ яроқсиз, ундан асл мақсадда фойдаланиш имконини бермайдиган, шунингдек, уни таъмирлаш ёрдамида ҳам олдинги ҳолатига келтиришнинг иложи бўлмаган ҳолга келтирилишини тушуниш лозим.

10. Мол-мулкка шикаст етказиш деганда, мол-мулкни қисман яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

11. Кўп миқдорда зарар етказилиши шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмиш объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

12. Хатланган ёки гаровга қўйилган мол-мулкка кўп миқдорда зарар етказишга сабаб бўлган ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш ҳаракати содир этилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

13. Субъектив томондан жиноят тўғри касд билан содир этилади. Айбдор мол-мулкни ўзлаштириш, сарф қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ноқонунийлигини англайди ва уларни амалга оширишни хоҳлайди. Мол-мулк эҳтиётсизлик оқибатида нобуд қилинган ҳолда, айбдорни ЖКнинг 172-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Бу жиноятнинг мотиви ғаразғўйлик, шахсий ёки бошқа манфаатдорлик ва бошқа бўлиши мумкин, аммо бу қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

14. Жиноят субъекти мол-мулк сақлашга топширилган ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шунингдек, унинг мулкдори, эгаси ёки оила аъзолари ва бошқалар бўлиши мумкин.

15. ЖКнинг 233-моддаси, 2-қисми айбдор етказилган моддий зарарни уч барабар миқдорда қоплаган ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллашни ман қилувчи рағбатлантирувчи нормани белгилаб беради.

### **234-модда. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш**

*Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик барабаригача миқдорда жазима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

*Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига-ча миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Конституциянинг 25-моддасига мувофиқ, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас». Шунинг учун ҳибсга олиш фақат қонунда белгиланган асосларга мувофиқ амалга оширилиб, қолган вазиятларда бу қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш, деб топилади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги уни содир этишда инсоннинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлик ҳуқуқлари бузилиб, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг адолатлилиги ва қонунийлигига ишончи йўқолишига олиб келади.

3. Жиноятнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг нормал фаолияти ва обрўи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳисобланади.

4. ЖКнинг 234-моддаси, I-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони қонунга хилоф равишда ушлаб туришда, яъни шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклашда ифодаланади.

Мазкур ҳолатда ушлаб туриш деганда, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни жиноятга алоқадорлигини ва (зарур ҳолларда) уни қамоққа олиш масаласини ҳал этишда шахсга нисбатан қўлланиладиган қисқа муддатли жиноят-процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. Маъмурий қамоқ тарзидаги ушлаб туриш чораси қонунга хилоф равишда, деб квалификация қилиниши мумкин эмас, чунки бундай ушлаб туриш айнан суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан амалга оширилиши лозим<sup>1</sup>. Юқорида назарда тутилган шартлар мавжуд бўлганда, қилмиш ЖКнинг 205 ва 206-моддалари бўйича квалификация қилиниши талаб этилади.

5. ЖПКнинг 221-моддасига мувофиқ, қонунда белгиланган асослардагина, хусусан:

- шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- унинг ўзидан ёки кийимидан, ёнидан ёки уйидан содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 287-модда.

• шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўлган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса, ушлаб туришга йўл қўйилади.

6. Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, ўз навбатида, охириги ҳолатда ушлаб туриш фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор қарорига ва суднинг ажримига мувофиқ амалга оширилади.

7. Ҳар қандай ҳолатда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш учун олиб борилган жойда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ушлаб туриш баённомасини тузиб, унда қуйидагиларни баён қилиши керак: ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда белгиланган қандай асосларда ушланган; ушлаб турилган шахс қандай жиноятни содир этишда гумон қилинмоқда; қандай вақтда у милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келинган. Баённомани ушлаб туриш учун асос бўлган ҳолатларни текширувчи милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаган ваколатли шахс ёки фуқаро, ҳолислар ва ушлаб турилган шахс имзолайди<sup>1</sup>.

8. Ушлаб туриш ушлаб турилган шахс милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас, мустасно ҳолат сифатида қидирувда бўлган шахсни тергов ўтказиладиган жойга етказишни ҳисобга олиб, прокурор ушлаб туриш муддати-ни ўн кунгача узайтириши мумкин. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда, шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЖПКнинг 109—112-моддалари қоидаларига мувофиқ, сўроқ қилиниши ва ЖПКнинг 236—240-моддалари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

9. Ушлаб турилган шахс қуйидаги ҳолларда озод қилиниши мумкин, агар:

- жиноят содир этилганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;
- ушлаб турилган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш зарурати бўлмаса;
- ушлаб туришнинг белгиланган муддати ўтганда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 225-модда, 1-қисм.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажримига асосан ушлаб турилганлар сақланаётган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

10. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш деганда, ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган қонуний асослар мавжуд бўлмаган ва қонун шартларини бузган ҳолда қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишни тушуниш лозим.

Қонуний асослар мавжуд бўлмаганлиги, нафақат, ушлаб туриш учун асосларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки уни давом эттириш билан боғлиқ асослар йўқлиги билан ҳам изоҳланади, масалан, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги гумон ўз тасдиғини топмаганда. Қўзгатилган жиноят иши доирасида тегишли қарор чиқармасдан ушлаб туришни амалга ошириш ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш, деб баҳоланади.

Бундан ташқари, ЖПК муайян доирага кирувчи шахсларни ушлаб туришга нисбатан иммунитет белгилайди, хусусан, депутатлар, судьялар, прокурорлар жиноят устида ёки уни содир қилиб бўлган заҳоти қўлга олинганларида ушлаб турилишлари мумкин<sup>1</sup>. Мазкур шахсларнинг бошқа асосларга кўра, ушлаб турилишини ҳам қонуний асосларсиз ушлаб туриш сифатида баҳолаш лозим. Шунингдек, дипломатик иммунитетдан фойдаланаётган шахсларни ҳам ушлаб туриш ноқонуний ушлаб туриш сифатида баҳоланиши лозим. Бунда депутат, судья ёки прокурорнинг иммунитетидан фарқли ўлароқ, дипломатик иммунитетга эга шахс ҳар қандай асос мавжуд бўлган тақдирда ҳам ушлаб турилиши мумкин эмас<sup>2</sup>.

11. Шарҳланаётган жиноят ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузилган ва бу ҳақда ушлаб турилган шахсга эълон қилинган пайдан эътиборан, ушлаб туриш ҳақидаги баённома тузишга доир қонун талаблари бузилган ҳолда эса, шахс ҳақиқатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноят қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш тарзида давом этиб, келгусида юқорида келтирилган процессуал мажбурият чораси қўллаш учун асослар мавжуд бўлмаса, жиноят тегишли асослар мавжуд бўлмаган ҳолат аниқланган вақтда тугал-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 223-модда, 1-қисм.

<sup>2</sup> Қаранг: 1961 йилдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенцияси, 29-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1994 йил 6 майда қўшилган).

манган, деб ҳисобланиши лозим. Бу тергов ҳаракатлари, тезкор қилирув фаолияти ва бошқалар акс этган иш материалларида баён этилади ёки аниқланади.

12. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилиб, айбдор ўзи амалга ошираётган ушлаб туриш ноқонуний эканлигини англайди, бироқ, шунга қарамасдан ёки бошқа мотивлар билан ушлаб туришни амалга оширишни хоҳлайди ёхуд ушлаб турилган шахсни белгиланган жойда тегишли муддатдан ортиқ муддатга ушлаб туради. Агар ноқонуний ушлаб туриш эҳтиётсизлик орқасида амалга оширилган бўлса (масалан, айбдор шахсига нисбатан хатоликка йўл қўйилганда), унда айбдор шахсни мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жиноий жавобгарликка (ЖКнинг 207-моддаси) ёки англашилмовчиликка йўл қўйганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин.

Жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ўч олиш, ғарзли мақсадлар ва бошқалар бўлиши мумкин, улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ, жазо тайинлашда улар ҳисобга олиниши мумкин.

13. Жиноят субъекти фақат махсус шахслар, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин. Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан содир этилганда, уларнинг ҳаракати ЖКнинг 206-моддаси билан ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш, деб квалификация қилинади.

Бундан ташқари, ушлаб туриш мансабдор шахс ёки масъул мансабдор шахс бўлмаган фуқаро томонидан амалга оширилган бўлиб, тегишли белгилар мавжуд бўлган тақдирда, шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 229-моддаси бўйича ўзбошимчалик ёки ЖКнинг 138-моддаси бўйича зўрлик ишлатиб, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш сифатида квалификация қилиниши мумкин.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

15. ЖКнинг 234-моддаси, 2-қисми объектив томони айбланувчи ёки гумонланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қонунга хилоф равишда танлашда ифодаланади, шунингдек, қонунда белгиланган муддатлардан ортиқ муддат ушлаб туриш учун тегишли асослар бўлмагани ҳолда шахсни қонунга хилоф равишда ҳибсда муддатидан ортиқ ушлаб туришда ифодаланади.

16. Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексига қасдан содир этилиб, уч йилдан ортиқ мул-



датга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ҳамда эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш назарда тутилган. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси қасддан содир этилган жиноятларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олиш чораси фақат айбланувчи тариқасида ишга жалб қилган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга фақат истисноли ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин<sup>1</sup>.

17. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш фақат прокурор санкциясига мувофиқ, амалга оширилиши мумкин. Қамоқ тарзида ушлаб туриш чорасини қўллашга санкция бериш вақтида прокурор иш билан пухта ганишиб чиқиши ва зарур бўлган ҳолларда айбланувчи ёки гумон қилинувчиларни шахсан сўроқ қилиши, бунда вояга етмаганларни шахсан ўзи сўроқ қилиши зарур.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилиги алоҳида мазкур эҳтиёт чорасини шахслар учун қўллашнинг қўшимча шартларини белгилайди, хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, вилоят кенгаш депутатлари, шаҳар ва туман халқ кенгаши депутатларига нисбатан — қоида тариқасида тегишли вакиллик органи розилиги билан;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан;

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленуми розилиги билан;

- Прокуратура органлари прокурорлари ва терговчиларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан.

18. Агар айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган асослар, шунингдек, алоҳида шахсларга нис-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 226-модда, 3-қисм.

дан кўшимча шартларга амал қилмаган ҳолда ва қонунда белгиланган процессуал шаклга риоя этмаган тарзда танланса, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш, деб топилади.

19. Қонунда белгиланган асослар бўлмаган ҳолда ёки қонуний муддатлари бузилган тарзда қўлланган ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган алоҳида ҳоллардан ташқари ҳибсда сақлаш учун белгиланмаган жойларда ҳибсда сақлаш ҳам қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш, деб ҳисобланади. Бундан ташқари, дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларни қамоққа олиш ёки ҳибсда ушлаб туриш ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқонуний ҳибсда сақлаш ҳисобланади.

20. Агар ҳибсга олиш жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қўлланган бўлса, бу ҳолда унга ўн кун ичида айб эълон қилиниши керак. Ушбу вақт мобайнида айб эълон қилинмаса, шахсга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинади (ЖПКнинг 226-моддаси). Айбланувчига нисбатан ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси уч ойдан ошиб кетмаслиги лозим. Бу муддат Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 245-моддасидаги ҳолатларга кўра, узайтирилиши мумкин.

21. Жиноят шахс қонунга хилоф равишда қамоққа жойлаштирилгандан ёки бу эҳтиёт чорасини унинг қонуний муддатлари ўтиб кетгандан кейин ҳам айбдорга айб эълон қилмасдан ёки тегишли муддатлар узайтирилмасдан ўз кучида қолдирган вақтдан тугалланган, деб ҳисобланади.

22. Субъектив томондан жиноят ҳибсга олишнинг ёки ҳибсда сақлашнинг ноқонунийлигини олдиндан билган ҳолда тўғри қасд билан содир этилади. Агар қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса (масалан, ҳибсга олинган шахснинг сақланаётган муддати «унутилган» бўлса), бундай ҳолда бу масала мансабга совуққонлик билан қараганлик (ЖКнинг 207-моддаси) учун жавобгарлик ёки мазкур хизматчини тегишли равишда интизомий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши мумкин. Жиноятнинг мотиви шахсий ёки бошқача хусусиятга эга манфаат бўлиши мумкин.

23. «Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш» жиноятининг субъекти фақат прокурор, терговчи ёки суриштирувчи бўлиши мумкин.

ЖПКнинг 315-моддасига мувофиқ, «била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш» жиноятининг субъекти, агар бундай сақлаш ЖПКнинг тегишли тартиби билан узайтирилмаган

бўлса, белгиланган эҳтиёт чораси муддати тугаши билан ҳибсда турган шахсларни дарҳол озод қилиш бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни у ёки бу мотивларга биноан бажармаган ҳибсда ушлаб турилган жой бошлиғи ҳам бўлиши мумкин.

24. Қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чораси судьянинг қарори билан қўлланилган тақдирда, мазкур шахс ЖКнинг 231-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши лозим<sup>1</sup>.

25. Агар қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига кирмаган мансабдор шахс ёки ҳокимият вакили томонидан амалга оширилса, бу ҳолатда мазкур шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 206-моддаси бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

**235-модда. Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш**

*Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирон-бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирон-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш*

— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракатлар:*

*а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;*

<sup>1</sup> Масалан, судья ишни кўриш учун тайинлашга қадар судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 397-модда, 5-банди.

- б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) такроран;
- д) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилган бўлса  
— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»<sup>1</sup>, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг ушбу 26-моддаси 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига мос келади.

Конституция қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллашни тақиқлашни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида амалга оширилишига замин яратади. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади. Амалда қийноққа солиш, масалан, 1949 йил 12 августдаги «Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида»ги Конвенция<sup>2</sup>, 1966 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт<sup>3</sup>, 1995 йил 26 майдаги «Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида»ги МДХ Конвенцияси<sup>4</sup>, 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқ ҳамда муомала

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 26-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: 1949 йил 12 августдаги «Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида»ги Женева Конвенцияси, 3-модда, 1-қисми, 1 қисмининг «а» банди; 17-модда, 4-қисми (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1993 йил 3 сентябрда қўшилган).

<sup>3</sup> Қаранг: 1966 йил 16 декабрдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт, 7-модда (Ўзбекистон Республикаси мазкур пактга 1995 йил 31 августда қўшилган).

<sup>4</sup> Қаранг: 1995 йил 26 майдаги «Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида»ги МДХ Конвенцияси, 3-модда.

ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши» Конвенция ва бошқа қатор ҳужжатларда тақиқланган. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларини қўллашни ҳеч бир мансабдор шахснинг буйруғи, ҳеч қандай фавқулодда ҳолат, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, миллий хавфсизликка таҳдиди, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай тасодиф билан оқлаб бўлмайди<sup>1</sup>.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларини қўллаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳаракат ҳисобланади. Қийноққа солиш фактининг ўзи халқаро ҳамжамиёт томонидан халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларини бузувчи оғир ҳуқуқбузарлик, инсонга қарши жиноят сифатида тан олинади<sup>2</sup>.

Мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси қийноқ сифатида тан олинган ҳаракатни амалга оширгани учун жавобгарликни аввалбошданоқ халқаро ҳуқуқ талабларига асосан белгилаган. Лекин халқаро ҳуқуқнинг амалда қийноқни тақиқлаш ва айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилувчи нормаларининг имплементацияси тарқоқ ва тизимга солинмаган эди. Хусусан, «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турлари» тушунчаси бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни<sup>3</sup> жиноят қонунчилигидаги мазкур камчиликни бартараф этди ҳамда унга изчиллик ва тизимлилик бахш этди.

2. Жиноятнинг объекти одил судлов манфаати, адолатли суд муҳокамасининг таъминланиши, шу билан бирга «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлма-

<sup>1</sup> Қаранг: 1979 йил 17 декабрдаги Ҳуқуқ-тартиботни сақлашга оид мансабдор шахсларнинг ҳаракати кодекси (Ўзбекистон Республикаси мазкур кодексга 1997 йил 30 августда қўшилган); 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши» Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 31 август кuni қўшилган).

<sup>2</sup> Қаранг: 1998 йил 17 июлдаги Халқаро жиноят судининг Рим Статути, 7-модда, 1-қисми, «а» банди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, 20-модда.

ган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги, ҳукм қилинмаслиги»<sup>1</sup> ҳисобланади. Факультатив объект қийноққа солинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиги, унинг шаъни ва қадр-қимматидир.

3. Объектив томондан жиноят бевосита қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этиш орқали амалга оширилиши, яъни:

- қийноққа солиш;
- шафқатсиз, ғайриинсоний муомала ва жазо турларини қўллаш;
- шахснинг қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш.

4. Шарҳланаётган модда матнидаги қийноқ сифатида жабрланувчи шахсга нисбатан қасддан етказилган кучли оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб бериш тарзидаги ҳар қандай ҳаракат тушунилади<sup>2</sup>. Бунда шуни инобатга олиш керакки, «шафқатсиз, инсонийликка зид муомала ва жазо»дан фарқли ўлароқ, қийноқ анчагина кучли ва шафқатсиз азоб бериш билан тавсифланади<sup>3</sup>. «Қийноқ» тушунчаси билан «инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала» тушунчаси ўртасидаги фарқ азоб бериш интенсивлиги ҳар хиллигида ифодаланади<sup>4</sup>. Қийноқ шафқатсиз муомаланинг нисбатан оғир тури ҳисобланади. Бундан ташқари, қийноқ ҳар доим қадр-қимматни камситувчи муомала бўлган<sup>5</sup>.

Систематик тарзда инсонийликка зид ёки шафқатсиз муомаланинг қўлланилиши, у оддий қийноқдагига хос бўлган жиддий оқибатларни келтириб чиқармаса ҳам, қийноқ сифатида тан олиниши керак.

5. Ғайриинсоний муомала ёки жазо деганда, интенсивлик нуқтаи назаридан қийноқ пайтида етказилаган азобга нисбатан заиф бўлган кучли жисмоний ёхуд руҳий азоб беришни тушуниш керак<sup>6</sup>. Шафқатсиз ёки ғайриинсоний муомала турлари жабрланувчининг узлуксиз вақт мобайнида ёмон санитария шароитида бўлиши ва унга тиббий ёрдам зарур бўлган шароитда тиббий ёрдамсиз

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 2-модда, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши» Конвенция, 1-модда, 1-қисми (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 31 августда қўшилган).

<sup>3</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги *Irland gegen Vereinigtes Kunikgreich* иши бўйича қарори. // Berger V. Op. cit/ S. 84—85.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Қаранг: Frowein J., Peukert W. Kommentar zur EMRK. 2. A. Kehl, Strassburg, Arlington, 1996. S. 41.

<sup>6</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 1978 йил 18 январдаги *Irland gegen Vereinigtes Kunikgreich* иши бўйича қарори. // Berger V. Op. cit/ S. 84—85.

қолиши, узоқ вақт мобайнида озиқ-овқат, сув ва бошқалардан маҳрум этиш орқали жиддий маънавий азоб беришдан иборат бўлиши мумкин.

*Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо* — бу жабрланувчини ҳақоратлаш, камситиш ёки жисмоний ва маънавий қаршилигини синдириш учун қўрқув, тушкунлик ва номукамаллик ҳиссини уйғотишга қаратилган муомала. Қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига мисол тариқасида жабрланувчининг қонуний ҳаракатини таъминлаш учун зарур ҳисобланмаган жисмоний куч ёки руҳий таъсир ўтказишни кўрсатиш мумкин.

6. Муомала ва жазолашнинг қийноқ ҳамда инсонийликка зид, шафқатсиз ёхуд қадр-қимматни камситувчи турлари ҳам жисмоний, ҳам руҳий таъсир ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда таъсир этиш деганда, жабрланувчига унинг хоҳишига қарши амалга ошириладиган ва унга аниқ жисмоний ёхуд руҳий азоб берадиган, яъни зўравонлик ҳисобланадиган таъсир этишни тушуниш керак.

Жиноят кодексининг шарҳланаётган моддаси тахминан жисмоний ёки руҳий зўрликни амалга ошириш усулларини кўрсатади: қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ва бошқалар. Мазкур рўйхат мукамал ҳисобланмайди ва бошқа ҳаракатлар ҳам жисмоний ёхуд руҳий таъсирлар тушунчасига мос тушиши мумкин, уларнинг ноқонуний характерда эканлиги белгиларидан аниқланади. Масалан, шарҳланаётган моддага асосан таъқиб қилинадиган хатти-ҳаракат деб, шунингдек, озиқ-овқат ва сувдан маҳрум қилиш, шовқин орқали таъсир ўтказиш, уйқудан маҳрум қилиш, девор олдида туришдан тортиб ва тергов ҳаракатини олиб бориш тартиби ҳамда шартларини бузиш ва бошқалар ҳисобланади<sup>1</sup>.

(Жисмоний ёхуд руҳий зўрлик ҳамда муомала ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

Шуни назарда тутиш лозимки, жабрланувчига фақат қонуний санкция орқали юзага келувчи, ушбу санкциялардан ажратиб бўлмайдиган ёки улар орқали тасодифан етказилган оғриқ ва азоблар қийноқ, ғайриинсоний, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қопунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

<sup>2</sup> Қаранг: 1984 йил 10 декабрдаги «Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши» Конвенция, 1-модда, 1-қисми (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1995 йил 31 августда қўшилган).

7. Шахснинг хатти-ҳаракатларини қийноқ сифатида, шунингдек, гайриинсоний, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини тан олиш учун, жисмоний ёки руҳий таъсирнинг йўналтирилишини аниқлаш зарур. Қонунда тўғри кўрсатилганидек, жисмоний ёки руҳий таъсирни шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилинадиган жиноят сифатида квалификация килиш учун у бир гуруҳ шахсларга, яъни, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд жазони ўтаётган маҳкум ёки уларнинг яқин қариндошларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Мазкур шахсларнинг рўйхати тугал ва кенгайтириб талқин этиш мумкин эмас. Мазкур шахслар барча жиноят процесси фаолиятининг субъекти ҳисобланади ва уларнинг қонуний мақоми амалдаги қонунчилик орқали тартибга солинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан шахс:

- *гумон қилинувчи* – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПКнинг 47-моддаси);

- *айбланувчи* – ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган, деб аталади (ЖПКнинг 45-моддаси);

- *гувоҳ* – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин (ЖПКнинг 65-моддаси). Гувоҳлик кўрсатмалари беришга жалб қилинмаган шахслар гувоҳ бўла олмайди (ЖПКнинг 115-моддаси). Гумон қилинувчи ва айбланувчининг яқин қариндошлари гувоҳ тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилиниши мумкин;

- *жабрланувчи* – жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган, деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс. Жабрланувчи, деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса, ажрим чиқаради (ЖПКнинг 54-модда);

- *жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар* – ЖПКнинг 6-бобида кўрсатилган шахслардан бири: эксперт мута-



хассис, таржимон, холислар. Бошқа шахслар жиноят ишига алоқадорликларидан қатъий назар, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, деб тан олинмайди;

• *судланган* – суд муҳокамасидан сўнг унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган ва шу асосда муайян жазо тури ва миқдори белгиланган шахс. Ҳукм ижроси бошланган пайтдан шахс жазо ўтаётган ҳисобланади, бу ҳақда ҳукм чиқарган суднинг тегишли фармойиши чиқарилади. Шахсни шарҳланаётган модда мазмуни бўйича жазони ўтаётган, деб тан олиш унга тайинланган жазонинг тури ва миқдори билан боғлиқ эмас, бу шу каби тоифадаги жиноий ишларни кўриб чиқишда суд-тергов органлари томонидан ҳисобга олиниши керак.

(Яқин қариндошлар тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

Шуни назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модда учун шахсни унга нисбатан юқорида жиноят-процессуал мақомларда кўрсатиб ўтилган қийноқ, бошқа ғайриқонуний шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо қўлланилганлиги ҳақидаги қарор расман чиқарилганлиги аҳамиятга эга эмас. Бунда унинг фактик ҳолати муҳим ҳисобланади. Мисол учун, шахс жиноят содир этишда гумон қилиниб, қўлга олинган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи сифатида, мазкур иш бўйича унга ҳар қандай ҳолатлар маълум бўлган пайтдан бошлаб гувоҳ сифатида тан олинади ва ҳоказо.

8. Кўрсатилган шахсларга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиш ҳам бевосита, ҳам унга яқин кишиларга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жабрланувчи, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчининг қонуний вакилларига, ҳимоячига ёки бошқа шахсларга таъсири қийноқ сифатида тан олинади. Бунда таъсирни жабрланувчига нисбатан қийноқ сифатида, таъсирнинг бевосита объекти ҳисобланган бошқа шахсга нисбатан эса шахсга нисбатан тегишли жиноят сифатида квалификация қилиш керак. Масалан, айбланувчини ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими томонидан унинг ҳомийси соғлиғига зарар етказилган, натижада айбланувчи ўзига қарши кўрсатув беришга мажбур бўлган. Ходимнинг ҳаракати амалдаги ЖКнинг 235-моддаси бўйича айбланувчига нисбатан қийноқ ва ҳомийнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича квалификация қилиниши керак.

9. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят тўғри қасднинг таркибнинг субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган махсус мақсаднинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бунда шунини назарда тутиш керакки, қонун томонидан жиноятни содир этиш мақсади муқобил тартибда аниқланади, яъни ҳаракатни ЖКнинг 235-моддаси бўйича жиноят, деб тан олиш учун субъект қўйидаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилиши лозим:

- бирон-бир ахборот олиш;
- жиноят содир этганликка иқроп бўлиш;
- содир қилинган жиноят учун ўзбошимчалик билан жазолаш;
- жабрланувчини муайян ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш.

Мақсаднинг конкрет йўналтирилганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин суд томонидан жазони индивидуаллаштириш пайтида инobatга олиниши лозим. Қилмишнинг мотиви ҳам жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазони индивидуаллаштиришда инobatга олиниши мумкин. Қоида тариқасида гаразгўйлик, моддий манфаатдорлик, мансабпарастлик, нотўғри тушунилган адолат ҳисси, ўзини намоён қилишга интилиш ва бошқалар мотив бўлиши даркор.

10. Жиноят фақат махсус субъект:

- суриштирувчи;
- терговчи;
- прокурор ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жазони ижро этиш муассасалари ходимлари томонидан содир этилиши мумкин.

*Суриштирувчи* — суриштирув органининг бошлиғи ёки шундай органларнинг мансабдор шахсига суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан: жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; далилларни тўплаш ва сақлаш; жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритувчи шахс. Суриштирув органларининг рўйхати ЖПКнинг 38-моддасида кўрсатилган ва бу рўйхат тўлиқ ҳисобланади.

*Терговчи* — вазифаси дастлабки терговни олиб бориш бўлган, қонунда белгиланган тартибда прокурор, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органларидан тайинланган шахс<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Большой юридический словарь. М., ИНФРА, 2000, стр. 561.

*Прокурор* — бу прокуратура органларининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс.

11. Шунинг назарда тутиш керакки, шарҳланаётган модданинг матнидаги шахсни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор сифатида, фақат иш бўйича шахсларга нисбатан жиноят субъекти томонидан жисмоний ёки руҳий акт ҳисобланган қийноқ ёки шафқатсиз, инсонийликка зид, унинг кадр-қиммати камситувчи ҳаракатлар содир этилаётган жиноят иши бўйича масъул бўлсаларгина, тан олиниши мумкин. Акс ҳолда, шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида тан олиниши керак.

Масалан, қийноққа солиш:

- терговчи томонидан содир этилган деб, агар айбдор мансабдор шахс бўлиб, дастлабки тергов юритилаётгани маълум бир аниқ иш бўйича масъул бўлсагина;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа шахслари томонидан содир этилган деб, гарчи, у штат жадвалида терговчи лавозимида туриб, жиноят ишларини тергов қилаётган бўлса-да, муайян бир иш бўйича дастлабки терговни юритишда масъул ҳисобланмаса, топилади.

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа ходимлари деб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг штат ходими ҳисобланган, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи, лекин юритилаётган жиноий иш учун масъул бўлмаган шахслар тушунилиши мумкин. Бундай ходимлар жумласига оддий милиция ходимлари, солиқ хизмати, Миллий хавфсизлик хизмати ва техник функцияларни амалга оширувчиларга гумон қилинувчи ёки айбланувчини қўриқлаш, назорат қилиш ва бошқа ишларни бажарувчи шахслар киради.

Жазони ижро этиш муассасасининг ходими деб, мансаб ваколатидан қатъий назар, мазкур муассасанинг штат жадвали бўйича ходим ҳисобланган мансабдор шахсларни, агар улар қийноқдан жабрланганга боғлиқ бўлган жиноий иш бўйича суриштирувчи бўлмасалар, ҳисоблаш лозим. Акс ҳолда, мазкур шахс суриштирувчи ҳисобланиши керак. Масалан, жазони озодликдан маҳрум этиш тарзида ўташ колонияси раҳбари жазони ижро этиш муассасаси ходими сифатида тан олиниши лозим, лекин колонияда жиноят содир этилса, у бу иш билан боғлиқ бўлган шахсга (жабрланувчи, гумонланувчи, гувоҳга) нисбатан суриштирувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига биноан қуйидагилар жазони ижро этиш бўйича муассасалардир:

- суд (ижрочилари) – жарима тарзидаги жазога нисбатан;
- ички ишлар органлари – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим каби жазоларни ижро этиш бўйича. Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги ҳукм талаблари судланганнинг иш жойи маъмурияти томонидан, шунингдек, муайян иш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан бажарилади;
- ҳарбий қисм бошлиқлари – хизмат бўйича чеклаш тарзидаги жазони ижро этиш бўйича ҳарбий хизматчиларга нисбатан;
- гарнизон гауптвахталари – ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ жазосини ижро этиш ҳолатида;
- махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар – интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазога нисбатан;
- унвон берган орган – ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога нисбатан, муассасалар ҳисобланади.

13. Агар шарҳланаётган жиноят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими бўлмаган шахс томонидан, (масалан, терговчининг жамоатчи ёрдамчиси, суриштирувчи ёхуд унинг қариндошлари ва бошқалар), лекин суриштирувчи, терговчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бошқа ходимининг фитнаси, иғвоси, рухсати ёки номига розилиги билан содир этилган бўлса, унинг ҳаракати ЖКнинг 28-моддаси, 5-қисми, 235-моддаси бўйича жиноят содир этишда воситаларни етказиб берганлик белгисига кўра қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўллашда ёрдамчилик қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим. Суриштирувчини, терговчини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошқа ходимини, ўз навбатида, жиноят содир этишда бошқа воситалардан фойдаланиш белгисига кўра, ЖКнинг 235-моддаси бўйича иштирокчи сифатида жавобгарликка тортиш керак (ЖКнинг 28-моддаси, 2-қисми).

14. Шарҳланаётган жиноят формал таркибли қилмиш сифатида шаклланган, яъни уни тугалланган жиноят сифатида тан олиш учун қонунга хилоф бирон-бир оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

Жиноят жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми шарҳланаётган жиноятнинг квалификация қилинган турларини содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутаяди.

Квалификация қилиш белгилари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- ҳаёт ёки соғлиқ учун ҳафли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёки шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;
- миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;
- бир гуруҳ шахслар томонидан;
- такроран;
- вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан содир этилганда.

(Мазкур белгилар ҳақида ЖКнинг 56, 104, 141, 164-моддалари шарҳига қаранг).

16. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш белгисига кўра квалификация қилишда судлар шунини инобатга олишлари зарурки, бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этишни муайян ишга алоқадорлигидан қатъий назар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг камида икки нафар ходими ташкил этади. Шарҳланаётган модданинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши белгиси муайян иш бўйича терговчи ёки суриштирувчининг ифвоси, рухсати ёки жимгина розилиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бошқа ходимлари томонидан қийноқ, бошқа ғайриинсоний ёки шафқатсиз, кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо қўлланилгандагина бўлади. Бундай ҳолатда қийноқни қўллаётган, лекин муайян жиноий ишга масъул бўлмаган шахснинг (масалан, қўриқлаш ходими, тергов бўлимининг бошлиғи ва бошқаларнинг) ҳаракатлари шарҳланаётган жиноятнинг бевосита ижрочиси сифатида, мазкур иш бўйича суриштирувчи ёки терговчи, прокурор ҳаракатлари ЖКнинг 28-моддаси, 5-қисми ва 235-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилиниши керак.

17. ЖКнинг 235-моддаси, 3-қисмида қийноқни ва бошқа ғайриинсоний ёки шафқатсиз, кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини оддий ёки квалификация қилинган турларини қўллаганлик оқибатида баданга оғир шикаст етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган (баданга оғир шикаст етказилиши тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси, бошқа оғир оқибатлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 231-моддаси шарҳига қаранг).

18. Қийноқ, азоб бериш, таҳдид, алдов, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала, бошқа ғайриқону-

ний чоралар, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчинини ҳимояланиш ҳуқуқини бузиш билан қўлга киритилган далилларни айбловга асос қилиб олиб бўлмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд (судья) қамоқда уш-лаш жойларидан келтирилган шахслардан улар билан суриштирув ёки тергов давомида қандай муносабатда бўлишганлигини, шунингдек, ушлаб туриш шароитлари ҳақида ҳар доим сўрашлари шарт. Қийноқ ёки бошқа ноқонуний суриштирув, тергов усуллари-нинг қўлланилиши, ҳар бир факт бўйича келтирилган далил, исбот, шу жумладан, суд-тиббий текширувини кўриб чиқиш ва натижалар бўйича ҳам процессуал, ҳам мансабдор шахсга нисба-тан жиноят иши қўзғатишгача бўлган бошқа ҳуқуқий чоралар кўри-лиши шарт.

### 236-модда. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини

*Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адо-латсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эри-шиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъ-сир ўтказиш*

— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса — олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йил-дан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Конституциянинг 106-моддасига кўра, «Ўзбекистон Респуб-ликасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳоки-миятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмала-ридан мустақил ҳолда иш юритади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадил-лар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фао-лиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади». Шунга кўра, суднинг адолатни қарор топтиришдаги фаолиятига ҳеч ким, ҳеч қандай шаклда аралашинишга ҳақли эмас.

2. Тергов қилишга ёки суд ишларни ҳал этишга аралашинининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бундай ҳаракатлар оқибатида

тергов ва суд органларининг нуфузига путур етади, уларга аҳолининг ишончи камаяди, адолат ҳамда ушбу органлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг асосланганлиги бузилади, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари поймол бўлади. Бундан ташқари, шарҳланаётган жиноятни содир этиш адолатга қарши бошқа ижтимоий хавфли ҳаракатларни амалга оширишга замин яратади.

3. Жиноятнинг объекти суд органларининг мустақиллиги ва обрўи, суриштирув, тергов, прокуратура органларининг жиноий ишларни тергов қилиш ва (ёки) судларнинг жиноий, фуқаролик, хўжалик ёки маъмурий ишларни ҳал қилиш каби нормал фаолияти ҳисобланади.

4. Объектив томондан жиноят фаол ҳаракат — тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашишда ифодаланади.

5. *Тергов* — бу жиноят процессининг бир босқичи бўлиб, прокурор назорати остида жиноят ҳодисаси юз берган-бермаганлиги, жиноят содир этишда айбдор шахсларни, жиноятда уларнинг айб даражаси, жиноят оқибатида келиб чиққан зарарнинг хусусияти ва миқдори, жиноятнинг сабаблари ҳамда иш учун аҳамиятга эга бошқа ҳолатларни аниқлаш учун суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат фаолият. Тергов жиноят ишини бекор қилиш ёки ишни судга юбориш билан тамомланади (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юборишни ҳам ўз ичига олади).

6. *Суд ишларини ҳал этиш* — бу махсус ваколатли давлат органи — суд томонидан суд мажлисида тўплаган ёки тарафлар тақдим этган далиллар асосида ўтказиладиган текшириш жараёни. Суд ишларини ҳал этиш махсус ҳужжат: ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор қабул қилиш билан тамомланади.

Суд ишлари деганда, нафақат биринчи инстанция судида кўриладиган ишлар, балки апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш ҳам тушунилиши керак.

7. *Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаш* — бу жисмоний шахслар томонидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья (шунингдек, судьялар ҳайъати ва халқ маслаҳатчиси)нинг фаолиятига таъсир этиш.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаш иш тергов органи, прокуратура ёки суд биноси ёнида шиор ёзилган плакатлар билан терговнинг барча қисми ёки бир қисмини ёхуд иш ташлаш билан боғлиқ намойиш, митинг ёки намойиш ўтказиш, тергов, прокуратура ёки суд органлари биноси ёнида очлик эълон

қилиш, оммавий ахборот воситаларида кампаниялар ташкил этиш ва бошқаларда намоён бўлиши мумкин.

Аралашиш турли шаклда бўлиши мумкин: терговни бошқа йўналишда олиб бориш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурордан илтимос ёки талаб қилиш; судья ёки халқ маслаҳатчисидан ваъда берилган фойда ёхуд манфаат эвазига ишни муайян йўналишда олиб боришни талаб қилиш; таҳдид қилиш билан қўрқитиш; ўзи яхши танийдиган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки халқ маслаҳатчиси орқали тергов ёки суд ишини ўзининг фойдасига ҳал этишга уриниш; маслаҳат бериш ёки давлат ҳокимияти мансабдор шахси орқали йўл-йўриқ бериш ва бошқалар.

8. Айбдорнинг ҳаракатини квалификация қилишда аралашишнинг аниқ шакли — ишни тугатишни илтимос қилиш, оқлаш, айбни енгиллаштириш ёки, аксинча, оғирлаштириш, бошқа шахсларни жавобгарликка жалб қилиш, ишни даъвогар ёки жавобгар фойдасига ҳал этиш ва ҳоказолар аҳамиятга эга эмас. Аралашиш ёки таъсир кўрсатиш дастлабки терговнинг барча босқичига, тўпланган ёки жиноят, фуқаролик, маъмурий ёхуд хўжалик ишига қўшилган далилларга тегишли бўлиши мумкин.

Аралашиш ёки таъсир этиш, улар аниқ бир ишга тааллуқли бўлса, жиноят таркибини ташкил этади. Жазо чорасини кучайтириш ёки камайтиришга, умуман ёки бирон-бир жиноят турини аниқлашга қаратилган аралашиш тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, деб топилмайди.

9. Фуқаролар ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар бошлиқларининг тергов ёхуд суд органларига меҳнат жамоаси аъзосига нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш, шартли ҳукм қилиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш ёки уларнинг фикрича, ишга дахлдор бошқа ҳужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ мурожаатномалари ёхуд илтимосномалари тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, деб топилмайди.

Бундан ташқари, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят тўғрисида хабар бериш, ишга дахлдор янги далилларни келтириш, мансабдор шахслар устидан шикоят бериш тергов, прокурор, суд органларининг фаолиятига аралашиш, деб топилмайди. Илтимос қилиш, маслаҳат ёки таклиф қилиш умумий кўринишга эга бўлса (мисол учун, бирон-бир суднинг жинойий сиёсат соҳасидаги ишларини нашр қилиш ёки мажлисда танқидий фикр билдириш), тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, деб ҳисобланмайди.



10. Аралашиишни ижтимоий хавфли, деб топиш учун, шунингдек, айбдор тергов ва суд органлари фаолиятига аралашииш каби қонуний ҳуқуқларга эга бўлмаслигини аниқлаш керак. ЖПКга кўра, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек, дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни квалификация қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек, терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир<sup>1</sup>. Олий суд ҳар қандай фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикасининг исталган судидан олиб, ўзининг иш юртишига қабул қилиб олиши ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли<sup>2</sup>.

Агар айбдорнинг тергов ва суд органлари фаолиятига аралашиишга ваколати бўлмаса, унинг ҳаракатлари қонунга зид, деб ҳисобланиши даркор.

Аралашииш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид солиш билан кўрқитиш шаклида бўлса, бунда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим бўлади.

11. Шарҳланаётган жиноят суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья фаолиятига қонунсиз аралашииш ҳаракати бевосита бошланиши ҳамон тугалланган, деб топилади. Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишда жиноятни тугалланган, деб топиш юқоридаги шахслар фаолиятига ёки айбдорнинг ҳаракатлари тегишли қарор қабул қилинишига таъсир этиши талаб қилинмайди.

12. Субъектив томондан тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашииш фақат тўғри қасддан содир этилади, яъни шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини билади, қонунга зид ва адолатсиз қарор чиқарилишини хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг мотиви шахсий манфаатдорлик, ғаразли ният ва бошқалар бўлиши мумкин.

Субъектив томоннинг зарурий белгиси аралашииш қандай мақсадда содир этилганлиги ҳисобланади. Агар аралашииш жиноят ишини тергов қилишда амалга оширилса, мақсад терговни тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишига тўсқинлик қилиш ҳисоблана-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 37-модда, 2-қисми.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, 144-модда.

ли. Суд ишларини ҳал этишга аралашининг мақсади адолат қарор топишига тўсқинлик қилиш: иш бўйича судьялар (ёки судья) томонидан қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш (ҳукм, ажрим, қарор ва ҳал қилув қарори) қабул қилиш ҳисобланади.

13. Жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс.

14. Шунини айтиш лозимки, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья фаолиятига моддий манфаат кўрсатишни таклиф қилиб аралашини жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 211-моддаси, 1-қисми ва ЖКнинг 236-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилишга олиб келади.

15. ЖКнинг 236-моддаси, 2-қисмида тергов қилиш ёки суд ишларини ҳал этишга аралашини мансабдор шахс томонидан содир этилса, оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқариши кўрсатилган.

16. Мансабдор шахс деганда, ишни тергов қилиш ёки ҳал этишга аралашини бевосита ваколати бўлган шахсни тушуниш лозим. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ҳам қоида бўйича мансабдор шахс ҳисобланади. Энг аввало, давлат мансабини эгаллаган шахслар мансабдор шахслардир. Бундан ташқари, судья мансаб ваколати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда у билан алоқадор шахслар, масалан, судья, прокурор ёки терговчининг фарзандлари таълим олаётган мактаб директори, судья ёки унинг қариндоши яшаётган уйнинг, маҳалланинг оқсоқоли ва бошқалар ҳам мансабдор шахс, деб топилади.

17. Прокурорнинг терговчи, суриштирувчига кўрсатмалари, шунингдек, юқори турувчи прокурорнинг қуйи турувчи прокурорга тергов қилинаётган иш бўйича кўрсатмалари жиноят-процессуал қонуни бўйича ишни тергов қилишга аралашини, деб топилмайди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 37-моддаси доирасида тергов бўлими бошлигининг кўрсатмалари ушбу жиноят таркибини ташкил қилмайди.

### 237-модда. Ёлғон хабар бериш

*Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб, ёлғон хабар бериш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

*а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;*

б) *ғаразғўйлик ниятларида;*

в) *уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

— *энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— *беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти одил судлов органларининг нормал фаолияти, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

2. Объектив томондан била туриб, жиноят содир этилгани ҳақида ёлғон хабар беришда ифодаланади.

Ёлғон хабар бериш деганда, ёзма ёки оғзаки равишда бевосита айбдор ёки бошқа шахс томонидан содир этилган, тамом бўлган жиноят ҳақидаги ёки жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги ёхуд тажовуз ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабар беришни тушуниш зарур. Одатда, бундай хабарлар жинойий иш кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган идораларга келиб тушади. Прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, солиқ органлари, давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказолар шулар жумласидан.

Ёлғон хабарда айбдор томонидан жиноятни содир этган шахс кўрсатилиши ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақидаги факт маълум қилиниши мумкин.

3. Била туриб ёлғон хабар бериш, оқибатларидан қатъий назар, тегишли органларга хабар қилинган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

4. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Ёлғон хабар берган шахс ўзи маълум қилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билиши лозим. Айбдор хабар қилинган ахборотни баҳолашда ҳақиқадан ҳам адашган бўлса, уни шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Ёлғон хабар берилишининг мотивлари ҳар хил: бир-бирини кўра олмаслик, ўч олиш, ҳасад, ғаразғўйлик бўлиши мумкин. Биلا туриб, ёлғон хабар беришдан кўзланган мақсад, аксарият ҳолларда, жиноятни содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатиш хоҳишидир.

5. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

6. ЖКнинг 237-моддаси, 2-қисмида била туриб, ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни оғирлаштирувчи қуйидаги ҳолатлар белгиланган:

- а) айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда;  
 б) ғаразгўйлик ниятларида;  
 в) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

7. Айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтириш деганда, жиноятга алоқаси бўлган далилларнинг сохталаштирилишини (сохта гувоҳлар келтирилиши, қандайдир ҳужжатлар, ёзувлар, фотосуратларни сохталаштириш ва ҳоказоларни) тушуниш керак.

8. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида оғир оқибатларга сабаб бўлган ёлгон хабар берганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Оғир оқибатлар деганда, ёлгон хабар бериш натижасида айбланган шахснинг руҳияти бузилиши, ўзини-ўзи ўлдириши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

### 238-модда. Ёлгон гувоҳлик бериш

*Ёлгон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлгон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлгон кўрсатув бериши ёки экспертнинг ёлгон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлгон кўрсатув беришга мажбур қилиш*

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги дастлабки тергов ва суд органлари чалғиб, вақтини, маблағ ва кучини ёлгон бўлган маълумотларни аниқлаш учун сарфлашидир. Шунингдек, ёлгон гувоҳлик, ҳақиқатан ҳам бўлган жинойий ҳаракатларнинг аниқланишига тўсқинлик қилиб, одил судлов учун катта зиён етказди. Яъни, шарҳланаётган жиноят жиноят ишини тўла,

ҳар томонлама ва объектив тергов қилиниши ва одил судлов амалга оширилишига тўсқинлик қилибгина қолмай, қонуний ҳукм ёки фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича қонуний ҳал қилув қарор чиқарилишига ҳам тўсқинлик қилади.

2. Ёлгон гувоҳлик бериш жиноятининг объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг нормал фаолияти, шунингдек, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобланади.

3. Ушбу жиноятнинг объектив томони қуйидаги ҳаракатлардан бири бажарилишида ифодаланади:

- гувоҳнинг била туриб ёлгон кўрсатув бериши;
- жабрланувчининг била туриб ёлгон кўрсатув бериши;
- экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши;
- била туриб нотўғри таржима қилиниши.

Ушбу ҳаракатларнинг барчаси судда ёхуд суриштирув ёки дастлабки тергов даврида бажарилиши мумкин.

4. *Гувоҳ* – жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс (ЖПКнинг 65-моддаси).

5. *Жабрланувчи* сифатида жиноят, шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс эътироф этилади (ЖПКнинг 54-моддаси).

6. *Эксперт* – жиноий, маъмурий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича вужудга келадиган фан, техник ва бошқа махсус масалалар бўйича хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс. У махсус билимларини ишлатган ҳолда объектив ва ҳар томонлама текширув асосида ўз номидан хулоса тузади ва тақдим этган хулосасига жавобгар (ЖПКнинг 67-моддаси).

7. *Кўрсатув бериш* – жиноят ёхуд фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган ҳоллар, аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида ахборот бериш. ЖКнинг 238-моддасида иш юзасидан аҳамиятсиз бўлган ҳоллар (масалан, гувоҳнинг жиноят жойида пайдо бўлиши сабабларини ўзгартириши) инobatга олинмайди.

8. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан исботлаш аҳамиятига эга бўлган ҳолатларни атайин бузиб кўрсатиш ёлгон кўрсатув бериш ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки бузилган фактларни хабар қилиш ёхуд бўлган фактларни инкор этиш ёки ушбу фактлар ҳақида кўрсатув бермаслик ҳам ёлгон кўрсатув беришдир.

9. Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақида атайин айтмаслик, гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ

қилиш ҳуқуқига эга бўлган суд ва бошқа иштирокчиларнинг, берган бирон-бир саволига жавоб бермаслиги ҳақида айтмаган тақдирдагина, ЖКнинг 238-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин. Гувоҳ ёки жабрланувчи ёхуд экспертнинг иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисида кўрсатув беришдан бош тортиши, ЖКнинг 240-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим (ЖКнинг 240-моддаси шарҳига қаранг).

10. Ёлгон кўрсатмалар муайян жиноят ишининг исботлаш аҳамиятига эга бўлган бирон-бир ҳолатларига тааллуқли бўлиши мумкин. Гувоҳнинг ёлгон кўрсатмалари, шунингдек, фуқаролик ёки хўжалик иши бўйича ҳам берилиши мумкин.

11. *Эксперт хулосаси* – ваколатга эга бўлган шахс томонидан текширувга тақдим этилган ҳолатнинг бирон-бир томони ҳақида махсус билимлар асосида тақдим этилган хулоса. Хулосани фақат ваколатга эга бўлган шахс тақдим қилиши мумкин<sup>1</sup>.

*Нотўғри эксперт хулосаси* – экспертнинг иш материалларига (ҳужжатлар, далилий ашёларга) нотўғри баҳо бериши. Шунингдек, экспертиза даврида аниқланган ҳолатлар бўйича фактларни бузиб кўрсатиш, ушбу фактларни хулосада кўрсатмаслик нотўғри тушунтириш бериш ҳам нотўғри хулоса, деб топилади.

12. *Таржима* – бир тилдаги бирон-бир маълумотлар, ахборотларни бошқа тилда баён этишга қаратилган фаолият. Тил деганда, нафақат сўзлашув («товушли») тили, балки махсус билимларни талаб қилмайдиган кенг тарқалган ва қўлланадиган белгилар тили (мисол учун, кар-соқовлар тили) ҳам тушунилиши мумкин (жумладан, қадимги Миср тили, қандайдир шифр).

Таржима бир тилдан бошқасига ёзма ва оғзаки, бир ёки бир неча таржимонлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунинг таъкидлаш зарурки, била туриб нотўғри таржима қилганлик учун фақат муайян ишда таржимонлар сифатида жалб қилинган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин.

13. Нотўғри таржима қилиш ёзма ёки оғзаки нутқнинг мазмунини бир тилдан иккинчи тилга бузиб, нотўғри таржима қилишда ифодаланadi. Нотўғри таржимага иш ҳолатлари бўйича маълум бир ҳолатлар бўйича сукут сақлаш ҳам киритилади.

14. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда иш кўриш жараёнида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлгон кўрсатма бериши, экспертнинг нотўғри хулоса бериши ва нотўғри таржима қилиш ЖКнинг

---

<sup>1</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКсига кўра, экспертизани экспертиза муассасаларининг, бошқа давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мутахассислари ёки суриштирувчи, терговчи ёхуд суд тайинлаган бошқа билимдон шахслар ўтказди (ЖПКнинг 174-моддаси, 1-қисми).

238-моддаси, 1-қисми билан жиноий жавобгарлик юзага келиб, ёлгон гувоҳлик бериш жиноят иши бўйича айбдорга фойдали ёки қарши бўлишидан, шунингдек, фуқаролик ва ҳужалик ишлари бўйича даъвогар ёки жавобгар фойдасига ёки унга қарши бўлишидан қатъий назар, юқоридаги жиноий жавобгарлик юзага келади.

15. ЖКнинг 238-моддаси, 1-қисмида келтириб ўтилган қилмишлар дастлабки тергов ёки суд жараёнида содир этилиши лозим. Гувоҳнинг судья билан ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш вақтида ёлгон гувоҳлик бериши ЖКнинг 238-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

16. Жиноят норма диспозициясида кўрсатиб ўтилган қилмишлар содир этилиши билан тугалланган ҳисобланади. Агар кўрсатма, хулоса ёки таржима оғзаки қилинадиган бўлса, жиноят кўрсатма, хулоса бериш ва таржиманинг охирига етиши билан тугалланган ҳисобланади. Агар улар ёзма равишда бериладиган бўлса, сўроқ баённомасига имзо қўйгандан, таржима ёки хулосани имзолаш ва уни суд органига бериш билан жиноят тугалланган ҳисобланади.

Жиноятни тугалланган, деб топиш учун ҳеч қандай оқибат келиб чиқиши, масалан, судланувчининг маҳкум бўлиши ёки оқланиши, таржима, хулосалар далил сифатида олиниб, айбдорга нисбатан жавобгарлик вужудга келиши ва бошқалар талаб қилинмайди.

17. Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади. Санаб ўтилган шахслар ўзлари бераётган кўрсатма, хулоса ёки таржима ҳақиқатга мос келмаслигини англайди ва уларни нотўғри маълумот сифатида суд ёхуд одил судловни амалга оширувчи бошқа органларга беришга ҳаракат қилади.

Олдиндан билиш белгиси шарҳланаётган жазога лойиқ хулқатворни жазо белгиланмайдиган эҳтиётсиз қилмишдан ажратади. Бу, масалан, жабрланувчи ёки гувоҳнинг эсдан чиққани, чалгигани туфайли ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатма бериши ёхуд билимсиз эксперт ёки таржимоннинг нотўғри хулоса ёхуд таржимаси бўлиши мумкин. Жиноятнинг мотиви (ғаразли, ўч олиш, шахсий салбий муносабатлар) қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

18. Жиноят субъекти махсус бўлиб, ўн олти ёшга тўлган, қонун бўйича ишда гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Ўн олти ёшга тўлмаганлар ва ишга гувоҳ ва жабрланувчи сифатида жалб қилинган шахслар мазкур жиноят субъекти ҳисобланмайди. Мазкур шахсларни шарҳланаётган жиноятнинг субъекти сифатида тан олишда, уларни ёлгон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик

ҳақида огоҳлантирилганлик факти аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳолат маъмурий, фуқаролик ва хўжалик тартибидаги ишларни ҳал қилишда тўлалигича аҳамиятга эга.

19. Жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (айбдор, судланувчи, даъвогар, жавобгар ва учинчи шахслар) жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас. Айбдор (судланувчи) процесснинг маълум бир босқичида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган бўлса-да, ёлгон гувоҳлик берганлик учун ЖКнинг 238-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

20. ЖПКнинг 117-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Айни маҳалда мазкур шахслар тергов ва ишни судда кўриш жараёнларида фақат гувоҳлик беришдан бош тортишлари мумкин, аммо улар ёлгон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарликдан озод қилинмайдилар.

21. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қуйидаги қилмишларни содир этганлик учун жавобгарликни белгилайди:

а) ёлгон гувоҳлик бериш учун пора эвазига оғдириб олиш;

б) гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимонга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлгон кўрсатма беришга мажбур қилиш.

22. *Пора эвазига оғдириб олиш* – бу ёлгон гувоҳлик бериш эвазига айбдорларнинг шахсан ўзига ёки воситачилари орқали кўрсатилган шахсларга пул, қимматли қоғоз, бошқа мулк бериш ёки мулкый характерда бўлган хизматларни, ишни дастлабки терговда ёки суд мажлисида кўриш вақтида, ёлгон гувоҳлик бериш учун бажаришда ифодаланади.

Жинсий алоқага киришишга таклиф қилиш поранинг предмети бўла олмайди. Мулкый характерда бўлмаган манфаат ва фойдали хизматларни бажариш (ишга жойлаштириш ва бошқалар) мазкур жиноят таркибини ташкил қилмайди.

23. Айбдорнинг қилмишини квалификация қилишда поранинг миқдори аҳамиятга эга бўлмайди. Агар эксперт ёки таржимон маълум бир мукофот эвазига ёлгон хулоса берса ёки ёлгон таржима қилса, қилмиш бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, фақат ЖКнинг 238-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниб, ЖКнинг 213-моддаси (хизматчини ҳақ эвазига оғдириш) билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинмайди.

24. ЖКнинг 238-моддаси, 2-қисми билан ёлгон гувоҳлик беришга руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш билан қўрқитган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.



25. Шарҳланаётган моддада маъноси бўйича мажбурлаш деганда, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ёки таржимон ёхуд уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказишни тушуниш керак.

26. Руҳий тазйиқ ўтказиш айбдор томонидан шарҳланаётган жиноятнинг содир этилишини соғлиқ ёки мулкка зарар етказиш билан қўрқитиш орқали талаб қилишда ифодаланади.

Руҳий тазйиқ ўтказиб, ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш, айбдор томонидан белгиланган оқибатдан қатъий назар, зўрлик ишлатиш намоён қилинган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

27. Жисмоний тазйиқ ўтказиш жабрланувчинини уриш орқали унга енгил тан жароҳат етказишда ифодаланади. Жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилганда, айбдорнинг қилиши соғлиққа зарар етказганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган моддаларга асосан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 104, 105-моддалари). Ўлдириш билан қўрқитиш ёлғон гувоҳлик бериш билан бирга жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак (ЖКнинг 112 ва 238-моддалари).

28. Агар ёлғон гувоҳлик учун жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказиш натижасида жабрланувчининг ўлими юзага келса, унда қилиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак: қасднинг йўналишига қараб, ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «о» банди бошқа жиноятни яшириш мақсадида қасддан одам ўлдириш (бунда айбдорда жабрланувчининг ўлимига нисбатан эгри қасд мавжуд). Шунингдек, маълум бир жиноятнинг мавжуд белгилари бўлганда, агар ёлғон кўрсатув беришгача бўлган даврда жабрланувчининг ўлими юзага келган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилишга суиқасд қилиш сифатида баҳоланиб, ЖКнинг 102 ёки 103-моддалари ҳамда ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва ЖКнинг 238-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилиниши мақсадга мувофиқ.

29. Ёлғон гувоҳлик беришда тазйиқ ўтказиш нафақат жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва таржимонга нисбатан, балки уларнинг қариндошларига нисбатан ҳам қаратилиши мумкин, уларнинг тўлиқ рўйхати ЖКнинг «Махсус» қисми, VIII бўлимида келтирилган.

30. Агар гувоҳ ва жабрланувчилар ўзларининг шахсий ишлари билан банд бўлганликлари туфайли вақтларини йўқотишни хоҳламай, кўрсатма беришдан бош тортсалар, уларни ёлғон гувоҳлик беришни талаб қилмаган ҳолда суд ёки суриштирувчи, прокурор ёхуд терговчи ҳузурига келишига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш

зиб мажбур қилиш ЖКнинг 238-моддаси, 2-қисми назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди. Жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказиш ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланса, айбдорнинг қилмиши маълум бир белгилар мавжуд бўлганда, ЖКнинг 104, 105, 109, 110 ёки 112-моддаларидан бири бўйича квалификация қилиниши керак.

31. Жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, таржимон судда, дастлабки терговда ёки суд муҳокамасида ёлғон гувоҳлик (хулоса) беришга мажбурланган бўлсалар, ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш мавжудлигини қайд этиш мумкин. Гувоҳ ёки экспертни текшириш, идоравий тафтиш, хизмат текшируви ва ҳакамлик судларида ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлаш ЖКнинг 238-моддаси бўйича квалификация қилинмайди. Муайян вазиятлар мавжуд ҳолларда айбдорнинг жавобгарлиги фақат ЖКнинг 104, 105, 106, 110 ва 112-моддаларидан бирига асосан келиб чиқиши мумкин.

32. Жиноят гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, таржимон ёлғон гувоҳлик берган ёки бермаганлигидан қатъий назар, пул, бошқа қимматликлар ва мулкӣ характердаги хизматлар эвазига ёлғон гувоҳлик беришга рози бўлиши билан тугалланган ҳисобланади. Шунингдек, айбдорга пора бериш таклиф қилинган вақтда пора сифатида ваъда қилинган пул суммаси берилганми-йўқми, хизмат бажарилганми-йўқми, пора эвазига оғдириб олиш тугалланган ҳисобланади.

Агар шахс руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилган ҳолда ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилинган бўлса, тазйиқ ўтказилган вақтдан жиноят тугалланган ҳисобланади.

33. Субъектив томондан жиноят айбнинг тўғри қасд шаклида намоён бўлади. Уни амалга ошириш мотиви турли хил бўлиши мумкин, лекин улар жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

34. Ёлғон гувоҳлик бериш учун пора эвазига оғдириш ва ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилиш субъектлари ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

35. Гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимонни ёлғон гувоҳлик бериш (хулоса бериш) учун пора эвазига оғдириб олиш ёки уни мажбурлаш, иш қайси инстанцияда кўрилишидан қатъий назар, жиноий, маъмурий, фуқаролик ёки хўжалик ишларида ЖКнинг 238-моддаси билан квалификация қилинишига асос бўлади.

36. Гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва таржимонни ёлғон гувоҳлик бериш (хулоса бериш) учун уни пора эвазига оғдириб олиш ёки мажбур қилиш билан эмас, бошқа йўллар билан, илтимос, кўндириш айбдорнинг фарзандлари борлигини рўқач қилиш ва

бошқалар орқали тазйиқ ўтказиш ёлгон гувоҳлик беришни яшириб турувчи элемент сифатида қаралиб, шарҳланаётган модданинг 2-қисми билан эмас, ЖКнинг 28-моддаси ва 238-моддаси, 1-қисми билан жинойий жавобгарликка тортилади.

37. ЖКнинг 238-моддаси, 3-қисмида уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган (уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

### **239-модда. Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш**

*Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, суриштирув ва дастлабки тергов натижасида тўпланган далилларнинг ошкор этилиши натижасида манфаатдор шахслар ушбу маълумотдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, охир-оқибат бу ҳақиқатни аниқлашда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Масалан, айбдор яширинган ҳолда гувоҳларга тазйиқ ўтказиши ва далилларни йўқ қилиши мумкин ва ҳоказо.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ (ЖПКнинг 353-моддаси), терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган маълумотлар сифтида эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин.

Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юкланиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан бўладиган суҳбатига тааллуқли эмас.

3. Шарҳланаётган модданинг объектини дастлабки тергов ва суриштирув органларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

4. Суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлар жиноят предмети ҳисобланади.

Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотлари деб, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олинган, сўроқ, юзлаштириш, тинтув, тергов экспериментлари баённомаларида, экспертиза материаллари ва бошқа ҳужжатларда мавжуд маълумотларга айтилади. Бироқ, шарҳланаётган модда нуқтаи назаридан маълумотлар деганда, фақат суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олиниб, уларга нисбатан терговчи, суриштирувчи ёки прокурор уларни овоза қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирган ҳамда бу ҳақда тегишли тилхат олинган маълумотлар тушунилади<sup>1</sup>.

Агар шахс маълумотларни овоза қилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, уни шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка жалб қилиш мумкин эмас.

5. Маълумотларни суриштирув ва дастлабки терговга оид маълумот, деб эътироф этиш учун улар айбдор томонидан иш материаллари ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ўзидан олинган бўлиши шарт эмас.

Бу маълумотлар, шунингдек, бошқа йўл билан (масалан, шохид, гувоҳ, бошқа шахслар билан суҳбатлашув натижасида) олинган бўлиши мумкин. Бироқ, суриштирув ва дастлабки терговга оид маълумот сифатида эътироф этилиши учун уларга нисбатан айбдордан ЖПКнинг 353-моддасига биноан тилхат олинган бўлиши шарт. Бунда бу маълумотлар кимга ёки нимага тааллуқлилиги аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, эксперт ўзи ўтказган экспертиза маълумотларини, гувоҳ — ўз кўрсатмаларини овоза қилиш ҳуқуқига эга эмас.

6. Объектив томондан дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш кўрилатган иш шарт-шароитларини жабрланувчи, гувоҳ, ҳимоячи ёки бошқа терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан бундай маълумотни унинг рухсатисиз ошкор қилишга

---

<sup>1</sup> Мазкур хулоса ЖПКнинг 353-моддаси, 1-қисми таҳлилидан келиб чиққан бўлиб, унга кўра, «терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган, деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин».

йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантирилган бошқа шахс томонидан учинчи шахсларга оғзаки ёки ёзма равишда узатилишида ифодаланadi.

7. Агарда, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш иш бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов пайтида, шу жумладан, дастлабки тергов тўхтатилган давр ёки у тугаганидан сўнг, то суд ишни кўриб чиққунича амалга оширилган бўлса, бу ҳаракат жиноятнинг объектив томонини ташкил этади.

Маълумотларни суд ишни кўриб чиққанидан сўнг ошкор этиш шарҳланаётган моддада жавобгарлик назарда тутилаётган қилмиш белгиларига кирмайди. Тергов тамоман тўхтатилганда суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилган шахс мазкур модда бўйича жавобгарликка тортилмайди.

8. Шарҳланаётган жиноят тегишли ахборотни учинчи шахсга терговчи, прокурор ёки суриштирувчи рухсатсиз берилгандан тугалланган ҳисобланади. Қилмишни тамомланган жиноят сифатида баҳолаш учун бу берилган маълумот бундай маълумотга қизиққан шахслар қўлига кирган бўлиши шарт эмас. Бу маълумотни учинчи шахс ишлатгани ёки ишлата олмагани қилмишни тугалланган сифатида тан олинишига таъсир қилмайди. Қандайдир зарarli оқибатлар бўлиши (масалан, айбланувчининг жавобгарликдан бош тортиши, ашёвий далиллар йўқ қилиниши ва ҳоказолар) жазони индивидуаллаштириш учунгина аҳамиятли.

9. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Бу жиноят асоси — ўзининг хабардорлиги билан мақтаниш, ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатлар бўлиши мумкин, улар квалификация қилишга таъсир этмайди.

10. Жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантирилган шахс. .

11. Агарда, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ошкор этса, зарур белгилар мавжуд бўлганида, улар ЖКнинг 205 ёки 207-моддасига асосан, мансабдорлик жинояти бўйича жавобгарликка тортилади.

### **240-модда. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши**

*Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун жавобгарликка тортилмайдилар.

1. Жиноят-процессуал қонунчилигига (ЖПКнинг 117-моддасига) мувофиқ, гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб, ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

«Суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан аниқланаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас» (ЖПКнинг 118-моддаси).

2. Суриштирув, дастлабки тергов ва суд идораларининг нормал фаолияти, шу билан бирга фуқаролар манфаати жиноят объекти ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят гувоҳ ёки жабрланувчининг суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ёки судда гувоҳлик беришдан ё бўлмаса экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлашидан иборат бўлади.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатма беришдан бош тортиши оғзаки ёки ёзма тарзда бевосита ариза бериш билан амалга оширилиши мумкин.

Гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатма бера туриб, ишнинг баъзи жиҳатлари юзасидан ёлгон гувоҳлик берсалар, уларнинг ҳаракатлари, шунингдек, қисман ёлгон хулоса берган эксперт ҳаракатлари ёлгон гувоҳлик бериш сифатида ЖКнинг 238-моддасига бўйича квалификация қилинади.

Гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатма беришдан бўйин товлаши легенда, кўрсатма беришдан бош тортиш мақсадида бирон-бир узрсиз сабабларни излаб топиш тушунилади (ўзини касал қилиб кўрсатиш, оғир оилавий аҳволини важ қилиш ва ҳоказо).

Экспертнинг хулоса беришдан бўйин товлаши деганда, ўз ма-лақаси пастлиги, ўзини ёмон сезаётганлиги, ачиниш ҳиссини келтириб чиқариш истаги кабилар тушунилади.

4. Шарҳланаётган жиноят рад этиш ҳақида ариза ёки кўрсатув беришдан сабабсиз бўйин товлаш пайтидан тугалланган ҳисобланади.

5. Суриштирув, дастлабки тергов органи ёки судга гувоҳ, жабрланувчи ёки эксперт сифатида чақирилган ўн олти ёшга тўлган шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин.

6. Жиноят кодексининг 240-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун жавобгарликка тортилмайдилар.

### **241-модда. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш**

*Тайёргарлик кўрилаяётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш: ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги унинг содир этилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз фаолияти-ни самарали амалга оширишга, хусусан, жиноятни содир этишнинг олдини олиш бўйича фаолиятига тўсқинлик қилади. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш жиноятчиларда ёки жиноят содир этмоқчи бўлган шахсларда жиноятни содир этаётганларида жазоланмаслик, сурбетлик ҳиссиётини уйғотади. Бундан ташқари, шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши баъзи ҳолларда оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этган шахс жавобгарлик ва жазодан қутулиб қолишига ёрдам беради.

2. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш объекти — мазмуни одил судловни амалга оширадиган суд, прокуратура, дастлабки тергов ёки суриштирув идораларининг бир меъёргади фаолиятдан иборат бўлган ижтимоий муносабатлар.

3. ЖКнинг 241-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони ҳаракатсизлик шаклига эга. Ҳаракатсизлик тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноятлар тўғрисида хабар бермасликдир. Оғир ёки ўта оғир жиноятлар тавсифи ЖКнинг 15-моддасида берилган. Жиноятларнинг бошқа турлари тўғрисида хабар бермаслик шарҳланаётган модда мазмунида жинойий жазоланадиган қилмиш сифатида квалификация қилинмаслиги лозим.

4. Тайёрланаётган жиноят — бу ижтимоий хавfli бўлган қилмишни содир этишни тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар. Жиноятга тайёргарлик кўриш зарур қурол, портловчи моддалар, вазиятни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин (жиноятга тайёргарлик кўриш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг).

5. *Содир этилган жиноят* — жиноятнинг тугалланган таркибини ташкил қилувчи ҳаракатлар. Содир этилган жиноят каби, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам шарҳланаётган модда доирасида кўриб чиқиш керак (жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 25-моддаси шарҳига қаранг).

6. Тайёрланаётгани аниқ маълум бўлган ёки содир этилган жиноят ҳақида айбланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судга хабар бермаган ҳолдагина хабар бермасликни тан олиш мумкин. Бундай органларга хабар бериш ёзма ёки оғзаки; шахсан ёки воситачи орқали; аноним ёки очиқ тарзда амалга оширилиши мумкин, хабар беришнинг шакли ва тури аҳамиятга эга эмас.

7. Мазкур модда бўйича жавобгарлик юзага келишининг муҳим шарти — маълумотлар айбдорга аниқ маълум бўлиши лозимлиги.

Аниқ маълумотлар деб, шахсда уларнинг ҳақиқийлигига ишонч туғдирадиган характерли манбалардан олинган маълумотлар ҳисобланади.

8. Қонунда шахс унга маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот бериши муддати кўрсатилмаган. Бундай муддат, деб шахсга жиноят ҳақида маълум бўлганидан кейинги энг қисқа муддат тан олинади. Шу муддат мобайнида шахс тегишли органларга бу ҳақда маълумот бериш имкониятига эга бўлиши лозим.

9. Хабар бермаслик факти, вужудга келган оқибатларга қарамасдан, тугалланган жиноятни ташкил қилади.



10. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор унга қонун томонидан юклатилган бурчини — аниқ маълум бўлган, тайёрланаётган, содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар беришни — бажармаётганлигини билади ва шуни хоҳлайди. Ушбу жиноятнинг содир этилиш сабаблари турли бўлиши мумкин: бошқаларнинг ишига «аралашини» хоҳламаслик; тахмин қилинган тажовуздан қўрқиш, ғаразгўйлик ва ҳоказо. Аммо улар қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди, бироқ, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин.

11. Шарҳланаётган жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Ўз хизмат вазифаларига кўра ўзларига маълум бўлган, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар беришга мажбур бўлган ва улар ҳақида хабар бермаётган мансабдор шахслар мансаб совуққонлиги ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилади.

12. ЖКнинг 31-моддаси таъсири остида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари шарҳланаётган жиноят таркибининг субъектлари бўлмайдилар (яқин қариндошлар тушунчаси ҳақида Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимига қаранг).

13. ЖКнинг 241-моддаси, 2-қисми оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жавобгарликни назарда тутди.

14. Яшириш объектив томондан айбланувчи жиноятчини, унинг жинояти изларини, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этишдаги восита ва қурол-ярогини ёхуд оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш натижасида олинган буюм ва қимматбаҳо нарсаларни беркитишда ифодаланиши мумкин.

*Жиноятчини яшириш* — бу унга бошпана, транспорт воситалари бериш, қалбаки ҳужжатлар билан таъминлаш, ташқи қиёфасини ўзгартиришда ёрдам бериш.

*Жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини яшириш* — жиноят содир этилган қурол ва бошқа нарсаларни яшириш, беркитиш ёки уларни йўқ қилиш ёки ўзгартириш.

*Жиноят изларини ёки жиноят йўли билан олинган нарсаларни яшириш*, уларни беркитиш, бошқа жойга олиб бориш, йўқ қилиш, ташқи кўринишини ўзгартириш, завод тамғаси, детал номерини қалбакилаштириш йўли билан амалга оширилади.

15. Шахс жиноятчини жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этиш натижасида олинган нарса ва қимматбаҳо буюмларни яширишга йўналтирилган ҳаракатларни амалга оширганда жиноят тугалланган, деб топилади.

16. Ёрдамчи тарзидаги иштирокчиликдан фарқли равишда, маъкур модда маъносида яшириш оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилгандан сўнг айбдор томонидан амалга оширилади, шунинг учун у содир этилган жиноят ва унинг оқибатлари билан сабабий боғланишда эмас. Бундан ташқари, оғир жиноят ёки ўта оғир жиноят содир этилгунча айбдор у ҳақида билмайди ва жиноят изларини олдиндан йўқ қилишга ваъда бермайди.

17. Агар яшириш доимий хусусиятга эга бўлса, бу бажарувчига жиноятни содир этишда ёрдамлашишни ҳисобга олиши учун асос бўлади ва унинг ҳаракатларини иштирокчилик сифатида квалификация қилиш лозим.

18. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан тавсифланади. Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганини билади ва буни хоҳлайди.

Жиноятнинг мотиви турлича (ғаразгўйлик, жиноятчидан қўрқиш, одил судлов органларидан ўч олиш, яширилаётган шахс билан қариндошлик, яқин дўстлик муносабатлари ва ҳоказолар) бўлиши мумкин.

Яшириш мақсади ва мотиви жиноят таркиби чегарасидан ташқарида бўлади ва суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

19. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс яшириш субъекти бўлиши мумкин.

## ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

### ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### XVII боб. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

##### 242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш

*Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият — ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш*

*— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноий уюшма, алоҳида ижтимоий хавф бўлиб, жамият ва унинг аъзоларига таҳлика туғдирувчи, жамиятда шаклланган тартибга тажовуз қилувчи жиноятларнинг ўта оғир турларидан биридир. Жиноятнинг ўта хавфлилиги бундай уюшма жиноий фаолият билан профессионал шуғулланиш учун ташкил қилинганлигидадир.

2. Шарҳланаётган жиноят объекти — жамоат хавфсизлиги, тартиби, ҳокимият органларининг бир меъёрга фаолият кўрсатиши.

Жамоат хавфсизлиги деганда, жамият ҳаётининг хавфсиз шариоити, яъни шахсларнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг ҳаёт ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатлари, ҳар қандай давлат ёки жамоат бирлашмаларининг бир меъёрга иш олиб бориши тушунилади.

3. *Уюшган жиноятчилик* — бу иерархик ташкилий тузилиши, аниқ жиноят асосида (бандитлик, конституцияга қарши, контрабанда-валюта, миллий ва ҳоказо), жипслашганлиги, конспирация ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ҳимояланишнинг йўлга қўйилган тизими, коррупциялашганлик, жиноий фаолият миқёсининг кенглиги, шу жумладан, хорижга чиқа олиш ва халқаро жиноий уюшмалар билан алоқаси орқали ажралиб турувчи турфун жиноий уюшмаларнинг фаолияти.

4. Жиноий уюшманинг белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- унинг аъзолари турфунлиги ва ҳамжиҳатлиги;

- умумий жиноий қасд асосида бирлашганлиги;
- иерархик тузилма (раҳбарлар, оддий ижрочилар мавжудлиги, аъзолар ўртасида мажбурият ва вазифалар тақсимланганлиги);
- икки ёки ундан ортиқ шахс жиноий фаолиятни амалга ошириш учун бирлашган уюшган гуруҳдан фарқли ўлароқ, жиноий уюшмада бир нечта уюшган гуруҳлар бирлашади. Уюшган жиноий гуруҳ жиноий уюшманинг таркибий бўлиמידир.

(Жиноий уюшма белгилари ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

5. ЖКнинг 29-моддаси, 5-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма, деб топилади. Жиноий уюшма икки ёки бир неча уюшган гуруҳлардан ташкил топади. Жиноий уюшманинг характерли белгиси — жиноий фаолият вазифаларининг жиноий уюшма гуруҳлари ўртасида тақсимланиши ва айнан шу белги роллар аъзолар ўртасида тақсимланган уюшган гуруҳдан асосий фарқи.

6. Объектив томондан ЖКнинг 242-моддаси, 1-қисмида жавобгарликни назарда тутувчи жиноий уюшма ташкил этиш жинояти қуйидагиларда ифодаланади:

- жиноятлар содир этиш учун жиноий уюшмани ташкил этиш;
- шундай уюшма ёки унинг таркибига кирадиган тузилмаларга раҳбарлик қилиш;
- жиноий уюшма мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш.

7. Жиноий уюшма ташкил этиш унга аъзоларни жалб қилиш, жиноий мақсадларни аниқлаш, алоҳида вазиятларда уюшмада аъзоликни формал равишда содиқликка қасам ичиш йўли билан тасдиқлашни назарда тутати.

8. Жиноий уюшма ёки унинг таркибий бўлимларига раҳбарлик қилиш жиноий фаолиятнинг умумий режаларини ёки алоҳида жиноят режаларини тузишдан, уюшма тузилмалари ўртасида мажбуриятларни тақсимлашдан, жиноий тажовуз объектларини аниқлашдан, оддий аъзоларга кўрсатма ва вазифалар беришдан иборат.

9. Жиноий уюшманинг мавжуд бўлиши ва вазифаларининг бажаришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш жиноий уюшма аъзоларини моддий таъминлашда, жиноий уюшмага ҳар қандай ёрдам кўрсатишда, масалан, транспорт воситаларини беришда, қалбаки ҳужжатлар, техник воситалар билан таъминлашда, жиноий фаолият натижасида олган молиявий маблағларни легаллаштиришда ва, умуман, жиноий уюшма ёки унинг тузилмаларининг

турғун мавжуд бўлиши, вазифаларини хавфсиз ва доимий бажариши учун шарт-шароит яратишда ифода этилиши мумкин.

10. Жиноий уюшмани ёки унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш, уюшма ўз жиноий фаолиятини амалга оширганлиги ёки оширмаганлигига қарамасдан тугалланган жиноят ҳисобланади.

11. ЖКнинг 242-моддаси, 1-қисмида жавобгарликни назарда тутувчи жиноят субъектив томондан тўғри қасд шаклидаги айб билан тавсифланади. Айбдор жиноий уюшмани ташкил қилаётганлиги ёки унга раҳбарлик қилаётганлигини биледи ва бундай фаолиятни жиноий уюшма мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлаш мақсадида амалга оширишни давом эттиришни хоҳлайди.

Жиноий уюшма ташкил этишдан мақсад жиноятларни амалга оширишдир.

Жиноий уюшма ёки унинг бўлинмаларига раҳбарлик қилиш мақсади мазкур ташкилотнинг қовушганлиги ва турғунлигини таъминлаш, аъзолар ўртасида мажбуриятларни аниқ тақсимлаш ва ҳоказолар ҳисобланади.

Жиноий уюшманинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашдан мақсад шундай ташкилотга ёрдам бериш ва унинг жиноий фаолиятида иштирок этиш ҳисобланади.

Жиноят мотивлари турлича бўлиши мумкин, аксарият ҳолларда бу моддий даромад ва фойда олишга интилишдир. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсад аҳамиятга эга эмас.

12. Жиноят кодексининг 242-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят субъектлари ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахслар бўлиши мумкин. Улар жиноий уюшма ташкилотчилари, жиноий уюшма таркибидаги бўлинмалар раҳбарлари ёки уюшманинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошираётган бошқа шахслар ҳисобланади.

Жиноий уюшма ташкилотчиси мазкур уюшманинг бошқа аъзолари содир этган жиноятлар учун жавобгардирлар, эксцесс бажарувчилик бундан мустасно. Жиноий уюшманинг оддий иштирокчилари улар айбдор, деб топилган аниқ жиноятлар учун жавобгардирлар.

Агар жиноий уюшмани ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш ёхуд унинг мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятда иштирок этиш учун 14 дан 16 ёшгача бўлган шахслар жалб этилган бўлса, уларнинг ҳаракатларини жиноятнинг аниқ таркиби белгилари мавжуд бўлганда, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосланиб квалификация қилиш лозим.

13. ЖКнинг 242-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иш-ишроқ этиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Уюшган қуролли гуруҳ икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан қуролга эга бўлган гуруҳга бирлашишини назарда тутати (уюшган гуруҳ тушунчаси ва белгилари ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

ЖКнинг 29-моддаси, 4-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ, деб топилади.

14. Уюшган гуруҳни фарқловчи белгиларидан бири сифатида бундай гуруҳнинг турғунлиги тан олинади.

Гуруҳ турғунлиги деганда, гуруҳ аъзолари ўртасида доимий алоқалар мавжудлиги, гуруҳ аъзоларининг аниқ вазифаларга эгаллиги, улар ўртасида ролларнинг аниқ тақсимланиши тушунилади.

Гуруҳнинг турғунлиги ҳақида қуйидаги белгилар гувоҳлик беради: таркибининг доимийлиги, аъзолар ўртасидаги узвий, ўзаро боғлиқлик, уларнинг ҳаракати мувофиқлаштирилганлиги, жиноий фаолият шакл ва услубларининг доимийлиги, унинг узоқ муддат мавжудлиги, содир этилган жиноятлар сони.

Жиноий гуруҳнинг турғунлиги бутун жиноий фаолиятни режалаштиришда, қаттиқ интизом, иерархик тузилмага мувофиқ, сўзсиз бўйсунишда намоён бўладиган юқори даражада уюшганлигини назарда тутати.

Жиноий фаолият гуруҳ томонидан бир қатор ноаниқ жиноий қилмишларни амалга оширишни назарда тутати.

15. Қуролланган гуруҳ деганда, гуруҳда қурол мавжудлигини тушуниш лозим.

Қурол ўқотар ёки совуқ қурол бўлиши мумкин (ўқотар ва совуқ қурол тушунчаси ҳақида ЖКнинг 164, 247-моддалари шарҳига қаранг).

Гуруҳ жанговар қурол ёки портловчи моддалардан фойдаланганда ҳам уни қуролланган, деб тан олиш лозим.

Қуролланганлик белгисини аниқлаш учун гуруҳ аъзоларидан ҳеч бўлмаганда биттасида бир дона бўлса-да, ишлатишга яроқли қурол мавжудлигини (бунда гуруҳнинг бошқа аъзоларига бу ҳақда маълум бўлиши керак) аниқлаш лозим.

Ишлатишга яроқсиз қуролни, масалан, тепкиси арралаб ташланган пистолетни ёки қуролга ўхшаш буюмларнинг (автомат ёки пистолетнинг ёғочдан ясалган модели) мавжудлиги қуролланиш, деб тан олинмайди. Бундай ҳолатларда жиноий гуруҳ ЖКнинг 242-моддаси, 2-қисми бўйича эмас, балки яроқсиз қурол

ёки уларнинг имитацияси ишлатилган босқинчилик ёки бошқа жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

16. Уюшган қуролли гуруҳ тузиш деганда, аъзоларни танлаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, жиноий фаолият режаларини тайёрлаш, жиноий гуруҳни қуроллантириш каби ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

17. Гуруҳга раҳбарлик қилиш деганда, мавжуд бўлган уюшган қуролли гуруҳ фаолиятини бошқариш бўйича ҳар қандай ҳаракатни тушуниш лозим.

18. Уюшган қуролли гуруҳ фаолиятида иштирок этиш, нафақат, қуролланган гуруҳ амалга ошираётган ҳужумларда бевосита қатнашишда, балки уюшган қуролланган гуруҳ манфаатлари йўлида бошқа ҳаракатларни бажаришда: молиялаштириш, қурол билан таъминлаш, ҳужум учун объектларни топиш (мўлжалга олиш), транспорт билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органларнинг порахўр ходимлари билан алоқа ўрнатишда ҳам ифодаланади.

Уюшган қуролли гуруҳ амалга ошираётган ҳужумларда иштирок этган деб, гуруҳнинг «доимий» аъзоси бўлмаган ва гуруҳ содир этаётган жиноятда иштирок этаётганлигини англаган шахснинг қуролланган гуруҳнинг ҳеч бўлмаса, битта ҳужумида бевосита иштироки ҳисобланади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш ёки раҳбарлик гуруҳ томонидан қандайдир жиноятлар содир этилганлигига қарамасдан ёки уюшган қуролли гуруҳга аъзо бўлишга розилик бериш вақтидан тугалланган жиноят ҳисобланади.

19. Уюшган қуролли гуруҳ таркибига кирмаган ва ушбу гуруҳ содир этган ҳужумларда иштирок этмаган, аммо гуруҳга ёки унинг алоҳида аъзоларига жиноий фаолиятда кўмаклашган шахслар ҳаракати тегишли жиноятлардаги иштирокчилик, деб топилади. Масалан, уюшган қуролли гуруҳга кўмаклашиш қурол сотиш, транспорт билан таъминлаш, ҳужум объектини кўрсатишда ифодаланиши мумкин.

Уюшган гуруҳ таркибида қуролланган ҳужумни амалга оширишга даъват қилиш уюшган гуруҳ аъзоларини аниқ муассаса ёки аниқ шахсларга ҳужум қилишга тортишда ифодаланиши мумкин.

20. ЖКнинг 242-моддаси, 2-қисмида жавобгарлик кўзда тутилган жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд билан тавсифланади. Субъект уюшган қуролли гуруҳни ташкил этганини ёки бундай гуруҳ таркибига раҳбар ёки иштирокчи сифатида кирганини тушунади ва буни хоҳлайди.

21. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти ўн олти ённа тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Уюшган қуролли гуруҳ таркибига ёки гуруҳ амалга оширган ҳужумларда иштирок этган 13 ёндан 16 ёшгача бўлган балоғатга етмаганлар Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган аниқ содир этилган жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар (масалан, бу қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик ва ҳоказо бўлиши мумкин).

Уюшган қуролли гуруҳ тузишда айбдор ва бошқа аниқ жиноятларни содир этган шахсларнинг ҳаракатлари мазкур модда билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

### **243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш)**

*Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, яъни жиноий фаолият натижасида топилган мулкни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек, жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноят объекти республика иқтисодий фаолияти, жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

Жиноят предмети айбдорнинг жиноий фаолияти натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мулк ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришда, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) келиб чиқишига турли восита ва услублар билан қонуний тус беришда<sup>1</sup> ифодаланади. Шарҳланаётган модда қоидаларига мувофиқ, ошкорлаштириш куйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- жиноий фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш;
- мулкка айлантириш;
- алмаштириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни.



• жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш.

3. Жиноий фаолиятдан олинган даромад деганда, шахс жиноят содир этиш натижасида, масалан, контрабанда, наркотик моддалар, қурол билан савдо қилиш, ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб олган даромад тушунилади.

4. Ўтказиш деганда, жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари билан банкларда қандайдир молиявий операцияларни амалга ошириш тушунилади.

5. Айлантириш деганда, ҳар қандай фуқаро ҳуқуқий битим: олди-сотди битимини, алмашиш, ҳадя ва ҳоказо битимларни тузиш ёки жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни қонуний тадбиркорлик ёки бошқа ишлаб чиқариш тузилмасини ташкил қилиш ёки иш олиб боришига сарфлаш тушунилади.

6. Алмаштириш деганда, сўмнинг ҳар қандай хорижий валютага конвертацияси тушунилади.

Жиноят шарҳланаётган модданинг диспозициясида қайд этилган ҳар қандай ҳаракат амалга оширилган вақтдан тугалланган ҳисобланади.

7. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

8. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ва жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштиришда иштирок этган ақли расо шахс ҳисобланади.

9. Айбдор жиноий фаолиятдан олинган даромадларга қонуний тус бериб, уюшган қуролли гуруҳ ёки жиноий уюшма, терроризм фаолиятини молиялаштиришга маблағларни қасддан йўналтирган вазиятларда, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

10. Агар бу жиноят мансабдор шахс томонидан амалга оширилса, қилмишни жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноятлар ва аниқ ҳолатларга қараб, ЖКнинг 205 ёки 206-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

11. Бундай жиноят учун мансабдор шахс моддий бойлик (қимматликлар) билан тақдирланган ёки моддий даромад олган ҳолатларда қилмишни ЖКнинг 243-моддаси билан бир қаторда, ЖКнинг 210-моддаси бўйича пора олиш сифатида квалификация қилиш лозим.

## 244-модда. Оммавий тартибсизликлар

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни nobud қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликлар ташкил қилиш, шунингдек, оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Оммавий тартибсизликлар объекти ижтимоий хавфсизлик, жамоат тартиби, ўзганинг ҳаёти, соғлиғи, мулки ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят қўйидагиларда ифодаланади:

- қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни nobud қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш билан оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш;

- оммавий тартибсизликларда фаол иштирок этиш.

3. Оммавий тартибсизликлар — ўрнатилган жамоат тартиби ва хавфсизлигини оммавий жойларда бузишда ифодаланган кўплаб инсонларнинг бошқарилмайдиган ҳаракатлари.

4. Оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш деганда, оммавий тартибсизликни тайёрлашга йўналтирилган, масалан, ташвиқот ўтказиш, фаолларни танлаш, оммавий тартибсизлик раҳбарияти негизини яратиш, режани тайёрлаш, уларни ўтказиш жойи, вақтини танлаш, плакат, шиор ва варақаларни тайёрлаш каби шахснинг ҳар қандай ҳаракатларини тушуниш лозим.

Шарҳланаётган модда диспозициясига мувофиқ, оммавий тартибсизликлар шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни nobud қилиш, қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган буюмларни қўллаб, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатишда ифодаланади.

5. Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчи шахсларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний тазйиқ ўтказиш тушунилади.

6. Руҳий зўрлик ўлдириш билан таҳдид қилиш, соғлиққа шикаст етказиш, мулкка шикаст етказиш ёки nobud қилиш таҳдиди турларида ўз ифодасини топади. Оммавий тартибсизликларни амалга ошираётганда руҳий таъсир ўтказишда айбдор шахслар ҳаракати фақат шарҳланаётган модда бўйича тавсифланади, ўлдириш таҳдиди ёки зўравонлик қўллаш бўйича жавобгарликни назарда тутган моддалар бўйича қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

7. Жисмоний зўрлик деганда, енгил ёки оғир жисмоний зиён етказиш, уриш ёки жабрланувчининг эркинлигини чекловчи ва қонуний ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни тушуниш лозим<sup>1</sup>.

Оммавий тартибсизликларни амалга оширишда одам ўлдирилса, баданга оғир шикаст етказилса, номусга тегиш содир этилса, тегишли жиноятлар мажмуи бўйича ва ЖКнинг 244-моддасига асосан квалификация қилиш лозим.

8. Мулкка шикаст етказиш деганда, моддий қадриятларни (транспорт, уй, бино ва ҳоказоларни) бузиш тушунилади.

9. *Ўт қўйиш* – бу аниқ мулк, бино, транспорт ва ҳоказонинг ёнишига йўналтирилган қасдан ҳаракат.

10. *Мулкка зиён етказиш* – бу мулкни қисман яроқсиз ҳолатга келтириш, яъни муайян харажат билан уни қайта тиклаш имконияти мавжудлиги.

11. Мулкни нобуд қилиш деганда, уни тўлиқ яроқсиз ҳолатга, яъни уни кейинчалик ишлатиш мумкин бўлмайдиган ҳолга келтириш тушунилади.

12. (Ҳокимият вакили тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг; ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш тушунчаси ҳақида ЖКнинг 219-моддаси шарҳига қаранг).

13. Қуролни қўллаш деганда, қуролни бевосита унинг вазифаси бўйича ишлатишни тушуниш лозим (тирик нишонга ўқ отиш, қурилма, уй, транспортларни бузиш).

Қурол ўқотар ёки совуқ бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

14. Қурол сифатида ишлатиладиган бошқа буюмлар деганда, шахсга ўз жисмоний хусусиятлари бўйича зиён келтириши мумкин бўлган буюмлар тушунилади (масалан, металл занжирлар, қирқилган қувур, арматура ва ҳоказолар) (бундай буюмлар ҳақида батафсилроқ ЖКнинг 164-моддаси шарҳига қаранг).

15. Оммавий тартибсизликларда фаол иштирок деб, айбдор шахсларни шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган бошқа буюмларни ишлатиб қаршилик кўрсатишда бевосита иштирок этишга айтилади<sup>3</sup>.

16. Жиноят шарҳланаётган модданинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилишидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 1-банди, «в» қисми.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 1-банди, «г» қисми.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 1-банди, «д» қисми.

17. Субъектив томонидан жиноят қасддан амалга оширилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Мотивлар миллатчилик, ҳокимиятга интилиш, ғаразгўйлик, безорилик ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

18. Жиноят субъекти фақат ўн олти ёшга тўлган оммавий тартибсизлик ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари ҳисобланади. Оммавий тартибсизликнинг бошқа иштирокчилари фақат оммавий тартибсизлик жараёнида содир этган аниқ жиноятлари учун жавобгардирлар.

Агар оммавий тартибсизлик ташкилотчилари ёки фаол иштирокчилари 16 ёшга тўлмаган бўлса, улар оммавий тартибсизлик пайтидаги аниқ содир этган жиноятлари учун, масалан, одам ўлдирганлик, ўзганинг мулкани нобуд қилганлик, номусга текканлиги учун жавоб берадилар.

19. Шарҳланаётган модда бўйича жинойий жавобгарликка бевожоба қирғинлар қилишда, вайронагарчиликларда, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этган бўлсалар ёки ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатган оммавий тартибсизликлар ташкилотчилари ва иштирокчилари тортиладилар; агар бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари жамоат тартибини бузса, лекин қирғинлар қилиш, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан биргаликда содир этилмаган бўлса, бундай ҳаракатлар оммавий тартибсизликлар, деб ҳисобланиши мумкин эмас, тегишли ҳолатлар мавжуд бўлса, ЖКнинг 277-моддаси билан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

### **244'-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш<sup>2</sup>**

*Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадидан сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида»ги 38-сонли қарори, 1-банди, «а» қисми.

<sup>2</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёҳуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёҳуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш

— энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёҳуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибидир.

2. ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин:

- диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғирилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёҳуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш;

- уларни тарқатиш мақсадида сақлаш.

3. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш деганда, бундай маълумотларни ҳар қандай турда яратиш тушунилади.

4. Материаллар деганда, варақа, плакат, видеокассеталар ва ҳоказоларни тушуниш лозим.

ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси, 1-қисми конструкцияси маъмурий преюдицияга эга.

5. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, бундай маълумотни унинг тарқатили-

иши ёки уни тарқатиш мақсадида сақланишига қарамасдан, бир донаси тайёрланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг объектив томони қуйидагиларда:

- диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотлар ҳамда материалларни ҳар қандай шаклда тарқатишда;

- қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган даъватларда;

- динни фуқаролар тотувлигини бузиш, тўхматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш мақсадида диндан фойдаланишда;

- жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамият хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этишда намоён бўлади.

7. Кўрсатилган материалларни тарқатиш деганда, уларни осиб қўйиш, оммавий ахборот воситаларида нашр этиш, аудитория олдида, телевидение, радиода чиқиш, варақаларни ёпиштириш, уйларга ташлаш, яъни кўрсатилган маълумотларни ҳеч бўлмаса, битта шахсга оғзаки ёки ёзма шаклда эълон қилиш тушунилади.

8. Тўхматона уйдирмалар деганда, ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган, аввалдан ёлғон бўлган маълумотларни тарқатиш тушунилади.

9. Вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар деганда, жамоат тартиби бузилишига, корхона, муассаса, ташкилотлар иши вақтинчалик тўхташига олиб келувчи, кўрқув, ишончсизлик ҳиссини туғдиришга олиб келиши мумкин бўлган ахборотни, ёлғон далилларни тушуниш лозим.

10. ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят кўрсатилган маълумотлар ёки материаллар, оқибатларидан қатъий назар, тарқатилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

11. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Мақсад диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролик тотувлигини бузиш – жиноятнинг зарурий белгисидир.

12. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс субъект бўлиши мумкин.

13. ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси, 3-қисмида қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш, агарда, улар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилганда, шундай ҳолатлар рўй беради.

**244<sup>2</sup>-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш<sup>1</sup>**

*Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларни тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш*

— беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Башарти, шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.*

1. Жиноят объекти — жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби.

2. Объектив томондан жиноят:

- диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузишда;

- уларга раҳбарлик қилишда;

- уларда иштирок этишда ифодаланди.

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

3. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш деганда, ушбу ташкилот аъзоларини танлаш ва жойлаштириш, унинг тузилмасини, фаолият режасини аниқлаш тушунилади.

4. Бундай ташкилотга раҳбарлик қилиш деганда, мазкур ташкилотларнинг иш олиб боришини таъминлашга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракат (бундай ташкилотлар аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларга тавсиялар, кўрсатмалар бериш, ҳисобот талаб қилиш ва ҳоказолар) тушунилади.

5. Иштирок этиш деганда, мазкур ташкилотларнинг мавжудлиги ноқонунийлигини англаган ҳолда тан олиш ва ҳар қандай (ёзма ёки оғзаки) шаклда мазкур ташкилот доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида розилик бериш тушунилиши лозим.

6. *Сепаратизм* – бўлинишга, ажралишга интилиш; давлатнинг бир қисмини алоҳида қилишга ҳаракат ва янги давлатни тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмига автономия берилишига ҳаракат.

7. *Экстремизм* – энг кескин қарашларга, борлиққа ишонч ҳисси (одатда, сиёсатда).

«Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга – зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин»<sup>1</sup>.

8. Жиноят диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш ёхуд унда иштирок этиш пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

10. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

11. ЖКнинг 244<sup>2</sup>-моддаси, 2-қисми бўйича жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб оғир оқибатларнинг келиб чиқиши ҳисобланади.

Бундай оқибатларга инсонлар қурбон бўлишини, қўпсонли инсонларга оғир тан жароҳатлари етказилишини киритиш мумкин.

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 37—38-бетлар.



12. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида мазкур жиноят содир этилиши учун жавобгарликдан озод қилиш шартлари назарда тутилган. Бундай шартлар иккита:

- айбдор шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилганлиги;
- жиноятни очишга ёрдам берганлиги.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий шарти айбдор шахс мазкур модданинг 3-қисмида назарда тутилган икки шартни бир пайтда бажаришидир.

### **244<sup>3</sup>-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш<sup>1</sup>**

*Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, диний мазмундаги материалларнинг қонунга хилоф ёки назорат қилинмаган муомаласи давлатнинг ижтимоий хавфсизлиги, хусусан, давлат томонидан чет элда чоп этилган диний адабиётлар ва бошқа диний мазмундаги ахборот материалларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш устидан назорати, шунингдек, расмий диний ташкилотларнинг марказий бошқарув фанларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича фаолияти бўлишига сабаб бўлади. Ундан ташқари диний мазмундаги материалларнинг ғайриқонуний равишда тайёрланиши, сақланиши ва уларни тарқатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши диний экстремизм, фундаментализм ва сепаратизм, шунингдек, уларнинг янги кўриниши бўлган нолегал диний фаолият (прозелитизм, яъни бир конфессиядаги линдорларни бошқасига ўтказишга қаратилган фаолият, бошқа миссионерлик фаолияти)нинг вужудга келиши ва ривожланиши хавфини туғдиради. Сўнгги йилларда мамла-

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 9 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

катимизда бундай воқеалар тобора кўпроқ рўйхатга олинмоқда ва уларнинг ижтимоий хавфлилиги ортиб бормоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғриси»даги (1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган) Қонунига мувофиқ, диний эътиқодни мамлакатимизда яшашган ҳар қандай шахсга қайси динга киришини эркин танлаш ва унга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун имкон яратилган. Бошқа шахсларнинг даъвати ёки ташвиқотлари натижасида қайси бир динга амал қилишлари фуқароларнинг бундай ҳуқуқларига путур етказди. Айниқса, диний мазмундаги адабиётларни нотўғри тарғиб қилиш, уларни ғайриқонуний равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш билан боғлиқ қилмишлар фуқароларнинг виждон эркинликлари билан боғлиқ ҳуқуқларининг эркин амалга оширилишига жиддий зарар етказди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ҳар бир шахс эркин эътиқод қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, шахсни қандайдир динга киришга даъват қилиш, ташвиқот қилиш таъқиқланади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, 1-бандига биноан Ўзбекистон Республикасида фақат расмий диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир. Шунга асосан, ҳар қандай бошқа ташкилотларнинг ёки жисмоний шахсларнинг тарқатиш мақсадида диний мазмундаги ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатишлари ғайриқонуний ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектини айнан ҳар қандай шахсларнинг эркин эътиқод қилиш ҳуқуқлари ташкил этади ва диний мазмундаги нарсаларни қонунга ҳилоф тарзда тайёрлаш, тарқатиш ёки республика ҳудудига олиб кириш жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Шарҳланаётган жиноятнинг турдош объекти жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Бевосита объекти Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Бу ҳолда жамиятдаги нормал маъна-

вий муҳит, фуқароларнинг маънавий ва жисмоний соғлиғи факультатив объект бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қилмишнинг предмети диний мазмундаги материаллар, яъни диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материаллари ҳисобланади.

Диний мазмундаги материаллар деганда, турли хилдаги диний адабиётлар (китоб, қўлёзма, рисола ва ҳ.к.), диний варақа ва плакатлар, диний мазмундаги видео, аудио кассеталар, дисклар ва ҳ.к.ларни тушуниш лозим.

3. Диний мақсадга мўлжалланган буюмлар дейилганда, черковлар, синагогалар ва ибодатхоналар ҳудудида эътиқодий эҳтиёжларини қондирадиган буюмлар (шамлар, тутатқичлар, меҳроблар, иконалар, хочлар) тушунилади.

4. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш каби ҳаракатлар шарҳланаётган жиноятнинг объектив хусусиятини ташкил этади. Бундай ҳаракатларнинг Интернет тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши ҳам ушбу жиноятнинг объектив томонини ташкил этади.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, бундай материалларни тегишли органларнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг рухсатисиз ҳар қандай турда: қўл ёзма шаклида, ксеро нусхаси шаклида, китоб ёки рисола сифатида, варақалар, плакатлар, видео, аудио кассета ва дисклар кўринишида яратиш тушунилади. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш ҳаракатларини тугалланган, деб ҳисоблаш учун бир нусхада тайёрланганлигининг ўзи етарли бўлади.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олганидан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар (Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, 19-модда).

Ушбу материалларни сақлаш деганда, диний мазмундаги китоб қўлёзма, ёки рисола, варақа, плакатлар, аудио ва видео кассета ва дискларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда шахснинг ўз ёнида, турар жойида, ишхонасида, омборхонасида, автомашинасида ва ҳ.к. жойларда сақлаши тушинилади (юқорида

таъкидланган Қонуннинг 19-моддаси, 4-банди). Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда сақлашнинг тугалланган, деб топиш бундай ҳаракатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тарқатиш мақсадларида сақланаётганлигининг фош этилиши ёки шахснинг шундай мақсадларда диний мазмундаги материалларнинг сақлаётганлигини тан олиб, айбини бўйнига олиб келиши билан тугалланган, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқоридаги материалларни олиб кириш деганда, божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яширин ҳолда ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда республика ҳудудига олиб кириш назарда тутилади. Диний мазмундаги материаллар қонунга хилоф равишда божхона назоратини четлаб ёки яширинча олиб ўтилганидан бошлаб тугалланган, деб топилади. Божхона назоратидан ўтиш жараёнида ёки қалбакилаштирилган (номини ўзгартириб, сонини камайтириб ва ҳ.к.) ҳужжатларни тақдим қилиш жараёнида ушланган ёки тўхтатилган бўлса, жинойтга суиқасд ҳисобланади.

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш деганда, ғайриқонуний равишда тайёрланган китоб, рисола, варақалар, плакатлар, видео, аудио кассеталар ва дискларни ҳар қандай усул ва йўллар билан аҳоли орасида тарқатиш тушунилади. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тарқатилган, деб ҳисоблаш учун бундай материаллардан биттаси тарқатилганлигининг ўзи кифоя қилади. Ушбу материалларни оммавий ёки бир нечта шахсга тарқатганлик жинойтнинг квалификациясига таъсир этмайди, бироқ, кўпчиликка тарқатишнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлиги жазо тайинлаш жараёнида суд томонидан инobatга олиниши лозим.

5. Субъектив томондан диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш фақат қасддан содир этилади. Ушбу ҳаракатлардан бири учун илгари айбдорга маъмурий жавобгарлик қўлланилганидан кейин, яна шундай қилмишнинг амалга оширилганлиги унинг қасддан содир этилганлигидан далолат беради. Бу жинойтнинг мотиви ғараз, диний можаролар келтириб чиқариш, жамиятда беқарорликни вужудга келтириш, конституциявий тузумни қонунга хилоф равишда ағдариш, кўпинча вояга етмаганлар, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатиш ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш-

нинг мақсади — уларни аҳоли ўртасида тарқатишдан иборат. Қилмишни квалификация қилишда жиноятнинг мақсади зарурий белги ҳисобланади, бундай мақсаднинг йўқлиги жиноят таркиби мавжуд эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Шахсда юқоридаги материалларни тарқатиш мақсадининг мавжудлигини тайёрланган материалларнинг кўп миқдордалигидан ёки шундай миқдорда тайёрлашга ҳаракат қилинганлигидан, тайёрланган материалларнинг ҳеч бўлмаганда, биттасининг тарқатилганлигидан, тайёрлаш асбобларининг айнан диний материаллар ишлаб чиқариш учун мослаштирилганлигидан аниқлаш мумкин. Қилмишнинг мотиви турлича бўлиши мумкин ва улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди.

6. Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган, ақли расо, илгари (бир йил ичида) шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазога тортилган Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

7. ЖКнинг 244<sup>3</sup>-моддаси тузилиши бўйича маъмурий преюдицияга эга, яъни шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун илгари у шундай ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши шарт.

### **245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш**

*Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташиқлот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар:*

*а) вояга етмаган шахсга нисбатан;*

*б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса;*

*в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модданинг объекти — жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳаракатланиш эркинлиги, уларнинг ҳаёти ёки соғлиги ҳисобланади.

2. Обьектив томондан жиноят икки шаклда содир этилади:

- гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш

шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш;

- тутқунликда ушлаб туриш.

3. *Гаровга олинган шахс* – бу ўзининг иродасига қарши эркин ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум этилган шахс.

4. Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш деганда, шахсни эркин ҳаракатланиш имкониятидан ҳуқуққа хилоф зўрлик ишлатиб маҳрум этишни тушуниш лозим. Шахсни гаровга олиш очик ёки махфий равишда амалга оширилиши мумкин.

5. Шахсни тутқунликда ушлаб туриш деганда, шахсни ўзи турган жойдан кетиш имкониятидан ҳуқуққа хилоф равишда маҳрум этишни тушуниш лозим.

Шахсни гаровга олишда айбдор шахслар аксарият ҳолларда жисмоний ёки руҳий зўравонлик қўллашади.

6. Руҳий зўрлик деганда, ўлдириш, соғлиққа зарар етказиш, мулкни нобуд қилиш каби таҳдидни тушуниш лозим.

7. Жисмоний зўрлик деганда, гаровга олинган шахсни уриш, калтаклаш, баданига шикаст етказишни тушуниш лозим. Гаровга олинган шахсни тутқунликка олишда унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ЖКнинг 245-моддаси, 1-қисми билан қамраб олинади ва қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

8. *Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш* – бу жиноятчиларда асосий мақсадга: давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни қандайдир ҳаракатни қилишга ёки қилмасликка мажбурлашга эришишдаги оралиқ босқич. Гаровга олинганларни озод қилиш шартлари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон суд-тергов амалиёти кўрсатаётганидек, шахсни гаровга олган шахсларнинг талаблари қуйидагича бўлиши мумкин: давлатни тарк этиш имкониятини яратиб бериш, ҳукумат қарорининг бекор қилинишига, маҳкумларнинг озод этилишига эришиш, пул, қурол, наркотиклар берилишини талаб қилиш ва ҳоказо. Талаблар жиноятчи фуқароси бўлган давлатга ёки ҳар қандай давлатга билдирилиши мумкин.

9. Жиноят шахс гаровга олингандан сўнг, уни озод қилиш шартлари ва тутқунликда ушлаб туриш вақтидан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади.

10. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Мотивлар турлича бўлиши мумкин. Шахсларни гаровга олиш мақсади давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни қандайдир ҳаракатни қилиш ёки қилмасликка мажбур этиш.

11. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Жиноятчилар ўн олти ёшга тўлмаган, аммо шахсни гаровга олган ҳолатларда уларнинг ҳаракатини бошқа моддалар бўйича квалификация қилиш лозим. Масалан, жиноятни содир этиш ҳолатларига қараб, соғлиққа шикаст етказиш, инсонни олиб қочиш ва бошқалар.

12. ЖКнинг 245-моддаси, 2-қисмида қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган:

а) вояга етмаган шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш.

13. Шахсни тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туришнинг оғир оқибатлари унинг баданига оғир тан жароҳати етказиш, гаровга олинган шахснинг ўзини ўзи ўлдириши, қийноққа солиниши, кўп сонли гаровга олинганларга азоб берилиши ва бошқа оқибатлар ҳисобланади.

Гаровга олинган шахсни ўлдириш жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 97-моддаси ва 245-моддаси билан квалификация қилинади.

### 246-модда. Контрабанда

*Контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқдориларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорларда контрабанда қилиш*

— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Мазкур жиноятнинг объекти — жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги.

2. Контрабанда предмети кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дорилар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар ҳамда мосламалар бўлиши мумкин.

Контрабанда предметларини давлат чегараси орқали қонунга хилоф равишда ўтказиш, тегишли шартлар мавжуд бўлганда, жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 246-моддаси ҳамда радиоактив моддалар, гиёҳвандлик воситалари, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари ва бошқалар билан муомала қилиш қоидаларини бузганлик жавобгарликни келтириб чиқарувчи моддалар бўйича квалификация қилиниши лозим.

3. Объектив томондан ЖКнинг 246-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан турли шаклларда:

- божхона назоратини четлаган ҳолда;
- божхона назоратидан яширилган ҳолда;
- ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда;
- кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлаш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар ёки ўқ-дорилар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар ё диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализмни тарғиб қилувчи материалларни декларациясиз ёки ўз номи бўйича декларация қилмаган ҳолда олиб ўтишда ифодалангани.

4. Божхона кодексининг 3-моддасига биноан, божхона чегараси — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари ҳисобланади.

Божхона ҳудуди республиканинг қуруқлик ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғидан иборатдир.

Республика ҳудудида, қонун ҳужжатларида бошқа ҳол кўзда тутилмаган бўлса, ҳудудлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида, деб ҳисобланадиган эркин божхона ҳудудлари ва эркин омборхоналар жойлашиши мумкин.



Божхона ҳудудининг сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона ҳудудлари ҳамда эркин омборхоналар айланаси Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси, деб ҳисобланади.

5. Божхона кодексининг 7-моддасига биноан, божхона чегарасидан олиб ўтиш товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортдан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга оширишдир.

Шундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар кирази:

- товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кирилганда – божхона чегарасидан амалда ўтиш;
- товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудига олиб чиқилганда – божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган бошқа ҳаракатни бажариш.

6. Божхона назорати деганда, қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Контрабанда буюмларини божхона назоратини четлаган ҳолда ўтказиш деганда, контрабанда буюмларининг уларни ўтказиш учун зарур бўлган тегишли ҳужжатларнинг божхона органи ходимлари текширувисиз ёки божхона идоралари белгилаган жойлардан ўзга жойдан, ё бўлмаса божхона назоратини амалга ошириш вақтидан бошқа вақтда ўтказилиши тушунилади.

7. Божхона назоратидан яшириш деганда, контрабанда буюмларини хуфя жойлардан ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёки бир тусдаги ашёга иккинчисининг кўришишини бериб ўтказишни тушунмоқ лозим.

Махсус сақлаш жойлари деб, хуфя жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш йўллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сигимли идишларни ва бошқа ашёларни ҳисоблаш керак.

8. Ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф йўллар билан олинган ҳужжатларни ёхуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона назоратига тақдим этишни тушуниш лозим.

9. Божхона идентификация воситаларидан алдан йўли билан фойдаланиш деганда, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки ўзга давлатлар божхона органлари томонидан татбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, йўқ қилиши, бузиши ёхуд йўқотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилмоғи лозим.

Божхона идентификация воситалари деганда, сургичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқача тамғалар, идентификация белгиларини қўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёс-ни тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилади.

10. Контрабанда предметларини декларацияга киритмаслик ёки ўзгача ном билан декларацияга киритиш деганда, шахсларнинг чегарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш формаси ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқиладиган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа қимматликларнинг тури, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади.

11. Контрабанда буюмлари Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини амалда кесиб ўтган вақтдан бошлаб контрабанда туғалланган жиноят, деб эътироф этилади.

12. Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади. Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсаднинг аҳамияти йўқ.

13. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Била туриб, қалбаки ҳужжат тузган ёки ҳужжатга ёхуд била туриб олган қалбаки ҳужжатиغا сохта маълумотлар киритган ва уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209 ёки 228-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган

материал ва мосламаларни, шунингдек, кўп миқдорларда контрабанда қилганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

15. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг кўп миқдордалиги ҳар бир алоҳида ҳолда тегишли давлат органининг ҳулосаси орқали аниқланади.

16. Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 182-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди.

**247-модда. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш**

*Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга ҳилоф равишда эгаллаш*

— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) босқинчилик йўли билан;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

3. Ўқотар қурол деганда, амалда қандай мақсадларда қўлланилишидан қатъий назар, отиш учун порох газларининг кучидан фойдаланиладиган барча турдаги жанговар, спорт ва ов қуроллари тушунилиши лозим.

Порох ёки бошқа портловчи моддаларнинг ёниши орқали отиш амалини ошириладиган бир қатор турли мосламалар мавжуд. Масалан, сигнал ракетницалар, старт, қурилиш пистолетлари ва бошқалар. Улар ўқотар қуролга кирмайди. Қайд этилган предметлар мажбурий маиший ёки ишлаб чиқариш вазифалари учун мўлжалланган.

4. Ўқотар қуролнинг аҳамиятли белгиларидан бири, ундан снаряд (ўқ)нинг порох газлари ёрдамида отилиши. Бу белги универсаллик ва у мавжуд бўлган ўқотар қуролларнинг барча тури ва типини қамраб олади. Айнан у ўқотар қурол бўлмаган турли отувчи мосламаларда бўлмайди.

«Пневматик милтиқ, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ оқитилари, ракетницалар ва бошқа имитация-пиротехник ва ёриткич воситалари қурол жумласига кирмайди»<sup>1</sup>.

Предмет ўқотар қурол, деб тан олинishi учун уни тайёрлаш ускуби ( завод ёки уйда) аҳамиятга эга эмас. Ўқотар қурол ўз фойдаланиш мақсади, хусусиятлари, тузилиши, калибри ва бошқа белгиларига кўра турличадир. Ўқотар қуролнинг белгилари ўқотар қурол мажбурий белги ёки айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бўлган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутган ҳамма жиний ҳуқуқий меъёрлар учун бир хилдир.

5. «Судлар Жиноят кодексининг 247, 248-моддалари бўйича жавобгарлик ишлатишга яроқли бўлган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ёхуд айбдор яроқли ҳолатга келтириш учун аниқ имкониятларга эга бўлса, бузуқ қуролни ёки ўқув қуролини қонунга хилоф равишда эгаллаганда, олганда, олиб юрганда, сақлаганда ёки ўтказганда юзага келишини эътиборга олишлари шарт»<sup>2</sup>.

6. Ўқ-дорилар деганда, қурол учун лозим бўлган ўқлар, артиллерия снарядлари, бомбалар, миналар, гранаталар, ракеталарнинг жанговор қисмлари, шунингдек, ўқотар қуролдан отиш учун мўлжалланган ашёлар тушунилади. Умуман олганда, ўқ-дорилар ўқотар қуроллар учун хос бўлган белгиларга эга. Булар, биринчидан, уларнинг тирик нишонга отиш учун мўлжалланганлиги, бузгунчилиги ва ҳоказо, иккинчидан, уларга рухсат тизими қоидаларининг татбиқ этилиши.

Ўқ-дориларни турли хиллари мавжуд: артиллерия ва отиш қуролларига ўқ-дорилар (снаряд, патрон), кичик калибрли, кесма, ов, ясама қуролга патронлар. Ўқ-дори сифатида ўқув граната-

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори.

лари, миналар, холостой (пахтавон) патронлар тан олинмайди, чунки улар портловчи моддага эга эмас, фақатгина ўқув мақсадлари учун мўлжалланган ва уларга эгалик қилиш жамоат хавфсизлиги учун таҳдидни юзага келтирмайди.

«Ўқ-дорининг бўлаги (масалан, гранатанинг запали), агар унинг ўзи ўқ-дорининг барча хусусиятларига эга бўлса, мустақил равишда ўқ-дори, деб тан олиниши мумкин»<sup>1</sup>.

7. *Портловчи моддалар* — бу порох, динамит, тротил, нитроглицерин ва кислородли ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалардир.

Портловчи деб, ёқиш, зарба, детонация, қиздириш, ҳаво билан бирлашиш натижасида портлашга яроқли табиий ёки сунъий моддалар (масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, аммонал, аммонит, гегсаген ва ҳоказолар) тан олинади.

8. *Портловчи қурилмалар* портловчи модда ва портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган конструктив махсус қурилма (запал, детонатор ва ҳоказо)дан ташкил топган.

9. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилаб ёки товламачилик йўли билан эгаллашдан иборатдир.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида қуйидагиларга жавобгарлик назарда тутилган:

а) жиноятни такроран содир этиш;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан жиноят содир этиш;

г) талончилик йўли билан кўрсатилган буюмларни эгаллаш;

д) тамагирлик йўли билан кўрсатилган буюмларга эгалик қилиш.

11. ЖКнинг 247-моддаси, 3-қисмида бу буюмларга қуйидаги йўллар билан эгалик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган:

а) босқинчилик йўли билан;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

12. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда ҳар қандай усулда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори, 5-банди, 2-қисми.

иаллаш, айбдорнинг улардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиш ёки насарруф этиш имкониятлари бор-йўқлигидан қатъий назар, улар олинган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланиши керак.

13. «Агар айбдор ишлатишга яроқсиз бўлган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаган ва бунда уларнинг сифатига шибатан янглишиб яроқли, деб ҳисоблаган бўлса, содир этилган қилмиш жиноятга суиқасд тариқасида квалификация қилинмоғи лозим. Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва қисмлари ишлатилишига яроқли бўлган қуролни йиғиш учун бут бўлган ҳолларда содир этилган қилмиш Жиноят кодексининг 247 ёки 248-моддаси билан квалификация қилинмоғи керак.

Ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва айрим қисмларини қонунга хилоф равишда эгаллаш кейинчалик отишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун зарур бўлган етишмайдиган қисмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тақдирда, ўзганинг мулкани талон-тарож этиш ва ўқотар қурол тайёрлаш мажмуи билан квалификация қилиниши лозим»<sup>1</sup>.

14. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини эгаллаганлик учун жавобгарлик улар қонунга хилоф равишда корхона, ташкилот, муассасалардан, шунингдек, қонуний ёки қонунсиз тарзда эгаллаб турган фуқаролардан олинган ҳолларда ҳам юзага келади.

15. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки расстрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, талончилик, товламачилик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш Жиноят кодексининг 247-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан, фақат бу моддалар (модда қисмлари) санкцияси Жиноят кодексининг 247-моддасидан оғирроқ жазони кўзда тутган ҳоллардагина квалификация қилиниши лозим (масалан, Жиноят кодексининг 247-моддаси, 3-қисми, «в» банди ва 164-моддаси, 4-қисми, «в» банди билан)<sup>2</sup>.

16. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриш чоғида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш, тайёрлаш манбаларини аниқлаш лозим. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари сақланаётган объект-

<sup>1</sup> Ўша жойда, 5-банди, 3-қисми.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 7-банди, 2-қисми.

ларни қўриқлашда мансаб совуққонлигига йўл қўйилганлик ҳоллари ёхуд ўқотар қурол ёки унга ўқ-дорилар тайёрланган асбоб-ускуналардан фойдаланиш устидан тегишли назоратнинг бўлмаганлиги аниқланган тақдирда судлар бунга хусусий ажрим чиқариш йўли билан ўзларининг муносабатларини билдиришлари, зарур ҳолларда эса, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт. Ички ишлар органлари фаолиятида мавжуд бўлган қонунга хилоф равишда сақланаётган ўқотар қуролларни аҳолидан олишдаги ва уларни рўйхатдан ўтказишдаги камчиликлар ҳам судларнинг эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

**248-модда. Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш**

*Тегишли рухсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш*

— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади.*

1. Мазкур жиноятнинг бевосита объекти жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари билан муомала қилиш бўйича ижтимоий муносабатлардир (ЖКнинг 247-моддаси шарҳига қаранг).

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони тегишли рухсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатишда ифолаланади.

3. «Жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилма-

ларини тайёрлаш деганда, уларни ясаш ёки шикаст етказиш хусусиятларини тиклаш, шунингдек, қандайдир ашё (масалан, ракетница, старт ва қурилиш пистолетлари)ни қайта ишлаш натижасида уларни ўқотар қурол хусусиятига келтириш тушунилиши лозим.

Ашёга шикаст етказиш хусусиятларини беришга қаратилган ҳаракатлар айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган бўлса, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда тайёрлашга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинмоғи лозим»<sup>1</sup>.

4. Қуролнинг бевосита вазифасига кўра фойдаланиш имкони берадиган даражада тайёрланганлиги тавсифланган тақдирда жиноят тугалланган, деб топилади.

5. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш деб, мазкур предметларни ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ҳар қандай ҳолда ўз эгалигига олишни тушуниш лозим.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиш: сотиб олиш, бошқа нарсаларга алмаштириб олиш, қарзга ёки ҳадяга, қарз эвазига олиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жиноят эгалик қилиш пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Юқоридаги предметларни олиб юриш деганда, айбдорнинг қайд этилган ашёларни соҳиби эканлиги ва бу ашёларнинг унинг ёнида бўлиши тушунилиши лозим. Бунда ушбу ашёларнинг бевосита унинг ёнида ёки қандайдир нарсада (чемоданида, автомашинасида ва ҳоказоларда), яширинча ёки уларни яшириш чораларини кўрмасдан, яъни мазкур предметлар айбдорнинг «қўли остида» бўлишининг аҳамияти йўқ.

7. Юқоридаги предметларни сақлаш деганда, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тегишли рухсатномасиз айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, хуфя жойларда, транспорт воситаларида ва бошқа ерларда бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилмоғи лозим. Суд амалиёти шундан келиб чиқадики, қилмиш юқоридаги предметлар айбдор уyiда ёки бошқа жойда сақланишидан, яширин ёки очиқ ва ҳатто хўжалик-маиший предмет сифатида қўлланишидан қатъий назар, қонунга хилоф сақлаш, деб квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 8-банди.



Субъект уларни ўз танишлариникида сақланаётганида ҳам сақлаш учун жавобгарлик истисно қилинмайди. Айбдор бундай ҳолатларда фақатгина сақлаш жойи, услубини танлайди. Бироқ, қурол унга маълум, у танлаган жойда сақланади ва унинг тасарруфида қолади.

Қайд қилинган ашёлар шахс томонидан тегишли рухсатнома бўлган ҳолда, аммо бу рухсатноманинг муддати ўтган ёки ўқотар қуролни ҳисобга қўйиш қоидалари бузилган вазиятда сақланаётган бўлса, айбдор маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши керак.

8. Олиб ўтиш деганда, маконда ташиш воситасидан қатъий назар, қайд этилган ашёлар айбдорнинг бевосита ёнида бўлмаганда олиб ўтилишини тушуниш лозим.

9. Жўнатиш деганда, қайд этилган ашёларни контейнер, посылка ва бошқа мослаштирилган нарсаларда жўнатишни тушуниш керак.

Қайд этилган ашёларни олиб ўтиш ва жўнатиш мазкур ҳаракатларни содир этиш пайтидан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

10. Қайд этилган ашёлар ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда сақланган, ташилган, олинган бўлса, бундай ҳаракатлар жиноятга суиқасд қилиш тариқасида ЖКнинг 25-моддаси ва 248-моддаси, 3-қисми билан квалификация қилиниши керак.

11. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Бунда айбдор ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини тайёрлаётгани, олаётгани, олиб юргани, сақлаётгани, олиб ўтаётгани, жўнатаётгани, ўтказётганини англайди ва у мазкур ҳаракатларни тегишли рухсатномасиз содир этади. Айбдорнинг қасди билан тегишли ашёлар яроқли ҳолатдалиги, ишлатишга яроқлилиги ёки ишлатиш учун яроқли ҳолатга тез келтирилиши мумкинлиги ҳам қамраб олиниши лозим.

12. Жиноят содир этилиши пайтида ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин.

13. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида ўқотар қурол, шунингдек, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари тайёрлаш, олиш, олиб юриш, сақлаш, олиб ўтиш ёки жўнатиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган (такрорийлик ва хавфли рецидивист тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳига қаранг).

14. ЖКнинг 248-моддаси, 3-қисмда ўқотар қурол, шунингдек, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини ўтказиш деганда, уларни ҳар хил усулларда гарқатиш (сотиш, ўзгага бериш, ҳадя қилиш, қарздорлиги эвазига бериш, қарзга бериш ва ҳоказолар)ни тушуниш лозим. Қайд этилган ашёларни ўтказиш, олувчи ўз эғалигига тегишли ашёларни ўтказиш вақтидан қатъий назар, уларга эғалик қилган вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

15. ЖКнинг 248-моддаси, 4-қисмида, «ушбу моддада назарда тутилган буюмларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади», деб таъкидланади.

Шахс жинойи жавобгарликдан қуйидаги зарурий шартлар мавжудлигида озод этилади:

- *биринчидан*, қуролни топширгунга қадар, ундан жиноят учун фойдаланмаган бўлиши керак;

- *иккинчидан*, шахсда сақланаётган ўқотар қурол, ўқ-дори, портловчи модда, портлатиш қурилмаларининг барчаси топширилиши лозим;

- *учинчидан*, қонунга хилоф равишда сақланаётган буюмлар, ўз ихтиёрига кўра, сақланувчи томонидан ҳуқуқ органилари томонидан ҳеч қандай талабсиз топширилиши лозим. «Шахс Жиноят кодексининг 248-моддасида қайд этилган ашёларни эркин тарзда ўз ихтиёри билан топшириш тўғрисида қарорга келса ва унинг ўзи бу ашёларни топшириш ҳақида тегишли органларга ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилса, у ашёларни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланади. Шахс тинтув жараёнида ёки унда қурол борлиги ҳақида далиллар келтирилиши натижасида қуролни топшириш тўғрисидаги хулосага келса, у қуролни ўз ихтиёри билан топширган ҳисобланмайди».

16. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш, сақлаш ёки ўтказиш мустақил жиноятлар эканлигини эътиборга олган ҳолда қайд этилган ашёларни қонунга хилоф равишда эғаллаш ва уларни келгусида олиб юриш, сақлаш ёки ўтказиш Жиноят кодексининг 247 ва 248-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади.

17. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларни қонунга хилоф равишда бошқа жиноятни содир этиш мақсадида эғалланган, шунингдек, тайёрланган, олинган, олиб юрилган, саланган ҳолларда содир этилган қилмиш тугалланган жиноят (ЖКнинг 247 ёки 248-моддаси) ва бошқа жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш тариқасида квалификация қилиниши шарт.

## 249-модда. Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш

*Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, ҳаёт ва соғлиқ ҳисобланади.

(Жиноят предмети тўғрисида ЖКнинг 247-моддаси шарҳига қаранг).

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келишида ифодаланади.

Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларга қонуний эгалик қилиш ҳуқуқи шахсни ЖКнинг 249-моддаси бўйича жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Қайд этилган ашёлар қонунга хилоф равишда айбдор ихтиёрида бўлиши ва уларни сақлаш қоидаларининг бузилиши натижасида одам ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан ҳолларда, айбдорнинг қилмиши жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 247-моддаси ёки 248-моддаси ва 249-моддаси билан квалификация қилиниши зарур.

3. Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш деганда, бегона шахсларга қайд этилган ашёларни ҳеч қандай тўсиқсиз қўлга киритиш имконини берадиган сақлаш шароитларининг яратилишини тушуниш зарур. Масалан, ўқланган қуролни бошқа шахслар учун очиқ бўлган умумий фойдаланиш жойларида сақлаш ва ҳоказо.

Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш кўпинча ана шу ашёлар бутлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаган айбдорларнинг жиноий ҳаракатсизлигида ифодаланади. Аммо баъзан бундай қилмиш фаол ҳаракат қилиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Айбдорлар ана шу ашёларни сақлаш учун зарур шартларни таъминлаш мақсадида маълум чора-тадбирларни кўрган, аммо бу чора-тадбирлар етарли бўлмаганлиги сабабли қурол ёки ўқ-дориларни бегона шахслар эгаллаб олган ва бу одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар шулар жумласидандир.

4. Қонунда кўзда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар: одам ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

5. Айбдорнинг эгалигида бўлган ўқотар қурол ва унга мўлжалланган ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш, уни ўзга шахс томонидан фойдаланишига ва одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, ЖКнинг 249-моддаси аломатлари қамраб олади ва бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

«Бошқа оғир оқибатлар» аломати ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг тафсилотлари мажмуидан (иморатнинг портлаши, катта миқдордаги зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши ва шу кабилар) келиб чиққан ҳолда тергов ва суд томонидан ҳал қилинади»<sup>1</sup>.

6. Субъектив томондан жиноят эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

7. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ва ўқотар қурол ёки ўқ-дориларга қонуний асосларда эгалик қилувчи шахс ҳисобланади.

### **250-модда. Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

*Портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

*а) одам ўлишига;*

*б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Мазкур жиноятнинг объекти — жамоат хавфсизлиги, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиги ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари тўплами. 1-жилд, 1991—1997, 32—33-бетлар.

2. Портловчи, тез алангаланувчи, уювчи моддалар, пиротехника буюмлари жиноят предмети ҳисобланади.

3. Портловчи моддалар деганда, кислород, ҳаво етишмаган вазиятда портлаш хусусиятига эга бўлган ҳамда рухсатнома тизими таъсир доирасига кирадиган табиий ва сунъий моддалар, кимёвий бирикмалар ва аралашмалар, масалан, порох, динамит, тротил, нитроглицерин, водород ва кислород аралашмаси, пироксин ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

Қонун чиқарувчи портловчи моддаларнинг хавфли хусусиятларини инобатга олиб, қўлга киритиш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш ва ҳоказоларнинг махсус тартибини жорий этган, улар рухсатнома тизими доирасига киради.

4. Ўювчи моддалар деганда, емирувчи таъсир кўрсатадиган кимёвий моддаларни тушуниш лозим. Масалан, карбол, олтингургурт, азот, сирка кислоталари, нашатир спирти, формалин, ишқорлар, ўювчи натрий ва ҳоказолар.

5. *Тез алангаланувчи моддалар* — ўз таркибига ёнувчи ёки тез алангаланувчи моддаларни олган жонли нишонни отиш, муайян объектга шикаст етказиш ёки вайрон қилиш мақсадларига эриши учун қурол сифатида ишлатишга мўлжалланган ёки мослаштирилган табиий ёки сунъий, синтез қилинган, қаттиқ, суюқ, газ-симон материаллар ва ёнувчи аралашмалар. Масалан, нефт битуми, нефт гудрони, алюмин қириндиси ва чанги, органик пероксидлар шулар жумласидан.

Шуни назарда тутиш керакки, тергов ёки суд муҳокамаси вақтида у ёки бу модданинг тез алангаланувчи моддалар сирасига киришига шубҳа туғилса, суд иш бўйича ёнғин-техника экспертизасини тайинлаши зарур.

6. Пиротехника буюмлари деганда, ҳарбий ва тинч мақсадлар учун мўлжалланган, таркибида портловчи ва тез ёнувчи моддалар бўлган ёритиш, тутун чиқариш, аланга олдириш воситаларини тушуниш зарур. Масалан, сигнал мосламалари, мушаклар, турли иллюминациялар ва ҳоказо.

7. Объектив томонидан жиноят портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини:

- сақлаш;
- ҳисобга олиш;
- фойдаланиш;
- ташиш;
- жўнатиш қоидаларни бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишидан иборатдир.

ЖКнинг 250-моддасида назарда тутилган жиноят, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан бошлаб тугаллаган, деб топилади.

8. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсиздан содир этилади. Жиноятни квалификация қилишда уни содир этиш мотиви ва мақсади аҳамият касб этмайди.

Шахсни ЖКнинг 250-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

9. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида портловчи моддалар ёки пиротехника буюмлари билан муомала қилиш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

11. Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишини, экологик ҳалокат рўй бериши ва ҳоказоларни тушуниш зарур.

### **251-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

*Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш*

— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини сууистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) тамагарлик йўли билан содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) босқинчилик йўли билан;

б) кўп миқдорда;

в) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, энг аввало, жамоат хавфсизлигига қасд қилмоқдир. Ушбу ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги кўрсатилган жиноий предметлардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланиш имкониятидир, бу моддий зиён ёки бошқа оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган жиноят объекти жамоат хавфсизлигини, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир. Қонун чиқарувчи ушбу таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг белгиланган айланиш тартибини (қоидалари) аниқлайди, кундалик ҳаётда ишлатилишини назорат қилиб, бу билан уларнинг фуқаролар томонидан фойдаланилишини чеклаб қўяди.

Жиноятнинг предмети — гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳисобланадиган моддалар: 1) кучли таъсир этувчи ёки 2) заҳарли моддалар.

Инсонларга дори сифатида қўллаш рухсат этилмаган дори воситалар ва ҳар қандай синтетик ёки табиий моддалар кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ҳисобланади.

3. *Кучли таъсир этувчи моддалар* — кўп миқдорда истеъмол қилганда ёки уларни тиббий фойдаланиш қоидаларига риоя қилмасдан истеъмол қилганда инсон ҳаёти ва соғлигига хавfli таъсир кўрсатадиган моддалар. Ушбу моддалар қарамлик ҳолатига келтириши мумкин. Марказий асаб тизимига депрессив ёки раббатлантирувчи таъсир қилувчи моддаларни ташкил қилади, галлюцинация келиб чиқишига, мия моторли фаолиятининг бузилишига, фикрлашга, хулқ-атворга, идрок қилишга, кайфиятнинг ўзгаришига ва бошқа шунга ўхшаш зарарли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Уларга қуйидагилар киради: уйқуни келтирадиган воситалар, биомицин, акрихин, никотин кислотаси, диазепам (ёки седуксен, реланиум), клофелин, мазиндол, метазепам (ёки мезепам), оказепам (тазепам), споринья, фенобарбитал (ёки люминал), элениум, хлороформ, эфир (наркоз учун) ва ҳоказолар.

4. Одам организмга токсик (заҳарловчи) таъсир ўтказадиган моддалар заҳарли моддалар ҳисобланади. Ушбу моддаларни кам миқдорда истеъмол қилганда ҳам инсон оғир заҳарланиши ёки ўлими келиб чиқиши мумкин.

Улар жумласига: маргимуш, сублимат, синил кислотаси, хлор, фосфор, фенол (карбол кислотаси), симоб дихлориди, цианид калий ва ҳоказо моддалар киради.

5. Модданинг кучли таъсир этувчи ёки заҳарли эканлигини аниқлаш учун эксперт хулосаси талаб қилинади. Бунда амалдаги қонунчилик ушбу моддаларнинг аниқ рўйхатини белгиламайди. Эксперт хулосасига мувофиқ, тергов ва суд амалиёти кучли таъсир этувчи ёки заҳарли моддаларни аниқлаш учун, шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишда истисно усулини қўллайди. Бу ёки бошқа модда, препарат I, II, III, IV гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатига киритилмаган бўлса ва эксперт муассасаси томонидан кучли таъсир этувчи ёки заҳарли моддалар, деб топилса, у ҳолда, улар тегишлича, ғайриқонуний эгалланганлиги аниқланса, айбдор ҳаракатлари учун шарҳланаётган модданинг белгиларига кўра жинойий жавобгарликка тортилади.

6. Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги 293-сонли «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасида назорат остидадир. Улардан III ва IV рўйхатга таркибида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар бўлган Ўзбекистон Республикасида айланиши чекланган психотроп моддалар ва прекурсорлар киритилган. Шунинг ҳам инобатга олиш керакки, Ўзбекистон Республикасида айланиши тақиқланган, III рўйхатга кирувчи моддалар, яъни психотроп моддаларни ноқонуний эгаллаганлик учун ЖКнинг 271-моддаси билан жинойий жавобгарлик белгиланади. IV рўйхатга – муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар киритилган. Ушбу моддалар кучли таъсир этувчи ёки заҳарли эканлиги аниқланган тақдирда, уларни ноқонуний эгаллаганлик учун шарҳланаётган модданинг тегишли қисми билан жазоланиш мумкин.

7. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни аниқлашда, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, гиёҳвандлик воситалари номенклатурасини ва квоталарига, шу жумладан, БМТнинг 1988 йилги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда айланишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясининг I ва II жадвали, БТМнинг 1971 йилги «Психотроп моддалар тўғрисида»ги Конвенциясининг I, II, III, IV жадвалларига амал қилиш керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, қандайдир моддалар ёки доривор воситаларнинг кучли таъсир қилувчи ёки заҳарловчи моддалигини ва чоп этилган рўйхатга тааллуқлилигини аниқлаш масаласи экспертиза қилиш йўли билан ҳал этилади.



8. Объектив томондан жиноят айбдор шахс томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан иборатдир.

*Эгаллаш* — мазкур моддаларни шарҳланаётган модда диспозициясида кўрсатилган жиноят предметини ташкил этадиган усуллар билан содир этилган, яъни талон-тарож қилишнинг муайян турлари билан ўзлаштириш: ўғрилик ёки фирибгарлик (ЖКнинг 251-моддаси, 1-қисми); ўзлаштириш, растрата ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; талончилик ёки товламачилик (2-қисмининг «в», «г», «д» бандлари); босқинчилик (3-қисмининг «а» банди)да намоён бўлиши мумкин.

Жиноят предметини таркиб топтирадиган, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни талон-тарож қилиш (ўғрилик, талончилик, босқинчилик) айбдор шахс томонидан ҳар қандай усул билан ғайриқонуний равишда талон-тарож қилинган моддаларни ўз эгаллигига ёки ўзга шахс мулкига айлантирилиши ёхуд бошқача усул (масалан, йўқ қилиш) билан ўз ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

Кўрсатилан моддаларни давлат, хусусий ёки бошқа корхоналардан, уларни қонуний ёки ноқонуний эгаллаган фуқаролардан талон-тарож қилганлик учун жинойий жавобгарлик келиб чиқади.

Ушбу жиноят таркибининг характерли белгиси кўрсатилган моддаларни ноқонуний эгаллашдан иборат.

9. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунда кўрсатилган ҳар қандай усул билан эгаллаш ноқонуний эгаллаш ҳисобланади.

Бундай ҳолатда шарҳланаётган моддада ўғрилик, товламачилик, талончилик ёки шунга ўхшаш қатор ноқонуний ҳисобланадиган ҳаракатлар санаб чиқилади.

10. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони айбдор шахс ҳаракатларининг ташқи кўринишидан ўғрилик ёки товламачилик йўли билан содир қилинганлигини кўрсатади.

*Ўғрилик* — бу жиноят-ҳуқуқий институтининг элементларидан бири. Унинг хуфия содир этилиши ушбу институтнинг фарқли хусусиятидир. Ўғирлик — давлат ёки фуқароларга тегишли кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга яширинча эгаллик қилиш (батафсилроқ ЖКнинг 169-моддаси шарҳига қаранг).

*Фирибгарлик* жабрланувчини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга ғайриқонуний эгалик қилишда намоён бўлади. Бунда жабр-

ланувчи қайд этилган моддаларни айбдорга ихтиёрий равишда беради (батафсилроқ ЖКнинг 168-моддаси шарҳига қаранг).

11. Бу усул билан моддаларга ғайриқонуний эгалик қилиш ва айбдор ҳақиқий тасарруф этиш имконига чинакам эга бўлиши вақтидан бошлаб мазкур жиноят тугалланган ҳисобланади.

12. ЖКнинг 251-моддаси, 2-қисми кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга эгалик қилиш:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) тамагирлик йўли билан содир этилган ҳолатлар учун жавобгарликни назарда тутаяди.

(Такрорийлик ҳақидаги умумий қоидаларни ЖКнинг 32 ва 34-моддалари шарҳларига қаранг).

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб эгалланиши белгиси айбдор шахсларнинг мақсадларини аниқлаб синчковлик билан баҳолашни талаб қилади.

Кучли таъсир этувчи ёки заҳарли моддаларни ўзлаштириш жиноятининг субъекти махсусдир, яъни шахсга моддалар ишониб топширилган ёки улар унинг тасарруфида ёки учинчи шахслар тасарруфида мавжуд бўлади.

Кучли таъсир этувчи ёки заҳарли моддаларни растрата қилиш ғайриқонуний равишда эгаллаш усулларида бири бўлиб, шахсга ишониб топширилган ёки унинг тасарруфида мавжуд бўлган моддалардан фойдаланиш, ҳадя қилиш, сотиш, учинчи шахсларга бериш йўли билан ишлатиш (истеъмол қилиш)да ифодаланади.

(Ўзлаштириш ёки растрата қилиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 168-моддаси шарҳига; мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ҳақида ЖКнинг 167-моддаси шарҳига; талончилик тўғрисида ЖКнинг 166-моддаси шарҳига; товламачилик тўғрисида ЖКнинг 165-моддаси шарҳига қаранг).

13. Жиноят содир этилиши тугалланган, деб топиладиган вақт табақалаштириб белгиланади. Мазкур жиноят ЖКнинг 251-моддаси, 2-қисми, «а», «б», «г» бандлари белгилари билан содир этилганда, ғайриқонуний эгаллаш ва айбдорнинг улардан фойдаланиши ёки уларни тасарруф этиши учун чинакам имкониятга эга бўлган ҳолатларидан бошлаб жиноят тугалланган, деб топилади.

Растрата ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилишда шарҳланаётган жиноятнинг тугалланган, деб топиладиган вақти моддаларга ғайриқонуний эгаллик қилишдан бошлаб тамомланган, деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки ушбу моддалар, одатда, айбдор шахс эгаллигида туради.

Ушбу ҳолда, ғайриқонуний равишда эгаллаш, растрата, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан чинакам ҳаракатлар содир этилгандан бошлаб, мазкур жиноят тамомланган, деб топилади. Тайинланган ҳаракатларни қилиш билан кўрқитиб кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни топширишни талаб қилишдан бошлаб мазкур жиноят тамомланган ҳисобланади.

14. Агар кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга эгаллик қилиш босқинчилик йўли билан, кўп миқдорда, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилса, қилмиш шарҳланаётган қилмишнинг алоҳида квалификация қилинган тури (ЖКнинг 251-моддаси, 3-қисми)ни ташкил этади.

Ушбу шарҳда бошқа жиноят таркибини таҳлил қилганда махсус квалификация қилинадиган белгилар кўрсатиб берилган (масалан, ЖКнинг 247-моддаси шарҳида).

(Босқинчилик йўли билан эгалик қилиш тўғрисида ЖКнинг 164-моддаси шарҳига; уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

Кўп миқдор ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар миқдорини, уларнинг киши организмга таъсири даражаси ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Муайян вақтларда Наркотикларни назорат қилиш давлат комиссияси бу борада тавсия беради.

15. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд тарзидаги айб билан тавсифланади: айбдор шахс кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга ноқонуний эгалик қилаётганини англайди (айбдор шахс махсус ҳисобга олиш, рўйхатга олиш, сақлаш тартибига эга бўлиш бу моддаларга хослигини англайди, улар хавфлилигини ҳам фараз қилади) ва қонунга хилоф равишда эгалик қилишни хоҳлайди.

16. Шарҳланаётган жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

17. Ушбу тоифага доир ишни кўриб чиқишда судлар бу тоифа ишлар бўйича кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тури ҳамда хусусиятини аниқлаш айбдорнинг хатти-ҳаракатини юридик жиҳатдан тўғри квалификация қилиш ва жазо тайинлаш учун муҳим аҳамият касб этишини назарда тутиши лозим. Шу муноса-

бат билан судлар тергов органларидан уларнинг номини ва миқдорини аниқлаш учун мажбурий экспертиза ўтказишни, бунда Наркотикларни назорат қилиш давлат комиссияси норматив ҳужжатларига амал қилишни талаб этиши даркор. Эксперт хулосасининг йўқлиги ЖПКнинг 419-моддасига асосан, ишни қўшимча терговга қайтаришга олиб келувчи дастлабки терговнинг жиддий камчилиги сифатида баҳоланиши лозим.

**251<sup>1</sup>-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш<sup>1</sup>**

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш*

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўгирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. ЖКнинг 251-моддаси кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни эгаллаб олиш учун жиноий жавобгарликни кўзда тутар эди. Кучли таъсир қиладиган ёки заҳарли моддалар қонунга хилоф равишда муомалага киритиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги норманинг киритилиши кодекснинг гиёҳвандлик во-

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

ситалари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган ўта хавфли моддаларни муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга йўналтирилганлигини мантиқан яқунлайди.

Жиноят предметларини қонунга хилоф эгаллаб олиниши, моҳиятига кўра, жиний қилмиш бўлиб, тегишли равишда жиний жавобгарликни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, Жиноят кодекси кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёхуд жўнатиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни кўзда тутмас, натижада ана шундай қилмишлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза доирасидан четда қолар эди.

Мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг назоратсиз муомалада бўлиши ҳисобланиб, бу жиноят буюмлари жиний мақсадларда қўлланиши хавфини пайдо қилиб, инсонлар орасида қурбонларга, моддий зарар кўрилишига ва бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Жамоат хавфсизлигини, инсонлар ҳаёти ва соғлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ушбу моддалар муомалада бўлишининг муайян тартибини белгилаб, бу уларнинг кундалик турмушдаги ҳаракатини назорат қилиб туриш ва бу билан фуқаролик муомаласида қўлланишини чеклаб туриш имконини беради.

3. Жиноят предмети қуйидагилардан иборат: 1) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар; 2) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш ускуналари.

(Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 251-моддаси шарҳига қаранг).

4. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш ускуналари деганда, дорилар, кимёвий, токсик препаратларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш, ўсимликлар ва бошқа хом ашёдан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ишлаб чиқариш имконини берадиган махсус технология воситаларини тушуниш лозим.

Бундай ускуналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатланган, патентланган ёки бошқача усул билан қонунийлаштирилган, тиббий ё бошқа мақсадларда хом ашё ишлаб чиқариш ёхуд уни қайта ишлаш ва кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар асосида ишлаб чиқарилгандагина шарҳланаётган жиноят предмети, деб эътироф этилади.

Қўлбола усуллар ёрдамида қўл остидаги воситалар, шунингдек, бошқа турли техник воситалар, олдиндан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун мўлжалланмаган қисмлардан тайёрланган ускуналар шарҳланаётган модда мазмуни бўйича ускуна, деб эътироф этилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда айбдор шахс қилмишлари тегишли шартлар мавжуд бўлганида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, деб квалификация қилиниши керак.

5. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят айбдор жиноят предметини ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаши, қайта ишлаши, олиши, сақлаши, ташиши ёхуд жўнатиши, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиши каби қилмишлардан бири ёки биргаликда содир этилишида ифодаланади. Бунда айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мажмуа тариқасида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, шу жумладан, уларни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқариш, деб эътироф этиладиган муқобил қилмишлардан бири содир этилишининг ўзи кифоя бўлади.

(Тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, ўтказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 273-моддаси шарҳига қаранг).

6. Жиноий тажовузнинг тугалланиш вақти деб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни амалда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек, ўтказиш вақти эътироф этилади. Бунда юқорида номи келтирилган қилмишлар жиноий жазога тортиладиган қилмиш сифатида эътироф этилиши учун жиноят предметларини ўтказиш мотиви ва мақсади аниқланиши шарт.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, шу билан бирга уларни ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган ускуналарни ўтказишнинг тугалланган вақти, деб жиноят предмети амалда бошқа шахсга берилган вақт ҳисобланади.

7. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндаң тил бириктириб қонунга хилоф равишда муомалага киритиш учун жиноий жавобгарликни белгилайди.

(Такрорийлик тушунчаси ва унинг белгилари тўғрисида ЖКнинг 32-моддаси шарҳига; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб тушунчаси ҳақида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

#### 8. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми:

а) уюшган гуруҳ томонидан;

б) кўп миқдорда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, шу жумладан, уларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш ускуналарини қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутати (уюшган гуруҳ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

9. Кўп миқдорда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага чиқариш белгиси бўйича жиноий жавобгарликка тортишга жиноий-процессуал қонунчилик қоидаларига мувофиқ, ушбу кўп миқдор аниқланганидагина йўл қўйилиши мумкин. Бунда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар миқдори Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш давлат комиссияси томонидан белгиланади.

10. Субъектив томондан жиноят, шарҳланаётган модданинг 4-қисмидан ташқари, айбнинг тўғри қасд шаклида содир этилади: айбдор кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаётгани, қайта ишлаётгани, олаётгани, сақлаётгани, ташиётгани ёки жўнатаётганини англайди (айбдор бу моддалар махсус ҳисобда туришини, рўйхатга олиниши, махсус сақланиши лозим бўлган моддалар эканлигини англаб етади) ва уларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишни хоҳлайди.

Бундан ташқари, шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томонини аниқлаш учун содир этилган мазкур жиноятнинг сабабларига аниқлик киритиш талаб этилади. Шарҳланаётган модда моҳиятига кўра, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, шу жумладан, ускуналарнинг қонунга хилоф равишда муомалага киритиш уларни қонунга хилоф равишда ўтказишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг мақсади ғаразли эканлигидан далолат беради.

11. Шарҳланаётган модданинг 4-қисми кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида, уларнинг ўғирланишига ёки бошқача тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келганлиги учун жавобгарликни назарда тутати.

12. Шарҳланаётган модда 4-қисмининг объектив томони турли меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидалар, хусусан, Республика дорихона муассасаларида дори-дормонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидаларининг<sup>1</sup> бузилишидан иборат.

Ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларининг бузилиши ишлаб чиқаришдаги технология шартлари бузилиши, сақлаш, ҳисобга олиш ва бериш, олиш меъёрлари ва тартиб-қоидалари, жиноят буюмларини ташиш ва жўнатишга оид техник талабларнинг бузилишида ифодаланadi.

13. Қоида бузилиши ушбу қоида бузилиши оқибатида ўғрилик содир этилган ёки бошқа жиддий зарар етказилган бўлса, жиноий жазоланадиган қилмиш, деб эътироф этилади.

14. Ҳар бир муайян ҳолда суд жиддий зарар каби оқибат келиб чиққанлигини аниқлаши шарт. Бунда суд жиддий зарар етказилиши кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни эҳтиётсизлик билан ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш оқибати бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши керак.

(Жиддий зарар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

15. Субъектив томондан шарҳланаётган модданинг 4-қисми ўзига ўзи ишониш ёки жиноий бепарволик кўринишидаги айбнинг эҳтиётсиз шаклида ифодаланadi. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, бироқ, суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши шарт.

16. Шарҳланаётган жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади. Шахс, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларига риоя қилиниши учун масъул ва бу қоидалар унга маълум бўлган ҳолдагина, шарҳланаётган модданинг 4-қисми бўйича жиноят субъекти бўлиши мумкин.

17. Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда судларнинг кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар турлари ва хусусиятларига аниқлик киритиши айбдор ҳаракатларининг тўғри баҳоланишида ва жазо тайинланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу билан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига 1-илова.



боғлиқ равишда судлар тергов идораларидан Наркотикларни назорат қилиш давлат комиссиясининг меъёрий ҳужжатларига риоя қилган ҳолда уларнинг номи ва ҳажми аниқланиши учун экспертиза ўтказилишини талаб қилишлари шарт. Эксперт хулосасига эга бўлмаслик дастлабки терговнинг жиддий хатоси сифатида қаралиб, ЖПКнинг 419-моддаси асосида қўшимча тергов ўтказилиши учун ишнинг қайтарилишига олиб келади.

### **252-модда. Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

*Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш*

*— олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;*

*б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса*

*— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг объекти, биринчи навбатда, бугунги ва келажак авлод инсонлар ҳаёти ёки соғлиғининг ионлантирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолатини англатадиган радиациявий хавфсизликни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

Қонунчиликда, радиациявий хавфсизлик тушунчаси, фуқаролар ва атроф-муҳитнинг ионлантирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати сифатида очиб берилади<sup>1</sup>.

Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш атрофдагиларга катта ижтимоий хавф туғдиради ва уларни қўллаш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда.

имконияти мавжудлигида намоён бўлади, бу эса, кўпчилик ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилишига, генофондига хавф солинишига, атроф-муҳитнинг радиоактив заҳарланишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

2. Радиоактив материаллар, яъни радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионларни ҳосил қиладиган радиоактив моддалар, ион нурлари тарқатувчи манбалар, ядро материаллари, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар жиноят предмети ҳисобланади.

Бундай жараён ионлаштирувчи нурланиш, деб аталади ва ҳар қандай шунга ўхшаш нурланишни чиқарувчи материал, модда ёки қурилма радиоактив модда ҳисобланади.

*Ионлаштирувчи нурланиш манбаи* — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва радиоактив модда.

Тузилма сифатида ионлаштирувчи нурланиш манбаи ўзида ядро қурилмалари билан боғлиқ бўлмаган, таркиби радиоактив моддалар ёки ионлаштирувчи нурланиш генерациясидан иборат бўлган мажмуалар, қурилмалар, аппаратлар, жиҳозлар ва маҳсулотларда ифодаланади.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаи сифатида радиоактив моддалар ядровий материаллар жумласига кирмайдиган, ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи моддалар (радий, уран, плутоний, кобальт 60, стронций) ҳисобланади.

*Ядровий материаллар* — таркибида парчаланадиган ядровий моддалар (масалан, йод 131, цезий 137, нурланишга учраган ускуналар ва бошқалар) бўлган ёки уларни чиқаришга қодир бўлган материаллар.

Ядровий материаллардан ва радиоактив моддалардан олинган кейинчалик фойдаланиш кўзда тутилмаган радиоактив чиқиндилар ҳам жиноят предмети ҳисобланиши мумкин.

3. Объектив томондан ЖКнинг 252-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш билан тавсифланади.

Эгаллаш деганда, радиоактив материалларни қўлга киритишнинг ҳар қандай усулини тушуниш зарур.

Радиоактив материаллар мустақил жиноятларни (босқинчилик, товламачилик) содир этиш орқали эгалланган ҳолларда, айбдор шахс ҳаракатлари оғирроқ жазо назарда тутилган модда бўйича квалификация қилиниши лозим.

4. Жиноят радиоактив материаллар амалда қандай йўл билан эгалланганидан қатъий назар, уларга эгалик қилиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

5. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаши ижтимоий хавфлигини англайди ва уларни содир этишни хоҳлайди.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

6. Ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

7. ЖКнинг 252-моддаси, 2-қисмида:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда радиоактив моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

8. (Такрорийликни квалификация қилиш белгилари тўғрисида ЖКнинг 29, 34, 32, 205-моддалари шарҳига қаранг).

9. ЖКнинг 252-моддаси, 3-қисмида:

а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

б) ўта хавfli рецидивист томонидан радиоактив моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ҳаракатларининг содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

### **253-модда. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

*Радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказалишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. *Шарҳланаётган жиноятнинг объекти* — радиоактив нурларнинг номақбул зарарли таъсиридан жамоат хавфсизлигини ҳам, инсонларнинг шахсий хавфсизлигини ҳам муҳофаза қилишни таъ-

минлайдиган радиоактив материаллардан фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи жиноятнинг қўшимча объекти ҳисобланади.

Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидалари уларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш натижасида кўпчилик фуқаролар ҳаётига, соғлиғига зарар етказилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши хавфи ва бошқа оғир оқибатлар юзага келиши мумкин.

2. Жиноят предмети радиоактив материаллар, радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари ҳисобланади.

(Жиноят предмети тўғрисида ЖКнинг 252-моддаси шарҳига қаранг).

3. Объектив томондан жиноят радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини бузиш натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

4. Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш қоидаларини тартибга соладиган қонун ҳужжатларига ҳавола қилади.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда радиоактив материаллар билан муомалада бўлиш қоидаларини тартибга соладиган ва айбдор шахс бевосита бузган қонун ҳужжатларини аниқлаш зарур. Радиоактив материаллардан фойдаланишнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш давлат органларининг ички норматив фармойишлари билан белгилаб қўйилган. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилардан иборат: назорат қилиш ва текшириш; ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш; радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида нормалаштириш<sup>1</sup>.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралдаги 62-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини дав-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни. 2-бўлим.

лат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги қарорида радиоактив материалларни ташиш (жўнатиш)нинг махсус тартиби белгиланган. Бунда ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Қонунига ҳавола қилади. Кўрсатилган қонун ҳужжатларида радиоактив материалларни махсус юклар сифатида жўнатиш тартиб-қоидаси аниқланган.

5. Радиоактив материаллар ва моддаларни сақлаш деганда, сақланишини таъминлаш ва кейинчалик чиқариб олиб фойдаланиш, қайта ишлаш, кўмиш мақсадида махсус жиҳозланган жойларга жойлаштириш тушунилади.

6. Радиоактив моддаларни ҳисобга олиш деганда, радиоактив материалларнинг миқдор ва сифат таркибининг ҳисоб-китоби олиб борилишини, рўйхатга олинишини тушуниш лозим.

Радиоактив моддаларни ҳисобга олишнинг бузилиши радиоактив материаллар транзити билан боғлиқ маълумотлар ўз вақтида берилмаганлиги, муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатишдан иборат.

7. Радиоактив материаллардан фойдаланиш деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг бевосита ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш, қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлашни белгиланган тартибда амалга ошириш учун берилган лицензиялар асосидаги фаолияти тушунилади.

8. Радиоактив материалларни ташиш деганда, уларнинг ҳар қандай транспорт воситасида бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши тушунилади. Бу ҳолда ҳар қандай транспорт воситаси жиноят қуроли ҳисобланади. Радиоактив материалларни ташиш қоидаларининг бузилиши — ушбу материалларни транзит қилиш пайтида аварияни юзага келтирмаслиги, транспорт ҳалокатлари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган хавфсизликни таъминлаш талаблари ва транзит тартибининг бузилиши, маркировка ва ўраш бўйича белгиланган талабларнинг бузилиши ҳисобланади.

9. Жўнатиш деганда, алоқа муассасалари хизмати ёрдамида радиоактив материалларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўтказилишини тушуниш керак (посилкалар, бандероллар ва ҳоказолар).

10. Радиоактив моддалар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидалари кўмиш, хавфсизлик техникасининг умумий қоидалари ва ҳоказолар билан боғлиқ.

11. Шарҳланаётган жиноятни квалификация қилишда мазкур қоидаларнинг бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлсагина, жинойи жазоланадиган қилмиш бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

12. Жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайдан эътиборан тугалланган, деб эътироф этилади.

13. Субъектив томондан радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш мураккаб айб шаклида намоён бўлади: ушбу қоидаларни бузилишига нисбатан қасддан ва келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Қасд тўғри ҳам, эгри ҳам бўлиши мумкин.

14. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлади. Мансабдор шахс, радиоактив материаллардан фойдаланиш ваколатига эга бошқа шахслар ҳам жиноят субъекти бўлиши мумкин.

15. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, шарҳланаётган жиноятнинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

16. Икки ёки ундан ортиқ шахс баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, атроф-муҳитга зарар етказиш, экологик ҳалокатнинг юзага келиши ва ҳоказоларни бошқа оғир оқибатлар, деб тушуниш керак.

### **254-модда. Радиоактив моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш**

*Радиоактив материалларга, яъни қурилмада ёки буюм таркибида ҳар қандай физик ҳолатда ёинки бошқа кўринишда турган ион нурлари тарқатувчи манбаларга, радиоактив модда ёки ядро материалларига қонунга хилоф равишда эга бўлиш, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш ёки бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

*— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Жиноятнинг предмети радиоактив материаллар — ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи манбалар, радиоактив моддалар, ядро материаллари ҳисобланади.

(Ушбу предметлар тўғрисида ЖКнинг 252-моддаси шарҳига қаранг).

3. Объектив томондан жиноят радиоактив материаллар билан қонунга хилоф равишда, яъни радиоактив материаллар, аниқроғи, ионлаштирувчи нурланиш манбалари, радиоактив моддалар, ядровий материалларнинг қурилмадаги ёки буюм таркибидаги ҳар қандай физик ҳолати ёки баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказадиган бошқа кўриниши билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш:

- уларга эга бўлиш;
- уларни сақлаш;
- улардан фойдаланиш;
- уларни бировга ўтказиш;
- уларни бузишда ифодаланади.

4. Эга бўлиш деганда, эгаллаш учун қўлланилган ҳар қандай усулни (ЖКнинг 252-моддасида назарда тутилганлардан ташқари) тушуниш зарур, бу сотиб олиш, алмашиш, қарз эвазига ҳисобкитоб қилиш, тортиқ қилиниши ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

5. Ўтказиш деганда, радиоактив материалларнинг бошқа шахсга сотилишини, ҳады қилинишини ва ҳоказо ўтказишни тушуниш зарур.

6. Радиоактив материалларни бузиш деганда, уларнинг нобуд қилиниши (таркибида радиоактив материаллар бўлган дастгоҳларга, асбоб-ускуналарга, мосламаларга шикаст етказиш)ни тушуниш зарур.

7. Радиоактив материаллар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлишнинг бошқа кўринишлари (қонунга хилоф равишда сақлаш, фойдаланиш) радиоактив материаллар билан муомала қилиш қоидалари бузилишлари ЖКнинг 252-моддаси таҳлилида кўриб чиқилган эди.

8. Шарҳланаётган жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибатлар келиб чиққан пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

9. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди.

10. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

11. Мазкур модданинг 2-қисмида радиоактив моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

12. Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, атроф-муҳитга зарар етказиш, экологик фалокат ва ҳоказолар тушунилиши лозим.

Алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда суд содир этилган жиноятдаги иш ҳолатларини инобатга олиб, баданга етказилган бошқа оғир шикастларга тушунча беради.

### **255-модда. Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

*Ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти — жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиги.

2. Ядро энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектларга ядро реактори жойлашган иншоотлар ва мажмуалар, шу жумладан, атом станциялари, атом кемалари, космик кемалар ва учувчи аппаратлар ҳамда ядровий материаллар ва радиоактив моддалар сақланадиган пунктлар, омборлар ва ҳоказолар киради.

3. Объектив томондан жиноят ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

Ушбу модда ҳам диспозицияси бланкетли бўлиб, ҳар бир алоҳида ҳолатда ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларининг айнан қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.



Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши кўринишидаги оқибат келиб чиққанлиги мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

4. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади. Жиноят содир этишнинг мотиви ва мақсадлари қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

5. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

6. ЖКнинг 255-моддаси, 2-қисмида ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш:

- одам ўлишига;
- бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

**255'-модда. Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш<sup>1</sup>**

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялли қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш*

*— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) одам ўлишига;*

*б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг объекти инсоният хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Ялли қирғин қуроллари жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Бактериологик (биологик) қурол деганда, ҳарбий мақсадлар-

---

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

да яратилган, одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларда касалликлар қўзғатувчи, сунъий кўпайтирилган микроорганизмлар, ҳашоротлардан иборат оммавий қирғин воситаси тушунилади. Бактериологик қурол микроблари авиабомба, ракета, снаряд ва бошқа қурооллар орқали тарқатилади. Бактериологик (биологик) қурол асосан касаллик тарқатувчи микроорганизмлар (бактерия, вирус, замбуруғ ва бошқалар) юқтирилган пашша, чивин, кемирувчи ҳайвонлардан ёки суспензия ва кукунлардан иборат бўлади.

Кимёвий қурол деганда, заҳарловчи моддалар ва уларни қўллаш воситалари (кимёвий ракеталар, снарядлар, миналар, кимёвий бомбалар ва бошқалар) тушунилади. У оммавий қирғин қурооллари турларидан биридир. Бу қурол Қуролли Кучлар шахсий таркибини, аҳолини заҳарлаш ва халқ хўжалиги объектларини барбод қилиш мақсадида қўлланади.

Бошқа ялпи қирғин қуроолларига ядровий ва кўп сонли одамлар ва саноат объектларини танламай йўқ қиладиган қуроолларнинг бошқа турлари (масалан, нурлантирувчи, инфратовуш, генетик, психотроп ва бошқа қурооллар) киради.

Оммавий қирғин қурооллари тушунчасини талқин қилишда БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган қоида белгиловчи аҳамият касб этиши лозим. Унга кўра, оммавий қирғин қурооллари атом портлаши орқали ўлим келтирувчи, кимёвий ва биологик қурооллар ҳамда йўқ қилиш кучи бўйича атом ва юқорида келтирилган бошқа қуроолларга таққосланиши мумкин бўлган, келажакда ишлаб чиқараладиган қуроолларни ўз ичига олади.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қурооллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этишдан иборатдир.

4. Ишлаб чиқиш деганда, ялпи қирғин қуроолларини яратишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг содир этилишини тушуниш лозим.

5. Ишлаб чиқариш деганда, ялпи қирғин қуроолларининг ясалиши ёки ишлаб чиқарилиши тушунилади.

6. Тўплаш — маълум бир ҳудудда ҳар қандай ялпи қирғин қурооллари жамланишини англатади.

7. Ялпи қирғин қуролини олиш деганда, уларнинг сотиб олиниши, алмашиш йўли билан қўлга киритилиши ва бошқа хатти-ҳаракатлар тушунилади.

8. Бировга ўтказиш деганда, ялпи қирғин қуролини бошқа шахс ихтиёрига ўтказиш тушунилади.

9. Ялпи қирғин қуролларини сақлаш — ялпи қирғин қуролларининг махсус хоналарда, хилват жойларда ҳамда уларнинг бутлигини таъминловчи бошқа жойларда сақланишидан иборат.

10. Қонунга хилоф равишда эгаллаш ўғирлаш, ўзлаштириш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш каби йўллар билан ялпи қирғин қуролини эгаллашнинг ҳар қандай усулини англатади. Қонунга хилоф равишда қўлга киритишда жиноят талон-тарож усуларидан бирини қўллаб, содир этилганлиги қилмишни таҳлил этилаётган модда билан квалификация қилиш учун етарлидир.

11. Мазкур модда диспозициясида назарда тутилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган ҳисобланади.

12. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Квалификация қилишда жиноят содир этиш мотивлари ва ундан қўзланган мақсад аҳамиятга эга эмас.

13. Жиноят субъекти — ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

14. Мазкур модданинг 2-қисмида шу модда 1-қисмида баён этилган хатти-ҳаракатлар содир этилиши:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

### **256-модда. Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш**

*Илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун маъсул шахс томонидан содир этилган бўлса;*

*б) кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса*

*— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларига сабаб бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ушбу жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғидир.

2. Жиноятнинг объектив томони илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидалари бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишида ифодаланади.

3. Шарҳланаётган жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш тарзидаги оқибат юз берган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

4. ЖКнинг 256-моддаси диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни мазкур модда бўйича жинойий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг қайси бандини бузганлиги, бунинг оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ёки етказилмаганлиги аниқланиши лозим.

Илмий-тадқиқот ёки тажриба-синов ишларини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши билан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етиши тарзидаги оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

5. Субъектив томонидан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

6. Ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

7. ЖКнинг 253-моддаси, 2-қисмида илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларининг:

- хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс томонидан;

- кўп миқдорда зарар етишига сабаб бўлган бузилиши учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Эгаллаб турган лавозимига кўра (хавфсизлик бўйича муҳандис) ёхуд буйруққа мувофиқ илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба ишларини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик зиммасига юкланган шахс хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши учун масъул шахс, деб ҳисобланади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарар кўп миқдордаги зарар, деб топилади.

8. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида белгиланган жиноятнинг субъекти илмий-тадқиқот ёки синов-тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш мажбурияти юклатилган шахс бўлиши мумкин.

9. ЖКнинг 256-моддаси, 3-қисмида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши:

- одам ўлишига;
- баданга бошқа оғир шикаст етишига олиб келганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

### **257-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш**

*Техника хавфсизлиги, sanoat санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишининг бошқа қоидаларини шу қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

*а) одам ўлишига;*

*б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

2. Ушбу жиноятнинг объекти, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишлаётган шахсларнинг меҳнат шaroитларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, нафақат, доимий ишлаётган шахслар, балки вақтинча ишлаётган шахслар ҳам жабрланувчи бўлишлари мумкин.

3. ЖКнинг 257-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноят объектив томондан ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлган:

- техника хавфсизлиги қоидалари;
- sanoat санитарияси қоидалари;

• меҳнатни муҳофаза қилувчи бошқа қоидаларнинг бузилишидан иборатдир.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун айбдор шахс томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур. Содир этилган қилмишнинг оқибати сифатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

4. Субъектив томондан жиноят айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакллари орқали содир этилади. Жиноятни содир этиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

5. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ва зиммасига хизмат мавқеига кўра техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши бўйича ёхуд махсус фармойиш билан иш участкасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ёки шу қоидаларнинг ижроси бўйича масъулият юкланган ақли расо шахс бўлади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари мазкур жиноят субъекти бўлмаган шахс томонидан бузилган ва ушбу модда диспозициясида кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиққан ҳолларда айбдорнинг қилмиши соғлиққа зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилиниши лозим.

6. ЖКнинг 257-моддаси, 2-қисмида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши:

- одам ўлишига;
- бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарлик назарда тугилади.

### **257<sup>1</sup>-модда. Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш<sup>1</sup>**

*Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса*

<sup>1</sup> Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ киритилган.

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараварига-ча миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса*

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса*

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлигидир.

2. Объектив томондан жиноят одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келган:

- санитарияга оид қонун ҳужжатларини;
- эпидемия қарши кураш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Ушбу модда диспозицияси бланкетли бўлиб, ҳар бир ҳолда санитарияга оид қонун ҳужжатлари ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларининг қайси банди бузилганлиги алоҳида аниқланиши лозим.

Оммавий касалланиш деганда, маълум бир ҳудуддаги қўп сонли кишиларнинг бир вақтнинг ўзида ёхуд оралиғи унча катта бўлмаган вақт орасида касалланишини тушуниш зарур.

3. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади.

Айбдор одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келувчи ҳаракатларни давлат идоралари фаолиятини ёки ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёхуд Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида содир этган ҳолларда, у ЖКнинг 161-моддаси (қўпоровчилик) бўйича жавобгарликка тортилади.

4. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

5. Санитарияга оид қонун ҳужжатларининг ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларининг бузилиши одам ўлишига сабаб бўлган ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

6. Худди шундай қилмишлар одамларининг ўлишига сабаб бўлса, айбдор ЖКнинг 257<sup>1</sup>-моддаси, 3-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

## **258-модда. Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

*Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша қилмиш:*

*а) одам ўлишига;*

*б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари олиб борилаётган вақтда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзганинг мулкидир.

2. Объектив томонидан жиноят тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишларини олиб боришда ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатини келтириб чиқарган хавфсизлик қоидаларининг бузилиши билан тавсифланади.

Ушбу модданинг диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни жиний жавобгарликка тортиш учун тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари олиб бориш қоидаларининг қайси банди бузилганлигини аниқлаш зарур.

3. Тоғ-кон ишлари деганда, кон қазиш саноатида олиб бориладиган ишлар тушунилади. Тоғ-кон ишлари — бу бурғулайдиган қурилмалар, шахталар ёки фойдали қазилмаларни ишлашга, жумладан, очиқ усулда ишлашга оид, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иморатларини (метрополиген, тоннеллар ва ҳоказоларни) қуриш, қайта қуриш, ишлатиш ва таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларни тушуниш керак.

4. Қурилиш ишлари деганда, саноат корхоналари, маъмурий, турар жой ва бошқа биноларни бунёд этиш ёхуд таъмирлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни тушуниш зарур. Масалан, қурилиш майдончасида амалга оширилаётган ер ости, бетон, монтаж, пардозлаш ишлари ва бошқалар.

5. Портлатиш ишлари деганда, портлатиш жараёнида ёнувчи газ ёки буғларнинг ҳаво ёхуд кислород билан ёхуд бошқа моддалар билан аралашмаларининг ҳосил бўлишини тушуниш зарур.



Махсус қоидаларнинг бузилиши уларга риоя қилмасликни билдиради ва ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланади.

Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши тарзидаги оқибатларнинг келиб чиқиши мазкур жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

6. Баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан жиноят тугаллаган ҳисобланади.

7. Жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади квалификация қилишга таъсир этмайди.

8. Жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлади.

9. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши:

- одам ўлишига;
- бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳоллар учун жавобгарлик назарда тутилган.

### **259-модда. Ёнфин хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

*Ёнфин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) одам ўлишига;*

*б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса*

*— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг объекти ёнфин хавфсизлиги, яъни одамларнинг, жамоат ва давлат мулкисининг ёнфиндан муҳофаза қилинганлик ҳолати ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят ёнфин хавфсизлиги қоидаларининг шу қоидалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келишида ифодаланади.

*Ёнфин хавфсизлиги қоидалари* — ёнфиннинг олдини олишга қаратилган талаблар, меъёрлар ва стандартларга риоя қилиш тартибини белгиловчи муайян қоидалар мажмуи.

Шарҳланаётган модда диспозицияси бланкетли бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг қайси банди бузилганлигини, бунинг натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилганлигини аниқлаш зарур.

3. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилади.

4. Ўн олти ёшга тўлган ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун масъул шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

5. Мазкур модданинг 2-қисмида баён этилган хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган оғирлаштирувчи ҳолатлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

### **XVIII боб. ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ВА УНДАН Фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар**

#### **260-модда. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

*Транспорт воситасининг ҳаракат ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортини бошқарувчи шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса*

*— саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша қилмиш:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) ҳалокатга;*

*в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти — механик транспорт воситаларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкни йўқ қилиш ва унга зарар етказиш хавфини туғдирмай йўловчи ва юк ташиш қобилиятидан иборат бўлган ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар.

Жабрланганларнинг ҳаёти ва соғлиғи эса, жиноятнинг қўшимча объекти, деб эътироф этилади. Денгиз ва дарё транспорти ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатида аксарият ҳолларда экологияга зарар етказилиши (дарё ўзанлари, кўл сатҳларининг нефт, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан ифлосланиши) туфайли табиатни асраш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳам факультатив объект сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

2. Жиноят предмети сифатида қонунда кўрсатилган транспорт турлари иштирок этадилар.

Темир йўл транспорти деганда, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ихтиёридаги рельсли транспорт, шунингдек, саноат ҳамда

бошқа корхоналарга олиб келадиган темир йўллар, махсус мақсаддаги темир йўллар, метрополитен тушунилади.

Фақат ишлаб чиқариш вазифаларини бажарадиган шахта, цех ичи (электровозлар, вагонеткалар) транспорт воситалари технология жараёни билан боғлиқ бўлиб, ушбу транспорт турига оид, деб ҳисобланиши мумкин эмас. Улар билан боғлиқ ҳодисаларга ҳаракат ҳамда фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, муайян ишларни амалга ошириш, хавфсизлик ёки бошқа меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлади. Айбдорлар ҳаракатлари бундай ҳолларда ЖКнинг 257-моддасига биноан, тегишли вазиятларда эса, фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши, ўзгалар мулкани нобуд қилганлик ёки унга зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутган моддалар бўйича квалификация қилиниши шарт.

*Ҳаво транспорти* — бу барча фуқаролик авиацияси ва фуқаролик ҳавода учиб воситалари: самолётлар, вертолётлар, планёрлар, дирижабллар, аэростатлар ва ҳоказолар. Ҳаво кемасининг қайси идорага тегишлилиги аҳамиятга эга эмас. Авиация техникаси соҳасидаги тажриба-конструкторлик, синов ва илмий-тадқиқот ишлари учун мўлжалланган ҳаво кемалари — синов ҳаво кемалари шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмиш предмети бўла олмайди. Бундай кемалардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилган ҳолларда жавобгарлик ЖКнинг 256-моддасига биноан келиб чиқади.

*Денгиз ва дарё транспорти* — кема инспекциялари рўйхатидан ўтиши керак бўлган барча ўзиюрар кемалар ҳисобланади. Идоравий меъёрий ҳужжатларда сув транспорти ҳисобига киритилган ўзи юрмайдиган транспорт воситалари шарҳланаётган жиноят предмети бўла олмайди. Ушбу сузиш воситалари (аксарият ҳолларда бу — баржа, плашкоутлар) мустақил транспорт аҳамиятига эга эмас ва фақат ўзиюрар транспорт воситаси ёрдамидагина ҳаракатланади. Ўзи юрмайдиган сузиш воситасидан фойдаланишнинг зарарли оқибатлари ўзиюрар кемадан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасидагина келиб чиқиши мумкин.

Ҳарбий транспорт воситалари, шу жумладан, жанговар ва махсус турлари ҳам шарҳланаётган меъёردа кўзда тутилган жиноят предметига кирмайди. Ушбу транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 298—300-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни ташкил қилади.

Автомобиллар, трамвайлар ё бошқа механик транспорт воситаларининг хавфсиз ишлаши ЖКнинг 266-моддаси билан муҳофазаланади.

3. Механик бўлмаган транспорт воситаси шарҳланаётган модда доирасида транспорт воситаси ҳисобланмайди. Хусусан, бундай воситалар қаторига авторезиналар ва автомотрис(а)лар, отулов киради. Бундан ташқари, ҳаво ёки денгиз кемаси ёхуд темир йўл транспорти сифатларига эга бўлиш билан ўз таърифига кўра юк ёки йўловчи ташиш мақсадида фойдаланиб бўлмайдиган воситалар, масалан, ҳаво зонди, автоматлаштирилган батискаф ва шу кабиларни ҳам транспорт санаб бўлмайди. Тегишли белгилари мавжуд бўлганида бундай буюмлардан фойдаланганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 256-моддаси бўйича келиб чиқиши мумкин.

4. Жиноятнинг объектив томони ўз ичига:

- темир йўл, ҳаво, денгиз ёки дарё транспортдан ҳаракат ёки фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

- инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш;

- қилмиш ҳамда оқибатлар келиб чиқиши ўртасидаги сабабий боғланишни олади.

5. Шарҳланаётган модданинг транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланишга оид махсус хавфсизлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутган диспозицияси бланкетли ҳисобланади. Ана шу қоидаларнинг ўзи эса, транспортнинг кўрсатиб ўтилган турлари фаолиятини тартибга соладиган норматив ҳужжатларда мавжуддир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳаракат қоидалари – транспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига нисбатан анча кенг тушунча. Иккинчиси бузилмаган экан, демак, жиноят таркиби мавжуд эмас.

6. Бузилиши туфайли шарҳланаётган жиноят таркибини юзага келтирадиган норматив ҳужжатлар ҳисобига транспорт ҳаракати ҳамда ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари (йўриқномалари), деб номланган меъёрларгина кирмайди. Норматив ҳужжат номи – расмий (формал) белги, холос.

Идоравий меъерий ҳужжатларда транспорт ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари турлича ифодаланган. Улардан баъзилари қатъий кўрсатмалардан иборат бўлса, бошқалари қатъий тақиқлашдан иборат. Уларнинг бузилиши шарҳланаётган модда бўйича жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши мумкин. Баъзи норматив ҳужжатларда кўрсатма ҳамда тақиқлаш билан бирга тавсиялар ҳам учраб туради. Улар мажбурий эмас, шу

билан бирга уларни умумқабул қилинган маънода қоида сифатида эътироф этиб ҳам бўлмайди, шунинг учун бу тавсияларнинг бузилиши мазкур жиноят таркибини ташкил эта олмайди.

Қилмиш ҳуқуқий меъёрларда белгиланган қоидаларнинг бузилишида ифодаланган ҳолатига жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин. Умумқабул қилинган эҳтиёт чораларини бундайлар ҳисобига киритиб бўлмаслиги туфайли уларнинг бузилиши мазкур модда бўйича жавобгарликни келтириб чиқармайди. Ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши факти бўйича тергов идоралари ёки суд шахс эҳтиёт чораларини кўрмаганлиги ва ҳоказолар билан жиноят мавжудлигини асослаши мумкин эмас. Ҳар бир иш юзасидан: а) қайси қоида бузилганлиги; б) қоидабузарлик айнан нимада ифодаланганлиги аниқ белгилаб олиниши шарт.

7. Ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари орасида баъзилари нисбатан умумий, яна бирлари эса, бирмунча муайян кўринишга эга. Дастлабки тергов идоралари ва судлар ҳам униси, ҳам бунисига ҳавола қилишлари лозим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳаракат ҳамда транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари доимий ривожланиш ва ўзгариш жараёнини бошидан кечирмоқда. Шу боис хавфсизлик қоидаларининг бузилганлиги фактини аниқлаш учун тергов ва суд идоралари айбдор бузганликда айбланаётган хавфсизлик қоидалари амалда эканлиги ёки ўз кучини йўқотганлигини текшириб туриши шарт.

8. *Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши* — бу транспорт воситасини бошқаришнинг белгиланган тартибидан турлича четга чиқиш.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши қўйидагиларда ифодаланиши мумкин:

- *темир йўл транспортда* — йўл бўш ё бўш эмаслигини кузатмаслик, тезликни ошириб юбориш, семафорнинг тақиқловчи белгисига ўтиб кетиш ва ҳоказо;

- *ҳаво транспортда* — парвозлар схемасини бажармаслик, парвоз ҳамда экипаж ишига қўйиладиган талабларни менсимаслик, бошқариш техникасига, ҳаво кемасини бошқариш қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳоказо;

- *сув транспортда* — кузатувни қониқарсиз амалга ошириш ва шу билан боғлиқ тарзда кема ёки бошқа тўсиқни кечикиб аниқлаш (илғаш); катта тезликда ҳаракатланиш ва номақбул шароитдашиб ўтишга йўл қўйиш; кема бошқарувчисининг асосланмаган тахмин-

лари ва вазиятни нотўғри баҳолаши; хавфли яқинлашувнинг олдини олиш чораларини кўришга кечикиш, портга яқинлашганда кеманинг йўл қўйиладиган тезлигини ошириб юбориш ва ҳоказолар.

9. Қонунда кўрсатилган қоидабузарликлар ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шаклида ифодаланиши мумкин. Шахс ҳаракатсизлиги учун фақат муайян ҳаракатларни амалга ошириш масъулияти унинг зиммасига юклатилган ҳолдагина жавобгарликка тортилиши мумкин. Ушбу мажбурият қонуности меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

10. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши транспорт воситаларидан уларнинг вазифасига кўра фойдаланмаслигини кўзда тутади. Фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, темир йўл, ҳаво ҳамда сув транспортининг ҳалокатсиз фаолият кўрсатишини таъминлайдиган тизим ва агрегатларнинг бошқа мақсадларда ишлатилишини ҳам ўз ичига олади. Мазкур қилмиш ҳалокатсиз фаолият кўрсатишини таъминлайдиган эҳтиёт қисм ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш талабларидан четга чиқиш, йўловчиларни чиқариш ва туширишда, юкларни ортиш ва туширишда ҳамда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг хавфсиз шароитларини таъминлайдиган тартибни бошқача бузишларда ифодаланади.

11. *Транспортдан фойдаланиш* – унинг ҳаракатига нисбатан анча кенг тушунча. Ҳаракат жараёнини фойдаланишдан ажратиб бўлмайди, фойдаланиш эса, ҳам ҳаракат доирасида, ҳам ундан ташқарида амалга оширилиши мумкин (масалан, кема рейда тўхтаган пайтида, портда, кемани парвоздан аввалги тайёрлаш даврида ва ҳоказоларда). Транспортнинг фалокатсиз иши билан боғлиқ бўлмаган фойдаланиш қоидаларининг бузилиши шарҳланаётган жиноятни келтириб чиқармайди.

12. Объектив томоннинг зарурий белгиси баданга ўртача ёки оғир шикаст етказиш каби жиноий оқибатлардир (баданга ўртача ёки оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси ва 105-моддаси шарҳига қаранг).

13. Шарҳланаётган қилмиш ва келиб чиққан оқибатлар орасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши шарт. Бунда бу каби алоқа ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқалигина белгиланмай, балки айнан бевосита ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқарган хавфсизликка оид тегишли қоидаларнинг бузилиши билан аниқланиши шарт.

Сабабий боғланиш оқибат фақат ҳаракат ё ҳаракатсизлик билан эмас, балки ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам ёки бошқалари билан

биргаликда оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган бир неча қилмиш билан шартлашилган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шундай ҳоллар бўладики, бир шахс ҳаракатлари билан хавfli шароит юзага келади, иккинчиси эса вазиятга нотўғри баҳо бериб, ўзи транспорт хавфсизлигига тажовуз қиладиган қилмишга йўл қўяди. Бундай вазиятда келиб чиққан зарарли оқибатлар ҳар икки транспорт ходими томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларнинг қонуний натижаси ҳисобланади.

14. Жиноят баданга ўртача ёки оғир шикаст етказилган вақтдан бошлаб тугалланган, деб эътироф этилади.

15. Субъектив томондан жиноят ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига нисбатан қасд кўринишидаги ҳамда жинойий ўзига ўзи ишониш ёки келиб чиққан оқибатларга нисбатан жинойий бепарволик каби айбнинг мураккаб шакли билан таърифланади. Айбдор ҳаракат хавфсизлиги ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлигига оид муайян қоидалар бузилиши натижасида бирон-бир ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра биледи, аммо етарлича асоссиз равишда енгилтаклик билан уларнинг олдини олишига ишонади ёхуд талаб даражасидаги эътибор ва аниқлай олиши керак бўлган ижтимоий хавfli оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кўра билмайди. Ўрта ёки оғир тан жароҳати айбдор томонидан жабрланувчига бевосита ё билвосита қасддан етказилган бўлса, у ҳолда сўз ЖКнинг 104 ёки 105-моддаси бўйича жавобгарлик тўғрисида бориши мумкин.

16. Ўн олти ёшга тўлган, фаолияти транспортнинг хавфсиз ҳаракатланишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган шахслар (масалан, ҳаракат хизмати, ҳавода ҳаракатланишни бошқариш маркази, диспетчерлик хизмати, катта штурман, ҳаво транспортни ташкилотида парвозлар раҳбари), шунингдек, бевосита транспорт воситасини бошқарадиган шахслар (ҳаво кемаси командири, штурмани, машинист, унинг ёрдамчиси ва бошқалар) жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда шахс белгиланган тартибда берилган транспортни бошқариш ҳуқуқини берадиган рухсатномага эга ё эга эмаслиги ёки рухсатсиз бошқараётганлиги (масалан, олиб қочиш оқибатида) аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, айбдор шахс ҳаракатларини мазкур модда бўйича квалификация қилишга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳноманинг бирор сабабга кўра, бор ёки йўқлиги ҳам таъсир кўрсатмайди.



Агар айбдор транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига бошқа жиноят содир этиш орқали (масалан, ҳаво кемасини олиб қочиш) эга бўлган бўлса, бундай қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

17. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши одам ўлимига сабаб бўлиши ЖКнинг 260-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

18. Шуни ҳам қайд этиш керакки, жабрланувчининг ўлимига нисбатан айбдорда айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлади. Акс ҳолда унинг ҳаракатларини ЖКнинг 97-моддаси бўйича, яъни қасддан одам ўлдириш, деб квалификация қилиш талаб этилади.

19. Шарҳланаётган модданинг 3-қисми хавфсизлик қоидаларининг бузилиши қуйидаги оқибатлардан бирини:

а) одамлар ўлимини;

б) ҳалокатни;

в) бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган бўлса, алоҳида квалификация қилинган таркибни вужудга келтиради.

20. Одамлар ўлими деганда, транспорт ҳодисаси натижасида икки ё ундан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши назарда тутилади.

21. Шарҳланаётган жиноят маъносида ҳалокат деганда, ўхшаш шарт-шароитда кўп сонли одамлар ҳалок бўлиши, атроф-муҳитга етказилган жиддий зарар, ўта йирик ҳажмдан ҳам ортиқ ҳажмдаги мол-мулкнинг нобуд қилиниши ёки унга зарар етказилиши билан таърифланадиган йирик кўламли ҳалокат ва бошқалар тушунилади. Ҳалокатлар ҳам табиат кучлари туфайли келиб чиқиши (масалан, зилзила), ҳам техноген тусга эга бўлиши, яъни инсон фаолияти оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Ҳалокат деганда, атроф-муҳит, инсонлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф тугдирган темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспортининг инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган (автобус, троллейбус ва ҳоказолар) фалокати орқали етказилган жиддий зарар англанади<sup>1</sup>.

22. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши турли кўринишдаги ҳалокатларга олиб келиши мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бири кўрсатиб ўтилган умумий белгилари билан бирга алоҳида хусусиятларга ҳам эга. Масалан:

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

• *авиаҳалокатлар* экипаж аъзолари ҳамда йўловчилар ҳалок бўлиши, ҳаво кемаларининг буткул вайрон бўлиши ёки оғир зарарланиши билан ажралиб туради ва қидирув ҳамда ҳалокат-қутқарув ишлари ўтказилишини талаб этади;

• *темир йўлдаги ҳалокатлар* ёнғинлар, портлашлар, ҳаракат таркибининг вайрон бўлиши ва темир йўл ходимлари, йўловчилар ҳамда ҳалокат жойига яқин темир йўл платформаси, вокзал ва шаҳар биноларидаги одамларнинг ҳалок бўлиши, шунингдек, ҳалокат жойи ва чор атрофнинг ташилаётган, кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар билан зарарланиши билан ажралиб туради<sup>1</sup>;

• *денгиз ва дарё транспортидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳалокатлар* экипаж аъзолари ҳамда йўловчиларнинг ҳалок бўлиши, кеманинг йўқ қилиниши, шунингдек, чор атрофдаги сув сатҳининг ташилаётган, кучли таъсир кўрсатадиган заҳарли моддалар билан зарарланиши билан ажралиб туради.

23. *Бошқа оғир оқибатлар* деганда, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида бир қанча кишиларнинг одам ўлиши билан биргаликда яна оғир тан жароҳатлари олишлари, поезд, кема ёки самолётлар ҳаракати тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, ташиладиган юкларга жуда кўп миқдорда зарар етказилиши, атрофдаги уй-жой ва бошқа иншоотларнинг бузилиши (портлаш, ёниб кетиши, вайрон бўлиши) билан боғлиқ жуда кўп миқдорда зиён етказилиши каби ҳолатлар тушунилади. Шунингдек, судлар муайян иш шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда жиноий натижага оғир оқибатларни келтириб чиқарган сифатида ҳуқуқий баҳолашлари мумкин. Бунда теран мулоҳаза ва кенг муноҳадага таяниб иш кўрмоқ зарур<sup>2</sup>.

24. Ҳодиса оқибатида ҳаёти хавф остида қолган ҳамда ўзини ўзи асраш чораларини кўриш имкониятидан маҳрум этилган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 117-моддаси ва 260-моддаси бўйича квалификация қилиниши зарур.

Жабрланувчига ҳодиса оқибатида унинг ҳаёти учун хавфли бўлмаган баданига енгил шикаст етказилганлиги ёки унинг ўли-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 октябрдаги 455-сонли қарори билан тасдиқланган «Техноген, табиий ва экологик хусусияти, фавқулодда вазиятлар таснифи», 1-боби, 1-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

ми бевосита йўл-транспорт ҳодисаси вақтида юз берганлиги ё айбдор жабрланувчига ёрдам бериши шарт бўлган, аммо унинг ўзининг ҳаёти ёхуд соғлиғига муқаррар хавф туғилган, яъни у ёрдам бериш имконига эга бўлмаган ҳолларда ЖКнинг 117-моддасида кўрсатилган жавобгарлик юзага келмайди<sup>1</sup>.

25. Транспорт ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатида ЖКнинг 260-моддаси турли қисмларида кўрсатилган оқибатлар келиб чиққан ҳолда барча оқибатлар айб сифатида олиниб, ҳаракатлар нисбатан оғирроқ жазони назарда тутувчи қисмига кўра квалификация қилинади. Кўрсатиб ўтилган турлича оқибатли қилмишлар, улар турли вақтда содир этилган ҳолларда ҳамда келиб чиққан оқибатлар ўзаро боғлиқ бўлмаган транспорт ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибати бўлганида, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим<sup>2</sup>.

### **261-модда. Маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш**

*Транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Одамлар хавфсизлиги, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи жиноят объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахснинг маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги қарори, 6-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5-банди.

темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши натижасида баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлишига сабаб бўлишида ифодаланadi.

ЖКнинг 261-моддасига биноан, айбдор шахснинг жиноий жавобгарлиги келиб чиқиши учун қўйидаги шарт-шароитлар йиғиндисини аниқлаш зарур:

- маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёхуд шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахсни транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйилганлиги;

- баданга оғир шикаст етказилганлиги ёки ўлим юз берганлиги;
- транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйиш ҳамда баданга оғир шикаст етказиш ўртасида сабабли боғланишнинг мавжудлигини аниқлаш.

Йўл қўйиш деганда, маст ҳолатдаги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган бошқа моддалар таъсири остидаги шахсни темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига амалда рухсат беришни тушуниш зарур.

Йўл қўйиш ҳайдовчига транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ модда диспозициясида кўрсатилган (одамларни манзилига етказиб бориш, юк ташиш ва ҳоказолар) бирон-бир ҳаракатни бажариш ҳақида кўрсатма бериш, шу билан бирга ҳайдовчи вазифасини бажаришга тўсқинлик қилмаслик (масалан, йўналишга чиқишига монелик қилмаслик ва бошқалар)дан иборат бўлиши мумкин.

3. Жиноят моддий таркибли бўлиб, баданга оғир шикаст етказилиши ёки одам ўлиши кўринишидаги оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган, деб эътироф этилади.

4. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Квалификация қилишда жиноят содир этиш мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

Шарҳланаётган модда бўйича жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шarti – айбдорнинг ҳайдовчи маст ҳолатдалиги ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсирида эканлигини билганлиги ҳисобланади.

5. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил транспорти ёки бошқа транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс маст

ҳолатда ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсиридаги шахсни кўрсатилган транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйганида, бу ҳол баданга оғир шикаст етказилишига ёки одам ўлишига олиб келган ҳолларда ЖКнинг 261-моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

6. ЖКнинг 261-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти мулкчилик шаклидан қатъий назар, давлат ёки жамоат ташкилотидан ишлайдиган, транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш учун масъул шахслар, ёки шахсий транспорт воситаларининг эгалари бўлишлари мумкин<sup>1</sup>. Корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўз хизмат вазифасига биноан ушбу мажбурият юклатилган мансабдор шахслари транспорт воситаларининг техник ҳолати учун масъул шахс ҳисобланадилар. Масалан, бош механиклар, автоколонналар механиклари, йўлга техник жиҳатдан соз транспорт воситалари чиқиши учун масъул навбатчи механиклар, фойдаланиш бўлими бошлиғи, фойдаланиш бўйича муҳандис, навбатчи диспетчер ва ҳоказолар.

### **262-модда. Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш**

*Таъмирлаш ишларини бажараётган ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ва ундан фойдаланилиши учун масъул бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирлаши, шунингдек, транспорт воситасининг техника ҳолати жиҳатидан бузуқлигини била туриб, уни фойдаланишга чиқаришга рухсат бериши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жазима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

*Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5-банди.

*Уша қилмиш:*

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноят объекти сифатида транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлар эътироф этилади. Қўшимча объект сифатида жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи, ўзгалар мулки иштирок этиши мумкин.

2. Жиноят предмети — транспорт воситалари, боғланиш йўллари, сигнализация воситалари ва бошқа транспорт ускуналари.

(Транспорт воситаси тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 260 ва 261-моддалари шарҳига қаранг).

*Алоқа йўллари:* темир йўл транспортида — бу темир йўл полотноси рельслари, шпаллари ҳамда тош тўлдирилган қатлами билан бирга; ҳаво транспортида — учиш-қўниш йўлқалари, олиб чиқувчи йўлқалар, хавфсизлик чизиқлари ва ҳоказолар; сув транспортида — кеманинг бир географик пунктдан (портдан) иккинчисига океан ёки денгизнинг очиқ жойлари орқали ўтган ўтиш йўллари, шунингдек, табиий ёки сунъий тор ерлар (бўғозлар, каналлар, дарёлар, кўллар).

*Сигнализация воситалари* шартли маълумот: буйруқлар, хабар, таништирув, бошқарув кабиларни узатиш воситалари ҳисобланади. Сигнализация товуш, ёруғлик ёрдамида узатиладиган бўлиши мумкин. Бундай воситалар сирасига семафорлар, маёқлар, бакенлар, йўл ва маркаловчи белгилар киради.

Алоқа воситалари деб, турли кўринишдаги хабарларни узатиш ва қабул қилишни таъминлайдиган техник мосламаларга айтилади. Алоқанинг телефон, телеграф, телекод, факсимил, телевизион турлари мавжуд. Сигнал тарқатиш воситалар ва муҳит бўйича симли алоқа, радиоалоқа, радиореле, симплекс, фазовий, оптик ва лазер алоқага бўлинади. Амал қилиш масофасига кўра узоқ ва яқин масофага мўлжалланган алоқаларга ажралади.

*Бошқа транспорт ускуналари* деганда, темир йўллар, авиация, денгиз ва дарё флотининг хавфсиз хизмат қилиши учун зарур механизмлар, ускуна ва мосламалар йиғиндиси тушунилади. Бошқа транспорт ускуналари жумласига, масалан, темир йўл ва трамвай йўллари бошини беркитувчи мосламалар, дарё фарватерини англлатувчи мосламалар киради.

3. Мазкур транспорт иншоотлари, воситалари, мосламалари, механизмлари ва ускуналари тузилишига кўра фарқланиб, фақат ўзига хос бўлган техник вазифаларни бажаради, бироқ, улар умумий белгиларга ҳам эгадир:

- транспортга оид мазкур мослама ва элементларни махсус (мақсадли) вазифаси — темир йўллар, авиация, денгиз ва дарё флоти, автомобил транспорти ва бошқа транспортнинг хавфсиз фаолиятини таъминлашдан иборат. Ана шундай хусусиятга эга бўлмаган мослама ва элементлар шарҳланаётган жиноят предмети (масалан, ҳаво орқали боғланиш агентликлари ва кассалари орасидаги алоқани таъминлайдиган воситаларни, аэропорт ичидаги йўлларни издан чиқариш) сифатида келиши мумкин эмас.

- фойдаланиш, нормал фаолият кўрсатиш учун, яъни бевосита асосий мақсади йўлида ишлатиш учун яроқлилиги (бузилмаганлиги). Шунинг учун яроқсиз, ишлатилмаётган (консервацияланган, захирадаги) мосламалар ЖКнинг 263-моддаси бўйича жиноят предмети бўла олмайди;

- мазкур жиноят предмети юқори хавф манбалари жумласига киради ёки ана шундай манбаларнинг нормал ишлашини таъминлайдиган тизимга киради;

- қонунда кўрсатилган буюмларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми: уларнинг ишлаб туриши транспорт соҳасида амал қиладиган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Барча ушбу белгилар бирликда бўлиб, улардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги транспорт мосламаси, элементининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 263-моддасига биноан, қайд этилган жиноят предмети сифатида эътироф этилишини истисно қилади.

4. Жиноятнинг объектив томони ўз ичига қуйидаги зарур элементларни олади:

- темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобил ёки бошқа транспорт воситасини, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналарини сифатсиз таъмирланганлиги, шунингдек, транспорт воситасининг техника ҳолати жиҳатидан бузуқлиги аён бўла туриб, уни фойдаланишга чиқариш;

- ЖКнинг 262-моддаси, 1 ёки 2-қисми диспозициясида кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши;

- кўрсатилган қилмиш ҳамда келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

5. Таъмирлаш бузилган транспорт воситаларининг ҳамда уларга тегишли ускуналарнинг функционал имкониятларини белгиланган сифат нормативларига биноан тиклаш ишлари амалга оширилишини кўзда тутати.

Сифатсиз таъмирлаш ана шундай ишларни белгиланган нормативларга риоя қилмай бажарилганлигини англатади. Шу билан бирга, сифатсиз таъмирлаш бундай ишларни амалга ошириш вақтида яроқсиз детал ёки материаллардан фойдаланиш, технологиянинг бузилиши, транспорт ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги учун хавф тугдирган мавжуд ва янги нуқсонларни барта раф этмасликда ифодаланиши мумкин. Шарҳланаётган жиноят белгилари, шунингдек, транспорт воситалари, йўллар, сигнализация ҳамда алоқа воситаларига янги сифатсиз ускуналар, приборлар ва механизмларни ўрнатишда ҳам мавжуд бўлади.

6. Фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш деганда, ваколатли шахс томонидан техник носоз транспорт воситасини асосий мақсадига кўра, ишлатилишига рухсат этилиши тушунилади.

Техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситаси деганда, асосий мақсадига кўра ишлатилиши ҳаракат хавфсизлиги ёки ундан фойдаланиш хавфсизлиги учун муқаррар хавф туғдирадиган воситани тушуниш лозим.

Бошқа шахсларнинг техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасидан фойдаланишининг олдини олиш чораларини кўрмаганликда ифодаланган айбдорнинг ҳаракатларини ҳам фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш, деб баҳолаш зарур.

Рухсат оғзаки ёки ёзма равишда (ҳайдовчига йўл варақаси, учувчига парвоз вазифаси топшириш ва ҳоказолар), транспорт воситасини корхонадан чиқариб юбориш вақтида, шунингдек, ундан фойдаланиш жараёнида берилиши мумкин.

7. Транспортнинг бошқа тизимлари ва агрегатларидан (масалан, транспорт коммуникациялари, транспорт ускуналари, сигнализация, алоқа воситалари ва ҳоказолардан) фойдаланишга рухсат этиш мазкур модда билан тартибга солинмаган. Ушбу қилиш муайян шароитда мансаб билан боғлиқ жиноятни ҳосил қилиши мумкин.

8. ЖКнинг 262-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган жиноят қонунда кўрсатилган оқибатлар: баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Сифатсиз таъмирлаш ёки транспорт воситасининг техник ҳолати жиҳатидан бузуқлигини била туриб, уни фойдаланишга



чиқаришга рухсат бериш ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш объектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, жиноий оқибатлар мазкур жиноят субъекти томонидан эмас, балки техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасидан ёки транспортнинг сифатсиз таъмирланган техник тизимидан фойдаланишга рухсат берилган шахс томонидан келтириб чиқарилади. Сабабий боғланиш мавжуд бўлмаган ҳолларда жиноий жавобгарлик келиб чиқмайди.

10. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Бу моддада кўрсатилган жиноят предметларини сифатсиз таъмирлаш ёки техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат бериш ўзига-ўзи ишониш ёки бепарволик туфайли содир этилиши мумкин. Биринчи ҳолатда таъмирлаш ҳамда фойдаланишга чиқаришга рухсат беришнинг техник қоидаларига онгли равишда риоя қилмаслик рўй берган бўлиб, субъект енгилтаклик билан зарарли оқибатлар келиб чиқмаслигига ишонади<sup>1</sup>. Иккинчи ҳолатда эса, у буни англаши мумкин ва лозим бўлганлигига қарамай, техник талаблар бузилганлиги ҳодисасини англаб етмайди (масалан, касб малакаси пастлиги туфайли).

Агар субъект қасддан сифатсиз таъмирласа ёки техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасини фойдаланишга чиқаришга рухсат берса, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга тўғри ёки эгри қасд билан муносабатда бўлса, у ҳолда айбдор ҳаракатлари, шарт-шароитга боғлиқ равишда, қўпоровчилик, терроризм, қасддан одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш, қасддан мол-мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш бўйича квалификация қилиниши мумкин.

11. Сифатсиз таъмирлаш ва техник ҳолати жиҳатидан бузуқ транспорт воситасидан фойдаланишга рухсат беришнинг мотивлари турлича бўлиб, улар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, аммо жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинади.

12. Жиноят субъекти таъмирлаш ишларини бажараётган шахс, ёки транспорт воситасининг техник ҳолати ҳамда ундан фойдаланилиши учун масъул ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Бунда техника воситалари, алоқа йўллари, сигнализация, алоқа воситалари ёки бошқа транспорт ускуналари учун масъул шахс, ушбу техник носозликни аниқ билган бўлиши шарт. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 11-банди.

13. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмлари аввал шарҳланган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖКнинг 260-моддаси)нинг квалификация қилинган таркиби белгиларига ўхшаш квалификация қилинадиган белгиларга эга. Улар шарҳланаётган жиноятга нисбатан бирон-бир ўзига хос жиҳатга эга эмас ва алоҳида кўриб чиқишни талаб қилмайди.

**263-модда. Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво  
транспорти воситаси ёки алоқа  
йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш**

*Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотларни, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) ҳалокатга;*

*в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноят объекти сифатида темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасидаги жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар майдонга чиқади.

Мазкур жиноятнинг қўшимча объекти сифатида жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиги, бегоналар мулки иштирок этади.

2. Жиноят предмети ЖКнинг 260 ва 262-моддалари шарҳида кўрсатилган ва таҳлил қилинган предметлар билан бир хил.

3. Жиноятнинг объектив томони қуйидагилардан ташкил топади:

• жиноят предметларини бузиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш;

- инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш кўри-нишидаги жиноий оқибатлар;

- улар ўртасидаги сабабий боғланиш.

4. *Бузиш* — тизимнинг буткул издан чиқиши бўлиб, бунинг натижасида у ўз мақсадига мувофиқ фаолият юрита олмайди. Бузилганда жиноят предметини тиклашга оид техник имконият ё йўқотилади ёки бу иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга номувофиқ бўлиб қолади.

5. *Шикаст етказиш* — техник тизим тузилиши ва шаклида қисман ўзгаришлар келтириб чиқариб, натижада, бу тизим ўз функционал имкониятларини тўлиқ ёки қисман йўқотади, лекин бунда у тикланиши мумкин.

6. «Яроқсиз» ҳолат деганда, жиноят предметининг асосий мақсадига кўра, умуман ёки дастлабки таъмирсиз хавфсиз фойдаланиш имкони йўқлигини тушунмоқ зарур. Бу билан боғлиқ равишда йўловчи вагонларини синдириш, уларнинг ички анжомларини, ўриндиқларини бузиб ташлаш ёки зарарлантириш шарҳланаётган жиноят таркибини ҳосил қилмайди. Бундай ҳолларда жавобгарлик тегишли жиноятларнинг зарур белгилари мавжуд бўлган ҳолатларда Жиноят кодексининг бошқа моддаларига (масалан, ЖКнинг 173 ёки 277-моддаларига) мувофиқ келиб чиқиши лозим.

7. *Техник ускунани яроқсиз ҳолатга келтиришнинг бошқа усули* — бу буткул бузилиш ёки зарарланишга олиб келмаган, бироқ, шунга қарамай, мосламани фойдаланиш, транспорт фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш тизимидан чиқаришга қаратилган ҳаракатлардан иборат. Масалан, аэродромдаги маркировка белгиси жойининг ўзгартирилиши самолёт учиши ва кўниши хавфсизлигига таъсир кўрсатади. Тажовуз объектига зарар сигнализация воситаси мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги билан етказилади.

Қилмишнинг мазкур тури ишлаб турган темир йўлларга бошқа оғир буюмлар, масалан, телеграф симёғочи, тўсинлар, шпаллар, тормоз мосламаси, тош каби нарсалар қўйишни ҳам ўз ичига олади, чунки бу каби шароитда темир йўл улардан хавфсиз фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

8. Шарҳланаётган жиноят оқибатлари моҳиятига кўра, ЖКнинг 260-моддасида кўзда тутилган оқибатлар билан мос тушади.

9. Жиноят ижтимоий хавфли бўлган оқибатлар келиб чиққан вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

10. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари ёки алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёхуд бошқа транспорт ускуналарини бузиш, уларга шикаст

етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказмаса, айбдор ҳаракатларини ЖКнинг 173-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш) бўйича квалификация қилиш лозим.

11. ЖКнинг 263-моддаси бўйича жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун транспортни яроқсиз ҳолатга келтирган ҳаракатлар билан келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаб олиш зарур.

12. Субъектив томон айбнинг аралаш шакли билан ифодаланади. ЖКнинг 263-моддаси диспозициясидан кўриниб турибдики, айбдор ижтимоий хавфли қилмишга тўғри қасд билан, унинг оқибатларига эса, ўзига-ўзи ишониш ёки жинойий бепарволик билан муносабатда бўлади.

13. Ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда у транспорт ходими ёки ходими эмаслигининг аҳамияти йўқ.

14. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмлари аввал шарҳланган темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг квалификация қилинган таркиби белгиларига ўхшаш квалификация қилинадиган белгиларга эга (ЖКнинг 260-моддаси шарҳига қаранг). Улар шарҳланаётган жиноятга нисбатан бирон-бир ўзига хос жиҳатга эга эмас ва алоҳида кўриб чиқишни талаб қилмайди.

15. Шарҳланаётган қилмиш ЖКнинг 173-моддасида кўзда тутилган жиноятдан тажовуз предметиға кўра ажралиб туради. Транспортга оид бўлишиға қарамай, унинг хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминламайдиган бу каби иншоот ва воситаларни зарарлаш транспортга оид жиноят сифатида эмас, балки бировнинг мулкига тажовуз сифатида кўриб чиқилиши керак. Транспортнинг ишдан чиқарилган техник тизимининг унинг авариясиз ишлашиға таъсирини ҳар бир алоҳида ҳолда аниқлаш зарур, акс ҳолда, қилмишни квалификация қилишда хатоликларға йўл қўйлади.

Шарҳланаётган жиноят предметиға яроқсиз ҳолға келтириш бирон-бир қисм ёки деталини ўғирлаш орқали амалға оширилган бўлса, у ҳолда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддасиға кўра, талон-тарож қилиш сифатида ва ЖКнинг 263-моддасида назарда тутилган жиноят билан квалификация қилиш зарур.

**264-модда. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш**

*Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракатлар:*

*а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса*

*— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш ундан фойдаланиш тартибини бузади, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига, фалокатли вазиятларни юзага келтириш, моддий ҳамда бошқача зарар етказиш, одамлар ўлиши ёки улар соғлиғига зарар етказилиши хавфини пайдо қилади.

Транспорт воситаларини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш аксар ҳолларда бошқа жиноий мақсадларни амалга ошириш учун, хусусан, чегарани қонунга хилоф равишда кесиб ўтиш, кейин ультиматум баён этиш шарти билан одамларни гаровга олиш, транспортдаги қимматбаҳо мол-мулк, шу жумладан, қурол-яроқ ва ўқдориларни талаб қилиш, ўғирлаш восита сифатида қўлланади. Бундай ҳолларда айбдор ҳаракатлари содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

2. Жиноят объекти — парвозлар, кемалар қатнови, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибининг хавфсизлиги, йўловчилар, ҳаво ёки денгиз кемалари экипажлари, поезд бригадалари аъзоларининг соғлиғи ҳисобланади.

Қўшимча объект сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар, инсонлар ҳаёти, мол-мулк бутлиги иштирок этиши мумкин.

3. Транспорт воситаларининг чекланган доираси жиноят предмети бўла олади: темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси.

Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, бу — локомотивлар, алоҳида вагонлар, платформа ва ҳоказолар (баъзан таъмирлаш ва ёрдамчи ишларда қўлланадиган дрезина ҳамда мотрисалар мазкур жиноят предметига кирмайди).

*Ҳаво кемаси* — ҳаво билан ўзаро ҳаракатга киришиши оқибатида, ер сатҳига урилиб қайтган ҳаво бундан мустасно, атмосферада муаллақ ҳаракатланадиган ҳар қандай аппарат.

Ҳаво кемалари қаторига самолётлар, вертолётлар, планёрлар, ҳаво шарлари, дирижабллар ва бошқа учуш аппаратлари киради.

*Денгиз ёки дарё кемаси* — сувда юк ёки йўловчи ташишга қаратилган, саноат, ҳарбий, илмий-тадқиқот ва бошқа мақсадларга мўлжалланган иншоот. У ўзиюрар ва ўзи юрмайдиган, бевосита сувда, сувустида (ҳаво ёстиғида) ва сувустида ҳаракатланувчи бўлиши мумкин.

4. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириш билан транспорт устидан рухсат этилмаган назорат ўрнатишда ифодаланadi: кўрсатилган транспорт воситаларидан бирини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш. Бунда назорат деганда, транспорт воситасини назорат қилаётган шахс ундан ўз ихтиёрига кўра, фойдаланиш имкониятига эга бўлиши тушунилади.

5. *Олиб қочиш* — темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини ушбу транспорт турининг асосий ташиш воситалари ёрдамида қонунга хилоф равишда, жиноятчи танлаган йўналиш бўйича бошқа географик нуқтага кўчиришдан иборат. Транспортни кўчириш амалда нафақат айбдорнинг ўзи ва унинг ҳамтовоқлари томонидан, балки бошқа, олиб қочишга алоқадор бўлмаган шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин — бу ҳолда кўрсатилган шахс транспортни айбдор томонидан берухсат ўзгартирилган йўналиш бўйича йўналтиради.

Ҳаракатда бўлмаган темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш улар жиноятчилар назорати остида ҳаракатга келтирилган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят, деб ҳисобланади. Номи зикр этилган транспорт воситалари ҳаракатда бўлса, жиноятчилар ҳаракати билан боғлиқ равишда уларнинг йўналишининг ўзгариши юз берган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади.

Ерда турган ҳаво кемасини олиб қочиш, бундан аввал кема эгаллаб олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар, ердан кўтарилган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят, деб ҳисобланади.

Парвоздаги ҳаво кемаси жиноятчилар ихтиёрига кўра йўналишини ўзгартирган вақтдан бошлаб олиб қочилган, деб ҳисобланади.

6. Транспорт воситасини олиб қочганлик учун жавобгарлик уни ким бошқараётганлиги: олиб қочган шахслар ёки экипаж аъзолари эканлигига боғлиқ эмас, кўп ҳолларда кемани жиноятчилар назорати остидаги экипаж бошқариб боради.

7. Эгаллаб олиш — кема ёки таркибни тўхтаб турган ёки йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган вақтда зўрлик ишлатиб ёки ишлатмай эгаллашдан иборат. Эгаллаб олиш кўп ҳолларда олиб қочишдан аввал юз беради, агар кейинчалик транспорт воситасини олиб қочиш мақсади мавжуд бўлганда, жиноятнинг объектив томонининг мустақил белгиси сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

Транспорт воситасини эгаллаб олиш айбдор темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси ёхуд уларнинг экипажи устидан назорат ўрнатиб, ушбу воситалар билан ўз ихтиёрига кўра, иш юритиш имкониятига эга бўлганидан сўнг тугалланган жиноят, деб ҳисобланади.

8. ЖКнинг 264-моддаси, 1-қисми бўйича жавобгарликни назарда тутувчи жиноят транспорт воситаси олиб қочилган ёки эгаллаб олинган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Транспорт воситасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишда жиноятнинг субъектив томони тўғри қасддан содир этилиши билан ажралиб туради. Айбдор темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз, дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишдан иборат бўлган қонунга хилоф ҳаракатларни амалга ошираётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

Мотив ва мақсад турлича бўлиши мумкин. Агар айбдор жиноят предметини ҳуқуққа хилоф равишда, қайтиб бермаслик мақсадида амалга ошираётган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича талон-тарож қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

10. Ўн олти ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс, жумладан, ҳаво ёки сув кемаси экипажи ёки темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби аъзолари жиноят субъекти бўлиши мумкин.

11. ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисми, агар ушбу қилмишлар қуйидагича амалга оширилган бўлса, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёхуд эгаллаб олишнинг квалификация қилинган турларини белгилаб беради:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

12. Транспортни зўрлик ишлатган ҳолда ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочиш ёхуд эгаллаб олиш транспорт воситасини бошқараётган ёки транспорт воситасида бўлган йўловчиларга нисбатан транспорт воситасини олиб қочиш ёки эгаллаб олишга қарши реал ҳамда юз бериши мумкин бўлган қаршилиқни синдириш мақсадидаги турлича жисмоний ё руҳий таъсир ўтказишнинг ҳар хил турларини қамраб олади. Зўрлик азоб етказиши ва оқибатлар келтириб чиқармаслиги, аммо зўрлик ишлатиш натижасида баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказилиши мумкин. Айбдор ҳаракатлари туфайли ана шундай оқибатлар келиб чиқса, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш керак.

Агар зўрлик ишлатиш оқибатида ўлим ҳодисаси юз берса, у ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим.

13. Зўрлик ишлатиш олиб қочиш воситаси бўлиб хизмат қилганидагина айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади. Жиноятчилар томонидан зўрлик ишлатилмаган ҳолда самолётни эгаллаб олиш ҳамда олиб қочиш ҳоллари юз бериши, сўнгра улар йўловчиларни ўлдириши ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказиши ёхуд уларга қарши бошқа жинойий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бундай ҳаракатлар ЖКнинг 264-моддаси, 1-қисмидаги ҳаво кемасини олиб қочиш ва шахсга қарши тегишли жиноятни ташкил этади.

14. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш олиб қочишга қарши чиққан шахсларга руҳий таъсир ўтказиш, уларни зўрлик ишлатиш, самолётни йўқ қилиб юбориш билан, қурол ёки бошқа зарар етказувчи мосламалар билан қўрқитишни кўзда тутати. Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, нафақат, олиб қочиш ёки эгаллаб олишга тўсқинлик қилаётганлар, балки бошқа шахслар, масалан, йўловчиларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Қўрқитиш жиноятчи талабларини қондиришдан бош тортилганида, уни шу заҳоти амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши керак. Келажакда «ҳисоб-китоб қилиш» билан қўрқитиш ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисми, «б» бандида кўзда тутилган жиноят сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Агар айбдор ўлдириш билан қўрқитса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг



112-моддаси ва ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисмига биноан квалификация қилиниши лозим, чунки ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисмида ўлдириш билан қўрқитиш кўзда тутилмаган.

15. Масалан, жиноятчининг гаровга олинганларни ўлдириш билан қўрқитиб, транспорт воситаси беришга оид талаби транспорт воситасини эгаллаб олиш усули бўлиб келиши мумкин. Ана шундай йўл билан олинган транспорт воситаси зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб эгаллаб олинган, деб эътироф этилади ва ушбу ҳаракатлар ЖКнинг 264-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади. Кейинчалик уни олиб қочиш мақсадида транспорт воситаси беришларини талаб этиб, одамларни гаровга олиш ЖКнинг 25-моддаси, 1-қисми, 264-моддаси ва 245-моддасида кўзда тутилган жиноятларга тайёргарлик кўришни ташкил этади.

16. Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш транспорт воситасини олиб қочиш ёхуд уни эгаллаб олиш билан яқунланиши шарт, акс ҳолда, қилмиш шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмишга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилинади.

Таркиб ёки кемани олиб қочиш мақсади билан боғлиқ бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, тегишли белгилари мавжуд бўлганида, ЖКнинг 112-моддаси ёки 277-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

### **265-модда. Халқаро учиш қоидаларини бузиш**

*Рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига, қўниш жойларига, ҳаво дарвозаларига, учиш баландлигига риоя қилмаслик ёки халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан махрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилиши фалокат келиб чиқиши хавфини, демак, кўп сонли қурбонлар бўлиши, жуда кўп миқдорда моддий зарар кўрилиши, аэропортлар нормал фаолиятининг бузилиши, халқаро муносабатлар мураккаблашуви ва бошқа оқибатлар хавфини юзага келтиради.

2. Жиноят объекти — ҳаво ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, факультатив объект — давлат чегараларининг дахлсизлиги ҳисобланади.

3. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томонини қуйидаги қилмишлардан бири ташкил этади:

- рухсатномада кўрсатилган учиш йўналишига риоя қилмаслик;
- рухсатномада кўрсатилган қўниш жойларига риоя қилмаслик;
- рухсатномада кўрсатилган ҳаво дарвозаларига риоя қилмаслик;
- рухсатномада кўрсатилган учиш баландлигига риоя қилмаслик;
- халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш.

Қилмишни квалификация қилишга халқаро учиш қоидаларини бузган ҳаво кемасининг тури таъсир кўрсатмайди: бу самолёт, вертолёт, дирижабль ва ҳоказо бўлиши мумкин.

*Учиш йўналиши* – давлатлар ўртасида келишилган ва тегишли идора томонидан белгиланган ҳаво кемаси ҳаракати траекторияси бўлиб, унинг учун кема ҳаракати траекториясига хос бўлган силжиш йўналиши, кема тезлиги ва бошқа элементлар ҳосилдир.

*Қўниш жойи* – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг (бунга Ўзбекистоннинг ҳаво бўшлиғидан ташқари барча ҳудуди киритилади) муайян белгиланган қисми бўлиб, унда Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига мувофиқ, ҳаво кемалари қўнишига рухсат этилади. Миллий ва хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳавога кўтарилиши, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учиб киргандан кейинги қўниши халқаро парвозлар учун очиқ аэродромларда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Ҳаво дарвозаси деганда, ваколатли органлар томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан ҳаво кемаси кўтарилиши ҳамда келиб қўниши рухсат этиладиган муайян давр тушунилади.

4. *Халқаро парвоз* – бу ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат билан ҳаво чегарасини кесиб ўтган ҳолда парвоз қилиши. Бундай парвоз ҳаво ҳаракати хавфсизлиги, давлат ва ҳарбий хавфсизлик мақсадларида ўрнатилган қатор талаблар (учиш йўналишини, учиш баландлигини, ҳаво дарвозаларини, қўниш жойларини, сигнализация тизимларини аниқлаб олиш ва ҳоказолар)га жавоб бериши шарт. Ушбу талабларнинг бузилиши халқаро парвозлар талаблари бузилишининг объектив томонини ташкил этади.

Қонунларда халқаро парвоз қоидалари энг типик бузилишининг тахминий рўйхати келтирилган, холос. Қоидабузар ҳаракатларида ЖКнинг 265-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ушбу қоидаларни белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларга мурожаат қилиш керак.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилган:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, 76-модда, 2-қисми.

- Ҳаво кодексига мувофиқ ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳамда парвозларни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи умумий қоидалар;

- самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низом;
- парвозни амалга оширишга оид махсус рухсатнома ёки халқаро шартнома<sup>1</sup>.

Халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) томонидан тасдиқланган бундай парвозларни амалга оширишнинг халқаро стандартларида белгилаб берилади<sup>2</sup>.

5. Қайд этилган қоидалар ҳаво орқали алоқа хавфсизлиги ва давлат чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Уларнинг бузилиши халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш белгиси бўйича муайян шарт-шароитда шарҳланаётган жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин.

Халқаро учиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин, масалан, муддати ўтиб кетган рухсатнома билан Ўзбекистон ҳудудидан учиб кетиш ёки Ўзбекистон ҳудудига кириб келиш; ерга юк ва парашютчиларни ташлаш; Ўзбекистон ҳудудида халқаро шартнома ва махсус рухсатномада белгиланмаган йўловчилар, юк, багаж ва почтани қабул қилиш; давлат чегарасини радиоалоқасиз кесиб ўтиш ва ҳоказолар.

Бошқа қоидаларга риоя қилмаслик, масалан, йўловчиларни халқаро ташиш тарифлари, чипта сотиш қоидалари, юк хатлари топшириш ва ҳоказоларга риоя қилмаслик шарҳланаётган жиноят белгиларига тўғри келмайди. Муайян шароитда улар маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

6. Юқорида номи зикр этилган ҳужжатлардан келиб чиқадиган халқаро парвозларни амалга ошириш қоидалари ва шартларини парвозни амалга ошираётган шахслар билишлари шарт. Ушбу қоида ва шартларнинг бузилиши хусусида тергов ва судга ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар топширилиши шарт бўлиб, зарур бўлган ҳолда экспертиза ўтказилади.

7. Жиноят халқаро учиш қоидалари бузилган вақтдан бошлаб тугалланган, деб эътироф этилади.

8. Халқаро учиш қоидаларини мажбуран, масалан, мўлжалдан адашиш, техник носозлик, яхши кўра олмаслик, турли тўсиқлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, 74—76-моддалар, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаролик авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 1992 йил 3 июлда қўшилган).

таъсири, ярадорлар ва касалларни етказиш оқибатида бузилган бўлса, шарҳланаётган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

9. Субъектив томондан жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин.

Қилмишни квалификация қилиш учун унинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

10. Ўн олти ёшга тўлган, ҳаво кемаси экипажи аъзоси бўлган ва халқаро парвозлар қоидаларига риоя қилиниши учун масъул Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ёки хорижий фуқаро шарҳланаётган жиноят субъекти бўла олади. Бироқ, мазкур субъект мажбуран ҳаракат қилганида (масалан, кема олиб қочилиши ёки эгаллаб олиниши оқибатида), у жавобгарликка тортилмайди.

11. Халқаро учиб қоидалари бузилган ва Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда кириб келинган ҳолатда айбдор ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши шарт.

Агар халқаро парвоз қоидаларининг бузилиши ҳаво кемасини олиб қочиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 264-моддаси ҳамда ЖКнинг 265-моддаси бўйича квалификация қилинади.

### **266-модда. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш**

*Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса*

*— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) ҳалокатга;*

*в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти жамоатчилик хавфсизлиги, одамлар ҳаёти ва соғлиги, ўзгалар мулки ҳисобланади.

Ҳаракат хавфсизлиги деганда, фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги, яъни йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати<sup>1</sup> тушунилади.

*Фойдаланиш хавфсизлиги* — бу, тегишли равишда, транспорт воситаларидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан муҳофазаланганлигини таъминлайдиган тарзда фойдаланиш.

2. Жиноят предмети ҳар қандай транспорт воситалари — ҳар қандай автомобиллар (юк, йўловчи ташийдиган, енгил автомобиллар, спорт автомобиллари ва ҳоказолар), трамвайлар, троллейбуслар, тракторлар ва бошқа механик транспорт воситалари бўлиши мумкин.

3. *Механик транспорт воситаси* — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси. Ушбу атама тракторлар ҳамда ўзиюрар машиналарга ҳам тааллуқлидир.

ЖКнинг 260—269-моддаларида кўзда тутилган «транспорт воситалари деганда, енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см<sup>3</sup> дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзиюрар машиналар (экскаватор, бульдозер, автокран ва бошқалар) тушунилади»<sup>2</sup>.

4. Механик транспорт воситалари ўзи юрар бўлиши, яъни мустақил двигателига эга бўлиши шарт. Агар машина двигатели ишдан чиққан ҳолда ва у қўл ёрдамида силжитилса, у ҳолда шарҳланаётган жиноят предмети мавжуд эмас, амалда содир этилган қилмиш муайян шарт-шароитда транспортнинг хавфсиз ишлаши қоидаларининг бузилиши, деб баҳоланиши мумкин (ЖКнинг 268-моддаси). Бироқ, ана шундай машина бошқа транспорт воситаси томонидан тортиб кетилаётган бўлса, тортиб кетилаётган транспорт воситаси ҳайдовчисининг белгиланган қоидаларни бузиши ЖКнинг 266-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби белгиларига мос тушади.

Айбдор ҳаракатларини квалификация қилиш учун транспорт воситаси фойдаланишдаги ёки ўқув машинаси эканлиги аҳамият-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, 2-модда.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 2-банди.

га эга эмас, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам у юқори хавф манбаи бўлиб қолаверади.

5. Жанговар, махсус ва транспорт машинаси ана шу жиноят предмети бўлиб кела олмайди, чунки бундай машиналар ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ЖКнинг 298-моддасида кўзда тутилган. Бироқ, агар йўл-транспорт ҳодисаси фуқаро шахс томонидан ҳарбий машинани бошқариш чоғида юзага келса, у ҳолда ушбу қилмишни ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилиш керак бўлади<sup>1</sup>.

6. Транспорт воситасини бошқараётган шахс 266-модда бўйича, транспорт ҳодисаси ҳаракат ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаси бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мазкур шахс муайян ишларни амалга ошириш қоидалари, хавфсизлик техникаси қоидалари ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини бузган бўлса, бу қоидабузарликларга машина ҳаракатланиши вақтида йўл қўйилган бўлишига қарамай, айбдор ҳаракатлари ЖКнинг 257-моддаси бўйича, тегишли ҳолларда эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши, ўзганинг мулкани нобуд қилиш ва унга зарар етказишни назарда тутувчи жиноятлар бўйича квалификация қилиниши керак<sup>2</sup>.

7. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан қуйидаги уч зарурий белги билан тавсифланади:

- транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;
- қонунда кўзда тутилган зарарли оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- кўрсатилган қоидабузарлик билан унинг оқибатида келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги.

8. ЖКнинг 266-моддаси диспозицияси бланкетли бўлиб, жиноят белгиларини аниқлаш учун «Йўл ҳаракати қоидалари» — ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган асосий меъёрий ҳужжатга ишора қилади. Транспорт воситасини бошқарган шахсни ЖКнинг 266-моддаси бўйича жиноий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 8-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 12-банди.

жавобгарликка тортиш учун, биринчи навбатда, у томонидан ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқарган қоиданинг у ёки бу банди бузилганлигини аниқлаш шарт. Тергов идоралари шахсни ишда айбланувчи сифатида жалб этиш тўғрисидаги қарорда, айблов хулосасида, судлар эса, ўз ҳукмида «Йўл ҳаракати қоидалари» банди бузилганлигини кўрсатиш билан чекланмай, бу каби қоидабузарликлар нимадан иборатлигини аниқ кўрсатиб ўтишлари зарур (масалан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, тезликни ошириш ва ҳоказолар).

9. *Фойдаланиш* – транспортдан унинг мақсади ва техник имкониятларига мувофиқ, хавфсиз фойдаланишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирлар мажмуи.

Фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, масалан, қўпол юкларни ташиш, автомашинани номақбул жойда ташлаб кетиш, бошқаришни номувофиқ шахсга ишониб топшириш, машинани заиф тросда тортиб юриш, мослаштирилмаган транспорт машинасида одам ташиш кабиларда ифодаланиши мумкин.

Умумий эҳтиёт чораларининг бузилиши натижасида юзага келган, зарарли оқибатлар келтириб чиқарган ҳайдовчининг ногўғри ҳаракатлари фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, деб эътироф этилмайди. Бу ҳолларда айбдор ҳаракатлари муайян ишларни амалга ошириш, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг бузилиши сифатида ёки ҳаёт ва соғлиққа қарши қаратилган жиноят, деб квалификация қилинади. Масалан, машинага бензин қуйишда ҳайдовчи эҳтиётсизлиги туфайли бензин двигатель устига тўкилди ва бошқарув вақтида, электр ўт олдириш тизими бузуқлиги натижасида учқундан автомашина аланга ичида қолди ва йўловчи ҳалок бўлди. Бу ҳолда қилмиш эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга олиб келган деб, ЖКнинг 102-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

Агар шахс ихтисослашган транспорт воситасида (автокран, экскаватор, скрепер ва ҳоказоларда) ишлай туриб, машинадан ўзга, транспортга хос бўлмаган мақсадда фойдаланганида зарар етказган, масалан, автокранда электр линияси остида юк тушириш ишларини белгиланганидан яқинроқ масофада амалга ошириб, натижада, ишчилардан бири электр токидан ҳалок бўлган ҳолда ҳам жиноят таркиби мавжуд эмас.

Бу каби хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик ҳоллари машина юриб кетаётганида ҳам рўй бериши мумкин, масалан, автокран ҳайдовчиси илгакка илинган юкни жойдан жойга кўчиришда уни силкитиб юборади ва ишчи баданига оғир шикаст етказиши мумкин.

Мазкур ҳолатларда ҳаракат хавфсизлиги ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари бузилмаганлиги сабабли ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

10. Жиноят қонунда кўрсатилган баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши кўринишидаги оқибат келиб чиққанидан сўнг тугалланган, деб эътироф этилади. Бунда зарар атрофдаги шахсларга етказилган бўлиши керак, ҳайдовчининг ўзига зарар етказиши жиноят таркибини ҳосил қилмайди.

11. Ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс етказилган зарарли оқибатлар учун қоидабузарлик билан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолдагина жавоб беради. Қоида бузилмаган ҳолда бундай алоқа истисно этилади (масалан, пиёда ўз эҳтиётсизлиги туфайли машина орқа филдираги остига тушиб қолади ёки ўз жонига қасд қилиб, ўзини машина остига ташлайди). Ҳаракатланаётган транспорт ҳамда жабрланган шахс ўртасида жисмоний боғлиқлик мавжудлиги ҳали сабабий боғланиш мавжудлигидан далолат бермайди, чунки бундай тоифага оид жиноятларда у норматив хусусиятга эга.

Нормативлик туфайли сабабий боғланиш жисмоний боғлиқлик умуман рўй бермаган ҳолларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Ҳайдовчи ўз нотўғри ҳаракатлари билан тўғри ҳаракатланишга ҳаққит бериши натижасида ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари учинчи шахсларга зарар етказишга мажбур бўлган ҳолатларда ҳам, етказилган зарар учун ҳам жавобгар бўлади. Масалан, қарама-қарши йўналиш қаторига чиқиб олган ҳайдовчи рўпарадан келаётган транспорт ҳайдовчиси учун тўсиқ пайдо қилади, у тўқнашишнинг олдини олиш ёки тўхташ имконига эга бўлмай, тротуардаги пиёдани уриб юборади. Бунда биринчи ҳайдовчи оқибатлар учун жавоб бериши лозим. Бу ҳолатда иккинчи ҳайдовчи ҳаракатлари охириги зарурат қоидаларига кўра ёки айбсиз ҳолда зарар етказиш сифатида квалификация қилинади.

12. Ҳайдовчининг зарарли оқибатлар билан бевосита боғлиқ ҳаракатлари, ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларининг қоидабузарлиги туфайли шартланган бўлишига қарамай, ушбу оқибатларнинг сабаби сифатида иштирок этади. Йўл ҳаракати қоидаларида, хусусан, қоидабузарликларнинг олдини оладиган талаблар мавжуд. Масалан, уларда ҳайдовчи бошқа шахслар томонидан йўл қўйилган ўзга қоидабузарликларга нисбатан қандай иш тутиши кераклиги кўрсатилган. Бу қоидалар бузилганда, айбдор етказилган зарар учун жавоб беради. Хусусан, қарама-



қарши транспорт воситаси чирогидан кўзи қамашган ҳайдовчи машинани тўхтатмасдан, шу ҳолат билан боғлиқ тарзда пиёдни уриб юборса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

13. Сабабий боғланиш масаласини ҳал этишда ҳайдовчида зарарли оқибатнинг олдини олишнинг техник имкони мавжудлиги ҳисобга олинади. Бундай имконият бўлмай, хавfli вазият у эмас, ҳаракатнинг бошқа иштирокчилари томонидан келтириб чиқарилганлиги маълум бўлса, у ҳолда ЖКнинг 266-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Ҳайдовчи кўзи кўрмасдан пиёдни уриб юборган ҳолда унинг ҳаракатлари, агар у машинани тўхтатиш ёки четга буриб юбориш имконига эга бўлмаган бўлса, келиб чиққан оқибатларнинг сабаби эмас. Хавfli ҳолатни унинг ўзи келтириб чиқарган бўлса, зарарли оқибатларнинг олдини олишга техник имкон йўқлиги юридик аҳамиятга эга эмас.

14. Жиноятнинг субъектив томони келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсиз муносабат билан тавсифланади. Шахс, ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини буза туриб, бу инсон соғлиғига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиши мумкинлигини англайди, бироқ, асосиз равишда уларнинг олдини олишига ишонади ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, зарарли оқибатлар келиб чиқишини кўра билмайди.

Қасддан зарар етказиш (ўч олиш мақсадида пиёдни уриб юбориш) шахсга қарши жиноятни ташкил этади. Айбдор транспорт воситаси ёрдамида жамоатчилик тартибини бузар экан, қилмиш кўшимча равишда безорилик сифатида квалификация қилиниши мумкин.

15. Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг мотиви ва хусусияти, айбдорнинг бу қоидабузарликка муносабати жазо тайинлашда ҳисобга олинishi шарт.

16. Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда у транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ёки бировнинг рухсати билан бошқарганлиги, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

Бироқ, бу ҳолда транспортни бошқаришни бошқа шахсларга беришга йўл қўйган автомашина эгалари жавобгарликка тортилиши керак.

Жиноят субъекти деб, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳам тан олинishi керак, аммо бунда улар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки ҳарбий бўлмаган транспорт воситасидан фойдаланиш қоидасини бузган бўлишлари шарт, акс ҳолда, уларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 298-моддаси бўйича квалификация қилинади.

17. Суд-тергов амалиётида ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг ҳайдовчининструктор ҳамда шогирд томонидан йўл қўйилгани ва зарарли оқибатларни келтириб чиқарган бузишни квалификация қилишда муайян муаммолар пайдо бўлади. Умумий қоидага биноан шогирд томонидан икки томонлама бошқариладиган амалиёт вақтида йўл қўйилган авария учун инструктор жавоб беради. Аммо қоидабузарлик шогирд томонидан инструктор кўрсатмаларини онгли тарзда бажармаслик ва махсус қоидаларни қўпол бузиш оқибати эканлиги аниқланса, ЖКнинг 266-моддаси бўйича шогирд жавобгарликка тортилади.

18. Жабрланувчига йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳаёти учун хавfli бўлмаган енгил тан жароҳати етказилганлиги ёки у бевожита йўл-транспорт ҳодисаси вақтида ҳалок бўлганлиги аниқланса ёки айбдор унга ёрдам бериши шарт бўлгани ҳолда ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғилганида, ЖКнинг 117-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқмайди.

19. Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларининг одам ўлимига олиб келган бузилиши мазкур модданинг 2-қисмига биноан жавобгарликни келтириб чиқаради.

20. Қуйидаги кўринишдаги оқибатлар:

а) одамлар ўлими;

б) ҳалокат;

в) бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанида, айбдор ҳаракатлари шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

21. ЖКнинг 266-моддаси турли қисмларида кўзда тутилган, ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир этилган жиноят белгилари мавжуд бўлгани ҳолда айбдор томонидан содир этилган қилмиш ЖКнинг 33-моддаси талабларига мувофиқ, нисбатан оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

22. Ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузган ва ҳаёти хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаган шахс ҳаракатлари жиноятларини қўшиб ЖКнинг 117 ва 266-моддалари тегишли қисмларига биноан квалификация қилинади.

23. Шахс ҳаракат хавфсизлиги ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларини бузмаган, аммо ўз ҳайдовчилик бурчини адо этмай, ҳодиса жойидан жабрланувчига ёрдам кўрсатмай кетиб қолган тақдирда, ушбу шарт-шароит унинг ЖКнинг 117-моддасида кўзда тутилган жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўла олмайди.

24. Ҳалокат тушунчаси остида атроф-муҳит, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган жамоатчилик транспорти (автобус, троллейбус) аварияси тушунилади.

25. Бошқа оғир оқибатлар деганда, йўл транспорт ҳодисаси натижасида одам ўлиши билан биргаликда яна бир қанча кишиларнинг оғир тан жароҳатлари олишлари, поезд, кема ёки самолётлар ҳаракати тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, ташиладиган юкларга жуда кўп миқдорда зиён етказилиши, атрофдаги уй-жой ва бошқа иншоотларнинг бузилиши (портлаши, ёниб кетиши, вайрон бўлиши) билан боғлиқ жуда кўп миқдорда зиён етказилиши каби ҳолатлар тушунилади (шунингдек, судлар, ҳар бир аниқ иш ҳолати бўйича алоҳида ёндашиб, муайян вазиятни атрофлича ўрганиб, содир этилган жиноий қилмиш натижасини оғир оқибат сифатида ҳуқуқий баҳолашлари мумкин. Бунда теран мулоҳаза ва кенг мушоҳадага таяниб иш кўрмоқ зарур)<sup>1</sup>.

## 267-модда. Транспорт воситасини олиб қочиш

*Транспорт воситасини олиб қочиш*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

*Ўша ҳаракат:*

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Йўл ҳаракати соҳасидаги механик транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлиги, шунингдек, ўзгалар мулки жиноятнинг объекти ҳисобланади.

2. ЖКнинг 264-моддасида кўзда тутилган транспорт воситаларидан ташқари, барча транспорт воситалари жиноят предмети ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг<sup>1</sup> «Асосий тушунча ва атамалар» номли 2-бўлимига мувофиқ, транспорт воситаси деб, одамларни, юкларни ташинишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилмаларга айтилади. Қоидаларда транспорт воситаларининг механик, механик бўлмаган турлари ҳамда умумий фойдаланишдаги транспорт воситалари фарқланади.

Механик транспорт воситаларига двигатель билан жиҳозланган транспорт воситалари, шу жумладан, тракторлар ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар (комбайн, грейдер, бульдозер, вездеход ва ҳоказолар) киради. Механик транспорт воситалари ичида мотоцикл ва мопедлар Қоидаларда алоҳида ажратиб кўрсатилади. Мотоцикл ва мотороллерга икки ёки уч гилдиракли, кажавали ёки кажавасиз механик транспорт воситалари киради.

Мопед — иш ҳажми 50 см<sup>3</sup>.гача бўлган ва двигатель билан ҳаракатга келтириладиган, энг юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган икки ёки уч гилдиракли транспорт воситаси.

Механик бўлмаган транспорт воситаларига велосипедлар, отаравалар, прицеplar, ярим прицеплар киради. Қоидаларга мувофиқ, велосипед — одам кучи билан ҳаракатлантириладиган икки ёки ундан ортиқ гилдиракли транспорт воситаси (ногиронлар аравачасидан ташқари). Прицеп ва ярим принциплар механик транспорт воситаси таркибида ҳаракатланиш учун мўлжалланган мослама сифатида кўрилади.

3. Жиноятнинг объектив томони транспорт воситаларини олиб қочишдан иборат. «Олиб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари», 2-бўлими.

транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойдан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш керак»<sup>1</sup>.

Олиб қочиш транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда, эгаларига билдирмай эгаллаб олиш ва бошқа жойга етказишдан иборат бўлади. Олиб қочиш субъект ҳаракатларининг ўзбошимчалиги, қонунга хилофлигини назарда тутлади.

Қонунга хилофлик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва тасарруф этишга оид ҳеч қандай ваколати йўқлигидан далолат беради. Олиб қочишга транспорт воситасига қонунга хилоф равишда эга бўлиб олиш хос ҳисобланиб, бунда ундан масъул бўлмаган субъектларнинг фойдаланиши имконияти туғилади.

Эгаллаб олиш ҳам яширин, ҳам очикдан-очик бўлиши мумкин. Жиноятни квалификация қилишда эгаллаб олиш усули аҳамиятга эга эмас.

Олиб қочиш тушунчаси, нафақат, транспортни эгаллаб олиш, балки унда, уни жилдириш таърифи ҳамда энергетик манбаидан қатъий назар, уни жойдан жойга кўчиришни ҳам қамраб олади.

4. Транспорт воситаларини олиб қочиш транспорт воситасининг жойи ўзгара бошлаган вақтдан, бундай ўзгартириш усулидан қатъий назар, тугалланган жиноят, деб ҳисобланади. Бунда жилдириш учун сарфланган вақт ҳамда айбдор транспорт воситасини кўчириб улгурган масофа аҳамиятга эга бўлмайди.

5. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан, талон-тарож қилиш мақсадисиз амалга оширилади.

Транспорт воситаларини олиб қочиш билан боғлиқ қилмишларни тўғри квалификация қилиш учун жиноят мотивлари ва мақсадларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Судлар ана шундай жиноятларни кўра туриб, ҳар бир алоҳида ҳолда олиб қочиш нима мақсадда амалга оширилганлигини аниқлашлари шарт. Агар транспорт воситасини ўғирлаш мақсади борлиги исботланса, айбдор шахс ҳаракатлари Жиноят кодексининг ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш учун жавобгарликни кўзда тутган муайян моддалари бўйича квалификация қилинади. Бунда қилмишга олиб қочиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддани ҳам қўшиб квалификация қилиш талаб этилмайди.

Транспорт воситасини олиб қочишда, ундан фойдаланиш имконияти бўла туриб, транспорт воситасини ташлаб кетиш ҳамда бошқа ҳолатлар уни талон-тарож қилиш мақсади бўлмаганлигидан далолат бериши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 1-банди.

Транспорт воситасини ўғирлаш мақсади мавжудлигидан қўйидаги ҳолатлар дарак бериши мумкин: транспорт воситасининг ташқи кўринишини ўзгартириш (устидан бўяш, рақамини ўзгартириш, қайтадан кузов қилдириш ва бошқа ўзгартиришлар), фойдаланишга оид қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш; транспорт воситасини сотиб юбориш; баъзи қисмларини сотиш, узоқ вақт фойдаланиш ва ҳоказолар.

6. Ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс транспорт воситасини олиб қочишнинг субъекти бўлиши мумкин.

Шахс ўзига бириктирилган транспорт воситасига нисбатан ағалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларига эга бўлган ҳолда ундан ўзбошимчалик билан фойдаланаётган бўлса, у шарҳланаётган қилмишнинг субъекти бўла олмайди<sup>1</sup>.

7. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида транспорт воситасининг:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб олиб қочиш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

8. ЖКнинг 267-моддаси, 3-қисмида транспорт воситасининг:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ томонидан;
- в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочиш учун жавобгарлик кўзда тутилган.

9. Уюшган гуруҳ деганда, транспорт воситаларини олиб қочиш ёхуд бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилади.

Жумладан, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниш жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган, деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт. Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочишда қатнашган шахсларнинг ҳаракатлари, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъий назар, иштирокчилик, деб топилиши лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 4-банди.

<sup>2</sup> Ўша жой, 5-банди, 4-қисми.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисми маъносида зўрлик ишла-тиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказилишини тушуниш лозим.

Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатилган ҳолларда айбдор шахс ҳаракатлари инсон соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноятлар бўйича қўшимча ква-лификация қилишга муҳтож эмас. Мазкур ҳаракатлар ушбу мод-данинг учинчи қисми билан қамраб олинади.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, жабрланувчига ҳар қандай оғирлик даражасидаги тан жароҳати етказиш билан қўрқи-тиш тушунилади.

Транспорт воситасини олиб қочиш чоғида ўлдириш билан қўрқи-тиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 112-моддаси ҳамда ЖКнинг 267-моддаси бўйича квалификация қилиниши керак.

### **268-модда. Транспортнинг хавфсиз ишлашни таъминлашга доир қоидаларни бузиш**

*Йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспортининг ҳайдовчиси ёки йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари томонидан, ушбу ко-декснинг 261—263, 265 ёки 266-моддаларида назарда тутилган шахслардан ташқари, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ёки барча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқ-дорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилга-ча озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса*

— олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳ-рум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Транспортдан фойдаланиш ёки ҳаракат хавфсизлиги, нафа-қат, ҳайдовчи ҳамда транспорт воситасининг техник ҳолатига, балки ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари бўлган йўловчилар, пиё-далар, от-улов транспорти ҳайдовчилари, велосипед ҳайдовчила-рига ҳам боғлиқ. Турли хилдаги транспорт воситалари учун ҳам

ҳаракат қоидалари (масалан, йўл ҳаракати қоидалари, метрополитендан фойдаланиш қоидалари, авиайўловчилар ҳаракати қоидалари) ўрнатилган. Юқоридаги қоидаларни бузган шахс ҳам шахсан ўзи учун, ҳам ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари учун хавф туғдириши мумкин.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш соҳасида жамоат хавфсизлигини таъминлашдан иборат ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қўшимча объект жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ўзганинг мулки ҳисобланади.

3. Жиноят объектив томондан ЖКнинг 261—263, 265 ва 266-моддаларида белгиланган шахслардан ташқари йўловчилар, пиёдалар, велосипед ҳайдовчилари, от-улов транспорти ҳайдовчилари ёки бошқа турдаги ҳаракат қатнашчилари томонидан барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати ёки фойдаланиш хавфсизлигининг бузилиши натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказишдан иборат.

4. ЖКнинг 268-моддаси диспозицияси бланкетли бўлиб, жиноят белгиларини аниқлаш учун транспорт воситалари ҳаракати ёки шу транспорт воситаларидан фойдаланиш жойларида (261—263, 265 ва 266-моддаларда белгиланган шахслардан ташқари) йўловчилар, пиёдалар, ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари ҳаракати қоидаларини белгиловчи махсус қоидаларга мурожаат қилиш зарур. Ушбу қоидалар темир йўл, сув, автомобил ёки бошқа турдаги транспорт воситаларининг идоравий норматив ҳужжатларида берилган.

5. Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ҳаракат қатнашчиларига тақдим этиладиган транспорт воситаларининг ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи талаблар бажарилмаганлигидан далолат беради.

Қоидаларнинг бузилиши темир йўл ёки бошқа йўлларни белгиланмаган жойларда кесиб ўтиш, тақиқловчи сигналлар остида йўловчининг ўзбошимчалик билан аэродромнинг учув-қўнув майдонига чиқиши, стоп-краннинг олиб ташланиши ҳамда шу йўл билан темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибининг тўхташи, транспортдаги ўзгалар учун кириш тақиқланган жойларга (масалан, учувчи кабинасига) киришда ифодаланиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноятнинг аниқ ифодаланиши турлича бўлиши мумкин, шу туфайли уларнинг тўлиқ рўйхатини беришнинг иложи йўқ. Қонунда белгиланган қоидалар кўпинча йўлларни белгиланмаган жойларда кесиб ўтувчи, ҳаракатланаётган транспорт-



га яқин бўлган жойларда бирданига пайдо бўлувчи пиёдалар томонидан бузилади. Жиноят ишларини кўриб чиқишда ва тергов қилишда айбдор томонидан бузилган қоидалар ва улар нималарда ифодаланишини аниқлаш лозим.

6. Жиноят баданга ўртача оғир ёки оғир тан жароҳатлари етказилиши пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Жиноятнинг юқорида келтирилган оқибатлари мавжуд бўлмаган тақдирда қилмиш маъмурий жавобгарлик тартибида кўрилади.

7. Жиноят субъектив томондан айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Шахс транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини кўра олади, лекин етарли асосларсиз уларнинг олди олинишига ишонади ёки ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим ҳамда мумкин бўлган бўлса-да, уларни кўра билмайди.

8. Жиноят субъекти ЖКнинг 261—263, 265, 266-моддаларида назарда тутилган жавобгарликка тортилувчи шахслардан ташқари, пиёдалар, от-улов транспорти ҳайдовчилари, велосипед ёки юк транспортини бошқарадиган шахслар, тиркамали аравачалар, чана, болалар ва ногиронлар аравачаларини олиб ўтувчи шахслар ҳисобланади<sup>1</sup>. От-улов транспорти ҳайдовчилари ҳаракатларининг шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш имконияти, улар томонидан ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши механик транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига олиб келгандагина амалга оширилади. Бошқа барча ҳолатларда (масалан, пиёдани босиб кетиш) ЖКнинг 268-моддаси бўйича уларнинг жавобгарлиги истисно этилади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши бир неча транспорт воситалари ҳайдовчилари ёки йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг жинорий ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлса, уларнинг барчаси Жиноят кодексининг муайян моддалари билан жавобгарликка тортилади.

9. «Ҳаракат қатнашчиси» атамасини кенг қамровда кўриб бўлмайди. Уларга ҳаракатни назорат қилувчи милиция ходимларини, «назорат қилувчи» тушунчасини ўз ичига олувчи бошқа шахсларни, йўл қурилиши (ўтиш қисмини таъмирлаш, белгилар қўйиш, қор

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 10-банди.

тозалаш ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлган шахсларни киритиш мумкин эмас. Бу шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Йўл ҳаракати қоидалари»га асосланган бўлса-да, мустақил характерга эга бўлган муайян идоравий йўриқномалар билан белгиланади.

10. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида белгиланган оқибатларнинг квалификация қилинган ва махсус квалификация қилинган таркиби ажратиб кўрсатилган. Квалификация қилинадиган белги сифатида одам ўлими тарзидаги оқибат, махсус квалификация қилинадиган белги сифатида — одамларнинг ўлими, ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар келтирилган. Ушбу белгилар ЖКнинг 26-моддаси, 2, 3-қисми таҳлили жараёнида шарҳланган.

### **269-модда. Автомобил йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш**

*Автомобил йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш, яъни автомобил йўларида ва шу йўлар учун ажратилган минтақада тегишли рухсатсиз ер ости ва ер усти коммуникациялари ўтказиш, уларни таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчилик билан арklar, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотлар ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш одам улишига сабаб бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — жамоат хавфсизлиги, инсонлар ҳаёти, соғлиги.

2. Жиноят предмети автомобил йўллари, ер ости ва ер усти коммуникациялари ҳисобланади.

3. Жиноят объектив томондан автомобил йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузишда ифодаланади,

яъни ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган автомобиль йўлларида ва шу йўллар учун ажратилган минтақада ер ости ва ер усти коммуникацияларни тегишли рухсатсиз таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя қилмаслик, ўзбошимчалик билан арklar, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотларни ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш билан тавсифланади.

4. Мазкур жиноят моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

5. Жиноятнинг зарурий белгиси шарҳланаётган модда диспозициясида келтирилган муайян қилмишнинг содир этилиши ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш ҳисобланади.

6. Жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади.

7. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

8. ЖКнинг 269-моддаси, 2-қисмида одам ўлишига сабаб бўлган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

9. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида шу қилмиш одамлар ўлими ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жавобгарликни белгилайди.

## XIX боб. ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ЖИНОЯТЛАР

### 270-модда. Тақиқланган экинларни етиштириш

*Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракат:*

*а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша ҳаракат:*

*а) ўта хавфли рецидивист томонидан;*

*б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;*

*в) катта экин майдонида содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Тақиқланган экинларни етиштиришнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу қилмиш одамларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, республикадаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатиб, кўп ҳолларда уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади<sup>1</sup>. Бундан ташқари, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан таркиб топган тақиқланган экинларни етиштириш наркомафиянинг ҳаракатини гиёҳванд моддалар хом ашёлари билан

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноий ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори. 1991—1997-йиллар, Т., «Шарқ», 1997, 12—13-бетлар.

таъминлаб, аҳоли муайян қисмининг харидорлар билан ҳамкорлигини рағбатлантиради ҳамда гиёҳвандлик тарқалишини қўллаб-қувватлайди.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти аҳолининг хавфсизлиги ва соғлиғи ҳисобланади.

ЖКнинг 270-моддасида келтирилган жиноят предмети кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш ҳисобланди.

*Каннабис* – нашанинг гашиш олинадиган нави (жумладан, нашанинг Ҳиндистон, Жанубий Чуй, Краснодар ва бошқа турлари)га мансуб экин.

Таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлган бошқа ўсимликларга кока бутаси (ундан кокаин олинади) ва таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалари бўлган бошқа экинларни киритиш мумкин. Бу экинлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар концентрацияси кўплиги билан фарқланиб, шу сабабли экинлар ёки уларнинг қисмлари Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси белгилаган ҳолда гиёҳванд восита, деб топилади. Бу экинларни етиштириш фақат фармацевтика саноатида ёхуд илмий мақсадларда амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

3. Ҳар бир ҳолатда экинларнинг таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари бўлган экинларга тегишлилигини аниқлашда, судлар бу тоифадаги ишларни кўришда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рўйхатига амал қилиши, зарур ҳолларда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси томонидан тасдиқланган услубларга мувофиқ, олинган эксперт хулосасига асосланиши керак.

4. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишни назарда тутган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-кимёвий экспертизаларни ўтказиш айбдорликни исботловчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасига мувофиқ, восита ёки моддани наркотик ёхуд психотроп, деб эътироф этиш учун бундай экспертизалар қайд этилган туркумдаги барча ишлар бўйича ўтказилиши зарур.

Бу турдаги экспертизаларни ҳал этиши учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин: олинган модда наркотик ҳисобланадими ва қайси турга киради, зарур ҳолларда эса, унинг ушбу моддадаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни, 21-модда.

таркиби неча фоизни ташкил қилади ва вазни қанча; нарсада (қандай нарса эканлиги кўрсатилади) гиёҳвандлик воситаларининг излари (микроскоп орқали кўринадиган нишонлари) борми; ер майдонида (олинган жой кўрсатилади) ўсаётган ўсимликлар қайси турга мансуб ва у таркибида наркотик бўлган ўсимлик ҳисобланадими; олинган моддалар бир бутунни (бир массани) ташкил этганми; олинган моддалар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, ўсимлик хом ашёсининг кўкариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами»<sup>1</sup>.

5. Шарҳланаётган жиноят объектив томондан тақиқланган экинларни экиш, етиштиришда ифодаланади.

*Экиш* — таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар бўлган кўкнор, мойли кўкнор, кашнабис ўсимлиги уруғини қопунга хилоф равишда сепиш ва ўстириш. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қопунга кўра, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополиясига кириб (7-модда), махсус ваколатли орган белгилаган тартибда бу фаолият илмий мақсадларда шуғулланишга лицензия бўлган тақдирда давлат корхоналарига рухсат этилади (21-модда).

6. Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонида, шунингдек, бўш ётган ерларда уруғни қадаш ва ўстириш тушунилади.

Жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъий назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади<sup>2</sup>.

Уруғлар сотиб олиш, уларни пишиш босқичигача ўсмайдиган даражада тупроқдан ташқарида ёки кам миқдордаги тупроқда ундириш (кўчат етиштириш)ни тақиқланган экинларни етиштиришга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари сифатида кўриш мумкин.

Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилиш (суғориш, чопиқ қилиш, ўғитиш ва ҳоказолар)ни тушуниш керак. Тақиқланган экинларни етиштиришни, уларни етиштириш технологиясининг ўсиши, янги навларини яратиш, улар ҳосилдорлигини ошириш, ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириш кабиларни эътиборга олиб, квалификация қилиш керак.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарорлари тўплами, 1-жилд, 1991—1997, 17—18-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарорлари тўплами, 1-жилд, 1991—1997, 12-бет.

Тақиқланган экинларни етиштириш, уларни ўзи ёки бошқа шахслар учун етиштирганлиги, пишиб етилганлигидан, ҳосил йиғиб олиш вақтидан қатъий назар, тугалланган жиноят, деб топилади.

7. Айбдорнинг ҳаракатлари экин майдони ўлчамидан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 270-моддаси тегишли қисмлари билан квалификация қилинади, бунда ушбу модданинг 1-қисми билан квалификация қилиш учун экин майдонининг ўлчами 250 квадрат метргача бўлиши кўзда тутилади<sup>1</sup>. Агар етиштирилиши тақиқланган ўсимликларни экиш ва етиштириш келгусида наркотик моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек, ўтказиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар ЖКнинг 270-моддаси ва тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

8. Тақиқланган экинларни етиштириш ёки экиш бундай ўсимликларни етиштириш махсус руҳсат (лицензия) билан амалга оширилган тақдирда жиноий жавобгарлик истисно этилади. Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар ўстириш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда лицензиат зиммасига фаолиятни қатъий тартибда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш мажбурияти юкланади<sup>2</sup>. Агар амалга ошириладиган фаолият лицензия доирасидан четга чиқса, жавобгар шахс зарур шартлар мавжуд бўлганида, шарҳланаётган модда бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

9. Жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик моддалари бўлган экин ёки психотроп ўсимликларини қонунга хилоф равишда етиштираётганлигини билади ва мазкур ҳаракатни хоҳлайди.

10. Жиноятни квалификация қилиш учун тақиқланган экинларни етиштиришнинг мотиви ва мақсади аҳамиятга эга эмас. Қонун жиноят таркибига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган ўсимликларни етиштиришдан мақсад шахсий истеъмол ёки сотиш белгисини киритмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори, 2-банди, 1-қисми, 12–13-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сонли қарори билан тасдиқланган «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалادا бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги Низом, 2-илова, 114-бет.

11. Мазкур экинларнинг уларни ўтказиш учун эмас, балки хўжалик манфаатларида (тола, ёғ, уруғ олиш ва бошқа) фойдаланиш учун экилгани ёки етиштирилгани қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини йўқотмайди (бошқа шахслар бундан гиёҳвандлик воситалари олишда фойдаланиши мумкин). Шунинг учун бундай ҳолатларда қилмиш ЖКнинг 270-моддаси бўйича квалификация қилинади.

12. Тақиқланган ўсимликларни экиш ва етиштириш келгусида наркотик моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек, ўтказиш ёки сотиш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар ЖКнинг 270-моддаси ва ЖКнинг 273-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

13. Мазкур қилмишни содир этиш чоғида ўн олти ёнга тўлган ҳар қандай жисмоний шахслар жиноят субъекти бўлишлари мумкин.

14. ЖКнинг 270-моддаси, 2-қисмида:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталиқдаги экин майдонида содир этилган жиноятнинг квалификация қилинган турлари учун жавобгарликни назарда тутати.

15. Тақиқланган экинларни етиштирган шахс илгари ЖКнинг 127-моддаси, 2-қисмида ёки 3-қисми «а», «б», «в» бандларида, 270—276-моддаларда белгиланган жиноятлардан бирини содир этган бўлса, судланганлик факти, илгари содир этилган жиноят муддатининг ўтиш вақти тугамаганлиги, қонунда белгиланган тартибда судланганлик бекор қилинмаган ва олиб ташланмаганлигидан қатъий назар, шарҳланаётган модданинг 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш керак.

(Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

16. Ўртача ҳажмдаги майдонда тақиқланган экинларни етиштириш, экиш деганда, 250 м<sup>2</sup>.дан 1000 м<sup>2</sup>.гача майдонда мазкур экинлар уруғини қалаш ёки уларни ўстириш тушунилади. Бунда ер майдони ҳажми фактик фойдаланилган майдондан келиб чиқиб аниқланиши керак, яъни етиштирилиши тақиқланган экин-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарорлари тўплами. 1-жилд, 1991—1997, 13-бет.



лар уруғи ўсаётган майдоннинг ўзи тушунилади. Экинлар етиштирилаётган ер майдонига гиёҳванд ўсимликлар ёки улар уруғлари мавжуд бўлмаган майдонларни қўшиш мумкин эмас, бу – қонунга зид. Шунинг учун етиштирилаётган ер майдонини аниқлашда, экин амалда экилган умумий майдонни ҳисобга олиш керак.

17. Агар айбланувчи тақиқланган экинларни турли майдонларда етиштирган бўлса, тергов ва суд органлари таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни етиштириш мақсадини аниқлаши керак. Агар айбланувчи камида икки марта шу ўсимликларни турли вақт, турли майдонларда эккан ёки етиштирган бўлиб, яна жиноят содир этишга қасд қилган бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 270-моддаси, 2-қисми, «а» банди билан ёки шу модданинг тегишли банди ва қисми билан квалификация қилинади.

Экиш майдони ҳажмини аниқлашда, нафақат, охириги экин майдони ҳажми, балки бундан олдинги майдон ҳажмларини эътиборга олиш керак. Жиноят субъекти бир вақтда икки ёки ундан ортиқ майдонларда тақиқланган экинларни экиб, булар учун умумий қасдга эга бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 270-моддаси, 2-қисми билан қўшимча квалификация қилинмайди, чунки у ягона давомий жиноятни ташкил этади ва унинг қилмишини экин майдони ўлчамидан келиб чиқиб квалификация қилиш лозим.

18. Агар экин майдонининг умумий катталиги 250 м<sup>2</sup>.дан кам бўлса, айбланувчи қилмиши шарҳланаётган модданинг 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

19. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида:

- а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;
- в) катта экин майдонида содир этилган жиноятнинг квалификация қилинган турлари учун жавобгарликни назарда тутати.

20. (Ўта хавфли рецидивист тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 34-моддасига қаранг).

21. Уюшган гуруҳ томонидан тақиқланган экинларни етиштириш жамият учун жиддий хавф туғдиради, чунки шахсга, жамиятга, давлатга зарар етказган ҳолда режалаштирилган қилмишни амалга ошириш имконини кенгайтиради.

22. «Жиноий гуруҳни уюшган, деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, олатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриги ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умум-

мий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим. Ҳукмда жиноий гуруҳ қайси белгисига кўра, уюшган, деб топилиши кўрсатилган бўлиши керак»<sup>1</sup>.

23. Уюшган гуруҳ иштирокчилари вазифаларини тақсимлашлари ва тақиқланган экинларни етиштириш билан ҳар қайсиси бевосита шуғулланмаслиги, балки бу фаолият бошқа шахслар томонидан бажарилишини таъминлаши мумкин (масалан, ер майдонини қўриқлаш).

24. Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг VIII бўлимига кўра, тақиқланган экинлар катта майдонларда етиштирилиши майдоннинг 1000 м<sup>2</sup> ва ундан катталигини билдиради.

### **271-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш**

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;*

*б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*в) ўзлаштириш ёки расстрата қилиш йўли билан;*

*г) талончилик йўли билан;*

*д) мансаб мавқеини сууистеъмол қилиб;*

*е) тамагирлик йўли билан;*

*ж) кўп миқдорда содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат:*

*а) ўта хавфли рецидивист томонидан;*

*б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;*

*в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса*

*— ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарори, 3-банди, 3-қисми, 13-бет.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилиш борасидаги ижтимоий муносабатлар ва аҳолининг соғлиғи, хавфсизлиги ҳисобланади. Мулкий манфаатлар қўшимча объект, жабрланувчи соғлиғи шу жиноятни талончилик ва босқинчилик билан содир этиш факультатив объекти ҳисобланади.

2. Жиноят предметини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ташкил этади.

«Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунга кўра, гиёҳвандлик воситалари деганда, гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар тушунилади. Жиноят кодексининг «Махсус» қисми, VIII бўлимида берилган таърифга кўра, уларга, шунингдек, БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги ягона Битим (Конвенция), 1972 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Протоколидаги тузатишлар билан тўлдирилган I ва II рўйхатидаги ҳар қандай моддалар тааллуқлидир.

Психотроп моддалар тобелик кайфиятини уйғотиш қобилиятига эга бўлиб, одамнинг марказий асаб тизими фаолиятига рағбатлантирувчи ёки тушқунлик ҳолатига туширувчи таъсир кўрсатиб, кўз олдида йўқ нарсаларни кўришига ёки миядаги мотор вазифаларининг ёхуд тафаккур ёхуд идрок ёхуд кайфият бузилишига олиб келади. Уларга БМТ Битими I, II, III ёки IV рўйхатига киритилган моддалар тааллуқлидир.

3. Шарҳланаётган модданинг объектив томонини ЖКнинг 271-моддаси, I-қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, яъни ўғрилик, фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни ташкил этади.

Ўғрилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, ҳуқуққа хилоф равишда яширинча давлат ёки жамоат ташкилотлари ёки уларга қонуний ёки ноқонуний эгалик қилиб турган хусусий шахслар мулкидан олиб, қайтармасликни тушуниш лозим.

Фирибгарлик билан қонунга хилоф равишда эгаллаш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни алдов ёки ишонччи суиистеъмол қилиш билан қўлга киритиш тушунилади.

Ўгрилик гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар қонунга хилоф равишда яширинча ўғирланиб, айбдор уларни тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш вақтидан бошлаб тугалланган, деб ҳисобланади.

Фирибгарлик айбдорнинг алдов йўли билан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўз ихтиёрига олиш, ишончли суиистеъмол қилишда эса, унга топширилган гиёҳванд ёки психотроп моддаларни тасарруф этиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

4. ЖКнинг 271-моддаси, 1-қисми субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллашини англайди ва мазкур қилмишни хоҳлайди.

5. Жиноят субъекти ўн тўрт ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

6. ЖКнинг 271-моддаси, 2-қисмида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда қуйидагича эгаллаш учун жавобгарлик белгиланган:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) кўп миқдорда содир этилган бўлса.

7. Шахс гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сўнгги эгаллашидан аввал психотроп модда ёки гиёҳвандлик воситаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишини ташкил қилувчи жиҳатлардан бирини содир этган бўлса, бунинг учун судланган-судланмаганлигидан қатъий назар, айбдорнинг ҳаракатларини ЖКнинг 271-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш лозим.

8. ЖКнинг 271-моддаси, 2-қисми, «б» банди гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятини содир этишда олдиндан тил бириктирган икки ёки ундан ортиқ шахс квалификация қилинади.

9. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштириш деганда, шахсга сақлаш учун ишониб топширилган гиёҳ-

вандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўз фойдасига ишлатиш учун сақлаб қолиши тушунилади.

10. Растрата қонунда кўрсатилган айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёридаги гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддаларни унинг сотиш, истеъмол қилиш, совга қилиш, йўқотиш ёки бировларга беришида намоён бўлади.

11. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни талончилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш, жумладан, баданга енгил шикаст етказиш кўринишидаги зўрлик ишлатишсиз ёки ҳаёт учун хавфсиз зўрлик ишлатиш билан ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш тарзида тавсифланади.

12. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш ўз хизмат лавозимидан фойдаланиб, ўз мулкига ёхуд бошқалар мулкига айлантиришни билдиради.

13. Шарҳланаётган моддада тамагирлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш усули сифатида эгаллаш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни жабрланувчига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатиш билан, уларнинг мулкларига зарар етказиш ва нобуд қилиш ёки сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан таҳдид солиш ёхуд жабрланувчини мазкур моддаларни беришга мажбур қиладиган вазиятни яратиш тушунилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган ва унга илова этилган «Қонунга хилоф сақлашдан ва муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорларга мансублиги рўйхати»даги тавсияларга амал қилинади.

Кўп миқдорга қуйидагилар киради: қуритилган марихуана — 5,0 гр ва ундан ортиқ; қуритилмаган марихуана 50 гр; гашиш — 1,0 гр ва ундан ортиқ; канкобис мойи — 0,5 гр ва ундан ортиқ; опий (шу жумладан, тиббий) — 1,0 гр (0,01 гр 100 та таблетка) ва ундан ортиқ; героин — 0,005 гр ва ундан ортиқ; кодеин (асоси ва тузи) — 1,0 грамм (0,015 гр.дан 66 та таблетка) ва ундан ортиқ ва ҳоказо.

15. ЖКнинг 271-моддаси, 3-қисмида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатлари кўзлаб;

в) босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаб олингани учун жавобгарлик белгиланган.

Шарҳланаётган жиноятнинг алоҳида квалификация қилиш белгиларининг дастлабки иккитаси мазмуни ЖКнинг 270-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини таҳлил қилишда очиб берилган.

16. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни босқинчилик йўли билан эгаллаш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғирлаш мақсадида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli зўрлик ишлатиш ёки бундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган ҳужум тушунилади.

17. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб маvқеини суиистеъмол қилиб, тамагирлик, босқинчилик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллашни ЖКнинг 271-моддаси ва бошқа тегишли моддалари билан, шунингдек, ўзганинг мулкани талон-тарож қилишга оид ЖКнинг 271-моддаси санкциясидан оғирроқ бўлган бошқа тегишли моддалар билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш керак.

18. Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш, деб ҳам квалификация қилиниши керак<sup>1</sup>.

### **272-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш**

*(Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, XI бўлими, 28-бандига<sup>1</sup> биноан чиқариб ташланган).*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарори, 4-банди, 2-қисми, 14-бет.

**273-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш**

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш*

— олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса*

— беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:*

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этилган бўлса

— етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек, бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек, ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:*

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш*

— *ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиши тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.*

1. Шарҳланаётган жиноят объекти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, шунингдек, аҳолининг соғлиғи ҳисобланади.

2. Жиноят предметини гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар ташкил этади.

3. Жиноят объектив томондан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласида ифодаланади.

4. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи деганда, устидан халқаро ҳуқуқий ва ички давлат назорати ўрнатилган ва аҳоли соғлиғига зарар етказишга йўналтирилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан амалга оширилган ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмишлар мажмуи тушунилади. Бундай қилмишларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш киради.

5. *Тайёрлаш* — гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳосил қилинган ҳар қандай ҳаракат ёки уларни истеъмолга тайёр ҳолга келтирадиган, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва бошқа аралашмалардан тозалашга қаратилган ҳаракатлар.

6. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олиш деб, сотиб олишни, бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарзи эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари гиёҳвандлик воситаси эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаётган наشا ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлақларини, шунингдек, таркибида наркотик бўлган ўсимлик экинларининг қўриқланмаётган қолдиқларини йигиб-териби олишни ҳисоблаш керак<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят иши бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 1-жилд, 1991—1997, 15-бет.



7. Сақлаш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, махфий жойда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

8. Қонунга хилоф равишда ташиш деганда, ташиш усулидан қатъий назар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

9. Қонунга хилоф равишда жўнатиш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни, ташиш жараёнида жўнатувчи иштирок этмаган вазиятда, алоқа бўлими жўнатмаси, багаж тариқасида ёки бошқа усулларда бир жойдан иккинчи жойга қонунга хилоф равишда юбориш тушунилиши лозим.

10. Жиноят мазкур восита ва моддаларни тайёрлаш, сақлаш вақтидан, шунингдек, ЖКнинг 173-моддаси диспозициясида кўрсатилган ҳаракатлар содир этилганда, уларнинг оқибатларидан қатъий назар, тугалланган, деб топилади.

11. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖКнинг 273-моддаси, 1-қисми) деганда, уларни ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя қилиш, бошқа шахсларга инъекция йўли билан юбориш, алмаштириш, қарз сифатида бериш, қарзи эвазига бериш, сотиш ва ҳоказолар тушунилади.

12. Агар айбдор томонидан била туриб гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ниқоби остида қандайдир бошқа моддалар ўтказилса, сотилса, бундай ҳаракатлар фирибгарлик сифатида, олувчининг ҳаракатлари эса, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олишга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилиниши керак (агар сотиб олувчининг қайта ўтказиш мақсади аниқланмаган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 25-моддаси, 2-қисми ва 276-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади).

13. Бу жиноятларни квалификация қилишда ўтказилган (сотилган) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдоридан келиб чиқиш керак.

Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани аниқланган ва олиб қўйилган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг миқдори уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

14. ЖКнинг 273-моддаси, 1-қисми бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ЖКнинг 273-моддаси, 1-қисмида белгиланган қилмишни кўп бўлмаган миқдорда содир этиш ҳисобланади. Шу билан бирга шарҳланаётган модданинг 6-қисми, 1-қисмида назарда тутилган жазодан озод қилиш шарти келтирилган: қилмишни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.

15. Шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиши муносабати билан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб, тиббиёт муассасаларига ўз ихтиёри билан мурожаат қилганлиги, уни илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаганлиги, сақлаганлиги, ташиганлиги ва жўнатганлиги, истеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилишга фақат бундай мурожаат шахснинг бангилекдан тузалиш нияти билан қилинган ва унинг фош этилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина асос бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

16. Жиноят субъектив томондан қасддан содир этилади. Айбдор гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тайёрлаётганлигини, сотиб олаётганлигини, сақлаётганлигини, ташиётганлигини ёки жўнатаётганлигини англайди ва шундай қилишни хоҳлайди.

17. «Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодексининг 273-моддаси), судлар бу восита ёки моддалар ҳақиқатан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намоён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозим. Масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни маълум ўлчамда қالدқланганлиги, ташиш ёки жўнатишда уларни махсус махфий жойга яширилганлиги, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, айбдорнинг ўзи банги эмаслиги тўғрисида экспертиза хулоса берганлиги

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят иши бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 9-банди, 16-бўлим.

ва ҳоказолар. Ишнинг аниқланган ҳақиқий ҳолатларига қараб, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25-моддаси ва 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши керак»<sup>1</sup>.

18. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

19. ЖКнинг 273-моддаси, 2-қисмида биринчи қисмда назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилгани учун жавобгарлик белгиланган (озгинадан кўпроқ миқдорда тушунчаси мазмун тўғрисида ЖКнинг 271-моддаси шарҳи 14-бандида баён қилинган).

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни озгинадан кўпроқ ёки кўп миқдорга мансублигини белгилашда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган «Қонунга хилоф сақлашдаги ёки муомаладаги топилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ўлчамини оз, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга мансублиги рўйхати»даги тавсияга амал қилиш лозим.

20. ЖКнинг 273-моддаси, 3-қисмида 1 ёки 2-қисмда келтирилган қилмишларни:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Юқоридаги квалификация қилинадиган ҳолатларнинг мазмунини Жиноят кодексининг 127, 270, 271-моддаларида назарда тутилган жиноят таркибларини кўриб чиқишда шарҳланган.

21. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида:

- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят иши бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 5-банди, 3-қисми, 14-бет.

• гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхона ташкил қилиш ёки сақлаш;

• иккинчи ва учинчи қисмда назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Биринчи қилмишни содир этиш деганда, махсус махфий лабораторияларда, илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида, бошқа муассасаларда воситалар, асбоб-ускуналар, прекурсорлардан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаш ёки қайта ишлаш тушунилади.

22. «Жиноят кодексининг 273-моддаси, 4-қисмида назарда тутилган наркотикларни қайта ишлаш учун қўлланиладиган прекурсорлар деганда, халқаро номлари ёки амалдаги халқаро конвенцияларда ишлатиладиган номлари бўлган моддалар тушунилиши лозим. Бундай моддалар рўйхати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясининг 1 ва 2-жадвалларида ва 1998 йил 22 майдаги Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг қарорига иловада мавжуд»<sup>1</sup>.

23. «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёхуд тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш деганда, айбдор томонидан ғараз мақсадни кўзда тутган-тутмаганлигидан қатъий назар, гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун махсус шароит яратилган (истеъмол қилиш мосламалари, гиёҳвандлик воситалари билан таъминланган-таъминланмаганлигининг аҳамияти йўқ) хоналарни бир ёки бир неча маротаба бериб туриши тушунилиши лозим».

24. (Ўта хавфли рецидивист ва уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб тушунчаларининг мазмуни тўғрисида ЖКнинг 270-моддасида назарда тутилган жиноятнинг шарҳига қаранг).

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят иши бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори, 8-банди, 1-қисми, 16-бет.

25. Айбдорнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиши ЖКнинг 273-моддаси, 5-қисми бўйича квалификация қилинади.

Сотиш деганда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ҳақ эвазига реализация қилиш тушунилади. ЖКнинг 273-моддаси, 5-қисмида назарда тугилган жиноятнинг таркиби гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар кўп миқдорда қонунга хилоф равишда реализация қилинган ҳолларда вужудга келади.

### **274-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш**

*Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш*

— уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Уша ҳаракат:*

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса — олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти аҳолининг сиҳат-саломатлиги, жамоат хавфсизлиги соҳасида амал қиладиган ва кишиларнинг ақл-идрокига таъсир этадиган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир.

2. Жиноят предмети ақл-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардир.

3. 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонун қуйидагиларга аниқлик киритади:

- *гиёҳвандлик воситалари* — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

- *психотроп моддалар* — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

• *гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари* — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

• *препарат* — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961, 1971, 1998 йилги тавсияларига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки прекурсорлар таснифи (рўйхати)» Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 1995 йил 1 апрелдаги 13-4-1-сонли қарорига мувофиқ маъқулланган.

Бу таснифга қуйидагилар киритилган: амалдаги халқаро конвенцияларда қўлланиладиган халқаро рўйхатга олинган ёки олинмаган атамали моддалар; изомерлар, уларнинг мавжудлиги бу моддаларнинг кимёвий формуласи доирасида мавжуд бўлиб, барча ҳолларда изомерлар истисно этилмаган бўлса; бу моддаларнинг мураккаб ёки олдий эфирлари, агарда, уларнинг мавжудлиги мумкин бўлса; мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолларда мураккаб, олдий ва изомерлар тузлари; қонунда кўзда тутилган истиснолардан ташқари бўлган модда ва препаратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2000 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тўғрисидаги» 293-сонли қарорининг 1-банди, 2-қисмига кўра, юқорида кўрсатиб ўтилган 4 дона рўйхатлар тасдиқланиб, қарорга 2—5-илова этилган:

• 2-иловада 1-рўйхат эълон қилинган бўлиб, унга 159 та гиёҳвандлик воситалари киритилган;

• 3-иловада 2-рўйхат эълон қилинган бўлиб, унга 61 та гиёҳвандлик воситалари киритилган;

• 4-иловада 3-рўйхат эълон қилинган бўлиб, унга 83 та психотроп моддалар киритилган;

• 5-иловада 4-рўйхат эълон қилинган бўлиб, унга 26 та прекурсорлар киритилган.

Тасниф тўрт жадвалдан иборат. Гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати I ва II жадвалларда келтирилган.

I жадвал ўта хавфли бўлган ва тиббий мақсадларда фойдаланилмайдиган ўсимликлар ва моддалар номини ўз ичига олади.

Моддаларнинг бу гуруҳи ўта хавфли бўлиб, передозировкага мойиллик ҳамда мутеликни келтириб чиқаради.

II жадвал 1961 йилги «Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»ги Конвенция тавсиялари I ва II рўйхатидан иборат бўлиб, ўта хавфли ҳамда тиббий мақсадларда қўлланиладиган ўсимлик ва моддалардан иборат. II жадвалнинг I рўйхати 77 атамани ўз ичига олади.

4. 1971 йилги «Психотроп моддалар тўғрисида»ги Конвенцияга кўра, психотроп моддалар рўйхатига фақат патологик мутеликни, аҳоли соғлиғига хавф ва ижтимоий муаммолар келтириб чиқарувчи, инсоннинг марказий асаб тизимига депрессив таъсир қилувчи, галлюцинация келтириб чиқарувчи, ҳаракат функцияси, фикрлаш, хулқ-атвор, англашнинг бузилишига олиб келувчи моддалар киритилган. Психотроп моддалар ҳам гиёҳвандлик воситалари каби уч (тиббий, ижтимоий ва норматив) мезоннинг мажмуаси билан тавсифланади. Уларга нисбатан муомаланинг махсус ҳуқуқий тартиби (режими) белгиланган.

5. Психотроп моддалар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида»ги Қонуни, 4-моддасида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961, 1971, 1988 йиллардаги Конвенцияларининг талабларини бажариш мақсадида, 4 хил рўйхатлар кўрсатиб ўтилган.

Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 13-4-1-сонли қарорига 2-иловада келтирилган. Бу рўйхат 1971 йилги «Психотроп моддалар тўғрисида»ги Конвенция тавсияларига асосан тузилган I, II, III, IV рўйхатларни ўз ичига олувчи I, II, III жадвалларда берилган.

III жадвалда III ва IV рўйхатлар мавжуд.

III рўйхат амобарбитал, бупренорфин (морфин), буталбитал, катин, циклобарбитал, глутетимид, пентазоцин, пентобарбиталдан иборат.

IV рўйхат 24 атамадан иборат бўлиб, барбитал, бенамфетамин, бромазепам, фенкамфамин, галазепам, нимитазепам, пемолин, фенобарбитал кабиларни ўз ичига олади. Бу жадвалларга тиббий мақсадларда фойдаланиладиган ва муайян хавф туғдирадиган ўсимлик ва моддалар номи киритилган. Булар транквилизаторлар, антидепрессантлар, тез таъсир қилувчи барбитуратлар ҳамда кенг қўлланиладиган, мутелик келтириб чиқаришда ўрта даражадаги хавфли бошқа дори-дармон моддалардир.

6. Ақл-идроқга таъсир қилувчи бошқа моддаларга, онгни заҳарлайдиган, майший ҳаётда, ишлаб чиқаришда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган мутеликни келтириб чи-

қарувчи препаратлар кириб, улар билан муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби белгиланган эмас. Бу моддалар ва воситалар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва ички давлат нормаларида ифодаланмаган бўлса, улар ақл-идрокка таъсир қилувчи бошқа моддалар сифатида кўрилиши керак.

7. Шарҳланаётган модданинг объектив томони бошқа шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга йўналтирилган фаол хулқ-атвори (хатти-ҳаракати) билан тавсифланади.

8. «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш деганда, шахсда уларни истеъмол қилиш майлини уйғотишга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар (унатиш, таклиф қилиш, маслаҳат бериш ва шу кабилар), шунингдек, таъсир ўтказилаётган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилдириш мақсадида алдаш, руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш, озодлигини чеклаш ва ҳоказолар тушунилиши лозим»<sup>1</sup>.

9. Ақл-идрокка таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш ишонтириш ва мажбурлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

10. Ишонтириш йўли билан жалб қилиш руҳий таъсирдан иборат бўлиб, бошқа шахсда гиёҳвандлик воситалари ва бошқа моддаларни таклиф, илтимос қилиш, маслаҳат, ваъдалар бериш, руҳлантириш, мазах қилиш, хушомад, мукофот ваъда қилиш (сотиб олиш) ва бошқа йўللар билан хоҳиш уйғотишидир.

11. Мажбурлаш йўли билан жалб қилиш — руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиш бўлиб, у жабрланувчининг иродасини синдиришга йўналтирилган. Бундан мақсад — дўқ-пўписа, кўрқитув, алдов, эркини чеклаш, дўппослаш, калтаклаш, қийноққа солиш, ҳар хил даражадаги тан жароҳатлари етказиш ва бошқа зўрлик усуллари воситасида жабрланувчини қонунда кўзда тутилган моддаларни истеъмол қилишга мажбур этишидир.

12. Жисмоний зўрлик йўли билан жалб қилишда жабрланувчи баданига енгил ёки ўртача огирликда шикаст етказилса, айбдор қилмиши ЖКнинг 274-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади. Бироқ, жабрланувчига оғир шикаст етказилган тақдир-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарорлари тўплами. 1-жилд, 1991—1997, 10-банди, 1-қисми, 17-бет.



да, айбдор қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 104-моддаси ва 274-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

13. Жабрланувчини келтирилган моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган шахс, уларни ўтказган, қонунга хилоф равишда эгаллаган, тайёрлаган, сақлаган, жўнатган, олиб ўтган бўлса, унинг қилмиши ЖКнинг 274, 271, 273-моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

14. Жиноят айбдор томонидан шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсоннинг ақл-идрокига таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этишга қаратилган ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бунда шахснинг бу моддаларни истеъмол қилган-қилмаганлиги аҳамиятсиз.

15. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шаклида ифодаланади. Айбдор шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсоннинг ақл-идрокига таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этаётганлигини англайди ва шуни хоҳлайди.

16. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлади.

17. Вояга етган шахс вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситаларини, психотроп ва ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилган ҳолатларда қилмиш ЖКнинг 127-моддаси бўйича квалификация қилинади.

18. Вояга етмаган шахснинг вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-идрокка таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб қилишини ЖКнинг 274-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

19. Агар субъект илгари Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг XIX бобида ёки ЖКнинг 127-моддасида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишдан иборат жиноятларнинг бирортасини содир этган бўлса, унинг ҳаракатлари, қилмиш учун судланган-судланмаганлигидан қатъий назар, ЖКнинг 274-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилинади.

20. Агар гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ўташ жойларида амалга оширилса, қилмиш ЖКнинг 274-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилинади.

21. «Айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ шахсларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш майлини

ўнотишга қаратилган ҳаракатлари, бу ҳаракатлар бир неча шахсларга нисбатан бир вақтнинг ўзида ёки уларнинг ҳар бирига нисбатан турли вақтда содир этилганлигидан қатъий назар, ЖКнинг 274-моддаси, 2-қисми, «в» банди билан квалификация қилиниши керак»<sup>1</sup>.

### **275-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Мазкур жиноятнинг объекти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомалада бўлишнинг белгиланган қоидалари, аҳолининг соғлиғи, хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноятнинг предмети гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардир.

3. Шарҳланаётган модданинг объектив томони гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг белгиланган қоидаларини бузиш билан тавсифланади.

4. Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда норматив ҳужжатлардаги ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишнинг қайси муайян қоидалари бузилганлиги содир этилганлиги, айбдор қайси аниқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан мазкур қоидабузарликка йўл қўйганлигини белгилаш зарурлиги билан боғлиқ.

5. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқиш фақат давлат эҳтиёжлари учун буюртмага мувофиқ амалга оширилади ва бу иш давлат илмий-тадқиқот муассасаларига мазкур фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда топширилади. Тиббий мақсадларда фойда-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг юқорида таъкидланган қарори, 10-банди, 2-қисми.

ланиладиган янги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Қонуннинг 19-моддасига кўра, II рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларини қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, муайян гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

III рўйхатга киритилган психотроп моддаларни қонунда белгиланган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш махсус ваколатли орган қарорига мувофиқ юридик шахслар томонидан, муайян психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқариш ва тайёрлашни амалга оширувчи юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

6. Юқоридаги Қонуннинг 13-моддасига кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш махсус ажратилган ва жиҳозланган жойларда, махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, муайян фаолият тури учун лицензияси бўлган тақдирда, амалга оширилади.

7. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, муайян фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда, амалга оширилади.

8. Қонуннинг 12-моддасига кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб киришга (олиб чиқишга) лицензия, шунингдек, олиб кириш (олиб чиқиш) ҳуқуқи тўғрисида махсус ваколатли орган томонидан бериладиган сертификат бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни махсус ваколатли орган руҳсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади.

9. Қонуннинг 16, 17-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, муайян фаолият тури учун лицензияси

бўлган тақдирда, амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Белгиланган қоидаларнинг бузилиши юқорида келтирилган норма ва қоидаларнинг амал қилмаслигида, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардан фойдаланиш ва уларни реализация қилиш устидан назорат амалга оширилмаганлигида ифодаланади.

11. Жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакли билан тавсифланади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

12. Жиноят субъекти ўн олти ёшга тўлган, уларга топширилган иш юзасидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ишлаб чиқарилиши, сақланиши, чиқарилиши, ҳисоби, олиб ўтилиши, ташилиши, жўнатилиши қоидаларига амал қилиши шарт бўлган шахслар ҳисобланади.

**276-модда. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар**

*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жазима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмишлар:*

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод қилинади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар олиб сотилиши соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳамда аҳоли соғлиғи ва хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалардир.

3. Жиноят объектив томондан қуйидаги қилмишлардан бирини содир этишда ифодаланади, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни:

- ишлаб чиқариш;
- сақлаш;
- эгаллаш;
- ташиш;
- жўнатиш.

(Бу тушунчалар тўғрисида ЖКнинг 273-моддаси шарҳига қаранг).

4. Шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Шахс қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни тайёрлаётганлигини, сотиб олаётганлигини, сақлаётганлигини ва бошқа ҳаракатлар содир этаётганлигини англайди ва мазкур қилмишларни хоҳлайди.

5. Ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс жиноят субъекти бўлади.

6. ЖКнинг 276-моддаси, 2-қисмида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадисиз тайёрлаш, сақлаш, сотиб олиш, ташиш, жўнатиш:

а) кўп миқдорда;

б) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилганлиги учун жиний жавобгарлик белгиланади.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдори кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорларга мансублиги рўйхати Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган иловада келтирилган.

Мазкур иловага мувофиқ, кўп миқдорга: 5,0 гр қуритилган марихуана; 50,0 гр қуритилмаган марихуана; 0,5 гр гашиш мойи; 0,5 гр тетрагидроканнабиноллар (барча изомерлари), 1,0 гр опий, 0,01 грдан 100 таблетка; 1,0 гр опий экстракцияси; 0,5 гр ацетилланган опий; 10,0 гр қуритилган кўкнор сомони, 50,0 гр қуритил-

маган кўкнор сомони; 0,1 гр морфин (асоси ва тузи) 0,005 гр героин; 1,0 гр кодеин (асоси ва тузи) ёки 0,015 гр.дан 66 та таблетка ва ҳоказолар киради.

8. (ЖКнинг 276-моддаси, 2-қисми, «б» бандидаги илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 270-моддаси шарҳига қаранг).

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни топширса, жазодан озод этилади.

## XX боб. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 277-модда. Безорилик

*Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса*

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

*Безорилик:*

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан;  
в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногирон ёки оғир аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Безорилик:*

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан ёки қўллаб;  
в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти — жамоат тартиби, тана дахлсизлиги, саломатлик, ўзганинг мулки.

2. «Безорилик — жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга

енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади»<sup>1</sup>.

3. Жамоат тартиби деганда, одамлар ўртасидаги муносабатларни, хавфсизлик ва фуқаролар тинчлигини таъминловчи, ўзгалар мулкани сақлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, жамоат ва давлат ташкилотлари, корхоналар муассасалар, ташкилотларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашга қаратилган ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига асосланувчи тартибни тушуниш лозим.

4. Шарҳланаётган модданинг 1-қисми объектив томондан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади.

5. «Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик деганда, қонунларга, ахлоқ-одоб нормаларига, жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналарга ҳурматсизлик тушунилади»<sup>2</sup>. Шахс жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаган ҳолда жамоат тартибини ташкил этувчи ва қонун билан ҳимоя қилинувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки зарар етказишнинг реал хавфини вужудга келтирадиган муайян ҳаракатлар қилади.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик мўлжалланмаган жойларда алкоголь ичимликларни ичиш, фуқароларга ҳақоратомуз муомала ва шилқимлик қилиш, уят сўзлар билан сўкиниш, жамоат жойларида очиқчасига ҳожат чиқариш, яланғоч ҳолда бўлиш, ҳайвонлар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш ва ҳоказоларда ифодаланади.

Қонунга мазмунига кўра, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши керак. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан ва жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят, деб квалификация қилиниши керак<sup>3</sup>.

Жамиятдаги юриш-туриш қоидаларининг бузилиш факти жиний жазоланадиган безорилик таркибини бермай, маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1-банди, 1-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1-банди.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори. 1-банди, 3-қисми.



6. Судлар жиноий жазоланадиган безориликни маъмурий жавобгарлик белгиланадиган майда безориликдан фарқлаши керак. Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида келтирилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини очиқдан-очиқ менсимаслик ҳаракатларида ифодаланади. Бунда Жиноят кодексининг 277-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган жиноий оқибатлар келиб чиқмаслиги керак. Гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, агар уларнинг ҳаракатида ЖКнинг 277-моддаси, 1-қисми белгилари мавжуд бўлмаса, 277-моддаси, «б» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас.

Хавfli рецидивист томонидан содир этилган майда безорилик ҳам ўз-ўзидан жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Агарда майда безорилик ҳаракатлари давом этиб, айбдорнинг кейинги ҳаракатлари шахсни уриш-дўппослаш, унга энгил тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан содир этилган бўлса, шахс маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, фақат жиноий жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>.

7. ЖКнинг 277-моддаси, 1-қисмида келтирилган қилмишни квалификация қилиш учун безорилик оқибатида жабрланувчига энгил шикаст етказилишининг ўзи етарли. Бунда тан жароҳати соғлиғининг бузилишига олиб келганлиги аҳамиятга молик эмас.

Уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади<sup>2</sup>.

8. Мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган безорилик жинояти уриш-дўппослаш, баданга энгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ бўлган жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузиш вақтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Безорилик субъектив томондан айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Мотив — безорилик ҳаракатлари бўлиб, субъект жиноий қилмишнинг ўзидан, жамоат тартибининг бузилишидан роҳатланади, у жамоатчиликка, жамиятга зид хулқ-атворидан қониқиш ҳосил қилади.

<sup>1</sup> Ўша жойда. 1-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1-банди.

Безорилик мотивининг моҳияти жиноий қилмишнинг қандай предметга йўналтирилганлиги, қайси ижтимоий муносабатлар тизимида амалга оширилишидан қатъий назар, жамиятга бўлган ҳурматсизлик ва уни менсимасликда ифодаланани.

Безорилик мотивига ўзини ижтимоий фикрга қарши қўйиш истаги у ёки бу шаклда бошқалар кўз олдида жамоат тартибини менсимаслик, юклатилган жавобгарликка бепарқлик, маст ҳолда «жасорат» кўрсатиш, жабрланувчини кўрқитиш ёки камситиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

10. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўзда тутилган безориликнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган, ақли расо шахсдир. Шарҳланаётган модданинг 2 ва 3-қисмларида кўзда тутилган безориликнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ҳам бўлади.

11. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида безорилик қуйидагича содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган:

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;  
б) бир гуруҳ шахслар томонидан;  
в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоийш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларини намоийшқорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса.

(Баданга ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек, бир гуруҳ шахслар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29 ва 105-моддалари шарҳига қаранг).

12. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинадиган безорилик бирга ҳаракат қилаётган шахслар шарҳланаётган жиноятнинг объектив томонини бевосита содир этаётган иштирокчилигини ташкил этади, лекин иштирокчилик олдиндан тил бириктирмаган ҳолда содир этилади. Бундай ҳолларда иштирокчиларнинг безорилик содир этаётган бажарувчига қўшилиши кўзда тутилади.

13. Айбдор безориликни совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоийш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб содир этса, унинг қилмишини ЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми, «в» банди бўйича квалификация қилиш лозим.

Совуқ қуроллар ёки соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган предметни намойиш этиш — безорилик ҳаракати жараёнида совуқ қурол ёки бошқа нарсаларни, уларни қўллаш таҳдиди бор ёки йўқлигидан қатъий назар, жамоат олдида кўрсатиш. Бировнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган совуқ қурол ёки бошқа нарсаларнинг безорилик хатти-ҳаракати жараёнида кўрсатилиши фактининг ўзиёқ жиноий қилмиш содир этилган, деб ҳисоблаш учун етарлидир<sup>1</sup>.

Совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни қўллаш ёки қўллаш таҳдиди деганда, айбдорнинг бошқа шахс ёки шахсларга совуқ қурол ёки объектив равишда соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни қўлламоқчи эканлигини айтиши ёки уларни намойиш қилиши тушунилади. Таҳдид қуролни ёки бошқа нарсаларни кўрсатиб ёки кўрсатмасдан ҳам содир этилиши мумкин. Ушбу шаклдаги безориликни тугалланган, деб ҳисоблаш учун айбдор ўз хулқи орқали ўзидаги совуқ қурол ёки қурол ўрнидаги нарсаларни қўллашга тайёр эканлигини кўрсатганлигини аниқлаш етарлидир<sup>2</sup>.

14. Совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра, инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ, совуқ қурол, деб топилган нарсалар тушунилади.

Шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради.

15. Ўтакетган беҳаёлик деганда, жамиятда қабул қилинган ахлоқ қоидаларини, умум тан олинган ҳурмат, одоб қоидаларини менсимаслик, жамоат жойларида шаҳвоний табиатга эга ҳаракатларни намойишкорона қилиш, ҳожат чиқариш, кекса, ногирон, ожиз инсонлар, аёлларни, тарихий обидаларни таҳқирлашни тушуниш керак.

16. Безорилик ҳаракатларини ЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилишда суд айбдорнинг айнан қайси ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик, деб баҳоланаётганлигини ҳукмда кўрсатиши шарт.

Безорилик ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган, деб топиш масаласини ҳал этиш чоғида суд ишнинг муайян

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4-банди.

ҳолатлари мажмуидан келиб чиқиши ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти, вақти, жойи ва шарт-шароитларини инобатга олиши лозим<sup>1</sup>.

17. Хўрлаш деганда, айбдорнинг жабрланувчи шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга қаратилган ҳар қандай жисмоний азоб бериш ёки уни қийнаш тушунилади.

18. Қонун моҳиятига кўра, ёш болаларга ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар киради.

Қария деганда, 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак тушунилади. Ногирон деганда, белгиланган тартибда I, II, III гуруҳ ногирони ёки болаликдан ногирон сифатида тан олинган шахс тушунилади.

Ожизлик, жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли жиноятчига қаршилик кўрсата олмаслигида, ўз ҳуқуқлари, манфаатлари ва қадр-қимматини ҳимоя эта олмаслигида, шунингдек, кутилаётган хавфдан сақлана олмаслигида намоён бўлади (ожизлик ҳолати тушунчаси тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 56-моддаси шарҳига қаранг).

Жиноий ҳаракатни ушбу банд билан квалификация қилиш учун айбдор шахс жабрланувчининг ёш болалиги, қариялиги, ногиронлиги ёки ожиз аҳволда эканлигини англаб етган бўлиши талаб этилади.

19. Ўзганинг мулкани нобуд қилиш деганда, уни бутунлай яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

20. Мулкка шикаст етказиш деганда, уни қисман яроқсиз ҳолга келтириш тушунилади.

21. Кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган безорилик ЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми, «е» банди билан қамраб олинади ва шунинг учун ҳам ушбу ҳолатни ЖКнинг 173-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Худди шунингдек, безорилик оқибатида ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмишни ЖКнинг 277-моддаси, 1-қисми билан квалификация қилинишининг ўзи кифоядир.

22. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида, безорилик:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 6-банди.

в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

23. Айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 277-моддаси, 3-қисми, «б» банди билан квалификация қилиш учун унинг безорилик ҳаракатлари давомида ўқотар қуролни намоёниш қилганлиги фактининг ўзи етарлидир. Иш бўйича айбдор томонидан ўқотар қуролни қўллашга таҳдид қилинганлиги ёки қўлланилганлиги ҳолатлари жазо тайинлашда эътиборга олиниши лозим.

Ўқотар қурол тушунчасига баҳо беришда судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарорининг 2-бандида берилган тушунтиришларга амал қилишлари керак.

Шу билан бирга судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, айбдорнинг ҳаракатини ЖКнинг 277-моддаси, 3-қисми, «б» банди билан квалификация қилиш учун қурол жиноят содир этиш пайтида отишга яроқли, деб топилган бўлиши шарт. Башарти, яроқсиз бўлса, безорилик ЖКнинг 277-моддаси, 2-қисми, «в» банди билан квалификация қилиниши лозим.

Безорилик жиноятини содир этишда ишлатилган ёки намоёниш этилган ўқотар қурол тегишли рухсатномасиз айбдорнинг эгалигида бўлган бўлса, қилмиш ЖКнинг 248-моддаси билан ҳам қўшимча квалификация қилинади<sup>1</sup>.

24. Оммавий тадбирлар пайтидаги безорилик, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш таҳдиди билан хавфлидир.

Оммавий тадбир деганда, белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилган расмий тадбир (байрам сайллари, намоёнишлар, митинглар, мажлислар, сайловлар, халқ ҳашарлари ва ҳоказо)лар тушунилади<sup>2</sup>.

25. *Ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш* — қасддан уриш, енгил ёки оғир тан жароҳати, жисмоний оғриқ етказишда ифодаланадиган фаол ҳаракатлардир (ҳокимият вакили тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 205-моддаси шарҳига қаранг).

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 8-банди.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

26. Жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи ҳокимият вакили ёки жамоатчилик ёхуд безорилик ҳаракатига қаршилик қилган фуқаро баданига ўртача шикаст етказишни келтириб чиқарган қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари ЖКнинг 277-моддаси, 3-қисми, «г» банди билан квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Агар безорилик ҳаракатларини тўхтатиш чорасини кўраётган шахсга қаршилик кўрсатиш пайтида ишлатилган зўрлик натижа-сида айбдор томонидан яна бошқа оғир жиноят содир этилган бўлса, бу ҳол безорилик жинояти таркиби билан қамраб олинмайди.

Безорилик ҳаракатлари тугагандан кейин, шу жумладан, айбдор ушлангандан сўнг кўрсатилган қаршилик, безорилик жиноятининг аломатларига хос ҳолат, деб ҳисобланмаслиги ва бундай ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган майда безорилик давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд бундай ҳаракатларни тўхтатиш чорасини кўрган фуқарога нисбатан қаршилик кўрсатилса, бундай қилмиш ЖКнинг 277-моддаси, 3-қисми, «г» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари, кўрсатилган қаршиликнинг хусусиятига қараб, Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилинади<sup>1</sup>.

27. Ҳокимият вакили, жамоат тартибини қўриқлаш вазифасини бажарувчи жамоатчилик вакили ёки шу қилмишга қаршилик қилувчи бошқа фуқарога қаршилик кўрсатиш жараёнида оғир тан жароҳати етса, айбдор қилмиши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 104-моддаси бўйича квалификация қилинади.

28. Тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарориди, айблов хулосасида, суд эса ҳукмда қайси аломатларга кўра айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 277-моддаси тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганлигини аниқ кўрсатиши шарт.

29. Агар суд, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатга кўра, айблов хулосасида

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 10-банди.

назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар мавжуд, деган фикрга келса, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтаради. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, суд айбдорнинг ҳаракатини мазкур модданинг муайян қисмидаги бир банддан ўша қисмдаги бошқа бандга қайта квалификация қилишга ҳақли эмас.

30. Агар Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг муайян моддаларида (ЖКнинг 277-моддасидан ташқари) безорилик, ўша жиноятни квалификация қилувчи алоҳида белги сифатида назарда тутилган бўлса, бу ҳолат қилмишни ЖКнинг 277-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни истисно этади (масалан, ЖКнинг 104-моддаси, 2-қисми, «е» банди, 97-моддаси, 2-қисми, «л» банди)<sup>1</sup>.

31. Судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўгнослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят, деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси «Махсус» қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

32. Безорилик жинояти аксарият ҳолларда мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида содир қилинишини инобатга олган ҳолда судлар, алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка (таксикоманияга) йўлиққан шахсларга нисбатан, бу ҳақда ишда тегишли тиббий хулоса мавжуд бўлганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш масаласини ҳукмда муҳокама қилишлари лозим<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безорилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 12-банди.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 15-банди.

## 278-модда. Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш

*Қонунга хилоф равишда қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги ҳисобланади.

2. Шарҳланаётган жиноятнинг объектив томони қонунга хилоф равишда қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлашда ифодаланади.

Қиморхона деганда, пул ёки бошқа қимматликлар, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга асосланган ҳар қандай ўйин ўтказишга мўлжалланган хона тушунилади.

Қиморхонанинг зарурий белгиси номаълум шахслар гуруҳи томонидан иштирок этиш, шунингдек, қиморхонанинг доимий ишлаб туриши ҳисобланади.

3. Қиморхона ташкил этиш деганда, қиморхона очиш ва уни ишлатишга йўналтирилган ҳар қандай ташкилий ҳаракатларни тушуниш керак. Бундай ҳаракатлар хона излаш, уни махсус жиҳозлаш (мебель, ўйин мосламалари билан), мижозларни излаш, унда хизмат кўрсатадиган шахсларни қидириш ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

4. Қиморхонани сақлаш деганда, қиморхона ишлаб туришини таъминлашни, уни доимий иш билан таъминлашни (таъмирлаш, қўриқчилар билан таъминлаш ва ҳоказоларни) тушуниш лозим.

5. Жиноят қиморхона ташкил этиш ёки уни тайинлашга қаратилган ҳаракатлар содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган жиноятнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланади.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

7. Жиноятнинг субъекти фақат ўн олти ёшга тўлган, қиморхона ташкил этган ва уни таъминловчи шахслар бўлиши мумкин.

Қиморхона мижозлари жиноят субъекти бўла олмайди.



## ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

### ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### XXI боб. БЎЙСУНИШ ВА ҲАРБИЙ ШАЪНГА РИОЯ ЭТИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 279-модда. Бўйсунмаслик

*Бўйсунмаслик, яъни буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқа тарзда қасддан бажармаслик*

— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатларга сабаб бўлса

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари, бошқа ҳарбий тузилмалар давлат суверенитети ва мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини, тинч ҳаёт ва аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш учун тузилган.

Қуроли Кучлар фаолияти ва бошқа ҳарбий тузилмаларнинг асоси, шунингдек, улар томонидан вазифаларнинг бажарилиши кафолатлари ҳарбий хизматни ўташ тартибига қатъиян риоя қилиш ҳисобланади.

2. Ҳарбий судлар ҳарбий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳарбий интизом ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сусайтириб, мамлакат мудофаасига зарар етказишида намоён бўлишини кўзда тутмоғи лозим.

Ҳарбий жиноятлар орасида энг кўп тарқалган жиноятлар ҳарбий хизматдан бош тортиш, ҳарбийлар орасидаги муносабатлар устав қоидаларига бўйсунмаслик, ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши ёки ҳокимият доирасидан четга чиқиш, бошқа ҳарбий

жиноятлардир. Ундан ташқари, ҳарбийлар томонидан умумжиноий хусусиятга эга, шу жумладан, оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳам содир этилмоқда.

3. Ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбийлар ёки ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан йиғинлар даврида ҳарбий хизматни ўташда ўрнатилган тартибга қарши содир этилган жиноятлар тушунилади.

Ҳарбий хизмат ўташ тартиби қонун, қўшинларнинг турмуш тарзи ва жанговар тайёргарлиги жараёнида вужудга келадиган, ҳарбий ташкилотчилик тамойиллари акс этган ҳарбий қасамёд ва ҳарбий низомларда мустаҳкамланган: ҳарбий хизмат фуқаронинг конституциявий мажбурияти, яккабошчилик ва шунга асосланиб ходимларнинг раҳбарга бўйсунуш муносабатлари, мазкур муносабатлар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашни англатади.

4. Ҳарбий жиноятлар субъекти Куролли Кучлар, Давлат чеғарасини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчи қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ҳарбий бўлим ва идоралар ҳарбийлари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғин ўтовчи шахслар ҳисобланади.

5. Ҳарбий судлар судловига тегишли жиноят ишлари «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Жумладан, ҳарбий судлар судловига фавқулодда ҳолатлар туфайли умумий судлар фаолият кўрсатмаётган жойлардаги барча жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор ишлар, шунингдек, ҳарбий хизмат даврида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган, бироқ, иш судда кўриладиган пайтга келиб ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тузилиши, унга раҳбарлик қилиш ва ҳарбийлар ўртасидаги муносабатлар тамойилларидан бири яккабошчилик ва шунга асосан ходимларнинг раҳбарга бўйсунуши ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бу бошлиқлар (раҳбарлар)нинг бўйсунувчиларга нисбатан бошқарув ҳокимияти билан тўла таъминланиши ва уларга ҳарбий қисм,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2000 йил 14 декабрдаги 164-П-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом, 4-банди. Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами, 2001, 8-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1.3-банди.

бўлинма ва ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳаёти ва фаолиятининг барча томонлари учун давлат олдидаги шахсий жавобгарлик юклатилишида ўз аксини топади. Бўйсунувчи томонидан бошлиқ буйруғининг бажарилмаслиги ҳарбий тадбирлар ва қўйилган вазифаларнинг ижросининг тўхтаб қолишига, баъзан, жанговар вазиятларда оқлаб бўлмайдиган қурбонларга олиб келади.

7. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти бўйсунушнинг ўрнатилган тартиби ва ҳарбий устав муносабатлари ҳисобланади. Қўшимча объект сифатида шахс ва командирлар ҳамда бошлиқларнинг хизмат мавқеи эътироф этилади. Бироқ, буйруқ бўйсунувчининг, нафақат, хизмат фаолиятига, балки унинг хизматдан ташқари, жамоатчилик жойларидаги хатти-ҳаракатига ҳам тегишли бўлиши мумкин.

8. Объектив томондан жиноят бўйсунмасликда, яъни буйруқни очикдан-очик бажаришдан бош тортишда, шунингдек, буйруқни бошқача тарзда бажармасликда ўз ифодасини топади.

Шарҳланаётган моддада бажарилмаслиги учун жинойи жавобгарлик белгиланган буйруқни бажармаслик бошлиқнинг бўйсунувчига қаратилган ва муайян ишларнинг мажбурий бажарилишини, у ёки бу қоидалар ёки низомда белгиланган тартибга риоя этилишини талаб қилган муайян буйруғини англатади.

Шаклига кўра, буйруқ ёзма, оғзаки ёки техник алоқа воситалари орқали берилиши мумкин. Шу билан бирга, айрим масалаларга нисбатан (масалан, молиявий, кадрлар) мажбурий равишда ёзма шакл белгиланган, акс ҳолда ҳужжат ноқонуний ҳисобланади. Буйруқ бўйсунувчига бевосита ёки бошқа шахс орқали берилиши мумкин; у буйруқ, кўрсатма, фармойиш шаклида бўлиши мумкин — буларнинг барчаси қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

9. Буйруқ фақат хизмат бўйича ва хизмат манфаатларини кўзлаб берилиши лозим, акс ҳолда, у қонуний кучга эга эмас. Бошлиқнинг ноқонуний буйруғини бажармаган бўйсунувчи бунинг учун жавобгарликка тортилмайди (ЖКнинг 40-моддаси шарҳига қаранг). Командир (бошлиқ)лар эса, буйруқ ва фармойиш берганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

10. Бундай фармойишларни ҳарбийлар хизматнинг у ёки бу соҳасидаги фаолияти умумий қоидаларидан таркиб топган буйруқлар билан расмийлаштириладиган ҳужжатларни (кўрсатмалар, қарорлар, қоидалар ва ҳоказолардан) фарқлаш лозим. Бундай кўрсатмаларнинг бажарилмаслиги бўйсунмаслик, деб эътироф этилмайди, бироқ, айрим ҳолларда у бошқа ҳарбий жиноятни ташкил қилиши мумкин. Масалан, соқчилик қилаётган жойдан бе-

рухсат кетиш, ЖКнинг 295-моддасида кўзда тутилган қоровуллик хизматини ўташ низом қоидаларини бузишни англатади. Шу билан бирга қоровуллик бошлиғининг постни бўшатиш ҳақидаги талабини бажармаслик бўйсунмасликни келтириб чиқаради.

11. Буйруқ фақат бошлиқ томонидан бўйсунувчига берилади.

*Бошлиқ* – тобелигида бошқа ҳарбий хизматчилар бўлган, буйруқ, фармойиш беришга ҳақли ва уларнинг бажарилишини назорат қиладиган ҳарбий хизматчи. Ҳарбий хизматчи лавозимига ёки ҳарбий унвонига кўра, бошлиқ бўлиши мумкин. Ҳарбий лавозим ҳарбий уставлар ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бу сафдаги хизмат: бўлим, взвод, рота, батальон ва ҳоказолар командирларининг, бўлим ва хизмат, суткалик наряднинг айрим турлари (қоровул, назорат-ўтиш пункти ва ҳоказолар) бошлиғи штат лавозими. Бошлиқ лавозими муайян вазифани бажариш мақсадида муайян вақтга штатдан ташқари ҳам тайинланиши мумкин (масалан, отиш машқлари, хўжалик ишлари, ўқув машғулотларини ўтказиш мақсадида ва ҳоказо). Ҳарбий хизматчи бошлиқ лавозимини доимий ёки муваққат эгаллаши мумкин. Бошлиқ вазифаларини унинг ўринбосари ёки бошқа ҳарбий хизматчи махсус кўрсатма бўйича бажариши мумкин.

12. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий унвон бўйича бўйсунуши Куролли Кучлар ички хизматининг низомида белгиланади. Унга мувофиқ, офицер оддий аскарлар ва сержантлар таркиби шахсларига, сержантлар – бир ҳарбий қисмдан бўлмиш оддий аскарлар учун бошлиқ ҳисобланади.

*Бўйсунувчи* – бошлиғининг буйруқларини бажариши сафдаги хизмат бўлинмаси, бўлим, хизмат, наряд таркибига кирувчи ёки ҳарбий унвон тақозоси билан ўзидан юқори унвонга эга бошқа ҳарбий хизматчи буйругини бажаришга мажбур ҳарбий хизматчи.

13. *Буйруқни бажаришдан очикдан-очик бош тортиш* – бу бўйсунувчининг унга буйруқ билан юклатилган мажбуриятларни бажармаслигини бошлиқдан яширмайдиган ҳаракатсизлиги. Бунда ҳаракатсизлик фаол (масалан, бўйсунувчи буйруқни бажаришдан бош тортади, яширинади ёки буйруқни бажаришдан бошқача усул билан бош тортади) ва пассив (хусусан, буйруқни бажариш учун зарур чораларни кўрмаслик) бўлиши мумкин.

Буйруқни бажаришдан очикдан-очик бош тортиш бўйсунувчининг буйруқни бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги қатъий рад жавоби, буйруқни олгандан кейин уни бажармаслик мақсадида намоишкорона ташлаб чиқиб кетишида ва ҳоказоларда ўз ифодасини топиши мумкин.

«Ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бош тортиш — ҳарбий хизматчи томонидан очиқдан-очиқ, ёлгон ишлатмасдан, оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ҳарбий хизматни ўташ ёки унинг баъзи мажбуриятларини бажаришни истамасликда ва амалда уларни бажармай қўйишда намоён бўлади.

Тобе шахснинг ўз қўмондони муайян топшириқларини бажаришдан бош тортиши (масалан, хизмат сафарига жўнаш, суткалик нарядга киришиш ва ҳоказо) ҳарбий хизматдан умуман бош тортиш сифатида қўрилиши мумкин эмас. Бундай ҳаракатлар бўйсунмаслик жиноят таркибини ташкил қилади, чунки бундай ҳолда қўмондон талаби буйруқ хусусиятига эга бўлиб, ҳаракат эса, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш эмас, балки буйруқни очиқдан-очиқ бажармасликка қаратилган»<sup>1</sup>.

14. Буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, бўйсунувчи ўрнатилган муддатда уни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай чора кўрмаган бўлса, тугалланган жиноят ҳисобланади. Агар ҳарбий хизматчи ҳаракатни бажариш учун буйруқ олиб, бошлиққа ўзининг мазкур ҳаракатни бажариш айнан унга топширилганлиги, лекин бошқа ҳарбий хизматчига топширилмаганлиги тўғрисидаги норозилигини ифодаласа ёки бошлиқнинг буйруғини муҳокама қилиб, уни бажармаслик йўллариини изласа, амалда эса, уни бажарса, бундай гап қайтариш бўйсунмасликни вужудга келтирмайди. Улар интизомий тартиббузарлик, деб топилиши мумкин.

15. Бўйсунувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган пайтда била туриб буйруқнинг бажарилмаслиги буйруқни бошқача тарзда қасддан бажармаслик ҳисобланади. Бунда буйруқни бажармасликка қасд буйруқ олиш билан ёки бир қанча муддат ўтгандан кейин вужудга келиши мумкин.

Буйруқда кўрсатилган кўрсатмаларнинг бажарилмаслиги, буйруқда тақиқланган хатти-ҳаракатларни бажариш ёки буйруқни лозим даражада бажарилмаслик (ўз вақтида эмас, тўлалигича эмас, ноаниқ) буйруқни бажармаслик ҳисобланади.

Бўйсунувчининг ўз иродасини бошлиқ иродасига қарши қўйиб, фармойишга мувофиқ, хатти-ҳаракат содир этмасдан, ўзи тўғри, деб ҳисоблаганича иш тутиши (муайян қатъий ҳаракат йўналишини, вақт ҳисобини ёки топшириқнинг бажаришнинг куч ва воситаларини ўзгартириш ёхуд бошқача усулда фармойишдан чекиниш) ҳам буйруқни бажармаслик, деб баҳоланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.8-банди.

16. Бўйсунувчининг ўзига берилган фармойишни бажаришга имконияти бўлмай, буйруқни бажаришдан очикдан-очик бош тортиши ёки уни қасддан бажармаслиги жиноят, деб топилмайди.

17. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят айбнинг тўғри қасд шакли орқали тавсифланади. Айбдор ўзи томонидан бошлиқнинг қонуний фармойишлари бажарилмаётганини тушунади ва шу хатти-ҳаракатни содир этишни ихтиёр этади.

18. Шарҳланаётган жиноятнинг субъекти ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар — ҳарбий хизматчилар<sup>1</sup> ҳисобланади.

Ҳарбий хизматнинг бошланиши фуқаронинг ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига киритилган кун, тугалланиши — ҳарбий хизмат муддати тугалланган кун ҳисобланади. Қуролли Кучлар, Давлат чегарасини ҳимоя қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар ҳарбий бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ҳарбий хизматчилар қаторига киритилади<sup>2</sup>.

Жиноят субъектлари сифатида ҳарбий йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — резервдаги ва захирадаги шахслар ҳисобланиб, улар қонунда ўрнатилган ёшгача вақти-вақти билан ҳарбий хизматга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун икки ойга қадар муддатга ҳарбий йиғинларга чақирилади. Йиғинлар пайтида улар ҳарбий хизматни ўташади, уларга нисбатан ҳарбий низоми амал қилади ва ҳарбий хизматга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланади.

Улар хизматининг бошланиши — йиғинларнинг биринчи куни, тугалланиши — йиғинларнинг охири куни ҳисобланади.

19. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида буйруқни бажаришдан очикдан-очик бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқача тарзда қасддан бажармаганликнинг квалификация қилинган қуйидаги белгиларини назарда тутати:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса;
- б) оғир оқибатларга сабаб бўлса.

20. Икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг биргаликда ҳаракат қилиб, улардан ҳар бири буйруқни ўзидан бошқа шерик-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, 3-модда, 3-қисми. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 1-сон, 2003 йил.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1.2-банди.

лари ҳам бажармаётганлигини англаса, жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган, деб топилади. Гуруҳий бўйсунмасликда айбдорлар ижрочи сифатида қатнашадилар. Айни пайтда, гуруҳ қатнашчилари олдиндан бўйсунмаслик тўғрисида тил бириктирган ёки бириктирмаган бўлишлари ҳам мумкин, шунингдек, шарҳланаётган жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлиши мумкин (иштирокчиликнинг бу шакллари тўғрисида батафсилроқ ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

21. Бўйсунмасликнинг оқибати бажарилмаган талаблар аҳамиятига, жисмоний зарар ҳажмига (масалан, баданга ўртача оғир шикаст етказишни оғир оқибат, деб эътироф этиш мумкин), моддий зарар миқдорига (баданга оғир шикаст етказишда у кўп ва жуда кўп миқдорда бўлиши лозим), бошқа бўйсунувчиларга таъсир кўрсатишга (оғир оқибат, деб буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, агар бу чақириқ амалга оширилган бўлса, бошқа ҳарбий хизматчиларни бошлиқ буйруғини бажармасликка чақириш) ва бошқа омилларга кўра оғир, деб эътироф этилади. Ҳар бир аниқ ҳолатда айбдорнинг хатти-ҳаракати билан сабабий боғланишда бўлган оқибатларнинг оғирлиги суд томонидан уларнинг характериға мувофиқ баҳоланиши лозим. Бунда оқибатларға нисбатан айбдорда эгри қасд бўлади. Агар юзага келган оқибатларға нисбатан жиноят субъектнинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланса, ушбу ҳаракат ЖКнинг 280-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Одам ўлдириш оғир оқибатлар мазмуни билан қамраб олинмайди ва зарур белгилар мавжудлигида жиноятлар жами бўйича квалификация қилишни талаб этади.

22. ЖКнинг 279-моддаси, 3-қисмида жанговар вазиятда буйруқни очиқдан-очиқ бажармаслик, шунингдек, бошқа тарзда қасдан бажармаслик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

*Жанговар вазият* — ҳарбий қисм ёки бўлинманинг душман билан бевосита юзма-юз тўқнашиши ёки тўқнашиш хавфи билан тавсифланувчи оператив вазият. Бундай тўқнашиш уруш шароитида ҳам, тинчлик шароитида ҳам вужудга келиши мумкин. Тинчлик шароитидаги жанговар вазият Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бўлинмаслиги ва дахлсизлигига қарши қаратилган нодавлат ҳарбий тузилмаларнинг қуролланган ҳаракатлари натижасида юзага келиши мумкин. Масалан, бу ҳудуднинг қайсидир қисми устидан назорат ўрнатиш ёки сепаратчиларға ёрдам бериш мақсадида мазкур давлатга тегишли бўлмаган ҳарбий қисмнинг чет эл давлати томонидан ўтиши бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган жиноятни жанговар вазиятда содир этганлик учун ЖКнинг 279-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарлик етказилган оқибатлардан қатъий назар, келиб чиқади.

### **280-модда. Буйруқни бажармаслик**

*Буйруқни эҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп миқдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— икки йилгача хизмат юзасидан чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

*Уша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида белгиланган бўйсунуш тартиби, шунингдек, ўзганинг соғлиғи, мулки ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят эҳтиётсизлик орқасида кўп миқдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатлар келтириб чиқарган буйруқни бажармасликда ўз ифодасини топади.

3. Жиноят кўп миқдорда зарар ёки оғир оқибатлар етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

4. *Кўп миқдордаги зарар* деб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган зарарга айтилади.

5. *Оғир оқибатлар* — ЖКнинг 279-моддаси, 2-қисмида кўзда тутилган оқибатлар билан айнан бир хил (ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

6. Субъектив томондан жиноят айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этилади. Жиноятни содир этиш мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамиятга молик эмас.

7. Субъект ҳар бир ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

8. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида жанговар вазиятда буйруқни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган (жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

### **281-модда. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш**

*Бошлиққа, шунингдек, ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этиш*



— *икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар:*

*а) бир гуруҳ шахслар томонидан;*

*б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;*

*в) оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— *беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— *беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти ҳарбий бўйсунушнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

2. Жабрланувчи юқори унвонга эга ёки бошқа шахс (қоровул, соқчи, патруль ва бошқалар) ҳисобланади.

3. Ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахс, деб навбатчи, патруль, соқчи, жамоатчилик тартибини ва жамоатчилик хавфсизлигини сақлаш бўйича ҳарбий наряд таркибига кирувчи бошқа шахсга айтилади.

4. (Бошлиқ тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

5. Объектив томондан жиноят бошлиққа, шунингдек, ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этишда ўз ифодасини топади.

6. Қаршилик кўрсатиш деб, бошлиққа ёки бошқа ҳарбий хизматчига муайян хизмат юзасидан юклатилган вазифани бажаришга йўл қўймасликка айтилади (масалан, шаҳарда жамоатчилик тартибини бузганлиги учун ҳарбий хизматчини ушлашда патруль хизматчиларига қаршилик кўрсатиш ва ҳоказолар).

7. Очикдан-очик қаршилик кўрсатиш деб, хизмат мажбуриятларини бажаришни бузишга ёки ҳарбий хизмат манфаатларига қарши ушбу мажбуриятлар мазмунини ошкора ўзгартиришга ҳаракат қилишга қаратилган ҳаракатлар баҳоланади. Ҳарбий хизматга қарши ижтимоий хавфли ҳаракатлар очик, қўпол хусусиятга эга бўлиб, одатда, ҳарбий хизмат вазифаларини бажарувчи бошлиқ ёки бошқа шахс шахсияти устидан зўрлик ишлатиб амалга оширилади.

8. Қаршилик бошлиқ ёки унинг хизмат мажбуриятларини қонуний равишда бажариб турган бошқа шахсга нисбатан кўрсатилиши мумкин.

Бошлиқ ҳарбий хизмат вазифаларини бажараётган ҳолатлар деб, ўз хизмат ваколатларини амалга ошираётган (қўл остидагиларга раҳбарлик қилаётган, ўқув машғулотилари ўтказаётган, уларни нарядга киришишга тайёрлаётган ва ҳоказо) ҳолатларга айтилади. Айрим ҳолларда бошлиқ хизмат мажбуриятларини бажаришни тўсатдан бошлаши мумкин. Масалан, бошлиқ шаҳарда ўзига бўйсунувчининг жамоат тартибини бузаётганида кўриб қолса, мазкур гайриқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилади.

Бошқа ҳарбий хизматчилар (бошқа шахслар) ҳарбий хизмат юзасидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажараётган ҳолатлар деб, махсус мажбуриятлар, масалан, қоровул, патруль ёки ички наряд таркибида ёхуд бошлиқ буйруғи билан бажарилаётган ҳолатлар ҳисобланиши мумкин.

9. Мажбур этиш деганда, айбдорнинг бошлиқни айбдор ёки бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб бошлиқни ёки бошқа шахснинг хизмат мажбуриятларини бузишга мажбур қилишга қаратилган фаол ва ташаббускорона хатти-ҳаракатлари (масалан, ноқонуний равишда қисқа муддатли таътил бериш, хизмат юзасидан у ёки бу мажбуриятларни бажаришдан озод этиш) тушунилади.

Хусусан, иккинчи йил хизмат қилаётган айрим ҳарбий хизматчиларнинг сержантга нисбатан зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиш орқали ўзлари учун ёш ҳарбийларга нисбатан хизматнинг енгиллаштирилган шароитларини талаб қилишларини ҳам мажбур этиш сифатида квалификация қилиш лозим.

Айбдорнинг куч ишлатиб, бошлиққа ёки ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатишида ифодаланган қаршиликдан фарқли ўлароқ, мажбур этиш бу шахсларнинг онги ва иродасига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишни кўзда тутати.

10. Мажбур этиш бошлиқ ёки бошқа шахс ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларини бажараётган пайтда ҳам, келгусида бажариши лозим бўлган (масалан, бошлиқнинг бўйсунувчини янги ишга ўтишга мажбур этиши) бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мажбур этишнинг белгиси жабрланувчига бирон-бир ишни бажариш учун қандайдир муайян ҳаракатни бажаришдан воз кечишга оид талаб қўйилиши ҳисобланади.

11. Қаршилик кўрсатиш ёки мажбур этиш жисмоний куч ишлатиш ёхуд руҳий таъсир ўтказиш орқали содир этилиши мумкин (масалан, айбдорнинг талабини бажаришдан воз кечган ҳолда бошлиқнинг мавқеига нутур етказиши мумкин бўлган маълумот-

ни тарқатиш). Агар қаршилик кўрсатишда енгил, ўрта оғирликда тан жароҳати етказилган бўлса, айбдорнинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 283-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди.

12. Жиноят таркиби учун қаршилик кўрсатиш натижасида бошлиқ (бошқа шахс) хизмат юзасидан ўзига юклатилган мажбуриятларини, бажариш имкониятидан, маҳрум бўлиши, мажбур этиш натижасида эса, ўша мажбуриятларни бузиши талаб қилинмайди. Ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришга қаршилик кўрсатишнинг ёки уларни бузишга мажбур этишнинг ўзи тугалланган жиноят ҳисобланади.

13. Субъектив томондан бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур этиш фақат тўғри қасд билан амалга оширилади.

14. Жиноят субъекти ҳар қандай, жумладан жабрланувчига бўйсунмайдиган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

15. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қуйидаги жиноятларнинг содир этилиши учун жавобгарлик белгилайди:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;
- в) оғир оқибатларга сабаб бўлса.

16. (Бир гуруҳ шахслар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

17. *Қурол* деганда, штат ҳарбий қуроли (автомат, милтиқ, найза, пичоқ), шунингдек, бошқа ўқотар ёхуд совуқ қуроллар (ов милтиғи, фин пичоғи ва ҳоказолар), яъни жонли нишонни нобуд қилиш учун мўлжалланган махсус предметлар тушунилади. Ўқотар ёхуд совуқ қуролга кирмайдиган қурол сифатида ишлатиладиган предметлар (ошхона пичоғи, болта, таёқ ва ҳоказолар) айбдорнинг хатти-ҳаракатлари ЖКнинг 281-моддаси, 2-қисми, «б» банди бўйича квалификация қилиш учун асос бўла олмайди. Шунингдек, яроқсиз ёхуд ясама қуроллар ҳам қурол сифатида инобатга олинмайди<sup>1</sup>.

18. *Қурол ишлатиш* деганда, ундан мақсадга мувофиқ (масалан, ўқ отиш, пичоқ уриш ва ҳоказолар) ёки руҳий таъсир ўтказиш (кўрсатиш, кўрқитиш) мақсадида фойдаланиш тушунилади.

<sup>1</sup> Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 28 декабрдаги «Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 7-банди.

Куролдан унинг конструкцияси ва моҳиятидан келиб чиқадиган яксон қилувчи восита сифатида эмас, балки фақат калтаклаш предмети сифатида фойдаланиш куролни қўллаш ҳисобланмайди<sup>1</sup>.

19. (Оғир оқибатлар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг). Шарҳланаётган моддага нисбатан мазкур белги ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга эмас.

20. ЖКнинг 281-моддаси, 3-қисми шарҳланаётган жиноятнинг жанговар вазиятда содир этилиши учун жавобгарлик белгилайди (ЖКнинг 279-моддаси, 3-қисми шарҳига қаранг).

21. Баъзи ҳолларда ҳарбий хизматчи бошлиққа ёки бошқа ҳарбий хизматчига қаршилик кўрсатишдан илгари жамоат жойларида зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни талон-тарож қилиш орқали қондани бузганлигида ифодаланган безорилик қилган ҳолларда қаршилик кўрсатиш безорилик хатти-ҳаракатларини тўхтатиш бўйича чораларга жавоб бериш ҳисобланади. Бундай ҳолларда икки жиноятнинг реал жами — ЖКнинг 281-моддаси ва 277-моддасида назарда тутилган ҳарбий ва умумжиноий — яққол кўзга ташланади.

## 282-модда. Бошлиқни қўрқитиш

*Жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлса*

*— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти ҳарбий бўйсунининг ўрнатилган тартиби, ўзгаларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят жанговар вазиятда ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бундай ҳаракат амалга оширилиши учун етарли асос мавжуд бўлса, бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда намоён бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 112-моддаси бўйича квалификация қилишни талаб этмайди (бу ҳақда баътафсилроқ ЖКнинг 112-моддаси шарҳига қаранг).

3. Субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Жиноятни содир этиш мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамият касб этмайди.

4. Жиноят субъекти — лавозими ёки унвони бўйича бўйсунинишда бўлган ҳарбий хизматчи.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.3-банди.

## 283-модда. Баданга шикаст етказиш

*Бошлиқни дўппослаш, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш у ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда содир этилган бўлса*

— *уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Баданга оғир шикаст етказиш, шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:*

*а) бир гуруҳ шахслар томонидан;*

*б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса*

— *уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— *етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти уставда белгиланган фаолиятни таъминловчи ҳарбий бўйсунуш, ўрнатилган тартиб ҳисобланади. Қўшимча объектларга командирлар таркиби ҳарбий хизматчиларининг саломатлигини киритиш мумкин.

2. Объектив томондан жиноят бошлиқни ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтида дўппослаш, унинг баданига енгил ва ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланади.

3. (Дўппослаш, баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 105, 109 ва 110-моддалари шарҳига қаранг).

4. ЖКнинг 283-моддаси бўйича, бошлиқнинг баданига шикаст етказганлиги учун жиноий жавобгарлик бошлиқнинг ҳарбий хизмат юзасидан мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан зўрлик ишлатилган бўлса, келиб чиқади.

5. Хизмат юзасидан вазифалар деганда, ҳарбий уставларга мувофиқ ўрнатилган лавозим мажбуриятларини бажариш тушунилади. Бу ҳарбий навбатчилик ва бошқа ҳарбий хизматда бўлиш, командир (бошлиқ) томонидан берилган ёки топширилган буйруқ, фармойиш ёки вазифаларни бажариш, хизмат вақти кун тартибида ўрнатилган муддат давомида ҳарбий қисм ҳудудида бўлишдан иборат бўлиши мумкин.

6. Жиноят кодексининг 283-моддаси билан квалификация қилинадиган зўравонлик ҳаракатлари илгари бўйсунувчининг бошлиқ хизмат фаолиятидан норозилиги замирида (таътил бермаганлиги учун бошлиқ устидан зўрлик қилиш) ёхуд унинг мазкур вақтдаги муайян ҳаракатлари (бошлиқни бўйсунувчига нолайиқ хатти-ҳаракати муносабати билан танбеҳ бергани учун дўппослаш) ва ҳоказолар туфайли содир этилиши мумкин.

7. Рашк, ҳасад ёки бошқа шахсий муносабатлар мотивлари бўйича бўйсунувчи томонидан бошлиқнинг дўппосланиши, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши шарҳланаётган жиноят таркиби белгиларига кирмайди. Айбдорнинг бундай хатти-ҳаракатлари муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ЖКнинг 104, 109, 110-моддалари бўйича умумжиноий жиноятлар сифатида квалификация қилинади<sup>1</sup>.

8. Жиноят бошлиқнинг ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажариб турган жойида ҳам, ундан ташқарида ҳам содир этилиши мумкин.

9. Бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш унга қаршилиқ кўрсатиш ёки хизмат мажбуриятларини бузишга мажбур этиш жараёнида қўлланилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 281-моддаси бўйича квалификация қилинади ва ЖКнинг 283-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди.

10. Жиноят баданга тегишли оғирлик даражасидаги шикаст етказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

11. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор бошлиққа зўрлик ишлатаётганлигини англайди, унинг соғлиғига зарар етказишни хоҳлайди.

Агар жиноят бошлиқнинг ҳарбий хизмат юзасидан мажбуриятларини бажараётган вақтида содир этилмаса, субъектни айблаш учун бошлиқ соғлиғига шикаст етказиш унинг ўз хизмат вазифаларини бажарганлиги юзасидан етказилган бўлиши шарт.

12. Жиноят субъекти зўрлик ишлатаётган шахсга нисбатан хизмат юзасидан ёки ҳарбий унвонига кўра доимий ёки муваққат бўйсунувчи ҳарбий хизматчи ҳисобланади.

13. Бир-бирига тобе бўлмаган, яъни тенг муносабатда бўлган бир ҳарбий хизматчи томонидан иккинчисини ёки ҳарбий унвони кичикнинг ҳарбий унвони каттани ёхуд ҳарбий унвони каттанинг

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.7-банди.

унвони кичикни дўппослаши ёки соғлиғига шикаст етказиши, ЖКнинг 285-моддасига мувофиқ, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қондаларини бузиш, деб квалификация қилинади.

14. Мазкур модданинг 2-қисмида бир гуруҳ шахслар томонидан ёки қурол ишлатиб бошлиқни дўппослаганлик, унинг баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

15. ЖКнинг 283-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг квалификация қилиш белгилари юқорида кўриб чиқилган бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш таркибининг квалификация қилинган белгилари билан айнан ва мазкур моддага татбиқан қўшимча шарҳлашни талаб қилмайди.

16. (Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 104-моддаси шарҳига қаранг).

17. Бошлиққа ҳарбий хизмат юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёхуд бажараётган вақтда баданига оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 283-моддаси, 2-қисми ва 104-моддаси, 2-қисми, «д» банди бўйича квалификация қилинади, чунки ўлишга сабаб бўлиш ЖКнинг 283-моддаси, 2-қисми диспозицияси билан қамраб олинмаган.

18. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган ҳолатларда бошлиқни қасдан ўлдириш ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, «г» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бу ҳолатда жиноятнинг ЖКнинг 283-моддаси, 2-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

19. ЖКнинг 283-моддаси, 3-қисми шарҳланаётган модданинг 1 ёки 2-қисмида кўзда тутилган қилмишларни жанговар вазиятда содир этганлик учун жавобгарликни белгилайди (жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

20. ЖКнинг 283-моддаси бўйсунувчининг бошлиққа нисбатан унинг қонуний хизмат вазифалари муносабати билан қўллаган зўрлик ишлатиш хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни белгилайди. Агар бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш бошлиқнинг қонунга хилоф ҳаракатларидан ҳимояланиш тариқасида қўлланган бўлса, бўйсунувчининг шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлиги истисно қилинади. Бундай зўрлик ишлатиш ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб, зарурий мудофаа ёхуд ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноят сифатида тан олинishi лозим.

## **284-модда. Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши**

*Бўйсунувчининг ўз бошлиғини, шунингдек, бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши шундай ҳаракатлар учун интизомий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

*— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.*

1. Қонун бўйсунувчининг бошлиқ ёки бошлиқнинг бўйсунувчи шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлагани учун жавобгарлик белгилайди. Жиноят қонуни бошлиқнинг шаъни ва қадр-қимматини бўйсунувчи, шунингдек, бўйсунувчининг шаъни ва қадр-қимматини бошлиқ тажовузидан бир хил ҳимоя қилади, бу эса, ҳарбий уставлар талабларига мувофиқдир.

2. Жиноят объекти ўрнатилган бўйсунуш тартиби ва бошлиқ, шунингдек, бўйсунувчининг шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади. Жабрланувчи бошлиқ ёки бўйсунувчи бўлиши мумкин.

3. Объектив томондан жиноят бўйсунувчининг айни шундай ҳақорат учун илгари интизомий жазога тортилганидан кейин бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилишидан иборат.

Биринчи бор ҳақорат қилган шахс Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари интизомий уставига мувофиқ, интизомий жазога тортилади. Ҳақорат шахсининг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан камситишда ўз ифодасини топади (ЖКнинг 140-моддаси шарҳига қаранг).

4. Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган жиноят ҳарбий муносабатлар уставларида мустаҳкамланган тартибни бузади, ҳарбий хизматчининг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайди. Жиноят фақат ҳарбий қисм ҳудудида ва хизмат пайтида эмас, балки мазкур ҳудудлардан ташқарида, ҳарбий хизматчининг қисқа муддатли таътили, сафари чоғида ва бошқа пайтларда содир этилган бўлиши ҳам мумкин.

5. Агар ҳақорат қилиш ҳарбий хизматчиларнинг шахсий муносабатлари негизида юз берган бўлиб, улар ўртасидаги тобелик муносабатига дахлдор, жабрланувчининг ҳарбий хизматга доир вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлмаса ёхуд мазкур вазифаларни ижро этиш чоғида юз берган бўлмаса, у ҳолда бундай қилмиш



ҳарбий жиноят, деб топилмайди. Бундай ҳақорат ЖКнинг 140-моддасига мувофиқ квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

6. *Шаън ва қадр-қимматни таҳқирлаш* — жабрланувчи шахсининг салбий баҳоланиши, атрофдагилар олдида унинг мавқеини ерга уриш, унинг инсоний қадр-қимматини ва ҳарбий унвонини обрўсизлантиришни билдиради. Шаън ва қадр-қимматни таҳқирлаш содир этилиши усулига кўра оғзаки, ёзма ёхуд турли ҳаракатлар билан ифода этилиши (тупуриш, тарсаки тушуриш, погон ёки бошқа белгиларни юлиб ташлаш ва ҳоказолар) ёхуд ахлоқнинг умумэътироф этилган нормаларига, одоб-ахлоқ, этиканинг элементар талабларига хилоф беадаб ибора ёки хатти-ҳаракатда ифода этилиши мумкин.

7. Ҳақорат қилиш бошлиққа нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, жумладан, уни уриш, унинг баданига ҳар хил даражада шикаст етказиш билан амалга оширилса, бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари, нафақат, мазкур модда бўйича, балки жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 283-моддаси билан ҳам квалификация қилиниши лозим.

Ўз хусусияти ва йўналишига кўра, бошлиқнинг бўйсунувчига нисбатан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини пастга уриш мақсадида ваколати доирасидан четга чиқадиган жисмоний зўрлик ишлатиш ҳаракатлари ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган ҳарбий мансабдорлик жиноятлари, деб топиллиши мумкин.

8. Шахсни ҳақорат қилиш реал фактлар ёки ҳолатларга асосланган бўлиши мумкин, лекин унинг номаъқул шаклдаги ифодаланиши шарҳланаётган модданинг таркибий қисми ҳисобланади.

9. Жинойий жавобгарлик келиб чиқишининг муқаррар шарти бўйсунувчининг айни шундай ҳақорат учун илгари интизомий жазога тортилганидир, яъни маъмурий преюдиция тушунчасига тенг бўлган интизомий преюдиция ҳисобланади (маъмурий преюдиция тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 177-моддаси шарҳига қаранг).

10. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ҳаракатлари ўз хизмат вазифасини бажариб турган муайян ҳарбий хизматчининг қадр-қиммати ва шаънини таҳқирлашга қаратилганини англаб етади ва айни вақтда у мазкур қилмишларни содир этишни истайди. Ҳақоратнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин ва жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.7-банди.

11. Фақат бўйсунувчи ёхуд хизмати бўйича ёки ҳарбий унвонига кўра, бошлиқ бўлган шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

12. Бир ҳарбий хизматчининг бошқа ҳарбий хизматчини ҳақоратлагани учун жавобгарлик, агар улар ўзаро тобе муносабатда бўлмасалар, ЖКнинг 140-моддасига кўра келиб чиқади.

Бироқ, аynи вақтда, жабрланувчига жисмоний шикаст етказилган ёки унга нисбатан бошқа турдаги зўрлик ишлатилган ҳолларда айбдорнинг қилмиши ЖКнинг 285-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини вужудга келтириши ёки шахсга қарши жиноятларнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

**285-модда. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш**

*Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш, яъни мунтазам хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш*

— олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса;

в) баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш одам ўлишига сабаб бўлса*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) одамларнинг ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидалари ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят мунтазам равишда хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилиши, баданга енгил ёки ўртача шикаст

етказишда, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этишда, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузишда ўз ифодасини топади.

3. «Ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш деганда, хизматдошларини ўзига бўйсундиришни таъминлаш, хизматни ўташ чоғида ўзи учун имтиёзли шароитлар яратиш мақсадида бир ҳарбий хизматчининг бошқасига нисбатан турли хилдаги зўрликлар ишлатиши, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиши тушунилиши лозим»<sup>1</sup>.

ЖКнинг 285-моддаси, 1-қисмида мунтазам хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилиши, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этишда ифодаланувчи ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Шу муносабат билан айбдорнинг бу ҳаракатлари Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар тўғрисидаги тегишли моддаларига биноан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

4. Мунтазам хўрлаш деганда, мазкур ҳаракатларнинг уч мартабадан кам бўлмаган такрорий содир этилиши тушунилади.

5. *Хўрлаш* — жабрланувчи шахсини мазах қилиш йўли билан шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи турли ҳаракатлар.

6. Азоб бериш жисмоний қийнаш орқали содир этилиши мумкин.

*Қийнаш* — узоқ ва азобли оғриқлар.

*Азоб бериш* чимчилаш, тишлаш, баданга майда жароҳатлар етказиш, тирнаш, жабрланувчининг баданига термик, кимёвий ва бошқа моддалар билан таъсир кўрсатиш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин (баданга енгил шикаст етказиш, озодликдан қонунга хилоф равишда маҳрум этиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 109, 138-моддалари шарҳига қаранг).

7. Шарҳланаётган моддий таркибли жиноят хўрлаш, азоб бериш, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган баданга енгил шикаст етказиш ёхуд қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этиш пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи тегишли моддаларга кўра, қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

8. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотиви ва мақсади квалификация учун аҳамиятга эга эмас.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.1-банди.

9. Жиноятнинг субъекти жабрланувчи билан бўйсуниш муносабатида бўлмаган ҳар қандай ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

Ушбу қоидалар хизмат мавқеи ва ҳарбий унвонига кўра тенг, шунингдек, ҳарбий унвонига кўра катта ёки кичик мавқега эга бўлган, лекин ўзаро тобе муносабатда бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасида бузилган ҳолларда, жинойий жавобгарлик ЖКнинг 285-моддаси бўйича келиб чиқади.

Зўравонлик ҳаракатларининг ўзаро тобе муносабатда бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан биргаликда содир этилиши квалификация учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Масалан, аскар томонидан содир этилган устав қоидаларини бузишга айбдорга ҳам, жабрланувчига ҳам бошлиқ бўлган сержант қўшилади ёхуд бошлиқнинг зўрлик ҳаракатларини бўйсунувчи қўллаб-қувватлайди.

Бундай ҳолларда бўйсунувчи томонидан етказилган зўравонлик ҳаракатларида иштирок этган бошлиқнинг ҳаракатлари ЖКнинг 301-моддасида назарда тутилган ҳарбий мансабдорлик жинояти бўйича квалификация қилиниши лозим.

Мазкур ҳолатда бажарувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 285-моддаси бўйича квалификация қилиш лозим, чунки бошлиқ бу ҳолатда мазкур жиноят субъекти ҳисобланмайди ва иштирокчи, деб топилмайди.

Хизмат мавқеига кўра, ўзаро тенг муносабатда бўлган бошлиқнинг устав қоидаларини бузишига айбдор ва жабрланувчига бўйсунувчи шахс келиб қўшилса, бошлиқнинг ҳаракатларини ЖКнинг 285-моддаси бўйича квалификация қилиш, бўйсунувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 28, 285-моддалари бўйича ушбу жиноят иштирокчиси сифатида квалификация қилиш лозим<sup>1</sup>.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидалари:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) қурол ишлатиб;
- в) баданга оғир шикаст етказиб бузилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

11. Бир гуруҳ шахслар томонидан устав қоидаларининг бузилиши ягона қасд билан бирлашган, ҳар бири ЖКнинг 285-моддаси бўйича кўзда тутилган жиноят субъекти ҳисобланувчи ва ишти-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.1-банди, 36—37-бетлар.

рокчи сифатида ҳаракат қилувчи икки ёки ундан ортиқ ҳарбий хизматчи томонидан биргаликда содир этилади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят олдиндан тил бириктириб ёки бириктирмай содир этилиши мумкин. Бундай ҳолларда айбдорларнинг хатти-ҳаракати ЖКнинг 285-моддаси, 2-қисми, «а» банди бўйича квалификация қилиш учун зарурий шарт уларнинг ҳар бирининг уставга хилоф ишни бажараётганини англаши ҳисобланади (бир гуруҳ шахслар тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

Гуруҳ ичида ёки якка ҳолдаги уставга хилоф муносабатлар эпизодлари жиноятларнинг реал жами, деб квалификация қилиниши ва ҳуқуқий жиҳатдан мустақил баҳоланиши лозим.

12. Қурол баданга шикаст етказиш учун қўлланиши, бошқа хил зўрлик пайтида эса, масалан, айбдор қурол ишлатиш таҳдиди остида жабрланувчини ҳарбий хизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга, ўзи учун турли хизматлар қилишга мажбурлаш, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган хатти-ҳаракатлар қилиш пайтида, руҳий таъсир ўтказиш учун қўлланилиши мумкин.

Қуролдан унинг конструкцияси ва моҳиятидан келиб чиқадиган яксон қилувчи восита сифатида эмас, балки фақат калтаклаш предмети сифатида фойдаланиш қуролни қўллаш ҳисобланмайди<sup>1</sup>.

13. ЖКнинг 285-моддаси, 3-қисмида жинойий қилмиш одам ўлишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгиланган.

Агар уставга хилоф зўравонлик ҳаракатлари жабрланувчини қасдан ўлдириш билан тамомланса, айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 285-моддаси, 3-қисми ва кодекснинг шахсга қарши жиноятларни кўзда тутувчи тегишли моддалари (жумладан, ЖКнинг 97-моддаси) бўйича квалификация қилинади.

Амалиётда жабрланувчи юрагининг рефлектор равишда ёхуд айбдорнинг жабрланувчи кўкрак қафасига қўли билан зарба бериши натижасида механик асфиксия бўлиши сабабли тўхтаб қолиши кузатилади. Бундай ҳаракатлар, айбдорда жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилиш қасдининг ишончли далиллари мавжуд бўлмаса, ўзаро ҳарбий муносабатлар қоидалари шахснинг ўлимига сабаб бўлган бузилиши, деб квалификация қилинмоғи лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.3-банди.

14. Жиноят одамларнинг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, жавобгарлик ЖКнинг 285-моддаси, 4-қисми бўйича келиб чиқади.

15. ЖКнинг 285-моддаси, 4-қисми, «б» бандида кўзда тутилган «бошқа оғир оқибатлар» деганда, айбдорнинг уставга зид ҳаракатлари билан сабабий боғланишда бўлган, оғирлигининг хусусиятига қараб суд томонидан баҳоланиши лозим бўлган оқибатлар тушунилади.

16. Ҳарбий хизматчилар ўртасида устав қоидалари бузилиши айрим ҳолларда фақат одамларнинг ўлимига олиб келмай, жанговар топшириқнинг барбод бўлишига, жанговар техниканинг ишдан чиқишига ва бошқа оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳаракатлар, агар улар суд томонидан оғир, деб топилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 285-моддаси, 4-қисми, «б» банди билан квалификация қилиш учун асос бўлиши мумкин.

17. Уставга хилоф зўравонлик ҳаракатлари жараёнида Жиноят кодексининг 285-моддаси турли қисмларида кўзда тутилган зарар етказилса, у ҳолда қилмишни оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиш лозим.

18. Ҳарбий хизматчилар ўртасида уставга оид муносабатларнинг бузилиши айбдорларнинг хизматнинг айрим махсус турларини ўташлари давомида содир этилиши мумкин (қоровуллик, ички хизмат, ҳарбий навбатчилик ва ҳоказолар). Агар айбдор томонидан айна пайтда махсус хизмат қоидалари ҳам бузилса, бу ҳаракатлар ЖКнинг 285-моддаси ва у ёки бу хизмат турини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

19. Ҳарбий хизматчилар ўртасида уставга оид муносабатларнинг бузилиши жабрланувчидан озиқ-овқатини, ҳарбий кийим-кечагини ва бошқа моддий бойликларини олиб қўйиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Агар бунда жабрланувчига тегишли бўлган шахсий мулк ашёлари олиб қўйилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 285-моддасидан ташқари, мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалар билан қўшимча квалификация қилиниши зарур.

Зўрлик ишлатиш ёки уни ишлатиш таҳдиди остида ҳарбий хизматчига бериладиган озиқ-овқат паёғи ёки ҳарбий кийим-кечак ашёларини олиб қўйиш ЖКнинг 285-моддасининг диспозицияси билан тўлалигича қамраб олинади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 3.6-банди.

## 286-модда. Мародёрлик

*Мародёрлик, яъни ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноят объекти Куролли Кучларда ўрнатилган ахлоқий асослар ҳисобланади.

Жиноят предмети ярадорларнинг ёки ҳалок бўлганларнинг мулки ҳисобланади.

2. Обьектив томондан жиноят жанговар вазиятда ҳалок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини (ҳарбий кийим-кечак, пул, қимматбаҳо буюмлар, соат ва ҳоказоларни) эгаллашда ифодаланади.

3. Буюмларни эгаллаб олиш турли шаклда, яъни зўрлик ишлатиб амалга ошириладиган ўғирлаш ёки эгаллаб олиш бўлиши мумкин. Ҳалок бўлганлар ёки ярадорларнинг буюмларини эгаллаб олишнинг мажбурий белгиси жиноятнинг жанговар вазиятда содир этилишидир (жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

Жиноят, ҳалок бўлганлар ёки ярадорлар душман томоннинг қайси бирига тааллуқлилигидан, уларнинг ҳарбий хизматчи ёки фуқаро аҳолиси бўлишидан қатъий назар, ҳалок бўлганлар ёки ярадорларнинг буюмлари эгаллаб олинган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

4. Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасдда ифодаланади.

Жиноятни квалификация қилиш учун мотив ва мақсад аҳамият касб этмайди.

5. Фақат ҳарбий хизматчилар жиноят субъекти бўлиши мумкин. Фуқаролар умумжиноий жиноятлар учун жавоб беришлари лозим.

6. Агар айбдор мародёрлик билан шуғуллана туриб, ярадор шахснинг саломатлигига зарар етказса, у ҳолда унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг жабрланувчи шахснинг саломатлигига етказилган зарар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалар бўйича қўшимча квалификация қилинади.

7. Агар айбдор мародёрликда ярадорни ўлдириб, мулкига эгалик қилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 286-моддаси ва 97-моддаси бўйича квалификация қилинади.

8. Ярадорларни жанг майдонидан батальон ёки полкнинг тиббий ёрдам кўрсатиш жойларига ташиб келишда уларнинг буюм-

ларига эгалик қилиш мародёрлик, деб топилмайди. Бундай ҳаракатлар буюмларга эгалик қилишга (мулкка) қарши жиноят (ўғирлик, талончилик ва ҳоказолар) сифатида квалификация қилинади.

9. Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлганларнинг кийим-кечаклари ёки озиқ-овқатларидан ўз ҳаётини ёки ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиш учун фойдаланса, бундай ҳаракат учун унинг жавобгарлиги истисно этилади, чунки у охириги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлади (ЖКнинг 38-моддаси шарҳига қаранг).



## XXII боб. ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

### 287-модда. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш

*Муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, отпускадан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслиги, шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*

— олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

*Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиси, офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапорщик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек, узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслиги*

— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, хизматга белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаслик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган бўлса*

— беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса, муддатидан қатъий назар*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ тартиби «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларида белгиланган.

2. Жиноятнинг объекти — ҳарбий хизматни ўташ тартиби ҳисобланади.

«*Ҳарбий хизматни ўташ тартиби* — қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар бўлиб, улар қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган»<sup>1</sup>.

3. Объектив томондан ЖКнинг 287-моддаси, 1-қисми қуйидагиларда:

- ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишда;

- ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, таътилдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслигида ифодаланади.

4. Ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилган ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ҳудудида жойлашган казармаларда жойлаштирилади. Ҳарбий хизматни бошқа жойларда ҳам ўташ мумкин.

5. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини тегишли ҳарбий бўлинма командири (бошлиғи) рухсати билан ташлаб кетиш мумкин. Командир рухсати мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳарбий қисм ёки хизмат жойи ёхуд дислокация жойини ташлаб кетиш ҳарбий уставга мувофиқ ман қилинади, акс ҳолда, бу қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳисобланади.

6. *Ҳарбий қисм ҳудуди* — бу ҳарбий қисмнинг казарма, лагерь ёки поход жойлашуви, яъни ҳарбий хизматчилар доимий ёки вақтинчалик яшаш ва хизматни ўташ жойи.

7. Хизмат жойи деб, агар у ҳарбий қисм ҳудуди билан тўғри келса, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ жойи (масалан, вақтинча иш жойи, эшелон, ҳаракат йўналиши, поезд ва ҳоказолар) ҳисобланади.

8. Хизматга муддатида етиб келмаслик деб, ҳарбий хизматчининг қонуний асосларга кўра (қисқа муддатли таътил, хизмат са-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 1.1-банди.

фари, отпускаи, госпиталда даволаниш ва ҳоказо) узрли сабабларсиз белгиланган (масалан, таътил варағида, билетида, сафар чиптасида ёки бошқа ҳужжатда ёзилган) муддатда хизмат жойига етиб келмасликка айтилади.

Ҳарбий хизматчининг вақтида етиб келмаслигига сабаб бўлган турли объектив ҳолатлар: ўзининг ёки яқинларининг касаллиги ёки ўлими, табиий офат, транспортнинг тўхташи, ҳокимият органлари томонидан ушланиши, жанговар вазият ва ҳоказолар узрли сабаблар бўлиши мумкин.

9. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми интизомий преюдицияга эга. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига қисм ёки ҳарбий хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш учун жиноий жавобгарлик худди шундай ҳаракатлар учун илгари бир йил давомида интизомий жавобгарликка тортилганидан сўнг белгиланади.

10. Агар ҳарбий хизматчи қонунга хилоф равишда ҳарбий қисм ёки хизмат жойи ёхуд ҳарбий хизматни ўташ жойига бир кечакундуздан ортиқ, ўн кеча-кундуздан ортиқ бўлмаган муддат давомида етиб келмаган ҳолда жиноят тугалланган ҳисобланади.

11. Ўзбошимчалик билан ташлаб кетишнинг давомийлиги қисмини (хизмат жойини) ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ёки қисмга етиб келиш муддати тамом бўлган вақтдан бошлаб то қисмга (хизмат жойига) етиб келиш ёхуд қўлга тушиш вақтига қадар ҳисобланади. Бунда вақтни ҳисоблаш ЖПКнинг 314-моддасида белгиланган муддатни белгилаш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

12. Субъектив томондан шарҳланаётган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзбошимчалик билан ҳарбий қисм ёки хизмат жойини командир рухсатсиз ташлаб чиқиб кетаётганлигини ёки қисмга белгиланган муддатда етиб, бундай ҳаракатларни содир этишни онгли равишда хоҳлаётганлигини тушунади.

13. Жиноят содир этиш мотивлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, ўзбошимчалик билан ҳарбий қисмни ташлаб кетишга қариндош ва танишларни кўриш, хизмат ҳордиғини чиқариш, оилавий ва шахсий ишларни бажариш, вақтинчалик муаммоларни ҳал этиш истаги<sup>1</sup> ва ҳоказо мотивлар бўлиши мумкин. Шарҳланаётган жиноят мотиви ва мақсади квалификацияга таъсир кўрсатмайди, бироқ, суд томонидан жазо белгиланишида модда санк-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.2-банди.

цияси доирасида ҳисобга олиниши мумкин. Агар айбдор ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадини кўзласа, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 288-моддаси бўйича дезертирлик сифатида квалификация қилинади<sup>1</sup>.

4. Бевосита қонунда кўрсатилишича, жиноят субъекти ЖКнинг 287-моддаси, биринчи қисмида кўзда тутилган, муддатли хизматнинг оддий ҳарбий хизматчилари, яъни аскарлар, матрослар, сержантлар ва муддатли хизматнинг старшиналари ҳисобланади.

Чақирувга кўра хизматни ўтаётган Мудофаа вазирлиги ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари) ҳарбий қурувчилари ҳам қилмиш субъекти ҳисобланади<sup>2</sup>.

15. ЖКнинг 287-моддаси, 1-қисми заҳирадаги ва ҳарбий йиғинларга чақирилганларга ёки сафарбарлик чақируви резервидаги фуқароларга ҳам йиғинлар даврида татбиқ этилади.

Офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар, шунингдек, ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар ЖКнинг 287-моддаси, 1-қисми субъекти бўла олмайди.

16. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг объектив томони муддатли хизмат, офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи қисми ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши ёки хизматга узрли сабабларсиз ўн кеча-кундуздан ортиқ, бироқ, бир ойдан кўп бўлмаган вақт ичида етиб келмаслигидан иборат.

Офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳарбий қисмда ёки хизмат жойида бўлишлари мумкин. Ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлган вақтда ҳарбий хизматчиларнинг бу тоифаси ҳарбий қисм ёки хизмат жойидан ташқарида бўлишлари мумкин. Шу муносабат билан, ҳарбий хизматчиларнинг бу тоифалари учун «Ўзбошимчалик» тушунчаси

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.2-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 ноябрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий муҳандислик-қурилиш тузилмалари тўғрисида»ги Низомнинг 52-банди, 2-қисмига кўра, аскарлар (қурилиш қисмлари мутахассислари), сержантлар ва ҳарбий қурувчилар ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиганлар билан умумий асосларда ўташади.

ҳарбий хизматни ўташ пайтида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини у ёки бу муддатга ташлаб кетишни билдиради. Ҳарбий хизматчиларнинг кўрсатилган тоифаларига нисбатан казармада жойлаштирилиш қўлланилганда, қисм ёки хизмат жойини махсус рухсатсиз ташлаб чиқиб кетиш қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

17. Белгиланган муддатда хизмат жойига етиб келмаслик деганда, офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчининг ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида яшаб, узрли сабабларсиз хизматга келмаслиги ва ҳарбий мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши тушунилади.

18. Айбдорнинг ҳаракатлари, унга шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилгандан кейин содир этилган бўлишдан қатъий назар, ЖКнинг 287-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

Ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ёхуд қисм ёки хизмат жойига қонунда кўрсатилган муддат давомида етиб келмаслик ўн кеча-кундуздан кам, ўттиз кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида амалга оширилсагина, ЖКнинг 287-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади. Муддатни ҳисоблаш ЖПКнинг 319-моддасига кўра амалга оширилади.

19. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг субъектлари, 1-қисмда назарда тутилган субъектлардан ташқари, офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлиши мумкин.

Офицерлар таркибидаги шахслар деб, ҳарбий хизматда турган кичик, ўрта ва олий офицерлар таркибидаги шахслар топилади.

Ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи деб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳарбий хизматга шартномага кўра, киришга хоҳин билдирган шахслар топилади.

20. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, ЖКнинг 287-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган субъектларнинг, жумладан, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларга тенглаштирилган офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга белгиланган муддатдан узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида етиб келмаслиги шарҳланаётган модданинг 3-қисми бўйича квалификация қилинади.

Бунда узрли сабабларсиз қисмда ёки хизмат жойида бўлмасликнинг максимал давомийлиги квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди, бироқ, жазо чорасини белгилашда ҳисобга олинади.

21. Жиноят субъекти ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида, ўн кеча-кундуздан ёки бир ойдан ортиқ вақтга ҳарбий хизматдан бўйин товлашни мақсад қилиб қўймаган ҳолда ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ҳолларда, бироқ, ушбу муддат ўтгунга қадар ушланган бўлса, унинг ҳаракатлари муддатларига кўра ЖКнинг 287-моддаси, 1, 2, 3-қисмида кўзда тутилган жиноятга суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

22. Агар айбдор жанговар вазиятда ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетса, шунингдек, узрли сабабларсиз қисм ёки хизмат жойига етиб келмаган бўлса, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетишнинг муддатидан, яъни қисм (хизмат жойи) ҳудудидан ташқарига чиққан вақтидан ёки кечикканидан қатъий назар, етиб келгандан кейин унинг ҳаракатлари ЖКнинг 287-моддаси, 4-қисми бўйича квалификация қилинади.

Ҳарбий унвони, хизмат асосидан (контракт ёки чақириқ бўйича) қатъий назар, ҳар бир ҳарбий хизматчи мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин.

23. (Жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

## 288-модда. Дезертирлик

*Дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик — беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапорщик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида: «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросинининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган. Ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш турли характерда бўлиши мумкин, бироқ, де-

зертирлик ҳарбий хизматчининг Қуролли Кучлар сафларида Ватанни ҳимоя қилиш каби ўз конституциявий бурчини бажаришдан бўйин товлашнинг энг хавфли шакли бўлиб, у энг оғир ва хавфли ҳарбий жиноятлардандир.

2. ЖКнинг 287-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик белгиланган жиноятдан фарқли ўлароқ, шарҳланаётган жиноятнинг объекти ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартиби бўлмай, ҳарбий хизмат муносабатларининг бутун соҳасидир<sup>1</sup>.

3. Жиноятнинг объектив томони қисм ёки хизмат жойини ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизматга етиб келмасликдан иборат.

4. Дезертирлик ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ҳарбий хизматни ўташдан умуман бўйин товланган ҳолда ташлаб кетган вақтдан бошлаб тугалланган жиноят, деб топилади.

Бунда ҳарбий хизматчи қисм ёки хизмат жойида қанча муддат бўлмаганлиги аҳамиятга эга эмас. Бироқ, содир этилган жиноятнинг жамоатчилик учун хавфлилиги даражасини баҳолашда ва айбдорга жазо тайинлаш пайтида аҳамиятга эга бўлади<sup>2</sup>.

5. *Дезертирлик* – давом этувчи жиноят. Жиноят айбдорнинг ўз ҳаракатлари оқибатида (масалан, айбини бўйнига олиб қисм ёки ҳокимият органларига келиши) ёки жиноятнинг давом эттиришига тўсқинлик қилувчи воқеаларнинг содир бўлиши (масалан, дезертирнинг ҳокимият органлари томонидан ҳибсга олиниши ва бошқалар) оқибатида тугатилмагунча давом этади.

Дезертирликдан ихтиёрий қайтиш фақат қисмни ёки хизмат жойини ташлаб кетгунга қадар ёхуд хизматга чиқиш муддати ўтгунча амалга ошиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Дезертирликни содир этган ҳарбий хизматчининг айбига иқроор бўлиб келиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифтида топилиши лозим (ЖКнинг 55-моддаси, «а» бандига қаранг). Бундай ҳолларда ЖКнинг 66, 71-моддаларида кўрсатилган муайян шартлар мавжудлиги ҳолатида, ҳарбий хизматчи жавобгарлик ёки жазодан озод этилиши мумкин.

6. Субъектив томондан дезертирлик фақат тўғри қасд билан ва ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида содир этилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.3-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.3-банди, 2 ва 5-қисмлари.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлашдан мақсад айбдорнинг қонун билан белгиланган ҳарбий хизмат муддати давомида ҳарбий хизмат бўйича мажбуриятларини бажаришдан бутунлай бўйин товлаши тушунилади. Ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсади қисм ёки хизмат жойини бевосита ташлаб кетишдан олдин ёхуд қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ташлаб кетгандан ёхуд хизмат жойида ҳозир бўлмагандан кейинги ўтган муддатнинг узоқ давом этганлиги унинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаш нияти борлигидан гувоҳлик бериши мумкин. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўташдан бутунлай бўйин товлашдан «айбдор томонидан сохта ҳужжатлар тўғрилаб олиш, фуқаровий кийимга қайтиб кийиниб олиш, ҳарбий кийимни йўқ қилиш, ишга жойлашишга ёки яшаш учун бошқа доимий манба топишга уриниш кабилар»<sup>1</sup> далолат беради.

7. Дезертирлик мотивлари ҳарбий хизмат машаққатлари ва чекланишлари, доимий характердаги шахсий ёки оилавий муаммоларини ечишга интилиш, ҳарбий хизматни ўташ давомида содир этилган жиноят учун жавобгарликдан бўйин товлаш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишга дезертирлик мотивлари таъсир кўрсатмайди.

8. Муддатли хизматни ўтаб турган оддий ва сержант (старшина) таркибида бўлган ҳарбий хизматчилар, офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ёки ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар ЖКнинг 288-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти бўлишлари мумкин. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари) ҳарбий қурувчилари чақирувига кўра, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ҳам бу қилмиш субъекти бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

9. ЖКнинг 287-моддаси, 1-қисми захирадаги ва ҳарбий йиғинларга чақирилганлар ёхуд сафарбарлик захирасида бўлганларга нисбатан татбиқ этилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.3-банди, 4-қисми, 34-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 ноябрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий муҳандислик-қурилиш тузилмалари тўғрисида»ги Низомнинг 52-банди, 2-қисмига кўра, аскарлар (қурилиш қисмлари мутахассислари), сержантлар ва ҳарбий қурувчилар ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиганлар билан умумий асосларда ўташади.



10. Интизомий тартибда ҳибсга олинган, интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган ёки қamoқда жазони ўтаётган (ЖКнинг 48-моддасига қаранг) ҳарбий хизматчининг гауптвахадан қочиши ҳарбий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва муайян ҳолатлардан келиб чиқиб, ЖКнинг 287 ёки 288-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин.

11. Прокурор санкцияси ёки суд қарори билан қamoқда сақланаётган ҳарбий хизматчининг гауптвахта ёки тергов изоляторидан қочиши Жиноят кодексининг 222-моддаси билан квалификация қилинади.

12. Қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида хизмат жойига ўз вақтида етиб келмаслик офицерлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, қилмиш ЖКнинг 288-моддаси билан квалификация қилинади.

13. Контракт бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан дезертирлик ҳарбий хизматчининг контрактни бир томонлама бекор қилишида намоён бўлади. Бу хулоса амалдаги қонунчиликда шартнома бўйича хизмат қилаётган шахснинг муддат тугагунга қадар шартномани ўз ташаббусига кўра, бекор қилиниши кўзда тутилмаслигидан келиб чиқади. Бундай бекор қилиш фақат янги шартнома тузилган ҳолларда бўлиши мумкин. Масалан, биринчи шартнома 3 йил муддатга тузилган бўлса, уни бекор қилиб, 5 ёки 10 йилга тузиш мумкин.

14. Ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган шахслар учун дезертирлик давом этадиган жиноят сифатида шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб тамомланган (тугалланган) ҳисобланади.

### **289-модда. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш**

*Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек, командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилиши*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ҳалокатлар ёки авария, ҳарбий кеманинг «ҳалок» бўлишидаги ҳарбий муносабатларнинг ўрнатилган тартиби жиноят объекти ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган командир томонидан, шунингдек, командирнинг тегишли фармойиши бўлмасдан кема командаси таркибидаги шахс томонидан ташлаб кетилишида ифода этилади.

Ҳарбий кема командирининг хизмат мажбуриятлари устав томонидан белгилаб қўйилган бўлиб, унга мувофиқ кема командири ва команда аъзолари ҳалокат, авария ҳолатларида кемани қутқариш учун барча имкониятларни қўллашлари лозим.

Командир кемадаги одамлар, мол-мулкни сақлаб қолиш учун бевосита жавобгардир. Командир ҳарбий кемани сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриб бўлиб, сақлаб қолишнинг иложи қолмаганлиги сабабли ҳарбий кемани ташлаб кетиш ягона йўл эканлиги ҳақида қарорга келса, уни ташлаб кетиш қарорини қабул қилади. Командир кемани энг охириги бўлиб тарк этади.

3. Ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаслик деганда, ўз хизмат вазифаларини уставга мувофиқ тўлиқ бажармаслик ёхуд лозим даражада бажармаслик тушунилади.

Ҳарбий кемани ташлаб кетиш учун команда аъзоларининг жавобгарлиги ҳарбий кема, қимматли буюмлар, зарур ҳужжатларни қутқариш бўйича командир буйруғи ёки фармойишини бажармаслик ҳолларида вужудга келади. Команда аъзоларининг ҳеч бири кема командирининг фармойишисиз кемани ташлаб кетиши мумкин эмас.

4. Жиноят ҳалок бўлаётган кеманинг командири ўз хизмат вазифаларини охиригача бажармаган ёхуд команда аъзоси кемани командир рухсатисиз ташлаб кетган вақтдан тугалланган, деб топилади.

5. Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

Ҳарбий кеманинг команда аъзоси томонидан ташлаб кетилиши фақат қасддан содир этилади. Айбдор ҳарбий кема командирининг буйругисиз онгли равишда кемани ташлаб кетаётганини тушунади ва шуни хоҳлайди. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли жиноий жавобгарликни истисно этади.

6. Жиноят субъекти ҳарбий кема командири ёхуд команда аъзоси ҳисобланади.

7. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида ҳарбий кемани жанговар вазиятда ташлаб кетганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**290-модда. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш**

*Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш, яъни ҳарбий хизматчининг ўз баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши ёки бу вазифаларни бажаришдан бош тортиши — олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша ҳаракат жанговар вазиятда содир этилган бўлса — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган жиноят объекти ҳарбий хизматни ўташ тартибини таъминлаш бўйича ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ бўйича конституциявий бурчи ҳисобланади.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, давлатнинг хавфсизлиги қўшимча объект бўлиши мумкин.

2. Объектив томондан жиноят ҳарбий хизматчининг ўзининг бирон аъзосини майиб қилиши, яъни ўзининг баданига бирон шикаст етказиш йўли билан, шунингдек, ўзини ёлғондан касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки алдаш йўли билан ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаш ёхуд бу вазифаларни бажаришдан бош тортишда ифодаланади.

3. *Бўйин товлашнинг биринчи усули — ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш* — ўз аъзоларига ёки тўқималарига сунъий равишда зарар етказиш (масалан, оёқ ёки қўл бармоқларига), у ёки бу органнинг функцияси бузилиши (масалан, овқат ҳазм бўлиши, юрак фаолиятининг бузилиши), бирон-бир касалликни келтириб чиқариш ёки ўзида мавжуд бўлган касалликни сунъий равишда кучайтириш.

Соғлиққа зиён ўқотар ёки совуқ қурооллар, кесадиган ёки санчиладиган буюмлар, турли заҳарли моддалар, бошқа механик, иссиқлик ёки шунга ўхшаш воситалар билан етказилиши мумкин. Бўйин товлаш таркиби учун аъзони майиб қилиш қандай йўл билан содир этилганлиги аҳамиятсиз<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни куриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.4-банди.

Ўзининг бирон аъзосини майиб қилишда айбдор саломатлигига зарар етказилишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахснинг ўзи, унинг илтимосига кўра, бошқа ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматчи бўлмаган шахслар томонидан содир этилиши квалификация учун аҳамият касб этмайди. Бирон аъзони майиб қилиш зиённинг хусусиятини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизаси ўтказишни ва ҳарбий хизматга яроқлилик тўғрисида шифокор хулосасини талаб қилади.

Соғлиққа етказилган зарар айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, масалан, айбдор томонидан ноқулай воситаларни қўллаш орқали содир этилса ва ўз хусусиятига кўра, ҳарбий хизматнинг у ёки бу вазифаларини бажаришдан озод қилишга асос бўлмаса, айбдорнинг ҳаракати муайян жиноят содир этишга суиқасд қилиш, деб топилиши мумкин.

4. *Бўйин товлашнинг иккинчи усули* – *ўзини ёлғондан касалликка солиш* – ҳақиқатда соғ бўла туриб, ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан озод бўлишга руҳсат олиш мақсадида, гўёки ўз ҳарбий бурчларини бажаришга халал бераётган касалликлари, жисмоний ёки руҳий камчиликлари борлигини рўкач қилиб кўрсатишдан иборат.

Ёлғон касалликни рўкач қилиш сифатида мавжуд касалликнинг (карлик, кўрлик, соқовлик ва ҳоказоларнинг) белгиларини ҳаддан ошириб кўрсатиш – аггравацияда ифодаланиши мумкин.

5. *Бўйин товлашнинг учинчи усули* – *ҳужжатларни қалбакилаштириш* – ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан озод бўлиш мақсадида ҳарбий хизматчининг командирга сохта (масалан, ёши, оилавий ҳолати, яқин қариндошлари ўлими ёки касаллиги тўғрисидаги) ҳужжатни тақдим этишида ифодаланади. Барча ҳолларда қалбакилаштиришнинг моҳияти шундаки, ҳужжатда кўрсатилган воқеа ва ҳодисалар амалда мавжуд бўлмасдан, уларга таянган ҳолда ҳарбий хизматчи ўзини вақтинча ёки доимий равишда ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан озод қилишни илтимос қилади<sup>1</sup>.

6. Қалбаки ҳужжат айбдорнинг ўзи ёки унинг илтимосига кўра, бошқа шахс томонидан тайёрланиши мумкин. Бунда бу шахснинг ҳаракатлари зарур белгилар мавжудлигида ЖКнинг 228-моддаси, шунингдек, жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 290-моддаси бўйича 228-моддасига ҳавола қилган ҳолда квалификация қилинади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.6-банди, 2-қисми.

Худди шундай ҳолатда қалбаки ҳужжат ҳарбий хизматчининг ўзи томонидан тайёрланган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатлари бўйин товлашнинг ушбу тури билан қамраб олинганлиги туфайли ЖКнинг 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди<sup>1</sup>.

7. *Бўйин товлаш усули сифатида бошқача алдов* — ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлиш мақсадида воқеалар ёки ҳодисалар тўғрисида, била туриб, ёлғон маълумот етказиш (масалан, муддатидан олдин захирага кетиш учун олий маълумот тўғрисида ёлғон хабар бериш, худди шу мақсадда тиббий кўрикка бошқа шахсни юбориш) ёки мазкур ҳолатлар ҳақида хабар беришга бурчли бўла туриб, ўша мақсадда онгли равишда хабар бермасликдан иборат<sup>2</sup>

Бошқа ёлғон сифатида ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлиш мақсадида мансабдор шахсга пора бериш ҳолатлари бўлиши мумкин. Агар бунда пора бериш (олиш) содир бўлса, у ҳолда содир этилган қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида жавобгарликни келтириб чиқаради.

8. *Ҳарбий хизматдан бўйин товлаш* — ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортиш орқали содир этилиши мумкин. Ҳарбий хизмат вазифаларини ўташдан бош тортиш ҳарбий хизматчи томонидан очиқдан-очиқ, ёлғон ишлатмай, оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ҳарбий хизматни ўташ ёки унинг баъзи мажбуриятларини бажаришни истамасликда ва амалда уларни бажармай қўйишда намоён бўлади<sup>3</sup>.

Бош тортиш икки шаклда намоён бўлиши мумкин: биринчидан, ҳарбий хизматни ўташдан очиқдан-очиқ бош тортиш ёки уларни бажаришни тўхтатиб қўйиш. Ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришни истамаслик тўғрисидаги арз очиқдан-очиқ эълон қилиниб, уларни бажаришни тўхтатиб қўйиш билан биргаликда келмаса, бундай ҳаракатлар жиноят таркибини ҳосил қилмайди; иккинчидан, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришни истамаслик буни очиқдан-очиқ эълон қилиб, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб қўйиш билан биргаликда келган ҳолларда рўй беради.

9. Командир буйруқларини бажаришни истамаслик ёки аниқ буйруқларини амалда бажармаслик (масалан, хизмат сафарига жўнаш, суткалик нарядга киришиш ва ҳоказолар) ҳарбий хизматдан умуман бош тортиш ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар

<sup>1</sup> Ўша жойда, 2.7-банди.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 2.7-банди, 36-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 2.8-банди, 1-қисми, 36-бет.

бўйсунмаслик жинояти таркибини ҳосил қилади, чунки мазкур ҳолатда командирнинг талаби буйруқ хусусиятига эга бўлиб, ҳаракат эса, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортишга эмас, балки буйруқни очикдан-очик бажармасликка қаратилган<sup>1</sup>.

10. Ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш айбдорга амалдаги қонунчилик ва Қуролли Кучларнинг умумҳарбий уставларига мувофиқ, махсус мажбуриятлар юклатилган пайтда содир этилган бўлса (жанговар навбатчилик, суткалик ёки гарнизон нарядида бўлиш ва ҳоказолар), тегишли белгилар мавжуд бўлганида, жавобгарлик жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 291—294-моддалари бўйича ҳам келиб чиқиши лозим.

11. Жиноятни ҳарбий хизматчининг ўзига зарар етказиши, касаллигини ҳаддан ошириб кўрсатиши, қалбаки ҳужжат ёки бошқа алдов ҳаракати келтириб чиқармайди, балки шу йўл билан ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш, яъни у ёки бу ҳарбий вазифалар бажарилишини тўхтатиб қўйиш келтириб чиқаради.

12. *Ҳарбий хизматни ўташдан бош тортиш* — формал таркибли жиноят — ҳарбий хизмат ўташдан бош тортиш мақсадида ўз баданига бирон шикаст етказиш, ўзини ёлғон касалликка солиб, ҳужжатларни қалбакилаштириб кўрсатиш пайтидан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

13. Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан, ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида содир этилади.

14. Ҳарбий унвони ва қўшин туридан қатъий назар, оддий аскар ва сержант (старшина)лар таркибидан бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган шахслар жиноят субъекти ҳисобланади. Ҳарбий йиғинларга захирадан чақирилган фуқаролар, ҳарбий йиғинларга чақирилган ёхуд сафарбарлик чақирув захирасига йиғин муддатига чақирилганлар ҳам мазкур жиноят субъекти бўлишлари мумкин.

15. ЖКнинг 290-моддасида кўзда тутилган жиноят ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматчи бўлмаганлар иштирокида ҳам содир этилиши мумкин, бунда улар мазкур жиноятнинг иштирокчилари, деб топилади (ЖКнинг 28-моддаси шарҳига қаранг).

Бунда ҳарбий хизматчининг илтимосига кўра, унинг баданига шикаст етказилса ёки ҳужжат қалбакилаштирилса ёхуд шарҳланаётган жиноятда кўзда тутилган бошқа ёрдам кўрсатилса, у Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жавобгарликка тортилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 2.8-банди, 36-бет.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида шарҳланаётган жиноятни жанговар вазиятда содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган (жанговар вазият тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 279-моддаси шарҳига қаранг).

### 291-модда. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш

*Қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларини қоровул таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башарти, мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса*

— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд уч ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

*а) баданга оғир шикаст етказилишига;*

*б) одам ўлишига;*

*в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган жиноятнинг объекти — умумий ҳарбий тартибнинг таркибий қисмларидан бири қоровул (соқчилик) хизматини ўташнинг ўрнатилган тартиби ҳисобланади.

Мазкур тартибга қатъий риоя этиш ҳарбий хизматчилар ўртасида юксак интизомий барқарорлик, қўриқлаш учун ишониб топширилган объектларнинг хавфсизлиги кўз қорачиғидай сақланишини таъминлайди. Бундай тартиб учун қоровул (соқчилик) хизматини ўтайдиган шахсларнинг махсус ҳуқуқий қоидалари мавжуд. Мазкур шахсларнинг зиммасига юкланган махсус вазифалар билан улар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Шунингдек, мазкур таркиб учун хизматни бажариш уставлар, тегишли буйруқлар, устав қоидалари асосида чоп этилган ва уларни ривожлантирадиган буйруқлар ва кўрсатмаларга биноан тартибга солинади.

Қоровул хизматини ўташ қоидалари бузилишининг қўшимча объекти қўриқлашга топширилган муайян объектларнинг хавфсизлиги, жамоатчилик хавфсизлиги ва тартиб (масалан, гауптвахтадаги шахсларни қўриқлаганда) ҳисобланади.

2. Объектив томондан шарҳланаётган жиноят қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларининг қоровул таркибига кирган шахс томонидан бузилиши зарарли оқибатлар келтириб чиқаришида ўз ифодасини топади.

*Қоровул хизмати* — амалдаги қонунчилик ва Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомларига мувофиқ, ҳарбий ва давлат объектлари, шунингдек, гауптвахта ва интизомий қисмдаги шахсларни қўриқлаш бўйича махсус хизмат. Қоровул хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан уставнинг барча қоидаларига риоя қилишни, юқори ҳушёрлик, собит жасоратни талаб қилади.

Ҳибсдаги ёки ахлоқ тузатиш муассасаларидаги маҳбусларни қўриқлаш ва конвоирлаш бўйича хизмат ҳам қоровул хизмати ҳисобланиб, буни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари амалга оширади.

Ҳарбий кема соқчилик хизмати ҳам қоровул хизматига тенглаштирилади. Бу кемада навбатчилик қилишнинг алоҳида тури бўлиб, вазифаси жанговар техника ва кеманинг ўзини қўриқлаш, шунингдек, уни жанговар тайёргарликда тутиб туришдир. Кема соқчилиги (умуман, кема бўйича) ва махсус (кеманинг жанговар қисмлари ва хизматлари бўйича) соқчилик фарқланади.

3. Қоровул (соқчилик) тартиби амалдаги қонунчилик, Қуролли Кучлар умумҳарбий низомлари, Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатлари ва уларни бажариш учун чиқарилган турли буйруқлар, фармойишлар билан тартибга солинади, яъни шарҳланаётган модданинг диспозицияси ўз хусусиятига кўра, бланкет хусусиятга эга бўлиб, жиноят таркибий белгиларининг аниқ таърифланиши мазкур ҳолатда тузилган қоровул хизмати қоидаларининг мазмуни билан боғлиқдир.

Мазкур тоифа ишлар бўйича уставнинг қайси қоидалари, ёзма фармойишлар, пост табелларида ва йўриқномаларда баён этилган талаблар бузилганлигини синчиклаб текшириш зарур бўлади.

4. *Қоровул хизматини ўташнинг устав қоидаларини бузиш* ҳаракат орқали ҳам, ҳаракатсизлик орқали ҳам ифодаланади: постдан ўзбошимчалик билан кетиш, постда ухлаш, эътиборсизлик, постга бегона шахсларнинг қўйилиши, қўриқлашга топширилган объектдан мулкнинг талон-тарож қилиниши ва ҳоказолар. Гауптвахта ва интизомий қисмдаги, шунингдек, муҳофазадаги конвоирланган ёки ахлоқ тузатиш муассасаларида жазо ўтаётган шахсларни қоровуллаш бўйича хизмат олиб бораётган қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг устав қоидаларини бузиши қамоқдагиларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уларнинг инсоний қадр-қимматини



ерга уриш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг камситиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

5. *Қоровул (соқчилик) хизматини ўташнинг устав қоидаларини бузиш* мазкур қоровул олдини олиши лозим бўлган оғир оқибатларга олиб келган тақдирда тугалланган жиноят таркибини ҳосил қилади. Бунда қоидани бузиш билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаб олиш лозим.

6. *Зарарли оқибатлар* — хизматдаги қоровул йўл қўймаслиги лозим бўлган оқибатлардир. Булар, масалан, қўриқланаётган объектдан ҳарбий мулкнинг талон-тароҳ қилиниши, конвоирлаш вақтида ҳибсга олинган шахснинг қочиб кетиши, патруль нарядининг ҳаракатсизлиги боис ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини кўпол равишда бузиши ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Қоровул томонидан қўриқланаётган объектга етказилган зарар сифатида ҳибсга олинган шахсларга нисбатан зўрлик ёки қонунга хилоф таъсир чораларини ишлатиш, шунингдек, қонунга хилоф равишда ҳибсдан қисқа муддатга қочиш қоровул томонидан қўриқланаётган объектга етказилган зарар сифатида квалификация қилинади.

Зарарли оқибатлар келиб чиқиши сифатидаги белги қоровул таркибига кирувчи ҳар бир шахсга нисбатан кўрилиши лозим. Масалан, йўл қўймаслик қоровулнинг эмас, балки соқчи ёки қоровул бошлигининг вазифаси ҳисобланган зарарли оқибатлар келиб чиққан пайтда, у томонидан қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши ЖКнинг 291-моддаси, 1-қисми бўйича квалификация қилинади.

7. *Шарҳланаётган жиноятнинг содир этилиши натижасида йўл қўймаслик қоровулнинг вазифасига кирмайдиган бошқа оғир оқибатлар* етказилган бўлса, содир этилган қилмиш қоровул хизматини ўташ қоидалари таркибини бузишга кирмайди. Масалан, соқчи постга яқинлашаётган бегона шахсни кўриб қолиб, огоҳлантирмасдан ўқ узади ва ҳамла қилганни ўлдиради. Гарчи, у қоровул хизматини ўташ тартибини бузган бўлса-да, унинг қилмишларида зарар қоровул қўриқлаётган объектга етказилмаганлиги сабабли, ЖКнинг 291-моддасида кўзда тутилган жиноят таркиби бўлмайди. Қилмиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилинади.

8. ЖКнинг 291-моддаси, 1-қисми белгиларига мувофиқ келадиган оқибатларни, муҳрни ёки пломбани бузиш, тамғани ва қулфларни олиб ташлаш, шунингдек, қўриқланаётган объектларга соқчининг ёки бошқа бегона шахснинг кириши, қўриқланаётган ашёларга амалда зарар етказилмаган ҳоллар ҳуқуқбузарлик, деб

топилмайди. Аммо баъзи ҳолларда бегона шахснинг қўриқланадиган объектга кириб қолиши қоровул олдини олиши лозим бўлган зарарли оқибат сифатида квалификация қилиниши керак. Масалан, қўриқланадиган махфий объектга бегона шахснинг кириб қолиши ушбу тайинланган соқчи олдини олиши лозим бўлган зарарли оқибат сифатида қўрилиши лозим.

9. Агар қоровул (соқчилик) хизматини ўташ қоидаларининг бузилиши натижасида зарарли оқибатлар келиб чиқмаган бўлса, ЖКнинг 291-моддаси бўйича жавобгарлик истисно қилинади. Бундай ҳаракатлар учун қоровул (соқчи) таркибидаги ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом Низомига кўра, интизомий жавобгарликка тортилади.

10. Субъектив томондан қоровул хизматини ўташ устав қоидаларининг бузилиши тўғри қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Айрим қоидабузарликлар (постдан кетиш, қўриқланаётган объектдан буюмларни ўғирлаш ва ҳоказолар) фақат қасддан содир этилиши мумкин. Бошқа қоидабузарликлар (постда турганда қурол билан эҳтиётсизларча муомала қилиш, хизматни ўташда етарлича сергак бўлмаслик ва бошқалар) эҳтиётсизлик туфайли содир бўлади. Бироқ, шундай қоидабузарликлар ҳам мавжудки, улар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик туфайли юз бериши мумкин (постда ухлаб қолиш, соқчининг патруллик хизматини бажариш жараёнида ўз ҳаракат йўналишини ўзгартириши ва бошқалар).

11. ЖКнинг 291-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти қоровул ёки соқчи таркибига кирадиган шахслар (қоровул бошлиғи, соқчиларни жой-жойига қўювчи, соқчи, қоровул ва ҳоказолар) бўлиши мумкин. Қоровул (соқчилик) хизматининг ташкил қилиниши ва ҳолати учун жавоб берувчи, бироқ, қоровул таркибига кирмайдиган мансабдор шахслар (масалан, гарнизон комендант, гарнизон гауптвахтаси бошлиғи) шарҳланаётган жиноят субъекти бўла олмайди. Бу шахслар томонидан қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларининг бузилиши, зарур белгилар мавжудлигида, ҳарбий мансабдорлик жинояти сифатида квалификация қилиниши лозим.

12. Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қоровул хизматини ўташнинг бошланиши ва тамом бўлиши муддатини аниқ белгилаш зарур.

Қоровул таркибидаги шахсларнинг хизмат вазифаларини бажаришининг бошланиши қоровулларни хизматга тақсимлаш (развод) пайтида қоровул (қисм) бўйича навбатчини кутиб олиш учун берилган «Ростлан!» буйруғининг берилиши вақтидир. Ушбу вақтдан бошлаб соқчилар қоровуллар (қисм) бўйича навбатчининг тасарруфига ўтади.

Қоровул таркиби хизматини ўташнинг тамом бўлиши алмаштирилган қоровул бошлиғининг алмашгандан сўнг қисмга жўнаш учун берган буйруғи ҳисобланади. Қоровулнинг юқорида кўрсатилган шахслар ихтиёридан чиқиши ушбу вақт билан аниқланади.

Агар қоровул хизматини ўташ қоидаларининг бузилишига соқчиларни хизматга тақсимлашдан илгари ёхуд қоровул алмашганидан сўнг йўл қўйилган бўлса, ҳарбий хизматчи ЖКнинг 291-моддаси бўйича жавобгар бўлмайди. Масалан, хизматга тақсимлашда хизматга боришдан ва қоровулга чиқишдан бош тортгани учун ҳарбий хизматчи ЖКнинг 279-моддаси бўйича бўйсунмаслик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

13. Амалдаги қонунчилик ва Куролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари ҳарбий қасамёд қабул қилмаган шахсларнинг қоровул хизматига тайинланишини тақиқлайди. Шу боис ҳарбий қасамёднинг қабул қилиниши шахснинг шарҳланаётган жиноят субъекти, деб топилиши учун зарурий шартдир.

14. Қоровул таркибига кирувчи шахслар шарҳланаётган модда томонидан қамраб олинмайдиган бошқа жиноятларни ҳам содир этишлари мумкин. Уларнинг айримлари жиноятлар мажмуи тариқасида қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш билан квалификация қилинади, бошқалари эса, қўшимча квалификацияни талаб қилмайди. Масалан, қоровулнинг қўриқлаш учун топширилган объект мулкнинг талон-тарож қилиниши, шарҳланаётган модданинг «в» бандида кўзда тутилган белгилар мавжуд бўлмаганида, жиноятлар мажмуи тариқасида ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш ва қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш бўйича квалификация қилинади.

15. Соқчилик (қоровул)да турган шахснинг қўриқлаётган объект, ҳарбий қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши зарарли оқибатларга олиб келган бўлса, жиноятлар мажмуи тариқасида ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш (дезертирлик) ва қоровул хизматини ўташ тартибини бузиш бўйича квалификация қилиниши лозим.

16. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қоровул (соқчи) хизматини ўташ қоидаларининг квалификация қилинган бузилиши учун жавобгарлик белгилайди, бунда қуйидаги оқибатларнинг келиб чиқиши квалификация қилиш белгиси сифатида мустаҳкамланади:

- баданга оғир шикаст етказилиши;
- одам ўлиши;
- бошқа оғир оқибатлар.

Баданга оғир шикаст етказиш, шахснинг ўлими, шунингдек, бошқа оғир оқибатлар қоровул (соқчилик) хизматини ўташ устав қоидалари бузилиши билан сабабий боғланишда бўлиши лозим.

17. (Баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг 104-моддаси шарҳига қаранг).

18. (Одам ўлиши тушунчаси тўғрисида Жиноят кодексининг 97-моддаси шарҳига қаранг).

19. *Қоровул (соқчилик) хизматини ўташ устав қоидаларини бузишнинг* бошқа оғир оқибатларига (ЖКнинг 291-моддаси, 2-қисми, «в» банди) бир неча шахсларнинг баданига ўртача ёки оғир шикаст етказиш, бир неча кишининг ҳалок бўлиши, қўриқланадиган объектга кўп ва жуда кўп миқдорда зарар етказилиши, объектнинг жанговар тайёргарлигига путур етказилиши ёки унга путур етган вазиятда унинг жанговарлигини таъминламаслик, белгиланган жойга қўшинларнинг ўз вақтида етиб келмаслиги, қўшинларни бошқаришда тартибсизликнинг вужудга келиши, қўриқланаётган объектдан қурол, ўқ-дорилар ва ҳарбий техниканинг талон-тарож қилиниши, ҳарбий техниканинг ишдан чиқиши, ҳарбий қисм байроғининг йўқотилиши, қамоқдан қочишни киритиш мумкин.

20. Қоровул (соқчилик) хизматидаги шахс томонидан қўриқланаётган объектдан қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддаларнинг талон-тарож қилиниши жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 291-моддаси, 2-қисми, «в» банди ва 247-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Шунингдек, ЖКнинг 291-моддаси, 2-қисми, «в» банди ва Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича қоровулнинг эҳтиётсизлик орқасида қўриқлов остида бўлган бир неча шахслар соғлигига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиши ёхуд одам ўлдириши ҳоллари ҳам жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

21. Жиноят кодексининг 255<sup>1</sup>-моддаси бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллар турларини эгаллаб олганлик учун жинойий жавобгарлик белгилайди (кўрсатилган модда шарҳига қаранг). Қоровул (соқчилик) хизматини ўташ устав қоидаларини бузиш бактериологик, кимёвий ёки бошқа оммавий қирғин қуролларини эгаллаб олиш билан биргаликда содир этилса, қилмиш жиноят мажмуи тариқасида ЖК 291-моддаси, 2-қисми, «в» банди ва 255<sup>1</sup>-моддаси бўйича квалификация қилинади.

## 292-модда. Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш

*Ички хизмат устави қоидаларини, шунингдек, гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, тегишли хизмат бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса*

*— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ички хизматни ўташ тартиби, шунингдек, гарнизонда патруллик қилиш қоидалари ҳарбий гарнизонларда хавфсизлик, шахсий таркиб ва айрим хизматларнинг жанговар ҳолатини таъминлашга қаратилган. Ўрнатилган қоидаларнинг бузилиши ҳарбий хизматчилар ичида ёки уларнинг иштирокида тартибсизликларнинг келиб чиқиши, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг жанговар қобилиятининг сусайиши, қурол ва ўқ-дорилар талон-тарож қилиниши, ҳарбий хизматчилар ўртасида уставга хилоф муносабатларнинг келиб чиқиши хавфини туғдиради.

2. Жиноят объекти — республика Қуролли Кучлари Ички хизмат Низоми билан белгиланган ички хизматни ўташнинг ўрнатилган тартиби ва гарнизонда патруллик қилишдир.

3. Обьектив томондан жиноят Ички хизмат Низоми қоидаларини, шунингдек, гарнизонда патруллик қоидаларини зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда, тегишли хизмат бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса-да, бузишда ифодаланади.

4. Шарҳланаётган модданинг диспозицияси бланкетли хусусиятига эга. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун Ички хизмат Низомининг айнан қайси қисми бузилганлигини, зарарли оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим. Зарарли оқибат келтириб чиқармаган ички хизматни ўташ қоидалари бузилган ҳолларда айбдор интизомий жавобгарликка тортилади.

5. Ички хизмат деганда, ички тартибни сақлаб туриш, шахсий таркиб, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, ҳарбий қисм (бўлинма) хоналари ва мулкани қўриқлаш, бўлинмалардаги ишларнинг боришини назорат қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чораларни ўз вақтида қўриш, шунингдек, ички тартибни таъминлаш бўйича бошқа мажбуриятларни бажариш мақсадида тузилган махсус хизмат тушунилади.

Ички хизмат Низомига мувофиқ, ички тартибни сақлаш, ҳарбий қисм (бўлинма) хоналари ва мулкни қўриқлаш, шунингдек, ички тартибни таъминлаш бўйича бошқа мажбуриятларни бажариш мақсадида ҳарбий хизматчилардан кунлик наряд тайинланади (қоровул ва соқчилардан ташқари).

6. Ички тартиб хизмати қоидаларини бузиш оқибатида айбдорнинг вазифасига кирган зарарли оқибатлар келиб чиқса, жиноят тугалланган ҳисобланади.

Зарарли оқибатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: кун тартиби ва айрим ҳарбий тадбирларни барбод қилиш (издан чиқариш); ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларига оид устав қоидаларини бузиш, бўлинмалардаги ҳарбий хизматчилар баданига оғир ёхуд ўртача оғир шикаст етказиш; бўлинма шахсий таркибидан бўлган шахснинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаши ёхуд ўқ-дорилар, қурол ёки кўп миқдорда бошқа ҳарбий мулкнинг талон-тарож қилиниши ва ҳоказо.

Оқибатлар қоидабузарлик билан сабабий боғланишда бўлиши лозим.

7. Айбдорнинг устав қоидаларини бузган ҳолда ўқ-дорилар, қурол ёки кўп миқдорда бошқа ҳарбий мулкни талон-тарож қилиши ёхуд ҳарбий хизматдан бўйин товлаши каби ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

8. Гарнизонда патруллик қилиш деганда, устав тартибини ва кўчаларда, жамоат жойларида ва бошқа ҳарбий хизматчилар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда ҳарбий хизматчилар ўртасида интизомни сақлаб туриш мақсадида ҳаракат қилувчи махсус хизмат тушунилади. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ёхуд ўзларининг иштирокида тартиббузарликлар, уставга хилоф муносабатлар, талон-тарож қилиш ва ҳарбий хизматчилар томонидан хавфли ҳаракатларнинг намоён этилишининг олдини олиш гарнизон патрулининг асосий вазифасидир.

Патруллик қилиш қоидаларининг бузилиши патруль маршрути ва жадвалидан четга чиқиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизомни бузишларига йўл қўймаслик бўйича чораларнинг кўрилмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, кимнидир асоссиз ушлаб туришда, қуролни қонунга хилоф равишда қўллашда ифода этилиши мумкин.

9. Гарнизонда патруллик қилиш қоидалари гарнизон ва қоровул хизмати Низоми, шунингдек, айрим ҳарбий қисмларнинг ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда устав қоидаларини ривожлантириш асосида чиқарилган буйруқ ва фармойишлар томонидан белгиланади.

10. Патруллик қилишнинг устав қоидалари бузилиши, қилмиш натижасида патруль йўл қўймаслиги керак бўлган оқибатлар келиб чиққан бўлса, тугалланган жиноий жазоланадиган қилмишни ҳосил қилади.

Бундай оқибатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муштлашишлар, ҳарбий хизматчилар ва фуқаро аҳоли ўртасидаги тўқнашувлар, улар томонидан талон-тарож қилиш ёки бошқа жиноятларнинг содир этилиши, ушланганнинг соғлиғига асоссиз равишда оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ва ҳоказолар. Соғлиқ ёки ҳаётга зарар етказиш шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади. Келиб чиққан оқибат ва қоидабузарлик ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш лозим. Бу боғлиқлик патруль хизматида у ёки бу оқибатга йўл қўймаслик имконияти мавжудлигини кўзда тутуди.

11. Субъектив томондан жиноят қасддан, шунингдек, эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Келиб чиққан оқибатларга нисбатан айб эҳтиётсизликда намоён бўлади.

12. Жиноят субъекти фақат қисм ёки патрулнинг кундалик нарядига кирадиган ҳарбий хизматчилар бўлиши мумкин. Уларга қисм навбатчиси ва унинг ёрдамчиси, бўлинма бўйича навбатчи ва казарма бўйича навбатчилар, назорат билан ўтказиш жойи ёки назорат-техника пункти бўйича навбатчи ва унинг ёрдамчиси, ошхона навбатчилари, ишчилари ва ҳоказолар киради. Ҳарбий хизматчининг кундалик наряд ёки гарнизон патрули таркибига киритилиши тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Қоровул (соқчилик) таркибига кирувчи шахслар жиноят субъекти ҳисобланмайди, чунки қоровул хизматини ўташ устав қоидаларини бузганлик учун улар ЖКнинг 291-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, ишлаш учун нарядга тайинланган ҳарбий хизматчилар шарҳланаётган модданинг субъекти бўла олмайди.

### **293-модда. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш**

*Жанговар навбатчиликни ўташ (жанговар хизмат) қоидаларини бузиш қўриқланаётган объектларга зарар етказилишига ёки жанговар топшириқ бажарилмай қолишига сабаб бўлса*

— *икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган хужумни ўз вақтида пайқаманлик ёки даф этмаганликда ифодаланса, шунингдек, оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат Низоми ва ҳар бир қисм қўмондонлигининг бошқа норматив хужжатлари билан белгиланган жанговар навбатчиликни ўташ тартиби (жанговар хизмат).

2. Объектив томондан биринчи қисмда кўзда тутилган жиноят қўриқлаш объектларига зарар етказиш ёки жанговар вазифани бажармасликни келтириб чиқарган жанговар навбатчилик (жанговар хизмат)ни ўташ тартибининг бузилишида намоён бўлади.

3. Жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) навбатчилик кучлари ва воситалари билан амалга оширилади. Уларга жанговар расчёт, экипажлар, жанговар таъминот куч ва воситалари ҳамда хизмат кўрсатиш киради.

Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларининг бузилиши жанговар постни ташлаб кетиш, постда ухлаб қолиш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

Модданинг диспозицияси бланкетли хусусиятга эга. Ҳар бир муайян ҳодиса жанговар навбатчилик (жанговар хизмат) ўташнинг қайси қоидаси бузилганлигини, қўриқлаш объектларига зарар етказилганлиги ёки жанговар вазифа бажарилмаганлиги, улар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш лозим.

Жанговар навбатчиликни (жанговар хизмат) ўташ қоидасининг бузилиши қўриқланаётган объектга зарар келтирмаган бўлса, айбдор интизомий жавобгарликка тортилади.

4. Субъектив томондан жиноят қасддан ёхуд эҳтиётсизликдан содир этилади. Оқибатларга руҳий муносабат эҳтиётсизликда ифодаланади.

Мотив ва мақсад турлича бўлиши мумкин, бироқ, ишни квалификация қилиш учун улар аҳамият касб этмайди.

5. Жиноят субъекти жанговар расчёт, экипаж ва бошқа ҳарбий бўлинмалар навбатчи сменаси таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи ҳисобланади.

6. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида Ўзбекистон Республикасига тўсатдан қилинган хужумдан ўз вақтида пайқаманликда ёки уни даф этмаганликда ёхуд оғир оқибатларга олиб келганликда ифодаланган жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.



Мазкур модда мазмуни бўйича оғир оқибатлар деганда, республика хавфсизлигига сезиларли даражада путур етказиш тушунилади. Бунга республика ҳудуди ва объектларига зарбалар бериш, жанговар техникани ишдан чиқариш ёки нобуд қилиш, одамларнинг ҳалок бўлиши мисол бўла олади.

### 294-модда. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш

*Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахснинг чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса*

— *икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч ойгача қамоқ ёхуд бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Уша қилмиш:*

*а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга;*

*б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— *беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, давлат чегараларини қўриқлаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- жойларда чегарани қонунга хилоф равишда ўзгартириш, кесиб ўтиш ҳаракатларининг олдини олиш, Ўзбекистон ҳудуди-га ҳарбий қўшинлар ва бандаларнинг қуроли тажовузини қайтариш;

- чегарадаги қуроли ва бошқа хоинлик ҳаракатларини тўхтатиш;

- аҳолини, мол-мулкнинг барча турларини мазкур тажовузлардан ҳимоя қилиш;

- чегарани кесиб ўтишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик;

- чегарадан портловчи, заҳарловчи, радиоактив, наркотик воситалар, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ва Ўзбекистонга олиб кириш ҳамда чиқиш тақиқланган бошқа предметларни, шунингдек, контрабанда предметларини олиб ўтишни тўхтатиш;

- чегарадан мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий манфаатларига, давлат хавфсизлигига, жамоатчилик тартибига, аҳоли соғлиғи ва маънавиятига путур етказиши мумкин бўлган тақиқланган нашрлар, видео ва овоз ёзувлари олиб ўтилишига йўл қўймаслик.

2. Жинойт объекти — чегара хизматини ўташнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

3. Объектив томони — чегара наряди таркибига кирувчи шахсининг чегаранинг дахлсизлигига зарар етказишни келтириб чиқарган чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши.

Чегара хизматини ўташ қоида ва тартиби «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш тўғрисида»ги Низомда, шунингдек, чегара наряди шахсларининг муайян мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси қўмондонлигининг айрим буйруқлари, давлат чегарасини қўриқлаш бўйича кўрсатмаларда мустаҳкамланган.

Модданинг диспозицияси бланкетли хусусиятга эга. Ҳар бир муайян ҳолатда чегара хизматини ўташ қоидалари бузилганлигини ва улар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди дахлсизлигига зарар етказиши мумкинлигини аниқлаш лозим.

4. Жинойт чегара дахлсизлигига зарар етказишни келтириб чиқариши мумкин бўлган чегара хизматини ўташ тартиби бузилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

5. Субъектив томондан жинойт қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. Оқибатларга муносабат доимо эҳтиётсизликда ифодаланади.

6. Чегара дахлсизлигига зарар етказишни келтириб чиқариши мумкин бўлган чегара хизматини ўташни бузишга йўл қўйган чегара наряди таркибига кирувчи шахс жинойт субъекти ҳисобланади.

7. Мазкур модданинг 2-қисмида чегара хизматини ўташ қоида-си бузилиши: қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга; бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгиланган.

*Чегарадан қонунга хилоф равишда ўтиш* — бу Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ваколатли ҳокимият органлари рухсатсиз турли йўналишда ўтиш.

Бошқа оғир оқибатлар деганда, республика ҳудудига қуролланган босқинчиларнинг бостириб кириши, одамларнинг ҳалок бўлиши ва бошқалар тушунилади.

### XXIII боб. ҲАРБИЙ МУЛКНИ САҚЛАШ ЁКИ УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

#### 295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш

*Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши*

— олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади.

*Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш*

— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Ҳарбий уставлар, фармойишлар, кўрсатмалар, буйруқларда қайд этилган ҳарбий мулкдан фойдаланиш ва сақлаш тартиби ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқаришнинг объекти ҳисобланади. Ушбу тартибга риоя қилиш қурол-яроғлар, жанговар ва бошқа техника, аслаҳа-анжомлар ва бошқа мулкдан тўғри фойдаланиш ҳамда асраб-авайлашни таъминлайди.

Ҳарбий мулк ҳарбий хизматчиларга шахсий ёки хизматда фойдаланиш учун берилади. Шахсий фойдаланишга фақат ҳарбий кийим ва аслаҳа-анжомлар, хизматда фойдаланишга қурол, ўқ-дорилар, ҳаракатланиш воситаси ва ҳоказолар берилади.

Шарҳланаётган жиноятнинг предмети шахсий фойдаланиш учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомлар ҳисобланади.

2. Объектив томондан мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят:

- шахсий фойдаланиш учун берилган аслаҳа-анжомни сотиш;
- фойдаланиш учун бировга бериш;
- гаровга қўйишда ифдаланади.

ЖКнинг 295-моддаси, 1-қисми шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни беҳуда сарф қилганлик учун жавобгарлик белгилайди.

Офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган шахсларга ҳарбий кийим, аслаҳа-анжомлар шахсий мулк қилиб берилади. Бу эса, бундай предметларни кимгадир берганлик, йўқотганлик, ишдан чиқарганлик учун жавобгарликни истисно қилади.

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари, шунингдек, офицерлар таркибидан бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичман ва ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм мулки бўлган инвентар буюмлар берилиши мумкин. Уларни бировнинг ихтиёрига ўтказиш беҳуда сарфлаш, деб квалификация қилинмайди, балки ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш таркибини ҳосил қилади.

ЖКнинг 295-моддасидан фарқли равишда, 296-моддасида шахсий ёки хизматда фойдаланиш учун белгиланган предметларнигина эмас, ҳарбий мулкнинг барча турини сақлаш тартиби кўзда тутилган. Курол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари ва бошқа ҳарбий мулк давлат мулки ҳисобланади. Шунинг учун уларни қасддан нобуд қилиш ёки шикаст етказиш айбдорнинг давлат мулкига дахл қилиши ҳисобланади.

Беҳуда сарфлаш ҳарбий кийим ёки аслаҳа-анжом предметларини сотиш, гаровга қўйиш ёхуд фойдаланиш учун бировга беришда ифодаланади.

*Беҳуда сарфлашнинг зарурий белгиси* — ҳарбий кийим ёки аслаҳа-анжомларнинг ҳарбий хизматчига унинг шахсий фойдаланиши учун берилганлигига қарамай, қонунга хилоф тарзда унинг ихтиёридан чиқиб, бошқа бировнинг тасарруфига ўтиши.

Беҳуда сарфлашда ҳарбий мулк ҳамиша давлат мулки бўлиб қолаверади, шу боис ҳар қандай ҳолатда ҳам қонунга хилоф эгаллик қилганлардан тортиб олинади. Агар бировга берилган анжомларни қайтаришнинг имкони бўлмаса, айбдордан уларнинг қиймати тўла ундириб олинади.

Ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиш уни бошқа бировга моддий рағбатлантириш эвазига бериш ёки бошқа предметларга алмаштиришда ифодаланади.

Ҳарбий аслаҳа-анжомни сотиш ҳарбий аслаҳа-анжом ихтиёрдан чиқарилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Ҳарбий аслаҳа-анжомларни фойдаланиш учун бировга бериш, ҳадя этиш, вақтинча бериб туришда ифодаланади. Бунда бериш

муддати (доимий ёки вақтинча) аҳамият касб этмайди. Бу шаклдаги жиноят ҳарбий мулкни берган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

*Ҳарбий аслаҳа-анжом гарови* — бу пул ёки бошқа моддий маблағлар қарзини таъминлаш учун вақтинча сақлаш учун топшириш. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлашнинг мазкур воситаси гаров расмийлаштирган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

3. Субъектив томондан ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш қасддан содир этилади. Мотив ва мақсад жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас.

«Беҳуда сарфлаш айбнинг тўғри қасд шаклида содир этилади. Айбдор ўзига шахсий фойдаланиш учун берилган буюмни сотаётгани, бировга фойдаланиш ёки гаровга бераётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Кийим-кечак ёки анжомларни йўқотиш ёки уларни ишдан чиқариш, шунингдек, айбнинг эҳтиётсизлик шаклида — жинойий ўз-ўзига ишониш ёки жинойий бепарволик билан содир этилади»<sup>1</sup>.

4. Жиноят субъекти муддатли ҳизматнинг ҳарбий хизматчилари ҳисобланади.

5. Шарҳланаётган модда 2-қисмининг объектив томони хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида йўқотиш ёки ишдан чиқаришда ифодаланади.

ЖКнинг 295-моддаси, 2-қисми предмети хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмлари ҳисобланади.

Ишониб топширилган деб, белгиланган тартибда ҳарбий хизматчига фойдаланиш учун топширилган ҳарбий мулк ҳисобланади.

Хизматда фойдаланиш учун топширилган қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини йўқотиш деб, ҳарбий сақлаш қоидалари бузилиши натижасида улар хизматчининг тасарруфидан чиқишига айтилади. Ҳарбий хизматчини мазкур буюмларни йўқотгани учун жавобгарликка тортишда сақлашнинг қандай қоидалари бузилганлигини аниқлаш лозим — бу мазкур жиноят таркибининг зарурий белгиси ҳисобланади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.15-банди.

Сақлаш қоидаларини бузиш ва мазкур предметларни йўқотиш ўртасидаги сабабий боғланиш ҳам зарурий белгилардан бири ҳисобланади.

Йўқотиш ҳарбий хизматчининг хоҳиш-истагига қарши бўлиши — буюм йўқолиши, эсдан чиқарилиши, ўгирланиши мумкин.

Йўқотиш кўрсатилган буюмлар ҳарбий хизматчининг эғалигидан чиққан вақтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Ишдан чиқариш деб, буюмларни бутунлай ёки қисман яроқсиз ҳолга келтиришга айтилади.

Жиноят кўрсатилган буюмларнинг бутунлай ёки яроқсиз ҳолга келтирилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

6. Субъектив томондан йўқотиш ёки ишдан чиқариш эҳтиётсизликдан содир этилади.

7. ЖКнинг 295-моддаси, 2-қисми бўйича жиноят субъекти қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмлари хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган ҳарбий хизматчи ҳисобланади.

8. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш, шунингдек, хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш жанговар вазиятда содир этилгани учун жавобгарлик белгиланган.

### **296-модда. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш**

*Қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш — икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

*— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.*

1. Жиноят объекти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий мулкни сақлашнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Жиноят предмети турли ҳарбий мулк бўлиши мумкин. Бу — қурол, ўқ-дори, ҳаракат воситаси, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулк бўлиши мумкин.

2. Объектив томондан жиноят қурол, ўқ-дорилар, ҳаракат во-ситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишдан иборат.

Кўрсатилган мулкни нобуд қилиш деганда, унинг фойдала-нишга тўлиқ яроқсиз ҳолатга келтирилиши тушунилади.

Шикаст етказиш деганда, мулкни қайта тиклаш ва вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлган даражада зарар етказиш ту-шунилади.

Нобуд қилиш ёки шикаст етказиш усуллари турлича бўлиши мумкин (ёқиб юбориш, портлатиш, чўктириб юбориш ва ҳоказо). Бироқ, бунинг квалификация учун аҳамияти йўқ.

*Жиноят* – моддий таркибли ва ҳарбий мулк нобуд қилинган ёхуд унга шикаст етказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисоб-ланади.

Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш умумий хавфли йўл (ёқиб юбориш, чўктириб юбориш ва ҳоказолар) билан амалга оширилса, у ҳолда қилмиш ЖКнинг 296-моддаси билан қамраб олинади ва 173-модда бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

Ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, айрим ҳолларда шикастланган мулкнинг қайсидир қисмини талон-тарож қилиш билан бирга содир этилади. Мазкур қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида давлат мулкани талон-тарож қилиш ва ушбу мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, деб квалификация қилинади.

3. Субъектив томондан ЖКнинг 296-моддасида назарда тутилган жиноят айбнинг тўғри ёки эгри қасд шаклида содир этилади. Бунда шахс мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишни мақсад қилиб қўяди ёки шундай оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўяди. Айбдор бошқа бирор мулкни эмас, балки айнан ҳарбий мулкни нобуд қилаётганини ёки унга шикаст етказганлигини англайди.

Агар шахс ҳарбий мулкни нобуд қилаётганлигини тасаввур қилса, амалда эса, бундай бўлмаса, қилмиш ҳарбий мулкни нобуд қилишга ёки унга шикаст етказишга суиқасд қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Агар ҳарбий мулкни нобуд қилиш ва унга шикаст етказиш Ўзбекистон Республикасини кучсизлантириш мақсадида содир этилган бўлса, мазкур қилмиш Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятни – қўпоровчиликни (ЖКнинг 161-моддаси) вужудга келтиради.

4. Ҳар бир ҳарбий хизматчи жиноят субъекти бўлиши мумкин.

5. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмида оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказиш учун жавобгарлик белгиланган.

Оғир оқибатлар деганда, эҳтиётсизликдан баданга шикаст етказиш, ўлим ёки қурбонларнинг бўлиши, кўп миқдорда ҳарбий техниканинг ишдан чиқарилиши ва ҳоказолар тушунилади.

6. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида жанговар вазиятда ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

**297-модда. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш**

*Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, ўқ-дори, портловчи, радиоактив ёки бошқа модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига;

б) оғир шикаст етказилишига;

в) одам ўлишига сабаб бўлса

— беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша қилмиш:*

а) одамлар ўлимига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Шарҳланаётган модданинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, бошқа моддалар ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш, «одамларнинг ўлими ва улар-



га шикаст етказилишига, ҳарбий мулкнинг йўқ бўлишига, ҳарбий тадбирларнинг барбод бўлиши ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>.

2. Қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи, радиоактив ва бошқа моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти бўлиши мумкин.

Атрофдагилар учун катта хавф туғдирадиган бундай моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш тартиби ҳарбий уставларда ва бошқа норматив ҳужжатлар (фармойишлар, йўриқномалар, турли хил қуроллардан отиш курслари, қўлланмалари ва ҳоказолар) воситасида тартибга солинади. Муомала қилиш қоидалари қурол-яроғ, белгиланган буюмлар ва моддалардан фойдаланишнинг хавфсиз шартларини таъминловчи ҳарбий бошқарув органлари томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатларда қайд этилиши мумкин.

3. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган буюмлар билан муомала қилиш тартиби бузилганида, ЖКнинг 297-моддасида назарда тутилган қилмиш жиноятни ташкил қилади. Улардан айримлари аниқлаштирилган: қурол-яроғ, ўқ-дори, радиоактив материаллар, портловчи моддалар. Бошқалари умумлаштирилган: атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи бошқа модда ва буюмлар.

*Қурол* — жонли кучни йўқ қилиш учун махсус яратилган техник восита.

ЖКнинг 297-моддаси диспозицияси фақат ўқотар қуролни (пистолет, автомат, гранатомёт, артиллерия ва ракета қуроллари ва ҳоказоларни) ўз ичига олиб, совуқ қуролларни бу гуруҳдан истисно қилади. Қурол-яроғ заводда тайёрланган ва ҳарбий қисм у билан қуролланган бўлиши лозим. Қўлда ясалган ўқотар қуроллар ЖКнинг 297-моддасида назарда тутилган қуролга кирмайди<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, қурол-яроғ жанговар вазиятлар учун мўлжалланган бўлиши лозим. Жанг олиб бориш учун мўлжалланмаган силлиқ дастакли ов милтиқлари, қурилиш, сигнал, старт берадиган тўппончалар шарҳланаётган модда буюмларига киритилмайди. Айрим спорт милтиқлари ва тўппончалари жароҳатловчи хусусиятларига кўра, қуролга тенглаштирилиши мумкин.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.1-банди, 45-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.1-банди.

*Ўқ-дорилар* – нишонни уриш учун мўлжалланган ва ёрувчи, отилувчи, пиротехник ёки уриб тушурувчи зарядга ёки уларнинг аралашмасига эга бўлган, техник мослама, қурол-яроғ буюмлари ва отилувчи аслаҳа. Уларга қуйидагилар киритилади: жанговар патронлар, снарядлар, гаранаталар, ракеталар ва бошқалар. Ёрдамчи ўқ-дорилар (масалан, ўқсиз ёки ўқув патронлари, кўргазма снарядлари ёки гранаталар ва ҳоказолар) жиноят предмети бўла олмайди<sup>1</sup>.

Ўқ-дорилар жанговар вазиятда қўллаш учун яроқли бўлиши шарт эмас, чунки ишдан чиққанлиги сабабли яроқсиз бўлиб қолган ўқ-дорилар кўпроқ хавф туғдиради.

*Портловчи моддалар* – ташқи таъсир остида (уриш, ёқиш, зарба, ўзидан-ўзи ёниш) оқибатида тез кимёвий ўзгаришларга кирувчи модда ва буюмлар бўлиб, бу кимёвий ўзгаришлар натижасида улоқтириш ёки вайрон қилиш кучига эга бўлган кўп миқдорда иссиқлик ва қизиган газ пайдо бўлади ва ажралиб чиқади<sup>2</sup>. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: муомала қилишда хавф туғдирувчи асосий портловчи модда – симобли модда, кўргошин, тетразен ва ҳоказоларни ҳаракатга тушириш учун хизмат қилувчи моддалар; парчаловчи моддалар – вайрон қилувчи асосий портловчи модда, одатда, тротил ва унинг эритмалари; отувчи моддалар – турли порохлар. Портловчи моддаларга кирувчи, бироқ, жанговар вазиятлар учун мўлжалланмаган айрим пиротехник таркиблар атрофдагилар учун катта хавф туғдирмайди, шунинг учун шарҳланаётган модданинг предметлари таркибига киритилмайди. Булар ёритиш, расмга тушириш, сигнализация, имитация учун қўлланиладиган порох таркибларидир.

*Радиоактив моддалар* – ўз-ўзидан парчаланиш ва корпускуляр ёки электромагнит нурланиши орқали тирик мавжудотларга зарар келтириш хусусиятига эга бўлган моддалар.

Атрофдагилар учун хавф туғдирувчи бошқа моддалар деганда, ўзида мужассам объектив хусусиятларга кўра, атрофдагиларга зарар етказиши мумкин бўлган барча бошқа моддалар тушунилади. Бундай моддаларга заҳарловчи, ачиштирадиган, айрим юқори заҳарли доривор препаратларни киритиш мумкин ва ҳоказо.

*Атрофдагилар учун хавф туғдирувчи бошқа моддалар* – ўқ-дори ва радиоактив материалларга ўхшаш ишдан чиқариш қобилияти-

<sup>1</sup> Қаранг: юқоридаги пленумнинг қарори, 5.2-банди, 2-қисми.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тугрисида»ги қарори, 5.3-банди, 45–46-бетлар.

га эга турли буюмлар: заҳарловчи ёки радиоактив материаллар солинган идишлар, юқори кучланишли электр энергияси манбалари ва бошқалар.

4. Объектив томондан жиноят мазкур нормада санаб ўтилган буюмлар ва моддалар билан атрофдагилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида белгиланган муомаланинг у ёки бу муайян қоидаларини бузишда ифодаланади.

*Қурол-яроғдан фойдаланиш қоидалари* — қуролдан фойдаланиш жараёнида атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, қурол билан муомалада бўлиш усуллари ва изчиллиги мажмуи.

Атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш қоидалари улардан фойдаланиш тартибини ҳам ўз ичига олади. Масалан, миналарни жойлаштириш, портлаш ишларини амалга ошириш, электр мосламалари ва ҳоказолар билан ишлаш хавфсизлиги қоидалари мавжуд. Шу билан бирга атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш тартиби улардан фойдаланиш қоидаларига кирмайди, бироқ, уларни сақлаш ва ташиш қоидаларини ўз ичига олади.

5. Қоида бузилиши деганда, қурол-яроғ, шунингдек, моддалар ва буюмлар билан ишлаш чоғида белгиланган усуллارни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ёхуд улар билан муомалада бўлишда ҳаракат кетма-кетлигига риоя қилмаслик, шунингдек, ушбу модда ва буюмларни сақлаш хавфсизлигини таъминловчи қоидаларни бузиш тушунилади<sup>1</sup>.

Қуйидагилар муомала қилиш қоидаларини бузиш, деб ҳисобланиши мумкин: портловчи моддалар сақланаётган омборда иссиқлик ҳароратига риоя қилмаслик, газ ёки ёқилғи-мойлаш материаллари жойлашган идишлар ёнида олов ёқиш, радиоактив ва заҳарловчи моддалар билан ишлашда ҳимоя воситаларининг бўлмаслиги.

6. Атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш қоидалари бузилиши ва ушбу буюмларни мақсадга мувофиқ қўлламасликни фарқлаш жоиз, бу шарҳланаётган моддадаги жиноят таркибини ҳосил қилмайди. Кўрсатилган буюмларнинг мақсадга мувофиқ қўлланилмаслиги қурол-яроғ ёки атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи модда-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.1-банди.

лар ва буюмларнинг жонли кучга зарба бериш учун эмас, балки остидан қазийш ва шунга ўхшаш ишларда қўлланилишини келтириб чиқаради. Зарур белгилар мавжуд бўлган ҳолларда, мазкур ҳаракатлар Жиноят кодексининг қуролни эътиборсизлик билан сақлаш ёки шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи тегишли моддалари бўйича квалификация қилинади.

7. Агар вазифаси огоҳлантириш бўлган соқчи оғир оқибатлар келтириб чиқарган қурол-яроғ билан муомала қилиш қоидаларини қоровул хизматидан чалғиб бузса, у ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 297, 291-моддалари бўйича квалификация қилинади.

8. Атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи қурол-яроғ ва моддалар билан муомала қилиш қоидалари шарҳланаётган модда бўйича жавобгарлик ўрнатилган жиноятни баданга ўртача оғирликда шикаст етказилгандагина ҳосил қилади (баданга ўрта шикаст етказиш тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 105-моддаси шарҳига қаранг). Шарҳланаётган модда бўйича қилмишни квалификация қилиш учун тергов органлари ва судлар ҳар бир ҳолатда содир этилган қоидабузарлик ва келиб чиққан оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаши лозим.

Баданга ўртача оғир шикаст етказиш ушбу жиноят таркиби билан қамраб олинади ва шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди<sup>1</sup>.

9. Жиноят шахсга ўртача оғир шикаст етказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бундай шикастнинг икки ёки ундан ортиқ шахсга етказилиши шарҳланаётган модданинг 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

10. Субъектив томондан қурол-яроғ ёки бошқа моддалар, предметлар билан муомала қилиш қоидасини бузиш жинояти қасддан ва айбнинг эҳтиётсизлик шакли билан содир этилади. Келиб чиққан оқибатлар барча ҳолатларда айбдорнинг эҳтиётсизлигидандир. Агар ҳарбий хизматчи мазкур қилмишни содир этишда зарарли оқибатларга қасддан муносабатда бўлса, у ҳолда қилмишни оқибатларга кўра, шахсга ёки мулкка қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан квалификация қилиш лозим (мулкка зарар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.6-банди.

етказиш 3-қисмнинг «бошқа оғир оқибатлар» белгиси билан қамраб олинади – шарҳга қаранг).

11. ЖКнинг 297-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти ўз хизмат фаолияти турига кўра қурол, атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи моддалар ёки предметлардан фойдаланувчи ёки уларнинг сақланишини, ташилишини ёки олиб келинишини таъминловчи, фойдаланишда қондани бузувчи ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин. Булар оддий аскар, сержант, старшина, офицер, прапоршчик, мичман таркибидан бўлган шахслар, контракт бўйича хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар бўлиши мумкин.

Агар шарҳланаётган жиноят атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи буюмлар ва моддаларга қонуний эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилса, улар Жиноят кодексининг бошқа моддаларига кўра жавобгарликка тортиладилар.

12. Агар мансабдор шахслар – бошлиқлар таркибидан бўлган ҳарбий хизматчилар атрофдагилар учун мазкур буюмлар ва моддалар билан тегишли хавфсиз муомала қоидаларини таъминлаган бўлсалар ёхуд улар билан муомала қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш устидан назоратни уюштириш бўйича ўз мажбуриятларини етарли даражада бажармаган бўлсалар, улар хизматга совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари учун жавобгарликка тортилишлари шарт (ЖКнинг 302-моддаси).

13. ЖКнинг 297-моддаси бўйича квалификация қилинадиган қилмишдан қоровул, чегара ва бошқа махсус хизматдаги шахсларнинг тегишли уставлар талабларини бузиб, ўқотар қуролни ишлатганини фарқ қилиш лозим, зеро, бундай ҳаракатлар ҳам одамларнинг ўлимига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатлар қоровул ёки бошқа махсус хизматларни ўташ чоғида қурол ишлатишга доир устав қоидаларини бузишдан иборат бўлиб, «Махсус» қисмнинг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

14. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш:

- икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказилиши;

- оғир шикаст етказилиши;

- одам ўлишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгилайди.

(Баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 104 ва 105-моддалари шарҳига қаранг; одам ўлиши тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

15. ЖКнинг 297-моддаси, «б» ва «в» бандида кўрсатилган квалификация қилиш белгилари баданга оғир шикаст етказиш ёки фақат бир одамнинг ўлишини қамраб олади. Агар икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст етказилган ёки ўлими келиб чиққан бўлса, жавобгарлик ЖКнинг 297-моддаси, 3-қисми тегишли қисми бўйича келиб чиқиши лозим.

16. ЖКнинг 297-моддаси, 3-қисмида алоҳида квалификация қилинган белгилар назарда тутилган ва қуйидаги зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши билан қамраб олинади:

- одамлар ўлими;
- бошқа оғир оқибатлар.

17. «Одамлар ўлими» белгиси атрофдагилар учун катта хавф туғдирувчи қурол-яроғ ва моддалар билан муомала қилиш қоидалари бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлимини қамраб олади<sup>1</sup>.

18. Бошқа оқибатларга бир неча шахслар баданига оғир шикаст етказиш, анча миқдордаги моддий ва моддий бўлмаган зарарнинг турли шакллари киритиш мумкин. Моддий зарар ҳарбий мулк, муҳандислик қурилмаларини, фуқаролик қурилишларини ва ҳоказоларни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказишда ифодаланади. Моддий бўлмаган зарар муҳим ҳарбий топшириқлар, жанговар, ҳарбий-ўқув вазифалари ёки бошқа тадбирларнинг барбод этилишида намоён бўлиши мумкин.

### **298-модда. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**

*Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса*

*— икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш:*

*а) икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига;*

*б) одам ўлишига сабаб бўлса*

*— уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

---

<sup>1</sup> Мазкур таъриф Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 32-сонли қарорининг 4-банди, 2-қисмида берилган.

*Ўша қилмиш:*

*а) одамлар ўлимига;*

*б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— *етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш хавфсизлигининг белгиланган тартиби, шунингдек, одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги жиноятнинг объекти бўлади.

Ҳарбий, махсус ёки транспорт машиналари жиноят предмети ҳисобланади.

Ҳарбий машиналарга танклар, бронетранспортёрлар, ўзиюрар артиллерия ва ракета қурилмалари, автомобиллар ва бошқа автомобил ҳамда занжирли машиналарга тиркалган ҳаракат воситаларини киритиш мумкин.

*Махсус машиналар* — алоҳида ва махсус мақсадга ҳамда машина ёки унга тиркалган мослама турига кўра, ўзи ҳаракат қилувчи техник воситалар.

Ҳар хил муҳандислик машиналари (траншея қазигичлари, бульдозерлар, қирқувчи машиналар ва бошқалар), санитар транспорти, кўчма таъмирлаш устахоналари, лабораториялар ва ҳоказолар махсус машиналардир.

Транспорт машиналарига шахсий таркибни, қурол-яроғни, ўқдориларни, ҳарбий техника буюмларини ҳамда ҳар бир қисмнинг кундалик хўжалик, маданий-маиший, тиббий ва бошқа хизматларини бажаришга мўлжалланган машиналар тааллуқлидир<sup>1</sup>.

2. Шарҳланаётган моддадаги қилмишни ЖКнинг 266-моддаси (умумжиноий қилмиш — транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) бўйича квалификация қилинишидан фарқ қилувчи асосий белгилардан бири машинанинг ҳарбий қисм ва Қуролли Кучлар муассасалари, бошқа кўшинлар ҳамда ҳарбий тузилмаларга тегишлилиги ҳисобланади.

3. Объектив томондан жиноят баданга ўртача оғирликда ёки оғир шикаст етказишни келтириб чиқарган жанговар, махсус транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузишдан иборат.

Жанговар, махсус ёки транспорт машиналаридан вазифасига кўра фойдаланиш Ички хизмат Низоми, «Йўл ҳаракати қоидала-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.5-банди.

ри» ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибга риоя қилишни назарда тулади.

Бошқариш деганда, ҳаракатланаётган машинани бевосита бошқариш жараёни тушунилади. Бошқаришнинг бошланиши — машина (ғилдираклар, гусеницалар)нинг юриш қисмлари ҳаракатининг бошланиши, тамом бўлиши — ҳаракатнинг тугаш вақти. Ҳаракат бошланганидан тамом бўлгунча ҳайдовчи белгиланган бошқариш қоидаларига риоя қилиши зарур.

Бошқариш қоидаларини бузиш деб, ҳаракатланаётган транспорт воситасини бошқаришнинг қоидаларини бузиш: ҳаракат тезлигини ошириш, сигнализация қоидаларини бузиш ва ҳоказолар ҳисобланади.

Ҳарбий машиналардан фойдаланиш деганда, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва уларга зарур техникавий хизмат кўрсатиш тушунилади. Машиналардан фойдаланиш агрегатлар, тизимлар ва механизмларнинг бир маромда ишлашини таъминлайдиган техникавий нормалар ва қоидаларга риоя қилишни, шунингдек, ҳар хил шароитларда хавфсизлик талабларини бажаришни билдиради.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш деб, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва уларга зарур техникавий хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилишига айтилади, буларга техник носоз машинанинг рейсга чиқиши, рухсати йўқ шахсларни бошқаришга қўйиш, ҳайдовчининг ногўри ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслик (масалан, машина старшийси вазифасини бажарувчи шахс) ва ҳоказолар киради.

4. Шарҳланаётган жиноят бошқариш ёки фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида бир киши баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади (баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш тушунчалари тўғрисида ЖКнинг 104 ва 105-моддалари шарҳига қаранг). Соғлиққа шикаст етказиш ушбу жиноят таркиби билан қамраб олинади ва у шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалар бўйича қўшимча квалификация қилинишни талаб қилмайди<sup>1</sup>.

5. Субъектив томондан машинани бошқариш ёки фойдаланиш қоидаларини бузиш қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Келиб чиққан оқибатларга нисбатан айбдор эҳтиётсиз муносабатда бўлади.

Агар жиноятни содир этишда оқибатга нисбатан қасд муносабати бўлса, у ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши жиноятлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.3-банди.



тўғрисидаги тегишли моддалар бўйича квалификация қилинади (мулкка шикаст етказиш ЖКнинг 298-моддаси, 3-қисми «бошқа оғир оқибатлар» белгиси билан қамраб олинади — шарҳга қаранг).

6. Жиноят субъекти — жанговар, махсус ёки транспорт машинасини бошқариш учун масъул ёки бевосита бошқараётган ҳарбий хизматчи бўлиши мумкин.

Бошқариш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш учун ҳайдовчи штат бўйича ҳайдовчи бўлиш-бўлмаглиги ёки машинани бошқара олиш-олмаслигининг аҳамияти йўқ.

Ҳарбий машиналардан фойдаланиш қоидаларини бузиш субъекти зиммасига машиналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш вазифаси махсус юклатилган ҳарбий хизматчи: ҳайдовчилар ҳарбий хизматга кўра бўйсунувчи бошлиқлар, машина старшийлари, КТП бўйича навбатчилар ҳам бўлиши мумкин.

Мажбуриятларини бузувчи машина бошлиғи ҳаракатлари жиноятнинг бошқа таркибларини ташкил қилиши мумкин.

7. Инструктор назорати остида ўқув машинасида бошқаришни ўрганаётган ҳарбий хизматчини ЖКнинг 298-моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бундай ҳолда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш инструкторга юклатилган бўлиб, айнан у бошқариш қоидаларини бузганлик учун жавобгардир.

8. Зиммасига машиналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш вазифаси юклатилмаган ҳарбий хизматчилар мазкур жиноятнинг субъекти бўлмайдилар. Масалан, кунлик наряддаги шахслар, жумладан, ҳайдовчининг қисм ҳудудидан ташқарига чиқишига оид ҳужжатларинигина текшириш вазифасига эга шахслар — назорат-ўтказиш пунктлари бўйича навбатчилар жиноят субъекти, деб топилмаслиги лозим.

9. ЖКнинг 298-моддасида кўрсатилган жиноят ҳарбий хизматчи томонидан ҳарбий, махсус ёки транспорт машинасида содир этилади. Жанговар, махсус транспорт бўлмаган машинада ҳарбий хизматчининг ҳайдаш қоидаларини бузиши фуқаро томонидан ҳарбий, махсус ёки транспорт машинасида ҳайдаш қоидаларини бузиш каби ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилинади.

10. Шарҳланаётган модданинг 2-қисми қуйидаги зарарли оқибатлардан бири келиб чиқиши билан тавсифланувчи квалификация қилинган жиноят таркиби учун жавобгарликни назарда тутати:

- икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши;

- одам ўлиши.

ЖКнинг 298-моддаси, 2-қисми, «а» бандининг шарҳланаётган модданинг 1-қисмида кўрсатилган белгилардан ягона фарқи улар икки ёки ундан ортиқ шахсга шикаст етказилиши ҳисобланиб, қолган жиҳатлари эса, бир хил ва қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.

11. (Одам ўлими тушунчаси тўғрисида ЖКнинг 97-моддаси шарҳига қаранг).

12. Ҳарбий машинани бошқариш қоидаларини бузган шахснинг мазкур ҳодиса натижасида ҳаёти хавф остида қолган, ўзини ўзи сақлаш имкониятига эга бўлмаган жабрланувчига ёрдам кўрсатмаслиги билан боғлиқ ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖКнинг 117-моддаси ва 298-модда бўйича квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>. ЖКнинг 117-моддасига кўра, шахс, бошқариш қоидаларини бузиш натижасида жабрланувчи баданига энгил шикаст етказилган бўлса ёки унинг ўлими воқеа содир бўлган пайтда юз берган бўлса ёхуд айбдорнинг жабрланувчига ёрдам бериши шарт бўлса-да, бироқ, ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун ҳам яққол хавф туғилган бўлса, яъни ёрдам бериш имкониятига мутлақо эга бўлмаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади<sup>2</sup>.

13. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида бошқариш қоидаларини бузишнинг махсус квалификация қилинган таркиби назарда тутилган ва махсус квалификация қилиш белгилари сифатида қуйидаги оқибатларни қамраб олган:

- одамлар ўлими;
- бошқа оғир оқибатлар.

14. Бошқа оғир оқибатларга анча миқдордаги моддий ва моддий бўлмаган зарарнинг турли шакллари киритиш мумкин. Моддий зарар автомашина, муҳандислик қурилмалари ва бошқа қурилишларни нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш, чорванинг ўлими ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Моддий бўлмаган оғир оқибатлар муҳим ҳарбий топшириқлар, жанговар, ҳарбий-ўқув вазифалари ёки бошқа тадбирларнинг барбод бўлишида ифодаланиши мумкин<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.7-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 6-банди.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.7-банди.

## 299-модда. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш

*Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳалокат юз беришига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Шарҳланаётган модданинг объекти Куролли Кучларда ўрнатилган учиш ва учишга тайёргарлик кўриш тартиби ҳисобланади. Ушбу қоидалар қатор норматив актлар, шу жумладан, барча авиация бошқармаларининг ҳаво бўшлиғида учиш қоидалари, инженер авиацияси, штурманлик, метеорологик ва бошқа авиация хизматининг махсус ҳарбий кўрсатмалари ва инструкциялари билан белгиланади.

2. Учиш аппаратлари жиноятнинг предмети ҳисобланади. Буларга Куролли Кучларга тегишли бўлган жанговар ва транспорт самолётлари, ёқилғи қуювчи самолётлар, вертолётлар ҳамда учувчисиз самолётлар ва планерлар кирadi<sup>1</sup>.

3. Объектив томондан ушбу жиноят учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини, шунингдек, учиш аппаратларидан фойдаланиш қоидаларини бузувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, муайян ижтимоий хавfli оқибатлар ва ижтимоий хавfli қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш билан тавсифланади.

Учиш деганда, учиш аппаратининг двигатели ишлай бошлашидан унинг тўхташигача бўлган вақт тушунилади.

4. Учиш аппарати эксплуатацияси деганда, ундан вазифаси бўйича фойдаланиш тушунилади. Эксплуатация тушунчаси учиш аппаратларининг ҳалокатларсиз ишлашини таъминловчи система ва агрегатлардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади.

Учиш аппаратининг эксплуатацияси учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш тушунчаларига қараганда, кенгроқ тушунча ҳисобланади. Агар учиш жараёни эксплуатациядан ажралмас бўлса, унда эксплуатация алоҳида эмас, балки учиш жараёнида амалга оширилади.

5. Учиш аппаратини ҳавода ёки учиш-қўниш йўлагида учиш ёхуд двигатель тўхтагунча қўниш жараёнида бошқариш қоидаларини бузиш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.9-банди.

рини, шунингдек, машинани ва экипажни учиш олдидан тайёрлаш қоидаларини бузган шахс Жиноят кодексининг ушбу моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Машинанинг ҳавога кўтарилиши ёки қўниши билан боғлиқ бўлмаган ҳодисалар ЖКнинг 299-моддаси билан жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди ва бошқа жиноят таркибини ташкил этиши мумкин<sup>1</sup>.

6. Учиш қоидаларини бузиш кемани бошқаришда йўл қўйилган хатоликлар, белгиланган мўлжал ёки йўл бошқарувининг йўқотилиши, шўнгиш ҳолатидан чиқишда кечикиш, қўниш жойига етиб келмасдан ёки у ердан ўтиб кетиб қўниш, қўнаётганда паясий тезлигини ошириш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш экипаж аъзоларини учишга тайёрлаш ва рухсат бериш қоидаларини бажармаслик ёки машинанинг ўзини учишга тайёрлаш қоидаларига риоя қилмаслик билан боғлиқ (масалан, бемор учувчининг учиши, тиббий кўриқдан ўтмаслик, машинани техник носозликлар билан учишга чиқариш ва ҳоказолар)<sup>2</sup>.

Фойдаланиш қоидаларини бузиш қуйидагиларни ўз ичига олади, масалан, керакли қўшимча тайёргарликдан ўтмаган шахслар бошқаришига рухсат этиш, учиш аппаратидан вазифаси бўйича фойдаланмаслик, самолётга юкни нотўғри жойлаштириш, учиш хавфсизлигини таъминловчи тармоқ ва механизмларга техник хизмат кўрсатиш талабларидан четга чиқиш ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш шартларини таъминлашга қаратилган учиш аппаратлари эксплуатацияси тартибини бошқача тарзда бузиш.

7. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузишда ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққандагина шарҳланаётган модданинг жиноят таркиби мавжуд, деб ҳисобланади.

Ҳалокат деганда, ҳаракатланаётган учиш аппаратининг унда учаётган экипаж аъзоларидан, кўчириляётган бўлинма шахсий таркибидан ёки ҳаво кемасида бўлган бошқа шахслардан бирон-тасининг ҳалок бўлишига сабаб бўлган бузилиши ёки шикастланиши тушунилади.

Бошқа оғир оқибатларга қуйидагилар: ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг баданига оғир шикаст етказилиши; учиш аппарати-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.9-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.11-банди.

нинг ерга қулаб тушиши ёки мажбуран қўниши натижасида ердаги одамларнинг ҳалок бўлиши ёки уларнинг баданига оғир шикаст етказилиши; авария, яъни самолётга унинг тўла яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлган даражада шикаст етказилиши; машиналарнинг уларни таъмирлаш учун анчагина моддий харажатлар талаб қиладиган даражада бузилиши; ҳаво кемасининг ҳалокати, қулаши ёки мажбуран қўниши чоғида давлат, шунингдек, ҳарбий мулкнинг ёки шахсий мулкнинг нобуд бўлиши ёки уларга катта миқдорда зарар етказилиши киради<sup>1</sup>.

8. Тергов ва суд органлари ҳар бир алоҳида ишда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаши керак, акс ҳолда, ушбу жиноят таркибини қайд этишнинг иложи бўлмайди.

9. Субъектив томондан ушбу жиноят айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланadi. Учиш ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларининг бузилишига йўл қўяётган шахс оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билади, лекин ушбу оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз ишонади ёхуд ушбу оғир оқибатлар келиб чиқишини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлади.

Қилмишни Жиноят кодексининг мазкур моддаси билан квалификация қилиш учун жиноят содир этиш мотиви аҳамиятга эга эмас.

10. Учиш ва учишга тайёргарлик кўришнинг субъекти зиммасига учиш ёки учишга тайёргарлик кўришни таъминлашга оид махсус вазифа юклатилган ҳарбий хизматчилар бўлишлари мумкин. Учиш раҳбари, ҳаво кемасининг командири, учувчи, борт муҳандиси, штурман ва бошқалар ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузганлик учун ҳаво кемасининг техниклари, механиклари ва учишни таъминловчи бошқа шахслар жавобгарликка тортилишлари мумкин<sup>2</sup>.

### **300-модда. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш**

*Кемани бошқариш қоидаларини бузиш кеманинг ҳалокатга учрашига ёки унга жиддий шикаст етказилишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

*— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.10-банди.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.12-банди.

1. Кеманинг хавфсиз сузишини таъминловчи кемани бошқаришнинг ўрнатилган тартиби жиноят объекти ҳисобланади.

Кемани бошқариш бевосита қуйидагиларни: сузиш пайтида кемани бошқариш, кеманинг курси ва тезлигини белгилаш, унинг жойлашган жойини белгилаш, манёврларни ва шатакка олишни, тўқнашувлардан сақланиш ва огоҳлантириш чораларини кўришни, об-ҳаво ўзгарган тақдирда, хавфсизлик чораларини кўриш ва бошқа шу каби кеманинг бошқарувиغا оид Ҳарбий денгиз флотининг кема устави билан, йўриқномалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган қоидаларни ўз ичига олади.

2. Ушбу жиноят предмети фақат Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига тегишли бўлган кемалар таркибидир. Бу таркибга жанговар ва қўриқловчи кемалар, махсус вазифали кемалар, катерлар ва бошқалар киради.

3. Объектив томондан жиноят кемани бошқариш қоидаларининг бузилиши натижасида кеманинг ҳалокатга учраши ёхуд одамлар ҳалок бўлиши ёки унинг жиддий шикастланиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади.

Кемани бошқариш қоидаларини бузиш кема командирининг доимий чуқурликни ўлчашга ёки дарёнинг тор жойида ёхуд қирғоққа яқин қолганда тезликни камайтириш қоидаларига амал қилмагани билан изоҳланиши мумкин.

4. Кеманинг ҳалокатга учрашига ёки унга жиддий шикаст етказилишига, одамлар ҳалок бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган, қонунда қатъий белгиланган кемани бошқариш қоидаларини бузишгина жиноий жазоланадиган кемани бошқариш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

Кеманинг ҳалокатга учраши деганда, унинг умуман вайрон бўлиши ёки чўкиб кетиши тушунилади. Агар кемани қайта тиклаш имконияти бўлмаса, у ҳалокатга учраган ҳисобланади.

Кемага жиддий шикаст етказилиши деганда, кемага тубдан таъмирлашни талаб қилувчи зарар етказиш тушунилади.

Одамлар ҳалок бўлиши деганда, кема экипажи аъзоларидан ва кемада бўлган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳалок бўлиши тушунилади.

Бошқа оғир оқибатларга икки ёки ундан ортиқ экипаж аъзосига, пассажирга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилиши, ҳарбий иншоотнинг бузилиши ва бошқалар киради.

Жиноят модда диспозициясидаги оқибатлардан бирортаси келиб чиққан пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

5. Суд ва тергов органлари ҳар бир ҳолатда содир қилинган ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлашлари шарт, акс ҳолда, қилмишда ушбу жиноятнинг таркиби мавжуд бўлмайди<sup>1</sup>.

6. Субъектив томондан кемани бошқариш қоидаларини бузиш қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Бироқ, келиб чиққан оқибатларга нисбатан субъектнинг айби ҳар доим эҳтиётсизликда ифодаланади. Акс ҳолда, айбдорни Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортиш масаласи (давлатга хоинлик қилиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва ҳоказолар бўйича) қўйилиши мумкин.

7. Жиноят субъекти кема командири, командир ёрдамчиси, штурман, кема бошқаруви ҳамда манёвр қилиш вазифаси юклатилган соқчи офицер бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 5.11-банди.

## XXIV боб. ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ

### 301-модда. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги

Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиши, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиши, шунингдек, ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса

— уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб, содир этилган бўлса

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса

— ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса

— ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Жиноятнинг объекти ҳарбий бошлиқлар ва мансабдор шахсларнинг амалга оширадиган мансаб ваколатининг ўрнатилган тартиби, ҳарбий бошқарув органларининг мўътадил фаолияти ва нуфузи, одамлар ҳаёти ва соғлиғи ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят:

• бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиши;

• ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан чиқиш;

• ҳокимият ҳаракатсизлиги Қуролли Кучларнинг манфаатларига, ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш орқали содир қилинади.



3. Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан ҳарбий хизмат манфаатларига зарар келтириб қасддан фойдаланиши ҳисобланади. Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши мансабдор шахс томонидан содир этилганда, ҳаракат ўз ваколатларини бузиш билан ифодаланиши мумкин, лекин жавобгарнинг унга юклатилган у ёки бу ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилиши билан боғлиқ бўлмайди. Фақат ҳар қандай ҳолатда улар бу шахс ўзи эгаллаб турган хизмат ҳолатидан фойдаланиб, содир этиши мумкин бўлган ҳаракат бўлиши керак ва ўз таркибига кўра, хизмат вазифасига зид бўлиши керак.

Хизмат манфаатларига хилоф равишда содир этилган ҳаракатни хизмат зарурияти билан боғлиқ бўлмаган, хизмат ваколати ва мансаб мавқеини бузиб, қонун талабларига, ҳарбий уставларга, командирлар буйруқларига қарши ҳаракат, деб топиш мумкин. Бунда қоидабузарликда мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколати доирасига кирувчи вазифаларнинг бузилиши, ўзига юклатилган ҳуқуқларнинг суиистеъмол қилиниши, ўз хизмат доирасидан ва қонун талабларидан четга чиқиши мақсадга мувофиқлик ёки хизмат зарурияти, деб оқланмаслиги керак.

4. Ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан фарқли равишда, бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс қасддан ўз ҳуқуқлари ва хизмат ваколати доирасидан яққол четга чиқадиган ҳолатда содир этилади. Хизмат ваколатига кўра, ушбу ишни муайян ҳолат юз бергандагина содир этиш ҳуқуқига эга бўлган, муайян ҳолатда содир этиши ўринсиз бўлган ёки бундай ҳаракатни юқори турувчи махсус ваколатга эга бўлган шахс содир этиши мумкин бўлган ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида квалификация қилинади.

5. Шахснинг хизмат ёки ҳокимият доирасидан четга чиқиш жиноятини содир этишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда ҳар доим унинг хизмат ваколати доирасини аниқ белгилаб олиш керак. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари қонунлар, низомлар, йўриқномалар, қўмондонлик буйруқлари билан аниқ белгилаб қўйилган. Бунда шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, мансабдор шахс томонидан қуролнинг қўлланиши ёки бошқа жисмоний куч ишлатилиши, агар бу ҳаракатлар ўз хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ бўлса ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқса, ҳокимият ёки хизмат ваколати доираси-

дан четга чиқиш, деб квалификация қилиниши мумкин. Жабрланувчи айбдорга бўйсунганда ёки айбдор ҳокимият вакили бўлганлиги учун унга боғлиқ бўлса, белгиланган ваколатлар ўринли ҳисобланади. Акс ҳолда, жавобгарлик Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддаси бўйича келиб чиқиши мумкин.

6. *Ҳокимият ҳаракатсизлиги* — бу бошлиқнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларига кўра, бажариши лозим бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги.

Ҳарбий уставлар ҳар бир бошлиқ ўзига юклатилган ҳокимиятдан ҳарбий хизмат манфаатларида, ишониб топширилган қисмда ҳарбий тайёргарликни оширишда, тартиб ва интизомни сақлашда тўлиқ фойдаланишини талаб қилади. Жамият учун келиб чиққан хавfli вазиятларда бошлиқнинг жиноий ҳаракатсизлиги ёки амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирларни кўрмаслиги ҳарбий хизматга катта зарар келтириши мумкин.

Агар қисм командири ўзининг қўл остидагилари ҳарбий ўқдориларни ташиш пайтида талон-тарож қилаётганини ва бошқа шахсларга сотаётганини кўрса ва бунга чора кўрмаса, унда командир жиноий ҳаракатсизлик учун жавобгарликка тортилиши лозим.

Бошлиқ томонидан ўз қўл остидагиларнинг хизмат доирасидан четга чиқишига нисбатан чора кўрмаслиги ҳам ҳокимият ҳаракатсизлиги, деб квалификация қилинади.

*Ҳокимият ҳаракатсизлиги* — қасддан содир этиладиган хатти-ҳаракат бўлиб, у айнан шу билан хизматга совуққонлик билан қарашдан фарқ қилади. Ҳокимият ҳаракатсизлиги ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан шуниси билан фарқ қиладики, бу жиноят бошлиқ фақат ҳокимият ваколати доирасида ва фақат хизмат вазифасига кўра, қилиши шарт бўлган ҳаракатни содир этмаслиги шаклида бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳолда бажарилмай қолган ҳаракатларни содир этиш мазкур мансабдор шахснинг ваколатига кириш-кирмаслиги ва бунинг учун унда етарли имконият бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши зарур.

7. Қуролли Кучлар манфаатларига зарар етган тақдирда ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ва фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етганда жиноят тугалланган ҳисобланади. Объектив томоннинг зарурий белгиси келиб чиққан оқибат билан суиистеъмол қилиш, хизмат доирасидан четга чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги ўртасидаги сабабий боғланиш ҳисобланади.

*Жиддий зарар* — мансабдор шахснинг ўз хусусияти ва кўламига кўра кўп миқдордаги жиноий натижасининг тавсифи ҳисобланади. Бу зарар Қуролли Кучларга, алоҳида ҳарбий хизматчиларга ва бошқа шахсларга етказилган моддий ёки номоддий характердаги ҳар хил кўринишдаги зарар бўлиши мумкин. Бунда жиноят тугалланган, деб тан олинishi учун зарар амалда етказилган бўлиши керак.

Жиддий зарар сифатида, жумладан, содир этилган жиноят туфайли бўлинмада (қисмда) ҳарбий интизомга путур етиши, жанговар топшириқнинг, ўқув отишмаларининг, ишларнинг барбод бўлиши ҳарбий мулкка зиён етказиш ёки уни йўқ қилиш, жиддий моддий зарар етказиш, ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар тан олинади.

Жиддий зарар тушунчаси ўз ичига ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун хос бўлган жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ҳам олади. Қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида етказилган зарар ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти аломатларидан ташқари чиқади ва оғирроқ жиноят сифатида мустақил квалификация қилишни тақозо этади.

8. Субъектив томондан ҳокимият ёки хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан четга чиқиш ва ҳокимият ҳаракатсизлиги жиноятлари — қасддан содир қилинадиган жиноятлардир. Айбдор мансаб мавқеидан фойдаланиб, содир этаётган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳарбий хизмат манфатларига зид эканлигини англайди ва айнан шунини содир этишни истайди ёки ўзининг бундай ҳаракатларига бефарқ қарайди. Айбдорнинг келиб чиққан оқибатларга — қонунга мувофиқ жиноят таркибининг зарурий белгилари бўлган жиддий зарарга муносабати ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят содир этиш мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

9. Ҳарбий мансабдор шахс унбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳарбий бошлиқлар ва бошқа мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Ички хизмат уставига мувофиқ, бошлиқ хизмат мавқеи (лавозими)га ва ҳарбий унвонига кўра бўлиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахсларнинг намунавий рўйхатлари Ички хизмат Низомида, Интизомий уставда, Гарнизон ва қоровул хизмати уставига ва бошқа норматив ҳужжатларда келтирилади.

Бошқа ҳарбий хизматчилар ҳам, агар улар бошлиқ бўлмай туриб, муайян ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган лавозимларни доимий ёки вақтинча эгаллаб турса ёки бу вазифаларни қўмондонликнинг махсус фармойиши бўйича бажарса, мансабдор шахс бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни бажариш учун ҳарбий хизматчиларга юридик аҳамиятга ҳаракатлар содир эта олиши билан боғлиқ тегишли ваколатлар берилади. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ижрочилари сифатида фақат бошлиқлар ва мансабдор шахслар, иштирокчилари эса, бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкин.

10. Ҳарбий мансабдорлик жиноятларининг ўзига хослиги шундаки, уни содир этишдан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатлар, баъзан, айбдор томонидан бевосита эмас, балки хизмат бўйича тобе шахслардан фойдаланиш, уларга ноқонуний буйруқ бериш орқали етказилиши мумкин. Бундай буйруқни қасддан берган мансабдор шахс ноқонуний буйруқни ижро этиш натижасида келиб чиққан оқибатлар учун жавоб беради. Бундай ҳолда унинг хатти-ҳаракати шахсан ўзи содир этгани сингари мансабдорлик жинояти сифатида, агар оқибатларнинг ўзи мустақил жиноятни ташкил этса, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиниши лозим.

Мансабдор шахснинг нотўғри ҳаракатлари билан у содир этган жиноят оқибатлари ўртасида сабабий боғланиш аниқланиши керак.

11. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракати ЖКнинг 301-моддаси, 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

12. Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖКнинг 301-моддаси, 3-қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

13. Бошқа оғир оқибатлар деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, одамларнинг ҳалок бўлиши, ҳалокат келиб чиқиши ва бошқалар тушунилади.

14. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки хизмат ваколоти доирасидан четга чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги жанговар вазиятда содир этилган бўлса, мансабдор шахс ҳисобланувчи ҳарбий бошлиқ шарҳланаётган модданинг 4-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

### 302-модда. Хизматга совуққонлик билан қараш

*Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса*

— *уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса*

— *уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Жиноятнинг объекти ҳарбийлар учун ўрнатилган мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

2. Объектив томондан жиноят бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахс томонидан ўз вазифасига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида кўп миқдорда зарар ёки бошқа оқибатлар келиб чиқишида ифодаланади.

Хизматга совуққонлик билан қараш деганда, мансабдор шахснинг ўзига юклатилган вазифаларни бепарволиги ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида умуман ёки лозим даражада бажармаслиги тушунилади.

Мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик уларнинг юзаки, иштиёқсиз, эътиборсизлик билан, ўйламасдан ва керакли ғайрат, ташаббуссиз бажарилишида намоён бўлади.

Бу кўринишдаги совуққонлик ҳарбий мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида мазкур мулкни нобуд қилиши ёки унга шикаст етказиши, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаганлиги ёки уларни сақлаш ёмон ташкил этилганлиги сабабли талон-тарож ёки камомад келиб чиқиши, командир бўлинмада ҳарбий тартиб ўрнатиш учун тегишли чоратадбирлар кўрмаганлиги туфайли тобе шахслар томонидан интизомнинг қўпол бузилиши ёки қўмондонлик берган топшириқларнинг бажарилиши барбод бўлиши кабиларда намоён бўлади.

Совуққонлик мансабдорлик жинояти сифатида мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳаракатлар унинг хизмат ваколатига тегишли бўлишини, лавозими бўйича унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар доирасига кирган бўлишини тақозо этади.

Мансабдор шахс у ёки бу мажбуриятларни ўз хизмат бурчи туфайли бажариши, нафақат, шарт бўлган, балки уни лозим даражада бажариш мумкин ва бунинг учун реал имкониятга эга бўлган ҳолдагина совуққонлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўз хизмат вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлмаган шaroитга тушиб қолган бўлса, совуққонлик учун жавобгарлик истисно этилади<sup>1</sup>.

3. Жиноят кўп миқдорда зарар ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган пайтдан бошлаб тугалланган, деб топилади.

Ҳарбий хизматга совуққонлик билан қараш ва келиб чиққан кўп миқдордаги зарар ёки бошқа оғир оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши лозим. Шахсининг соғлиғига зарар етказиши шахсга қарши тегишли жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

4. Жиноят субъектив томондан фақат эҳтиётсизлик орқали содир этилади.

5. Жиноят субъекти мансабдор ҳарбий хизматчи ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, 4.6-банди.

## МУНДАРИЖА

### МАХСУС ҚИСМ

#### БИРИНЧИ БЎЛИМ

#### ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

<b>I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар .....</b>	<b>4</b>
97-модда. Қасддан одам ўлдириш .....	4
98-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш .....	26
99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши .....	29
100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш .....	31
101-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш .....	35
102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш .....	37
103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш .....	38
<b>II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар .....</b>	<b>41</b>
104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш .....	41
105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш .....	51
106-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш .....	53
107-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш .....	54
108-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш .....	55
109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш .....	55
110-модда. Қийнаш .....	56
111-модда. Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш .....	58
<b>III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар .....</b>	<b>60</b>
112-модда. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш .....	60
113-модда. Таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш .....	62
114-модда. Жиной равишда ҳомила тушириш (аборт) .....	65
115-модда. Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш .....	68
116-модда. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик .....	69
117-модда. Хавф остида қолдириш .....	71

<b>IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар</b> .....	<b>74</b>
118-модда. Номусга тегиш .....	74
119-модда. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш .....	82
120-модда. Бесоқолбозлик .....	84
121-модда. Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш .....	84
<b>V боб. Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар</b> .....	<b>87</b>
122-модда. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш .....	87
123-модда. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш .....	88
124-модда. Болани алмаштириб қўйиш .....	89
125-модда. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш .....	90
126-модда. Кўп хотинли бўлиш .....	92
127-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш .....	93
128-модда. Ўн олги ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш .....	96
129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз- бузуқ ҳаракатлар қилиш .....	98
130-модда. Порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш .....	100
131-модда. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш .....	102
132-модда. Тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш .....	104
133-модда. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш .....	106
134-модда. Қабрни таҳқирлаш .....	108
<b>VI боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши     жиноятлар</b> .....	<b>110</b>
135-модда. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш .....	110
136-модда. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш .....	112
137-модда. Одам ўғирлаш .....	113
138-модда. Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш .....	115
139-модда. Туҳмат .....	117
140-модда. Ҳақорат қилиш .....	118
<b>VII боб. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига     қарши жиноятлар</b> .....	<b>120</b>
141-модда. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузиш .....	120
142-модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш .....	121
143-модда. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш .....	123



144-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш .....	124
145-модда. Виждон эркинлигини бузиш .....	127
146-модда. Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ....	130
147-модда. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш .....	131
148-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш .....	133
149-модда. Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш .....	135

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ**

### **ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР**

<b>VIII боб. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар .....</b>	<b>137</b>
------------------------------------------------------------------------------	------------

150-модда. Урушни тарғиб қилиш .....	137
151-модда. Агрессия .....	140
152-модда. Урушнинг қонун ва удумларини бузиш .....	146
153-модда. Геноцид .....	153
154-модда. Ёлланиш .....	156
154'-модда. Чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш .....	162
155-модда. Терроризм .....	166
156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш .....	173

<b>IX боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар .....</b>	<b>180</b>
----------------------------------------------------------------	------------

157-модда. Давлатга хоинлик қилиш .....	180
158-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш .....	187
159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш .....	191
160-модда. Жосуслик .....	201
161-модда. Қўпоровчилик .....	206
162-модда. Давлат сирларини ошкор қилиш .....	208
163-модда. Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш .....	212

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ**

### **ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР**

<b>X боб. Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш .....</b>	<b>217</b>
------------------------------------------------------	------------

164-модда. Босқинчилик .....	222
165-модда. Товламачилик .....	248

166-модда. Талончилик .....	256
167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш .....	262
168-модда. Фирибгарлик .....	275
169-модда. Ўғрилик .....	285
<b>XI боб. Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар .....</b>	<b>295</b>
170-модда. Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш .....	295
171-модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш .....	299
172-модда. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш .....	305
173-модда. Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш .....	307
174-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш .....	313
<b>XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар .....</b>	<b>328</b>
175-модда. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш .....	328
176-модда. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш .....	333
177-модда. Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш .....	339
178-модда. Чет эл валютасини яшириш .....	350
179-модда. Сохта тадбиркорлик .....	357
180-модда. Сохта банкротлик .....	363
181-модда. Банкротликни яшириш .....	368
182-модда. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш .....	373
183-модда. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш .....	384
184-модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш .....	392
184'-модда. Бюджет интизомини бузиш .....	400
185-модда. Қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш .....	411
185'-модда. Рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш .....	412
185 <sup>2</sup> -модда. Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	414
<b>XIII боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар .....</b>	<b>417</b>
186-модда. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш .....	417
186'-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш .....	419

187-модда. Харидор ёки буюртмачиларни алдаш .....	420
188-модда. Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш .....	420
189-модда. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш .....	426
190-модда. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш .....	428
191-модда. Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш .....	431
192-модда. Рақобатчини обрўсизлантириш .....	436

### ТҲРТИНЧИ БЎЛИМ

#### ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

<b>XIV боб. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар .....</b>	<b>439</b>
193-модда. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш .....	439
194-модда. Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш .....	443
195-модда. Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик .....	448
196-модда. Атроф-табиий муҳитни ифлослантириш .....	450
197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш .....	453
198-модда. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш .....	457
199-модда. Ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш .....	462
200-модда. Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш .....	465
201-модда. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалادا бўлиш қоидаларини бузиш .....	468
202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш .....	472
203-модда. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш .....	480
204-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш .....	484

### БЕШИНЧИ БЎЛИМ

#### ҲОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

<b>XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар .....</b>	<b>488</b>
205-модда. Ҳоқимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш .....	491

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш .....	502
207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш .....	505
208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги .....	510
209-модда. Мансаб сохтакорлиги .....	511
210-модда. Пора олиш .....	516
211-модда. Пора бериш .....	528
212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш .....	532
213-модда. Хизматчини пора эвазига оғдириш .....	536
214-модда. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш .....	542
215-модда. Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш .....	546
216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш .....	552
216 <sup>1</sup> -модда. Файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш .....	556
216 <sup>2</sup> -модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш .....	559
217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш .....	565
218-модда. Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш .....	570
219-модда. Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш .....	573
220-модда. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар .....	580
221-модда. Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик .....	585
222-модда. Қамоқдан ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш .....	587
223-модда. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш .....	589
224-модда. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш .....	595
225-модда. Ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш .....	601
226-модда. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш .....	609
227-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш .....	613
228-модда. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш .....	618
228 <sup>1</sup> -модда. Давлат проба тамгаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	623
229-модда. Ўзбошимчалик .....	625

229 <sup>1</sup> - <i>модда</i> . Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш .....	628
229 <sup>2</sup> - <i>модда</i> . Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш .....	629
<b>XVI боб. Одил судловга қарши жиноятлар .....</b>	<b>631</b>
230- <i>модда</i> . Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш .....	631
231- <i>модда</i> . Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш .....	634
232- <i>модда</i> . Суд қарорини бажармаслик .....	638
233- <i>модда</i> . Банд солинган мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш .....	640
234- <i>модда</i> . Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш .....	643
235- <i>модда</i> . Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш .....	650
236- <i>модда</i> . Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш .....	661
237- <i>модда</i> . Ёлгон хабар бериш .....	665
238- <i>модда</i> . Ёлгон гувоҳлик бериш .....	667
239- <i>модда</i> . Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш .....	674
240- <i>модда</i> . Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши .....	676
241- <i>модда</i> . Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш ....	678

### ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

#### ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

<b>XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар .....</b>	<b>682</b>
242- <i>модда</i> . Жиноий уюшма ташкил этиш .....	682
243- <i>модда</i> . Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) .....	687
244- <i>модда</i> . Оммавий тартибсизликлар .....	689
244 <sup>1</sup> - <i>модда</i> . Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш ...	691
244 <sup>2</sup> - <i>модда</i> . Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш .....	694
244 <sup>3</sup> - <i>модда</i> . Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш .....	696

245-модда.	Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш .....	700
246-модда.	Контрабанда .....	702
247-модда.	Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш .....	706
248-модда.	Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш .....	710
249-модда.	Ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни бепарволик билан сақлаш .....	714
250-модда.	Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	715
251-модда.	Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш .....	717
251'-модда.	Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш .....	723
252-модда.	Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш .....	728
253-модда.	Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	730
254-модда.	Радиоактив моддалардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш .....	733
255-модда.	Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	735
255'-модда.	Бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш .....	736
256-модда.	Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш .....	738
257-модда.	Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш .....	740
257'-модда.	Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш .....	741
258-модда.	Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш .....	743
259-модда.	Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш .....	744

**XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар .....** 746

260-модда.	Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш .....	746
261-модда.	Маст ҳолдаги шахсининг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш .....	754
262-модда.	Транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш .....	756

263-модда.	Темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш .....	761
264-модда.	Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш .....	764
265-модда.	Халқаро учиш қоидаларини бузиш .....	768
266-модда.	Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш .....	771
267-модда.	Транспорт воситасини олиб қочиш .....	778
268-модда.	Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш .....	782
269-модда.	Автомобил йўлларида фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш .....	785
<b>XIX боб. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар .....</b>		<b>787</b>
270-модда.	Тақиқланган экинларни етиштириш .....	787
271-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш .....	793
272-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш .....	797
273-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш .....	798
274-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш .....	804
275-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	809
276-модда.	Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар ....	811
<b>XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар .....</b>		<b>814</b>
277-модда.	Безорилик .....	814
278-модда.	Қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш .....	823

### ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

### ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

<b>XXI боб. Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар .....</b>		<b>824</b>
279-модда.	Бўйсунмаслик .....	824
280-модда.	Бўйруқни бажармаслик .....	831

281-модда. Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш .....	831
282-модда. Бошлиқни кўрқитиш .....	835
283-модда. Баданга шикаст етказиш .....	836
284-модда. Бўйсунувчининг ўз бошлиғини ёки бошлиқнинг ўзига бўйсунувчини ҳақорат қилиши .....	839
285-модда. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш .....	841
286-модда. Мародёрлик .....	846
<b>XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар .....</b>	<b>848</b>
287-модда. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш .....	848
288-модда. Дезертирлик .....	853
289-модда. Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиш .....	856
290-модда. Ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш .....	858
291-модда. Қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш .....	862
292-модда. Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш .....	868
293-модда. Жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш .....	870
294-модда. Чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш .....	872
<b>XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар .....</b>	<b>874</b>
295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш .....	874
296-модда. Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш .....	877
297-модда. Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш .....	879
298-модда. Машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш .....	885
299-модда. Учинг ёки учишга тайёргарлик кўриш қоидаларини бузиш .....	890
300-модда. Кемани бошқариш қоидаларини бузиш .....	892
<b>XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари .....</b>	<b>895</b>
301-модда. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги .....	895
302-модда. Хизматда совуққонлик билан қараш .....	900



**Р92 Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси  
Жиноят кодексига шарҳлар (Махсус қисм).**  
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири,  
биринчи даражали адлия маслаҳатчиси  
Б.М. Мустафоевнинг умумий таҳрири  
остида). Т.: «ILM ZIYO», 2006,—912 б.

ВВК 67.408

МИРЗАЮСУФ ХАКИМОВИЧ РУСТАМБОЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА  
Ш А Р Ҳ Л А Р  
МАХСУС ҚИСМ**

Тошкент — «ILM ZIYO» — 2006

Нашр учун масъул *Б. Аҳроров*  
Муҳаррирлар *И. Усмонов, Н. Усмонова*  
Рассом *Ш. Қаҳҳоров*  
Техник муҳаррир *Ф. Самадов*  
Мусаҳҳих *А. Муҳамедова*

2006 йил 21 сентябрда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.  
«Таймс» ҳарфида теришиб, офсет усулида чоп этилди. Босма  
табоғи 57,0. Нашр табоғи 56,0. 10000 нусха. Буюртма № 28.  
Баҳоси шартнома асосида

«ILM ZIYO» нашриёт уйи, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Шартнома № 50—2006.

“Yangiyul poligraph service” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР

МАХСУС  
ҚИСМ